

t.me/pottermanlar

Буюк Британиялик болалар ёзувчиси Жоанна Кэтлин Роулинг қаламига мансуб етти қисмли «Гарри Поттер» асарининг ўзбек тилига ўгирилган матни расмий таржима саналмайди.

Асар матни таржимон томонидан ихтиёрий равишда, таржимага оид ҳеч қандай буюртма олмаган ва бирор-бир шаклдаги моддий манфаат кўзламаган тарзда ўгирилган. Муаллифлик ҳуқуқига ҳурмат билан қарашга даъват этилган ҳолда маълум қилинадики, таржима матни фақат ўқиб чиқиш учунгина мўлжалланган бўлиб, унинг моддий манфаат ва тижорат мақсадларида ҳар қандай кўринишда тарқатилиши қатъиян ман этилади.

Марҳамат, қадрли китобхон, ўқинг ва завқланинг!

Таржимон Шокир Зокирович Долимов

Admin: [@Sarvarbek9777](https://t.me/Sarvarbek9777)

ГАРРИ ПОТТЕР ВА АЖАЛ ТУҲФАЛАРИ

БИРИНЧИ БОБ. ЁВУЗ ЛОРДНИНГ ЮКСАЛИШИ

Ой ёритган тор сўқмоқда катта ёшли икки киши ғойибдан пайдо бўлиб, сеҳрли таёқчаларини бир-бирига ўқтаганча, маълум вақт тек қотди. Бир-бирини танигач, таёқчаларини ички киссага яшириб, узун ридоларини ҳилпиратганча, иккаласи ҳам бир томон йўл олди.

- Қандай янгиликлар бор?

- Бор хушхабар, - ғудуллади Снегг.

Сўқмоқнинг чап томонида ёввойи парманчак паст ўсган бўлса, ўнг томонида батартиб буталаб текисланган маданийлаштирилган парманчакдан ҳосил қилинган яшил девор қад кўтарган.

Ой ёғдусини парчалаб бузган шох-шабба кўланкаси иккаласининг юзини дам тўсиб, дам очмоқда.

- Кеч қолдим шекилли, - деди Яксли, - Иш кутилгандан қийин кўчди. Лекин умид қиламан-ки, мамнун қолади. Нима деб ўйлайсан, ҳаммаси яхши бўладими?

Снегг бош ирғиб қўйди-ю, ҳиссиётга берилиб ўтирмади.

Иккаласи ўнгга, кенг кўча томон бурилиб, болғалаб ясалган металл дарвоза рўпарасида тўхтади ва турган жойида қилт этмай, саломлашган каби қўлини кўтарганча, дарвозадан, худди металл тўсиқ эмас тутун парда орқали ўтган сингари ўтди.

Игнабаргли буталар уларнинг оёқ товушини пастлатди. Ўнг томонда дафъатан эшитилган шитир-шитирдан чўчиб кетган Яксли сеҳрли таёқчасини чиқариб, Снеггнинг боши узра кутилмаган товуш томон ўқтади. Қоронғида товуснинг қордай оппоқ нари кўринди.

- Люциус чиройли яшашни билади, - истехзоли кулди Яксли, таёқчасини ридонинг ички киссасига яшириб, - Қаранг-а, товус!

Тўғри кетган йўл ҳашаматли, деразалари ромб шаклидаги безак касб этганча ёришаётган иморатга бориб тақалди.

Зулмат қамраган боғ қаъридан фаввора шовқини эшитилмоқда. Оёғи остида майда шағал ғарчиллаган Снегг, ҳеч ким кўринмаса-да, яқин бориши ҳамано ўзидан ўзи ланг

очилган эшик томон Яксли билан бирга одимлади. Хира ёритилган катта даҳлиз боёна безатилган бўлиб, тош ётқизилган полнинг аксарият қисмига жуда чиройли гилам тўшалган. Портретлардаги рангпар одамлар нигоҳи, аста ўтиб бораётган Снегг билан Якслини диққат билан кузатмоқда. Икковлон кейинги хонага олиб кирадиган йирик ёғоч эшик олдида тўхтади. Бироз тургач, Снегг ниҳоят бронза дастага қўл узатди.

Ичкарида узун стол атрофида кўпчилик тўпланган бўлиб, ҳамма сукут сақлаб ўтирибди. Хона мебели жойидан сурилиб, деворга тақалган. Устига тилла суви юритилган кўзгу маҳкамланган кўркам мрамор плита остида гувиллаб ёнаётган олов ягона ёруғлик манбаи сифатида хизмат ўтамоқда.

Кўзи нимқоронғиликка мослашаётган Снегг билан Яксли остонада, хусусан, хона манзарасининг ғалати қисми, у ҳам бўлса, кўзга кўринмас арқон воситасида оёғи осмондан осилиб, аста айланаётган, акси камин устидаги кўзгу ва жилов берилган стол сиртида кўринаётган ҳушсиз одам рўпарасида тўхтаб қолишди. Осиб қўйилган аёлга рангпар йигитчадан ташқари, ҳеч ким эътибор қилгани ҳам йўқ. Унинг остида ўтирган йигитча ҳушсиз асирага ҳар дақиқа қараб-қараб қўймоқда.

Узун столнинг нариги бошидан баланд эшитилган тиниқ овоз янгради:

- Иккалангиз деярли кечикдингиз.

Камин олови овоз соҳибининг ортида ёришаётгани боис, остонада турган Яксли билан Снеггнинг кўзига унинг шарпаси кўринди холос. Яқинроқ боришгач, бошида бирор тола туки бўлмаган, бурун катаклари ўрнига бир жуфт тор ёриқ ҳосил бўлган, қорачиқлари тик тушган бир жуфт кўзи қип-қизил тус бериб ярқираётган, рангида оз бўлса ҳам, қон бўлмагани боис, дурдай ялтираётган ва нимаси биландир илонни эслатадиган башарани кўришди.

- Северус, сен бу ёққа ўтир, - деди Вольдеморт, ўнг қўли томонидаги бўш ўринни кўрсатиб, - Сен эса, Яксли...

Долоховнинг ёнига жойлаш.

Таклиф этилганлар ўз жойини эгаллади. Кўпчилик Снегг томон юзланди.

- Хўш? - биринчи бўлиб мурожаат қилди унга Вольдеморт.
- Қақнус Орденининг режасига мувофиқ Гарри Поттер ҳозирги хавфсиз жойидан келаси шанба куни тунда олиб кетилади.

Стол атрофида ўтирганлар бироз жонланди. Айримлар зўриқиб, бошқалар ташвишга тушиб Снегг билан Вольдемортга кўз тикишди.

- Шанба куни... тунда, - такрорлади Вольдеморт.

У ўзининг қип-қизил кўзини Снеггнинг қоп-қора кўзига яшин тезлигида олиб ўтар экан, айримлар, унинг нигоҳига рўбару бўлмаслик учун тескари ўгирилиб олишди. Бироқ Снегг Ёвуз Лорднинг кўзига хотиржам қараб ўтираверди. Бир неча сония ўтгач, Вольдемортнинг лабсиз юзини табассумга ўхшаш алланима буриштирди.

- Яхши. Жуда яхши. Ва бу маълумот...

- Иккаламиз билган манбадан олинган, - деди Снегг. Яксли олдинга энгашиб, узун стол орқали Снегг билан Вольдемортга қаради.

- Соҳиб.

Ҳамманинг нигоҳи Якслига ўтди.

- Соҳиб, мен бошқача гап эшитдим.

Яксли бироз кутди. Вольдемортдан садо чиқмагач, фикрини давом этди.

- Давлиш исмли аврорнинг айтишича, бу оининг ўттизинчи санасигача, яъни бола ўн етти ёшга тўлгунга қадар, уни ҳеч ким ҳеч қаерга олиб ўтмайди.

- Режага кўра, ҳар хил сохта маълумотлар тарқатилади, деган эди, мен айтган манба, - иржайди Снегг, - Бу ўша миш-миш гаплардан бири бўлса керак. Шубҳа йўқ-ки, Давлишга нисбатан Чалғитиш афсунни қўлланилган. Ва таъкидлаб ўтмоқ жоизки, бу ҳолат биринчи марта такрорланиши эмас. Унинг ҳаддан ортиқ таъсирчан эканлиги кўпчиликка маълум.

- Ишонтириб айтаман-ки, соҳиб, Давлиш ўз мулоҳазасини жуда аниқ ва тиниқ баён этди.

- Бундай афсун қўлланилганидан кейин, киши аниқ ва тиниқ гапириши табиий, - деди Снегг, - Сени ҳам ишонтириб айтаман-ки, Яксли, аврорлар қароргоҳи Гарри Поттерни муҳофаза қилиш масаласида энди ҳеч қандай роль ўйнамайди. Негаки, биз вазирликни эгаллаганимизга Қақнус

Ордени комил ишонч ҳосил қилиб бўлган.

- Лоақал шу нарсани фаҳмлабди-ку, ўша Орден, а? - деди Якслига яқин ўтирган киши, хириллаган овоз-ла кулган бўлиб.

Бошқалар ҳам енгил кулиб қўйишди. Ёлғиз Вольдемортгина кулмади. У нигоҳини ҳавода муаллақ осилиб турган аёлга қаратганча, чуқур ўйга толди.

- Соҳиб, - давом этди Яксли, - Давлишнинг сўзларига қараганда, болани кўчириб ўтиш тадбирига аврорларнинг жамики шахсий таркиби жалб этилади...

Вольдеморт бўздай қўлини кўтарган эди ҳам-ки, Яксли, Снегг томон юзланган Вольдемортни диққат билан кузатганча, унини ўчирди.

- Болани қаерга яширади улар?

- Орден аъзоларидан бирининг уйига, - жавоб берди Снегг, - Агар ахборотнинг мен айтган манбасига ишонадиган бўлсак, ўша ҳудуд Орден билан вазирлик қодир бўлган жамики қўриқлаш тури ила муҳофаза қилинади. Болани у ерда қўлга киритиб бўлмайди, агар вазирлик келаси шанбага қадар таслим бўлмаса, албатта. Шунда биз, муҳофазанинг айрим турларидан хабар топиб, уларни бартараф этган бўлар эдик.

- Хўш, Яксли? Таслим бўладими, вазирлик, келаси шанбага қадар? - сўради Вольдеморт, столнинг нариги бошига мурожаат қилиб.

Энди ҳамма Яксли томон ўгирилди.

- Соҳиб, бу масалада яхшигина хушxabар бор, - қад ростлади Яксли, - Қийин кечган бўлса-да, Пиус Тикнессга нисбатан Қарам қилиш қарғишини қўллаш олдим.

Якслининг атрофида ўтирганлар ҳаяжон-ла қўзғалишди, эгри юзи узун Долохов эса Якслининг елкасига қўл ташлаб, қоқиб қўйди.

- Бошланиши чакки эмас, - деди Вольдеморт, - Бироқ Тикнесс дегани фақат бир киши дегани. Менинг ҳаракатларим бошланишидан олдин Скримжни бизга хизмат қилаётган одамлар қуршаб олиши шарт. Вазирнинг ҳаётига уюштирилган муваффақиятсиз суиқасд, жамики саъй-ҳаракатларимизни чиппакка чиқаради.

- Ҳа, соҳиб... шундай. Агар билсангиз, Сеҳрли қонун қабул қилиш бўлими бошлиғи Тикнесс нафақат вазир, балки

вазирликнинг бошқа бўлим ва бўлинма бошлиқларининг ҳаммаси билан бевосита мулоқотда бўлади. Шундай муҳим амалдор шахс бизнинг назоратимиз остида экан, ўйлайманки, бошқаларни ҳам осонликча ўзимизга қарам қила оламиз ва кўп ўтмай, Скримжнинг ағдарилишига эришамиз.

- Дўстимиз Тикнесс қолганларни биз томон ўтказгунча фош этилмайди, - деди Вольдеморт, - Ҳар қандай ҳолатда ҳам афтидан, вазирлик, келаси шанбага қадар менинг тасарруфимга ўтиши эҳтимолдан анча йироқ. Модомики, болага, у яширинадиган янги жойда етиша олмас эканмиз, демак кўчиб ўтаётганида, йўлда йўқ қилишимиз керак бўлади уни.

- Ушбу масалада қўлимиз баланд келадиган вазият юзага келган, соҳиб, - деди Якли, фикри маъқул топилишига ошиқиб, - Сехрли йўллар департаменти бўлимида фаолият юритаётган бир неча киши энди биз томонда. Агар Поттер ҳавода даф бўладиган ёки саёҳат тармоғидан фойдаланадиган бўлса, шу заҳоти хабардор бўламиз.

- У амалдан ҳам, бу амалдан ҳам фойдаланмайди у, - деди Снегг, - Орден вазирлик томонидан бошқариладиган ҳар қандай транспорт турини четлаб ўтмоқда, вазирлик билан боғлиқ ҳар қандай нарсага ишонч билдирмай қўйган. Вольдеморт ҳавода айланаётган танага боз тикилди.

- Боланинг ғамини ўзим ейман. Гарри Поттер билан боғлиқ жуда кўплаб хатоликларга йўл қўйилди. Улардан айримларига шахсан ўзим айбдорман. Ўша Поттер деганлари ўз муваффақиятлари шарофатига эмас, менинг хатоларим ҳисобига ҳамон нафас олмоқда.

Хонада ўтирган ҳар бир киши унинг хатоси туфайлигина Поттер ҳанузгача омон юрганини ўйлаб, даҳшатга тушар эди. Энди эса улар Вольдемортга ҳайрат-ла боқишмоқда. Бироқ муаллақ осилган танадан кўзини узмай ўтирган Вольдеморт хонада ўтирганларнинг бирортаси билан эмас, ўзи билан ўзи гаплашмоқда.

- Бепарво бўлганман ва шу боис, беназир тузилган режаларимнинг бари барбод бўлиб келган. Ҳаммасини тушундим. Илгари тушунмаган нарсаларни энди тушундим. Гарри Поттернинг қотили ўзим бўлишим керак. Шундай экан, уни шахсан ўзим ўлдираман.

Ушбу гапга жавобан янграган каби, кутилмаган айюҳаннос, оғриқ азобидан инграш товуши эшитилди. Стол атрофида йиғилганларнинг аксарияти сесканиб, овоз худди оёқ остидан чиққандек, беихтиёр пастга, стол тагига қараб қўйди.

- Чувалчангдум, - деди, аста айланаётган танадан кўзини узмаган Вольдеморт овозини кўтармай, - Асиримизни тинчитиб қўйишни илтимос қилган эдим шекилли, сендан? Ўрта қаторда ўтирган, бўйи пастлигидан бир қараганда ўрни бўшдай кўринган митти одамнинг йиғламсираган овози эшитилди:

- Ҳа, соҳиб... ҳозир, соҳиб.

Чувалчангдум баланд креслодан бир амаллаб тушиб, қўлидан кумуш тусда ёғду таратганча, хонани тарк этди.

- Илгари айтганимдек, - давом этди Вольдеморт, ўз издошларининг хавотирдан зўриққан юзларига қараб, - Гарри Поттерни ўлдиришдан олдин бирортангизнинг сеҳрли таёқчангизни олишим керак.

Одамларнинг юзида, худди улардан бирининг қўли қурбонликка талаб этилаётгани маълум қилинган каби, даҳшат қиёфаси пайдо бўлди.

- Кўнгиллилар йўқми? - сўради Вольдеморт, - Қани, жўяли мулоҳаза юритиб кўрайлик-чи... Люциус. Сен меҳрли таёқча кўтариб юришингдан ортиқча маъни кўрмаяпман.

Кўзи анча ботиб, атрофи қорайган, юзи камин ёруғида шам мумидай кўринаётган Люциус Малфой бошини кўтарди.

- Тушунмадим, соҳиб? - сўради у, овози хириллаб.

- Таёқчангни талаб қиляпман, Люциус, сеҳрли таёқчангни.

- Мен...

Малфой худди ўзидай рангпар бўлиб, олдига тек қараб ўтирган, узун оқ-сарик сочи белига тушган хотини томон ўгирилди. Нарцисса стол остидаги қўлини Люциуснинг билагига қўйди. Малфой қўлини киссасига солиб, сеҳрли таёқчасини чиқарди-да, Вольдемортга узатди.

- Нимадан тайёрланган? - сўради қип-қизил кўзи билан сеҳрли таёқчани ўрганишга киришган Вольдеморт.

- Бужундан, соҳиб.

- Ўзаги?

- Аждар... Аждар юраги.

- Жуда соз, - деди Вольдеморт.

У ўзининг таёқчасини қўлига олиб, иккала таёқча узунлигини солиштириб кўрди.

Люциус олиб қўйилган сеҳрли таёқчаси ўрнига Вольдеморт ўз таёқчасини беришига умид қилди шекилли, беихтиёр қўлини узатди. Буни кўрган Вольдемортнинг кўзи ликопдай катта-катта очилиб кетди.

- Ўз таёқчамни сенга беришим керакми, Люциус? Таёқчамни-я?

Кимдир ҳиринглаб юборди.

- Сени қамоқдан халос қилдим, Люциус. Шунинг ўзи етарли эмасми? Ўзинг ҳам, оиланг ҳам бундан мамнун эмасдай кўринасан. Эҳтимол, уйингни эгаллаб олганимдан хурсанд эмасдирсан, а, Люциус?

- Ҳеч қиси йўқ... Ҳеч қиси йўқ, соҳиб.

- Ғирт ёлғон, Люциус...

Оғзи ҳаракатдан тўхтаган бўлишига қарамай, Вольдеморт майин овоз-ла вишиллаган товуш чиқаришни давом этди. Товуш баланд эшитилиб, стол остида аллақандай оғир нарса ҳаракат бошлаганида эса, сеҳргарларнинг бир-икктаси дағ-дағ титрай бошлади. Йирик илон Вольдемортнинг курсисига ўрмалаб чиқиб, бошини эгасининг елкасига қўйди. Илоннинг бўйни катта одамнинг сонидай йўғон бўлиб, узунлигининг охири кўринмади. Унинг тик тушган кўзи бирон марта бўлсин, пирпирамади. Вольдеморт нигоҳини Люциус Малфойдан узмай, узун бармоқлари билан махлуқ бошини силай бошлади.

- Нима сабабдан Малфойлар ўз қуролдошлари билан бир сафда бўла туриб, бу қадар бахтсиз қиёфа касб этишган? Менинг ҳаётга қайтишим, ҳокимият томон юксалишим, улар орзу қилган кун эмасмиди?

- Орзу қилганмиз албатта, соҳиб, - деди Люциус, тер қоплаган юқори лабини титроқ қўли ила артар экан, - Биз буни истаймиз, жуда орзу қиламиз.

Малфойнинг чап томонида ўтирган хотини Нарцисса бошини билинар-билинемас ирғиб қўйиб, нигоҳини Вольдеморт ва унинг мудҳиш илонидан аста олиб қочди. Ўнг томонида ўтирган ўғли Драко эса ҳавода муаллақ осилган танадан чалғиб, Вольдеморт томон қаради-да, тўқнаш келмаслиги

учун нигоҳини олиб қочди.

- Соҳиб, - сўз олди, сочи тим-қора аёл, - Сизни ўз хонадонимизда қутлаш биз Малфойлар учун буюк шарафдир! Бундан ортиқ бахт бўлиши мумкин эмас!

У сочининг ранги ва қовоғининг йириклиги билан ёнида ўтирган опасидан қандай фарқ қилса, хулқ-атвори билан ҳам шундай ажраб турибди. Нарцисса қилт этмай ўтирган бўлса, Беллатрикс олдинга, Вольдеморт томон энгашиб, нафақат сўз ила яқин бўлишни исташини ифода этмоқчи гўё.

- Бундан ортиқ бахт бўлиши мумкин эмас, - такрорлади Вольдеморт, аёлга назар солар экан, боши бироз четга оғиб, - Сендан бундай сўзларни эшитиш ёқади, Беллатрикс.

Беллатрикснинг юзи яшнаб, кўзи ёшга тўлди.

- Мен фақат ҳақи-рост гапиришни одат қилганимни биласиз, соҳиб.

- Бундан ортиқ бахт бўлиши мумкин эмас... Ҳатто, эшитишимча, оилангизда ўтган ҳафта рўй берган қувончли ҳодисани инобатга олган тақдирда ҳам-а?!

- Нима ҳақда гапираётганингизни билмайман, соҳиб, - деди аёл, чиндан ҳам гап нима тўғрисида кетаётганини тушунмай, оғзини ланг очганча, Вольдемортга бақрайиб.

- Жиянинг ҳақида гапиряпман, Беллатрикс, жиянинг ҳақида. Сизларнинг ҳам жиянингиз бўлади у, Люциус ва Нарцисса. У яқинда Ремус Люпинга, яъни махлуққа айланадиган одамга турмушга чиқди. Сизлар, албатта, бу билан чексиз фахрланасиз, шундайми?

Ўтирганлар хандон отди. Айримлар энгашиб, бир-бирига пурмаъно қараган бўлса, баъзилар стол муштлаб қўйишди. Шовқиндан безовта бўлган илон оғзини катта очиб, дарғазаб вишиллади. Бироқ Беллатрикс билан Малфойлар оиласининг хижолати устидан кулаётган Ўлимдан мириқувчилар илонга эътибор беришмади.

Беллатрикснинг қувончдан ҳозиргигина пушти тус олган юзи қизариб, хунук бўлиб қолди.

- У бизга жиян эмас, соҳиб, - овоз кўтарди у, - Биз, яъни Нарцисса иккаламиз ўша опамиз билан, у маглваччага эрга тегиб кетганидан буён, қариндошлик ришталарини узиб ташлаганмиз.

- Сен-чи, Драко, сен нима дейсан? - сўради Вольдеморт, паст

Бўлса ҳам, сингиб эшитилган овозда, - Бўриваччаларга тоғалик қиласанми?

Шовқин янада кучайди. Драко Малфойнинг даҳшат тўла нигоҳи дастлаб ерга қараб ўтирган отаси сўнг, бош чайқаб қўйиб, рўпарадаги деворга қараганча, қилт этмай ўтирган онаси томон югурди.

- Бўлди, бас, - деди Вольдеморт, илонни тинчлантириш учун бошини силаб.

Қаҳқаҳа шу заҳоти тинди.

- Кўплаб қадимий сулолалар қони вақт ўтиб, бироз бузилган, - деди у, деярли нафас олмай қараб турган Беллатриксга, - Соғ-саломат қолиш учун бироз тозаланиб олиш керак, шундай эмасми? Қолганларнинг соғлигига путур етказадиган ортиқча қариндошлардан қутулишингиз лозим.

- Шундай, соҳиб, - пичирлади Беллатрикс, кўзи қувонч ёшларига боз тўлиб, - Имкон туғилиши ҳамоно, шундай қиламиз!

- Бундай имкон бўлади, - деди Вольдеморт, - Сизнинг оилангизда ҳам, жамики жаҳонда ҳам... чинакам асилзодалар қонини бузадиган нарсаларнинг барини йўқ қиламиз.

Вольдеморт Малфойнинг таёқчасини кўтариб, стол устида жонсиз айланаётган танага ўқтади. Асира аёл жонланиб, кўзга кўринмас арқонларга қарши кураша бошлади.

- Меҳмонимизни танияпсан-ми, Северус? - сўради Вольдеморт.

Снегг боши осилиб тушган аёлга қаради. Худди биров қизиқувчанлик намоён этишга рухсат берган каби, Ўлимдан мириқувчиларнинг бари асирага қаради. Юзи камин томон бурилган аёлнинг қўрқув тўла овози эшитилди:

- Северус, ёрдам беринг!

- Ҳа, бу-ми, танидим.

- Сен-чи, Драко? - сўради илон бошини силаб ўтирган Вольдеморт, осифлиқ аёлнинг боши Драко томон бурилган фурсатда, - Танидинг-ми?

Ҳушига келган аёлга қарашга энди ботина олмаган Драко бошини асабий силтаб қўйди.

- Сен унинг дарсига кирмагансан, шунинг учун танитайсан, - деди Вольдеморт, - Танимаганлар диққатига: бугун Сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактаби «Хогварц»да

Ўқитувчилик қилган Чарити Бёрбэйж ҳузуримизга меҳмон бўлиб келган.

Столнинг ҳар томонидан ҳар хил овозлар эшитила бошланди.

Тиши ўткир, танаси энли аёл кулгандай бўлиб ғағиллади:

- Ҳа, бу профессор Бёрбэйж. Сеҳргар ва афсунгарларнинг фарзандларига Маглшунослик фанидан дарс ўтган... улар биздан мутлақо фарқ қилмаслигини уқтириб келган.

Чарити Бёрбэйж юзи билан боз Снегг томон бурилди.

- Северус... илтимос... ўтинаман сиздан...

- Ўчир овозингни, - деди Вольдеморт, Малфойнинг сеҳрли таёқчани боз силтаб.

Чарити, худди оғзига латта тикилган каби, жим бўлиб қолди.

- Бироқ бу аёл болаларнинг онгини заҳарлаш билангина чекланмади. Ўтган ҳафта профессор Бёрбэйж

маглваччаларни жон-жаҳд ила ҳимоя қилганча «Башорат-у, каромат газетаси»да мақола билан чиққан. Унинг фикрича, ўша билим ва сеҳргарлик маҳорати ўғриларини сеҳргар элатимиз ўз жамиятига қабул қилиши лозим экан. Ушбу аёл маглар ва... махлуқ тусига кирадиган одамлар билан дўстлашишга даъват этган...

Бу сафар ҳеч ким кулмади. Вольдемортнинг сўзлари ўтирганлар орасида даҳшат ва жирканиш ҳиссини уйғотди.

Юзи билан Снегг томон учинчи бор бурилган Чарити Бёрбэйжнинг кўзидан чиққан ёш осилиб тушган сочига оқди. Айланишни давом этар экан Снеггнинг лоқайд нигоҳига рўбару бўлди.

- Авада Кедавра.

Яшил рангли яшин хонани тўлиқ ёритди. Чарити стол устига қулаб тушиб, титраганча, тишини ғичирлатди. Ўлимдан мириқувчиларнинг бир нечтаси ортга чекиниб сурилди.

Драко курсидан сирпаниб, полга йиқилди.

- Кечки овқат, Нагайна, - деди Вольдеморт мулойим овозда. Йирик илон Вольдемортнинг елкасидан столга тушди.

ИККИНЧИ БОБ. АЛЬБУС ДАМБЛДОР ХОТИРАСИГА

Қонаган ўнг қўлини чап қўли билан сиқиб олган Гарри, пичирлаб сўкинганча, ётоқхонасининг кириш эшигини елка билан туртиб очди. Остона ҳатлаб, оёқ остидаги совуқ чой

қуйилган чашкани босиб олди.

- Бу нимаси...

Одамовилар хиёбонидаги 4- уйнинг зинасида ҳеч ким кўринмади. Эҳтимол бу Дудлининг ақлига келган қўпол ҳазилдир? Гарри қонаётган қўлини осилган аҳволда тутиб, бўш қўли билан чашка парчаларини териб олди-да, шундоқ ҳам тўлган чиқинди саватига ташлади. Шундан сўнг ваннахона томон юриб, қўлини жўмрак остига тутди. Киши ғазабини қайнатадиган аҳмоқлик: сеҳр билан шуғуллана олиши учун яна тўрт кун кутиши керак... Лекин Гарри тан олиши керакки, сеҳр билан шуғулланишга ҳақли бўлгани билан бармоғининг кесиб олган жойини бари-бир даволай олмайди. Чунки жароҳатни сеҳр воситасида тuzатиш муолажаларини билмайди. Ўхшаш нарсалар борасида, айниқса, келгуси хатти-ҳаракатлар режасини тузиш жараёнида ўйланар экан, билими ҳали анчагина чала эканлигига кун сайин иқрор бўлиб бормоқда. Гермионадан сўраб олиш керак экан, деган хаёлий қайдлар ҳам анчагина тўпланиб қолган. Гарри газета бўлаги билан чой тўкилган жойни артган бўлди-да, ётоқхонасига кириб, эшикни ичкаридан бекитди.

Эрталабки вақтни Гарри мактаб сандиғини бўшатишдан бошлади. Бу ишни у олти йилдан буён қилмаган. Одатда у, буюмларининг тўртдан уч қисмини чиқариб, сандиқ тубидаги майда-чуйда нарсаларнинг анчасини тегмаган. Улар жумласига эски пат-қаламлар, қўнғиз кўзлари, кичкина бўлиб қолган пайпоқ пойлари киради. Бир неча дақиқа олдин қўлини сандиқ тубига киритиб сўфи бармоғини кесиб олди. Энди у эҳтиёткорона иш тутмоқда. Сандиқ олдида тиз чўкканча турар экан, слизеринчиларнинг ««Хогварц»нинг ҳақиқий чемпионликка даъвогари – Седрик Диггорини қўллаб-қувватланг!», «Поттер – бадбўй» ёзувлари битилган кўкрак нишонларини, эскириб, дарз кетган Офатскоп, ичига Р.А.Б. исмли киши имзолаган ёзув жойланган медальон ва ниҳоят, бармоғини кесиб жароҳат етказган буюм – бир вақтлар чўқинтирган отаси Сириус берган сеҳрли кўзгунинг беш сантиметрли парчасини топди. Гарри кўзгу парчасини бир четга қўйиб, унинг бошқа бўлақларини териб ташлаш мақсадида сандиқ тубини пайпаслади. Аммо чўқинтирган

отасининг сўнги совғасидан, упадай майда уқаланиб, қуёшли кунда ялтираётган қум сингари товланаётган шиша майдасидан ўзга ҳеч нарса топилмади.

Гарри бармоғини кесган қинғир синиқ кўзгу бўлагини қўлига олиб, унда ўз кўзининг яшил аксидан бошқа нарсани кўрмади. Бўлакни каравотда ётган эрталабки «Башорат-у, каромат газетаси»нинг устига ташлаб, сандиқдаги чиқиндиларнинг қолган қисми билан шуғулланганча, синган ушбу кўзгу сирини аниқлай олмагани ҳақидаги хотира ва афсусларни хаёлдан нари қувишга уринди.

Сандиқни охиригача тозалаш, фойдасиз буюмлардан халос бўлиш, қолган нарсаларни эса керак бўлиб қолиши мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган нарсаларга саралаб чиқишга яна бир соат вақт кетди. Мактаб ва Квидиш ридолари, қозон, пергамент ўрамлари, пат-қаламлар ва аксарият дарсликлар хона бурчагига, шу ерда қолдириладиган нарсалар сифатида тахланди. Холаси билан амакиси ушбу нарсаларни нима қилган бўлиши мумкин, деган савол қизиқтириб қолди. Тун ярмида, мудҳиш жиноятнинг ашёвий далиллари сифатида ёқиб юборишса керак. Унинг одатий кийими, кўринмас плаш, дамлама тайёрлаш тўплами, айрим китоблар, Хагрид совға қилган фотосуратлар альбоми, хатлар дастаси ва сеҳрли таёқчаси эски юк халтасига жойланди. Олд киссасига Кафандўз харитаси ва ичига Р.А.Б. исмли киши имзолаган ёзув жойланган медальонни солди. Медальонга бундай жой, унинг қимматли буюм бўлгани учун эмас, аслида у сариқ чақага арзимас нарса бўлса-да, қўлга киритиш йўлида берилган катта қурбонлик учун ажратилди.

Стол устида Гаррининг Дурслар хонадонидида бўлган ҳар бир кунда биттадан етказиб келтирилган газета уюми билан қутб бойқуши Хедвиг қолди.

Гарри ўрнидан туриб яхшилаб керишиб олди-да, стол ёнига бориб газеталарни чиқинди уюмига битта-битта улоқтира бошлади. Хедвиг бу вақтда ўрнидан қилт этмади. Бойқуш афтидан, ё чиндан ҳам ухлапти, ё қафасдан кам чиқаргани учун Гаррига зарда қиляпти.

Газета уюмининг охири кўриниб қолганда Гарри тўхтаб, ёз фаслини ўтказиш учун Одамовилар хиёбонидаги уйга келган илк кунлари олган газета сонини қидира бошлади. Бош

мақолада «Хогварц»нинг маглунослик фани ўқитувчиси Чарити Бёрбэйж тилга олинган эди. Ҳа, мана ўша сони. Гарри курсига астойдил жойлашиб олди-да, ўнинчи саҳифани очиб, қидирган мақоласини такрор ўқишга киришди.

*Альбус Дамблдор хотирасига
Муаллиф Эльфиас Дож*

Мен Альбус Дамблдор билан ўн бир ёшимда, «Хогварц» остонасидан ҳатлаб ўтган биринчи кунимда танишганман. Бошдан ўтган кунларимиз ўхшаш бўлгани, аниқроқ айтганда, иккаламиз ҳам мактабга радди маърака бўлиб келганимиз – бир-биримизни яхши тушуниб, яқин кўришимизга сабаб бўлган.

Биринчи синфга келиш арафасида аждар сувчечагига гирифтор бўлган эдим. Яшил ғуддача босган юзим, ҳатто тузалиб кетганимдан кейин ҳам, кўпчиликни мендан нари юришга мажбур қилган. Альбуснинг номига эса мактабга бироз доғ тушган.

Биринчи синфга келишидан бир йил олдин, унинг отаси Персиваль ёш магларнинг уч нафарини шафқатсиз калтаклаганида айбланган. Альбус Азкабанга қамалган отасининг жиноятини рад этишга уринмади ҳам, аксинча, бу ҳақда ўзидан сўрашга журъат этганимда, отасининг айбидан бохабар эканлигини айтди. Бошқа ғамгин нарсалар ҳақида эса, айримлар ҳатто мажбур қилишга уринган бўлишига қарамай, гапиришдан бош тортиб юрди.

Дарҳақиқат, баъзилар уни, маглардан, худди отаси каби нафратланадиган одам сифатида кўрган. Лекин улар қаттиқ янглишган. Альбусни яхши таниган ҳар қандай киши, унинг магларга нисбатан ҳеч қандай хусумати бўлмаган дея олиши мумкин. Аксинча, маглар ҳуқуқини қўллаб-қувватлагани учун, унга нисбатан адоват руҳида юрганлар сони ошган.

Биринчи синфда таҳсил кўра бошлаганига бир неча ой бўлар-бўлмас, Альбус ўз шуҳрати ила отасининг ёмон отлиқ номини хиралаштирди. Ўқув йилининг охирида эса одамлар уни маглардан нафратланадиган кишининг боласи сифатида эмас, балки мактаб тарихидаги энг иқтидорли ўқувчилардан

бири сифатида тан олишди. У билан дўст тутинган одамларнинг омади чопди: кўп нарсаларни ўрганиб, ёрдамидан баҳраманд бўлишди. Ўша даврда билимга чанқоқ, ўқишга қизиқиши катта бўлгани ҳақида вақт ўтиб, менга иқрор бўлган.

У мактабда қўлга киритиш мумкин бўлган совринларнинг барига сазовор бўлибгина қолмай, буюк алхимёгар Николас Фламель, ажойиб тарихчи Батильда Бэгшот ва сеҳргарлик назариётчиси Адальберт Уолфлинг билан бевосита мулоқотда бўлди. Унинг бир нечта илк илмий ишлари Қиёфа алмаштиришнинг бугунги ютуқлари, Афсун воситасида синовлар, Амалиётда қўлланилаётган дамламалар каби газета ва журналларда чоп этилди. Кейинчалик Дамблдорнинг юксалиши ёруғлик тезлигидай кечиб, сеҳргарлик вазири лавозимини эгаллаши муқаррар масала бўлиб қолди. Гарчи одамлар, ушбу тахминни тез-тез башорат қилиб боришган бўлса-да, Дамблдорда вазирликка хос истеъдод бўлмаган, вазирлик курсисини эгаллашга интилиши ҳеч қачон кузатилмаган.

«Хогварц» остонасини ҳатлаб ўтган кунимиздан уч йил ўтгач, мактабга Альбуснинг укаси Аберфорс келди. Ака-укалар бир-бирига ўхшамас эди. Аберфорс китоб ўқишни ёқтирмас, мунозарали масалани мулоҳазали суҳбат тарзида эмас дуэль воситасида ҳал этишни афзал кўрар эди. Кўпчилик ака-ука Дамблдорлар орасида дўстона муносабат бўлмаган дея олади. Альбуснинг соясида яшаш Аберфорсга малол келган. Альбус иккаламиз мактабни тамомлагач, ўша даврда удум бўлгани каби, касбий фаолият айириб юборгунга қадар дунёни айланиб чиқиш, хорижий сеҳргарлар билан танишишга аҳд қилдик. Минг афсуски, Дамблдорлар оиласида бахтсизлик рўй берди. Альбуснинг онаси Кендра тўнғич ўғлини оила боши сифатида қолдириб, фоний дунёни тарк этди. Кендра билан видолашиш мақсадида сафаримни кейинга суриб, дафн маросимидан сўнг йўлга чиқдим. Қарамоғида укаси билан синглиси қолган Альбус, табиийки, менга ҳамроҳ бўла олмади.

Мулоқотимиз тобора қисқариб борди. Мен Альбусга Грециядаги уч бошли ўтсочар ҳайвонлар-у, Миср алхимёгарларининг тажрибалари каби, кўрган-билган барча

мўъжизаларимни тавсифлаб бордим. Унинг жавоблари эса Альбусдек истеъдодли сеҳргар учун зерикарли бўлмиш кундалик оилавий ҳаёт ҳақида сўзлар эди. Вақт ўтиб, Дамблдорлар оиласининг бошига яна бир бахтсизлик тушгани, Альбуснинг синглиси Ариана ҳам вафот этганидан хабар топдим.

Соғлиги шундоқ ҳам яхши бўлмаган синглисини онасининг вафоти эзиб юборган. Мен ва Альбусга яқин бўлган одамлар, унинг табиатига синглиси Ариананинг ўлими ва ака сифатида зиммасидаги жавобгарлик масъулияти (гарчи у, табиийки, сингилнинг ўлимида айбдор бўлмаса-да) қаттиқ таъсир ўтказган деб биламиз.

Уйга қайтиб, қаршимда турган дўстимни, аксарият қарияларга нисбатан кўпроқ нарсаларни бошдан кечирган йигит сифатида топдим. Альбус энди илгаригидек хушчақчақ эмас эди. Сингилнинг ўлими ака-укаларни бир-биридан баттар узоқлаштирди. Вақт ўтиб, иккаласининг орасида оила даражасида яқин бўлмаса-да, ҳар қалай илиқ муносабат тикланди. Шундай бўлса ҳам, Альбус ўз ота-онаси ёки синглиси Ариана ҳақида камдан-кам гапирар, дўстлари эса уларни тилга олишмас эди.

Альбуснинг ўша кунлардан кейин кўрсатган хизматлари ҳақида бироз тўхталиб ўтаман. Дамблдор аждар қонидан фойдаланишнинг ўн икки усулини кашф этган. Кўплаб илмий ишлари ила сеҳргарлар элатининг билимини ошириш масаласига улкан ҳисса қўша билган. Альбус сеҳргарлар жамиятининг келгуси авлодига кўп нарсалар қолдирди, унинг ҳайратомуз оқиллиги эса Оқил Суднинг сеҳргар мудири лавозимида намоён бўлди. Бироқ мен бошқа нарсани, у ҳам бўлса, Дамблдор 1945 йили ёвуз сеҳргар Гриндельвальд устидан ғалаба қозонганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Иккаласининг дуэлини кўрган одамлар, қудратли сеҳр жангини кўриб ҳис этган туйғуларини даҳшат-ла ва айни вақтда қойил қолган ҳолда ҳикоя қилиб беришган. Дамблдорнинг ўша ғалабаси ва ғалабадан кейин қўлга киритган натижалар аҳамияти сеҳргарлар жамиятининг ҳаётида рўй берган туб бурилишга, мисол учун Сеҳргарлик фаолиятини сир тутиш тўғрисидаги халқаро битимнинг имзоланиши ёки Ўзингиз-Биласиз-

Кимнинг ҳокимиятдан қулашига тенглаштирилади. Дамблдор ҳеч қачон ҳар қандай киши табиатида, уни қадрлашга муносиб, одамларнинг кўзига кўринмайдиган жиҳатларни топа билиш қобилияти ила мақтанмаган. Лекин оилавий йўқотишлар ўзининг табиатида одамийлик фазилатлари ва ҳамдардлик қобилияти кучли ривожланишига туртки бўлди. Альбус Дамблдор ва унинг дўстлиги менга, баён эта билишимдан ҳам кўра кўпроқ етишмаслиги аниқ, лекин менинг ушбу йўқотишим сеҳргарлик оламининг йўқотиши олдида ҳеч гап эмас. Шубҳа йўқ-ки, Дамблдор «Хогварц»нинг илҳом бахш этадиган, энг севимли директори бўлган. У қандай яшаган бўлса, шундай ўлим топди: сўнги нафасигача яхшилик ва эзгулик хизматида бўлди, бир вақтлар аждар сувчечаги билан касаллан болачага қўл узатганда қандай самимий бўлган бўлса, шундай қолди.

Гарри таъзияномани ўқиб тугатган бўлса ҳам кўзини Дамблдорнинг матн ёнига жойлашган суратидан уза олмади. Қариянинг юзида ўша табассум, ярим ой шаклидаги ўша кўзойнак ва ўша-ўша нигоҳ сақланиб қолган. Гаррининг назарида, ҳатто фотосурат орқали ҳам, кўзойнак узра қараётган ушбу нигоҳ кишининг ич-ичини кўриб, бир вақтнинг ўзида ҳам алам азобини, ҳам хижолатни ҳис этишга мажбур қилмоқда.

Шу кунга қадар қарияни жуда яхши ўрганиб чиққанига комил ишонч билдирган Гарри, аслида у ҳақда ҳеч нарса билмаслигини, Дамблдор гўё бир умр оппоқ сочли қария бўлиб юргандай, уни бола ёки ўспирин қиёфасида ҳеч тасаввур этмаганини идрок этди. Германиони калтафаҳм қиз ёки унинг мушуги Маймоқоёқни табиатан одамга хайрихоҳ жонивор сифатида тасаввур этиши қанча қийин кечса, Дамблдорнинг ёш йигитча сифатида гавдаланиши шунча мушкул кечди.

Эслаб кўрса, ўтмиши ҳақида сўзлаб беришни Дамблдордан илтимос қилишни Гарри хаёлига ҳам келтирмаган, Гриндельвальд билан ўтган ўша афсонавий дуэли ёки сеҳргарлик соҳасидаги машҳур ихтиролари ҳақида, ақлга тўғри келмаса-да, бирон марта бўлсин, сўрамаган экан.

Иккаласи доимо муҳокама қилган мавзу фақат Гарри бўлган, Гаррининг ўтмиши, Гаррининг келажаги, Гаррининг режалари бўлган. Ҳа, имконият қўлдан кетди, энди Гарри Дамблдордан ўзи ҳақида сўзлаб беришни илтимос қила олмайди. Лекин Гарри Кўнгилдаги орзулар кўзгуси олдида шахсий бир масалани Дамблдордан сўраб билишга улгурган, гарчи қария ўшанда ҳам жавоб беришда қувлик қилган бўлса-да.

Гарри биринчи синфда ўқиб юрган давридаги суҳбатни эслади:

- Сэр... Профессор Дамблдор, Сиздан бир нарсани сўрасам бўладими?

- Албатта, зеро сен бу ишни қилиб бўлдинг, - кулиб боқди Дамблдор, - Лекин яна бирон нарсани сўраб билишинг мумкин.

- Сизга нима кўринади, ушбу кўзгуда?

- Менга-ми? Қўлимда ип-газламадан тўқилган қалингина пайпоқни ушлаб турганим кўринади. Пайпоқнинг кўпи бўлмайди, - тушунтирди Дамблдор, бақрайиб қолган Гаррига, - Мана умримнинг яна бир Рождествоси ўтиб кетди, менга эса ҳеч ким пайпоқ совға қилмади. Негадир ҳамма менга фақат китоб совға қилиш керак деб ўйлайди.

Бир неча дақиқа ўйланиб қолган Гарри «Башорат-у, каромат газетаси»даги ушбу мақолани шартта йиртиб олиб тахлади-да, «Муҳофаза қиладиган амалий сеҳр-жоду ва унинг ёвуз кучларга қарши қўлланилиши» китоблар тўпламининг биринчи жилди ичига жойлади. Газетанинг қолган қисмини чиқиндилар уюмига ташлаб, хонани кўздан кечириб чиқди. Энди хона анча тоза, фақат унинг нариги томонидаги каравот устида «Башорат-у, каромат газетаси»нинг яна бир сони, унинг устида эса кўзгу бўлаги ётибди.

Гарри каравот ёнига келиб, кўзгу бўлагини нари сурди-да, газетани ёзди. Шу бугун эрталаб етказиш хизматининг бойқуши келтирган ушбу газетанинг сарлавҳасига қараб, Вольдеморт ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқлигини кўргач, четга ташлаб қўйган эди. Гаррининг назарида Сеҳргарлик вазирлиги «Башорат-у, каромат газетаси»дан Вольдеморт

ҳақидаги янгиликларни имкон қадар кам беришни талаб этмоқда. Энди эса, ўхшаш маълумот борлигини фаҳмлади. Бош мақоланинг қуйи қисмидаги Дамблдорнинг безовта ҳолатида тушган фотосурати устида сарлавҳа чўзиб ёзилган:

Дамблдор – ҳақиқатми ниҳоят?

Аксарият одамлар томонидан ўз даврининг буюк сеҳргари дея эътироф этилган, ҳеч шубҳасиз зўр истеъдод соҳиби бўлган шахс ҳақида тайёрланган, кўпчиликни хижолатда қолдирадиган ҳикоя келаси ҳафтада чоп этилади. Ҳаммага яхши таниш кумуш соқолли донишманд қиёфасига эга ниқобни ечишга муваффақ бўлган Рита Вритер Дамблдорнинг оғир кечган болалиги, ён бермаган йигитлик даври, кети кўринмаган жанжаллар ва ўзи билан гўрга олиб кетган жамики сирларни тўсган пардани оча билди. Нега у сеҳргарлик вазири лавозимини рад этиб, мактаб директори бўлганча қолишни истади? Қақнус ордени номи ила маълум бўлган махфий ташкилот аслида нимага эришмоқчи? Дамблдор аслида қандай ўлим топди? Санаб ўтилган ушбу масалалар ва кўплаб бошқа саволларга жавобни ҳар қандай кишини эсанкиратиб қўядиган таржимаи ҳол баёнида, хусусан, Рита Вритернинг қаламига мансуб «Альбус Дамблдорнинг ҳаёти ва ёлғони» дея номланган янги ҳикоясида топасиз. Рита Вритернинг газетамиз муҳбири Бэтти Брэтвэйрга истисно тариқасида берган интервьюсини 13- саҳифада ўқинг.

Гарри газетани шиддат-ла варақлаб, 13- саҳифани очди. Мақола матни устида яна бир таниш чеҳра кўринди: газетхонларни ғолибона тиржаётган, кўзига гардиши чиройли кўзойнак таққан жингалак сочли аёл қутламоқда. Суратни эътиборсиз қолдиришга уринган Гарри мутолаани давом этди.

Ижодий фаолиятига тааллуқли мақолалар уйғотадиган таассуротга нисбатан қарайдиган бўлсак, Рита Вритер ҳаётда анча ёқимли аёл экан. У мени шинамгина уйининг даҳлизидида қарши олар экан, бир пиёла иссиқ чой, мазали

торт бўлаги ва паға-паға буғ чиқаётган бир қозон миш-миш гап билан меҳмон қилиш учун ошхонага таклиф қилди.

- Дамблдор – ҳар қандай биографнинг орзусидир, албатта, - гап бошлади Рита Вритер, - Турли туман ҳодисаларга бой узоқ ҳаёт. Ишончим комилки, менинг китобим келгусида ёзиладиган китоблар, ҳа, жуда кўп ёзиладиган китоблар орасида энг биринчиси бўлади.

Рита Вритер ҳали бу қадар тезкорлик намоён этмаган.

Дамблдорнинг сирли ўлимидан тўрт ҳафта ўтар-ўтмас, ижодий маҳсулининг ҳажми тўқсон саҳифадан ошибди. Бу қадар тез ишлашга қандай эришгани билан қизиқдим.

- Журналистика соҳасида мендай катта тажрибага эришсангиз, мақолани мавридида ёзиб битказиш киши табиатининг эҳтиёжига айланиб қолишини биласиз. Дунё сеҳргарлари Дамблдор ҳақида бор гапни билишни исташи кундай равшан. Шундай экан, уларга бундай имкониятни ҳавола эта биладиган биринчи ёзувчи бўлишни истадим. Оқил Суднинг холис маслаҳатчиси, Дамблдорнинг болаликдан қадрдон бўлиб келган дўсти Эльфиас Дожнинг: «Рита Вритер ёзадиган ўша китоб мазмуни шоколад бақа қутиси ичидан топиладиган қоғоз бўлагидаги матн мазмунидан кўп бой бўлмайди», - деганини гап орасида эслатиб ўтган эдим, Рита Вритернинг бошни орқага ташлаб хандон отиш хуружи тутиб қолди.

- Беозор Дожи! Сув париларининг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида ундан олган интервью эсимга тушиб қолди. Қариянинг эси аллақачон оғиб бўлган. Унинг назарида гўё у мен билан бирга Виндермер кўлининг тубига тушган-у, гулмоҳини кузатиб бориш кераклигини эслатиб ўтирди.

- Нима қилганда ҳам Эльфиас Дожнинг баёноти, кўплаб одамларнинг мазмунан ўхшаш даъволаридан биридир. Наҳотки Рита Вритер атиги тўрт ҳафта ичида Альбус Дамблдорнинг узоқ ва сермазмун ҳаётини тўлиқ ёрита олган бўлса?

- Қадрдоним, - яшнаганча жавоб берди аёл, - Галеон тўла ҳамён, «йўқ» жавобини эшитишни истамаслик ва Мулоқот пат-қалами одам ичидаги бор гапни суғуриб чиқариши мумкинлигини мендан кўра яхши билсангиз керак!

Дамблдорнинг устидан бир дунё бўҳтон тўкиш имкониятидан

фойдаланиб қолиш учун одамлар навбатда туришди. Шуниси аниқки, ҳамма ҳам марҳум тўғрисида ижобий фикрда эмас... қария кўпчиликнинг йўлига тўғоноқ бўлган. Лекин Дожи Дож жавлон урмаса ҳам бўлаверади. Чунки мен шундай бир манба билан боғлана олдимки, кўпчилик журналистлар ўзининг сеҳрли таёқчасини берган бўлар эди. Илгари у омма кўзига кўп кўринмаган, лекин ёшликнинг энг оғир йилларида Дамблдорнинг ёнида бўлган.

- Китобингизга бўлган қизиқишнинг катталиги, мутолаа жараёнида китобхонларни нималар кутишини тасаввур қилиш имконини бермоқда. Дамблдорнинг ҳаёти беназир кечган, деб бўлмайди, албатта. Хўш, қанақанги совғалар кутади бизни?

- Қўйсангиз-чи, Бэтти. Китоб сотувга чиққунга қадар унинг тафсилотлари билан ўртоқлашмоқчи эмасман, албатта! - боз хандон отди Вритер, - Аммо олдиндан айтиб қўйишим лозимки, Дамблдорнинг ҳаёти бегуноҳ авлиёнинг ҳаёти каби кечган деган ҳаёлда юрганларнинг ихлоси қайтади.

Айтайлик, унинг Ўзингиз-Биласиз-Ким устидан ғолиб чиқиш истагига ёвуз кучлар устидан муқаддам эришган ғалабалари туртки берган. Йигитлик давридаги тафаккури у қадар кенг бўлмаган. Бир сўз билан айтганда, Альбус Дамблдорнинг ўтмиши жуда қоронғи бўлган. Савдойи оиласи ҳақида-ку, индамай қўяверай, улар ҳақда марҳумнинг ўзи ҳам кўп гапирмасликни афзал билган.

- Дамблдорнинг сеҳр-жодудан номаъқул фойдаланиб, Оқил Судда жанжал кўтарилишига сабабчи бўлган укаси Аберфорс назарда тутилмоқда-да, шундайми? - қизиқдим мен.

- Йўқ. Аслида ўша Аберфорс гўнг уюмининг чўққиси холос, - ўз ўхшатишидан кулди Рита Вритер, - Эчкига муҳаббат изҳор этишга уринган укасини ҳам, маглардан нафратланган отасини ҳам назарда тутганим йўқ. Гарчи, иккала бузуқининг қилмиши юзасидан жинойий тергов тадбирлари ўтказилган бўлса-да. Дамблдорнинг онаси билан сингисини назарда тутмоқдаман. Иккаласи мени жуда қизиқтириб қолди. Улар ҳақда китобимнинг тўққизинчидан ўн иккинчи бобигача ўқийсиз, лекин ўша бобларнинг чоп этилишини бироз кутишга тўғри келади. Дамблдорнинг бурни қандай синганини билгач, таажжубга тушманг, дейишим мумкин

холос.

- Дамблдорлар оиласининг чиркин чойшабини кўчага кўтариб чиққан Рита Вритер Альбус Дамблдорнинг сеҳргарлар олами олдида кўрсатган хизматларини инкор этмас?

- Мияси бутун бўлган, албатта, - деди Вритер, - Гарчи ҳозир кўпчилик, ўша хизматлар чиндан ҳам Дамблдор томонидан кўрсатилгани борасида ўйланиб қолган бўлса-да. Чунончи, китобнинг еттинчи бобида Айвор Диллонсби аждар қонидан фойдаланишнинг саккизта усулини кашф этиб бўлганда, Дамблдор келиб, қоғозларини «вақтинча фойдалангани» олиб кетгани ҳақида айтиб беради.

- Ёвуз сеҳргар Гриндельвальд устидан қозонилган ғалабанинг муҳим аҳамияти-чи?

- Гриндельвальдни эслатиб ўтганингиз яхши бўлди, - деди Вритер, мастона кулиб, - Кишини ҳайратда қолдирадиган ўша ғалабага лаққа тушган китобхонларни... ҳақиқий гўнг бомбаси кутаётганини айтишим мумкин. Жуда чиркин иш. Таъкидлаб ўтишим жоиз-ки, ўша афсонавий жанг ҳақиқатдан ҳам бўлиб ўтганига қатъий ишонч билдириб бўлмайди. Китобимни ўқиб чиққанларнинг аксарияти Гриндельвальд ўзининг сеҳрли таёқчаси билан оппоқ дастрўмол яратиб, ортиқча шовқин кўтармай, ғойиб бўлган, деган хулосага бориши мумкин

Рита Вритер китобда баён этилган мавзулардан бирортасини бўлсин, ёритиб беришдан бош тортгач, ўзаро муносабатлар ҳақида гап очдим.

- Ҳа, - бош ирғиди Вритер, - Поттер билан Дамблдор ўртасидаги муносабатларга китобимнинг бутун бошли бобини бағишладим. Ўта жирканч алоқалар. Илож қанча, буларни билиш учун китобхон асаримни харид қилишга мажбур бўлади. Поттернинг болалиги оғир кечгани сир эмас. Дамблдорнинг ўша болага қизиқиши носоғлом бўлган. Яхшиликка бўлганми бу... кўрасиз.

Рита Вритер Гарри Поттердан Исми-Тилга-Олинмайдиган-Киши мавзусида интервью олиб, чоп этганидан сўнг, бола билан алоқани давом этаётгани билан қизиқдим.

- Табиийки, ўша кундан буён иккаламиз яқиндан мулоқот қилиб борамиз, - жавоб берди Рита Вритер, - Бечора Поттернинг атрофида ҳақиқий дўстлар жуда оз. Мен у билан

ҳаётидаги энг оғир фурсатларидан бирида, яъни Уч сеҳргар беллашувида иштирок этиб қийналаётган кунларида учрашиб, танишганман. Ишонч-ла айтишим мумкинки, бу ёруғ оламда яшаётганлар орасида ҳақиқий Гарри Поттерни биладиган ёлғиз одам мен ўзимман.

- Дамблдорнинг сўнгги дақиқалари ҳақида кўпдан-кўп миш-миш тарқаган. Ажали етган фурсатда Поттер қариянинг ёнида бўлганига Рита Вритер ишонадими?

- Кўп сир очмайман. Ҳаммаси китобда баён этилади.

Дамблдор минорадан тушиб кетгани ёки ўзи сакрагани ёхуд кимдир уни итариб юборганидан сўнг, Поттер ҳодиса жойидан қочганини ўша куни «Хогварц» қасрида бўлган гувоҳлар кўрган. Шундан сўнг у, ўзи учун жирканч санаган одам – Северус Снеггни қотилликда айблаган. Воқеа аслида шундай бўлган-бўлмаганини сеҳргарлар жамияти ҳал қилади... менинг китобимни ўқиб чиққач, албатта.

Интервьюнинг қизиқиш уйғотадиган мана шу жойига келганда, таҳририятимиз меҳмони билан хайрлашаман. Рита Вритер бозоргир китоб ёзганига заррача бўлсин, шубҳа йўқ. Бироқ Дамблдорнинг минглаб мухлислари ўз қаҳрамони ҳақида нималарни ўқиши мумкинлигидан хавфсирамоқда.

Мақолани ўқиб бўлган Гарри саҳифага биров бақрайиб қолди. Сўнг газетани ғазаб-ла ёғимлаб, чиқинди уюмига қарата улоқтирди.

Унда ёзилган айрим сўзлар мясида янграр экан, хонанинг у бурчагидан бу бурчагига тез-тез юра бошлади, нима қилаётганини идрок этмай, яшикларни очиб, ичидан китоб чиқарди: Поттер билан Дамблдор орасидаги муносабатларга китобимнинг бутун бошли бобини бағишладим. Ўта жирканч... ёвуз кучлар устидан муқаддам эришган ғалабалари... шундай бир манба билан боғлана олдимки, кўпчилик журналистлар ўзининг сеҳрли таёқчасини берган бўлар эди...

Деразадан қўшни ҳовли соҳиби майса ўриш қурилмасини ўчириб, осмонга асабий қараб қолгани кўринмоқда.

- Ёлғон ва бўҳтон! - қичқирди Гарри.

Каравотга ўтириб, ўзидан нари сапчиган синиқ кўзгу

бўлагини қўлига олди-да, Дамблдор билан анави Вритернинг бўхтони ҳақида ўйлаганча, тескари ағдарди.

Кутилмаганда оч мовий акс лоп этди. Гарри ўтирган жойида қотиб қолди. Бармоғи яна нотекис синган кўзгу бўлагига тегди. «Кўзимга кўринди», хаёлдан ўтказди у. Орқага қараб, Петуния хола танлаган, киши кўнглини беҳузур қиладиган даражада шафтоли ранг берилган девордан бошқа ҳеч нарсани, яъни кўзгу бўлагига акс этиши мумкин бўлган мовий рангли бирон нарсани кўрмади. Гарри яна кўзгуга қаради. Яшил кўзининг аксидан бошқа нарса йўқ.

Мактабнинг марҳум директорини эслаб ўтиргани боис, кўзига кўринган. Бундан бошқа тушунтириш йўқ. Бу аниқ. Альбус Дамблдорнинг мовий кўзи-ю, киши танасини сингиб ўтадиган ёрқин нигоҳини энди ҳеч қачон кўрмаслиги қанчалик шубҳасиз бўлса, шунчалик аниқ.

УЧИНЧИ БОБ. ДУРСЛЛАРНИНГ КЎЧИБ КЕТИШИ

Уйга кириш эшиги қарсиллаб ёпилиб, ортидан эшитилган «Ҳой, сен!» қичқириғи юқори қаватда акс-садо бўлиб янгради.

Ҳақ олти йил давом этган бундай муомалага кўникиб қолган Гарри Вернон амаки пастга чақираётганини тушунди. Лекин Гарри жавоб бермади. У ҳанузгача кўзгу бўлагига термилиб, унда Дамблдорнинг кўзи бир сонияча акс этгани ҳақида ўйланиб ўтирибди.

- ҲОЙ БОЛА! - боз ўкирди Вернон амаки.

Гарри кўзгу бўлагини ўзи билан олиб юрадиган юк халтасига жойлаб, чиқиш эшиги томон одимлади.

- Имиллайдиган бўлиб қолибсан! - бақирди Вернон Дурсль, зинанинг юқори поғонасида кўринган Гаррига ўқрайиб, - Бу ёққа кел, гаплашиб олишимиз керак.

Гарри иккала қўлини чўнтагига солганча, пастга тушди.

Меҳмонхона эшигидан ичкарига қараб, учала Дурсль шу ерга йиғилганини кўрди. Учаласи ҳам кийиниб, сафарга отланган. Вернон амаки эски костюмини, оқ сариқ сочли, йирик жуссаси сермушак холаваччаси Дудли эса чарм курткасини кийиб олган.

- Эшитаман, нима гап? - сўради Гарри.

- Ўтир! - деди Вернон амаки ва Гаррининг қоши кўтарилиб

кетганини кўриб, башарасини буриштирганча қўшимча қилди: - Илтимос.

Қанақанги суҳбат бўлишини англаб етган Гарри астойдил жойлашиб ўтирди. Амаки хонанинг у бурчагидан бу бурчагига юра кетди, Петуния хола билан Дудли иккаласи эса, кўзини ундан узмай, нигоҳ ила кузатиб ўтиришибди. Ниҳоят, хаёлига келган аллақандай ўй бинафша ранг юзи ташвиш қиёфасини касб этишига сабаб бўлди чоғи, Вернон амаки Гаррининг рўпарасига келиб таққа тўхтади.

- Фикримдан қайтдим, - баёнот қилди у.

- Қандай кутилмаган ҳолат-а! - деди Гарри.

- Бундай оҳангда гапирма... - вайсай бошлади Петуния хола, лекин Вернон амаки уни тўхтатиб қолди.

- Бари бемаъни гап! - деди Вернон амаки, ўзининг чўчқа кўзини Гаррига бақрайтириб, - Бирорта гапингга ишонмайман. Биз ҳеч қаерга кетмаймиз, шу ерда қоламиз. Амакисига қараб ўтирган Гарри бир вақтнинг ўзида ҳам ранж, ҳам қувонч туйғусини ҳис этмоқда. Ўтган тўрт ҳафтанинг ҳар йигирма тўрт соатида Вернон Дурсль ўз қарорларидан такрор ва такрор қайтиб бормоқда.

Нарсаларини дам йиғиштириб, дам яна жой-жойига териб чиқади... аҳдидан қайтиб, яна нарса йиғиштиради.

Қайсидир бир куни Дудли ўз чамадонига бир жуфт гантель солиб қўйган экан. Бундан беҳабар Вернон амаки ўғлининг нарсаларини машинанинг юк бўлмасига жойлашга уриниб, ҳар сафар оёғига туширар ва оғриқ азобига бардош бера олмай, чийиллаганча ҳаммани лаънатлар эди. Гарри эса томоша қилиб ўтирган жойида кулмоқдан қорнини ушлаб қолди.

- Гапингга қараганда, - давом этди Вернон амаки, хона бўйлаб юришни давом этиб, - Бизнинг ҳаётимизга, яъни Петуния, Дудли ва менинг ҳаётимга нисбатан хавф анави... анави...

- «Дўстларим» томонидан солинмоқда, шундайми?

- Ана ўша гапларингдан бирортасига бўлсин, ишонмайман, - деди Вернон амаки, Гаррининг қаршисида боз тўхтаб, - Туни билан ухламай ўйланиб чиқдим ва буларнинг бари уйимизни қўлга киритиб, унга эгалик қилиш режасидир, деган хулосага келдим.

- Уйингизни қўлга киритиш? Қайси уйингизни? - таажжубланди Гарри.

- Мана шу уйни! - овоз кўтарди, пешанасидаги қон томири бўртиб чиққан Вернон амаки, - Бизнинг уйимизни! Бу ерлардаги турар жой нархи доимо баланд юради! Сен бизни жўнатиб юбориб, анави фокусларинг билан уйимизни ўз номингга ўтказиб олмоқчисан...

- Эсингизни еб қўйганмисиз? - сўради Гарри, - Уйни қўлга киритиб, эгалик қилиш режаси? Ростдан ҳам томингиз жилганми, ё ўзингизни жиннига солиб олганмисиз?

- Бас қил бундай оҳангда гаплашишни! - чийиллади Петунья хола, лекин Вернон амаки хотинини яна тўхтатди.

- Эсингиздан чиққан бўлса, ёдингизга солиб қўяй, - деди Гарри, - Чўқинтирган отамдан мерос қолган ўз уйим бор. Бу уйни нима қиламан? Яхши кунлардан эсдалик сифатида оламанми?

Керакли таъсир ўтказилган кўринади, орага сукунат чўкди.

- Демак, гапингга қараганда, - деди Вернон амаки боз ҳаракатини бошлаб, - Аллақандай анави Лорд...

- ... Вольдеморт, - эслатди Гарри, - Ва юз марта тушунтирдим сизларга: бу тахмин эмас, аниқ гап, деб. Бу ҳақда Дамблдор ҳам, Кинсли ҳам, мистер Уэсли ҳам гапирган сизларга...

Гарри Вернон амакининг сесканиб кетганидан катта ёшли икки нафар сеҳргарнинг ташрифини тезроқ унутишни истаётганини англади. Кунлардан бир кун мистер Уэсли Дурсллар меҳмонхонасининг ярмини вайрон қилиб юборгани инобатга олинандиган бўлса, унинг боз пайдо бўлиши, одоб-ла айтганда, Вернон амакини хурсанд қилмайди.

- ... Кинсли билан мистер Уэсли сизларга тушунтириб берган эди, - боз эслатди Гарри, - Ёшим ўн еттига тўлиши ҳамона, ушбу уйни муҳофаза қилаётган сеҳр кучи барҳам топади. Оқибатда сизлар ҳам, худди мен каби, Вольдеморт ҳамла қиладиган нишонга айланасизлар. Орденинг фикрича, Вольдеморт сизларни тутиб олиб, менинг қаердалигимни айтишларингни талаб қилиб ёки гўё сизларни қутқариш мақсадида ўзим қайтишимга умид боғлаб қийноққа солиши мумкин.

Гарри билан Вернон амакининг нигоҳлари тўқнаш келди. Иккаласи ҳам ҳозир айнан бир нарса ҳақида ўйлашаётганига

Гаррининг ишончи комил эди.

- Сизлар бекинишларинг керак, - фикрини давом этди Гарри, Вернон амаки хона бўйлаб юра кетгач, - Орден ушбу масалада сизларга яқиндан ёрдам беради. Сизларга энг яхши муҳофаза ҳавола этилади.

Юришдан тўхтамаган Вернон амаки жавоб бермади. Қуёш Одамовилар хиёбони панжараларининг ортига ўтмоқда.

Қўшнининг майса ўриш қурилмаси яна ўчди.

- Сеҳргарлик вазирлиги бор, деб ўйлар эдим, - деди Вернон амаки.

- Чиндан ҳам бор бундай вазирлик, - таажжубланди Гарри.

- Нега унда ўша идора олмайди бизни ўз ҳимоясига?

Назаримда, бизга ўхшаган айбсиз қурбонлар, пешанасида тамғаси бор жинойтчини бекитишдек гуноҳи ҳисобга олинмаганда, ҳокимият томонидан муҳофаза қилинишига ҳақли бўлиши керак.

Гарри ўзини кулгидан тия олмади. Мавжудлигини ўзи рад этиб, жирканадиган сеҳргарлар олами ҳақида гап кетаётган бўлса ҳам, раҳбариятга таяниш – Вернон амакининг табиатига хос хислатдир.

- Кинсли билан мистер Уэсли нималар деганини ўз қулоғингиз билан эшитдингиз, - жавоб берди Гарри, - Вазирликда зимдан қаршилик кўрсатиш, фикримизча, вазирлик ходимлари Вольдеморт манфаатига ишлаётган ҳолатлар кузатилмоқда

Қора мўйлови ҳурпайиб, мясидаги ўй-хаёллар юзига оч бинафша ранг бераётган Вернон амаки камин олдига тез бориб қайтаётганидан ҳансираб қолди.

- Яхши, - деди у, Гаррининг қаршисида боз тўхтаб, - Яхши. Дейлик, биз ўша Орденнинг ҳимоясига рози бўлдик. Нима учун мени анави Кинсли ҳимоя қилиши мумкин эмаслигини ҳеч тушунмаяпман.

Ушбу саволга ҳам кўп марта жавоб берган Гарри аччиқланиб шифтга қараб қўйди.

- Илгари айтганимдек, - тиш орасидан вишиллаганча тушунтира кетди у, - Кинсли магларнинг вазирини... яъни сизларнинг Бош вазирингизни ҳимоя қилмоқда.

- Худди шундай! Чунки у энг яхши ҳимоячи! - хитоб қилди Вернон амаки, телевизорнинг бўш экранига бармоқ ўқтаб.

Тунов куни янгиликларни кўриб ўтирган Дурсллар касалхонага ташриф буюрган Бош вазирга ҳамроҳлик қилаётган Кинслини таниб қолишди. Ушбу ҳолат, боз устига Кинсли магларнинг кийимини ўхшатиб кийиб юра билиши, дўриллаган вазмин овозидаги комил ишонч оҳанги Вернон амакининг Кинслини бошқа сеҳргарлардан ўзгача кўришига сабаб бўлган. Хайриятки Вернон амаки Кинслининг қулоғига йириккина тилла сирға тақиб юришидан беҳабар.

- Ўзингиз кўрдингиз, у банд, - деди Гарри, - Хестия Жонс билан Дедал Диггл ишга тайёр...

- Уларнинг ҳужжатларини текшириб кўриш...

Сабр-тоқати поёнига етган Гарри шартта ўрнидан турди-да, Вернон амакининг йўлини тўсди.

- Сиз кўрган янгиликлар, яъни анави авариялар, портлашлар, рўй бераётган барча воқеалар шунчаки бахтсиз ҳодисалар эмас, - деди у, телевизорга бармоқ ўқтаб, - Одамлар номнишонсиз йўқолмоқда, айримларининг эса мурдаси топилмоқда. Билиб қўйинг, ўша фожиалар ортида Вольдеморт турибди. Такрор айтаман сизга: у магларни шунчаки, эрмак учун ўлдиради. Ғайриоддий туманни эса дементорлар туширишади. Дементор нима эканлигини унутган бўлсангиз, ўғлингиздан сўранг!

Дудли шу заҳоти иккала қўли билан оғзини тўсиб олди.

Ҳамма унга бақрайди. Бақалоқ қўлини аста тушириб, сўради:

- Ҳали ҳам... борми... улар?

- Борми? - хандон отди Гарри, - Иккаламизга ҳамла қилган бир жуфт дементордан ташқарими? Албатта бор! Юзлаб дементорлар бор. Одамлар орасида юзага келган оммавий даҳшат ва умидсизликка эътибор бериладиган бўлса, уларнинг сони анчагина ошган...

- Бас. Нима демоқчи бўлганингни тушундик, - гапни бўлди Вернон амаки.

ТЎРТИНЧИ БОБ. ЕТТИ НАФАР ПОТТЕР

Дурсллар ўтирган машина катта йўлга чиққач, Гарри зина бўйлаб юқорига, ётоқхонасига югурди. Машинанинг орқа ўриндиғига жойлашган Петуня хола билан Дудлининг ўртасида Дедалнинг қозон шляпаси кўринди. Автомобиль

Одамовилар хиёбонининг охиридаги муюлишга етганда ўннга бурилиб, ойнаси билан лаъл тусда ботаётган қуёшнинг ёрқин нуруни сўнгги бор ярқиратганча, кўздан ғойиб бўлди.

Гарри ғайриоддий тоза хонасига сўнгги бор қараб қўйди-да, пастга, даҳлизга тушиб, қўлидаги Хедвиг қамалган қафас, «Чақмоқ» русумли супурги ва юк халтани зинанинг қуйи поғонаси ёнига жойлади.

Қош қорайиб, даҳлиз йўлаги кўланкага тўлди. Жимжитликда Гаррига, ушбу уйни сўнгги бор тарк этаётгани қандайдир ғалати туюлди. Ёшлигида Дурсллар уни ёлғиз қолдириб, сайрга чиқиб кетишар эди. Ўша ёлғизлик дамлари Гаррига жуда қадрли бўлган. У тамадди қилиб олиш учунгина танаффус қилиб, Дудлининг компьютерини ўйнар ёки бирон-бир қизиқ кўрсатув топиш мақсадида телевизион каналларни биридан бошқасига олиб ўтирар эди. Ҳозир эса худди укаси ёки синглисини йўқотиб қўйгандек, вужудини жуда ғалати ҳафсаласизлик қамраб олди.

- Сўнгги бор топтаб чиқишни истамайсан-ми, бу ерни? - сўради у, бошини қаноти остига суқиб олган Хедвигдан, - Энди бу ерга ҳеч қачон қайтмаймиз. Ҳой, сенга гапиряпман. Наҳотки, ушбу хонадонда бўлиб ўтган ишларни эслаб ўтишни хоҳламасанг? Мана бу гиламчага қара. Қанчадан қанча хотираларни ўзига мужассам этган у... Масалан, Дудли унинг устига қайт қилиб юборган, уни дементорнинг бўсасидан сақлаб қолганимда. Тасаввур қиляпсан-ми, ҳар қалай у мендан миннатдор экан... Ўтган ёзда эса мана бу эшикдан Дамблдор кириб келган...

Дамблдорни эслаган Гарри фикридан чалғиди. Бошини қаноти остидан чиқармай ўтирган Хедвиг эса соҳибининг хаёлини йиғиб бериш учун ҳеч қандай ҳаракат бажармади.

- Мана бу ерда эса, Хедвиг, - давом этди эшикка тескари ўгирилган Гарри, зина остидаги буфет эшигини очиб, - Мен ётар эдим. У вақтда сен йўқ эдинг. Э, Худо, торлигини қара. Ёдимдан кўтарилиб ҳам кетибди...

Гарри ичкарига бош суқиб, эски пойафзал ва соябонларни кўрди. Ҳар куни эрталаб бир-иккита ўргимчак билан бирга уйфонганини эслади. Ўшанда Гарри аслида ким экани, онасига нима қилгани, атрофида аллақандай ғалати ишлар бўлаётганини билмас эди. Лекин шу ерда ётиб қандайдир

Ғалати, тушунарсиз, яшил яшин чақнаган туш кўргани ҳамон эслайди. Кунлардан бир кун эса тушида учар мотоцикл кўрганини айтиб бергани сабабли, ўша пайтда автомобиль бошқариб кетаётган Вернон амаки билан бирга аварияга дуч келишига бир бахя қолган...

Кутилмаганда эшитилган ҳайқириқ қулоқни қоматга келтирди. Гарри кескин кўтарган бошини буфет эшигининг паст кесақисига уриб олди.

Деразадан орқа ҳовлига қараш учун ошхона томон одимлаган Гарри оғриётган бошини ушлаганча Вернон амакидан эшитган сўқинишларнинг бир-икки жуфтани эслаб ўтди. Ҳаво титраб, қоронғилик тебранаётгандай кўринди. Бироздан сўнг, кетма-кет қарс товушлари эшитилиб, танасига қўлланилган тиндириш афсуни ўз кучини йўқотаётган одамлар пайдо бўла бошлади. Кажавали мотоциклни эгарлаган Хагрид, бошидаги шлеми, кўзига тақилган ҳимоя кўзойнаги билан ҳаммадан баланд кўринди. Супургидан тушаётган одамлар унинг ёнига йиғилмоқда. Икки киши териси суягига ёпишган қанотли қора калтакесак-отдан тушди. Захира эшикни катта очган Гарри дўстлар томон ошиқди. Шодиёна қичқириқлар янгради. Рон Германионнинг қучоғига маҳкам сиқилган Гаррининг елкасига уриб-уриб қўйди.

- Ишлар қалай, Гарри? - сўради Хагрид, - Биз билан кетишга тайёрмисан?

- Аллақачон, - деди Гарри, - Лекин мени олиб кетгани шунча одам келишини сира ўйламаган эканман.

- Режага ўзгартириш киритдик, - хириллади иккита катта қоп кўтарган Ўйноқкўз Хмури.

Унинг кўзи тинимсиз айланганча, яқин атрофдаги уйлар ва улар орасидаги йўлакларни ўрганиб чиқмоқда.

- Қани, бирон ерга бекиниб олайлик-чи, то сенга бор гап тушунтириб берилгунча.

Гарри меҳмонларни ичкарига етаклади. Одамлар ошхона курсилари ва мебелнинг Петуния хола артиб ярқиратган бошқа турларига астойдил жойлашиб, гард тегмаган деворларга суяниб олганча, қувноқ суҳбат бошлашди. Деярли ҳамма, хусусан: дароз бўйли озғин Рон, пахмоқ сочини битта умумий кокил кўринишида йиғиб ўриб олган Германиона, бир

хил иржаяётган эгизаклар Фред билан Жорж, юзи чандиқ Билл, кўзидан меҳр товланиб турадиган, кўзойнаги бироз қийшайиб қолган мистер Уэсли, жангларда синалган, йўқотган кўзининг ўрнига мовий рангли сеҳрли кўз ўрнатиб олган бир оёқли Ўйноқкўз Хмури, сочини қисқартириб, пушти тус берган Бомс, юзида ажин кўриниб, сочи оқара бошлаган Люпин, қомати келишган сарғиш сочли Флёр, елкаси кенг, бошида бирорта бўлсин тук қолмаган Кинсли, шифтга тиралмаслик учун тўп-тўп сочли бошини бироз эгиб олган Хагрид, пакана бўйли, ювинмай юргани учун доимо бадбўй ҳид таратадиган қария Мундугнус Флетчер шу ерда. Гарри уларнинг барини, ҳатто сўнгги учрашувдан сўнг кўзга кўринмай юрган Мундугнусни ҳам кўрганидан хурсанд.

- Салом, Кинсли. Сени магларнинг Бош вазирини қўриқлаб юрибди, деб ўйлаган эдим, - кўришди Гарри.

- Бугунги тунни менсиз ўтказса, ўлиб қолмайди, - жавоб берди Кинсли, - Сен унга нисбатан анча муҳим одамсан.

- Гарри, мана буни қара! - деди кир ювиш машинасига ўтириб олган Бомс, чап қўлининг бармоқларидан бирига тақилган узукни кўрсатиб, - Бу нима эканлигини биласанми?

- Оила қурдингиз-ми? - севинди Гарри, дам Бомсга, дам Люпинга қараб.

- Биз билан бўлмаганинг чатоқ бўлди-да, Гарри. Тўйимиз ортиқча шовқинсиз ўтди.

- Зўр-ку, табриклайман...

- Бўлди, бўлди, кейин гап сотасиз, - овоз кўтарди Хмури. Ошхонада жимлик қарор топди. Хмури қўлидаги қопларни полга ташлаб, Гаррига юзланди.

- Дедал айтиб кетган бўлса керак сенга, режамиз ўзгарганини. Пиус Тикнесс ҳаддан ошириб юборгани боис, муайян қийинчиликлар юзага келди. У қамоқ жазоси ила таҳдид солиб, ушбу уйни Саёҳат тармоғига улаш, бу ерда портшлюс яратиш, ҳавода пайдо бўлиб келиш ва ҳавога даф бўлишни қатъиян ман этди. Ўша чораларнинг сабаби сифатида, гарчи акси бўлса-да, гўё сени Ўзинг-Биласан-Кимдан ҳимоя қилиш мақсади кўрсатилган. Онанг қўллаган муҳофаза чораси ҳамон ўз кучига эга бўлгани боис, бу ердан хавфсиз чиқиб кетишингга тўсқинлик қилмоқчи у. Бу биринчидан. Иккинчидан, асосий муаммо - балоғат ёшига

етмаганингдан иборат, яъни бу Қолдириладиган из кучи ўз таъсирини кўрсатишини англатади.

- Тушунмадим...

- Нимани тушунмадинг, сен қолдирадиган из-да! - деди Ўйноқкўз, тоқатсиз бўлиб, - Балоғатга етмаган сеҳргарларнинг афсунгарлик фаолиятини кузатиб бориш учун мўлжалланган тилсим. Агар сен ёки сени бу ердан олиб кетиш учун бошқа биров бирон-бир афсун қўллайдиган бўлса, бу ҳақда Пиус Тикнесс ҳам, у билан бирга Ўлимдан мириқувчилар ҳам, шу заҳоти хабар топади. Биз эса Қолдириладиган из тилсими ўз кучини йўқотишини кута олмаймиз. Негаки, ўша тилсим билан бир вақтда онанг қўллаган ҳимоя афсуни ҳам ўз кучини йўқотади. Пиус Тикнесс вазиятни тўлиқ назорат остига олган, деб ўйлайди. Гаррига ўзи танитайдиган ўша Тикнесснинг тўғри фикр юритаётганини тан олишдан бошқа чораси йўқдай кўринди.

- Энди нима қиламиз?

- Қолдириладиган из тилсими воситасида кузатиб бўлмайдиган ҳаракат воситаларидан фойдаланамиз. Мана бу супургилар, тестраль отлари ва Хагриднинг мотоцикли ҳаракат бошлаши учун афсун қўллашга ҳожат бўлмайди. Режа пухта ўйланмагани аён-у, буни Ўйноқкўзнинг ўзи фаҳмлаб олишига имкон бериш учун Гарри тилини тийиб турди.

- Демак, онанг қўллаган ҳимоя афсуни ўз кучини икки ҳолатдан бирида йўқотади: балоғат ёшига етишинг ҳамано ёки, - деди Хмури, қўлини айлантирганча ошхонани кўрсатиб,

- Мана бу жойни энди ҳеч қачон ўз уйинг деб билмасанг.

Бугун сен Петуния холанг ва амакинг билан, энди ҳеч қачон бу уйда улар бирга яшамаслигининг тўла-тўқис идрок этган ҳолда хайрлашдинг, тўғрими?

Гарри бош ирғиди.

- Бу сафар сен қайтмайсан. Муҳофаза тилсими эса, остона ҳатлаб чиқишинг ҳамано йўқ бўлади. Биз ўша тилсимдан сал эртароқ воз кечишга қарор қилдик. Чунки тутиладиган бошқа йўлнинг мазмуни, ўн етти ёшга тўлишинг ҳамано, Вольдеморт сени қўлга олишини томоша қилишдан иборат бўлади. Ягона устунлигимиз шундаки, сени бугун олиб кетишимиздан Вольдемортнинг хабари йўқ. Вазирлик

ходимлари орасида сохта гап тарқатганмиз. Энди уларнинг фикрича, биз сени ойнанинг ўттизинчи санасига қадар олиб кетмаймиз. Бироқ рақибимиз Ўзинг-Биласан-Ким экан, ундан ҳар нарса кутиш мумкин. Комил ишонч билдириб бўлмайди. Унинг амрига биноан Ўлимдан мириқувчиларнинг бирорта жуфти уй атрофида патруллик хизматини ўтаётган бўлиши ҳам мумкин. Шу боис, ўнта уйга муҳофаза тилсимини қўлладик. Биз сени ўша уйлардан ҳар қандай бирига яшириб қўйган бўлишимиз мумкин. Уларнинг бари, яъни: менинг уйим, Кинслининг уйи, Моллининг холаси Мюриелнинг уйи ва ҳоказо Орден билан бевосита ёки билвосита боғлиқ. Гапимни уқяпсан-ми?

- Ҳа, уқяпман, - алдади Гарри, режада каттагина рахна борлигини идрок этиб.

- Сен Бомснинг ота-онасиникига борасан. Муҳофаза тилсими таъсир ўтказадиган ҳудудда портшлюс бўлиб, у сени Бошпанага элтади. Ундан фойдаланишни биласанми?

- Э-м-м... ҳа, - жавоб берди Гарри, - Ўлимдан мириқувчилар сиз айтган ўша ўнта уйдан қайси бирига йўл олишимни билишмайди, албатта. Аммо бир нарса ғалатиноқ кўринмайди-ми, агар... - хаёлан тез санаб чиқди Гарри, - Ўн тўрт киши бир вақтда Бомснинг ота-онасиникига меҳмонга учса?

- Ҳа-я, - деди Хмури, - Асосий гапни айтмадим-ку, сенга ҳали. Ўн тўрт кишининг ҳаммаси ҳам Бомснинг уйига бормайди. Гарри Поттерлар етти нафар бўлиб, ҳар бири қўриқчи ҳамроҳлигида муҳофаза тилсими қўлланилган уйлардан бирига учади, яъни ҳамма ҳар томон тарқайди. Хмури ридосининг ичидан суюқ лойни эслатадиган модда чиқарди. Изоҳга ҳожат йўқ. Гарри режанинг мазмунини энди англаб етди.

- Йўқ! Мен рози эмасман!

Гаррининг эътирози ошхонада акс-садо бўлиб янгради.

- Шундай дейишингни айтган эдим уларга, - деди Гермiona, ўз башоратидан қаноатланиб.

- Агар олти киши ўз ҳаётини мени деб хавф остига қўйишига ижозат беришимни кутаётган бўлсангиз!...

- ... чунки бу иш биз учун биринчи марта-да, а? - деди Рон истехзо оҳангида.

- Менинг қиёфамга кириш мутлақо бошқа нарса...
- Тўғри-да, кимга ҳам ёқар эди сенинг қиёфанг?! - хотиржам эътироз билдирди Фред, - Агар иш чатоқ кетса, бир умр кўзойнак тақиб юрадиган қилтириқ бўлганча қоламиз-а! Ҳамма кулса ҳам, Гарри кулмади.
- Розилигимни олмай, ҳеч нарса қила олмайсиз! Сизларга бир тутам сочим керак бўлади.
- Оббо, жуда бемаъни хатоликка йўл қўйибмиз-у! - деди Жорж, - Сочингни сенинг розилигинсиз юлиб олиш анча қийин кечса керагов.
- Сеҳр-жоду қўллаш ҳуқуқига эга бўлмаган ёш болага қарши ўн уч киши! Йўқ, кучимиз етмаса керак, - иржайди Фред.
- Кулгили чиқмади, - деди Гарри, атрофга аланглаб.
- Куч қўллаш керак бўлса, қўллаймиз, - деди Хмури, сеҳрли кўзини ўйнатиб, - Бу ерга келганларнинг ҳаммаси кап-катта одамлар, Гарри. Уларнинг бари хавф-хатарни идрок этиб, ихтиёрий равишда келишган.
- Мундугнус Флетчер елка қисиб, башарасини буриштирди. Хмурининг сеҳрли кўзи шу заҳоти унга қаради.
- Ортиқча баҳслашишга ҳожат йўқ. Вақт тиғиз. Менга бир тутам сочинг керак болакай.
- Йўқ, бу жиннилик...
- Ўжарлик қилма! - хириллади Хмури, - Ўзинг-Биласан-Ким озодликда. Вазирликнинг ярми унинг манфаатига ишламоқда! Эҳтимол у оининг ўттизинчи санасига доир гапга лаққа тушгандир, билмадим, Поттер, лекин бу, Ўлимдан мириқувчиларнинг бир жуфтига уйни кузатиб юриш вазифасини қўйишига халал бермайди. Ҳар қалай мен унинг ўрнида айнан шундай иш тутган бўлар эдим. Шу ерда қолар экансан, оининг қўллаган ҳимоя афсунининг кучи барҳам топгунга қадар улар сенга ҳеч нарса қила олишмайди. Бироқ ўша афсун ҳадемай ўз кучини йўқотади. Ўлимдан мириқувчилар эса ҳамма гапдан бохабар. Ягона тўғри йўл - тузоқдаги хўраклар, яъни сохта Поттерлар. Ҳатто Ўзинг-Биласан-Ким ҳам етти қисмга бўлиниб кета олмайди. Гарри кўзининг қири билан Германионинг нигоҳига эътибор берди.
- Бир тутам сочдан узат, Поттер, - деди Хмури.
- Гарри Ронга қараб, дўстининг юзида маъқуллаган аломат

кўрди.

- Бўл тез! - хириллади Хмури.

Гарри шунча одамнинг кўз ўнгида тепа сочининг бир тутамини ушлади-да, шартта юлди. Хмури каловланганча яқинлашиб, Ҳамма қиёфа сиркаси қуйилган идиш тиқинини очди.

- Жуда соз, - деди у, - Энди, марҳамат қилиб, мана бунинг ичига ташла.

Гарри сочини идишга ташлади. Сирка шу заҳоти кўпикланиб, тутади. Бироздан сўнг, лойқа дамлама соф тилла тусли тиниқ суюқликка айланиб қолди.

- О-о-о, Гарри! - хитоб қилди Гермиона, Роннинг кўтарилиб кетган қоши-ю, қизарган юзини кўриб, - Краббе билан Гойлга нисбатан анча мазали кўринадан. Нима демоқчи бўлганимни тушуниб, Гойлнинг таъмини ҳам эсладинг, албатта.

- Хўш, энди бўлажак сохта Поттерлар навбатга турсин, - деди Хмури.

Тозалигидан ялтираётган ошхона чаноғи олдида Рон, Гермиона, Фред, Жорж ва Флёр саф тортишди.

- Бир киши етишмаяпти, - деди Люпин.

- Мана бу, - деди Хагрид, Флетчернинг кийимидан кўтарганча, Флёрнинг ёнига улоқтириб.

Бурнини жийирган Флёр Мундугнусдан нари қочиб, Фред билан Жоржнинг ўртасига туриб олди.

- Қулоқ солинг ахир менга... мен сизларга... қўриқчиликда бўлганим маъқул деяпман, - пўнғиллади Мундугнус.

- Ўчир овозингни, - хириллади Хмури, - Сен умуртқасиз шиллиқуртга кўп айтдим: Ўлимдан мириқувчилар Поттерни ўлдириш эмас, тириклайин қўлга олишга уринади, деб. Марҳум Дамблдор Ўзинг-Биласан-Ким Поттерни шахсан ўзи, ўз қўли билан ўлдиришни иташини доимо эслатиб борган. Қўриқчилар эса огоҳ бўлишлари керак. Чунки Ўлимдан мириқувчилар биринчи навбатда қўриқчини ўлдиришга ҳаракат қилади.

Ўйноқкўзнинг сўзлари Флетчерни ишонтира олмади. Хмури Ҳамма қиёфа сиркасини ўлчами тухумдай келадиган стаканларга тенг қуйиб тақсимлади.

- Қани, олинг...

Рон, Гермиона, Фред, Жорж, Флёр ва Мундугнус стакан

кўтариб, сиркани шартта симириб ичишди. Бироздан сўнг, ҳаммаси баробар ҳаллослаб, тиришиб-буриша бошлашди. Тери қопламалари худди қизигандай қайнади. Гермиона билан Флетчернинг бўйи юқорига кўтарилса, эгизак ака-укалар билан Роннинг бўйи чўкиб, малла сочи қорайди. Гермиона билан Флёрнинг сочи бошига кирганча қисқарди. Жараённи хотиржам назорат қилган Хмури ўзи билан олиб келган қопларни очди. Унинг қаршисида оғир нафас олаётган олти нафар Гарри Поттер саф тортди. Фред билан Жорж бир-бирига қараб, қичқиришди:

- Ие, иккаламиз бир-биримизга роса ўхшаб қолибмиз-у!
- Билмадим, назаримда кўринишим нисбатан яхши бўлиб қолди, - хулоса чиқарди Фред, чойнакдаги аксига қараб.
- Фу, Билл, қағам менга, юзим жуда бадбашага бўлиб қолди,
- минғирлади Флёр, микротўлқин печига қараганча, ўзига ўзи баҳо бериб.

- Кийими катталиқ қилаётганлар анави қопдан, - деди Хмури, қоплардан бирига ишора қилиб, - Кийимига сиғмай қолганлар эса, мана бу қопдан ўзига мос кийим топиши мумкин. Қопнинг ён чўнтагида олтита кўзойнак бор, тақиб олиш эсдан чиқмасин. Кийимни алмаштиргач, ўз нарсангизни юк халтангизга жойланг.

Олти нафар сохта Поттер кийим алмаштириб, кўзойнак тақиб, ўз нарсасини халтага солмоқда. Ҳақиқий Гарри эса юз бераётган ҳодисани кузатганча, базўр чидаб турибди. Бу қанақаси ахир?! Таналарини яланғочлаб, бир-бирини томошага қўйган ушбу одамлардан шахсий ҳаётига оз бўлса ҳам ҳурмат-ла қарашларини талаб қилмоқчи

- Татуировка борасида Жинна алдаганини билар эдим, - иржайди Рон, яланғоч кўкрагига қараб.

- Гарри кўзинг бирам хира экан-ей, - деди Гермиона, кўзойнак тақиб.

Кийимини алмаштирган сохта Поттерлар ичига оқ бахмалдан тикилган ўйинчоқ бойқуш илинган олтита қафасни иккинчи қопдан чиқариб, ҳар бири биттадан ушлаб олишди.

- Жуда соз, - деди Хмури, олдидаги сафга сўнгги Поттер келиб қўшилгач, - Энди жуфтликларга тақсимланамиз.

Мундугнус мен билан супургида учади...

- Нега энди сен билан? - пўнғиллади чиқиш эшиги яқинида

турган Гарри.

- Чунки узлуксиз кўз-қулоқ бўлиб туриш керак сендан, - хириллади Хмури, сеҳрли кўзи билан Мундугнусга тешиб юборгудек даражада ўқрайиб, - Артур ва Фред...

- Мен Жоржман, - деди Ўйноқкўз имо қилган эгизаклардан бири, - Наҳотки Гаррига айланиб қолсак ҳам бизни фарқлаб бўлмаса?!...

- Узр, Жорж...

- Ҳазиллашяпман, мен чиндан ҳам Фредман.

- Бас қил мазах қилишни! - бақирди Хмури, - Наригинг...

Фредмисан, Жоржмисан, ким бўлсанг ҳам, Ремус билан. Мисс Делакёр...

- Флёрни ўзим тестралда олиб кетаман, - деди Билл, - Супургида учишни хуш кўрмайди у.

Юзи йиғламсираган қул қиёфасини касб этган Гарри Биллинг ёнига келиб турди. Ҳақиқий Гарри эса юзининг бундай қиёфасини бошқа ҳеч қачон кўрмасликка умид боғлади.

- Миссис Грэнжер Кинсли билан тестралда...

Гарриларнинг буниси Кинслининг табассумига табассум ила жавоб қайтариб, ўзини бироз дадил ҳис этгани яққол кўриниб турибди. У ҳам супургида парвоз қилишни ёқтирмаслигини ҳақиқий Гарри билади.

- Рон, биз иккаламиз қолдик! - маълум қилди Бомс, Ронга силташга уринган қўли билан идишларни уриб ағдариб. Гаррига айланган Рон ўзини Гермiona каби бахтиёр ҳис этмагани кўриниб турибди.

- Сен эса, Гарри, мен билан учасан. Қалай, яхшими? - деди Хагрид, бироз хижолат тортиб, - Мотоциклда учамиз. Ўзинг биласан, супурги-ю, тестраллар мени кўтара олмайди. Ўриндиққа сиғмайсан, кажавага ўтиришингга тўғри келади, бўладими? Сени бир вақтлар ўзим олиб келганман бу ерга ўша мотоциклда, бугун ўзим олиб кетаман яна ўша мотоциклда.

- Жуда соз, - деди Гарри, гапи самимий чиққанига ўзи шубҳа қилиб.

- Фикримизча, Ўлимдан мириқувчилар сени бу ердан супургида учиб кетишингни кутишади, - деди Ўйноқкўз, афтидан Гаррининг ичидаги гапни фаҳмлаб, - Снегг сен

ҳақингда уларга илгари гапирмаган кўп нарсаларни айтиб беришга улгурган бўлса керак. Шундай экан, агар биз уларнинг бирортасига рўбару бўлиб қолсак, ўша Ўлимдан мириқувчи супурги эгарлаган Поттерни танлаши шубҳасиз. Хмури сохта Поттерлардан ортган нарсаларни қопга жойлаб, оғзини боғлади-да, чиқиш эшиги томон йўл олди.

- Бўлди. Йўлга чиқишга ҳозирлик кўринг. Уч дақиқа вақт. Эшикни қулфлашдан маъни йўқ. Керак бўлса бари-бир очишади... кетдик...

Гарри Хедвиг қамалган қафас, «Чақмоқ» русумли супургиси ва юк халтасини олиб, одамларнинг кетидан эргашди. Атрофда супурги эгарлаганлар паст учмоқда. Калтакесак-от тестралларни Гермiona Кинслининг ёрдами билан, Флёр Биллнинг кўмагида эгарламоқда. Ҳимоя кўзойнагини таққан Хагрид улкан мотоциклнинг ёнида турибди.

- Сириуснинг мотоцикли шуми?

- Мана шу, - деди яшнаб кетган Хагрид, - Сени бу ерга олиб келганимда кафтимда ётган эдинг.

Мотоциклнинг кажавасига жойлашган Гарри, назарида ҳаммадан кичкина бўлиб қолиб, ўзини камситилгандай ҳис этди. Гаррини ўйинчоқ машинада ўтирган ёш болага ўхшатган Рон кулиб ўтди. Гарри юк халтаси билан супургисини оёғининг ёнига жойлаштириб, Хедвигнинг қафасини тизза орасига олди. Жуда ноқулай.

Хагрид ўтирган мотоцикл ғарчиллаб, анча пастга чўкди.

- Артур бироз сеҳр қўлади бунга, - деди Хагрид, Гаррининг ноқулай жойлашганига эътибор қилмай, - Энди бунда бир қатор ҳимоя чоралари бор. Мана бу эса менинг ғоям, - деди Хагрид, спидометр ёнига қўшимча ўрнатилган қирмизи тугмага йирик бармоғини ўқтаб.

- Эҳтиёт бўл, Хагрид, - деди қўлига супурги ушлаган мистер Уэсли, - Уни ишга тушириш борасида ҳануз шубҳа қиламан. Фақат ўта мураккаб вазиятда қўллаган маъқул.

- Ҳамма тайёр. Жуда соз! - овоз кўтарди Хмури, - Ҳавога ҳамма баробар кўтарилиши шарт. Акс ҳолда кўрилган чораларнинг маънисини қолмайди.

- Маҳкам ушла, Рон, - эшитилди Бомснинг овози.

Рон Люпинга айбдор нигоҳ-ла қараб қўйди-да, қизнинг белидан маҳкам қучиб олди.

Хагрид ўт олдирган мотоцикл бўкираётган аждар каби товуш чиқариб, кажаваси титрай бошлади.

- Ҳаммага омад! - бақирди Хмури, - Бир соатдан сўнг Бошпанада учрашгунча. Учгача санайман. Бир... икки... УЧ! Мотоцикл ниҳоятда хунук гуриллаб, кажаваси силтанди. Гарри ҳавога тез кўтарилаётгани, шамол кўзини ёшлантириб, юзига тушадиган сочи энди орқага ўтиб кетганини ҳис этди. Атрофда супургилар учмоқда. Қаердандир тестралнинг қоп-қора узун думи кўринди. Гаррининг юк халта билан қафас қисиб қўйган оёғи уюша бошлади. Ўзини шундай ноқулай ҳис этдики, Одамовилар хиёбонидаги тўртинчи уйга сўнгги бор қараб қўйиш хаёлига ҳам келмади. Кажавадан бош чиқариб қараганда эса, пастда кўринган уйларнинг қайси бири унинг уйи бўлганини фарқлай олмади. Улар осмон-у фалакка, тобора юқорига кўтарилмоқда.

Дафъатан бошига қайтарма қалпоқ ташлаган ўттизтача одам пайдо бўлиб, ҳавода ҳалқа ҳосил қилганча, Орден аъзоларини қуршовга олди...

Атрофда яшил рангли яшинлар ёришиб, қичқириқлар эшитилди. Хагрид алланима деб бақирди. Кутилмаганда мотоцикл тескари ағанади. Гарри нима бўлаётганини англай олмаяпти: кўча фонуслари энди боши устида ёнмоқда, теварак-атрофни қичқириқ қамраган. Гарри ерга қулаб тушмаслик учун кажавани маҳкам ушлаб олди.

Хедвигнинг қафаси титрамоқда, олов шари мотоциклга урилиб, юк халтани тизза остидан чиқариб юборди.

- Йўқ... ЁРДАМ БЕРИНГ!

Супурги пастга тушиб кетди, лекин Гарри юк халтани тутиб қолишга улгурди. Қафас худди мотоцикл каби чайқалмоқда. Яшил тусли яшин қафасга келиб урилди. Сония ўтиб, Хедвиг қафас ичида жонсиз йиқилди.

- Йўқ... ЙЎҚ!

Мотоцикл олдинга интилганча тезликни оширди. Гарри кўзининг қири билан ортда қолаётган Ўлимдан мириқувчиларни кўрди.

- Хедвиг... Хедвиг...

Бойқуш худди ўйинчоқ каби қафас тубида қилт этмай ётибди. Гарри кўзига ишонмади. Бошқалар ҳақидаги даҳшатли ўй эса унинг вужудини титратмоқда. Елка узра ортга қараб, бир-

бирига яшин отаётган халойиқни кўрди. Иккита жуфтлик ҳодиса жойидан узоқлашмоқда. Уларнинг кимлигини Гарри танимади.

- Хагрид, биз қайтишимиз керак, қайтишимиз керак! - бақирди у, овози билан мотоцикл шовқинини босишга уриниб.

Хедвигнинг ўлганига бовар қилмаган Гарри қафасни пастга жойлаб, сеҳрли таёқчасини қўлига олди.

- Хагрид, ортга қайтар ДЕДИМ СЕНГА!

- Сени соғ-саломат етказиш буюрилган менга, Гарри! - деди Хагрид, тезликни ошириб.

- Тўхта... ТЎХТА! - қичқирди Гарри.

Кутилмаганда, унинг қулоғи ёнидан иккита яшил яшин учиб ўтди. Ўлимдан мириқувчиларнинг тўрттаси ҳалқадан чиқиб, Хагриднинг кенг белини нишонга олганча, қувиб келмоқда. Хагрид зарбаларга чап бермоқда. Бироқ яқин келган Ўлимдан мириқувчилар галаси қарғиш яшини кетидан яшин йўламоқда. Зарбага рўбару келиб қолмаслик учун Гарри бошини эгиб олди.

- Ступефай! - қичқирди Гарри.

Сеҳрли таёқчадан отилиб чиққан қизил яшин чап беришга уринган Ўлимдан мириқувчиларни ҳар томон тарқатиб юборди.

- Маҳкам ушла, Гарри, - бўқирди Хагрид, - Ҳозир кўрсатиб қўяман уларга!

Хагрид йўғон бармоғи билан яшил тугмани босди. Мотоцикл ортида девор, ҳақиқий ғиштли девор пайдо бўлди. Гарри деворнинг янада катталашгани, Ўлимдан мириқувчиларнинг учтаси базўр чап бергани, тўртинчисининг супургиси чилпарчин бўлиб, ўзи пастга тошдай қулаганини кўрди. Улардан бири қулаётган шеригига ёрдам бериш учун секинлади. Хагрид ҳаракат тезлигини оширди. Бироздан сўнг, Ўлимдан мириқувчилар ва ғиштли девор кўздан ғойиб бўлди.

Таъқиб қилаётган Ўлимдан мириқувчиларнинг қолган икктаси ажал яшинларини янада кўпайтирди. Ушбу яшинлар Гарри қўллаган музлатиш афсунининг яшинлари билан тўқнаш келиб, ҳавода қизил ва яшил учқунлар ҳосил қилмоқда. Гаррининг хаёлига ушбу мушакбозликни кўриб,

ҳавода нима бўлаётганини тушунмаган маглар келди.

- Яна бир марта, Гарри, маҳкам ушла, - бақирди Хагрид, иккинчи тугмани босиб.

Бу сафар мотоцикл остидан катта тўр отилиб чиқди. Лекин Ўлимдан мириқувчилар бунга тайёр бўлиб, шу заҳоти чап беришди. Уларга учинчи шерик келиб қўшилди. Ўлимдан мириқувчилар яшин кетидан яшин улоқтиришни қўймапти.

- Сўнгги уринишимиз кор бериши керак, Гарри, маҳкам ушла!
- овози борича бақирди Хагрид, спидометр ёнидаги қирмизи тугмагани босиб.

Аждарнинг ҳайқириғи ва металлнинг ёрилишини эслатган баланд овоз билан бир вақтда олов отилди. Ўлимдан мириқувчилар олов ортида қолиб, кўздан ғойиб бўлди.

Бироқ кажаванинг мотоцикл билан боғлаб турадиган металл боғичлари катта юкламага бардош бера олмай, ажрала бошлади.

Ҳаракат тезлиги катта бўлгани боис, Хагрид эгарда базўр ўтирибди.

- Хавотирга ўрин йўқ, Гарри, - деди у.

Хагрид мотоцикл бошқарувини идора қилмай қўйгани учун бўлса керак, ушбу учар транспорт шатта ота бошлади.

- Ҳозир тузатаман, Гарри, хавотир олма! - бақирди Хагрид, гулли соябонини чиқариб.

- Хагрид! Йўқ, керак эмас! Ўзимга қўйиб бер!

- РЕПАРО!

Металл қулоқни қоматга келтирадиган даражада қарсиллаб, кажава мотоциклдан батамом узилиб ажради-да, олд томон ҳаракатни бироз давом этиб, пастлай бошлади. Гарри сеҳрли таёқчасини кажавага ўқтаб ўкирди:

- Вингардиум Левиоза!

Кажава шиша тиқини каби юқорига кўтарилиб, парвозни давом этди. Кутилмаганда Ўлимдан мириқувчиларнинг учаласи яна пайдо бўлиб, яшин улоқтира бошлади.

- Ҳозир, Гарри, ҳозир етиб оламан! - эшитилди қоронғиликда Хагриднинг овози.

Кажава боз пастлай бошлади. Имкон қадар паст энгашган Гарри сеҳрли таёқчасини яқинлашиб келаётган одамлар ўртасига ўқтади.

- Импедимента! - қичқирди у.

Қарғиш яшини тўғри бориб, ўртадаги одамнинг кўкрагига урилди. Ўлимдан мириқувчи худди кўринмас тўсиққа рўбару келган каби, ҳавода муаллақ осилиб қолди. Орқада келаётган Ўлимдан мириқувчи эса ушбу шеригига урилиб кетишига сал қолди.

Кажава ерга қуламоқда. Яқин келган Ўлимдан мириқувчилардан бири Гаррига қарата қарғиш қўллади. Кескин энгашган Гарри тишини ўриндиққа қаттиқ уриб олди.
- Ҳозир, Гарри, ҳозир етиб оламан!

Катта қўл Гаррини ёқасидан ушлаганча, тошдай тушиб кетаётган кажавадан суғуриб чиқарди. Юк халтасини чангаллаб олишга улгурган Гарри мотоциклнинг ўриндиғига, Хагридга тескари ўгирилган ҳолатда ўтириб қолди. Икковлон Ўлимдан мириқувчилардан нари кетганча, янада юқорига кўтарилди. Гарри оғзидаги қонни тупуриб ташлаб, сеҳрли таёқчасини пастлаётган кажавага ўқтади.

- Конфринго! - қичқирди у.

Портлаган кажава билан бирга Хедвигнинг танаси ҳам майда бўлакчаларга парчаланиб кетганини Гарри юракда оғриқ-ла идрок этди. Портлаш тўлқини Ўлимдан мириқувчилардан бирини супургидан улоқтириб ташлади. Унга ёрдамга ошиққан шериги ортда қолди.

- Гарри, аҳмоқлик қилиб қўйдим, кечир мени, - ингради Хагрид, - Кажавани тузатишга уринмаслигим керак эди... энди жой йўқ...

- Ҳеч қиси йўқ, мотоцикл бошқарувини уддалаб кетсанг бўлди, - қичқирди Гарри, қоронғиликдан чиққан Ўлимдан мириқувчиларнинг иккитасини кўриб.

Хагрид илон изи ҳаракат бажарганча, улоқтирилган яшинларга чап бермоқда. Гаррини хавфга қўймаслик учун энди у аждар оловини қўлламаслиги аниқ. Гарри музлатиш афсунининг яшинларини кетма-кет йўллаб, Ўлимдан мириқувчиларнинг яшинларини қайтармоқда. Унинг навбатдаги зарбаси Ўлимдан мириқувчилардан бирининг қайтарма ёқасини орқага қайтариб юборди. Гарри қизил яшин ёруғида «Тунги рицарь» автобусининг чиптачиси Стэн Қўриқчининг ғалати юзини кўриб қолди... Стэн...

- Экспеллиармус! - қичқирди Гарри.

- Мана буниси ҳақиқий, аниқ айтяпман.

Қайтарма ёқаси юзини тўсган Ўлимдан мириқувчи шунақанги баланд қичқирдики, унинг гапи моторнинг баланд шовқинидан ҳам аниқ эшитилди. Сал ўтиб, Ўлимдан мириқувчиларнинг иккаласи ҳам кўздан ғойиб бўлди.

- Тинчликми, Гарри, нима бўлди? Қани улар?

- Билмадим.

Юзи тўсиқ Ўлимдан мириқувчининг «Мана буниси ҳақиқий, аниқ айтяпман!» - дея қичқиргани Гаррини хавотирга солди. Бўм-бўш қоронғилик таҳдид солаётганини ҳис этди. Хўш, қани энди улар?

Гарри ҳаракат йўналиши томон бурилиб олиб, Хагриднинг пўстинини маҳкам ушлади.

- Хагрид, аждар оловини яна бир чиқар-да, тезроқ ҳайда бу ердан.

- Ундай бўлса, Гарри, маҳкамроқ ушла мени!

Қулоқни қоматга келтирадиган шовқин янграб, мотоцикл қувуридан олов отилди. Гарри ортга сирпаниб кетган Хагридни базўр ушлаб қолди.

- Менимча, ортда қолди, улар Гарри, - бақирди Хагрид, - Ишлар жойида.

Аммо ишлар жойида эканлигига Гаррининг ишончи у қадар комил эмас. Атрофга қараб, таъқиб қилувчиларни кутар экан, вужудини даҳшат қамрамоқда... «Нима сабабдан ортда қолишди? Улардан бирининг сеҳрли таёқчаси ҳамон қўлида эди-ку... Мана буниси ҳақиқий... Стенни қуролсизлантириши билан бақирди...» хаёлдан ўтказди Гарри.

- Манзилга оз қолди, Гарри! Уддаладик десак ҳам бўлаверади! - қичқирди Хагрид.

Ердаги фонуслар майда юлдузчалар каби кўрина бошлаганидан мотоцикл пастлаётгани ҳис этилмоқда. Шу дамда худди қиздирилган металл босилган каби Гаррининг пешанасидаги чандиққа оғриқ кирди. Ўлимдан мириқувчилар икки томондан пайдо бўлиб, Ўлдириш қарғишларининг яшинлари Гаррининг ёнидан учиб ўтди...

Гарри кўрди уни. Вольдеморт худди шамол учираётган тутун пағаси каби учмоқда. На супурги минган у, на тестраль. Илон башараси қоронғиликда ёришиб кўринди. Бармоқлари эса сеҳрли таёқчасини боз кўтармоқда.

Ўларча кўрқиб кетган Хагрид мотоциклни тикка пастга

йўллади. Унинг пўстинини бор кучи билан ушлаган Гарри музлатиш афсунининг яшинларини тўғри келган томон йўллади ва пастга қулаган танани кўриб, нишонга аниқ текканини тушунди. Гумбурлаган товуш эшитилиб, мотордан учқун сачради. Мотоцикл ерга тошдай пастлаб бормоқда. Умуман айтганда, қаер осмон-у, қаер ер эканлигини Гарри фарқламай қолди. Пешонаси ёниб, ҳар қандай фурсатда ажали етишини кутди. Супурги минган Ўлимдан мириқувчилардан бири атиги ярим метр нарида. Унинг қўли кўтарилаётгани ҳам кўринмоқда...

- Йўқ!

Хагрид ўкирганча, мотоциклни қўйиб, қайтарма қалпоқли Ўлимдан мириқувчига ташланди. Оғир юкни кўтара олмаган супурги иккаласини пастга олиб кетди. Мотоциклни тиззаси билан қисиб олган Гарри Вольдемортнинг қичқириғини эшитди:

- Ўзим! Ўзим!

Тамом. Гарри Вольдемортнинг қаердалигини кўрмаяпти ҳам, эшитмаяпти ҳам. У Ўлимдан мириқувчилардан яна бирини кўриб, унинг:

- Авада...

Кутилмаганда пешанасидаги оғриқ Гаррини кўз юмишга мажбур қилди. Қўлидаги сеҳрли таёқча эса ўзидан ўзи ҳаракатга келди. Таёқча қўлини магнит сингари юқорига кўтараётганини Гарри ҳис этди, юмилган киприк орасидан олтин тусли олов оқимини кўрди, шовқин ва дарғазаб қичқириқни эшитди. Таъқиб қилаётган Ўлимдан мириқувчилар овози борича қичқиришди.

- Йўқ! Йўқ! - ўкирди Вольдеморт.

Гарри юзи билан мотоциклга урилиб, бурни аждар оловини ҳосил қиладиган тугмага тегди. Бўш қўли билан тугмани босиб, ўт очди. Мотоцикл ерга пастлаши янада тезлашди.

- Хагрид! - қичқирди Гарри, - Хагрид! Ассио Хагрид!

Пастлаш тезлиги, гўё ер маркази мотоциклни сўриб олаётган каби, тобора ошиб бормоқда. Гарри яқин қолган чироқлардан бошқа нарсани кўрмаяпти. У ҳозир ерга урилиб, абжағи чиқишини билади, лекин энди ҳеч нарса қила олмайди.

- Сеҳрли таёқчангни бер, Сельвин, менга бер уни!

Гарри Вольдемортни кўришдан олдин, унинг борлигини ҳис

этди. Вольдемортнинг қип-қизил кўзига қарар экан, ҳаётида кўрган энг сўнги нарса шу бўлса керак деган хаёлга борди... Вольдеморт қарғиш яшинини йўллашга яна ҳозирлик кўрмоқда...

Кутилмаганда у гум бўлди. Гарри пастга қараб, ерда чўзилиб ётган Хагридни кўрди. Мотоциклнинг тормозини тортиб, қулоқни қоматга келтирадиган шовқин-ла ифлос ҳовузга қулади.

БЕШИНЧИ БОБ. ҲАЛОК БЎЛГАН ЖАНГЧИ

- Хагрид?

Оёққа туришга уриниб, қўли сувга кириб кетган Гарри металл ва чарм парчаларидан ҳосил бўлган уюм орасидан халос бўлиб чиқишга ҳаракат қилди. Вольдеморт қаёққа гум бўлганини тушунмай, ҳар қандай фурсатда зулматдан чиқиб, яна ҳамла қилишини кутди. Пешанасидан ияги томон қандайдир иссиқ, ҳўл нарса оқиб тушди. Гарри бир амаллаб сувдан чиқиб, аллақандай қоп-қора, йирик нарсага урилди.

- Хагрид? Хагрид. Бирор нима десанг-чи, Хагрид.

Қорайиб ётган ушбу нарсадан садо чиқмади.

- Ким у? Поттермисан? Гарри Поттер деганлари сен бўласанми?

Гарри нотаниш эркак кишининг овозини эшитди. Яна бироздан сўнг аёл кишининг овози эшитилди:

- Улар қулаб тушибди, Тэд! Боғимизга қулабди!

- Хагрид, - яна бир бор чақирди Гарри ва боши айланиб, оёғи бўшашганча йиқилди.

Хушига келган Гарри қандайдир юмшоқ нарсада ёнбошлаб ётгани, қовурғаси билан ўнг қўли қизиб кетгани, синиб тушган тиши яна ўсиб чиққани, пешанасидаги чандиқ ҳамон оғриётганини ҳис этди.

Кўзини очиб, фонус ёритган нотаниш меҳмонхонадаги диванда ётганини англади. Лойга беланган жиққа ҳўл юк халтаси полда ётибди.

- Хагрид?

Тўладан келган оқ сариқ сочли эркак пайдо бўлиб, хавотир-ла Гаррига қаради.

- Хагриднинг ишлари жойида, ўғлим, - деди у, - Хотиним қараяпти унга. Аҳволинг қалай? Яна борми, синган жойинг?

Қовурғанг, тишинг, қўлингни даволаб қўйдим. Ҳа, айтгандек, исмим Тэд, Тэд Бомс, Доранинг отаси бўламан.

Гарри ўрнидан туриб, ётган жойига тез ўтириб олди. Чироқ кўзини қамаштириб, ўзини ҳолдан тойган бемордай ҳис этди.
- Вольдеморт...

- Тинчлан, - деди Тэд Бомс, Гаррининг елкасига қўлини қўйганча, диванга ётқизиб, - Нима бўлди ўзи? Мотоцикл носоз эканми? Мудҳиш авария рўй берибди. Артур Уэсли магларнинг нарсасига ўзгартириш киритиш маҳоратига ҳаддан ортиқ баҳо берган кўринади, а?

- Йўқ, - жавоб берди чандиғи қаттиқ оғриётган Гарри, - Ўлимдан мириқувчилар... Жуда кўп эди улар... осмондан қулаб тушдик...

- Ўлимдан мириқувчилар? - сўради Тэд, кескин оҳангда, - Ўлимдан мириқувчилар нима қилади у ерда? Бугун йўлга чиқишларингни билмаслиги керак эди-ку, улар?

- Билишар экан, - деди Гарри.

Тэд Бомс худди осмонга қарагандек, шифтга қараб қўйди.

- Уйимизни ҳимоя қиладиган афсунлар ўз кучини сақлаб турибди, шундайми? Демак, улар қаерда бўлишмасин, биз томонга юз ярддан яқин масофага кела олишмайди.

Вольдеморт нега йўқолиб қолганини Гарри энди тушунди. Мотоцикл Орден томонидан қўйилган ҳимоя қобиғини кесиб ўтиши ҳамано гум бўлган у. Ўша ҳимоя қобиғини шаффоф пуфак кўринишида тасаввур қилган Гарри ичкарига сингиб кириш йўлини қидираётган Вольдеморт юз ярд баландликда изғиб учаётганини кўз олдига келтириб, қобиқ ўз кучини сақлаб қолишига умид боғлади.

Гарри оёғини дивандан туширди. Тириклигига ишонч ҳосил қилиши учун Хагрини ўз кўзи билан кўриши шарт. У энди ўрнидан турган эди ҳам-ки, эшик очилиб, юзи қон аралаш лойга беланган, бироз каловланаётган Хагрин кириб келди. Тирик.

- Гарри!

Икки қадам ташлаб, йўлида учраган курси-ю, стол устига қўйилган Осиё марварид гулини ағдар-тўнтар қилган Хагрин Гаррини маҳкам қучоқлаб, эндигина тuzатилган қовурғасини яна синдириб юборишига сал қолди.

- Уни қара-я, Гарри... Қандай қилиб яна омон қолдинг? Тамом

бўлдик деб ўйлаган эдим.

- Ҳа, мен ҳам ишонмаяпман тириклигимизга...

Гарри Хагриднинг қучоғидан бир амаллаб чиқиб, давангир билан бирга кириб келган аёлга разм солди.

- Сен! - қичқирди у, қўлини киссасига солиб.

Кисса бўш, сеҳрли таёқчаси йўқ.

- Мана сеҳрли таёқчанг, ўғлим, - деди Тэд, таёқчани Гаррининг қўлига ушлатиб, - Ёнингда ётган экан. Сен ҳамла қилмоқчи бўлган мана бу аёл эса менинг рафиқам бўлади.

- Шундайми?... Мен... Узр.

Миссис Бомснинг хатти-ҳаракатига кўра, синглиси Беллатриксдан бироз фарқ қилиши сезилди. Бундан ташқари, сочи оч жигар ранг бўлиб, нигоҳида меҳр товланмоқда.

Лекин Гаррининг ҳозирги ҳаракати аёлнинг иззати-нафсига бироз тегиб кетгани билинди.

- Қизимизга нима қилди? - сўради у, - Хагрид иккалангиз тузоққа тушибсиз. Нимфадора қаерда қолди?

Эр-хотин бир-бирига маъноли қарашди. Иккаласининг юзи касб этган қиёфа Гаррининг вужудига хавотир ва айбдорлик ҳиссини бахш этди. Режани амалга оширишга рози бўлиб, сочини берди. Энди кимдир ҳалок бўлса, фақат унинг айби билан ҳалок бўлган саналади...

- Портшлюс, - деди у, кутилмаганда эсига тушиб, - Биз Бошпанага кетишимиз керак... бор гапдан ўша ерда хабар топиб, сизларга ҳам... ёки Бомснинг ўзи сизлар билан... дарҳол...

- Дорадан хавотир олма, Андромеда, - тинчлантирди Тэд, - У ўз ишини яхши билади. Биринчи кун ишлаётгани йўқ, авроқ бўлиб. Ишлари жойида бўлади унинг. Портшлюс шу ерда, - деди у, Гаррига мурожаат қилиб, - Уч дақиқадан сўнг кучга киради. Шунда гум бўла оласиз, унга қўл теккизсангиз.

- Ҳа, албатта, - деди Гарри, юк халтасини чангаллаганча, елкага ташлаб, - Мен...

У хавотирли вазиятга қўйгани, бунда ўзини айбдор деб билгани учун узр сўрамоқчи бўлиб миссис Бомсга қаради-ю, оғзидан бирон-бир маънили гап чиқмади.

- Мен Бомсга... Дорага... айтаман, хабар юборади... қайтиб келганда... Ёрдамнингиз учун раҳмат. Мен...

Гарри Тэд Бомснинг ортидан бориб, хонани тарк этишга

баҳона топилганидан ўзини енгил ҳис этди. Улар қисқа йўлак орқали ётоқхонага ўтишди.

- Мана ўғлим. Мана бу портшлюс бўлади.

Мистер Бомс тик ўрнатилган тошойна токчасидаги кумуш безак берилган тароқни кўрсатди.

- Раҳмат, - миннатдорлик билдирди Гарри, гум бўлиш учун бармоғини тароққа теккизиб.

- Шошма, Гарри, - овоз кўтарди Хагрид, атрофга қараб, - Хедвиг қани?

- Хедвиг... Хедвиг ҳалок бўлди, - жавоб берди Гарри.

Ҳақиқий воқеликнинг даҳшатли ҳисси Гаррининг вужудини қамраб олди. Ўзини айбдор билган йигитнинг кўзи ёшга жик тўлди. Бойқуш унинг қадрдон дўсти, Дурслларнинг уйида кун ўтказишга мажбур бўлган даврда сеҳргарлар олами билан боғлаб турган ягона ришта эди.

Хагрид йирик қўлини узатиб, Гаррининг елкасини силади.

- Хафа бўлма, Гарри, - деди у, кескин оҳангда, - Хафа бўлма. У жуда узоқ умр кўрди.

Тэд Бомс кўм-кўк рангда товлана бошлаган тароққа имо қилди

- Хагрид, - деди у, огоҳлантириш оҳангида.

Хагрид билан Гарри иккаласи тароққа бармоқ теккизди.

Нимадир киндикдан кескин тортди. Аллақандай кўринмас куч Гарри билан Хагридни даст кўтариб, мистер Бомснинг уйидан узоққа олиб кетди. Гаррининг бармоғи портшлюсга маҳкам ёпишиб қолган. Бир неча сония ўтар-ўтмас унинг оёғи ерга тегиб, Бошпана ҳовлисида пайдо бўлди. Деярли шу заҳоти қичқириқ эшитилди. Гандираклаган Гарри ўрнидан туриб, товланмай қўйган тароқни нари улоқтирди.

Бошпананинг орқа эшигидан чиқиб, югуриб келаётган миссис Уэсли билан Жинна ва сал нарида оёққа туришга уринаётган Хагридни кўринди.

- Гарри? Сен ҳақиқий Гарри мисан? Нима бўлди? Қолганлар қани? - қичқирди миссис Уэсли.

- Ҳали ҳеч ким етиб келмадими? - сўради Гарри.

Гарри ушбу саволига берилган жавобни миссис Уэслининг қон қочган юзидан аниқ уқиб олди.

- Ўлимдан мириқувчилар бизни кутиб туришган экан, - тушунтириш берди Гарри, - Ҳавога кўтарилишимиз ҳамано,

қуршовда қолдик. Жанг бошланди. Айнан бугун кечқурун уйни тарк этиб чиқишимни билишган улар... Қолганларга нима бўлганини билмайман. Бизни Ўлимдан мириқувчиларнинг тўрттаси таъқиб қилди. Қочишдан бошқа чорамиз қолмади. Кейин ортимиздан Вольдеморт етиб келди...

Гарри ўзини ўзи оқлаб, миссис Уэслидан фарзандларига нима қилган бўлиши мумкинлигини тушунишни илтимос қилаётган оҳангда гапирди.

- Эсон-омон етиб келганларинг яхши бўлди, - деди миссис Уэсли, Гаррини бағрига босиб.

Гарри ўзини бундай муносабатга муносиб эмаслигини ҳис этмоқда.

- Молли, озгина бренди топиладими сенда? - сўради Хагрид, овози титраб, - Тиббий мақсадда қўллаш учун.

Аёл брендини ҳавода пайдо қилиши мумкин эди-ю, афтидан юзини кўрсатмаслик мақсадида тескари ўгирилиб, уй томон йўл олди.

Жинна Гаррининг нигоҳига қараб, берилмаган саволга жавоб қайтарди:

- Тахминга кўра, Рон билан Бомс биринчи бўлиб қайтишлари керак эди. Лекин улар улгурмагани боис, портшлюс бўш қайтиб келди, - деди қиз, занг қоплаган мой идишига имо қилиб, - Мана бу эса дадам билан Фредни олиб келиши керак эди, - эски пойафзални тепди Жинна, - Сен билан Хагрид учинчи бўлиб келишларинг керак эди. Агар ишлар жойида бўлса, тахминан бир дақиқадан сўнг Жорж билан Люпин иккаласи пайдо бўлиши керак, - якунлади у, соатига қараб. Қўлига шиша ушлаган миссис Уэсли қайтиб келиб, брендини Хагридга узатди. Давангир шишанинг тиқинини очди-да, бир симиришда бўшатиб қўйди.

- Ойи! - қичқирди Жинна, бир неча фут нарига имо қилиб. Қоронғиликда кўк нуқта пайдо бўлиб, катталашган сари ёришиб борди. Ҳавода пайдо бўлган Жорж билан Люпин гир айланганча ерга тушди. Аҳвол яхши эмаслигини Гарри дарҳол фаҳмлади. Люпин юзи қонга беланган беҳуш Жоржни қўлтиқлаганча, ердан кўтармоқда.

Гарри югуриб бориб, Жоржнинг оёғидан кўтарди. Иккаласи Жоржни уйга, ошхона орқали меҳмонхонага олиб кириб

диванга ётқизди. Фонус Жоржнинг юзини ёритган фурсатда Жиннанинг нафаси оғирлашди. Гаррининг ошқозони эса буралиб кетгандай бўлди. Жоржнинг битта қулоғи йиртилиб, боши ва бўйнини қип-қизил қонга белаган.

Миссис Уэсли ўғлининг устига энди энгашган эди ҳам-ки, Люпин Гаррини қўлидан маҳкам ушлаб, ошхонага тортиб кетди. У ерда Хагрид тор эшикдан ичкарига киришга уринмоқда.

- Ҳой, сен, нима қиляпсан? - овоз кўтарди Хагрид, ҳеч нарсани тушунмай, - Қани қўйиб юбор-чи Гаррини! Қўйиб юбор дедим сенга!

Люпин Хагриднинг талабига эътибор қилмади.

- Гарри Поттер «Хогварц»даги хизмат хонамга илк бор кирганида қанақанги махлуқ бор эди хона бурчагида? - сўради у, Гаррининг елкасини маҳкам қисиб, - Бўл, саволга жавоб бер!

- А-а-а-к... аквариумга қамалган сув жини гриндилоу эди, шекилли.

Люпин Гаррини қўйиб юбориб, ошхона буфетининг қаршисига ўтирди.

- Нима бўляпти ўзи? - ўкирди Хагрид.

- Маъзур санайсан, Гарри, лекин текшириб кўрмасам бўлмас эди, - қисқа қилди Люпин, - Бизни кимдир сотган. Сени бугун олиб кетишимизни Вольдеморт аниқ билган. Режамиздан хабардор одамгина айтиб бериши мумкин буни унга. Сен, эҳтимол, сохта Гарри бўлиб чиқишинг мумкин эди ҳозир.

- Нега бўлмаса мени текширмадинг? - ҳансиради Хагрид, остонадан ҳанузгача ҳатлаб ўта олмай.

- Чунки сен чала гигантсан. Ҳамма қиёфа сиркаси эса фақат одамга таъсир қилади.

- Бугун кўчиб ўтишимизни Вольдемортга Орденнинг ҳеч қайси бир аъзоси айтмаган, - деди Гарри, ушбу хаёл даҳшатга солаётган бўлса ҳам, ишонгиси келмай, - Вольдеморт мени манзилга оз қолгандагина таъқиб қила бошлади. Етти нафар Гарри Поттердан қайси бири ҳақиқий эканлигини у билмаган. Агар режамиз унга маълум бўлганида, Хагрид билан кетишимни билган бўлар эди у.

- Вольдеморт таъқиб қилди? - сўради Люпин, - Нималар бўлди, қандай омон қолдингиз?

Гарри бўлган ҳодисани, хусусан, Ўлимдан мириқувчилардан биттаси унинг ҳақиқий Гарри Поттер эканлигини фаҳмлай олгани, афтидан Вольдемортни чақириш учун бўлса керак, таъқиб қилишни тўхтатиб, йўқ бўлиб қолишгани, Бомснинг уйига етишга оз қолганда Вольдеморт пайдо бўлганини қисқача айтиб берди.

- Ўлимдан мириқувчилардан бири таниб қолди? Қандай қилиб? Нима қилган эдинг сен?

- Мен...

Гарри ваҳима-ю саросима уйғунлигида кечган сафар тафсилотини эслашга уринди.

- Мен Стэн Қўриқчини таниб қолдим... «Тунги рицарь» автобусининг чиптачиси, танисанг керак, а? Мен уни... аяб, қуролсизлантирдим холос. Нима қилаётганини ўзи билмайдик-ку, у, шундай эмасми? Империио таъсирида бўлса керак ҳозир у.

Люпин Гаррига ҳайрат-ла бақрайиб қолди.

- Қуролсизлантириш афсуни қўлланадиган замонлар ўтиб кетди, Гарри! Уларнинг нияти сени тутиб ўлдириш!

Модомики одам ўлдира олмас экансан, лоақал батанг қил уни!

- Парвоз баландлиги ниҳоятда катта эди! Стэн ўз ҳаракатини идора қилмаяпти. Агар мен уни батанг қилсам, ерга тушиб абжағи чиқади. Бу эса Авада Кедавра қўллаш билан баробар! Экспеллиармус эса икки йил муқаддам мени Вольдемортнинг чангалидан қутқариб қолди, - дарғазаб оҳангда жавоб берди Гарри.

Люпин ҳозир Гаррига «Хуффльпуфф» ўқувчиси Заккерайес Смитни эслатди. Дамблдор армиясига қуролсизлантириш афсунини ўргатмоқчи бўлган Гаррини у ҳам мазах қилган эди.

- Тўғри, Гарри, - деди Люпин, вазмин оҳангда, - Ўлимдан мириқувчиларнинг аксарияти ҳам кўрган буни ўша куни. Мени кечириб қўясан-у Гарри, сен тутган ўша иш ўлим хавфи остида жуда ғайриоддий кечган. Лекин бугунги оқшомда ўша ишни яна такрорлашинг - кишининг ўз жонига қасд қилиши билан баробардир!

- Фикрингча, Стэн Қўриқчини ўлдиришим керак эди, шундайми? - дарғазаб оҳангда сўради Гарри.

- Йўқ, албатта, - эътироз билдирди Люпин, - Бироқ Ўлимдан мириқувчиларнинг аксарияти сендан ўз ҳаракатларига яраша муносиб жавоб кутишади. Экспеллиармус фойдали афсун, албатта Гарри, аммо бунини Ўлимдан мириқувчилар сенинг асосий усулинг деб ўйлайдиган кўринади. Улар ҳақ эканлигини исбот қилишингга йўл қўя олмайман! Гарри аҳмоқлик қилганини идрок этишига Люпин эриша олди.

- Одамларни, йўлимдан чиқиб қолгани учунгина ўлдириб ғалаба қозонишни истамайман, - деди кўнглида қиттак эътироз сақланиб қолган Гарри, - Ундай усул Вольдемортга хос.

Аччиқланган Люпин баҳсни қўймади.

Ниҳоят эшикдан ўтиб, ичкарига кирган Хагрид курсилардан бирига ўтириб, уни ҳам синдирди. Унинг хижолатли узрларию оҳ-воҳига эътибор қилмаган Гарри боз Люпинга мурожаат қилди:

- Жоржга ҳеч нарса қилмайди-ми?

- Қулоғини сақлаб қолишга умид деярли йўқ... - жавоб берди Люпин ғазаби шу заҳоти барҳам топиб.

Ташқарида аллақандай товуш эшитилди. Люпин орқа эшикдан чиқиб, ҳовлига югурди. Хагриднинг оёғи устидан сакраб ўтган Гарри ҳам ҳовлига ошиқди.

Қоронғиликда қўлига қийшиқ кийим илгич ушлаган икки киши, хусусан, ўз қиёфасига қайтган Гермiona билан Кинсли пайдо бўлди. Гермiona севинганидан югуриб келиб, Гаррини қучиб олди. Лекин Кинслининг юзида қувонч аломати кўринмади. У сеҳрли таёқчасини қўлига олиб, Люпиннинг кўксига ўқтаганини Гарри Гермонианинг елкаси узра кўриб турибди.

- Альбус Дамблдор иккалаамизга айтган охириги сўзлар? - деди Кинсли.

- Гарри - бизнинг умидимиздир. Унга ишонинглар, - хотиржам жавоб берди Люпин.

Кинсли таёқчасини Гаррига ўқтади.

- Керак эмас. У ҳақиқий Гарри. Ўзим текширдим, - тўхтатди Люпин.

- Хўп, майли, - деди Кинсли, сеҳрли таёқчасини кинсасига солиб, - Бизни кимдир сотган. Бугун кўчиб ўтишимизни улар

аниқ билишган.

- Шунга ўхшайди, - маъқуллади Люпин, - Лекин улар Гарри Поттерлар етти нафар бўлишини билишмаган.

- Шунисига ҳам шукур! - хириллади Кинсли, - Яна ким келди?

- Фақат Гарри, Хагрид, Жорж ва мен.

- Сизларга нима қилди? - сўради Люпин Кинслидан.

Гермиона кафтини оғзига босиб, инграб юборишдан ўзини базўр тийиб олди.

- Бизни беш киши таъқиб қилди. Улардан икктаси яраланди, биттаси ўлган бўлиши ҳам мумкин, - жавоб берди Кинсли, - Биз Ўзинг-Биласан-Кимни кўрдик. Таъқиб қилувчиларга ярим йўлда келиб қўшилди-ю, лекин тез орада кўздан ғойиб бўлди. Ремус, у...

- Ҳавода ўзи уча олади, - давом этди Гарри, - Мен ҳам кўрдим уни. Хагрид иккаламизнинг изимизга тушди.

- А-а, шунинг учун гум бўлган экан-да, мараз! - хитоб қилди Кинсли, - Сизларни қувиб кетибди-да, а, у?! Хўш, таъқиб объектини алмаштиришга нима мажбур қилди уни?

- Гарри Стэн Қўриқчига шафқат қилибди, - жавоб берди Люпин.

- Стенга? - таажжубланди Гермиона, - Уни Азкабанда деб юрган эдим.

Кинсли ғамгин кулиб қўйди.

- Гермиона, афтидан, қамоқхона маҳбусларининг оммавий қочгани ҳақида гапирмасликка вазирликни мажбур қилишган кўринади. Сизларга нима қилди, Ремус? Жорж қани?

- У қулоғидан айрилди, - жавоб берди Люпин.

- Қулоғидан нима?... - хитоб қилди Гермиона.

- Снегнинг қилмиши, - маълум қилди Люпин.

- Снегнинг? - овоз кўтарди Гарри, - Буни қаердан...

- Бошидаги қалпоғи очилиб кетди. Сектумсемпра доимо Снегнинг хуш кўрган ихтисослиги бўлиб келган. Қилмишига яраша жавоб бердим, дер эдим-у, лекин ундай қила олмадим. Яраланиб, кўп қон йўқотган Жоржни супурги устида ушлаб қолиш билан овора бўлдим.

Орага сукунат чўкди. Тўртовлон бирон-бир ҳаракат аломати кўринмаётган осмонга қараб қолди. Қоп-қора осмонда милтилламай, хира ёришаётган, парвоздаги дўстлар томонидан тўсилмаган юлдузлар сочилган. Қани Рон? Фред

билан мистер Уэсли қани? Билл, Флёр, Бомс, Ўйноққўз Хмури, Мундугнус қаерда юришибди улар?

- Гарри, бу ёққа кел, - хириллади Хагрид, яна эшикда тиқилиб қолиб.

Бирон-бир иш билан чалғишдан мамнун бўлган Гарри Хагридга кўмаклашиб, бўш ошхона орқали меҳмонхонага, миссис Уэсли билан Жинна парвариш қилаётган Жорж томон йўл олди.

Миссис Уэсли қон сизишини тўхтатибди. Гарри фонус ёруғида Жоржнинг қулоғи ўрнида ланг очиқ тешик кўрди.

- Аҳволи қалай?

Миссис Уэсли атрофга аланглаганча жавоб берди:

- Қулоғини ўстира олмайман. Ёвуз сеҳр қўлланилган ҳолатда бунинг иложи бўлмайди. Лекин бундан баттар бўлиши мумкин эди. Тирик қолганининг ўзи катта гап.

- Ҳа, Худога шукур, - хўрсинди Гарри, - Тирик қолди.

- Ҳовлида яна кимнингдир овози эшитилди-ми? - сўради Жинна.

- Гермiona билан Кинсли етиб келишди.

- Қандай яхши, - пичирлади Жинна.

Икковлон бир-бирига қараб қолди. Гарри уни қучиб, силаб ўтиришни истади. Миссис Уэсли нима дейиши мумкинлиги ҳам уни хижолат қилмади. Истагини энди амалга оширмақчи бўлиб турганда, ошхонада нимадир гумбурлади.

- Ўзим эканлигимни исбот қилиб бераман сенга, Кинсли.

Фақат ўғлимни кўрай олдин. Йўлимдан қоч, ўзингга яхши бўлади!

Мистер Уэслининг бундай оҳангини Гарри ҳали эшитмаган экан. Терлаганидан кал боши ярқираётган, бурнидаги кўзойнаги қийшайиб қолган мистер Уэсли меҳмонхонага отилиб кирди. Унинг орқасида Фред кўринди. Иккаласининг юзидан қон қочган бўлса-да, тўрт мучаси соғ.

- Артур! - ҳўнграб юборди миссис Уэсли, - Худога шукур, Артур.

- Аҳволи қалай?

Мистер Уэсли ўғли Жоржнинг ёнига чўккалади.

Гарри Фреднинг бундай қиёфасини ҳали кўрмаган. У диван суянчиғи устидан эгизак укасига қарар экан, ўз кўзига ўзи ишонмай турибди.

Отаси кўтарган тўполондан бўлса керак, Жорж уйғониб, бироз қўзғалди.

- Аҳволинг қалай, Жорж, болагинам? - пичирлади миссис Уэсли.

Жорж бармоғини боши атрофида айлантирди.

- Мен бақаман, - ғудуллади у.

- Унга нима қилган? - овоз кўтарди Фред, қаттиқ ҳаяжонланиб, - Ақлига шикаст етиб, томи жилганми?

- Мен бақаман, Фред, - такрорлади кўзини очган Жорж, тепасида турган эгиз акасига қараб, - Кўряпсан-ми, қулоғим йўқ... бақанинг қулоғи бўлмайди-ку, уқдинг-ми?

- Даҳшат, Жорж... - чўзди Фред, - Дарди бедаво бўлгансан, шундайлигинча қоласан. Дунёда қулоқ тўғрисида бир олам ҳазил бўла туриб, сен айнан шу гапни ўйлаб топганингни қара-я! Йўқ, сен чиндан ҳам дарди бедавосан!

- Қўйсангиз-чи, ойи, - деди Жорж онасига табассум-ла қараб, - Бас қилинг йиғлашни. Хурсанд бўлинг ундан кўра. Энди сиз бизларни хатосиз фарқлай оласиз.

Жорж атрофга назар солиб чиқди.

- Салом, Гарри, - деди у, - Сен ҳақиқий Гаррисан-ку, а?

- Ҳа, бу мен, ҳақиқий Гарриман, - жавоб берди Гарри, диванга яқинроқ бориб.

- Сени соғ-саломат кўчириб ўтганимиз яхши бўлди, - деди Жорж, - Нега Рон билан Билл иккаласи менинг атрофимда гирдикапалак бўлишмаяпти? - сўради у.

- Улар ҳали қайтишгани йўқ, Жорж, - жавоб берди миссис Уэсли.

Жоржнинг юзидаги табассум шу заҳоти ғойиб бўлди. Гарри Жиннага юзланиб, нигоҳи ила ташқарига чиқишни таклиф қилди.

- Рон билан Бомс ҳозир етиб келишлари керак, - пичирлади Жинна, ошхонадан ўтишар экан, - Улар узоқ юришмайди. Мюриель хола шу яқин ўртада яшайди.

Гарри индамади. Бошпанага етиб келган фурсатда кўнглида пайдо бўлган ғаш ҳозир даҳшатга айланиб, бутун вужудига таралди, терисини титратиб, юрагига билан тенг тепганча, нафас олишини қийинлаштирди.

Иккаласи қоронғи ҳовлига чиқишгач, Жинна Гаррининг қўлини ушлаб олди.

Кинсли у ёқ, бу ёққа юрганча, кескин бурилиб, осмонга қараб-қараб қўймоқда. Гарри худди миллион йил муқаддам бўлганидек, бир неча соат олдин Вернон амакининг меҳмонхона бўйлаб худди шундай юрганини эслади. Хагрид, Гермиона, Люпин ҳам индамай осмонга қараб туришибди. Улардан ҳеч қайси бири Гарри билан Жиннага эътибор қилмади.

Ҳар бир дақиқа йилдай чўзилиб ўтмоқда. Ҳамманинг эътиборини шамолнинг билинар-билинемас эсиши ўзига тортган. Одамлар қилт этган бута ёки дарахтга, унинг шохидан Орденнинг бирорта аъзоси тап этиб сакраб тушишига умид қилганча қарашмоқда.

Бир вақт бош устида супурги пайдо бўлиб, шиддат-ла ерга яқинлаша бошлади.

- Келишди! - қичқирди Гермиона.

Бомс узоқ судралиб қўнганидан атрофга кесак аралаш шағал сачради.

- Ремус! - қичқирди у, супургини четга улоқтириб.

Қиз юзидан қон қочиб, маъюс қиёфа касб этган, сўз айтгани оғиз жуфтлай олмайётган Люпиннинг қучоғига отилди. Рон эса Гарри билан Гермионанинг олдига келди.

- Иш жойидами? - аҳвол сўраган бўлди у, қучоғига отилган Гермионани бағрига босиб.

- Мен... ўйладим-ки... ҳар хаёлга борар экансан, киши...

- Менга ҳеч нарса қилгани йўқ, - деди Рон, Гермионанинг белини силаб, - Ҳаммаси жойида

- Рон мардонавор жанг қилди, - самимий фикр билдирди Бомс, Люпиннинг қучоғидан чиқиб, - Рақиб супургисига чап бериб, Ўлимдан мириқувчилардан бирининг бошига зарб берганча, батанг қилиб ташлади.

- Ростданми? - сўради Гермиона, иккала қўли билан Роннинг бўйнидан ушлаганча, кўзига диққат-ла разм солиб.

- Кутилмаган қилиқларим кўп менинг, - тўнғиллади Рон, Гермионанинг қучоғидан чиқиб, - Охирги бўлиб қайтган бизми?

- Йўқ. Билл билан Флёр, Ўйноқкўз билан Мундугнус жуфтликларини кутяпмиз, - жавоб берди Жинна, - Ойим билан дадамга айтиб чиқай, келганингни.

- Хўш, нима тўхтатиб қолди сизларни? - деярли дарғазаб

оҳангда сўради Люпин Бомсдан.

- Беллатрикс, - жавоб берди Бомс, - У Гаррини ўлдиришга қанчалик ҳаракат қилинган бўлса, мени ўлдиришга шунчалик уринди, Ремус. Умид қиламан-ки, адабини бериб қўйдим. Лекин эри Родольфни ярадор қилганимиз аниқ... Роннинг холаси Мюриелнинг хонадонига бир амаллаб етиб олдик. Портшлюс вақти ўтган экан. Мюриель эса холи жонимизга қўймай, ушлаб қолди бизни.

Ияги асабий титраётган Люпин бош ирғиб қўйишга яради холос.

- Сизларга нима қилди? - сўради Бомс, Гарри, Гермиона ва Кинслига мурожаат қилиб.

Ҳовлида турганларнинг ҳар бири ўз ҳикоясини сўзлаб берди, лекин Билл, Флёр, Ўйноққўз ва Мундугнуснинг ҳаддан ортиқ узоқ ҳаяллагани кўнгилда пайдо бўлган изғиринга ўхшади ва бундай совуқ жароҳатни писанд қилмасликнинг иложи бўлмаяпти.

- Мен Даунинг-стритга қайтишим керак, - деди Кинсли, осмонга тикилишни бас қилиб, - Бир соат олдин қайтишим керак эди. Келишса, менга ҳам хабар бериб қўйинг.

Люпин бош ирғиди. Ҳамма билан хайрлашиб чиққан Кинсли қоронғилик қаърига кириб, дарвоза томон йўл олди.

Бироздан сўнг Гаррининг қулоғига ҳавода даф бўлишга хос қарс товуши эшитилди.

Мистер ва миссис Уэсли Жиннанинг ҳамроҳлигида ҳовлига чиқиб, Ронни қучиб олишганча, Люпин билан Бомсга мурожаат қилишди:

- Болаларимизни соғ-саломат қайтариб келтирганингиз учун катта раҳмат сизларга.

- Қўйсанг-чи, Молли, - деди Бомс.

- Жоржнинг аҳволи қалай? - сўради Люпин.

- Аҳволига нима қилибди, унинг? - шу заҳоти сўради Рон.

- Унинг...

Миссис Уэслининг овозини ғалати шовқин босиб юборди. Уй яқинидаги майдонга тестраль қўниб, устидан совқотиб музлаган, лекин тўрт мучаси соғ Билл билан Флёр тушди.

- Билл! Худога шукур! Худога шукур!

Миссис Уэсли иккаласининг олдига югуриб бориб, маҳкам қучоқлаб олди.

- Ўйноққўз ҳалок бўлди, - деди Билл, сал совуқ кўришиб. Ҳеч ким ҳеч нима демади. Ҳеч ким қилт этмади. Гарри ичида бир нарса узилиб, ер қаърига мангу тушиб кетганини ҳис этди.

- Ўз кўзимиз билан кўрдик, - давом этди Билл.

Лунжидаги кўз ёшида ошхона деразасидан тушаётган нур акс этган Флёр бош ирғиб тасдиқлади.

- Қуршов ҳалқасини ёриб ўтдик. Ўйноққўз билан Мундугнус ёнимизда бўлиб, улар ҳам шимол томон йўл олишган эди. Кутилмаганда Вольдеморт... У ўзи мустақил уча олар экан... тикка иккаласи томон учди. Мундугнус саросимага тушиб, ҳўнграй бошлади. Ўйноққўз уни тўхтатиб қолишга уринди-ю, ҳаракати беҳуда кетди. Мундугнус ҳавода даф бўлди. Вольдеморт йўллаган қарғиш яшини Ўйноққўзнинг юзига урилиб, супургидан йиқитди... Ўлимдан мириқувчиларнинг тахминан олтитаси бизни таъқиб қилиб келаётган эди... Биз ҳеч нима қила олмадик...

- Ундай вазиятда сизлар чиндан ҳам ҳеч нима қила олмас эдингиз, - тинчлантирди Люпин, Биллнинг овози ўзгарганини кўриб.

Ҳамма бир-бирига тикилганча жим қолди. Бўлиб ўтган ҳодисани Гарри хотиржам идрок эта олмаяпти. Ўйноққўз ҳалок бўлди. Бўлиши мумкин эмас. Қаттиққўл, жасур Ўйноққўз. Ҳар қандай вазиятдан чиқа оладиган Хмури. Гарчи ҳеч ким ҳеч нима демаган бўлса-да, нима бўлганини ҳамма тушуниб етди. Ҳовлида туришдан энди маъни йўқ. Мистер ва миссис Уэсли ҳамани Фред билан Жоржнинг қаҳқаҳаси эшитилаётган Бошпана меҳмонхонаси томон бошлашди.

- Тинчликми? Нима бўлди? - сўради Фред, кириб келганларнинг юзига қараб, - Ким?...

- Ўйноққўз, - жавоб берди мистер Уэсли, - Ҳалок бўлибди. Эгизакларнинг юзида ҳаяжон қиёфаси қотиб қолди. Бомс деярли овоз чиқармай жавон ёнида йиғламоқда. Ўйноққўз унинг устози бўлганини, Сехргарлик вазирлигига ишга олганини Гарри яхши билади. Ошхона полига жойлашиб олган Хагрид юзини қўли билан тўсиб олганча, шкафга суяниб ўтирибди.

Ён эшикдан кириб келган Билл стол устига бир шиша Огден

Олднинг куйдирадиган вискиси ва ўн иккита қадахни териб чиқди. Сеҳрли таёқчасини силтаб, ичимликни қадахларга тақсимлаб қуйди.

- Келинг, қадах кўтарамиз, Ўйноқкўз учун, - таклиф киритди у.

- Ўйноқкўз учун, - деди Гарри, ҳиқичоғи тутиб.

Виски унинг томоғини куйдириб ўтиб, ичини қиздирди.

Бўлаётган ҳодисалар Гаррига асл воқеликдан анча узоқдай кўринди, ич-ичида дадилликка ўхшаш туйғу уйғонди.

- Мундугнус Флетчер ҳавода даф бўлди-ми? - сўради Люпин.

Хонадаги муҳит шу заҳоти ўзгарди. Гапнинг давомини эшитиш учун бўлса керак, ҳамма ялт этиб Люпинга қаради ва Гаррининг назарида, Люпин билдириши мумкин бўлган тахминни чўчиб кутди.

- Нима демоқчи эканлигингни биламан, - деди Билл, - Мен ҳам шу ҳақда ўйлаб келдим, қайтаётганимизда. Бизни юқорида худди билгандай кутиб туришган эди, шундай эмасми? Бироқ Мундугнус Флетчер бизни сотган бўлиши мумкин эмас. Ҳавога бараварига етти нафар Гарри Поттер кўтарилишини улар билишмаган. Бундай ҳийла қўллаш таклифини эса, эсингда бўлса, айнан Мундугнус киритган эди. Табиийки, савол туғилади: агар Мундугнус хоин бўлса, нега у душманга гапнинг энг муҳимини айтмади? Флетчер қўрқиб кетгани аён, чунки Вольдеморт тикка уларга қараб учди. Бундай ҳолат эса ҳар қандай кишини қаттиқ руҳий ларзага солган бўлар эди.

- Ўзингиз-Биласиз-Ким айнан Ўйноқкўзга ҳамла қилди. Бундай бўлишини Хмури яхши билган, - овоз кўтарди Бомс, - Чунки Ўзингиз-Биласиз-Ким ҳақиқий Гарри Поттер энг тажрибали аврор ҳамроҳлигида йўлга чиқишини кутади деб, Ўйноқкўзнинг ўзи айтган эди. Мундугнус ҳавода даф бўлгач, Ўзингиз-Биласиз-Ким Кинслини таъқиб қила бошлагани, Ўйноқкўзнинг ўша гапига далил бўла олади.

- Булағнинг бағини яхши тушуниб туғибмиз, - деди Флёр, - Биёқ ҳали ҳеч ким тушунтиғиб беға олгани йўқ, Гағғининг бугун кўчиб ўтишини улағ қаеғдан билиши мумкинлигини. Оғамизда сотқин йўқ эмас. Шуниси аниқ-ки, тадбиғ айнан бугун ўтказилишини кимдиғ айтиб беғган улағга. Бу душманнинг кўчиш санасидан хабағ топгани, лекин тўлиқ

Ғежадан беҗабаҒ бұлганидан далил.

Қиз җаммага бирма-бир қараб чиқди. Кўз ёши унинг җуснда тенги йўқ юзида җамон ялтирамоқда. Ғеч ким унга қарши фикр билдиришга җуръат этмади. Ғеч ким. Қарор топган җимжитликни бузаётган ягона овоз шкаф ортида ўтирган Хаҗриднинг җиқичоғи.

Гарри Хаҗридга, җаётини сақлаб қолиш учун бугун ўз җаётини хавф остига қўйган давангир дўстига... у яхши кўрадиган, ишонадиган, бир вақтлар Вольдеморт алдаб, аждар тухумини қўлига ушлатиб қўйган Хаҗридга қаради...

- Йўқ, - сўз олди Гарри, овози виски таъсирида дадил янграб,
- Агар кимдир хатога йўл қўйган бўлиб, ниманидир оғзидан гуллаб қўйган бўлса, буни атайин қилмаганини биламан. Бу унинг айби эмас. Биз бир-биримизга ишонишимиз керак, - янада баландроқ овозда баёнот қилди у, - Мен җар бирингизга ишонганман, ишонаман ва бу ерда җозир бўлганлардан бирор бири менга хиёнат қилганига ишонмайман.

Орага янада оғир сукунат чўкиб, җамманинг нигоҳи Гаррига қараганча қолди. Бадани қизиб кетаётган Гарри Огден Олднинг куйдирадиган вискидан кўпроқ ичиб қўйганини, маст бўлиб қолганини җис этиб, Дамблдорнинг одамларга ишонч билдириш истагини җеч қачон маъқул топмаган Ўйноқкўз җақида ўйланиб қолди.

- Яхши гап бўлди, Гарри, - кутилмаганда хулоса қилди Фред.
- Ға, нимасини айтасан, - деди Жорж, акаси Фредга қараб.
Гаррининг гапи Люпинга қаттиқ таъсир ўтказган кўринади, маъюс қараб қолди.

- Мени аҳмоққа чиқармоқчимисан? - сўради Гарри, қўрс оҳангда.

- Йўқ. Феъл-атворинг Жеймсни эслатаётгани җақида ўйланиб қолдим, - Дўстларга ишонч билдирмасликни шармандалик деб топган бўлар эди у.

Люпин нимани назарда тутаётганини Гарри тушуниб турибди: отаси Жеймсга ўз дўсти Питер Петтигрю хиёнат қилган. Гаррининг зардаси ўзига номаълум сабабга кўра қайнамоқда. У Люпинга эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, лекин Люпин ўрнидан туриб, столнинг нариги томонидаги Биллнинг қаршисига бориб ўтирди.

- Иш бор, - деди у Биллга, - Мен Кинслига мурожаат қилишим мумкин эди, албатта...

- Йўқ, ўзим бораман... - шу заҳоти жавоб берди Билл, - Ўзим бажараман.

- Қаёққа? - баробарига сўради Флёр билан Бомс.

- Ўйноққўзнинг жасадини олиб кетиш керак, - жавоб берди Люпин.

- Бу ишни?... - оғиз жуфтлади миссис Уэсли.

- Кейинга қолдирсак бўлмайди-ми демоқчимисиз? - овоз кўтарди Билл, - Ўлимдан мириқувчилардан бирортаси олиб кетишини кутишимиз керакми?

Ҳеч ким эътироз билдирмади. Люпин билан Билл хайрлашиб, ҳовлига чиқишди-да, ҳавода даф бўлишди. Қолганлар курсиларни тўғрилаб, жойига ўтирди. Фақат ажалнинг кутилмаганда тўлиқ келишини бутун вужуди билан ҳис этган Гарри оёқда тик турганча қолди.

- Мен ҳам кетишим керак, - баёнот қилди у.

Ўн киши баробар Гаррига бақрайиб қолди.

- Бемаъни гапни қўй, Гарри, - эътироз билдирди миссис Уэсли, - Нималар деяпсан?

- Мен бу ерда қола олмайман, - деди Гарри, нисбатан кучлироқ оғриётган чандиғини уқалаб, - Мен шу ерда эканман, ҳаммангиз хавф остида бўласиз.

- Бемаъни гапни қўй дедим, Гарри! - янада баланд овозда эътироз билдирди миссис Уэсли, - Бугунги тун маъноси сени хавфсиз жойга олиб ўтиш бўлган. Худога шукур, олиб ўтишга эришдик. Флёр ҳам тўйни Францияда эмас, шу ерда ўтказишга розилик берди. Натижада, ҳаммамиз шу ерда бўлиб, сени муҳофаза қиладиган бўлдик.

Миссис Уэсли ҳеч нарсани тушунмай, Гарри ўзини янада ёмон ҳис этишга сабабчи бўляпти.

- Агар Вольдеморт шу ерда эканлигимни билса...

- Қандай қилиб билиши мумкин у? - сўради миссис Уэсли.

- Ҳозир сенинг хавфсизлигинг таъминланадиган жой кўп, Гарри, - деди мистер Уэсли, - Улардан қайси бирида бекиниб олганингни у билмайди.

- Ўзим учун қайғураётганим йўқ! - овоз кўтарди Гарри.

- Тушуниб турибмиз, - тез жавоб берди мистер Уэсли, - Лекин кетадиган бўлсанг, чиндан ҳам, бугунги оворагарчиликнинг

маъниси қолмайди.

- Ҳеч қаёққа бормайсан, - гумбурлади Хагриднинг овози, - Шунча нарсани бошдан кечиргандан сўнг-а?

- Қулоғимни йўқотганим неча пулга тушди энди? - эътироз билдирди Жорж, диванда ётган ўрнига ўтириб.

- Биладан...

- Ўйноққўз истамаган бўлар эди...

- БИЛАМАН! - бақирди ниҳоят Гарри.

У ўзини мағлуб бўлган, таҳқирланган кишидек ҳис этди.

Наҳотки улар, бугунги ишлар мен учун қилинганини тушунмаяпти, деб ўйлашаётган бўлса мен ҳақимда? Кетишни ишташимнинг сабаби ҳам айнан шу, кераксиз, ортиқча қурбонлар бўлишига йўл қўйишни истамаслигини тушуниб етишмаса?

Гаррининг чандиғи лўқиллаб оғримоқда. Сукунат чўзилиб, вужудни зирқиратмоқда.

- Хедвиг қани, Гарри? - сўраб қолди мистер Уэсли, - Уни Чўчринстель билан бир қафасда боқишимиз мумкин.

Гаррининг ичи бир сиқим бўлиб қолди. Саволга жавоб бермаслик учун вискининг қолганини ичиб юборди.

- Қараб тур, ўтиб кетади... эй, Гарри... сен бугун яна уддаладинг, - деди Хагрид, - Устингда учиб ҳамла қилганида у билан жанг қилиб, яна омон қолдинг... эй!

- Мен эмас, сеҳрли таёқчам, - рад этди Гарри, - У менинг иштирокимсиз, ўзидан ўзи ишга тушди.

- Ўзим аралашмаган ҳолда, сеҳр-жоду қўлладим демоқчисан, Гарри? Бу ғайритабиий, унақаси бўлмайди, - таъкидлади Гермiona, бироздан сўнг.

- Йўқ, - деди Гарри, - Мотоцикл ерга қулаётган эди.

Вольдеморт айни фурсатда қаерда учаётганини кўзим илғамай қолди. Шу пайт сеҳрли таёқчам ўзидан ўзи силтаниб, сеҳр қўллади. Қанақанги афсун қўллаганини ҳам тушуна олмадим. Мен ҳали ҳеч қачон тилла тусли учқун улоқтирмаганман.

- Бундай ҳолат мунтазам рўй бериб боради, - деди мистер Уэсли, - Руҳий ларзани бошдан кечираётган фурсатда шунақанги сеҳр қўллаб юборишинг мумкинки, унақасини илгари орзу қилишга ҳам журъат этмагансан.

- Ундай эмас, - оғир оҳангда эътироз билдирди Гарри.

Пешанасидаги чандиғи оғриқдан ёрилиб кетай деётган Гарри қандайдир эзилган, дарғазаб ўтирибди.

Асабийлашининг сабаби: гўё унда Вольдемортни енгишга қодир бўлмиш аллақандай яширин куч борлигига ҳамма ишонаётгани.

Биров индамади. Гапига ҳеч ким ишонмаганини Гарри яхши билиб ўтирибди. Шулар ҳақида ўйлар экан, дарҳақиқат, сеҳрли таёқчаси ҳали ҳеч қачон бундай қилмаганини эслади. Чандиғи, худди биров чўғ босгандек оғримоқда. Оғриқ азобидан бақириб юборишдан ўзини базўр тийиб ўтирган Гарри қўлидаги қадахни столга қўйиб, тоза ҳавога чиқиш учун хонани тарк этди.

Боғ қоронғилигига чиқиб, сал нарида қанотини ёзаётган улкан тестрални кўрди. Дарахтлар орасида тўхтаб чандиғини уқалаганча, Дамблдорни эслади. Дамблдор унга ишонган бўлар эди, Гарри буни яхши билади. Унинг сеҳрли таёқчаси, соҳиби амр этмаган бўлса ҳам, нима сабабдан ва қандай қилиб ишга тушиши мумкинлигини Дамблдор билган бўлар эди. Чунки унда ҳар қандай саволга жавоб бўлган. Дамблдор сеҳрли таёқчалар ҳақида кўп нарсаларни билар, Гарри билан Вольдемортнинг сеҳрли таёқчалари ўртасидаги тушунарсиз боғлиқликни изоҳлаб берган бўлар эди. Таассуфки, энди Дамблдор, худди Ўйноқкўз Хмури, Сириус, ота-онаси ва бечора бойқуши Хедвиг каби йўқ ва у билан энди ҳеч қачон гаплаша олмайди.

Гарри томоғини нимадир куйдираётганини ҳис этди. Йўқ, бу вискининг таъсири эмас, бошқа нарса...

Кутилмаганда чандиғининг оғриғи роса авж олди. Гарри пешанасини уқалаб, кўзини чирт юмди. Дафъатан, унинг миясида овоз янгради:

- Бошқа сеҳрли таёқчадан фойдалансам, муаммо бартараф бўлишини айтган эдинг!

Гаррининг кўз олдида тош тўшалган полдаги увадалар устида ётган, жон талвасасида юракни эзадиган даражада бақираётган кекса киши гавдаланди:

- Йўқ! Йўқ! Ўтинаман, йўқ!...

- Сен Лорд Вольдемортга ёлғон гапирдинг, Олливандер!

- Мен ёлғон.... онт ичаман.... мен алдама...

- Сен Поттерга ёрдам бериб, мендан қутулишни истагансан!

- Онт ичаман, мен... Бошқа таёқча ёрдам беришига ишончим комил эди...

- Унда нега Люциуснинг сеҳрли таёқчаси йўқ бўлиб кетди? Қани тушунтириб берчи менга!

- Ақлим етмаяпти... Иккалангизнинг сеҳрли таёқчаларингиз орасидагина... боғлиқлик бор эди холос...

- Ёлғон!

- Йўқ! Йўқ! Ўтинаман, йўқ!...

Оппоқ қўл сеҳрли таёқчани кўтарганини кўрган Гарри Вольдемортнинг қайнаб кетган қаҳрини ҳис этди, бемадор қариянинг оғриқ азобида полда тиришиб-буришиб типирчилаётганини кўрди.

- Гарри?

Аҳвол қанчалик тез бошланган бўлса, шунчалик тез йўқолди. Қоронғиликда турган Гарри дағ-дағ титрамоқда, юраги кўкрак қафасини ёриб чиқар даражада урмоқда, пешанасидаги чандиғи ҳамон ловулламоқда. Яна бир неча сония ўтгач, ёнида Рон билан Гермиона турганини идрок этди.

- Гарри, юр уйга кирайлик, - пичирлади Гермиона, - Кетишни хаёлдан чиқариб юборгандирсан?

- Ҳа, биродар, сен шу ерда, Бошпанада қолишинг керак, - деди Рон, Гаррининг белидан туртиб.

- Аҳволинг яхшими? - сўради Гермиона, Гаррининг юзига назар солиб, - Кўринишинг даҳшатнинг ўзгинаси-я.

- Ишончим комилки, аҳволим ҳар қалай, Оливандернинг аҳволига нисбатан анча яхши, - титроқ овоз-ла жавоб берди Гарри.

Гарри ҳозиргина кўрганини дўстларига айтиб берди. Унинг ҳикоясини эшитган Рон қўрқиб кетди.

- Бундай ҳолат батамом барҳам топган деб юрар эдим, - деди вужудини ҳаяжон босган Гермиона, - Чандиғинг бас қилиши керак эди! Ўша алоқа яна очилишига йўл қўйишинг мумкин эмас! Ўз тафаккурингни ундан бекитишинг кераклигини Дамблдор тайинлаган эди!

Гарри индамади. Гермиона унинг қўлини маҳкам ушлади.

- Гарри, Вольдеморт Сеҳргарлик вазирлигини, бизнинг оммавий ахборот воситаларимизни, сеҳргарлар дунёсининг

ярмини эгаллаб олишга улгурди! Сенинг бошингга ҳам эгалик қилишига йўл қўйма унга!

ОЛТИНЧИ БОБ. УЙҚУ КИЙИМИДАГИ ҚОНХЎР

Ҳамма Уйноққўзни эслаб яшамоқда. Орденинг қолган аъзолари каби, Гарри ҳам, орқа эшикдан кириб келаётган Хмурининг ясама оёғи тақиллаб қолишига умид қилмоқда. Ҳаракатсиз ўтириш Гаррининг онгида айбдорлик ва маъюслик ҳиссини кучайтирмоқда. Рухдонларни тезроқ топиб, йўқ қилиш – Гаррининг ягона мақсади бўлиб қолган. - Ёшинг ўн еттига тўлмагунча ўша рухдонларни ҳеч нима қила олмайсан, - пичирлари Рон.

Икковлон тушлик қилиб ўтирибди. Мистер Уэсли билан Билл ишга кетган. Миссис Уэсли эса юқори қаватга, Гермiona билан Жиннани уйғотгани чиқиб кетган, Флёр ваннахонада ювинмоқда.

- Ҳозир сени ҳамма қидиряпти, - фикрини давом этди Рон, - Лекин келгусида қиладиган ишларимизни шу ерда режалаштириб олишимиз мумкин-ку, шундай эмасми? Ёки, - овозини янада пасайтирди у, - Рухдонлар қаерга яширилганини биласанми?

- Йўқ, - деди Гарри.

- Назаримда Гермiona қандайдир тадқиқот ўтказди, - маълум қилди Рон, - Айтишича, сен қайтгунингга қадар тўхтатиб турган экан.

- Мен ўз изимни йўқ қилиб бўлдим, - баёнот қилди Гарри, - Шунинг учун бу ерда тўрт кунни бир амаллаб ўтказиб олсам бўлди. Кейин...

- Тўрт эмас, беш кунни, - қатъий оҳангда гап кесди Рон, - Тўйда иштирок этишимиз шарт. Акс ҳолда улар ўзлари ўлдиради бизни.

«Улар» деган сўз Флёр билан миссис Уэслини англатишини Гарри фаҳмлади.

- Атиги бир кун холос, - деди Рон, Гаррининг юзи домангир қиёфа касб этганини кўриб.

- Иш қанчалик муҳим эканлигини тасаввур эта олишадими, улар?

- Йўқ, албатта. Зиғирдай бўлсин, тасаввурга эга эмас.

Модомики, бу ҳақда ўзинг гап очган экансан...

Рон эшик томон қараб, миссис Уэсли қайтиб келмаганига ишонч ҳосил қилгач, Гаррига яқинроқ сурилди.

- Ойим Гермиона иккаламизни сўроққа тутиб, гап суғуриб олмоқчи бўлди биздан. Энди терговдан ўтиш гали сеники. Шундай экан, тайёр бўл. Дадам билан Люпин ҳам сўроқ қилишга уриниб кўришди бизни. Лекин Дамблдор сенга Гермиона иккаламиздан ташқари, ҳеч кимга чурқ этмасликни тайинлаганини айтганимиздан сўнг, ҳаммаси тинчланди, ойимдан ташқари, албатта.

Орадан бир неча соат ўтиб-ўтмай, Роннинг башорати рўёбга чиқди. Тушлик қилгани ўтиришдан олдин миссис Уэсли юк халтадан тушиб қолган эркаклар пайпоғи кимга тегишли бўлиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида Гаррини чақирди.

Буфет хонасида ёлғиз қолишлари ҳамоно, сўроқ бошланди:

- Рон билан Гермионанинг сўзларига қараганда, сизларнинг айрилмас учлигингиз «Хогварц»ни писанд қилмаслиги мумкин эмиш, шундайми? - сўради у, эркин суҳбат тарзида.

- Э-м-м... ҳа, шундай, - жавоб берди Гарри.

- Нима сабабдан ўқишдан бош тортаётганингни билсам бўладими? - сўради миссис Уэсли.

- Дамблдор менга... топшириқ берган, - ғудуллади Гарри, - Рон билан Гермиона буни билади ва иккаласи менга ҳамроҳ бўлмоқчи.

- Қанақанги топшириқ экан, у?

- Маъзур сананг, айта олмайман...

- Очиғини айтадиган бўлсам, Артур иккаламиз буни билишга ҳақлимиз ва ишончим комилки, мистер ва миссис Грэнжерлар ҳам фикримни қўллаб-қувватлашади, - баёнот қилди миссис Уэсли.

Гарри «хавотир олаётган ота-оналар»нинг қийин-қистовидан қўрқиб юрган эди. У ўзини миссис Уэслининг кўзига тик қарашга мажбур қилиб, Жиннанинг кўзи ойисининг кўзига ўхшаб кетишини хаёлдан ўтказди. Кўз уриштиришдан наф бўлмади.

- Дамблдор ўша топшириқни бошқа биров билишини хоҳламаган, миссис Уэсли. Кечирасиз-у, Рон билан Гермиона мен билан сафарга чиқишга мажбур эмас. Ихтиёр ўзларида.

- Сен ҳам мажбур эмассан сафарга чиқишга. Ҳар қалай, мен

шундай деб ўйлайман, - деди миссис Уэсли дона-дона қилиб, - Сен энди деярли кап-катта йигит бўлиб қолдинг. Дамблдор бериб кетган топшириқнинг аҳамияти йўқ энди. Ваҳоланки, ўзидан кейин қолдириб кетган бутун бошли Ордени бор!

Ўйлашимча, сен Дамблдорни нотўғри тушунгансан. У нимадир қилишни илтимос қилган, сен эса, ўша топшириқни айнан сен бажаришинг керак, деб тушунгансан.

- Мен Дамблдорни жуда аниқ ва тўғри тушунганман, - қатъий оҳангда жавоб берди Гарри, - Топшириқ ижрочиси айнан мен бўлишим керак.

Гарри тилла тусли қамиш тасвири туширилган пайпоқни миссис Уэслининг қўлига тутқазди.

- Бу пайпоқ меники эмас. Падмир жамоасига мухлислик қилмаганман мен.

- Ҳа, албатта. Ўзим ҳам фаҳмига етишим керак эди, - деди миссис Уэсли, овозига одатий оҳанг бериб, - Модомики ҳозирча шу ерда экансан, Билл билан Флёрнинг тўйига ҳозирлик кўриш масаласида ёрдамлашиб юборасан, деган умиддаман. Бир олам иш ўз навбатини кутмоқда. Хўш?

- Ёрдам бераман, албатта, - жавоб берди Гарри, суҳбат мавзуси кескин ўзгарганидан эсанкираб.

- Жуда соз, - деди миссис Уэсли, буфет хонасидан табассумла чиқиб кетиб.

Шу фурсатдан эътиборан миссис Уэсли тўйга ҳозирлик масаласида Гарри, Рон ва Гермионани шу қадар банд қилиб бордики, учовлон келгуси ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш учун бир ерга тўплана олмаяпти.

Болаларни Хмурининг ўлими ва тунда ўтган мудҳиш саёҳат ҳақидаги хаёллардан чалғитиш - миссис Уэслининг бундай иш тутишига энг яхши тушунтириш бўлди. Аммо икки кун тинмай қайчи тозалаш, гул ва тасма саралаш, экинзордан гном қувиш, канапенинг йирик миқдорини тайёрлашга ёрдам бериш каби ишлардан сўнг, Гаррининг хаёлига бошқача тушунтириш келиб қолди. Гап шундаки, буюрилган ишлар ижроси Гарри, Рон ва Гермионанинг уч томонга тарқаб кетишини тақозо этмоқда. Вольдеморт Олливандерни қийноққа солаётгани ҳақида айтиб берган ўша биринчи кечадан сўнг, Гаррининг дўстлари билан ёлғиз қолиб гаплашиш имкони бўлмаяпти.

- Менимча ойим, агар сизларни ҳар томон айириб юборса, сенинг кетишинг кейинга қолишига умид боғламоқда, - пичирлади Жинна, тушлик дастурхонини тузаётиб.

- Бу билан бирон нима ўзгаради, деб ўйлайди-ми, у? - пўнғиллади Гарри, - Бизни бу ерда қамаб, алоҳида-алоҳида ишлашга мажбур қилаётган вақтда, кўчада юрган бошқа биров Вольдемортни ўлдириб юборар эканми?

Гаррининг жавобини эшитган Жиннанинг юзидан қон қочди.

- Демак рост экан-да? - сўради у, - Сен чиндан ҳам ўзинг ўлдирмоқчимисан уни?

- Мен... мен... шунчаки, ҳазиллашдим, - гапни бурди Гарри.

Иккаласи бир-бирига тикилиб қолди. Гарри Жиннанинг юзида ҳайратдан ташқари, яна ниманидир англатадиган қиёфа борлигини кўрди. «Хогварц»нинг биров кўрмас бурчакларида ўтказилган соатлардан кейин, иккаласи биринчи марта ёлғиз қолиши. Жинна ҳам ўша соатларни эслаётганига умид қилди. Эшикнинг ғичирлагани иккаласини сескантириб юборди.

Хонага мистер Уэсли, Кинсли ва Билл кириб келишди.

Орден аъзолари бу ерда тез-тез йиғилиб туришади. Чунки энди Бошпана, Дамблдорнинг ўлиmidан сўнг, мистер Уэслининг талабига кўра, Қақнус ордени учун Лондоннинг Пинҳонийлик майдонидаги 12- уй ўрнида қароргоҳ сифатида хизмат қилмоқда. Негаки, хотирасига махфий ахборот жойланган Сир сақловчи бўлмиш Дамблдор ҳалок бўлгач, марҳум ишонч билдирган ҳар бир киши Пинҳонийлик майдонидаги 12- уйнинг Сир сақловчиси бўлиб қолган. Бундай одамлар сони эса йигирма кишидан кўп бўлиб, тилсим кучи заифлашган. Бошқача қилиб айтганда, Ўлимдан мириқувчилар кимнидир тутиб олиб, ичидаги сирдан воқиф бўлиш учун йигирмадан ортиқ имконга эга. Бундай ҳолат узоқ вақт рўй бермаслигига эса кафолат йўқ.

- Лекин Снегг Ўлимдан мириқувчиларга манзилни айтиб бўлди-ку, шундай эмасми?

- У ерда Ўйноқкўз томонидан Снегг пайдо бўлса ҳаракатга келадиган бир-иккита қарғиш қўлланилган. Умид қиламизки, ўша қарғишлар кучли бўлиб, Снеггни Пинҳонийлик майдонидан нари қувади ва уй манзили ҳақида бировга бирон нима демоқчи бўлган фурсатда ўз тилини қаттиқ тишлаб олади. Аммо ўша қарғишларнинг самарали таъсирига

тўлиқ ишониб бўлмайди. Шундай экан, Пинҳонийлик майдонидаги уйдан Орден қароргоҳи сифатида фойдаланишни давом этиш ақлдан бўлмайди. Хавфсизлик ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлаверади.

Бу оқшом ошхонада одам шу қадар кўп йиғилган-ки, санчки-пичоқ ишлатиб овқатланиш анча қийин кечди. Гаррига Жиннанинг ёнидан жой тегди. Қовурилган жўжасини нимталашга уриниб, қўли Жиннанинг қўлига тегиб кетаётган Гарри, иккаласининг орасида бир-икки киши ўтирмаганидан афсус қилмоқда.

- Ўйноққўз масаласида бирон-бир янгилик борми? - сўради Гарри Биллдан.

- Йўқ, жимжитлик, - жавоб берди Билл.

Ўша кеча Билл билан Люпин Хмурини дафн эта олишмаган, чунки унинг жасади топилмаган. Жанг тунги осмонда кечгани боис, Хмури қулаган жойни аниқ топишнинг иложи бўлмаяпти.

- «Башорат-у, каромат газетаси» унинг ўлими ҳақида ҳам, жасади ҳақида ҳам бирор сатр бўлсин, ёзмади, - давом этди Билл, - Лекин бу ҳеч нарсани англамайди. Улар энди кўп нарсалар ҳақида ёзишмаяпти.

- Балоғат ёшига етмай туриб, сеҳр-жоду қўллаганим учун интизомий жиҳатдан муҳокама комиссиясининг йиғилишини ўтказишмас эканми? Ахир мен Ўлимдан мириқувчилардан қочаётганимда сеҳр-жоду қўлладим-ку? - сўради Гарри мистер Уэслидан.

Мистер Уэсли бош чайқади.

- Бошқа чора қолмаган вазиятга тушиб қолганимни билишгани учунми ёки Вольдеморт менга ҳамла қилганини бутун дунёга жар солишни иштасмагани учунми?

- Фикримча, иккинчи сабаб ҳақиқатга яқинроқ, - жавоб берди мистер Уэсли, - Чунки Скримж Ўзинг-Биласан-Ким энди илгаридан ҳам қудратли бўлиб қолгани, Азкабан маҳбуслари қамоқхонадан оммавий равишда қочиб кетганини тан олишни мутлақо истамаяпти.

- Тўғри-да, ҳақиқатни ҳаммага айтиб нима қилади, - пичоқни маҳкам сиқди Гарри.

- Вазирликда, ҳеч ким унга қарши чиқиб, гапира олмайди-ми? - сўради Рон, дарғазаб оҳангда.

- Одамлар юрагини олдириб қўйган, Рон, - жавоб берди мистер Уэсли, - Ном-нишонсиз йўқолиш навбати уларга етиши, болаларига ҳамла қилиниши мумкинлигидан қўрқиб юришибди! Ниҳоятда жирканч миш-миш гаплар тарқаган. Масалан мен, маглшунослик фани ўқитувчиси ишдан бўшаб кетганига ишонмайман. Бир ҳафтадан буён уни ҳеч ким кўргани йўқ. Скримж эса куни билан хонасида бекиниб ўтиради. Умид қиламан-ки, ўша ерда у тегишли чоратадбирлар режаси устида ишлайди.

Мистер Уэсли гапини тўхтатиб, ликопини сеҳр воситасида тозалаб қуритди.

- Сени қандай кийинтиғиш ҳақида ўйлаб кўғишимиз кефак, Гафғи, - деди Флёр, - Тўй кунига, - тез аниқлик киритди у, Гаррининг саросимага тушиб қолганини кўриб, - Меҳмонлағ ичида Ўлимдан миғиқувчилағ бўлмайди, албатта. Лекин улағ халал беғишга уғинмаслигини кафолатлаб бўлмайди.

- Флёр тўғри айтяпти, - деди столнинг нариги бошида ўтирган миссис Уэсли, кўзойнагини бурнининг учига қўндириб олганча, пергамент варағига битилган ишларнинг узундан-узоқ рўйхатига қараб, - Хўш, Рон, хонангни йиғиштириб, тартибга келтириб қўйдинг-ми?

- Нега? Нега энди мен хонамни йиғиштириб, тартибга келтиришим керак экан? - хитоб қилди Рон, қошиқни столга уриб, - Хонамдаги аҳвол Гарри иккаламизни қаноатлантиради!

- Акангнинг тўйига бир неча кун қолди, йигитча...

- Ва улар тўйни менинг хонамда ўтказишмоқчи, шундайми? - киноя қилди Рон, - Йўқ, а? Унда нега, Мерлин ҳақи, хонамни...

- Онанг билан бундай оҳангда гаплашма, - танбеҳ берди мистер Уэсли, - Айтилган ишни қил, бас.

Рон ота-онасига қовоғини уйганча қараб қўйди-да, оғзини олмали пирогининг қолгани билан тўлдириб олди.

- Ўз нарсаларимни саранжом қилиб, хонани тартибга келтириш масаласида ёрдам беришим мумкин сенга, - таклиф киритди Гарри.

- Йўқ, Гарри, сенга бошқа иш бор, - гапни бўлди миссис Уэсли, - Артурга товуқларни қамаш масаласида қарашиб юборишингни истар эдим. Гермiona эса месьё ва мадам Делакеёрларнинг кўрпа-тўшакларини тайёрлаб қўйса, бағоят

миннатдор бўлар эдим. Улар эртага эрталаб соат ўн бирда етиб келишларини биласиз.

Аниқланишича, мистер Уэслига ёрдам керак эмас экан.

- Фақат бу ҳақда Моллига индамай қўя қол, - деди мистер Уэсли, товухонага олиб борадиган йўлакда Гаррининг олдида тўхтаб, - Бомс Сириуснинг мотоциклидан қолган бўлакларни топиб берди менга. Уларни... шу ерга бекитиб қўйганман. Энди менда чиқинди газ қувурининг зичлагичи билан яна бир нарса бор. Адашмасам, уни маглар аккумулятор деб аташади. Ажойиб! Тормоз қандай ишлашини ҳам ўрганиб чиқаман. Молли уйда бўлмаган куни, аниқроғи, қўлим бўшаганда, буларнинг барини йиғишга уриниб кўраман.

Миссис Уэсли уйда йўқ.

Гарри чордоққа, Роннинг олдига аста кўтарилди.

- Йиғиштиряпман дедим-ку, хонамни, йиғиштиряпман, - вайсади Рон, - А-а, сен-ми.

Гаррини кўриб тинчланган Рон ўзини яна каравотга ташлади. Хона ҳафта давомида қандай тартибсиз бўлган бўлса, шундайлигича қолган.

Бурчакда китоб саралаётган Гермiona билан унинг мушуги Маймоқоёқ ўтирибди. Китобларнинг баъзилари Гаррига таниш кўринди.

- Салом, Гарри, - кўришди қиз.

Гарри ўзининг каравотига астойдил жойлашиб ўтирди.

- Миссис Уэсли тайинлаган ишларни қилиб бўлдинг-ми? - сўради Гарри Гермionaдан.

- Роннинг ойиси унутган кўринади. Ўша ишларни қилиб қўйишни Жинна иккаламиздан кеча илтимос қилган эди, - кулди Гермiona, «Санок ва грамматика» дарслигини «Ўвуз кучлар равнақи ва барҳам топиши» устига ташлаб.

- Ўйноққўз Хмури ҳақида гаплашиб ўтирган эдик. Менимча у омон қолган бўлиши мумкин, - деди Рон.

- Ўлдириш қарғишининг яшини юзига урганини Билл ўз кўзи билан кўрганини айтди-ку, - эътироз билдирди Гарри.

- Тўғри. Лекин Ўлимдан мириқувчилар Биллга ҳам ўша пайтда ҳамла қилишаётган эди, - жавоб берди Рон, - Бундай вазиятда Билл ҳамма нарсани аниқ кўра билган деб бўлмайди.

- Авада Кедавра яшини юзига тегмай, ёнидан ўтиб кетган тақдирда ҳам, Хмури минг футча баландликдан қулаб тушди, - деди Гермиона, «Британия ва Ирландиянинг квидиш жамоалари» китобининг вазнини қўлида тортганча, чамалаб кўриб.

- Ўша ҳолатда қалқон тилсимини қўллаши...

- Флёрнинг сўзларига қараганда, Хмури қуролсизлантирилган, - эслатиб ўтди Гарри.

- Хўп, майли, - деди Рон, ёстиқни уриб шишириб, - Унинг ўлганига жуда ишонгинг келса, марҳамат, ишонавер.

- Ишонгиси келмайди, албатта! - деди Гермиона ҳайрон бўлиб, - Тўғри мулоҳазали бўлишимиз керак-ку, ахир.

Гаррининг кўз ўнгида илк бор Хмурининг худди Дамблдорнинг жасади каби, дабдаласи чиққан, сеҳрли кўзи тинимсиз айланаётган жасади гавдаланди. Ҳам кулгиси қистади, ҳам виждон азоби қийнади.

- Ўлимдан мириқувчилар жиноят изини бартараф этишнинг ҳавосини олган кўринади, - ҳикмат оҳангида таъкидлаб ўтди Рон, - Шу боис ҳам, уни ҳеч ким топа олмаяпти.

- Ҳа, шунга ўхшайди, - деди Гарри, - Жасади суякка айлантрилиб, Хагриннинг экинзорига кўмилган Барти Сгорбс каби.

- Бас қилинглар! - бақириб юборди Гермиона.

Сесканиб кетган Гарри Гермиона томон ўгирилиб, «Сеҳргарнинг саводхонлик китоби» устига кўз ёш тўкаётганини кўрди.

- О, Гермиона, - оҳ урди Гарри, ўрнидан туриб, - Сени хафа қилмоқчи эмас эдим.

Лекин каравот пружинаси каби сакраб турган Рон Гермионанинг ёнига келиб, киссасидан дастрўмол чиқарди-да, сеҳрли таёқчасини қўлга олиб, дастрўмолга ўқтади.

- Тэргео! - деди у, таёқчасини силтаб.

Сеҳрли таёқча дастрўмолнинг кирини сўриб олди. Ҳунаридан мамнун бўлган Рон тоза рўмолчани Гермионага узатди.

- О, Рон... раҳмат. Маъзур санайсиз мени, - ҳиқиллади Гермиона, дастрўмолга бурун қоқиб, - Жуда мудҳиш ишлар, а? Ҳали Дамблдорнинг ўлиги совимай, Хмури ҳалок бўлса-я! Ўйноқкўзнинг ҳалок бўлганини хаёлимга ҳеч сиғдира олмаяпман. Шундай кучли, қудратли сеҳргар-а!

- Ҳа, тўғри, - маъқуллади Рон, - Агар у шу ерда бўлганда нима деган бўлишини ўзинг биласан-ку, а?

- Бетиним сергаклик талаб этилади! - Хмурининг сўзларини такрорлади Гермиона, бошини кўтариб.

- Худди шундай, - деди Рон, бош ирғиб, - Хатосини таҳлил қилиб, тўғри хулоса чиқаришни талаб қилган бўлар эди у. Ва мен яна бир нарсани аниқ тушуниб етдим, у ҳам бўлса, анави мараз, ёлғончи қўрқоқ Мундугнус Флетчерга ҳеч қачон ишонмасликни.

Гермиона кулиб қўйган бўлди-да, энгашиб, қўлига яна бир нечта китоб олди. Китоблардан бири, хусусан, бошқаси қуриб кетгандай, келиб-келиб бир вақтлар сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш фанини ўзлаштириш учун Хагрид томонидан тайинланган «Махлуқлар ҳақида қўрқинчли китоб» дарслиги қизнинг қўлидан чиқиб полга тушди. Тасмаси ечилиб кетган китоб бир сакради-да, Роннинг тўпиғини қаттиқ тишлаб олди.

Гарри қопағон китобни дод-вой солган Роннинг оёғидан бир амаллаб ажратиб олди.

- Кечир мени, Рон, кечир, - яна йиғлади Гермиона.

- Нима қилмоқчисан ўзи, бу китобларни? - сўради Рон, каравоти томон чўлоқланиб.

- Рухдон қидириш сафарига ўзимиз билан олиб кетадиган китобларни саралаб чиқяпман, - жавоб берди Гермиона.

- Ҳа, албатта, - деди Рон, кафти билан ўз пешанасига тарсаки уриб, - Вольдеморт овига сайёр кутубхонада йўлга чиқишимиз кераклигини унутибман-а!

- Ҳечам кулгили эмас, - деди Гермиона, «Сеҳргарнинг саводхонлик китоби»ни томоша қилиб, - Руналарни таржима қилиш керак бўладими, бизга йўқми? Эҳтимол... Ўзимизни ишончлироқ ҳис этишимиз учун мана буни олайликми, ё... Қиз «Сеҳргарнинг саводхонлик китоби»ни китоблар тахига қайтариб, ««Хогварц» тарихи»ни қўлига олди.

- Гапимга қулоқ солинг... - деди Гарри.

Рон билан Гермиона ҳам итоат, ҳам таҳдид нигоҳи ила бир вақтда қарашди.

- Дамблдорнинг дафн маросимидан сўнг, мен билан сафарга чиқишингизни айтгансиз, эсимда...

- Яна бошлади, - деди Рон Гермионага кўзини чаноғида

айлантирганча қараб, - Нима демоқчи бўлганингни биз тушуниб бўлдик, - уф тортди у, китоблар томон юзланиб, - Биласанми, нима, Гермiona, фикримча, ««Хогварц» тарихи»ни олишимиз керак. У ерга қайтмасак-да, ушбу китобсиз, ўзимни ноқулай ҳис этаман.

- Гапимга қулоқ солинг! - такрорлади Гарри.

- Йўқ, Гарри, энди сен қулоқ сол бизнинг гапимизга! - деди Гермiona, - Бир неча ой муқаддам биз сенга ҳамроҳ бўлишга аҳд қилганмиз. Йўқ, аслида бир неча ой эмас, бир неча йил муқаддам аҳд қилганмиз.

- Бироқ...

- Жим бўл, - маслаҳат берди Рон.

- Яхшилаб ўйлаб кўрганингизга ишончингиз комилми? - ўжарликни қўймади Гарри.

- Қани, сен ҳам ўйлаб кўр, Гарри, - деди Гермiona, Сверкароль Чаруальднинг «Троллар билан саёҳат» китобини фойдасиз китоблар уюмига улоқтириб, - Мен нарсаларимизни бир неча кун давомида, узоқ йиғиштирдим-ки, ҳозироқ тугунимизни кўтариб, йўлга чиқишимиз мумкин. Бу иш эса, ўз навбатида, сенга зарур бўлган маълумотларни йиғиш учун ниҳоятда мураккаб сеҳр қўллашни тақозо этди. Ўйноққўз тайёрлаган Ҳамма қиёфа сиркасининг захирасини Роннинг онаси миссис Уэслининг кўз ўнгида қандай ўғирлаб борганим ҳақида индамай қўя қолай. Яна шуни билиб қўйгин-ки, Гарри, мен ўз ота-онамнинг хотирасини буткул ўзгартириб юбордим. Энди улар Грэнжерлар эмас. Исмлари Вендел ва Моника Вилкинс эканлигига ишончи комил бўлган эр-хотин Англиядан Австралияга кўчиб ўтишни бир умр орзу қилишган ва ҳозир улар дунёнинг ўша томонига йўл олишган. Бундай чора Вольдеморт учун ғов бўлади, агар уларни қидириб топиб, мен ҳақимда ёки сен ҳақингда сўроқ қилишни ният қилса. Чунки, таассуфки, ота-онамга сен ҳақингда кўп нарсаларни айтиб берган эдим. Агар руҳдон овида омон қолсам, ойим билан дадамни топиб, сеҳр кучини бартараф этаман, агар ҳалок бўлсам... илож қанча... умид қиламан-ки, сеҳрим ўз кучини йўқотмайди ва эр-хотин Вилкинслар узоқ, бахтли ва хавфсиз ҳаёт кечиради. Фаҳмлаган бўлсанг, Вендел билан Моника Гермiona исмли қизи бўлганини билишмайди...

Гермионанинг кўзи яна ёшга тўлди. Рон каравотдан туриб, Гаррига одобсизлиги учун койигандай ўқрайиб қўйди. Гермионанинг ёнига бориб қўлини қизнинг қўлига қўйди. Гарри айтгани сўз топа олмади. Роннинг одоб борасида сабоқ бериши Гарри учун кутилмаган ҳолат бўлди.

- Мен... Гермиона, кечир мени... сени хафа қилмоқчи эмас эдим.

- Сен билан йўлга чиқиб, биз иккаламизни нималар кутишини ўзимиз ҳам яхши тасаввур қилишимиз ҳақида ўйлаб кўрмадинг-ми? Хижолат бўлма, Гарри, биз жуда яхши тасаввур қиляпмиз. Рон, нима қилганигни кўрсат унга.

- Шартми? Ҳозиргина овқатланиб олди-ку, у? - деди Рон.

- Шарт! У билиши шарт!

- Ҳа, майли. Қани, юр-чи, Гарри.

Рон қўлини қизнинг қўлидан олиб, чиқиш эшиги томон каловланди.

- Юр, дедим.

- Қаёққа? - сўради Гарри, Роннинг ортидан тор зина бўйлаб кўтарилиб.

- Десендо, - ғудуллади Рон, сеҳрли таёқчасини пастқам шифтга ўқтаб.

Ҳосил бўлган квадрат туйнук очилиб, ҳожатхонанинг сассиғини эслатадиган бадбўй ҳид чиқди, кимдир нимадир сўрганча, мудҳиш овоз чиқариб инграётгани эшитилди.

- Бу хонадонингизнинг қонхўр арвоҳи-ку, а? - сўради Гарри.

- Ҳа, ўша, - жавоб берди Рон, зина бўйлаб юқорига кўтарилиб,

- Юр, яқинроқ борсанг, кўрасан.

Тунги сукунатни баъзан бузиб турадиган ўша махлуқни Гарри ҳали кўрмаган. У Роннинг ортидан юқорига кўтарилиб, ўраб қўйилган митти нарсани кўрди. Оғзини катта очганча, кулчадек бўлиб қотиб ухлаётган ушбу махлуққа бир неча қадам қолганда тўхтади.

- Арвоҳ... тунда кийиладиган уйқу кийимида бўлиши... тўғрими, ўзи? - сўради у.

- Йўқ, - жавоб берди Рон, - Одатда, бошида малла соч, юзида ҳуснбузар ҳам бўлмайди.

Гарри жирканганча, арвоҳни кўздан кечириб чиқди. У нимаси биландир одамга ўхшаб, эгнига Роннинг эскириб кетган уйқу кийимини кийиб олибди. Арвоҳлар, одатда, шаффоф бўлиб,

пахмоқ сочли эмас, аксинча кал бўлишига, юзига бинафша тусли мудҳиш ҳуснбузар тошмаслигига ишончи комил эди.

- Бу, мен. Тушундинг-ми? - сўради Рон.

- Йўқ.

- Кетдик, хонамда тушунтираман.

Икковлон зинадан пастга тушди. Рон шифт бўлагини жойига ўрнатди. Гермиона хона бурчагида китоб саралашни давом этмоқда.

- Бошпанани тарк этишимиз ҳамоно, сен кўрган ўша арвоҳ пастга, мана шу хонага тушиб яшайди, - гап бошлади Рон, - Бечора ўша кунни интизорлик билан кутаётган бўлса керак. Бир нима дейиш қийин, лекин. Қўлидан келадиган иши инграш-у, сўлак оқизиш, у ҳақда гап кетганда эса тинимсиз бош ирғиб туриш. Нима қилганда ҳам, у, менинг сўлак оқизиб ўтирадиган қиёфам бўлади. Қалай?

Ҳеч нарсани тушунмаган Гарри талмовсиради. Режаси беназир деб топилмагани, Гаррининг хурсандлигидан хитоб қилмаганини кўрган Рон бироз хафа бўлган кўринади, уф тортди.

- Қулоқ сол, - тушунтириш беришга киришди у, - Учаламиз ҳам «Хогварц»га қайтмаймиз. Шундайми? Шундай. Табиийки, ҳамма мен ва Гермионанинг мактабга қайтмаганимиз сабабини сенга шерик бўлиб юрганимизда кўради. Шундайми? Ҳа, шундай. Демак, табиийки, Ўлимдан мириқувчилар сен қаердалигингни билиш учун уйимизга келишади.

- Мен ота-онам билан бошқа юртларга кетиб юборгандай бўламиз. Маглар оиласида туғилган сеҳргарлар орасида ҳозир шу гап - тезроқ Англияни тарк этиб, кўздан ғойиб бўлиш, - деди Гермиона.

- Бизнинг катта оиламиз эса изсиз бекина олмайди. Чунки бу, биринчидан, фавқулодда шубҳа туғдиради, иккинчидан, улар ўз ишини ташлаб кета олмайди, - давом этди Рон, - Мен аждар чечаги билан жиддий касалланиб қолганим, шу сабабдан мактабга қайта олмаслигим ҳақида миш-миш тарқатилади. Агар кимдир ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилмоқчи бўлса, марҳамат, уйдагилар мана бу каравотимда ётган, аъзойи-баданини пўрсилдоқ босган қонхўрни кўрсатишади, уларга. Аждар чечаги чиндан ҳам юқумли

касаллик бўлиб, ҳеч ким «менинг» олдимга яқин келишга журъат этмайди. Нима қилганда ҳам, тилига замбуруғ тошган бемор сўз айта олмайди ва текширувчилардан бирортаси замбуруғ унинг ҳам тилига юқишини, табиийки, истамайди.

- Ота-онанг режадан бохабар экан-да, демак? - сўради Гарри.
- Дадам билади. Қонхўрнинг шаклини ўзгартириш масаласида Фред билан Жоржга ўзи ёрдамлашиб юборди... Ойим... кўрасан, унга жуда ёқади. Бундан у, биз йўлга чиққанамиздан кейин хабар топади.

Орага сукунат чўкди. Гермиона китобларни саралаб, у ёки бу уюмга ташлаш билан овора. Рон Гермионага қараб қолди. Гарри эса иккаласига қараганча, айтгани сўз топа олмай, чуқур ўйга толди. Дарҳақиқат, оила муҳофазаси манфаатларида дўстлари кўрган чоралар, кўзлаган мақсадлари жиддий эканидан, сафар давомида қандай хавф-хатар кутилишини яхши тасаввур қилишаётганидан далолат беради. Гарри иккаласига миннатдорлик билдириш, уларнинг кўмаги ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини айтишни истаяпти-ю, нима дейишни билмаяпти.

Жимжитликни тўрт қават пастда юрган миссис Уэслининг бўғиқ қичқириғи бузди.

- Жинна сочиқ илинадиган ҳалқанинг бирор четида чанг зарраларини артмай қолдирган кўринади, - тахмин қилди Рон, - Нима учун анави Делакеёрлар тўйдан икки кун олдин келиб олишмоқчи, билмайман.

- Флёрнинг синглиси келиннинг дугонаси сифатида чиқади. Эртароқ келиб, машқ қилиши керак у, - тушунтириш берди Гермиона, «Нариги дунёдан вакил бўлиб келган аёл билан кечган жанг» китоби устида ўйланиб, - Ёши ҳали анча кичик бўлгани учун ўзи мустақил кела олмайди.

- Яхши, меҳмонлар ойимни кўп овора қилишмас экан, - деди Рон.

- Биз муҳим бир нарсани, хусусан, бу ерни тарк этгач, қай томон йўл олишимизни ҳал этишимиз керак, - деди Гермиона, Уилберт Уиляйлнинг «Муҳофаза қилувчи сеҳр-жоду назарияси»ни саватга ташлагач, «Европадаги сеҳргарлик таълимининг қиёсий таҳлили»ни қўлига олиб, - Биринчи навбатда Годрик жарлигига боришим керак деганинг эсимда,

Гарри. Сабаби ҳам тушунарли... лекин Гарри, руҳдонлар бизнинг асосий мақсадимиз бўлиши керак эмасми?

- Агар руҳдонлардан лоақал биттаси қаерда жойлашганини аниқ билганимизда, гапингни сўзсиз маъқуллаган бўлар эдим, - деди Гарри, Годрик жарлигига боришининг сабабини Гермiona чиндан ҳам тушунишига ишонмай.

Гарри Годрик жарлигига боришни нафақат ота-онасининг мазорини зиёрат қилиш учун ният қилган, балки кўплаб саволларга жавоблар айнан ўша ерда топилишини ҳис этган.

Гарри Вольдеморт томонидан қўллаган ўлдириш қарғиши таъсиридан айнан Годрик жарлигида омон қолгани учун, душманга қарши қандай кураш олиб боришни ўша ерга бориб тушуниб етишига умид қилгани учун талпинмоқда.

- Вольдеморт Годрик жарлигини қўриқлаётган бўлиши мумкинлиги хаёлингга келмади-ми? - сўради Гермiona, - Сендан айнан шуни, яъни ота-онанг мазорини зиёрат қилишга келишингни кутади у.

Дарҳақиқат, бу нарса Гаррининг хаёлига келмаган.

Билдирилган фикрга қарши келтириш мумкин бўлган далил ҳақида ўйлар экан, Рон ўз мулоҳазаси билан ўртоқлаша кетди.

- Анави РАБ деганлари ҳақида... Ҳақиқий медальонни ким ўғирлаганини биласизлар-ми?

Гермiona бош силтади.

- Қолдирган хатида ўша медальонни йўқ қилмоқчи бўлганини ёзган, шундайми?

Гарри юк халтасини олиб, ичидан сохта руҳдонни чиқарди-да, ичида сақланаётган хатнинг тегишли сатрини овоз чиқариб ўқиди:

- «Ҳақиқий руҳдонни ўғирладим. Қўлимдан келган кун уни йўқ қилишни ният қилганман».

- Агар чиндан ҳам руҳдонни йўқ қила олган бўлса-чи, ўша йигит?

- Ёки қиз, - қўшимча қилди Гермiona.

- Ким бўлишидан қатъи назар, - деди Рон, - Бу дегани, биз қидириб топишимиз керак бўлган руҳдонлар сони биттага камайган, дегани.

- Тўғри, лекин нима қилганда ҳам, биз ҳақиқий медальонни қидириб топишимиз керак, шундай эмасми? - деди Гермiona,

- Бузилганми, бутунми, қандай ҳолатда бўлмасин, топишимиз керак, уни.

- Дейлик, топдик. Рухдон қандай қилиб йўқ қилинади? - сўради Рон.

- Ушбу масалани ўрганиб чиққанман, - деди Гермиона.

- Қандай қилиб? - таажжубланди Гарри, - Кутубхонада рухдонларга оид китоблар бўлмаган.

- Тўғри, бўлмаган, - тасдиқлади Гермиона, аста қизариб, - Уларни Дамблдор мусодара қилган, лекин йўқ қилиб юбормаган.

Роннинг кўзи ликопдай катта очилиб кетди.

- Мерлин ҳақи, қандай қилиб қўлга кирита олдинг, рухдонлар ҳақидаги китобларни, тезроқ айт?!

- Мен... ўғирлаганим йўқ, уларни, - ўзини оқлай кетди Гермиона, дам Ронга, дам Гаррига қараб, - Дамблдор олиб чиқиб кетган бўлса ҳам, улар кутубхона ихтиёридаги китоблар бўлганча қолган. Ҳар нима қилган тақдирда ҳам, агар у чиндан ҳам ўша китоблар бировнинг қўлига тушишини истамаганда, ишончим комилки.... тегишлича яшириб ташлаган бўлар эди.

- Қисқа қил, - деди Рон.

- Яхши. Иш қийин кечмади, - паст овозда жавоб берди Гермиона, - Буюм чақириш афсунини қўлладим холос.

«Ассио»ни биласиз. Керакли китоблар Дамблдорнинг очик деразасидан қизлар ётоқхонасига кўчиб ўтди.

- Қачон улгурдинг бу ишни қилишга? - шубҳа аралаш ҳайрат оҳангда сўради Гарри.

- Дамблдор дафн этилган куни, - жавоб берди Гермиона, янада паст овозда, - Мактабни тарк этиб, рухдон қидиришга аҳд қилишимиз билан. Юқорига кўтарилиб, нарсаларимни йиғиштирдим ва... рухдонлар ҳақида қанча кўп билсак, шунча яхши бўлади, деган хулосага бордим. Хонада ўзимдан ташқари, ҳеч ким йўқ эди... уриниб кўрдим... афсун кор берди. Китоблар деразадан тўғри қўлимга келиб тахланди. Олиб кетдим.

Гермиона ютиниб қўйиб, ўтинч оҳангида пичирлади:

- Фикримча, Дамблдор аччиқланмаган бўлар эди. Ахир китобдаги маълумотдан фойдаланишимиз, ўз

рухдонларимизни яратиш мақсадида фойдаланамиз, дегани

эмас-ку, а?

- Сени бировга айтиб берармидик? Қаерда ҳозир улар? - сўради Рон.

Гермиона китоблар орасидан қора чарм муқовали йирик китобни жирканганча олиб, худди ифлос нарсага қараётган каби, юзини буриштирди.

- Рухдон яратишга оид аниқ йўриқнома битилган ягона китоб, мана шу китоб бўлади: «Ёвуз кучлар сирлари». Жуда мудҳиш, ёвуз сеҳрга тўлиб-тошган чиндан ҳам даҳшатли китоб.

Дамблдор буни мактаб кутубхонасидан қачон мусодара қилгани қизиқ менга... Директор лавозимига тайинлангунга қадар мусодара қилмаган бўлса, гаров ўйнашим мумкинки, Вольдеморт ушбу китобдан тўлиқ фойдалана олган.

- Агар йўриқномани ўзлаштирган бўлса, нега Дивангардга рухдон яратиш тўғрисида савол берди? - сўради Рон.

- Ўз руҳини етти қисмга бўлиб ташласа, нима рўй беришини билиш учунгина Дивангардга мурожаат қилган, у, - фикр билдирди Гарри, - Ўша кунга келиб Реддль рухдон яратишни билган. Дамблдорнинг ишончи комил бўлган бунга. Тўғри айтяпсан, Гермиона, Вольдеморт ҳамма нарсани мана шу китобдан ўрганиб бўлган.

- Рухдонлар ҳақида кўп нарсалар ўқидим, - маълум қилди Гермиона, - Биз тасаввур қилгандан ҳам баттар мудҳиш, улар. Шунга қарамай, Вольдеморт чиндан ҳам олтита рухдон яратган кўринади. Рух бўлинар экан, унинг қолган қисми жуда беқарор бўлиб қолиши ҳақида китобда огоҳлантирилган. Бунда, атиги битта рухдон яратиш тўғрисида гап кетган.

Гарри Дамблдорнинг сўзларини, Вольдеморт «оддий ёвузлик»дан ҳам ўтиб тушгани ҳақида фикр билдириб ўтганини эслади.

- Ўзини ўзи бир ерга йиғиш усули ҳам борми? - сўради Рон.

- Бор, лекин бу жуда оғриқли жараён, - ясама табассум-ла жавоб берди Гермиона.

- Ростдан ҳам борми? Қандай йиғиб олиши мумкин у, ўзини ўзи? - сўради Гарри.

- Тавба қилиш керак, - деди Гермиона, - Киши ўз қилмишини ўзидан ўтказиб, ҳис этиши лозим. Бироқ китобда келтирилган қўшимча эслатмада айтилишича: киши оғриқ

азобидан ҳалок бўлиши мумкин. Вольдеморт ўз қилмишидан тавба қилишини шахсан мен тасаввур ҳам қила олмайман, сизлар-чи?

- Йўқ, - жавоб берди Рон, Гарри оғиз жуфтлашига улгурмай, - Саволим жавобсиз қолди. Хўш, руҳдонни қандай йўқ қилиш кераклиги айтилганми, ушбу китобда?

- Ҳа, айтилган, - деди Гермиона, китобнинг ингичка саҳифаларини, худди бировнинг ириётган танасига қўл теккизаётган каби варақлаб, - Бу ерда, ёвуз сеҳргарларга ўта кучли муҳофаза чорасини кўришга тўғри келиши айтилган. Дарҳақиқат, Гарри Реддлнинг кундалиги устида қилган иши, руҳдонни ростакамига йўқ қилишнинг энг ишончли усуллари билан бири саналади.

- Василискнинг тиши билан тешиб ташлаш-ми? - сўради Гарри.

- Омадимизнинг чопганини қаранг-а! Ихтиёримизда, Василискнинг оғзидан суғуриб олинган сўйлоқ тишларнинг каттагина захираси бор-ку! - аччиқ қилди Рон, - Энди нима қилмоқчимиз, шуниси қизиқ менга.

- Василискнинг тиши бўлиши шарт эмас, - тоқат-ла жавоб берди Гермиона, - Вайрон қилиш қудрати шу қадар кучли нарса бўлиши керакки, руҳдон ўзини ўзи тиклай олмасин. Василискнинг захрига қарши фақат битта ва ниҳоятда ноёб зидди-заҳар бор...

- Қақнус қушининг кўз ёши, - бош ирғиб қўйди Гарри.

- Худди шундай, - тасдиқлади Гермиона, - Муаммо шундаки, Василиск захрига ўхшаш нарсалар жуда ноёб бўлиб, киши ёнида олиб юриши учун ўта хавфли саналади. Мана шу масала, биз ҳал этишимиз лозим бўлган муаммодир. Зеро, топилган руҳдонни йиртиб, синдириб, чопиб ташлашга уринган билан биз ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Бизга руҳдонни чиндан ҳам вайрон қилиб ташлайдиган қудратли нарса керак бўлади.

- Дейлик, биз руҳ жойланган ўша нарсани вайрон қилдик. Идиш ичидан чиққан руҳ қисми бошқа нарса ичига кириб олиб, яшашни давом этиши мумкинми?

- Йўқ, яшай олмайди. Чунки руҳдон инсоннинг акси, - жавоб берди Гермиона.

Рон билан Гаррининг талмовсираб қолганини кўрган қиз

тушунтириш берди:

- Фараз қил, Рон. Айтайлик мен, қўлимга шамшир олиб, уни танангга санчиб юбордим. Бу билан сенга тан жароҳатини етказаман, аммо руҳингга шикаст етказмайман.

- Ҳа, албатта. Ишончим комилки, бундан мен ўзимни жуда бардам ҳис этсам керак, - деди Рон.

Гарри кулиб юборди.

- Шубҳа қилмайман. Лекин танангга бирон нима қилгани билан, руҳинг омон қолади, демоқчиман, - деди Гермиона, - Руҳдонни йўқ қилиш жараёнида эса айтилган нарсанинг акси бўлади. Муайян идишга жойланган руҳ қисми, ушбу идишга, бошқача қилиб айтганда, руҳ яшаши учун яратилган сеҳрли танага боғлиқ бўлади, яъни руҳнинг тегишли қисми мана шу танасиз яшай олмайди.

- Руҳнинг ўлишини кундаликка шикаст етказганимда кўрганман, - деди Гарри, тешилган саҳифалардан сиёҳнинг қон каби сизиб чиққани ва Вольдеморт руҳининг бир қисми дод солганча гум бўлганини эслаб.

- Реддлнинг ўша кундалиги талаб даражасида йўқ қилинганидан сўнггина, Вольдеморт руҳининг тузоққа тушган қисми ўз ҳаётини давом эттира олмади. Жинна ҳам сендан олдин уни йўқ қилишга, хусусан, сувга оқизиб юборишга уринган, лекин кундалик ҳар сафар худди янги харид қилингандай, қайтиб келаверган.

- Шошманг, - деди Рон, - Кундаликдаги ўша руҳ қисми Жиннани ўзига тобе қилиб олган, шундай эмасми? Кишига қандай таъсир қилади у?

- Яратилган сеҳрли танага шикаст етмаган бўлса, ичидаги руҳ қисми, руҳдонга жуда яқин бўлган жонли махлуқотга ўтиб олиши мумкин, - тушунтириш берди Гермиона, - Бунда, буюмга узоқ вақт эгалик қилиш назарда тутилмайди.

Тегишли буюмга қўл теккизилса ҳам, ҳеч нима қилмайди, - тез қўшимча қилди қиз, Роннинг оғиз жуфтлаётганини кўриб,

- Буюмга ички ҳис-туйғу ила яқин бўлиш керак. Жинна ўша кундаликка қалбини бағишлаб, бу билан ўзини ўзи ўта заиф қилиб қўйди. Киши руҳдонни яхши кўриб ёки унга боғланиб қолса, тамом, тузоққа тушди деяверинг.

- Дамблдор узукни қандай қилиб йўқ қилгани қизиқ менга, - деди Гарри, - Нега буни сўраб кўрмадим ундан? Чиндан ҳам,

мен ҳеч қачон...

Гаррининг овози пасайиб, Дамблдордан сўраб билиш керак бўлган нарсалар ҳақида, директорнинг қандай ҳалок бўлгани ҳақида ўйланиб қолди. Дамблдор тириклигида, ундан имкон қадар кўп нарсаларни билиб олиш имконини қўлдан бериб қўйди.

Орага чўккан сукунат кутилмаганда портлаб кетди. Эшик деворга қарсиллаб урилганча, ланг очилди. Қўрқиб кетган Гермиона чинқириб, қўлидаги «Ёвуз кучлар сирлари»ни тушириб юборди. Домангир Маймоқоёқ вишиллаганча, ўзини каравот остига урди. Каравотдан ирғиб турган Рон ерда ётган шокобақа жилдини босиб сирпанганча, боши билан деворга урилиб, полга гурсиллаб тушди. Сеҳрли таёқчасини чиқаришга улгурган Гарри эса сочи тўзиб, юзи ғазабдан буришиб кетган миссис Уэслига қараб турганини идрок этгунга қадар эшик томон ўқтаб турди.

- Суҳбатингизни бўлганим учун маъзур санайсиз, - деди миссис Уэсли овози титраб, - Биламан, ҳаммангиз бироз дам олишингиз керак... бироқ хонамда саралаб чиқиш керак бўлган тўй совғалари ётибди. Ёрдам бериб юборсангиз, сизлардан бағоят миннатдор бўлар эдим.

- Ҳа, албатта! - жавоб берди, китоблари ҳар томон кўчаётган Гермиона, - Ёрдам берамиз... афсусдамиз...

Гарри билан Ронга маъюс қараб қўйган Гермиона хонани тарк этиб, миссис Уэслининг ортидан эргашди.

Зинадан пастга тушиб боришар экан, бошининг деворга уриб олган жойни уқалаётган Рон пичирлаганча Гаррига арз қилиб қолди:

- Уй эльфларидан фарқимиз қолмади. Қилинган ишдан хурсанд бўлмай, кутиш. Мана шу тўй қанчалик тез ўтиб кетса, мен ҳам шу қадар бахтиёр бўлар эдим.

- Ўшанда, руҳдон излашдан бошқа ишимиз қолмас эди, - маъқуллади Гарри, - Таътилга ўхшаган нарса-да, бу, шундай эмасми?

Энди кулмоқчи бўлган Роннинг башараси миссис Уэслининг хонасидаги тугун ва қадоқларнинг улкан уюмини кўриб, буришиб кетди.

Эртаси куни соат 11.00 да Делақёрлар оиласи келадиган бўлди. Шу фурсатга қадар Гарри, Рон, Гермиона ва Жинна,

ушбу оилани зиғирдай бўлсин, хуш кўрмади. Рон бир хил рангли пайпоқ топиб кийиш учун юқорига кўтарилди, Гарри ҳам сочини тартибга келтириб олишга уринди. Сал-пал чиройли қиёфа касб этиб олгач, меҳмонларни қарши олиш учун ҳамма қуёш ёритган ички ҳовлига чиқди.

Ички ҳовлини бу қадар тоза, батартиб, саранжом-сариншта ҳолатда Гарри ҳали кўрмаган. Одатда, орқа эшик яқинида тўкилиб-сочилиб ётадиган занг қоплаган қозонлар, эски Веллингтон ботинкалари каби буюмлар йўқолган бўлиб, энди ушбу эшикнинг икки томонида катта тувакларга ўтқизилган флуттербий бутаси ўсмоқда. Кўчада ҳеч қандай шабада эсмаётган бўлса-да, ўсимлик барглари аста чайқалмоқда. Товуқлар кўринмайди, ҳовли айланасига панжара билан тўсилган, қўшни боғ, гарчи Гаррининг назарида, сакраб юрадиган гномларисиз қандайдир маъюс кўринаётган бўлса-да, майсаси ўрилиб, дарахтлари обдан буталиб безатилган. Сеҳргарлик вазирлиги ва Қақнус ордени томонидан Бошпана атрофига қўлланилган муҳофаза тилсимларининг сонини Гарри эслай ҳам олмайди. Аниқ билгани шу-ки, Бошпана ҳудудига ҳеч ким сеҳр қўллаб кира олмайди. Шу боис, мистер Уэсли, портшлюс воситасида етиб келадиган меҳмонларни кутиб олиш учун уй яқинидаги тепалик томон йўл олди. Меҳмонлар етиб келгач, кўчада мистер Уэслининг ғайриоддий баланд қаҳҳаҳаси янгради. Бироздан сўнг, у, сафар юкларини қўлтиқлаганча, эгнига яшил барглар тасвирланган ридо кийиб олган оқ-малла сочли ниҳоятда гўзал аёл ҳамроҳлигида ҳовлига кириб келди.

- Ойжон! Дадажон! - қичқирди Флёр, ота-онасини қучиш учун югуриб.

Месье Делақёр хотини каби хушрўй бўлмаса-да, кўринишидан хушфеъл, жуссаси гирдиғум, ўткир қора соқолли бақувват киши экан. Баланд пошнали ботинкаси билан миссис Уэслининг ёнига келган ушбу француз, инглиз аёлини ҳаяжонга қўйганча, юзидан икки марта ўпиб олди.

- Эшитишимча, сизни анча овоға қилиб қўйибмиз, - деди у, вазмин оҳангда, - Флётнинг сўзлағига қағаганда, ҳаддан оғтиқ кўп иш қилинибди.

- Қўйсангиз-чи, оворагарчилиги йўқ, арзимаган ишлар бажарилди.

Аччиқланган Рон флуттербий бутаси ортидан кўриниш берган гномни келиштириб тепди.

- Хоним, азизам, - яшнаганча давом этди месье Делакёр, миссис Уэслининг қўлини қўйиб юбормай, - Оилалағимиз ўғтасида иттифоқ тузиш биз учун катта шағаф. Ижозатингиз билан ғафиқам билан таништиғсам - Аполлина.

Мадам Делакёр олдинга сузиб ўтиб, миссис Уэсли билан ўпишиб олиш учун тўхтади.

- Ажойиб, - деди аёл, - Эғингиз шунақанги қизиқ нағсалағ айтиб беғди-ки, кулиб, маза қилдим.

Мистер Уэсли паст овозда кулиб қўйди. Миссис Уэсли эса унга шундай қараб қўйди-ки, эрнинг юзи шу заҳоти, худди бемор дўстининг тўшаги олдида ўтирган кишининг юзи каби қиёфа касб этди.

- Кенжа қизим Габғиелни танийсиз, албатта, - деди месье Делакёр.

Кумуш тус бериб ярқираётган сочи белига тушган ўн бир ёшли Габриел опаси Флёрнинг кичик ўлчамига ўхшайди. Қиз миссис Уэслини чиройли табассум-ла қучиб, Гаррига ўтли нигоҳ ташлаганча, узун киприкларини қоқиб қўйди.

Жинна баланд овоз чиқариб томоқ қирди.

- Хўш, қани, ичкарига марҳамат қилинг! - деди яшнаб турган миссис Уэсли, Делакёрларни «Йўқ, сиздан бўлсин, мон ами», «Сиздан кейин, Шер ами», «Ҳечам-да, мез ами» дейишга мажбур қилиб.

Делакёрлар аслида жуда фойдали ва ёқимли одамлар экан. Тўйга ҳозирлик кўриш масаласида ҳар ишда яқиндан ёрдам беришдан ўзларини бахтиёр ҳис этишмоқда. Месье Делакёр ҳамма нарсани, хусусан, меҳмонларни дастурхон атрофига тақсимлаб ўтқизиш тарҳидан тортиб, келиннинг дугоналари киядиган пойафзалгача бўлган нарсаларга фақат ва фақат: «Ажойиб! Жуда соз!» деган ном бериб юрди. Мадам Делакёр аниқланишича, рўзғор ишларининг устаси экан. Чунончи у, ўчоқ духовкасини кўз очиб юмгунча тозалаб берди.

Французчасини бирон дақиқа бўлсин қўймаган Габриел эса опасининг кетидан, худди соядай эргашиб, ёрдам беришга уринмоқда.

Бошпананинг қуйи қаватлари меҳмон жойлаштиришга ҳали тайёр эмас эди. Мистер ва миссис Уэсли месье ва мадам

Делакёрларнинг эътирозларидан ҳам баланд қичқирганча, ўз ётоқхоналарини француз қудаларига ҳавола этиб, ўзлари меҳмонхонага кўчиб ўтишди. Габриел опаси Флёр билан Персининг хонасига жойлашди, Билл эса хонани ўз куёв жўраси Чарли билан ўртоқлашади. Чарли ҳали Руминиядан этиб келгани йўқ.

Гарри, Гермиона ва Рон учун бўлажак сафар режасини ишлаб чиқиш имкони қолмади. Учовлон нима қилишни билмай, товуқ боқишни баҳона қилганча, одам тўла уйдан ташқарига чиқди. Бироқ уларнинг ушбу иккинчи уринишлари ҳам чиппакка чиқди. Йўлакда қўлига ювилган чойшабга тўла сават ушлаган миссис Уэсли кўринди.

- Учовимизни ўз ҳолимизга қўйишни ҳеч истамайди-да! - пичирлади Рон.

- Товуқ боқиб бўлдингиз-ми? Жуда соз! - деди яқин келган миссис Уэсли, толиққанидан товуқхона деворига суяниб, - Уларни қувиб, яна қафасга қамаш керак. Эртага эркалар келади... чодир ўрнатгани. Миллимантнинг сеҳрли чодирлари. Жуда яхши нарса-да. Билл ҳамроҳ бўлади уларга... Шу ерда экансан, ташқарига чиқмаганинг маъқул, Гарри. Ҳовлимиз атрофидаги ҳимоя тилсимлари тўй ташкиллаштиришни биров қийинлаштиряпти.

- Мени кечиринг, - қисқа жавоб қилди Гарри.

- Бемаъни гапни қўй, азизим! - деди шу заҳоти миссис Уэсли, - Мен бошқа нарсани назарда тутмоқдаман. Сенинг хавфсизлигинг ҳамма нарсадан муҳим. Умуман айтганда эса, Гарри, туғилган кунингни қандай нишонламоқчи эканлигингни билмоқчи эдим. Ўн етти ёш - сеҳргарнинг ҳаётидаги энг муҳим...

- Ортиқча шовқинсиз ўтгани маъқул, - деди Гарри, ҳаммани қамраб олаётган ҳаяжонни фаҳмлаб, - Рост айтяпман, миссис Уэсли. Одатдагидай, оддий кечки овқат дастурхони. Жуда яхши бўлади... Тўй арафасида...

- Майли, ёқимтойим. Сен шуни истар экансан, шундай қиламиз. Ремус билан Бомсни таклиф қиламан, Хагридни ҳам. Нима дейсан?

- Жуда яхши бўлади! - деди Гарри, - Фақат сиздан илтимос, ортиқча овора бўлманг. Сиз шундоқ ҳам менга жуда кўп яхшилиқ қиляпсиз.

- Қўйсанг-чи болагинам... қўйсанг-чи...

Аёл Гаррига узоқ тикилиб турди-да, маънос кулиб қўйганча, нари кетди. Сеҳрли таёқчасини силтаб, ювилган чойшабларни ҳавога енгил кўтарганча, дорга бир текис осиб чиқаётган миссис Уэслига бироз қараб қолган Гарри, ушбу ғамхўр, меҳрибон аёлга қанчадан қанча ноқулайликлар келтирганини ўйлаб, виждони қийналди.

ЕТТИНЧИ БОБ. АЛЬБУС ДАМБЛДОРНИНГ ВАСИЯТИ

Хира мовий тонг ёруғлигида тоғ сўқмоғи бўйлаб кетар экан, пастда туман босган шаҳарчани кўрди. Саволига жавоб бера оладиган жуда керакли одам шу ердами, йўқми? Кўнглига ҳозир бошқа ҳеч нарса сиғмайди, унга фақат ўша одам керак...

- Уйғонсанг-чи, Гарри, ҳой.

Гарри кўзини очди. У каравотда, Роннинг чордоқдаги хонасида ётибди. Пешанасидаги чандиққа оғрияпти. Кун чиққани йўқ, хона ҳали қоронғи. Қафасдаги қўноқда бошини қаноти остига суқиб олган Чўчринстель ухламоқда.

- Уйқунгда гапирдинг, - деди Рон.

- Ростданми?

- Ҳа. Аллақандай Грегоровични чақирдинг. Исмини кўп такрорладинг.

- Грегорович деганлари ким бўлди? - сўради Гарри, кўзойнаги тақилмагани учун Роннинг юзини хира кўриб.

- Мен қаердан билай, сен чақирдинг-ку, уни.

Гарри пешонасини уқалаб ўйга чўмди. Ушбу фамилияни у илгари қаердадир эшитган, ҳозир эслай олмаяпти.

- Вольдеморт уни қидиряпти.

- Бечора йигит, - юракдан ачинди Рон.

Қўлини чандиғидан олмаган Гарри уйқуси қочиб, тўғри ўтириб олди. Тушида нима кўрганини эслашга уринди. Тоғ чўққилари-ю, сойликда жойлашган кичик қишлоқдан бошқа ҳеч нарсани эслай олмади.

- Назаримда хорижда юрибди у.

- Ким, Грегорович-ми?

- Йўқ, Вольдеморт. Грегоровични хорижда қидиряпти.

Тушимда кўрган жойни Англия манзарасига ўхшата олмадим.

- Унинг хаёлларини яна ўқий бошладинг-ми, дейман? - сўради Рон, ҳаяжонланиб.

- Сендан илтимос, фақат Гермионага айтма шуни, - деди Гарри, - Унинг талабига кўра туш кўришни қандай бас қилишим керак, тасаввур ҳам қила олмайман.

Гарри митти бойқушчанинг қафасига тикилиб ўтирганча, ўйланиб қолди... Қаердан билади у, Грегоровични?

- Менимча, Грегоровичнинг квидишга қандайдир дахли бор, - аста фикр билдирди Гарри, - Қандайдир боғлиқлик бор-у, англай олмаяпман қандайлигини.

- Квидишга? Горгович ҳақида гапираётганинг йўқ-ми, мабодо? - сўради Рон.

- Ким ҳақида?

- Кваффлга берилган зарбалар сони бўйича рекорд ўрнатгани ва бунга тўланган гонорарнинг рекорд миқдори учун Чадл тўплари жамоасига қабул қилинган Уриб қайтарувчи Драгомир Горгович ҳақида.

- Йўқ, - деди Гарри, - Ундай Горгович ҳақида ўйламадим, шекилли.

- Мен эса уриниб ҳам кўрганим йўқ. Айтгандай, туғилган кунинг билан.

- Вачач.... Эсимдан ҳам чиқиб кетибди-ю! Ўн еттига тўлдим! Гарри каравоти ёнида ётган сеҳрли таёқчасини чангаллаб олди-да, столга ўқтади.

- Ассио кўзойнак!

Кўзойнак атиги бир метр нарида ётган бўлса-да, унинг ҳавога кўтарилиб, кўзга тақилишини кузатиш Гаррига қандайдир ғайриодатий ҳузур бағишлади.

- Зўр чиқди! - пишқириб қўйди Рон.

Қолдириладиган из кучи ўз таъсирини йўқотганидан севинган Гарри Роннинг нарсаларини ҳавога кўтариб, роса учирди. Митти Чўчринстель уйғониб, қувонч-ла қанот қоқа бошлади. Гарри туфлисининг ипини ҳам сеҳр воситасида боғлашга уриниб кўрди-ю, ҳосил бўлган тугунни ечишга анча вақт сарфлашга тўғри келди. Хурсандлигидан Роннинг плакатларидаги ўйинчиларнинг тўқ сариқ спорт кийимларини кўк рангга алмаштириб чиқди.

- Шим тугмасини эса сеҳрли таёқча воситасида эмас, қўл билан қадашни маслаҳат бераман, - деди Рон, - Мана сенга

совға. Уни шу ерда оч. Ойим кўрмагани маъқул.

- Китобми? - сўради Гарри, тўғри бурчакли совғани пайпаслаб, - Анъанадан бироз чекинибсан-да?

- Оддий эмас, тенги йўқ китоб бу, - деди Рон, - Қизларга оид ишларга изоҳ бериб ўтилган «Афсунгар қизни шайдо қилишнинг синалган ўн иккита усули». Агар бу китоб ўтган йили қўлимда бўлганида Лавандадан қандай қутулишни... ўзимни қандай тутишни билган бўлар эдим. Фред билан Жорж ўз китобларини вақтинча бериб туришди. Кўп нарсани ўрганиб олган эдим. Таажжубланма, қўл билан иш битмайди...

Иккаласи ошхонага тушиб, стол устидаги совға-саломнинг бутун бошли уюмини кўришди. Ўчоқ олдида турган миссис Уэсли билан суҳбат қилиб ўтирган Билл ва месье Делакёр нонушта қилиб бўлишибди.

- Сени ўн етти ёшинг билан табриклаб қўйишни Артур илтимос қилиб кетди, Гарри, - деди яшнаб турган миссис Уэсли, - Ишга сал эртароқ боришига тўғри келди. Бизнинг совғамиз энг юқорида.

Гарри курсига ўтириб, миссис Уэсли кўрсатган совғани очди. Рон ўн етти ёшга тўлганда ота-онасидан олган соатга ўхшаш, ўн иккита милли, рақамлар ўрнига айлана бўйлаб ўн иккита сайёра тасвири айланадиган тилла соат.

- Балоғат ёшига тўлган сеҳргарга соат совға қилиш оиламиз анъанасидир, - маълум қилди миссис Уэсли, Гаррига хижолат-ла қараб, - Роннинг соати каби янги бўлмаса-да, юради. Акам Фабианники эди. У ўз нарсаларига сал беғамроқ бўлган... орқаси сал эзилган-у, аммо...

Миссис Уэслининг гапи ичида қолиб кетди. Ўрнидан турган Гарри аёлни маҳкам қучиб, айта олмаган кўплаб миннатдорлик сўзларини айнан мана шу оғуши ила изҳор этди. Миссис Уэсли бунга англади шекилли, Гаррининг лунжига меҳр-ла бир-икки бор шаппати уриб қўйди.

Ҳаяжонланиб кетган аёл сеҳрли таёқчасини беўхшов силтаб, товада қовурилаётган майда гўшт бўлақларининг ярмини полга тўкиб юборди.

- Туғилган кунинг билан, Гарри! - қутлади ошхонага шошиб кириб, қўлидаги нарсани совғалар уюмига қўшган Гермиона, - Оз бўлса ҳам, кўп ўрнида кўрасан. Умид қиламан-ки, сенга

ёқади. Сен нима совға қилдинг унга? - сўради у Рондан.

- Гарри, қани оч-чи, Гермионанинг совғасини, - деди Рон, саволни эшитмаган бўлиб.

Қиз Гаррига янгигина офатскоп харид қилибди. Кейинги қадоқдан Билл билан Флёр совға қилган устара чиқди.

- Соқолингни шундай тоза қиғадики, юзинг пўчоғи ағчилган тухумга ўхшаб қолади, - деди месье Делакёр, устарани кўриб, - Лекин ёдингда бўлсин, айнан соқол олишни ният қилганингни аниқ ифодалашинг кефак. Акс ҳолда юзинг қолиб, бошқа жойингни қиғишга киғишиб кетади.

Эр-хотин Делакёрлар шоколад, эгизаклар эса ўз дўконидан катта қути тўла қизиқ нарсалар совға қилишди.

Меҳмон сони кўп бўлгани боис, Гарри, Рон ва Гермиона ошхонада кўп турмай, юқори қаватга чиқишди.

- Ҳаммасини ўзим йиғиштириб, тахлаб қўяман, - қувонч-ла таклиф киритди Гермиона, Гаррининг қўлидаги совғаларни олиб, - Нарсаларимизни деярли йиғиб бўлдим, ювилган трусикларинг қуриса бўлди, Рон...

Роннинг ғудуллашини иккинчи қаватдаги эшикнинг очилиши тўхтатди.

- Гарри, бир дақиқага мумкинми сени?

Эшик остонасида Жинна кўринди. Гермиона турган жойида серрайиб қолган Ронни тирсагидан ушлаб, юқорига тортиб кетди. Бироз ҳаяжонланган Гарри Жиннанинг ортидан хонага кирди.

Гарри ҳали ҳеч қачон бу ерга кирмаган. Хона кичик бўлса ҳам, жуда ёруғ. Чап деворга афсунгар дуохон, эмчи, азайимхон аёллар тасвирланган катта плакат осилган бўлса, ўнг томонига фақат қизлардан ташкил топган «Граальхедлик гарпиялар» квидиш жамоасининг сардори Гвеног Жонснинг расми осилган. Очиқ дераза олдида стол турибди. Деразадан бир вақтлар Гарри, Жинна, Рон ва Гермиона иккига икки бўлиниб квидиш ўйнашган майдон кўринди. Ушбу майдонга қордай оппоқ жуда катта чодир ўрнатилган. Чодир устига тикилган байроқ хона деразаси баландлиги баробар кўтарилган.

- Ўн етти ёшга тўлганинг билан табриклайман, - деди Гаррининг юзига тик қараб, чуқур хўрсинган Жинна.

- Ҳа... раҳмат.

Жинна Гаррига хотиржам қараётган бўлса, Гарри аксинча, қарай олмаяпти. Гўё ёрқин нур манбасига қараб кўзи қамшиб кетадиган каби ҳис этипти ўзини.

- Хонангдан чиройли манзара очилар экан, - деди у, деразага имо қилиб.

- Сенга нима тухфа қилишни билмай, бошим қотди, - деди Жинна.

- Ортиқча оворагарчиликка ҳожат йўқ, - деди Гарри, фикри эътиборсиз қолгани учун қиздан ўпкаламай.

Ушбу фикр ҳам беҳуда кетди.

- Сенга нима фойдали бўлиши мумкинлигини билмадим. Ўзинг билан олиб кетадиган, жуда улкан нарса ҳақида ўйланиб қолдим.

Гарри ниҳоят Жиннага юзланди. Қиз йиғлаётгани йўқ. Унинг бошқа қизлардан фарқи ҳам шу, камдан-кам ҳолларда йиғлайди. Олти нафар аканинг синглиси сифатида ўсиб улғайишнинг оқибати бўлса керак бу.

Икковлон бир-бирига яқинроқ келди.

- Кўзлаган ишингни охирига етказганингдан сўнг, иттифоқо бирорта Вииллани учратиб қоладиган бўлсанг, мени эслатиб турадиган нарса ҳадя этишга аҳд қилдим.

- Тўғриси айтсам, ундай учрашувлар эҳтимоли деярли йўқ.

- Мен айнан мана шу гапни кутган эдим, - шивирлади қиз.

Қизнинг бир қўли Гаррининг сочи орасига кириб кетди, иккинчиси билан белидан тутди. Иккаласи ҳали ҳеч қачон бундай бўса олишмаган. Огден Олднинг куйдирадиган вискиси йўлда қолиб кетади.

Эшик кутилмаганда ланг очилиб, иккаласи бир-биридан нари сапчиди.

- Ие, кечирасиз, - пурмаъно оҳангда узр сўради Рон.

- Рон! - эшитилди Германионнинг ҳансираган овози.

Оғир жимжитлик қарор топди.

- Нима қилган тақдирда ҳам, туғилган кунинг билан табриклайман сени, Гарри, - деди Жинна паст ва равон овози билан.

Роннинг қулоғи қизариб кетган. Германиона асабийлашмоқда. Очилган эшикдан гўё кучли елвизак эсиб, энг бахтиёр онлар деразадан учиб кетгандай бўлгани учун Гарри эшикни қарсиллатиб ёпиб юборишни истади. Жинна иккаласининг

муносабатларига чек қўйган жамики сабаблар Рон билан бирга ушбу хонага кириб келгандай бўлди. Жиннага юзланиб, нимадир демоқчи бўлди-ю, қиз тескари ўгирилди. Гаррининг назарида Жинна кўзига ёш олди. Уни овунтирмоқчи бўлди-ю, Роннинг кўз ўнгида бу ишни қила олмади.

- Кўришгунча, - деди у, хонани тарк этиб, қолганлар кетидан йўл олар экан.

Рон пастга, одам тўла ошхона орқали ҳовли томон йўл олди. Гарри у билан тенг қадам ташлаб бормоқда. Чўчиб кетган Гермиона иккаласининг ортидан судралиб келмоқда. Эндигина ўриб текисланган майсазорга етган Рон Гаррига ўшқира кетди.

- У билан муносабатни бас қилган эдинг. Бу нима қилганинг энди? Синглимни мазах қиляпсан-ми?

- Мен уни мазах қилаётганим йўқ.

- Рон... - деди етиб келган Гермиона.

Рон қўлини кўтариб, Гермионага бироз жим туришни имо қилди.

- Муносабатни бас қилганинг учун у кўп қийналиб, азоб чекди...

- Мен ҳам. Учрашмай қўйганимнинг сабабини биласан ва ўша сабаблар шахсан менга боғлиқ эмаслигини ҳам яхши биласан.

- Тўғри, лекин ҳозир сен яна уни қучиб, бўса оляпсан ва бу билан унинг қалбида умид учқунини ёқяпсан...

- У сен ўйлаганча аҳмоқ эмас, бунинг иложи йўқлигини ҳам билади... оила қуришимизни кутмайди... ёки...

Ушбу сўзларни айтар экан, Гаррининг тасавурида оппоқ либос кийган Жинна новча бўйли, нотаниш ва қандайдир нохуш кишига турмушга чиқаётгани гавдаланди. Ушбу ўй Гаррининг иззати-нафсига тегиб ҳам ўтди: эркин, енгил ҳаёт кечирадиган Жиннанинг келажаги аён, ўзи эса Вольдеморт билан учрашувдан бошқа ҳеч нима кўрмапти.

- Агар уни умидвор қилишни давом этадиган бўлсанг...

Ҳаво очиқ бўлса ҳам, Гаррига қуёш кутилмаганда тез ботгандай туюлди.

- Йўқ, ундай бўлмайди. Бошқа қайтарилмайди, - деди у, қатъий ва кескин оҳангда, - Бўлди-ми?

Ҳозир Рон уйқусираётган дарғазаб одамдай кўринмоқда.

- Шу ондан эътиборан... бўлди, бу... ҳа.

Куннинг қолган қисмида Жинна Гарри билан учрашишга баҳона қидирмади, унинг нигоҳи ва имоларига кўра, хонасида дўстона суҳбатдан ўзга нарса бўлмаган гўё. Нима қилган тақдирда ҳам, Чарлининг келгани Гарри учун бироз енгиллик бўлди. Миссис Уэсли Чарлини курсига ўтқизиб, сеҳрли таёқчасини дағ-дағали кўтарганча, сочини қисқа олишини баёнот қилганида, маза қилиб кулган Гарри муаммолардан чалғиди.

Гаррининг туғилган куни муносабати билан ёзиладиган дастурхон ва тадбир иштирокчилари Бошпана ошхонасига сиғмаслиги боис, Чарли, Люпин, Бомс ва Хагриднинг етиб келишларидан олдин боғда бир нечта стол бир қатор қилиб, ёнма-ён терилди. Фред билан Жорж меҳмонлар устида муаллақ осилиб турадиган бинафша рангли фонуслар яратган тарзда, каттагина 17 рақамини ҳосил қилишди. Миссис Уэслининг саъй-ҳаракати ила Жоржнинг жароҳати чиройли битди. Эгизаклар ушбу жароҳат борасида кўп ҳангомалар тўқишди. Шундай бўлса-да, бошнинг бир томонидаги қулоқ ўрнида қора тешик кўринишига Гаррининг кўникиши жуда қийин кечди.

Гермиона сеҳрли таёқчасидан бинафша ва тилла тусли тасмалар отиб, дарахт ва буталарни бегади.

- Ажойиб! - хитоб қилди Рон, Гермионанинг олма баргларига тилла тус бераётганини кузатиб, - Дарҳақиқат, бундай нарсаларга беназир дид ила ёндашасан сен.

- Раҳмат, Рон! - ҳам қаноатланиб, ҳам қизариб миннатдорлик билдирди Гермиона.

Гарри тескари қараб кулганча, «Афсунгар қизни шайдо қилишнинг синалган ўн иккита усули»нинг хушомад қилиш бобини вақт топиши ҳамано, албатта топиб ўқиб чиқишни ният қилди. Жиннанинг нигоҳига табассум-ла жавоб берган Гарри, Ронга берган ваъдасига вафо қилиш учун месье Делакёр билан суҳбат қура кетди.

- Йўл беринг! Йўл беринг! - қўшиқ тарзида овоз кўтарди миссис Уэсли.

Аёл ҳавога кўтарилган, катталиги пляж волейболининг коптогидай келадиган Тилла чаққонни сеҳрли таёқча

воситасида олдига солиб келмоқда. Гарри ушбу тўп унинг байрам торти эканлигини фаҳмлади.

- Ажойиб, миссис Уэсли, раҳмат сизга! - миннатдорлик изҳор қилди Гарри, улкан ширинлик байрам дастурхонининг ўртасидан жой олгач.

- Қўйсанг-чи, ёқимтойгинам, арзимаиди, - деди миссис Уэсли, меҳр тўла оҳангда.

- Зўр торт экан! - баҳо берди Рон, бош бармоғини юқорига кўтариб.

Кечки соат еттида Фред билан Жорж ҳамроҳлик қилган сўнгги меҳмонлар етиб келишди. Хагрид, одатда, тантаналарга киядиган жигар ранг сертук костюмини кийиб олган. Люпин Гаррига табассум-ла қўл берган бўлса-да, қандайдир хомуш кўринмоқда. Бомс эса, аксинча, ундан бахтиёр аёл йўқдек бу дунёда.

- Туғилган кунинг билан, Гарри! - хитоб қилди Бомс, маҳкам қучоқлаб.

- Ўн етти ёш... эх! - деди Хагрид, Фреднинг қўлидан катталиги челақдай келадиган қадаҳни олиб, - Олти йил ўтибди-кетибди-я, Гарри, эсингдами?

- Ғира-шира эслайман, - жавоб берди Гарри, тишининг оқини кўрсатиб, - Эшикни кесақисидан узиб очиб, Дудлининг думбасига чўққанинг думини ўстириб, мен аслида сеҳргар эканлигимни айтган сен эдинг, шекилли, а?

- Айрим тафсилотларни айтиш шарт эмас эди, - пишқириб қўйди Хагрид, - Рон, Гермiona, ишлар қалай?

- Жойида, - жавоб берди Гермiona, - Ўзинг қалайсан?

- Э-м-м... ёмон эмас. Яккашоҳ нарвалнинг бир нечта тойчоқлари кўриниш берди. Мактабга келганинда кўрсатаман.

Хагрид чўнтақларини титкилар экан, Гарри кўзини Рон билан Гермionaдан олиб қочди.

- Ҳа, мана, топдим, - деди Хагрид, - Сенга нима совға қилишни билмай, бошим қотди, Гарри. Сўнг, мана бу эсимга тушиб қолди.

Хагрид ихчамгина, бироз сийқаланган, бўғзи узун чилвир воситасида боғланиб, афтидан, бўйинга осиб юриладиган қопчани узатди.

- Эшак териси, - деди Хагрид, - Ичига истаган нарсангни

солиб юришинг мумкин. Уларни сендан, яъни қопча соҳибидан ташқари, ҳеч ким чиқара олмайди. Шу боис ҳам, бундай қопчалар жуда ноёб.

- Раҳмат сенга, Хагрид! - миннатдорлик билдирди Гарри.

- Қўйсанг-чи, - деди давангир, ўзининг чиқинди ташлаш бакининг қопқоғидай келадиган кафтини силтаб, - Ие, анави йигит Чарли-ми? Жуда ёқтираман-да, шу йигитни... Салом, ҳой, Чарли!

Сочи шафқатсиз олинган бошини маъюс силаб келган Чарли Хагрид билан кўришди. Жуссаси жуда бақувват, сермушак қўлининг тери қопламаси кўп куйиб, тимдаланган Чарлининг бўйи Рондан бироз пастроқ.

- Салом, Хагрид, ишлар яхшими? - кўришди у.

- Кўпдан буён хат йўллаб сўрамоқчи эдим сендан, Норберт қалай?

- Норберт? - кулиб юборди Чарли, - Дандон белли аждарми? Ҳозир биз уни Норберта деб атаيمиз.

- Нима? Норберт... урғочи эканми?

- Ҳа-да! - кулди Чарли.

- Буни қандай фарқлаб олдинг? - сўради Гермiona.

- Урғочилар нисбатан жаҳлдор бўлади, - деди овози ўзгарган Чарли, қуюқ сочли бошини силаб, - Дадам тезроқ кела қолса эди, ойим жуда асабийлашяпти.

Ҳамма миссис Уэслига қаради. Унинг нигоҳи, мадам Делакеёр билан гаплашаётган бўлса ҳам, дарвозадан узилмаяпти.

- Артурсиз бошлашга тўғри келади шекилли, - эълон қилди миссис Уэсли, бир-икки дақиқа ўтгач, - Афтидан у кеч қоладиган кўрина... Вой...

Дастлаб ҳовли, сўнг дастурхон устида гир айланиб, ингичка бўлиб қолгач, бирданига оқсувсарга айланган ёруғлик манбаи ҳаммага баробар кўринди. Жониворнинг акси орқа оёғига тик туриб олди-да, мистер Уэслининг овози билан эълон қилди:

- Мен билан бирга сеҳргарлик вазири ҳам келмоқда.

Мистер Уэслининг Ҳимоячиси ҳавода тумандек тарқаб гум бўлди. Флёрнинг оила аъзолари ҳозиргина Ҳимоячи турган жойга ҳайрат-ла бақрайиб қолишди.

- Биз бу ерда бўлмаслигимиз керак, - деди Люпин, - Гарри, узр, учрашганимизда тушунтириб бераман.

У хотини Бомсни қўлидан тутиб, чакалак девордан ошиб ўтгач, кўздан ғойиб бўлди.

- Вазир?... Нега?... Тушунмадим, - деди миссис Уэсли хижолат оҳангида.

Муҳокамага вақт бўлмади. Хаёл ўтмай, дарвоза олдида мистер Уэсли ва оқ оралаган пахмоқ сочидан осон таниладиган Ремус Скримж кўринди. Улар боғда тузалиб, фонуслар ёритаётган дастурхон томон одимлади. Зиёфатга ҳозир бўлганлар сукут сақлаганча, иккаласига қараб ўтиришибди. Гаррининг назарида, Скримж, ўтган учрашувдан сўнг сезиларли даражада қариган кўринди.

- Чақирилмаган меҳмонни маъзур сананг, - деди каловланиб келган Скримж.

Вазирнинг нигоҳи Тилла чаққон шаклидаги йирик тортда бироз тўхталди.

- Энг самимий тилакларимни билдириб қоламан, - табриклаган бўлди у Гаррини.

- Раҳмат, - жавоб берди Гарри.

- Сен билан яккама-якка қолиб суҳбатлашмоқчи эдим, - давом этди Скримж, - Шу жумладан, мистер Рональд Уэсли ва мисс Гермiona Грэнжер билан ҳам.

- Биз билан? - таажжубланди Рон, - Нега энди биз билан?

- Хилват жойда тушунтириб бераман. Бу ерда борми, унақанги жой? - талаб оҳангида мурожаат қилди у, миссис Уэслига юзланиб.

- Ҳа, албатта, - жавоб берди асабийлашаётган аёл, - Э-м-м... Меҳмонхонага марҳамат қилинг. Тўғри келса керак, деб ўйлайман, а?

- Йўл бошла, - деди Скримж Ронга қараб, - Бизга ҳамроҳ бўлишга зарурат йўқ, Артур.

Рон билан Гермiona ўрnidан турар экан, Гарри кўзининг қири билан миссис ва мистер Уэслилар бир-бирига хавотир-ла қараб қўйганини кўрди.

Гаррининг назарида, қолганлар ҳам ўзи борган хаёлга борган: учаласи «Хогварц»ни ташлашга аҳд қилганини Скримж қандайдир билиб қолган.

Скримж Бошпана ошхонаси орқали меҳмонхонага киргунга қадар бирон оғиз сўз айтмади. Боғ тилла тусли фонуслар билан ёритилган, уй ичи эса қоронғи. Гарри остона ҳатлаб

ўтиши ҳамоно, сеҳрли таёқчасини мой чироқ томон ўқтаб, бироз хароб, лекин шинам хонани ёритди.

Скримж, одатда, мистер Уэсли ўтирадиган, ўтирғичи чўккан курсини эгаллади. Гарри, Рон ва Гермиона кичкина диванга сиқилиб ўтиришди.

- Учовингизга берадиган саволларим бор, - гап бошлади Скримж, - Назаримда, ушбу саволларни ҳар бирингизга алоҳида-алоҳида берганим маъқул. Агар сиз иккалангиз юқорига чиқиб турсангиз, суҳбатни Рональддан бошлайман.

- Ҳеч ким ҳеч қаерга чиқиб турмайди, - деди Гарри, гарчи Гермиона бош ирғиб, ўрнидан туришга тараддуд кўрган бўлса-да, - Сиз ё учаламиз билан баробар гаплашасиз, ё ҳеч ким билан суҳбатлаша олмай, қайтиб кетасиз.

Гаррининг назарида совуқ нигоҳ-ла қараб қўйган Скримж адоват руҳини жавобан намоён этишга шошмади.

- Маъқул, - деди Скримж елка қисиб ва томоқ қириб олгач, давом этди: - Ташрифим сабаби Альбус Дамблдорнинг васияти эканлигини, ишончим комилки, биласиз.

Гарри, Рон ва Гермиона бир-бирига қараб қўйди.

- Сизлар учун кутилмаган ҳолатга ўхшайди! Дамблдор сизларга мерос сифатида баъзи бир буюмларни қолдириб кетганидан хабарингиз борми?

- Биз... бизлар учун? - сўради Рон, - Яъни мен билан Гермиона учун ҳам-ми?

- Ҳа, ҳар бирингизга алоҳида буюм...

- Дамблдорнинг ўлганига бир ойдан ошди, - гапни бўлди Гарри, - Нима сабабдан бизга васият қилинган буюмларни топшириш бу қадар узоқ чўзилди?

- Буни нимаси тушунарли эмас? - сўз олди Гермиона, Скримж оғиз жуфтлашга улгурмай, - Дамблдор бизга қолдириб кетган буюмларни ипидан игнасигача ўрганиб чиқмоқчи бўлишган булар!

Гермионанинг овози бироз титроқ чиқди.

- Бунга менинг тўла ҳақим бор, - хотиржам жавоб берди Скримж, - Оқланган мусодара тўғрисидаги декрет, вазирга шубҳали кўринган буюмларни...

- Сиз айтган қонун ёвуз кучларга қарашли буюмларга тааллуқли бўлиб, сеҳргарлар томонидан фойдаланишига йўл қўймаслик учун қабул қилинган! - давом этди Гермиона, -

Вазирлик эса, марҳумнинг мулкани, бизга топширишдан олдин, афтидан, махфий деб эътироф этиш учун далиллар топган. Ва сиз айтмоқчисиз-ки, Дамблдор бизга қарғиш қўлланилган буюм қолдирган, шундайми?

- Сеҳргарлик ҳуқуқи соҳасида фаолият юритишни режалаштиргансиз чоғи, мисс Грэнжер? - сўради Скримж.
- Йўқ, ундай эмас, - кескин жавоб берди Гермиона, - Аксинча, башарият учун қўлдан келганча, бирон-бир яхшилиқ қилишни ният қилганман.

Кулиб юборган Рон вазирнинг эътиборини ўзига қаратди.

- Нега энди васият қилинган буюмларни ўз ихтиёрингизда қолдириш учун бирон-бир сабаб топмай, бизга топширишга қарор қилдингиз? - сўради Гарри.

- Гап шундаки, Гарри, орадан ўттиз бир кун ўтди! Ўша буюмлар хавфли эканлиги исбот қилинмас экан, ушбу муддатдан ортиқ ушлаб қолишга ҳақи йўқ уларнинг, - аччиқ оҳангда тушунтириш берди Гермиона, - Шундай эмасми, вазир жаноблари?

- Дамблдорга яқин одам бўлганмисиз, Рональд? - сўради Скримж, Гермионанинг саволини писанд қилмай.

- Мен-ми? - ҳайрон бўлди Рон, - Йўқ... у қадар яқин одам бўлмаганман. Умуман олганда, Гарри...

Рон дастлаб Гаррига, сўнг Гермионанинг: «яхшиси гапирма», - деган маънони англатадиган нигоҳига қараб кўйди. Кеч бўлди. Скримж эшитишни истаган гапни эшитиб бўлди. Вазир худди йиртқич қуш каби Роннинг жавобига маҳкам ёпишди.

- Модомики Дамблдорга яқин киши бўлмаган экансиз, унинг васиятида тилга олинганнингизни қандай изоҳлайсиз?

Дамблдорга тегишли шахсий мулкнинг аксарият қисми, хусусан, шахсий кутубхонаси, сеҳргарлик асбоб-ускуналари ва шу каби бошқа нарсалари «Хогварц» тасарруфида қолди. Васиятида тилга олинган аниқ шахслар сони ниҳоятда кам. Нима деб ўйлайсиз, нега у айнан сизни танлади?

- Мен... - гап бошлаган бўлди Рон, - Мен... у қадар яқин одам бўлмаганман, деб берган жавобим замирида, аслида... назаримда, ўйлашимча... мен унга ёққанман...

- Камтаринлик қиляпсан чоғи, Рон, - гапни бўлди Гермиона, - Дамблдор сенга жуда иштиёқманд бўлган.

Бу гап ҳақиқатни буткул синдириб юборди. Гаррининг

билишича, Рон билан Дамблдор ҳеч қачон ёлғиз қолишмаган, бевосита мулоқотлари эса камдан-кам юз берган. Шундай бўлса-да, гап уқаётган одамга ўхшамаётган Скримж ридосининг ички киссасидан Хагрид Гаррига совға қилган чилвир ипли қопчага ўхшаш, лекин анча катта қопча чиқарди-да, ичидан пергамент ўрамини олиб, ёзиб текислагач, ўқиб эшиттирди:

- «Альбус Персиваль Ульфрик Брайан Дамблдорнинг сўнгги амри». Хўш, ҳа, мана ўша сатри: «Рональд Билиус Уэслига ўзимнинг делюминаторимни қолдираман. Ундан фойдаланар экан, мени ёдга олади, деган умиддаман».

Скримж қопчадан Гаррига таниш нарсани чиқарди. Кумуш зажигалкани эслатадиган, таъсир доирасидаги ёруғликни ўз домига сўриб, яна қайтариш хусусиятига эга ушбу буюмни Гарри муқаддам кўрган. Скримж олдинга энгашиб, делюминаторни Ронга узатди. Рон буюмни тираётган қўли билан олиб, айлантириб кўрди.

- Бу жуда қимматли буюм, - маълум қилди Скримж, Ронга назар солиб, - Жуда ноёб, эҳтимол ягона бўлиши ҳам мумкин. Дамблдорнинг шахсий ихтироси бу, албатта. Нима деб ўйлайсан, нега бундай камёб нарсани у айнан сенга қолдириб кетди?

Рон хижолат-ла бош чайқади.

- Дамблдор мактабнинг минглаб ўқувчи ва битирувчиларини яхши танийди, - давом этди Скримж, - Васиятномасида эса фақат учовингизни тилга олган. Нега? Делюминатордан нима мақсадда фойдаланишингиз мумкинлигини назарда тутган у, мистер Уэсли?

- Чироқ ёқиш учун бўлса керак, деб ўйлайман, - ғудуллади Рон, - Яна нима ҳам қилишим мумкин, унинг ёрдамида? Скримжнинг бу борада тахмини йўқ шекилли, Ронга яна бироз қараб ўтирди-да, Дамблдорнинг васиятномасини қўлига олди.

- «Мисс Гермиона Жин Грэнжерга «Бард Бидл масаллари»нинг ўзимга тегишли нусхасини қолдираман. Ўқиб чиқар экан, уни қизиқарли ва сабоқ берадиган асар деб топишига умидвор бўламан».

Скримж қопча ичидан ўрта ўлчамли, кир муқовасининг баъзи жойлари қатламлаб кўчган, худди юқори қаватдаги хонада

ётган «Ёвуз кучлар сирлари» каби қадимий китобни чиқариб, Гермионага узатди.

Қиз китобни индамай олиб, тиззасига қўйди-да, унга қараб қолди. Гарри китоб номи руна ёзувида битилгани, Гермионанинг кўз ёши босма белгилар туширилган муқовага томганини кўрди.

- Нима сабабдан Дамблдор сизга айнан мана шу китобни қолдирди, нима деб ўйлайсиз, мисс Грэнжер? - сўради Скримж, вазмин оҳангини сақлаб.

- Мен... биламан, китоб ўқишни у жуда яхши кўрар эди, - деди Гермиона, енги билан кўз ёшини артиб.

- Нега айнан мана шу китобни? - такрорлади Скримж.

- Билмадим. Менга ёқади, деб ўйлагандир балки.

- Махфий хабар узатиш учун қўлланиладиган кодлар ёки бошқа бирон-бир воситаларга оид мавзуни Дамблдор икковингиз муҳокама қилган эдингизми, ҳеч?

- Йўқ бу ҳақда гаплашмаганмиз, - жавоб берди Гермиона, - Агар вазир ўттиз бир кун ичида бирон-бир турдаги яширин код топа олмаган бўлса, бундан кейин ҳам топилишига шубҳа қиламан.

Гермиона ҳиқ-ҳиқ йиғлаб юборишдан ўзини базўр тийиб ўтирибди. Учовлон шу қадар жипс ўтирибдики, Рон қўлини бир амаллаб кўтариб, Гермионанинг елкасига қўйди.

Скримж ҳужжат ўқишни давом этди.

- «Гарри Жеймс Поттерга».

Ушбу сўзларни эшитган Гаррининг вужудини ҳаяжон қамради.

- «Қатъияти ва маҳорат-ла кўрсатган хизмати ҳақидаги эслатма тариқасида квидиш бўйича «Хогварц»да ўтказган биринчи ўйинида тутиб олган Тилла чаққонни қолдираман».

Скримж кичкина қанотларини бўш қоқаётган, ўлчами ёнғоқдек келадиган тилла тусли митти коптокни чиқарганини кўрган Гарри бироз енгил тортди.

- Нима сабабдан Дамблдор ушбу Тилла чаққонни сенга қолдирди? - сўради Скримж.

- Билмадим, - деди Гарри, - Сабабини ҳозиргина ўзингиз ўқиб эшиттирдигиз... фикримча, сабот-ла ҳаракат қилса, киши ҳамма нарсага эришиши мумкинлигини эслатиб ўтиш учун бўлса керак.

- Демак бу, фикрингча, шунчаки, эсдалик учун совға, шундайми?

- Фикримча, шундай, - тасдиқлади Гарри, - Бошқа яна нима ҳам бўлиши мумкин?

Ташқарида қош қораймоқда. Буталардан ҳосил бўлган панжара ортида оқиш туман кўриняпти.

- Ушбу саволни беришга аниқ бир сабаб бор, - деди Скримж, ўтирган курсисини диванга яқинроқ суриб, - Бугунги тантананг шарафига тайёрланган торт ҳам Тилла чаққон шаклига эга. Нима учун?

Гермиона истехзо ила кулиб юборди.

- Тортнинг бундай шаклини Гарри жуда моҳир Сайёд эканлигини таъкидлаш маъносида тушуниш мумкин эмас, гуноҳ бўлади. Сайёдлигини эслаш, табиийки, жуда оддий изоҳдир. Торт ичига Дамблдордан қолган қандайдир махфий хабар бекитилган дейилса, ишонса бўладиган тахмин чиқади.

- Ичига бирон нима бекитилганига шубҳа қиламан, - қовоқ солди Скримж, - Лекин Тилла чаққоннинг ўзини - ичида майда нарса сақласа бўладиган яхши жой, деса бўлади. Нимага эканлигини, ишончим комилки, биласиз?

Гарри елка қисди. Гермиона эса, қўйилган саволга жавоб берди. Саволга тўғри жавоб бериш Гермионанинг табиатига сингиб кетган одат бўлиб, ҳозир ҳам у ўзини тия олмаяпти, хулоса қилди Гарри.

- Тилла чаққонда тегиш хотираси бор, - деди қиз.

- Нимаси бор? - деяри бир вақтда сўради, квидиш масаласида Гермионанинг билимларига шубҳа ила қарайдиган Гарри билан Рон.

- Тўғри, - маъқуллаганча, бош ирғиди вазир, - Ишга солингунга қадар ҳеч ким Тилла чаққонни очик қўли билан ушламайди. Ҳатто уни тайёрлаётган уста ҳам қўлқоп тақиб иш қилади. Коптокчага ким биринчи бўлиб қўл теккизганини аниқлаш афсуни қўлланилган бўлиб, мунозарали ҳолатни ҳал этишда фойдаланилади. Шундай экан, мана бу Тилла чаққон, - деди коптокчани ҳавога отиб, тутиб олган Скримж, - Сен унга текканингни эслаб қолган. Ва назаримда, муайян камчиликлари бўлганига қарамай, жуда бой сеҳргарлик тажрибасига эга Дамблдор, Тилла чаққонга қўлланилган сеҳрни такомиллаштирган. Табиийки, унинг сири фақат сенга

очилади.

Юрагининг уриши тезлашган Гарри Скримжнинг сўзларини ҳақ деб топишга улгурди. Вазирнинг олдида коптокчани очик қўл билан ушламаслик иложини топиш мумкинми?

- Жим бўлиб қолдинг, - давом этди Скримж, - Эҳтимол, унинг ичида нима борлигини биларсан?

- Йўқ, билмайман.

Гарри ҳамон Тилла чаққонни очик қўлига олмаслик ҳақида ўйланмоқда. Окклуменцияни яхши ўрганиб олганда эди, Гермионанинг ичидаги гапини уқиб олган бўлар эди.

- Ма, ол, - деди Скримж, паст овозда.

Гарри сеҳргарлик вазирининг сарғиш кўзига қараб, итоат қилишдан ўзга чораси йўқлигини англаганча, қўлини узатди. Скримж олдинга боз энгашиб, Тилла чаққонни Гаррининг кафтига секин, эҳтиёт бўлиб қўйди.

Ҳеч нарса рўй бермади. Гаррининг бармоқлари тегиши ҳамона, коптокчанинг қанотлари бир силтаниб, тинчланди. Скримж, Рон ва Гермиона кўзини коптокчадан узмай, унинг ўзгаришига умид қилганча, қараб туришибди.

- Ҳа, жуда мушкул аҳвол, - хулоса чиқарди Гарри, вазмин оҳангда.

Рон билан Гермиона кулиб юборишди.

- Унчалик эмас, - деди кайфияти бузилган Скримж, -

Дамблдор сенга яна битта буюмни васият қилган, Поттер.

- Нима экан у? - сўради Гарри, ҳаяжони ортиб.

- Годрик Гриффиндорнинг қиличи, - жавоб берди вазир.

Рон билан Гермиона тошдай қотишди. Эшак терисидан тайёрланган қопча мулоҳаза юритилаётган қилич учун кичкиналик қилиши боис, Гарри, дастаси товуқ тухумидай келадиган ёқутлар билан безалган кумуш қилични кўриш умидида Скримжнинг ён-атрофига қаради.

- Қани у? - шубҳа оҳангида сўради Гарри.

- Таассуфки, қилич Дамблдорга тегишли бўлмаган ва шу боис у, Годрик Гриффиндорга қарашли қилични бировга васият қилиб кетишга ҳақли бўлмаган, - тишининг оқини кўрсатди Скримж, - Қадимий ёдгорлик саналадиган ушбу буюм соҳиби...

- Гарри ҳисобланади! - вазирнинг фикрини тугаллади

Гермиона, - Қилич уни танлаган. Саралаш шляпаси ичидан

Гарри суғуриб чиқарган уни.

- Ўша ҳолат, мистер Поттер, Дамблдорнинг ҳукмидан қатъи назар, сизни қилич соҳибига айлантормайди, - деди Скримж, соқоли чала олинган юзини қашлаганча, Гаррига диққат-ла разм солиб, - Ишончли тарихий манбаларга мувофиқ, қилич фақат Гриффиндорлар сулоласининг вакилига ҳады этилиши мумкин. Нима деб ўйлайсан, нима сабабдан...

- Дамблдор менга ушбу қилични васият қилиб қолдирганини сўрамоқчисиз-да, а? - Скримжнинг ўрнига ўзи савол берди Гарри, - Эҳтимол, қилич айнан менинг деворимда осифлиқ турса, чиройлироқ кўринади, деган хаёлга боргандир.

- Ҳазил эмас, бу, Поттер! - наъра тортди Скримж, - Дамблдор фақат Годрик Гриффиндорнинг қиличигина Слизериннинг вориси устидан ғолиб чиқишига ишонгани учун рўй берган бўлиши мумкинми ўша ҳодиса? Кўпчилик қатори у ҳам, Поттер, қилични сенга, қисматингга Ўзинг-Биласан-Кимни ўлдириш ёзилганига ишонгани учунгина васият қилган бўлиши мумкинми?

- Қизиқ мулоҳаза, - деди Гарри, - Ўша қилични одамларингиздан бирортаси Вольдемортга санчишга уриниб кўрди-ми, ўзи? Эҳтимол сиз делюминатор титкилаш ёки Азкабан маҳбусларининг қамоқхонадан ёппасига қочиб кетганини яширишга вақт сарфламай, ўз одамларингизни шу ишни қилишга юборганингиз маъқулдир? Хонангизга бекиниб, копток очишга уриниб ўтирибсиз эканда, а, вазир жаноблари? Одамларнинг ўлиб кетаётгани, учта давлат нарида юрган Вольдеморт етиб келиб мени таъқиб қилгани билан ишингиз бўлмаса, Ўйноққўз Хмурининг Вольдеморт томонидан ўлдирилгани ҳақида сеҳргарлик вазирлиги лом-мум демаса-ю, уялмай-нетмай биздан ҳамкорлик кутяпсизми?

Ўшқирганча ўрnidан ирғиб турган Скримж яқинроқ келиб, қўлидаги сеҳрли таёқчасини Гаррининг кўкрагига тақади.

- Ҳадингдан ошиб кетяпсан, йигитча!

Таёқчанинг учи Гаррининг эгнидаги футболкани куйдириб тешди.

- А-а! - қалқиб турди Рон, сеҳрли таёқчасини кўтариб.

- Йўқ, тўхта! - овоз кўтарди Гарри, - Бизни ҳибсга олишга сабаб бермоқчи эмассан-ку, унга, шундай эмасми, Рон?!

- Мактаб ҳудудида эмаслигини унутма, учовинг! -
вишиллади Скримж, Гаррининг юзига оғир нафас чиқариб, -
Такаббурлигинг ва итоатсизлигини кечирадиган Дамблдор
эмаслигимни ҳам унутма учовинг. Мана бу чандиғингни тож
сифатида олиб юришинг мумкин, Поттер, лекин ўн етти ёшли
гўдак менга кўрсатма беришга ҳақи йўқ! Умид қиламан-ки,
ҳурмат деган нарсани бугун, оз бўлса ҳам, ўзлаштириб
олдинг.

- Ҳа, бу гал сиз ҳурматга арзигулик иш қилдингиз, - кесатди
Гарри.

Пол титраб, шахдам қадам товуши эшитилди. Бироздан сўнг
меҳмонхона эшиги ланг очилиб, остонада ҳаллослаб қолган
мистер ва миссис Уэслилар пайдо бўлди.

- Биз... бизга... - деди мистер Уэсли, Гарри билан сеҳргарлик
вазири юзма-юз турганини кўриб, - Баланд янграган овозлар
эшитилди, - ҳансираганча фикрини тугатди у.

Скримж Гарридан икки қадам орқага чекиниб, футболкада
ҳосил бўлган тешикка қараганча, қиёфасидан, ушбу
қилмишидан афсус қилаётган кўринди.

- Ҳалиги... ҳеч нима бўлгани йўқ... - ириллади у, Гаррининг
кўзига қараб, - Муносабатингиз яхши эмаслигидан
таассуфдаман. Сеҳргарлик вазири сиз истаган ва Дамблдор
орзу қилган нарсани истамайди деб ўйлаётган бўлсангиз,
хато қиласиз. Биз бир ёқадан бош чиқариб ишлашимиз керак.

- Иш услубингиз ёқмайди менга, вазир жаноблари, - деди
Гарри, - Мана бу эсингиздами?

У ўнг муштини кўтарди. Кафтининг орқа томонида Долорес
Амбриж томонидан зўравонлик-ла кесиб ёздирилган
сўзлардан қолган оқ чандиқ кўринди: «Мен доимо рост
гапиришим керак».

Скримжнинг юзи дағал қиёфа касб этди. Бир оғиз сўз айтмай
шартта тескари бурилди-да, чиқиш эшиги томон каловланди.
Миссис Уэсли вазирни кузатгани чиқди. Иккаласи орқа эшик
олдида тўхтагани эшитилди. Яна бир-икки дақиқадан сўнг,
миссис Уэсли чақирди:

- Вазир кетди!

- Нима мақсадда келибди ўзи у? - сўради мистер Уэсли.

- Дамблдор бизга мерос сифатида қолдириб кетган
нарсаларни топшириш мақсадида, - жавоб берди Гарри, -

Дамблдор васиятнома ёзиб қолдирганини, улар энди маълум қилишди, энди!

Скримж ташлаб кетган буюмлар боғда йиғилган одамлар орасида қўлма-қўл бўлди. Ҳамма делюминатор билан «Бард Бидл масаллари»ни кўриб, таажжубланди, қилични беришдан бош тортгани учун Скримждан аччиқланди. Лекин нима учун Дамблдор Гаррига эски Тилла чаққонни қолдиргани ҳақида ҳеч кимдан ҳеч қандай тахмин чиқмади. Мистер Уэсли делюминаторни учинчи ёки тўртинчи бор ўрганиб чиқар экан, миссис Уэсли Гаррига аста мурожаат қилди:

- Гарри, ёқимтойгинам, ҳамманинг қорни ўларча оч. Сенсиз бошлашга журъат этмадик. Кечки овқатни узатаверайми? Одамлар тез овқатланди. Тез айтишдай куйланган «Туғилган кунинг билан» қўшиғи айтилиб, торт бир ёқли қилинган, байрам оқшоми ниҳоясига етди.

Эртанги тўйга таклиф қилинган Хагрид одам тўла Бошпанага сиғмаслиги боис, ҳовлида ўзига айвон ясаб олди.

Боғни ўз ҳолатига қайтаришар экан, Гарри Гермионага аста пичирлади:

- Ҳамма уйқуга ётганда юқорида кўришамиз.

Хонада Рон ўз делюминаторини тадқиқ қилиб ётибди. Гарри эса Хагрид совға қилган эшак терисидан тайёрланган қопчага қимматбаҳо нарсалари, хусусан, Кафандуз ҳаритаси, Сириус совға қилган кўзгу бўлаги ва РАБнинг медальонини солиб, чилвирни маҳкам тортганча, бўйнига осиб олди. Шундан сўнг у, каравотида, қанотчаларини эркин қоқаётган эски Тилла чаққонни томоша қилиб ўтирди.

Ниҳоят эшик тақиллаб, Гермиона оёқ учида кириб келди.

- Маффлиато, - пичирлади қиз, сеҳрли таёқчасини зина томон йўналтириб.

- Ушбу тилсимни маъқул кўрмайсан, деб юрар эканман, - кулиб қўйди Рон.

- Замон ўзгаряпти, - истехзо қилди Гермиона, - Қани, кароматини кўрсат-чи, ўша делюминаторингни.

Рон шу заҳоти делюминаторни олдинга узатиб, чертди.

Хонани ёритиб турган якка фонус ўчди.

- Гап шундаки, - пичирлади Гермиона қоронғиликда, - Бу нарсага Перунинг доимий зулмат кукунидан фойдаланиб ҳам

эришиш мумкин.

Қирсиллаган товуш эшитилиб, ёруғлик шари делюминатордан яна фонусга қайтди.

- Жуда зўр нарса экан! - деди Рон, - Нега бўлмаса Дамблдорнинг ихтироси дейишяпти улар буни?

- Биламан, - деди қиз, - Ишончим комилки, чироқ ўчириш масаласида яқиндан ёрдам бериб юришинг учунгина тилга олмаган сенинг номингни у, ўз васиятномасида.

- Вазир васиятномани мусодара қилиб, бизга қолдирган буюмларини ўрганиб чиқишини Дамблдор олдиндан билган, демоқчимисан?

- Шубҳасиз! - ишонч-ла жавоб берди Гермиона, - Васиятномада у, ушбу буюмларни нима сабабдан бизга қолдираётганини айтиб ўтиши мумкин эди, лекин ҳужжат...

- Нега тириклигида шама қилиб кетмади? - сўради Рон.

- Дарҳақиқат, - боши қотди Гермиона, «Бард Бидл масаллари»ни варақлаб, - Модомики, ушбу нарсалар вазирнинг шахсан ўзи текшириб чиқиши керак бўлган даражада муҳим экан, мазмун-моҳиятини тушунтириб ўтса бўлар эди-ку... агар мазмуни шундоқ ҳам ҳаммага маълум бўлмаса, албатта!

- Ноҳақ иш тутиб кетган, шундай эмасми? - фикр билдирди Рон, - Унинг томи бироз жилганини доимо таъкидлаб келган эдим. Зўр одам бўлган-у, лекин эси бироз оғган. Гаррига эски Тилла чаққонни васият қилиб кетиш! Жин урсин, бошига урадим уни?!

- Билмадим, - хижолат бўлди Гермиона, - Скримж уни қўлингга олишга мажбур қилганда, Гарри, бирон кор-ҳол рўй беришига ишончим комил эди.

- Хўп, яхши, - деди Гарри, Тилла чаққонни баландроқ кўтарар экан, юрак тепиши тезлашаётганини ҳис этиб, - Скримж олдида ушбу коптокчани ўйин куни тутиб олгандек тутиб олмадим-ку, шундай эмасми?

- Нима демоқчисан бу билан? - ҳайрон бўлди Гермиона.

- Квидиш бўйича ўтган илк ўйинда Тилла чаққонни қандай тутиб олганимни ёдингдан чиқардинг-ми? - кулди Гарри. Гермиона бақрайиб қолди. Рон эса, аксинча, ҳансираб, эсини йиғиб, оғзини жуфтлагунча, дам Гаррига, дам Тилла чаққонга қараб ўтирди.

- Ютиб юборишингга сал қолган айнан ўша Тилла чаққон демоқчимисан, сен бунни?

- Худди ўша! - деди Гарри ва юраги ҳовлиқиб урар экан, катталиги ёнғоқдай келадиган коптокчани шартта оғзига солди.

Тилла чаққон очилмади. Гаррининг ичидаги умид учқуни сўниб, коптокчани пастга туширди.

- Ёзув! - кутилмаганда қичқариб юборди Гермиона, - Қаранглар! Сиртида ёзув пайдо бўлди!

Гарри ҳайрат ва ҳаяжондан Тилла чаққонни тушириб юборишига сал қолди. Гермиона ҳақ. Коптокчанинг бир неча сония муқаддам ҳеч нарса кўринмаган силлиқ тилла сиртида Дамблдорнинг дастхатига ўхшаш ўйма ёзув пайдо бўлди: «Ёпилишим керак бўлган жойдагина очиламан»

Гарри ёзувни ўқиб олишга базўр улгурди. Ўйма ҳарфлар гум бўлди.

- «Ёпилишим керак бўлган жойдагина очиламан»... Нима дегани энди бу?

Ҳафсаласи пир бўлган Рон билан Гермиона бош силташди.

- Ёпилишим керак бўлган жойдагина очиламан... очиламан... Ёпилишим керак бўлган жойдагина...

Учовлон ушбу сўзларни ҳар қандай шаклда турлаб талаффуз этмасин, бирон-бир бошқа мазмун чиқара олмади.

- Қилич... - деди Рон, Тилла чаққонда пайдо бўлган сўзларни такрорлайвериш жонга теккач, - Нега энди у Гаррини қилич билан қуроллантирмоқчи бўлди?

- Ва нима учун буларнинг барини менга айтиб кетмади? - аста сўради Гарри, - Ўтган йили хизмат хонасида кечган суҳбатларимиз давомида, ушбу қилич доимо хонада, кўз ўнгимизда ётар эди. Модомики уни менга беришни ният қилган экан, нега ўшанда топширмади?

Гарри ўзини жуда секин ўйлайдиган жавобсиз мияси билан саволга жавоб топиши керак бўлган имтиҳонда ўтиргандай ҳис этди. Ўтган йилги узундан-узоқ чўзилган суҳбатларда эътибордан четда қолдирган бирон нима бўлганми?

Буларнинг маъно-мазмунини ўша суҳбатлар бериши керакмиди? Дамблдор Гарридан буларнинг барини ўзи мустақил англаб етишини кутганмиди?

- Мана бу китоб ҳақида ҳам шундай мулоҳаза юритиш

мумкин, - деди Гермиона, - «Бард Бидл масаллари»... Ҳеч қачон эшитмаган эканман, улар ҳақида?

- «Бард Бидл масаллари»ни эшитмаганман? - ишонқирамай сўради Рон, - Ҳазиллашяпсан-ми?

- Йўқ, ҳазиллашаётганим йўқ, - ҳайрон бўлди Гермиона, - Сен эшитган эдингми, ушбу масалларни?

- Албатта.

Юзага келган ҳолат Гаррига қизиқ кўринди. Уни қаранг-а, Рон Рон бўла туриб, Гермиона билмаган китобни ўқиган экан! Рон эса, ўз навбатида, иккаласининг ҳайратланаётганидан ҳайрон бўлди.

- Қўйсангиз-чи! Болалар учун мўлжалланган, сийқаси чиққан барча ҳикоялар Бидлнинг қаламига мансуб-ку. Унинг «Фавқулодда омад фаввораси», «Сеҳргар ва сакрайдиган тувак», «Бэббити Рэббити ва унинг қақалайдиган оёғи»...

- Тўхта-тўхта, - хандон отди Гермиона, - Қанақанги оёғи?

- Бас қил, - хижолат бўлди Рон, Гарри билан Гермионага шубҳа ила қараб, - Бэббити Рэббитини эшитган бўлишинг керак.

- Рон, - дарс бераётган ўқитувчидек гапирди Гермиона, - Гарри иккаламиз маглар орасида улғайиб, тарбия топганимизни яхши биласан! Болалигимизда сен айтган ҳикояларни эшитмаганмиз. Бизга, одатда, «Оппоқой ва етти гном», «Кулойим»...

- Кулойим? Кулдан чиққан қиз бўлганми у? - сўради Рон.

- Демак бу, болалар учун мўлжалланган эртақлар экан-да, а?

- сўради Гермиона, руналар устига боз энгашиб.

- Ҳа, шундай... - жавоб берди Рон иккиланиб, - Мен санаб ўтган нарсалар, Бидл ёзган эртақлар демоқчиман. Лекин дастлабки талқинида қандай бўлган улар, билмайман.

- Нима учун Дамблдор ушбу масалларни ўқиб чиқишимни истаган, шунга ҳайрон бўляпман.

Пастда нимадир қарсиллади.

- Чарли бўлса керак, - асабийлашди Рон, - Ойим унга соч қўйишга рухсат бермай, уйқуга ётган.

- Ҳаммамиз ётишимиз керак, - пичирлади Гермиона, - Акс ҳолда эртага уйқусираб юрамиз.

- Ҳа. Куёвнинг онаси уч карра содир этган шафқатсиз қотиллик тўйда ўз аксини топади, - деди Рон, - Чироқни

Ўчиряпман.

Гермиона хонани тарк этгач, делюминаторнинг чертилгани эшитилди.

САККИЗИНЧИ БОБ. ТЎЙ

Гарри, Рон ва эгизак Уэслилар кундуз соат учдан оқшомгача катта оқ чодир ёнида меҳмон кутишди. Фред буюм чақирриш афсуни воситасида Отер Качпол исмли маҳаллий магл боланинг бир тола малла сочини ўзига сездирмай юлиб келди. Ҳамма қиёфа сиркасининг каттагина дозасини уриб олган Гарри ўша боладан фарқ қилмай қолди. Энди у меҳмонларга Барни исмли амакивачча сифатида таништириладиган бўлиб, режага биноан тадбир ниқоблаш вазифаси Уэслилар оиласининг зиммасига юкланди.

Меҳмонларга ўз жойини топиб олишга ёрдамлашиш учун тўртовлоннинг қўлига жойлар рўйхати берилди.

Официантлар бошлиғи маросим бошланишидан бир соат олдин эгнига оппоқ либос кийганча, етиб келган. Ҳозир у сал нарида, зарҳал костюм кийган, устида тамакининг аҳён-аҳён кўтарилаётган мовий тутуни кўринаётган мусиқачилар гуруҳи билан бирга дам олиб ўтирибди.

Гаррининг ортида очик қолган чодир эшиги орқали узун қирмизи гилам ва унинг устига терилган тилла рангли курси қаторлари кўринмоқда. Чодир тираш ходалари оқ ва зарҳал мато ўралиб безатилган. Билл билан Флёрнинг никоҳи ўқиладиган жой устига эгизаклар бир дунё сарғиш пуфак шишириб, маҳкамлаб қўйишди.

Чодир атрофидаги майсазор ва чакалак-девор устида капалаклар ва ғувиллаётган асаларилар имиллаб учишмоқда. Отер Качпол унчалик семиз бўлмагани боис, унинг қиёфасига кириб олган, эгнидаги байрам ридоси торлик қилаётган Гарри ёзнинг ёрқин қуёши остида терга ботиб, ўзини жуда ноқулай ҳис этмоқда.

- Мабодо уйланадиган бўлсам, мана шу бемаъни нарсалар бўлишига йўл қўймайман, - деди Фред, ёқасини тортиб, - Ким нимани истаса, шуни кийиб келаверади тўйимга. Ойимни эса, тўйим ўтгунча қушга айлантириб қўяман.

- Қўйсанг-чи, буларнинг бари жа сен айтганча ёмон эмас, -

эътироз билдирди Жорж, - Перси бу ерда кимга кераклигини билмадим-у, лекин у келмагани учун ойим бироз эзилмоқда.

- Ана улар! Қара!

Эгнига ялтир-юлтир кийим кийган сеҳргарлар боғнинг нариги бошида ҳавода пайдо бўла бошлашди. Бир неча дақиқа ичида анчагина йиғилиб қолган, шляпаларида ғаройиб гуллар ва сеҳрли қуш тулумлари савлат тўкаётган одамлар боғ йўлаги бўйлаб байрам чодирини томон илон изи ҳаракат бошлашди. Кўпчиликнинг тилла тақинчоқлари қуёшда ялтираб кўринмоқда. Улар чодирга яқинлашган сари, асалариларнинг ғувиллашини босаётган ҳаяжонли овозлар тобора баланд эшитилмоқда.

- Анави қизлар Флёрнинг аммаваччалари бўлса керагов, - деди Жорж, тузукроқ кўриш учун бўйин чўзиб, - Биз инглизларнинг удумларини англаб етиш масаласида, назаримда, уларга яқиндан ёрдам беришим керак бўлади.

- Ошиқманг, тешик қулоқ жаноб, - деди Фред.

У саф бошида келаётган ўрта ёшли афсунгар аёллар орасидан аста ўтиб олди-да, икки нафар чиройли француз қиз қаршисида тўхтаб, чуқур таъзим бажо айлади.

- Permettez moi to assister vous, - таклиф қилди у (фр.

Ижозатингиз билан, кузатиб қўйсам).

Қизлар ҳиринглаганча, йигит ортидан эргашиб, чодирга киришди. Жорж ўрта ёшли аёлларга, Рон ўз отасининг ҳамкасби, қадрдон дўсти мистер Пёркинсга, Гарри эса қулоғи оғир кекса эр-хотинга ҳамроҳлик қилди.

- Вотчер, - эшитилди таниш овоз.

Чодирдан чиққан Гарри Люпин билан Бомсга рўбару келди.

Тўй муносабати билан бўлса керак, Бомс сочиға оқ сариқ ранг берибди.

- Бу ерда фақат сен жингалак соч эканлигингни Артур айтиб қўйган эди, - пичирлади у, Гаррининг ёнидан ўтаётиб, - Кечаги оқшом учун кечир. Вазирлик музейдаги махлуқ тусига кирадиган одамларга нисбатан ниҳоятда ёмон муносабат билдирган. Шу боис туғилган кунингда ўтиришимиз яхшиликка олиб келмайди, деган қарорга бордик.

- Ҳеч қиси йўқ, тушунаман, - Люпинга қараб жавоб берди Гарри.

Люпин кулиб қўйди. Эр-хотин нари кетар экан, Гарри

Люпиннинг ушбу табассумини черков саройларида кўриниш берадиган ниҳоятда йирик ит арвоҳи – Сгубитнинг маъюс иржайишига ўхшатди. Бунинг сабабини фаҳмламаган бўлса-да, гап нимада эканлигини суриштириш мавриди эмас ҳозир, деган хулосага борди.

Афтидан Фреднинг кўрсатмасини нотўғри талқин қилган, катталаштириб, атайин мустаҳкамланган орқа қатордаги курсиларни оддий курсилар билан чалкаштириб юборган Хагрид, одатдагидек, алфов-далфовлик юзага келишига сабаб бўлди. Энди бу курсилар каминга ўт қалаш учун ишлатиладиган тилла гугурт доналарига ўхшаб қолган. Мистер Уэсли мажақланган курсиларни ўз ҳолига қайтарар экан, Хагрид тинмай узр сўраб турди.

Рон билан бирга кириб келаётган киши чодирнинг чиқиш эшиги томон йўл олган Гаррининг эътиборини ўзига тортди. Жуда ғалати кийинган бодомқовоқ сеҳргарнинг пахта қандга ўхшаш сочи елкасига тушган. Эгнидаги коржоманинг ранги тухум сариғини эслатиб, бошига бостириб олган шляпасининг попуги бурнининг рўпарасида тебранмоқда. Бўйнида эса тилла занжирга қадалган уч бурчак кўзга ўхшаш ғалати тумор осилиб турибди.

- Ксенофилиус Лавгуд, - ўзини таништирди сеҳргар, Гаррига қўл узатиб, - Қизим Луна иккаламиз анави тепалик ортида яшаймиз. Уэслилар оиласи бизни тўйга лутфан таклиф қилганидан ниҳоятда хурсандмиз. Лунани танийсиз-ку, шундай эмасми?

- Таниймиз, албатта, - жавоб берди Рон, - У ҳам келдимиз, сиз билан?

- Келди, бироқ ғужғон ўйнаётган гномлар билан саломлашиш учун ажойиб боғингизда бироз ушалиб қолди. Ўша майда, лекин доно махлуқлардан кўп нарсалар ўрганиш мумкинлигини сеҳргарларнинг аксарияти хаёлига ҳам келтирмайди. Ваҳоланки, илмий тилда улар *Gernumbli gardensi* деб аталади.

- Боғимиз гномлари бири-бирдан ажойиб қасам матнларининг кўпини билишади, - деди Рон ўйланиб, - Ишончим комилки, Фред билан Жорж ўргатган уларга. Кутилмаганда югуриб келган Луна бир гуруҳ сеҳргарларга ҳамроҳлик қилаётган Гарри билан сўрашиб қолди:

- Салом, Гарри!
- Э-м-м... менинг исми Барни, - эсанкиради Гарри.
- Ие, исмингни ҳам алмаштириб олдингми? - қувноқ кулди Луна.
- Қандай танидинг мени?
- Қиёфангдан.

Сочига кунгабоқар таққан Луна отаси сингари ёрқин сариқ кийим кийган. Ғалати табиати, юриш-туришига аста кўникиб бораётган Гаррининг назарида қизнинг бугунги кўриниши ёмон эмас. Қулоғига редиска тақиб келмабди-ку, ҳар қалай. Танишини учратиб, қизнинг гаплашаётган Ксенофилиус Гарри билан Лунанинг суҳбатини эшитмади. Шериги билан хайрлашгач, қизи томон юзланди. Луна қўлини кўтариб, отасига бармоғини кўрсатди.

- Мана буни қаранг, дада. Гном тишлаб олди.
- Жуда соз! - деди мистер Лавгуд, қизининг қўлини ушлаганча, қонаётган жароҳатни диққат билан кўздан кечириб, - Гномнинг сўлаги жуда фойдалидир. Агар бугун яширин истеъдодинг, айтайлик, операда қўшиқ айтиш ёки сув парилари тилида гапириш истагинг борлигини сезсанг, шижоатингни тийиб ўтирма қизим! Уни сенга гномлар инъом этган бўлиши мумкин!

Ота-боланинг ёнидан ўтиб кетаётган Рон кулгисини тия олмади.

Гарри Ксенофилиус билан Лунага, улар учун ажратилган жойни кўрсатиб қўйиш учун ҳамроҳлик қилди.

- Рон истаганча кулиши мумкин, - деди Луна хотиржам, - Лекин дадам гномлар сеҳрини ўрганиб чиқиш учун катта иш қилган.
- Ростданми? - деб юборди, ўхшаш масалаларда Луна ёки унинг отаси билан баҳслашмасликка ўзига ўзи онт ичган Гарри, - Ўша гном бирон-бир балони киритиб юбормаганига ишончинг комилми, Луна?
- Зарари йўқ, - деди қиз, жароҳатланган бармоғини сўрганча, Гаррига диққат билан назар солиб, - Мана шу қиёфада нисбатан ақллироқ кўринар экансан. Дадамга никоҳ базмига байрам ридосини кийиб бориш кераклигини айтган эдим. Лекин у, келин-куёв бахтли бўлиши учун қуёш рангли кийим кийиб келишни ўз бурчидай кўрди.

Луна отасининг ортидан шошмай эргашганча, нари кетгач, Рон пайдо бўлди. Бурни қуш тумшуғига ўхшаш, кўзини майда қон томирлари қизартирган, бошига пушти чарм шляпа кийган, кўринишига қараганда, табиати тажанг феълли қизил ғоздан кўп фарқ қилмайдиган кекса аёл Роннинг қўлига суяниб олган.

- ... сочинг ўсиб кетибди, Рональд. Сени Жинерва билан адаштириб юборишимга сал қолди ... Мерлин соқоли! Анави Ксенофилиус-ми?! Тухум қуймоққа ўхшаб келибди-ку. Сен-чи, сен кимсан? - ўшқирган оҳангда сўради кампир Гарридан.

- Ҳа, айтгандай, Мюриель хола, бу амакиваччамиз Барни бўлади.

- Яна битта Уэсли-ми? Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлади, деб шунга айтсалар керак-да. Кўпайиш борасида гномлардан фарқ қилмайсизлар-а, тавба қилдим. Гарри Поттер ҳам шу ердами? У билан бугун учрашаман деган умиддаман. У чиндан ҳам дўстинг-ми, ё қуруқ мақтанчоқлигинг эдими бу?

- Йўқ, Гарри Поттер бугун кела олмади.

- Ҳмм. Бирон-бир баҳона топган демоқчисан-да? Демак, матбуотда мақталган даражада бенуқсон эмас экан. Ундай бўлса, келинчак ёнига бориб, тиара тақишни ўргатай унга, - баланд овозда давом этди кампир, Гаррига мурожаат қилиб, - Гоблинлар ясаган келинчак тожи. Оиламда юзлаб йиллардан буён сақланади. Келинчагимизнинг ўзи яхши қиз-у, нима қилганда ҳам француз французлигига боради-да... Ҳўш, Рональд, қани яхшироқ жой топ-чи менга. Ёшим бир юз еттидан ошиб, икки оёқда узоқ тура олмайдиган бўлиб қолганман, ахир.

Рон Гаррига ифодали қараб қўйганча, холасини нари олиб кетди. Иккаласи чодирга кириш эшиги олдида яна учрашишгунча, Гарри ўнлаб меҳмонларни жой-жойига кузатиб қўйди. Бўш жой деярли қолмади, кириш эшиги олдидаги навбат ҳам барҳам топди.

- Анави Мюриель холам жонли даҳшатнинг ўзгинаси, - деди Рон, ўзини креслонинг суянчиғига ташлаб, - Илгари уйимизга ҳар йилги Рождество байрамига келар эди, кейин эса, Худога шукур, биздан хафа бўлди. Қайсидир йилги Рождестводан олдинги арафа куни Фред билан Жорж унинг курсиси остига гўнг бомбасини ўрнатишган. Дадамнинг айтишича, холам,

ўша ҳодисадан кейин эгизак акаларимнинг номларини ўз васиятномасидан чиқариб юборган экан. Менимча, уларга фарқи йўқ, иккаласи шундоқ ҳам оиламизнинг энг бой аъзолари, агар тижоратларининг кўлами тобора кенгайиб бораётгани инобатга олинадиган бўлса... Войбўй!

Рон пирпираб кетган кўзини яқинлашиб келаётган Гермionaдан уза олмай қолди.

- Кўринишинг ёмон эмас, Гермiona!

- Ҳар доим овозингда ажабланиш оҳанги эшитилади, Рон, - истехзо ила жавоб берди кулиб боққан қиз.

Силлиқ сочи ялтираётган Гермionанинг эгнидаги бинафша рангли енгил кўйлак товонигача тушиб турибди.

- Мюриель холанг эса бундай демаган бўлар эди. У билан юқорида, Флёрнинг сочига тиара тақаётганида рўбару келиб қолдим. Мени кўриб, ҳайратланганча берган баҳоси: «Ё Тангрим, маглар оиласида туғилган тўпиғи чўп, қомати қийшиқ қиз шуми?» - бўлди.

- Парво қилма, Гермiona, - овутди Рон, - У ҳаммага шунақа қўпол гапиради.

- Кампиримиз Мюриелни муҳокама қиляпсиз-ми? - сўради Фред, Жорж билан бирга чодирга кириб келар экан, - Мени кўриб, қулоғимни қийшиқ деди, шум хола. Билиус амакининг йўқлиги чатоқ бўлди-да. Тўйларда хўп завқланар эди у.

- Билиус амаки? Сгубитни кўриб, бир сутка ўтмай вафот этган амакими? - қизиқди Гермiona.

- Умуман айтганда, ҳа. Ўлимидан олдин ғалати бўлиб қолган эди у, - тасдиқлади Жорж.

- Лекин томи кетишидан олдин даврани роса қиздирадиган одам бўлган, - хотирага берилди Фред, - Куйдирадиган вискининг бутун бошли шишасини уриб оларди-да, рақс майдонининг ўртасига чиқиб, кийимини ҳар томон отганча, яланғоч танасидан даста-даста гул чиқара бошлар эди. Биласанми, қаеридан?

- Жуда жозибали одам бўлган экан-да, - совуққина хулоса қилди Гермiona, Гаррининг қорнини ушлаб кулаётганини кўриб.

- Тўғри, лекин негадир уйланмай ўтди, - деди Рон маъюс оҳангда.

- Баъзан жуда ҳайрон қолдирасан-да, мени, - деди Гермiona,

Рон ҳазиллашаётган ёки чин гапираётганини тушуниш учун юзига диққат билан разм солиб.

Улар шу қадар берилиб қувонишар эди-ки, ҳеч қайси бири бироз кечикиб келган қора сочли, қоши қалин, йирик бурни қийшиқ ўсган меҳмон йигитга эътибор қилмади.

- Кўринишинг чакки эмас! - деди нигоҳини Гермионадан юзмаган йигит таклифномани Ронга узатар экан.

- Виктор! - қувонч-ла хитоб қилди Гермиона.

Унинг қўлидаги сумкача ўлчамига мос келмаган даражада гумбурлаб тушди. Буюмини кўтарган қизнинг юзи қизғиш тус олди.

- Келишингдан беҳабар эканман... Э, Худо... сени кўрганимдан шунақа хурсандман-ки! Ишларинг қалай? Роннинг қулоғи қизариб, пишиб етилган помидор рангини касб этди. Қўлидаги таклифномага, худди унинг ҳақиқийлигига шубҳа қилгандай бир неча сония қараб тургач, кескин ва баланд овозда сўради:

- Нима қилиб юрибсан бу томонларда?

- Флёр таклиф қилди мени, - ҳайрон қиёфа ила жавоб берди Крум.

Гарри Рондан фарқли ўлароқ Виктор билан қўл бериб сўрашди. Уч сеҳргар беллашувидаги рақибига унинг ҳеч қандай хусумати йўқ. Викторни Рондан эҳтиёт-шарт нари олиб кетишни маъқул кўриб, Крумга таклифномадаги жойини топиш масаласида ёрдамлашиб юборишини айтди.

- Дўстинг менинг ташрифимдан хурсанд бўлмаган кўринади,

- фикр билдирди Крум, меҳмон тўла чодирга киришгач, - Ё қариндошингми у сенинг? - сўради Виктор, Гаррининг малла рангли жингалак сочига қараб қўйиб.

- Ҳа, амакиваччам бўлади, - паст овозда ғудуллади Гарри.

Унинг жавоби Крумнинг қулоғига кирмади. Ҳалиги француз қизлар Викторни кўришлари ҳамоно, завқ-ла қийқириб юборишди. Нима қилганда ҳам, Виктор машҳур Квидиш ўйинчиси сифатида донг таратган.

Рон, Гермиона ва эгизаклар курсилар орасидаги йўлак бўйлаб тепадан тушиб келаётганда одамлар Крумни кўриш учун ҳамон бўйин чўзишаётган эди.

- Жойимизни эгаллайдиган вақт бўлди, - деди Фред Гаррига,

- Акс ҳолда келинчакка урилиб кетамиз.

Гарри, Рон ва Гермиона иккинчи қаторга, эгизак ака-укалар ортида жойлашиб ўтиришди. Гермионанинг лунжи қизил тус олган бўлса, Роннинг қулоғи ҳамон помидорни эслатмоқда. Бир неча сония ўтгач, Рон Гаррининг қулоғига пичирлади:

- Кўрдинг-ми, аҳмоқона соқол қўйиб олганини?

Гарри индамай қўя қолди.

Чодирнинг илиқ ҳавосини оммавий интиқлик қамраб олган, ғовур-ғувур овозлар баъзи жойларда қаҳқаҳага айланиб бормоқда. Мистер ва миссис Уэсли йўлак бўйлаб юриб, меҳмонларни табассум-ла қутлашмоқда. Миссис Уэсли эгнига кўкиш сафсар рангли ридо, бошига эса ридонинг рангига мос шляпа кийган. Бир неча сония ўтгач, чодирга кириш эшиги олдида ёқаларига биттадан атиргул таққан Билл билан Чарли кўринди. Фред бўрига тақлид қилганча ҳуштак чалиб, чодирда кулги кўтарди. Орага чўккан сукунатни тилла тусли ҳаво шарига ўхшаш нарсадан паст овозда таралаётган мусиқа бузмоқда.

- Ажойиб! - хитоб қилди Гермиона, яхшироқ кўриш учун кириш эшиги томон бурилиб.

Қувончдан яшнаётган месье Делакарр чодир ўртасидан ўтган йўлак бўйлаб завқ-ла одимлар экан, меҳмонлар баралла оҳ уриб юборишди. Унинг ёнида эгнидаги оддий оқ кўйлаги кумуш тус бериб ярқираётган Флёр гўё сузиб келмоқда. Флёрнинг гўзаллиги, одатда, қолганларнинг чиройини хиралаштирса, бугун аксинча, одамларнинг ранг-баранглигини бироз ёритмоқда. Тилла тусли кўйлак кийган Жинна билан Габриел ёнларидан ўтган Флёрнинг олдида янада чиройли кўринмоқда. Биллнинг зоҳирий кўринишидан гўё у ҳеч қачон қопағон Фенрир Уолкка дуч келмаган.

- Хонимлар ва жаноблар, - эшитилди, Билл билан Флёрнинг қаршисида турган кишининг бир оҳангли овози.

Гарри ушбу қора сочи сийрак ўсган кишини таниди. У Дамблдорни дафн қилиш маросимини бошқарган эди.

- Бугун биз икки севишган қалбнинг никоҳ оқшомига йиғилдик.

- Менинг тиарам унга жуда ярашибди, - деди Мюриель хола, ўзига хос бўлмаган мулойим оҳангда, - Лекин таъкидлаб ўтишим жоизки, Жинерва ҳаддан ортиқ калта кўйлак тиктирибди ўзига.

Жинна атрофга қараб, Гаррини топгач, кўз қисиб қўйди-да, яна тескари ўгирилиб олди. Гарри мактабнинг чекка бурчакларида Жинна билан ўтган оқшомларни, пешонасида яшин зигзаги шаклидаги чандиғи бўлмаган оддий одам сингари ўтган соатларни эслади. Ўша кунлардан буён худди чексиз вақт ўтгандай туюлди унга. Дарҳақиқат, узоқ чўзилиши мумкин бўлмаган ҳаддан ортиқ ёқимли дамлар...

- ... Уильям Артур, ўз жуфти ҳалолнинг сифатида Изабель...

Олдинги қаторда миссис Уэсли ва мадам Делакёр кўз ёшларини рўмолча билан артганча, овоз чиқармай ҳиқиллаб ўтиришибди. Қувурдан чиққан наърага ўхшаб эшитилган товуш эса, ўтаётган ушбу маросим, ўлчами столдай келадиган дастрўмолга бурун қоққан Хагридни ҳам тўлқинлантириб юборгани ҳақида хабар берди.

Кўзи ёшга тўлган Гермiona бурилиб, Гаррига тикилди.

- ... ундай бўлса, иккалангизни, вафот топганингизга қадар эр-хотин дея эълон қиламан.

Сочи сийрак сеҳргар қўлидаги таёқчасини Билл билан Флёрнинг боши узра кўтариб, аста силкитди. Тепадан кумуш юлдузлар тўкилиб, келин-куёв атрофида гир айланган ёмғир бўлиб ёғилди. Фред билан Жорж чапак чалиб қўйишлари ҳамона, муаллақ осилиб турган тилла тусли ҳаво шарлари ёрилиб, ичидан майда қушчалар ва қўнғироқчалар отилиб чиқди-да, мусиқаси ва хушоҳанг жирингини тантана муҳитига қўшишди.

- Хонимлар ва жаноблар! Илтимос, ўрнингиздан туринг.

Залда тўпланганларнинг ҳаммаси ўрнидан турди. Мюриель холанинг минғирлагани қулоққа чалинди. Сеҳргар қўлидаги таёқчасини боз силкитган эди ҳам-ки, курсилар юқорига аста кўтарилиб, чодирнинг қалин газлама девори ғойиб бўлди ва одамларнинг кўз ўнгида қуёш нурларига фарқ бўлган боғдан иборат ажойиб манзара очилди. Энди чодир олтин ходалар воситасида кўтарилган айвон кўринишини касб этди. Шундан сўнг, ўртада суюқ тиллага тўлган ҳовуз пайдо бўлиб, хаёл ўтмай ялтироқ рақс майдонига айланди. Ҳавога кўтарилган курсилар ҳар бири оқ дастурхон ёзилиб безатилган майда столлар атрофида тизилганча аста ерга тушди.

- Офарин! - маъқуллади Рон.

Эгнига зарҳал костюм кийган мусиқачилар саҳнага чиқишди.

Официантларнинг бир қисми ошқовоқ шарбати, ҳузур-лаззат ичимлиги, Огден Олднинг куйдирадиган вискисини таклиф қилгача, меҳмонлар орасида изғий бошлаган бўлса, бошқа бир қисми пирог ва сандвичларни тахлаб, эҳромлар ҳосил қилишга киришди.

- Бориб табриклаб қўйсак яхши бўлар эди! - деди Гермиона, оёқ учида турганча, келин-куёвни хайрихоҳлар орасида қидириб.

- Улгурамиз ҳали, - елка қисди Рон.

У ёнидан учиб ўтаётган патнисдан ҳузур-лаззат ичимлигининг уч кружкасини илиб қолишга улгуриб, биттасини Гаррига узатди.

- Юр, ундан кўра, столлардан бирортасини эгаллайлик, Гермиона... Йўқ, йўқ, фақат унисини эмас, Мюриель холанинг ёнида эмас!

Рон атрофга аланглаганча, ҳозирча бўш рақс майдонини кесиб ўтди. Гаррининг ишончи комилки, у имкон қадар Виктордан узоқроқ жойлашган стол қидирмоқда. Улар чодирнинг нариги бошига ўтишгунча, столларнинг кўпи эгалланди. Луна ўтирган стол атрофида бўш курсилар кўп экан.

- Луна, сен билан бирга ўтирсак майлими?

- Ўтиринг, албатта, - қувонч-ла рухсат берди қиз, - Дадам Билл билан Флёрнинг олдига, улар учун келтирган совғамизни топширгани кетди.

- Қанақанги совға экан у? Ёмон кўздан асрайдиган илдизларнинг бир умрга етадиган захираси, ё шунга ўхшаш бирон нима-ми? - тахмин қилди Рон киноя оҳангида.

Роннинг овозини оёғи билан ўчирмоқчи бўлган Гермиона стол остида нишонни адаштириб, Гаррининг оёғига тепди.

Оғриқдан ўзини қўлга олишга уринган Гарри гап учини йўқотиб қўйди.

Муסיқачилар ишга киришди. Рақс майдонига гулдурос қарсақлар остида биринчи бўлиб Билл билан Флёр кўтарилди. Яна бир неча дақиқадан сўнг мистер Уэсли мадам Делақёрни саҳнага етаклади, улар ортидан миссис Уэсли билан Флёрнинг отаси месье Делақёр эргашишди.

- Мана шу қўшиқ ёқади-да, менга, - деди Луна, вальсни эслатадиган муסיқа билан бир вазнда тебраниб.

Унинг сабри чидамади шекилли, кўп ўтмай шартта ўрнидан турди-да, саҳнага чиқиб, кўзини чирт юмганча, қўлини тўлқинсимон ҳаракатлантириб, турган жойида айлана кетди.
- Жуда ажойиб қиз, а? - деди Рон кенг табассум қилиб, - Чин дўст...

Бироқ унинг юзидаги табассум бир зумда гум бўлди. Чунки бошқа одам қуриб кетгандай, бўш ўринлардан бирини айнан Виктор Крум келиб эгаллади. Гермионанинг вужуди қувончдан тўлқинланиб кетгандай бўлди, лекин Виктор Крум бу гал хушомад қилмади.

- Сариқ кийиниб олган анави кас ким? - сўради у, хўмрайиб.
- Ксенофилиус Лавгуд, дўстимизнинг отаси, - жавоб берди Рон, Ксенофилиусни масхара қилиб, устидан кулиш ниятлари йўқлигини фаҳмлаш қийин бўлмаган гажир оҳангида, - Юр кетдик, рақсга тушамиз, - деди у, Гермионага юзланиб. Хижолат тортгандай кўринса ҳам, Роннинг домангирлиги Гермионага хуш келган кўринади. Иккаласи ўрнидан туриб, рақс майдонида вальс тушаётган ўнтача жуфтлик орасига кириб кетди.

- А-а? Иккаласи учрашиб юришадими? - сўради Виктор, ҳайрон бўлиб.

- Шунга ўхшашроқ, - жавоб берди Гарри.

- Исминг нима? - қизиқди Крум.

- Барни Уэсли.

Иккаласи қўл сиқишди.

- Айт-чи менга, Барни, анави Лавгуд деганларини яхши танийсанми?

- Йўқ, бугун биринчи бор кўриб туришим. Тинчликми?

Крум рақс майдонининг нариги томонида бир нечта сеҳргар даврасида хотиржам суҳбат қуриб ўтирган Ксенофилиусга кружка узра ғазаб билан қараб қўйди.

- Агар бугун Флёрнинг меҳмони бўлмаганида, - жавоб берди у, ниҳоят, - Анави ифлос рамзни тақиб олгани учун шу ернинг ўзида башарасига мушт қўйган бўлар эдим,

- Рамз тақиб олгани учун? - ҳайрон бўлди Гарри,

Ксенофилиуснинг кўкрагида ярқираётган учбурчак кўзга қараб, - Қанақанги рамз экан у?

- Гриндельвальд, - ириллади Виктор, - Гриндельвальднинг рамзи.

- Дамблдор мағлуб қилган анави ёвуз сеҳргар
Гриндельвальдни айтяпсан-ми?
- Ҳа, ўшани, - худди бир нарса чайнаётгандай лунжи шишиб
жавоб берди Виктор, - Гриндельвальд кўпчиликнинг, шу
жумладан, бобомнинг ҳам ёстиғини қуритган. Тўғри, бу
юртда унинг таъсири сезиларли бўлмаган. Ҳаётининг
хотимаси қандай бўлганини инобатга олганда, унинг
Дамблдордан хайиқиши ҳақидаги гаплар бежиз бўлмаган.
Лекин анави рамзини, - қўлини узатиб, Ксенофилиусга
бармоқ ўқтади у, - Дарҳол танидим. Гриндельвальд уни
«Дурмштранг» сеҳргарлик мактабида ўқиб юрган кезларида
мактаб деворига ўйиб чизган. Айрим сеҳргарлар аҳмоқ бўлиб,
унинг рамзини ўз китобларининг муқовалари, кийимларида
акс эттириб, салобатли кўринмоқчи бўлишган. Бу аҳвол, токи
одамлар Гриндельвальднинг қўлидан ўлим топган
яқинларини йўқота бошлашгунга қадар давом этаверган.
Крум муштини таҳдид солгандай маҳкам сиқиб, нафрат
нигоҳи ила Ксенофилиусга ўқрайди. Унинг ҳис-туйғуга
тўлган гапидан Гаррининг боши қотди. Лунанинг отаси ёвуз
кучлар сеҳри билан шуғулланиши эҳтимолдан йироққа
ўхшайди. Боз устига, тўйга келганлар орасида Виктордан
бошқа яна бирор-бир киши ўша учбурчак нишонда ёвуз
кучлар сеҳрини ифода этаётган рамзни кўрганга ўхшамайди.
- Гриндельвальднинг рамзи эканлигига ишончинг комилми?
- Комил, - совуқ оҳангда жавоб берди Крум, - Унинг ёнидан
бир неча йил ўтиб юрганман. Яхши эслаб қолганимга шубҳа
қилмасанг ҳам бўлаверади.
- Эҳтимол Ксенофилиус бўйнига осиб олган нишоннинг асл
маъносини ўзи билмас? - тахмин қилди Гарри, - Лавгудлар
оиласи ўзи... сал ғалатироқ одамлар. Улар ўша белгини
шоҳли оғма кўзан бошининг кўндаланг кесмаси деган
қарорга борган бўлишлари ҳам мумкин ёки шунга ўхшаш
бирон-бир бошқа қарорга.
- Ниманинг кўндаланг кесмаси?
- Аниқ билмадим-у, лекин дам олиш кунлари ушбу оила
томонидан ўтказиладиган ўзига хос тадқиқотлар...
Гарри Крумга қараб, Лавгудлар оиласининг ўзига хос
жиҳатларини аниқ тушунтириб бера олмаётганини ҳис этди.
- Қара, ҳўв анави қиз Ксенофилиуснинг қизи бўлади, - деди

Гарри, Лунага бармоқ ўқтаб.

Луна худди майда чивинларни ҳайдаётган каби, турган жойида қўл силтаганча, ҳамон якка ўзи рақс тушмоқда.

- Нима қиляпти ўзи у? - ҳайрон бўлди Крум.

- Эҳтимол Вракспуртлардан халос бўлишга уринаётгандир, - тахмин қилди Гарри, аломатларидан фаҳмлагандай бўлиб.

Гарри чин гапираётгани, ё калака қилаётганини, афтидан Крум тушуна олмаган кўринади. У ридоси ичидан чиқарган қўлини сонига қаттиқ уриб, учқун сачратиб юборди.

- Ҳа, буни Грегорович ясагани аниқ! - хулосасини баландроқ овозда билдириб қўйди Гарри.

Виктор Гаррига бақрайиб қолди. Гарри бироз ортиқча ҳаяжонланиб, сергакликни унутиб қўйди. Викторнинг таёқчаси Гаррига Уч сеҳргар беллашувининг бошланишини, хусусан, Олливандер Крумнинг таёқчасини қўлига олиб, диққат билан ўрганиб чиққанини эслатди.

- Грегорович? Унга нима қилибди? - шубҳа ила сўради Виктор.

- Сеҳрли таёқча ясайдиган уста у.

- Буни биламан.

- У сенинг таёқчангни ясаган, шунинг учун хаёлимга...

- Менинг таёқчамни Грегорович ясаганини сен қаердан била қолдинг? - гапни бўлди Виктор, шубҳаси янада кучайиб.

- Мен... мен бу ҳақда қаердадир ўқиган эдим, - хаёлини йиғиб олди Гарри, гап давомида ёлғон тўқиб, - Квидиш янгиликлари журналида, ашаддий мухлисларинг билан ўтган интервьюлардан бири эди шекилли.

- Сеҳрли таёқчамни мухлислар билан муҳокама қилганимни эслай олмайман, - бироз тинчланган бўлди Крум.

- Грегоровичнинг ўзи қаерда ҳозир?

- Бир неча йил муқаддам пенсияга чиқиб кетган, - ҳайрон бўлди Крум, - Мен унинг ўзидан таёқча сотиб олган сўнгги харидорлардан бири бўламан. У ясаган таёқчалар дунёда энг зўр таёқчалар бўлган. Гарчи британияликлар асосан Олливандер таёқчаларидан фойдаланишса-да.

Гарри индамади. У ўзини Крум билан бирга рақс тушаётганларни томоша қилаётган кўйга солиб олди. Аслида эса унинг хаёли ушбу никоҳ базмидан анча олисда. Демак, Вольдеморт сеҳрли таёқча ясайдиган машҳур устани қидириб юрибди. Грегорович Ёвуз Лордга нима учун керак

бўлиб қолганини фаҳмлаш қийин эмас. Бунинг сабаби: Вольдеморт осмонда таъқиб қилган тунда Гаррининг қилган иши эканлиги аён, албатта. Найзабарг билан қақнус пати Вольдемортнинг қўлидаги, ўз сафдошидан тортиб олган сеҳрли таёқчани мағлуб қилди. Олливандер билмаган ва умуман кутмаган ҳодиса юз берди. Эҳтимол Грегорович билар, нима бўлганини? Чиндан ҳам у, сеҳрли таёқча яшаш санъатида энг зўр уста бўлиб, Олливандер билмайдиган сир-асрорлардан бохабардир? Нима бўлганини у тушунтириб берар?

- Анави қиз жуда гўзал экан.

Крумнинг овози Гаррининг хаёлини бузди. Виктор Лунанинг рақсига жўр бўлган Жиннага бармоқ ўқтаб ўтирибди.

- Ўша қиз ҳам қариндошинг бўладими?

- Ҳа, - жавоб берди Гарри, жаҳли чиқаётганини беихтиёр ҳис этиб, - Новча бўйли, бақувват, ўларча рашкчи киши билан учрашиб юради. Унга рўбару келмаган маъқул.

- Нима? - пишқириб юборди Крум, - Чиройли қизларнинг бари кимлар биландир учрашиб юришадиган бўлса, Квидиш бўйича халқаро юлдуз сифатида ном чиқаришдан не наф? Ушбу фалсафий фикр мағзини чақиб етиши учун Крум Гаррини ёлғиз қолдирганча, нари кетди. Гарри эса узоқ ўйланиб ўтирмай, қўлига битта сандвич олди-да, рақс майдони атрофида аста айлана бошлади. У Ронни топиб, Грегорович ҳақидаги фикрини айтиб бермоқчи. Лекин Рон Гермiona билан майдон ўртасида рақс тушмоқда. Гарри тилла устунлардан бирига суяниб, Фред ва Жоржнинг дўсти Ли Жордан билан рақсга тушаётган Жиннани кузатиб турди. Қизга қараб турар экан, Ронга берган ваъдаси борасида қайғурмасликка уринди.

Гарри умрида бирорта тўйда бўлмаган ва шу боис, сеҳргарларнинг никоҳ базми билан маглар базми ўртасида қандай фарқ борлигини ишонч-ла айта олмайди. Лекин шуниси аниқ-ки, магларнинг тўй торти устида митти қақнуслар учмайди. Магларнинг шампан шишалари стол устида тек турса, бу ердаги шишалар бўшаган қадаҳ излаганча, одамлар орасида учиб юради. Қош қорайгач, парвоналар айвон остида йиғилиб, живирлана бошлади. Тилла тусли ушбу учар фонуслар ила ёритилган базм авжига

чиқмоқда.

Фред билан Жорж Флёрнинг аммаваччаларини олиб аллақачон қоронғиликка бекиниб олишган. Чарли, Хагрид ва бошига қирмизи шляпа кийган бақувват сеҳргар бурчакка ўтиб олишиб «Қаҳрамон Одо»ни куйлашмоқда. Гарри эса Роннинг кайфи ошган амакисига рўбару келмасликка ҳаракат қилмоқда. Чунки ўша амаки Гаррини чиндан ҳам ўғли эканлигига шубҳа қилаётган кўринади.

Ёлғиз ўзи ўтирган кекса сеҳргар Гаррининг диққатини ўзига тортди. Куя еб, адо қилган феска-дўппи остидан қариянинг момақаймоқни эслатадиган оппоқ сочи момиқдай майин бўлиб кўринмоқда. Ушбу чол Гаррининг кўзига жуда иссиқ кўринди. Хотирасига зўр бериб, Қақнус Орденининг аъзоси, Дамблдорнинг хотирасига ёзилган таъзиянома муаллифи кекса Эльфиас Дожни таниди.

- Ўтирсам майлими? - ижозат сўради Гарри, қарияга яқинроқ бориб.

- Албатта, албатта, - изн берди Дож, баланд эшитилган хириллоқ овози билан.

Гарри энгашиб, кекса сеҳргарнинг қулоғига пичирлаганча, ўзини таништирди:

- Мистер Дож, мен Гарри Поттер бўламан.

- Болагинам! - оҳ урди Дож, - Артур айтган эди менга, сен шу ерда, фақат бошқа қиёфа касб этиб юрганнингни... жуда хурсандман, сендан ниҳоятда фахрланаман!

Суюниб кетган кекса сеҳргар стол устидаги бўш қадахлардан бирига шампан қуйиб, ҳаяжон-ла Гаррига узатди.

- Сенга мактуб йўллаш ҳақида ўйлаб юрган эдим, - пичирлади Дож, - Дамблдорнинг бундай ўлими... сен учун қаттиқ руҳий зарба бўлган ва ишончим комилки...

Дожнинг қисик кўзи ёшга тўлди.

- «Башорат-у, каромат газетаси»да чоп этилган таъзияномангизни ўқиган эдим, - деди Гарри, - Профессор Дамблдорни бунчалик яхши танишингизни билмаган эканман.

- Уни ҳар қандай кишидан кўра яхши танир эдим, - кўз ёшини артди Дож, - Мендан кўра узоқ танийдиган одам бўлмаган уни, укаси Аберфорсни ҳисобга олмаганда, албатта. Лекин одамлар уни ҳеч қачон эслашмайди.

- Айтгандай, «Башорат-у, каромат газетаси» ҳақида... билмадим, мистер Дож, кўзингиз тушди-ми, ё йўқ-ми...
- Эльфиас... Гарри, илтимос мени Эльфиас деб чақир.
- Яхши, Эльфиас. Рита Вритернинг интервьюсини айтаман. Дамблдор ҳақида ёзган китоби мавзусида у билан ўтган суҳбатга кўзингиз тушди-ми, ўқиб кўрдингиз-ми?
- Ўқидим, Гарри, - деди Дож, ранги ўзгариб, - Бир вақтлар ўша аёл, аниқроқ айтадиган бўлсам, қора қузғуннинг модаси, интервью беришимни сўраб, ортимдан узоқ юрган. Уят бўлса ҳам, айтишим жоизки, кунлардан бир кун хиралиги жонимга текканидан кўполликка йўл қўйиб, уни шилқим гулмоҳи, дея сўқиб юбордим. Бунинг оқибатини фаҳмлаган бўлсанг керак: ақли расолик масаласида мени чақиб ўтди.
- Рита Вритер ўша интервьюсида Дамблдор ёшлигида ёвуз кучлар сеҳри билан шуғулланганига шама қилиб ўтди, - давом этди Гарри.
- Унинг бирорта гапига ҳам ишонма! - хитоб қилди дарҳол Дож, - Бирортасига ҳам ишонма! Альбус Дамблдор ҳақидаги хотирангни ҳеч нарса булғамасин!
- Гарри Дожнинг ранги кетган, аламдийда юзига қараб қўйди. Қариянинг сўзлари унинг таъбини хира қилди холос. Наҳотки кекса сеҳргар айрим нарсаларга шунчаки кўз юмиб ўтиш мумкин, деб ўйласа. Гарри бор гапни аниқ билиши кераклигини наҳотки тушунмаётган бўлса. Афтидан, Эльфиас Гаррининг туйғуларини фаҳмлаган кўринади, фикрини шошиб-пишиб давом этди:
- Ёдингда бўлсин, Гарри: Рита Вритер ўта кетган...
- Рита Вритер дединг-ми? - гапни бўлди кампирларга хос чинқироқ овоз, - О! Ажойиб ёзувчи-да, ўша аёл! Бирорта мақоласини ўтказмай, барини ўқиб бораман.
- Юқорига қараган Гарри билан Дож устларида турган Мюриель холани кўришди. Сочидан пат осилиб тушган кампир қалтироқ қўлидаги қадаҳни маҳкам сиқиб олган.
- Дамблдор ҳақида китоб ёзаётганидан хабарингиз борми?
- Салом Мюриель, - кўришди Дож, - Ҳа, биз айнан шу мавзунини муҳокама...
- Кампир қулоқни тешиб юборгудек овози билан гапни бўлиб, қўшни столда ўтирган малла сочли бола - Уэслиларнинг амакиваччасига ўшқириб берди:

- Ҳой тирранча! Қани, кекса аёлга жой берчи! Бир юз еттига кирганман, ахир.

Бечора бола худди устига қайноқ сув тўкилиб кетгандай, ўтирган ўрнидан сапчиб турди. Мюриель хола эса бўшаган оғир креслони, ҳозиргина баёнот қилинган ёши инобатга олинадиган бўлса, кишини ҳайратга соладиган куч-ла тортиб, Дож билан Гаррининг ўртасига сургач, астойдил жойлашиб олди.

- Салом Барри, ё нима бало эди исминг... - деди у, Гаррига бош ирғиб.

Шундан сўнг, бутун диққат-эътиборини Дожга қаратди.

- Нима деётган эдинг, Рита Вритер ҳақида, Эльфиас?

Дамблдорнинг таржимаи ҳолини ёзипти у, биласанми? Ўша китобнинг чоп этилишини сабрсизлик билан кутяпман.

Ишқилиб «Жимжимадор ва сиёҳ доғи» китоб дўкониди буюртма расмийлаштириб қўйишни унутиб қўймасам бўлди.

Дожнинг юзи нохуш ва айни вақтда шундай улугвор қиёфа

касб этдики, бутун борлиғи ила Рита Вритер ҳақида, унинг

китоби-ю, мухлис-китобхонлари ҳақида ниҳоятда паст

фикрда эканлигини яққол кўрсатиб қўймоқда. Бироқ унинг

қиёфаси Мюриель холага ҳеч қандай таъсир ўтказмади.

Кампир қўлидаги ичкиликни бир кўтаришда симириб, қоқ

суяк бармоғини чертганча, ёнидан ўтиб кетаётган

официантга қадаҳ тўлдиришни имо қилди. Спиртли

ичимликнинг каттагина қултумини ютиб юборгач, яхшилаб

кекириб олди-да, истехзоли оҳангда хириллай бошлади:

- Иккалангиз бир жуфт чўлбақа тулумидай қараманг менга!

Бу даражада эътиборли, машҳур одам бўлиб кетгунга қадар

Альбус ҳақида жуда ғалати миш-миш гаплар юрган.

- Аҳмоқона ғийбат гаплар бўлган холос! - тилга кирди ниҳоят

Эльфиас, юзи яна ўзининг қизғиш тусига қайтиб.

- Шунга ўхшаш бирон нима дейишингни билар эдим,

Эльфиас, - жирканч овоз-ла қақағлади Мюриель хола, -

Таъзияномангда Альбуснинг ҳаётида бўлиб ўтган ҳаққоний

ҳодисаларни четлаб ўтганингни яхши фаҳмладим.

- Бундай хаёлга борганингни ўзи жуда ачинарли ҳолат, -

совуқ жавоб қилди Дож, - Ишонтириб айтаман-ки, мен чин

юрақдан ёзганман.

- Дамблдорга сал кам сажда қилиб юрганингни ҳаммамиз

яхши биламиз. Швах синглисини нима қилгани ойдинлашган тақдирда ҳам, уни илгаригидек муқаддас билишни қўймаслигини тахмин қилиш мумкин.

- Ўйлаб гапир гапингни, Мюриель! - хитоб қилди Дож.

Муздек шампанга дахли бўлмаган аччиқ қалтироқ Гаррининг умуртқасидан югуриб ўтиб, кўкрак қафасига етиб тўхтади.

- Бу билан нима демоқчисиз? - сўради у Мюриель холадан, - Синглиси швах бўлганини ким айтди сизга? Уни шунчаки, бетоб бўлган, деб ўйлар эдим.

- Демак, нотўғри хаёлга боргансан, - тиржайди кампир, гапи таъсир ўткаганидан мамнун бўлиб, - Нима бўлганда ҳам, ўша ҳодисалар ҳақида сен нимани ҳам билар эдинг?

Туғилишингдан анча олдин бўлиб ўтган у ишлар. Ҳақиқат эса шундан иборатки, аслида нималар бўлганини ҳеч ким билмайди. Шунинг учун ҳам Вритер тарихни титкилаб, нима топганини ўқиб билиш мумкин бўлган кунни сабрсиз кутмоқдаман! Чунки Дамблдор ушбу сирни ҳеч қачон бировга очмаган.

- Ёлғон! - тутақиб кетди Дож, - Фирт бемаъни гап!

Гаррининг кўкрак қафасидаги муз парчаси ҳамон эригани йўқ.

- Синглиси швах бўлганини у ҳеч қачон айтмаган менга, - деди у, бошқа одам қиёфасида ўтирганини унутиб қўйиб. Юзи ўгирилиб, нигоҳи Гаррида тўхтагунга қадар кампир бироз чайқалиб қолди.

- Нега энди Дамблдор одам қуриб кетгандай, келиб-келиб айнан сен билан муҳокама қилиши керак эди буни, болакай?

- Дамблдорнинг Ариана ҳақида ҳеч қачон гапирмаганининг ягона сабаби синглисининг ўлимига бардош бериши ниҳоятда оғир кечганидир, - фикр билдирди Эльфиас, ҳаяжондан бўғиқ эшитилган овози билан.

- Нега ҳеч ким ҳеч қачон кўрмаган ўша қизни, Эльфиас? - шанғиллади Мюриель, - Нега синглисининг жасади солинган тобут уйдан ташқарига чиқарилгунга қадар Дамблдорнинг аксарият танишлари ўша қиз ҳаётда бўлиши мумкинлигини хаёлларига ҳам келтира олишмаган? Ариана қамоқда ўтириб, аста-секин куч-қувватдан қолаётган бир вақтда ўша муқаддас Дамблдоринг қаерда бўлган? Ёки «Хогварц»нинг энг ибратли ўқувчиси ўз уйида нималар бўлаётганидан

беҳабар бўлган, демоқчимисан?

- Мюриель хола, нималар деяпсиз? Яна қанақанги қамоқ? - сўради Гарри, ҳаяжонланиб.

Ҳозир Дожнинг ранги-рўйига кўзи тушган кишининг юраги орқага тортиб кетиши муқаррар.

- Дамблдорнинг онаси, гарчи эшитишимга қараганда, буни ўзи рад этган бўлса-да, маглар оиласида туғилган ғоят ярамас, жуда ёмон аёл бўлган, - жавоб бери Мюриель, чуқур хўрсиниб.

- Бекор гап! Кендра яхши аёл бўлган, - пичирлади Дож.

- ... ниҳоятда виқорли, ҳаммага сўзини ўтказиб юрган жувон бўлган, - давом этди кампир, Дожнинг сўзини писанд қилмай

- Унинг фикрича, боланинг дунёга швах бўлиб келиши оила учун тоқат қилиб бўлмас шармандалик ҳисобланган...

- Ариана швах бўлмаган! - эътироз билдирди Дож хириллаб.

- Нега бўлмаса «Хогварц»да ўқимади у? - деди Мюриель ва Гаррига юзланиб, саволига жавоб берди: - Одамлар оилада швах бола туғилгани ҳақида бугунги кунда ҳам, одатда, ломлим дейишмайди, лекин ҳаддан ошириб юбориш, бечора қизалоқни уйга қамаб қўйиб, бундай бола умуман дунёга келмагадай иш тутиш - одамийликнинг ҳар қандай чегарасидан чиқиб кетилган ҳолатдир...

- Ундай бўлмаган! Гапимга ишон! - деди Дож баланд овозда. Лекин Мюриель хола қариянинг гапини писанд қилмай, сўзини давом этди:

- Швах фарзандлар, одатда, маглар мактабига топширилади. Сўнг ўша маглар жамиятида ҳаёт кечираверишади. Бундай ҳолат сеҳргарлар элати томонидан тўғри қабул қилинади. Чунки швахлар бизнинг жамиятимизда иккинчи табақали одамлар сифатида эътироф этилади. Кендра эса қизини маглар мактабига топширишни хаёлига ҳам келтирмаган...

- Ариана касалванд бўлган, - умидсиз овоз-ла пичирлади қари сеҳргар, - Унинг соғлиги...

- Уйдан ташқарига чиқишга ҳам ярамаган, демоқчимисан? - истехзоли ҳиринглади Мюриель, - Муқаддас Резги касалхонасида ҳам ҳеч қачон кўринмаган у. Ҳатто ўлимига қадар бирорта бўлсин табиб уйга чақиртирилмаган!

- Бундай тафсилотларни сен қаердан...

- Билмасанг билиб қўй, Эльфиас, ўша замонда Ланселот исмли амакиваччам Муқаддас Резги касалхонаси – ғалати жароҳат ва патологиялар институтида табиб бўлиб ишлаган. Унинг оиламизга сир тариқасида айтган сўзларига қараганда, Ариана ҳеч қачон табиб қабулида бўлмаган ва бу ҳолатни Ланселот жуда шубҳали деб топган!

Эльфиаснинг кўзига ёш келди. Мюриель, афтидан гапи бу қадар таъсир ўтказганидан мамнун бўлган кўринади, официант чақириб, бармоқ чертди. Донг қотган Гарри эса Дурслар уни сеҳр қўллаш қобилияти борлиги учун, гўё бу иш жиноят саналгандай қамаб қўйишиб, ўзларини узоқ вақт худди Гарри бу дунёда йўқдай кўйга солиб юришганини эслаб ўтди. Наҳотки Ариананинг пешанасига ҳам ўхшаш тақдир, фақат аксинча, сеҳр қўллай олмагани учун аччиқ қисмат ёзилган бўлса? Наҳотки «Хогварц»да ўқиб юрган Дамблдор, сеҳргарлик оламининг юксак чўққиларига эришиш учун синглисидан воз кечган бўлса?!

Кампирнинг овози Гаррининг хаёлини бўлиб юборди.

- Агар Кендра эртароқ ўлишга улгурмаганида Арианани ўша ўлдирган, деган бўлар эдим.

- Нималар деб алжираяпсан, - ингради Эльфиас, - Онаси ўз қизининг қотили бўлиши мумкинми? Ўйлаб гапир, гапингни!

- Ўз қизини узоқ муддат қамаб ўтиришга қодир аёл, нега энди қотиллик қилмас экан, - елка қисди Мюриель, - Лекин ҳозир айтганимдек, Кендра Арианадан эртароқ ўлган. Бас, шундай экан, тахминим тўғри келмайди... Фақат... Кендра нимадан ўлганини ҳеч ким аниқлай олмади... Ҳа, албатта! - маънодор оҳангда фикр билдирди у, - Ўз ҳужрасидан тасодифан чиқиб кетган Ариана зулм-заҳматдан қочиб қутулиш мақсадида онасини ер тишлатиб қўйган бўлиши ҳам мумкин. Бошингни истаганча тебратиб ўтиришинг мумкин, Эльфиас. Сен Ариананинг дафн маросимига боргансан-ку, тўғрими?

- Ҳа, борганман, - жавоб берди Дож, лаби титраб, -

Одамларни бу қадар қайғули аҳволда кўрганимни эслай олмайман. Альбус эса оғир дард-аламдан тамом бўлган эди.

- Ҳозир гап унинг руҳий ҳолати ҳақида бораётгани йўқ.

Аберфорс акаси Дамблдорнинг бурнини ўша маросимнинг ўзида уриб синдирган эмасмиди?

Агар Дож шу вақтгача Мюриелнинг гапларидан маҳзун бўлиб

Ўтирган бўлса, энди даҳшатга тушди. Кампирнинг гапи унинг қалбини қаттиқ оғритди.

- Сен қаердан?... - шивирлади Дож.

Шодланиб кетган Мюриель эса шампандан сал кўпроқ хўплаб юборган кўринади, суюқлик иягидан оқиб тушди.

- Ойим Батильда Бэгшотнинг дугонаси бўлган, - деди кампир қувноқ оҳангда, - Батильда дафн маросими қандай ўтганини ойимга айтиб бераётган пайтда мен эшик ортида пинҳона қулоқ тутиб турган эдим. Тобут устидаги жанжал, деб номлаган эди у, ўша ҳодисани. Аберфорс акаси Дамблдорга бақириб, синглиси Ариананинг ўлимида айблади. Бу ҳам камлик қилгандек, акасининг юзига мушт қўйди.

Батильданинг сўзларига қараганда Альбус ўзини ҳимоя қилишга ҳаракат ҳам қилмаган. Ғалати ҳолат, албатта. Ахир у дуэль масаласида жуда кучли бўлиб, ҳатто қўли боғланган ҳолатда ҳам Аберфорсни мажақлаб ташлаши мумкин эди. Кампир боз қадаҳга қўл узатди. Эски жанжаллар ҳақидаги хотира уни қанчалик тетиклаштирган бўлса, қария Дожни шу қадар ранжитмоқда. Қандай хаёлга бориш, кимнинг гапига ишонишни Гарри билмай қолди. У Дамблдор ҳақида ҳақиқатни билишни истаган эди. Дож эса Ариана оғир касал бўлгани ҳақида тўнғиллашни қўймапти. Жўяли мулоҳаза юритилса, дейлик мана бу кампирнинг гапи рост бўлиб, уйдаги аҳвол шу қадар ёмон бўлган бир вақтда Дамблдор бепарво юрган бўлармиди? Тасаввур қилиш қийин. Шуниси аёнки, ўша ҳодисаларнинг замирида қандайдир ғалати бир гап бор.

- Сизларга яна бир нарсани айтиб қўйишим керак, - деди Мюриель, навбатдаги қадаҳни бўшатганча, ҳиқичоғи тутиб, - Ўйлашимча, ҳеч ким билмаган маълумотларнинг кўпини Ритага Батильда айтиб берган. Чунки Вритернинг интервьюсида келтирилган маълумотлар Батильданинг оғзидан чиққани кўриниб турибди. Зеро, ишончли ахборот манбаи Дамблдорнинг оиласига жуда яқин одам эканлиги, Батильда эса ўша фожиали ҳодисаларнинг гувоҳи бўлгани аниқ.

- Батильда ўлиб қолса ҳам, ўша Вритер билан сирлашмайди, - пичирлади Дож.

- Гап «Сехргарлик тарихи» фани дарслигининг муаллифи

Батильда Бэгшот ҳақида кетяпти-ми? - ҳайрон бўлди Гарри. Ушбу исм Гаррининг мактабда тутган дафтарларидан бирининг муқовасига битилган эди, лекин тан олмоқ керакки, ўша фан Гарри қунт-ла ёд олган фанлар сирасига кирмаган.

- Ҳа, ўша аёл ҳақида. Замонамизнинг энг истеъдодли тарихчиларидан бири, Альбуснинг қадрдон дўсти ҳақида, - жавоб берди Дож, худди чўкаётган одам чўпни маҳкам ушлагандек, Гаррининг саволига чалғиб.

- Айтишларига қараганда, сўнгги вақтда у сал ғалатироқ бўлиб қолган эмиш, - қувноқ оҳангда гап қистирди Мюриель хола.

- Агар шу гап рост бўлса, унинг ҳолатидан фойдаланган Вритер ўта паст кетибди, - жаҳл-ла жавоб қайтарди Дож, - Энди унинг китобига ишониш борасида шубҳа туғилади.

- Йўқотилган хотирани тиклашнинг усуллари кўп, - давом этди Мюриель, - Батильданинг томи батамом кетган тақдирда ҳам, ишончим комилки, уйда эски фотосуратлар, мактублар сақланиб қолган. У Дамблдорлар оиласи билан узоқ йиллар дўстлашиб юрган. Шунинг ўзи Годрик жарлигига ташриф буюришга асос бўла олади.

Пиво ичиб ўтирган Гарри тикилиб қолди. Дож унинг елкасига урди. Йўталиб, кўзи ёшга тўлган Гарри гапириш қобилиятини базўр тиклаб олгач, бир амаллаб сўрай олди:

- Батильда Бэгшот Годрик жарлигида яшайди-ми?

- Жуда кўп йиллардан буён. Персиваль қамалганидан кейин Дамблдорлар ҳам ўша ерга кўчиб ўтиб, Батильдага қўшни бўлишган.

- Дамблдорлар оиласи ҳам Годрик жарлигида яшаганми?

- Қулоғингга тамбур чаляпман-ми, Барри. Ҳозиргина айтдим-ку сенга буни, - жаҳл қилди Мюриель хола.

Ушбу суҳбатдан кейин Гарри руҳан тушкунликка йўлиққандай бўлди. Дамблдор олти йил давомида бирон марта бўлсин, Гарри иккаласи Годрик жарлигида яшагани, иккаласи ҳам ўз яқинларини ўша ерда йўқотганини айтмаган. Нима учун?

Лили билан Жеймсни Дамблдорнинг онаси ва синглиси ётган қабристонга дафн қилишган бўлиши ҳам мумкин.

Дамблдор ўз яқинларининг мазорини зиёрат қилганми?

Эҳтимол Гаррининг ота-онаси ётган қабрлар ёнидан

ўтгандир. Лекин бу ҳақда у ҳеч қачон гапирмаган. Гап орасида эслаб ўтишни ҳам лозим топмаган. Нега энди буларнинг бари муҳим бўлиб қолди ҳозир? Бунга Гарри ўзига ўзи ҳам тушунтириб бера олмаяпти. Дамблдор иккаласини умумий жой ва яқинларининг ўша жойдаги ўлими боғлагани негандир сир тутилган. Ушбу ҳолатни Гарри Дамблдор томонидан йўл қўйилган алдовчилик, деб топмоқда.

Ҳозир у нурсиз нигоҳи ила олдинга қараб, атрофда нима бўлаётганини базўр фаҳмлаб ўтирибди. Халойиқ орасидан Гермiona чиқиб келиб, ёнига курси қўйганини ҳам сезмади. - Ортиқ рақсга туша олмайман, - деди қиз, оғир ҳансираб. Гермiona туфлисининг бир пойини ечиб, товонини уқалади. - Рон пивога кетди. Бироз ғалати туюлса-да, Лунанинг отаси билан суҳбатлашиб ўтирган Виктор дарғазаб ҳолатда туриб кетганини кўрдим. Афтидан, иккаласи жанжаллашиб қолган кўринади... Сенга нима қилди, Гарри? - овозини пасайтириб сўради қиз.

Гарри нимадан гап бошлашни билмади. Бироқ ҳозир бу муҳим эмас. Чунки айна фурсатда кумуш рангда товланаётган қандайдир улкан нарса айвоннинг рақс майдони устидан ичкарига сингиб кирди. Кумуш танасини ярқиратган баҳайбат силовсин рақс тушаётган одамлар орасига қўнди. Ҳамма унга юзланди. Баъзи жуфтлар эса беўхшов ҳолатда серрайиб қолишди.

Сеҳргар билан дементор ўртасидаги тўсиқ вазифасини ўтайдиган дементорга қарши Ҳимоячи Кинсли

Кандальернинг баланд овози билан тилга кирди:

- Сеҳргарлик вазирлиги қулади! Скримж ўлдирилди. Улар ҳужумга ўтишди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ. ПАНАГОҲ

Тушунарсиз, ниҳоятда суст вазият қарор топди. Гарри билан Гермiona ўрnidан туриб, сеҳрли таёқчаларини чиқаришди. Кўпчилик, гарчи ҳозиргина кумуш силовсин кўринган жойга қараб турган бўлса-да, қандайдир ғалати нарса содир бўлганини аста-секин фаҳмлай бошлади. Ўртага чўккан сукунат Ҳимоячи пайдо бўлган жойдан ҳар томон тарқалиб, тўйхонани тўлиқ қамради. Ниҳоят, кимдир қаттиқ

қичқирди.

Гарри билан Гермиона иккаласи саросимага тушган халойиқ орасига отилиб кирди. Кўпчилик ҳавода даф бўлди. Бошпана атрофига қўлланилган ҳимоя тилсимлари барҳам топди.

- Рон! - қичқирмоқда Гермиона, - Қаердасан, Рон?

Иккаласи рақс майдони орқали ўтар экан, халойиқ орасида юзига ниқоб тақиб, эгнига ридо кийган одамлар пайдо бўлганини, сеҳрли таёқчасини кўтариб, «Протего» дея қичқираётган Люпин билан Бомсни кўрди. Ҳамма жойда қий-чув кўтарилган.

Вужудини кўрқув қамраган меҳмонлар орасидан ўтиб боришар экан, Гермиона сал кам йиғламсираган оҳангда қичқиршини қўймади:

- Рон! Рон! Қаердасан, Рон?

Бош узра ҳимоя афсуни, ё аллақандай қарғиш яшини учиб ўтгач, орқада қолиб кетмаслиги учун Гарри қизнинг қўлини маҳкам ушлади. Ниҳоят, халойиқ орасидан Рон чиқиб келди. У Гермионанинг бўш қўлини ушлаши ҳамано, Гарри қизнинг қўли айлангани, тўйхона манзараси билан шовқини бирданига узоқлашиб, уччаласининг устида қоронғилик пайдо бўлганини сизди. Замон ва макон гирдоби уларни Бошпана-ю, Ўлимдан мириқувчилардан, эҳтимол Вольдемортнинг ўзидан ҳам нари тортиб кетар экан, у фақат Гермионанинг қўлини ҳис этди.

- Қаерга келиб қолдик? - эшитилди Роннинг овози.

Гарри кўзини очди. Халойиқ орасида турганини кўриб, тўйхонадан узоқ кетмагандек ҳис этди ўзини.

- Тоттенхэм Корт йўлига, - ҳансиради Гермиона, - Юринглар, тўхтамай, шунчаки юраверинглар. Иккалангизга кийим алмаштирадиган жой топишимиз керак.

Гарри Гермионанинг гапига қулоқ тутди. Улар тепасида юлдузлар чарақлаётган кенг, қоронғи кўча бўйлаб ёпиқ дўконлар-у, кечиккан йўловчилар орасида баъзан тез юриб, гоҳо югуриб кетишди. Икки қаватли автобус ичидаги пиёнисталар Гарри билан Роннинг эгнидаги байрам ридоларини кўриб, қичқириб ўтишди. Роннинг қиёфасини кўрган ўткинчи аёл эса роса қотиб кулди.

- Гермиона, алмаштиргани кийим йўқ-ку, бизга, - деди Рон, умидсиз оҳангда.

- Йил давомида ўзим билан олиб юрган кўринмас плашимни шу бугунга келиб олмаганимни қаранг, - ўзини ўзи койиди Гарри.

- Ташвиш тортманг, плаш ҳам, алмаштириладиган кийимларингиз ҳам ёнимда, - деди Гермиона, - Ҳозирча ўзингизни тўғри тутишга ҳаракат қилсангиз бас.

Қиз уларни кўчадан чиқариб, пастга, қоронғи хиёбоннинг пана жойига етаклади.

Гарри, Гермиона титкилаётган кичкинагина сумкачага қош чимириб қаради.

- Плаш билан алмаштириладиган кийимларимиз ёнингдалигига ўзинг ишона...

- Ёнимда дедим-ку, шошма, ҳозир... - жавоб берди Гермиона ва Рон билан Гаррини лол қолдирганча, сумкачасидан жинси шим, футболка, бир нечта жигар ранг пайпоқ чиқариб Ронга, кумуш тусли плаш чиқариб, Гаррига тутқазди.

- Жин урсин, қандай қилиб?...

- Аниқлаб бўлмайдиган кенгайтириш афсуни, - деди Гермиона, - Ижроси қийин, албатта. Лекин уддаладим, шекилли. Қисқаси, сафарда керак бўладиган ҳамма нарсамизни жойладим.

Қиз қўлидаги сумкачани силкитиб кўрсатган эди ҳам-ки, аллақандай оғир нарсалар гумбурлаб тушгани эшитилди.

- Вой ўлай, китобларим аралашиб кетди. Уларни мавзулар бўйича тақсимлаб тахлаган эдим-а... Хўп, майли, Гарри кўринмас плашинг доимо ёнингда бўлгани маъқул. Рон, имиллама, тезроқ алмаштир кийимингни.

- Қачон улгурдинг бу ишларга? - сўради Гарри, Рон эгнидаги кийимини алмаштиришга киришар экан.

- Ёдингизда бўлса, Бошпанада айтган эдим сизларга, мабодо зудлик билан йўлга чиқиш зарурати туғилиб қолгудек бўлса, керакли барча нарсаларни йиғиб қўйдим, деб. Бугун эрталаб сенинг юк халтангни тайёрлаб қўйган эдим, Гарри...

Кўнглимга келган эди шундай бўлиши...

- Жуда ажойиб қизсан-да, Гермиона, - деди Рон, тахланган ридосини узатиб.

- Раҳмат, - деди кулиб боққан қиз, ридони сумкачасига солар экан, - Гарри, кўринмас плашингни устингга ташлаб олсанг, яхши бўлар эди.

Гарри Гермионанинг айтганини қилар экан, нималар бўлганини энди англай бошлади.

- Тўйхонада қолганларнинг ҳоли не кечди экан?

- Ҳозир бу ҳақда ўйламаган маъқул, - пичирлади Гермиона, - Улар сени қидиришмоқда, Гарри. Агар ортга қайтадиган бўлсак, кўпчиликнинг ҳаётини хавф остига қўйган бўламиз.

- Тўғри айтяпти, - маъқуллади Рон, Гаррининг юзини кўрмаётган бўлса-да, нима ҳақда баҳслашишини фаҳмлаб, - Орден аъзоларининг аксарияти бир ерга йиғилган. Улар ҳимоя қилишади тўйхонада қолганларни.

Гарри бош ирғиди, сўнг, кўринмас эканлиги ёдига тушиб, «Тўғри», дея розилик билдирди.

- Хўп, майли, йўлимизни давом этайлик, - таклиф киритди Гермиона.

Учовлон кўчага чиқди. Йўлнинг нариги юзида бир гуруҳ эркак тебраниб юрганча, қўшиқ айтишмоқда.

- Шунчаки қизиқ-да, менга. Нега энди айнан Тоттенхэм Корт йўли? - сўради Рон Гермионадан.

- Тасаввур ҳам қила олмайман, - самимий жавоб берди қиз, - Хаёлимга биринчи бўлиб келган жой шу ер бўлди. Ишончим комилки, маглар дунёсида энг хавфсиз жойлардан бири шу йўл. Ўлимдан мириқувчилар бизни бу ерда қидиришни хаёлларига ҳам келтиришмаса керак.

- Дарҳақиқат, - деди Рон, атрофга аланглаб, - Аммо ўзингизни сал... очикроқ юргандай ҳис этмаяпсиз-ми?

- Хўп, қаёққа борайлик? - сўради Гермиона, анави эркаклардан бирининг ҳуштаги янграганда бироз эгилиб, - «Тешик қозон» меҳмонхонасига жойлаша олмаймиз, шундай эмасми? Модомики Снегг ташриф буюриб қолар экан, Пинҳонийлик майдонидаги 12- уй ҳам тўғри келмайди. Отанамнинг уйига боришимиз мумкин албатта... бироқ Ўлимдан мириқувчилар у ерга ҳам бош суқиб кўришлари мумкин.

Қачон ўчиришар экан овозини анавилар?

- Ишлар қалай, жонона? - қичқирди маст эркаклардан бири, - Қиттай уриб оласанми? Қўй ўша маллангни, юр биз билан.

- Бирон ерга кириб ўтирайлик, - асабийлашди Гермиона, оғиз жуфтламоқчи бўлган Ронга тўсқинлик қилиб, - Ана қаранг, анави ерга кирсак бўлади.

Суткалаб ишлайдиган кичик кафе. Зали ифлос, столлари ёғ

босган бўлса ҳам, ҳар қалай ҳеч ким йўқ. Ичкарига биринчи бўлиб Гарри, унинг ортидан Рон кириб ўтирди. Гермиона кириш эшигига орқа ўгириб жойлашганидан ўзини бироз ноқулай ҳис этиб, худди томири тортишаётгандай, орқага қараб-қараб ўтирди. Бир ерда ўтириш Гаррига ёқмайди. Ҳаракат давомида муайян мақсад кўзланаётгандай туюлади унга. Плаш остида ҳамма қиёфа сиркасининг таъсири аста-секин барҳам топаётганини ҳис этмоқда. Унинг қўли ўз ҳолига қайтиб бўлди. Чўнтагидан кўзойнагини чиқариб, тақиб олди.

Икки дақиқа сукутдан сўнг, Рон таклиф киритди:

- Биласизми, биз «Тешик қозон»га яқин жойдамиз. Агар ҳозир Чарингкросс-роуд тўрткўчасига етсак...

- Рон, у ерга бора олмаймиз! - гапни бўлди Гермиона.

- Ўша ерда қолиш учун эмас, нималар бўлаётганини билиш учун!

- Шундоқ ҳам биламиз, нима бўлаётганини. Вольдеморт вазирликни қўлга олди. Яна нимани билишимиз керак?

- Яхши, яхши. Шунчаки, айтдим қўйдим-да.

Орага яна сукунат чўкди. Оғзини тўлдириб сақич чайнаётган жувон келиб, Гермионадан буюртма қабул қилди. Модомики, Гарри кўринмас экан, икки кишига учта қаҳва буюрилиши сал ғалатироқ кўринади. Бироздан сўнг кафега икки нафар гунгурсдай ишчи кириб, қўшни столга ўтиришди.

- Бирон-бир сокинроқ жой топиб, ҳавода даф бўлганча, шаҳар ташқарисига чиқайлик, - пичирлаганча таклиф киритди Гермиона, - Ўша ерда Орден билан алоқа боғлашимиз мумкин.

- Гапирадиган Ҳимоячи ярата оласанми? - сўради Рон.

- Машқ қилганман. Уддаласам керак, деган умиддаман.

- Ҳа, кўнгилсизликлар таҳдид солмаётган пайтда уриниб кўрсак бўлади, гарчи уларни ҳибсга олишган бўлиши мумкин бўлса-да. Эй, Худо, мунча ёмон қаҳва бўлмаса бу, - деди, буф чиқаётган кул ранг суюқликдан ҳўплаган Рон.

Янги меҳмонлар олдига келаётган жувон Роннинг гапини эшитиб, хўмрайганча ўтиб кетди. Оқ сариқ сочли йирик киши жувонга имо ила четга ўтишни талаб қилди. Жувон унга бироз ажабланиб қаради.

- Бу ювундини ичмайман, кетдик бу ердан, - деди Рон, -

Гермиона магларнинг пули борми сенда, қаҳванинг пулини тўлаш учун?

- Ҳа, бор. Қурилиш жамиятига тўлагани йиғган жамғармамни Бошпанага йўлга чиқишдан олдин олганман. Гаров боғлашим мумкинки, майда пулни сумкамнинг роса тубида излаш керак бўлади, - уф тортди Гермиона, сумкачасига қўл солиб.

Анави ишчиларнинг иккаласи ҳам бир хил ҳаракат бажаришди. Гарри ҳам узоқ ўйланмай, ўша ҳаракатни такрорлади: учаласи қўлига сеҳрли таёқчасини ушлаб олди. Бир неча сония ўтгач, нималар бўлаётганини фаҳмлаган Рон Гермионани биқинидан курси остига итариб юборганча, ўзи стол остига шўнғиди. Ўлимдан мириқувчилар йўллаган яшинлар ҳозиргина Роннинг боши турган жойдан ўтиб, деворни ўйиб ўтди. Кўзга кўринмаётган Гарри эса шу заҳоти қичқирди:

- Музла!

Қизил яшин тўғри оқ сариқ сочли йирик кишининг башарасига бориб урилди. Ўлимдан мириқувчи гумбурлаганча ҳушсиз қулади. Ким афсун ўқиганини тушунмаган шериги Ронга қарата яна қарғиш йўллади:

- Инкарцерио!

Унинг сеҳрли таёқчасидан учиб чиққан қоп-қора ялтироқ арқон Ронни бошдан-оёқ ўраб боғлади. Хизмат кўрсатаётган анави жувон эса қичқирганча, чиқиш эшиги томон югурди. Гарри Ронни боғлаган қийшиқ юзли Ўлимдан мириқувчига қарата йўллаган яна бир музлатиш афсунининг яшини хато кетиб, деразадан сапчиганча, жувонга урилиб, эшик олдида беҳуш йиқитди.

- Экспульсо! - ўқирди Ўлимдан мириқувчи.

Гаррининг олдида турган стол портлаб кетди. Портлаш тўлқини Гаррини деворга тақаб, устидаги кўринмас плашини очиб ташлаганча, қўлидаги сеҳрли таёқчани учириб юборди.

- Петрификус Тоталус! - эшитилди қаердандир Гермионанинг овози.

Ўлимдан мириқувчи ҳайкал каби чини, ёғоч ва қаҳва уюмига гумбурлаб тушди.

Дағ-дағ титраётган Гермиона сочидан шиша синиқларини қоққанча, курси остидан чиқиб келиб, сеҳрли таёқчасини Ронга йўллади:

- Д-диффиндо.

Тиззаси чуқур кесилган Рон оғриқдан ўкириб юборди.

- Кечир мени, Рон, қўлим титраяпти! Диффиндо!

Арқон кесилгач, оёққа турган Рон қўлини силтаб, ўз ҳолатига қайтарди. Сеҳрли таёқчасини ердан олган Гарри чиқинди уюми орқали ўтиб, оқ сариқ сочли Ўлимдан мириқувчининг чўзилиб ётган танаси устига келди.

- Буниси таниш. Дамблдор ўлдирилган тунда бу ҳам бор эди. Гарри қора сочли Ўлимдан мириқувчини тепиб, белига ағдарди. Унинг кўзи Гарри, Рон ва Гермиона ўртасида тинимсиз югурмоқда.

- Антонин Долохов деганлари шу бўлади, - деди Рон, - Бир вақтлар қидирилаётган жиноятчилар плакатида кўрган эдим расмини. Анави ётгани Торфинн Роул бўлса керак.

- Исмига ўт тушсин буларнинг! - овоз кўтарди Гермиона жазаваси қўзғаб, - Бизни қандай топишди булар? Хўш, энди нима қиламиз?

Қизнинг ваҳимаси Гаррининг фикрини ойдинлаштирди.

- Эшикни қулфла, - деди у Гермионага, - Сен эса Рон, чироқни ўчир.

Қулф шиқирлаб, Роннинг делюминатори чироқни ўчирар экан, Долоховнинг фалаж танасига қараб турган Гарри хаёлини тез жамлай бошлади. Кўчадан боя Гермионани чақирган киши энди бошқа қизни чақираётгани эшитилмоқда.

- Уларни нима қиламиз? - пичирлади қоронғи бурчакда турган Рон, - Ўлдирамизми? Улар бизни ўлдириши турган гап эди. Бунинг учун яхшигина имкони ҳам бор эди иккала маразнинг, - таъкидлади, янада паст овозда гапириб.

Бадани жимирлаб кетган Гермиона орқага чекинди. Гарри бош силтади.

- Уларнинг хотирасини ўчириб ташласак бас, - деди у, - Шундай қилсак, ҳаммасини чалғитишга эришамиз.

Ўлдирадиган бўлсак, биз бу ерда бўлганимиз уларга маълум бўлиб қолади.

- Сен бошлиқсан, ўзинг ҳал қил. Лекин мен ҳеч қачон киши хотирасини ўчириш афсунини қўлламаганман.

- Мен ҳам, - деди Гермиона, - Лекин назарий жиҳатдан биламан.

Қиз чуқур нафас олиб, бироз тинчлангач, сеҳрли таёқчасини Долоховнинг пешанасига ўқтади.

- Обливиэйт.

Долоховнинг кўзи шу заҳоти хиралашиб, нигоҳи қандайдир маъносиз бўлиб қолди.

- Жуда соз! - мақтади Гарри, Гермионанинг елкасига уриб қўйиб, - Энди анави жувон ва иккинчи мараз билан шуғуллан. Рон иккаламиз эса хонани йиғиштириб, ўз ҳолатига қайтарамиз.

- Йиғиштирамиз? - ҳайрон бўлди Рон, вайронага айланган кафега кўз югуртириб, - Мақсад?

- Портлатиб юборилган жойда уйғонишса, бирон-бир шубҳага боришса керак, нима деб ўйлайсан?

- Тўғри айтасан, лекин...

Сеҳрли таёқчасини киссадан чиқариш учун Рон анча овора бўлди.

- Гермиона, қара, сеҳрли таёқчамни киссадан базўр чиқаряпман. Сен менинг торайиб кетган эски шимимни олибсан.

- Вой кечир, билмабман, - ҳансиради Гермиона, жувонни остонадан ичкарига тортиб.

Рон ўзининг сеҳрли таёқчасини яна қаёққа тиқиб олиши мумкинлиги борасида Гермионанинг паст овозда айтган гапи Гаррининг қулоғига чалиниб қолди.

Кафе ўз ҳолатига қайтарилиб, иккала Ўлимдан мириқувчи столга, бир-бирининг қаршисига ўтқизиб қўйилди.

- Қандай қилиб топишди улар бизни? - сўради Гермиона, дам униси, дам бунисига қараб, - Бу ерда ўтирганимизни қаердан билишди экан?

Қиз Гаррига юзланди.

- Сен... сен қолдираётган из тилсими ўз кучини сақлаб қолган бўлиши мумкинми?

- Бўлиши мумкин эмас, - деди Рон қатъий оҳангда, - Киши ўн еттига тўлиши ҳамоно, тилсим ўз кучини йўқотади. Бу қонун. Ундай тилсим билан катта ёшли сеҳргарни тамғалаб бўлмайди.

- Тўғри, лекин бу сен билган нарса холос, - эътироз билдирди Гермиона, - Агар Ўлимдан мириқувчилар ўн етти ёшли йигитни из тилсими билан тамғалаш йўлини топишган

бўлишса-чи?

- Аммо Гарри Ўлимдан мириқувчиларга бир суткадан ортиқ вақт давомида йўлиқмаган. Ким тамғалаб қўйиши мумкин уни?

- Модомики мен сеҳр қўллай олмас эканман, сиз иккалангиз эса сеҳрингизни менинг олдимда қўллай олмас экансиз, бизни тутиб олишмасликлари учун...

- Ҳар томон бўлишиб кетмаймиз! - гапни қисқа қилди Гермиона.

- Бекиниб, ҳамма нарсани яхшилаб ўйлаб кўришимиз учун бизга хавфсиз жой керак, - фикр билдирди Рон.

- Пинҳонийлик майдони, - деди Гарри.

Иккаласи Гаррига бақрайиб қолди.

- Аҳмоқлик қилма, Гарри. У ерга Снегг бориши мумкин.

- Снегг киришига қарши қарғиш қўлланилганини Роннинг дадаси айтган... Дейлик, ўша қарғиш кор бермади, унда нима бўлади? - алоҳида урғу бериб гапирди у, Гермионанинг эътироз билдириш учун оғиз жуфтлаганини кўриб, - Қасам ичиб айтаман-ки, ҳозир мен ҳаммадан ҳам кўпроқ айнан Снеггни кўргим келяпти!

- Бироқ...

- Гермиона, яна қаёққа боришимиз мумкин? Танлашимиз мумкин бўлган жойлардан энг яхшиси ўша уй. Снегг - Ўлимдан мириқувчиларнинг бир нафари, дегани. Агар мен чиндан ҳам из тилсими билан тамғаланган бўлсам, қаёққа бормайлик, атрофимизда уларнинг бир галаси йиғилади. Гермиона баҳслашиш истаги борлигини бутун борлиғи ила намоён этаётган бўлса ҳам, Гарри билан баҳслаша олмади. Қиз эшикни очар экан, Рон делюминаторга қамалган чироқ нуруни халос этди. Шундан сўнг, Гарри учгача санаб, учаласи уч киши устида афсун ўқиди. Жувон билан иккала Ўлимдан мириқувчи хушига келгунга қадар Гарри, Рон ва Гермиона турган жойида айланиб, қоронғида даф бўлишди. Бир неча сония ўтгач, Гарри ўпкаси тўлиб нафас олганча, кўзини очди. Учовлон таниш жойда, камдан-кам тозаланадиган кичик майдон марказида қўл ушлашиб турибди. Майдон путурдан кетган кўп қаватли бинолар орасида жойлашган. Сир сақловчи бўлган Дамблдор уй қаерда қад кўтарганини учаласига маълум қилгани боис, ўн

иккинчи уй уларга кўринмоқда. Таъқибчилар йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, уйга киришга шошилишди. Тош зина бўйлаб юқорига кўтарилгач, Гарри сеҳрли таёқчаси билан эшик тақиллатди. Металл шиқирлаб, занжир жаранглади, эшик ғичирлаб очилгач, учовлон остона ҳатлаб, ичкарига кирди.

Гарри эшикни ёпиши ҳамона, эскича газ фонуслари жонланиб, бутун даҳлизни хира шуъласи ила ёритди. Ҳамма нарса Гарри қандай эслаб қолган бўлса, шундайлигича, яъни ўргимчак ини қоплаб, уй эльфларининг кесилган каллалари зина деворига соя ташлаган мудҳиш ҳолатда турибди. Узун қора парда Сириуснинг онаси тасвирланган портретни тўсган. Ягона бир буюмнинг жойи ўзгарган, у ҳам бўлса, соябонлар учун мўлжалланган тролль оёғи шаклидаги таглик, худди Бомс ҳозиргина туртиб ўтгандек, полда ёнбошлаб ётибди.

- Менимча бу ерда кимдир бўлган, - пичирлади Гермиона, тагликка имо қилиб.

- Орден кўчиб чиқаётганда йиқилган бўлиши ҳам мумкин, - деди Рон.

- Хўш, қани энди Снегг киришига қарши қўлланилган ўша қарғиш? - сўради Гарри.

- Эҳтимол шахсан ўзи кириб келганда ишга тушар, - тахмин қилди Рон.

Улар эшикка тескари ўгирилиб, ичкарига киришдан ҳайиққанча, ҳамон остона гиламчаси устида туришибди.

- Бир умр турмаймиз-ку, бу ерда, - деди Гарри олға одимлаб.

- Северус Снеггмисан? - пичирлади Ўйноққўз Хмурининг овози, учаласини қўрқувдан орқага сакрашга мажбур қилиб.

- Йўқ, биз Снегг эмасмиз! - хириллашга улгурди Гарри.

Муздек ҳаво уюрмаси Гаррининг устидан ҳуштак чиқарганча эшиб ўтиб, тилини, гапиришга имкон бермай, ўз ўқи атрофида эшиб қўйди. Оғиз бўшлиғида нималар бўлаётганини тушуниб етгунча, тили яна бўшаб, ўз ҳолатига қайтди.

Афтидан, бошқалар ҳам шундай аҳволга тушган кўринади.

Рон қайт қилаётган бўлса, Гермиона дудуқланганча фикр билдирди:

- Ўй... ўй... Ўйноққўз Снегг кир... кир...киришига қ-қ-қарши қ-қ-қўллаган ў-ў-ўша т-т-тил тугиш тилсими бўлса керак бу.

Гарри ичкарига яна бир қадам ташлади. Залнинг нариги бошидаги соя ичра нимадир қўзғалди ва учаласидан бирортаси сўз айтишга улгурмай, гилам остидан чанг тусидаги новча бўйли шарпа кўтарилди. Пардаси очилиб кетган миссис Блэк билан Гермиона баробар чинқиришди. Сочининг узунлиги белига тушган, узун соқоли орқасига ўтиб кетган, юзи ботиқ, танаси йўқ, кўз чаноғи бўм-бўш кул ранг шарпа тезликни оширганча, яқин келмоқда. Жуда таниш, даҳшатли даражада ўзгариб кетган ушбу шарпа фойдасиз чўлтоғини Гаррига ўқтади.

- Йўқ! - қичқирди Гарри, сеҳрли таёқчасини кўтариб олган бўлса ҳам, бирорта бўлсин афсун эслай олмай, - Биз эмас эдик! Сени биз ўлдирмадик.

«Ўлдирмадик» сўзи талаффуз этилган фурсатда шарпа портлаб, чанг булутини ҳосил қилди. Йўталиб, кўзи ёшланган Гарри Гермионани қидириб, атрофга аланглади. Қиз полда, бошини чангаллаганча ётибди, бутун танаси дағ-дағ титраётган Рон эса унинг елкасига қўпол уриб, далда бермоқда:

- Ҳам-ҳам-ҳаммаси я-а-ахши, ке-е-етди у...

Чанг Гаррининг атрофида, газ фонуснинг кўк шуъласини тўсганча туман каби айланмоқда.

- Маглваччалар, - қичқирди миссис Блэкининг портрети, - Аждодларим хонадонининг шармандасини чиқарган ҳайвонлар, зоти паст ҳаромзодалар.

- ЎЧИР ОВОЗИНГНИ! - қичқирди Гарри, сеҳрли таёқчасини кўтариб.

Қора парда қизил учқун сачратиб, гумбурлаганча тортилди-да, анави шаллақи аёл портретининг унини ўчирди.

- У... у... - шивирлади Гермиона, Роннинг қўлига суянганча, оёққа туриб.

- Ҳа, - тасдиқлади Гарри, - Лекин ўзи эмас-ку, шундайми? Снеггни қўрқитиш мақсадида қилинган.

Ушбу найранг кор берди-ми ёки Снегг ҳақиқий Дамблдорни ўлдирган каби, бу қўриқчини ҳам ўлдирди-ми, билиб бўлмайди. Гарри дўстларини йўлак бўйлаб етаклар экан, яна бирон-бир даҳшат юз беришини кутиб, сергаклигини қўймади. Аммо девор ёнида югуриб ўтган сичқондан ташқари, бошқа ҳеч нарса қилт этмади.

- Ичкарига киришдан олдин, уйни текшириб кўрганимиз маъқул, - пичирлади Гермиона сеҳрли таёқчасини кўтариб, - Хоменум Ревелио.

Ҳеч нарса рўй бермади.

- Буни қўрқув оқибати, деб топамиз, - деди Рон дўстона оҳангда ҳазиллашиб, - Нима рўй бериши керак эди ўзи?

- Мен ўйлаганча бўлди, - деди Гермиона хафа бўлиб, - Уйда одам бор-йўқлигини аниқлаш афсуни бу. Биздан бошқа ҳеч ким йўқ, бу ерда.

- Анави қари чол ҳам йўқми? - сўради Рон, шолчанинг мурда чиқиб келган жойига қараб.

- Юринглар, юқорига чиқайлик, - деди Гермиона, зинанинг ғирчиллайдиган поғоналаридан кўтарилар экан, у ҳам ўша нуқтадан кўзини узмай.

Қиз сеҳрли таёқчасини силтаб, эскича газ фонусларни ёқди-да, хона салқинидан бироз қалтираганча, ўзини ўзи қучоқлаб диванга ўтирди. Дераза олдида борган Рон чийдухоба пардани хиёл очиб, ташқарига қаради.

- Ҳеч ким йўқ, - маълум қилди у, - Фикримча, агар Гарри из тилсими билан тамғалаб қўйилганида, улар ортимиздан шу ерга ҳам эргашиб келган бўлар эди. Биламан, улар ичкарига кира олишмайди, бироқ... сенга нима қилди, Гарри?

Гарри оғриқдан қичқариб юборди: хаёлидан қандайдир тасаввур югуриб ўтган фурсатда чандиғи қизиб кетди. У йирик кўланкани кўриб, бировники бўлса ҳам, лекин бутун вужудини қамраган қаттиқ қаҳрни ҳис этди.

- Нимани кўрдинг? - сўради Рон, - Уйимизга кириб борганини-ми?

- Йўқ, мен унинг ғазабини ҳис этдим... роса дарғазаб ҳолатда у...

- Ўша аҳволда Бошпанага ҳам кириб бориши мумкин-ку, - овозини кўтарди Рон, - Яна нима? Бирон нима кўрдинг-ми? Бирон кишига қарғиш қўллади-ми?

- Йўқ, қаҳрини ҳис этдим холос... тушуна олмадим...

Гарри юрагидаги изтиробни ҳис этмоқда, Гермиона эса қўрқувли саволи билан ўлганнинг устига тепган қилди:

- Яна чандиғинг-ми? Нималар бўляпти ўзи? Алоқа узилган, деб юрган эдим.

- Узилган эди. Қисқа вақтга, - ғудуллади Гарри, чандиғининг

оғриғи хаёлини йиғиб олишни қийинлаштираётганини ҳис этиб, - Менимча... алоқа, у ўзини идора қилмай қолган фурсатда тикланади. Илгари ҳам шундай бўлган...

- Мийянгни ёпиб ташлашинг керак! - деди Гермиона асабий оҳангда, - Дамблдор истамаган ўша алоқадан фойдаланишингни, Гарри. Уни батамом узиб ташлашингни хоҳлаган. Окклуменция мана шунинг учун керак сенга! Акс ҳолда Вольдеморт мийянгга сохта манзаралар киритиб юбориши мумкин, эсингдами...

- Ҳа, эсимда, раҳмат, - деди Гарри тишини маҳкам сиқиб. Вольдеморт уни тузоққа илинтириш учун ушбу алоқадан бир бор фойдалангани, бунинг оқибатида Сириус ҳалок бўлганини биров эслатишини Гарри истамайди. Кўргани ва ҳис этганини уларга айтиб беришни хоҳламайди, чунки Вольдеморт билан боғлиқ таҳдид янада кучаяди. Чандиқнинг оғриғи тобора кучаймоқда. Ҳозирги ҳолати киши ўзини ўзи алдашига, касалликка чалинганига ишонишдан бош тортишига ўхшайди.

У Рон билан Гермионага тескари ўгирилиб, ўзини Блэклар хонадонининг шажараси тасвирланган қадимий гобеленни томоша қилаётган кўйга солди.

Кутилмаганда Гермионанинг чинқириғи эшитилди. Гарри сеҳрли таёқчасини чиқариб, кескин бурилди. Ичкарига хона деразаси орқали кумуш тусли Ҳимоячи сингиб кириб, аста полга қўнди. Оқсувсар шаклини касб этган Ҳимоячи Роннинг отасига тегишли овоз билан тилга кирди:

- Оиламиз тинч, жавоб йўлламанг, бизни кузатишмоқда. Ҳимоячининг шакли ҳавода бузилиб, кўздан ғойиб бўлди. Рон инграганча диванга ўтириб қолди. Гермиона унинг ёнига жойлашиб, қўлини сиқди.

- Улар тинч экан, тинч экан! - пичирлади қиз.

Рон иржайган бўлиб, Гермионанинг елкасидан қучиб олди.

- Гарри, мен... - деди Рон, Гермионанинг елкаси узра қараб.

- Муаммо бўлиши мумкин эмас, - деди Гарри, бош оғриғи авж олган сари ўзини янада ёмон ҳис этиб, - Оилангдан хавотир олишинг табиий ҳол. Мен ҳам хавотир олган бўлар эдим, - хаёлига Жинна келиб, қўшимча қилди: - Хавотир олмоқдаман ҳам.

Чандиқнинг оғриғи худди Бошпанада ёнган каби қизиби, роса

авжига чиқди. Гермионанинг: «Ёлғиз ўзим қолгим йўқ. Мен ҳам шу ерда, сизлар билан ётсам майлими?»

Қопкўрпаларимизни олиб келганман», деган илтимоси қулоғига аранг чалинди. Рон рози бўлганини ҳам эшитди. Оғриққа ортиқ бардош бера олмайди, таслим бўлишдан ўзга чора йўқ.

- Ваннахонада бўламан, - ғудуллади у, хонадан ўқдай отилиб чиқиб.

Базўр улгурди: титраётган қўли билан ичкаридан қулфлаб, бошини чангаллаганча, полга қулади, жон талвасасининг кескин авж олиши, ўзига тегишли бўлмаган қаҳр-ғазаб ич-ичидан қайнаб чиқаётганини ҳис қилди. Шундан сўнг, камин олови ёритаётган узун хонани, полда оқ сариқ сочли баҳайбат Ўлимдан мириқувчи чўзилиб ётганча қичқириб, титраётганини, унинг устида эса сеҳрли таёқчасини кўтарган кишини кўрди. Гарри совуқ оҳангда баланд эшитилган шавкатсиз овоз-ла гапира бошлади:

- Яна-ми, Роул ёки бас қилайлиг-у, Нагайна сени ямлаб ютсин-ми? Бу сафар ҳам кечиринишга Лорд Вольдеморт шубҳа қилади. Гарри Поттер яна қочиб қутулганини айтиш учун чақирдинг-ми, мени? Драко, Роулга биз унинг ишидан мамнун эмаслигимизни кўрсатиб қўй... Айтганимни қил ёки ўзинг биласан нима бўлишини!

Чўғга ғўла учди. Олов жўнашиб, шуъласи худди чуқур хандақдан чиқаётган каби, ияги чўзиқ, қути учган рангпар юзни ёритди. Қора мрамрдан терилган муздай полда ётган Гарри ҳансираб, кўзини очди. Бурни ваннанинг илон шаклида ясалган оёқларидан бирига деярли қадалиб қолган. Ўрнидан туриб, ётган жойига ўтирди. Унинг хаёлида Малфойнинг тошдай қотган ғамгин юзи тонг қотган. Гарри кўрганларидан жирканди. Афтидан, Драко чиндан ҳам Вольдемортнинг малайига айланган кўринади.

Эшик тақиллаб, Гермионанинг овози эшитилди. Гарри ўрнидан сапчиб турди.

- Гарри тиш чўтканг керак бўлса, менда у.

- Майли узат. Раҳмат сенга, - бардам овозда гапиришга уринди у, қизни ичкарига киритиш учун эшик очиб.

ЎНИНЧИ БОБ. ТАРАҚҚОСНИНГ КЕЧИНМАСИ

Гарри тонг саҳарда меҳмонхона полида қопкўрпа ичида ётган ҳолатда уйғонди. Қалин газламадан тикилган оғир парданинг қия очиқ жойи орқали тонг отиш олдидан одатдагидай тўқ кўк ранг олган осмоннинг кичик бўлаги кўринмоқда. Хонада ҳукм сурган чуқур сукунат тинчгина ухлаб ётган Рон билан Гермионанинг бир маромда олаётган нафаси ила бузилмоқда. Гарри қопкўрпа ичида ўтириб олиб, дўстларига эътибор қилди. Қоронғида улар бир-биридан базўр фарқ қилишмоқда. Кеча Рон хушмуомалалик намоён этиб, Гермиона полга ташланган диван ёстиқлари устида ётишини талаб қилди. Шу сабабдан қизнинг танаси Роннинг танасидан баландда кўринмоқда. Гермионанинг қўли пастга осилиб тушиб, бармоқлари Роннинг қўли ёнида қолган. Афтидан, иккаласи бир-бирининг қўлини маҳкам ушлаганча, ухлаб қолган кўринади. Гаррининг қалби, ушбу хаёлдан андуҳга тўлиб, ўзини сўққабошдай ҳис қилди. Тепага қараб, ғалати кўланкалар тушган шифт билан ўргимчак ини қоплаган қандилдан ўзга нарсани кўрмади. Кечагина у тўйга келган меҳмонларга ёзнинг ёрқин қуёши остида жой кўрсатаётган эди. Орадан анча вақт, гўё бутун бошли умр ўтгандай бўлди. Келгусида нималар бўлади? Гарри полнинг қаттиқлигига эътибор қилмай, яна қопкўрпа ичига кирди. Шифтга қараб ётар экан, хаёллари худди безовта қилинган балиқ галаси каби у ёқ, бу ёққа бориб қайтмоқда. Гарри руҳдонлар ҳақида, зиммасига Дамблдор томонидан юкланган катта вазифа ҳақида ўйламоқда... Дамблдор... Буюк сеҳргар ўлдирилган кундан буён уни тарк этмаган ғам-ғусса энди мутлақо бошқача мазмун касб этган. Тўйда Мюриелдан эшитган айбловлар худди захарли илонлар ўрами сингари Гаррининг миясида ин солиб, Дамблдор ҳақидаги, доимо тасанно айтиб келган сеҳргар ҳақидаги ёрқин хотираларни булғамоқда. Ростдан ҳам Дамблдор ўз оиласида ўхшаш нарсалар рўй беришига йўл қўйиши мумкинмиди? Наҳотки у анави Дудлидан мутлақо фарқ қилмай, токи шахсан ўзига дахл қилмагунча, лоқайд кузатиш, писанд қилмаслик ва ҳатто хўрлашга қодир киши бўлган? Наҳотки кенжа синглисини сеҳр қўллай олмагани учунгина умрбод қамоқ жазосига маҳкум қилганча, ташлаб кетган бўлса?

Гарри ўзининг туғилган жойи Годрик жарлиги ҳақида, Дамблдор бирон маротаба бўлсин, тилга олмаган қабрлар ҳақида, ушбу устозининг ғалати васиятномаси ҳақида ўйлаб, ғазаби баттар ошаверди. Нега бу нарсалар ҳақида қари сеҳргар бирон нима айтиб бермаган? Нима сабабдан тушунтириш бериб ўтмаган? Ўзи Дамблдор чиндан ҳам ғамхўрлик қилганмикан Гаррига, ё керак бўлганда чархланадиган, сайқал бериладиган, зарурат бўлмай қолганда эса бир четга суриб қўйиладиган асбоб бўлганмикан, унинг қўлида? Асбоб сифатида ишлатилган одам эса оиланинг эски сир-асрорларини билиши шарт эмас, у ўз ишини яхши бажарса бўлди.

Гарри бундай ёмон хаёллар билан ётишга ортиқ бардош бера олмади. Бирон нима билан чалғишга уриниб, қопкўрпа ичидан чиқди-да, сеҳрли таёқчасини қўлга олганча, хонани шовқин солмай тарк этди. Йўлакда «люмос» дея пичирлаб, сеҳрли таёқчаси ёритган зина бўйлаб юқорига кўтарилди. Иккинчи қават. Бу ерда ўтган сафар Рон иккаласи ётган хона бор. Гарри хона эшигини очиб, ичкарига бош суқди. Жавон эшиги ланг очик, чойшаблар ҳар томон улоқтирилган. Гарри биринчи қаватда ёнбошлаб ётган тролль оёғини эслади. Орден аъзолари тарк этгач, кимдир уйни астойдил титкилаб чиққани аниқ. Снегг ёки Мундугнус қилган бу ишни. Сириус ҳаётлигида ҳам, ўлганидан кейин ҳам Мундугнус бу уйдан жуда кўп нарсани ўғирлаб чиққан.

Сириуснинг бобокалони Пиний Нигеллий Блэк баъзан кўриниш бериб турадиган портретга қизиқиб қараган Гарри портретнинг бўшлиги, фақат кул ранг фон қолганини кўрди. Афтидан Пиний Нигеллий тунни «Хогварц» директорининг хизмат хонасидаги портретида ўтказишни афзал кўради. Гарри йўлини давом этиб, энг юқори қаватга кўтарилди. Бу ерда иккита эшик бор холос. Қаршисидаги эшикка эгасининг номи ёзилган тахта маҳкамланган бўлиб, унга «Сириус» сўзи битилган. Гарри чўқинтирган отасининг хонасига бирор марта ҳам кирмаган экан. Эшикни итариб, сеҳрли таёқчасини имкон қадар кенгроқ майдонни ёритиш учун боши узра баланд кўтарди.

Хона жуда кенг ва афтидан, бир вақтлар кўрккли бўлган кўринади. Чиройли ишланган ўймакор ёғоч суянчиқли катта

каравот. Узун чийдухоба парда билан тўсилган баланд дераза ва чанг қоплаган, ўйиқларида ҳамон шам қолдиқлари бўлиб, қотган мум сумалак каби осилиб тушган чилчиноқ. Қалин чанг деворга маҳкамланган фотосуратлар ва каравот суянчиғини ҳам қоплаган. Ўргамчик уйи чилчиноқдан катта ёғоч жавонга қадар осилиб тушган. Ичкарироқ кирган Гарри безовта қилинган сичқонларнинг тумтарақай қочганини сезди.

Сириус Гаррининг ёшида бўлганда ётоқхонасининг деворига кўплаб плакат ва фотосуратларни ёпиштириб чиққан. Плакатлар бир-бирига шу қадар зич ёпиштирилганки, уларнинг тагида қолган кул ранг гулқоғоз базўр кўринмоқда. Фотосуратлар узиб ташланмай, ҳамон осилиб турганини, унинг ота-онаси барҳам бера олмаган тилсим воситасида ёпиштиргани билан изоҳлаш мумкин. Уларда тўнғич ўғилнинг дидига муносиб баҳо бериш қобилияти бўлганига ишониш қийин.

Афтидан, Сириус қолган барча Блэклардан фарқ қилишини намоён этиш борасида жуда чуқурлашиб кетган кўринади. Деворда атлас матоси ва зар иплари хира ялтираётган бир нечта Гриффиндор герблари, мотоцикл русумларининг расмлари ва Сириуснинг қўрқмаслигини тан олиш керакки, гўзал магл қизларнинг сузиш кийимида тушган нимяланғоч плакатлари жой олган. Гарри, ушбу қизлар магл эканлигини, уларнинг суратлари қимирламаётганидан фаҳмлади. Тасвири қоғозда қолган, чанг қоплаган табассум ва чеҳралар. Бошқа фотосуратлардан кескин ажралиб, кўзга ташланадиган ягона сеҳрли сурат – қўл ушлашиб, камера қаршисида кулиб турган тўрт нафар «Хогварц» ўқувчисининг расмидир. Хурпайган сочи худди ўзининг сочига ўхшаб ҳар томон тўзиган, Гарри каби кўзойнак таққан отасини дарҳол таниди..

Отасининг ёнида, яъни унинг мавжуд сеҳрли плакатлар ичида кўзга ташланиб турадиган барча фотосуратларида ғам-ташвишдан ҳоли, келишган, ёш димоғдор қиёфаси бахтиёрликдан яшнаётган Сириус турибди. Гарри чўқинтирган отасини ҳаётлигида ҳеч қачон бундай бахтиёр ҳолатда кўрмаган. Сириуснинг ўнг қўлида бўйи бир бош паст, жуссаси дўмбоқ, митти кўзи ярқираётган Питер Петтигро турибди. Ҳатто расмда ҳам унинг бошқа ўқувчилар тасанно

айтиб, бутун мактаб ҳавас қилган энг яхши жўралар, Сириус ва Жеймсдан иборат машҳур тўполончилар сафига қабул қилинганидан ниҳоятда хурсандлиги яққол кўриниб турибди. Жеймснинг чап қўлида ўша даврда ҳам ҳорғин қиёфали, лекин кутилмаганда, унга ҳам ушбу улфатлар сафидан жой топилганидан қувонаётган Люпин турибди. Гарри буларнинг барини билгани боис, эҳтимол хаёлан охиригача ўйлаб пиширгандир.

Гарри суратни девордан кўчириб олишга уринди. Ҳар қалай энди у уй соҳиби-ку! Бу ердаги ҳамма нарса итоат қилиши керак унга! Йўқ, расм девордан узилмади. Ётоқхонасининг ички кўринишини ҳеч ким ўзгартира олмаслиги учун Сириус яхшигина ҳаракат қилган кўринади. Деразадан осмоннинг бироз ёришгани кўринди. Парда орасидан тушган шуъла китоблар, қоғоз бўлаклари ва шу каби, гиламга улоқтириб юборилган нарсаларни ёритди. Гарри энгашиб, қоғоз парчаларининг бир нечтасини кўтарди. Улардан бири Батильда Бэгшотнинг қаламига мансуб, кўп йиллар муқаддам чоп этилган «Сехргарлик тарихи» дарслигидан юлиб олинган саҳифа бўлиб чиқди. Яна бири мотоциклга техник хизмат кўрсатиш бўйича йўриқнома, учинчиси эса қўлда ёзилган бўлиб, ғижимлаб ташланган мактуб экан. Гарри қоғозни аста текислаб ёзиб хатни ўқиди.

Қадрли Юмшоқоёқ,

Гаррининг туғилган куни муносабати билан йўллаган совғанг учун сенга катта раҳмат! Бу унинг энг яхши кўрган ўйинчоғига айланиб қолди. Эндигина бир ёшга тўлганига қарамай, ўйинчоқ супургичасини эгарлаб, уй ичида гир айланиб учиб юрибди. Учиш унга жуда ёқди. Расмини хатга қўшиб жўнатяпман, ўзинг кўриб ишонч ҳосил қилишинг мумкин. Супурги полдан атиги ярим метрга кўтарилади, шунга қарамай, Гарри мушугимизни ўлдириб қўйишига сал қолиб, Петуния менга совға қилган вазани чилпарчин қилди (ваза жуда хунук бўлгани учун ачинмадим). Боланинг учиш қобилияти Жеймсга жуда ёқди. Гарри улғайиб, буюк квидиш ўйинчиси бўлиб етишишига унинг ишончи комил. Бироқ ҳозирча уйимиздаги мўрт нарсаларнинг барини йиғиштириб, супургисини эгарлаб олган Гарридан кўз-қулоқ бўлиб

туришга мажбурмиз.

Боланинг туғилган кунини камтарин вазиятда ўтказиб, Батильда билан чойхўрлик қилдик. У бизга меҳрибон, Гаррини жуда яхши кўриб қолган аёл. Аттанг, келганинда яхши бўлар эди. Орден ишлари муҳимроқ, албатта. Гарри эса жуда ёш бўлиб, туғилган кун нималигини ҳали билмайди. Жеймс сўнгги вақтда жуда маъюс бўлиб қолган. Уйда қамалиб ўтиришга мажбур бўлганидан аччиқланмоқда. Боз устига Дамблдор унинг кўринмас плашини ҳали қайтариб бергани йўқ, шу сабабдан кўчага чиқиб, бироз сайр қилиб келишнинг ҳам иложи бўлмаяпти. Агар вақт ажратиб, бизнигина бир пастга кириб ўтсанг, унга анча далда берган бўлар эдинг.

Яқинда уйимизга Питер кириб ўтди. Унинг кўнгли нимадандир ғаш кўринди менга. Маккиннонлар оиласининг фожиаси туфайли бўлса керак, деган хаёлга бордим. Мен ҳам эшитиб, тунни билан йиғлаб чиққан эдим.

Батильда деярли ҳар кунини биз билан ўтказади. Жуда яхши аёл-да, у. Дамблдор ҳақида ниҳоятда қизиқ, ажойиб воқеалар айтиб беради. Назаримда, ақлга тўғри келмайдиёв, унинг...

Қўли увушиб, йиллар оша унга етган хат парчасини маҳкам сиққанча, ҳаракатсиз туриб қолган Гаррининг ичида алланима портлаб, қон томирлари орқали бутун вужудига тарқагандай бўлди. Тебраниб, каравотга ўтирди. Хатни такрор ўқиб чиқди-ю, биринчи бор ўқигандан кўра кўпроқ маъно уқмади. Энди у қўлда ёзилган хат матнига шунчаки қараб ўтирибди. «Г» ҳарфини ойиси билан бир хил ёзишган экан. Хат матнида ушбу ҳарфни учратар экан, ҳар сафар, худди қисқагина вақт бўлса ҳам, онасининг ёнида бўлгандек, қувониб борди. Мазкур хат Гарри учун улкан хазина бўлиб, Лили Поттер бу дунёда чиндан ҳам яшагани, бир вақтлар унинг илиқ, нозик қўли мана бу қоғоз бўлаги устида ҳаракатланиб, сиёҳ билан хат ёзганининг исботи саналади. Ойиси ёзган ҳарфлар сўзларга, сўзлар эса ўғли Гарри ҳақида битилган жумлаларга айланган. Беихтиёр оққан кўз ёшини артган Гарри хатни яна бир бор, бу сафар хаёлини тафсилотларга жамлаб ўқиди. Ушбу мутолаа унутилаёзган

овозни такрор эшитиш билан баробар кечди.

Демак, уларнинг мушуклари бўлган... балки бу жонивор ҳам Годрик жарлигида ота-онаси билан бирга ҳалок бўлгандир... ёки боқадиган одам бўлмагач, вайрона уйни тарк этгандир... Биринчи супургисини унга Сириус совға қилган... Ота-онаси Батильда Бэгшотни яқиндан таниган, балким Дамблдорнинг ўзи таништириб қўйгандир уларни? Дамблдор Жеймснинг кўринмас плашини ҳали қайтариб бергани йўқ... Ҳа, мана шу сатрда нимадир бор...

Гарри бироз тўхтаб, ойисининг ушбу сўзлари устида фикр юритди. Дамблдорга нимага керак бўлиб қолган ўша кўринмас плаш? Гарри Дамблдорнинг Кўнгилдаги орзулар кўзгуси олдида «Кўринмас бўлиш учун менга плаш керак эмас», деган гапини аниқ эслайди. Эҳтимол, Орден аъзоларидан бирортасига ёрдам тариқасида керак бўлгандир?

Гарри хат ўқишни давом этди...

Яқинда уйимизга Питер кириб ўтди. Сотқин Петтигрю! Унинг кўнгли нимадандир ғаш кўринди менга. Албатта! Эҳтимол у, ўша пайтда Лили билан Жеймсни сўнгги бор кўраётганини билгандир? Ва ниҳоят, яна ўша Батильда. Дамблдор ҳақида ниҳоятда қизиқ, ажойиб воқеалар айтиб беради. Назаримда, ақлга тўғри келмайдиёв, унинг...

Нима унинг? Лекин хатда Дамблдорга дахл қиладиган кўп нарсалар бўлиб, «ақлга тўғри келмайдиган» васфига эга бўлиши мумкин. Бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фанидан синфда энг паст баҳо олганини ёки нимаси биландир Аберфорсга ўхшаб кетадиган чиройли эшак ҳосил қилганини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Гарри ўрнидан ирғиб туриб, хона полига диққат билан разм солди. Балки хатнинг иккинчи ярми қаердадир шу ерда ётгандир. У хонадаги қоғозларни ўзидан олдин бўлган кишидан қолишмаган тарзда шиддат-ла титкилаб чиқди. Стол ғаладонларини тортиб чиқарди, китобларни силтади, курсига туриб, жавон устидаги чанг остида бирон нима қолиб кетмаганини текширди, кресло тагига кўз югуртириб, чанга беланса-да, каравот остига ҳам кириб чиқди. Полда ётган Гарри ниҳоят, каравот ёнидаги жавонча остида ётган қандайдир қоғоз бўлагини кўрди. Лили хатга қўшиб

жўнатган йиртиқ фотосуратнинг катта қисми экан. Митти супургини эгарлаган қора сочли болакай хандон отганча учиб ўтмоқда. Катта кишининг бир жуфт оёғи, афтидан, Жеймснинг оёғи бўлса керак, бола кетидан юриб бормоқда. Гарри фотосуратни чўнтагига, Лилининг хати ёнига солиб, қидирувни давом этди. Чорак соат ўтган қидирувдан сўнг, хатнинг якунловчи парчаси ушбу хонада йўқлигига иқрор бўлишга мажбур бўлди. Ёзилганидан кейин ўтган ўн олти йил ичида хат шунчаки йўқолган ёки хонани тинтув қилган киши олиб кетган бўлиши мумкин.

Гарри хатнинг биринчи қисмини яна бир бор ўқиб, бу гал у, хатнинг иккинчи ярмида келтирилган ва Ўлимдан мириқувчилар учун қимматли бўлиши мумкин бўлган маълумотларга шама қидирди. Унинг ўйинчоқ супургиси бундай маълумотлар сирасига кириши амри маҳол, албатта. Ягона тахмин, Дамблдор ҳақида Батильда айтиб бергани тахмин қилинадиган маълумотлардир: «Назаримда, ақлга тўғри келмайдиёв, унинг...» Хўш, унинг нимаси?

- Гарри! Гарри! Қаердасан, Гарри?

Қўйи қаватдан ҳаяжонли овозлар эшитилди.

- Мен бу ердан, тинчликми?

Ташқарида қадам товуши эшитилиб, хонага Гермиона кириб келди.

- Уйғониб қарасак, йўқсан, - деди Гермиона, нафас ростлашга уриниб, - Қаерга чиқиб кетганингни билмаймиз! - сўнг очик қолган эшик томон ўгирилганча баланд овозда бақирди: - Рон! Топдим уни!

Бунга жавобан Роннинг дарғазаб овози акс-садо каби эшитилди:

- Яхши. Айтиб қўй унга, бадбахт эканлигини!

- Гарри, иккинчи ундай қилма, илтимос, - деди Гермиона йиғламсираб, - Рон иккаламизнинг ўтакамиз ёрилиб кетди, сени йўқотиб қўйиб.

Гермиона остин-устун қилинган хонага назар солиб, нисбатан вазмин оҳангда сўради:

- Нима қилаётган эдинг бу ерда, ўзи?

- Қара, нима топиб олдим.

Гермиона Гарри узатган хатни олиб, тез кўз югуртириб чиқди ва охиригача ўқиб бўлгач, Гаррига қараб, пичирлади:

- О... Гарри...

- Мана бу ҳам бор.

Гарри узатган суратни кўрган Гермиона, супургида учаётган болакайга кулиб боқди.

- Хатнинг иккинчи ярмини қидириб, топа олмадим, - деди Гарри маъюс оҳангда.

Гермиона атрофга разм солди.

- Ўзинг ағдар-тўнтар қилдинг-ми бу ерни, ё сенгача улгуришибди-ми?

- Кимдир тинтув қилиб чиққан экан, - хўрсинди Гарри.

- Нима деб ўйлайсан, нима қидиришган улар?

Гарри Блэкларнинг қадимий хонадонида жиддий аҳамиятга эга нима бўлиши мумкинлиги ҳақида бироз ўйланиб қолди.

- Орденга тааллуқли маълумот қидирган бўлса керак, агар Снегг кирган бўлса.

- Орден ҳақида маълумотлардан шундоқ ҳам бохабар-ку улар. Снегг ҳам Орден аъзоси бўлганини назарда тутяпман.

- Ундай бўлса, - деди Гарри, хаёлига келган гумонни муҳокама қилишни истаб, - Улар Дамблдор ҳақида маълумот қидиришган. Дейлик, мана бу хатнинг иккинчи қисмида келтирилган маълумотларни. Батильдани танийсанми? Ойим хатида тилга олиб ўтган уни. Кимлигини биласанми?

- Хўш, ким экан у?

- Батильда Бэгшот, мактабда ўқитилган...

- «Сеҳргарлик тарихи» фани дарслигининг муаллифи, - Гаррининг фикрини уқди Гермиона, - Ота-онанг билан таниш бўлган экан-да, у? Жуда ажойиб тарихчи бўлган у аёл.

- У ҳозир ҳам ҳаёт, - деди Гарри, - Годрик жарлигида яшайди. Тўйда Роннинг Мюриель холаси айтди бунини. Бэгшот Дамблдорлар оиласини ҳам яхши таниган. Ўша кампирнинг суҳбатини олсак, яхши бўлар эди, а?

Гермионанинг Гаррига ҳадя қилган табассумида илиқлик ва самимий тушуниш маъносини уқиб олиш қийин бўлмади.

Гарри қизнинг қўлидаги мактуб билан фотосуратни олиб, ўз ҳиссиётларини билдириб қўймаслик учун полга қараганча, бўйнига осилган ҳамён ичига солиб, жойлади.

- Оиланг ва Дамблдор ҳақида Батильда билан нима мақсадда суҳбатлашмоқчи бўлганингни тушунаман. Лекин бу руҳдон қидириш масаласида асқатмайди-ку бизга, тўғрими?

Гарри индамади. Гермиона эса нисбатан қатъий оҳангда давом этди:

- Годрик жарлигига боришни иташингни биламан, аммо мен билан Рон ҳақида ҳам ўйлаб кўр, ахир. Ўлимдан мириқувчилар кеча бизни осонликча топишгани ҳақида ўйласам, вужудимни даҳшат қамраяпти. Ишончим комилки, ота-онанг дафн этилган жойга боришдан ҳозирча тийилишимиз керак. Улар бизни ўша ерда кутишаётгани аниқ!

- Гап фақат бунда эмас, - деди Гарри, Гермионанинг кўзига ҳамон тик қара олмай, - Тўйда Мюриель Дамблдор ҳақида жуда кўп ёмон гаплар айтди. Ҳақиқатни билишни истаيمان... Гарри Мюриелдан тўйда эшитган гапларни қизга айтиб берди.

- Бундай гаплар нима учун сени хафа қилаётганини тушунаман, албатта, Гарри... - бош ирғиди Гермиона Гаррининг ҳикояси ниҳоясига етгач.

- Ҳеч нарса хафа қилгани йўқ мени, - алдади Гарри, - Аслида нима бўлганини билмоқчиман холос.

- Гарри, наҳотки сен ўша қари жодугар Мюриелдан ёки анави баттол Рита Вритер деганларидан ҳақ гапни эшитаман, деб юрган бўлсанг? Қандай қилиб сен уларнинг аҳмоқона ғийбатларига ишониб юрибсан? Ахир Дамблдорни ўзинг яхши билар эдинг-ку.

- Яхши биламан, деб ўйлар эдим!

Гарри бу гапни баланд овозда, ишонч билан айтмоқчи бўлди-ю, аксинча, овозида англаб бўлмас тўнғиллаш оҳанги эшитилди.

- Гарри, Ританинг сен ҳақда ёзган мақолалари эсингдами? Ҳақиқат кўпмиди, ўша бўҳтонларда? Дож тўғри айтибди, нега сен кимларнингдир аҳмоқона ғийбатларига қулоқ солиб, Альбус Дамблдор ҳақидаги хотиранг булғаланишига имкон беряпсан? Яхшиси, ўша хаёлларни миянгдан чиқариб ташла. Ҳозир улар сенга ёрдам бермайди.

Гарри зардаси қайнаётганини билдирмаслик учун тескари ўгирилди. Унга яна нимага ишониш, нимага ишонмасликка доир кўрсатма беришмоқда. Гарри ҳақиқатни билмоқчи холос-ку. Нега атрофдагилар ҳамма нарса унутилса, яхши бўлишига шу қадар комил ишонч билдиришади, а?

- Балки ошхонага тушиб, тамадди қилиб олармиз, - таклиф киритди Гермiona.

Гарри истар-истамас рози бўлиб, қиз ортидан эргашди. Қўшни хонага олиб кирадиган эшик ёнидан ўтар экан, оқ бўёқ билан битилган қисқа ёзувга эътиборини тортди. Ёзув чуқур тимдаланган, боз устига ҳарфлари майда бўлгани учун Сириуснинг хонасига кираётган Гаррининг кўзига кўринмаган. Ёзув мазмунан димоғдор оҳангда, қуйидагича битилган:

Мазкур хонага Регулюс Арктурус Блэк томонидан бериладиган алоҳида ижозатсиз кирилмасин!

Перси Уэслига ўхшаганлар ўз ётоқхонасининг эшигига ўхшаш руҳда битилган баёнотни осиб қўйиши мумкин. Лекин бу ерда бошқа бир нарса бор. У нима экани устида бир неча сония ўйланиб қолган Гарри ёзувни такрор ўқиб, кутилмаганда ич-ичидан титраб кетди.

- Гермiona.

Таажжуб, лекин унинг овози мутлақо вазмин чиқди.

- Гарри?

- Илтимос, изингга қайт.

- Тинчликми?

- Менимча, анави РАБ деганларини топган кўринаман.

Паст овозда вой, деб юборган Гермiona ўқдай учиб, юқорига кўтарилди.

- Ойинг ёзган мактубда-ми? Қаерида? Мен сезмадим-ку...

Бош силтаган Гарри Регулюснинг эшигига маҳкамланган тахтачани кўрсатди. Ёзувни ўқиган қиз Гаррининг қўлини ушлаб, чунонам сиқдики, йигит турган жойида бир сапчиб тушди.

- Укаси, - пичирлади Гермiona.

- Сириус айтиб берган эди менга, укаси ҳақида, - деди Гарри,

- У Ўлимдан мириқувчилардан бири бўлган. Бизнинг ёшимиздан катта бўлмаган ёшда Вольдемортга қўшилиб кетган экан. Сириуснинг сўзларига қараганда, Регулюс содир этилаётган жиноятлардан чўчиб, жамиятни тарк этмоқчи бўлган ва шунинг учун ўлдирилган.

- Гап гапга тўғри келяпти, лекин, - чуқур уф тортди

Гермиона, - Агар у Ўлимдан мириқувчилар сафига қўшилган бўлса, Вольдеморт билан бевосита мулоқотда бўлган. Вақт ўтиб, ихлоси қайтгач, Вольдемортни ўлдира олмаса-да, ҳар қалай кучининг маълум қисмидан маҳрум қилиб, заифлаштиришга аҳд қилган.

Гермиона ҳалигача қўлини маҳкам сиқиб турганини Гарри энди ҳис этди. Қиз бироз ортга чекиниб, бармоқларини бўшатгач, зина панжарасидан пастга қараб қичқирди:

- Ҳой, Рон! Рон! Рон дедим! Тезроқ чиқ бу ёққа!

Бир дақиқа ўтар-ўтмас сеҳрли таёқчасини шай ҳолатда тутган Рон оғир нафас олганча, етиб келди.

- Тинчликми? Агар яна баҳайбат ўргимчаклар бўлса, уни кўришдан олдин нонушта қилиб олмоқчиман...

Рон қошини чимириб, Гермиона имо қилган ёзувга қаради.

- Хўш? Бу Сириуснинг укаси экан, тўғрими? Регулюс Арктурус... Регулюс... Мабодо буни ўша РАБ демоқчи эмасмисан?

- Буни биз ҳозир текшириб кўрамиз, - деди Гарри, оғир эшикни итариб.

Эшик қулф экан, очилмади. Гермиона сеҳрли таёқчасини эшик дастасига яқин келтирди.

- Аллоомора!

Эшик ичида нимадир шиқирлаб, очилди. Учовлон атрофга аланглаганча, остонадан ҳатлаб, ичкарига кирди.

Регулюснинг хонаси акасининг хонасига нисбатан сал кичикроқ холос. Кўпни кўрган деворлар ҳамон хона соҳибининг руҳини сақламоқда. Агар Сириус ўз саъй-ҳаракати ила Блэklar хонадони вакилларида фарқ қилишга уринган бўлса, Регулюс унинг акси бўлган экан. Слизеринга факультетига хос зумрад ва кумуш ранглар ҳамма жойда, мебель матоси, девор гулқоғозлари ва дераза ромларида ярқирамоқда. Блэklar хонадонининг герби билан TOUJOURS PUR (лот. «Абадий тоза қон») дея битилган оила шиори каравот устида тасвирланган.

Ундан сал пастроқда бир вақтлар қирқиб олиниб, йиллар сарғайтирган, чети текис кесилмай, ўзига хос коллаж ҳосил қилган газета парчалари осилган. Гермиона тўғри ўша коллаж томон одимлади.

- Войбўй! Ҳаммаси Вольдеморт ҳақида-я! Ўлимдан

мириқувчиларга қўшилгунча, афтидан, Регулюс Вольдемортнинг муккасидан кетган мухлиси бўлган кўринади.

Газета парчаларини батафсил ўрганиб чиқиш учун каравотга ўтирган Гермiona ўрин ёпинчиғидан чанг булутчасини кўтариб юборди. Гарри квидиш бўйича «Хогварц» жамоасининг кулиб турган фотосуратига яқинроқ бориб, жамоа аъзоларининг кўкракларига кашта қилиб тикилган илонларни кўрди. Слизеринчилар жамоаси. Ўйинчилар орасида Регулюсни топиш қийин бўлмади. У иккинчи қаторда ўртада ўтирибди. Қора сочи ва кеккайган қиёфаси ила акасини эслатса-да, жуссаси кичик, бўйи пастроқ бўлиб, у қадар барно бўлмаган кўринади.

- Мен каби Сайёд бўлган экан, - деди Гарри.

- Нима? - сўради, Вольдеморт ҳақидаги мақолаларни ўқиб ўтирган Гермiona, паришонхотир оҳангда.

- Иккинчи қаторнинг ўртасида ўтирибди. Бу Сайёднинг жойи... ҳа, майли, бунинг аҳамияти йўқ... - деди Гарри, сўзларига ҳеч ким эътибор қилмаётганини англаб.

Тўрт оёқлаб туриб олган Рон жавон остини кўздан кечирмоқда. Гарри хонага диққат билан разм солиб, бирон нима яшириб қўйиш мумкин бўлган махфий жой қидирди. Стол олдига келиб, кимдир бу ерни ҳам яхшилаб тинтув қилиб чиққанини тушунди. Қўзғалган чанг қатламининг бузилган ҳолатига қараганда, тинтув яқинда ўтказилган кўринади. Атрофда эски пат-қаламлар, қўлда ёзиб тўлдирилган дафтарлар сочилиб ётибди. Сиёҳдон ҳам яқинда синган. Чунки стол ғаладонида қолган буюмлар устига сачраган сиёҳ яқинда қуриган.

- Нисбатан соддароқ усули бор, - деди Гермiona, Гаррининг сиёҳ теккан бармоғини жинси шимига артаётганини кўриб.

- Ассио медальон! - деди у, сеҳрли таёқчасини кўтариб. Ҳеч нарса рўй бермади.

- Бўлди-ми, йўқ эканми, бу ерда? - сўради ҳафсаласи пир бўлган Рон, туширилган парда қатларини бирма-бир кўриб чиқиб.

- Балким бордир, лекин буюмни сеҳр воситасида чақиришга тўсқинлик қиладиган афсунга қарши афсун билан ёпилгандир.

- Масалан, Вольдеморт ғордаги тош жомга қўлланилган афсунга ўхшаш афсун билан, - тасдиқлади Гарри, сохта медальонни чақира олмаганини эслаб.

- Хўш, қандай қидирамиз, ундай бўлса?

- Оддий одамларга ўхшаб, қўл билан.

- Зўр ғоя, - истехзо қилди Рон, кўзини қисиб олганча, қалин чанг кўтарилаётган парда қатлари орасида медальон қидиришни давом этиб.

Учовлон хонанинг ҳар бир бурчагини яна бир соат титкилаб, охири медальон бу хонада эмас, деган хулосага борди.

Қуёш чиқди. Унинг нури кир пардаларнинг яшил матоси орқали ўтиб, кўзни қамаштирди.

- Шу уйнинг бирон-бир бурчагига бекитиб қўйилган бўлиши мумкин, - деди зинадан тушаётган Гермиона умидвор оҳангда.

Қизиғи шундаки, Гарри билан Рон иккаласи руҳан эзилиб, умидсизликка тушган сари, Гермиона янада қатъийлашиб бораверади.

- Регулюс руҳдонни йўқ қила олганми, йўқ-ми билмадим-у, ўша буюмни Вольдемортдан ишончли яширишни ният қилгани аниқ. Ўтган сафар бу ерда яшаб, бир қатор мудҳиш буюмлардан халос бўлишга тўғри келганини эсланг. Арбалет ўқини отадиган соат, Ронни бўғиб ўлдиришига сал қолган ридо. Балким Регулюс ўша чораларни медальон бекитилган махфий жойни ҳимоя қилиш мақсадида кўргандир, гарчи биз ўшанда буларнинг барини мутлақо тушунма... ма...ма...

Гарри билан Рон Гермионага қараб ҳайрон бўлди. Кўз қорачиғи ғалати бўлиб, узоқ-узоқларга қараётган қиз оёғи ҳавода осилиб, худди яшин ургандек қотиб қолди.

- ... маган эдик, - ниҳоят фикрини якунлади Гермиона, эшитилар-эшитилмас пичирлаб.

- Тинчликми? Нима қилди сенга?

- Медальон! У меҳмонхонадаги ёзув столида ётган эди. Ҳеч ким оча олмагач, биз уни... уни биз...

Гарри ўзини ичига ёишт тўкилгандай ҳис этди. Ялтироқ шақилдоқ ўйнашгани, ҳамма уни очишга уриниб, уддалай олмаганини у ҳам эслади. Охири ўша медальонни сўгал кукунига тўла тамакидон ва тингловчиларни бир зумда ухлатиб қўядиган мусиқа қутиси билан бирга чиқинди

уюмига ташлашган эди.

- Чиқинди сифатида ташланган кўплаб буюмларни Тараққос қайтариб келган, - эслади Гарри.

Уй эльфи уларнинг сўнгги имкони, умидларининг ингичка риштасига айланди.

- Тараққос ошхонадаги буфет ичида чиқиндининг катта уюмини сақлар эди. Юринглар!

Учовлон пастга, зина поғоналарининг биратула икки-учтасидан сакраб тушганча югурди, шовқин солиб, даҳлиздаги Сириуснинг онаси тасвирланган портретни уйғотиб юборди.

- Жирканч маглваччалар!

Миссис Блэкнинг қичқириқлари учаласининг ортидан то улар зинадан пастга тушиб, ошхонанинг вазмин эшигини ёпишгунча таъқиб этди.

Гарри Тараққоснинг уйчаси ёнига сездирмай келиб, эшикни шартта очди. Ичкарида уй эльфи ўраниб ётадиган эски адёл бор-у, Тараққос қачонлардир ташиб келган ялтироқ қақир-қуқур нарсалар йўқ. Ўша даврни эслатаётган ягона нарса «Асилзотлик сарчашмаси: сеҳргарлар шажараси» деб номланган вазмин китоб бўлди. Ўз кўзига ишонишни истамаган Гарри адёлни чиқариб, қаттиқ қоқди. Ўлик сичқончанинг қотиб қолган танаси ерга тўп этиб тушиб, юмалаганча, Роннинг оёғи остига келиб тўхтади. Сичқоннинг ўлигидан қўрққан Рон ўкирганча, ошхона курсисига сакраб чиқди. Унинг қилиғидан аччиқланган Гермiona эса кўзини тепага қаратиб олди.

- Бу ҳали тамом дегани эмас! - деди Гарри қайсарлик оҳангида, - Тараққос! - баланд овозда чақирди у.

Ҳавони қаттиқ қарсиллатган уй эльфи совиб қолган бўш камин олдида ҳеч қаердан пайдо бўлди. Ушбу эльф Сириусдан қолган мерослардан бири бўлиб, Гарри уни истар-истамас қабул қилган эди. Бўйи одам бўйининг ярмига етадиган Тараққос жуда озиб кетган бўлиб, бўзарган тери қопламаси қат-қат бўла бошлабди. Кўршапалакнинг қанотини эслатадиган қулоғини қалин ўсган оқ тук қоплаган. У Гаррининг кўзига биринчи марта кўринган ўша эски, жулдур кийимига ўраниб олган. Эльфнинг такаббурга тўла нигоҳи Гаррига бўлган муносабати эғнидаги кийим каби

Ўзгармаганидан далолат бермоқда.

- Соҳиб, - қағиллади Тараққос, чуқур таъзим айлаб ва айни вақтда оёғининг учига қараганча пўнғиллади: - Соҳибамнинг уйига сотқин Уэсли билан маглваччани ҳам олиб қайтибди... Уй эльфининг овози бақанинг қуруллашини эслатди.

- Бировни сотқин ва маглвачча дея ҳақорат қилишни сенга ман этаман, - ириллади Гарри.

Тараққос ўз соҳиби Сириусга хиёнат қилгани инobatга олинмаган тақдирда ҳам, ўзининг илмоқсимон бурни-ю, кўзининг ёрилган қон томирлари ила жирканч кўринади.

- Сенга саволим бор, - деди Гарри, юраги тез уриб, - Буюраман фақат рост гапир. Уқдинг-ми, сўзларимни?

- Уқдим, соҳиб, - жавоб берди Тараққос, боз таъзим айлаб. Эльфнинг лаби қимирлаб, унга ҳозиргина ман этилган сўзларни овоз чиқармай талаффуз этаётганини Гарри фаҳмлади.

- Икки йил муқаддам, меҳмонхонадаги ёзув столида каттагина тилла медальон ётган, - давом этди Гарри, энди юраги шунчаки тепмай, қовурғасига қаттиқ урилаётганини ҳис этиб, - Биз уни чиқиндига ташлаган эдик. Қайтариб келдинг-ми, ўша медальонни?

Тараққос қаддини ростлаб, Гаррининг кўзига қараганга қадар ошхонада ўлик жимжитлик ҳукм сурди.

- Ҳа, - қисқа жавоб қилди эльф.

- Қаерда ҳозир ўша медальон? - сўради Гарри, тантанавор оҳангда.

Рон билан Гермиона қувона бошлашди.

Тараққос анави иккаласининг башараларига ортиқ бардош бера олмаслигини билдириб, кўзини юмиб олганча жавоб берди.

- Йўқолди.

- Йўқолди? - акс-садодай такрорлади Гарри, юзидаги табассум аста барҳам топиб, - Йўқолди деганинг нимаси? Бутун танаси тоғтерак барги каби титрай бошлаган эльф гапиришга иккиланмоқда.

- Тараққос! Буюраман, гапир! - дарғазаб бўлди Гарри.

- Мундугнус Флетчер, - ингради эльф, кўзини очмай, - Мундугнус Флетчер ҳамма нарсани кўтариб кетди: миссис Белл ва миссис Циссинг портретларини, соҳибамнинг

қўлқопини, биринчи даражали Мерлин орденини, хонадон герби туширилган қадаҳларни ва... ва...

Тараққос худди соҳилга улоқтирилган балиқ каби оғзини каппа-каппа очганча ҳаво юта, кўкрак қафаси эса дам кўтарилиб, дам туша бошлади. Бироздан сўнг кўзини очган эльф юракни музлатиб юборадиган даражада ўкирди:
- ... ва медальонни! Соҳибим Регулуснинг медальонини олиб кетди! Тараққос ёмон! У уддасидан чиқа олмади! Соҳибнинг буйруғини бажармади!

Тараққос темир косов томон юзланар экан, Гарри беихтиёр ҳаракат бошлаб, эльфга ташланганча, нимжон танасини полга босди. Гермионанинг қичқириғи билан Тараққоснинг ўкириши қўшилиб кетди, лекин Гаррининг овози ҳамманикидан баланд чиқди.

- Тараққос, буюраман, қимирлама!

Тек қотганига ишонч ҳосил қилгачгина, Гарри эльфнинг устидан тушди. Тош тўшалган муздек полда чўзилиб ётган Тараққоснинг маъюс кўзидан ёш оқди.

- Гарри, тек қўй уни, илтимос, - пичирлади Гермиона.

- Ўзини ўзи ўлар ҳолатга келгунча анави косов билан дўппослаши учунми? - истехзоли кулди Гарри, эльфнинг ёнида тиззага туриб, - Ундай қилмайсан, тўғрими, Тараққос? Мен ҳақиқатни билмоқчиман. Медальонни Мундугнус Флетчер ўғирлаганини қаердан биласан?

- Тараққос кўрди уни, - ҳиқиллади эльф, кўз ёши кул ранг тишга тўла оғзига оқиб, - Тараққоснинг уйчасидан қўлини тўлдириб хазина олиб чиққанини Тараққос ўз кўзи билан кўрди. Тараққос бақириб, ўғрини тўхтатмоқчи бўлди, лекин ўғри тишининг оқини кўрсатганча қочиб қолди.

- Соҳибим Регулуснинг медальонини, дединг-ми? Нега медальон уники? Сенга қандай ўтиб қолди у? Регулус нима қилди ўша медальонни? - сўроққа тутди Гарри, - Ҳозир Тараққос ўтириб, бор гапни менга хотиржам айтиб беради. Эльф кўз ёши ҳўл қилган юзини чуқур энгаштириб, иккита товони ўртасига келтирган ҳолатда ғужанак бўлиб ўтирди-да, орқа-олдига тебранганча, гап бошлади. Унинг овози бўғиқ чиқаётган бўлса ҳам, ошхонада ҳукм сурган жимжитликда аниқ эшитилмоқда.

- Сириус соҳиб уйни тарк этиб, қочиб кетди. Қисмати ҳам

қилмишига яраша бўлди. Ажаб бўлсин. У ўз итоатсизлиги ила соҳибамнинг юрак-бағрини қон қилди. Регулюс соҳиб эса унга ўхшамади, Блэklar хонадони манфаатларида, ушбу хонадон қонини тоза сақлаш йўлида нима қилиш кераклигини у яхши билар эди. Йиллар давомида у Ёвуз Лорд ҳақида, дунёда тартиб ўрнатиш зарурати туғилгани ҳақида кўп гапириб юрди. Сеҳргарлар маглардан бекиниб юрмаслиги, аксинча, асилзот сеҳргарлар оддий одамлар ва маглваччалар дунёсини бошқариши керак, деган ғояларни илгари сурди... Ёши ўн олтига етгач, Регулюс соҳиб Ёвуз Лорднинг сафдошларига қўшилди. Бундан ўзини бахтиёр ҳис этиб, ўзидан ўзи фахрланар эди... Орадан яна бир йил ўтгач, кунлардан бир кун Регулюс соҳиб мана шу ерга, Тараққос билан гаплашиш учун ошхонага тушиб келди. Регулюс соҳиб Тараққосни яхши кўрар эди. Ўшанда у кекса эльф тез гапирадиган, жумлаларни тезайтишдай талаффуз этадиган бўлиб қолганини, кейин Ёвуз Лордга уй эльфи керак бўлиб қолганини айтди.

- Вольдемортга уй эльфи керак бўлиб қолганини? - такрорлади Гарри, ҳайрон бўлганча Рон билан Гермионага қараб.

Улар ҳам ҳайрон.

- Ҳа, - ингради Тараққос, - Регулюс соҳиб Вольдемортга мени таклиф қилган экан. Бундай хизмат унга ҳам, Тараққосга ҳам буюк шараф эканлигини таъкидлаб ўтди. Тараққос Ёвуз Лорд билан сафарга чиқиб, унинг айтганларини сўзсиз бажаришни, сўнг... сўнг... уйга қайтишни тайинлади.

Тебранишини қўймаган элфнинг нафас олиши ҳиқиллашга айланди.

- Тараққос Ёвуз Лорднинг ҳузурига борди. Нима иш қилиш кераклигини Ёвуз Лорд Тараққосга айтмади. Тараққосни ўзи билан денгиз соҳилидаги ғорга олиб кетди. Ўша ғорда ерости зали, залда эса катта ерости кўли бор экан... қоп-қора кўл....

Гаррининг тепа сочи тикка бўлди. Тараққоснинг ғичирлаган овози гўё ўша қора кўл сувидан чиқаётгандек эшитилди.

Тасвирланаётган манзарани худди ўзи бирга бўлгандек кўз олдига аниқ келтирди.

- ... У ерда қайиқ бор экан...

Ҳа, бор у ерда қайиқ. Сиртини сув ўти қоплаган хира яшил рангли ўша қайиқни Гарри яхши эслайди. Унга шундай сеҳр қўлланган-ки, кўл ўртасидаги кичик оролга фақат икки кишини, сеҳргар ва унинг қурбонини олиб ўтади холос. Демак, Вольдеморт руҳдон атрофида қўлланилган афсунларнинг ҳимоя тизимини ана шу тарзда синаб кўрган экан-да. Ўзи билан ҳимоясиз жонивор, ҳар қандай буйруқни бажаришга қодир уй эльфини олиб борган. Вольдеморт учун эльф, шунчаки, фойдаланиб ташлаб юбориладиган материал бўлган.

- Оролда дамлама тўлдирилган тош жом ва ушбу дамламани ичиб тугатиш учун идиш бор экан. Ёвуз Лорд ўша дамламани ичишга Тараққосни мажбур қилди...

Эльф сесканиб, ўтирган ўрнида бир сапчиб тушди.

Тараққос ичди, ичар экан, унинг кўзига даҳшатли нарсалар кўринди... ичи роса қизиди... Тараққос Регулюс соҳибни, хоним Блэрни ёрдамга чақирди... Ёвуз Лорд эса кулгисини қўймай, дамламанинг ҳаммасини Тараққосга мажбуран ичирди, бўшаган тош жомга медальон ташлаб, ёнида олиб келган идишдаги дамлама билан боз тўлдирди... шундан сўнг, Ёвуз Лорд Тараққосни оролда қолдириб, ўзи қайиқда сузиб кетди...

Гарри хаёлан ерости кўли ўртасидаги оролнинг совуқ тошида турар экан, зулмат қаърисига кириб кетаётган

Вольдемортнинг илонбашара, мурданинг юзидек қонсиз юзига қаради. У қип-қизил кўзи билан ўлиши муқаррар бўлган қурбонининг азоб чекишини томоша қилганча узоқлашмоқда. Оролда қолган эльф ҳаётининг сўнгги дақиқаларини яшамоқда. Зеро, ичини ёндириб, кучли ташналик қўзғатувчи захар таъсирида кўл сувини ичишга уриниши ҳамоно, умри поёнига етади...

Шу ерга келганда Гаррининг хаёлий манзараси йўқолди. Тараққос қандай қилиб омон қолганини тасаввур ҳам қила олмайди.

- Тараққос роса чанқади, - деди эльф, кечинмасини ҳикоя қилишни давом этиб, - У орол соҳилига тушиб, қора кўл сувидан ича бошлади... Бирдан сув ичидан кўл чиқди... яна чиқди... яна... яна! Мурдаларнинг қўллари Тараққосни маҳкам ушлаганча, кўл тубига тортиб кетди...

- Қандай халос бўла олдинг? - сўради Гарри, пичирлаб гапиришга ўтганига ҳайрон бўлмай.

Тараққос бадбашара юзини кўтариб, қип-қизил кўзи ила Гаррига тик қараганча жавоб берди:

- Регулюс соҳиб Тараққосга уйга қайтишни буюрди.

- Буни биламан, анави мурдаларнинг қўлидан қандай қутулиб чиққанингни сўраяпман.

Афтидан, Тараққос Гаррининг саволини тушунмаган кўринади, боз такрорлади:

- Регулюс соҳиб Тараққосга уйга қайтишни буюрди.

- Биламан, сен буни ҳали айтган эдинг, лекин мен...

- Ҳаммаси аён-ку, Гарри, ҳавода даф бўлган у, - деди Рон.

- Йўқ, бунинг иложи йўқ. Ўша ғор ичидан ҳавода даф бўлиб бўлмайди, акс ҳолда Дамблдор...

- Эльфларнинг сеҳри бошқача бўлади, - ўзиникини маъқуллаганча туриб олди Рон, - Масалан улар «Хогварц» ҳудудини ҳавода даф бўлиб, тарк эта олишади, биз одамлар эса - йўқ.

Роннинг тушунтиришидан сўнг ўртага сукунат чўкди. Гарри ҳайрон: қандай қилиб Вольдеморт бундай қўпол хатога йўл қўйиши мумкин?

Гермиона унинг фикрини уқди.

- Вольдеморт қаердан билсин уй эльфларининг сеҳрини?

Ахир у, бундай махлуқотларга у жуда паст назар ила қарайди-ку, - деди у, совуқ оҳангда, - Боз устига, фикримча, эльфлар унинг тафаккурига сиғмайдиган сеҳрга эга бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтира олмаган.

- Уй элфи учун энг юксак қонун - соҳиб амридир, - ифодали оҳангда таъкидлаб қўйди Тараққос, - Соҳиб Тараққосга уйга қайтишни тайинлаган, Тараққос қайтган...

- Бундай мудҳиш кечинмаларни бошингга солишганига қарамай, уйга қайтдинг, - деди Гермиона мулойим оҳангда, - Буйруққа сўзсиз итоат қилдинг.

Тараққос бош ирғиб, янада тез тебрана кетди.

- Уйга қайтганингдан сўнг нима бўлди? - сўради Гарри, - Сени кўрган Регулюс нима деди? Бошдан ўтган кечинмаларингни айтиб бердинг-ми, унга?

- Регулюс соҳиб жуда ҳаяжонланди, қаттиқ, ниҳоятда қаттиқ изтироб чекди, - вишилади Тараққос, - Регулюс соҳиб

Тараққосга уйдан чиқмай, тек ўтиришни тайинлади... кейин... орадан кўп вақт ўтмай... кунлардан бир кун Регулюс соҳиб тунда ошхонага, Тараққоснинг уйчасига келди. Унинг хатти-ҳаракати ғалати бўлиб... жуда дарғазаб эди... соҳиб Тараққосдан Ёвуз Лорд билан бирга борган ғорга элтишни илтимос қилди.

Гарри бўлган ишларни яна хаёлан тасаввур қилди: қўрқувдан титрай бошлаган кекса эльф ва Сириусни эслатадиган қора сочли озғин Сайёд...

Тараққос ғорни қандай очишни, сеҳрланган тор қайиқни сув тубидан қандай чиқаришни билади. Бу сафар у суюкли соҳибни билан бирга, қоя ўйиғига ўрнатилиб, заҳарга тўлдирилган тош жом турган орол томон сузди.

- У ҳам сени заҳар ичишга мажбур қилди-ми? - сўради Гарри, жирканиб.

Бош силтаган Тараққос ҳўнграб юборди. Гермiona кафти билан оғзини маҳкам ёпиб, Гаррига жим туришни ишора қилди. Афтидан, оролда нима бўлганини қиз тушуниб етган кўринади.

- Регулюс соҳиб чўнтагидан Ёвуз Лорднинг медальонига ўхшаш медальон чиқариб, Тараққосга узатди, - давом этди, кўз ёши қийшиқ бурни устидан дув-дув оқаётган эльф, - У Тараққосга медальонни олиш, тош жом заҳардан бўшаганда, медальонларни алмаштириб қўйишни буюрди...

Тараққоснинг нутқи пойинтар-сойинтар мазмун касб этиб, аламли ҳиқиллашлар ила узилиб борди. У нима деганини англаш учун мияга бироз зўр беришга тўғри келмоқда.

- Тараққос ёлғиз ўзи... ортга... қайтишини буюрди. Ўзи нима қилиб қўйганини... ҳеч кимга... айтмасликни... ҳатто соҳибамга ҳам... буюрди. Ёвуз Лорднинг... синдириб ташлаши... медальонини... ўзи ичиб тугатди... Тараққос алмаштириб қўйди... Регулюс соҳибни қўллар... кўл тубига... Тараққос қараб турди...

- Бечора Тараққос, - ҳўнграб юборди Гермiona.

Қиз тиз чўкиб эльфни қучишга уриниб кўрди. Тараққос сапчиб туриб, худди биров туртгандек, Гермionадан нари судралди.

- Маглвачча Тараққосга қўл теккизди. Тараққос бунга йўл қўймайди! Соҳибам кўрса нима дейди!

- Бировни маглвачча дема, деган эдим сенга! - бақириб берди Гарри.

Эльф ўзини жазолашга киришиб, бошини полга ура бошлади.
- Тўхтат уни! Илтимос, тўхтат! - қичқирди Гермiona, - Итоати қандай оқибатга олиб келаётганини кўрмаяпсан-ми?

- Тараққос, бас! Бўлди! Тўхта! - баланд овозда буюрди Гарри. Эльф полда оғир нафас олиб, баъзан сесканиб ётди. Бурни оқиб, пешанаси кўкарди, кўз ёши-ю, қонга тўла кўзи бироз ичкарига ботди. Бундан-да аянчли манзарани Гарри илгари кўрмаган.

- Шундай қилиб сен, - собитқадамлик-ла сўроқни давом этди Гарри, ҳикояни охиригача эшитишга қатъий қарор қилиб, - медальонни уйга олиб келдинг. Синдиришга уриниб кўрдинг-ми уни?

- Ҳарчанд уринмасин, Тараққос медальон сиртида ҳатто тирналган жой ҳам ҳосил қила олмади, - ҳўнгради эльф, - Тараққос бор сеҳрини ишга солди... кор қилмади... қудратли афсунлар қўллади, лекин бундан ҳеч нарса чиқмади.

Медальонни йўқ қилиш учун аввал қопқоғини очиш кераклигига Тараққоснинг ишончи комил эди. Аммо медальон очилмади. Тараққос ўзини ўзи жазолар, сўнг яна очишга уринар, боз жазолар, яна уринар эди... Тараққос буйруқни бажармади, медальонни синдира олмади. Ўғли Регулус соҳиб бедарак кетгани учун соҳибамнинг юраги эзилиб, дарғазаб бўлиб қолди. Тараққос эса нима бўлганини айтиб бера олмайди. Чунки Регулус соҳиб ғ-ғ-ғорда - дудуқлана бошлади эльф, - Н-н-нима бў-ў-ўлганини о-о-оила аъ-а-аъзоларидан б-б-бирортасига ҳам а-а-айтмасликни б-б-буюрган.

Тараққос юракни эзадиган даражада оҳ ураётганидан, энди унинг сўзларини тушуниб етишнинг иложи бўлмай қолди. Эльфнинг руҳий азиятини кўриб, қўл теккизишга журъат эта олмай турган Гермionанинг юзидан тинимсиз ёш оқмоқда. Ҳатто Тараққосга нисбатан нозик муносабати йўқлигига шубҳа қилмаса бўладиган Рон ҳам бироз безовта бўлди. Гарри ўрнидан туриб, бош силтади.

- Қилган ишингни ҳеч тушунмайман-да, Тараққос, - деди Гарри ниҳоят, - Вольдеморт сени ўлдиришга уринди, Регулус Вольдемортни заифлаштириш йўлида ҳалок бўлди, шунга

қарамай, сен Сириусни сотдинг. Бор гапни Нарцисса билан Беллатриксга, улар орқали эса Вольдемортга айтиб беришдан ўзингни бахтиёр ҳис этдинг.

- Янглишяпсан, Гарри. Эльфлар, шу жумладан, Тараққос ҳам бундай тушунчалар билан фикр юритмайди, - кўз ёшини кафтининг орқасига артиб, бироз тинчланди Гермiona, - Тараққос қулдир. Уй эльфлари ёмон муомалага ҳатто даҳшатли муносабатларга одатланишган. Жўяли мулоҳаза юритиладиган бўлса, Вольдемортнинг ўша қилмиши, яъни Тараққосга захар бериб қийнагани, уй элфининг ҳар куни бошдан кечирадиган азоб-уқубатларидан кўп фарқ қилмайди. Янги ихтиро қилинган қарғишлар аксарият ҳолларда айнан эльфларда синаб кўрилади. Сеҳргарлар орасида кечаётган урушлар билан эльфларнинг, шу жумладан, Тараққоснинг ҳам сариқ чақали иши йўқ. Улар ўз соҳибларига, ўз хонадонига, меҳр кўрсатадиган одамларга содиқ бўлишади. Афтидан, миссис Блэк Тараққосга меҳр қўйган кўринади, Регулус ҳам у билан яхши муносабатда бўлганга ўхшайди. Шунинг учун Тараққос уларга ғайриихтиёрий равишда хизмат қилган, ғояларини рўёбга чиқарган. Нима демоқчи эканингни тушуниб турибман, - деди Гермiona, Гаррининг эътироз билдириш учун оғиз жуфтламоқчи бўлганини кўриб, - Регулус Ёвуз Лордга қарши бош кўтарганини таъкидлаб ўтмоқчисан, лекин афтидан, Регулус, бу масалада, Тараққосга ҳеч нарса тушунтириб ўтирмаган. Блэклар хонадони оила маслаги - тоза қон тамойилига амал қилар экан, Вольдеморт ва унинг малайлари томонидан Тараққос ва Регулуснинг оиласига нисбатан хавф солинмайди. Регулус буни билган ва айнан мана шу нуқтаи назардан ўз оиласининг хавфсизлигини таъминлашга уринган.

- Бироқ Сириус...

- Сириус Тараққосга нисбатан жуда ёмон муносабатда бўлган. Ўқрайма, Гарри, буни ўзинг ҳам яхши биласан. Тараққос бу уйда узоқ йиллар якка ёлғиз яшашга мажбур бўлган. Кейин Сириус топилиб келган. Тараққос зиғирдай меҳр, нўҳатдайгина илиқ муносабатга катта эҳтиёж сезган. Ишончим комилки, Тараққосга Сириусдан кўра миссис Цисси ва миссис Белла анча ёқимли кўринган. Ҳаётида пайдо

бўлишгач, эльф, ўша илиқ сўзли аёлларга нимани сўрашган бўлса, айтиб бераверган. Уй эльфига ёмон муомала қилган сеҳргарлар кун ўтиб бир кун ўз қилмишларига яраша жазо олишлари муқаррар. Мана марҳамат, Вольдеморт медальонидан маҳрум бўлиб, жазо топди. Сириус ҳам шу... Эътирозга ўрин қолмади. Гарри полда ҳиқиллаб ётган Тараққосга қараганча, Дамблдорнинг Сириус ҳалок бўлганидан кейин бир неча соат ўтгач айтган гапини эслади: «Сириус менинг сўзларимга қулоқ тутмади, Тараққоснинг ҳис-туйғулари инсоннинг ҳис-туйғулари каби кучли бўлиши мумкинлигига бовар қилмади...»

- Тараққос, - деди Гарри, бироздан сўнг, - Ўзингни сал... э... яхшироқ ҳис эта бошласанг, ўрнингдан туриб, анави курсига ўтир, илтимос. Сенга айтадиган гапим бор.

Бир неча дақиқа ўтиб, Тараққос тинчланди, курсига, худди ёш боладек, муштчаси билан кўз ишқалаб ўтирди.

- Тараққос, сендан бир нарсани илтимос қилмоқчиман.

Гарри Тараққосга юмшоқ оҳангда буйруқ бермоқчи, лекин айна вақтда ушбу буйруқ шундай берилиши керакки, токи эльф унинг сўзини беписанд қолдириш мумкин, деган хаёлга бормасин.

Гарри Гермionaга қараб қўйди. Оҳангини ўзгартирган Гарри афтидан, Гермionанинг манзур кўришига эришган кўринади. Қиз кулиб боқди ва бу Гаррига ҳаракати тўғрилигига амин бўлиб, ишонч ҳиссини бахш этди.

- Тараққос сен, анави Мундугнус Флетчер деганларини топиб келтиришингни истар эдим. Биз медальон... Регулюс соҳибнинг медальони қаердалигини билишимиз керак. Бу ниҳоятда жиддий аҳамиятга эга маълумотдир. Зеро биз, соҳибнинг Регулюс бошлаган ишни охирига етказишни ният қилганмиз. Унинг қаҳрамонларча топган вафоти беҳуда бўлмаслиги керак.

- Мундугнус Флетчерни топиб келтириш, - ғирчиллади оёққа қалқиган Тараққос, қўлини пастга тик туширганча, қаддини рост тутиб.

- Худди шундай. Ва уни шу ерга, Пинҳонийлик майдонига олиб келиш. Нима деб ўйлайсан, биз учун қила оласанми шу ишни.

Тараққос чуқур таъзим бажо айлади. Кутилмаганда

Гаррининг хаёлига ялт этиб бир фикр келиб қолди. У бўйнидаги Хагрид берган эшак тери ҳамёнидан Регулюснинг Вольдемортга ёзган хати жойланган сохта медальонни чиқариб, Тараққосга узатди.

- Тараққос, мана бу сенда сақланишини истайман, - деди Гарри, медальонни эльфнинг кафтига қўйиб, - Бу шахсан Регулюсга тегишли буюмдир. Бизнинг сендан миннатдорлигимиз рамзи сифатида, ушбу медальон ўзингда...

- Шоҳ ва мот, - деди Рон, - Сал ошириб юбординг, Гарри. Медальонни таниган эльф чўзиб-чўзиб увиллаганча, яна ўзини полга ташлади. Қадимий хонадоннинг ушбу табаррук нарсаси унга ишониб топширилгани боис, ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этиб, севинганидан қари терисига сиғмай қолган Тараққосни юпатишга сал кам ярим соат вақт кетди. Оёққа тургач, ҳамма уни уйчасига кузатиб борди. Медальон эски адёл қатларига тантанали яшириб қўйилгач, уни ишончли қўриқлаш учовлон сеҳргар учун, Тараққос уйда йўқлигида амалга ошириладиган энг муҳим иш бўлиб қолишига сўз берилди. Шундан сўнг у, Гарри билан Ронга икки марта таъзим бажо айлаб, ҳавода даф бўлишидан бир сония олдин Гермиона томон юзланганча, қандайдир имо қилди. Афтидан бу, ҳурмат ишораси ёки шундай қилишга уриниш бўлгандай кўринди.

ЎН БИРИНЧИ БОБ. ПОРА

Модомики, Тараққос инфернийларга, яъни ёвуз сеҳргарнинг афсуни воситасида қайта тирилган жонсиз махлуқ-мурдаларга тўла кўлдан қутулиб чиқа билган экан, Гаррининг ишончи комилки, ушбу эльфга Мундугнусни бир неча соат ичида тутиб келтириш ҳам чўт эмас. Аммо эльф кутган Гарри кун ярмигача у ёқ, бу ёқ бориб юрди. Тараққос кундуз куни ҳам, кечқурун ҳам келмади. Қош қорайган маҳалда Гарри гангиб, хавотир ола бошлади. Гермиона эса чақириб, шакл бериш тилсимининг кўп турларини қўллаб, асосан моғорлаган нондан ташкил топган кечки овқат устида бирон-бир натижага эриша олмади. Тараққос эртаси куни ҳам, ундан кейин ҳам қайтмади.

Ташқарида эса ридо кийган икки киши пайдо бўлиб, кўзга кўринмас ўн иккинчи уй томон қараганча, майдондан нари кетишмади.

- Ўлимдан мириқувчилар эканлигига шубҳа йўқ, - деди Рон, учовлон меҳмонхона деразасидан ташқарига қараб турар экан, - Шу ердалигимизни билишса керак.

- Менимча билишмайди, - эътироз билдирди Гермиона, гарчи юзида қўрқув қиёфаси кўринаётган бўлса ҳам, - Шу ердалигимизни билишса, Снеггни юборишар эди, шундай эмасми?

- Бу ерга олдин келиб, Хмурининг қарғишидан тили тугилиб қолган бўлса-чи, Снеггнинг? - сўради Рон.

- Бўлиши мумкин, - Роннинг фикрига қўшилди қиз, - Акс ҳолда, ўзи кела олмаса ҳам, уйга кириш сирини мана бу Ўлимдан мириқувчиларга айтар эди-ку, а? Афтидан улар ҳавода пайдо бўлиб, уй остонасида кўриниб қолишимизни кутишмоқда. Бу уй Гаррига мерос қолганини билишади-ку, улар.

- Қаердан бил... - оғиз жуфтлади Гарри.

- Сеҳргарларнинг васиятномалари вазирликда ўрганиб чиқилади, эсингдами? Сириус бу уйни сенга васият қилиб қолдирганидан улар хабар топишган.

Ташқарида Ўлимдан мириқувчиларнинг пайдо бўлгани ўн иккинчи уйда ҳукм сураётган мудҳиш кайфиятни янада кескинлаштирди. Учовлон мистер Уэслининг Ҳимоячиси кўринган кундан буён Пинҳонийлик майдонидаги уйдан ташқарида бўлаётган ҳодисалардан мутлақо беҳабар. Бундай ҳолат болаларнинг кайфиятига салбий таъсир ўтказмоқда. Чунончи, жонсарак, сержаҳл бўлиб қолган Рон чўнтагидаги делюминаторни юрган йўлида ҳам, ўтирган жойида ҳам ўйнайдиган ғалати қилиқ чиқариб олган. Бу эса, ўз навбатида, Гермионанинг ғазабини қайнатмоқда. Негаки, чироқнинг тинмай ўчиб-ёниши «Бард Бидл масаллари»ни ўқишни эрмак қилиб, Тараққос кутиш вақтини ўтказаетган қизга ёқмаяпти.

Эльф бедарак кетгандан буён ўтаётган учинчи оқшомда меҳмонхонанинг чироғи яна ўчди.

- Бас қиласанми, йўқ-ми! - қичқирди ниҳоят Гермиона.

- Кечир мени, кечир! - деди Рон, делюминатор ютиб юборган

ёруғликни жойига қайтариб, - Ўзим билмаган ҳолда, беихтиёр ўчириб қўйяпман.

- Фойдалироқ иш топсанг бўлмайди-ми, ўзингга?

- Масалан, ёш болалар учун ёзилган масалларни ўқиб ўтириш, шундайми?

- Дамблдор ташлаб кетган менга буни, Рон...

- Менга эса, ўша Дамблдор ўзининг делюминаторини ташлаб кетди. Юрган йўлимда чироқ ўчириб юришим учун бўлса керак!

Иккаласининг сўкишишига ортиқ дош бера олмайдиган Гарри ҳеч кимга сездирмай хонани тарк этиб, ошхона томон йўл олди: Тараққос ўша ерда пайдо бўлишига унинг ишончи комил. Зина бўйлаб пастга тушар экан, йўл ярмига етганда эшик аста тақиллаётгани, қулф шиқирлаб, занжир жаранглаганини эшитди.

Асаб толаларининг бари таранг тортилган Гарри сеҳрли таёқчасини чиқариб, ўзини эльфларнинг чопилган бошлари олдидаги кўланкага олди-да, тек қотиб кутди. Кўча эшиги очилиб, кўчада ёнаётган чироқ шуъласини кўрди. Шундан сўнг, эгнига сафар ридосини кийган киши остона ҳатлаб, эшикни ёпди. Чақирилмаган меҳмон даҳлизга қадам босиши ҳамоно, Хмурининг пичирлаган овози эшитилди:

- Сенмисан, Северус Снегг?

Шундан сўнг залнинг нариги бошида пайдо бўлган шарпа жонсиз қўлини кўтарганча, чақирилмаган меҳмонга ҳамла қилди.

- Сени мен ўлдирганим йўқ, Альбус!

Қарғиш кучи барҳам топди: шарпанинг чанг танаси яна портлади. Қалин кўтарилган кул ранг булутнинг нариги томонида қолгани боис, уйга кириб келган кишини таниб бўлмади.

Гарри сеҳрли таёқчасини булутнинг ўртасига ўқтаганча, буюрди:

- Жойингиздан қимирламанг!

Миссис Блэкнинг портрети хаёлига келмабди. Қичқириғи эшитилиши ҳамоно, портретни тўсиб турган парда кескин очилиб, кампирнинг дод-войи янгради:

- Маглваччалар-у, чала зот сеҳргарнинг дастидан дод!

Хонадонимни бадном қилиб юборишди-ку булар!..

Шовқин солганча зина бўйлаб югуриб келган Рон билан Гермиона ҳам Гаррининг орқасида тўхтаб, сеҳрли таёқчаларини даҳлизда қўл кўтариб турган кишига ўқташди.

- Шахтингиздан тушинг, бу мен, Ремусман!

- Худога шукур! - паст овозда хитоб қилди Гермиона, сеҳрли таёқчасини миссис Блэка ўқтаб.

Парда кутилмаган шовқин-ла ёпилиб, кампирнинг бақириси тўхтагач, орага сукунат чўкди. Рон қўлидаги сеҳрли таёқчасини пастга туширди, Гарри эса - йўқ.

- Ёруғликка чиқ! - талаб қилди у.

Люпин қўлини таслим бўлаётган ҳолатда кўтарганча олдинга қадам талаб, фонус шуъласига чиқди.

- Мен, махлуқ тусига кирадиган, Кафандуз д харитаси ихтирочиларининг Луни исмли муаллифи, Бомс деб чақириладиган Нимфадора исмли қизга уйланган, сен Гаррига эркак буғу қиёфасини касб этадиган Ҳимоячи чиқаришни ўргатган Ремус Жон Люпин бўламан.

- Яхши, - деди Гарри, сеҳрли таёқчасини тушириб, - Текширишим керак эди-ку, тўғрими?

- Ёвузлик кучидан ҳимоя фанининг собиқ ўқитувчиси сифатида айтишим мумкинки, чиндан ҳам мени текширишингиз керак эди, лекин Рон билан Гермиона сеҳрли таёқчаларини туширишга шошилиб, ўз ҳимоясини бундай пасайтириб юбормаслиги лозим.

Болалар зинадан югуриб тушиб, Люпин билан сўрашишди.

Қалин сафар ридосига ўраниб олган Люпин, толиққан кўринса-да, болаларнинг соғ-саломатлигидан мамнун бўлди.

- Северуснинг бирон-бир изи йўқ-ми, шундай қилиб? - сўради у.

- Йўқ, - бош чайқади Гарри, - Тинчликми? Дунёда нима гап?

- Тинчлик, - жавоб берди Люпин, - Лекин изимиздан тушишган. Ҳамма жойда кузатишяпти. Ана, майдонда ҳам бир жуфти турибди.

- Кўрдик...

- Улар мени пайқаб қолишмаслиги учун ҳавода жуда эҳтиёткорона, кириш эшиги олдидаги зинанинг юқори поғонасида пайдо бўлишга тўғри келди. Бу ердалигингни улар билишмайди, ҳар қалай мен шундай деб ўйлайман. Чунки уларнинг одамлари бошқа жойларда нисбатан кўпроқ.

Сенга дахли бўлган ҳар қандай жойни улар астойдил титкилашяпти, Гарри. Юринглар пастга тушайлик, айтадиган гап кўп. Бошпанани ташлаб кетганиздан кейин нималар бўлганини мен ҳам билишим керак.

Тўртовлон ошхонага тушди. Гермиона сеҳрли таёқчасини камин панжараси томон узатди. Шу заҳоти ёнган олов яхлит тошдан кўтарилган тўртта девор ўртасида сохта шинамлик ҳосил қилганча, узун ёғоч столда акс этди. Люпин сафар ридоси ичидан бир неча шиша ҳузур-лаззат ичимлигидан чиқаргач, ҳамма жойлашиб ўтирди.

- Шаҳарда уч кун олдин бўлган эдим, лекин ўшанда ортимдан таъқиб қилиб юрган Ўлимдан мириқувчидан қочишга тўғри келди, - гап бошлади Люпин, - Сизлар тўйдан кейин тўғри шу ерга келдингиз-ми?

- Йўқ. Дастлаб Ўлимдан мириқувчиларнинг бир жуфти билан Тоттенхэм Корт йўлидаги кафедра тўқнашиб қолдик, - жавоб берди Гарри.

- Нима? - қўлидаги ҳузур-лаззат ичимлигини этагига тўкиб юборди Люпин, кутилмаган бундай хабарни эшитиб. Болалардан Тоттенхэм Корт йўлида бўлиб ўтган ҳодисани эшитган Люпин бироз эсанкиради.

- Қандай қилиб бунчалик тез топиб олишди улар сизни? Ҳавода даф бўлган кишини кузатишнинг иложи йўқ, агар кузатув амали киши даф бўлган жойдан бошланмаса, албатта.

- Лекин улар Тоттенхэм Корт йўлида шунчаки сайр қилиб юрган одамларга ўхшамас эди, тўғрими?

- Бир масала ўйлантириб қўйди бизни, - деди Гермиона, - Гарри қолдираётган из тилсими ўз кучини сақлаб қолган бўлиши мумкинми?

- Йўқ, мумкин эмас, - шу заҳоти жавоб берди Люпин.

Рон кўкрагини бироз кериб олган бўлса, Гарри анчагина енгиллик ҳис этди.

- Мабодо из тилсими ўз кучини сақлаб қолганда, улар, бошқа бир қатор нарсалардан ташқари, Гарри шу ерда эканлигини аниқ билишган бўлар эди, тўғрими? Фақат бир нарсани тушунмадим мен: қандай қилиб улар сизларни Тоттенхэм Корт йўлигача кузатиб бора олишди? Кишини ташвишга соладиган муаммо мана шунда.

Люпин нимадандир безовта, лекин бу масала Гаррининг фикрича, ўз навбатини кутиб туради.

- Биз Бошпанани тарк этганимиздан кейин нима бўлди, шуни айт. Роннинг отаси оила хавфсизлиги ҳақида хабар бергандан буён, биз бу ерда дунё беҳабар ўтирибмиз.

- Кинсли ҳаммамизни қутқариб қолди, - шошилмай ҳикоя бошлади Люпин, - Хавф тўғрисида хабардор қилгач, тўйга келган меҳмонларнинг аксарияти анавилар етиб келмай ҳавода даф бўлишга улгуришди...

- Анавилар деганинг Ўлимдан мириқувчилар деганинг-ми ёки вазирлик ходимлари-ми?

- Улари ҳам, булари ҳам. Зеро, ўз ниятлари ва кўзлаган мақсадлари ила ҳозир улар бир-биридан кўп фарқ қилмай қолишди, - жавоб берди Люпин, - Бошпанага тахминан ўн икки киши етиб келди, лекин сен тўйда бўлганингни улар билишмаган, Гарри. Артурнинг қулоғига етиб келган миш-миш гапларга қараганда, Скримж ўлдирилишидан олдин роса қийноққа солинган, ундан асосан сени сўрашган. Агар шу гап рост бўлса, Скримж сени сотмаган.

Рон билан Гермионага қараган Гарри ўртоқларининг юзида қаттиқ ҳаяжон ва миннатдорлик қиёфаси қотиб қолганини кўрди. Скримж Гаррига ҳеч қачон ёқмаган, аммо Люпиннинг гапи рост бўлса, Скримжнинг сўнгги қилган иши Гаррини ҳимоя қилиш бўлган.

- Ўлимдан мириқувчилар Бошпанани бошдан оёқ тинтув қилиб чиқишди, - давом этди Люпин, - Улар оиланинг қонхўрини топишди-ю, унга яқин боришни хоҳлашмади. Бунинг ўрнига уйда қолган одамларни соатлаб сўроққа тутишди. Улар оз бўлса ҳам, одамлардан сен ҳақингда маълумот олишга уринишди. Табиийки, Орден аъзоларидан ташқари, ҳеч ким билмаган сен ўша тўйда бўлганингни. Улар тўй бузиш билан овора бўлган вақтда аксарият Ўлимдан мириқувчилар мамлакатимиздаги Орденга дахлдор бўлган ҳар бир уйни тинтув қилиб чиқишди. Ҳеч ким ўлдирилмади, - деди у, саволлар ёғдирилмасдан олдин, - Бироқ дағал муомалага йўл қўйилди: Дедал Дигглнинг уйига ўт қўйилди, лекин ўзинг биласан, Дедал уйда бўлмаган. Бомсинг ота-онасига нисбатан қийноққа солиш қарғиши қўлланилди, уларниқидан қаёққа кетганинг борасида сўроққа тутишди.

Қаттиқ изтироб чекишди, албатта, лекин қарияларнинг соғлиги яхши.

- Ўлимдан мириқувчилар ҳимоя тилсимларини енгиб ўтишди-ми? - сўради Гарри, Бомснинг ота-онасиникида аварияга учраган фурсатда, ўша тилсимлар қанчалик самарали бўлганини эслаб.

- Сен бир нарсани тўлиқ идрок этишинг керак, Гарри: вазирликнинг жамики қудрати ҳозир Ўлимдан мириқувчиларнинг ихтиёрига ўтган, - хўрсинди Люпин, - Улар энди танилиб қолиб, қамалиб кетишдан қўрқмай, шафқатсиз қарғиш қўллаш ҳуқуқига эга бўлишди, жойларда қўлланилган жамики ҳимоя тилсимларини енгиб ўтишга эришишдан ташқари, ҳукуматни қўлга олишдан кўзлаган мақсадларини очиқдан-очиқ баёнот қилишди.

- Одамларнинг Гарри ҳақида маълумот сўраб қийноққа солинаётгани бирон-бир тарзда оқланмаётган бўлса ҳам керак? - сўради Гермиона паст овозда.

- Нима десам экан... - Люпин бир неча сония иккилангач, чўнтагидан тўртга букланган «Башорат-у, каромат газетаси»ни чиқариб, Гаррига узатди, - Мана. Бари-бир хабар топасан, бугун бўлмаса, эртага. Сени таъқиб қилаётганларни оқлаш ҳужжати.

Гарри газетани ёзди. Унинг фотосурати бош саҳифани эгаллаган. Фотосурат остига қуйидаги сарлавҳа битилган: *АЛЬБУС ДАМБЛДОРНИНГ ЎЛИМ ТОПИШИ ЮЗАСИДАН СЎРОҚ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ҚИДИРИЛМОҚДА*

Қаҳр-ғазаби қайнаб кетган Рон билан Гермиона ўкириб юборишди. Гарри эса жим. Мақолани ўқишни ҳам истамай, газетани четга сурди. Унда нималар ёзилгани шундоқ ҳам маълум. Ўша кеча минорада бўлган одамгина Дамблдорни аслида ким ўлдирганини билиши мумкин. Рита Вритернинг сеҳргарлар жамиятига маълум қилишича, Дамблдор ерга тушиб кетгач, Гаррининг бир неча сониядан сўнг, минорани тарк этганча қочганини кўрганлар бўлган.

- Маъзур санайсан, Гарри, - деди Люпин.

- Ўлимдан мириқувчилар «Башорат-у, каромат газетаси»ни ҳам ўз назоратларига олишганми? - сўради Гермиона, дарғазаб оҳангда.

Люпин бош ирғиб қўйди.

- Аслида нималар бўлаётганини одамлар тушуниб турибди-ку, шундайми?

- Ҳокимият тўнтарилиши силлиқ, деярли жимжит ўтди, - жавоб берди Люпин, ташвишли оҳангда, - Қотиллик вазирнинг истеъфога чиққани ҳақидаги гаплар билан ниқобланган. Илгари Сеҳрли қонунлар қабул қилиш бўлими бошлиғи лавозимини эгаллаган Пиус Тикнесс ҳозир қарам қилиш қарғиши таъсирида бўлиб, сеҳргарлик вазири этиб тайинланган.

- Нега сеҳргарлик вазири лавозимини Вольдемортнинг ўзи эгалламади? - сўради Рон.

Люпин кулиб юборди.

- Унга керак эмас бу, Рон. Вольдеморт аслида вазир ҳозир, лекин нима учун вазирнинг курсида ўтириб, хизмат хонасида кун ўтказиши керак у? Бунинг учун унинг Тикнессдай қўғирчоғи бор-ку! Тикнесс кундалик ишлар билан шуғулланади ва бу билан Вольдемортга вазирликка ўтказадиган таъсир кучини янада ошириш масаласида қўшимча имкон яратади. Худди тахмин қилингандек, нима бўлганини кўпчилик тушуниб етди: вазирлик томонидан олиб борилаётган сиёсатда сўнгги икки кун ичида ниҳоятда жиддий ўзгаришлар рўй берди, буларнинг ортида Вольдеморт борлиги ҳақида одамлар пичирлашиб қолишди. Ваҳоланки, ҳақиқат айнан шундан, яъни одамлар ўзаро пичирлашиб мулоқот қилаётганидан иборатдир. Зеро, кимга ишонч билдиришни билмаётган, ўз фикр-мулоҳазаларини очиқдан-очиқ айтишдан, гумонлари тўғри чиқиб, оилалари хавф остида қолишидан қўрқаётган одамлар орасида ўзаро ишонч батамом барҳам топган. Дарҳақиқат, Вольдеморт жуда ақлли ўйин бошлади. Ҳокимиятни ўз қўлига олганини расман эълон қилиши одамларнинг очиқдан-очиқ қарши чиқишига сабаб бўлишини яхши билади. Кўзга кўринмас ҳолатда қолиб, одамлар орасида парокандалик, қатъиятсизлик ва қўрқув кайфияти туғилишига эришди.

- Вазирлик сиёсатида рўй берган ўша жиддий ўзгаришлар жумласига сеҳргарлар оламини Вольдемортга эмас, менга қарши гиж-гижлаш ҳам киради, шундайми?

- Ҳа, бу иш ўша ўзгаришларнинг маълум бир қисми саналади, - боз хўрсинди Люпин, - Дамблдор энди йўқ. Ҳаммага

маълумки, бугунги кунда сен, яъни омон қолган бола Вольдемортнинг сиёсатига кўрсатиладиган ҳар қандай қаршилиқ рамзига айланишинг ва қарши чиққанларни бирлаштирувчи омил сифатида чиқишинг муқаррар. Вольдеморт сени қариянинг ўлимида бевосита айбдор қилиб кўрсатди ва бу билан у нафақат бошинг учун белгиланган нархни оширди, балки сенга ёрдам қўлини узатиб, ҳимоя қилиши мумкин бўлган одамлар орасида шубҳа ва қўрқув кайфиятини уйғота билди. Янги вазир эса, айна вақтда, маглар оиласида туғилган сеҳргарларга қарши ҳаракат бошлаб юборди, - маълум қилди Люпин, «Башорат-у, каромат газетаси»га имо қилиб, - Иккинчи саҳифасини ўқинг. Гермiona газетани худди «Ёвуз кучлар сирлари» китобини ушлаган сингари жирканиб варақлади.

- Маглар оиласида туғилган сеҳргарларни қайд этиш комиссияси, - овоз чиқариб ўқий бошлади қиз, - Вазиримиз «маглар оиласида туғилган сеҳргарлар» дея ном олган тоифани сеҳр сирига қандай эга бўлиб олишганини яхшироқ тушуниб этиш мақсадида сўроқ қилмоқда. Сирли сеҳр бўлими томонидан яқинда ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, сеҳр фақат сеҳргарлар орасидагина авлоддан авлодга ўтади. Киши ишончли шажарага эга бўлмас экан, демак у маглар оиласида туғилган сеҳргар саналади. Бундай тоифа эса сеҳр сирини фақат ўғирлик ёки зўравонлик воситасида қўлга киритиши маълум. Сеҳр кучини қонунга хилоф равишда тортиб олганларни таг-томири билан йўқ қилишга бел боғлаган сеҳргарлик вазири ҳар бир «маглар оиласида туғилган сеҳргар»га яқинда тузилган Маглар оиласида туғилган сеҳргарларни қайд этиш комиссиясига суҳбатдан ўтиши учун таклифнома йўллади.

- Бу гаплар рўёбга чиқишига одамлар йўл қўйишмайди, - фикр билдирди Рон.

- Аксинча, рўёбга чиқарилиши авж олмоқда, - маълум қилди Люпин, - Биз суҳбатлашиб ўтирган айна вақтда юртимизда маглар оиласида туғилган сеҳргарлар ови кетмоқда.

- Хўш, ўшаларнинг фикрича, сеҳр сирини қандай қилиб ўғирлаш мумкин экан? - сўради Рон, - Телбаликдан ўзга нарса эмас-ку, бу! Агар сеҳр сирини ўғирлаш ёки бировдан тортиб олишинг иложи бўлганда, швахлар тоифаси ҳам бўлмас эди,

шундай эмасми?

- Шундай, - жавоб берди Люпин, - Бироқ нима бўлган тақдирда ҳам, бугунги кунда киши ўз аждодлари орасида бирорта бўлсин, асл сеҳргар бўлганини исботлай олмаса, у, сеҳр сирини қонунга хилоф равишда тортиб олган киши сифатида эътироф этилиб, жазога тортилади.

- Агар асилзода ва чала зот сеҳргарлар оила қуришса-чи? - деди Рон, Гермионага қараб, - Мен ҳаммага Гермионани аммаваччам, дея таништириб юраман...

- Раҳмат, Рон, - деди Гермиона, Роннинг қўлини ушлаганча, маҳкам сиқиб, - Лекин мен сенга...

- Бошқа йўлинг йўқ сени, - эътироз билдирди Рон, қизнинг қўлини маҳкам ушлаб, - Шажарамни яхшилаб ўрганиб чиқсанг, ҳар қандай саволга жавоб бера оласан...

- Рон, - деди Гермиона, кулиб боқиб, - Ҳозир буларнинг аҳамияти йўқ. Чунки сен билан мен кимсан, бутун давлат миқёсида қидирилаётган Гарри Поттерга қўшилиб, қочиб юрган шахслармиз. Агар тўғри мактабга борганимда, иш бошқача бўлар эди. «Хогварц» масаласида қандай фикр билдиришмоқда Вольдемортнинг малайлари? - сўради у Люпиндан.

- «Хогварц»да ўқиш ҳар бир ёш сеҳргар ва афсунгар учун мажбурийдир, - жавоб берди Люпин, - Бу ҳақда кеча эълон қилинди. Жуда катта ўзгариш ҳисобланади, бу. Чунки илгари «Хогварц»да таҳсил кўриш мажбурий бўлмаган. Тўғри, Британиянинг деярли ҳамма сеҳргарлари «Хогварц»ни тамомлаган, лекин ҳар бир ота-она ўз фарзандини уйда мустақил ўқитиши ёки хориждаги таълим муассасасига йўллаши мумкин эди. Вольдеморт эса бундай иш тутиб сеҳргарларнинг кўпайиш қонуниятини, уларнинг ёшлик йилларидан бошлаб, назорат қилиб боради. Ваҳоланки бу, маглар оиласида туғилган сеҳргарларни элақдан ўтказишнинг яна бир воситаси бўлиб хизмат қилади. Зеро, ўқувчиларга, машғулотларда иштирок этишга ижозат берилишидан олдин улар сеҳргарлик вазирига сеҳргарлар оиласидан келиб чиққанини исбот қилиб бергани ҳақида гувоҳнома – Қон Мақоми берилиши лозим.

Гарри ўзини ҳам ҳолдан тойган, ҳам ғазабга тўлган ҳолатда эканлигини ҳис этди: янгигина харид қилинган афсун

китобларини ҳаяжон-ла тахлаётган, энди на «Хогварц»ни ва на ота-онасини кўра олишини ҳали тасаввур ҳам қилмаётган ўн бир ёшли болачаларни кўз олдига келтирди.

- Бу... ахир бу... - ғулдиради Гарри, даҳшатли хаёлига мос келадиган фикрини ифода этишга қийналиб.

- Биламан, - гапни бўлди Люпин, - Гарри, агар тасдиқлай олмасанг, сени тўғри тушунаман, - давом этди у, бироз иккиланиб, - Орденнинг фикрича, Дамблдор сенга топшириқ бериб кетган.

- Ҳа, шундай, - жавоб берди Гарри, - Рон билан Гермиона эса ўша топшириқ ижросига киришиш учун менга ҳамроҳ бўлишган.

- Топшириқ мазмунан нимадан иборат эканини айта оласанми, менга?

Гарри Люпиннинг қалин ўсиб, оқ оралаган сочи хошиялаб, муддатидан анча олдин ажин босган юзига қараб турди-да, истар-истамас жавоб берди:

- Йўқ Ремус, маъзур санайсан. Модомики, Дамблдорнинг ўзи бу ҳақда айтмаган экан сенга, мен ҳам айта олмайман.

- Ўзинг айтасан, деган умидда эдим, - чуқур хўрсинди ҳафсаласи пир бўлган Люпин, - Сенга нафим тегиши мумкин. Кимлигимни, нималарга қодирлигимни биласан. Сизга ҳамроҳ бўлиб, хавфсизлигингни таъминлайман. Қиладиган ишингни менга айтишингни ҳам шарт эмас.

Жуда қизиқтирадиган таклиф. Гарри ўйланиб қолди, гарчи Люпин доим бирга бўлса, топшириқ мазмунини ундан қандай қилиб сир сақлаш мумкинлигини тасаввур эта олмаса-да. Гермионанинг қиёфасидан ҳам ҳайрон бўлгани кўриниб турибди.

- Бомс-чи, унга нима қилди? - сўради қиз.

- Нима қилибди унга? - ҳайрон бўлди Люпин.

- Эрисан ҳар қалай, - қошини чимирди Гермиона, - Бизга ҳамроҳ бўлишинг борасида нима дейди у?

- Бомс мутлақо хавфсиз жойда бўлади, - ишонтиришга уринди Люпин, - У ўз ота-онаси билан қолади.

Люпиннинг овозида қандайдир ғалати, деярли совуқ оҳанг эшитилди. Бомсни ота-онасининг уйига қамаб кетиш ғояси сал ғалатироқ туюлди. Ахир у Орден аъзоси-ку, вазият қурбонига айланиб қолишни истамаса керак, ҳар қалай.

- Ремус, сен билан Бомс ўртасида... - деди Гарри иккиланиб.
- Ҳаммаси яхши, раҳмат, - пурмаъно оҳангда жавоб берди Люпин.

Гермионанинг юзи пушти ранг касб этди. Орага қисқа ва жуда ноқулай сукунат чўкди. Ниҳоят, ўпкасини ҳавога тўлдирган Люпин худди нохуш хабар етказаётгандек, чуқур хўрсинди:

- Бомс яқинда она бўлади.

- Қандай яхши! - чинқириб юборди Гермиона.

- Зўр-ку! - деди Рон, ғайратга тўлиб.

- Табриклайман, - қутлади Гарри паст овозда.

Люпин худди арвоҳ ит Сгубит тишининг оқини кўрсатгандай кулиб қўйди-да, давом этди:

- Хўш, таклифимни қабул қиласизми? Учликни тўртликка айлантирамизми? Дамблдор буни маъқулламаслигига бовар қилмайман. Ахир у мени сизга таълим беришим учун ёвузлик кучидан ҳимоя фани ўқитувчиси лавозимига тайинлаган, ҳар қалай. Ва шуни ҳам айтишим жоизки, муқаддам дуч келмаган, тасаввуримизга ҳам сиғмаган сеҳр-жодуга рўбару келиб боришимиз муқаррар.

Рон билан Гермиона Гаррига юзланишди.

- Кел, бир нарсага аниқлик киритиб олайлик, - деди Гарри, - Сен Бомсни ота-онасининг уйида қолдириб, биз билан кетмоқчимисан?

- Ўша ерда хавфсиз бўлади у, ота-онаси қизининг соғлигига кўз-қулоқ бўлиб туришади.

Люпин келтираётган далилларнинг асослилиги олдинги далиллардан кўп фарқ қилмади.

- Гарри, ишончим комилки, Жеймс сен билан бўлишимни жуда хоҳлаган бўлар эди.

- Менинг ишончим эса у қадар комил эмас, - деди Гарри шошилмай, - Ишончим бошқа нарсага комил: нима учун сен ўз фарзандинг ёнида бўлишни истамай юришинг сабаби билан қизиққан бўлар эди отам.

Люпиннинг юзидан қон қочди. Ошхонадаги ҳаво ҳарорати гўё яна ўн даража совугандай бўлди. Рон, гўё хонанинг ҳар бир майда тафсилотини эслаб қолиши ўта муҳимдек, атрофга диққат билан разм солиб ўтирибди. Гермиона дам Гаррига, дам Люпинга қарамоқда.

- Сизлар бир нарсани тушунмаяпсизлар, - деди ниҳоят Люпин.

- Тушунтир, тушунмаётган бўлсак, - деди талаб оҳангида Гарри.

- Бомсга уйланиб, кечирилмас хатога йўл қўйганман, - жавоб берди Люпин, ютиниб олгач, - Яхши ният билан уйланган эдим-у, энди жуда афсус қилмоқдаман.

- Тушунарли. Демак, сен уни боласи билан бирга тақдир тақозосига ташлаб, бизга қўшилганча, бош олиб қочмоқчисан, - хулоса қилди Гарри.

Люпин оёққа қалқиди. Тагидаги курси орқага ағанади, ўзи эса болаларга шундай дарғазаб нигоҳ-ла қарадики, Гарри илк бор одам юзида бўри қиёфасини кўрди.

- Сизлар тушунасиз-ми ўзи, хотиним ва ҳали туғилмаган фарзандимни нима қилиб қўйганимни? Уйланмаслигим керак эди унга! Уйланиб, уни ҳам радди маърака қилиб қўйдим! Люпин ағанаган курсини тепиб ташлади.

- Сизлар мени фақат Орден таркибида ва Дамблдор ҳимояси остида «Хогварц»да кўргансиз холос! Одамлар менга ўхшаган махлуқотларга қандай муносабатда бўлишини билмайсиз. Бедаво дардимдан хабар топишгач, мен билан ҳатто гаплашмай ҳам қўйишади! Нима иш қилиб қўйганимни энди тушундингиз-ми? Ҳатто оиласи ҳам бизнинг никоҳимиздан жирканади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, менга ўхшаган куёвни қайси ота-она орзу қилиши мумкин? Бола-чи... бола...

Сочини чангаллаб олган Люпин ақл-ҳушини йўқотган кишига ўхшаб қолди.

- Менинг зотим, одатда, бола кўрмайди! У менга ўхшаб... мен бунга аминман... бегуноҳ болага ўз қисматимни онгли равишда-я!... Агар мўъжиза туфайли менга ўхшамаса ҳам, отасидан уялиб юргандан кўра, отасиз ўсгани минг бор яхши!

- Ремус! - пичирлади кўзи ёшга тўлган Гермiona, - Ундай дема. Бола отасидан ҳам уялиб яшайди-ми?

- Билмадим, Гермiona, мен уялган бўлар эдим, - жавоб берди Гарри Люпиннинг ўрнига.

Оёққа туришга мажбур қилган бундай қаттиқ ғазаб қаердан келди, Гаррининг ўзи билмайди. Люпиннинг юзи худди Гарридан зарба егандай қиёфа касб этган.

- Модомики, янги режим маглар оиласида туғилган

сеҳргарларни ёмон тоифа, дея эътироф этса, - деди Гарри, - Отаси Орден таркибида фаолият кўрсатган, аслида махлуқ тусига кирадиган одам бўлган чала зот инсонни нима қилиши мумкин? Отам мен билан ойимни ҳимоя қилишга уриниб, ҳалок бўлган. Сен бўлса, у ўз болангни ташлаб, бизга қўшилганча, саргузашт излаб кетишингни тавсия этган бўлар эди, демоқчисан, шундайми?

- Бу нима деганинг? - деди Люпин, - Мени хавф-хатарларга рўбару келиш ёки шон-шуҳратга эришиш орзуси... қандай журъат...

- Ўзингни кўрқув нималигини билмайдиган ўт одамдай ҳис этиб, , Сириуснинг ўрнини эгаллашни истасанг керак.

- Ундай дема, Гарри! - ўтинди Гермиона.

- Биров айтса, ишонмас эдим, - давом этди Гарри, Люпиннинг дарғазаб юзига нафрат-ла қараб, - Мени дементорларга қарши курашга ўргатган одам аслида кўрқоқ бўлиб чиқса-я! Люпин сеҳрли таёқчасини шу қадар тез чиқардики, Гарри ўз таёқчасини ушлашга ҳам улгурмади. Баланд эшитилган зарбадан ошхона деворига урилиб, полга сирпаниб тушар экан, кўзининг қири билан остона ҳатлаб чиқиб кетаётган Люпиннинг сафар ридосини кўриб қолди.

- Ремус! Қайт, Ремус! - бақирди Гермиона.

Люпин жавоб бермади. Бир дақиқадан сўнг, чиқиш эшиги қарсиллаб ёпилгани эшитилди.

- Бу нима қилганинг, Гарри! - уввос солди Гермиона.

- Ҳеч қиси йўқ, - деди ҳамон ғазабдан титраётган Гарри, ўрнидан турар экан, деворга урилган қўли шишаётганини ҳис этиб.

- Ундай қарама менга! - жеркади Гермиона.

- Биласанми, нима, - ириллади Рон.

- Йўқ, йўқ, биз жанжаллашмаслигимиз керак, - деди Гермиона, иккала йигит ўртасига кириб.

- Ундай демаслигинг керак эди, - ўшқирди Рон Гаррига.

- Кимдандир эшитиши керак эди бу гапни, - деди Гарри.

Унинг кўз олдида қандайдир тарқоқ қиёфалар гавдаланди: аркадан нариги томонга ағанаётган Сириус, ҳавода муаллақ осилган Дамблдор, яшил чақмоқ, онасининг шафқат қилишни ўтиниб сўраётган овози...

- Ота-оналар ўз фарзандларини ташлаб кетмаслиги керак, -

ҳикмат қилди Гарри, - Агар... шундай қилишга мажбур бўлмаса.

- Гарри, - қўлини узатди Гермиона, таскин бергандай бўлиб. Қизнинг қўлини нари туртган Гарри каминда ёнаётган олов томон одимлади. Бир вақтлар у, Жеймс ҳақида ҳақиқат қидирганча, ушбу камин орқали Люпин билан гаплашган, ўшанда Люпин унга таскин берган эди. Энди эса аксинча, унинг қаршисида Люпиннинг ёрдамга муҳтож ҳорғин юзи гавдаланди. Гарри аламли пушаймон билан бир вақтда, садо чиқмаётган бўлса-да, орқасида турган Рон билан Гермиона бир-бирига қараб, унсиз мулоқот қилишаётганини ҳис этди. Улар томон ўгирилиб, ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилди: Рон билан Гермиона бир-бирига тескари ўгирилишди.

- Уни қўрқоқ демаслигим керак эди, биламан.

- Ҳа, демаслигим керак эди, - шу заҳоти маъқуллади Рон.

- Лекин хулқи шу сўзга мос кечаётган эди.

- Шундай бўлса ҳам... - деди Гермиона.

- Биламан, аммо бу уни Бомснинг ёнига қайтишга мажбур қилса, гап арзигулик эди, шундай-ку, тўғрими?

Гаррининг овозида умид оҳанги эшитилди. Гермиона Гаррига тушунгандек қараётган бўлса, Роннинг кўзида иккиланиш нигоҳи кўринди. У бошини ҳам қилиб оёғига қараганча, отаси ҳақида ўйланиб қолди: Люпинга айтган гапини маъқуллаган, ё қадрдон дўсти билан бундай дағал муомала қилгани учун койиб берган бўлар эдими.

Жимжитлик ҳукм сураётган ошхонада гўё ҳозирги ҳодиса шовқини тинмагандек, Рон билан Гермиона ҳали ўз фикрини охиригача айтиб улгурмагандек туюлмоқда. Люпин олиб келган «Башорат-у, каромат газетаси»даги Гаррининг фотосурати стол устида, шифтга қараб ётибди.

Гарри курсига жойлашиб, газетани тусмоллаб очди-да, ўзини мақола ўқиб ўтирган кўйга солди. Айтгани сўз топа олмаяпти, мияси тўла Люпин билан ўтган жанжал. «Башорат-у, каромат газетаси»нинг ортида кўринмаётган Рон билан Гермиона эса ўзларининг унсиз суҳбатига қайтганига ишончи комил.

Гарри газетанинг кейинги саҳифасини зарда ила очди-ю, Дамблдорнинг исмига рўбару бўлди. Фотосуратда оила таркиби тасвирланганини англаб етишига бир неча сония

керак бўлди. Сурат остида қуйидаги сўзлар битилган: Дамблдорлар оиласи, чапдан ўнгга: Альбус, қўлига янги туғилган Арианани ушлаб олган Персивал, Кендра ва Аберфорс.

Гарри фотосуратга диққат билан разм солди. Дамблдорнинг отаси Персивал барно киши бўлиб, фотосуратнинг ранги хиралашган бўлишига қарамай, кўзи ярқираб кўринмоқда. Жуссаси бир буханка нондан сал каттароқ кўринаётган жажжи Ариана қуйиб қўйгандек, отасига ўхшар экан. Унинг онаси Кендра ялтираётган тим қора сочини от думи шаклида йиғиб боғлаган. Ушбу аёлнинг юзида қандайдир ўзига хос қиёфа бор. Гарри америкалик туб аҳоли вакиллари тушган фотосуратлар ҳақида ўйлади: уларнинг кўзи қора, бурни тўғри, ёноқ суяклари кўтарилган, юз бичими тўғри шаклланган, эгнида, одатда, тик ёқали шойи кўйлак бўлади. Альбус билан Аберфорс бир хил тўқима нимча кийишган, иккаласининг ҳам сочи ўсиб, елкасига тушган. Альбуснинг ёши катта кўрингани билан, иккала бола бир-бирига жуда ўхшар экан. Альбус ушбу суратда бурни ҳали синмаган, кўзойнак тақмаган ҳолатда тасвирланган.

Газетадан беташвиш кулиб қараётган оила афтидан ўзини бахтиёр ҳис этиб, меъёрий ҳаёт кечирмоқда. Ариананинг қўлчаси йўргакдан чиқиб турибди. Гарри фотосурат остидаги сарлавҳани ўқиди:

*АЛЬБУС ДАМБЛДОРНИНГ ЧОП ЭТИЛАЁТГАН ТАРЖИМАИ
ҲОЛИДАН ИСТИСНО ТАРИҚАСИДА КЕЛТИРИЛГАН КЎЧИРМА.*

Муаллиф Рита Вритер.

Мақолани ўқиб, кайфияти ҳозиргидан баттар бузилишига шубҳа қилган Гарри мутолаага киришди.

Иzzат-нафсли, ниҳоятда димоғдор Кендра Дамблдор қатъий андазаларга амал қилинадиган, одамларга ёрлиқ ёпиштириладиган ушбу шафқатсиз дунёда эри ҳибсга олиниб, Азкабанга қамалгани ҳақидаги хабар ҳаммага ошкор бўлганига бардош бера олмади. Бинобарин, у, эски танишлар билан муносабатларни узиб, Годрик жарлигига кўчиб ўтишга аҳд қилди. Хабарингиз бор, кейинчалик ўша қишлоқ Гарри Поттернинг Ўзингиз-Биласиз-Кимдан жуда ғалати равишда қочиб қутулиши ила ном чиқарган. Андазага мувофиқ

яралган ушбу фоний дунё каби Годрик жарлиги ҳам кўплаб сеҳргар оилалар учун ватан бўлган. Аммо Кендра уларнинг ҳеч қайси бирини танимагани боис, эри содир этган жиноят борасидаги қизиқсинишларга қарши кураш олиб борди. Бундай қизиқсинишлар илгари яшаган қишлоқда унинг жонига теккан. Янги қўшни-сеҳргарларнинг дўстона ташрифларини бир неча бор рад этгач, кўп ўтмай, оиласининг ишига ҳеч ким аралашмай қўйишига эришди.

- Қозон шаклидаги хонаки торт билан қутлаб борсам, мени остонада қолдирганча, эшикни шартта ёпиб қўйди, - эслайди Батильда Бэгшот, - Дастлабки йили мен у ҳовлида фақат икки нафар ўғил бола яшашини билар эдим. Улар кўчиб келган йилнинг қиш фаслида эса, аниқроқ айтганда, ойдин кечалардан бирида, ўз одатимга кўра маъюс гул тергани чиқиб, ушбу оилада қиз фарзанд ҳам борлигини билдим. Ўша кеча Кендра Арианани орқа ҳовлига олиб чиқди. Қизалоқнинг қўлидан маҳкам ушлаганча, экинзор атрофида бир марта айлангириб, яна ичкарига олиб кирди. Нима деган хаёлга боришни ҳам билмай қолдим. Афтидан Кендра Годрик жарлигига кўчиб ўтиб, Арианани бир умр қамаб яшашга умид қилган. Эҳтимол бу иши, унинг йиллаб режалаштирган нияти бўлгандир.

Ёши эндигина еттига тўлган Ариана изсиз гум бўлди. Етти ёш эса, экспертларнинг фикрига қараганда, киши табиатидаги сеҳр-жоду намоён бўла бошлайдиган ёш ҳисобланади, агар бундай хусусият ёш инсон табиатида бўлса, албатта. Бугунги кунда тириклар орасида ҳеч бир киши Ариананинг оз бўлса ҳам, ўз сеҳр-жодусини намоён қилганини эслай олмайди. Бинобарин, шу нарса аён бўлмоқдаки, Кендра швах бола туғанига иқрор бўлиб, шармандалиқдан азият чеккандан кўра, қизи борлигини ҳаммадан сир сақлашни афзал кўрган. Аҳволни Ариананинг борлигини биладиган дўст ва қўшнилاردан қочиб, бошқа жойга кўчиб ўтилиши бироз енгиллаштирган. Ака-ука Дамблдорлар ўша танишларнинг ноқулай саволларига онаси ўргатгандек: «Синглим касалванд, шу боис мактабда ўқий олмайди», дея жавоб беришган.

Келаси ҳафтада: Альбус Дамблдор «Хогварц»да. Мукофотлари-ю, муғомбирликлари.

Гарри янглишди, мақолани ўқиб, кайфияти боридан баттар бузилди. У бахтиёр оила суратига яна бир бор кўз ташлади. Шу гаплар ростмикан? Рост-ёлғонлигини қандай қилиб билса бўлади? Батильда тилдан қолган бўлса ҳам, Годрик жарлиги томон йўл олишни, Дамблдор иккаласи ўз яқинларини йўқотган жойга боришни истади. Бу масалада Рон билан Гермионанинг фикрини сўраб билмоқчи бўлди. Қўлидаги газетани энди туширган эди ҳам-ки, қулоқни батанг қиладиган даражада қасир-қусур янграб, ошхонада акс-садо бўлиб эшитилди. Гарри Тараққосни ўтган уч кун ичида биринчи бор эсламай ўтирган экан. Миясига келган дастлабки фикр Люпиннинг хонага боз отилиб киргани бўлиб, ўзи ўтирган курсининг ёнида ҳавода пайдо бўлган оёқ-қўлларнинг курашаётганига эътибор қилмади. Хаёлини йиғиб, ўрнидан турган эди ҳам-ки, Тараққос танасини боғлаб турган арқонни ечиб, чуқур таъзим бажо айлади:

- Тараққос мана бу ўғри Мундугнус Флетчер билан бирга қайтди, соҳиб.

Мундугнус тепага ўрмалаб чиқиб, сеҳрли таёқчасини қўлига олди.

- Экспеллиармус! - тез қуролсизлантирди уни Гермиона.

Мундугнуснинг ҳавога кўтарилган сеҳрли таёқчаси Гермионанинг қўлига илинди. Зина томон югурган Мундугнуснинг нигоҳи ақлдан озган кишининг нигоҳидан фарқ қилмайди. Рон оёғидан тутиб олгани боис, Мундугнус тош тўшалган полга гурсиллаб тушди.

- Нима? - қичқирди у, Роннинг қўлидан халос бўлиб чиқишга уриниб, - Нима қилдим сизларга? Изимдан эльф қўйибсиз, нима керак ўзи сизларга? Нима ёмонлик қилдим, нари қоч, қўйиб юбор мени, дедим...

- Шикоят қиладиган ҳолатда эмассан, Мундугнус, - деди Гарри.

Гарри газетани четга улоқтириб, ошхонанинг нариги томонига ўтди-да, ўтакаси ёрилиб, қаршилик кўрсатишни тўхтатган Мундугнуснинг рўпарасига келиб чўккалади. Флетчернинг башарасига сеҳрли таёқча ўқталганини кўрган Рон ҳансираганча ўрнидан турди. Сочи, эгнидаги кийими ниҳоятда расво кўринган Мундугнусдан тер ва тамакининг

қўланса ҳиди уфурилмоқда.

- Ўғрини бу қадар кеч тутиб келтиргани учун Тараққос кечирим сўрайди, соҳиб, - қариллади эльф, - Флетчер қўлга тушмаслик сирларини, яширин йўлларнинг кўпини билар экан. Шундай бўлса-да, Тараққос уни қўлга ола билди.

- Яша Тараққос, болабсан, - мақтади Гарри.

Эльф яна чуқур таъзим қилди.

- Хўш, сенга бериладиган саволлар бор, Мундугнус, - маълум қилди Гарри.

Флетчер шу заҳоти ўкира кетди:

- Саросимага тушиб қолдим, тушуняпсан-ми? Мен ҳеч қаёққа бормоқчи эмас эдим. Кечирасан-у, дўстим, сенинг ўрнингга ўлиб кетиш ниятим ҳам йўқ эди. Ортимиздан Ўзинг-Биласан-Онасини-Ким қувиб қолди. Менинг ўрнимда бўлган бошқа ҳар қандай одам ҳам, унинг турқини кўриб, қуённинг расмини чизиши аниқ. Айтяпман-ку, сенга, аслида мен ҳеч қаёққа бормоқчи эмас эдим...

- Маълуминг бўлсинки, сендан бошқа ҳеч ким қочиб қолмади, - деди Гермиона.

- Вой, мана бу қаҳрамонларга қараб қўйинглар! Ўлиб қоламан ҳозир! Мен бекордан бекор ўлиб кетишни истамадим холос, тушундинг-ми?

- Хмурини ташлаб қочганинг қизиқтирмайди бизни, - деди Гарри, қўлидаги сеҳрли таёқчасини Мундугнуснинг қизил кўзига яқин келтириб, - Сен ифлосга ишонч йўқлигини шундоқ ҳам билар эдик.

- Нега бўлмаса уй эльфи ортимдан таъқиб қилиб юрди? Ё яна анави қадаҳлар ҳақида сўрамоқчимисан? Қолмади менда... энди уларнинг барини...

- Қадаҳлар ҳам қизиқтирмайди мени, гарчи мақсадга яқинлашган бўлсак-да. Овозингни ўчириб, диққат билан эшит.

Шуғуллангани машғулот, оз бўлса ҳам, ҳақиқатни гапиртиргани одам топиш жуда ёқимли экан. Гарри сеҳрли таёқчасини Мундугнуснинг қаншарига ишқалади.

- Қўлингга кирган қимматбаҳо нарсани бу уйдан олиб чиқаётганингда, - гап бошлади Гарри.

- Мен олиб чиққан нарсалар билан Сириуснинг сариқ чақали иши бўлмаган, - гапни бўлди Мундугнус.

Кутилмаганда уятсиз сўзлардан иборат тез айтиш, металлнинг жаранг-журунги, тутаноқли қичқириқ янграб, аллақандай мис буюм ялт этди, тезлик олишга улгурган қари Тараққос қўлидаги това билан Мундугнуснинг бошига кучи борича қўйиб юборди.

- Наридайда анавини! Ол, ўзингга чақир! Қамаб боқиш керак-ку уни! - дод солди жони оғриган Мундугнус бошини бекитиб.

- Тўхта Тараққос, бас! - бақирди Гарри, эльфнинг яқин келаётганини кўриб.

Тараққоснинг ингичка қўли баланд кўтарилган катта това оғирлиги остида титраганча тўхтади.

- Соҳиб, илтимос, келинг, яна бир туширай, ишончлироқ бўлади, а?

Рон хандон отиб юборди.

- Ҳозир бизга унинг ақл-хушли ҳолати керак, Тараққос, - деди Гарри, - Мабодо алоҳида чоралар қўллаш зарурати туғилса, уни сенинг ихтиёрингга қўйиб берамиз.

- Бағоят миннатдорман, соҳиб, - деди Тараққос, таъзим қилиб.

Катта кўзи нафратга тўлган эльф нигоҳини Мундугнусдан узмай нари кетди.

- Қўлингга кирган қимматбаҳо нарсани бу уйдан олиб чиқаётганингда, - такрорлади Гарри, - Ошхона сервантида сақланган бир қатор нарсаларни ҳам ўмаргансан. Ўша буюмлар орасида медальон ҳам бор эди.

Жавоб кутиб, томоғи қуриб қолган Гарри Рон билан Гермиона ҳам шундай аҳволда эканлигини ҳис этмоқда.

- Нима қилдинг ўша медальонни?

- Тинчликми ўзи? - сўради Мундугнус, - Шунчалик қиммат эдими у?

- Ҳозир ҳам сенда-ми ўша медальон? - бақириб юборди Гермиона.

- Сотиб юборган, ифлос. Ҳозир у ўша медальон учун кўпроқ пул ишлаб олмаганидан афсус қилаётган кўринади, - тахмин қилди Рон.

- Кўпроқ пул? - истехзо қилди Мундугнус, - Аксинча, текинга бердим. Товлаб кетди, қари қанжиқ.

- Нималар деяпсан?

- Дигар хиёбонда тинчгина савдо қилиб ўтирган эдим.

Кутилмаганда анави урғочи келиб, қадимий сеҳрли буюмлар савдоси билан шуғулланиш учун лицензиям бор-йўқлигини сўраб қолди. Менга жарима солмоқчи ҳам бўлди, қари қарға. Кейин буюмларим орасидаги медальонни кўриб, ёқтириб қолди. Шундан сўнг, омадим чопганини айтиб, мени қўйиб юборди-да, медальонимни олиб, жўнаб қолди.

- Ким экан у?

- Билмадим, вазирликда ишлайдиган аллақандай аёл, - деди Мундугнус ва бироз ўйланиб, қошини чимирганча қўшиб қўйди: - Бўйи пакана, калласининг қоқ учига жирканч бант таққан, башараси бақага ўхшаб кетадиган «соҳибжамол». Тавсифни эшитган Гарри сеҳрли таёқчасини қўлдан чиқариб юборди. Мундугнуснинг бурнига урилган таёқча қизил учқун отиб, ўғрининг қошини куйдирди.

- Агуаменти! - қичқирди Гермiona.

Қизнинг сеҳрли таёқчасидан тоза сув оқими отилиб чиқиб, Мундугнуснинг бўғзини тўлдирди.

Рон билан Гермionaга юзланган Гарри иккаласининг худди ўзи каби ҳайратдан қотганини кўриб, чап қўлидаги чандиғи оғриганини ҳис этди.

ЎН ИККИНЧИ БОБ. СЕҲР ҚУДРАТЛИДИР

Қўшни уйларда яшайдиган одамлардан бирортаси Пинҳонийлик майдонидаги 12- уйда кимлар истиқомат қилишини ҳам, умуман айтганда, ўша уйнинг ўзини ҳам кўрмаган. Бу ерда яшайдиган маглар ўн биринчи уйдан кейин ўн учинчи уй келган ҳолатни, уй рақамлашда йўл қўйилган ғалати хато сифатида аллақачон эътироф этиб бўлишган. Бироқ ҳозир ўша ғалати хато Пинҳонийлик майдонига ташриф буюрган меҳмонларга ниҳоятда қизиқ кўриниб, кўпчилигининг диққат-эътиборини ўзига жалб этмоқда. Ўн биринчи ва ўн учинчи уйлар ўртасидаги панжарага қизиқсиниб қарагани кам деганда икки киши келмаган куннинг ўзи йўқ. Уларнинг бари инглизлар кийиб юрган мавсумга мос кундалик кийимга зидлик билан қараш масаласида ҳамфикрлик намоён қилаётган бўлса-да, айнан бир киши кетма-кет икки кун келган ҳолат кузатилмаган. Майдонга ташриф буюрган бундай меҳмонларнинг ёнидан

ўтаётган кўплаб лондонликлар, гарчи баъзилари жазирама иссиқда плаш кийиб келганларга ҳайрат-ла қараб ўтишса ҳам, айримларнинг ғайриодатий кийинишига кўникишган бўлиб, меҳмонларнинг эғнидаги кийимга деярли эътибор қилишмайди.

Кузатувчилар эса, афтидан, ўз навбатчилигининг натижасидан мамнун эмасдек кўринади. Баъзан улардан бири ўша панжарага асабий тикилиб қолади-да, ҳафсаласи пир бўлиб, боз тинчланади.

Биринчи сентябрь куни икки уй ўртасидаги ўша панжарани томоша қилгани одатдагидан кўп одам келди. Плаш кийган ўндан зиёд эркак ўн биринчи ва ўн учинчи уйлар ўртасига жим қараб турди, лекин улар пойлаётган объект ҳар доимгидек эътиборларини четлаб ўтди. Қош қорайган маҳалда тушуниб бўлмас, қизиқ ҳолатлардан яна бири рутубатли кечган сўнгги ҳафта давомида илк бор рўй берди. Юзи тиришган одам панжара томон бармоқ ўқтаганча ниманидир кўрсатди ва пакана бўйли, танаси семиз, рангпар шериги билан бирга олдинга ғайрат-ла сапчишга шайландию, фурсат қўлдан кетган кўринади, ўсал бўлиб, юзи яна ҳорғин қиёфа касб этди.

Ўн иккинчи уй даҳлизига эса ҳозиргина Гарри кириб келди. Уйнинг кириш эшиги олдидаги зинанинг юқори поғонасида ҳавода пайдо бўлар экан, мувозанатини йўқотиб, тиззасини ўлимдан мириқувчиларга бехос кўрсатиб қўйди. Эшикни аста ёпгач, устидаги кўринмас плашни ечиб, тирсагига ташлади-да, қўлидаги «Башорат-у, каромат газетаси»нинг ўғирланган бугунги сонини маҳкам ушлаб, даҳлиздан ерости эшиги томон олиб ўтадиган мудҳиш йўлак бўйлаб юрди. Уни Хмурининг одатий «Северус Снеггмисан?» дея пичирлагани қутлаб, танасини муздек елвизак ялаб ўтгач, тили қотиб қолди.

- Сени мен ўлдирмадим, - деди у, гапириш қобилияти қайтгач.

Шарпа портлаб, чанг булутини ҳосил қилган фурсатда нафас олмай турди. Ошхонага олиб тушадиган зинанинг ярмига, яъни миссис Блэк эшитмайдиган жойга етганда, устидаги чангни қоқар экан, уйдагиларга маълум қилди:

- Янгилик бор-у, сизга ёқмаса керак.

Ошхонани энди таниб бўлмайди. Ҳамма жой тозаликдан ярқирамоқда. Мис буюмлар пушти тус олгунга қадар астойдил ишқалаб тозаланган, столнинг ёғоч сирти ялт-ялт қилмоқда, қувноқ ёниб, қозон қайнатаётган олов шуъласида кечки овқат учун стол устига терилган идиш ва патнислар йилтилламоқда. Лекин ушбу хонадоннинг ҳеч қайси буюми Гаррини қарши олган уй эльфидек жиддий ўзгармаган. Тоза ювилган оппоқ сочи пахтадек бароқ бўлиб қолган Тараққос энди эгнига қордек тоза оқ сочиқ ўраб, ингичка бўйнига Регулюснинг медальонини тақиб юриш одатини чиқарган.

- Соҳиб, агар сизга ёқса, марҳамат қилиб оёқ кийимингизни ечсангиз ва овқатланишдан олдин қўлингизни ювсангиз, - қағиллади Тараққос.

Эльф Гаррининг қўлидан кўринмас плашни олиб, яқинда ювиб тозаланган кўплаб эскича ридолар ёнидаги бўш илгакка илиб қўйди.

- Нима гап, тинчликми? - сўради Рон қўрқа-писа.

Узун ошхона столининг нариги бошини ивирситган қоралама ёзувлар ва қўлда чизилган хариталар уюми устида куймаланишаётган Рон билан Гермионанинг диққат-эътибори ҳозир ошхона орқали ўтиб, пергамент бўлаклари устига газета ташлаган Гаррига қаратилган.

Сочи қора, бурни илгаксимон таниш эркакнинг фотосурати Рон билан Гермионага ўқрайди. Сурат устида сарлавҳа:

«Северус Снегг «Хогварц» раҳбари лавозимига тайинланди»

- Бўлиши мумкин эмас! - бир вақтда хитоб қилишди Рон билан Гермиона.

Чаққон қиз газетани биринчи бўлиб илиб олди-да, фотосуратга илова қилинган мақолани овоз чиқариб ўқишга киришди.

«Хогварц» сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактабида сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани профессори лавозимини анчадан буён эгаллаб келган Северус Снегг бугун ушбу илм даргоҳининг янги раҳбари этиб тайинланди. Бу, ўз навбатида, қадимий мактабнинг кадрлар таркибига киритилган кўплаб ўзгаришлар ичида энг муҳими саналади.

Маглшунослик фанининг олдинги ўқитувчиси истеъфога чиққани сабабли унинг ўрнига Алекто Кэрроу тайинланди. Унинг укаси Амикус Кэрроу эса ёвузлик кучидан ҳимоя фанидан дарс беради.

«Сеҳргарлар дунёсининг энг яхши анъана ва қадриятларини тиклаш имкони тарафдориман... »

- Масалан, қотиллик ва одам қулоғини кесиш анъанасини! Снегг! Мактаб директори! Снегг Дамблдорнинг хизмат хонасида! О, Мерлиннинг иштони!

Рон билан Гарри Гермионанинг кутилмаган қичқириғидан қўрқиб кетиб, турган жойида бир сапчиб тушишди. Қиз ўрнидан шартта туриб, номаълум томон йўл олди.

- Ҳозир қайтаман! - деди у, ошхонани тарк этар экан.

- Мерлиннинг иштони деди-ми? - ҳайрон бўлди Рон, - Ростакмига қутуриб кетди шекилли.

У газетани ўзига тортиб, мақолани ўзи ўқиб чиқди.

- Бошқа ўқитувчилар маъқул топишмайди унинг директорлигини. Масалан, Макгоннагалл, Флитвик ва Сарсабил хоним асл ҳақиқатни, Дамблдор кимнинг қўлидан ажал топганини яхши билишади. Улар Снеггни директор сифатида тан олишмайди. Опа-ука Кэрроулар ким бўлишди экан?

- Ўлимдан мириқувчилар, - жавоб берди Гарри, - Кейинги саҳифада суратлари бор. Снегг Дамблдорни ўлдирган кечада иккаласи минорада бўлган. Уларнинг бари ҳамтовоқ. Бошқа ўқитувчиларга келсак, - алам-ла давом этди Гарри, - Улар учун итоат қилишдан ўзга илож йўқ. Снеггнинг ортида вазирлик билан Вольдеморт бўлса, ўқитувчилар олдида икки йўлдан бири бор: мактабда қолиб, дарс ўтиш ёки омадлари чопса, Азкабанга қамалиш. Ўйлашимча, ўқувчиларни ҳимоя қилишга уриниш учун ҳам қолишади улар мактабда.

Гарри, Снеггнинг башарасини кўрмаслик учун газетани ағдарди.

- Ҳар қалай, у қаерда бўлишини биламиз-ку энди.

Катта кастрюлка ушлаган Тараққос стол ёнига ўзига хос шовқин билан келиб, одатига кўра, тиш орасидан ҳуштак чалганча, қадимий косаларга шўрва суза кетди.

- Раҳмат Тараққос, - миннатдорлик билдирди Гарри.

Регулюснинг медальони қайтариб берилган кундан буён Тараққоснинг пазандалик маҳорати кескин ошди. Мана бу французча пиёзли шўрва ҳам шу қадар мазали чиқибдики, Гарри илгари суюқ овқатнинг бундай таъмини билмаган.

- Уй кузатаётган Ўлимдан мириқувчиларнинг бир гуруҳи ҳамон майдонда, - маълум қилди Рон оғзини овқатга тўлдириб, - Бугун одатдагидан кўп улар. Худди-ки ҳозир биз мактаб сандиқларини олиб, кўчага бирга чиқамиз-у, устига «Хогварц-Экспресс, ўн бир-у ноль-ноль» сўзлари битилган эълон осиб қўйилган тўқ қизил паровоз томон йўл оламиз, - деди у, соатга қараб, - Куни билан шу ҳақда ўйладим. Поезд жўнаганига олти соатдан ошди. Ғалати, а, бугун унда ўтирмаганимиз?

Гаррининг хаёлий нигоҳида бир вақтлар Рон иккаласи ҳавода қувиб етган тарам-тарам қизил паровоз ва унинг далалар-у, қир-адирлар узра кўтарилган тутуни пайдо бўлди. Ишончи комилки, Жинна, Невилль ва Луна битта купега жойлашиб, Рон билан Гермиона ҳозир қаердалигини ёки Снегг режимига зимдан қаршилиқ қилиш йўллари муҳокама қилишмоқда.

- Уйга қайтганимни кўриб қолишларига бир бахя қолди, - деди Гарри, - Ҳавода зинанинг юқори поғонасида пайдо бўлишим ўнгмай, плашим сирпаниб кетди.

- Менда ҳам доим шунақа бўлади, - маълум қилди Рон, - О, ниҳоят, қайтиб келдилар! - деди у, ўтирган жойида айланганча, ошхона остонасида пайдо бўлган Гермиона томон юзланиб, - Мерлиннинг иштони ҳақи айт, тинчликми ўзи?

- Мана бу эсимга тушиб қолди, - чуқур нафас чиқарди Гермиона.

Қиз ўзи билан олиб келган хошияли расмни полга ташлади-да, мунчоқ қадаб тикилган сумкачасининг оғзини очиб, ниҳоятда катта расмни тика бошлади. Бир неча сония уринишдан кейин расм кўздан ғойиб бўлиб, бошқа бир олам нарсалар каби, сумкача ичига жойланди.

- Пиний Нигеллий, - изоҳлаган бўлди Гермиона.

Стол устига ташлаган сумка ичидаги буюмлар ағанади шекилли, гумбурлаган товуш эшитилди.

- Тушунтириброқ гапирсанг-чи? - деди Рон.

Гарри гап нимада эканлигини тушунди. Маълумки Пиний

Нигеллий Блэк ўзининг Пинҳонийлик майдонидаги портрети билан «Хогварц» директорининг хизмат хонасига осилган портрети орасида сайр қилиб юради. Шубҳа йўқ-ки, ҳозир Снегг ўша хонада Дамблдорнинг кумушдан ясалган ўта аниқ ўлчов асбоблари коллекциясига, унча чуқур бўлмаган, четларига қадимги руна ёзувлари ажиб ўйма нақш шаклида юритилган дамблхотира деб номланадиган тош чиғаноқ, сараловчи шляпа ва агар бошқа жойга олиб кетилмаган бўлса, Годрик Гриффиндорнинг қиличига тантанавор эгалик қилиб ўтирибди.

- Кузатиш мақсадида Пиний Нигеллийни бу ёққа жўнатиб борадиган Снегг, уйда бўлаётган ишлардан бохабар бўлиб бориши мумкин, - тушунтирди Ронга қиз, овқатланадиган жойини эгаллаб, - Энди эса Пиний Нигеллий сумкам ичини кўра олади холос.

- Жуда яхши ўйлабсан! - деди Рон, таъсирлангандай қиёфа ясаб.

- Раҳмат, - кулиб боқди Гермиона, шўрвани ўзига тортиб, - Хўш, Гарри, яна нималар бўлди бугун?

- Айтарли ҳеч нарса, - деди Гарри, - Вазирликка кириш эшигини етти соат кузатиб ўтирдим, изи ҳам кўринмади унинг. Отангни кўрдим, Рон. Кўриниши ёмон эмас.

Рон миннатдорлик билдирганча, бош ирғиб қўйди.

Вазирликка ишга келиб-кетиб юрган мистер Уэсли билан алоқа боғлашга уриниш хавфли эканлигини учовлон тан олган. Чунки бу пайтда у ёлғиз бўлмай, бошқа ходимлар орасида юради. Лекин баъзан ҳорғин ва ташвишли кўринса-да, уни вақти-вақти билан кўриб бориш, болаларга далда бўлмоқда.

- Дадамнинг гапига қараганда, вазирлик ходимларининг аксарияти ишга қатнаш учун саёҳат тармоғидан фойдаланар экан, - деди Рон, - Бақабашара Амбрижни учратмаганимизнинг сабаби ҳам шунда бўлиши мумкин. У киши ўзини мўътабар зот, деб билгани боис, пиёда юрмайди.

- Анави кулгили кекса афсунгар аёл билан ҳаворанг ридосини қўймайдиган пакана сеҳргарни ҳам учратдинг-ми?

- Хўжалик ишлари бўлимида ишлайди у, - аниқлик киритди Рон.

- Қаердан биласан унинг хўжалик ишлари бўлимида

ишлашини? - сўради, қўлидаги қошиғи ярим йўлда тўхтаган Гермиона.

- Дадам айтган эди, хўжалик ишлари бўлими ходимлари доим ҳаворанг ридо кийиб юришади, деб.

- Лекин сен бу ҳақда илгари гапирмагансан.

Гермиона қошиғини қўйиб, Гарри кириб келганда Рон билан бирга ўрганиб ўтирган қисқа ёзувлар-у, харита парчаларини ўзига тортди.

- Ҳаворанг ридолар ҳақида ҳеч нарса йўқ бу ерда, ҳеч нарса!
- деди қиз, талвасалаб.

- У қадар жиддий аҳамияти йўқ-ку, бунинг, а?

- Рон! Ҳозир ҳамма нарсанинг аҳамияти жиддий! Модомики биз вазирликка кириб, асир тушмай чиқишни истар эканмиз, у ердагилар эса бизнинг кириб чиқишимизга қарши чоралар кўришар экан, ҳар қандай майда тафсилот жиддий аҳамиятга эга! Биз ҳар бир нарсани такрор ва такрор ўрганиб чиқмоқдамиз. Истиҳборотимиздан нима наф, агар сен...

- Жин урсин, Гермиона, мен атиги майда бир тафсилотни айтмай ўтибман, шунга шунча-ми?

- Бутун дунёда биз учун ҳозир энг хавфли жой Сеҳргарлик вазирлиги эканини, биз эса у ерга ўз оёғимиз билан киришни ният қилганимизни тўла-тўқис идрок эта оляпсан-ми, ўзи...

- Фикримча, эртага кириб чиқишимиз керак ўша ерга, - деди Гарри.

Гермионанинг лаби қимирлашда давом этди-ю, бирорта бўлсин, сўз талаффуз эта олмади. Рон эса ҳозиргина оғзига солиб, бўғзидан ўтказаетган шўрвасига тиқилиб қолди.

- Эртага? - сўради Гермиона, - Жиддий айтаётганинг йўқ-ку, а, буни Гарри?

- Жиддий айтяпман. Агар биз вазирлик яқинида яна бир ой пистирма уюштириб ўтирсак ҳам, ҳозиргидан ҳам пухта тайёр бўла олмаймиз. Ишни қанча чўзсак, медальон биздан шунчалик узоқлашиб бораверади. Амбриж уни оча олмай, ташлаб юбориши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

- Агар очиш усулини топмаган бўлиб, медальон очишга муккасидан кетмаган бўлса, - деди Рон.

- Очган тақдирда ҳам ўзгариб қолмайди ўша аёл. Турган-битгани зулм-ку, - елка қисди Гарри.

Лабини қимтиб олган Гермиона ўйланиб қолди.

- Муҳим нарсаларнинг барини билдик, - давом этди Гарри, қизга мурожаат қилиб, - Вазирлик ичида ҳавода пайдо бўлиш ва у ердан ҳавода даф бўлиш ман этилганини, Роннинг тавсифланмайдиган сеҳргарлар суҳбатини пинҳон эшитиб билишича, вазирликнинг фақат олий раҳбариятигина уйини камин тармоғига улаш ҳуқуқига эга эканлигини биламиз. Анави соқолли киши ўз суҳбатдошига айтган гапига кўра, Амбрижнинг хизмат хонаси қаердалигини ҳам тахминан биламиз.

- «Биринчи қаватда, юқорида бўламан. Долорес мени йўқлаган экан», - овоз чиқариб эслади Гермиона.

- Тўғри, - маъқуллади Гарри, - Шуни ҳам биламиз-ки, одамлар ичкарига анави ғалати тангалар ёки туморлар ёхуд нима бало эди улар, фойдаланиб киришади. Чунки бир афсунгар аёл ўша тангадан бирини дугонасидан қарзга сўраб олганини кўрган эдим...

- Бизда эса йўқ, ўша тангалар!

- Режамиз кор берса, бўлади, - хотиржам жавоб берди Гарри.

- Билмадим, Гарри, билмадим... Чаппасига кетиши мумкин бўлган кўп нарсалар бор. Фақат омадга таянадиган фурсатлар ҳам оз эмас...

- Яна уч ой тайёргарлик кўрсак ҳам, аҳвол ўзгармайди, - деди Гарри, - Ишга киришадиган вақт етди.

Рон билан Гермионанинг қиёфаларига қараганда, чўчиб кетишган. Гаррининг ўзи ҳам тўла хотиржам эмас, лекин шуни биладики, режани ҳаётга татбиқ этиш шарт.

Ўтган тўрт ҳафтани улар Сеҳргарлик вазирлигининг асосий кириш эшигини кўринмас плашни навбат билан кийганча, кузатиш билан ўтказишди. Бу жойни Рон, отаси мистер Уэслининг шарофати билан болаликдан яхши билади.

Учовлон ишхонага кириб-чиқаётган вазирлик ходимларини кузатди, суҳбатларини пинҳона эшитди, баъзан бировнинг портфелидан «Башорат-у, каромат газетаси»нинг янги сонини ўғирлаб борди, диққат билан кузатиб, сеҳргарларнинг қайси бири ишга якка тартибда, ҳар куни айнан бир вақтда келишини аниқлади ва шу тариқа, ҳозир Гермионанинг олдида ётган қоралама ёзувлар-у, қўлда чизилган хариталар уюмини аста-секин ҳосил қилди.

- Яхши, эртага бўлса, эртага-да, - рози бўлди Рон, - Лекин

менимча, фақат Гарри иккаламиз боришимиз керак.

- Оббо, яна бошладинг-ми? - хўрсинди Гермиона, - Бу масалани аллақачон ҳал этиб бўлганмиз.

- Эшик олдида плаш остида ивирсиш бошқа, ичкарига кириб, очиқ юриш бошқа, Гермиона, - деди Рон, - Унутма, сен маглар оиласида туғилган, лекин сўроққа ҳозир бўлмаган сеҳргарлар рўйхатига киритилгансан! - эслатди у, «Башорат-у, каромат газетаси»нинг ўн кун олдинги сонига бармоқ ўқтаб.

- Сен эса фасод сачратадиган сувчечак касаллигига чалинганинг боис, ҳозир Бошпанадаги ўлим тўшагида ётган бўлишинг керак. Орамизда вазирликка кириши мумкин бўлмаган ягона инсон аслида Гарри бўлади. Чунки унинг боши учун ўн минг галеон мукофот эълон қилинган!...

- Жуда соз! Ундай бўлса мен қолдим шу ерда, - деди Гарри, - Фақат бир илтимос, Вольдеморт устидан ғалаба қозонсангиз, менга ҳам хабар бериш эсдан чиқмасин, хўпми?

Рон билан Гермиона кулиб юборишди ва айна шу пайтда Гаррининг пешанасидаги чандиққа оғриқ кириб, қўли беихтиёр юқорига кўтарилиб кетди. Гермиона иккала кўзини қисиб қараётганини кўрган Гарри, ўзини соч тўғрилаган кўйга солди.

- Яхши. Модомики, учаламиз йўлга чиқар эканмиз, ҳавода алоҳида-алоҳида даф бўлишимиз керак бўлади, - деди Рон, - Энди плаш остида учаламиз бир вақтда беркина олмаймиз. Чандиқ оғриғи тобора кучаймоқда. Ўрнидан турган Гаррининг олдида Тараққос келди.

- Соҳиб шўрвасини охиригача емабди. Эҳтимол соҳиб димланган жанбилни хоҳлар, ё ўзи жуда ёқтирадиган қуюқ шиннили торт узатай-ми?

- Раҳмат, Тараққос. Мен бир-икки дақиқада қайтаман... ваннахонага кириб чиқай.

Гермиона шубҳа ила қараб турганини кўрган Гарри зина бўйлаб юқорига, даҳлизга, у ердан эса иккинчи қаватга, ваннахонага шошилди. Ювингани кирган бўлиб, эшикни ичкаридан қулфлади. Оғриқдан хириллаб қолган Гарри ўзини сув тўкиш новлари илоннинг катта очилган оғзи шаклида ясалган бассейнга ташлади.

Бирдан ўзини ним қоронғи кўчада ўрмалаб юрганини кўрди.

Кўчанинг икки томонида қад кўтарган фронтон безакларга эга баланд бинолар ҳашамат-ла савлат солиб турибди. Гарри бинолардан бирининг олдида тўхтаб, эшик тақиллатди ва ингичка, узун бармоқлари эшикдан ҳам оқ эканлигига, асабий ҳолати тобора кучайиб бораётганига эътибор қилди... Эшик очилди. Остонага табассум-ла чиққан аёлнинг юзи Гаррини кўрибоқ даҳшат қиёфасини касб этди.

- Грегорович? - сўради совуқ оҳангда эшитилган баланд овоз. Аёл бошини сарак-сарак қилганча, эшик ёпишга уринди. Оқ қўл эса эшикнинг ёпилишига тўсқинлик қилмоқда.

- Грегорович керак менга.

- Er wohnt hier nicht mer! - қичқирди аёл, бош чайқаб, - Бу ерда Грегорович яшайди йўқ! Яшайди йўқ! Мен нотаниш уни!

Эшик ёпишга уринишни бас қилган аёл ортга, қоронғи даҳлизга чекинди. Гарри аста ўрмалаганча, уни таъқиб қилиб, қўлига сеҳрли таёқчасини олди.

- Қани у?

- Das weiff ich nicht! У кетмоқ! Мен нотаниш уни, нотаниш уни!

Гарри сеҳрли таёқчасини кўтарди. Аёл кучи борича чинқирди. Унинг икки нафар ёш боласи даҳлизга югуриб чиқди. Аёл уларни қўли билан тўсган бўлди. Яшил тусли яшин чақнади...

- Гарри! ГАРРИ!!!

Гарри кўзини очиб, бассейндан полга ўрмалаб тушганини кўрди. Гермиона эшик тақиллатишини қўймади.

- Оч эшикни, Гарри!

Гарри қичқирган. Бунини ўзи яхши билади. Ўрнидан туриб, эшикни очди. Ичкарига ҳовлиқиб кирган Гермиона сирпаниб тушишига сал қолганча, атрофни кўздан кечириб чиқди. Рон унинг ортидан кириб, қўлидаги сеҳрли таёқчасини совуқ ваннахонанинг бурчакларига ўқтади.

- Нима қилдинг бу ерда? - сўради Гермиона жиддий оҳангда.

- Ўзинг нима деб ўйлайсан, ваннахонада нима қилишим мумкин? - жавоб берди Гарри, ясама қувноқлик билан.

- Чунонам бақирдинг-ки, худди бошинг ёрилиб кетаётгандай эшитилди! - деди Рон.

- Мизғиб қолиб, тушимда бақиргандирман-да...

- Гарри, аҳмоқ қилма бизни, илтимос, - талаб қилди

Гермиона, чуқур нафас чиқариб, - Чандиғинг оғригани маълум. Анави ойнага қара, юзинг оқ қоғоздан фарқ қилмай қолибди.

Гарри ванна бурчагига ўтирди.

- Яхши. Ҳозиргина Вольдемортни кўрдим, бир аёлни оила-поиласи билан ўлдириб юборди. Аслида ўша жувонни ўлдириш учун бормаган у ерга. Аёл худди Седрик каби оёқ остидан бемаврид чиқиб қолди...

- Гарри, тахминга кўра, бундай бўлишига энди йўл қўймаслигинг керак эди! - ваннахонани бошига кўтариб бақирди Гермиона, - Дамблдор окклуменция воситасида ҳимоя усулини қўллашингни истаган! Унинг фикрича, бундай бирлик хавфли саналган! Вольдеморт фойдаланиб қолиши мумкин, Гарри! Бировни қийнаб, ўлдираётганини кўришингдан нима наф?

- Нима ишлар билан бандлигини билиб бораман.

- Шунинг учун истамайсан-ми, ўша алоқага барҳам беришни?

- Қўлимдан келмаяпти, Гермиона! Окклуменция масаласида уқувсиз эканлигимни биласан! Ҳеч қачон тушунмаганман ўша усулни!

- Чунки сен бирор марта бўлин, уриниб кўрмагансан! - баёнот қилди қиз, қаттиқ қизишиб, - Бир нарсани ҳеч тушунмайман Гарри, сенга ёқадими дейман ўша ўзига хос алоқа, муносабат ёки нима бало деб аталса ҳам?...

Гаррининг нигоҳига рўбару бўлган қиз унини ўчирди.

- Ёқадими? - паст овозда такрорлади Гарри, - Сенга ёққан бўлар эдими?

- Мен... йўқ... узр, Гарри, айтмоқчи эдим-ки...

- Нафратланаман ўша алоқадан! Ичимга кириб олиши мумкинлигидан, ниҳоятда хавфли бўлган фурсатда ҳодисани унинг кўзи ила кўришдан нафратланаман! Лекин мен бундан фойдаланаман.

- Дамблдор...

- Қўй ўша Дамблдорни, Гермиона. Бу менинг хоҳишим, бировнинг эмас. Грегоровични нима мақсадда қидириб юрганини билмоқчиман.

- Кимни?

- Грегоровични, хорижлик сеҳрли таёқча яшаш устасини, - деди Гарри, - Крумнинг таёқчасини ҳам ўша уста ясаган.

Викторнинг айтишича, жуда моҳир уста эмиш.

- Ўзинг айтган эдинг-ку, Олливандерни қаердадир қамаб сақлапти, деб. Ихтиёрида сеҳрли таёқча устаси бўлса, яна биттасини нима қилади?

- Эҳтимол Вольдеморт Крум билан ҳамфикр бўлиб, Грегоровични Олливандердан ҳам моҳирроқ уста деб билар. Балки мени таъқиб қилган пайтда сеҳрли таёқчам нима каромат кўрсатганини Олливандер изоҳлаб бера олмагани учун Грегоровичдан сўраб билмоқчи бўлгандир.

Гарри дарз кетиб, чанг қоплаган қадимий кўзгуда орқасида турган Рон билан Гермиона иккаласининг акси бир-бирига шубҳаомуз қараб қўйганини кўрди.

- Сеҳрли таёқчанг кўрсатган ўша каромат ҳақидаги гапингни ҳеч қўймадинг, қўймадинг-да, Гарри, - деди Гермиона, - Таёқчанг эмас, сен ўзинг кўрсатгансан ўша кароматни! Нега сен янглиш фикрингни йиғиштириб, шахсий қудратинг учун масъулиятни ўз зимманга олгинг келмайди, а?

- Чунки ўша кароматни чиндан ҳам мен эмас, сеҳрли таёқчам кўрсатганини яхши биламан! Вольдеморт ҳам билади буни, Гермиона! Аслида нима бўлганини Вольдеморт иккаламиз билмаймиз.

Икковлон бир-бирига бақрайиб қолди. Гарри Гермионани ишонтира олмаганини, Гермиона миясида ҳозир Гаррининг сеҳрли таёқчаси билан боғлиқ назариясига қарши далиллар тизаётганини, Вольдемортнинг онгига киришни бас қилиш шарт эканлигига доир зарурий кўрсатмалар тайёрлаётганини фаҳмлаб турибди. Хайриятки, гапга Рон аралашиб қолди.

- Бўлди энди, тинч қўй уни, - маслаҳат қилди у Гермионага, - Бу энди ўзининг иши. Модомики, эртага вазирликка кириб чиқишга аҳд қилган эканмиз, шу баҳсдан кўра, режаларимизни такрор кўриб чиққанимиз яхши эмасми? Гермиона Роннинг гапига истар-истамас кўнди, гарчи қиз, Гаррининг ишончи комилки, имкон туғилиши ҳамано, ушбу масалада яна ҳамла қилади. Учовлон ошхонага қайтди. Тараққос уларни димлама ва қуюқ шиннили торт билан сийлади.

Улар кўп соат меҳнат қилишди, барча тафсилотлари ёд бўлгунча режани такрор ва такрор қайтаришди ва унинг мазмунини бир-бирига сўзма сўз айтиб беришгачкина, уйқуга

ётишди. Сириуснинг хонасига кўчиб ўтган Гарри кўрпага ётар экан, сеҳрли таёқчасининг шуъласини отаси, Сириус, Люпин ва Петтигрю тасвирланган суратга йўналтириб, режа ижросини яна ўн марта кўз олдига келтирди. Сеҳрли таёқчасини ўчираб экан, ҳамма қиёфа сиркаси, қайт қилдириш чаноғи ёки хўжалик ишлари бўлими ходимларининг ҳаворанг ридолари ҳақида эмас, сеҳрли таёқча яшаш устаси Грегорович ҳақида, Вольдеморт уни топа олмаслиги ҳақида ўйлаб ётди.

Тонг негадир жуда тез отди.

- Аҳволингга қараб бўлмайди, - кўришди Гаррини уйғотгани кирган Рон.

- Ўтиб кетади, - эснади Гарри.

Гермионани улар пастда, ошхонада топишди. Тараққос унга қаҳва ва ичига ширинлик солиб пиширилган ўрама варақи узатишга улгурибди. Қизнинг юзи, одатда, имтиҳон кунлари кўриниш берадиган савдойилик қиёфасини касб этган.

- Ридолар, - деди у, олган кийимларни асабий имо ила кўрсатганча, сумкача титкилаб, - Ҳамма қиёфа сиркаси, кўринмас плаш, чалғитиш бомбачалари, қайт қилдириш чаноқлари, бурундан қон келтириш ёнғоққолваганлари, чўзма қулоқлар...

Нонушта қилиб бўлгач, учовлон зина бўйлаб юқорига йўл олди. Тараққос хайрлашув олдидан уларга чуқур таъзим бажо айлаб, қайтишларига мол гўштидан пирог ва сухари пишириб қўйишни ваъда қилди.

- Яша, - мулойим оҳангда мақтаб қўйди эльфни Рон, - Қаранг-а, унинг бошини чопиб, деворга қоқаётганимни барча тафсилотлари ила тасаввур қилишга кўникиб қолган эдим-а! Учовлон чиқиш эшиги зинасининг биринчи поғонасига эҳтиёт бўлиб чиқиб, ухламай уй кузатган бир жуфт Ўлимдан мириқувчини кўрди. Гермиона ҳавода дастлаб Рон билан даф бўлди, сўнг, Гаррини олиб кетгани қайтди.

Қоронғиликда қисқа муддатли одатий бўғилишдан сўнг, Гарри, ўзини тор хиёбонда кўрди. Режанинг биринчи босқичи шу ерда амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу ер бир жуфт катта контейнер ҳисобга олинмаса, бўм-бўш бўлиб, вазирлик ходимлари соат саккиздан эрта пайдо бўлишмайди.

- Хўш, - деди Гермиона, соатига қараб, - Тахминан беш

дақиқа ичида пайдо бўлиши керак. Мен уни батанг қилиб қўйганимданг сўнг...

- Эсимизда, Гермiona, - деди Рон, жиддий оҳангда, - Лекин анави эшикни ўша аёл пайдо бўлгунга қадар очиб қўямиз, деб ўйлаган эдим.

Гермиона чийиллаб юборди.

- Эсимдан чиқай дебди! Нариди қочинг...

Гермиона орқа томондаги бир нечта осма қулф билан қулфланиб, граффити усулида чизиб безатилган захира эшикни гумбурлатиб очди. Эшик ортидаги қоронғи йўлак, муқаддам ўтказилган истиҳборот натижаларига кўра, бўм-бўш театрда олиб боришини улар билишади. Гермiona эшикни ўзига тортиб, худди ёпиқдай ҳолатга келтирди.

- Ана энди, - деди у, шерикларига юзланиб, - Кўринмас плашни устимизга ташлаймиз-да...

- ... кутамиз! - гапни якунлади, Гаррига қараганча, кўзини айлантирган Рон, кўринмас плашни Гермионанинг устига, худди вайсақи тўти қамалган қафасни ёпгандай ташлаб. Бир дақиқа ўтар-ўтмас енгил қарс эшитилиб, ҳавода вазирликда ишлайдиган жажжи аёл пайдо бўлди. Унинг ҳилпираётган кул ранг сочи булутлар орасидан эндигина кўринган қуёшда ялтирамоқда. Бироқ у қуёш тафтидан лаззатланишга улгурмай, кўкрагига Гермионанинг ички овозла йўллаган тўлиқ тана-бинт афсунининг яшини урилди.

- Гап бўлиши мумкин эмас, Гермiona! - мақтаб қўйди Рон, театр эшиги ортидан чиқиб келиб.

Гарри кўринмас плашни ечди. Учовлон жажжи аёлни кўтариб, саҳна орқасига олиб борадиган қоронғи йўлакка элтди. Гермiona афсунгар аёлнинг бошидан бир нечта соч толасини юлиб, мунчоқ қадалиб тикилган сумкачасидан чиқарган лойқа тусли ҳамма қиёфа сиркасига солди. Рон аёлнинг сумкасини титкилаб, чиқарилган нарсаларни кўздан кечирди.

- Мафальда Хопкирк экан исми, - деди у, ҳужжатлар билан танишиб чиққач, - Сеҳргарлик ва афсунгарлик фаолияти устидан назорат бўлими бошлиғининг ёрдамчиси. Ёнингда бўлсин булар, Гермiona. Мана бизга керак бўладиган тангачалар.

Рон аёлнинг ҳамёнидан «СВ» ҳарфлари урилган бир нечта

тилла танга чиқариб, ҳаммага тарқатди.

Гермиона ёрқин сариқ тус олган ҳамма қиёфа сиркасини ичиб, бир неча сониядан сўнг Мафальда Хопкиркнинг нусхасига айланди, сўнг, аёлнинг кўзойнагини ечиб, тақиб олди.

- Кечикяпмиз, - соатга қаради Гарри, - Хўжалик ишлари бўлими ходими ҳар қандай сонияда пайдо бўлиб қолиши мумкин.

Учовлон ҳақиқий Мафальдани ичкарида қолдириб, эшикни ёпди. Гарри билан Рон кўринмас плаш остига бекинишди, Гермиона эса очиқ қолиб, кутди. Бир неча сония ўтгач, яна бир қарс товуши эшитилиб, уларнинг қаршисида башараси сассиқкузанни эслатадиган митти сеҳргар пайдо бўлди.

- О, салом, Мафальда.

- Салом! - жавоб қайтарди Гермиона титроқ овозда, - Ишлар қалай?

- Тўғриси айтсам, яхши эмас, - гангиди сеҳргар.

Гермиона иккаласи катта кўча томон йўл олишди. Гарри билан Рон эса уларнинг кетидан ҳаракат бошлашди. Муҳими, катта кўчага чиқишга йўл қўймаслик керак. Сеҳргар дардини дастурхон қилиш учун оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, Гермиона уни тўхтатди.

- Сени оғир муаммо қийнаётганини эшитиш осон эмас, - ҳамдардлик билдирди у, мулойим овозда, - Ма, мана бу ширинликдан татиб кўр, ўзингни анча енгил тортасан.

- А? Йўқ, раҳмат.

- Ол, олавер. Менда кўп! - талаб оҳангида таклиф қилди Гермиона, ширинлик тўла қопчани суҳбатдошининг юзи олдида силтаб.

Безовталанаётган сеҳргар ширинликлардан бирини олди. Натижа шу заҳоти намоён бўлди. Қайт қилдириш чаноғи тилига тегиши ҳамано, митти сеҳргарнинг кўнгли беҳузур бўлиб, шу қадар кучли қайт қила бошладики, Гермиона бир тутам сочини юлиб олганини ҳам сезмади.

- Вой бечора, - деди Гермиона, хиёбонни расво қилаётган митти сеҳргарга, - Балки ишга бормай, дам оларсан бугун, а?

- Йўқ... йўқ! - деди, кўнгли беҳузур бўлиб, нафаси бўғилаётганига, тўғри юра олмаётганига қарамай, йўлини давом этишга уринган сеҳргар, - Бугун мен... Ахир мен

бугун...

- Аҳмоқлик қилма! - хавотир ола бошлади Гермиона, - Шу ҳолатингда ишга бора олмайсан! Яхшиси зудлик билан муқаддас Резги шифохонасига бориб, ўзингни тартибга келтир!

Сеҳргар ерга йиқилди. Шундай бўлса ҳам, катта кўча томон эмаклашни давом этди.

- Бу аҳволда бора олмайсан ишга, ахир! - бақирди Гермиона. Ниҳоят сеҳргар Гермионанинг сўзларида ҳақиқат эшитилаётганини уқиб, бир амаллаб оёққа турди-да, атрофга аланглаб, ҳавода даф бўлди. Рон эса унинг қўлидаги пакетни тортиб олишга улгуриб қолди.

- Хайрият, - деди Гермиона, расво бўлмаслиги учун кўйлагининг этагини баландроқ кўтариб, - Бунга ҳам батанг қилганимизда, шунчалик шовқин кўтарилмас эди.

- Тўғри, - деди Рон, кўринмас плаш ичидан чиқиб, - Лекин мен, бир ерда ҳушсиз ётган одамлар уюми кўпчиликнинг эътиборини ўзига тартади, деган фикримда қоламан. Анави тентак ўз ишининг жиннисига ўхшайди, а? Қани, сочи билан ҳамма қиёфа сиркасидан бер-чи.

Икки дақиқадан сўнг Рон ҳозиргина тоби қочиб, шифохонага йўл олган, жуссаси митти, башараси сассиқкузанга ўхшаб кетадиган сеҳргар қиёфасини касб этди. Пакет ичидан топилган ҳаворанг ридони эгнига кийиб олди.

- Қизиқ, ишга шунчалик ошиқар экан, нега махсус ридосини кийиб олмади экан, а?.. Ҳа, майли, нима қилган тақдирда ҳам, кўкрак ёрлиғига қараганда, мени энди Рэг Кэттермол деб чақирасиз.

- Шу ерда кутиб тур, - деди Гермиона кўринмас плаш остида қолган Гаррига, - Сен учун бирортасининг сочини юлиб келамиз ҳозир.

Ўн дақиқача кутишга тўғри келди, бироқ ичкарида батанг қилинган Мафальда ётган эшик яқинидаги, қусуқ ила расво қилинган хиёбонда ёлғиз санқийётган Гаррига ўн дақиқадан анча кўп вақт ўтгандай туюлди. Ниҳоят Рон билан Гермиона топилиб келишди.

- Кимлигини билмаймиз, - деди Гермиона, қора сочининг бир нечта жингалак толасини узатар экан, - Бечорага бурни жуда кучли қонагани учун уйига қайтишга тўғри келди. Роса

бўйдор экан-да, ўзиям. Сенга катта ридо керак бўлади. Қиз сумкачасидан Тараққос атайин ювиб берган эски ридони чиқариб узатгач, Гарри сирка ичиб, кийим алмаштириш учун нари кетди.

Оғриқли қиёфа ўзгариш жараёни ниҳоясига етгач, Гарри бўйи олти футдан баланд, мушакдор қўлларига қараганда, роса бақувват кишига айланди. Кўринмас плаши билан кўзойнагини янги ридосининг киссасига жойлаган Гарри қолганларга бориб қўшилди.

- Даҳшатнинг ўзгинаси-я! - деди Рон, новча бўйли Гаррига қараб.

- Мафальданинг тангасини биттадан ушланг қўлингизга. Юринглар энди, ишга кечикяпмиз, - шошилтирди Гермиона. Учовлон хиёбонни тарк этди. Элик ярд наридаги одам тўла пиёдалар йўлаги қора панжара билан тўсилган бўлиб, икки томонида бирига «эркаклар», бошқасига «аёллар» ёзуви маҳкамланган ер остига тушиш зиналари мавжуд.

- Тез орада кўришгунча, - асабий хайрлашди Гермиона, аёллар зинаси томон одимлаб.

Гарри билан Рон оқ-қора плита билан қопланган бўлиб, оддий оммавий ҳожатхонага ўхшаш жойга тушаётган, эгнига ғалати кийим кийган эркаклар гуруҳига қўшилди.

- Хайрли тонг, Рэг! - сўрашди ҳаворанг ридо кийган сеҳргар, бўлмага кириш учун қўлидаги тилла тангачани эшик тирқишига суқиб, - Кўрмайсан-ми ўйлаб топишган қилиқларини! Шу ўл билан киришга мажбур қилишса-я! Кимни кутишяпти ўзи улар, Гарри Поттерни-ми?

Сеҳргар ўзининг киноясидан ўзи кулди.

- Тўғри айтасан, ғирт аҳмоқлик, - жавоб берди Рон, ўзини кулишга мажбур қилиб.

Гарри иккаласи қўшни бўлмаларга киришди.

Ўнг ва чап томонларда тинимсиз ишлаётган сув тўкиш қурилмаларининг товуши эшитилмоқда. Гарри энгашиб, бўлма девори билан пол орасидаги очиқ жой орқали қўшни бўлмага қаради. У ерда пояфзал кийган бир жуфт оёқ унитаз ичига кирди. Чап томонга қараб, кўз қисиб қўйган Роннинг бошқа қиёфадаги башарасини кўрди.

- Ўзимизни ўзимиз оқизиб юборишимиз керакмикан? - сўради у, пичирлаб.

- Шунга ўхшайди, - шивирлади Гарри, ҳалокатга маҳкум кишининг бўғиқ овози ила.

Иккаласи қад ростлади. Ўзини аҳмоқона ҳис этган Гарри оёғи билан унитазга кирди ва шу заҳоти ҳаракати тўғри кечаётганини тушунди. Сув ичида турганига қарамай, оёғи, пояфзали ва ридосининг этаги ҳўл бўлмади. Қўлини кўтариб, занжирчани пастга тортиши ҳамано, қисқа қувур орқали ўтиб, Сеҳргарлик вазирлигининг ички каминидан отилиб чиқди. Гавдаси ғайриодатий йирик бўлган Гарри оёққа бесўнақай турди.

Атриум илгаригига нисбатан қоронғи кўринмоқда. Бир вақтлар зал марказида думалоқ бассейн кўринишига эга фаввора бўлиб, унинг қоқ ўртасига табиий ўлчамлардан анча йирик олтин ҳайкаллар гуруҳи ўрнатилган эди. Ҳозир эса бу ерда қора тошдан ясалган маҳобатли ҳайкал устунлик қилмоқда. Пастга, каминлардан отилиб чиқаётган вазирлик ходимларига ҳар бири ўзининг тамтароқли нақшинкор тахтида ўтирганча қараётган сеҳргар эркак билан афсунгар аёл ҳар қандай кишини ҳайиқтиради. Ҳайкал асосида ҳарф баландлиги одам кўлидай келадиган ёзув ўйиб битилган: «СЕҲР ҚУДРАТЛИДИР!».

Кимдир Гаррининг оёғига орқа томондан қаттиқ зарба берди. Гарри чиққан каминдан яна бир сеҳргар отилиб чиқибди.

- Йўлимдан қоч, кўрмаяпсан-ми... о, Ранкорн, узр.

Қаттиқ кўрққан тепакал сеҳргар шу заҳоти Гарридан нари қочди. Шубҳа йўқ-ки, қиёфасини Гарри вақтинча касб этган мана бу Ранкорн деганлари одам чўчитадиган киши бўлиб чиқди.

- Ҳой! - эшитилди овоз.

Гарри ўгирилиб, ҳайкал олдида имо ила чақираётган жажжигина афсунгар аёл ва хўжалик ишлари бўлимининг сассиқкузанга ўхшаб кетадиган ходимини кўрди.

- Яхши етиб келдинг-ми? - сўради пичирлаб Гермiona.

- Йўқ, у ҳали ҳам қувурнинг букилган жойида, - гап қистирди Рон.

- Ўзингча кулгили гап айтдинг-да, а?... - койиб берди қиз Ронни, - Нақадар даҳшат, - деди у, ҳайкални томоша қилаётган Гаррига мурожаат қилиб, - Нимада ўтиришганини кўрдинг-ми?

Гарри яқинроқ бориб, нақшинкор кўринган тахтлар аслида одам таналарининг айқаш-уйқаш уюми эканлигини тушунди. Юзлаб яланғоч одамлар: эркак, аёл ва болалар бадбуруш, бефаҳм юзли бўлиб, чиройли кийинган сеҳргарлар юки остида эшилиб, прессланган.

- Маглар ва уларнинг асл жойи, - пичирлаганча, ҳайкал мазмунини изоҳлаб берди Гермiona, - Юринглар, кетдик бу ердан.

Учовлон атрофга аланглаб, олтин дарвоза томон ҳаракатланаётган сеҳргар ва афсунгарлар оқимига қўшилди. Долорес Амбрижнинг кўзга ташланадиган гавдаси ҳеч қаерда кўринмади. Улар дарвозадан ўтгач, одамларнинг катта оқими йигирмата жилғага бўлиниб кетадиган кичикроқ залга киришди. Ушбу жилғалар ҳар бири биттадан лифтни тўсадиган йигирмата олтин панжара томон олиб бормоқда. Учовлон яқин орадаги навбатга энди қўшилган эди ҳам-ки, кимдир Ронни чақириб қолди:

- Кэттермол!

Учовлон овоз эшитилган томон қаради. Дамблдорни ўлдиришда иштирок этган Ўлимдан мириқувчилардан бири яқинлашиб келаётганини кўрган Гаррининг қорин соҳаси уюшиб қолди. Вазирлик ходимлари унинг олдида жим бўлиб, нигоҳларини ерга қадашмоқда, барининг вужудини даҳшат қамраб олаётганини Гарри яққол ҳис этмоқда. Ушбу кишининг бадқовоқ, шафқатсиз қиёфаси, зар ип билан гул солиб, аъло даражада тикилган ридосидан жуда ғалати фарқ қилмоқда. Халойиқ орасида кимдир уни тилёғмалик-ла қутлади:

- Хайрли тонг, Яксли!

- Талабнома йўллаган эдим, Кэттермол, - саломни писанд қилмади Яксли, Ронга мурожаат қилиб, - Хўжалик ишлари бўлимидан кимдир келиб, хизмат хонамни тартибга келтириб қўйиши учун. Ёмғир эса ҳамон тингани йўқ.

Рон атрофга қараб, биров гапга аралашишига умид қилди. Ҳамма жим.

- Ёмғир?... Сизнинг хизмат хонангизда? Бу... бу яхши эмас, албатта, а?

Рон асабий кулди. Якслининг кўзи эса катта-катта очилиб кетди.

- Сенга кулгили туюляпти-ми, бу, Кэттермол?

Лифт кутаётган икки нафар афсунгар аёл навбатни қўйиб, суҳбат жойидан тез гум бўлди.

- Йўқ... - жавоб берди Рон, - Йўқ, албатта.

- Ҳозир мен пастга, хотинингни сўроққа тутишга тушиб кетаётганимни англаб етяпсан-ми, Кэттермол? Умуман айтганда, сен унинг ёнида эмаслигинга, қисмати ҳал этилишини кутиб ўтирган жойида қўлидан ушлаб турмаганинга ҳайронман. Унутишга улгурдинг-ми дейман уни, нотўғри сарф этилган маблағни унутган каби, а? Эҳтимол, умрингда илк бор оқилона қилган ишинг бўлса керак бу. Келаси сафар асилзода аёлга уйланишга ҳаракат қил.

Гермиона даҳшатдан чийиллаб, Якслининг эътиборини ўзига тортди. Қиз йўталиб, тескари ўгирилди.

- Мен... мен... - дудуқланди Рон.

- Гарчи қони нопок аёл билан мулоқотда бўлишни хаёлимга бирор марта ҳам келтирмаган бўлсам-да, - деди Яксли, - Агар менинг хотиним ўз қонининг нопоклигида айбланаётган ва айна вақтда, Сеҳргарлик қонунларини куч-ла қўллаш департаменти раҳбарига бирон-бир хизмат кўрсатиш талаб этилаётган фурсатда, биринчи навбатда ўша иш билан шуғулланган бўлар эдим. Нима демоқчи бўлганимни тушунапсан-ми, Кэттермол?

- Тушундим, - пичирлади Рон.

- Тушунган бўлсанг, ишга кириш, Кэттермол. Агар хонам бир соат ичида қуримаса, рафиқангнинг Қон Мақоми ҳозиргидан ҳам баттар шубҳа остига қолади.

Олтин панжара жаранг-журунг этиб очилди. Афтидан, Кэттермолга кўрсатган муносабатини Гарри маъқуллаши керак шекилли, хунук иржайиб қараган Яксли унга бош ирғиб қўйганча, бошқа лифт томон йўл олди. Гарри, Рон ва Гермиона лифт кабинасига киришди. Лекин ҳеч ким уларга, худди касаллик юқишидан қўрққан каби, шерик бўлмади. Панжара ёпилиб, лифт юқорига ҳаракат бошлади.

- Нима қилсам экан? Агар уддалай олмасам, менинг хотиним... айтмоқчиман-ки, Кэттермолнинг хотини...

- Сен билан борамиз. Биз доимо бирга бўлишимиз... - гап бошлади Гарри.

- Йўқ, бўлмайдими, - бош чайқади Рон, - Вақтимиз оз. Сиз иккалангиз Амбрижни қидиринг, мен эса бориб Якслининг хонасини бир ёқли қилай... Ёмғирни қандай тўхтатсам экан? - «Фините Инкантатем»ни қўллаб кўр, - маслаҳат берди Гермиона, - Тиниши керак, агар кинна ёки қарғиш воситасида ҳосил қилинган бўлса. Агар кор бермаса, демак атмосфера афсунларидан бири қўлланилган, уни тузатиш эса қийин кечади. Якслининг буюмларини асраш учун вақтинча чора сифатида «Импервиус!»ни қўллаб кет.

- Қани қайтар-чи, фақат шошилмай гапир, - деди Рон, пат-қалам топиш мақсадида чўнтак титкилаб.

Лифт тўхтаб, жисмсиз аёл овози эълон қилди: «Тўртинчи қават. Сеҳрли махлуқлар устидан назорат департаменти, сеҳрли мавжудот ва руҳлар бўлинмалари, Гоблинлар билан алоқалар идораси ҳамда Санитария жиҳатидан зараркунандаларга қарши сеҳрли ишлов беришга доир маслаҳатлар маркази».

Панжара очилиб, икки нафар сеҳргар ва лифт шифтидаги чироқ атрофида айлана бошлаган бир нечта хира бинафша рангли қоғоз самолётчалар кирди.

Ўсиқ қуюқ мўйловли сеҳргар Рон билан Гермионага менсимай разм солиб қўйгач, Гаррини кўриб, хурсанд бўлганини билдириш учун сўрашди:

- Хайрли тонг, Альберт.

Лифт юқорига кўтарилишни давом этди. Гермиона жазаваси тутганча пичирлаб, Ронга нималарнидир уқтирмоқда. Ўсиқ қуюқ мўйловли сеҳргар уларга кўз қирини ташлаб қўйди-да Гарри томон энгашиб, секин пўнғиллади:

- Дирк Крессвелл-ми? Гоблинлар билан алоқалар идорасиданда, а? Жуда соз, Альберт. Ишончим комилки, унинг лавозими менга тегади.

Сеҳргар кўз қисди. Гарри жавобан кулиб, шунинг ўзи кифоя бўлишига умид қилди. Лифт тўхтаб, панжара боз очилгач, жисмсиз аёл овози эълон қилди: «Иккинчи қават, Сеҳргарлик қонунларини куч-ла қўллаш департаменти, шу жумладан, Сеҳрдан ножоиз фойдаланиш идораси, Аврорлар қароргоҳи, Оқил Суд маъмуриятига хизмат кўрсатиш бўлими».

Гермиона Ронни туртиб қўйди. Рон лифтдан чиққач, унинг кетидан бошқалар эргашди. Гарри билан Гермиона ёлғиз

қолишди.

- Тўғриси айтганда, Гарри, мен ҳам чиқишим керак эди. Рон нима қилишни умуман билмайди, агар у фош... «Биринчи қават, Сехргарлик вазири ва вазир ёрдамчилари». Тилла панжара яна очилгач, Гермиона енгил нафас чиқарди. Остонада тўрт киши турибди, улардан икки нафари қизғин суҳбат қурмоқда: ниҳоятда чиройли қора-тилла тусли ридо кийган узун сочли сехргар ва кўкрагига ҳужжатлар жилдини маҳкам босган, қисқа сочига бинафша рангли бант таққан, пакана бўйли, бақабашара афсунгар аёл.

ЎН УЧИНЧИ БОБ. МАГЛЛАР ОИЛАСИДА ТУҒИЛГАНЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШ КОМИССИЯСИ

- А-а, Мафальда! - деди Амбриж, Гермионани кўриб, - Трэверс юборди-ми сени ёрдамга?.

- Ҳ-ҳа, - чийиллаб қўйди Гермиона.

- Яхши. Ҳеч шубҳа йўқ-ки, бировнинг аралашувисиз ҳам шахсан ўзингиз жуда чиройли уддалайсиз буни, - деди Амбриж, эгнига қора-тилла тусли ридо кийган суҳбатдошига, - Модомики, Мафальда бугун жараённи ҳужжатлаштириб ўтирар экан, муаммо ҳал бўлди деяверинг, вазир жаноблари. Биз ҳозироқ ишга киришишимиз мумкин, - имо қилди у, кўксига босиб олган ҳужжатлар жилдига, - Бугун ўн кишининг иши кўриб чиқилади. Улардан бири вазирлик ходимининг рафиқаси экан! Қаранг-а, вазирликнинг ўзида-я! Амбриж лифт кабинасига кириб, Гермионанинг ёнига турди. Вазир билан Амбрижнинг суҳбатига гувоҳ бўлган икки сехргар ҳам кабинага кирди.

- Энг қуйи қаватга тушамиз. Мафальда, ёзув ишлари учун керакли нарсаларнинг барини суд залида топасан. Хайрли тонг, Альберд. Етиб келдинг, шекилли?

- Ҳа, албатта, - жавоб берди Гарри, Ранкорннинг дағал овози билан.

Гарри лифтан чиқиши ҳамано, орқасида панжаранинг жаранги янгради. Елка орқали орқага қараб, Гермионанинг бўйдор сехргарлар елкаси орасида ва пакана Амбрижнинг бошидаги банд устида қолган хавотирли юзини кўрди.

- Нима мақсадда чиқдинг бу ерга, Ранкорн? - сўради янги

сеҳргарлик вазири.

Узун қора сочи-ю, чўққи соқолига кумуш тутамлар оралаган вазирнинг йирик пешанаси олд томон анча дўмпайиб чиққан бўлиб, кўзига соя ташлаган ва шу боис, унинг юзи нимаси биландир тош ортидан мўралаётган денгиз қисқичбақасига ўхшаб қолган.

- Артур Уэслига бир-икки оғиз гапим бор эди, - жавоб берди Гарри, бироз иккиланиб тургач, - Айтишларича, у шу қаватга кўтарилган эмиш.

- А-а, шундай дегин. Номатлуб шахс билан яна алоқаси боғлагани фош қилинибди-ми? - сўради Пиус Тикнесс.

- Йўқ, - деди Гарри, томоғи қуриб, - Ундай ишда айбланаётгани йўқ.

- Ҳозирча. Эртами, кечми, бари-бир қўлга тушади, - деди Пиус Тикнесс, - Фикримни билмоқчи бўлсанг, Уэслига ўхшаган тоза қон хоинлари анави маглвачча жувонлардан зиғирча бўлсин, афзал эмас. Саломат бўл, Ранкорн.

- Сиз ҳам саломат бўлинг, вазир жаноблари.

Гарри ингичка гилам тўшалган кенг йўлак бўйлаб нари кетган сеҳргарлик вазирини нигоҳи ила кузатиб қўйди. Тикнесс кўздан ғойиб бўлгач, қора ридосининг киссасидан чиқарган кўринмас плашини устига ташлади-да, йўлак бўйлаб тескари йўналишда одимлади. Ранкорн шу қадар новча эканки, Гаррига, йирик оёғи кўриниб қолмаслиги учун, букчайиб юришга тўғри келди. Эгасининг исми ва лавозими ёзилган ялтироқ ёғоч эшиклар ёнидан ўтар экан, вазирликнинг қудрати-ю, зулмати ич-ичидан ҳаяжонланаётган Гаррига қарши йўналтирилгандай, гўё. Бинобарин ҳозир, Рон ва Гермиона билан бирга тўрт ҳафта давомида ишлаб чиққан режаси ёш болаларнинг ишидек, кулгили кўринмоқда. Улар жамики фикр-хаёлларини фош этилмай, ичкарига киришга жамлашган. Мабодо ҳар томон бўлиниб кетишга тўғри келса, қандай иш тутиш ҳақида, бирон сония бўлсин, ўйлаб кўришмаган. Энди Гермиона шубҳа йўқ-ки, узоқ чўзиладиган суд жараёнида ушланиб қоладиган бўлди. Рон эса тегишли жоду қўллаб, нотаниш бир аёлнинг озодлигига эришиш учун жамики куч-ғайратини сарф этмоқда. Гаррининг ўзи эса юқори қаватда санқиб юрибди, гарчи у кўзлаган мақсад ҳозиргина лифтда энг қуйи

қаватга тушиб кетган бўлса-да.

У таққа тўхтаб, нима қилиш кераклиги борасида ўйланганча, деворга суянди. Ҳукм сураётган жимжитлик вужудни эзмоқда. На бир шовқин, на одам овози, на қадам товуши эшитилади. Қирмизи гилам тўшалган йўлак шу қадар жим-ки, гўё бу ерга Маффлиато афсуни қўлланилган.

Амбрижнинг хизмат хонаси анави томонда бўлса керак. У ўз қимматбаҳо буюмларини хонасида сақлаши эҳтимолдан йироқ, албатта тахмин қилди Гарри, лекин бунга комил ишонч ҳосил қилиш учун шу ергача етиб, хонасини тинтув қилмай кетиш, аҳмоқликдан ўзга нарса эмас. Бинобарин, ҳаводаги пергаментга тушуниб бўлмас ёзув битганча учиб бораётган ғоз пат-қаламига қошини чимириб, алланима ғулдираб бораётган сеҳргардан ташқари, ҳеч кимни учратмаган Гарри йўлак бўйлаб юришни давом этди.

Эшикдаги исмларни ўқиб бораётган Гарри муюлиш ортига ўтиб, кейинги йўлак ўртасида ҳосил қилинган кенг майдонга рўбару келди. Бу ерда ўндан зиёд афсунгар аёл кичик парталарда бир неча қатор ҳосил қилганча ўтирибди.

Парталар сирти силлиқлиги, ҳар хил сўзлар ўйиб ёзилмагани билан мактаб парталаридан фарқ қилмоқда. Гарри тўхтаб, аёлларга разм солди. Мафтун қиладиган ажойиб томоша. Ҳамма сеҳрли таёқчасини бир вақтда бир хил силтамоқда. Рангли қоғоз бўлаклари пушти варракчалар сингари ҳар томон учганча сеҳр воситасида бир-бирига бирикиб, ҳар бир аёл ёнидаги китоб сақлаш жавонида памфлет сифатида шаклланмоқда. Гарри яқинроқ бориб, ёш бир қиз ёнидаги тайёр памфлетлардан бирини, ўз ишига берилган одамларга сездирмай қўлига олди-да, рисоланинг пушти муқовасига зарҳал ҳарфлар билан битилган номини ўқиди:

Магловаччалар ва асилзодаларнинг тинч жамиятига нисбатан ушбу тоифа томонидан солинаётган хавф-хатар

Сарлавҳа остида атиргулнинг ўз гулбарглари ўртасидаги мамнун юзи ва уни чирмаб олиб, бўғишга уринаётган сўйлоқ тишли, нигоҳи нафратга тўлган бегона ўт тасвирланган. Памфлет муаллифи кўрсатилмаган бўлса-да, ўнг қўл кафтининг орқа томонидаги чандиғи қичишганидан унинг

ким бўлиши мумкинлигини фаҳмлаган Гарри рисолани ўрганишга киришди.

- Анави қари қарғамиз магловачча аёлларни куни билан сўроққа тутармикан бугун? - сўради ёш қиз шеригидан. Ушбу савол Гаррининг мулоҳазаси тўғри эканлигини тасдиқлади.

- Секинроқ, - деди атрофга аланглаган шериги, қўлидаги саҳифани тушириб юбориб.

- Унинг сеҳрли кўзидан ташқари, деворда пинҳонқулоғи ҳам бор, демоқчи эмасмисан, ишқилиб? - деди қиз, қизил ёғочдан тайёрланган эшик томон ҳайрат-ла қараб.

Гарри қиз юзланган томон қаради-ю, ғазаби қайнади.

Ташқарини кўриш учун маглар, одатда, эшикда кичкина туйнук очиб, шиша тиқишадиган жойга гавҳари мовий каттагина кўз ўрнатилган. Аластор Хмуруни шахсан кўрган одам борки, бу кўзни яхши танийди. Гарри қаерда тургани, бу ерга нима мақсадда келгани, ҳатто ҳозир у кўринмас эканлигини унутиб, катта-катта қадам ташлаганча, эшик томон одимлади. Одатда, тинмай ҳаракатланиб, чаноғида гир айланадиган кўз соққаси ҳозир юқорига қараганча, тек қотиб турибди.

Гарри эшикка маҳкамланган иккита тахтачадаги сўзларни ўқиди:

*Долорес Амбриж, вазирнинг кичик ўринбосари
Маглар оиласида туғилганларни қайд этиш комиссияси
раҳбари*

Гарри орқага, памфлет тайёрлаётган одамлар томон юзланди. Гарчи улар ўз ишини берилиб бажараётган бўлсалар-да, кимсасиз хонанинг эшиги ўзидан ўзи очилганини бирортаси сезмай қолмайди. Киссасидан чалғитиш бомбачаси деб аталадиган кичкина резина танасининг митти оёқлари ликиллаётган пиёзсимон буюмни чиқарган Гарри плаш остида чўққайиб ўтирди.

Ерга қўйилган чалғитиш бомбачаси одамларнинг оёғи остида олға ҳаракатланганча, нари кетди. Гарри эшик дастасини ушлаб, ичкарига киришга ҳозирланди. Бир неча сония ўтгач, майдоннинг нариги бурчагида қаттиқ портлаш юз бериб, қоп-

қора тутун паға-паға кўтарила бошлади. Аёлларнинг чинқириши билан бомбачанинг чийиллаган товуши қулоқни қоматга келтирди. Ёш афсунгар қиз ҳавода учаётган пушти варақлар орасида хавф-хатар манбаини кўришга уриниб, турган жойида сакрай кетди. Юзага келган шовқин-тўполондан фойдаланган Гарри дастани буриб, Амбрижнинг хизмат хонасига кирди-да, эшикни ичкаридан бекитди. Хонага кирган Гарри худди вақт бўйича ортга қайтгандай бўлди. Амбрижнинг «Хогварц»даги хизмат хонаси қандай жиҳозланган бўлса, бу ер ҳам худди ўшандай жиҳозланган. Четига жимжима жияк адипланган ҳар хил дастурхон, сочиқ ва чойшаблар ҳамма жойга ташланиб, ёзиб чиқилган. Тагига сочиқ тўшалган айрим вазаларга қуриган гул солинган. Хона деворига нақшланган ликопчалар коллекцияси осилган бўлиб, ҳар бирига турли-туман ёрқин ранг бериб солинган биттадан мушукча тасвирланган. Жониворларнинг бўйнига тукининг рангига мос бант боғланган. Хмурининг кўзига телескопик мослама бириктирилган бўлиб, эшик ортида қолган ишчиларни кузатиб ўтириш имконини беради. Амбрижнинг иш жойидан, ушбу мослама орқали қараган Гарри аёллар ҳамон чалғитиш бомбачаси билан банд эканлигини кўрди. У эшикдан телескопни суғуриб, ичидан сеҳрли кўз гавҳарини туртиб чиқарди-да, киссасига солди. - Ассио медальон! - деди Гарри, сеҳрли таёқчасини кўтариб. Ҳеч нарса юз бермади. Умуман айтганда, руҳдон учиб чиқишини Гарри кутмаган эди ҳам. Зеро, Амбриж, шубҳа йўқки, бу масалада ҳимоя тилсимларининг кўпини қўллаган. Гарри ёзув столининг тортмаларини чиқариб, титкилади. У ерда бир нечта ғоз пат-қалами, ёзув дафтарлари, илондай кулча бўлиб ўралиб олган, ғаладон тортилганда ташқарига ўрмалаб чиқишга уринган сеҳрли тасма, гулдор мато билан ўралган, ичи соч тўғноғичлари ва қисқичларига тўла бежамдор қутича каби ҳар хил нарсалар бор-у, медальон йўқ. Стол ортида Филчнинг «Хогварц»даги жавонига ўхшаш ҳужжат тўла жавон турибди. Гарри ҳар бир ҳужжатда кимнингдир исми битилган ушбу жавонни ҳам титкилашга аҳд қилди. Бир пай, қидириш амалидан ҳеч нарса чалғитмаётган Гаррининг қўлига мистер Уэслининг номига юритилган ҳужжат кириб қолди. Гарри уни очиб, ўқишга

киришди.

АРТУР УЭСЛИ.

Қон мақоми: асилзода сеҳргар, лекин йўл қўйиб бўлмас даражада маглар тарафдори. Қақнус Ордени аъзоси сифатида маълум. Оила аъзолари: хотини асилзода афсунгар, етти фарзанд отаси, охирги икки нафари «Хогварц» ўқувчилари. Кенжа ўғлининг жиддий касалга чалингани вазирлик нозирлари томонидан тасдиқланган.

Хавфсизлик мақоми: назорат остида. Ҳар бир қадами кузатиб борилмоқда. Уэслилар оиласида тез-тез меҳмон бўлиб юрган биринчи сонли номатлуб шахс билан алоқа боғлаш эҳтимоли катта.

- Биринчи сонли номатлуб шахс эмиш! - домангир ғудуллади Гарри, мистер Уэслининг ҳужжатларини жойига қўйиб, жавонни ёпар экан.

Ўша шахс ким эканлигига шубҳа қилмаган Гарри қаддини ростлади, майда буюм яшириладиган яширин жой қидириб, хонага кўз югуртирар экан, ўзининг деворга осилган суратига ва кўкрак соҳасига «Биринчи сонли номатлуб шахс» сўзлари битилган ёзувга кўзи тушди. Сурат четига пушти рангли, қайдлар учун ишлатиладиган, бурчагига мушук боласи тасвирланган майда қоғоз бўлаги ёпиштирилган. Яқинроқ борган Гарри, қайд қоғозига Амбрижнинг қўли билан битилган: «Қатл этилсин» ёзувини ўқиди.

Ғазаби баттар қайнаб, қуриган гул солинган ваза ва саватларнинг тубини кўздан кечирди, ушбу хонада медальон топилмаганидан заррача бўлсин, ҳайрон бўлмади. Атрофга сўнгги бор назар солар экан, кутилмаганда унинг юраги тўхтаб қолгудай бўлди. Не кўз билан кўрсинки, Дамблдор ёзув столи ортида қад кўтарган тоқчадаги кўзгудан қараб турибди. Гарри хонанинг ўша томонига югуриб ўтиб, кўзгуни чангаллади ва қўли тегиши ҳамано, аслида бу кўзгу эмаслигини тушунди. Дамблдор китобнинг ойнадек жилоли муқовасидан кулиб боқди. Унинг яшил шляпаси устидан битилган ҳарфлари жингалак ёзувни Гарри энди кўрди: «Альбус Дамблдорнинг ҳаёти ва ёлғони». Суратдаги Дамблдорнинг кўкрак соҳасига эса ««Армандо Диппер: уста

ёки тентак» номли бозори чаққон китоб муаллифи Рита Вритердан» сўзлари битилган.

Гарри китобнинг тўғри келган бетини очиб, бутун бошли саҳифани эгаллаган икки нафар ўсмирнинг самимий кулиб, бир-бирининг елкасидан қучганча турган фотосуратини кўрди. Крумнинг доимо Роннинг асабини қўзғатадиган соқолига ўхшаш соқол қўйган Дамблдорнинг сочи энди бир чўзим ўсган. Нигоҳи қандайдир ғалати йигит Дамблдорга қувонч-ла қараб, қойил қолгандай хандон отмоқда. Унинг тилла рангли жингалак сочи елкасига тушган. «Дожнинг ёшлигимни дейман?» хаёлдан ўтказди Гарри. Сурат остидаги ёзувни ўқишига хона эшиги кутилмаганда ланг очилиши халал берди.

Агар Тикнесс Амбрижнинг хизмат хонасига елка орқали ортга қараб кирмаганида, Гарри кўринмас плашини устига ташлаб олишга улгурмаган бўлар эди. Лекинвазир кўз қири билан аллақандай ҳаракатни сезган кўринади, Гарри ҳозиргина кўздан ғойиб бўлган жойга узоқ бақрайди. Токчадаги китобнинг муқовасида тасвирланган Дамблдор суратининг ҳаракати бўлса керак, деган хаёлга боди шекилли, Тикнесс ёзув столи олдига келиб, сеҳрли таёқчасини сиёҳдондаги пат-қаламга ўқтади. Пергамент узра муаллақ осилган пат-қалам Амбриж учун хат ёзишга киришди. Гарри чиқиш эшиги томон нафас олмай аста юриб, хонани тарк этди.

Памфлет тузаётган аёллар паст чийиллаб, охирги тутун пағаларини чиқараётган чалғитиш бомбачаси атрофида йиғилиб олишган. Гарри ушбу майдондан йўлак томон тез одимлаб, нари кетар экан, қулоғига анави ёш афсунгар қизнинг шерикларига билдирган фикри чалинди:

- Бу матоҳ бизнинг иш жойимизга, гаров ўйнайман-ки, анави Экспериментал сеҳр-жоду қўмитасидан ўғринча келиб қолган. Ҳалиги заҳарланган ўрдак эсингиздами?

Лифтга шошилган Гарри энди қандай иш тутиш кераклиги ҳақида ўйлаб борди. Афтидан, медальон вазирликда эмас. Одам тўла суд залидаги Амбрижга нисбатан сеҳр қўллаб, медальоннинг қаердалигини билиб бўлмайди. Учовлон яхшиси, шахслари фош этилмай туриб, вазирликни тарк этгани маъқул. Бошқа бирор кун яна уриниб кўришади. Дастлаб Ронни топиш керак. Шундан сўнг, Германиони суд

залидан олиб чиқиш учун бирон чора ўйлаб топса бўлади. Лифт бўш келди. Кабинага кирган Гарри устидан тушиб кетаётган кўринмас плашини ечиб, тахлади. Иккинчи қаватга етганда лифт кабинасига бошдан-оёқ шалаббо, нигоҳи ақлдан озган кишининг нигоҳини эслатаётган Роннинг кириб келаётганини кўрган Гарри анча енгил тортди.

- Сал-салом, - дудуқланди Рон, Гаррига қараб.

- Рон, бу мен, Гарри!

- Гарри! Жин урсин, қиёфанг ёдимдан кўтарилибди.

Гермиона қани?

- Амбрижнинг амрини инкор эта олмай, иккаласи суд залига...

Лифт тўхтаб, Гаррининг гапи оғзида қолди. Эшик очилиб, ичкарига оқ сочини чумоли уясига ўхшатиб баланд турмаклаган аёл ва у билан гаплашаётган мистер Уэсли кирди.

- Нима демоқчи бўлаётганингизни тушуниб турибман, Ваканда, лекин мен иштирок эта олмайман, ўша...

Гаррини кўрган мистер Уэсли гапиришдан тўхтади, лифтнинг эшиги ёпилиб, ҳаракати давом этар экан, Гаррига ўқрайиб турди.

- Ие, Рэг, салом, - кўришди мистер Уэсли, коржомасидан сув томаётган Ронга бошдан-оёқ разм солиб, - Хотининг бугун судда сўроқ қилиниши керак эди, шекилли, а? Сенга нима қилди, ўзи? Нега ҳамма ёғинг хўл?

- Якслининг хонасида жала қуйяпти, - жавоб берди Рон.

У мистер Уэслининг кўзига эмас, елкасига қараб гапираётгани, агар кўзига тик қараса ота ўғлини нигоҳидан таниб қолиши мумкинлигидан чўчиётганини Гарри фаҳмлади.

- Ёмғирни тўхтата олмадим. Улар мени Берни Пиллсворси, деганларини чақириб келишим учун жўнатишди...

- Ҳа, сўнгги вақтда кўплаб хоналарда ёмғир қуйяпти, - деди мистер Уэсли, - Метеоложинкс Реканто тилсимини қўллаб кўрдинг-ми? Блетчлининг хонасида кор берган эди у.

- Метеоложинкс Реканто? - пичирлади Рон, - Йўқ, қўллаб кўрганим йўқ. Раҳмат, да... йўғ-е, Артур.

Лифт тўхтаб, эшиги очилгач, сочини чумоли уясига ўхшатиб турмаклаган аёл кабинани тарк этди. Рон ҳам лифтдан отилиб чиқиб, аёлнинг ёнидан ўтди-да, югурганча, кўздан

Ғойиб бўлди. Ронга эргашмоқчи бўлган Гаррининг йўлини аллақандай қоғозга бақрайиб кирган Перси Уэсли тўсиб қўйди.

Эшик қарсиллаб ёпилиб, атрофга қараган Перси отасини кўриб, лавлагидек қизариб кетди. Лифт кейинги қаватда тўхташи ҳамона, кабинани тарк этди. Ташқарига чиқмоқчи бўлган Гаррининг йилини бу сафар мистер Уэслининг қўли тўсди.

- Бир дақиқа, Ранкорн.

Кабина эшиги яна ёпилди.

- Эшитишимга қараганда Дирк Крессвелл ҳақида маълумотлар йиғилиб қолган эмиш сенда.

Персига рўбару келган мистер Уэслининг ғазаби баттар қайнаган кўринади, хаёлга борди Гарри.

- Сизни тушунмадим? - деди у, ўзини жиннига солиб олишни маъқул топиб.

- Муғомбирлик қилма, Ранкорн, - огоҳлантирди мистер Уэсли дарғазаб оҳангда, - Шажараси қалбакилаштирган сеҳргар Крессвеллни кузатиб юргансан, тўғрими?

- Мен... Айтайлик, шундай, хўш, нима гап? - деди Гарри.

- Гап шундаки, сеҳргарлик борасида Дирк Крессвелл сенга нисбатан ўн бош баланд, - деди мистер Уэсли, овозини пасайтириб, - Яна шуни ҳам билиб қўй-ки, агар у Азкабандан омон қайтса, унинг олдида жавоб беришингга тўғри келади. Унинг хотини, ўғли ва садоқатли дўстлари олдида жавоб беришинг ҳақида эса индамай қўя қолай...

- Артур, - гапни бўлди Гарри, - Сен назорат остидасан, биласанми шуни?

- Пўписа-ми бу, Ранкорн?

- Йўқ, бу ҳақ гап! Ҳар бир қадамнинг кузатиб юришибди.

Лифт эшиги очилиб, иккаласи атриумга етиб келди. Гарри билан дарғазаб нигоҳ-ла хайрлашган мистер Уэсли кабинадан чиқиб, нари кетди. Гарри-Ранкорн турган жойида қолди... Лифт панжараси боз жаранглади.

Гарри кўринмас плашини кассасидан чиқариб, устига ташлади. Рон рутубатли хона билан банд экан, Германиони ўзи олиб чиқиши керак. Лифт эшиги яна очилгач, машъалалар билан ёритилган тош йўлакка чиқиб, Сирли сеҳр бўлимнинг узоқда кўринаётган қоп-қора эшигига қаради.

У олға одимлай бошлади, қора эшикни эмас, ўша эшикнинг пастга, суд палаталарига олиб тушадиган чап томонидаги зинани мўлжал олди. Ҳозир унинг фикри-хаёли суд залига пинҳона кириш ўйи билан банд. Керак бўлса ёнида яна бирикки жуфт чалғитиш бомбачаси бор. Лекин суд залининг эшигини тақиллатиб, ичкарига Ранкорн сифатида бош суқиш ва Мафальдага икки оғиз гапи борлигини айтиб, ташқарига чақириб олиш яхшироқ, шундай эмасми? Ушбу режа кор бериши учун Ранкорн қанчалик муҳим шахс эканлигини Гарри билмайди. Дейлик, Германиони ташқарига чақириб олишга эришди у, аммо Гарри иккаласи вазирликни тарк этгунга қадар залга қайтиб кирмаган қизни қидириб топиш тадбири бошланиши мумкин-ку, ахир.

Ўйлаб, ўйига етмаган Гарри худди туман қаърига кириб бораётгандек, вужудини қамраб бораётган ғайритабиий эзилиш ҳиссини бирданига сезмади. Олға одимлаб борган сари, ушбу ҳис совуқлашиб, бўғзи тўлгач, ўпкасига тушиб кетгандай бўлмоқда. Яна бироздан сўнг, ичини лик тўлдириб, ташқарига отилиб чиқишига бир баҳя қолган умидсизликни ҳис этди у.

Дементорлар...

Зинанинг сўнгги поғонасига етиб, ўнг томон бурилган Гаррининг кўз ўнгида даҳшатли манзара очилди. Суд залига олиб кирадиган қоронғи йўлак эгнига жубба кийиб, қора қайтарма ёқасини бошига ташлаган дароз бўйли махлуқларга тўла. Башаралари тўлиқ тўсилган қабоҳатларнинг олаётган нафаси бу ерда эшитилаётган ягона товуш бўлмоқда. Маглар оиласида туғилган сеҳргарлар сўроққа тутилиш учун вазирликка чақирилган. Ҳозир улар бир ерга ғуж тўпланиб, тошдай қотганча, ёғоч курсини маҳкам ушлаб ўтиришибди. Уларнинг баъзилари кафти билан юзини бекитиб, гўё ўзини дементорларнинг баднафс оғзидан ҳимоя қилган. Уларнинг айримлари оиласи билан келган бўлса, баъзилари ёлғиз ўзи ҳозир бўлган. Дементорлар ушбу айбланувчилар олдида пастдан юқорига, юқоридан пастга сузиб, ҳаракатланмоқда. Умидсизлиг-у, чорасизлик киши қисматига ёзилган қарғишдек таъсир ўтказмоқда...

Курашмоқ даркор, деди Гарри ўзига ўзи. Лекин ҳозир у

Ҳимоячи яратадиган бўлса, ўзини фош этиб қўйиши муқаррар. Бинобарин Гарри аста олға юрди. Донг қотиш ҳолати кучайиб бораётганига қарамай, ҳозир унинг ёрдамига муҳтож бўлган Гермиона билан Рон ҳақида ўйлаб борди. Бўйи баланд махлуқлар орасидан ўтиш даҳшатли кечмоқда. Гарри олға одимлар экан қайтарма ёқа ортидаги кўзсиз башаралар аста бурилмоқда. Улар Гаррининг ўзини кўришмаса-да, шубҳа йўқ-ки, умид ва ички барқарорликка эга инсон борлигини ҳис этишмоқда... Йўлакда қарор топган ўлик жимжитлик дафъатан бузилди: чап томонидаги эшиклардан бири очилиб, кимнингдир бақир-чақири акс-садо бўлиб эшитилди:

- Йўқ, мен чиндан ҳам чала зот сеҳргарман, эшитяпсиз-ми, чала зотман! Отам сеҳргар, боринг, ўзингиз кўриб келинг. Унинг исми Арки Алдертоу, супурги дизайнери сифатида машҳур бўлган, ишонмасангиз ўзингиз кўриб келинг, эшитяпсиз-ми мени? Тортинг қўлингизни дедим...

- Сўнгги бор огоҳлантиряпман! Қаршилиқ кўрсатадиган бўлсанг, дементор бўсасига ҳукм қилинасан, - эшитилди Амбрижнинг сеҳр воситасида кучайтирилган таниш овози. Судланувчининг қичқириғи тинди-ю, ҳиқиллаб йиғлаётгани йўлакда ҳам эшитилмоқда.

- Олиб кетинг, - буюрди Амбриж.

Суд зали остонасида пайдо бўлган бир жуфт дементор эгнидаги жуббаси остидан чиқарган кул ранг, қандайдир шилимшиқ нарсага беланган, қорақўтир, худди сувда ириган ўлаксага ўхшаган қўли билан ҳушини йўқотган сеҳргарнинг билакларидан тутиб, йўлак бўйлаб пастга сузганча, ўз ортида қолдираётган қоронғиликда ғойиб бўлди.

- Кейинги судланувчи - Мэри Кэттермол, - чақирди Амбриж. Бошдан-оёқ дағ-дағ титраётган пакана, эгнига жўн коржома кийган аёл ўрнидан турди. Унинг узун сочи бир тутам қилиб орқага боғланган. Юзи мурдадек оқарган. Дементорларнинг ёнидан тинимсиз қалтираб ўтмоқда.

Ерости хонасига тушиб кетаётган ушбу аёлнинг аянчли ҳолатига хотиржам қараб тура олмагани учун бўлса керак, Гарри унинг ортидан суд залига ғайриихтиёрий равишда, аниқ бир режасиз кириб борди. Ичкарига кириши ҳамано, эшик ёпилди.

Бу ер бир вақтлар сеҳр-жодудан ғайриқонуний фойдалангани учун Гаррини сўроққа тутишган суд зали эмас. Шифти ўша залнинг шифтидек баланд бўлса-да, хона анча тор бўлиб, киши ўзини чуқур қудуққа тушиб кетгандек ҳис этади.

Дементорлар сони бу ерда нисбатан кўп бўлгани боис, хона ҳарорати анча паст. Шифт остидаги ганкор токчаларга жойлашган махлуқлар қиёфасиз қўриқчилар каби ҳаракатсиз.

Суд қораловчиларини айбланувчилардан нақшинкор панжара ажратиб турибди. Панжара ортида Амбриж, унинг ўнг қўлида Яксли, чап қўлида эса юзининг ранги Мэри Кэттермолнинг юзидан фарқ қилмай қолган Гермiona ўтирибди. Ёрқин кумуш тусли, йирик, узун тукли мушук панжара олдида тинимсиз юқорига кўтарилиб, пастга тушмоқда ва шу тариқа суд қораловчиларини дементорлардан таралаётган ва фақат айбланувчилар ҳис этиши талаб этилган умидсизлик ҳиссидан ҳимоя қилмоқда.

- Ўтиринг, - буюрди Амбриж, ёш қизчага хос майин овози ила. Миссис Кэттермол хона марказидаги супа устига чиқиб, у ерга ўрнатилган якка курсига ўтирди ва унинг қўлини, курсининг тирсакқўйгичидан отилиб чиққан занжирлар шу заҳоти кишанбанд қилди.

- Исмингиз Мэри Элизабет Кэттермол, шундайми? - сўради Амбриж.

Миссис Кэттермол бошини асабий ирғиди.

- Хўжалик ишлари бўлими ходими Режинальд Кэттермолга турмушга чиққансиз, шундайми?

- Қаерда юрибди у, билмайман. Мени шу ерда кутиб олиши керак эди, - хўнграб юборди миссис Кэттермол.

- Мэйзи, Элли ва Альфред Кэттермолларнинг онасисиз, шундайми?

Миссис Кэттермол баттар хўнгради.

- Уйга қайтмаслигим ҳақидаги хаёлнинг ўзи уларни қаттиқ қўрқувга солди.

- Бас қилинг, - ўкирди Яксли, - Маглвачча аёлларнинг фарзандлари билан ишимиз йўқ бизнинг.

Миссис Кэттермолнинг дод-фарёди супа ёнидан ўтаётган Гаррининг қадам товушини босди. Ҳимоячи-мушук

муҳофазаси остига ўтиши ҳамоно, ҳавонинг илиқлигини сезди. Ҳеч шубҳа йўқ-ки, Ҳимоячи Амбрижга қарашли. Мушук таратаётган кучли ёрқин нур остида Амбриж, таҳририни тузиш ишларида бевосита иштирок этган мазмунан бузуқ қонунларни ҳаётга шахсан ўзи татбиқ этаётганидан бахтиёр ўтирибди. Амбриж, Яксли ва Гермионанинг ортидаги қаторга ҳеч кимга сездирмай ўтган Гарри қизнинг ортидаги курсига жойлашди. «Овозимни эшитган Гермиона кўрқиб кетганидан ўтирган ўрнида сапчиб тушмаса бўлди», хаёлдан ўтказди Гарри. Амбриж билан Якслига нисбатан Маффлиато тилсимини қўлламоқчи бўлди-ю, ушбу тилсимни паст овозда талаффуз этилган тақдирда ҳам Гермиона чўчиб тушиши муқаррар. Миссис Кэттермолга мурожаат қилаётган Амбриж овозини баланд кўтарди.

- Орқангда ўтирибман, - пичирлади пайтдан фойдаланган Гарри Гермионанинг қулоғига.

Кутгандай бўлди. Суд мажлисида ўтаётган савол-жавобларни ҳужжатлаштириб ўтирган қиз сесканиб, сиёҳдонни ағдариб юборишига сал қолди. Фикри-хаёли миссис Кэттермолга қаратилган Яксли билан Амбриж Гермионага эътибор қилишмади.

- Мана бу сеҳрли таёқча бугун вазирликка кириб келганингизда сиздан олиб қўйилган таёқча, миссис Кэттермол, - деди Амбриж, қўлидаги сеҳрли таёқчани кўрсатиб, - Саккиз бутун тўртдан уч дюйм, олча дарахти, ўзаги яккашоҳ нарвал туки. Тўғри тавсифладим-ми?

Пастга энгаштириб, кўз ёшини занжирбанд қўлининг енгига артаётган миссис Кэттермол бош ирғиди.

- Марҳамат қилиб айтсангиз, қайси афсунгар аёл ёки сеҳргардан тортиб олгансиз, ушбу таёқчани?

- Торт... тортиб олгансиз? - йиғлаб сўради миссис Кэттермол,

- Ҳеч кимдан торт... тортиб олганим йўқ уни. Ўн бир ёшга тўлганимда сотиб олганман. Та... таёқча... таёқчанинг ўзи танлаган мени.

Миссис Кэттермол баттар уввос солди.

Амбриж Гаррининг ғазабини қайнатиб, ёш қизчага хос кулги ила хандон отди, ўз қурбонини яхшироқ кўриш мақсадида бироз олдинга энгашди. Шу пайт аллақандай тилла буюм унинг кўксидан чиқиб, бўйнида осилганча тебраниб

ялтиради: медальон!

Гермиона кутилмаганда паст овозда чийиллаб қўйди. Амбриж ҳам, Яксли ҳам ўз қурбони билан овора бўлиб, қизнинг овозига эътибор қилишмади.

- Йўқ, ундай эмас, миссис Кэттермол, - эътироз билдирди Амбриж, ҳиринглаб, - Сеҳрли таёқча фақат сеҳргарлар ёки афсунгар аёлларни танлайди. Сиз эса афсунгар эмассиз. Анкетадаги саволларга ёзган жавобларингиз бор менда. Уларни ўзингиз расмийлаштириб, жўнатгансиз. Мафальда, ўша анкетани узатиб юбор менга.

Амбриж калта қўлини Гермиона томон узатди. Унинг кафти қурбақа панжасига шу қадар ўхшар эдики, калта, йўғон бармоқлари орасида сузиш пардасини кўрмаганидан Гарри бироз ҳайрон бўлди. Ҳаяжонланаётган Гермионанинг қўли титрамоқда. Орқа томонда тахланган ҳужжатлар орасидан керакли қоғозни бир амаллаб топгач, Амбрижга узатди.

- Жуда... чиройли экан, а, Долорес, - деди у, Амбрижнинг кийими қатларида ялтираётган заргарлик буюмига имо қилиб.

- Нима? - сўради Амбриж пастга қараб, - А-а, буми! - йирик кўкраги устидаги медальонни силади у, - Қадимий хонадон ёдгорлиги, Ундаги «С» ҳарфи Сельвин фамилиясини англатади. Чунки мен Сельвинлар авлодиман. Бизга қариндош бўлмаган асилзот сеҳргарлар хонадони жуда кам, сиз ҳақингизда эса, миссис Кэттермол, бундай деб бўлмайдим, - овозини кўтарди у, - Ота-онангиз касби: мева сотувчилар. Яксли кулиб юборди. Кумуш тусли пахмоқ мушук пастдан юқорига, юқоридан пастга юриб қўриқлаётгани боис, тошдек қотган дементорлар бурчак-бурчакларга биқиниб олишган. Амбрижнинг ёлғонидан миясидаги қони қайнаб кетган Гарри эҳтиёткорликни унутди. Майда ўғрининг қўлидан пора тариқасида тортиб олган медальондан энди ўзининг асилзодалигини тасдиқлаш мақсадида фойдаланмоқда. Қўлига сеҳрли таёқчасини олган Гарри, уни кўринмас плаш остида яширишни хаёлига ҳам келтирмай, қарғиш қўллади: - Ступефай!

Қизил яшин чақнади. Амбриж пешанаси билан панжарага урилиб, ҳушсиз йиқилди. Миссис Кэттермолга тегишли ҳужжатлар тиззасидан ерга тўкилди. Панжара олдида ялла

қилиб юрган кумуш мушук ғойиб бўлди. Кутилмаган ҳодисадан саросимага тушган Яксли атрофга аланглаб, қарор топган хавф манбасини қидирди. Гаррининг сеҳрли таёқча ушлаган танасиз қўлини кўриб, ўзининг сеҳрли таёқчасини чиқаришга уринди-ю, кеч қолди.

- Ступефай!

Полга қулаган Яксли чангак бўлганча, тек қотди.

- Гарри!

- Гермiona, агар сен мени бу ерда, унувининг алжирашларини эшитиб, бекор ўтиради, деб ўйлаган бўлсанг, янглишибсан...

- Гарри, миссис Кэттермол.

Гарри орқага ўгирилиб, кўринмас плашини ечди. Пастда ҳар хил бурчаклардан отилиб чиққан дементорлар занжирбанд қилинган аёл томон сузишди. Ҳимоячи даф бўлгани боисми, ё соҳиблари назорат қилмай қўйгани учунми, энди дементорлар зал ичида бемалол ҳаракатланмоқда. Ириган ўлаксага ўхшаган қорақўтир қўл миссис Кэттермолнинг иягидан ушлаб, бақиртирганча юзини орқага тортди.

- ЭКСПЕКТО ПАТРОНУМ! - қичқирди Гарри.

Гаррининг сеҳрли таёқчасидан отилиб чиққан кумуш тусли эркак буғу дементорларни ҳар томон қувиб солди. Буғунинг ёруғлиги мушукнинг ёруғлигига нисбатан кучли бўлиб, бутун еростини ёритиб, иситди.

- Руҳдонни ол, - деди у Гермionaга.

Кўринмас плашини йўл-йўлакай тахлар экан, пастга, миссис Кэттермолнинг ёнига югурди.

- Сен? - пичирлади аёл, Гаррига диққат-ла разм солиб, - Бироқ... лекин... Регнинг айтишича, менинг ишимни судга оширган сен бўлгансан.

- Йўғ-е? - ғудуллади Гарри, аёлнинг қўлини кишанбанд қилган занжир билан овора бўлиб, - Ундай бўлса, мен ўз қарашларимни ўзгартирдим. Диффиндо!

Ҳеч нарса рўй бермади.

- Гермiona, мана бу занжирни нима қилсам бўлади?

- Ҳозир, мен бир тилсимни синаб кўраман...

- Гермiona, биз дементорлар қуршовидамиз! - эслатди Гарри.

- Биламан, Гарри. Аммо мана бу ўзига келиб, медальони йўқолганини кўрса... нусхасини яшаш керак... Геминио! Ана

бўлди... томи кетиши аниқ...

Қиз югуриб пастга тушди.

- Қани, кўрайлик-чи... Релашьо!

Кишан жаранглаб очилиб, курсининг тирсакқўйгичига кириб кетди. Миссис Кэттермол қўрқув тўла нигоҳини дам Гаррига, дам Гермионага олиб ўтмоқда.

- Ҳеч нарсани тушунмаяпман, - деди у ниҳоят.

- Бу ердан биз билан бирга чиқасиз, - деди Гарри, аёлга оёққа туришга ёрдамлашиб, - Уйингизга қайтиб, фарзандларингизни оласиз, сўнг, ушбу юртдан имкон қадар узоққа жўнайсиз. Ниқобланинг-да, бошингиз оққан томон қочинг. Нималар бўлаётганини ўзингиз кўрдингиз, адолатли судга умид қилманг.

- Гарри, ташқари тўла дементор бўлса, қандай чиқамиз бу ердан? - сўради Гермиона.

- Ҳимоячилар, - деди Гарри, сеҳрли таёқчасини эшик олдида юрган буғуси томон ўқтаб, - Ҳамма ўз ҳимоячисини чақириши керак. Ҳимоячингни чақир, Гермиона.

- Экспек... експекто патронум, - деди Гермиона.

Ҳеч нарса рўй бермади.

- Уддалаши қийин кечадиган ягона тилсими шу бўлади, - тушунтириш берган бўлди Гарри, батамом эсанкираб қолган миссис Кэттермолга, - Яна урин, Гермиона!

- Экспекто патронум!

Қизнинг сеҳрли таёқчасидан отилиб чиққан кумуш қундуз ҳавода жавлон урганча буғу томон сузди.

- Юринглар, - деди Гарри, Гермиона билан миссис Кэттермолни чиқиш эшиги томон етаклаб.

Ҳимоячилар еростидан чиқиши ҳамоно, ташқарида ўз навбатини кутиб ўтирган одамларнинг қичқириқлари янгради. Гарри атрофга назар солиб, икки томонда кумуш ҳимоячилардан қочаётган дементорлар қоронғиликда гум бўлаётганини кўрди.

- Ҳамма уйига қайтиб, оиласи билан бекиниб олиши даркор. Суд шундай қарор қабул қилди, - эълон қилди Гарри, маглар оиласида туғилганларга мурожаат қилиб, - Иложини топсангиз, хорижга кўчиб кетинг, - қўшимча қилди у, ҳимоячилар таратаётган шуъладан кўзи қамашган одамларга, - Вазирликдан узоқроқ бўлинг. Бу янги қабул

қилинган расмий сиёсат. Агар мана бу ҳимоячилар ортидан борсангиз, атриумни тарк этишингиз мумкин бўлади.

Улар ишонч-ла одимлай кетишди. Бироқ лифтга етганда Гарри ғалати хаёлга борди. Агар улар кумуш буғу ва қундуз ҳимояси остида, маглар оиласида туғилганликда айбланаётган йигирматача одамни ортидан эргаштириб атриумда пайдо бўлишса, бошқаларнинг номақбул диққат-эътиборини ўзларига қаратиб қўйишмайди-ми? Шу пайтда лифт тўхтаб, панжараси очилди.

- Тег! - бақирди миссис Кэттермол, ўзини Роннинг қучоғига отиб, - Мени Ранкорн халос этди. У Амбриж билан Яслини бир ёқли қилиб, ҳамма юртни тарк этиши кераклигини айтди. Унинг айтганини қилганимиз маъқул. Тег, юр, тез уйга бориб, болаларимизни олайлик-да... нега бошдан-оёқ шалаббосан?

- Сув, - ғудуллади Рон, ўзини аёлдан нари тортиб, - Гарри, улар вазирлик биносида таклиф қилинмаган меҳмонлар борлигини билишади. Амбрижнинг эшигида ҳосил бўлган қандайдир туйнук ҳақида гап юрибди. Ихтиёримизда бўлса, беш дақиқача бор холос, агар...

Юзидан қаттиқ чўчигани кўриниб турган Гермиона Гарри томон юзланиши ҳамона, унинг кумуш қундузи паққилаган товуш чиқариб, кўздан ғойиб бўлди.

- Гарри, биз бу ерда қолиб кетсак-чи...

- Йўқ, қолмаймиз, агар тезроқ юрадилар бўлсак, - деди Гарри, сукут сақлаб бақрайиб турган халойиққа мурожаат қилиб, - Кимнинг сеҳрли таёқчаси бор?

Халойиқнинг ярми қўл кўтарди.

- Яхши. Сеҳрли таёқчаси йўқлар таёқчали кишилар билан жуфтлашинг, - буюрди Гарри, - Улар бизни тўхтатишга улгурмасидан тез чиқиб кетишимиз керак. Олға.

Халойиқ иккита лифтга жойлашишга аҳд қилди. Кабина эшиги ёпилиб, лифт ҳаракат бошлар экан, Гаррининг Ҳимоячиси олтин панжара олдида қўриқчидек қолди.

- Саккизинчи қават. Атриум, - эълон қилди жисмсиз аёл овози.

Жиддий муаммо кутаётганини Гарри аниқ билган.

Атриумдаги одамлар каминдан каминга югуриб, панжараларини қулфламоқда.

- Гарри, - пичирлади Гермиона, - Қаёққа борамиз энди...

- ТҮХТАНГ! - қичқирди Гарри, Ранкорннинг қудратли овози ила.

Панжара қулфлаётган одамлар акс-садодек янграган овозни эшитиб, тек қотишди.

- Ортимдан, - пичирлади Гарри, ортидаги, Рон билан Гермiona ҳамроҳлигидаги қути ўчган халойиққа мурожаат қилиб.

- Тинчликми, Альберт? - сўради, боя Гарри билан бир каминдан чиққан кал сеҳргар, асабий аҳволда.

- Каминлар ёпилгунча, мана бу одамлар гуруҳи вазирликни тарк этиши керак, - деди Гарри, ўзини имкон қадар катта тутиб.

Олдида турган сеҳргарлар бир-бирига қараб қўйишди.

- Бизга берилган буйруққа биноан, ҳамма жой ёпилиб, ҳеч кимни...

- Гап қайтаришга журъат этипсизлар-ми, менга? - ўкирди Гарри, - Дирк Кресвеллнинг шажарасини ўрганиб чиққанимдай сенинг ҳам шажарангни синчковлик билан ўрганиб чиқишим керак шекилли, а?

- Маъзур санайсан, Альберд, - деди кал сеҳргар, базўр нафас олиб, - Мен ҳеч нарса демоқчи эмасман... фикримча, уларнинг барини сўроққа тутиш учун...

- Уларнинг қони тоза, - маълум қилди Гарри, таъсирли оҳангда, - Аксариятингизнинг қонидан ҳам тоза, билмоқчи бўлсангиз. Кетинг бу ердан, - буюрди у, ортида турган халойиққа.

Маглар оиласида туғилган сеҳргарлар очиқ каминлар томон ошиқиб, жуфт-жуфт бўлганча, гум бўла бошлашди. Вазирлик ходимлари ортга чекинишди. Уларнинг айримлари саросимага тушиб қолишган бўлса, баъзиларининг юзи домангир қиёфа касб этди.

- Мэри? - кутилмаганда чақирди кимдир.

Миссис Кэттермол елка узра орқага қаради. Кўнгли беҳузур бўлмай қолган, лекин рангпар юзидан қаттиқ чарчагани кўриниб турган ҳақиқий Рег Кэттермол лифтдан югуриб чиқди.

- Ре-рег?

Аёл нигоҳини эридан болохонали сўкина бошлаган Ронга олиб ўтди.

Боши кал сеҳргар ҳам нигоҳини бир Регдан иккинчи Регга олиб ўтганча, турган жойида серрайиб қолди.

- Ҳой! Нималар бўляпти ўзи, бу ерда, а? - сўради ҳақиқий Рег.

- Панжараларни туширинг, қулфланг! КАМИНЛАРНИ ЁПИНГ! - ўкирди бошқа лифтдан сакраб чиққан Яксли.

Миссис Кэттермолдан ташқари, ҳамма гум бўлишга улгурди.

Кал киши сеҳрли таёқчасини кўтарган эди ҳам-ки, Гаррининг йирик мушти берган зарбадан атриумнинг нариги боши томон учиб кетди.

- Магловаччаларнинг қочиб кетишига ёрдам бераётган экан у, Яксли! - қичқирди Гарри.

Кал кишининг шериклари орасида тўполон кўтарилди.

Фурсатдан фойдаланган Рон миссис Кэттермолни маҳкам ушлаб, ўзини каминга урди-да, кўздан ғойиб бўлди.

Эсанкираган Яксли нигоҳини Гарридан ҳозиргина мушт еган кал сеҳргарга олиб ўтди. Ҳақиқий Рег Кэттермол эса бу пайтда бақириб қолди:

- Хотиним! Ким эди ўзи, хотинимни олиб қочган?! Нималар бўляпти ўзи бу ерда?!

Калтафаҳм Яксли ниманидир англаганини кўрган Гарри Гермionaга қичқирди:

- Кетдик бу ердан!

Гарри қизнинг қўлидан ушлаб, камин ичига сакраган эди ҳам-ки, Яксли йўллаган қарғиш яшини боши устидан учиб ўтди. Гермiona иккаласи бир неча сония айланиб, ҳожатхона бўлмасида пайдо бўлишди.

Гарри бўлма эшигини ланг очди. Рон ҳамон миссис Кэттермол билан курашмоқда.

- Рег, мен ҳеч нарсани тушунмаяпман...

- Тинч қўй дедим. Мен эмас сенинг эринг. Яхшиси уйингга бор!

Бўлмада шовқин эшитилиб, Яксли пайдо бўлди.

- ҚОЧДИК! - қичқирди Гарри.

У Рон билан Гермionанинг қўлидан ушлаб, турган жойида айланди.

Зулмат уларни ўз домига тортди. Қўллар сиқилди, лекин нимадир нотўғри кетди... Гермionанинг қўли Гаррининг қўлидан сирпаниб чиқмоқда.

Қизиқ, ҳаво етишмай бўғилиб ўлармикан? Гарри нафас

олишга қийналяпти, кўзига ҳеч нарса кўринмаяпти. Ҳис этаётган ягона нарса Гермионанинг бармоғи билан Роннинг сирпаниб чиқаётган қўли... Бир пайт унинг кўзига Пинҳонийлик майдонидаги 12- уйнинг илон танасига ўхшатиб ясалган эшик болғаси кўринди. Энди нафас олмоқчи бўлган эди ҳам-ки, қирмизи яшин чақнагани ва аллақандай қичқириқ янграганини эшитди. Гермионанинг қўли йўқолиб, яна зулмат ютиб юборди.

ЎН ТҮРТИНЧИ БОБ. ЎҒРИ

Гарри тилла-яшил ёруғликдан кўзи қамашиб, нималар рўй берганини тасаввур ҳам қилмай, шох-шабба ва хазондан ҳосил бўлган кўрпа устида ётибди. Ўпкасини худди сиқилгандай ҳис этаётгани учун нафас олишга бор кучини сарф этмоқда. Кўзини пирпиратиб олгач, тилла-яшил ёруғлик қуёш нури билан дарахт шохларидан иборат табиат чодирини эканлигини англади. Юзи яқинида нимадир титрамоқда. Бирон-бир майда бўлса ҳам, шафқатсиз махлуққа юзма-юз келишга ҳозирланиб тиззасига турган Гарри Роннинг оёғига рўбару келди. Атрофга назар солган Гарри афтидан, дўстлари Рон ва Гермиона билан бирга ўрмонда, ёлғиз ўзлари ётганини фаҳмлади. Гаррининг хаёлига биринчи навбатда Ман этилган ўрмон келди. Ҳозирги вазиятда «Хогварц» яқинида пайдо бўлиш аҳмоқликдан ўзга нарса эмас, шу боис, Хагриднинг кулбасига имкон қадар тезроқ етиб олиш лозим. Бир неча сония ўтиб, Роннинг инграганини эшитган Гарри дўсти томон эмаклар экан, ўрмон дарахтлари анча ёш, ораларидаги масофа кенглиги, қуёш нури ерга мўл тушишидан бу ер Ман этилган ўрмон эмаслигини фаҳмлади. Гермиона ҳам Роннинг бошида тиз чўкиб ўтирибди. Қизнинг ҳолатини кўрган Гарри нигоҳини шу заҳоти Ронга олиб ўтди-ю, бошқа масалаларни унутди. Роннинг чап томони қонга беланган бўлиб, юзининг ранги хазон орасида оқиш-кул ранг бўлиб ажраб турибди. Ҳамма қиёфа сиркасининг кучи барҳам топмоқда: дўсти ярми Кэттермол, ярми Рон бўлиб ётибди. Сочи ҳам қонга беланган юзидек қизариб бормоқда.

- Унга нима қилди?

- Парчаланди, - деди Гермиона.

Роннинг қоп-қора қонга беланган енги билан овора бўлган қиз кўйлак йиртмоқда. Ҳавода нотўғри даф бўлган кишининг парчаланган ҳолатини Гарри доимо кулгили тасаввур этар эди. Аслида эса... Роннинг ички аъзолари ташқарига жуда хунук чиқиб турибди. Гермиона ечинтирилган Роннинг қўлини кўтарди. Худди ўткир пичоқ билан кесиб олингандек, баданнинг каттагина қисми етишмаяпти.

- Гарри, тез бўл, сумкамнинг ўнг томонида сиртига «Шумтол экстракти» деб ёзилган кичкина шиша бор, олиб кел!

Гарри Гермионанинг мунчоқ қадаб тикилган кичкина сумкачасини топиб, оғзини очди, ичига қўлини суқиб, нарса пайпаслади, бармоғи чарм муқовали китоб, жемпер енги, ботинка пошнаси кабиларни сизди.

- Тезроқ, Гарри!

Гарри сеҳрли таёқчасини қўлига олиб, сумка ичига йўллади

- Ассио Шумтол экстракти!

Сумка ичидан тикка отилиб чиққан миттигина жигар ранг шишани ҳавода тутиб олган Гарри кўзи орқага тортган Рон ва унга тиббий ёрдам кўрсатаётган Гермионанинг олдига шошди.

- Ҳушидан кетди, - маълум қилди Гермиона, ранги оқариб.

Қиз ҳам, гарчи сочи ҳали Мафальданинг кул ранглигини сақлаб қолаётган бўлса-да, ўз қиёфасини касб этмоқда.

- Қопқоғини очиб бер, Гарри, қўлим қалтираяпти.

Гарри шишанинг тиқинини бураб очиб, қизга қайтарди.

Гермиона қон сизиб чиқаётган жароҳатга уч томчи дамлама томизди. Яшил тусли буғ кўтарилиб тарқагач, қон тўхтаб, ҳозиргина очиқ жароҳат кўринган жойни янги тери қоплади.

- Ёмон эмас, - деди Гарри.

- Қўлимдан келгани шу бўлди, - деди Гермиона пичирлаб, - Уни батамом соғайтириб юборадиган тилсимлар бор-у, қўлламайман. Агар оз бўлса ҳам, хатога йўл қўйсам, жароҳат янада оғирлашиши мумкин... шундоқ ҳам кўп қон йўқотди у... Нима рўй берганини тушуниш учун бўлса керак, Гарри бошини силкитиб олди.

- Қандай яраланди у? Яъни нима учун биз бу ерда пайдо бўлдик? Пинҳонийлик майдонига қайтишимиз керак эмасми-ди?

- Гарри, - деярли йиғлагудек оғир хўрсинди Гермиона, - Менимча биз энди у ерга қайта олмаймиз.

- Нега энди қайта олмас эканмиз?

- Ҳавода даф бўлган фурсатимизда Яксли мени маҳкам ушлаб олди. Ниҳоятда бақувват бўлгани учун, ундан халос бўлишнинг иложи бўлмади. Пинҳонийлик майдонида етганимизда у, ўйлашимча, унинг кириш эшигини кўрди ва биз 12- уйда қолишимизга ишонч ҳосил қилди. Шундан сўнг, мен сизларни бу ёққа олиб ўтдим.

- Ундай бўлса, ҳозир қаерда у? Шошма... Пинҳонийлик майдонида қолган, энди у уйга ҳам кира олади демоқчи эмасмисан, мабодо?

Кўзи жиқ-жиқ ёшга тўлган Гермиона бош ирғиди.

- Ўйлашимча, кира олади, Гарри. Уни Ревульсион қарғиши ёрдамида мени тинч қўйишга мажбур қилдим, лекин айна вақтда Сир сақловчи этиб ҳам қўйдим. Дамблдор ўлганидан кейин Сир сақловчи бўлиб биз қолганмиз, шундай экан, мен беихтиёр сирни очиб қўйганман унга, тўғрими?

Мунофиқлик йўқ. Қиз ҳақ эканлигига Гаррининг ишончи комил. Бу жуда жиддий зарба. Модомики, Яксли энди уйга кира олар экан, ортга қайтишга йўл йўқ. Энди Яксли бошқа Ўлимдан мириқувчиларни олиб кириши мумкин у ерга.

Зулмат ва оғир руҳий кайфият ҳукм сурса-да, ўша уй учовлон учун ягона хавфсиз паногоҳ бўлиб хизмат қилаётган, боз устига, Тараққос ҳам энди ўзини бахтиёр ҳис этиб, дўстона муносабат кўрсатаётган эди. Гарри афсус ва надомат ила Тараққоснинг хайрлашув олдидан чуқур таъзим бажо айлаб, қайтишларига мол гўштидан пирог ва сухари пишириб қўйишни ваъда қилганини эслади.

- Жуда афсусдаман, Гарри, афсусдаман.

- Қўйсанг-чи, Гермиона. Бу сенинг эмас, аслида менинг айбим...

Гарри кассасидан Хмурининг кўзини чиқариб, қизга кўрсатди.

- Амбриж бунди, одамларни пинҳон кузатиб бориш мақсадида, ўз хонасининг эшигига маҳкамлаб қўйибди, - деди у, чўчиб, нари сакраган Гермионага, - Кўз йўқолиб, ўрнида бўш туйнук қолганини кўришгач, вазирлик биносида таклиф қилинмаган меҳмонлар борлигини фаҳмлашган.

Гермиона эндигина оғиз жуфтламоқчи бўлган эди ҳам-ки, Рон инграб, кўзини очди. Унинг ранги ҳали ҳам кул ранг бўлиб, юзи жиққа терга ботган.

- Аҳволинг қалай? - пичирлади Гермиона.

- Чатоқ, - хириллади Рон, жароҳатланган қўлига бехос ёнбошлагани боис, оғриқдан сапчиб, - Қаердамиз?

- Квидиш бўйича жаҳон кубоги ўтказиладиган ўрмонда, - жавоб берди Гермиона, - Ҳимояланган, яширин жойга боришни хоҳладим ва бу ер...

- Хаёлингга келган биринчи жой бўлди, - қизнинг фикрини яқунлади Гарри, ўрмоннинг бўм-бўш яланглигига назар солиб.

Сўнгги бор улар Гермионанинг хаёлига келган биринчи жойда пайдо бўлишганда саноқли дақиқалар ўтиб-ўтмай, уларни Ўлимдан мириқувчилар топиб олишган эди.

Окклуменция деганлари ўша бўлди-ми? Гермиона шериклари билан қаёққа даф бўлганини Вольдеморт ёки унинг малайлари ўшанда ҳам, ҳозир ҳам билишганмикан? Афтидан, Рон ҳам шу ҳақда ўйлаб ётган кўринади.

- Ҳаракатни давом этиш керак, деб ўйлайсан-ми? - сўради у Гарридан.

- Билмадим.

Бўшашган, юзидан қон қочган Роннинг аҳволи чиндан ҳам чатоққа ўхшайди. Ўрнидан туришга уринмаганидан ҳали анча заифлиги, бирон ерга кўчиб ўтиш унга ҳозир жуда малол келиши кўриниб турибди.

- Ҳозирча шу ерда қолайлик, - деди Гарри.

Ёнгил тортган Гермиона ўрнидан ирғиб турди.

- Нима қиляпсан? - сўради ундан Рон.

- Модомики шу ерда қолар эканмиз, теварак-атрофга бир нечта ҳимоя тилсимини қўллаб юбориш керак, - жавоб берди қиз, сеҳрли таёқчасини қўлига олиб.

У Гарри билан Роннинг атрофида юриб, алланима ғудуллай кетди. Гарри ҳавода аллақандай тўлқинлар ҳосил бўлаётганини кўрди. Қиз атрофга иссиқ туман тарқатаётгандай, гўё.

- Сальвио Хексия... Протега Тоталум... Репелло Магглтум... Маффлиато... Чодирни ол, Гарри...

- Чодирни?

- Ҳа, сумкамдан.

- Сум... Ҳозир.

Бу гал Гарри сумкага қўл тиқиб, қийналиб ўтирмади. Сеҳрли таёқчасини қўлига олиб, яна бир бор буюм чақирши афсунини қўллади.

Чодир канопдан тўқилган қалин мато, арқонлар ва қозикларнинг роса ёғимланган аралашмаси кўринишида отилиб чиқди. Гарри мушук ҳиди уриб кетган ушбу чодирни таниди: Квидиш бўйича жаҳон кубогигини томоша қилган куни тунашган эди унда.

- Бу чодирни мистер Уэсли билан бирга ишлайдиган кекса Пёркинсга тегишли, деб юрар эдим, - деди Гарри, чалкашиб кетган қозикларни чиқариб олишга уриниб.

- Бечоранинг белоғриғи кучайганидан қайтариб олишни истамаган кўринади, - жавоб берди Гермиона, қўлидаги сеҳрли таёқчаси билан саккиз рақамини эслатадиган мураккаб ҳаракат бажариб, - Шунинг учун Роннинг дадаси уни бизга вақтинча фойдаланиб туриш учун берди. Эректо! - деди у, сеҳрли таёқчасини матога ўқтаб.

Мато аста кўтарилиб, чодир кўринишини касб этганча, тўлиқ тикланди. Қозиклардан бири Гаррининг қўлидаги отилиб чиқиб, ерга, тегишли жойга санчилгач, арқонлардан бирининг учи унга маҳкам боғланиб, таранг тортилди.

- Кейв Инимцум, - деди Гермиона, юқорига йўналтирилган ҳаракат-ла, тилсим қўллашни бас қилиб, - Қўлимдан келгани шу. Ҳар қалай, улар пайдо бўлгани бизга билинади, бироқ бу тўсиқлар Вольд...

- Исмини талаффуз этма! - қатъий оҳангда ман этди Рон. Гарри билан Гермиона бир-бирига қараб қўйишди.

- Узр, - деди Рон, иккаласини кўриш учун ётган ўрнида бошини бироз кўтариб, - Назаримда, унинг исмида тилсим ёки алланима бало борга ўхшайди. Ўзинг-Биласан-Ким... деб айтишимиз мумкин-у, а? Илтимос.

- Дамблдорнинг айтишича, муайян нарсанинг номидан қўрқиш...

- Агар фаҳламаган бўлсанг, айтишим мумкин, дўстим. Ўзинг-Биласан-Кимнинг исмини қўрқмай айтиб юрган ўша Дамблдорнинг қисматига ҳавас қилиб бўлмайди, - кесатди Рон, Гаррининг гапини бўлиб, - Ўзинг-Биласан-Кимга оз бўлса

ҳам, ҳурмат кўрсатишинг керак, шундай эмасми?

- Ҳурмат кўрсатишим керак?

Гермиона Гаррига бас қилиш нигоҳи ила қараб қўйди. Рон жуда заиф ҳолатда ётгани боис, афтидан, Рон билан баҳслашиши мумкин эмас кўринади. Гарри билан Гермиона Ронни бир амаллаб чодирнинг кириш эшиги ёнига кўтариб келишди. Чодир ичига кирган Гарри таниш манзарани кўрди: ваннахона, ҳожатхона ва ошхонага эга уч хонали уй. Гарри эски курсини нари итариб, Ронни икки қаватли каравотнинг пастки қаватига ётқизди. Ҳатто мана шу қисқа масофали ҳаракат ҳам Ронни ҳолдан тойдирди, матрасга ётқизилгач, кўзини юмиб, узоқ вақт овоз чиқармай ётди.

- Ҳозир чой дамлайман, - ҳансиради Гермиона, сумкачасидан чойнак-пиёла чиқарганча, ошхона томон йўл олиб.

Гарри чойни лаззатланиб, кўнгилдаги ичимликдай кўриб ичди. Худди Ўйноқкўз Хмури ўлган кун ичилган виски каби, чой ички қалтироққа барҳам берди.

- Кэттермолларга нима қилди экан, нима деб ўйлайсан? - тилга кирди Рон, бир-икки дақиқа ўтгач.

- Нима қилганда ҳам, сувдан қуруқ чиқишгани аниқ, - жавоб берди Гермиона, - Агар мистер Кэттермол эсини еб битирмаган бўлса, миссис Кэттермолни ҳавода бир томонлама даф этиб, ҳозир бола-чақаси билан хорижга чиқиб кетаётган бўлиши керак. Буни уларга Гарри тавсия этган эди.

- Ҳа, чиқиб кетишган бўлса керак, деган умиддаман, - деди Рон, ёстиққа ёнбошлаб.

Чой унга ҳам яхши таъсир қилган кўринади, юзига қон югуриб қолди.

- Рег Кэттермолнинг қиёфасида юрганимда одамларнинг менга кўрсатган муносабатларига қарамай, ишончим комилки, у анча фаҳм-фаросатли одам. Қочиб қутулганига ишонгим келяпти... - давом этди у, - Агар иккаласи бизнинг касримизга Азкабанга қамаладиган бўлса...

Гарри Гермионага қараб, миссис Кэттермолнинг сеҳрли таёқчаси йўқлиги ҳавода даф бўлишига тўсқинлик қилиш-қилмаслигини сўраб билмоқчи бўлди-ю, гапи оғзида қолди. Кэттермоллар қисмати борасида қайғураётган Ронга тикилган Гермионанинг кўзи ноз-навозишга шу қадар

тўлибди-ки, худди Ронни ўпаётгандек ўтирибди.

- Сенда, а, у? - сўради Гарри, ўзи ҳақида эслатиб.

- У? Нима - у? - тушунмади Гермиона.

- Нима мақсадда ўтказдик биз шунча балони бошимиздан? Медальонда! Қани медальон?

- Медальон?! Сиздами у? - бақирди Рон, ёстиққа ёнбошлаганча, қаддини бироз кўтариб, - Ҳеч ким ҳеч нарса демайди-я, менга! Лоақал шама қилиб қўйсангиз бўлармиди!

- Ўлимдан мириқувчилардан қочиб, ҳаётимизни сақлаб юрганимиз учун бўлса керак, сенга бу ҳақда шама қилишга вақт топа олмаган эдик, - тушунтириш берган бўлди Гермиона, - Мана, менда у.

Қиз ридосининг ички киссасидан тилла буюм чиқариб, Ронга узатди. Товуқнинг тухумидай йирик, ўртасидаги «С» ҳарфининг атрофига майда яшил тошлар воситасида қадама нақш берилган медальон қалин матоли чодир ичида милт-милт ярқираб кўринди.

- Буни Тараққос қўлга киритганидан кейин, уни бирон киши бузган бўлиши мумкинми? - умид-ла сўради Рон, - Яъни бу буюм ҳамон руҳдон бўлганча қолаётганига ишончимиз комилми?

- Ўйлашимча, шундай, - деди Гермиона, медальонни қўлига олиб, яқиндан ўрганиб чиқар экан, - Агар сеҳр воситасида кучидан маҳрум қилинганида, унга етказилган шикаст изи сиртида қолган бўлиши керак эди.

Гарри Гермионадан олган медальонни қўлида айлантириб, томоша қилди. Буюм бутун, шикаст етказилмай, аъло даражада сақланган. У Том Реддлнинг дабдаласи чиққан кундалигини, Дамблдор томонидан кучдан маҳрум қилинган узукнинг тоши дарз кетганини эслади.

- Тараққоснинг гапи тўғрига ўхшайди. Ичидаги руҳни ўлдириш учун, ушбу руҳдонни очиш масаласи устида анча тер тўкишга тўғри келади, - фикр билдирди Гарри.

Шу гапни айтар экан, Гарри, ушбу тилла буюм ичида яшаётган нарсани ўзи учун кутилмаган тарзда тасаввур қилиб, ҳайратда қолди. Қидириб топиш учун қанчадан-қанча саъй-ҳаракат қилинганига қарамай, медальонни имкон қадар узоққа улоқтириб юборгиси келди. Яна ўзини енгиб, медальонни бармоғи билан очишга уринди, бўлмади. Сўнг,

Гермиона Регулюснинг хобхонасини очиш учун эшикка қўллаган тилсимни қўллади, бўлмади. Ҳаракати зое кетгач, медальон Рон билан Гермионага қайтариб берди. Иккаласи ҳам қўлдан келганча уринишди, медальон очилмади.

- Сен ҳам ҳис этдинг-ми? - паст овозда сўради Рон, медальонни кафтида маҳкам сиқиб.

- Нимани назарда тутяпсан?

Рон руҳдонни Гаррига узатди. Икки сония ўтар-ўтмас Рон нимани назарда тутганини Гарри тушунди. Ҳис этган нарса ўз томирида оқаётган қоннинг тепишими, ё медальон ичида митти металл юрак тепяпти-ми?

- Нима қиламиз энди уни? - сўради Гермиона.

- Очиб, ичидаги руҳни ўлдириш усулини топгунимизга қадар хавфсиз жойда сақлаймиз, - жавоб берди Гарри, ўзи истамаса ҳам, медальонни бўйнига, Хагрид совға қилган эшак терисидан тикилган қопча ёнига осиб.

Гермиона ўрnidан туриб, керишиб олди.

- Фикримча, чодир атрофидаги вазиятни навбат билан кузатиб боришимиз, шунингдек, егулик ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз даркор, - деди Гарри, - Йўқ, сен жойингдан қўзғалма, - қўшимча қилди у, Роннинг кўкариб қолганига қарамай, ўрnidан туришга уринганини кўриб.

Куннинг қолган ярми Гаррининг Гермиона совға қилган офатскопи чодирдаги стол устига ўрнатилиб, кузатувчилар алмашиб борган тарзда ўтказилди. Офатскоп қўзғалмай, куни билан тек турди. Ё Гермиона қўллаган тилсимлар-у, магларга қарши ҳимоя чоралари туфайли, ё чиндан ҳам одамлар бу томонлардан ўтмаслиги сабабли, ушбу ўрмон яланглиги қушлар-у, олмахонлардан узоқда, кимсасиз қолди. Оқшом маҳалда ҳам вазият ўзгармади. Кечқурун соат ўндан ошганда Гарри сеҳрли таёқчасини ёритиб, Гермионани алмаштирди. Хилват атрофда, афтидан, ҳимоя пардаси туфайли бўлса керак, баланд учаётган кўршапалаклардан ташқари, ҳеч нарса кўринмади. Гарри қорни очгани ва кўзи тинаётганини ҳис этди. Пинҳонийлик майдонидаги уйга қайтишларига шубҳа қилмаган қиз ўзининг сеҳрли сумкасига егулик солиб олмабди. Шунинг учун Гермиона яқин-орадаги дарахтлар остидан териб келиб, сафар қозонида димлаган ёввойи қўзиқоринлардан бошқа ейдиган нарса йўқ. Юзи

йирганиш қиёфасини касб этган Рон оғзини бир марта тўлдириб, ўз улушини еб битирди. Гарри эса Гермионани хафа қилмаслик учун овқатнинг бемаза таъмига сабот-ла бардош бериб ўтирди.

Дарахт шохи ғарчиллагандек бўлиб, атрофдаги жимжитликни ғалати шитирлаш бузди. «Одам эмас, бирон-бир жонивор юргандир», хаёлдан ўтказди сеҳрли таёқчасини шай ҳолатда тутган Гарри. Унинг организми шундоқ ҳам анави резина кўзиқоринларнинг дастидан қийналмоқда. Гарри руҳдон-медальонни қайтариб олишган куни роса хурсанд бўлишларини тасаввур қилган эди. Йўқ, хурсандчилик бўлмади. Ҳозир у зулматнинг сеҳрли таёқча билан суст ёритилган бир парчасига кўзи йиртилиб кетгудек синчиклаб қарар экан, бундан кейин нималар бўлиши ҳақидаги ўйлар уни ташвишга солаётганини ҳис этди. Шу бугунги натижага эришиш учун у ҳафталаб, ойлаб, эҳтимол йиллаб елган, етиб келгач эса, боши берк кўчага кириб қолиб, йўлдан адашди.

Руҳдонлар яна бор, лекин уларни қаерда қидириш кераклигини Гарри зиғирдай бўлсин, тасаввур қилмайди. Ўша руҳдонлар нималардан иборат эканлигини ҳам билмайди. У ҳатто бугун топилган, бевосита кўкрак терисига тегиб турган мана бу ягона руҳдонни йўқ қилиш усулини ҳам билмайди. Қизиқ, кўкрак терисига тегиб турибди-ю, оз бўлса ҳам, илигани йўқ, аксинча, совуқ сувдан ҳозиргина чиқариб олинган каби муздай ҳароратини сақлаб турибди. Ё Гаррига шундай туюляпти, ё чиндан ҳам ўз юраги билан бирга бошқа бир митти юракнинг узук-юлуқ титраб тепишини вақти-вақти билан ҳис этиб боряпти. Қоронғиликда ўтирар экан, номсиз хавфни олдиндан сезди. Қаршилиқ кўрсатиши, ўзидан нари ҳайдашга уринишига қарамай, ўша хавф онгини шафқатсиз қамраб олди. Бошқалар базўр омон қолаётган даврда кимдир ҳаётдан завқлана олмайди. Ортидаги чодирда паст овозда пичирлашиб ётишган Рон билан Гермиона хоҳлашса, кетишлари мумкин. Гарри ўз кўрқуви ва лоҳаслигини идора қилиб олишга уриниб ўтирар экан, ўлимига қанча вақт қолганини руҳдон чертиб, билдирмоқда.

- Бемаъни гап, - деди у ўзига ўзи, - Ундай хаёлга бормаслик керак.

Пешанасига яна оғриқ кирмоқда. Чандиқ ўхшаш хаёлларга бориш оқибатида оғрийдим, деган хулосага борган Гарри хаёлини бошқа нарсалар билан чалғитишга уриндим. Бечора Тараққосни эслади. Уччаласини кутган уй эльфи Якслига рўбару келди. У сир сақлай оладими, ё бор гапни Якслига айтиб берадими? Тараққос сўнгги ойда ўзгарганига, билган нарсаларини сир сақлай олишига Гарри умид қилди, аммо нималар рўй бериши мумкинлигини ҳеч ким билмайди? Ўлимдан мириқувчилар шафқатсиз қийнаган бўлса-чи, эльфни? Гаррининг миясини ҳар хил қиёфалар эгаллаб олди. Улардан ҳам халос бўлишга уриндим, чунки ҳозир у Тараққосга ҳеч қандай ёрдам кўрсата олмайди: Рон билан Гермиона эльфни чақиришдан бош тортишди. Унга қўшилиб вазирлик ходими ҳам пайдо бўлса-чи? Эльфларнинг ҳавода даф бўлиш жараёни Якслининг Пинҳонийлик майдонига беихтиёр элтиб қўйилганидек хатолардан холи бўлишига кафолат беришмади.

Гаррининг чандиғи яна қизиди. Уччаласи кўп нарсаларни билмаслиги ҳақида ўйланиб қолдим. Улар ҳали учратмаган ёки тасаввур ҳам қила олмайдиган сеҳр-жоду ҳақида гапирган Люпин ҳақ бўлиб чиқмоқда. Нега Дамблдор бундай нарсалар ҳақида кўпроқ тушунтириш бермаган? Ёки тушунтиришлар бериш учун олдинда мўл вақт бор, деб ўйлаган ва алкимёгар дўсти Николас Фламель каби, асрлар оша ўлмайд яшашига ишончи комил бўлган, шундайми? Агар шундай хаёлга борган бўлса, демак у чуқур янглишган... Снегг олдиндан кўра билган... Снегг, мудраб ётган илон... минорада зарба берган Снегг... Дамблдор йиқилди... минорадан қулади...

- Бер менга уни, Грегорович.

Гаррининг овози баланд, аниқ ва совуқ эшитилди. У оппоқ узун бармоқлари билан сеҳрли таёқча ушлаб олган, қаршисига эса қандайдир мўйсафид оёғи осмондан келтирилиб, бирон-бир арқонсиз, ҳавода муаллақ осиб қўйилган. Кўзга кўринмас кишан тутиб турган ушбу кишининг юзи, бошига қон қуйилганидан қизариб, даҳшат қиёфасини касб этган. Узун ўсган соч-соқоли билан Санта-Клауснинг ўзгинаси бўлиб қолган.

- Менда йўқ у, энди йўқ! Кўп йиллар муқаддам ўғирлаб кетишган!

- Лорд Вольдемортга ёлфон гапирма, Грегорович. У билади... у доимо билади...

Ҳавода осилган қариянинг кўз қорачиғи кенгайиб, ундаги қоронғилик Гаррини бутунича ютиб юборди.

Гарри ўзини қўлига фонус ушлаб қоронғи йўлакда юрганини кўрди. Грегорович устахона эшигини очди. Хонада пайраҳа билан тилла буюмлар кўринди. Дераза токчасида эса сарғиш сочли йигитча ўтирибди. Фонус унинг чиройли ва нимадандир жуда мамнун чеҳрасини ёритди. Грегоровични кўрган йигит музлатиш афсунини қўллаб, хандон отганча, деразадан сакраб қочди.

Яна ҳавода осилган Грегоровичнинг қўрқувли қараши кўринди.

- Ким эди ўша ўғри, Грегорович? - сўради баланд эшитилган муздай овоз.

- Танимайман, ҳеч қачон кўрмаганман уни, илтимос, ундай қилманг... ИЛТИМОС!

Қичқириқ кучли янграб, яшил яшин чарақлади...

- Гарри!

Нафаси бўғилган Гарри кўзини очиб, пешанасида кучли оғриқ сизди. Тушунишича, ташқарида, чодир матосига суяниб сирпанганча ерга йиқилиб, яна ҳушидан кетибди. Гермионанинг ҳурпайган қуюқ сочи осмоннинг қалин чакалакзор орқали базўр кўринаётган кичкина парчасини тўсиб қўйган.

- Туш кўрибман, - деди Гарри, беайб кўринишга уринганча, ўрнидан тез туриб, - Ухлаб қолибман, узр.

- Гап чандиғингда эканлигини биламан! Бу сенинг пешанангга ёзиб қўйилган! Яна ўқидинг-ми Вольд...

- Исмини талаффуз этма! - қичқирди Рон ичкаридан.

- Яхши, Ўзинг-Биласан-Кимнинг фикр-хаёлларини?!

- Атайин қилганим йўқ! - деди Гарри, - Туш эди бу! Туш бошқариш сиридан хабаринг йўқ-ми, Гермиона?

- Сен окклуменция қўллашни ўрганиб олишинг керак холос, Гарри!

Аммо ҳозир Гаррини дашном бўлиб, гина-кудурат эшитиш истаги қизиқтирмади.

- Грегоровични топиб, ўлдирди у, Гермиона. Ўлдиришдан олдин эса хотирасини ўқиб олди. Мен ўз кўзим билан...

- Модомики, чарчаганингдан ухлаб қолаётган бўлсанг, ўйлашимча, сени алмаштирганим яхши, - гапни совуққина бўлди қиз.

- Йўқ, ўзим ўтираман охиригача!

- Кўриниб турибди, чарчагансан. Бор, бироз мизғиб ол. Ўжар қиз чодир эшигининг ёнида ерга ўтириб олди. Гарри аччиқланган бўлса ҳам, жанжал кўтаришни истамай, ичкарига кирди.

Каравотнинг биринчи қаватида ётган Роннинг юзидан қон қочгани қоронғиликда ҳам кўриниб турибди. Иккинчи қаватга чиққан Гарри чодир шифтининг қалин матосига тикилиб ётди. Бир неча сония ўтгач, Рон Гермionaга эшиттирмай, паст овозда сўради:

- Ўзинг-Биласан-Ким нима иш қилди?

Гарри кўрган манзарасининг тафсилотларини эслашга уринди.

- Грегоровични топиб, боғлаб қийнади.

- Боғланган ҳолатда сеҳрли таёқча ясаб бера олмайди-ку, ахир Грегорович?

- Билмадим... - ўйланиб қолди Гарри, - Дарҳақиқат, жуда ғалати, а?

Гарри кўзини юмиб, ҳозир кўрган ва эшитганларининг барча тафсилотларини эслашга уринди. Қанча кўп эсласа, мантиқ шу даража йўқолиб бораверди... Вольдеморт Гаррининг таёқчаси ҳақида ҳам, эгизак таёқчаларнинг ўзаги ҳақида ҳам чурқ этмади. Грегоровичдан ўзига янги, Гаррининг сеҳрли таёқчасидан ҳам қудратлироқ таёқча ясаб беришини талаб қилмади...

- У Грегоровичдан ниманидир беришни талаб қилди, - деди Гарри, кўзини янада маҳкам юмиб, - Лекин Грегорович ўша нарса ўғирланганини айтди... шундан сўнг...

Гарри ўзи Вольдеморт қиёфасида Грегоровичнинг кўзи орқали устанинг хотирасига сингиб кирганини эслади.

- У Грегоровичнинг хотирасини ўқиди. Ёш бир йигит токчада ўтириб Грегоровичга қарата қарғиш яшинини улоқтирганини, сўнг пастга сакраб қочганини кўрдим. Ўзинг-Биласан-Ким қидириб юрган нарсани ўша йигит ўғирлаб қочган. Мен уни... илгари кўрганман...

Гарри хандон отаётган йигитнинг юзига диққат билан разм

солишни истади. Грегорович айтгандек, ўғрилик кўп йиллар муқаддам содир этилган. Нега ўша йигитчанинг юзи Гаррининг кўзига иссиқ кўриняпти?

Ўрмоннинг шовқини чодир ичида бўғилиб, Гаррининг қулоғига Роннинг нафас олиши эшитилмоқда.

- Ўғрининг қўлида нима бор эди, кўрдинг-ми? - пичирлаб сўради Рон, бироз ўй суриб ётгач.

- Йўқ, кўрмадим. Қандайдир майда буюм бўлса керак.

- Гарри...

Ёнбошлаб олган Роннинг каравоти ғичирлади.

- Нима деб ўйлайсан, Гарри, Ўзинг-Биласан-Ким руҳдонга айлантурса бўладиган яна бирон нима қидирмаяптимики?

- Билмадим. Бўлиши мумкин, - секин фикр билдирди Гарри, - Ўзи учун хавfli бўлмайди-ми, яна битта руҳдон ясайдиган бўлса? Гермiona айтган эди-ку, ўз руҳини парчалаш борасида йўл қўйилиши мумкин бўлган чегарадан ўтиб кетган у, деб?

- Тўғри, лекин бунга Ўзинг-Биласан-Кимнинг ўзи билмас балки.

- Балки чиндан ҳам билмас, - деди Гарри.

Вольдеморт эгизак сеҳрли таёқчаларнинг ўзаги билан боғлиқ муаммо ечимини қидириб юрганига Гаррининг ишончи комил эди ва табиийки, муаммо ечимини сеҳрли таёқча ясайдиган кекса устадан билиб олмоқчи бўлган. Бироқ у сеҳрли таёқчаларнинг ўзагига доир савол ҳам бермай, устани шафқатсиз ўлдирди.

Нима қидиряпти ўзи, Вольдеморт? Бутун бошли вазирлик ва сеҳргарлар олами унинг оёғи остида бўлса-ю, у узоқ-узоқларда, қачонлардир Грегоровичга тегишли бўлиб, нотаниш бир йигитча ўмариб кетган аллақандай буюмни қидириб юрса, нега? Нигоҳи қандайдир ғалати, тилла рангли жингалак сочи елкасига тушган, юзи деярли Фред билан Жоржнинг юзидек қувноқ йигит ҳамон Гаррининг кўз олдидан нари кетмаяпти. Пирр этди-ю, токчадан мисоли қуш каби учди-кетди. Гарри уни илгари қаердадир кўрган, лекин қаерда... ҳеч эслай олмаяпти.

Грегоровичнинг ўлиmidан сўнг, навбат ўша қувноқ ўғрига етгани аниқ. Ўша йигитнинг бошига тушган хавф-хатарни ўйлаётган Гаррининг хаёлини Роннинг хурраги бўлиб юборди. У ҳам аста-секин уйқуга кетди.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ. ГОБЛИННИНГ ҚАСОСИ

Рон билан Гермиона ҳали ухлаб ётган тонг саҳар маҳалида Гарри чодирдан чиқиб, қадимий, кўзга ташланиб турадиган бирон-бир қийшиқ дарахт қидирди. Кўнгилдаги дарахтни топгач, тагига Хмурининг кўзини кўмиб, танасига сеҳрли таёқча ёрдамида кичкина хоч ўйди.

У қадар ҳашаматли қабр бўлмаса-да, Долорес Амбрижнинг эшигига қадалган ҳолатга нисбатан яхшироқ жой бўлиб, Ўйноқкўзни бундай эҳтиромга муносиб кўрди. Шундан сўнг, чодирга қайтиб, келгуси ҳаракатлар режасини муҳокама қилиш учун дўстларининг уйғонишини кутди.

Гарри билан Гермионанинг фикрича, хавфсизлик нуқтаи назаридан, бир ерда узоқ ушланиб қолмаган маъқул. Ушбу фикрга қаршилик қилмаган Рон қочирим гап қистириб қўйди: - Муҳими, ҳар бир навбатдаги жой бекондан тайёрланган сендвичлардан узоқ бўлмаса бас.

Гермиона чодир атрофидаги ҳимоя тилсимларига барҳам берди, Гарри билан Рон эса, учовлон қолдирган тирикчилик изларини йўқ қилишди. Шундан сўнг, савдо шаҳарчаси четига кўчиб ўтишди.

Турар жойларини кичик дарахтзорда тайёрлаб, атрофига ҳимоя тилсимларини қўллашгач, кўринмас плашини устига ташлаган Гарри, егулик қидириб шаҳарга жўнади. Бироқ унинг режаси амалга ошмади. Шаҳар ҳудудига кириши ҳамано, кишининг ич-ичига ўтиб кетадиган совуқ, қалин тушган туман ва қорамтир тус олган осмон олға одимлашига йўл қўймади.

Оғзидан «дементорлар» сўзи тушмай, ҳансираганча қуруқ қўл билан қайтган Гаррини кўрган Рон қорни очлигидан домангир бўлиб, хитоб қилди:

- Анави шохдор Ҳимоячингни ҳаммани ҳайратда қолдириб чақира оласан-ку!

Оғзини каппа-каппа очганча, ҳаво ютаётган Гарри тез югурганидан санчиқ туриб қолган биқинини маҳкам ушлади.

- Чақира... олмадим. Ҳимоячим... пайдо бўлмас эди.

Эсанкираб қолган дўстларининг ҳафсаласи пир бўлганини кўрган Гарри ўзини ноқулай сизди. Туман ичра очиқдан-очиқ

сирпаниб юрган дементорларни кўриш, мудҳиш совуқ ўпкани тўлдириб қўйганидан бўғилиб, нафас ололмаслик, мияда янграётган ҳар хил қичқириқлар, ўзингни ўзинг ҳимоя қила олмаслигингни идрок этиш – тунги даҳшатнинг ўзгинаси! Мудҳиш махлуқларни кўзи билан кўрмайдиган, лекин улар таратаётган умидсизлик ва чорасизликни ҳис этаётган одамлар орасида қолган қиёфасиз дементорларни ортда қолдириб, бу ерлардан узоқ-узоқларга қочиб кетмаслиги учун Гаррига жамики иродасини бир ерга жамлашга тўғри келди.

- Шундай қилиб биз, ҳамон егуликсиз ўтирибмиз.

- Ўчир овозингни, Рон, - гапни бўлди Гермиона, - Нима бўлди Гарри? Нима учун ҳимоячини чақира олмас эдинг? Кечагина буни қойилмақом қилган эдинг-ку!

- Билмадим.

Гарри кекса Пёркинснинг эски курсиларидан бирига жойлашиб ўтирар экан, ўзини баттар хўрланиб, эзилгандай ҳис этди, ичида қандайдир нотўғри жараёнлар рўй бераётганидан чўчиди. Кечаги кун узоқ ўтмишда қолган, бугун эса «Хогварц-Экспресс»да дементор билан рўбару бўлиб, ҳушидан кетган ўн уч ёшли боладай сезмоқда ўзини.

- Нега энди овозимни ўчиришим керак? - ғазаб-ла курси тепди Рон, Гермионага ўқрайиб, - Қорним оч! Қонга беланиб, ўлим ёқасида бўлганимдан буён, иккита заҳарли қурбақасалла қўзиқориндан ташқари туз тотганим йўқ!

- Ундай бўлса бор, дементорлар билан ўзинг кураш, - деди иззати нафси оғриган Гарри.

- Борган бўлар эдим, агар қўлим боғланиб, бўйнимга осилган бўлмаганда, агар кўрмаган бўлсанг!

- Ҳа, узрли сабаб бу, албатта.

- Бу қанақанги оҳанг бўлди?...

- Тўппа-тўғри! - хитоб қилди Гермиона, кафти билан пешанасига уриб.

Ҳеч нарсани тушунмаган ўғил болалар қизга бақрайганча, жим бўлишди.

- Гарри, медальонни еч! Бер уни буёққа! Тез бўл!

Гермиона қилт этмай ўтирган Гаррининг бурни олдига бош ва ўрта бармоғини келтириб, чертди.

- Рухдон, Гарри! У ҳамон бўйнингдами?

Гарри бўйнидаги тилла занжирни ечиб, Гермионанинг

узатилган кўлига тутқазди-ю, мисли кўрилмаган енгиллик ва эркинликни ҳис этди. Шу фурсатга қадар ичидан эзиб бораётган оғирликка эътибор бермаган экан.

- Хўш, енгил ҳис этдинг-ми энди, ўзингни? - сўради Гермиона.
- Ҳа, анча!

Гермиона худди оғир касал билан гаплашган каби, Гаррининг устига энгашиб, аста сўради:

- Гарри, нима деб ўйлайсан, шу вақт давомида ҳеч ким сенинг онгингга эгалик қилмади-ми?

- Нима? Йўқ! - деди Гарри, - Медальонни бўйнимга осганимдан буён нималар қилганимизни яхши эслайман. Агар кимдир мени бошқарганда, ҳеч нарсани эслай олмаган бўлар эдим, шундай эмасми? Жинна айтган эди менга, нималар қилганини эслай олмаганини.

- Ҳм-м, - деди Гермиона, кўлидаги медальонга қараб, - Шунга қарамай, биз уни тақиб юрмаймиз, чодирда сақлаймиз.

- Уни қаровсиз қолдириб бўлмайди, - эътироз билдирди Гарри қатъий оҳангда, - Агар уни йўқотиб қўйсак ёки ўғирлаб қўйишса...

- Хўп, яхши, яхши, - рози бўлди Гермиона, медальонни бўйнига таққанча кўйлаги остига бекитиб, - Ундай бўлса, уни навбат билан тақиб юрамиз, бирортамизга узоқ таъсир қилмаслиги учун.

- Жуда соз, - деди Рон зардаси қайнаб, - Хўш, ўта мураккаб масала ўз ечимини топди. Энди егулик муаммосини ҳал этишга киришармиз, балки?

- Киришармиз, фақат бунинг учун бошқа жойга кўчиб ўтамиз, - жавоб берди Гермиона, Гаррига кўз қири ила қараб қўйиб, - Атрофда дементорлар изғиб юрган жойда қолмаган маъқул. Ниҳоят улар якка фермер хўжалигига қарашли яйлов чегарасига жойлашиб, бироз нон билан тухум топишди. Қовурилган бурда нон билан тухумни зўр иштаҳа ила паққос уришар экан, Гермиона хавотир олди:

- Қўноқ тагида пул қолдириб кетдик-ку, ўғирликка кирмас энди бу, а?

Рон кўзини орқага тортиб, оғзи тўла овқат билан жавоб берди:

- Гемеиўўна, тинчаан, ооввтингни е...

Дарҳақиқат, тўқ қоринга ҳаётдан лаззатланиш, ҳеч нарсадан

ташвиш тортмаслик анча осон кечади. Яқинда бўлиб ўтган дементорлар билан боғлиқ жанжал ҳозир табассум-ла эслаб ўтилди. Гарри тундаги учта навбатчиликнинг биринчисига қувноқ кайфият, умид ва ишонч-ла киришишди.

Тўқ қорин яхши кайфият сабабчиси бўлса, оч қорин жанжал ва умидсизликка олиб келишини учовлон илк бор англаб етди. Умуман айтганда, Гарри, ушбу ҳаётий ҳақиқатдан иборат янгиликдан ҳайрон бўлмади. Зеро у, Дурсларнинг шарофати билан очлик нима эканлигини яхши билиб олган. Одамлардан ортган овқат чиқиндилари орасида фақат реза мева ёки эскирган бисквит топилган оқшомларда Гермiona, жаҳли бироз тезлашиб, камгап бўлиб қолишига қарамай, ўзини нисбатан вазмин тутмоқда. Уйда тайёрланган мазали таомларга ҳамда онаси ва «Хогварц» эльфларининг саъй-ҳаракати ила ҳар куни уч маҳал овқатланишга одатланган Рон очлик таъсиридан бемулоҳаза ва дарғазаб кишига, бўйнида руҳдон осилган ва айна вақтда егулик муаммоси умуман ҳал этилмаган кунлари эса батамом бадҳазм одамга айланиб бормоқда.

- Хўш, энди қаёққа кўчамиз?

Бу савол Роннинг ҳар куни берадиган саволи бўлиб қолган. Бу масалада, афтидан, бирон-бир шахсий фикри шаклланмаган, лекин очликдан ўлишга маҳкум қилинган кишидек егуликнинг деярли йўқ даражадаги захирасига бақрайиб ўтирар экан, дўстларидан ҳар куни бирон-бир самарали режа кутади. Гарри билан Гермiona руҳдонларнинг қолганини қаерда излаш, топилган руҳдон-медальонни қандай қилиб йўқ қилиш масаласини муҳокама қилишар экан, баҳслашавериб, кўп вақтни беҳуда ўтказишди. Янги маълумотлар йўқлиги боис, уларнинг баҳслари ўз маҳсулини йўқотиб бораверди.

Вольдеморт руҳдонларни ўзи учун муҳим аҳамиятга эга жойларга яшириб борганига Дамблдор томонидан комил ишонч билдирилган экан, учовлон, худди зерикарли шеър ўқиган каби, Ёвуз Лорд бўлган ва яшаган жойларни қайта ва қайта такрорлаб боришди: Том Реддль туғилиб ўсган етимхона; таҳсил кўрган «Хогварц» мактаби; мактабни тамомлаганидан сўнг ишга кирган «Боржин ва Д'Авило» дўкони; қувғинлик йилларини ўтказган Албания давлати.

Буларнинг бари қидирув тадбирларининг асосий йўналиши ҳисобланади.

- Ҳа нима, кетдик Албанияга, - таклиф киритди Рон истехзо оҳангида, - Бутун бошли давлатни кўздан кечириб чиқиш учун бизга бор-йўқ бир неча соат керак бўлар экан холос. Шу ҳам муаммоми?!

- Албанияда ҳеч қандай руҳдон бўлиши мумкин эмас. Уларнинг бештаси қувғинликдан олдин ясалган. Олтинчи руҳдон илон эканлигига Дамблдорнинг ишончи комил бўлган, - фикр билдирди Гермiona, - Илон Албанияда эмаслигини яхши биламиз. Чунки у доимо Вольд...

- Илтимо қилган эдим-у, исмини талаффуз этма, деб!

- Яхши! Илон, одатда, доимо Ўзинг-Биласан-Кимнинг ёнида юради. Кўнглинг жойига тушди-ми, энди?

- Унчалик эмас.

- «Боржин ва Д'Авило» дўконига бекитиб қўйилганига ҳам шубҳа қиламан, - деди Гарри.

Буни у илгари ҳам айтган, лекин ҳозир ушбу фикрини вазиятни бироз юмшатиш учунгина такрорлаб ўтди.

- «Боржин ва Д'Авило»дагилар ёвуз сеҳр усталари бўлиб, руҳдонни осонликча фош этган бўлишар эди.

Рон намоёишкорона эснади. Унинг башарасига оғирроқ бирон нима билан қўйиб юбориш истагини базўр тийиб олган Гарри давом этди:

- У руҳдонлардан бирини «Хогварц»да яширган, деган фикримда тураман.

- Дамблдор топган бўлар эди-ку, уни, Гарри, - уф тортди Гермiona.

Гарри ўз фикрини оқлаш учун яна бир далил келтирди:

- «Хогварц» сирларини охиригача билмаслигига Дамблдорнинг ўзи иқрор бўлган менга. Айтяпман-ку, агар ростакамига муҳим жой қидирган бўлса, Вольд...

- Ҳой!

- Яъни Ўзинг-Биласан-Ким! - бақирди Гарри, ҳар бир сўзга урғу бериб, - Турган гап-ки, «Хогварц»ни танлаган бўлар эди!

- Қўйсанг-чи, - масхаралагандай кулимсиради Рон, - Бошқа жой қуриб кетгандай, келиб, келиб мактаб ҳам муҳим жой бўлибди-ми?

- Ҳа, айнан мактаб муҳим жой бўлган унга. Мактаб унга

қадрдон уйдаи бўлиб қолган. Мактабга келибгина, ўзини ротакамига бошқача бола эканлигини англаган. Ўқишни тамомлаб кетганидан сўнг ҳам, мактаб унга муҳим жой бўлганича қолаверган.

- Шошманглар, ҳозир биз Ўзингиз-Биласиз-Ким ҳақида мулоҳаза юритяпмиз-ку, шундайми? Ё сен ҳақингда-ми, Гарри? - сўради Рон, бўйнида осифлиқ руҳдоннинг занжирини сал тортиб қўйиб.

Энди Гарри дўстини тагига босиб, бўғиб ўлдириш истаги билан ёнди.

- Ўзинг-Биласан-Ким мактабни тамомлагач, Дамблдорнинг ҳузурига иш сўраб келганини айтган эдинг, - эслатди Гермиона.

- Шундай, - бош ирғиди Гарри.

- У бирон-бир қадимий буюм топиб, ундан руҳдон яшаш мақсадида мактабга ишга кирмоқчи, деган хаёлга борган эди-ми, ўшанда Дамблдор?

- Ҳа, шундай, - тасдиқлади Гарри.

- Лекин унга «Хогварц»да иш топилмади, тўғрими? - фикрини давом этди Гермиона, - Демак, янги руҳдон ясаб, мактабда яшириш имкони бўлмаган унда!

- Хўп, яхши, - таслим бўлди Гарри, - Келинг, «Хогварц»ни унутамиз.

Руҳдон қидиришга ёрдам бериши мумкин бўлган бошқа бирон-бир ришта топа олмагач, учовлон кўринмас плаш остига бекиниб, Вольдемортнинг болалиги ўтган етимхонани қидириб топиш мақсадида Лондонга йўл олди. Шаҳар кутубхонасига ўғринча кирган Гермиона етимхона биноси кўп йиллар муқаддам бузиб ташлангани, ўрнида эса идора биноси қурилганини аниқлади.

- Ўша етимхонанинг пойдеворини топиш керакмикан, а? - таклиф киритди Гермиона иккиланиб.

- Руҳдонини етимхонада сақламаган у, - ишонч-ла баёнот қилди Гарри.

Буни у аниқ билади. Вольдеморт доимо етимхонадан тезроқ бош олиб кетишни истаган. Шундай экан, ўз руҳининг бир қисмини бу ерда қолдирмаган бўлар эди. Яширин жой танлаш борасида Вольдеморт учун асосий мезон ҳашамат ва жумбоқ бўлганини Дамблдор Гаррига кўп таъкидлаган.

Лондоннинг мана бу қоронғи бурчагини эса Сеҳргарлик вазирлиги, «Хогварц» мактаби ёки дарвозаси олтидан ясалган, полига мрамор тош тўшалган сеҳрли банк – Гринготтс билан асло таққослаб бўлмайди.

Рухдонларни қаерда излаш борасида бошқа бирон-бир ғояга эга бўлишмаса-да, дўстлар юрт кезишни давом этиб, турар жойларини ҳар гал хавфсизлик нуқтаи назаридан ўзгартириб боришмоқда. Тунаган жойларини ҳар кун тонгда тозалаб, яна йўлга чиқишмоқда. Ҳавода даф бўлиш усулини қўллаб саёҳат қилишар экан, янги турар жойни дам ўрмонда, дам қоятошлар орасидаги салқин ёриқда, дам баланд ўсган супургигул қоплаган кенг далада, дам тоғ бағрида танлашмоқда, қайсидир бир куни эса хилват жойда топилган ғорда тунашди.

Учовлон рухдонни ҳар ўн икки соатда худди «жўнатмани узат», деб номланган, ғолибнинг соврини ўн икки соатли қўрқув ва ташвиш бўлгани боис, мусиқаси мудҳиш титраб янграйдиган аҳмоқона ўйин ўйнаётган каби, бир-бирига топшириб бормоқда.

Пешанасидаги чандиқ ҳам Гаррини безовта қилишни ҳеч қўймайди. Пайқашича, ушбу ҳолат бўйнига медальон таққан маҳалда тез-тез такрорланиб, баъзан беихтиёр юзи оғриқдан буришиб кетмоқда.

- Нима? Нимани кўрдинг? - сўрайди Рон, ҳар сафар Гаррининг азият чекканини кўриб.

- Юзини. Фақат ўша ўғри ва унинг юзини, - пичирлайди Гарри.

Ихлоси қайтганини энди яширмай қўйган Рон бундай пайтда индамай, тескари ўгирилиб оладиган бўлиб қолди. У ўз оиласи ёки Қақнус орденининг бошқа аъзолари ҳақида оз бўлса ҳам, янгилик эшитмоқчи эканлиги тушунарли, албатта, лекин Гарри дўстининг хархашасига биноан «ҳар хил тўлқинларга созланадиган телевизион эфир» эмас-ку, ахир! Вольдеморт нима ҳақида ўйласа, шуни кўра олиши мумкин холос. Ёвуз Лорд эса, афтидан, фақат қувноқ юзли ўша нотаниш ўғри йигитча ҳақида ўйламоқда холос. Гаррининг ишончи комилки, Вольдеморт ўша йигитнинг исмини ҳам, ҳозир қаерда бўлиши мумкинлигини ҳам билмайди. Чандиғи тинимсиз оғриши, хотирасида сарғиш сочли бола имлаб

чақираётганига қарамай, Гарри жони оғриётганини билдирмасликни ўрганиб олди. Чунки ўғри болани кўрганини эшитган Рон билан Гермиона ҳар гал аччиқланишмоқда. Иккаласи руҳдон топиш истагида ёнар экан, Гарри уларни ҳеч нарсада айблай олмайди.

Кунлар ҳафталарга уланиб борди. Гаррининг кузатувиغا қараганда Рон билан Гермиона унинг кетидан пичир-пичир қилишмоқда. Бундай пайтда иккаласи Гаррини муҳокама қилишаётгани аниқ. Чунончи, у чодирга кириши ҳамано, иккаласи бир неча бор жим бўлиб қолгани, бир-бири билан тез шивирлашгани, Гарри яқин келганда эса суҳбатни бас қилиб, ўзларини ўтин тераётган ёки сув олиб келишга ҳозирлик кўраётган кўйга солиб олишгани Гаррининг эътиборидан четда қолмади.

Иккаласи Гаррига қўшилиб сафарга чиқишганда, унда тегишли ишларнинг махфий режаси борлигига ишонишгани, эндиликда эса ушбу сафар бекораки дарбадарликка айланиб бораётганидан афсус қилишаётгани ҳақидаги ўйлар Гаррини қийнамоқда. Сўнгги вақтда Рон кайфияти бузилганини очикдан-очик намоён қилмоқда. Гермиона ҳам Гаррининг етакчилик қобилиятига шубҳа ила қарай бошлагани қайғуга солмоқда. Навбатдаги руҳдон қаерда, деган саволга жавоб топиш қийин кечмоқда. Бу масалада ягона жой Гаррининг кўзига, илгаригидай, «Хогварц» кўринади. Бироқ дўстлари рад этаётгани боис, ушбу талқинни Гарри илгари сурмай қўйган.

Куз фасли ҳам юрт бўйлаб кезиб юрган сайёҳларни қувиб етди. Чодир энди қуриган хазон кўрпаси устига тикланмоқда. Йилнинг ушбу мавсумига хос бўлмиш туман дементорлар туфайли одатдагидан қалин тушган. Шамол билан ёмғир ҳам мураккаб кечаётган ҳаётни осонлаштиргани йўқ. Гермиона ейишли қўзиқоринларни яхши фарқлай олишни ўрганиб олганига қарамай, бу ҳолат кўп қувонч келтирмади. Зеро, ижтимоий ҳаётдан ажралиб, яккаланганлик, одамлар билан мулоқотнинг етишмаслиги, Вольдемортга қарши олиб борилаётган кураш жараёнларидан мутлақо беҳабарлик учовлон учун катта муаммо бўлганча қолмоқда.

Кунлардан бир кун улар Уэльс ҳудудидаги дарёлардан бирининг соҳилида жойлашишди.

- Ойим ҳар қандай мазали таомни ҳавода пайдо қила олади, - эслаб қолди Рон, сирти куйиб, кўмирга айланган балиққа санчқи суқар экан.

Гарри беихтиёр Роннинг бўйнига қараб, кутилгандек, руҳдон осилган тилла занжирни кўрди. Дўстининг нохуш кайфияти медальон таъсирида оғирлашиб бораётганини тушунган ҳолда, унга жеркиб жавоб бериш истагини енгди.

- Ойинг таомни ҳавода пайдо қила олмайди, - эътироз билдирди Гермiona, - Бунга ҳеч ким қодир эмас. Чунки егулик Ҳавода пайдо қилишнинг асосий элементлари тўғрисидаги Гамп қонунининг бешта муҳим истисноларидан бири саналиб...

- Инглиз тилида гапирсанг-чи? - гапни бўлди Рон, тишини балиқ қолдиғидан тозалаб.

- Егуликни ҳавода пайдо қилиб бўлмайди, бунинг иложи йўқ! Уни сен буюм чақириладиган Ассио афсуни ёрдамида чақиришинг мумкин, агар егулик қаерда жойлашганини билсанг, шунингдек, маҳсулотни егуликка айлантиришинг ёки тайёр егулик миқдорини кўпайтиришинг мумкин...

- Фақат мана бу балиқ миқдорини кўпайтириб, овора бўлма. Жуда расво экан, - деди Рон.

- Гарри балиқ тутди, мен эса қўлдан келганча овқат тайёрладим ундан! Дарвоқе, овқат тайёрлаш ишлари негадир фақат менинг зиммамга юкланиб қолибди, қиз бола бўлганим учун-да, а?

- Йўқ. Сехр қўллаш масаласида орамизда маҳоратли уста бўлганинг учун, - эътироз билдирди Рон.

Гермиона ирғиб туриб, қовурилган балиғини ликопидан ерга тушириб юборди.

- Ундай бўлса, овқатни эртага сен пиширасан, Рон! Маҳсулот топиб, ундан бирон-бир егулик тайёрлашга уриниб кўр. Мен эса сендан ибрат оламан, яъни домангир башара ясаб олиб, пиширган овқатингдан ҳазар қилганча, ҳасрат-ла нолиб ўтираман...

- Жим бўл, Гермiona, - бақирди Гарри, - Жим бўл! Ҳозироқ! Гермионанинг зардаси баттар қайнади.

- Гарри, қандай қилиб сен унинг тарафини оляпсан? Ахир у...

- Гермiona, илтимос, жим бўл! Мен унинг тарафини олганим йўқ, бошқа бировнинг овозини эшитиб қолдим!

Гарри қўлини кўтарди, имо ила жим бўлишга даъват этиб, атрофга диққат билан қулоқ тутди. Чодир ёнидан оқиб ўтаётган дарё шовқини орасида одам овозини эшитди. Гарри офатскопга қаради. Сеҳрли буюм айланмай, тек турибди.

- Маффлиато афсуни билан ҳимоя қилгансан-у, ўтирган жойимизни, а? - паст овозда сўради Гарри Гермионадан.

- Билган афсунларимнинг барини қўллаганман. Шу жумладан, маффлиатони ҳам, маглчўчитиш афсунини ҳам, ниқоблаш тилсимини ҳам. Ким келмасин, бизни эшитмайди, кўрмайди, - пичирлади Гермиона.

Қадам товуши, хазон шовқини, думалаб тушаётган тошларнинг баланд эшитилаётган тарақ-туруғи, ерда ётган шох-шаббаларнинг қарсиллаб синиши – болаларнинг чодир тикилган, дарахт ўсиб, дарёнинг тор соҳилини ҳошиялаган тик қиялик бўйлаб бир неча киши тушиб келаётганидан далолат бермоқда. Болалар сеҳрли таёқчаларини қўлга олиб, жангга ҳозирланишди. Турар жойларининг атрофига қўлланилган сеҳрли ҳимоя ушбу зулматда уларни маглар ва оддий сеҳргарлар сезмай ўтишлари учун етарлидир. Агар анавилар Ўлимдан мириқувчилар бўлса, қўлланилган ушбу ҳимоя чоралари ёвуз сеҳрга қарши қанчалик самарали эканлигини бутун сафарлари давомида бугун илк бор синаб кўришади.

Овозлар тобора баланд эшитилаётгани билан, бир гуруҳ эркак дарё бўйига тушганидан бошқа ҳеч нарсани илғаб бўлмади. Гаррининг тахминича, улар чодирдан йигирма қадамча нарида тўхташди, лекин дарё шовқини якуний хулоса чиқаришга имкон бермаяпди.

Гермиона мунчоқ қадалиб тикилган сумкачасини чангаллаб, нимадир излаганча, титкилай кетди. Бир неча сониядан сўнг учта пинҳонқулоқ чиқариб, ҳаммага биттадан тарқатди. Учовлон қўлидаги тана рангли арқоннинг бир учини қулоғига тиқиб, иккинчи учини чодирдан ташқарига чиқарди.

Яна бир неча сония ўтгач, Гарри эркак кишининг ҳорғин овозини эшитди.

- Бу дарёда лосось бўлиши керак. Ёки балиқ ови мавсуми ҳали бошлангани йўқ, демоқчимисан? Ассио Лосось!

Сувнинг шапиллаши, одам кафтида урилаётган балиқнинг шалп-шулп товуши эшитилди. Кимдир пўнғиллаб,

миннатдорлик билдирди. Гарри пинҳонқулоқ арқонининг учини қулоғига чуқурроқ суқди. Дарёнинг шилдираши орасида у яна бир неча кишининг овозини эшитди, лекин улар инглиз тилида, умуман одам тилида гапирётгани йўқ. Уларнинг овози дағал, қуруқ эшитилиб, кучли бўғиз товушини эслатмоқда. Бу тилда, афтидан, икки киши гаплашмоқда. Бирининг овози иккинчисининг овозига нисбатан пастроқ, секинроқ эшитилмоқда.

Кўп ўтмай дарё бўйида гулхан ёниб, чодир билан олов ўртасида юрган шарпалар кўринди. Чўғда пишган лососнинг ажойиб ҳиди болаларнинг иштаҳасини қитиқлади. Бироздан сўнг, ликопларга санчқи билан пичоқ урилиб, тақиллаган товуш эшитилди.

- Қани, Цапкрюк, Горнак, овқатга қаранглар, олинглар, - таклиф қилди одамлардан бири.

«Гоблинлар!» - пичирлади Гермиона Гаррига қараб. Гарри бош ирғиб, тасдиқлади.

- Раҳмат, - бараварига миннатдорлик билдирди иккала гоблин инглиз тилида.

- Шундай қилиб, учовлон қочиб юрибсиз. Кўпдан буёнми? - сўради яна бир одамнинг ёқимли овози.

Бу овоз Гаррига жуда таниш кўриниб, тасаввурида тўладан келган, очиқ юзли киши гавдаланди.

- Олти... ё етти ҳафтача бўлди, аниқ эсимда йўқ, - жавоб берди ҳорғин овоз соҳиби, - Икки кун ўтиб Цапкрюкни учратдим. Кўп ўтмай Горнук билан бирлашдик. Шерик бўлса, яхши-да.

Ҳамма жим бўлиб, пичоқларнинг ликопларга урилиб, тарақлаши эшитилди.

- Ўзинг нега қочиб юрибсан, Тэд? - сўради ҳорғин киши.

- Мени олиб кетиш учун келишларини билар эдим, - жавоб берди Тэд.

Ушбу овозни қаерда эшитганини Гарри ниҳоят эслади. Нимфадора Бомсинг отаси.

- Биз томонларда Ўлимдан мириқувчилар изғиб юришганини ўтган ҳафта эшитиб қолиб, уйдан чиқиб кетишга аҳд қилдим, - давом этди, Тэт Бомс, - Маглар оиласида туғилган сеҳргарлар рўйхатидан ўтишга атайин бормадим, лекин эртами, кечми улар суриштириб келишларини билиб, қочиб

қолдим. Хотинимга тегишмайди. Чунки у асилзотлардан. Шундан сўнг, Динни ҳам ўзим билан олиб кетдим. Неча кун бўлди ўғлим? Бир неча кун бўлиб қолди-да, а?

- Ҳа, шунча вақт ўтди, - жавоб берди бошқа овоз соҳиби.

Уни эшитган Гарри, Гермiona ва Рон бир-бирига ҳаяжон-ла бақрайиб қолишди. Улар ўз синфдошлари Дин Томасни овозидан танишди.

- Сен ҳам магллар оиласида туғилганмисан? - сўради ҳорғин овоз соҳиби.

- Бунга ишончим комил эмас, - жавоб берди Дин, - Отам бизни гўдаклигимда ташлаб кетган. Унинг сеҳргар бўлганини исботлайдиган бирор бир далилим йўқ.

Овқат чапиллаб ейилаётгани ҳисобга олинмаса, орага боз сукунат чўкди.

- Очиғини айтсам, Дирк, сени учратганимдан таажжубдаман, - деди Тэд, - Хурсандман, албатта, лекин таажжубдаман.

Миш-миш гапларга қараганда, сен қўлга олинган эдинг.

- Чиндан ҳам шундай бўлган, - жавоб берди Дирк, - Азкабанга олиб борадиган йўлнинг ярмига етганда аврор Давлишни батанг қилиб, супургисини тортиб олдим. Назаримда у ўз ҳушида эмас эди. Афтидан, унга кимдир Чалғитиш афсунини қўллаган. Агар шу рост бўлса, афсун қўллаган ўша сеҳргардан жуда миннатдорман. Зеро у, ҳаётимни сақлаб қолди.

«Афтидан, бу киши Сеҳргарлик вазирлигининг Гоблинлар билан алоқалар идораси ходими Дирк Крессвелл шекилли», хаёлдан ўтказди Гарри.

Орага яна сукунат чўкиб, дарё шовқини ва гулханнинг тирсиллаб ёнаётгани эшитилди.

- Сизлар ким томондасизлар? Фикримча, гоблинларнинг ҳаммаси Ўзингиз-Биласиз-Ким томонга ўтиб кетишган.

- Янглиш фикрга борибсан, - жавоб берди овози нисбатан пастроқ гоблин, - Биз ҳеч ким томонда эмасмиз. Бу бизнинг эмас, сеҳргарларнинг уруши.

- Нега унда бекиниб юрибсиз?

- Ўйлашимча, ҳақоратомуз таклифга рад жавобини берганим учун, ўз ҳаётимни хавф остига қўйганман, - жавоб берди овози дағалроқ бошқа гоблин.

- Қанақанги таклиф бўлган экан у? - сўради Тэд.

- Сеҳргарга итоат қилиш халқимиз шаънига номуносиб ишдир, - деди гоблин, овози янада дағаллашиб, - Ахир мен аллақандай уй эльфи эмасман-у.
- Сен-чи, Цапкрюк?
- Мен ҳам шу сабабдан қочиб юрибман, - жавоб берди Цапкрюк, - Гринготтс банки энди гоблинлар назоратида эмас. Сеҳргар раҳбарларни эса биз тан олмаймиз.
- У гоблин тилида Горнукка нимадир деб, иккаласи кулишди.
- Қанақанги ҳазил бўлди? - сўради Дин Томас.
- Сеҳргарлар ҳам баъзи нарсаларни тан олишмасликларини айтди, - жавоб берди Крессвелл.
- Ҳазил маъносини бари-бир тушунмадим, - деди Дин, бироз давом этган сукунатдан сўнг.
- Қочиб кетишдан олдин қасос олдим, - жавоб берди Цапкрюк инглиз тилида.
- Ажойиб халқ-да, гоблинлар, - гапга аралашди Тэд, - Ўлимдан мириқувчиларнинг бирортасини ўта ишончли хазина сақлаш омборларингиздан бирига қамаб қўймагансиз, деган умиддаман.
- Қамаб қўйганимда ҳам, қилич ёрдам бера олмас эди, унга, - жавоб берди Цапкрюк.
- Горнук боз хандон отди, ҳатто Дирк ҳам кулиб юборди.
- Дин иккаламиз қайсидир гапингизни эшитмай, ўтказиб юборган кўринамиз, - деди ҳеч нарсани тушунмаган Тэд.
- Ҳа, ўтказиб юборгансиз, худди Северус Снегг каби. Фақат у бундан беҳабар, - деди Цапкрюк, Горнукнинг хандонига қўшилиб.
- Чодирда ўтирган Гарри ҳаяжондан энтикиб қолди. Гермиона иккаласи бир-бирига қараганча, ташқаридаги суҳбатга диққат билан қулоқ тутишмоқда.
- Эшитмадингиз-ми, Тэд? - сўради Дирк, - Снеггнинг «Хогварц»даги хизмат хонасидан Гриффиндор қиличини ўғирлаб чиқишга уринган болалар ҳақидаги гапни? Гаррининг танасидан электр заряди ўтиб кетгандай бўлди. У қилт этмай эшитмоқда.
- Эшитмаган эканман, - жавоб берди Тэд, - «Башорат-у, каромат газетаси»да бу ҳақда хабар берилганмиди?
- Эҳтимолдан анча йироқ, - пишқирди Дирк, - Цапкрюкнинг айтишича, бу гапни у банкда ишлайдиган Билл Уэслидан

эшитган. Ўша қилични ўғирлашга уринган болалардан бири унинг кенжа синглиси бўлган.

Гарри ҳаётлари пинҳонқулоққа боғлиқдай, қулоғидаги арқонни маҳкам ушлаб олишган Гермиона билан Ронга қаради.

- Қизалоқ ўзининг бир жуфт дўсти билан Снеггнинг хонасига ўғринча кириб, қилич сақланаётган шиша ғилофни очган. Зинадан тушаётганда Снеггнинг қўлига тушган.

- О, Худо сақласин у болаларни, - дуо қилди Тэд, - Қилич нега керак бўлиб қолибди уларга? Ўзинг-Биласан-Кимга қарши қўллашмоқчи бўлишибди-ми?

- Нега керак бўлиб қолганини ўзлари билишади. Қизики, Снегг қилични хавфсиз жойга бекитиб қўйишга аҳд қилган, - жавоб берди Дирк, - Бинобарин, икки кун ўтиб, афтидан, Ўзинг-Биласан-Ким билан маслаҳатлашгач, қилични Лондонга, Гринготтс банкида сақлаш учун юборган. Гоблинлар боз хандон отишди.

- Бунинг нимаси кулгили эканлигини ҳамон тушунганим йўқ, - деди Тэд.

- Банкка юборилган қилич сохта бўлиб чиқди, - жавоб берди Цапкрюк, кулгидан нафаси қайтиб.

- Гриффиндор қиличи сохта бўлиб чиқди?!

- Ҳа-да. Нусхаси экан. Бироқ тан олиш керакки, қилич нусхаси сеҳргарнинг қўли ила маҳорат-ла ясалган. Қиличнинг асл нусхаси эса бир неча аср муқаддам гоблинлар томонидан ясалган ва фақат бизнинг халқимиз тайёрлаган қуролга хос хусусиятларга эга бўлган. Гриффиндор қиличи ҳозир қаердалигини билмайман-у, лекин у Гринготтсда эмаслиги аниқ.

- Тушунарли, - деди Тэд, - Ва табиийки сиз, бу ҳақда Ўлимдан мириқувчиларга маълум қилишни лозим кўрмагансиз?

- Бундай арзимас гапни айтиб, уларни ташвишга қўйгим келмади, - жавоб берди ўзидан ўзи мамнун бўлган Цапкрюк. Горнук билан Диркнинг кулгисига бу сафар Тэд билан Дин ҳам жўр бўлишди.

Гарри кўзини чирт юмиб, гулхан атрофида ўтирганлардан бирортаси ҳозир уни чинакамига ташвишга солган саволни беришини истади. Бир дақиқадан сўнг, Дин, худди Гаррининг ўтинчини эшитгандай, сўраб қолди:

- Гриффиндор қиличини ўғирлаб чиқишга уринган ўқувчиларга, яъни Жинна ва унинг шерикларига нима қилди?

- Ҳа, уларга-ми? Жуда қаттиқ жазога тортилишди, - лоқайд оҳангда жавоб берди Цапкрюк.

- Улар соғ-саломатми, ишқилиб? - сўради Дин, - Айтмоқчиманки, Уэслиларнинг фарзандлари кетма-кет яралангани етар?

- Билишимча, уларга етказилган тан жароҳати у қадар жиддий эмас, - деди Цапкрюк.

- Демак, омадлари чопибди, - фикр билдирди Тэд, - Снеггнинг қилмишларидан бохабар эканмиз, болалар ўлмай, омон қолишгани учун хурсанд бўлишлари керак.

- Сиз ҳам, демак, ўша гапларга ишонар экансиз-да, Тэд? - сўради Дирк, - Чиндан ҳам Дамблдорни Снегг ўлдирган, деб ўйлайсиз-ми?

- Мен бунга аминман, - жавоб берди Тэд, - Умид қиламанки, Дамблдорнинг ўлимига Гарри Поттер дахлдор демоқчи эмассиз.

- Бугунги кунда бирорта гапга ишониб бўлмайди, - пичирлади Дирк.

- Гарри Поттернинг синфдоши сифатида уни яхши биламан, - гапга аралашди Дин, - Унга қандай тамғалар босишмасин, мумтоз эканлигига ишонаман...

- Гапинг рост эканлигига кўпчилик ишонишни хоҳлайди, шу жумладан, мен ҳам бовар қилгим келади, ўғлим, - деди Дирк Крессвелл, - Бироқ қани ўзи у? Келинг, холисона мулоҳаза юритиб кўрайлик. Агар у бирон-бир биз билмайдиган нарсани билса ёки фақат ўзига хос хусусиятларга эга бўлса, ҳозир одамлардан бекиниб юрмай курашган, қаршилиқ тарафдорларини бошқарган бўлар эди-ю. Билсанг агар, «Башорат-у, каромат газетаси»да, унга тааллуқли...

- «Башорат-у, каромат газетаси»да? - истехзоли кулди Тэд, - Модомики сен, ўша жирканч газетани ўқир экансан, алданишга муносиб экансан. Агар ҳақиқий янгиликлардан бохабар бўлишни истасанг, «Ҳақиқатгўй» журналинини ўқиб бор.

Дирк балиқ суягига тиқилиб, узоқ йўталди. Суякни томоғидан бир амаллаб ўтказиб юборгач, ниҳоят тилга кирди.

- «Ҳақиқатгўй»? Анави нимжинни Ксенофилиус Лавгуд

чиқарадиган журнални-ми?

- Ксенофилиус сен ўйлаганчалик тентак эмас, - эътироз билдирди Тэд, - У, одатда, «Башорат-у, каромат газетаси»да тилга олинмайдиган нарсалар ҳақида ёзади, билмоқчи бўлсанг, агар. Масалан, буришиқ шохли стеклоплар ҳақида «Башорат-у, каромат газетаси»нинг сўнгги сонида бирорта сўз айтилмаган. Унга Ўлимдан мириқувчилар ўз журналини чоп этиб боришига яна қанча вақт беришларини билмадим-у, лекин журналининг ҳар бир сонидаги бош мақолаларда Гарри Поттерга ёрдам қўлини узатиб боришга даъват этилади ва Ўзингиз-Биласиз-Кимга қарши чиққан барча сеҳргарлар бу ишни биринчи навбатдаги вазифа, деб билиши лозимлиги уқтирилади.

- Ер юзидан йўқ бўлиб кетган болага ёрдам қўлини узатиш қийин кечса керагов, - эътироз билдирди Дирк.

- Қулоқ солинг, ахир у ҳалигача қўлга тушмаганининг ўзи катта бир ютуқ эмасми! - деди Тэд, - Мен ҳам ундан бирон-бир шама кутаман. Аммо ҳозир у биз қилаётган иш, яъни ўз эркини қўлдан бериб қўймаслик билан банд, шундай эмасми?

- Ҳа, сўзларингда маъно бор, - истар-истамас рози бўлди Дирк, - Болани қидириб топиб, қўлга олиш учун вазирлик ўз ихтиёридаги барча имкониятлар, жамики чақимчилари-ю, ахборот берувчиларини ишга солгани инобатга олинадиган бўлса, бола аллақачон ҳибсга олиниши керак эди. Гарчи, биз қаердан билишимиз мумкин Гарри Поттер қўлга олиниб, ўлдирилмаганини? Эҳтимол бу гапнинг ҳаммага ошкор бўлиши ҳозирча маъқул топилмагандир.

- Қўй, ундай дема, Дирк, - пичирлади Тэд.

Улар узоқ вақт жим қолишди. Пинҳонқулоқ орқали фақат санчқи ва пичоқларнинг ишлаётгани эшитилмоқда. Шундан сўнг, соҳилда тунаб қолиш, ё йўлни давом этиш масаласи юзасидан бироз баҳс ўтди. Ниҳоят улар ўрмон қаърига кириб кетишни маъқул кўришди. Гулханни ўчириб, қиялик бўйлаб юқорига кўтарилишди. Овозлари тобора паст эшитилиб, кўп ўтмай, анча узоққа кетишди.

Гарри, Рон ва Гермiona пинҳонқулоқларни йиғиб, яна сумкага жойлашди. Ўғринча қулоқ солаётганда гапириб юборишдан ўзини базўр тутиб ўтирган Гарри энди «Жинна... қилич...»дан бошқа ҳеч нарса дея олмаяпти.

- Мен биламан, нима қилишни! - хитоб қилди Гермиона.

У қўлини боз сумкачасига суқди.

- Мана у... - деди қиз, қандайдир оғир буюмни чиқарар экан, тиши орасидан вишиллади гапириб.

Гарри Гермионага ёрдам бериб, иккаласи сумкачадан Пиний Нигеллийнинг портретини чиқарди. Қиз сеҳрли таёқчасини портретга ўқтади.

- Агар ҳақиқий қилични Дамблдорнинг хизмат хонасидан кимдир ўғирлаган бўлса, - ҳансиради Гермиона, портретни чодир деворига суяб, - Ўша ўғрини Пиний Нигеллий кўрган бўлиши керак. Чунки унинг портрети қилич сақланган ғилоф ортида осифлиқ бўлган.

- Агар у, ўша фурсатда ухлаб ётмаган бўлса, албатта, - тахмин қилди Гарри, нафасини чиқармай қўйиб.

Гермиона портрет рўпарасида тиззага турди-да, томоғини қириб олгач, чақирди:

- Э-э-э... Пиний? Пиний Нигеллий!

Ҳеч нарса рўй бермади.

- Пиний Нигеллий, - боз чақирди Гермиона, - Профессор Блэк! Биз билан суҳбатлашгани чиқа оласизми? Илтимос сиздан!

- Сеҳрли «Илтимос» сўзи доимо кор беради, - эшитилди айёрона овоз.

Бироздан сўнг, овоз соҳиби Пиний Нигеллий ўз портретида пайдо бўлди.

- Обскура! - деди Гермиона шу заҳоти.

Портретда қора боғ пайдо бўлиб, Пиний Нигеллийнинг ақлли қора кўзини боғлаб қўйди. Кутилмаган бундай ҳолатдан Пиний бошини портрет рамкасига уриб олиб, оғриқдан бақирди.

- Бу нимаси?... Қандай журъат этдингиз?!...

- Маъзур сананг, профессор Блэк. Бу зарурий эҳтиёт чораси, - тушунтириш берди Гермиона,

- Йўқотинг бу қабоҳатни! Йўқотинг дедим! Тасвирий санъатнинг буюк намунасини бузясиз! Қаердаман ўзи? Нима бўляпти бу ерда?

- Қаердалигимизнинг аҳамияти йўқ, - гапга аралашди Гарри. Пиний Нигеллий шу заҳоти жим бўлиб, кўзидаги боғни ечиш ҳаракатини тўхтатди.

- Наҳотки мен мистер Гарри Поттернинг овозини эшитаётган

бўлсам?!

- Эҳтимол, - жавоб берди Гарри, Пиний Нигеллийнинг қизиқишини сақлаб қолишга уриниб, - Гриффиндор қиличига тааллуқли бир-иккита саволимиз бор эди.

- Ҳа, - деди Пиний Нигеллий, кўз қири билан бўлса ҳам Гаррини кўриш ҳаракатида бошини ҳар кўйга солганча, айлантириб, - Тентак қиз номаъқул иш қилди...

- Гап менинг синглим тўғрисида кетяпти, оғзингизга қараб гапиринг! - гапни бўлди Рон кескин оҳангда.

Пиний Нигеллий жирканиб қош кўтарди.

- Буниси ким бўлди энди? - бошини ҳар томон айлантирди у, - Оҳанг ёқмаяпти менга! Қизалоқ билан унинг дўстлари фавқулодда таваккал иш кўришди. Директорнинг хизмат хонасига ўғирликка кириш...

- Улар ўғирлик қилишгани йўқ, - гапни бўлди Гарри, - Бу қилич Снегга тегишли эмас.

- Бироқ у профессор Снегг раҳбарлигидаги мактабга тегишли, - эътироз билдирди Пиний Нигеллий, - Қизалоқ Уэслининг-чи, қандай ҳақи бор Гриффиндор қиличига? У ҳам, анави тентак Лонгботтом ҳам, томи кетган Лавгуд ҳам ўз жазосига лойиқ иш қилишган!

- Невилль тентак эмас, Лунанинг томи кетмаган! - гапга аралашди бу гал Гермиона.

- Хўш, қаердаман? - такрор сўради Пиний Нигеллий, кўз боғига қарши курашни қўймай, - Қаерга олиб келдингиз мени? Нега мени аждодларим уйдан олиб чиқдингиз?

- Бас қилинг! Жинна, Невилль ва Луна қандай жазога тортилди Снегг томонидан? - сўради Гарри, қатъий оҳангда.

- Профессор Снегг уларни анави маданиятсиз тўнка Хагридга ёрдам беришлари учун Ман этилган ўрмонга юборди.

- Хагрид маданиятсиз тўнка эмас! - зардаси қайнади Гермионанинг.

- Снегг буни жазо деб топди-ми? - истехзоли кулиб қўйди Гарри, - Ишончим комилки, Жинна, Невилль ва Луна учаласи Хагрид билан вақтни қувноқ ўтказишган. Ман этилган ўрмон... шу ҳам жазоми! Улар шундай нарсалар билан рўбару бўлишган-ки, Ман этилган ўрмон ўша ишлар олдида болалик шўхлигидан ўзга нарса эмас!

Дўстлари кам деганда Крусио жазосига тортилганини

тасаввур қилиб, ташвиш тортиб ўтирган Гарри анча енгил тортди.

- Аслида, профессор Блэк, биз бошқа нарсани сўраб билмоқчи эдик сиздан, - деди Гермиона, - Қилишни филофдан бошқа биров ҳам олганми? Дейлик, уни тозалаш учун олиб чиққандир кимдир хонадан?

Кўз боғини тек қўйган Пиний Нигеллий бироз қотиб турди-да, сўнг, кулавериб қорнини ушлаб қолди.

- Магларнинг боласи эканлиги дарҳол билинади-да, - деди у ниҳоят, - Гоблинлар тайёрлаган қуролни тозалашга эҳтиёж бўлмайди, гўл. Гоблин кумушига кир юқмайди, уни янада мустаҳкам қилиши мумкин бўлган нарсани эса қилич ўзига сингдириб боради.

- Гермионани гўл дема, - дўстини ҳимоя қилди Гарри.

- Тўғриси айтсам, охири кўринмайдиган бундай қаршилик жонга тегди, - баёнот қилди Пиний Нигеллий, - Директорнинг хонасига қайтганим маъқулмикан?

Кўзи боғланган Пиний Нигеллий «Хогварц»га қайтиш учун портрет чети томон аста йўл олди.

Кутилмаганда Гаррининг хаёлига бир фикр келди.

- Дамблдор! Дамблдорни олиб кела оласизми бу ерга?

- Тушунмадим, нима дедингиз? - ҳайрон бўлди Пиний Нигеллий.

- Дамблдорни ўз портретидан чақириб, мана бу портретингизга етаклаб кела оласизми?

- Фақат маглар оиласида туғилганларгина бу қадар нодон бўлмас экан-да, а, Поттер?! Қаранг-а! «Хогварц» портретларида яшайдиганлар ўзаро қўшничилик қилишлари мумкин, албатта, лекин фақат қаср ҳудудида. Қасрдан ташқарига эса чиқа олмайди улар! Табиийки, «Хогварц»дан ташқарида ҳам портрети борлар бундан истисно. Улар фақат ўз портретларидангина хабар олиб боришлари мумкин. Бинобарин, Дамблдор мен билан бу ерга кела олмайди. Бундан ташқари, менга кўрсатилган бундай густоҳона муомаладан сўнг, ушбу портретимга энди ҳеч ҳам қайтмайман!

Бироз руҳи тушган Гарри ўз портретини тарк этаётган Пиний Нигеллийнинг уринишини кузатиб турди.

- Профессор Блэк. Гриффиндор қиличи ўз филофидан сўнгги

бор қачон чиқарилганини айта олмайсиз-ми? - сўради кутилмаганда Гермиона, - Яъни уни Жинна қўлига олгунга қадар...

Пиний Нигеллий пишқириб қўйди.

- Адашмасам, қилич ўз ғилофини сўнгги бор, Дамблдор анави узукни очиш учун фойдаланган куни тарк этган.

Гермиона Гарри томон кескин юзланди. Пиний Нигеллийнинг олдида ҳеч ким ортиқча сўз айтмади. Бироз ивирсиган қария, портретни тарк этиш йўлини топа билди.

- Ҳа, мана... хайрли тун, яхши қолинглар, - кесатди у.

Портретда Пиний Нигеллийнинг бошидаги кенг шляпанинг бир четигина кўринган фурсатда Гарри бақириб қолди:

- Шошманг! Бу гапни сиз профессор Снегга ҳам айтганмисиз?

Портретда Пиний Нигеллийнинг боши пайдо бўлди.

- Профессор Снегг жуда банд одам. Альбус Дамблдорнинг бир-биридан ғалати ишлари билан қизиқиб ўтиришга бекорчи вақти йўқ унинг. Омон бўлинг, Поттер!

Пиний Нигеллий ўз портретида ғамгин ранг қолдирганча, кўздан ғойиб бўлди.

- Гарри! - қичқирди Гермиона.

- Тушундим! - жавобан ҳайқирди Гарри.

Ўзини тия олмаган Гарри ҳаво муштлади. Умид қилганидан ҳам катта гап бу. У чодир бўйлаб одимлар экан, назарида бир пастда кам деганда бир миляча йўл юриб қўйди. Шу қадар ҳаяжонланиб кетганки, очликни унутди. Гермиона Пиний Нигеллийнинг портретини сумкачасига жойлаб, яшнаган юзи ила Гаррига қаради.

- Қилич руҳдонларни йўқ қилиши мумкин! Гоблинлар ясаган тиғли қурол ўзини ўзи кучайтириб борар экан!... Гарри, Гриффиндор қиличи василискнинг захрига тўйинган!

- Дамблдор қилични менга бермаганининг сабаби ҳам энди тушунарли: медальонни топиб, йўқ қилмоқчи бўлган...

- ... сенга қуролдан фойдаланишга рухсат беришмайди, деган хулосага борган бўлиши мумкин...

- ... шунинг учун у қиличнинг нусхасини ясаган...

- ... сохта қилични ғилофга жойлаган...

- ... ҳақиқий қилични эса бекитиб қўйган... Хўш, қаерга яширган?

Иккаласи бир-бирига қараб қолишди: саволга жавоб

қаердадир шу ерда, кўринмас кўланка каби ҳавода муаллақ осилиб қолгандек гўё.

Нега Дамблдор қиличнинг жойини айтиб кетмаган унга? Эҳтимол айтгандир, Гарри эътибор қилмаган ёки тушунмагандир?

- Ўйла! - пичирлади Гермиона, - Ўйла, қаерга бекитиб қўйган бўлиши мумкин у қилични?

- «Хогварц»дан ташқарида, - ўйга толди Гарри, чодир ичида боз одимлай бошлаб.

- Эҳтимол Хогсмёднинг бирорта бурчагига яшириб қўйгандир? - тахмин қилди Гермиона.

- Масалан, Фиғон кулбасига, а? У ерга ҳеч ким кирмайди, тўғри.

- Снегг билади кулбага кириш йўлини. Қиличнинг у ерга яшириб қўйилиши фавқулодда таваккал қилинган иш бўлар эди.

- Бироқ Дамблдор Снегга ишонган, - эслатиб ўтди Гарри.

- Қилични хавф остига қўйиш даражасида эмасдир, ҳар қалай, - эътироз билдирди Гермиона.

- Тўғри айтасан.

Снеггнинг хоинлигини эслаган Гаррининг кайфияти бироз бузилди.

- Шундай экан, қилични у Хогсмёддан узоқроқ жойга яширган бўлиши керак... Рон, сен нима деб ўйлайсан бу масалада?... Рон?...

Гарри атрофга аланглади. Дастлаб Рон чодирдан чиқиб кетган бўлса керак, деган хаёлга борди. Сўнг уни икки қаватли каравотнинг биринчи қаватида қандайдир эсанкираган ҳолатда ётганини кўрди.

- Ниҳоят эсингизга тушдим-ми, мен? - сўради Рон.

- Нима?

Рон масхаралагандай кулимсираб шифтга қаради.

- Давом этаверинг. Хурсандчилигингизни ҳеч ҳам бузгим йўқ. Ҳеч нарсани тушунмаган Гарри ёрдам сўрагандай, Гермионага қаради. Қиз ҳам ҳайрон бўлиб бош чайқади.

- Муаммо нимада, ўзи? - сўради Гарри дўстидан.

- Муаммо? Муаммо бўлиши мумкин эмас, - жавоб берди Рон, имкон қадар Гаррига қарамасликка ҳаракат қилиб, - Ҳар қалай сен ҳеч қандай муаммо кўрмайсан бу ерда.

Чодир матосига ёмғир томчилай бошлади.

- Сенга кўринаётган бўлса, айт ўша муаммони, биз ҳам эштайлик!

Рон оёғини осилтирганча, ётган ўрнига кескин ўтириб олди. Роннинг қилиғи хунук кўриниб, ўзига ўзи ўхшамаяпти.

- Жуда соз! Ундай бўлса эшитинг! Навбатдаги аҳмоқона буюмни қидириб топиш учунгина сизлар ва мана бу чодир билан бирга бир жойдан бошқа жойга лўлидай кўчиб юришни истамайман. Ўша нарсалар ўзи нима эканлигини тасаввур ҳам қила олмайдиган буюмларинг рўйхатига киритиб қўявер.

- Тасаввур қила олмайман? Мен-а?

Ёмғир тезлашиб, томчилари чодир томи, дарахт барглари ва дарё сувига тобора кучли урилганча, пичирламоқда.

Гаррининг ҳозиргина ҳис этган қувончли дақиқаларини осмон-у фалакдан тушаётган сув ювиб кетди. Унинг Ронга нисбатан туғилган шубҳа ва хавотирлари охири рўёбга чиқмоқда. Гарри эшитишни мутлақо истамаган, эшитишдан қўрққан гапларни Рон мана ниҳоят гапирмоқда.

- Амалга оширилган ушбу қидирув сафари ҳаётимнинг энг ёмон палласи бўлди, - хулоса чиқарди Рон, - Қўлим мажруҳ бўлди, қорним овқатга тўймади, кечалари совқотдим ва охир-пировардида ҳафталаб ўтказилган дарбадарлик ва қидирувлардан сўнг, эртами, кечми, бирон нимага эришамиз, саъй-ҳаракатларимиз бирон-бир фойда келтиради, дея умид қилган эдим.

- Рон, - чақирди Гермиона паст овозда.

Бироқ дардини дастурхон қилаётган Рон ёмғир қатралари чодирга урилиб, дўмбиранинг дириллашидай товуш чиқараётгани туфайли ўзини эшитмаган кўйга солди.

- Қанақанги сафар кутаётганини билсанг керак, деб ўйлаган эдим, - деди Гарри.

- Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим.

- Хўш, ишимизнинг қайси қисми умидингни оқламади? -

жаҳли чиқди Гаррининг, - Ҳар куни беш юлдузли меҳмонхоналарда яшаймиз, деб ўйладинг-ми? Ё юрган йўлимизда биттадан руҳдон топиб борамиз, деган хаёлга бординг-ми? Ёки Рождество байрамигача онангнинг иссиққина бағрига қайтишга умид қилган эдингми?

- Нима қилаётганингни ўзинг биласан, деб ўйлаган эдик! -

бақира кетди Рон, оёққа қалқиб турар экан, бутун вужуди титраб, - Дамблдор сенга қандай иш тутишни айтиб кетганига ишонган эдик! Аниқ бир режанг бор, деб билар эдик!

- Рон! - баланд овозда бақирди Гермиона, бу сафар беписанд қолмаслиги учун.

- Нима ҳам дер эдим, узр, панд бериб қўйдим, - деди Гарри, ўзи учун кутилмаган хотиржам оҳангда, - Бошидан рўй-рост гапириб келганман сизларга. Дамблдордан эшитган, билган нарсаларимни оқизмай, томизмай, сизларга айтиб келганман. Боз устига, мабодо сезмаган бўлсангиз, эслатиб ўтай, руҳдонлардан бирини топишга муваффақ бўлдим...

- Ҳа, албатта. Ундан қандай қутулишни билмагандай, қолган руҳдонларни қаерда қидиришни ҳам билмаймиз.

- Бўйнингдаги медальонни еч, Рон, - илтимос қилди Гермиона, ғайриодатий ингичка овозда, - Ўтинаман, еч. Куни билан олиб юрмаганинда, бундай гапирмаган бўлар эдинг.

- Гапирган бўлар эди, - гапга аралашди Гарри, Роннинг хулқини оқлайдиган омил топилишини истамай, - Наҳотки иккалангиз орқамдан висир-висир қилиб юрганингизни кўрмаган, қандай хаёлга борганингизни билмайди деб ўйлаган бўлсангиз?

- Гарри, биз...

- Алдама, - бақирди Рон Гермионага, - Сен ҳам менинг гапларимни такрорлагансан, ихлосинг қайтганини, бу ишга тайёр у, деб ўйлаганингни айтгансан...

- Йўқ, мен бошқа нарсаларни назарда тутган эдим, Гарри. Ҳаммаси мутлақо бошқача бўлган! - йиғлаб юборди қиз. Ёмғир чодир матосидан, кўз ёшлари эса Гермионанинг юзидан оқиб тушмоқда. Бир неча дақиқа муқаддам ҳукм сурган қувончли вазият умуман бўлмагандай, мушак сингари лов этиб, ўрнига совуқ зулмат қолдиргандай, батамом барҳам топди. Гриффиндор қиличи биров билмас жойга бекитиб ташланган бўлса, уч нафар ўспириннинг эришган ягона ютуғи – ҳалигача тирикликдир.

- Ичингда шунча гапинг йиғилиб қолган экан, нега ҳалигача индамай, мен билан юрибсан? - сўради Гарри Рондан.

- Ўзим ҳам ҳайронман.

- Уйингга қайт.

- Ҳа, кетаман! - бақирди Рон, Гарри томон қадам босиб. Гарри турган жойидан қилт этмади.
- Синглим ҳақида нималар дейишганини эшитдинг-ми? А-а, сен тупурган эдинг-ку, унга, тўғрими? «Ман этилган ўрмон. Шу ҳам жазоми!». Қаҳрамон Поттер бундан баттарини кўрган. Ҳа, тўғри, ёш бир қизча бир-биридан йирик ўргимчакларга дуч келади, хўш, нима қилибди энди шунга? Рухий бир синов бўлади-да, унга, а?...
- Мен уни Хагрид ва бошқалар билан бирга бўлишини...
- Нима демоқчи бўлганингни жуда яхши тушундим! На синглимнинг тақдири, на қолган оила аъзоларимнинг қисмати қизиқтиради сени, Поттер. «Уэслиларнинг фарзандлари кетма-кет яралангани етар?» - дейилди, эшитдинг-ми?
- Ҳа, мен...
- Ўша гап маъносини идрок этиб кўришга ҳатто уриниб ҳам кўрмадинг-ку, а?
- Рон! - қичқирди Гермiona, иккаласининг ўртасига кириб, - Яна бирорта хунук иш, ҳар қалай, биз билмаган кор-ҳол рўй берган, деб ўйламайман. Ўзинг ўйлаб кўр, Рон: аканг Билл Жиннанинг жазога тортилганини эшитиб, чўчиб кетган, Жорж қулоғидан айрилиб қолганини кўпчилик кўрган, сен эса кўпчиликнинг фикрича, парчаланиб ҳалок бўлгансан... Ишончим комил, Дин шуларни назарда тутиб...
- Ишончинг комил? Ундай бўлса, улардан хавотир олиб нима қиламан? Сенга хавотир олиш учун сабаб йўқ, албатта... сенга ҳам...
- Тўғри, чунки менинг ота-онам ўлиб кетишган! - бақирди Гарри.
- Менинг ота-онам ҳам гўр ёқасига келиб қолишган! - жавобан ўқирди Рон.
- Ундай бўлса, тезроқ кет! - ғазабдан тутақиб кетди Гарри, - Уйингга қайт, парчаланишингни енгиб келганингни айт, онанг қорнингни яхшилаб тўйдирсин, шунда... Рон бир сапчиди, Гарри ҳам унинг ҳаракатига жавобан ҳаракат бажарди ва иккаласи бир-бирига сеҳрли таёқча ўқтаб қолди. Аммо улар таёқчаларидан фойдаланишга улгурмай, Гермionанинг овози янгради:
- Престего!

Уччаласининг ўртасида кўзга кўринмас тўсиқ ҳосил бўлди. Афсун кучи уччаласини бир неча қадам ортга туртиб юборди. Рон билан Гарри тўсиқ орқали бир-бирига худди илк бор кўришиб турган каби, қараб қолишди. Гарри Ронга нисбатан кучли нафрат ҳис этди: иккаласининг ўртасида борки нарсалар синиб, чилпарчин бўлди.

- Рухдонни бер буёққа, - талаб қилди Гарри.

Рон медальон бириктирилган занжирни бўйнидан ечиб, ёнидаги курсига ташлади.

- Сен нима қилмоқчисан? - сўради у, Гермионага юзланиб.

- Қайси маънода?

- Қоласанми, кетасанми?

- Мен... Ҳа, мен қоламан, албатта, - жавоб берди аянчли аҳволда турган қиз, - Рон, биз Гарри билан бирга бўлишга, унга яқиндан ёрдам беришга ваъда қилганмиз...

- Ҳаммаси тушунарли. Сен уни танладинг.

- Йўқ... Рон... йўқ... илтимос, қайт. Ортинга қайт!

Қиз Роннинг ортидан эргашди, аммо ўзи ҳосил қилган девор йўлига тўсқинлик қилди. Гермиона афсунга барҳам бергунча, чодирдан чиқиб кетган Рон қоронғилик қаърига кириб, кўздан ғойиб бўлди. Гарри ўрнидан қўзғалмай, қизнинг йиғиси, Ронни чақирганларини индамай эшитиб ўтирди. Бир неча дақиқа ўтгач, ҳўл сочи юзига ёпишган Гермиона қайтиб келди.

- Кетди. Ҳавода даф бўлди...

Креслода ғужанак бўлиб олган қиз йиғлай бошлади.

Бўлиб ўтган жанжалдан эсанкираб қолган Гарри руҳдонни бўйнига осиб, Роннинг каравотидаги ўрин ёпинғичини

Гермионанинг устига ташлади-да, каравотга ётиб, чодирнинг қора шифтига термилганча, ёмғир товушига қулоқ тутди...

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ. ГОДРИК ЖАРЛИГИ

Эртаси куни уйғонган Гаррига кечаги жанжални эслаш учун бироз вақт керак бўлди. Эслагач, соддаларча фикр юритиб, буларнинг бари тушимда бўлган, Рон ҳеч қаерга кетмаган, деган хулоса қилди. Бошқа томонига ёнбошлаб, дўстининг ўрни бўшлигини кўргач, тасавурида мурда гавдаланиб, каравотидан Роннинг жойига тескари ўгирилиб

тушди. Ошхонада ивирсиётган Гермиона хайрли тонг тиламай, ёнидан ўтиб кетаётган Гаррига орқа кўрсатиб турди.

«Йўқ энди у, йўқ!» - деди Гарри ўзига ўзи. Ювиниб, кийимини алмаштирар экан, ушбу сўзларни, гўё руҳий зарбани бошдан кечириш осон кечадигандай, хаёлан такрорлаб борди. «У йўқ ва энди қайтмайди». Бу чиндан ҳам Гарри яхши биладиган аччиқ ҳақиқат. Чунки Рон қайтишга аҳд қилган тақдирда ҳам, турар жой атрофига қўлланилаётган ҳимоя чоралари туфайли дўстларини топиб келишига имкони бўлмайди. Гермиона иккаласи нонушта давомида сукут сақлашди. Қизнинг кўзи шишиб, қизарган. Афтидан у, туни бўйи ухламаган кўринади. Нарсалар йиғилиб, тахланганига қарамай, Гермиона ҳамон имилламоқда. У дарё соҳилида яна бироз ўтирмоқчи. Бургут каби, атрофни вақти-вақти билан синчиклаб кўздан кечираётган қизнинг назарида кимдир ёмғир юваётган ўрмондан чиқиб келаётгандай бўлаётганини Гарри тушуниб турибди. Бироқ танасидан сув оқаётган дарахтлар орасида малла сочли шарпа кўринмайди. Ҳар гал Гермионага қўшилганча, атрофга назар солиб, кимсасиз ўрмондан бошқа нарсани кўрмас экан, Гаррининг ичида яна бир аччиқ бомба портлар эди. Роннинг қайтиб келишига зиғирдай бўлсин, умид йўқ. Унинг: «Нима қилаётганингни ўзинг биласан, деб ўйлаган эдик!» дея бақиргани мясида акс-садо каби янграб, қорин соҳасида нимадир куйдираётганини ҳис этган Гарри нарса тахлашни давом этди.

Яшил сувўти босган дарё сатҳи тез кўтарилиб, соҳилнинг икковлон турган қисмини сув босиши кутилмоқда. Улар яна бир соатча ивирсишди. Нарсалар тўлиқ йиғилгач, Гермионага бу ерда қолиш учун бошқа сабаб қолмади. Иккаласи қўл ушлашганча ҳавода даф бўлиб, арчагул ўсган сершабада тоғ бағрида пайдо бўлишди.

Гаррининг қўлини қўйиб юборган Гермиона сал наридаги катта харсанг тошга ўтириб, юзини кафти билан бекитганча, танаси титраб, унсиз йиғлади. Гарри қизнинг ёнига бориб, таскин бермоқчи бўлди-ю, нимадир унга тўсқинлик қилди. Ҳозир Гаррининг ичида борки нарса совиб, зўриққан. Кўзи олдида Роннинг нафратли қараши боз гавдаланди. Гарри

дили хуфтон қизни доира маркази сифатида қолдирганча, арчагул оралаб айланасига юриб, турар жой атрофини, одатда, Гермiona қўллайдиган афсунлар воситасида ҳимоялади.

Кейинги бир неча кун давомида Рон умуман эсга олинмади. Гарри унинг исмини энди ҳеч қачон тилга олмасликка аҳд қилди. Гермiona эса афтидан, Рон ҳақида бемаврид гапирмаслик кераклигини тушунган кўринади. Баъзан кечалари Гаррини ухлаб қолган деб ўйласа керак, Гермionанинг йиғлагани эшитилиб қолади. Гарри эса Кафандузд харитасини сеҳрли таёқчасининг шуъласи билан ёритганча кузатиб, «Хогварц» йўлакларида «Рон» исмли нуқта пайдо бўлишини кутди. Ундай нуқта асилзот мақоми ила тегишли ҳимояга эга бўлган Роннинг муҳташам қасрга қайтганини кўрсатган бўлар эди. Аммо Рон харитада кўринмаяпти. Вақт ўтиб фаҳмлашича, Гарри, Кафандузд харитасини, қизлар хобгоҳидаги Жиннанинг исмини такрор ва такрор кўриб бориш учунгина чиқармоқда. Бу билан у, гўё Жиннанинг онгига сингиб кириб, доимо у ҳақда ўйлаётганини билдириб қўймоқчи бўлади.

Ҳар кунни улар Гриффиндор қиличи бекитилган тахминий жойга доир баҳслар ила ўтказишмоқда, аммо Дамблдорнинг қилич яширган эҳтимолий жойлари ҳақида қанча кўп гапирилса, ғоялар шу даража иложсиз бўлиб бормоқда. Бироқ тан олмоқ даркор-ки, мазкур мавзу бироз бош қотириб кўришга арзигулик. Дамблдор бирон-нимани яшириб қўйиш мумкин бўлган жой ҳақида гапирганини Гарри ҳеч эслай олмайди. Баъзан Рондан кўпроқ ғазабланиш керакми, ё Дамблдордан – билмай боши қотмоқда. «Нима қилаётганингни ўзинг биласан, деб ўйлаган эдик!...

Дамблдор сенга қандай иш тутишни айтиб кетганига ишонган эдик!... Аниқ бир режанг бор, деб билар эдик!» Гарри ўзини ўзи ортиқ алдай олмайди, Рон ҳақ эканлигини тан олмасдан иложи йўқ. Чиндан ҳам Дамблдор уни қийин аҳволга солиб кетган. Руҳдонларнинг биттаси топилди, аммо уни қандай қилиб йўқ қилиш керак – номаълум. Қолган руҳдонлар эса жумбоқ бўлганича қолмоқда. Иккаласининг вужудини ноумидлик ҳисси қамраб оладиган хавфли вазият қарор топди. Ушбу бемаъни, лузумсиз сафарда ёрдам

беришларига дўстларига ижозат бериб, тўғри иш қилгани борасида Гарри шубҳалана бошлади. У ҳеч нима билмайди, бирон-бир бамаъни фикрни илгари сура олмаяпти. Кун ўтиб бир кун Гермионанинг ҳам сабр косаси тўлиб, «Ҳаммаси жонга тегди!», дея бақирганча, тескари қараб кетиб юборишидан қўрқмоқда.

Кўп оқшомлар сукунатда ўтди. Гермиона сумкачасидан Пиний Нигеллийнинг портретини чиқариб, гўё Рон йўқолгач, ўрнида ҳосил бўлган бўшлиқни қария тасвири тўлдириши мумкин бўлгандай, курсига жойлаб борди. Чодирдаги портретида иккинчи пайдо бўлмаслиги борасида кескин баёнот қилганига қарамай, афтидан, Гаррининг қандай ишларга қодир эканлигига қизиқиши тинчлик бермаётганидан бўлса керак, Пиний Нигеллий бир неча кунда бир марта кўзи боғланган бўлса ҳам, ушбу портретида пайдо бўлиб бормоқда. Унинг кўриниш бериб боришидан, тўғриси айтганда, Гарри хурсанд. Гапи заҳар, назокати истеҳзоли бўлишига қарамай, Пиний Нигеллий қандай бўлмасин, ёлғизликда йўқдан кўра бор шерик бўлмоқда. Гарчи қария зўр хабарчи бўлмаса-да, икковлон «Хогварц»га оид ҳар қандай маълумотдан қаноатланмоқда. Пиний Нигеллий билан ўтаётган суҳбатлар давомида асосан Слизерин факультетининг раҳбари Снегнинг мактабга бошчилик қилиш фаолияти мадҳ этиб борилса-да, Гарри билан Гермионага Снег ҳақидаги танқидий мулоҳазалар-у, ноўрин ва ноқулай саволлардан тийилиб боришга тўғри келмоқда. Акс ҳолда портрет соҳиби чодирни аразлаб тарк этганча, «Хогварц»га кетиши мумкин.

Пиний Нигеллийнинг мулоҳазаларига қараганда, афтидан Снег, аксарият ўқувчилар томонидан кўтарилган майда исёнга рўбару бўлган кўринади. Аниқланишича, Жинна Хогсмёдга чиқиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Снег Амбрижнинг уч нафардан зиёд ўқувчининг йиғилишини ва ҳар қандай норасмий тўгараклар фаолиятини ман этадиган эски буйруғини қайтадан кучга киритибди.

Буларнинг барига асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, Жинна, эҳтимол Невилль билан Луна ҳам, Дамблдор армиясининг фаолиятини давом этишга қўлдан келганча ҳаракат қилишган. Мазмунан бой бўлмаган ушбу янгилик

Гаррига Жиннанинг висолини соғинишга туртки берди. Аммо бу яна Дамблдор билан Ронни кўриш ва собиқ қизи билан учрашишни хоҳлаган каби соғинган «Хогварц» ҳақида ўйлашга мажбур қилди. Дарҳақиқат, Пиний Нигеллий Снеггнинг золимона тутган ишлари ҳақида гапирар экан, Гарри ақлга тўғри келмайдиган бир нарсани, у ҳам бўлса, «Хогварц»га қайтиб, Снегг жорий этган режимни янчиш ҳаракатига қўшилганини тасаввур қилди. Доимо тўқ юриш, юмшоқ каравотда ётиш, бирон-бир ишга бошчилик қилмаслик – бугунги кунда Гарри учун бу ёруф оламдаги энг зўр ҳаётдай кўринди. «Биринчи сонли номатлуб шахс» эканлиги, боши учун ўн минг галлеон ваъда қилинганлиги эсига тушгач эса, ҳозир унинг «Хогварц»га қайтиши Сеҳргарлик вазирлигига бориб, ихтиёрий равишда таслим бўлиши билан баробар эканлиги ҳақида ўйлади. Дарҳақиқат, Гарри билан Гермионанинг қаерда юришганини сўраган Пиний Нигеллий бу гапларни ўзи билмаган ҳолда оғзидан гуллаб қўйди. Пиний Нигеллий ўхшаш саволлар билан мурожаат қилганда Гермиона портретни олд томонини сумкачанинг тубига қаратиб киргизар эди. Бундай хайрлашув оқибатида қария аразлаб, бир неча кун портретга қайтишдан бош тортар эди. Кунлар тобора совиб бораётгани боис, икковлон бир ерда узоқ қолишга журъат этмаяпти. Кучли совиган ер катта ташвиш келтирадиган жанубий Англияда қолгандан кўра, кўчиб юрган маъқул. Улар юрт бўйлаб саёҳат қилишни давом этиб, чодирни дам ёмғир аралаш қор савалайдиган тоғли ҳудудда, дам сувга тўлдириб қўядиган текислик ботқоғида, дам шотландларнинг эрталабга қадар ярмигача қорга кўмиб қўядиган Лохнесс кўли соҳилида яшашмоқда. Ўрганиб чиқилмаган биттагина кўча қолгани ҳақида ўйлаб юрар экан, Гарри айрим дераза токчаларидаги митти арчаларда Рождество шамлари милтиллай бошлаганини кўрди. Икковлон ҳозиргина маза қилиб овқатланиб олди. Гап шундаки, бугун Гермиона катта озиқ-овқат дўконига кўринмас плаш остида кириб, мазали маҳсулотлардан олиб чиқди. Ўзи кўринмас бўлишига қарамай, ўғриликка ўрганмаган қиз очиқ турган кассага пул ташлаб қўйибди. Қорин спагетти-ю, нок билан тўйган экан, Гарри Гермионани гапга ишонтириш осонроқ кечиши, боз устига, каравот

суянчиғига осиб қўйилган руҳдондан икки соат бўлса ҳам, бўйинга дам берса, ёмон бўлмаслиги ҳақида ўйланиб қолди.

- Гермиона?

- Ҳм.

Қиз креслолардан бирида кулала бўлиб олганча, «Бард Бидл масаллари»ни ўқиб ўтирибди. Ҳажми катта бўлмаган ўша китобчада яна қандай янгилик топилиши мумкинлигини Гарри тасаввур эта олмайди. Лекин Гермиона, афтидан, қандайдир шифр очишга уринаётган кўринади, креслонинг тирсакқўйгичига Спелман Маълумотномасини очиб қўйибди. Гарри томоқ қириб олди. Ҳозир у, худди бир неча йил олдин Дурсллар Хогсмёдга чиқиш ҳуқуқини берадиган рухсатномага имзо чекишдан бош тортгани боис, имзолаб беришни профессор Макгоннагалдан сўраётгандай ҳис этмоқда ўзини.

- Гермиона, фикримча...

- Гарри, бир масалада ёрдам бера оласанми?..

Қўлидаги «Бард Бидл масаллари» билан бирга бироз олдинга энгашган қиз Гарри айтмоқчи бўлган фикрга қизиқиш ҳам билдирмади.

- Мана бу белгига қара, - деди Гермиона, саҳифанинг тепа бурчагини кўрсатиб.

У ерда қорачиғини вертикал чизиқ кесиб ўтган учбурчак кўз чизилган бўлиб, белги остида, Гаррининг фаҳмича, тушунарсиз қадимий руналар имлосида навбатдаги масал номи битилган.

- Ўзинг биласан, Гермиона, мен қадимий руналар имлосини ҳеч қачон ўрганмаганман.

- Биламан, лекин унинг руналарга дахли йўқ.

Маълумотномада ҳам у ҳақда ҳеч нима дейилмаган. Бу белгини доимо бирон-бир кўз тасвири бўлса керак, деб ўйлаган эдим, аммо энди уни кўзга ҳам ўхшата олмаяпман. У сиёҳ билан чизилган. Айтмоқчиман-ки, бу белги китоб билан бирга чоп этилмаган, уни кимдир қўлда чизган. Эслаб кўр, балким бирон ерда учратгандирсан уни илгари?

- Йўқ, кўрмаганман... шошма, ахир бу... - Гарри белгига диққат билан назар солди, - Лунанинг отаси бўйнига тақиб юрган рамз-ку, тўғрими?

- Ўзим ҳам ўшанга ўхшатган эдим!

- Ундай бўлса, бу белги Гриндельвальд рамзи саналади.

- Нима? - деди Гермиона, оғзи ланг очилиб.

- Крум менга шундай деган...

Виктор Крумнинг тўй куни Гаррига айтганларини эшитган Гермиона роса ҳайратланди.

- Гриндельвальд рамзи? - сўради у, нигоҳини дам Гаррига, дам расмга олиб ўтиб, - У ўзига қандайдир рамз танлаб олгани ҳақида ҳеч қачон эшитмаганман. Гриндельвальд ҳақидаги мен билган кўплаб китобларнинг бирортасида унинг ўз рамзи бўлгани тилга олинмаган.

- Нима бўлган тақдирда ҳам, Крумнинг сўзларига қараганда, Гриндельвальд ўша рамзи боя айтганимдай, «Дурмштранг» сеҳргарлик мактабида ўқиб юрган кезларида мактаб деворига ўйиб чизган.

Қиз қошини чимирганча, ўзини боз креслога ташлади.

- Ғалати, жуда ғалати бўлиб чиқяпти. Модомики, ушбу рамз ёвуз сеҳр белгиси экан, болалар учун мўлжалланган масаллар тўпламида нима қиляпти у?

- Ҳа, чиндан ҳам ғалати, - деди Гарри, - Скримж ҳам уни таниган бўлиши керак эди. Вазир сифатида ёвуз сеҳр бўйича эксперт ҳисобланиши лозим эди-ку, у, ҳар қалай.

- Биламан... Эҳтимол Скримж ҳам худди мен каби, кўзга ўхшатгандир бу белгини. Қолган масалларнинг сарлавҳаси устида ҳам кичик расмлар бор.

Гермиона гапиришдан тўхтаб, ғалати расмни томоша қилишни давом этди. Гарри яна бир бор уриниб кўришга аҳд қилди.

- Гермиона?

- Ҳм.

- Хаёлимга бир фикр келди. Мен... Годрик жарлигига бориб келиш ниятидаман.

Қиз Гарри томон юзланиб, паришонхотир нигоҳ-ла қаради.

- Ҳа, мен ҳам шу ҳақда ўйлаган эдим. Фикримча, ҳақиқатан ҳам бориб келишимиз керак у ерга.

- Нима демоқчи бўлганимни тўғри тушундинг-ми, ўзи сен?

- Ҳа, Годрик жарлигига бормоқчисан. Фикрингни маъқуллайман. Ҳақиқатан ҳам бориб келишимиз керак ўша қишлоққа. Бундан-да ишончлироқ жойда бўлиши мумкин эмас у. Бошқа жойни тасаввур қила олмайман. Хавфли,

албатта, лекин бу ҳақда қанча кўп ўйласам, у ўша ердалигига шу қадар комил ишонч ҳосил қилиб бормоқдаман.

- Э-э-э... нима, ўша ерда?

Гарри қизга қандай таҳайюр билан қараётган бўлса, Гермiona ҳам Гаррига шундай таажжуб-ла қараб қолди.

- Нима бўлар эди, қилич-да, Гарри! Годрик жарлигига бориш истагинг туғилишини Дамблдор билган. Ахир, ўша жарлик - Годрик Гриффиндор туғилган жой-ку.

- Ростданми?

- «Сеҳргарлик тарихи»ни ҳеч очиб кўрганмисан, Гарри?

- Э-э-э... ҳа... - деди Гарри.

Оғзи атрофидаги мушаклари аранг тортилиб бўлса ҳам, ўтган ой давомида илк бор унинг юзига табассум югурди.

- Китобни янги харид қилганимда, бир-икки бор очганман, албатта. Қисқаси, ўзингдан қолар гап йўқ.

- Модомики, қишлоқнинг номи унинг шарафига қўйилган экан, демак Гриффиндор ўша ерда туғилганига ақлинг етар, деган хаёлга борибман, узр.

Гермионанинг ҳам сўнгги вақтдаги хомуш кайфияти барҳам топиб, асл ҳолатига қайтгани кўриниб турибди. Гаррининг назарида, қиз ҳозир шартта ўрнидан туради-да, кутубхона томон йўл олади.

- «Сеҳргарлик тарихи»да ўша қишлоқ ҳақида бироз тўхталиб ўтилган... ҳозир, шошмай тур... мана...

Қиз мунчоқ қадаб тикилган сумкачасининг оғзини очиб, бироз титкилади-да, Батильда Бэгшот қаламига мансуб «Сеҳргарлик тарихи» китобини чиқариб, керакли саҳифани қидирганча варақлади.

«1689 йили қабул қилинган Сеҳргарлик фаолиятини сир тутиш тўғрисидаги халқаро битимга мувофиқ жаҳон сеҳргарлар жамияти ўз фаолиятини маглардан яширди. Энди сеҳргарлар кичик гуруҳларга бирлашиб, ўзларининг жамият ичидаги майда жамиятларини туза бошлашди. Бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ҳимоя қилиш учун йиғилиб борган сеҳргар оилаларни кўплаб маҳаллалар ва майда қишлоқлар ўзига жалб этди. Корнуэлдаги Тинворш қишлоғи, Йоркширдаги Юқори Флэгли қишлоғи, Англиянинг жанубий соҳилидаги Колготтери Сент-Инспекторт қишлоғига ўхшаш

жойлар сеҳргар оилаларнинг бутун бошли гуруҳларини ташкил этган машҳур хонадонларга Ватан бўлди. Сеҳргар оилалар асосан сабр-тоқатли, баъзан эса Конфундус афсуни таъсири остида яшаган маглар билан қўшничилик қилишган. Ярми сеҳрли бўлмиш бундай жойлар орасида Англия ғарбидаги Годрик жарлиги энг машҳур қишлоқлардан бири саналади. Зеро, бу ерда буюк сеҳргар Годрик Гриффиндор таваллуд топган бўлса, сеҳргар темирчи Боуман Райт дунёда биринчи Тилла чаққонни ихтиро қилган. Қишлоқ қабристониде сеҳргарларнинг қадимий уруғларига қарашли қабрлар кўп. Ҳеч шубҳа йўқ-ки, мазкур ҳолат арвоҳлар ва қабристон ёнидаги лаънатланган кичик черков ҳақидаги азалий ривоятларга далил сифатида хизмат қилади».

- Бу ерда сен билан ота-онанг тилга олинмаган, - деди Гермiona, китобни ёпиб, - Чунки Батильда Бэгшот ўз асарини ўн тўққизинчи аср хотимасида бўлиб ўтган тарихий ҳодисалар билан якунлаган. Аммо эътибор қил: Годрик жарлиги, Годрик Гриффиндор, Гриффиндор қиличи. Булар орасида қандайдир умумийлик борлигини фаҳмлашинг лозимлигини Дамблдор сендан кутган бўлса керак, а, нима деб ўйлайсан Гарри?

- Ҳа... кутган, албатта...

Годрик жарлиги томон йўл олиш таклифини киритар экан, Гриффиндор қиличи ўша ерда бўлиши мумкинлигини Гарри хаёлига ҳам келтирмаган, лекин бунга иқрор бўлишни негадир истамади. Ҳозир Гарри учун тарих ўша қишлоқда ота-онасининг қабри, ўз уйи борлигидан, қўшниси Батильда Бэгшот ҳамон ўша ерда яшаётганидан иборатдир.

- Мюриель хола нима дегани эсингдами? - сўради у кутилмаганда.

- Ким?

- Анави кампир-чи...

Гарри дўсти Ронни эслаб, исмини тилга олишни истамади.

- Жиннанинг тўйда сени кўриб: «тўпиғи чўп, қомати қийшиқ қиз», деган катта холаси.

- А-а-а...

- Батильда Бэгшот ҳамон Годрик жарлигида яшаётганини ўша кампир айтган эди, - деди у.

Хавфли вазият. Қиз беихтиёр Ронни эслаганини Гарри тушуниб турибди. Гермиона кўрсаткич бармоғини «Сехргарлик тарихи» китобининг муқовасидаги муаллиф исми битилган рельеф устидан югуртириб ўтди.

- Батильда Бэгшот, - ғудуллади қиз, - Ўйлашимча...

Гермиона кутилмаганда шунақанги оҳ уриб юбордики, ичидаги борки нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетган Гарри сехрли таёқчасини қўлига олиб, чодир эшиги томон ўқтади. У ерда эса ҳеч ким кўринмади. Ҳам ғазаби қайнаб, ҳам енгил тортиб, қиз томон юзланди.

- Нима бўлди? Нега қичқирдинг? Ўлимдан мириқувчиларнинг бирортаси кириб келяптимики, деган хаёлга бордим...

- Батильданинг уйида сақланаётган бўлса-чи,

Гриффиндорнинг қиличи? Эҳтимол Дамблдор ўша кампирга ишониб кетгандир, деган хаёлга бордим.

Бундай фикр Гаррининг ҳам хаёлига келган, албатта. Бироқ, Мюриелнинг гапи рост бўлса, жуда қариб қолганидан ташқари, ҳуши ҳам ўзида эмас Батильда Бэгшотнинг.

Гриффиндор қиличини қариб, мана шундай аҳволга келган кампирга ишониб топшириш мумкинми? Агар шундай иш тутган бўлса, демак Дамблдор ўта муҳим буюмни тақдир ҳукмига ташлаб кетган ҳисобланади. У ҳеч қачон қилични сохта нусхасига алмаштириб қўйгани-ю, Батильда билан дўст бўлганини тилга олмаган. Ҳозир Гарри Гермионанинг назарияси шубҳа туғдираётгани ҳақида индамай қўя қолди. Боз устига, ушбу назария ўзининг хоҳиш-истаги билан мос тушиб турганда.

- Ҳа, бўлиши мумкин! Демак, Годрик жарлиги борадиган бўлдик, шундайми?

- Шундай, лекин биз ҳамма нарсани яхшилаб ўйлаб чиқишимиз керак, Гарри.

Рўпарасида ўтирган қизга разм солар экан, мавжуд режа истиқболи худди ўзини руҳлантирган каби, Гермионанинг ҳам ғайратини оширганини кўрди.

- Дастлаб биз ҳавода кўринмас плашинг остида даф бўлиш учун Жуфт сайр афсуни ижросини бирга машқ қилишимиз керак. Қидирилаётган бир жуфт бефаҳм, бефаросат қўйдек юрмаслик учун эса ҳамма қиёфа сиркасида ҳам самарали фойдаланишимиз даркор. Бу, ўз навбатида, бировнинг

сочини юлиш кераклигини англатади. Ҳа, чиндан ҳам шундай иш тутишимиз керак. Қанча пухта ниқоблансак, шунча яхши бўлади.

Қиз гапирар экан, Гарри бош ирғиб, розилигини билдириб борди-ю, хаёли аслида Гермионанинг гапларидан анча олисга кетиб қолган. Ҳозир у, Гринготтсда сақланаётган Гриффиндор қиличи сохта эканлигини эшитган кундан буён илк бор ҳаяжонланиб ўтирибди.

Мана ниҳоят ўзининг қадрдон уйига борадиган, оиласи билан яшаган жойга қайтадиган кун яқинлашмоқда. Агар Вольдеморт бўлмаганда, Гарри Годрик жарлигида ўсиб улғайган, мактаб таътилларини ўша ерда ўтказган, дўстларини уйга таклиф қилган бўлар эди. Эҳтимол, унинг укалари, сингиллари бўлиб, ўн етти ёшга тўлгани муносабати билан байрам пирогини ўз онаси пишириб берган бўлар эди. Йўқотилган ҳаёти ҳозир унга, ўша ҳаётни тортиб олишган жойни ўз кўзи билан кўрадиган кун яқинлашган сари, воқеликка айланиб бораётгандай гўё.

Гермиона уйқуга ётгач, Гарри қизнинг мунчоқ қадаб тикилган сумкачасидан ўзининг юк халтасини чиқариб, қачонлардир Хагрид совға қилган фотоальбомини олди. Ўтган кўп ойлардан буён илк бор ота-онасининг ягона хотира сифатида қолган эски фотосуратларини, қўл силтаб чақирганча, кулиб боқаётган юзларини диққат билан кўздан кечирди. Гарри Годрик жарлигига эртанинг ўзида бажонидил йўл олган бўлар эди-ю, Гермионанинг фикри, ушбу масалада бироз фарқ қилмоқда. Гарри ота-онаси ҳалок бўлган жойга келишини Вольдеморт кутаётганига қизнинг ишончи комил бўлиб, имкон қадар пухта ниқобланиб олгачкина йўлга чиқишга аҳд қилган. Икковлон кўринмас плаш остида ҳавода даф бўлишни бир ҳафта машқ қилди. Шу вақт ичида улар Рождество байрами муносабати билан катта харид қилиб юрган бир жуфт бегуноҳ мағлнинг сочидан юлиб келишди. Ниҳоят Гермиона йўлга чиқишга розилик берган кун етиб келди. Улар Годрик жарлигида тун қоронғисида пайдо бўлишлари керак. Шу боис, қош қорайган маҳалда иккаласи ҳамма қиёфа сиркасини ичиб олишди. Гарри ўрта ёшли тепа кал мағлга, Гермиона эса унинг пакана бўйли, юзи сичқоннинг тумшуғини эслатадиган хотинига айланиб қолди.

Ҳамма нарса Гермионанинг мунчоқ қадаб тикилган сумкачасига жойланиб, ички киссасига яшириб қўйилди. Фақат руҳдонгина Гаррининг бўйнида осифлиқ қолди. Гарри кўзини очди. Унинг кучли тепаётган юраги сал кам бўғзига чиқиб олган. Икковлон биринчи тунги юлдузлар хира ялтираётган тўқ кўк осмон остидаги қор қоплаган йўлда қўл ушлашиб турибди. Тор йўлнинг нариги томонида деразалари Рождество безаклари билан милтиллаётган уйлар қад кўтарган. Тилла тус бериб ёнаётган кўча фонуслари қишлоқ марказига олиб борадиган ушбу йўлни ёритмоқда.

- Қор! - домангир пичирлади Гермиона, - Қорни нега ҳисобга олмадик? Шунча эҳтиёт чораларидан кейин, из қолдириб юрамизми энди? Ундан халос бўлишимиз керак... демак, бундай Гарри, сен олдинда борасан, мен эса из билан шуғулланаман.

Қиз қишлоққа бировга сездирмай киришни хоҳлайди ва шу боис, икковлон бу ерга келганини сир сақлашга уринганча, из ўчириб юрди.

- Плашни ечиб қўя қолайлик, - таклиф киритди Гарри, Гермионанинг қўрқувли қарашини кўриб.

- Ҳа, айтгандай, қиёфамизни ўзгартирганмиз-ку. Бизни биров кўрса, танимайди.

Гарри кўринмас плашни тахлаб, курткасининг ичига тикқач, из ўчирмай, монесиз одимлай кетишди. Уйлар ёнидан ўтиб боришар экан, юзларини муздай ҳаво шилмоқда. Ушбу уйлардан ҳар қайси бири бир вақтлар Жеймс билан Лили яшаган ёки ҳозир Батильда Бэгшот яшаётган уй бўлиб чиқиши мумкин. Гарри уйларнинг асосий кириш эшиклари, қор босган томлари, айвонларига қараб кетмоқда. Бирон нима эсига тушиш-тушмаслиги қизиқ ҳозир унга, гарчи бунинг иложи йўқлиги, қишлоқни батамом тарк этганда, у эндигина бир ёшдан ўтган гўдак бўлганини ич-ичдан англаб етаётган бўлса-да.

Тўғриси айтганда, у ўз уйини кўришга умид ҳам қилгани йўқ. Дамблдорнинг маслаҳатига кўра, ота-онаси қўллаган Садоқат афсуни ўз кучини йўқотган ўша фурсатда нима юз берганини Гарри билмайди. Икковлон юриб бораётган тор сўқмоқ чапга, қишлоқ марказига, кўз олдида намоён бўлган кичик майдонга бурилди.

Ҳар ёққа ранг-баранг шуъла таратаётган шамлар осилган. Майдон марказида Рождество арчаси қисман тўсган, нимаси биландир ҳарбий ёдгорликка ўхшайдиган тош турибди. Атрофда бир нечта дўкон, почта хизматининг идораси, паб, рангли деразалари майдонни ёрқин ёритаётган кичик черков кўринмоқда.

Одамлар куни билан тепалаб юргани боис, бу ердаги қор, қотиб, ёпишқоқ бўлиб қолган. Бўй-бастини кўча фонуслари ёритаётган одамлар ҳар томон ўтиб боришмоқда. Паб эшиги ҳар гал очилиб-ёпилганида қаҳқаҳа ва мусиқа товушлари эшитилмоқда. Бироздан сўнг, кичик черков ичидан ибодат қўшиғи янгради.

- Гарри, ўйлашимча, бугун Рождество арафаси.

- Ростданми?

Ҳафталаб газета ўқишмагани боис, иккаласи сана ҳисобидан ҳам адашиб кетишган.

- Ишончим комил! - деди Гермиона, черковга қараб, - Улар... улар анави ерда бўлса керак, а? Ота-онагни айтаман.

Черковнинг нариги томони қабристон экан.

Гарри ҳаяжондан ҳам кучлироқ, кўпроқ қўрқувни эслатадиган туйғудан бироз титраётганини ҳис этди. Ота-онасининг қабрига бу қадар яқин қолган пайтда, уларни кўришни иташ-истамаслиги борасида иккиланиб қолди. Афтидан Гермиона аҳволни тушунган кўринади, Гаррининг қўлидан ушлаб олдинга турганча, йўл бошлади. Йўл ярмига етганда Гермиона таққа тўхтади.

- Қара, Гарри!

Қиз ёдгорликка имо қилди. Ёнидан ўтиб боришар экан, ёдгорлик ўзгариб, исмлар билан тўлган тош тахта ўрнига уч кишидан, хусусан, сочи таралмаган, кўзойнак таққан киши, сочи узун, истараси иссиқ аёл ва онасининг қўлида ўтирган гўдак боладан ташкил топган ҳайкал кўринди.

Гарри яқинроқ бориб, ота-онасининг юзига диққат билан разм солди. Бу ерда уларнинг ҳайкали бўлишини тасаввур ҳам қилмаган. Ўз аксини тошда, пешанаси чандиқсиз бахтиёр гўдак қиёфасида кўриш ғалати туюлди.

- Кетдик, - деди у, ҳайкални обдан томоша қилиб бўлгач.

Икковлон боз черковга юзланиб, ҳаракат бошлади. Йўлнинг нариги томонига ўтиб, ортга қараган Гарри ҳайкал яна

ҳарбий ёдгорликка айланиб қолганини кўрди. Черковга яқин борилган сари ибодат қўшиғи баландроқ эшитилмоқда. «Хогварц»ни эслатган ушбу қўшиқ Гаррининг ўпкасини тўлдирди. У беихтиёр Рождество қўшиқларига дағал мазмун берганча, матнини қайта ишлаб, ўлжа олинган аслаҳалар ичида хиргойи қилган полтергейст Дрюзгни, Катта Залга ўрнатилган ўн иккита баланд арчани, фант ўйинида ютиб олган аёллар шляпасини бошига кийиб олган Дамблдорни, эгнига онаси тўқиб берган свитерни кийиб олган Ронни эслаб ўтди.

Қабристон ҳовлисига кириш жойига кўча эшиги ўрнатилган. Гермiona ушбу энсиз эшикни аста туртиб очгач, иккаласи ичкарига киришди. Черков эшигига олиб борадиган сирпанчиқ йўлнинг черковдан кейин кетган томонидаги қор қалин бўлиб, биров юрмагани кўриниб турибди. Иккаласи ёруғ деразалар ёритган жойларни четлаб ўтиб, иморатлар орасидаги қоронғилик бўйлаб, қорда чуқур эгат ҳосил қилганча одимлай кетишди. Черков ортида қор қоплаган қабр тошлари ернинг қор кўрпасидан қатор-қатор қад кўтариб, сурат солинган рангли ойналарнинг кўк, яшил, тилла тусида хира ярқирамоқда. Киссасидаги сеҳрли таёқчасини маҳкам ушлаган Гарри қабрлардан бирига яқинлашди.

- Қара, Аббот. Ханнанинг қадимий аجدодларидан бири бўлса керак!

- Секинроқ гапир, - деди Гермiona.

Икковлон ҳеч ким кузатмаётганига ишонч ҳосил қилиш мақсадида теварак-атрофга вақти-вақти билан назар солиб, қорда қоронғи из қолдирганча, қабристон ҳовлисига эски қабрлардаги ёзувларни ўқиш учун қисқа тўхталиб, аста ичкарилаб борди.

- Гарри, бу ёққа қара!

Гермiona Гаррининг ортидан, икки қабр қатори нарида келмоқда. Юраги гупиллаб кетган Гарри Гермionанинг ёнига қайтди.

- Топдинг-ми?...

- Йўқ, лекин бу ерда ким ётганига қара!

Қиз қорамтир тошга бармоқ ўқтади. Гарри пастга энгашиб, моҳ билан қопланган яхлаган гранитда «Кентра Дамблдор»

сўзларини, туғилган ва оламдан ўтган саналарни, сал пастроқда эса «... ва унинг қизи Ариана» ёзувини кўрди. Бундан ташқари тошга: «Хазинанг қаерда бўлса, қалбинг ҳам ўша ерда!» сўзлари ўйиб ёзилган.

Шундай қилиб, айрим масалаларда Рита Вритер билан Мюриель ҳақ бўлиб чиқишди. Дамблдорлар оиласи чиндан ҳам бу ерда яшаган ва бир қисми шу ерда вафот топган. Қабр ҳақида эшитгандан кўра, ўзини кўрган оғирроқ кечар экан. Гарри мазкур қабристон ҳовлисида ўзи билан Дамблдорнинг илдизи чуқур отгани, гарчи Дамблдор ушбу умумийликни ҳеч қачон тилга олмаган бўлса-да, буни айтиб ўтиши шарт бўлгани ҳақида беихтиёр ўйланиб қолди. Ушбу қабристонни Дамблдор иккаласи зиёрат қилиб кетиши мумкин эди. Гарри бу ерга Дамблдор билан бирга келганини кўз олдига келтириб, бу ўзи учун қанчалик катта аҳамиятга эга бўлиши ҳақида ўйланиб қолди. Лекин Дамблдорга, афтидан, оила аъзолари битта қабристонда ёнма-ён ётишгани қандайдир аҳамиятсиз, ижросини Гарридан талаб қилган ишга ҳеч қандай дахли бўлмаган тасодифдай кўринган.

Гермиона қараб турганини ҳис этган Гарри юзини қоронғилик бекитиб турганидан хурсанд бўлди. «Хазинанг қаерда бўлса, қалбинг ҳам ўша ерда» такрор ўқиди у. Бу сўзлар нимани англатишини Гарри тушунмади. Ушбу иборани онасидан кейин оила бошлиғи бўлган Дамблдор танлаган, албатта.

- У ҳеч қачон?... - гап бошлади Гермиона.

- Йўқ, - қисқа қилди Гарри, ғазаб аралаш ҳаяжон ҳисси унга жирканч кўриниб, - Юр, яхшиси қидиришни давом этайлик.

- Мана! - қоронғиликда бақирди Гермиона бир неча сония ўтиб, - Йўқ, узр, адашибман. Ёзувни «Поттер» деб ўқибман. Қиз синиб, ушала бошлаган, йўсин билан батамом қопланиб кетган қабр тошига қошини чимирганча тикилиб қолди.

- Гарри, илтимос, бир дақиқага қайт...

Чалғишни хоҳламаган Гарри истар-истамас ортга қайтди.

- Хўш?

- Мана бунга қара!

Қабр шу қадар кўҳна, иқлим таъсирида бузилиб кетган-ки, Гарри маййитнинг исмини ўқий олмади. Гермиона исм остида

ўйиб тасвирланган рамзни кўрсатди.

- Гарри! Бу китобда тасвирланган белги!

Гарри қиз кўрсатган жойга қаради. Тош эскириб, шу қадар ёйилиб кетганки, учбурчак белги ўқиб бўлмайдиган исм устига ўйиб тасвирлангандай кўринмоқда.

- Ҳа... ўхшаб кетади... - деди Гарри.

Гермиона таёқчасини ёқиб, тошдаги исмни ёритди.

- Бу ердаги ёзув Иг... Игнотус исми бўлса керак.

- Мен ота-онамнинг мазорини қидириб топмоқчиман, қарши эмасмисан? - деди Гарри, бироз дағалроқ оҳангда.

У қадимий қабр қаршисида чўкка тушиб ўтирган қизни қолдириб, нари кетди.

Гарри юрган йўлида «Хогварц»да эшитган фамилияларга дуч келмоқда. Масалан, мана, Бут фамилияси. Баъзан эса сеҳргарларнинг бутун бошли авлоди учрамоқда. Гарри ундай қабрларда кўрсатилган саналарга қараб, ушбу авлод, ё батамом қирилиб кетган, ё Годрик жарлигидан бош олиб, чиқиб кетган, деган хулосага бормоқда. Қабристон ҳовлисига қанчалик ичкарилар экан, янги ўрнатилган қабр тошларини шунча кўп учрамоқда. Кўнгли сезиб турибди, ҳозир топади. Зулмат қалинлашиб, атроф янада жимжит бўлиб бормоқда гўё. Ҳаяжон-ла атрофга аланглаган Гаррининг хаёлига дементорлар келди. Бироздан сўнг, ибодат қўшиғини куйлаган хор жим бўлгани, бутхона қавми қишлоқ майдонига яқинлашиб, овозини пасайтириб бораётганини фаҳмлади. Кимдир черков чироқларини ўчирди.

Шундан сўнг, бир-икки метр нарида келаётган Гермионанинг овози қоронғиликдан учинчи бор эшитилди.

- Топдим, Гарри... мана улар.

Гарри қизнинг овозидан ниҳоят ота-онасининг қабри топилганини тушунди. Нимадир юрагини эзаётганини ҳис этганча Гермиона томон одимлади. Дамблдор ўлдирилган тунда ҳам шундай бўлган, юрагини оғир дард эзган эди.

Ота-онасининг қабр тоши Кендра билан Ариананинг қабридан кейин, икки қатор нарида жойлашган экан.

Дамблдорнинг мақбараси каби, ота-онасининг қабр тоши ҳам оқ мрамрдан ясалган бўлиб, қоронғида ярқираётгандай, ёзуви осон ўқилмоқда. Тошга ўйиб битилган сўзларни ўқиш учун тиз чўкиш ёки яқинроқ бориш шарт эмас.

ЖЕЙМС ПОТТЕР

1960 йил 27 март куни таваллуд топган

1981 йил 31 октябрь куни ҳалок бўлган

ЛИЛИ ПОТТЕР

1960 йил 30 январь куни таваллуд топган

1981 йил 31 октябрь куни ҳалок бўлган

Енгиш керак бўлган сўнги душман – Ажалдир!

Гарри қабр тошига битилган сўзларни шошмасдан, мазмунини англаб етиш учун гўё унга фақат бир марта имкон берилгандай, сўнги сатрни эса овоз чиқариб ўқиди.

- Енгиш керак бўлган сўнги душман – Ажалдир!...

Хаёлига кутилмаганда жуда хунук фикр келди.

- Ўлимдан мириқувчиларнинг тамойили эмасми, бу? Нега бу ерга ёзишган?

- Ўлимни енгиш тушунчаси, ўша Ўлимдан мириқувчилар эътироф этадиган мазмунда тушуниш кераклигини англатмайди, Гарри, - мулойим овозда изоҳлаб берди Гермiona, - Бу... Гарри... нариги дунёда яшашни, ўлимдан кейинги ҳаётни англатади.

«Лекин улар бу дунёда тузукроқ яшаб улгуришмади», хаёлдан ўтказди Гарри. Улар бўлмаган. Қуруқ гап билан ота-онасининг жасадлари қор-у, тош остида ётганини бекитиб билмайди. Бола иккала лунжини куйдириб оққан кўз ёшини тўхтата олмади. Ўзини йиғламаган кўйга солиб, кўз ёшини артишдан маъно нима? Гарри лабини қимтиб олганча, Лили билан Жеймс ётган жойни бекитган қалин қорга қараб қолди. Улар Гарри учун ўзларини қурбон қилишган. Омон қолиб, юраги уриб турган ўғил мана, уларнинг бошида турибди. Буни улар билишармикан? Гарри мана шу қорга кўмилиб, ухлаб қолишни истади.

Гермiona Гаррининг қўлини ушлаб, маҳкам сиқди. Кўзига қарай олмаса-да, Гарри ҳам қизнинг қўлини сиқди, тинчланиб, ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди, тунги ҳаводан узук-узук нафас олди. Ота-онасига нимадир олиб келиши керак эди, лекин Гарри бу ҳақда ўйламаган ҳам. Теварак-

атрофдаги ўсимликлар қор остида қолиб, яхлаган. Гермиона сеҳрли таёқчасини силтаб, ҳавода Рождество атиргулларининг дастасини пайдо қилди. Гарри дастани тутиб, ота-онасининг қабрига қўйди.

Оёққа турган Гарри Гермионани елкасидан қучиб, бу ердан тезроқ кетишни истади. Қиз ҳам қўлини унинг белига ўйди. Икковлон қор тепалаганча, Дамблдорнинг ойиси билан синглиси ётган қабр ёнидан ўтиб, ортга, ҳозирча кўринмаётган черков ва қабристоннинг энсиз эшиги томон йўл олди.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ. БАТИЛЬДАНИНГ СИРИ

Икковлон Абботнинг қабрига етиб келди.

- Гарри, тўхта!

- Тинчликми?

- Бу ерда кимдир бор, - деди Гермиона, - Кимдир кузатяпти бизни, аниқ. Ҳўв анави буталар ортида.

Иккаласи бир-бирига яқин келиб, қабристоннинг қоронғи чегарасига тикилишди.

- Аниқ кўрдинг-ми?

- Қандайдир ҳаракат бўлди, - деди қиз, сеҳрли таёқча ушлаган қўлини бўшатиш учун Гарридан сал нари сурилиб, - Онт ичаман-ки...

- Биз магларга ўхшаб олганмиз, - эслатди Гарри.

- Сеҳргар ота-онангнинг қабрига ҳозиргина гул қўйган магларга-да, а? Гарри, ишонтириб айтаман-ки, анави ерда кимдир бор.

Гаррининг хаёлига негадир «Сеҳргарлик тарихи» келди. Маълумки, қабристон арвоҳлар макони саналади. Ҳа нима, агар?... Гермиона кўрсатган томонда нимадир қарсиллади. Буталар орасида қор эзилиб, қандайдир из ҳосил бўлгани кўринди. Арвоҳ қорда из қолдирмай юриши ҳам маълум.

- Мушук бўлса керак, ё қуш, - тахмин қилди Гарри, бироз ўйга толиб, - Ўлимдан мириқувчи бўлганда, аллақачон ўлиб бўлар эдик. Бу ердан тезроқ чиқайлик-да, устимизга кўринмас плаш ташлайлик.

Иккаласи қабристоннинг чиқиш эшигига етгунча орқага аланглаб борди. Мозорда ўзини яхши ҳис этмаган Гарри

сирпанчиқ йўлакка чиқиб, кўринмас плашга бурканиб олишганидан бироз севинди. Пабда озчилик қолган бўлиб, энди улар ҳали черковда эшитилган марсияни хиргойи қилиб ўтиришибди. Гарри ортга, черковга келган йўлдан қайтишни ўйлаб, эндигина оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, Гермиона пичирлаб қолди:

- Бу томонга юрамиз...

Қиз Гаррини қишлоққа кириб келишган йўлнинг акс йўналишига, бу ердан нари олиб кетадиган қоронғи кўчага етаклади. Пардалар ортида ранг-баранг фонуслар-у, Рождество арчалари милтиллаб кўринмоқда. Икковлон имкон қадар тез ёнлаб ўтаётган ушбу уйлар қатори бирданига тугаб, йўл кенг далага олиб чиқди.

- Бэгшотнинг уйини қандай топамиз энди, а, Гарри? - сўради бироз титраётган Гермиона, атрофга аланглаб, - Эшитдингми, Гарри? Гарри?

Қиз Гаррининг қўлини силтаб, эътиборини тортишга уринди. Гарри эса кўча бошида қорайиб турган жойга бироз тикилиб турди-да, кутилмаганда Гермионани музда сирпантирганча ортидан тортиб, ўша томон югурди.

- Шошма, Гарри.

- Қара Гермиона... мана бу уйга қара...

- Ҳозир мен... О!

Афтидан, Жеймс ва Лилининг ўлими билан бир вақтда Садоқат афсуни ҳам барҳам топган кўринади. Хагрид Гаррини майсазорда сочилиб ётган парчалар орасидан топиб, Сюррей графлигидаги Литтл Уингинг шаҳарчасига олиб кетган кундан буён ўтган ўн олти йил давомида мана бу чакалак девор қаровсиз қолиб, ёввойилашиб кетган.

Бинонинг асосий қисми, гарчи қор остида қорайиб кетган печак батамом қамраб олган бўлса-да, бутун турибди. Юқори қаватнинг ўнг томони эса портлаш натижасида вайрон бўлган. Қарғиш айнан ўша ерда қўлланилганига Гарри шубҳа қилмади. Гермиона иккаласи эшик олдида туриб, бир вақтлар оддий коттеж бўлган харобага қараб қолишди.

- Қизиқ, нега уни ҳеч ким шу вақтгача таъмирдан чиқармади экан? - сўради Гермиона пичирлаб.

- Балким бу уйни энди тузатиб бўлмас? Вайронгарчилик ёвуз сеҳр таъсиридан етгани учун тиклаб бўлмас? - тахмин қилди

Гарри.

У қўлини плаш остидан чиқариб, кўча эшигининг занг қоплаган дастасига, очиш учун эмас, уйга тегишли нарса бўлгани учунгина теккизди.

- Ичкарига кириш ниятинг йўқ-ку, а? Уй хавфсизга ўхшамаяпти. Эҳтимол... Ие, Гарри, қара, вой!

Кўча эшигига қўл теккизгани учун бўлса керак, ердан худди тез ўсадиган гул сингари, бир-бирига чатишиб кетган бегона ўт орасидан қандайдир ёрлиқ чиқиб келди. Унинг ёғоч тахтасига зарҳал ҳарфлар билан қуйидаги эслатма битилган:

«Бу уйда 1981 йил 31 октябрь кечаси Лили ва Жеймс Поттерлар ҳалок бўлишган. Уларнинг чақалоқ ўғли Гарри бугунги кунга қадар Ўлдириш қарғишига бардош бериб, омон қолган ягона сеҳргар бўлиб қолмоқда. Магларнинг кўзига кўринмайдиган ушбу уй Поттерлар шарафига ўрнатилган ёдгорлик ҳамда бутун бошли оилани бузиб юборган зўравонлик ҳақидаги хотира сифатида вайрона ҳолатида сақлаб қўйилган»

Хушхат ила батартиб битилган ушбу матн атрофидаги бўш жойга Омон қолган бола яшаган жойни кўргани келган сеҳргарлар ўзининг дил сўзларини ёзиб қолдиришган. Ўз исмини айримлар ўчмас сиёҳ воситасида кўрсатишган бўлса, баъзилар ёғоч тахтани ўйиб битишган. Ўн олти йиллик ушбу битиклар қатлами устига киритилган янги ёзувлар орасида «Қаерда бўлсанг ҳам, омад сенга, Гарри»; «Агар ушбу сатрларни ўқиётган бўлсанг, шуни бил-ки, Гарри, биз ҳамини сен билан!»; «Умринг узоқ бўлсин, Гарри Поттер!» сўзлари бор.

- Ҳеч ким ҳеч нарса ёзмаслиги керак эди бу ёрлиққа! - эътироз билдирди Гермiona.

- Менга ёқди, жуда хурсандман! Ажойиб! Мен...

Гаррининг гапи ичида қолди.

Қалин ўранган, қораси узоқдаги майдон фонусларининг ёрқин шуъласида кўринаётган одам йўлак бўйлаб каловланиб келмоқда. Фарқлаб олиш қийин кечаётган бўлса-да, Гаррининг назарида, ушбу одам аёл кишига ўхшайди. Қор босган йўлакда сирпаниб йиқилмаслик учун бўлса керак, у

жуда секин ҳаракатланмоқда. Андоми мункайиб қолгани-ю, оёғини судраб босаётганига қараганда, аёлнинг ёши анча улуғ. Кўринмас плаш остидаги болалар яқинлашиб келаётган кекса аёлни кузатиб, жим туришибди. Гарри, гарчи адашаётганини сезаётган бўлса-да, анави аёл ёнлаб ўтаётган уйлاردан бирига бурилиб, ичкарига кириб кетишини кутмоқда. Кампир бурилмади, болаларга бир неча ярд яқинлашиб, яхлаган йўл ўртасида тўхтади. Гермиона Гаррининг қўлини чимчилашига эҳтиёж йўқлиги яққол билинди. Зеро, қиз айтмоқчи бўлган гап шундоқ ҳам тушунарли: кекса аёл магл эмаслиги аён. Чунки у, фақат сеҳргарларнинг кўзига кўринадиган уйга қараб турибди. Шундай бўлса ҳам, афсунгар аёлнинг совуқ тунда хароба томоша қилишга келгани жуда ғалати кўринди. Оддий сеҳр қоидаларига кўра, кампир Гарри билан Гермионани кўрмаслиги керак эди. Бироқ Гаррининг назарида, ушбу аёл иккаласини нафақат шу ердалигини ҳис этяпти, балки ким эканлигини ҳам таниб турибди. Гарри тўғри хулоса чиқарганига амин бўлган эди ҳам-ки, қўлқоп таққан қўлини кўтарган кампир имо ила иккаласини ўзига чорлади. Чўчиб кетган Гермиона Гаррининг пинжигга кириб, қўлини маҳкам ушлаб олди.

- Қандай пайқади? - бошини сарак-сарак қилди Гарри. Кампир қатъийроқ имо қилиб, боз чақирди. Ушбу чақириқни рад этиш учун Гарри жуда кўп сабаб топиши мумкин, лекин сониялар ўтган сари, ушбу кампирга бўлган гумони кучайиб бораверди. Эҳтимол у, иккаласини кўп ойлардан буён кутаётгандир? Балким Дамблдор буюргандир унга, болалар келса кутиб олишни? Қабристондан эргашиб келаётгандир у, эҳтимол? Иккаласи шу ерда эканлигини ҳис этиш қобилиятининг ўзи Дамблдорнинг қандайдир ғалати сеҳр-жодусига оид фикр юритишга туртки бермоқда.

Ниҳоят Гарри Гермионани сескантириб юборганча, кампирга мурожаат қилди:

- Сиз Батильда Бэгшотмисиз?

Ўраниб олган кампир бош ирғиб, қўл ҳаракати ила яна чақирди. Гарри билан Гермиона плаш остида бир-бирига қаради. Гарри қошини кўтарган бўлса, Гермиона асабий бош ирғиди. Икковлон кампир томон одимлади. Кекса аёл эса

ортга бурилиб, тескари йўналишда каловлана кетди. Бир нечта уйни ёнлаб ўтишгач, тўхтаб, уйлардан бирига юзланишди. Икковлон боғ сўқмоғи бўйлаб юриб, кампирга эргашди. Ушбу боғ ҳам қаровсиз қолиб, унда ўсган ёввойи печакнинг қалинлиги яқинда томоша қилинган ҳовлидаги печак қалинлигидан қолишмайди. Калит билан бироз уринган кампир уйнинг кириш эшигини очиб, бир қадам ортга ташлаганча, болаларни ичкарига киритди. Кампирданми, ё унинг уйиданми қандайдир бадбўй ҳид келди. Кекса аёлнинг ёнидан ўтган Гарри бурнини буриштириб, кўринмас плашини ечди. Бўйи Гаррининг кўкрагидан келадиган, йиллар вазни қаддини дол қилган кампир эшикни ёпиб, орқага ўгирилганча, Гаррига қаради. Унинг хира кўзи нимшаффоф тери қатларига ботиб кетган бўлиб, ёрилган қон томирларидан ҳосил бўлган доғ юзини буткул қоплаган. «Кўзи кўрармикан ўзи?», хаёлдан ўтказди Гарри. «Кўрган тақдирда ҳам, мени эмас сочи тўкилиб тугаётган маглни кўради». Кампир куя еган қора рўмолини ечган эди ҳам-ки, оқарган сочи сийраклашган бошидан уйни уриб кетган кексалик, чанг, ювилмаган кийим ва ачиган овқат ҳиди янада кучайиб кетгандай бўлди.

- Сиз Батильда Бэгшотмисиз? - саволини такрорлади Гарри. Кампир боз бош ирғиди.

Гарри бўйнига осилган руҳдон титрагани, совуқ олтиннинг юраги боз тепа бошлаганини ҳис этди. Наҳотки қотили шу ерда эканлигини руҳдон сезаётган бўлса?! Батильда Гермионани худди кўрмагандай туртиб ўтиб, меҳмонхонага кириб кетди.

- Гарри, тўғри иш тутаётганимизга шубҳа қиляпман, - деди Гермиона.

- Бўй-бастини қара, керак бўлса, бемалол енгамиз, - тинчлантирди Гарри, - Биламан, у сал ғалати бўлиб қолган. Мюриель ҳам огоҳлантирган эди бу ҳақда.

- Бу ёққа кир! - чақирди Батильда қўшни хонадан.

Сесканиб кетган Гермиона Гаррининг қўлидан маҳкам ушлаб олди.

Батильда хонада шам ёқишга уриниб гандираклаётганига қарамай, атроф ҳамон яхши ёришмаган. Оёқ остидаги чанг қатлами қалин бўлиб, полдан зах, пўпанак ва ириган гўшт

ҳиди келмоқда. «Батильданинг ҳолидан биров хабар олганми ўзи?» - хаёлдан ўтказди Гарри. Кампир сеҳр қўллашни ҳам унутиб қўйган кўринади, шамни дастаки ёқмоқда. Қадама энгининг ипи ҳозир ўт олади.

- Келинг, яхшиси менга беринг, - таклиф қилди Гарри, кампирнинг қўлидан гугуртни олиб.

Кекса аёл ликоплар-у, китоб тахлари устига ўрнатилган, стол устидаги дарз кетган чашкалар орасига қистирилган шамлар ёқилишини томоша қилди. Охирги шам кенг жавон устига, жуда кўп фотосуратлар ёнига ўрнатилган экан. Унинг шуъласи чанг босган ойна ва кумуш буюмларда акс этди. Гарри расмларда аллақандай ҳаракат содир бўлганини пайқади.

- Тэргео, - паст овозда пичирлади Гарри, Батильданинг камин учун ўтин билан овора бўлган фурсатдан фойдаланиб.

Фотосуратлар сиртидаги чанг гум бўлиб, ўндан зиёд катта, қиммат рамкалар суратсиз, бўш тургани кўзга ташланди.

Батильда ёки бошқа бир киши фотосуратларни рамкадан нега чиқариб олгани Гаррини ўйлантирди. Орқа қатордаги фотосуратлардан бири унинг эътиборини ўзига тортди.

Грегоровичнинг дераза тоқчасида ўтирган анави ўғри йигитча энди кумуш рамкага солинган суратдан кулиб боқмоқда. Гарри уни қаерда кўрганини ниҳоят эслади: Рита Вритернинг қаламига мансуб «Альбус Дамблдорнинг ҳаёти ва ёлғони» китобида, ёш Дамблдор билан қўл ушлашиб турган ҳолатда тушган фотосуратда кўрган.

- Миссис, мисс Бэгшот, мана бу йигит ким? - сўради у, овози бироз титраб.

Хона ўртасида турган Батильда каминга ўтқалаётган Гермionaга қараб турибди.

- Мисс Бэгшот? - боз чақирди қўлига фотосурат ушлаган Гарри, каминда ўт ёнгач.

Батильда ўгирилиб қараши ҳамоно, Гаррининг бўйнидаги руҳдоннинг юраги кучли тепа бошлади.

- Мана бу киши ким? - сўради Гарри, фотосуратни узатиб. Кампир дастлаб фотосуратга, сўнг, Гаррига қаради.

- Бу кишини танийсизми? - баланд овозда, шошилмай сўради Гарри, - Мана бу кишини сўраяпман. Исми нима унинг? Батильда талмовсирамоқда. Гарри ҳафсаласи пир

бўлаётганини ҳис этди. Қандай қилиб Рита Вритер

Батильданинг хотирасидан фойдаланди экан?

- Мана бу ким? - такрорлади у, баланд овозда.

- Нима қиляпсан, Гарри? - сўради Гермиона.

- Фотосуратдаги одамнинг исмини билмоқчиман.

Грегоровични талаган ўғри йигитча мана шу бўлади,

Гермиона! Мана бу ким, айтинг, илтимос! - мурожаат қилди у

кампирга.

Бироқ кампир унини чиқармай, Гаррига қараб турибди.

- Бизни нега чақирдингиз, миссис, мисс Бэгшот? - сўради

Гермиона, - Бизга нимадир демоқчи эдингизми?

Гермионанинг саволига эътибор қилмаган кампир Гаррига

яқинроқ бориб, бошини даҳлиз томон ирғиди.

- Кетайлик-ми? - сўради Гарри.

Кампир дастлаб Гаррига, кейин ўзига, сўнг шифтга имо

қилиб, боз бош ирғиди.

- Ҳа, тушунарли... Гермиона, афтидан, у билан бирга юқорига кўтарилишимни хоҳлаяпти.

- Яхши, - деди Гермиона, - Кетдик.

Аммо Гермиона ўрнидан кўзғалиши ҳамона, Батильда

бошини кутилмаганда кучли силтаб, яна Гаррига, кейин

ўзига, сўнг шифтга имо қилди.

- Ёлғиз ўзим боришимни истаяпти.

- Сабаб? - сўради Гермиона.

Унинг овози баланд, аниқ янгради. Кампирга эса бундай

баланд шовқин ёқмаган кўринади, бош чайқади.

- Эҳтимол Дамблдор қилични фақат ва фақат ўзимга

топширишни тайинлагандир унга? - тахмин қилди Гарри.

- Чиндан ҳам кимлигини билади, деб ўйлайсан-ми?

- Ҳа, билади, - жавоб берди Гарри, кампирнинг оқариб кетган кўзига қараб.

- Ундай бўлса майли, тезлаш, Гарри.

- Юринг, - деди Гарри Батильдага.

Кампир боланинг имосини уқди шекилли, эшик томон

одимлади. Гарри умидбахш табассум ҳадя этмоқчи бўлиб,

орқага, Гермиона томон ўгирилди-ю, эътибори китоб жавони

билан банд бўлган қиз Гаррининг ҳаракатини сезмади.

Хонадан чиқиб, ҳеч ким кўрмаётган фурсатдан фойдаланган

Гарри, номаълум ўғрининг фотосуратини қўйнига,

курткасининг ичига бекитди.

Тор зина тик кўтарилган. Батильда гангиб, устига тушиб кетмаслиги учун Гарри қўлини кампирнинг белига қўймоқчи бўлди. Ҳансираб қолган Батильда юқори қаватга кўтарилгач, ўнг томон бурилиб, болани шифти паст, қоронғи, бадбўй ҳид чиқараётган хобхонага олиб кирди. Кампир эшикни ёпиб, хонани зулмат батамом қоплашидан олдин Гарри каравот остидаги тунги тувакни кўриб қолишга улгурди.

- Люмос, - деди Гарри, сеҳрли таёқча билан хонани ёритиб.

Зулматнинг бир неча сонияси ичида Батильда Гаррига жуда яқин келишга улгурди.

- Сен Поттермисан?

- Ҳа, Поттерман.

Кампир бош ирғиди. Гарри бўйнига осилган руҳдоннинг юраги ўзининг юрагидан ҳам кучлироқ тепа бошлаганини ҳис этиб, кўнгли безовта бўлди.

- Менга аталган нарса борми, сизда? - сўради Гарри.

Кампирни афтидан, сеҳрли таёқча учидан чиқаётган шуъла чалғитаётган кўринади.

- Менга нимадир бермоқчимисиз? - такрор сўради Гарри.

Кекса аёл кўзини юмиши билан бир вақтда бир нечта ҳодиса рўй берди: Гаррининг пешанасидаги чандиққа оғриқ кирди, руҳдон кучли сапчиб, кийимни тортди, сассиқ ҳид уриб кетган хона йўқолиб, ич-ичидан кучли севинди, баланд, совуқ овоз-ла буйруқ берди: «Ушла уни, ҳозир етиб бораман!» Турган жойида тебранаётган Гарри ўзини яна сассиқ хонада кўрди.

- Менга аталган нарса борми, сизда? - боз сўради Гарри.

- Мана бу ерда, - пичирлади кампир, бурчакни кўрсатиб.

Гарри сеҳрли таёқчасини баланд кўтариб, пардаланган дераза ёнидаги ивирсиган пардоз столининг қорасини кўрди. Сўнг, қилт этмай турган кампир билан йиғиштирилмаган каравот орасидан ўтиб, ўша стол томон юрди ва айна вақтда кекса аёлдан кўз узмади.

Стол устида ювилмаган чойшаб уюмини эслатадиган нарса ётибди.

- Нима бу? - сўради Гарри, стол ёнига келиб.

- Ўша ерда, - деди кампир шаклсиз уюмга имо қилиб.

Уюм орасида дастасига товуқ тухумидай келадиган ёқут

қадалган кумуш қиличнинг милтиллашини кўришга уринар экан, Гарри, кўзининг қири билан кекса аёлнинг турган жойида бир силтанганини илғади. Кампир томон ўгирилиб, даҳшатдан донг қотди: аёлнинг қари танаси шалвираб, бўйин соҳасидан улкан илон чиқа бошлади. Гарри сеҳрли таёқчасини кўтарган эди ҳам-ки, илон кескин ҳамла қилиб, билагини тишлади. Зарба кучидан сеҳрли таёқча қўлдан учиб чиқиб, шуъласи шифт остида ўчди. Кўкрак соҳасига берилган навбатдаги зарба уни пардоз столига, кир кийимлар устига улоқтирди. Ён томон думалаган эди ҳам-ки, илоннинг йўғон думи ҳозиргина ётган жойига қаттиқ зарба бериб, столни синдирди. Гаррининг устига бир олам шиша синиғи тўкилди ва шу заҳоти ниҳоятда оғир, силлиқ тана уни полга босди, нафас олиши қийинлашиб, пастда қолган Германионнинг «Гарри»сига жавоб бера олмади. Йирик, мушаклари ўта бақувват илон Гаррининг танасини аста-секин ўраб олмоқда.

- Йўқ! - деди полга босилган Гарри.

- Йўқ эмас, ҳа, - вишиллади илон, - Шошма... шошма... ҳозир етиб келади...

- Ассио... Ассио таёқча...

Ҳеч нарса рўй бермади. Гарри танасига ўралиб, ўпкасида қолган ҳавони сиқиб чиқаришга уринаётган, бўйнидаги руҳдонни кўкрагига эзиб ботираётган илоннинг ҳаракатини қўли билан тўхтатишга уринди. Муздай медальоннинг металл юраги Гаррининг юрагидан бир неча дюйм нарида тепмоқда. Унинг совиётган онгини оппоқ ёруғлик қамраб олди, миясидаги ўй-фикрлар йўқолди, нафаси тўхтади, қулоғига узоқ-узоқда босилаётган қадам товуши чалинди. Кўксидаги металл юрак эса тепишдан тўхтагани йўқ. Энди у супургисиз, тестралсиз, қалби қувончга тўлиб учмоқда... Гарри кутилмаганда ҳавоси сассиқ хонада уйғонди. Нагайна уни қўйиб юборибди. Оёғига базўр туриб, илоннинг шарпасини кўрди. Германиона қичқирганча нари сакради. Қиз йўллаган қарғиш яшини деразани чилпарчин қилиб ташлади. Хонани муздай ҳаво тўлдирди. Гарри атрофга сачраган парчаларга чап берар экан, оёғи сеҳрли таёқчасига тегди. Таёқчани полдан олиш учун пастга энгашган Гаррининг нигоҳи хонани эгаллаб ётган илоннинг типирчилаётган думига рўбару келди. Германиони кўрмаган Гарри хунук

хаёлга борган эди ҳам-ки, нимадир кучли пақиллаб, қизил чақмоқ яшнади. Зарбадан ҳавога ўрам-ўрам бўлиб кўтарилган илон Гаррининг юзига уриб ўтди. У сеҳрли таёқчасини қўлига олиши билан чандиғи чўғ босгандай кучли қизиди.

- Келяпти у, Гермiona, келяпти! - қичқирди Гарри.

Вишиллаганча полга қулаётган илон деворга маҳкамланган токчаларни уриб синдириб, атрофга чини парчаларини учирди. Каравот устидан сакраб ўтган Гарри Гермionани маҳкам ушлади. Қиз оғриқдан бақириб юборди. Илон яна кўтарилди. Гарри илондан баттар нарса яқинлашиб қолганини ҳис этмоқда, эҳтимол ҳозир у кўча эшигидан кириб келаётгандир. Чандиғи оғригидан боши иккига бўлиниб кетгандай бўлмоқда.

Гермionани ортидан тортиб югурар экан, илон боз ҳамла қилди.

- Конфринго! - қичқирди қиз.

Зарб бериш афсунининг яшини хона бўйлаб учиб, жавондаги кўзгуни синдиргач, шифт билан полга урилганча, сапчий кетди. Гарри қўли куйгани, шиша синиғи лунжини кесиб ўтганнини ҳис этди. Гермionани ортидан тортиб, дастлаб пачағи чиққан пардоз столига, у ердан эса вайрон бўлган дераза орқали бўшлиққа сакради. Ҳавода айланар экан Гермiona баланд қичқирди...

Шундан сўнг, чандиғи очилган Гарри сассиқ ётоқхона томон югураётган Вольдемортга айланди. Узун, оппоқ бармоқлари дераза токчасини чангаллаган фурсатда тепакал эркак билан унинг кичкина хотини ҳавода айланганча даф бўлганини кўриб, аламидан ўкириб юборди. У шу қадар баланд бақирди-ки, овози черков қўнғироғининг зарбини босиб кетди...

Унинг қичқириғи Гаррининг қичқириғи, унинг оғриғи Гаррининг оғриғи бўлди... ҳодиса илгари рўй берган жойда, ўлиш нима эканлигини бевосита билиб олган уй ёнида содир бўлди... ўлиш... даҳшатли оғриқ танани бурда-бурда қилиши... модомики танаси йўқ экан, нега боши қаттиқ оғриди?... ўлган экан, нега ўзини жуда ёмон ҳис этди?... Ўлимдан сўнг оғриқ қолиши керак-ку?... Оғриқ йўқолиши керак эди-ку?...

Шамол эсаётган зах тун. Ичи бўшатирилган ошқовоқ пўстлоғини бошига кийиб олган икки нафар бола майдон орқали одимламоқда. Дўкон деразаларини қоғоз ўргимчаклар тўсиб қўйган. Ҳаммаёқни дунёнинг магларга хос, икки тийинга қиммат, фақат магларнинг ўзлари эътиқод қиладиган белгилари босиб кетган... У ҳавода сирпаниб бормоқда, кўзлаган мақсади, ўзининг қудрати ва ҳақлигини ҳис этмоқда... Бундай имконият туғилишини билган... йўқ, адоват эмас бу. Зеро, адоват қалби заифларга хосдир... Бу тантана, ҳа... Буни кутган у, бунга умид қилган. - Зўр кийим топибсиз, мистер!

Ҳайрат-ла югуриб келган ўспирин қайтарма ёқа остига қараб, даҳшатли қиёфани кўриши ҳамоно, юзидаги қувноқ табассумдан асар қолмади. Бола ортга ўгирилиб, елдай учганча, нари қочди. Гарри-Вольдеморт плаш остида сеҳрли таёқчасини қўлига олди. Арзимас ҳаракат ва анави бола онасининг бағрига етиб бора олмайди... аммо ҳозир ундай ҳаракат мутлақо керак эмас.

У янги, нисбатан қоронғи кўча бўйлаб бормоқда, сафардан кўзланган мақсад кўринмоқда, Садоқат афсуни бузилган, гарчи улар бундан ҳали беҳабар бўлишса-да... Манзилга етгач, йўлак бўйлаб сирпаниб учаётган хазондан ҳам секин ҳаракатланганча, ҳовлининг чакалак-деворини осон енгиб ўтди.

Дераза пардаланмаган. Оила уйда, тўла таркибда эканлиги кўринмоқда. Кичкина хонада новча бўйли, кўзойнак таққан қорасоч киши ўзининг сеҳрли таёқчасидан ранг-баранг тутун оқимини чиқарганча, эгнига кўк пижама кийдирилган қора сочли ёш болачани ўйнатиб ўтирибди. Тутунни ушлаб олишга уринаётган болача эса қиқир-қиқир кулмоқда. Хона эшиги очилиб, остонада болачанинг қўнғир-малла сочи юзини тўсган онаси кўринди. У нима дегани бу ерда эшитилмади. Кўзойнак таққан киши болани қўлига олиб, онасига узатди-да, сеҳрли таёқчасини диванга ташлаб, керишди... Жеймс Поттер Кўча эшиги ёчирлаб очилганини эшитмади. Гарри-Вольдеморт оппоқ қўли билан ридоси остидаги сеҳрли таёқчасини чиқариб, эшикка ўқтади. Эшик монесиз очилди. Жеймс йўлакка югуриб чиққанида Гарри-Вольдеморт остона ҳатлаб, ичкарига киришга улгурган эди. Иш қийин кечмади.

Поттер ҳатто сеҳрли таёқчасини ҳам олиб чиқмаган...

- Лили! Гаррини олгин-да, тез қоч! Келди у! Тезроқ бўл!

Югур! Мен уни ушлаб қоламан!

«Сеҳрли таёқчасиз ушлаб қолармикан?» - хаёлдан ўтказди Гарри-Вольдеморт, қарғиш қўллашдан олдин мириқиб кулиб.

- Авада Кедавра!

Яшил ёғду йўлакни, деворга қадаб қўйилган болалар аравачасини, зина панжарасини ёритди. Жеймс Поттер худди ипи узилган қўғирчоқдай шалвираб, полга қулади...

Аёл юқорида, хонани ичидан қулфлаб олиб, дод солмоқда.

«Ўйлаб иш қилса, ҳеч нарсадан қўрқмаса бўлаверади». Зина

бўйлаб кўтарилар экан, аёл унинг йўлига тўсиқ ўрнатаётганини фаҳмлаб, кулимсираб қўйди. Аёл ҳам сеҳрли

таёқчасини олмаган... «Хавфсизликларини дўстлари

таъминлашига тўлиқ ишониб, қуролни қўлдан қўйиб,

қанчалик аҳмоқона тутишади-я, булар ўзларини!»

Гарри-Вольдеморт сеҳрли таёқчасини енгил силтаганча,

курси ва қутилар воситасида тиралган эшикни осонгина

очиб, ичкарига кирди. Ана у, боласини қўлига олиб турибди.

Аёл Гарри-Вольдемортни кўргач, болани орқада турган

беланчакка ташлаб, қўлини икки томон узатди. Бу билан у

болани қутқарган, агар гўдакни тўсиб олса, фақат ўзи

ўлишига комил ишонч билдирган кўринади...

- Гаррини эмас, илтимос, фақат Гаррини эмас, Гаррини эмас!

- Нариди қоч, тентак қиз... қоч, дедим сенга.

- Гаррини эмас, илтимос... йўқ... мени ўлдилинг унинг ўрнига.

- Сўнгги бор айтяпман, нари қоч.

- Гаррини эмас! Ўтинаман... шафқат қилинг... шафқат

қилинг... Гаррини эмас! Гаррини эмас! Илтимос,

айтганингизни қиламан...

- Нариди қоч, ҳой қиз. Нариди қоч, дедим!

Аёлни сеҳр воситасида нари суриши мумкин-у, иккаласини ўлдириб кетган маъқул.

Яшил яшин хонани ёритиб, аёл ҳам эри каби полга жонсиз

қулади. Бола йиғламади. Беланчакнинг панжарасини

ушлаганча, хонага кириб келган кишига қизиқсиниб

қарамоқда. Эҳтимол, ридо кийиб, чиройли яшин таратаётган

ушбу кишини отаси деб, ерга йиқилган онасини эса ҳозир

хандон отганча оёққа туради, деб ўйлаётгандир...

Гарри-Вольдеморт сеҳрли таёқчасини боланинг юзига ўқтаб, ушбу тушунарсиз хавф гум бўлишини ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлди. Қайтарма ёқа остида яширинган киши отаси Жеймс эмаслигини тушунган бола йиғлаб юборди. Гарри-Вольдеморт бола йиғисини азалдан ёмон кўради, етимхонада ўсган болачаларнинг дод-войига ҳеч қачон бардош бера олмаган у.

- Авада Кедавра!

Кутилмаганда Гарри-Вольдеморт синди. У ҳеч нарсага айланиб, оғриқ ва даҳшатни ҳис этди. Зудлик билан яшириниши керак. Фақат бу ерда, вайрон бўлган уй парчалари орасида, омон қолиб, дод солаётган бола ёнида эмас, узоққа... узоқ-узоқларга кетиб, яшириниши керак у...

- Йўқ! - ингради Гарри-Вольдеморт.

Илон ҳар хил буюмларнинг парчалари ёйилиб ётган полда шитир-шитир судралмоқда. У болани ўлдирди-ю, айти вақтда ўзи ўша болага айланди...

- Йўқ...

Энди у Батильданинг вайрон бўлган деразаси олдида, ўзининг ўша йилги катта мағлубиятини эслаб турибди. Илон оёғи остида, шиша ва чини синиқларини қарсиллатганча, ўрмаламоқда... Оёғи остига қараб, ақлга тўғри келмайдиган нарсани кўрди.

- Йўқ...

- Гарри, ишлар жойида. Қалайсан?

Гарри энгашиб, ойнаси синган фотосуратни олди. Бу ўша номаълум ўғри, анчадан буён қидириб юрган ўғри-ку...

- Йўқ... Йўқотиб қўйганман... йўқотганман...

- Гарри, ҳаммаси жойида. Кўзингни оч, уйғон!

Бу Гарри... Вольдеморт эмас, Гарри... шитир-шитир қилган ҳам илон эмас... У кўзини очди.

- Аҳволинг яхшими, Гарри? - сўради Гермiona пичирлаб.

- Яхши, - алдади Гарри.

У чодирда, пастки қаватдаги каравотлардан бирида, адёллар уюми ёнида ётибди. Совуқнинг барқарорлиги, чодир томи орқали сингиб ўтган ёруғликка қараганда, тонг отаётган кўринади. Бутун танасини босган жиққа тер чойшаб билан адёлга ҳам ўтиб кетибди.

- Қочишга улгурдик-ми?

- Улгурдик, - жавоб берди Гермиона, - Сени бу ерга олиб келиш осон бўлмади. Кўтара олмай, жисм учириш афсунидан фойдаланишга тўғри келди. Сен... сен унчалик...

Жигар ранг кўзи остида қўнғир доғ пайдо бўлган қиз қўлидаги губка билан Гаррининг юзини артмоқда.

- Қисқаси бетоб эдинг, - фикрини яқунлади Гермиона, - Мазанг йўқ эди.

- Кўп бўлди-ми қочиб қутулганимизга?

- Бир неча соат ўтди. Ҳадемай тонг отади.

- Ҳушсиз ётдим-ми?

- Унчалик эмас, - деди Гермиона тортиниб, - Қичқирдинг, инградинг ва ҳоказо.

Гарри ўзини бироз ноқулай ҳис этди. Хулқ-атвори қандай кечди экан ҳушсиз ётганда? Вольдеморт сифатида қарғиш қўллаб бақирди-ми, ё гўдакдай йиғлади-ми?

- Рухдонни танангдан суғуриб чиқара олмадим, - деди Гермиона, мавзуни ўзгартириб, - Кўкрагингга бутунлай ботиб кетибди. Энди унинг ўрнида яна битта чандиқ пайдо бўлди.

Кесиш афсунини қўллашга тўғри келди, узр. Илон ҳам яхшигина зарар етказибди сенга. Тиши ботган жойларни ювиб, жароҳатингга тиббий ишлов бердим.

Гарри қалин футболкасини кўтариб, бошини эгди. Кўкрак соҳасида тухум шаклидаги медальондан қолган из кўринди. Билагида ҳам тўлиқ битмаган майда жароҳатлар бор.

- Рухдон қани?

- Сумкамда. Бир паст ўша ерда турсин.

Гарри бошини ёстиққа ташлаб, қизнинг қон қочган юзига қаради.

- Бормаслигимиз керак экан, ўша Годрик жарлигига. Бу менинг айбим, кечир мени, Гермиона.

- Сен айбдор эмассан. У ерга боришни ўзим хоҳладим.

Ростдан ҳам Дамблдор қилични сен учун ўша ерга яшириб қўйган, деган хаёлга борган эдим.

- Демак, янглиш фикр юритган эканмиз, шундайми?

- Нима бўлди ўзи, Гарри, юқорида? Илон иккинчи қаватда бекиниб ётган эканми? Кампирни ўлдириб, сенга ташландими?

- Йўқ. Кампирнинг ўзи илон бўлиб чиқди... ёки илон кампир қиёфасини касб этиб олган экан-ми... шунақа-да, ишқилиб.

- Ним-нима?

Гарри кўзини юмди. У Батильданинг уйдан чиқаётган ҳидни боз сезиб, хотираси янада ёрқинроқ тикланди.

- Батильда афтидан, аллақачон ўлиб бўлган. Илон... унинг ичига кириб олган. Бизни пойлаб ётиши учун Ўзинг-Биласан-Ким илонни Годрик жарлигида қолдириб кетган. Сен ҳақ бўлиб чиқдинг. Ўша қишлоққа боришимни у билган.

- Илон кампирнинг ичига кириб олган?

Гарри кўзини очди. Гермиона шундай ҳаяжонланиб кетганки, ҳозир қайт қилиб юбориши мумкин.

- Биз ҳали учратмаган ёки тасаввур ҳам қила олмайдиган сеҳр-жоду ҳақида гапирган Люпин ҳақ бўлиб чиқмоқда, - деди Гарри, - Эсингда бўлса, кампир сенинг олдингда гапиришни истамади. Чунки у фақат илон тилида гапира олади холос. Мен эса тил билганим учун бунга эътибор қилмаганман. Юқори қаватга кўтарилишимиз ҳамоно, илон Ўзинг-Биласан-Ким билан алоқа боғлади. Буни мен ўз миямда эшитиб қолдим, Ўзинг-Биласан-Ким ҳаяжонланиб кетганини ҳис этдим, мени ўша ерда ушлаб қолишни буюрганини эшитдим... сўнг...

Илон Батильданинг бўйин соҳасидан чиқиб келганини эслаган Гарри, бундай тафсилотларни Гермиона билиши шарт эмас, деб топди.

- ... кампир илонга айланиб, менга ташланди.

Гарри билагидаги тиш изларига қаради.

- Мени ўлдириш нияти йўқ эди унинг. Ўзинг-Биласан-Ким етиб келгунича мени ушлаб туриши керак бўлган.

Илонни ўлдира олганда эди, шунча ҳаракати зое кетмаган бўлар эди. Гарри ичи оғриб, адёлни нари ташлади-да, ётган ўрнида ўтириб олди.

- Ёт, Гарри. Бироз дам олишинг керак.

- Мен эмас, сен ухлаб олишинг керак. Хафа бўлма-ю, аҳволингга қараб бўлмайди. Мен ўзимни яхши ҳис этяпман. Ёт, мен қўриқлайман чодирни. Сеҳрли таёқчам қани?

Қиз жавоб бермай, Гаррига мўлтиллаб ўтирибди.

- Гермиона, сеҳрли таёқчам қани, деяпман?

Лабини қимтиб олган Гермионанинг кўзи ёшга тўлди.

- Гарри...

- Сеҳрли таёқчам қани?

Қиз таёқчани чиқариб, Гаррига узатди. Найзабарг билан қақнус патидан ташкил топган сеҳрли таёқча деярли икки бўлинган. Найзабарг ёғочи батамом синиб, унинг иккала қисмини қақнус патининг мўрт пояси боғлаб турибди. Гарри сеҳрли таёқчасини худди қаттиқ жароҳатланган тирик мавжудотни ушлагандай қўлига олди. Унинг хаёлига хавотир ва даҳшатдан ўзга нарса келмаяпти. Бироздан сўнг Гермionaга юзланиб, илтимос қилди:

- Гермiona, ўтинаман, тузатиб бер уни!
- Гарри, бу даражада синган таёқчани тузатиб бўлмайди.
- Илтимос, Гермiona, уриниб кўр!
- Р-репаро!

Найзабаргнинг иккала бўлаги бирикди. Гарри сеҳрли таёқчасини боз қўлига олди.

- Люмос!

Сеҳрли таёқча кучсиз учқун сачратиб, ўчди.

- Экспелиармус!

Гермионанинг сеҳрли таёқчаси сал силтаниб, қўлида қолди. Бу афсун Гаррининг сеҳрли таёқчасига кучлилик қилди шекилли, яна иккига бўлиниб кетди. Гарри кўзига ишонмаяпти... Қанчадан-қанча ҳодисаларни биргаликда бошдан кечиришган...

- Минг афсус, Гарри, - эшитилар-эшитилмас пичирлади қиз, - Бу менинг айбим бўлса керак. Эсингдами, илондан қочаётганимизда Зарб бериш афсунини қўллаган эдим. Унинг яшини ҳамма жойда учиб, афтидан... сенинг сеҳрли таёқчангга ҳам тегиб ўтган кўринади.

- Тасодифан шундай бўлди, - деди шу заҳоти Гарри, донг қотгани, ичида тубсиз бўшлиқ ҳосил бўлганини ҳис этиб, - Уни... уни тузатиш йўлини топамиз, албатта.

- Гарри, ўйлашимча, бунинг иложи йўқ, - фикр билдирди лунжидан ёш оқаётган Гермiona, - Рон... Роннинг сеҳрли таёқчасини эслайсан-ми? Машинада аварияга учраб, сеҳрли таёқчасини синдириб олгани эсингдами? Тузатиб бўлмади. Янгисини харид қилишга тўғри келган эди.

Гарри Вольдеморт томонидан ўғирланиб, гаровда ушлаб турилган Олливандер-у, аллақачон ўлдирилган Грегоровични эслади. Янги сеҳрли таёқчани қаердан олади, у ҳозир?

- Нима ҳам қилар эдик, - деди Гарри, сохта хотиржамлик

билан, - Ҳозирча сенинг таёқчангдан фойдаланамиз. Қоровуллик қилишим учун вақтинча бериб турасан энди уни. Юзи ёшдан жиққа ҳўл бўлган Гермiona сеҳрли таёқчасини Гаррига узатди. Чодирни тезроқ тарк этишни истаган Гарри қизни каравотда ўтирган ҳолатда қолдириб, ташқарига чиқиб кетди.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ. АЛЬБУС ДАМБЛДОРНИНГ ҲАЁТИ ВА ЁЛҒОНИ

Гарри чодирнинг кириш эшиги яқинида ўтириб, тоза ҳаводан тўйиб нафас олди. Қуёш чиқяпти: ҳар хил тус олаётган тоза осмон Гаррининг ўзига-ю, дард-аламига бефарқ бўлиб, боши узра кенг ёйилиб очилмоқда. Тирик бўлиш, қуёшнинг қорли чўққилар узра чиқишини томоша қилишнинг ўзи ажойиб бир бахтли тасодифдир. Аслида бу, Ер юзидаги энг улуғ илоҳий куч бўлса керак. Гарри бунга ҳеч эътибор қилмаган, онги сеҳрли таёқчасининг ишдан чиқиши билан яқун топган бепарволигига жам бўлган экан. У қор остида қолган кенг водийга боқди. Черков қўнғироғининг жарангдор жимжитлик аро янграган зарби бу ерлардан анча нарида, акс-садо сингари эшитилмоқда.

Жисмоний оғриққа бардош беришга уринаётган каби, нима қилаётганини ўзи англамаган Гарри, қўлига бармоғини қаттиқ санчиб ўтирибди. Ҳаёти давомида кўп қон тўккан у, кунлардан бир кун ўнг қўлидаги суякларидан батамом маҳрум ҳам бўлган, кечаги саёҳат эса қўл кафтининг орқаси ва пешанасидаги эски чандиқлар сонига кўкраги ва билагида пайдо бўлган янги чандиқлар қўшилиши билан эсда қоладиган бўлди. Бироқ бугунги кунга қадар у ҳеч қачон ўзини бунчалик бемадор, заиф, ҳимоясиз қолган ожиз кишидай ҳис этмаган. Негаки, синган таёқчаси билан бирга ундаги сеҳр кучининг ярми ҳам барҳам топди. Ушбу фикрига Гермiona нима деб жавоб беришини у яхши билади. Сеҳргар билан сеҳрли таёқча мазмунан қараладиган бўлса, бир хил бўлди. Бироқ Гермiona ноҳақ, Гаррининг ҳолати бошқа. Унинг сеҳрли таёқчаси худди компас мили каби мустақил равишда гир айланиб, душманнинг ҳужумига жавобан тилла тусли олов улоқтиришини ҳис этмаган. Гарри шунчаки сеҳрли таёқчани эмас, балки ишончли ҳимоясини, яъни таёқча ўзакларининг бир хиллигини йўқотди ва сеҳрли таёқчасига қанчалик суяниб қолганини уни йўқотгачгина ҳис этди. У киссасидан синган таёқчанинг нимталарини чиқариб, уларга имкон қадар қарамай, бўйнидаги Хагрид совға қилган

эшак тери қопчасига жойлади. Ушбу қопча бузилган, бефойда, синиқ нарсалар билан тўлган бўлиб, ичига бошқа ҳеч нарса сиғмайди. Гаррининг қўли эшак териси орқали Тилла чаққонга тегди. Дамблдор ташлаб кетган бошқа нарсалар каби, ушбу фойдасиз, ақл етмайдиган, лузумсиз буюмни қопчадан чиқариб, улоқтириб юборишни истади. Дамблдорга нисбатан уйғонган нафрат вужудига вулқон лаваси каби ўпирилиб, танасини ёндирмоқда, бошқа ҳар қандай туйғу ва ҳиссиётларни йўққа чиқармоқда. Гермiona иккаласи айнан иложсизлик туфайли ўзларини ўзлари Годрик жарлигига боришга кўндиришди, на харита, на бир режа бўлишига қарамай, мана шу иложсизлик туфайлигина кўплаб муаммолар ечими ўша ерда эканлигига умид боғлашди, Годрик жарлигига олиб борадиган йўлни Дамблдор томонидан улар учун ётқизилган махфий сўқмоқ, деб билишди. Ваҳоланки, Дамблдор уларни зулмат ичра ёлғиз, ҳимоясиз, вужудларини қўрқув қамраган ҳолда қолдириб, қоронғиликда пайпаслаб йўл топишга, мажхулликка қарши курашишга мажбур қилди, ҳеч нарсага тушунтириш бермади, бирор нарсани изоҳлаб ўтмади. Васият қилинган қилич йўқ, боз устига энди Гаррида сеҳрли таёқчанинг ўзи йўқ. Устига-устак Гарри анави ўғри йигитчанинг фотосуратини ҳам тушириб қўйди. Вольдеморт ўша ўғрини осонликча топа олади.

Ёвуз Лорднинг қўлида энди жамики ахборот жам бўлди...

- Гарри?

Гермиона худди ўз таёқчаси билан уриб йиқитилишидан қўрққандай кўринди. Кўзи ёшга тўлиб, қўли титраётган, қўлтиғига нимадир қистириб олган қиз икки чашка чой билан Гаррининг ёнига ўтирди.

- Раҳмат, - миннатдорлик билдирди Гарри, чашкалардан бирини олиб.

- Сен билан бироз суҳбатлашмоқчиман, эътирозинг йўқми?

- Йўқ, - деди Гарри, қизни хафа қилишни истамай.

- Гарри, анави фотосуратдаги йигитча кимлигини билмоқчи эдинг. Умуман айтганда, мен уни... Менда китоб бор.

Қиз қўлидаги «Альбус Дамблдорнинг ҳаёти ва ёлғони» номли китоб нусхасини журъатсизлик-ла Гаррининг тиззасига қўйди.

- Қачон?... Қандай қилиб?...

- Батильданинг меҳмонхонасида ётган экан... Мана бу хат эса тепа қисмидан чиқиб турган эди.

Гермиона яшил сиёҳ воситасида битилган бир неча сатрдан иборат хатни ўқиб берди:

- Азизам Бэлли, кўрсатган ёрдаминг учун раҳмат! Сенга китобимнинг бир нусхасини йўлламоқдаман. Уни ёқтириб қолишингга умид қиламан. Менга ҳамма нарсани айтиб бердинг, гарчи ўзинг буни эслай олмасанг-да.
Рита.

- Ўйлашимча, китоб келганда Батильда ҳали тирик бўлган. Фақат китоб ўқийдиган аҳволда бўлмаган.

- Ҳа, бўлиши мумкин.

Гарри китоб муқовасидаги Дамблдорнинг юзига қараб, бутун вужудида ғайритабиий завқ тўлқини кўтарилганини ҳис этди. Мана энди Дамблдор айтишга арзирли деб топмаган кўплаб нарсаларни билиб оладиган бўлди.

- Ҳалигача мендан жаҳлинг чиқяпти-ми? - сўради Гермиона кўзи ёшланиб.

- Йўқ, - деди Гарри, юзида ғазаб акс этаётганини фаҳмлаб, - Йўқ, Гермиона. Бахтсиз ҳодиса рўй берди, биламан. Сен иккаламизни ўша ердан соғ-саломат олиб чиқишга уриндинг ва бу борада ўзингни фавқулодда зўр кўрсата билдинг. Агар ёнимда бўлмаганингда, менга ёрдам бермаганингда, бугун ўша ерда ўлиб кетган бўлар эдим.

Гарри қизнинг маъюс табассумини қайтаришга уриниб, эътиборини яна китобга қаратди. Китобнинг тикилган жойи ҳали эгилмаганига қараганда, уни ҳали ҳеч ким очмаган. Гарри китобни варақлаб, тегишли бобларига илова қилинган фотосуратларни қидирди. Ниҳоят китобнинг бутун бошли саҳифасини эгаллаган икки нафар ўсмирнинг самимий кулиб, бир-бирининг елкасидан қучганча турган фотосуратини топди. Анави ўғри йигит Дамблдорга қувонч-ла қараб, қойил қолгандай хандон отмоқда. Гарри сурат остидаги ёзувни ўқиди

Альбус Дамблдор ёшликдаги дўсти Геллерт Гриндельвальд билан. Онасининг ўлимидан кўп ўтмай.

Гарри ёзувга бақрайганча, бироз серрайиб қолди.

Гриндельвальд. Ёшликдаги дўсти Геллерт Гриндельвальд.

Гарри зимдан Гермионага қаради. Ўз кўзига ишонмай, ҳайрон бўлган қиз ҳам нигоҳини аста Гаррига олиб ўтди.

- Гриндельвальд!

Бошқа суратларни эътиборсиз қолдирган Гарри, уларга яқин саҳифаларни ўрганишга киришиб, машъум исм тилга олинган жойларни қидирди. Кўп ўтмай, қидирган нарсасини топиб, ҳирс-ла ўқий бошлади-ю, маънони йўқотиб қўйди. Гап нима ҳақда бораётганини фаҳмлаш учун ортга қайтишга тўғри

келди. Охири у китобнинг «Буюк эзгулик» деб номланган бобини топиб, Гермiona иккаласи ўқишга киришди.

Ҳаётининг ўн саккизинчи баҳори яқинлашган Альбус Дамблдор «Хогварц»ни шон-шараф шукуҳи ила тарк этди, яъни у Сехргарлик ва афсунгарлик санъати мактабини: аълочи, синфбоши, тилсимларни одатдагидан бошқача қўллай билгани учун берилган Барнабус Финкли мукофотининг совриндори, жамики асосларга путур етказган мақоласи учун Қоҳирадаги Халқаро алкимёгарлар конференцияси томонидан тақдирланган олтин медаль эгаси ва Британия Оқил Судининг энг ёш вакили сифатида тамомлади. Энди у мактабда дўстлашиб қолган бефаҳм, ҳар қандай кишини безор қилиб юборадиган, лекин садоқатли дўсти Эльфиас «Бадбўй» Дожд билан дунё бўйлаб сафарга чиқишни ният қилган.

Иккала йигитча саёҳатни Грециядан бошлаш учун Лондондаги «Тешик қозон»да сафар ҳозирлигини кўрар экан, почта бойқуши Дамблдорнинг онаси вафот этгани ҳақида кутилмаган хабар келтирди. Мазкур китоб учун интервью беришдан бош тортган «Бадбўй» Дожд кейинчалик омма эътиборига Дамблдорнинг ҳаётида рўй берган ҳодисалар силсиласининг киши юрагини эритадиган талқинини ҳавола этган. Хусусан у Кендранинг вафотини фожиали тасодиф сифатида, Дамблдорнинг ҳали бошланмаган экспедицияни тўхтатиш борасидаги қарорини эса оила учун олижаноб фидойилик тариқасида кўрсатган. Дамблдор етим қолган укаси ва синглисига «ғамхўрлик» кўрсатиш учун Годрик жарлигига қайтган, албатта. Аммо қай даражада эътибор ажратди у, етим қолган яқинларига?

- Аберфорсга ўхшамаган, бошқача йигит эди у, - эслайди, оиласи билан Годрик жарлигининг чеккасида яшайдиган Энид Смик, - Укаси Аберфорс ғирт одамови бўлиб ўсди. Ота-онасининг ўлиmidан сўнг, унга хайрихоҳлик билдириш мумкин эди, агар йўлида учраган кишининг бошига эчки тезагини ёғдирадиган одати бўлмаганида. Аберфорснинг тақдири Альбусни ташвишга солган дея олмайман. Ҳар қалай мен уларни ҳеч қачон бирга кўрмаганман.

Модомики, укасининг тарбияси билан шуғулланмаган экан, унда нима билан банд бўлган Альбус? Синглисини уй қамоғида сақлашни давом этишдан бўлса керак. Зеро, Ариананинг ачинарли аҳволи асосий ситамгари ўлган бўлса ҳам, мутлақо ўзгармади. Умуман айтганда, Ариананинг «носоғломлиги» борасида оила аъзолари томонидан тўқиб

чиқарилган чўпчакларга лаққа тушган «Бадбўй» Дожга ўхшаш бир неча кишигина, ушбу қизча туғилгани ва шу дунёда яшаётганини билган холос.

Годрик жарлигида кўп йиллардан буён яшаб келаётган, сеҳргарлар оламининг машҳур тарихчиси Батильда Бэгшот Дамблдорлар оиласининг яна бир лақма дўсти бўлган. Қишлоққа эндигина кўчиб келган Дамблдорлар оиласини самимий қарши олишни ният қилиб, амалда уриниб ҳам кўрган Батильдани Кендра Дамблдор ўз табиатига хос равишда дастлаб остонадан қувиб солган. Орадан бир неча йил ўтгач, муаллиф почта бойқуши орқали «Хогварц»да таҳсил кўраётган Альбус Дамблдорга, «Қиёфа алмаштиришнинг бугунги ютуқлари» газетасида чоп этилган турлараро айланишларга доир мақоласи кучли таъсир ўтказгани ҳақида хат йўллаган. Ўша илк мактуб Дамблдорлар оиласи билан танишишга сабаб бўлган. Кендра вафот топган фурсатда Батильда Бэгшот Годрик жарлиги аҳолиси орасида Дамблдорнинг онаси билан бевосита мулоқот қилган ягона киши бўлган.

Таассуфки, Батильданинг илгари намоён бўлган шукуҳи бугунги кунга келиб батамом барҳам топган. «Ўчоқда олов ёнгани билан қозон бўш», - дея изоҳлайди буни Ивор Диллонсби. Энид Смик эса сал бошқачароқ талқин берди: «Унинг ёнғоқли аёллиги олмахоннинг ёнғоқли нажасидан кўп фарқ қилмайди». Фикр-мулоҳазалар баёнининг ҳар хил услублари Дамблдорлар ҳаётидаги жамики шармандали воқеаларни бир бутун қилиб йиға олишим учун кўплаб ғалати-ғалати далилларни қўлга киритиш имконини берди. Батильда ҳам Кендранинг бевақт ўлимини сеҳргарлар дунёсининг қолган қисми каби жавоб тариқасидаги қисмат тилсими дея изоҳлаган. Бир неча йил ўтгач эса Альбус билан Аберфорс ҳам шундай дейишган. Батильда Дамблдорлар оиласининг Ариана ҳақидаги талқинига амал қилиб, қизчани «заиф» ва «касалванд» дея эътироф этган. Дамблдорнинг ҳаётидаги ниҳоятда қаттиқ сир сақланган жамики воқеалар тўпламини ёлғиз Батильда билгани боис, мен унга Эслабайт воситасини қаердан бўлмасин топиб, етказиб бордим ва у менинг саъй-ҳаракатимни муносиб оқлай билди. Энди эса, ўша воқеалар илк бор фош этилгач, Дамблдорнинг мухлислари қаттиқ ишонган барча нарсаларга, хусусан, унинг ёвуз кучларга бўлган эҳтимолий нафратига ва сеҳргарлар томонидан магларга етказилаётган зулмга қарши кураш олиб борганига нисбатан, ҳатто ўз оиласига бўлган садоқатига нисбатан ҳам шубҳа туғдиради.

Дамблдор етим қолиб, оила бошлиғи сифатида Годрик жарлигига қайтган ўша ёз фаслида Батильда Бэгшот уч қорин нари жияни Геллерт Гриндельвальдга ўз уйидан бошпана берган. Гриндельвальд исми дарҳақиқат жуда машҳур бўлиб, унинг етакчилик тожини тортиб олган Ўзингиз-Биласиз-Ким пайдо бўлгач, ўтган даврларнинг энг хавfli ёвуз сеҳргарлари рўйхатидаги биринчилик мавқеини йўқотган. Бунинг сабаби оддий: Гриндельвальд ҳеч қачон ўзининг террорчилик ҳаракатларини Британия ҳудудида қўлламаган, шунинг учун ҳам қудрат борасида юксалиш тарихининг тафсилотлари бу ерларда у қадар кенг маълум бўлмаган.

Гриндельвальд ёвуз кучларга нисбатан очиқдан-очиқ бағрикенглик намоён этилиши билан ном чиқарган Дурмштранг мактабида таҳсил кўргач, ўз қобилиятини тегишли мукофот ва совринларни қўлга киритишга йўналтириш ўрнига бошқа нарсалар билан машғул бўлди. Ўн олти ёшга тўлган йили ҳатто Дурмштранг сеҳргарлик мактаби ҳам унинг душвор тажрибаларига дош бера олмай, мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлаштиришга мажбур бўлди. Гриндельвальднинг бадарға қилинганидан кейинги ҳаёти ҳақида «бир неча ой саёҳат қилган»и маълум бўлган холос. Бугунги кунга келиб аниқланишича, ўша кезларда Гриндельвальд ўзининг Годрик жарлигида яшайдиган уч қорин нари холасининг ҳолидан хабар олишни истаган. Кўпчилик мухлислар ларзага келиши турган гап-ки, ўша қишлоқда у, кимсан – Альбус Дамблдорнинг шахсан ўзи билан қалин дўстлашиб қолган.

- Кейинчалик ким бўлиб етишганига қарамай, Геллерт менга жуда фусункор йигитча бўлиб кўринди, - фулдиради Батильда Бэгшот, - Табиийки, уни мен тенгини топа олмай, қийналиб юрган бечора Альбус билан таништириб қўйдим. Йигитчалар жуда тез чиқишиб олишди.

Унақа одамлар чиқишиб олишади-да, албатта. Кунлардан бир кун Батильда навбатдаги суҳбатимиз давомида уйида сақлаб юрган хатлардан бирини кўрсатиб қолди. Ушбу хатни Альбус Дамблдор Геллерт Гриндельвальдга тун ярмида йўллаган экан.

- Шундан сўнг, иккаласи кун ёруғини қизғин баҳс ва муҳокама билан ўтказадиган бўлиб қолишди, - эслайди Батильда, - Улар мураса қиладиган, илм эгаллаш борасида яхшигина муваффақият қозонган ажойиб йигитчалар бўлиб чиқишди. Баъзан тунги соатларда Альбуснинг хатини келтирган бойқуш Геллерт ётган хобгоҳ деразасини

тақиллатганини эшитиб қоламан. Альбус миясига ҳозиргина келган ғояни зудлик билан Геллертга етказадиган одат чиқарган эди!

Хўш, қанақанги ғоялар битилган экан, ундай мактубларда? Альбус Дамблдорнинг мухлислари ларзага келишлари мумкин-у, лекин қуйида баён этилган мулоҳазалар уларнинг ўн етти ёшли қаҳрамонидан чиққан, қадрдон дўсти Геллерт Гриндельвальд билан ўртоқлашган ғоялардир.

- Геллерт, сеҳргарлар ҳукмдорлигига доир сен келтирган нуқтаи назар маглар учун кўрсатиладиган БУЮК ЭЗГУЛИҚДИР. Фикримча, бу жуда жиддий масала. Тўғри, биз сеҳргарларга ҳокимлик инъом этилган ва ушбу инъом бошқариш ҳуқуқини беради бизга, бироқ бундай ҳокимлик зиммамизга қонун ижроси устидан назоратга доир муайян мажбуриятларни ҳам юклайди. Ушбу нуқтаи назарни инobatга олиш шарт, чунки у, биз қурадиган жамият пойдевори бўлади. Биз ҳокимиятни БУЮК ЭЗГУЛИҚ ЙЎЛИДА қўлга киритамиз. Бу сенинг Дурмштранг мактабида йўл қўйган хатоинг бўлган! Лекин ушбу масалада менинг ҳеч қандай қаршилигим йўқ. Чунки ўша хато сабабли мактабдан ҳайдалмаганимда, биз ҳеч қачон учрашмаган бўлар эдик. Альбус.

Унинг аксарият мухлислари ҳайратда қолиб, бутун борлиғини ҳаяжон қопласа-да, юқорида келтирилган хат Махфийлик тўғрисидаги низом ҳамда маглар устидан чиқарилган бир қатор қонунларга асос бўлиб хизмат қилган. Дамблдорни доимо маглар оиласида туғилган энг буюк музаффар сеҳргар сифатида тасаввур қилиб келганлар учун нақадар қаттиқ зарба бу! Муҳокама қилса арзийдиган ушбу янги далиллар очилгач, Дамблдорнинг маглар ҳуқуқини ҳимоя қилган оташин нутқлари аслида пуч эканлиги аён бўлади! Вафот этган онаси учун аза тутиш, етим қолган синглисига ғамхўрлик кўрсатиш ўрнига ҳокимиятни қўлга олиш фитнаси билан банд бўлган Альбус Дамблдорнинг асл башараси фош бўлиб, кўз ўнгимизда учига чиққан манфур шахс сифатида гавдаланади! Ҳеч шубҳа йўқ-ки, Дамблдорни ҳамон мақтаб, тутуриқсиз обрўсини кўтаришга уринаётганлар, у ўз режаларини ҳаётга татбиқ этмагани, дунёқарашини ўзгартириб, ақл-ҳушини йиғиб олгани ҳақида гапиришади. Бироқ ҳақиқат, аслида янада баттар ларзага соладиган бўлиб чиқмоқда. Қалин дўстлашишган кундан ҳали икки ой ўтиб-ўтмай, Дамблдор билан Гриндельвальд афсонага айланган яккама-якка олишувга қадар юз кўришмас душманлар сифатида ажралишиб кетишади (тегишли

тафсилотлар мазкур китобнинг 22- бобида келтирилган). Муносабатларнинг бу даражада кескин узилиб кетишига нима сабаб бўлди? Ростдан ҳам Дамблдор ақл-ҳушини йиғиб олдимми? Гриндельвальдга, унинг режаларини амалга ошириш ишларида иштирок этишдан бош тортишини айтдимми? Афсуски, йўқ.

- Менимча бунга жажжи қизалоқ Ариананинг ўлими жиддий таъсир кўрсатган, - дейди Батильда, - Бу ҳамма учун қаттиқ руҳий зарба бўлди. Ўша куни Геллерт Дамблдорларнинг уйида бўлган. Йигитча меникига ниҳоятда безовталаниб, даф-даф титраб келди-да, эртаси куни йўлга чиқиб, уйга қайтиш ниятида эканлигини айтди. Мен унга портшлюс тайёрлаб бердим. Ўшандан буён кўрмадим уни. Альбус синглиси Ариананинг ўлимида ўзини айблади. Ака-ука учун бу ниҳоятда даҳшатли фожиа бўлди. Улар барча яқинларини йўқотиб, ёлғиз ўзлари қолишди. Феъл-атворлари кескин ўзгаришининг ҳеч ажабланарли ери йўқ. Аберфорс сингилнинг ўлимида акаси Альбусни айблади. Бундай мудҳиш вазиятда киши ўзини қандай тутиши мумкинлигини тасаввур қиласиз, албатта. Боёқиш Аберфорс ўзи табиатан бироз телбанамо эканлиги кўпчиликка маълум, албатта. Лекин дафн маросимида акаси Альбусга қўл кўтариб, бурнини синдириши яхши бўлмади. Агар Кендра қизининг жасади устида ўғилларининг ёқалашганини кўрганда борми, ақлдан озиши турган гап эди. Афсуски Геллерт дафн маросимида иштирок эта олмади... Альбуснинг ёнида турганида, оз бўлса ҳам, дўсти учун таскин бўлар эди, дейман-да.

Тобут олдидаги, Ариананинг дафн маросимида келган озгина кишиларгина шоҳид бўлган ўша машъум муштлашув бир қатор саволлар туғилишига сабаб бўлмоқда. Нима учун Аберфорс синглиси Ариананинг ўлимида акаси Альбусни айблади? Бошга тушган мусибат телбанамо киши томонидан дардлашилган валдирваса гап эди-ми, у? Ёки уканинг дарғазаб бўлишига олиб келган маълум бир сабаб бўлганми, ўша айблов замирида? Дурмштрангдан ўз курсдошларининг ҳаётига хавф солган хатти-ҳаракатлари учун ҳайдалган Гриндельвальд жажжи қизалоқ вафот топгандан кейин ўтган бир неча соат ичида (шармандалик ёки хавфдан қочиб-ми?) юртимизни тарк этиб, Альбусни қайтиб кўрмади. Улар кейинчалик, сеҳргарлар оламининг илтимосига биноангина учрашишга мажбур бўлишган. Йигитлик йилларида узоқ давом этмаган ўша дўстликни на Дамблдор, на Гриндельвальд тилга олди. Бироқ Дамблдор ўзининг Геллерт

Гриндельвальдга қарши хатти-ҳаракатини югур-югур, мусибат ва бадар кетиш билан яна беш йилга қолдирди. Қандай тушуниш керак эди буни: маълум бир шахсга нисбатан бўлган меҳр, деб-ми, ё сирини қадрдон дўсти фош этиб юборишидан хавфсираб, иккиланиб қолиши, деб-ми? Дамблдор бир вақтлар тасанно айтган инсонни чиндан ҳам қўлга олишни ният қилгани ростми? Ҳаммага сирли бўлганча кетган Ариана қандай ўлим топган ўзи? Ёвуз сеҳрга хос маълум бир удумнинг бегуноҳ қурбони бўлмади-ми, у, ишқилиб? Анави йигитчалар ҳокимиятни қўлга олиб, шон-шарафга бурканиш режасини тузиб ўтирган бир фурсатда қизалоқ бирорта ишга, ман этилганига қарамай, қўл уриб қўйганми, ё? Ариана Дамблдор «буюк эзгулик йўлида» ҳалок бўлган биринчи инсон бўлмадимикан, мабодо?

Шу ерга келганда китоб боби якунига етди. Гарри нигоҳини китобдан узди. Саҳифа мутолаасини тугатган Гермiona китобни Гаррининг қўлидан аста тортиб олди-да, худди уятсиз бир нарса ёзилгандай, саҳифасига қарамай, шартта ёпиб қўйди. Қиз нимадандир безовта эканлиги юзидан кўриниб турибди.

- Гарри?

Гарри бош силтади. Ички ишончининг сўнгги учқунлари ҳам охири ўчди. Рон ташлаб кетган куни шундай бўлган. Гарри Дамблдорга тўлиқ ишониб, уни баркамоллик ва оқиллик тимсоли сифатида кўрган эди. Энди буларнинг бари куйиб, кулга айланди. Яна қанча йўқотишлар бўлади? Рон, Дамблдор, қақнус патидан тайёрланган сеҳрли таёқча...

- Қулоқ сол, Гарри, - гап бошлади қиз, худди унинг фикрини эшитиб ўтиргандай, - Буларнинг бари... ўқиш нохуш кечадиган совуқ гаплардан ўзга нарса эмас.

- Ҳа, шундай деса ҳам бўлади.

- ...ва бу уйдирмалар кимсан - шахсан Рита Вритернинг қаламига мансуб эканлигини ҳам унутмаслик керак.

- Гриндельвальдга йўлланган хатини ўқидинг-ку, а?

- Ҳа... мен... ўқидим.

Тили гапга келмай қолган қизнинг таъби хира бўлиб, совиб қолган чойини чайиб ўтирибди.

- Ўйлашимча, бу боб китобнинг энг ёмон қисми бўлса керак, - деди Гермiona, - Биламан, Батильда буни шунчаки суҳбат, деб ўйлаган. «Буюк эзгулик йўлида» сўзлари эса Гриндельвальднинг шиорига, кейинчалик содир этган жиной ҳаракатларини оқлаш воситасига айланган. Ва...

бундан... оқибатда бу, гўёки Дамблдор томонидан берилган ғоя кўринишига эга бўлиб қолган. Айтишларига қараганда, «Буюк эзгулик йўлида» сўзлари Нурмернгардга кириш эшиги устига ўйиб ёзилган экан.

- Нурмернгард деганлари нима бўлди?

- Гриндельвальд барпо этган қамоқхона. Ўз душманларини ўша ерда сақлаган экан у. Дамблдор томонидан қўлга олинганидан кейин ўзи ҳам ўша қамоқхонада ўтирган. Нима қилганда ҳам... буларнинг бари Дамблдорнинг ғоялари Гриндельвальднинг ҳокимиятга келишига омил бўлган, деган мудҳиш фикр туғилишига хизмат қилган. Бироқ бошқа томондан қараладиган бўлса, уларнинг дўстлиги бир неча ой эмас, ундан-да кўп давом этганини ҳатто Рита Вритер ҳам билмайди. Улар чиндан ҳам ёш бўлган ўша ёз фаслида...

- Шу гапни айтишингни билар эдим, - деди Гарри.

Гарри аламини Гермionaдан олмоқчи эмас, лекин ҳозир хотиржам гапириш қийин кечмоқда.

- «Улар чиндан ҳам ёш бўлган», деган гапингни кутган эдим.

Ўшанда улар бизнинг ҳозирги ёшимизда бўлган. Хўш, биз нима билан бандмиз? Ёвуз кучларга қарши курашиб, ҳаётимизни хавф остига қўйиш билан оворамиз. У эса, бизнинг ёшимизда, ўзининг янги орттирган дўсти билан бирга маглар устидан ҳукмронликни қўлга киритиш режаси устида ишлаган.

Сабр косаси тўлиб бораётган Гарри ўзини қўлга олиш учун бўлса керак, шартта ўрнидан турди-да, айлана ҳосил қилганча, юра кетди.

- Дамблдор ёзган нарсаларни оқлаётганим йўқ, - деди Гермiona, - Анави «Бошқариш ҳуқуқи» каби гапларнинг бари аслида йўқ нарсалар, «Сеҳр қудратлидир!»га ўхшаш шиорлардан нари ўтмайдиган пуч ғоялар. Бироқ Гарри, ўшанда у онасидан эндигина айрилиб, уйда ёлғиз қолган...

- Ёлғиз қолган? У ёлғиз бўлмаган! Укаси билан синглиси бўлган. Боз устига синглиси швах бўлиб, деярли қамоқ шароитида сақланган...

- Мен бу гапга ишонмайман, - деди Гермiona, ўрнидан туриб,

- Ўша қизалоқ соғ бўлмаган тақдирда ҳам, швах бўлганига шубҳа қиламан. Биз билган Дамблдор ҳеч қачон...

- Биз Дамблдорни биламиз деб ўйлар эдик, маглар устидан ҳокимликни зўрлик билан қўлга киритишни истамаган, деб билар эдик.

Бақириб гапирган Гаррининг овози тепаликнинг бўш чўққисидан акс-садо бўлиб қайтди. Бундан ҳурккан бир нечта сайроқи қораялоқ ҳавога кўтарилиб, қичқирганча, марварид

тусини олган осмон томон учди.

- У ўзгарган, Гарри, фикрини ўзгартирган у! Тушунарли-ку, ахир, бу! Эҳтимол, ўт етти ёшида ўша гапларга чиндан ҳам бовар қилгандир, лекин Дамблдор ҳаётининг қолган қисмини ёвуз кучларга қарши курашга бағишланган! Профессор Дамблдор Гриндельвальдни тўхтата билган, доимо маглар ҳимоясида турган, маглар оиласида туғилган сеҳргарларнинг ҳақ-ҳуқуқларни қўллаб-қувватлаб келган, Ўзинг-Биласан-Кимга қарши бошидан кураш олиб борган, уни синдиришга уриниб, фожиали ҳалок бўлган шахсдир! Рита Вритернинг китоби ерда, дўстлар ўртасида ётибди, шу боис Альбус Дамблдорнинг юзи иккаласига боққанча, маъюс кулиб қўйди.

- Мени кечирасан-у, Гарри, ўйлашимча, аччиқланишининг асл сабаби Дамблдор сенга ўзи ҳақида ҳеч қачон, ҳеч нарса айтиб бермагандир.

- Бўлиши мумкин, - овоз кўтарди Гарри, бошига уриб. У ўзқаҳрини идора қилиш ёки ўзини ўзи умидсизлик юкидан халос этишга уринмоқда.

- У менга нималар деганини билишни истайсан-ми, Гермiona?! Ҳаётингни хавф остига қўй, Гарри! Хавф томон қайта-қайта боравер! Мендан ҳамма нарсани тушунтириб беришимни кутма, шунчаки, ишон менга! Нима қилаётганимни яхши биламан, ишон! Мен сенга ишонч билдирмаган фурсатда ҳам, сен менга ишон! Бор ҳақиқатни мендан ҳеч қачон эшитмайсан! Ҳеч қачон!

Гаррининг овози ғайрат-шижоати билан бир вақтда тинди. Иккаласи бўшлиқда, теварак-атрофнинг оппоқ тусида бир-бирига қараб қолишди. Гаррининг назарида, икковлон, мана бу кенг осмон остидаги бир жуфт ҳашарот каби, деярли йўқ даражада қолган.

- У сени яхши кўрган, - пичирлади Гермiona, - Аниқ биламан, сени жуда яхши кўрган.

Гаррининг қўли икки ёнига шалвираганча осилиб тушди.

- Кимни яхши кўрганини билмадим-у, Гермiona, фақат мени эмас. У қалбимда қолдирган нарса муҳаббат эмас, қандайдир алғов-далғовлик. У ўзининг лаънати қарашлари билан ўртоқлашди. Ўша қарашларни эса мен билан эмас, Геллерт Гриндельвальд билан бирга ўйлаб пишитган.

Гарри Гермionанинг қорга тушириб юборган сеҳрли таёқчасини олиб, яна чодир эшиги ёнига жойлашиб ўтирди.

- Чой учун раҳмат. Қўриқчиликни давом этаман, сен эса ичкарига кириб ёт.

Қиз бироз иккиланиб турди-ю, енгил тортганини ҳис этиб,

китобни олганча, чодирга кириб кетди. Гаррининг ёнидан ўтар экан, кафти билан бошини енгил силаб қўйди. Гарри бошига қўл текканидан кўзини юмиб, Гермионанинг айтгани, хусусан, Дамблдор уни яхши кўргани рост бўлиб чиқишини истаганни учун ўзидан ўзи нафратланди.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ. КУМУШ ТУСЛИ УРҒОЧИ БУҒУ

Гермиона навбатчиликни тун ярмида қабул қилганда қалин қор ёғаётган эди. Гаррининг уйқуси беором, тушлари тартибсиз кечмоқда, баъзан тушида Рождество гуллари орасидан Нагайна чиқиб келаётганини кўради. Чодир атрофида худди кимдир юргандай, ҳар хил овозлар эшитилгандай, биров узоқдан чақираётгандай бўлмоқда. Гарри уйқудан турганда ҳали қоронғи эди. У чодир эшиги яқинида букчайганча сеҳрли таёқчасининг шуъласида «Сеҳргарлик тарихи»ини ўқиб ўтирган Гермионанинг ёнига бориб ўтирди. Қор борган сари қалинлашиб ёғмоқда. Гаррининг нарсаларни йиғиб, эртароқ йўлга чиқиш таклифи қизга манзур бўлди.

- Нисбатан ёпиқроқ жой керак бизга, - деди титраётган қиз, пижамаси устидан трикотаж кўйлагини кийиб, - Ташқарида кимдир юргандай бўляпти, назаримда. Бир-икки марта бировни кўргандай ҳам бўлдим.

Жемпер кийишдан тўхтаган Гарри офатскопга қаради. Буюм ҳаракатсиз, тек турибди.

- Менга шундай туюлган кўринади, - деди Гермиона, бироз асабийлашиб, - Қуюқ ёғаётган қор билан қоронғилик шундай таъсир ўтказган бўлиши мумкин, киши осон алданади... Ҳар эҳтимолга қарши кўринмас плаш остида даф бўлганимиз маъқулмикан, дейман. Нима дединг?

Ярим соат ўтгач, чодир йиғилиб, Гермионанинг мунчоқ қадаб тикилган сумкачасига жойланди. Рухдонни бўйнига осган Гарри ҳавонинг одатий бўлиб қолган босими остида Гермиона билан бирга ҳавода даф бўлди: оёғи қордан узилиб, кўп ўтмай, музлаб, устини хазон қоплаган ерни ҳис этди.

- Қаерда пайдо бўлдик? - сўради у, теварак-атрофдаги дарахтларга назар солиб.

- Жарлик ўрмони, - жавоб берди сумкачасидан чодир устунини чиқараётган Гермиона, - Бир сафар ота-онам билан дам олган эдим бу ерда.

Бу ернинг ҳавоси ҳам киши баданидан ўтиб кетар даражада совуқ, дарахтларнинг бари қорга бурканган. Шамол эсмаслиги – жойнинг ягона афзаллигидир. Икковлон куннинг асосий қисмини чодир ичида, Гермиона моҳирона ёқа биладиган, керак бўлганда йиғиб, банка ичида олиб юриладиган мовий гулхан устида энгашиб ўтирганча, исиниб ўтказди. Гермиона Гаррини, худди у тез ўтадиган оғир касалликни бошдан кечириб, эндигина оёққа турган беморга қарагандай, парвариш қилмоқда. Кун ярмида яна ёғингарчилик бўлиб, уларнинг турар жойи майин чангни эслатадиган қорга бурканди.

Беором ўтган икки кечадан сўнг, Гаррининг сергаклиги одатдагидан ошди. Иккаласи Годрик жарлигидан базўр қочишга улгуришгач, Вольдеморт энди янада яқинроқ, илгаригидан-да хавфлироқ бўлиб қолгандай туюлмоқда. Қош қорайган маҳалда Гарри Гермионани ичкарига киритиб, ўзи навбатчиликка киришди. У жамики свитерларини кийиб, чодир эшиги ёнида, эски ёстиқни тагига ташлаб олганча, астойдил жойлашиб олди. Бир-икки соат ўтгач, жарликни тимқоронғилик қамради. Гарри Кафандузд харитасини чиқариб, Жиннани тасвирлаётган нуқтани кузатиб ўтирмоқчи бўлди-ю, ҳозир Рождество таътили бошлангани ва Жинна Бошпанада бўлиши мумкинлиги эсига тушди.

Ўрмон чексизлигида ўтаётган ҳар бир сония гўё узоқ чўзилаётгандай туюлмоқда. Теварак-атрофда жонли махлуқот кўп, албатта. Бироқ ҳозир Гарри, зарарсиз ғалаёни-ю, ғимир-ғимирини ёвуз кучларнинг мудҳиш ҳаракатларидан фарқлаб олиш учун, ушбу махлуқот овоз чиқармай, жим қолишини истаган бўлар эди. У кўп йиллар муқаддам мудҳиш бир қабоҳат эгнидаги плашини хазон узра шитирлаб ўтганини эслаб, ҳозир ўша товушни яна эшитгандай бўлди. Гарри бошини силтади. Уларнинг ҳимоя афсунлари мана кўп ҳафтадир-ки, кор беряпти. Нега энди бугунга келиб, панд бериши керак улар? Лекин вазият ҳозир гўё нотўғридай кечаётгани Гаррига тинчлик бермаяпти.

Чодир деворига нисбатан ноқулай бурчак ҳосил қилган Гарри

уйқусида бир неча бор сирпаниб йиқилиб, шу заҳоти уйғониб борди. Бўйни ҳам оғриди. Қоронғилик шу даража қалинлашган-ки, Гарри ҳавода даф бўлиш фурсатида ҳис этиладиган дудмолликда тутилиб қолгандай ҳис этди ўзини. У қўлини юзи баробар кўтариб, бармоғини илғашга уринаётган пайтда бир ҳодиса рўй берди: дафъатан олдинда, ўнг томонда дарахтлар орасида ҳаракатланган ёрқин кул ранг нур манбаи пайдо бўлди. Нима бўлишидан қатъи назар, ушбу манбаи унсиз ҳаракат қилиб, чодир томон келмоқда. Бақириғи бўғзида тиқилган Гарри ўрнидан ирғиб туриб, Германионнинг сеҳрли таёқчасини нишонга ўқтади. Қамашган кўзини қисиб олиб, кучли нур олдидаги дарахт таналарининг қорасини кўрди.

Ёруғлик манбаи катта эман ортидан яна бир қадам қўйиб чиқди. Бу, ойдаёқ ёрқин, кумуш тус бериб товланаётган оқ урғочи буғу бўлиб, янги ёққан покиза қор узра из қолдирмай унсиз одимламоқда. Чиройли кўзли, узун киприкли буғу бошини баланд кўтариб, Гарри томон яна бир қадам ташлади.

Гарри буғудан кўзини узмай, унинг ғалатилигидан эмас, ўта таниш кўринганидан ҳайратланганча, қараб қолди. Урғочи буғунинг келишини кутиши кераклигини, аммо шу бугунгача уни унутиб қўйгани, кун ўтиб бир кун учрашишлари кераклигини эсидан чиқариб юборганини ҳис этмоқда. Бир-икки сония олдин зудлик билан Германиони чақирмоқчи эди, ҳозир эса ундай истаги йўқолди. Урғочи буғу танҳо ўзи билан учрашгани фақат унинг олдида келгандай гўё.

Узоқ чўзилган бир неча сония давомида бир-бирига қараб туришгач, урғочи буғу ортга бурилиб, изига қайтди.

- Тўхта, - деди Гарри, овози титраб чиқиб, - Қайт!

Жонивор дарахтлар орасида шошилмай юриб, бироздан сўнг, шохлар ортига ўтди. Гарри бир-икки сония иккиланди. Унинг ҳушёрлиги, ушбу ҳодиса алдов, фириб, тузоқ бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмоқда. Вужудини қамраб олган ички сезгирлиги эса, ушбу ҳодисанинг ёвуз сеҳрга дахли йўқлиги ҳақида далолат бермоқда. Ниҳоят Гарри урғочи буғу ортидан эргашишга қарор қилди. Оёғи остидаги қор ғичирлади, буғу эса нурдан иборат бўлгани боис, дарахтлар орасида товуш чиқармай, Гаррини ўрмон қаърига

эргаштириб кетмоқда. Гарри етиб юришга уринди, урғочи буғу тўхтаб, ўзига яқинлашишга имкон бериши, тилга кириб, айтиши керак бўлган нарсани талаффуз этишига умид қилди. Буғу ниҳоят тўхтади, чиройли бошини Гарри томон бурди. Ичида бир олам савол қайнаётган Гарри урғочи буғу томон талпиниб, оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, ёруғлик манбаи кутилмаганда кўздан ғойиб бўлиб, зулмат уни батамом ютиб юборди. Урғочи буғунинг тасвири Гаррининг кўз олдида ёришиб, ҳатто юмилган қовоғи остида ҳам кўзини қамаштирганча чақнамоқда. Унинг хаёлига қўрқинчли фикр келди: урғочи буғу – хавфсизлик эди, энди эса...

- Люмос, - таёқча учини ёриштирди Гарри.

Кўзини пирпиратиб, ўзидан сал нарида бирон-бир шох синиши, қор ғичирлашини кутганча ўрмон товушига қулоқ тутар экан, кўз олдидаги урғочи буғу тасвири сўнди. Ҳозир кимдир ҳамла қилиши керакми? Урғочи буғу Гаррини тузоққа илинтириб кетди-ми? Зулмат қаърида унга биров қараб турибди-ми? Гарри сеҳрли таёқчани баландроқ кўтарди. Ҳеч ким унга ҳамла қилмоқчи эмас, биров унга яшил яшин дастасини отгани йўқ. Нега унда урғочи буғу Гаррини бу ерга эргаштириб келди?

Сеҳрли таёқча шуъласида нимадир ялт этди. Гарри зудлик билан ўша томон бурилди. Суви музлаган кичик кўл.

Баландроқ кўтарилган сеҳрли таёқча шуъласида кўлнинг дарз кетган қора сирти остидаги қоронғиликда нимадир ялтираётгани кўринди.

Гарри эҳтиётлик билан яқинроқ бориб, пастга, муз остига қаради. Музда одам соясининг бузилган шакли ва сеҳрли таёқча шуъласи акс этиб, кўлнинг хира кул ранг қалин зирҳи остида яна нимадир ялтираётгани кўринди. Ялтираётган нарса каттагина кумуш хоч экан. Гаррининг юраги бир сакраб тушди. У соҳилга чўкка тушиб, сеҳрли таёқча воситасида кўл тубини имкон қадар кучлироқ ёритишга уринди. Муз остида қандайдир қизил нарса ялт этди....

Дастаси товуқ тухумидай келадиган ёқутлар билан безалган қилич. Гриффиндор қиличи ўрмон кўлининг тубида ётибди! Нафаси тиқилган Гарри қиличга бақрайиб қолди. Бу қанақаси? Қилич айнан уларнинг турар жойи яқинидаги кўл тубига қандай тушиб қолиши мумкин? Қандайдир сирли сеҳр

Йўллаганми Гермионани бу ерга ёки ҳимоячи эканлигига шубҳа бўлмаган анави урғочи буғу аслида мана бу кўлнинг ўзига хос посбони бўлиб хизмат қиладими? Ёхуд қилич кўл тубига икковлон шу ерга жойлашганидан сўнг, топиб олишлари учун ташлаб қўйилганми? Ундай бўлса, ким ўша, Гаррини қилич билан қуроллантирмоқчи бўлган киши? Гарри қўлидаги сеҳрли таёқчани яна дарахт ва буталар томон йўллаб, бирон-бир шарпани, одам кўзининг ялтирашини илғаб олмоқчи бўлди. Лекин атрофда ҳеч ким йўққа ўхшайди. Эътиборини музлаган кўл тубида ётган қиличга боз қаратар экан, ҳаяжонига бироз қўрқув қўшилди.

Гарри сеҳрли таёқчани кумуш буюмга йўллаб, пичирлади:
- Ассио қилич!

Қурол қилт этмади. Тўғриси айтганда, бирон нима содир бўлишини Гарри кутмаган. Агар ҳамма нарса бу даражада осон бўлганда, қилич қалин музлаган кўл тубида эмас, Гаррини кутиб соҳилда ётган бўлар эди. У кўл атрофида одимлаб, ўшанда қилич қандай қилиб қўлига киргани ҳақида фикр юритди. Гарри махфий хонада ўта даҳшатли хавф остида бўлиб, ёрдам сўрашга мажбур бўлган эди.

- Ёрдам беринг, - пичирлади у.

Ҳеч нарса рўй бермади. «Қурол қўлимга кириб қолганини Дамблдор қандай изоҳлаган эди ўшанда?» - сўради Гарри ўзидан ўзи. «Фақат ҳақиқий гриффиндорчигина ушбу қилични шляпа ичидан чиқара олади», деган эди Дамблдор. Гаррининг миясида бир вақтлар Сараловчи шляпа куйлаган қўшиқ мисраси янгради: «Гриффиндор шогирдларнинг мардлигин қадрлаган». У хўрсиниб юришдан тўхтади, ўпкасидан чиққан нафас буғи совуқ ҳавода тез тарқади. Нима қилишни Гарри билади, албатта. Тўғриси айтганда, қилични муз остида кўрибоқ фаҳмлаган нима қилиш кераклигини.

Теварак-атрофдаги дарахтлар орасини кўздан кечириб чиққан Гарри, унга ҳеч ким ҳамла қилмоқчи эмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Биров ҳамла қилишни ният қилган бўлса, Гарри ёлғиз ўзи ўрмон оралаб келаётганда ёки кўл атрофида айланиб, сув ҳавзасини ўрганаётганида қилар эди ҳамласини. Ҳозир ягона хавф – бажариш талаб этилаётган ишнинг жазб қиладиган хусусияти йўқлигидир.

Гарри итоат қилмаётган бармоқлари билан эгнидаги қават-қават кийимини еча бошлади. Нима дахли бор «Шогирдлар мардлиги»нинг? Унинг мардлиги ҳозир Гермионани чақирмаганидан, қиз югуриб келиб, талаб этилаётган иш ижросига Гаррининг ўрнига киришмаганидан иборат бўляпти-ми?

Қаердандир бойқушнинг овози эшитилиб, ечинаётган Гарри юраги ачишганча қанотли дўсти Хедвигни эслади. Бутун вужуди титраб, тиши тишига урилиб қалтираётганига қарамай, ечинишни давом этиб, ички кийими-ю, яланг оёғи билан қорда қолди. Синган сеҳрли таёқчаси, онасининг мактуби, Сириус совға қилган кўзгу бўлаги ва эски Тилла чаққон солинган эшак тери қопчасини бўйнидан ечиб, кийимининг устига қўйди-да, Гермионанинг сеҳрли таёқчасини музга ўқтади.

- Диффиндо!

Музнинг қарсиллаб ёрилиши жимжит ўрмон ичида узилган ўқ товушидай янгради. Кўл сирти дарз кетиб, қоп-қора муз парчалари тўлқинланган сув устида чайқалди. Гарри билишича, кўл у қадар чуқур эмас, лекин қилични олиб чиқиш учун сувга тўлиқ шўнғишга тўғри келади. У кўл ёқасига келиб, Гермионанинг ёришаётган сеҳрли таёқчасини ёнига, ерга қўйди. Шундан сўнг, қай даража совқотиши, яна қанчалик кучли қалтирай бошлаши ҳақида ўйлаб ўтирмай, сувга сакради.

Баданининг ҳар бир ҳужайраси эътироз-ла қичқиргандай, елкаси сувга ботганда эса, ўпкасидаги ҳаво музлаб қолгандай бўлди гўё. Гарри базўр нафас олиб, шу даража кучли қалтиради-ки, сув тўлқинлари қирғоққа бориб урила бошлади. Гарри оёғининг бош бармоғи билан қилич устида турибди. Бир марта шўнғиса бас, қилич қўлга киритилади. Гарри сувга шўнғишни сония кетидан сонияга чўзди, ўзига ўзи бўлар иш бўлгани маъқуллигини эслатди ва ниҳоят жамики шижоатини бир ерга тўплаб, шартта шўнғиди. Совуқ бутун вужудини оловдай қамраб, аҳволи ҳолати размга ўхшаб қолди. Мияси музлаётганини ҳис этаётган Гарри қоп-қора сувни икки томон суриб, кўл туби томон ҳаракатланди. Қўли қиличга тегиб, дастасини бармоқлари билан чангаллаб олгач, ўзига тортиб, юқорига ҳаракат бошлади.

Шу фурсатда унинг бўйнини нимадир бўғди. Гарчи кўл туби томон монесиз ҳаракатланган бўлса-да, хаёлига сувўти келиб, қўли билан ундан халос бўлишга уринди. Йўқ, бўғаётган сувўти эмас. Рухдоннинг занжири ўзидан ўзи қисқариб, Гаррининг бўғзини аста-секин сиқиб бормоқда. Гарри оёғи билан кўл тубига тиралганча, қаттиқ итарилиб, сувдан отилиб чиқишга уринди, аммо унинг танаси сувда гир айланиб, тош соҳилга бориб урилди. Нафаси тўхтаб, бўғилаётган Гарри тобора торайиб бораётган занжир ҳалқасини тимдалашга уринди-ю, батамом музлаган бармоқлари билан ҳеч нарса қила олмади. Миясида учқун отилиб, энди фарқ бўлиб ўлишдан бошқа чора қолмаганини, унинг бўйнидан чангаллаган мана бу кўл эса ажал чангали эканлигини англади...

Юзи билан қорга йиқилган, бўғилиб, сув тупураётган Гарри ҳали ҳаётида бу қадар қаттиқ совқотмаган. Унинг устида яна кимдир йўталиб, бўғилгани эшитилди. Гермiona худди илон ҳамла қилган фурсатда етиб келгандай, пайдо бўлибди-да.... Йўқ, йўтал ҳам, оғир босилаётган қадам товуши ҳам Гермонианикига ўхшамаяпти.

Халоскорини кўриш учун бошини кўтариб қарашга Гаррининг мадори етмаяпти. Қила олган ҳаракати – титраётган кўлини томоғига келтириб, медальон ботган жойни пайпаслаш бўлди. Рухдон йўқ. Кимдир Гаррини унинг чангалидан халос қилибди. Шу фурсатда унинг устида ҳансираган овоз янгради:

- Мийянгни еб қўйганмисан?

Ушбу овоз Гаррига қаттиқ титраётган бўлишига қарамай, оёққа туриб олиши учун катта куч бағишлади. Унинг олдида кийими шалаббо, сочи юзига ёпишган, бир кўлда қилич-у, бошқасида руҳдон ушлаган Рон турибди.

- Сувга киришдан олдин нега мана бу лаънатини ечиб қўймадинг?

Рон қисқарган занжирида у ёқ, бу ёқ бориб келаётган руҳдонни Гаррининг юзи олдига келтириб, худди сеанс ўтказаётган гипнозчига ўхшаб турибди.

Нима деб жавоб беришни Гарри билмайди. Кумуш тусли урғочи буғунинг кўриниш бергани Роннинг томдан тараша тушгандай пайдо бўлиши олдида ҳеч нарса бўлмай қолди.

Гаррининг бунга бовар қилиши қийин кечяпти. Совуқдан дағ-дағ титрар экан, у соҳилда ётган кийими томон талпиниб, кийинишга киришди. Свитер устидан свитер кияр экан, худди урғочи буғу каби гум бўлиши мумкиндай, Рондан кўз узмаяпти. Аммо бу Рон буғу сингари ёруғлик манбаи эмас, ҳақиқий Ронга ўхшайди. У ҳозиргина сувга ташланиб, Гаррининг ҳаётини сақлаб қолди.

- Се-е-е-н-нмидинг? - сўради ниҳоят Гарри, яқинда бўғилгани боис, нисбатан кучсиз овози билан.

- Ҳа, мен, - жавоб берди Рон, бироз хижолат бўлгандай кўриниб.

- Ан-ан-анави ур-ур-урғочини ҳам с-с-сен ча-а-қирганмидинг?

- Нима? Йўқ, албатта. Сенинг ишинг бўлса керак, деб ўйлаган эдим.

- Менинг ҳимоячим эркак буғу.

- Ҳа-я, айтдим, шохсиз, қандайдир бошқача кўриняпти, деб. Гарри Хагрид совға қилган қопчани бўйнига осиб, сўнгги свитерни кийди-да, Гермионанинг ерда ётган сеҳрли таёқчасини қўлига олиб, Рон олдида қад ростлади.

- Қаердан келиб қолдинг?

Рон афтидан, ушбу савол кечроқ берилишига, агар иложи бўлса, умуман берилмаслигига умид қилган кўринади.

- Мен... мен-ми... билсанг... қайтдим, - томоғини қирди Рон, - Агар мен сизларга ҳали керак бўлсам.

Орага жимжитлик чўкди. Роннинг кетиб, йўқ бўлгани, улар ўртасида кўринмас девор ҳосил қилган. Аммо Рон ҳозир шу ерда ва у ҳозиргина Гаррининг ҳаётини сақлаб қолди.

Рон қўлидаги нарсаларга энди эътибор қилиб, ҳайратдан қотди.

- Ҳа-а-а, энди тушундим. Мана булар учун шўнғиган экансанда, сувга, а?! - деди у, қилични Гаррига кўрсатиб.

- Шулар учун, - жавоб берди Гарри, - Лекин мен ҳамон тушуниб етмадим, қаердан келиб қолдинг бу ерга? Қандай топа билдинг бизни?

- Бир сўз билан айтиб бериладиган гап эмас, - деди Рон, - Сизларни бир неча соатдан буён қидириб юрибман, катта ўрмон-ку, бу, а? Дарахт тагига ёнбошлаб, қидирувни эрталаб давом этарман, деган хаёлга борган эдим, ортидан сени эргаштириб келаётган анави урғочи буғуни кўриб қолдим.

- Бошқа ҳеч кимни кўрмадинг-ми?

- Йўқ, кўрмадим, - жавоб берди Рон, - Мен...

У бир неча ярд нарида ёнма-ён ўсган дарахт томон қараб, бироз иккилангандай бўлди.

- Назаримда, анави ерда қандайдир ҳаракат юз берганини кўргандай бўлдим. Лекин ўша фурсатда кўл томон югураётганим учун эътибор қилмадим. Чунки сен сувга шўнғиб, узоқ кўринмай қолдинг. Шундай экан, мен у ерни эътибордан чет... Ҳой!

Гарри шошилганча Рон имо қилган томон одимлади. Иккита эман бир-бирига яқин ўсиб, орасида кўз баландлигида бир неча дюйм келадиган тирқиш ҳосил бўлган. Атрофни кузатиш ва айна вақтда бировга кўринмай туриш учун жуда қулай жой. Дарахтларнинг ердан бўртиб чиққан илдизлари орасида қор йўқ. Шу боис, бирорта из топилмади. Гарри қилич билан руҳдонни маҳкам ушлаб турган Роннинг олдига қайтди.

- Бирон нима топдинг-ми? - сўради Рон.

- Йўқ.

- Ундай бўлса, қилич қандай қилиб кўлга тушиб қолди?

- Ўз Ҳимоячисини чақирган киши ташлаган уни сувга.

Икковлон дастаси товуқ тухумидай келадиган ёқутлар билан безалган Германионнинг сеҳрли таёқчаси таратаётган шуълада ярқираётган нақшиндор кумуш қиличга қаради.

- Асл нусхаси, деб ўйлайсан-ми? - сўради Рон.

- Буни аниқлашнинг ягона бир усули бор, шундай эмасми?

Рухдон ҳамон Роннинг қўлида лиқиллаб, сезилар-сезилмас сапчимоқда. Ичидаги руҳ яна безовта бўлаётганини Гарри сезиб турибди. Рух ўз қотили - Гриффиндор қиличи пайдо бўлганини ҳис этиб, омон қолиш мақсадида Гаррини фарқ қилишга уринган. Узоқ баҳслашиб ўтиришнинг мавриди эмас ҳозир. Бўладиган ишнинг бўлгани маъқул. Рухдонни йўқ қилиб, ундан батамом қутулиш керак. Германионнинг сеҳрли таёқчасини баланд кўтарган Гарри атрофга боқиб, чинор остидаги сирти силлиқ тошни маъқул топди.

- Бу ёққа кел, - деди у.

Гарри тош устидаги қорни супуриб ташлаб, қўлини руҳдонга узатди. Рон узатган қилични эса бошини чайқаганча, олмади.

- Йўқ, ўзинг ўлдиришинг керак уни.

- Мен? - ҳайрон бўлди Рон, - Нега энди мен?

- Чунки қилични кўлдан сен олиб чиқдинг. Демакки, руҳдонни шахсан ўзинг йўқ қилишинг керак, мен шундай деб ўйлайман.

Гаррининг ушбу қарори илтифот ҳам, сахийлик ҳам эмас. Урғочи буғу ёвуз сеҳр бўлмагани, Рон эса ҳозир қиличбоз бўлиши кераклигини Гарри билиб турибди. Ҳар қалай, Дамблдор Гаррига сеҳр-жодунинг муайян турлари борасида баъзи нарсаларни, маълум бир ҳаракатларнинг беқиёс кучга эга бўлишини ўргатиб кетган.

- Ҳозир мен руҳдонни очаман, сен эса қилич билан тез урасан уни, тушундинг-ми? - кўрсатма берди Гарри, - Нима бўлган тақдирда ҳам, руҳ осонликча таслим бўлмайди, охиригача курашади. Анави кундаликдаги Реддлнинг бўлаги мени ўлдиришига сал қолган.

- Қандай қилиб очмоқчисан уни? - сўради чўчиб кетган Рон.

- Илон тилида буюраман, - деди Гарри.

Ушбу жавоб Гаррининг миясига, худди доимо билиб юргандай, жуда тез келди. Эҳтимол буни у, Нагайна билан яқинда бўлиб ўтган учрашувдан кейин англаб етгандир.

Гарри ялтироқ яшил тошчалардан терилган илонсимон «С» ҳарфига қараб, уни совуқ тошга ўралиб олган митти илон сифатида тасаввур этди.

- Йўқ! - қичқирди Рон, - Очма уни! Илтимос!

- Нега? - сўради Гарри, - Мана шу лаънати буюмдан қанча тез қутулсак, шунча яхши-ку, ўтган ойлар давомида...

- Эплай олмайман, Гарри! Чин сўзим! Ўзинг йўқот уни...

- Тушунмаяпман, нима учун?

- Чунки, у мен учун жуда хавфли эканлигини биламан! -

жавоб берди Рон, медальондан нари қочиб, - Эплай олмайман! Хулқимни оқламоқчи эмасман, лекин бу руҳдон Гермiona иккалангиздан кўра, менга кучли таъсир ўтказди.

Мени ҳар хаёллар кўчасига олиб кирди. Сабабини тушунтириб бера олмайман... бўйнимдан ечсам, миям ўзига келиб, боягидай бўлиб қолади... кейин яна тақишга тўғри келади, жин урсин шу нарсани... Йўқ, Гарри, эплай олмайман! Қўлидаги қилич титраётган Рон бошини силтаб нари чекинди.

- Эплайсан! - деди Гарри, - Эплайсан! Қилични кўл тубидан

ҳозиргина ўзинг олиб чиқдинг! Энди уни ўзинг қўллашинг керак! Буни аниқ билганим учун айтяпман. Илтимос, Рон, келиштириб бир ур, тезроқ қутулайлик ундан.

Исми талаффуз этилгани вужудига рағбатдай таъсир ўтказиб, сал дадиллашган Рон бир ютиниб олди-да, оғир нафас олганча, тош томон қайтди.

- Айтарсан, қачон зарб бериш кераклигини, - ҳансиради Рон. Гарри, кўзини қисганча, бутун диққат-эътиборини медальондаги илон тасвирини эслатган «С» ҳарфига жамлади.

- Учгача санайман, - деди у.

Медальон ичидаги руҳ тузоққа тушган суваракдай типирчилай кетди. Агар Гаррининг бўйнидаги жароҳат чўғдай қизиб оғримаганида, эҳтимол раҳм қилган ҳам бўлар эди-ми, унга.

- Бир... икки... уч. Очил!

У сўнги сўзини вишиллаган товуш чиқаргандай талаффуз этди. Олтин медальон шилқ этиб, икки бўлакка ажраганча, очилди.

Медальон нимталаридаги туйнук ёпган бир жуфт ойна ортида Вольдемортнинг ҳозиргидай қип-қизил қисик кўзи эмас, Том Реддлнинг ўспиринлик давридаги биттадан чиройли кўзи кўринди.

- Ур! - деди Гарри, медальонни тош устида ушлаб.

Рон титраётган қўли билан қилични баланд кўтарди.

Медальондаги кўз жавдираб, гир айлана бошлади. Гарри эса қаттиқ тиралиб, руҳдонни маҳкам ушлаб олганча, ҳозир бўшаб қоладиган туйнукларидан қон отилиб чиқишини тасаввур қилди. Кутилмаганда руҳдон вишиллаганча тилга кирди.

- Қалбингни, у менинг измимда эканлигини кўрдим.

- Қулоқ солма унга, ур! - баланд бақирди Гарри.

- Орзу-ҳавасингни кўрдим, Рональд Уэсли, қўрқувинг ҳам кўринди менга. Тилак-истакларингнинг бари рўёбга чиқиши мумкин, бироқ сен қўрққан нарсалар ҳам юзага келиши эҳтимолдан йироқ эмас.

- Ур! - қичқирди Гарри.

Унинг овози теварак-атрофдаги дарахтлардан акс-садо бўлиб қайтди. Қиличнинг учи титраб, Рон Реддлнинг кўзига

бақрайиб қолди.

- Қиз бўлиб туғулишингни истаган онанг сени ўғил сифатида ҳеч қачон ёқтирмаган... Севган қизинг эса қадрдон дўстингни афзал кўриб, яна меҳр-муҳаббатдан бебаҳра қолдинг... Доимо иккинчи бўлиб келгансан, ҳамиша четга сурилиб қолгансан...

- Рон, ур! - бақирди Гарри.

У медальоннинг титраётганини ҳис этиб, ҳозир рўй бериши мумкин бўлган ҳодисадан кўрқди. Рон қилични баланд кўтарган эди ҳам-ки, Реддлнинг кўзи қизариб, ярқиради. Реддлнинг медальон дарчаларида кўринаётган кўзидан Гарри билан Гермионанинг бошлари бир жуфт шишган пуфак сингари чиқиб келди.

Елкалари, таналари ва оёқлари чиқиб, қоматлари тўлиқ пайдо бўлгач, иккаласи дастлаб Ронга, сўнг, чўғдай қизиб кетган медальондан қўлини тортиб олган ҳақиқий Гаррига қарашди. Ушбу манзарани кўрган Рон кўрқиб, ортга сапчиди.

- Рон! - қичқирди Гарри.

Реддль-Гарри Вольдемортнинг овози билан тилга кирди. Рон эса, худди мафтун бўлиб қолгандай, унинг юзидан кўзини узмай, бақрайиб қолди.

- Нега қайтдинг? Ким чақирди ўзи сени? Сенсиз ҳам яхши эди бизга, сенсиз бахтли ҳаёт кечираётган эдик. Устингдан, кўрқоқлигинг, аҳмоқлигинг устидан кулиб юрган эдик.

- Ҳа, аҳмоқлигинг устидан! - акс-садодек такрорлади Реддль-Гермиона.

Қиз ҳақиқий Гермионага нисбатан анча гўзал ва айна вақтда, даҳшатли кўринмоқда.

- Ёнида Гарри Поттер турган қайси қиз сенга қараб, эътибор қилиши мумкин? Мумтоз билан қиёслайдиган бўлсак, қайси ишни уддалаб, бурнини қоната билдинг? Омон қолган бола олдида кимсан сен?

- Ур, Рон! Ур деяпман сенга! - ўқирди Гарри.

Рон қилт этмади. Унинг катта очилган кўзида Реддль-Гарри билан Реддль-Гермиона акс этмоқда. Иккаласининг сочи олов тилларидай ҳилпираб, қип-қизил кўзлари ёнмоқда, овозлари мудҳиш жуфтлик сингари янграмоқда.

- Онанг мени ўғил сифатида афзал кўриб, бажонидил алмаштирган бўлишига иқрор бўлган эди, - хандон отди Реддль-Гарри.

- Ким ҳам уни ўғил қилиб олар эди? - деди Реддль-Гермиона мийиғида кулиб, - Қайси аёлга керак бўлишинг мумкин сен? Гарри Поттернинг олдида сен ҳеч ким эмассан, эшитдинг-ми, ҳеч ким эмассан!

Реддль-Гермиона илон сингари чўзилиб, Реддль-Гаррининг танасига ўралиб олди-да, лабидан қайноқ бўса олди. Аччиқ алам Роннинг юзини буриштириб юборди. Титраётган қўли билан қилични баланд кўтарди.

- Урсанг-чи энди, Рон!

Гарри ўгирилиб қараган Роннинг кўзида алвон ранг олган ғазаб оловини кўрди.

- Рон?

Ялт этган қилич пастга кескин тушган эди ҳам-ки, Гарри ўзини четга отди. Металлнинг жаранги билан узоқ чўзилган қичқириқ янгради. Қўлида сеҳрли таёқча ушлаган Гарри қорда сирпанганча бир думбалоқ ошиб, ҳимояга ҳозирландию, уришадиган рақиб кўринмади. Гермиона иккаласининг даҳшатли нусхалари ғойиб бўлиб, тошга бақрайиб турган Рон, унинг қўлида осилиб турган қилич, ясси тош сиртида ётган синиқ медальонгина қолди.

Гарри нима дейишга ҳайрон бўлиб, оғир нафас олаётган дўсти томон одимлади. Роннинг кўзи асл ҳолатига қайтиб, ўзининг кўк рангини касб этган.

Ўзини дўстининг йиғламсираётганини кўрмаган кўйга солган Гарри, руҳи ўлдирилган руҳдонни қўлига олди. Медальон нимталаридаги туйнук ёпган ойналарнинг иккаласи дарз кетган. Реддлнинг кўзи энди йўқ. Медальон ичига қопланган шойида бироз доғ қолган бўлиб, сезилар-сезилмас тутамоқда. Руҳдон ичида яшаган руҳ ниҳоят ўлди, Роннинг ҳозиргина чеккан азияти, унинг сўнгги каромати бўлди. Гриффиндор қиличи ерга тушиб, жаранглади. Дағ-дағ титраётган Рон чўккалаб олганча, бошини маҳкам ушлади. Гаррининг англашича, Рон совуқдан титраётгани йўқ. У пачағи чиққан руҳдонни кассасига солиб, Роннинг ёнига ўтирди-да, елкасига аста қўл ташлади ва қўли туртиб юборилмаганини яхшилик аломати, деб билди.

- Сен кетганингдан кейин Гермиона бир ҳафта йиғлади, - деди Гарри, Роннинг юзи кўринмаганидан хурсанд бўлиб, - Балки ундан ҳам кўп йиғлагандир, билмадим. Йиғисини

мендан яширишга уриниб юрди. Сенсиз... мутлақо гаплашмай ўтказган оқшомларимиз ҳам бўлди.

У фикрини охирига етказа олмади. Рон яна Гарри билан бирга. Дўстсиз ўтган кунлар қанчага тушганини Гарри энди англади.

- Гермiona менга опамдай бўлиб қолган, - давом этди у, - Уни опамдай яхши кўраман. У ҳам мени ўз укасидай кўради. Доим шундай бўлиб келган. Менимча буни ўзинг ҳам яхши биласан. Рон индамади, тескари ўгирилиб, бурнини енгига артиб олди. Гарри ўрnidан туриб, бир неча ярд нарида соҳилда ётган катта юк халтани олиб келди. Уни Рон Гаррини қутқаришга учун югуриб, ерга ташлаган эди. Халтани елкасига ташлаган Гарри Роннинг ёнида тўхтади. Кўзи бироз қизарган Рон ўрnidан хотиржам турди.

- Пушаймонман, - деди у, бўғиқ овоз билан, - Кетиб қолганимдан афсусдаман. Биламан, мен...

Рон худди хунук бир сўзнинг ўзи чиқиб келадигандай, қоронғиликка қаради.

- Гуноҳингни ювгандай бўлдинг шекилли, бугун, - деди Гарри, - Қилич топдинг. Рухдонни йўқ қилдинг. Ҳаётимни сақлаб қолдинг.

- Ишнинг ижросидан кўра тавсифи зўр эшитилар экан, - ғудуллади Рон.

- Дарҳақиқат, бундай нарсаларнинг ижросидан кўра тавсифи ҳар доим зўр эшитилишини сенга кўп йиллардан буён тушунтириб боришга уриниб келмоқдаман, - деди Гарри. Икковлон бир-бирига бир вақтда пешвоз чиқиб, маҳкам қучоқлашиб олди. Гарри Роннинг ҳўл нимчасини бағрига босди.

- Энди бориб, чодиримизни топайлик, - деди Гарри, иккаласи бир-бирини қўйиб юборгач.

Бу иш қийин кечмади, қоронғи ўрмонда урғочи буғу ортидан эргашиб юриш анча узоқ чўзилган бўлса-да, Роннинг ҳамроҳлигида йўл ғоят қисқа бўлди. Гарри Гермionани уйғотишга ошиқмоқда. Чодирга Ронни ортидан эргаштириб кирар экан, руҳи кўтарилиб, ғайрат-шижоати ошиб кетганини ҳис этди.

Ўрмон ҳавоси-ю, кўл сувининг ҳарорати билан қиёсланадиган бўлса, чодир ичи анча илиқ. Полга қўйилган чашка ичидаги

мовий аланга тиллари ёруғликнинг ягона манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Адёлларга ўраниб олган Гермиона Гарри унинг исмини бир неча бор такрорлаган бўлса ҳам, қилт этмай ухламоқда.

- Гермиона!

Қиз бир сесканди-да, юзига тушган сочини орқага ташлаганча, ётган ўрнига ўтирди.

- Нима бўлди Гарри? Тинчликми?

- Тинчлик, ҳаммаси яхши. Яхши ҳам гап-ми, аъло! Гермиона, мен ёлғиз эмасман.

- Тушунмадим, нима демоқчисан бу билан? Кимни?...

Гермиона эски гилам устида қўлда қилич ушлаб турган, эгнидаги кийимидан сув томаётган Ронни кўрди. Гарри елкасидаги юк халтани ечиш баҳонасида чодирнинг қоронғироқ бурчагига кириб кетди.

Қиз кўрпасидан ойпараст сингари сирпаниб тушиб, катта-катта очган кўзини Роннинг рангпар юзидан узмай одимлади, қаттиқ қимтиб олган лабини бироз бўшатган ҳолатда Роннинг рўпарасига келиб тўхтади. Рон нимагадир умид қилган кўринади, тишининг оқини кўрсатганча, қўлини бироз кўтарди.

Гермиона кутилмаганда Ронга ташланиб, танасининг ҳар бир дюймиди қўли етганча дўппослай кетди.

- Вой! Вой жоним! Тинч қўй мени! Вой! Гермиона дедим!

- Сен! Кўтан ичаксан! Рональд! Уэсли!

Қиз ҳар бир сўз билан бирга биттадан зарба бериб борди.

Гермиона калтаклашни бас қилмоқчи эмаслигини кўрган Рон бошини ҳимоя қилганча, ортга чекинди.

- Шунча! Ҳафта! Ўтиб! Топилиб! Келишга! Қандай! Журъат! Этдинг! Айтгандай, сеҳрли таёқчам қани менинг?

Гермионанинг важоҳатига қараганда, ўз сеҳрли таёқчасини Гарридан жанг-ла тортиб оладиганга ўхшади.

- Протега! - инстинктив равишда афсун ўқиб юборди Гарри.

Рон билан Гермионанинг орасида зоҳиран кўринмас девор пайдо бўлди. Деворга урилган қиз ерга йиқилиб, оғзига кирган соч тутамини тупурганча, ўрnidан турди.

- Гермиона, ўзингни бос, тинчлан! - деди Гарри.

- Йўқ! Сеҳрли таёқчамни қайтариб бер! Бер уни буёққа!

Гермиона ўзини бу қадар идора қила олмай қолганини Гарри

ҳали кўрмаган экан. Ҳозир қиз ақлдан озган тажовузкор кишидан ҳеч ҳам фарқ қилмаяпти.

- Гермиона, илтимос...

- Нима қилишни ўргатманг менга, Гарри Поттер! Сеҳрли таёқчамни қайтариб беринг! Сен эса!!! - чинқирди Гермиона. Қиз бармоғини Ронга шундай ўқтади-ки, Рон беихтиёр, худди унга қарғиш қўлланилгандай, бир неча қадам ортга тисарилди.

- Ортингдан югуриб чиққан эдим! Чақирган эдим сени ўша куни! Қайтишингни сўраб, ўтинган эдим!

- Биламан! - деди Рон, - Афсусдаман, чиндан ҳам мен пушаймон...

- Афсусдаман, дегин! - асабий хандон отди Гермиона, ҳамон ўзини боса олмай.

Рон ёрдам сўрагандай, Гаррига қаради. Бироқ Гарри ҳозир ҳеч қандай ёрдам кўрсата олмаслиги юзидан кўриниб турибди.

- Орадан ҳафталар ўтиб қайтибсан! Ҳафталар-а!

«Афсусдаман», деб қўйсанг бас, ҳаммаси ўз изига тушади, деган хаёлга боргансан, шундайми?!

- Яна нима дейишим мумкин, ахир? - хитоб қилди Рон.

Унинг қаршилик кўрсатишга уринаётгани Гаррини бироз қувонтирди.

- Билмадим, нима дейишинг мумкинлигини! Бошингдаги қатиқни қошиқлаб кўр, топилар яна бирон-бир гап. Мия титкилаш учун сенга бир неча сония ҳам кўплик қилса керак!

- истехзо оҳангида бақирди қиз.

- Гермиона! Ҳозиргина у менинг ҳаётимни... - деди Гарри.

- Менга фарқи йўқ! Мени қизиқтирмайди, унинг кўрсатган кароматлари! - гапни бўлди Гермиона, бақирди қиз, - Ҳафта кетидан ҳафта ўтди! Ўлиб кетган тақдиримизда ҳам ҳеч нарсани билмай юраверар эди!...

- Ўлмаганингизни билар эдим! - ўқирди Рон, овозини биринчи марта қизнинг овозидан баланд кўтариб, - Гаррининг исми «Башорат-у, каромат газетаси», радио кабилардан узилмайди, миш-миш гаплар, аҳмоқона ҳодисалар. Ўлганларингни эшитмаган одам қолмас эди, сиз билмайсиз, буларнинг бари қандай таъсир кўрсатишини, - деди у, ўртадаги тўсиш тилсимининг девори имкон берадиган

масофага яқинлашиб.

- Шахсан сенга қандай таъсир ўтказганини-ми?!

Қизнинг овози шу қадар ингичка янграмоқда-ки, теваарак-атрофдаги кўршапалаклар эшитаётганига шубҳа қилмаса ҳам бўлаверади. Гермiona қаҳр-ғазаби қайнаганидан сўз топа олмай қолди. Рон эса, афтидан, бундай имкониятдан фойдаланиб қолишга аҳд қилган кўринади.

- Ҳавода даф бўлганимдан сўнг, илк дақиқалардаёқ ортга қайтмоқчи бўлдим, Гермiona... Лекин тўғри бориб, овчилар тўдасининг чангалига тушганим боис, ҳеч қаёққа кета олмадим.

Гермiona ўзини креслога ташлаб, оёқ-қўлини шу қадар мураккаб, зич чирмаштирдик, энди ушбу чигални ечишга анча вақт кетади гўё.

- Қанақа тўда дединг? - сўради Гарри.

- Овчилар тўдаси. Маглар оиласида туғилган ёки тоза қонига хиёнат қилган сеҳргарларни тутиб бериб, тилла ишлаб олишга уринаётган тўдалар. Улар ҳаммаёқда изғиб юришибди. Сеҳргарлик вазирлиги мукофот эълон қилган. Мактаб ёшида бўлганим учун улар мени маглар оиласида туғилиб, энди қочиб юрган ўқувчи сифатида кўришди. Ёлғон тўқишга тўғри келди. Акс ҳолда мени вазирликка олиб кетишар эди.

- Нима дединг сен уларга?

- Стэн Қўриқчи деб таништирдим ўзимни. Миямга келган биринчи исм шу бўлди.

- Ишонишди-ми?

- У қадар ақлли эмас, улар. Ҳидига қараганда, улардан бири чала тролль эди менимча...

Рон ушбу ҳазили билан бироз бўлса ҳам Гермionанинг қаҳрини юмшатишига умид қилди шекилли, қиз томон қараб қўйди. Бироқ лабини қаттиқ қимтиб олган Гермionанинг юзи тошдай қотганча қолаверди.

- Нима қилган тақдирда ҳам, Стэн-ми, мен, ё Стэн эмасми, муҳокама қилгани мавзу топилди уларга. Қандайдир ожиз кўринишса-да, ҳар қалай бир ўзимга беш киши қарши эди. Сеҳрли таёқчам ҳам уларда. Бир вақт иккитаси баҳс орасида муштлаша кетишди. Ҳаммасининг эътибори чалғиб турган фурсатда мен ҳам, қўлимдан ушлаб турган овчининг қорнига

айлантириб солдим, унинг сеҳрли таёқчасини қўлга киритиб, мени қуролсизлантирган овчидан ўз сеҳрли таёқчамни тортиб олгач, ҳавода даф бўлдим. Даф бўлишни яхши уддалай олмаганим боис, яна парчаланиш ҳолатига учраб, иккита тирноғимдан маҳрум бўлдим, - деди Рон, ўнг қўлини кўрсатиб, - Чодиримиз турган жойдан бир миляча нарироқда ҳавода пайдо бўлдим. Бу вақтга келиб иккалангиз турар жойни ўзгартиришга улгурибсиз.

- Жин урсин, нақадар жозибали ҳикоя! - деди Гермиона, одатда, бировга озор бериш учун қўллайдиган оҳангда, - Роса қўрқиб кетган бўлсанг керак, а, токи биз Годрик жарлигига бориб, қайтгуниimizча? Нима бўлган эди у ерда, Гарри? Ҳа, эсладим, Ўзинг-Биласан-Кимнинг баҳайбат илони пайдо бўлиб, иккаламизни ўлдириб қўйишига сал қолган, Ўзинг-Биласан-Ким эса атиги бир сонияга кечиккан эди.

- Нима? - хитоб қилди Рон, дам Гаррига, дам Гермионага қараб.

Бироқ қиз унинг ҳаяжонини писанд қилмади.

- Тирноқ нақадар даҳшатли йўқотиш эканлигини тасаввур қила оласан-ми, Гарри? Бизнинг жамики дард-азобларимиз чангда қолиб кетади-ку, унинг йўқотиши олдида.

- Гермиона, Рон ҳозиргина менинг ҳаётимни сақлаб қолди, - деди Гарри, паст овозда.

Қиз эшитмади унинг гапини.

- Мен фақат бир нарсани билишни истайман, - деди у, Роннинг бошидан бир футча баландроқ нуқтага қараб, - Қандай қилиб топа олдинг сен бугун бизни? Биз кўришни истамаган одамлар чодиримизга кириб келмаслиги учун бу жуда муҳим.

Рон қизга қараб қўйгач, жинси шимининг чўнтагидан кичкинагина кумуш буюм чиқарди.

- Мана.

Нима кўрсатилаётганини кўриш учун Гермиона Ронга қарашга мажбур бўлди.

- Делюминатор-ку, бу?! - ҳайрон бўлди қиз, қиёфаси совуқ ва қаҳрли бўлиб кўриниши кераклигини унутиб.

- Бу шунчаки чироқ ўчириб-ёқадиган асбоб эмас экан, - маълум қилди Рон, - У қандай ишлашини, нега илгари, яъни сизларнинг ёнингизга қайтишни истаган вақтда эмас, айнан

ҳозир содир бўлганини билмадим-у, бироқ Рождество тонгида радио эшитиб ўтирар эканман, сени эшитиб қолдим... Сенинг овозингни эшитдим, - деди у, Гермионага қараб.

- Менинг овозимни радиода эшитиб қолдинг? - шубҳа ила сўради Гермиона.

- Йўқ, овозинг чўнтагимда янгради. Мана бу буюм эшиттирди овозингни, - боз кўтарди у делюминаторни.

- Хўш, нима дедим мен у ердан? - сўради Гермиона, овозида шубҳа билан қизиқсиниш оҳанги уйғунлашиб.

- Исминни талаффуз этдинг. «Рон» дединг-да... сеҳрли таёқча ҳақида нимадир дединг.

Гермионанинг юзи қип-қизил тус олди. Рон уларни ташлаб кетгандан буён исми биринчи марта талаффуз этилган кунни Гарри дарҳол эслади. Гаррининг синган таёқчасини тузатиш ҳақида гап кетганда Гермиона чиндан ҳам Ронни тилга олиб ўтган эди.

- Уни киссамдан чиқариб, кўздан кечириб чиқдим, - давом этди Рон, делюминаторга қараб, - Зоҳиран бирон-бир ўзгариш юз берганини кўрмадим, лекин овозинг шунинг ичидан чиққанини аниқ биламан. Уни ишга туширдим. Хона чироғи ўчишга ўчди-ю, ташқарида, дераза ортида бошқа чироқ ёнди. Рон бўш қўлини кўтариб, олд томон узатганча, на Гаррининг, на Гермионанинг кўзига кўринган аллақандай нарсага термилди.

- Эслайсиз-ми, ишга тушаётган портшлюз атрофида бироз мовий ёруғлик кўринади?

- Ҳа, - деяри баробар жавоб беришди Гарри билан Гермиона.

- Ана ўшандай тус бериб ёришаётган, сезилар-сезилмас сапчиб турган ёруғлик шари эди у. Лаш-лушимни йиғиштириб, юк халтамни деразадан улоқтирдим-да, ташқарига чиқдим. Ёруғлик шари ҳавода учиб, мени кутаётган экан. Боққа чиқсам, шар олдинга ҳаракат бошлади. Мен унинг ортидан эргашдим. Боғ ташқарисида эса у... қисқаси, ичимга кириб кетди.

- Тушунмадим? - сўради Гарри, нотўғри эшитганига шубҳа қилмай.

- У мен томон сузди, - тушунтириш берди Рон, кўрсаткич бармоғи билан шар ҳаракатининг йўналишини намоиш этиб,

- Тикка кўкрагим томон учиб, танамга сингиб кирди. Мана бу ерга етгач, тўхтади, - деди Рон, юраги яқинидаги нуқтани кўрсатиб, - Иссиқ ҳароратини аниқ ҳис этдим. Ичимда қолар экан, нима қилиш кераклигини аниқ англадим. Шар мени керакли жойга элтишини билдим. Ҳавода даф бўлдим-да, қор батамом қамраб олган тепалик ёнбағрида пайдо бўлдим.

- Биз ўша ерда эдик, - деди Гарри, - Икки кечани ўша ерда ўтказдик. Иккинчи кечада кимдир чодир атрофида кезиб, бировни чақираётганини эшитгандай бўлдим!

- Тўғри, ўша одам мен эдим, - деди Рон, - Нима қилган тақдирда ҳам, ҳимоя чораларингиз қор берган. Чунки мен сизларни кўрмадим ҳам, эшитмадим ҳам. Аммо шу яқин орада жойлашганингизга ишончим комил эди. Қопкўрпамга кириб олдим-да, бирортангиз кўриниш беришингизни кутиб ётдим. Чодир йиғиштираётганингизда кўришиб қолсангиз керак, деган хаёлга борган эдим.

- Қўшимча эҳтиёт чораси сифатида кўринмас плаш остида даф бўлган эдик, - маълум қилди Гермиона, - Боз устига, одатдагидан эртароқ йўлга чиққанмиз. Чунки Гарри айтгандай, атрофда кимдир изғиб юрганини эшитган эдик.

- Мен эса ўша тепаликда яна бир кун қолдим, - деди Рон, - Кўришиб қолишингизга умидимни узмадим. Қош қорая бошлаганда эса сизларни қўлдан чиқариб юборганимни англаб етдим. Делюминаторимни олиб, яна ишга туширдим. Мовий ёруғлик шари ичимдан чиқиб, яна танамга сингиб кирди. Шу заҳоти ҳавода даф бўлиб, шу ўрмонда пайдо бўлдим. Ҳеч қайси бирингизни кўрмагач, эртами-кечми, бирортангиз кўриниш беришингизга умид боғлаб қолавердим. Умидим пуч бўлмади, Гаррини кўрдим, гарчи ундан олдин урғочи буғу кўринган бўлса-да.

- Нима кўринди? - сўради Гермиона кескин оҳангда. Гарри билан Рон Гермионага бўлган воқеани навбат билан айтиб беришди. Кумуш тусли урғочи буғу ва кўл тубидаги қилич ҳақидаги ҳикоя давомида қиз дам Гаррига, дам Ронга шу қадар диққат билан қараб борди-ки, қўл-оёғи чигаллашиб кетганини унутиб қўйди.

- Ўша буғу кимнингдир ҳимоячиси эканлиги аниқ. Ким чақирганини кўрдингиз-ми? Биров кўринди-ми у ерда? Буғу сизга қилич ётган ерни кўрсатибди! Хўш, иннайкейин-чи,

нима бўлди?

Рон Гаррининг кўлга шўнғиганини кўргани, сувдан чиқишини кутгани, иш пачава эканини фаҳмлагач, ўзини сувга ташлаб, Гаррини қутқаргани, сўнг яна шўнғиб, кўлдан қилич олиб чиққанини сўзлаб берди. У медальонни очиш жойига келганида хижолат тортганини кўрган Гарри ҳикоянинг қолган қисмини ўзи айтиб берди.

- ... ва Рон қилич билан зарба берди.

- Руҳдон шу тариқа ўз кучини йўқотди, денг? Уни йўқ қилиш шунчалик осон эканми?

- Йўқ, у алланима деб қичқирди, албатта, - деди Гарри, Ронга қараб қўйиб, - Мана у.

Гарри Гермионанинг тиззасига синган медальонни ташлади.

Қиз медальонни қўлига аста олиб, туйнукларнинг дарз кетган ойналарини кўздан кечириб чиқди. Вазият

юмшаганига ишонч ҳосил қилган Гарри сеҳрли таёқчани силтаб, тўсиш тилсимини йўқ қилди-да, Ронга юзланди.

- Овчилар тўдасининг чангалидан қўлингда яна бир сеҳрли таёқча билан қочиб қутулганингни айтгандай бўлдинг шекилли?

- Нима? - тушунмади Рон, - А-а, ҳа. Менда у.

У юк халтасининг чўнтагини зўр бериб очди-да, қисқагина қорамтир таёқча чиқарди.

- Мана. Керакли тошнинг оғири йўқ, деб ўйладим.

- Тўғри ўйлагансан, - деди Гарри, - Менинг таёқчам синди.

- Ҳазиллашяпсан-ми? - ҳайрон бўлди Рон.

Шу фурсатда Гермиона ўрнидан турди. Рон юрак ҳовучлаб қиз томон аста қаради. Гермиона пачақланган руҳдонни мунчоқ қадаб тикилган сумкачасига жойлади-да, бирон оғиз сўз айтмай, кўрпасига кириб ётди.

- Сенга нисбатан энг яхши муносабат ҳозирча шу. Борига шукур қилавер, - пичирлади Гарри.

- Ҳа, - деди Рон, - Бундан ҳам беш баттар бўлиши мумкин эди. Бошимга юборган қутурган қушчалари эсингдами?

- Мен ҳали бир қарорга келганим йўқ, - эшитилди адёл остидан Гермионанинг овози.

Юк халтасидан оч жигар ранг пижамасини чиқараётган Роннинг иржайиб қўйгани Гаррининг эътиборидан четда қолмади.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ. КСЕНОФИЛИУС ЛАВГУД

Гермиона эрталаб ғазабдан тушиб уйғонишига Гаррининг шундоқ ҳам кўзи етмаган эди. Бинобарин, қиз кун ярмигача индамай, иккаласига ора-сира ўқрайиб борганидан ҳеч ҳам ҳайрон бўлмади. Гермионанинг қарашларига жавобан Рон, қандайдир сохта сипо, ғайритабиий ғамгин қиёфа ясаб, худди виждон азобидан қийналаётгандай бўлиб юрди. Гарри ўзини, айниқса, учовлон бир ерда тўпланган пайтда, одам кам келган дафн маросимида мотам тутмай ўтирган ягона одамдай ҳис этмоқда. Рон билан танҳо қолган қисқа дақиқаларда (сув ташиган ёки қўзиқорин терган вақтда) эса ўзини уяти йўқ хушчақчақ одамдай тутмоқда.

- Анави урғочи буғуни йўллаб, кимдир бизга ёрдам берди, - фикр билдирди у, - Шубҳа йўқ-ки, ўша киши биз томонда. Битта руҳдонни йўқ қилдик, биродар!

Улар медальон ҳақидаги баҳслардан чалғиб, қолган руҳдонларнинг эҳтимолий жойларини муҳокама қилишга киришишди. Ушбу мавзу илгари кўп муҳокама қилинганига қарамай, тахминлар қанча кўп бўлса, вазифа ижросини уддалаш шунча енгил бўлишига Гаррининг ишончи комил бўлиб бораверди. Ҳатто Гермионанинг бадқовоқлиги ҳам Гаррининг эртанги кунга бўлган ишонч кайфиятини буза олмади. Қисматларида рўй берган кутилмаган яхшиланиш, сирли буғунинг пайдо бўлиши, Гриффиндор қиличи топилгани ва энг зўри – Роннинг қайтгани Гаррини бахтиёр қилиб, вазмин юриши қийин кечди.

Кундуз куни, Рон иккаласи аслида йўқ резавор мева териб келиш баҳонасида бадқовоқ Гермионадан нари қочиб, янгиликлар билан ўртоқлашишни давом этишди. Гарри Ронга, у кетиб қолганидан кейин Гермиона иккаласи бошдан кечирган ҳодисаларни, шу жумладан, Годрик жарлигида бўлиб ўтган воқеани тўлиқ ҳикоя қилиб берди. Рон эса сеҳргарлар дунёсида сўнгги ҳафталар ичида бўлиб ўтган жараёнларни айтиб берди.

- Тақиқдан қандай қилиб хабар топдиларинг? - сўради Рон, маглар оиласида туғилган сеҳргарларнинг вазирлик чангалидан қочишга беҳуда уринаётганларини айтиб бергач.

- Нима? Қанақанги тақиқдан?

- Гермиона иккалангиз Ўзинг-Биласан-Кимнинг исмини талаффуз этмай қўйибсиз-ку!

- А-а, ёмон одат тез юқади. Шахсан мен бирон-бир муаммо кўрмайман, уни ўз исми - Вол...

- ЙЎҚ! - бақирди Рон.

Гарри қаттиқ қўрққанидан ўзини чакалак ичига отди, берилиб китоб ўқиётган Гермиона эса қош чимирганча қараб қўйди.

- Маъзур санайсан, - деди Рон, Гаррини маймунжон ичидан чиқарар экан, - Аниқланишича, унинг исми сеҳрланган экан, Гарри. Одамларни улар шу тариқа таъқиб қилиб топиб олишмоқда! Ушбу исмнинг қўлланилиши қандайдир сеҳр-жодуни синдириб, аллақандай фусункор бузилиш билан яқун топар экан. Тоттенхэм Корт йўлини ҳам улар шу тарзда топишган!

- Чунки биз ўша ерда унинг исмини талаффуз этганмиз, шундайми?

- Шундай! Маъно шундаки, илгари исмга муносиб равишда муносабат кўрсатиш талаб этилган. Дамблдорга ўхшаган Ўзинг-Биласан-Кимга қарши жиддий курашга бел боғлаган одамларгина унинг исмини айтишга журъат этишган. Энди эса улар исмга батамом тақиқ қўйиб, талаффуз этган ҳар қандай одамни таъқиб қилиб топишмоқда. Орден аъзоларини қидириб топишнинг энг осон йўли бўлди бу! Кинслини ҳам қўлга олишга деярли улгуришган эди...

- Ҳазиллашяпсан-ми?

- Биллнинг сўзларига қараганда, Ўлимдан мириқувчиларнинг бир гуруҳи Кинслини қуршовга олибди-ю, қўлга ола билмабди. Энди Кинсли ҳам бизга ўхшаб қочиб юрибди, - деди Рон, сеҳрли таёқчаси билан иягини қашиб, - Урғочи буғуни йўллаган ўша эмасмикан, нима деб ўйлайсан?

- Унинг ҳимоячиси силовсин, тўйда кўрган эдик, эсингдами?

- Ҳа-я...

Икковлон чакалакзорни ёнлаб бориб, чодир-у, Гермионадан нари узоқлашди.

- Гарри... Дамблдор бўлиши мумкинлигини, хаёлингга ҳеч келтирмадинг-ми?

- Дамблдор нима бўлиши мумкинлигини?

Рон бироз хижолатда бўлса ҳам, паст овозда фикр билдирди:
- Дамблдор... анави урғочи буғуни? Айтмоқчиман-ки, - зимдан қаради у, Гаррига, - Ўтган гал қилич унда эди-ку, шундай эмасми?

Гарри ушбу савол замиридаги хоҳиш-истакни тушунган ҳолда Ронни мазах қилиб, устидан кулмади. Дамблдор қайтиб келиши мумкинлиги, учаласини кузатиб юргани ҳақидаги ғоя кишига умид бағишлайди, албатта.

- Дамблдор ўлган, - деди Гарри, бош чайиб, - Қандай ҳалок бўлганини ўз кўзим билан кўрганман. Жасадини ҳам кўрганман. Ўлгани аниқ. Нима қилган тақдирда ҳам, унинг ҳимоячиси қақнус бўлган, урғочи буғу эмас.

- Ҳимоячи ўзгариши ҳам мумкин-ку, шундай эмасми?

Бомсинг ҳимоячиси ўзгарган эди, эсингдами?

- Эсимда. Хўп, дейлик, Дамблдор тирик. Нега у ўзини кўрсатмаяпти? Нега қилични шахсан ўзи топширмади бизга?

- Тириклигида топширмаган сабабга кўра, фикримни билмоқчи бўлсанг. Айнан ўша сабабга кўра, у сенга эски Тилла чаққонни, Гермionaга эса болалар учун мўлжалланган эртак китобни васият қилиб кетган.

- Нимадан иборат экан, ўша сабаб? - сўради Гарри, билишни жуда истаганча, Роннинг юзига қараб.

- Билмадим. Баъзан, ғазабим қайнаган фурсатларда, у бизнинг устимиздан кулган ёки қидирув жараёнини бироз мураккаблаштиришга аҳд қилган, деган хаёлга борар эдим. Ҳозир эса ундай фикримдан қайтдим. Делюминаторни менга васият қилаётганда, нима иш қилаётганини яхши билган-ку, у, шундай эмасми?

Роннинг иккала қулоғи қизариб, нигоҳи оёғи остидаги майса тутамида ушланиб қолди.

- Дамблдор аниқ билган, кун ўтиб бир кун сени ташлаб кетишимни, - дея олди у, ниҳоят.

- Йўқ, назаримда у, қайтиш истагида бўлишингни билган, - тузатиш киритди Гарри.

Рон миннатдор қараб қўйган бўлса-да, ўзини ҳамон ноқулай ҳис этаётгани кўриниб турибди. Гарри мавзунини ўзгартиришга аҳд қилди.

- Айтгандай, Дамблдор ҳақида анави Рита Вритернинг ёзганларини ўқидинг-ми?

- Ўқидим. Одамлар бу ҳақда кўп гапиришмоқда. Агар ишлар бошқача кечганда Дамблдор Гриндельвальд билан дўст тутингани улар учун катта янгилик бўлар эди. Аммо ҳозир бу гаплар Дамблдорни хуш кўрмаганлар учун кулги мавзусига, уни яхши одам деб билганлар учун эса тарсакига айланган холос. Билмадим, буларнинг бари қанчалик жиддий аҳамиятга эга эканлигини. Ўша даврда у анча ёш...

- Бизнинг тенгқуримиз бўлган, - гапни бўлди Гарри, ушбу мавзуда Гермионага эътироз билдиргандай.

Унинг қиёфасига эътибор қилган Рон ушбу мавзунини бас қилишни афзал кўрди.

Каттагина ўргимчак бута шохига келиб тўхтади. Ўтган кеча Рон берган, Гермиона эса тёрндан тайёрланганини тахмин қилган сеҳрли таёқчани Гарри нишонга йўллади.

- Энгоргио!

Ўргимчак андак сесканиб, инида сезилар-сезилмас ирғиб қўйди. Гарри яна бир бор уриниб кўрди. Бу гал ўргимчак бироз йириклашди.

- Бас қил, - овоз кўтарди Рон, - Кечирасан, агар Дамблдорни ёш бўлган, дея хато қилган бўлсам. Бўлди-ми?

Рон ўргимчакларни ёмон кўришини Гарри унутибди.

- Узр. Редуцио.

Ўргимчак кичраймади. Гарри сеҳрли таёқчага қараб қўйди. Ҳар бир арзимас тилсим ижроси, ўзининг, ўзаги қақнус патидан иборат бўлган сеҳрли таёқчаси воситасида қўллаган тилсим ижросига нисбатан кучсиз кечмоқда. Янги сеҳрли таёқча нотаниш, худди қўлининг учига бировнинг қўли тикиб қўйилгандай туюлмоқда.

- Кўникма ҳосил қилишинг учун кўпроқ машқ қилишинг керак бўлади. Ҳаракатнинг дадиллигига боғлиқ бу, Гарри, - деди, иккаласининг ортидан шовқин солмай келиб, Гаррининг ўргимчакни катталаштириб, сўнг, кичрайтиришга уринганини кўрган Гермиона.

Ўзини айбдор ҳис этаётган қиз яхшилик тилаётганини Гарри билади, албатта. Ахир унинг сеҳрли таёқчасини Гермиона синдириб қўйган-ку. Гарри кескин эътироз билдиришдан, агар ҳеч қандай фарқ кўрмаётган бўлса, мана бу таёқчани ўзига олиб, ўзининг сеҳрли таёқчасини беришни таклиф қилишдан ўзини тийди. Учовлон илгаригидай яна дўст

бўлишини хоҳлади.

Роннинг мубҳам табассумини писанд қилмаган Гермiona мағрур юрганча нари кетиб, китоби ортига боз бекиниб олди.

Чодирга учовлон баробар қайтди. Қош қорайгач, Гарри биринчи бўлиб қўриқчилик қилди. Кириш эшиги ёнида ўтирар экан, оёғи остидаги майда тошларни тёрндан ясалган сеҳрли таёқча воситасида кўтариб, ҳавода муаллақ осиб қўйишни машқ қилди. Аммо сеҳри илгаригига нисбатан қандайдир бесўнақай, кучсиз кечаётгандай туюлди.

Гермиона каравотида ёнбошлаб, китоб ўқиб ётди. Қиз томон асабий қарайверишдан чарчаган Рон сумкасидан мўъжазгина ёғоч радиони чиқариб, созлашга уринди.

- Бир радиодастур бор, - пичирлади у Гаррига, - Рўй берган барча янгиликлар ҳақида рўйи-рост гапиради. Оммавий ахборот воситаларининг қолган барчаси Ўзинг-Биласан-Ким томонга ўтиб кетган бўлиб, вазирлик нима деса, шуни қилади. Мен айтган дастур эса... ҳозир ўзинг эшитасан... ажойиб. Фақат дастур муаллифлари ҳар кеча ҳам янгилик узата олишмайди, қўлга тушмаслик учун улар ҳам турар жойларини ўзгартириб боришга мажбур. Бундан ташқари, тегишли тўлқинга созланиш учун пароль керак бўлади... Муаммо шундаки, сўнгги эшиттиришни ўтказиб юбориб, паролни...

Рон сеҳрли таёқчаси билан қабулқилгич устига енгил уриб, тусмоллаб сўз айтаверди ва айна вақтда, Гермionaга, яна тутақиб кетишидан қўрқиб, кўз қири ила қараб-қараб борди. Қиз эса, худди Рон бу ерда йўқдай, парво қилмай ётибди. Тахминан ўн дақиқача Рон ўзининг радиоси билан овора бўлди, Гермiona китоб варақлади, Гарри эса тёрн таёқчаси билан машқ қилди.

Ниҳоят Гермiona каравотидан тушди. Рон шу заҳоти радио созлаш ҳаракатини тўхтатди.

- Агар асабингга теккан бўлса, бас қилишим мумкин! - деди у хавфсираб.

Гермиона жавоб қайтаришни марҳамат қилмай, тўғри Гаррининг олдига келди.

- Гаплашиб олишимиз керак.

- Нима гап экан яна? - хавотир-ла сўради Гарри, қизнинг

қўлидаги «Альбус Дамблдорнинг ҳаёти ва ёлғони»га қараб. Китобда у ҳақда алоҳида бўлим бўлиши мумкинлиги кўнглига келган эди-ю, лекин ҳозир Дамблдор билан ўзи ўртасидаги муносабатларнинг Рита Вритер талқинидаги баёнини эшитишни истамайди.

- Ксенофилиус Лавгудни кўришим керак, - мутлақо кутилмаган жавоб берди Гермиона.

Гарри қизга бақрайди.

- Узр, тушунмадим, - деди у ниҳоят.

- Ксенофилиус Лавгудни, яъни Луна Лавгуднинг отасини.

Сухбатини олишим керак мен ўша кишининг.

- Э-м-м, нимага?

Гермиона ўзига ўзи далда бергандай чуқур нафас олди.

- Гап анави рамзда, «Бард Бидл масаллари»да учраган белгида. Энди мана бунга қара!

Қиз «Альбус Дамблдорнинг ҳаёти ва ёлғони»ни Гаррининг ўқишни истамаган кўзига яқин келтирди. Кўрсатилаётган саҳифада Дамблдор томонидан Гриндельвальд номига йўлланган мактуб аслиятининг фотосурати келтирилган.

Ингичка, ётиқ хат таниш бўлса-да, мазмуни маълум ўша мактубни Дамблдор чиндан ҳам ўз қўли билан ёзганининг юз фоизли исботини кўришни Гарри истамаган эди.

- Имзога, - деди Гермиона, - Имзога қара, Гарри!

Гарри Дамблдор чеккан имзога қараб, дастлаб Гермиона нима демоқчи бўлганини тушунмади, дурустроқ назар солгач эса, Дамблдор «Альбус» сўзидаги «А» ҳарфини «Бард Бидл масаллари»да учраган уч қисмли рамзга алмаштирганини кўрди.

- Тинчликми, Герми? - сўради Рон, хавфсираб.

Қиз Ронга совуқ нигоҳ-ла жавоб бериб, боз Гаррига қаради.

- Ҳар ерда пайдо бўлиб боряпти бу рамз, шундай эмасми? - шошмай гап бошлади Гермиона, - Виктор уни Гриндельвальд ўзи учун ўйлаб топган рамз дея таъкидлагани эсимда, аммо бу рамз Годрик жарлигидаги анави қадимий қабрда ҳам тасвирланган. Қабр тошидаги сана эса Гриндельвальд пайдо бўлишидан анча олдин битилган! Энди эса ўша рамзни мана бу мактубда кўриб турибмиз! Унинг маъносини биз на Дамблдордан, на Гриндельвальддан сўрай оламиз. Умуман айтганда, Гриндельвальднинг ўлик-тириклигини ҳам

билмаймиз. Лекин биз буни, тўйга ўша рамзни тақиб келган мистер Лавгуддан сўраб билишимиз мумкин. Бу ўта муҳим эканлигига аминман, Гарри!

Гарри жавоб беришга шошилмади. У Гермионанинг бетоқат юзига қараб қўйди-да, қоронғиликка ўгирилганча, ўйга толди.

Узоқ чўзилган танаффусдан сўнг, фикр билдирди:

- Гермиона, Годрик жарлиги воқеасини яна бир марта бошдан ўтказиш керак эмас бизга. Биз шу ерда қолишга рози бўлдик ва...

- Лекин ўша рамз ҳар ерда пайдо бўляпти, Гарри! Дамблдор менга «Бард Бидл масаллари»ни қолдириб кетди. Қаердан биласан сен, ўша рамзнинг маъносини билишимиз шарт эмаслигини?

- Яна бошланди! - аччиқланди Гарри, - Дамблдор бизга ҳар хил сирли белги-ю, жумбоқлар ташлаб кетганига ўзимизни ўзимиз ишонтиришни давом этяпмиз, ваҳоланки...

- Делюминатор анча фойдали нарса бўлиб чиқди, - гапни бўлди Рон, радиони четга суриб, - Фикримча, Гермиона ҳақ. Лавгудларникига меҳмонга бориб келишимиз керак.

Гарри Ронга домангир ўқрайди. Гермионанинг тарафини олишдан кўзлаган асл мақсади анави аҳмоқона рамзнинг маъносини билиш истагига ҳеч қандай дахли йўқлигига Гаррининг ишончи комил.

- Бу сафар Годрик жарлигидаги ҳодиса такрорланмайди, - давом этди Рон, - Лавгудлар сен томонда, уларнинг «Ҳақиқатгўй» журнали кўпдан буён тарафингни олади, ҳамиша сенга ёрдам бериш кераклигини таъкидлайди.

- Бу ўта муҳим эканлигига аминман, Гарри! - такрорлади Гермиона.

- Агар чиндан ҳам муҳим бўлганда, Дамблдор ўлмай туриб айтган бўлар эди буни менга. Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмадингми?

- Эҳтимол... эҳтимол бу, ўзинг билиб олишинг керак бўлган нарсалардан биридир! - деди Гермиона.

- Тўппа-тўғри, - хушомадгўёна қўллаб-қувватлади қизни Рон, - Бунда бир маъно бор.

- Йўқ, ҳеч қандай маъно йўқ, - жеркиб берди Гермиона, - Лекин ўйлашимча, мистер Лавгуднинг суҳбатини олишимиз, Дамблдор, Гриндельвальд ва Годрик жарлигини ўзаро

боғлаган ўша рамзнинг тагига етишимиз керак. Буни билишимиз шарт эканлигига аминман, Гарри!
- Овозга қўайлик, - таклиф киритди Рон, - Ким Лавгудларникига меҳмонга бориш тарафдори бўлса, қўл кўтарсин.

Рон ҳали гапини тугатмай, Гермионадан олдин қўлини баланд кўтариб олди. Қўл кўтараётган қизнинг қимтиб олинган лаби эса шубҳали титраётгани кўзга ташланди.
- Кўпчилик овоз билан маъқулланди. Узр, Гарри, - деди Рон, Гаррининг белига уриб қўйиб.

- Жуда соз! - деди Гарри, ҳам аччиғи, ҳам кулгиси келиб, - Фақат бир шарт билан: Лавгудлар хонадонидан қайтибоқ, руҳдон қидирувига киришамиз, келишдик-ми? Лавгудлар қаерда яшайди ўзи, бирортангиз биласизми?

- Ҳа, улар бизга қўшни бўлади, - деди Рон, - Уйлари қаерда жойлашганини аниқ билмайман-у, ҳар гал улар ҳақда гап очилганда, ойим билан дадам дўнгликлар томон имо қилиб қўйишади. Уйларини топиш қийин кечмаса керак, деб ўйлайман.

Гермиона кўрпасига қайтганда Гарри паст овозда эътироз билдирди:

- Сенга бўлган ихлосини қайта тиклаш учунгина рози бўлдинг!

- Уруш ва муҳаббатда ҳар восита адолатдандир! Бу эса иккала тушунчанинг бир қисмини англатади. Хурсанд бўлсанг-чи, Гарри! Рождество таътили бу! Луна ҳам уйда бўлади!

Эртасига эрталаб музлаган тепалик устида пайдо бўлган болалар олдида Колготтери Сент-Инспекторт қишлоғининг гўзал манзараси очилди. Булутлар орасидан ўтган қуёш нурлари остидаги ушбу қишлоқ тепаликдан қараганда ўйинчоқ уйлар коллекциясига ўхшаб кўринди. Учовлон бир-икки дақиқа Бошпанани томоша қилди. Бироқ кўринган нарса – уй атрофида баланд ўсиб, магларнинг кўзидан ҳимоя қилаётган чакалак-девор ва дарахтлар бўлди.

- Ўз уйингга яқин келсанг-у, кира олмасанг, ғалати бўлар экан, - деди Рон.

- Яқинда чиқдинг-ку, уйингдан, Рождествони нишонлаб, - совуқ оҳангда эслатиб ўтди Гермиона.

- Бошпанада бўлмадим! - деди Рон, шубҳаомуз кулиб, - Уйга қайтиб, сизларни ташлаб келганимни айтишга журъатим етди, деб ўйлайсан-ми? Фред билан Жорж қилган ишимни маъқул топиб, мени кўкларга кўтаришган, Жинна эса мени жуда тўғри тушунган бўлар эди-да, а?!

- Уйга қайтмаган бўлсанг, қаерда бўлдинг? - сўради Гермиона, ҳайрон бўлиб.

- Шеллар Коттежида - Флёр билан Биллнинг янги турар жойида. Билл менга нисбатан доимо оғир-босиқ муносабатда бўлиб келган. Қилган ишимни эшитиб, қаттиқ таъсирланмади. Чунки қилмишимдан чиндан ҳам афсусда эканлигимни тушунди. Уларнинг уйига борганимни бошқа ҳеч ким билмайди. Билл ойимга байрамни келин-куёв иккаласи ёлғиз қолиб нишонлашларини баҳона қилиб, Рождествога бора олмасликларини айтди. Флёр эса бунга эътироз билдирганига шубҳа қиламан. У ойимнинг энг севимли қўшиқчиси, ҳамма ўз юмишини ташлаб, жим ўтирганча тинглаши шарт бўлган Селестина Уорбекдан қанчалик нафратланишини яхши биласан.

Рон Бошпанага орқа ўгирди.

- Келинлар, ҳўв анави ердан бошлаймиз, - деди у йўл бошлаб.

Учовлон бир неча соат йўл юрди. Гарри билан Гермиона кўринмас плаш остида. Пастак дўнгликлар гуруҳи кимсасиз кўринган кичик бир коттеж ҳудудига ўхшади.

- Эгалари Рождество нишонлагани кетган, деб ўйлайсан-ми? - деди Гермиона, тоқчасида ёронгул ўсаётган кичик ошхона деразасидан ичкарига қараб.

- Уйда ким яшашини деразадан қараб биладиган қобилиятинг борга ўхшайди. Юринлар, нариги дўнгликлар устига чиқиб қараймиз.

Улар ҳавода даф бўлиб, шимол томонда, бир неча миля наридаги дўнгликлар устида пайдо бўлишди.

Шамол уларнинг соч-у, кийимини ҳилпиратар экан, Рон қўлини олдинга узатиб, қичқирди:

- Ана!

Тепалик устида қора цилиндр шаклидаги, орқасига ёлғондакам ой маҳкамланган, кўринишидан жуда ғалати каттагина уй турибди.

- Шубҳа йўқ-ки, Лунанинг уйи бу. Ким ҳам яшар эди бундай жойда, - деди Рон, - Нимаси биландир рухга ўхшар экан.

- Рух қопланган жойини кўрмаяпман, - қош чимирди Гермиона.

- Металл эмас, шахмат донасини назарда тутдим. Сенинг кўзингга қаср минорасидай кўринса керак.

Роннинг оёғи узунроқ бўлгани учун тепалик чўққисига биринчи бўлиб етиб борди. Гермиона билан Гарри уни қувиб етиб, нафас ростлаб олишгач, иржайиб турганини кўришди.

- Ҳа, биз қидирган киши шу ерда яшайди, қаранг.

Дарвозага қўлда ёзилган учта ёрлиқ қоқилган. Уларнинг биринчисига: ««Ҳақиқатгўй» журналининг муҳаррири К.

Лавгуд», иккинчисига: «Ўз омелангни танла», учинчисига эса: «Нов-дирижабль остида турманг» сўзлари битилган.

Туртилган дарвоза тавақаси ғичирлаб очилди. Уйнинг кириш эшиги томон олиб борадиган илон изи йўлни ҳар хил, бири бошқасидан ғалати ўт-ўсимлик босган. Улар орасида Луна баъзан сирға сифатида тақиб юрадиган редискасимон тўқ сариқ мева солган бута ҳам бор. Гарри семизкўзакларни нари ҳайдайдиган бузуқилдизни танигандай бўлиб, йўлнинг бу томонидаги буришиқ тўнкадан тез узоқлашди. Кириш эшиги ёнидаги иккита қари олма дарахти шамолда тебранмоқда. Уларнинг барги батамом тўкилиб тушган бўлса ҳам, оқ омеладан боғланган қалин гулжиғаси билан йирик қизил мевалари ҳамон турибди. Силлиқ боши қарчиғайнинг бошига ўхшаб кетадиган митти бойқуш дарахт шохида, уччаласини кузатиб ўтирибди.

- Плашни еч, Гарри, - деди Гермиона, - Мистер Лавгуд бизга эмас, сенга ёрдам беришга даъват этади.

Гарри маслаҳатга қулоқ тутиб, кўринмас плашини ечди-да, сумкачасига солиб қўйиши учун Гермионага узатди. Қиз бургут шаклидаги эшик болғасини қўлига олиб, қорага бўялган металл эшикни уч марта тақиллатди.

Ўн сония ўтар-ўтмас остонада сарпойчанг Ксенофилиус Лавгуд кўринди. Унинг пахта қандни эслатадиган узун оқ сочи кўпдан буён ювиб, таралмаган, эгнига эса пижамага ўхшаш кийим кийган. Билл билан Флёрнинг тўйида у анча савлатли кўринган эди.

- Ким? Нима? Тинчликми? Сен кимсан? Нима керак сенга? -

сўради у, баланд домангир овозда.

У олдин Гермионага, сўнг Ронга ва ниҳоят Гаррига назар солиб, оғзи кулгили «О» ҳарфи шаклида очилиб қолди.

- Салом, мистер Лавгуд, - сўрашди Гарри, қўл узатиб, - Мен Гарри, Гарри Поттерман.

Ксенофилиус, гарчи нигоҳини шу заҳоти Гаррининг пешанасига олиб ўтган бўлса-да, қўл бермади.

- Ичкарига кирсак, нима дейсиз? - сўради Гарри, - Айрим нарсаларни сўраб билмоқчи эдик сиздан.

- Мен... мақсадга мувофиқ келмаса керак, - тилга кирди ютиниб, боғ томон қараб қўйган Ксенофилиус, - Мен... менинг ҳолатим... сўзим... мен... фикримча... қўрқаман...

- Кўп вақтингизни олмаймиз, - ишонтирди Гарри, мезбон илиқ кутиб олинмаганидан бироз ажабланиб.

- Ҳа... мен... яхши... ундай бўлса, яхши. Кириш, ичкарига кириш. Тезроқ!

Учовлон остона ҳатлаб, ичкарига кириши ҳамано, Ксенофилиус эшикни тарақлатиб ёпди.

Бундай ғалати ошхонани Гарри ҳали учратмаган. Хона шу даражада беназир юмалоқ-ки, киши ўзини қалампир сақланадиган хумчага тушиб қолгандай ҳис этади. Ҳамма нарса, хусусан, печка, ошхона чаноғи, жавон кабилар деворга мос ясалган бўлиб, сиртига ёрқин бўёқларда гуллар, турли туман ҳашаротлар, қушлар расми тасвирланган. Киши таассуроти, бундай хонада, тўлиб-тошади. Пол марказидан юқори қаватга олиб чиқадиган айлана зина кўтарилган. У ерда нимадир тақилламоқда, қандайдир зарбалар эшитилмоқда. Луна нима билан банд эканлиги Гаррини қизиқтириб қолди.

- Юқорига чиққанингиз маъқул, - деди Ксенофилиус, ҳамон қатъиятсиз кўриниб.

Иккинчи қават яшаш хонаси билан хизмат хонасининг уйғунлиги бўлиб, ошхонадан ҳам ғалати кўринди. Ўлчами анча кичик, шакли юмалоқ бўлса-да, бу ер «Хогварц»даги Даркор хонанинг асрлар оша буюм бекитиладиган чексиз лабиринт кўринишидаги унутилмас ҳолатини эслатди. Ҳамма жойда китоб ва қоғоз уюмлари қалашиб кетган. Гарри учун нотаниш махлуқотларнинг ажойиб моделлари шифтдан осилиб тушиб, баъзилари қанот қоқаётган бўлса, айримлари

оғзини каппа-каппа очиб юммоқда.

Луна йўқ. Шовқин солаётган нарса эса ёғочдан ясалган, эски токчалар-у, асбоб-ускуналар мажмуасига ўхшаб, тиш-тирноқлари сеҳр воситасида ҳаракатланаётган объект экан. Чиқиш қисмида «Ҳақиқатгўй» журналининг навбатдаги сонини кўрган Гарри, ушбу объект алмисоқдан қолган нашриёт дастгоҳи эканлигини тушунди.

- Маъзур сананг, - деди Ксенофилиус дастгоҳ олдига келиб. У китоб ва қоғозларнинг катта уюмини ағдарганча, остидаги кир чойшабни тортиб чиқариб, дастгоҳ устига ташлади. Зарба ва тақир-туқур товуши шу заҳоти пасайди.

- Нега келдинг бу ерга? - сўради Ксенофилиус, Гаррига мурожаат қилиб.

Гарри оғиз жуфтлашга улгурмай, Германионнинг бақирғи янгради:

- Мистер Лавгуд, нима бу?

Қиз деворга маҳкамланган спиралсимон, узунлиги бир неча фут келадиган, яккашоҳ нарвалнинг шохига мутлақо ўхшамайдиган, баҳайбат кул ранг шохга бармоқ ўқтади.

- Буришиқ шохли стеклоп шохи, - жавоб берди Ксенофилиус.

- Йўқ, ундай эмас! - эътироз билдирди қиз.

- Германиона, ҳозир мавриди эмас, - деди Гарри, қиз томон ўгирилиб.

- Лекин Гарри, бу, савдога қўйилган материалларнинг «Б» тоифасига киритилган Эрмпент шохи бўлиб, уй шароитида сақлаш жуда хавфли буюм саналади.

- Эрмпент шохини қаердан биласан сен? - сўради Рон, хона ивирсиган бўлишига қарамай, имкон қадар нари қочиб.

- Тавсифи «Фантастик ҳайвонлар ва уларнинг изи қувиладиган жойлар» китобида келтирилган! Мистер Лавгуд, сизга маслаҳатим, ундан зудлик билан халос бўлинг. Сал тегиб кетсангиз бас, портлайди! Наҳот шуни билмасангиз?

- Буришиқ шохли стеклоп жуда уятчан, сеҳри ниҳоятда кучли ҳайвон бўлиб, - аниқ ва дадил оҳангда таъкидлади Ксенофилиус, - Унинг шохи...

- Мистер Лавгуд, игналар атрофида ҳосил бўлган новларга кўра бу шох Эрмпент шохи эканлигига шубҳа йўқ. Қаердан олганингизни билмадим-у...

- Сотиб олдим, - гапни кесди Ксенофилиус, - Икки ҳафта

муқаддам. Буришиқ шохли стеклоларга бўлган қизиқишимдан хабар топган жозибали бир ёш сеҳргардан. Луна учун Рождество совғаси сифатида. Энди эса, марҳамат қилиб айтсангиз, - деди у, Гаррига юзланиб, - Нима мақсадда келдингиз бу ерга, мистер Поттер?

- Ёрдамингиз керак бизга, - жавоб берди Гарри, Германионинг оғиз жуфтлаётганини кўриб.

- Ёрдам, денг? Ҳм...

Ксенофилиуснинг нигоҳи боз Гаррининг чандиғига қайтди. У бир вақтнинг ўзида ҳам қути ўчган, ҳам мафтун бўлгандай кўринмоқда.

- Гап шундаки... Гарри Поттерга ёрдам қўлини узатиш... бугунги кунда... жуда хавфли қилмиш бўлиб қолган...

- Журналингизнинг бош мақолалари орқали Гарри Поттерга ёрдам қўлини узатиб боришга даъват этган, барча сеҳргарлар бу ишни биринчи навбатдаги вазифа, деб билиши лозимлигини уқтирган сиз эмасмидингиз? - деди Рон.

- Ҳа... ўхшаш нуқтаи назарни ифода этган эдим, тўғри... лекин...

- Ҳаммага тааллуқли-ю, фақат сизга дахли бўлмаган нуқтаи назар эдими, у?

Ксенофилиус жавоб қайтармади. Ўтирган жойида ютиниб, учала болага жавдираб қаради. Гаррининг назарида, Ксенофилиус қандайдир оғир ички курашни бошдан кечирмоқда ҳозир.

- Луна қани? - сўради Германиона, - Келинлар, унинг фикрини ҳам сўраб биламиз.

Ксенофилиус яна ютинди. Афтидан, у ўзини ўзи тинчлантирмоқда. Ниҳоят у, дастгоҳ шовқинида аранг илғаб олинадиган овоз билан жавоб берди:

- Луна дарё соҳилида, тоза сув плимпларини овляпти. У... у сизларни кўришни истайди. Мен бориб, чақириб келай уни. Шундан сўнг, майли, ёрдам берганим бўлсин сизларга.

Ксенофилиус металл зинадан пастга тушиб кетди. Учовлон кириш эшиги очилиб, ёпилганини эшитиб, бир-бирига қаради.

- Қариб, юрагини олдирган така, - деди Рон, - Луна отасидан ўн бош баланд.

- Мен бу ерга келганимни Ўлимдан мириқувчилар билиб қолса, нима кўйга солишларини ўйлаётган бўлса керак, -

жавоб берди Гарри.

- Йўқ, бу масалада Рон ҳақ. Қари риёкор экан у ярамас.

Ҳаммани сенга ёрдам беришга даъват этиб, ўзи четда қолмоқчи. Ва Худо ҳақи, анави шохга яқин борманг.

Гарри хонанинг нариги томонидаги дераза ёнига борди. Суви ялтираётган дарё узун ичакдай чўзилиб, тепалик асосидан ўтиб, узоқ-узоқларга кетгани, учовлон ҳозир анча баландда бўлиб, қушлар дераза ёнидан учиб ўтганини кўрди. Бошпана анави тепаликлар ортида қолган. Жинна ҳам ҳозир ўша ерда бўлса керак. Гарри Билл билан Флёрнинг тўйидан кейин Жиннага бу қадар яқин келмаган эди. Лекин Жинна тасаввур ҳам қила олмайди Гарри уйга яқин жойда уни эслаб турганини. Гарри Жиннадан нари юрганидан хурсанд бўлиши кераклиги ҳақида ўйланиб қолди. Зеро, ким у билан мулоқотда бўлса, хавф остида қолиши муқаррар.

Ксенофилиуснинг муносабати ҳам бундан далолат бермоқда. Деразага тескари ўгирилган Гаррининг нигоҳи ишлаётган дастгоҳ ёнида турган бошқа бир объектга - ниҳоятда гўзал, қиёфаси жиддий, бошига антиқа бош кийим кийдирилган афсунгар аёл бюстига тушди. Бош кийимдаги тилла қулоққа ўхшаш икки жисм икки ёнга туртиб чиққан. Ҳайкалнинг боши устидан ўтган чарм тасмага мовий рангли бир жуфт ялтироқ митти қанот, пешонасидан ўтган тасмага эса тўқ сариқ редискалар маҳкамланган.

- Мана бунга қара, Рон, - деди Гарри.

- Ажойиб. Нега тўйга кийиб бормади уни, ҳайронман.

Пастда эшик очилиб, ёпилгани эшитилди. Хаёл ўтмай айлана зина бўйлаб кўтарилган Ксенофилиус пайдо бўлди. Энди у ингичка оёғига қўнжи баланд резина этик кийиб олибди. Қўлига ҳар хил чашкалар ва суви қайнаётган чойнак жойланган патнис ушлаб олган.

- Ўзимга жуда ёқадиган ихтиромни топибсиз-да, - деди у, патнисни Гермionaга узатганча, ҳайкал ёнида турган Гаррининг ёнига келиб, - Ушбу модель гўзалликда тенги йўқ Ровена Равенклонинг бошида жуда чиройли кўринади. «Ишдан кейинги ҳордиқ - битмас-туганмас хазина!» Бу модель фикр юритаётган кишининг мавҳум хаёлларига барҳам берадиган саккизоёқ найчаларига эга. Мана бу эса, - митти қанотларни кўрсатди у, - Тафаккур тизимининг

яхшиланишини рағбатлантириш билвиглари. Ва ниҳоят, - тўқ сариқ редискаларни кўрсатди у, - Ғайриоддий нарсаларни идрок қилиш имкониятини оширадиган нов-дирижабль. Гермiona патнисни ивирсиган столлардан бирининг устига бир амаллаб жойлади.

- Энди сизларга боғ илдизи дамламасини таклиф қилмоқчиман. Уни ўзимиз тайёрлаймиз! - деди Ксенофилиус, патнис томон катта қадам ташлаб.

Лавлаги шарбати сингари бинафша ранг суюқликни қуйиб тақсимлар экан, қўшимча қилди:

- Луна пастда, кўприкнинг нариги томонида.

Ташрифингиздан ниҳоятда хурсанд бўлди. У ҳаммамиз ичадиган шўрва учун етарлича плимп овлабди. Ўтиринглар, оқ қанддан солинг, марҳамат.

Ксенофилиус креслони эгаллаган қоғозлар тахини бир четга олиб, резина этик кийган оёғини чатиштирганча жойлашиб ўтирди.

- Ана энди эшитаман, мистер Поттер, қандай ёрдам беришим мумкин сизга?

Маъқуллаганча бош ирғиган Гермionaга қараб қўйгач, Гарри жавоб берди:

- Сиз Билл билан Флёрнинг тўйига тақиб борган рамз ҳақида гап боради, мистер Лавгуд. Ўша рамзнинг маъно-мазмунини қизиқтиради бизни.

Ксенофилиуснинг қоши кўтарилиб кетди.

- Ажал тухфаларини англатадиган рамзни назарда тутяпсизми?

ЎИГИРМА БИРИНЧИ БОБ. УЧ АКА-УКА ҲАҚИДА ЭРТАК

Гарри ўгирилиб, Рон билан Гермionaга қаради. Афтидан, иккаласи ҳам Ксенофилиуснинг гапини тушунмаган кўринади.

- Ажал тухфалари? - ҳайрон бўлди Гарри.

- Ҳа, Ажал тухфалари, - деди Ксенофилиус, - Хабарингиз йўқми, улар ҳақида? Тўғриси айтсам, ҳайрон бўлмадим.

Камдан-кам сеҳргар билади буни. Акангнинг тўйига келган анави хорижлик нодон меҳмон, - деди у, Ронга қараб, - Гўё машъум ёвуз сеҳргарнинг рамзини тақиб олганим учун менга

ташланган эди... Бемазагарчилик... Ажал тухфалари замирида ҳеч қандай ёвузлик, ҳар қалай, умумэтироф этиладиган ёвуз кучлар сеҳри йўқ. Айримлар улардан, танланган йўлдан боришга кўмак бўлишига умид қилганча, тарафдор топиш учун фойдаланишади.

Ксенофилиус оқ қанднинг бир нечта бўлагини боғ илдизи дамламасига ташлаб эритгач, каттагина ҳўплаб олди.

- Маъзур сананг, лекин мен ҳалигача ҳеч нима тушунмадим, - деди Гарри.

Беҳурматлик бўлмаслиги учун Гарри чашкадаги суюқликдан бироз ҳўплаган бўлди. Жирканч атала ниҳоятда бемаза экан.

- Аҳамиятини теран тушуниб, ихлос-ла қидирган тақдирдагина топиш мумкин Ажал тухфаларини, - деди, ичган суюқлиги лабида жигар ранг яшил доғ қолдирган Ксенофилиус.

- Ажал тухфаларининг ўзи нима? - сўради Гермiona.

- Умид қиламан-ки, «Уч ака-ука ҳақида эртақ»ни эшитгансиз?

- сўради Ксенофилиус, бўшаган чой чашкасини патнисга қўйиб.

Гаррининг «Йўқ» дейиши билан бир вақтда, Рон ва Гермionанинг баробарига «Ҳа», деган жавоби эшитилди.

Ксенофилиус қошини чимириб, маъқуллагандай бош ирғиди.

- Яхши, мистер Поттер. Ҳамма гап юқорида айтилган эртақдан бошланади. Менда ўша китобнинг нусхаси бўлиши керак қаердадир...

У ўтирган жойида бошини айлантириб, хонага разм сола бошлади.

- Менда бир нусхаси бор, мистер Лавгуд, ёнимда, - деди Гермiona.

Қиз мунчоқ қадаб тикилган сумкачасининг оғзини очиб, «Бард Бидл масаллари»ни чиқарди.

- Аслиятининг нусхасими? - сўради Ксенофилиус.

Қиз тасдиқлаб, бош ирғиди.

- Жуда соз! - ҳовлиқди Ксенофилиус, - Ундай бўлса, овоз чиқариб ўқинг ўша эртақни. Ҳаммамиз бир хил тушунаётганимизга ишонч ҳосил қилишнинг энг яхши йўли бўлади.

- М-м-м... яхши, - асабий рози бўлди Гермiona.

Қиз китобни очар экан, Гарри экслибрис сифатида танланган

ўша рамзни кўрди. Томоғини қириб олган Гермиона мутолаани бошлади:

- «Кунлардан бир кун сафарда юрган уч ака-ука сеҳргар қош қорайган маҳалда эгри-бугри чалдивор сўқмоққа кириб қолибди...»

- «Тун ярмида», - гапни бўлди Рон, креслога чўзилиб жойлашганча, қўлини бошининг орқасига қўйиб, - Ойим доим «Тун ярмида» деб айтар эди.

Зардаси қайнаган Гермиона Ронга ўқрайиб қўйди.

- Маъзур санайсан-у, «Тун ярмида» дейилса, манзара нисбатан даҳшатлироқ тасвирланади-да, - фикр билдирди Рон.

- Дарҳақиқат, ҳаётимизда даҳшат кам, - аччиқ қилди Гарри, ўзини тия олмай, - Унга янада қўрқинчлироқ тус бериб боришимиз керак.

Ушбу гапларга эътибор қилмаган Ксенофилиус паришонлик-ла деразадан ташқарига қараб ўтирибди.

- Давом эт, Гермиона, - деди Гарри.

- «Сўқмоқ уларни пиёда юриб ўтишга чуқурлик, сузиб ўтишга ҳаддан ортиқ кенглик қиладиган дарё соҳилига олиб чиқибди. Сеҳр-жоду санъатини пухта ўзлаштирган ака-укалар сеҳрли таёқчаларини силтаб, дарё узра кўприк солишибди. Учовлон кўприк ўртасига эндигина етган экан, йўлдан мункайган кампир чиқибди. У аслида Ажал бўлиб, ака-укаларга мурожаат қилганча, сўз бошлабди...»

- Шошма, - гапни бўлди Гарри, - Қанақасига ажал гаплашиши мумкин улар билан?

- Эртак-ку, бу, Гарри!

- Ҳа, албатта. Узр, давом этавер.

- «У аслида Ажал бўлиб, ака-укаларга мурожаат қилганча, сўз бошлабди. Букри кампир жуда аччиқланган. Гап шундаки, ҳар қандай йўловчи ушбу дарёда фарқ бўлиб, бу ерларга қадами етган тирик жон борки, азалдан ўлим топиб келган экан. Мана бу учаласи эса шу бугунга келиб Ажалдан

устун келишга, унинг тузоғига илинмай, дарёдан ўтишга муваффақ бўлибди. Кампир ғазабланганини йўловчиларга билдирмабди, аксинча, сеҳр-жодуни моҳирона қўллашга муваффақ бўлгани учун учала ака-укани қутлаб, таҳсин ўқибди, кўрсатган ушбу кароматлари мукофотга сазоворлигини, шу сабабдан, ҳар бири ўзига биттадан тухфа сўраб олиши мумкинлигини айтибди. Ака-укаларнинг каттаси табиатан жанговар руҳга эга бўлгани боис, ҳар қандай сеҳргарнинг сеҳрли таёқчасидан қудратли, жангда енгилмас, Ажал устидан ғолиб келган соҳибига муносиб сеҳрли таёқча билан мукофотланишини сўрабди. Тилакни тушунган кампир дарё тубида кўпдан буён ириб ётган қадимий ёғочлардан бирини чиқариб, тилиб тозалабди-да, сеҳрли таёқча ясаб, катта акага узатибди. Ака-укаларнинг кибр-ҳавога берилган ўртанчаси Ажални бундан-да баттар камситишни ният қилиб, ўлим топган одамларни ҳаётга қайтарадиган куч билан тақдирланишини талаб қилибди. Ажал ҳеч иккиланмай, дарё соҳилида ётган тошлардан бирини олиб, ўртанча акага узатар экан, мазкур тош муқаддам вафот этган ҳар қандай кишини ҳаётга қайтариши мумкинлигини айтибди. Ниҳоят Ажал ака-укаларнинг кенжасига мурожаат қилиб, унинг ҳам хоҳиш-тилагини сўрабди. Кенжа ука камтаринлиги, донолиги билан ўз акаларидан фарқ қилиб, йўлтўсар кампирнинг асл мақсади самимий эканлигига шубҳа ила қарабди, кампирга илтимос-ла мурожаат қилар экан, ўлимдан қочиб юришга омил бўладиган бирон-бир буюм беришни сўрабди. Шунда Ажал эгнидан ўзининг кўринмас плашини ечиб, кенжа укага тухфа қилишга мажбур бўлибди».

- Ажалнинг кўринмас плаши бўлар эканми? - гапни бўлди яна Гарри.

- Одамлар орасида юра олиши учун устига ўша плашини ташлаб олади, - тушунтириш берди Рон, - Баъзан ўз қурбонлари кетидан қувиб юриш Ажалнинг жонига тегиб қолади. Шунда у, қўлини кўринмас плаш ичидан чиқарганча, уввос... вой, узр, Гермiona.

- «Ажал учала ака-укани рағбатлантиргач, қўйиб юборибди.

Учовлон қўлга киритилган тухфалардан завқланганча, саргузаштни қувноқ кайфият-ла муҳокама қилиб, йўлни давом этибди. Кўп ўтмай улар, ҳар ким ўз йўлидан боришга аҳд қилишибди. Катта ака икки ҳафта йўл юриб, бир қишлоққа етибди. Ушбу қишлоқда яшайдиган энг кучли сеҳргарни яккама-якка курашга чақириб, табиийки, ғолиб чиқибди. Жангдан сўнг, рақибини жони узилган жойида қолдирганча, қишлоқ майхонасига кирибди. У ерда тўйиб ичгач, тухфа сифатида Ажалнинг қўлидан олган қудратли сеҳрли таёқчаси билан мақтаниб, энди у ер юзида ҳеч энгилмас сеҳргарга айланганини эълон қилибди ва кайфи ошиб, тарашадай қотганча ухлаб қолибди. Ўша қишлоқнинг бошқа бир сеҳргари фурсатдан фойдаланиб, катта ака ухлаб ётган хонага ўғринча кирибди-да, бўғзига пичоқ тортиб, сеҳрли таёқчасини ўғирлаб кетибди. Шундай қилиб Ажал ака-укаларнинг биринчисини қўлга киритибди. Бу вақтда иккинчи ака ўз уйига етибди. Ўлган одамни ҳаётга қайтарадиган тошини киссасидан чиқариб, уч марта айлантирибди. Никоҳига олишидан сал олдин вафот топган суюкли ёри пайдо бўлиб, роса завқланибди. Бироқ бу билан у бахт топа олмабди. Гап шундаки, унинг суюкли ёри тирилган бўлишига қарамай, иккаласини зоҳиран кўринмас қандайдир девор ажратиб қўйибди, яъни тириклар орасида ҳақиқий ҳаёт кечира олмаган қиз сеҳргар йигитга совуқ муносабатда бўлганча қолаверибди. Кўп ўтмай, қайғу ва аччиқ аламдан эс-хушини йўқотган иккинчи ака севгилиси билан бирга бўлиш мақсадида ўз жонига қасд қилибди. Шундай қилиб Ажал ўртанча акани ҳам қўлга киритибди. Букри кампир кенжа укани қанча изламасин, ҳеч топа олмабди. Ёши анчага борган мўйсафид охири устидаги кўринмас плашни ўз ихтиёри ила ечиб, ўғлига топширибди. Ажал билан юз кўришганидан хурсанд бўлиб, ортидан бажонидил эргашибди. Шу тариқа кенжа ука бу дунёдан ошини ошаб, ёшини яшаб ўтибди».

Гермиона китобни ёпди. Орага жимжитлик чўкди. Бир неча сония ўтгач, афтидан, қиз китоб мутолаасини тугатганига эътибор қилмаган Ксенофилиус нигоҳини деразадан олиб, овоз берди:

- Ниҳоят, пайдо бўлишди.

- Нима дедингиз? - тушунмади уни Гермiona.

- Ажал тухфаларини назарда тутмоқдаман, - деди Ксенофилиус.

У китоб ва қоғоз уюмлари қалашиб ётган стол устидан пергамент бўлагини топиб, унга рамз тасвирини чизиш баробарида тушунтириш бериб борди.

- Мана бу Катта сеҳрли таёқча, - деди Ксенофилиус, вертикаль чизиқ чизиб, - Мана бу эса Ҳаётга қайтариш тоши, - чизиқни доира шакли ила ўради у, - Ва ниҳоят, Кўринмас плаш, - учбурчак чизди Ксенофилиус, вертикаль чизиқ билан доирани ушбу шакл ичида қолдириб, - Уччаласи сизни қизиқтирган рамзни, яъни «Ажал тухфалари»ни ҳосил қилади.

- Мен жуда кўп китоб ўқиганман, лекин «Ажал тухфалари»га оид бирорта маълумотга дуч келмаганман, - эътироз билдирди Гермiona.

- Тўппа-тўғри, - деди Ксенофилиус, мағрурона оҳангда, - Чунки бу, катталарга ёзилган йўриқнома эмас, болалар учун мўлжалланган эртак. Шундай бўлса-да, агар ушбу объектлар, яъни учала Тухфа топилиб, бир қўлда жамланишига эришилса, киши Ажал Соҳибига айланиши мумкин. Орага яна жимжитлик чўкди. Ксенофилиус деразага қаради. Қуёш яқинлашгандай гўё.

- Умид қиламан-ки, Луна етарлича плимп овлаб келади, - деди у хотиржам.

- «Ажал Соҳиб», тушунчаси остида сиз?... - оғиз жуфтлади Рон.

- Соҳиб! Забткори! Ҳукмдори! - гапни бўлди Ксенофилиус қўл силтаб, - Қайси бири маъқул келса, танлайверасиз.

- Бундан чиқди сиз... - аста гап бошлади Гермiona, овозида шубҳа оҳанги эшитилмаслигига уринаётгани билиниб, - Тилга олинган анави объектлар, яъни Тухфа деб номланган буюмлар ҳаётда чиндан ҳам бор, демоқчисиз, шундайми?

- Бор, албатта! - ҳайрон бўлди қоши кўтарилган Ксенофилиус.

- Бироқ, мистер Лавгуд, бу гапларнинг бари эртак-ку, ишониб бўлади-ми уларга?

- Луна айтганча бор экансиз, қадрли ёш леди, - деди Ксенофилиус, - Ўйлашимча сиз заковатли, чиндан ҳам кўп

ўқиган қизсиз, бироқ ҳаётӣ қарашларингиз жуда тор, кўп жиҳатдан чекланган.

- Гермiona, сен анави бош кийимни кийиб олишинг керак, - истехзо қилди Рон, ҳайкал бошига имо қилиб.

- Мистер Лавгуд, - давом этди Гермiona, - Ҳаммамиз кўринмас плаш каби, фавқулодда ноёб буюмларнинг мавжудлигини биламиз, албатта. Бироқ...

- Тухфаларнинг учинчиси бўлмиш Кўринмас плаш сиз назарда тутаётган оддий кўринмас плашлар сирасига кирмайди, мисс Грэнжер! Айтмоқчиман-ки, ялтироқ гекс толаси билан демигус сочининг аралашмасидан тўқилган мато бўлакларига Тиндириш афсуни қўлланилиб тикилган оддий кўринмас плашлар вақт ўтиб, ўз хусусиятини йўқотади, эскириб, тиниқлиги барҳам топади. Ҳозир эса гап ўз соҳибини ҳимоя қилиб, кўринмаслик хусусияти билан тўлиқ таъминлайдиган, остида ким бекинишидан қатъи назар, ўзининг сеҳрли хоссаларини ҳеч қачон, уқяпсиз-ми, ҳеч қачон йўқотмайдиган Кўринмас плаш ҳақида бормоқда. Бундай буюмга эга нечта одам борлигини биласиз, мисс Грэнжер? Гермiona оғиз жуфтлади-ю, саволга жавоб беришга журъат этмади. Гарри, Рон ва Гермiona бир-бирига қараб қолишди. Учовлоннинг хаёлига айнан бир фикр келганини Гарри фаҳмлаб ўтирибди. Тақдирнинг тақозосини қаранг-ки, Ксенофилиус айтган плаш ҳозир шу хонада.

- Ана шунақа! - ғолибона оҳангда хитоб қилди Ксенофилиус, далилли баҳсда учала муҳолифдан устун чиққан бўлиб, - Бирортангиз кўрмагансиз унақа плашни. Зеро, ундай буюм соҳибни беҳад бой одам бўлади, шундай эмасми?

У яна деразага қаради. Осмон оч пушти ранг касб этган.

- Яхши, - деди фикри батамом чалғиб кетган қиз, - Айтайлик, Ажалнинг чиндан ҳам кўринмас плаши бўлган... Анави тошчи, Ҳаётга қайтариш тоши, деб айтгандай бўлдингиз-ми уни?

- Шундай.

- Ҳаётда бўлиши мумкинми, ундай тош?

- Бўлиши мумкин эмаслигини исбот қилиб беринг-чи.

Гермионанинг юзида ҳақорат қилинган кишининг қиёфаси кўринди.

- Мени кечириб қўясиз-у, жуда кулгили эшитиляпти гапингиз! Фикрингизга қараганда, тухфаларнинг мавжудлигига бовар

қилмаганлар ўзининг ҳақ эканлигини исботлаб бериши керак экан-да?! Қандай қилиб? Дунёнинг жамики тошларини пайпаслаб чиқиб-ми? Буюмнинг йўқлигини ҳеч ким исботлай олмаслигига асосланган ҳолда, унинг мавжудлигини таъкидлаясиз!

- Шундай! Бу ҳақда фикр юрита бошлаганингизнинг ўзи қувонарли, мен учун, - кулиб боқди Ксенофилиус.

- Катта сеҳрли таёқча-чи, у ҳам ҳаётда бор, демоқчимисиз? - гапга аралашди Гарри, қиз ўз баҳсни давом этишидан олдин.

- Унинг борлигини рад этиб бўлмайдиган бир қатор тарихий маълумотлар мавжуд, - деди Ксенофилиус, - Ажал тухфаларидан бири бўлмиш Катта сеҳрли таёқчанинг қўлдан қўлга, сеҳргардан сеҳргарга ўтиб келган тарихий йўлини текшириб чиқиш қийин кечмайди.

- Тарихий йўлини текшириб чиқиш? - тушунмади Гарри.

- Сеҳрли таёқчанинг ҳар бир соҳиби, ўз таёқчасини, унинг олдинги соҳибидан у ёки бу йўл билан олган, - тушунтириш беришга киришди Ксенофилиус, - Сеҳрли таёқча Бақироқ Эгбертнинг қўлига қандай тушиб қолгани-ю, Жоҳил Эмерикнинг маккорона ўлдирилганини биласиз, а? Геделотнинг ғалати ўлими-ю, сеҳрли таёқча унинг ўғли Херевардга қолгани ҳақида ҳам ўқигансиз, тўғрими? Сеҳрли таёқчага Бараабас Д'авиллдан кейин эгалик қилган ярамас Локсиас-чи, кимни ўлдирган эди у аблаҳ, эсингиздами? Катта сеҳрли таёқчанинг лаънатланган изи қонли бўлиб, сеҳргарлар оламининг тарих саҳифаларида азалдан чўзилиб келади.

Гарри Гермionaга кўз қири ила қаради. Қиз қошини чимириб олганча Ксенофилиусга ўқрайиб, баҳслашишни истамади.

- Ҳозир қаерда бўлиши мумкин, ўша таёқча, нима деб ўйлайсиз? - сўради Рон.

- Афсуски, қаердалиги номаълум, - деди Ксенофилиус, деразадан ташқарига ўйчан қараб, - Балки кимдир билар, қаёққа яшириб қўйилганини. Катта таёқчанинг кейинги йўли Аркус билан Левиусга бориб тақалади. Тахминларга қараганда, иккаласидан бири Локсиасни ўлдириб, сеҳрли таёқчани олиб кетган. Кейинчалик нима бўлгани, ўша сеҳрли таёқчага ким эгалик қилгани номаълум. Тарих бу ҳақда ҳозирча индамаяпти.

Орага сукунат чўкди.

- Мистер Лавгуд, айтинг-чи, Певереллар оиласининг Ажал тухфаларига қандай дахли бор?

Гарри ушбу фамилияни қаердадир эшитган, лекин қаерда? Певереллар... йўқ, эслай олмади.

- Нега миямни ачитяпсиз, яхши қиз? - деди Ксенофилиус, учаласига, худди уларни ҳозиргина кўриб қолгандай, ҳайрон бўлганча назар солиб, - Сизлар Ажал тухфаларини қидириш ишларидан беҳабар бўлсангиз керак, деб ўйлаган эдим.

Певереллар ихтиёрида мулоҳаза юритилаётган муқаддас ёдгорликларнинг ҳаммаси бўлган. Бунга ўша ёдгорликларни излаб юрган кўплаб сеҳргарларнинг ишончи комил.

- Певереллар ким бўлган? - сўради Рон.

- Ушбу фамилия, хусусан, «Игнотус Певерелл» сўзлари Годрик жарлигидаги қабристонда, муҳокама қилинаётган ёдгорликлар белгиси тасвирланган қабр тошига битилган, - деди Гермиона, Ксенофилиусга диққат-ла қарашни қўймай.

- Тўппа-тўғри! Ажал тухфаларини англатадиган рамзнинг Игнотус қабрига тасвирлангани - назариянинг батамом тасдиқ топганидан дарак беради! - деди Ксенофилиус, кўрсаткич бармоғини осмонга ўқтаб.

- Қайси назариянинг? - тушунмади Рон.

- Анави эртақ қаҳрамонлари аслида ака-ука Антиох, Кэдмус ва Игнотус Певереллардир. Учаласи биз айтган тарихий ёдгорликлар, яъни Ажал тухфаларининг илк соҳиблари бўлишган!

Деразага боз қараган Ксенофилиус ўрнидан туриб, патнисни қўлига олганча, айланма зина томон одимлади.

- Тушликка қоласизми? - анча пастда сўради у, зинадан тушиб борар экан, - Кекирдиргичли суви чучук шўрвамизни тайёрлаш андазасини ҳамма сўрайди биздан.

- Муқаддас Резги шифохонасининг Егуликдан заҳарланиш касалликлари бўлимига кўрсатиш учун бўлса керак-да, - фикр билдирди Рон, паст овозда.

Ксенофилиус пастга тушиб, ошхона асбоб-анжомларини жаранглата бошлади.

- Хўш, нима дейсан? - сўради Гарри Гермионадан.

- Буларнинг бари вақт ўтиб, мазмуни бузилган эртақларга айланган фараз ва тахминлардан ўзга нарса эмас, - хулоса

қилди қиз толиққан оҳангда, - Аниқ бир далил йўқ. Ҳаммаси тўқима гап бўлиши мумкин. Менимча, вақтимизни зое кеткизямиз холос.

- Буришиқ шохли стеклоларнинг мавжудлигига ишонадиган одамга бовар қилиш сал қийин кечяпти, - фикр билдирди Рон.

- Сен ҳам ишонмадинг-ми, унинг гапига? - сўради Гарри.

- Ишонмадим. Ўйлашимча, буларнинг бари ёш болани қўрқитиб қўйиш мақсадида уйқудан олдин айтиладиган эртакка ўхшайди. Нотаниш жойга борма, бегона одамнинг қўлидан нарса олма, ишларим жойида бўлсин десанг, ҳар ерга тумшук тикма ва ҳоказо! Бир сўз билан айтганда, тўқима гаплар. Эҳтимол шунинг учун ҳам, катта сеҳрли таёқчанинг жамики соҳиблари бирдай ёмон қисматли бўлгандир.

- Нимани назарда тутяпсан?

- Ирим-чирим ҳаддан ортиқ кўп, демоқчиман. Афсунгар аёл маглга турмушга чиқиши мумкин эмаслиги, ярим кечадан кейин қўлланилган сеҳр-жоду омадсизликка сабаб бўлиши ёки сидр навли олма дарахтидан сеҳрли таёқча ясаб бўлмаслиги каби, ўзинг эшитган гаплар. Лекин ойим буларнинг барига ишонади.

- Гарри иккаламиз магларнинг тарбиясини кўрганмиз, - эслатиб ўтди Гермиона, - Бизга ирим-чиримнинг жуда кўп турлари ўргатилган.

Қиз чуқур нафас олиб, ҳаво ҳидлади. Ошхонадан жуда аччиқ ҳид келмоқда. Бундан асабийлаша бошлаган Гермиона танбеҳ беришни бас қилди.

- Кўп жиҳатдан сен ҳақсан, - деди у Ронга, - Айтгандай, фаразий бир савол бермоқчиман. Ажал тухфаларининг қайси бирини танлаган бўлар эдингиз?

Учовлон баробарига жавоб берди: Гермиона - «Плаш», Рон - «Сеҳрли таёқча», Гарри эса, - «Тош»ни танлади. Сўнг бир-бирига қараб, кулиб юборди.

- Нега плашни танладинг? - сўради Рон Гермионадан, - Қудратли сеҳрли таёқча қўлингда экан, кўринмас бўлиб юришга ҳожат бўлмайди. Чиндан ҳам ҳар нарсага қодир сеҳрли таёқчага эга бўлсанг, ҳеч кимдан қўрқмасанг бўлаверади.

- Кўринмас плашимиз шундоқ ҳам бор, - деди Гарри.

- Ва эътибор қилган бўлсаларинг, у билан биз кўпдан-кўп кераксиз кўнгилсизликларни четлаб ўтдик! - таъкидлаб қўйди Гермиона, - Сеҳрли таёқча билан эса ҳеч кимга сездирмай, бунчалик осон қочиб қутула олмаган бўлар эдик.

- Қудратли сеҳрли таёқчанг бўлса, бекиниб юришга ҳожат бўлмайди. Агар уни баланд кўтариб олганча, кўчада бақириб, енгилмас қуролинг борлиги билан мақтанмасанг, албатта - баҳслашди Рон, - Тилингни тийиб юрсанг бас.

- Хўп, тилингни қанча вақт тийиб юра оласан? - сўради Гермиона, ишонмаганини яққол кўрсатиб, - Жўяли ўйлаб кўриладиган бўлса, бизга айтилган гаплар орасида қимматли аҳамиятга эга, ҳақиқатга яқинроқ ягона бир гап - ҳар нарсага қодир сеҳрли таёқчалар ҳақидаги ҳикоялар бўлиб, чиндан ҳам асрлар оша бизга етиб келгани бўлди.

- Бу билан нима демоқчисан? - сўради Гарри.

Гермионанинг юзидаги ғазаб ифодаланган қиёфа таниш кўрингани боис, Гарри билан Рон бир-бирига қараб, кулиб қўйишди.

- Ўхшаш таёқчалар ҳақидаги гаплар тарих саҳифаларида, айниқса, сеҳрли таёқчаси билан мақтанган ёвуз сеҳргарлар даврида гоҳида Қирғин таёқча, баъзан Тақдир таёқчаси каби ном ила учраб келган. Профессор Биннс ўша таёқчаларнинг айримларини тилга олган эди. Бироқ буларнинг бари бўлмағур гап. Соҳиби сеҳр-жоду қўллаш борасида кучли, моҳир бўлган сеҳрли таёқчагина қудратли бўлади.

Бинобарин, ҳар нарсага қодир, енгилмас таёқча ҳақидаги миш-миш гаплар, ўзининг улуғворлигини ошириб боришни ният қилган сеҳргарлар томонидан тўқиб чиқарилган.

- Қирғин таёқча-ю, Тақдир таёқчаси каби сеҳрли таёқчалар аслида айнан бир таёқча эмаслигини қаердан биласан? - деди Гарри, - Тарих саҳифаларида ҳар хил ном билан чиққан бўлиши мумкин холос-ку.

- Дарҳақиқат, ўша таёқчаларнинг бари Ажал ясаган катта сеҳрли таёқча бўлса-чи? - фикр билдирди Рон.

Гарри кулиб қўйди: миясига келган ғалати фикр чиндан ҳам кулгили. Унинг найзабарг ва қақнус патидан тайёрланган сеҳрли таёқчаси қадимий эмас. Уни бугунги куннинг устаси Олливандер ясаган. Вольдемортнинг сеҳрли таёқчаси енгилмас таёқча, дея тахмин қилинди дейлик, ундай бўлса,

нега у соҳиби Гаррини осмонда таъқиб қилган ўша тунда
енгилди?

- Сен-чи, нега тошни танладинг? - сўради Рон.

- Агар одамларни ҳаётга қайтара олганимда, бизга Сириус,
Ўйноқкўз Хмури, Дамблдор ва... ота-онам қўшилган бўлар
эди.

Рон ҳам, Гермиона ҳам кулмади.

- Бироқ эртакчи Биддлнинг мантиғига қараганда, улар ҳаётга
қайтишни исташмайди, - деди Гарри, ҳозиргина эшитган
ривоят ҳақида ўйлаб, - Ўша тош ҳақида бошқа бирон жойда
ёзилмаган-ку, шундай-ми?

- Йўқ, ёзилмаган, - жавоб берди қиз ғамгин оҳангда, - Рамз
ҳақида бошқа бирон мистер Лавгудга нисбатан батафсилроқ
гапириб бериши мумкин, деб ўйламайман. Биддл ўз
эртагининг замиридаги ғояни «Фалсафий тош»дан олган
бўлса, ажаб эмас. Яъни ривоятда тилга олинган ўша тош ўз
соҳибига абадий ҳаёт бермай, муқаддам ўлган кишини
ҳаётга қайтаради.

Ошхонадан келаётган ҳид кучайди. Ксенофилиус анчадан
буён ювилмаган кийимидан қовурма шўрва тайёрлаётгандай,
гўё. Гарри яқин орада дастурхонга тортиладиган ушбу
таомни ея олиши, мезбонни хафа қилмай, қандай қилиб рад
этиши ҳақида ўйланиб қолди.

- Плаш ҳақида нима деб ўйлайсиз? - сўради Рон, - Ажал
туҳфаларидан бири эмасми? Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмаган
эканман. Гаррининг эски плашига одатланганман-у, ўхшаш
гапларни ҳеч қачон эшитмаган эканман. Жуда ғалати, а?
Ундан фойдаланар эканмиз, бирон марта бўлсин, қўлга
тушмаганмиз.

- Нимаси ғалати бунинг, Рон? Плашни устимизга ташлаб,
кўринмас бўлиб қолганимиздан кейин, қўлга тушмаймиз-да!

- Тўғри, лекин матоси ҳар қандай дўконда ўн нутга олса
бўладиган мато эмаслиги аниқ! Кўринмас плаш тикиш учун
ишлатилган мато ҳам, унга қўлланилган сеҳр ҳам узоққа
бормай, хусусияти жуда тез барҳам топиши, кўринмаслик
хусусияти аста-секин йўқолиб бориши ҳақида кўп
эшитганман. Гаррининг кўринмас плаши отасидан мерос
қолган бўлиб, оддий кўринмас плашлардан бири сифатида
эътироф этишга жуда эскилик қилади. Шунга қарамай, унинг

ҳозирги ҳолати, эътибор қилган бўлсангиз – мукамалликнинг ўзгинаси!

- Яхши, Рон, тош-чи, тош? - сўради Гермиона.

Иккаласи пичирлаб баҳслашгани боис, уларни деярли эшитмаган Гарри хонани кўздан кечириб чиқишга киришди. Айлана зинага етгач, донг қотди. Унга эшиги очиқ қолган юқори қаватдаги хонадан ўз тасвири қараб турибди. Узоқ чўзилмаган саросимадан сўнг, бу кўзгу эмас, портрет ёки фотосурат эканлигини фаҳмлади. Қизиқсиниши устун келиб, зина поғоналари бўйлаб юқорига кўтарилди.

- Нима қиляпсан, Гарри? Бировнинг уйини бамайлихотир томоша қилиб юриш одобдан бўлмаса керак.

Гарри кейинги қаватга кўтарилди. Луна ўз хонасининг шифтини беш кишининг, хусусан, Гарри, Рон, Гермиона, Жинна ва Невиллнинг чиройли безак берилган портретлари билан ясатибди. Портретлар «Хогварц» деворларидаги портретлар каби ҳаракатланаётгани йўқ, лекин уларга қандайдир сеҳр қўлланилгани аниқ. Гаррининг назарида, портретлар нафас олмоқда. Портретлар унинг кўзига ўзаро зар ип воситасида боғлангандай кўринди, лекин яқинроқ бориб, диққат билан назар солгач, бу ип эмас, тилла тусли сиёҳда ёзилган дўстлар... дўстлар... дўстлар сўзлари эканлигини англади.

Гарри Лунага нисбатан дўстона яқинлик туйғусини ҳис этди. У қизнинг хонасини диққат билан кўздан кечирди. Каравот ёнида жажжи Луна билан суратга тушган, юзи ҳозирги Лунани эслатаётган ёш аёлнинг фотосурати турибди.

Иккаласи қучоқлашиб олган. Луна ҳозирги ҳолига нисбатан анча саранжом-саришта, авайлаб-асралган бола бўлгани яққол кўзга ташланмоқда. Гаррига ғалати кўринган нарса, ушбу фотосуратнинг сиртидаги қалин чанг бўлди. У атрофга назар солди. Нимадир нотўғри бу ерда. Оч мовий гиламни ҳам чанг қоплаган. Кийим жавони деярли бўш. Каравотда бир неча ҳафтадан буён ҳеч ким ётмагани аниқ. Қизил шафақни деразадаги ўргимчак уйи тўсиб қўйган.

- Тинчликми? - сўради Гермиона.

Зинадан пастга тушаётган Гарри қизнинг саволига жавоб беришга улгурмай, қўлига аллақандай яшил шарлар терилган патнис ушлаган Ксенофилиус кўринди.

- Мистер Лавгуд, Луна қани? - сўради Гарри.

- Нима?

- Лунани сўраяпман, қани у?

Ксенофилиус эсанкираганча, турган жойида қотиб қолди.

- Айтдим-ку, мен... Қизим... Ботис кўпригига кетган, деб... тарсаки балиқ овлагани...

- Ундай бўлса айтинг-чи, нега патнисда бешта эмас, тўртта косага яшил гўнг солиб келдингиз?

Нимадир демоқчи бўлган Ксенофилиус оз бўлса ҳам, тушунарли овоз чиқара олмади. Босма дастгоҳнинг пишқираши-ю, патнисдаги пичоқ-санчқиларнинг титраб, аста жиринглаши - ҳозир эшитилаётган ягона товуш бўлди.

- Луна, афтидан, бир неча ҳафтадан буён яшамайди бу ерда,

- деди Гарри, - Бирорта ҳам кийими йўқ, каравотида ҳеч ким ётмаган. Қаерда у? Ва нега сиз кўзингизни деразадан узмаяпсиз?

Ксенофилиуснинг қўлидаги патнис тушиб кетиб, яшил шарлар ер билан битта бўлди. Гарри, Рон ва Гермиона сеҳрли таёқчаларини бир вақтда чиқаришди. Буни кўрган Ксенофилиус киссаси томон узатилган қўл ҳаракатини тўхтатди. Шу вақтда босма дастгоҳ кучли шовқин солиб, унинг чиқиш қисмидан «Ҳақиқатгўй» журналининг навбатдаги сони отилиб чиқди. Сеҳрли таёқчаси Лавгудга ўқталган Гермиона журнални қўлига олди.

- Мана буни қара, Гарри, - деди у, журнал сонини Гаррига узатиб.

«Ҳақиқатгўй» муқовасида Гаррининг портрети чоп этилган бўлиб, остига «Диққат, қидирилмоқда!» сўзлари ва эълон қилинган мукофот суммаси битилган.

- Боя сиз ташқарига, «Ҳақиқатгўй»нинг ушбу сонини дўстингизга жўнатиш учун чиқдингиз-ми?... - сўради Гарри, тез фикр юритиб, - Бу вазирликка бойқуш йўллаши учун хабар бўлган, шундайми?

Ксенофилиус лабини тили билан асабий намлаб қўйди.

- Улар Лунани ўғирлаб кетишди, - пичирлади у, ниҳоят, - Ёзган мақолаларим учун. Қаёққа олиб кетишганини, унга нима қилганини мутлақо билмайман. Лекин улар келишув таклиф қилишди... агар мен... мен...

- Гаррини тутиб берсам, - унинг фикрини якунлади Гермиона.

- Келишув бекор бўлди! - эълон қилди Рон, қатъий оҳангда -
Йўлдан қочинг, биз кетяпмиз!

Ксенофилиуснинг юзи, худди бир неча сонияда қариб
қолгандай, жуда аянчли қиёфа касб этди. Лаби титраб,
қўрқувдан жавдираётган кўзи ёшга тўлди.

- Улар ҳар қандай фурсатда етиб келиши мумкин. Лунани
қутқаришим керак, уни йўқота олмайман. Ҳеч қаёққа
кетмайсан.

Қўлини икки томон узатиб, зинани тўсган Ксенофилиус
Гаррига онасини эслатди. У ҳам ўлимидан олдин чақалоқ
Гаррини худди шундай ҳимоя қилган эди.

- Жонингизни оғритишга мажбур қилманг бизни, - деди
Гарри, - Йўлдан қочинг, мистер Лавгуд.

- ГАРРИ! - қичқириб юборди Гермиона.

Супурги эгарлаган бир неча киши дераза ёнидан учиб ўтди.
Гаррининг эътибори деразага чалғиганидан фойдаланган
Ксенофилиус сеҳрли таёқчасини чиқарди. Хатосини ўз
вақтида фаҳмлаган Гарри Рон билан Гермионани маҳкам
ушлаганча, четга сакради. Чирпирак бўлиб юмалар экан
Гарри девордаги Эрмпент шохини чангаллаб, хона ўртасига
улоқтирди.

Рўй берган кучли портлаш хонани зир титратди. Зарбали
тўлқин йўлига дуч келган буюмлар яксон бўлиб, атрофга
сакради. Мебель, қоғоз ва девор парчалари ҳар томон учиб,
хона ҳеч нарсани кўриб бўлмайдиган даражада оппоқ чангга
тўлди. Портлаш кучи таъсиридан ҳавода бир неча метр нари
учиб, вайрон бўлган деворга бориб урилган Гарри полга
йиқилиб, ёғоч ва тош уюми остида қолди. Ётган жойида
Гермионанинг чинқиргани, Роннинг оғриқдан ўкиргани,
Ксенофилиуснинг айлана зина панжарасига урилиб-урилиб,
пастга юмалаб тушаётганини эшитди. Танасининг ярми
кўмилиб қолган Гарри устидаги уюмдан халос бўлиб, оёққа
туришга уринди-ю, сал қимирлай олди холос. Кўзи чангга
тўлгани боис, атрофда қарор топган вазиятни кўра олмади.
Шифтнинг ярми узилиб тушиб, ҳосил бўлган рахна орқали
Лунанинг хонаси қисман кўриниб қолди. Сал нарида Ровена
Равенклонинг ҳайкали бўлакларга бўлиниб, сочилиб ётибди,
айрим қисмлари узоққа учиб кетган бўлса керак,
кўринмайди. Босма дастгоҳнинг йирик қисми ошхонанинг

йўлини тўсиб қўйганча, пачақланиб ётибди. Кимдир бошдан-оёқ чангга ботганча, Гаррининг устида энгашди. Гермиона! У Гаррига қараб, кўрсаткич бармоғини лабига босди.

Пастдаги эшикни кимдир ошиқ-мошиғини қўпориб очди.

- Шошилишга ҳожат йўқ, деган эмасмидим, Трэверс? - эшитилди дағал овоз, - Бу сассиқкузан ўз одатига кўра, яна бирон-бир бемаъни иш юзасидан чақирган бўлса керак.

Гурсиллаган зарба товуши ва Ксенофилиуснинг инграши эшитилди.

- Йўқ... ундай эмас... Поттер шу ерда... юқорида.

- Мен сенга ўтган ҳафта айтган эдим, Лавгуд, аниқ маълумот бермайдиган бўлсанг, қайтиб келмаймиз, деб! Эсингдами, ўтган ҳафтада ўтган суҳбатимиз? Қизингни қонаётган аҳмоқона бош кийимга алмаштирмақчи бўлган эдинг, ўшанда. Ундан олдинги ҳафтада эса сен, - гурсиллаган зарба товуши ва инграш, - Анави буришиқ шохли стеклоларнинг мавжудлигини исботлайдиган, - гурсиллаган зарба товуши ва инграш, - Ахборот учун, - гурсиллаган зарба товуши ва инграш, - Қизингни қайтариб олишга умид қилган эдинг, - гурсиллаган зарба товуши ва инграш...

- Бўлди... урманг... илтимос, - зорланиб йиғлади

Ксенофилиус, - Рост айтяпман... юқорига қаранг, Поттер ўша ерда!

- Бугун эса, - гурсиллаган зарба товуши ва инграш, - портлатиб ўлдиришни ният қилиб чақирибсан-да, бизни! - ўқирди Ўлимдан мириқувчи, Ксенофилиусни инграганча, уриб.

- Томи батамом жилган кўринади, унинг, Сельвин, - эшитилди иккинчи Ўлимдан мириқувчининг овози, - Зина тўсиқ. Нимага керак бўлиб қолди уни портлатиш?

- Ёлғончи ифлос, - бақирди Сельвин деганлари, - Поттерни ҳаётда кўрмагансан! Бизни ўз уйингда портлатмоқчи бўлгансан! Қизингни сен шу тариқа қайтариб олмоқчи бўлдинг-ми?

- Онт ичаман... онт... Поттер юқорида!...

- Хоменум ревелио, - эшитилди пастдан овоз.

Гарри Гермионанинг нафас чиқарганини эшитди, ўзи эса ғалати нарсани ҳис этди: юзига қандайдир кўланка тегиб, пастга шўнғиди.

- Юқорида чиндан ҳам кимдир бор, Сельвин, - деди Трэверс деганлари.

- Поттер у! Айтяпман-ку, сизларга, Поттер шу ерда, деб! - ҳўнгради Ксенофилиус, - Илтимос, Лунани қайтариб беринг менга, қизимни қайтариб беринг...

- Оласан қизингни, Лавгуд, - деди Сельвин, - Агар ҳозир ўрнингдан туриб, юқорига чиқиб, Гарри Поттерни менга келтириб топширсанг. Лекин шуни бил-ки, агар бу пистирма бўлса, гапларинг ёлғон бўлиб, бизни юқорида кутаётган шеригинг билан тузоққа илинтиришни ният қилган бўлсанг, қизингни нимта-нимта қилинган ҳолатда, ҳар куни бир бўлакдан қабул қилиб оласан.

Ксенофилиус даҳшат ва умидсизлик-ла ўқирди. Шунга қарамай, тош ва ёғоч бўлакларини қарсиллатганча, юқорига кўтарила бошлади.

- Тезроқ, - пичирлади Гарри, - Жуфтакни ростлаш керак бу ердан.

Гарри зина томондан эшитилаётган шовқинга қулоқ тутганча, ўзини ўзи қазиб чиқаришга киришди. Роннинг устидаги уюм янада қалин экан. Гарри билан Гермиона унинг олдига аста бориб, тошлар исканжасидан халос бўлишга кўмаклашишди. Ксенофилиус юқорига тирмашиб, яқинлашар экан, Гермиона жисмни ҳавога кўтариш афсуни воситасида Роннинг устидаги уюмни бартараф этди.

- Бўлди, - деди Гермиона, оғир нафас чиқариб, - Анави дастгоҳ парчалари йўлни тўсиб қўйган. Демак, ихтиёримизда бироз вақт бор.

Ксенофилиус ҳали пастда. Гермионанинг устидаги чанг қоплами уни ҳайкалга ўхшатиб қўйган.

- Гарри, сен менга ишонасанми?

Гарри бош ирғиди.

- Яхши. Ундай бўлса, - пичирлади қиз, - Кўринмас плашингни бер. Рон, ташла уни устингга.

- Мен? Гарри-чи?...

- Илтимос, Рон, айтганимни қил! Гарри қўлимни қўйиб юборма. Сен, Рон, елкамдан маҳкам ушлаб ол.

Гарри чап қўли билан қизнинг қўлини ушлади, Рон плаш остида ғойиб бўлди. Зинада гумбур-гумбур эшитилди.

Афтидан, Ксенофилиус, йўлидаги тўсиқларни жисмни ҳавога

кўтариш афсуни воситасида бартараф этиб келаётган кўринади. Гермiona нимани кутаётганини Гарри тушунмаяпти.

- Кутамиз, - пичирлади қиз, - Кутамиз... ҳар қандай сонияда... Буфет узра Ксенофилиуснинг оппоқ юзи кўринди.

- Обливиэйт! - қичқирди қиз, сеҳрли таёқчасини Ксенофилиусга ўқтаб, - Депримо! - деди у, сеҳрли таёқчасини оёқ остига йўналтириб.

Пол тешилиб, учаласи харсанг тош каби пастга қулади.

Қизнинг қўлини маҳкам ушлаб олган Гаррининг қулоғига қичқириқлар эшитилди, тошлар уюми остидан чиқишга уринаётган ва айнаи вақтда тепадан ёғилаётган жисмларга чап бераётган иккита эркакни кўрди.

Гермiona ҳавода айланма ҳаракат бажариши ҳамоно, Гаррининг қулоғига портлаш товуши эшитилиб, нафас олиши қийинлашди, уни нимадир зулмат қаърига тортиб кетди.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ. АЖАЛ ТУҲФАЛАРИ

Гарри ҳансираганча майса устига йиқилиб, шу заҳоти оёққа турди. Қош қорайган, афтидан улар, қандайдир даланинг бурчагида пайдо бўлишган. Гермiona сеҳрли таёқчасини силтаганча, айланасига югура кетди.

- Протего Тоталум... Сальвио Хексия...

- Ярамас хоин, - деди нафаси бўғилган Рон, кўринмас плашни ечиб, Гаррига улоқтирар экан, - Гермiona, сен даҳосан, ҳақиқий даҳо! Қутулиб қолганимизга ҳеч ишонгим келмаяпти.

- Каве Иминикум... Айтган эдим-ми мен унга, ўша буюмнинг Эрмпент шохи эканлиги, уй шароитида сақлаш жуда хавфлилигини? Мана оқибати, уйи яксон бўлиб, бошпанасиз қолди!

- Ажаб бўпти! - деди Рон, жинси шимининг йиртилган жойлари, тимдаланган оёғининг жароҳатларини кўздан кечирар экан, - Нима деб ўйлайсиз, уни нима қилишади энди?

- Ўлдиришмайди, деган умиддаман! - деди Гермiona, - Шунинг учун ҳам, жуфтакни ростлашдан олдин Ўлимдан мириқувчилар Гаррини ўз кўзи билан кўриб, Ксенофилиус уларни алдамаганига ишонч ҳосил қилишсин, дедим!

- Мени нега кўрсатмадинг, уларга? - сўради Рон.
- Сен Бошпанада, ўлим тўшагида ётибсан-ку, Рон! Улар Лунани, отаси Гаррига тарафдорлик қилгани учунгина олиб кетишган! Агар сен ҳам Гарри Поттер билан бирга юрганинг аниқланса, оилангни қай аҳволга солишади улар?!
- Ўзингнинг ота-онанг-чи?
- Улар ҳозир Австралияда, ҳеч нарсани билишмайди, - деди Гермиона, - Худо хоҳласа, ишлари жойида бўлиши керак уларнинг.
- Айтяпман-ку, сен даҳосан, деб, - завқ-ла такрорлади Рон.
- Чиндан ҳам, - қойил қолди Гарри, - Сенсиз ҳолимиз не кечар эди, билмайман.
- Яшнаб кетган қизнинг юзи шу заҳоти жиддий қиёфа касб этди.
- Лунанинг тақдири не бўлади энди?
- Гаплари рост бўлса, Луна ҳозирча тирик... - жавоб берди Рон.
- Ундай дема, Рон, ундай дема! - ингради Гермиона, - Тирик бўлиши керак у, тирик бўлиши шарт!
- Азкабанга қамашса керак, - тахмин қилди Рон, - Агар қамоқ шароитига бардош бера олса... кўпчиликнинг омон қолиши қийин кечади у ерда.
- Омон қолади, - деди Гарри, бошқача бўлишини истамай, - Луна жуда кучли, биз ўйлагандан ҳам кучли қиз. Ҳозир у ғубор парвоналари мавзусида маъруза ўқиб бераётган бўлса керак ўз камерадошларига.
- Айтганинг келсин, - деди Гермиона, кўзини қўли ила бекитиб, - Мен Ксенофилиусга ҳам ачинаман, агар у...
- Агар у ҳозиргина бизни таг-тугимиз билан Ўлимдан мириқувчиларга сотишга уринмаганда, - фикрни якунлади Рон.
- Учовлон чодир тикиб, жойлашди. Рон чой дамлади. Муқаррар асирликдан қочиб қутулгач, ушбу совуқ чодир уларга қадрдон, хавфсиз, илиққина уйда кўринди.
- Нега бордик ўзи биз, у ерга? - деди Гермиона, бир неча дақиқа кечган жимжитликдан сўнг, - Ҳақ бўлиб чиқдинг, Гарри, вақтни зое ўтказганимиз қолди холос! Ажал тухфалари эмиш... ғирт бемаъни гап... Шошма, ахир у, ўша гапни ўзи тўқиб чиқарган бўлиши мумкин-ку, шундай

эмасми? Ўлимдан мириқувчилар етиб келгунга қадар, ўзи ҳам ишонмайдиган Ажал тухфалари билан бизни чалғитиб ўтирди!

- Бўлиши мумкин эмас, - деди Рон, - Бундай қаттиқ ҳаяжонни бошдан кечираётган одам бир гап иккинчисига мантиқан ёпишадиган бирон нима тўқиши қийин. Буни мен Овчилар қўлига тушганимда англаб етдим. Ўзимни Стен қилиб кўрсатиш нисбатан осон кечди, ёт бир киши сифатида кўрсатгандан кўра. Чунки Стенни оз бўлса ҳам, танийман. Қария Лавгуд шундай тазйиқ остида қолган-ки, бизни тутиб бериш учун ҳар нарсага тайёр бўлган. Фикримча у, бизга рост гапирган, ё ўзи рост деб билади ўша гапларни. Ўзига мазмунан яхши таниш бўлган мавзудаги суҳбат-ла чалғитиб ўтириши керак бўлган бизни.

- Аҳамияти йўқ, - хўрсинди Гермиона, - Бизни алдамай ўтирган тақдирда ҳам, бундай тутуриқсиз гапни ҳаётда эшитмаган эдим.

- Махфий хона ҳақидаги гап ҳам бир вақтлар тутуриқсиз эртак сифатида эътироф қилинган, - эслатиб ўтди Рон.

- Лекин Рон, Ажал томонидан шахсан берилган тухфалар ҳаётда бўлиши мумкин эмас!

- Бу гапни истаганингча такрорлашинг мумкин, лекин улардан бири мавжуд, - эътироз билдирди Рон, - У ҳам бўлса, Гаррининг кўринмас плаши.

- Уч ака-ука ҳақидаги эртак – оддий эртакдан, одамлар ўлимдан қанчалик қўрқиши баён этилган ҳикоядан ўзга нарса эмас, - гапни кесди Гермиона, - Агар омон қолиш кўринмас плаш остига бекинишдай осон бўлганда, биз аллақачон истаган нарсамизга эришган бўлар эдик!

- Енгилмас сеҳрли таёқча ҳозир бизга ортиқчалик қилмаган бўлар эди, тағин билмадим, - деди Гарри, ёқтирмай қолган тёрн таёқчасини қўлида айлантириб ўтириб.

- Ундай таёқча ҳаётда йўқ, Гарри!

- Ўзинг айтдинг, тарих саҳифаларида кўплаб қудратли сеҳрли таёқчалар бўлган, деб. Улардан бирининг номини нима дединг, Ўлим таёқчаси-ми?

- Яхши, Катта сеҳрли таёқчани ҳаётда мавжуд, деб ўйласанг, Ҳаётга қайтариш тоши ҳақида нима дейсан? - истехзо-ла сўради қиз, ҳавода қўштирноқ кўрсатиб, - Ҳеч қандай сеҳр-

жоду ўликни тирилтира олмайди, бўлди бас!

- Ўзинг-Биласан-Кимнинг сеҳрли таёқчаси билан туташган фурсатда менинг таёқчам ота-онам билан Седрикни чақиртирган эди...

- Ўшанда улар моддий тус олиб, тирилик келмаган-ку, аслида, тўғрими? - деди Гермиона, - Арвоҳ сифатида кўриниш беришган холос. Ҳаётга қайтишганини англамайди ундай ҳолат.

- Анави эртақдаги қиз том маънода қайтмаган-ку, ҳаётга, шундай эмасми? Эртақда айтилишича, киши ўлди-ми, бас, батамом ўлди. Ўртанча ака эса шунга қарамай, ўша қизни ўз кўзи билан кўрган, иккаласи суҳбатлашган, тўғрими? Маълум вақт бирга яшашган ҳам...

Гарри Гермионанинг юзида ташвиш ва мавҳумлик қиёфасини кўрди. Нигоҳини Ронга олиб ўтган фурсатда эса, ушбу мавҳумлик аслида қўрқув қиёфаси эканлигини тушунди. Афтидан Гарри, мурдалар билан бирга кечадиган ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари ила қизни ўлгудай чўчитиб юборган кўринади.

- Годрик жарлигидаги қабристонга дафн этилган анави қария Певерелл эса, - тез қўшимча қилди у, фикрини ишончлироқ тушунтиришга уриниб, - У ҳақда сен ҳеч нима билмайсан-ку, тўғрими?

- Тўғри, - жавоб берди қиз, мавзу ўзгараётганидан мамнун бўлиб, - Қабрида ўша рамзни кўргач, фамилиясини ўрганиб чиқдим. Агар у донгдор бўлганда ёки ўта жиддий бир каромат кўрсатганда эди, ишончим комилки, исми китобларимиздан бирида қайд этилган бўлар эди.

«Певерелл» фамилияси учраган ягона китоб «Асилзотлик сарчашмаси: сеҳргарлар шажараси» бўлди. Танишиб чиқиш учун Тараққосдан вақтинча олган эдим уни, - тез тушунтириш берди қиз, Роннинг қоши кўтарилиб кетганини кўриб, - Унинг номи эркаклар томонидан давом этиши тўхтаган асилзода сулолалар рўйхатида қайд этилган. Бундан чиқди, Певереллар тарихда йўқ бўлиб кетган илк сеҳргар оилалар жумласига киради.

- Эркаклар томонидан давом этиши тўхтаган? - сўради Рон.

- Ҳа, ушбу фамилиянинг бевосита давомчилари, яъни ўғил болалар туғилиши кўп асрлар муқаддам тўхтагани, кейинги

авлод Певереллар оиласига мансуб бўлган тақдирда ҳам, энди у бошқача фамилияли бўлиши мумкинлигини англатади бу, - тушунтириш берди Гермиона.

Кутилмаганда, Гаррининг хотирасида ҳеч эслай олмай юрган нарса ялт этиб пайдо бўлди. Гарри Певерелл фамилиясини қаерда эшитганини, хусусан, Огден исми вазирлик ходимига қора кўзли хунук узукни кўрсатган, кўпдан буён ювинмай, кекса маймундан фарқ қилмай қолган қарияни эслаб, қичқириб юборди: Мерволон Монстер!

- НИМА? - бараварига хитоб қилди Рон билан Гермиона.

- Мерволон Монстер! Дамблдор иккимиз дамблхотирада кўрганмиз уни! Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг бобоси! Узук Певерелларга тегишли эканлигини ўша қария айтган эди! Рон билан Гермиона ҳеч нарсани тушунмади.

- Узукни, руҳдонга айлантирилган узукни айтяпман!

Мерволон Монстер ўша узукнинг кўзида Певереллар герби тасвирланганини айтган эди! Вазирлик ходимининг юзига яқин келтириб, силтаганини кўрганман!

- Певереллар герби? - сўради Гермиона, - Унинг тасвирини аниқ кўрдинг-ми?

- Унчалик аниқ эмас, - деди Гарри, хотирасига зўр бериб, - Менга кўринган тасвирда айтарли нарса йўқ эди. Бир-иккита тимдаланган чизиқ бўлмаса агар... Очилиб, ичидаги руҳи ўлдирилганидан кейинги ҳолатини эса яқиндан кўрганман. Кутилмаганда кўзини катта-катта очган Гермионанинг юзида гап маъносини уқиганлик аломати кўринди. Рон эса кучли ҳаяжон-ла, дам Гаррига, дам Гермионага қараб ўтирибди.

- Даҳшат... Ўша тасвирни... Ажал тухфаларининг рамзи бўлган, демоқчимисан?

- Бўлиши мумкин, - деди кучли ҳаяжонланган Гарри, - Мерволон Монстер ғирт жоҳил, чўчқадай ҳаёт кечирган, фақат ўз аждодларининг хотираси билан яшаган қария бўлган. Модомики, қадимий сулолага тегишли ўша узук асрлар оша авлоддан авлодга мерос бўлиб келган экан, буюмнинг асл мазмун-моҳиятини билмаган бўлиши ҳам мумкин у. Уйида бирорта бўлсин, китоб кўрмадим ва ишонинг, фарзандларига уйқудан олдин эртаси айтиб берадиган ота бўлмаган у. Узук кўзидаги тимдаланган чизиқларни сулола герби сифатида эътироф этилиши унга

жуда хуш келган бўлар эди. Зеро, асилзодалик – қирол авлодига мансублик билан баробардир.

- Ҳа, албатта... Буларнинг бари жуда қизиқ, - деди Гермиона, хавфсираб, - Бироқ Гарри, агар сен мен назарда тутаётган нарса ҳақида ўйлаётган бўлсанг...

- Нима қилибди, ўйлаётган бўлсам? Ҳўш, нима қилибди? - деди Гарри, дадил оҳангда, - Узукнинг кўзи тош бўлган, шундайми? Ҳаётга қайтариш тоши бўлса-чи, у?

Гарри маъқуллашига умид қилиб, Ронга қаради. Рон эса, оғзи ланг очилганча, донг қотган.

- Жин урсин... иш берган бўлар эдими ўша тош, агар Дамблдор руҳдонни синдирган бўлса? - деди у, ниҳоят.

- Иш берган бўлар эди? Иш берган? У ҳеч қачон иш бермаган, Рон! Ҳеч қандай Ҳаётга қайтариш тоши йўқ, бу дунёда! Гермиона қутуриб кетгандай оёққа қалқиб турди.

- Гарри, сен ҳамма нарсани Ажал тухфалари эртагига мазмунан мос келтиришга уриняпсан...

- Мос келтиришга уринапман? Гермиона, мен эмас, мос келтиришга уринаётган, ўша нарсаларнинг ўзи мос келяпти! Узук кўзида Ажал тухфаларининг рамзи тасвирланганини биламан! Анави Монстер эса, узук унга Певереллардан мерос қолганини айтган эди!

- Атиги уч дақиқа муқаддам узукнинг кўзига тасвирланган расмни унчалик аниқ кўрмадим, дедим-ку!

- Ўша узук қаерда ҳозир, нима деб ўйлайсан, Гарри? - сўради Рон, - Унинг кўзини нима қилган бўлиши мумкин Дамблдор? Гаррининг тасавбури Рон билан Гермионанинг тасавбуридан ҳам олисга етаклади.

Учта жисмни ёки Ажал тухфаларини бир қўлда жамлаган киши Ажал соҳибига айланади... Соҳиб... Ғолиб... Забткорга айланади. Енгиш керак бўлган сўнгги душман – Ажалдир! Гарри руҳдонлари бир-бирига ўхшамаган Вольдемортга қарши курашган тухфалар эгаси сифатида кўрди ўзини... Улардан бири, иккинчисининг қўлидан ажал топади, иккаласидан фақат бири жангдан омон чиқади... Шу-ми жавоб? Демак, Ажал тухфалари руҳдонларга қарши қўйилади, шундайми? Қандай бўлмасин, ғолиб чиқиши мумкин бўлган бошқача кураш варианты борми? Агар Гарри Ажал тухфаларининг соҳиби бўлиб қолса, ҳаёти хавфсиз

кечадими?

- Гарри...

Ҳозир у Гермионанинг сўзларини деярли эшитмаяпти. У кўринмас плашини чиқарди. Ҳаводай енгил ушбу кумуш тусли ялтироқ мато Гаррининг бармоқлари орасидан сирпанганча, худди сувдан тўқилгандай оқиб тушиб, қатлари сезилар-сезилмас ялтирамоқда. Гарри етти йилдан буён сеҳргарлар оламида яшар экан, ушбу плашга ўхшаш бирон-бир буюмга дуч келмади. Унинг кўринмас плаши Ксенофилиус тавсифлаган хусусиятларга эга: соҳибини мутлақо кўрсатмайди, мангулиги ила ҳар қандай синовлардан ўтади, қандай афсун қўлланилмасин, соҳибини кўз илғамас паногоҳ билан таъминлайди.

- Ота-онам ҳалок бўлган тунда ушбу кўринмас плаш Дамблдорда бўлган эди, - эслади у.

Овози титраб, юзи қизарганини ўзи сезиб турибди-ю, аҳамият бермади.

- Дамблдор кўринмас плашни вақтинча олиб турганини ойим Сириусга ёзган! Мана нима учун олган у! Текшириб кўрмоқчи бўлган. Учинчи тухфа, деб ўйлаган уни. Годрик жарлигига дафн этилган Игнотус Певерелл...

Гарри ҳеч нарсага эътибор қилмай, чодир ичида айлана бошлади. Мана энди ҳақиқат, унинг кўз ўнгида, мисоли китоб каби, аста очилиб бормоқда.

- ... У менинг аждодим. Мен кенжа ука авлодиданман! Бунда бир маъно бор!

Ҳеч қанча вақт ўтмай, Гарри, Ажал тухфаларига бўлган ишончи ила тиш-тирноғигача қуролланган, худди ушбу тухфаларга эгалик ғоясининг ўзи билан ҳимоя қилинган одамдай ҳис этди ўзини, дўстлари томон юзланар экан, ўзидан ўзи қувонди.

- Гарри... - боз чақирди Гермиона.

Аммо у Гермионани эшитгани йўқ, бўйидаги эшак тери қопчасини очиб, ичидан онаси ёзган мактубни чиқарди-да, қизнинг қўлига тутқазди.

- Мана, ўқи! - деди у, - Ўқи! Плаш Дамблдорда бўлган, Гермиона! Дамблдор Тиндириш афсунини ўзига ўзи кучли қўллаб, мутлақо кўринмас бўлиб қолар эди! Хўш, айт-чи ўзинг, нимага керак бўлган плаш Дамблдорга?

Нимадир ерга дуп этиб тушиб, ялтираганча, курси остига думалади. Ойисининг мактубини чиқараётган Гарри, қопча ичидаги Тилла чаққонни тушириб юборибди. Коптокчани ердан олар экан, Гарри яна бир нарсани идрок этиб, шу қадар кучли ҳаяжонланиб кетди-ки, беихтиёр қичқириб юборди:

- У ШУ ЕРДА! УЗУКНИНГ КЎЗИ ТИЛЛА ЧАҚҚОН ИЧИДА!

Дамблдор узукни менга қолдириб кетган!

- Сен... сен ўйлайсан-ки...

Рон нима учун бунчалик ҳайрон бўлаётганини Гарри тушуна олмаяпти. Ахир ҳаммаси аён, тушунарли-ку! Ҳамма нарса бир-бирига тўғри келяпти. Унинг кўринмас плаши Ажалнинг учинчи тухфаси бўлса, Тилла чаққонни очиш йўлини билганда, иккинчи тухфасини ҳам кўрсатиб қўйган бўлар эди. Энди унга Ажалнинг биринчи тухфасини – Катта сеҳрли таёқчани қўлга киритиш қолди холос. Шундан сўнг...

Шундан сўнг, парда ёпилди: унинг ҳаяжони, умиди ва бахт-саодати бир сонияда сўнди. У зулмат қаърида ёлғиз қолгандай, табиатидаги сеҳр-жоду қаёққадир гум бўлгандай ҳис этди ўзини.

- Шуни қидириб юрган экан-да, у.

Оҳангининг кескин ўзгариши Рон билан Германионани баттар чўчитди.

- Ўзингиз-Биласиз-Ким Катта сеҳрли таёқчани қидириш билан машғул.

Гарри дўстларининг чўчиган, ишонқирамаган юзларига тескари ўгирилди. Тўғри хулосага келганини ўзи жуда яхши билади. Ҳамма нарса ўз маъно-мазмунини касб этмоқда.

Вольдеморт янги сеҳрли таёқча қидириб юргани йўқ, у эски таёқчани, том маънодаги эски сеҳрли таёқчани қидирмоқда.

Гарри чодирнинг чиқиш эшиги ёнига келиб, Рон билан Германионага мутлақо эътибор қилмаган ҳолда, чексиз қоронғиликка тикилди...

Вольдеморт беватан маглар учун мўлжалланган етимхонада ўсган. Болалигида ҳеч ким унга, шу жумладан, Гаррига ҳам «Бард Бидл масаллари»ни очиб, эртак ўқиб бермаган.

Сеҳргарларнинг аксарияти Ажал тухфаларига ишонмайди.

Вольдеморт ўша тухфалар ҳақида бирон нима билиши мумкин эдими?

Гарри чексиз қоронғиликка тикилиб турибди... Агар Вольдеморт ҳаётда Ажал тухфалари деган қудратли нарсалар борлигини билганда, табиийки, уларни қидирган, эгалик қилиш, Ажалга соҳиблик қилиш чораларини кўрган, агар у Ажал тухфалари ҳаётда борлигини билганда, руҳдон тайёрламаган бўлар эди. Агар у тухфани руҳдонга айлантириб қўйганда-чи, буюк сирдан воқиф эмаслиги аён бўлмас эдими?

Буларнинг бари Вольдеморт Катта сеҳрли таёқчани, унинг асл мазмун-моҳиятидан беҳабар, аслида Ажалнинг қудратли тухфаси эканлигини билмаган ҳолда қидираётганини англатади... Модомики, сеҳрли таёқчани яшириб бўлмас экан, уни қидириб топиш ҳам қийин кечмайди... Катта сеҳрли таёқчанинг лаънатланган изи қонли бўлиб, сеҳргарлар оламининг тарих саҳифаларида азалдан чўзилиб келади. Гарри булутларни, уларнинг эгик-букик жойлари оқ ойнинг ёнидан сирпаниб ўтаётганини томоша қилди. Ўз мулоҳазалари ила фикри равшанлашаётганини ҳис этди. Чодирга кириб, ҳайрон бўлди: Гермиона ҳамон қўлида Лилининг мактуби билан, Рон эса унинг ёнида, юзи ишонқирамаслик қиёфасини касб этган ҳолда ўтирибди. Наҳотки улар бир неча дақиқа ичида қанчалик олға илгарилашганини тушунмаётган бўлса?!

- Ҳаммаси тушунарли, - деди у, ўзи ҳис этаётган ишончни қолганлар ҳам ҳис этишига эришишга уриниб, - Ажал тухфалари ҳаётда мавжуд. Улардан бири... эҳтимол иккитаси менда...

У қўлини кўтариб, Тилла чаққонни кўрсатди.

- Ўзингиз-Биласиз-Ким эса учинчисини қидириб юрибди.

Лекин аслида нима қидираётганини ўзи билмайди. Шунчаки, кучли сеҳрли таёқча, деб билади уни.

- Гарри, - деди Гермиона, Лилининг мактубини қайтарар экан,

- Мени кечирасан-у, ўйлашимча сен бор гапни нотўғри талқин қилиб юбординг.

- Наҳотки кўрмаётган бўлсанг? Ҳаммаси бир-бирига мантиқан тўғри келяпти-ку!

- Йўқ, тўғри келмаяпти, - эътироз билдирди Гермиона, - Тўғри келмаяпти. Сен фикр-хаёлларга бироз берилиб кетдинг.

Оддий бир саволга жавоб бер-чи, Гарри: дейлик, Ажал

туҳфалари ҳаётда мавжуд бўлиб, уларнинг борлигини Дамблдор билган, туҳфалар соҳиби Ажал соҳибига айланишини ҳам билган. Ундай бўлса, нега у буларнинг барини сенга айтмади? Нега?

Гаррининг ушбу саволга ҳам жавоби тайёр эди.

- Сен ўзинг айтгансан буни, Гермiona! Буларнинг бари ўзинг билиб олишинг керак бўлган нарсалардан биридир, деб!

- Сени Лавгудлар хонадонига боришга кўндириш учун айтганман холос, бу гапни, - дарғазаб оҳангда қичқирди Гермiona, - Мен унинг бирорта ҳам сўзига ишонмадим.

Гарри эътибор қилмади.

- Дамблдор ҳамиша мустақил изланишга мажбур қилган мени. Ўз кучимни синаб кўриш, таваккал қилишга имкон берган. Бу ҳам, ўша усулларидадан бирига ўхшайди.

- Гарри, бу ўйин ёки машқ эмас! Бу ҳаёт ва Дамблдор сенга ўта аниқ топшириқ бериб кетган: руҳдонларни қидириш, топиш ва йўқ қилиш! Вассалом! Анави рамз эса ҳеч қандай маънога эга эмас, унут уни. Бизни таъқиб қилишларига йўл қўя олмаймиз ҳозир...

Қизнинг куйиб-пишиб айтаётган гапи Гаррининг қулоғига кирмади. У Тилла чаққонни қўлида айлантириб, очилишига, ичидан эса Ҳаётга қайтариш тоши чиқишига умид қилмоқда. Шунда у ҳақлигини, Ажал туҳфалари ҳаётда мавжудлигини кўрсатиб қўйган бўлар эди Гермionaга.

- Сен ҳам ишонмайсан-ми, бу гапларга? - сўради у Рондан.

- Билмадим... - жавоб берди Рон, ноқулай вазиятга тушиб қолгани яққол билиниб, - Баъзи гаплар чиндан ҳам бир-бирига мантиқан тўғри келяпти, аммо... - чуқур нафас оли у, - Умуман олиб қарайдиган бўлсак... Ўйлашимча, ҳозир биз руҳдонлар билан шуғулланишимиз керак, Гарри. Қолаверса, бу Дамблдорнинг васияти. Балки... Ажал туҳфаларини бир четга суриб, унутишимиз керакдир ҳозирча.

- Раҳмат, Рон, - деди Гермiona, - Биринчи бўлиб ўзим навбатчилик қиламан.

Қиз Гаррининг ёнидан ўтиб, чодир эшиги яқинида жойлашиб ўтирганча, бугунги баҳсга нуқта қўйди.

Гарри бу кеча ухлай олмади. Ажал туҳфалари фикр-хаёлини эгаллаб олган, миясида фақат бир ўй: таёқча, тош, плаш. Қанийди уларнинг барини қўлга кирита олса.

Ёпилишим керак бўлган жойдагина очиламан... Нимани англатар экан, ўша ёпилиш, а? Нима учун тошни Тилла чаққон ичидан ҳозир чиқариб бўлмайди? Агар ҳозир ўша тошни ишга сола билганда, кўплаб саволларни шахсан Дамблдорнинг ўзига берган бўлар эди-ку... Гарри қоронғида ётган жойида Тилла чаққонга, очилиши учун ҳар хил сўзлар айтди, ҳатто илон тилида ҳам гапириб кўрди, лекин коптокча очилмади.

Катта сеҳрли таёқча-чи, қаерга яшириб қўйилган бўлиши мумкин? Вольдеморт қаерда қидириб юрибди ҳозир уни? Гарри пешанасидаги чандиқ боз қизиб оғриб, Вольдемортнинг фикр-мулоҳазалари кўринишини истади. Зеро, Вольдеморт иккаласи илк бор айнан бир нарса атрофида, уни қўлга киритиш истаги ила бирлашишди. Бу гап Гермионага ёқмаслиги турган гап, албатта. Ишонмайди-ку, ахир у... Ксенофилиус ўзича ҳақ...Гермионанинг ҳаётини қарашлари жуда тор, кўп жиҳатдан чекланган... Ҳақиқатан ҳам қиз Ажал тухфаларига доир, айниқса, Ҳаётга қайтариш тошига оид фикр-мулоҳазалардан қўрқади... Гарри Тилла чаққонни боз лабига босди, ўпди, ютиб юборгудай даражада оғзига солди, бироқ совуқ металл бўйин эгмади...

Лунани эсга олганда осмон ёриша бошлади. Бечора қиз Азкабанда, мудҳиш дементорлар қуршовида ўтирибди. Дафъатан Гаррининг вужудини уят ҳисси қамради. Ажал тухфалари билан боғлиқ хаёлларга ошиғич равишда берилиб, Лунани унутиб қўйибди. Қанийди уни қутқариш қўлидан келганда... лекин у, бунча кўп дементорлар орқали ўта олмаса керак. Бу ҳақда ўйлар экан, ўзининг тёрн таёқчаси билан моддий тусга эга Ҳимоячи чақиришга уриниб кўрмаганини эслади... Эртага эрталаб машқ қилиб кўриши керак...

Қанийди, дурустроқ сеҳрли таёқча топа олса...

У яна Катта сеҳрли таёқчага, енгилмас Қирғин таёқчага эга бўлиш фикрига берилди...

Эртасига эрталаб учовлон чодирни йиғиб, жала остида йўлга чиқди. Ёмғир уларни соҳилга қувиб борди. Ҳафта давомида тинмай ёққан ёмғир руҳий зикликка сабаб бўлмоқда.

Гаррининг фикр-хаёлини фақат Ажал тухфалари эгаллаган. Ушбу ўйлар унга Гермионанинг ишонмаслиги-ю, Роннинг

шубхалари сўндира олмайдиган қандайдир завқ бермоқда. Ажал тухфаларига эгалик қилиш истаги кучайиб борган сари, қувончи ҳам сустлашиб бормоқда. Бунда у Рон билан Гермионани айблади, оддий ҳақиқатни инкор этишлари кайфиятни расво қилаётган мана бу ёмғир каби ёқмаяпти. Бироқ унинг ўзгармас қолаётган ишончини ҳеч нарса сўндира олмайди. Гаррининг ишончи ва Ажал тухфаларига эгалик қилиш истаги вужудини шу қадар қамраб олганки, иккала дўсти ёнида бўлишига қарамай, улар руҳдон савдосига йўлиққани боис, яққаланиб қолгандай ҳис этмоқда ўзини. Рутубатли оқшомлардан бирида Гермиона Гаррини руҳдон қидириш ишларига қизиқиши йўқолганликда айблади ва ушбу гап Гаррининг оғзидан бехос чиқиб кетди.

- Руҳдон савдосига йўлиққанмиз? - дарғазаб бақирди Гермиона, - Йўқ, Гарри, биз ҳеч қандай савдога йўлиққанамиз йўқ, аксинча, Дамблдорнинг васиятини адо этияпмиз холос! Гаррига қизнинг танқиди кор қилмади. Дамблдор Гермионага Ажал тухфалари баён этилган манбани қолдириб кетди, Тилла чаққон ичида Ҳаётга қайтариш тоши борлигига эса, Гарри, зиғирдай бўлсин, шубҳа қилмайди. Улардан бири, иккинчисининг қўлидан ажал топади, иккаласидан фақат бири жангдан омон чиқади... Ажал соҳиби... нега Рон билан Гермиона буларни тушунмаяпти?

- Енгиш керак бўлган сўнгги душман - Ажалдир! - деди Гарри, вазмин оҳангда.

- Мен эса Ўзинг-Биласан-Кимга қарши кураш олиб боряпмиз, деб юрган эканман, - жеркиб берди Гермиона.

Шундан сўнг, Гарри Гермионани ишонтиришга қаратилган уринишларини бас қилди.

Севишганлар жуфти фаол муҳокама қилган кумуш тусли урғочи буғу жумбоғи ҳам Гаррига қизиқ туюлмади. Ҳозир У, гарчи бошқалардан яширишга уринаётган бўлса-да, чандиғида янгиланган оғриқ туфайли ўйга толмоқда. Гарри ёлғиз қоладиган фурсатни пойлаб юрибди, танҳо ўзи қолганда кўрган нарсаларидан эса ҳафсаласи пир бўлмоқда. Гап шундаки, энди унинг табиатидаги Вольдемортнинг ҳиссиётларини кўриш қобилияти тобора сифатсиз, ноаниқ бўлиб бориб, равшанлиги барҳам топмоқда. Илғаб олган нарсаси бош суяги-ю, моддий тусга эга бўлмай, қандайдир

кўланкага ўхшаб кетадиган тоғ бўлмоқда. Вольдемортнинг аниқ ва равшан ҳиссиётларини кўришга одатланган Гарри, бундай ўзгаришлардан таъби хира бўлмоқда. Ўзи билан Вольдеморт ўртасидаги алоқа, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам қўрқадиган, ҳам, Гермиона нима дейишидан қатъи назар, ўзи интиладиган алоқа издан чиққани уни ташвишга солмоқда. Гарри ушбу ноаниқ кўринаётган нарсалар билан ўзининг синган сеҳрли таёқчаси ўртасидаги қандайдир боғланиш борлигини аниқлашга уриниб, Вольдемортнинг фикрларини илгаригидай яхши ўқий олмаслигида тёрндан ясалган сеҳрли таёқчасини айбдор деб топди.

Ҳафта кетидан ҳафта ўтиб, кундалик ҳаёт масъулиятни Рон ўз зиммасига юклаб олгани Гаррининг эътиборидан четда қолмади. Эҳтимол Гарри ўзини ўзи яккалатиб олаётгани ёки етакчилик қобилияти сустлашиб бораётгани бунга сабаб бўлгандир. Ҳар қалай ҳозир ҳамманимуайян хатти-ҳаракатлар бажаришга Рон даъват этмоқда.

- Учтагина руҳдон қолди. Уларни қидириб топиш режасини ўйлаб топишимиз керак, - такрорлар эди Рон, - Хўш, бирон-бир ғоя борми? Қаерда қидирмадик биз? Келинг, яна бир бор эслаб, мулоҳаза юритиб кўрайлик. Ўзингиз-Биласиз-Ким туғилиб ўсган етимхона...

Дигар хиёбон, «Хогварц», Реддлар уйи, «Боржин ва Д'Авило» дўкони ва шу каби, Том Реддль қачонлардир яшаган, ишлаган, ташриф буюрган ёки бировни ўлдирган жойларни Рон билан Гермиона қайта ва қайта такрорлаб боришмоқда. Гарри гапга Гермионадан меъдага тегмаслигини илтимос қилиш учунгина аралашиб бормоқда. Ҳозир у ёлғиз қолишни, Вольдемортнинг фикр-мулоҳазаларини жимжитликда ўқиб боришни, Катта сеҳрли таёқча ҳақида кўпроқ билишни афзал кўрмоқда. Бироқ Рон олға одимлашга, қидираётган нарсалари топилиши амри маҳол бўлган жойларга йўл олишга мажбур қилмоқда.

- Омад оёқ остида, - такрорлар эди у, - Йоркширдаги Юқори Флэгли қишлоғида яшашни истаган бўлиши ҳам мумкин, у. Юринглар, ўша ерга бориб, текшириб келамиз.

Сеҳргарлар элати яшайдиган ҳудудларга вақти-вақти билан уюштирилаётган бундай сафарлар давомида учовлон Овчиларга дуч келиб бормоқда.

- Уларнинг айримлари Ўлимдан мириқувчилардан зўр эмас, - деди Рон, - Мени қўлга олганларга кишининг раҳми келади, бироқ Биллнинг сўзларига қараганда, баъзи Овчилар аслида жуда хавфли шахслар жумласига киради. Поттер-хабар каналида айтишларига қараганда эса...

- Тушунмадим, қаерда айтишларига қараганда?

- Сенга айтмадим-ми, ҳали? Муаллифлар гуруҳи таъсис этган радиоэшиттириш дастурига «Поттер-хабар канали», деган ном берилган бўлиб, фақат ушбу дастургина бор ҳақиқатни гапиради! Оммавий ахборот воситаларининг қолган қисми Ўзинг-Биласан-Ким тасарруфига ўтган. Сенга ўша канални эшиттирмоқчиман-у, созланиш осон эмас...

Оқшомнинг қолган қисмини Рон радиотўлқин тутишга уринганча, сеҳрли таёқчасини қабул қилгичга аста уриб ўтказди. Аҳён-аҳёнда у аждар сувчечагидан фориг бўлиш бўйича маслаҳатларга созланиб борди, бир марта эса «Қозон тўла қайноқ муҳаббат» қўшиғини тутиб олди. Сеҳрли таёқчасини аста уриш баробарида, Рон, ҳар хил сўзларни талаффуз этиб, пароль топишга уринмоқда.

- Пароль, одатда, Орден фаолияти билан боғлиқ сўздан ташкил топган бўлади, - деди у, - Билл тез топди, керакли сўзни. Мен ҳам топишим керак...

Лекин унинг омади март ойигача чопмади. Чодирда ётган Рон ўкириб юборган фурсатда Гарри чодир эшиги олдида навбатчилик ўтаб, музлаган ерни ёриб чиққан сунбул бутасига тикилиб ўтирган эди.

- Топдим! Созландим! Пароль «Альбус» экан! Бу ёққа кел, Гарри!

Хаёли кўп кунлардан буён биринчи марта Ажал тухфаларидан чалғиган Гарри чодирга тез кириб, Рон билан Германионнинг мўъжазгина радио олдида тиз чўкиб ўтиришганини кўрди. Қилгани иш топа олмай, Гриффиндор қиличига сайқал бериб ўтирган Германиона оғзини ланг очиб, қабулқилгичга бақрайганча, жуда таниш овозни диққат билан эшитмоқда.

- ... анчадан буён эфирга чиқмаганимиз учун маъзур санайсиз, қадрли тингловчилар. Бунга ёқимтой Ўлимдан мириқувчиларимиз сабаб бўлди.

- Ли Жордан-ку, бу! - хитоб қилди Германиона.

- Биламан! - яшнади Рон, - Зўр, а?!

- ... мана энди анча хилват жой топгач, эшиттиришимизни давом этишимиз мумкин, - деди Жордан, - Бугун студиямизга икки нафар доимий мухлисимиз ташриф буюрган бўлиб, буни сизга маълум қилишдан беҳад хурсандмиз. Хайрли кеч, йигитлар!

- Салом!

- Хайрли кеч, Ривер.

- «Ривер» - бу Ли Жорданнинг тахаллуси, - изоҳлаб ўтди Рон, - Ҳамминг ўз тахаллуси бор, лекин уларни...

- Жим, - деди Гермиона.

- Роял ва Ромул билан суҳбат бошлашдан олдин, Симсиз сеҳрли янгиликлар тармоғи ва «Башорат-у, каромат газетаси» томонидан эътиборсиз қолдирилган қотилликлар ҳақидаги хабарни, хусусан, Тэд Бомс билан Дирк Крессвелл ўлдирилганини минг таассуф-ла айтиб ўтмоқчимиз. Гарринг ички аъзолари буришиб, ағанагандай бўлди. Учовлон бир-бирига даҳшат-ла бақрайиб қолди.

- Горнук лақабли гоблин ҳам ўлдирилибди. Миш-миш гапларга қараганда, маглар оиласида туғилган, қочқинликда Бомс, Крессвелл ва Горнук билан бирга бўлган Дин Томас исмли сеҳргар йигит ва яна бир гоблин қочиб қутулишга муваффақ бўлибди. Агар Дин бизни эшитаётган бўлса ёки кимдир унинг қаердалигини билса, Диннинг ота-онаси ва опа-сингиллари ундан хабар кутаётганини маълум қиламиз. Шунингдек, Геддлида магларнинг бутун бир оиласи жонсиз ётган ҳолатда топилди. Маглар ҳукумати ушбу ҳодисани табиий газ оқими билан боғламоқда, бироқ Қақнус ордени аъзолари томонидан берилган маълумотларга қараганда, қотиллик содир этилган бўлиб, марҳум магларга ўлдириш қарғиши қўлланилган. Зеро, маг ўлдириш сўнгги вақтда Ўлимдан мириқувчилар учун оддий эрмакка айланиб қолган. Ва ниҳоят, минг афсус-ла хабар берамиз-ки, Годрик жарлигидаги уйида ҳаммамиз яхши танийдиган Батильда Бэгшотнинг жасади топилди. Далиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу тарихчи аёлнинг ўлганига бир неча ой бўлган. Қақнус орденининг маълумотларига қараганда, Батильда Бэгшотнинг танасида ёвуз сеҳрнинг рад этиб бўлмайдиган изи топилган. Қадрли тингловчилар, Тэд Бомс, Дирк

Крессвелл, Батильда Бэгшот, Горнук ва бизга нотаниш, лекин ёдимиздан чиқмаган маглар оиласи хотирасига бағишланган бир дақиқали сукутга қўшилишингизни илтимос қиламиз.

Орага сукунат чўкди. Гарри, Рон ва Гермиона чурқ этишмади. Гаррининг ярми бошқа мавзудаги янгиликларни эшитишни истаган бўлса, иккинчи ярми эшитиб қолиши мумкин бўлган бошқа янгиликдан қўрқяпти. Узоқ вақтдан буён илк бор ташқи дунё билан ростакамига боғланганини ҳис этди.

- Раҳмат, Ривер, - эшитилди ҳеч ким билан адаштириб бўлмайдиган, бир маромли, кишига таскин берадиган овоз.

- Кинсли! - хитоб қилди Рон.

- Танидик! - деди Гермиона, унинг оғзига уриб.

- Юз бераётган кўнгилсизликларнинг асл манбасини бечора маглар ҳанузгача билишмайди, - деди Кинсли, - Аммо ҳеч нарсадан беҳабар магл дўстлари-ю, қўшнилари қутқариш йўлида ўз ҳаётини хавф остига қўйган сеҳргар эркалар ва афсунгар аёллар ҳақида кўп эшитмоқдамиз. Уларнинг бундай фидойиликларини қадрли тингловчиларга ибрат қилиб кўрсатмоқчиман. Кўчада юрган маглни муҳофаза қилиш учун соддагина ҳимоя афсунини бўлса ҳам, қўллаш даркор. Оддий эҳтиёт чораси кўпдан-кўп одамлар ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

- Роял, «Даставвал сеҳргарлар» тамойилига амал қилишга мойил тингловчиларга нима деган бўлар эдинг? - сўради Жордан.

- Ундай тамойилдан «Даставвал асилзодалар» тамойилига ўтиш осон бўлиб, Ўлимдан мириқувчилар сафига қўшилишга атиги бир қадам қолади холос, - жавоб берди Кинсли, - Ҳаммамиз бирдай инсонмиз, шундай эмасми? Ҳар бир инсон ҳаёти бошқа инсон ҳаётига тенг бўлиб, қутқарилишига муносибдир.

- Зўр гап бўлди, Роял! Худо хоҳласа, ушбу харобагарчиликдан қутулиб олсак, янги вазир бўлишинг учун мен сенга овоз бераман, - деди Жордан, - Энди эса «Поттернинг дўстлари» рукнини бошлаб, сўзни Ромулга берамиз.

- Раҳмат, Ривер, - эшитилди яна бир таниш овоз.

Рон эндигина оғиз жуфтлаган эди-ки, Гермиона вишиллади.

- Люпинни биз ҳам танидик!

- Ромул, сиз ҳозир ҳам, ўтган сафарги ташрифингизда комил ишонч билдирган каби, аминмисиз, Гарри Поттернинг тириклигига?

- Аминман, - деди Люпин, - Агар у ўлдирилса, ҳеч шубҳа йўқки, Ўлимдан мириқувчилар бу ҳақда жар солишади. Чунки Поттернинг ўлими қаршилик ҳаракатининг янги оқими учун кучли зарба бўлади. «Омон қолган бола» биз олиб бораётган кураш рамзи бўлганча, хусусан: эзгулик ғалабасининг, бегуноҳлик кучининг ва қаршилик кўрсатиш заруратининг рамзи бўлганча қолмоқда.

Гаррининг вужудини ҳам миннатдорлик, ҳам уят ҳисси қамраб олди. Сўнгги бор учрашганда айтган сўзлари учун кечирдимикан Люпин Гаррини?

- Агар ҳозир Гарри сизни эшитиб ўтирганини билганингизда, нима деган бўлар эдингиз унга, Ромул?

- «Маънан биз сен билан», деган бўлар эдим унга мен, - жавоб берди Люпин ва бироз иккиланиб тургач, қўшимча қилди: - Гарри, сенга маслаҳатим, ўз ҳис-туйғуларингга тўлатўкис ишонавер. Зеро, ички туйғуларинг жуда яхши ривожланган бўлиб, деярли ҳеч қачон панд бермаган.

Гарри Гермionaга қаради. Қизнинг кўзи ёшга тўлган.

- Деярли ҳеч қачон панд бермаган... - такрорлади Гермiona.

- Ана, нима деган эдим, сенга? - хитоб қилди ҳайрон бўлган Рон, - Билл айтган эди, Люпин яна Бомс билан яшайпти, деб! Афтидан Бомс ҳам...

- ... энди Гарри Поттернинг дўстлари сирасига кириб, унинг ишига садоқати учун жафо кўрган одамлар ҳақидаги янги хабарлар билан танишинг, - давом этди Жордан, - Муҳтарам тингловчилар, маълумингиз бўлсинким, Гарри Поттернинг яна бир нечта тарафдорлари ҳибсга олинган. Улар орасида «Ҳақиқатгўй» журналининг бош муҳаррири Ксенофилиус Лавгуд ҳам бор.

- Ҳар қалай, ўлмабди-ку, - гап қистириб ўтди Рон.

- Бундан ташқари, сўнгги бир неча соат ичида маълум бўлишича, Рубеус Хагрид...

Учовлон инграб юбориб, жумланинг охирини ўтказиб юборишига сал қолди.

- ... «Хогварц»нинг ҳаммага яхши таниш бўлган қоровули ва хизматкори мактаб ҳудудида ҳибсга олинисдан базўр қочиб

қутулибди. Миш-миш гапларга қараганда, у ўз кулбасида «Гарри Поттерни қўллаб-қувватлаш йиғини»ни ташкиллаштирган эмиш. Модомики, Хагрид қўлга олинмаган экан, демак энди уни ҳам қочқинликда, деб ҳисоблашимиз керак. Фикримча, Ўлимдан мириқувчиларнинг таъқибидан бекиниб юриш жараёнида киши ёнида бўйи беш метр келадиган жўраси бўлса, ёмон бўлмас, а, нима дейсиз? - сўради Жордан.

- Бажонидил қўшилган бўлар эдим, фикрингизга, - жиддий оҳангда жавоб берди Люпин, - Бироқ ҳозир биз Поттер-хабар радиоэшиттириш канали орқали Хагриднинг руҳи нақадар кучли ва енгилмас эканлигини мадҳ этиб ўтиришимиз билан бир вақтда, уни қутқариш тадбирига Гарри Поттер тарафдорларининг ниҳоятда катта кучини жалб этишга тўғри келганини алоҳида таъкидлаб ўтишим жоиз. Бугунги кунда қарор топган мураккаб вазиятда «Гарри Поттерни қўллаб-қувватлаш оқшоми» ўтказилганини оқилона тутилган иш, деб бўлмайди.

- Тўғри айтасиз, Ромул, - рози бўлди Жордан, - Шундай қилиб, пешанаси чандиқли инсонга садоқатингизни намойиш этишни Поттер-хабар радиодастурини тинглаш ила давом этишни таклиф қиламиз! Энди Гарри Поттер сингари қўлга тушмас сеҳргарга оид янгиликларга ўтамыз. Биз уни Ўлимдан мириқувчилар доҳийси, деб аташни афзал кўрамыз. Ҳозир ўша сеҳргар ҳақидаги соғлом ақлга тўғри келмайдиган миш-миш гаплар ва бу борадаги нуқтаи назарини баён этиб ўтишни янги мухбиримиз Родендан илтимос қиламиз. Марҳамат, Роден.

- Роден? - эшитилди карнайда яна бир таниш овоз.

- Фред! - бараварига қичқирди Гарри, Рон ва Гермiona.

- Балким Жорждир?

- Фредга ўхшайди, - деди Рон, эгизак акаларидан қайси бири гапираётганини билиш учун пастроқ энгашиб.

- Яна қанақа Роден? Айтган эдим-ку, сенга, Рапье бўлишни истаيمان, деб?!

- Ҳа-я, Рапье. Ўлимдан мириқувчилар доҳийси ҳақида тўқилаётган ҳар хил бўлар-бўлмас афсоналарга баҳо бериб ўтсангиз, илтимос.

- Албатта, Ривер, - деди Фред, - Агар радиотингловчиларимиз

Ўз боғларидаги ҳовуз тубига ёки шунга ўхшаш жойларга бекиниб олишмаса, Ўзингиз-Биласиз-Ким ўзининг ўзгармас қолаётган стратегиясига, яъни ўзини панада тутиш стратегиясига амал қилиб келаётгани ва бу билан аҳоли орасида ваҳима кўтариб бораётганидан воқиф бўлишади. Уни ўз кўзи билан кўрган одамларга ишонадиган бўлсак, шу яқин атрофдаги шаҳар ва қишлоқларнинг ўзида кам деганда ўн тўққиз нафар Ўзингиз-Биласиз-Ким яшаётганидан хабар топишимиз мумкин.

- Ва табиийки, бундай ҳолат унга жуда қўл келади, - қўшимча қилди Кинсли, - Зеро, сирлилик муҳити одамлар кўзига шахсан ўзи кўринган ҳолатга нисбатан кўпроқ даҳшат туғдиради.

- Тўппа-тўғри, - деди Фред, - Бинобарин, биродарлар, келинг, сал бўлса ҳам, тинчланишга уриниб кўрайлик. Ҳукм сураётган вазият шундоқ ҳам зўр эмас-ки, куракда турмас чўпчаклар тўқиб, уни янада мураккаблаштирсак. Мана сизга бир мисол: нима эмиш, Ўзингиз-Биласиз-Ким одамни нигоҳи ила ўлдиришга қодир эмиш. Василиск билан адаштирманг уни, ҳурматли тингловчилар! Ишонмайсиз-ми? Келинг, оддий бир тест синовини ўтказиб кўрайлик. Сизга бақрайиб турган жонзоднинг оёғи борми? Агар бўлса, унинг кўзига бемалол қарашингиз мумкин, ўлмайсиз. Аммо Ўзингиз-Биласиз-Ким бақрайиб турган бўлса, кўзингизга, ушбу ёруғ дунёда кўринган сўнгги махлуқ ўша бўлади.

Гарри ўтган кўп ҳафталардан буён илк бор кулиб юборди. Зўриқиш бироз пасайиб, ўзини енгилроқ ҳис этди.

- Хорижда юргани ҳақидаги миш-миш гаплар борасида нима дея оласиз? - сўради Жордан.

- Нима ҳам дер эдим? Ким истамайди хотиржам яшашни? - жавоб берди Фред, - Гап шундаки, Ўзингиз-Биласиз-Ким юрт ҳудудида йўқлиги, демакки, бирон-бир хавф бўлиши мумкин эмаслигига ишониб, баъзи кишилар янглиш хотиржамликка берилиб қолишади. Юрт ҳудудидами у, хориждами, аҳамияти йўқ. Унинг тез ҳаракатланиш, профессор Снегг ёғли сочини шампунь билан ювишга улгурмай, ҳар қандай манзилга етиб кела олиш қобилиятига эгалиги кўпчиликка маълум.

Бинобарин, таваккал қилишни истамас экансиз, унинг узоқда эканлиги билан ўзингизни ўзингиз алдаманг. Илгари ҳеч

ўйламаган эканман, кун ўтиб бир кун шу гапни айтаман, деб. Илож қанча, айтаман: авваламбор хавфсизлик таъминланиши кераклигини унутманг!

- Оқилона фикрингиз учун ташаккур, Рапье, - миннатдорлик билдирди Жордан, - Қадрли тингловчилар, Поттер-хабар дастурининг бугунги сони ўз ниҳоясига етди. Сиз билан яна қачон учрашишимиз мумкинлигини ҳозирча аниқ билмаймиз, лекин учрашишимиз муқаррар эканлигига ишонтирамиз. Келаси сафарги эшиттиришимиз учун пароль «Ўйноқи кўз». Бир-бирингизни авайланг. Иймонингизни асранг. Хайрли тун! Карнайда тарс-турс эшитилиб, созлаш панелининг чироғи ўчди. Гарри, Рон ва Гермиона бахтиёрликдан яшнашмоқда. Таниш одамларнинг дўстона овозларини эшитиш тоза ҳавода тўйиб нафас олиш билан борабардир. Гарри ташқи дунёдан яккаланиб юришга шу қадар кўникиб қолган экан-ки, Вольдемортга қарши курашаётган бошқа одамлар ҳам борлигини унутишга улгурибди. Ҳозир у ўзини узоқ давом этган уйқудан уйғонгандай ҳис этмоқда.

- Зўр бўлди, а? - сўради Рон.

- Гап бўлиши мумкин эмас! - тасдиқлади Гарри.

- Жуда дадил кўрилган иш, - хўрсинди Гермиона, - Агар топиб олишса...

- Улар ҳам бир ерда ўтирмай, биздай ҳаракатда бўлишса керак, ахир? - деди Рон.

Дастур ниҳоясига етиб, Гаррининг фикр-мулоҳазалари яна эски ўзанига қайтди.

- Фреднинг гапини эшитдинг-ми? - сўради у, ҳаяжон-ла, - У хорижда юрибди! Катта сеҳрли таёқча қидириб юрганига ишончим комил!

- Гарри...

- Қўйсанг-чи, Гермиона, нега сен ўжарлик-ла инкор этасан, Воль...

- ГАРРИ, ЙЎҚ!

- ... деморт Катта сеҳрли таёқчани қидириб юрганини?!

- Исмни талаффуз этиш ман этилган! - ўкирди Рон, чодир яқинида баланд қарсиллаш эшитилганидан оёққа қалқиб туриб, - Айтган эдим-а, сенга, Гарри! Айтган эдим, исмини талаффуз этиш мумкин эмас, деб. Чодир атрофидаги ҳимоя пардасини янгилаш керак. Зудлик билан! Акс ҳолда...

Рон жим бўлди. Сабабини Гарри тез фаҳмлади. Стол устидаги офатскопнинг чироғи ёниб, айлана бошлаган. Атрофда дағал, ҳаяжонли овозлар эшитилмоқда. Рон киссасидан делюминаторни чиқариб, ишга солди. Чодирдаги чироқларнинг бари ўчди.

- Қўлингизни кўтариб, ташқарига чиқинг! - эшитилди қоронғилик қаъридан хирилдоқ овоз, - Ҳаммангиз ичкарида эканлигингизни биламиз! Олтита сеҳрли таёқча сизга ўқталган, кимга нима бўлиши бизни қизиқтирмайди!

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ. МАЛФОЙЛАР УЙИ

Ерда ётган Гарри қоронғиликка, дўстларига қаради, Германионнинг қўлида сеҳрли таёқча кўрди-ю, юзига оқ нур урилиб, кўриш қобилиятини йўқотганча, оғриқдан ингради. Кўзини қўли билан тўсар экан, юзи шишаётганини ҳис этди. Қандайдир одамлар уни қуршаб олди.

- Туринглар, ярамаслар.

Кимнингдир қўли қўполлик-ла Гаррини ердан кўтарди. Балки у, агар сеҳрли таёқчасини киссасидан топиб чиқарганда, ушбу одамларни енга олар эди, лекин ҳозир унга қаттиқ оғриётган, худди аллергияга йўлиққан каби, шишиб, таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб бораётган юзидан кафтини олиши қийин кечяпти. Қовоғи шу даражада шишиб кетган-ки, кўзига ҳеч нарса кўринмаяпти. Рон билан Германиони тутиб олган тўрт кишининг шарпасини илғай оляпти холос.

- Қўйиб юбор... қизни... тез! - бақирди Рон.

Танага зарб берган бўғинларнинг ёқимсиз қарсиллаши, Роннинг оғриқдан хириллагани эшитилди.

- Йўқ, йўқ! Тинч қўйинг уни! Тинч қўйинг!

- Агар исми менинг рўйхатимда топилса, дўстингнинг ҳолига маймунлар йиғлайди, - янгради таниш ва ниҳоятда ёқимсиз овоз, - Дилрабо қизалоқ экан... ҳузур-ҳаловатнинг ўзгинаси-я!... юмшоққина тери қопламасини жуда хуш кўраман...

Гарри гапираётган одамни овозидан таниб, қорин соҳаси худди томир тортишгандай бураб оғриди. Бу овоз соҳиби ўта ваҳший бўлгани учун Ўлимдан мириқувчилар томонидан ёлланган махлуқ тусига кирадиган Фенрир Уолкдир.

- Чодирни тинтув қил! - буюрди бошқа овоз.
- Гаррини кимдир ерга, юзини пастга қаратиб ташлади.
- Нимадир гуп этиб тушганидан, Рон ҳам ёнига ташланганини тушунди. Чодирни тинтув қилаётган одамлар курсиларни ҳар томон суришмоқда.
- Қани, кўрайлик-чи, кимлар тушди экан бугун қўлимизга, - деди Уолк ичиқоралик-ла.
- Гаррини белига ағдариб, юзини ёритишди.
- Сени анча ювиб тозалашга тўғри келади шекилли, - кулди Уолк, - Нима қилди сенга, бадбашара?
- Гарри индамади.
- Сендан сўраяпман, - деди Уолк, Гаррининг кўкрак соҳасидаги қуёш ўрилмасига зарба бериб, - Нима қилди сенга?
- Нимадир чақди юзимни, - ғудуллади Гарри.
- Ҳа, чиндан ҳам нимадир чаққан кўринади, - эшитилди бошқа овоз.
- Исминг? - ириллади Уолк.
- Дудли, - жавоб берди Гарри.
- Фамилиянг?
- Вернон. Дудли Вернонман мен.
- Рўйхатни кўриб чиқ-чи, Скабиор, - буюрди Уолк.
- Уолк Рон томон қадам ташлади.
- Хўш, сен кимсан?
- Стэн Қўриқчиман, - жавоб берди Рон.
- Ёлғон гапирма, - деди Скабиор, - Стэнни танийман. Бизга бироз ёрдам бериб юрган у.
- Яна зарба товуши эшитилди.
- Барди, исмим Барди Уэсли.
- Гарри фаҳмлашича, Роннинг оғзи қонга тўлган.
- А-а, Уэслиман дегин? - ириллади Уолк, - Магловаччалардан эмас, ота-онанг. Ва ниҳоят, лобар қизалоқ...
- Уолкнинг оҳанги Гаррининг вужудини титратиб юборди.
- Ўзингни бос, Уолк, - огоҳлантирди Скабиор.
- Йўқ, уни шу тобда ғажимайман, албатта. Ўз исмини Бардига қараганда яхшироқ эслашини текшириб кўрамиз холос. Хўш, қизалоқ, сен кимсан?
- Пенелопа Клеарвотер, - жавоб берди Гермiona.
- Қонинг мақоми?

- Чалазот.
- Буни текшириб кўриш қийин кечмайди, - деди Скабиор, - Ёшига кўра, учаласи «Хогварц» ўқувчиларига ўхшайди.
- Бизни ҳайдаб юборишди, - деди Рон.
- Ҳайдаб юборишди, дегин? Шундан сўнг учалангиз сафарга чиқишга аҳд қилгансиз, а? Энди эса, қилгани иш топа олмай, Ёвуз Лорднинг исми устидан кулиб ўтирибсиз, шундайми? - сўради Скабиор.
- Кулганимиз йўқ, тасодифан шундай бўлиб қолди, - деди Рон.
- Тасодифан? - кулган бўлди Уолк, ириллаб, - Ёвуз Лорднинг исмини кимлар талаффуз этганини биласанми, Уэсли? Қақнус ордени аъзолари. Бу нимани англатишини биласанми?
- Йўқ.
- Улар Ёвуз Лордга эҳтиром кўрсатишмаган, исмини талаффуз этиш ман этилганини писанд қилишмаган. Орден аъзоларининг бир неча нафарини қўлга олганмиз. Кўрамиз ҳали. Ташланглар уларни анави орденчилар ёнига! Кимдир Гаррининг сочини чангаллаб, нари тортиб кетди. Пастга итариб, ерга ўтқизди-да, белини бировнинг белига қадаб, боғлади. Унинг кўриш қобилияти ҳамон тиклангани йўқ. Қовоғи шишиб, теварак-атрофни базўр илғамоқда. Уларни боғлаган одам нари кетгач, пичирлаб сўради:
- Сехрли таёқчангиз ёнингиздами?
- Йўқ, - эшитилди Рон билан Гермионанинг овози.
- Мендан хато ўтди, исмини талаффуз этиб юбордим. Узр...
- Гарри?
- Орқа томондан янги, лекин таниш овоз эшитилди.
- Дин?
- Сенмисан? Агар анавилар кимни тутиб олишганини англаб етишса борми!... Овчилар улар. Қочиб юрганларни тилла ишлаб олиш учун қидириб юришади...
- Бир кечанинг ўзида ёмон ўлжа бўлмади, - эшитилди чодирни тинтув қилаётган Уолкнинг овози, - Магловачча, гоблин ва мана бу болалар. Скабиор, уларнинг исmlарини рўйхатдан топдинг-ми?
- Вернон Дудли деганлари рўйхатда йўқ, Уолк.
- Қизик, - деди Уолк, - Жуда қизик.

Гарри оқарган сочи юзига чигаллашиб тушган, чекка соқол қўйган, тиши жигар ранг, лабининг чети жароҳатланган Уолк ёнига келиб чўккалаганини шишган кўзи билан базўр кўра олди. Ундан балчиқ, қон ва тер ҳиди Дамблдор ўлдирилган оқшомда қандай уфурган бўлса, ҳозир ҳам шундай анқиб турибди.

- Демак сен, Вернон, қидирувда эмассан. Ёки рўйхатимизга бошқа исминг қайд этилганми? «Хогварц»нинг қайси факультетида ўқигансан, сен?

- «Слизерин»да, - тез жавоб берди Гарри.

- Шуниси қизиқ-ки, - деди қоронғиликда турган Скабиор, - Негадир ҳамма айнан мана шу факультет номини айтишга ошиқади. Бироқ ҳеч ким слизеринчиларнинг умумий меҳмонхонаси қаерда жойлашганини айтиб бера олмайди.

- Ер остида жойлашган. У ерга тош зинадан тушилади. Ўтиш йўлларининг мураккаб лабиринти чуқурга, қаср қаърига олиб боради. Факультетнинг умумий меҳмонхонасига дағал тошдан кўтарилган девор орқали кирилади. Хона занжирларга илинган думалоқ яшил шамдонлар осилган паст шифтдан иборат ертўла кўринишига эга. Бош суяклари жуда кўп ўрнатилган у ерда. Кўл остида жойлашгани боис, яшил рангда ёришади.

Орага қисқа сукунат чўкди.

- Яхши. Биз чиндан ҳам слизеринчилардан бирини тутиб олган кўринамиз. Бу сенинг фойданга ўйнайди, Вернон. «Слизерин»да ўқийдиган магловаччани топиш амри маҳол. Отанг ким?

- Вазирликда ишлайди у, - алдади Гарри, - Сеҳрли ҳалокатлар ва бахтсиз ҳодисалар департаментида.

Масалага ойдинлик киритиш борасида амалга ошириладиган арзимаган текширув унинг ёлғонини фош этиши муқаррар. Шу вақт ичида Гарри юзи ўз ҳолига қайтишига умид қилмоқда.

- Фенрир менимча, Вернон фамилияли киши ишлайди, ўша департаментда, - деди Скабиор.

Гаррининг нафаси тезлашди. Омад чопди-ми? Уларни ушбу вазиятдан олиб чиқадиган омад бўлиши мумкинми?

- Яхши, яхши... - деди Уолк.

Гарри Уолкнинг дағал овозида кўрқув оҳангини эшитди.

Афтидан у, вазирлик ходимининг боласини тутиб олгани учун нохуш оқибатлар ҳақида ўйга толган кўринади. Гаррининг юраги маҳкам боғланган кўкрак қафасини ёриб чиқар даражада тепмоқда. Буни Уолк сезса, ҳеч ҳам ажабланарли бўлмайди.

- Гапинг рост бўлса, бадбашара, вазирликка ташрифдан кўрқмасанг ҳам бўлаверади, - қарор қилди Уолк, - Қайтариб берганимиз учун отанг бизни яхшигина тақдирлаши керак.
- Агар ижозат берсангиз, - гап бошлади оғиз бўшлиғи қуриб қолган Гарри, - Биз...

- Ҳой, Уолк! - қичқирди кимдир чодир ичидан, - Мана буни кўриб қўй!

Хитоб қилган киши югуриб келди. Сехрли таёқчалар таратаётган ёруғлик нурида аллақандай буюм кумуш тусда ярқиради. Овчилар Гриффиндор қиличини топиб олишди.

- Войбў, зўр-ку! - мақтади Уолк, қилични қўлига олиб, кўздан кечирар экан, - Жуда соз! Гоблинлар ишига ўхшайди.

Қаердан олдинг уни?

- Отамнинг қуроли, ўтин ёриш учун олган эдим, - жавоб берди Гарри, соп яқинидаги ёзувга биров эътибор қилмаслигига умид қилиб.

- Шошма, Уолк! «Башорат-у, каромат газетаси»нинг мана бу сонига қара!

Скабиорнинг ушбу сўзларини эшитиш билан бир вақтда Гарри шишган пешанасидаги чандиғига кучли оғриқ кирганини ҳис этди. Унинг кўз олдида ён-атрофидаги бошқа нарсаларга нисбатан аниқроқ кўринган баланд, кўмирдек қоп-қора, ичи зим-зиё қаср биноси гавдаланди.

Вольдемортнинг онги Гаррининг онгига устара тиғи каби, кесиб сингиди. Ҳозир у кўзланган мақсад устидан тантана қилинган вазмин туйғу ила улкан бино томон сирпаниб бормоқда.

Жуда яқин... ниҳоятда яқин...

Иродасига зўр берган Гарри ўз онгини Вольдемортнинг онги учун ёпишга муваффақ бўлиб, ўзини Рон, Гермiona, Дин ва Цапкрюк билан ўтирган, Уолк билан Скабиор гапираётган қоронғиликка қайтарди.

- Гарри Поттер билан бирга изғиб юргани ҳаммага маълум бўлган маглвачча Гермiona Грэнжер, - деди Скабиор.

Чандиғи чўғдай ёнаётганига қарамай, Гарри ўзини Вольдемортнинг хаёлларига берилмай, онгини шу ерда, ҳозирги замонда қолдиришга зўр берди. Гермионанинг устида энгашган махлуқ тусига кирадиган Уолкнинг ботинкаси ғичирлаганини эшитди.

- Фикримни билмоқчи бўлсанг, қизалоқ, мана бу фотосуратинг ҳақиқий гўзаллигинг олдида даҳшатнинг ўзгинаси экан.

- Бу мен эмас! Мен эмас!

Саросимага тушган Гермионанинг ушбу чинқириғи иқроор бўлганини англатди.

- Ҳамиша Гарри Поттер билан бирга изғиб юргани ҳаммага маълум, дегин? - вазмин оҳангда такрорлади Уолк.

Камҳаракатлик Гаррининг аҳволини мураккаблаштирган.

Унинг пешанасидаги чандиғи чидаб бўлмас даражада оғримоқда. Шунга қарамай, Вольдеморт фикрларининг тинимсиз оқимига қаршилиқ кўрсатмоқда. Ҳозир Гаррига ўз онгида қолиш жуда муҳимдир.

- Мана бу бошқа гап, а? - деди Уолк пичирлаб.

Ҳамма жим. Гарри кўплаб нигоҳлар унга қаратилгани, ёнида ўтирган Гермионанинг қўли қалтираётганини ҳис этмоқда. Уолк яна Гаррининг ёнига чўккалаб, шишган юзини диққат билан кўздан кечиришга киришди.

- Пешанангдаги нима, Вернон? - мулойим овозда сўради у, кир бармоғи билан Гаррининг чандиғини эзиб.

Уолкнинг оғзидан чиққан қўланса ҳид Гаррининг кўнглини беҳузур қилди.

- Тегманг! - ўкирди у, оғриқдан хушини йўқотиб қўйишдан қўрқиб.

- Кўзойнак тақиб юрсанг керак, деб ўйлар эдим, Поттер, - деди Уолк.

- Шошма, чодирда кўзойнак кўргандай бўлган эдим, - бақирди орқада турган овчилардан бири.

Хаёл ўтмай, Гаррининг юзига кўзойнак тақилди. Бир ерга йиғилиб олган овчилар Гаррига бақрайиб қолишди.

- Ана омад-у, мана тантана! Биз кимсан - шахсан Поттерни қўлга олибмиз-ку! - бақирди Уолк.

Ҳайратдан ҳамма бир неча қадам ортга ташлади. Боши ёрилгудай оғриётган Гарри хушини сақлаб қолишга уриниб,

айтгани сўз топа олмаяпти.

Кўзга кўриниш фурсатлари асл воқеликни узиб бормоқда... У қора қасрнинг мустаҳкам деворлари ортига бекиниб олган...

Йўқ, у боғлаб қўйилган, жиддий хавф остида қолган... Энг баланд миноранинг энг юқори деразасигача чиқиб

текшириш... Йўқ, бу Гарри, анавилар эса унинг тақдирини ҳал этишмоқда... учиш вақти бўлди...

- Вазирликка олиб борамизми?

- Жин урсин, ўша вазирликни! - ириллади Уолк, - Мукофотни ўзлари ўзлаштириб, бизни эсига ҳам олишмайди. Йўқ, уни бевосита Ўзингиз-Биласиз-Кимга топширамиз.

- Шу ерга чақирмоқчимисан уни? Шу ерга-я? - сўради даҳшатга тушган Скабиор, қўрқиб.

- Йўқ, - ириллади Уолк, - Мен... Ўлимдан мириқувчиларнинг сўзларига қараганда, у Малфойлар уйдан яширин қароргоҳ сифатида фойдаланар экан. Ўша ерга олиб борамиз Поттерни.

Уолк Вольдемортни чақирмаганининг сабабини тушунди.

Махлуқ тусига кирадиган ушбу одам ваҳшийлик учун керак бўлиб, унга Ўлимдан мириқувчиларга ўхшаб кийиниб юришга ижозат берилган-у, чап қўлига Ажал белгиси босилмаган.

Зеро, ундай белгига фақат Вольдемортнинг энг сара хизматкорларигина муносиб топилган. Уолк эса ундай шарафга муяссар бўлмаган.

Гаррининг чандиғи яна ловуллаб оғриди.

... у тунги осмонга кўтарилиб, энг баланд миноранинг деразаси томон учди.

- Бу чиндан ҳам ўша бола эканлигига ишончинг комилми, Уолк? Агар янглишган бўлсанг, маймунлар бизга аза тутди.

- Ушбу гуруҳнинг раҳбари ким? - таҳдид солиб ириллади махлуқ тусига кирадиган Уолк, - Бу бола Поттер. Яъни сеҳрли таёқчаси билан бирга қўшиб ҳисоблаганда икки юз минг галеон, дегани! Агар юракларинг дов бермаётган бўлса, жилинг бу ердан, ҳаммаси ўзимга тегади. Қизалоқни эса қўшимча мукофот тариқасида қолдираман ўзимга!

... Дераза қора қоя қийиғи бўлиб, катта эркак ўта олмайдиган даражада тор... Скелетни эслатаётган тана адёл остида базўр кўриняпти... ўлик-ми у, тирик-ми, билиб бўлмайди...

- Яхши, Уолк, биз сен билан! - деди Скабиор, - Қолганларни

нима қиламиз?

- Ҳаммасини олиб борамиз. Анави иккита магловачча учун ўн галеон берилади. Бундан ташқари, бер бу ёққа қилични, мана бу тошлар ёқут бўлса, қўшимча даромад бўлади.

Асирлар оёғидан тортиб кетилди. Гарри ёнидаги Гермионанинг қўрқиб кетиб, тез-тез нафас олаётганини эшитди.

- Граб, сен мана буларни ушла. Мен Поттерни олай, - деди Уолк, Гаррининг сочидан маҳкам чангаллаб.

Уолкнинг кирлигидан сарғайиб кетган узун тирноғи Гаррининг бошига ботди.

- Учгача санайман! Бир, икки, уч...

Асирларни маҳкам ушлаган овчилар ҳавода даф бўлди. Гарри Уолкнинг чангалидан халос бўлишга уринди-ю, натижа бўлмади. Рон билан Гермионани унга маҳкам тақаб қўйишган. Гарри улардан узоқлаша олмаяпти. Нафаси издан чиқиб, чандиғи баттар оғрияпти...

... у қоя қийиғидан илон сингари ўрмалаб ўтиб, хона полига осон тушди...

Шаҳар тор кўчасига қўнгач, асирлар бир-биридан ажратилди. Гаррининг шишган кўзи жойга мослашиб, дароз кўчадан бир қадам четдаги икки тавақали металл дарвозани илғай олиши учун бир дақиқача вақт керак бўлди. У нисбатан енгил тортди. Энг ёмони ҳали рўй бергани йўқ, чунки Вольдеморт бу ерда эмас. Миясидаги кўринишларга қаршилик кўрсатаётган Гарри буни яхши билади. Вольдеморт ҳозир қандайдир ғалати жойда, қасрнинг энг юқори минорасида. Гарри Поттер қўлга олинганидан хабар топиб, бу ёққа қанчалик тез етиб кела олиши эса, мутлақо бошқа масала. Овчилардан бири дарвозани очишга уриниб, тавақасини итариб, силтади.

- Қандай кирамиз, Уолк? Ичкаридан қулфланган. Мен... воҳ, жин урсин!

Қўрқиб кетган овчи қўлини дарвозадан тортди. Металл буришиб, хунук башара ҳосил қилгач, савол янгради:

- Ташрифингиздан мақсад?

- Биз Поттерни тутиб келдик! - ириллади Уолк.

Дарвоза очилди.

- Килинг! - буюрди Уолк шерикларига.

Асирлар қадам товушини сўндирган дарвоза ва тўсиқлар орқали ҳовлига киришди. Кўзи юқорида ўтирган қушнинг хира қоматини илғаган Гарри, ушбу жонивор оқ тусли товус нари эканлигини тушунди. Уолкнинг оёғига қоқилиб кетган Гарри бошқа асирлар билан изма-из одимлади. Оғриқ чандиқ орқали ўтиб, Вольдеморт ҳозир нима билан банд эканлиги, Поттер қўлга олинганидан бохабарлигини билиш учун шишган кўзини чирт юмди.

Адёлга ўраниб ётган озғин киши ёнбошига бурилиб, кўзини очди. Бемажол қария ётган ўрнига ўтириб, бош суягига ботиб кетган кўзи билан Вольдемортга қараб, кулди. Тиши тўкилиб, соғи қолмабди...

- Охири келибсан-да. Билар эдим, кун ўтиб бир кун шу ерга келишингни. Лекин ташрифидан наф йўқ. Менда ҳеч қачон бўлмаган у.

- Ёлғон гапиряпсан!

Вольдемортнинг ғазаби қайнаб, Гаррининг чандиғидаги оғриқ баттар кучайганидан боши тарс иккига бўлиниб кетадигандай бўлди. Асирлар шағол йўлакдан тушган фурсатда Гарри ҳам ўз танасига қайтди.

Ёруғликдан кўз қамашди.

- Нима бу? - эшитилди аёл кишининг совуқ овози.

- Биз Исми-Тилга-Олинмайдиган-Кишини кўришимиз керак! - талаб оҳангида маълум қилди Уолк.

- Ким сизлар?

- Сен мени яхши танийсан! - хитоб қилди, махлуқ тусига кирадиган одам аччиқланиб, - Фенрир Уолк эканлигимни кўриб турибсан! Биз Гарри Поттерни тутиб келдик.

Уолк Гаррини чангаллаб, ёруғликка чиқарди. Бошқа асирлар ҳам олдинга туртилди.

- Биламан, хоним, унинг юзи шишиб, таниш қийин кечади.

Лекин бу бола Поттер эканлиги аниқ, - деди Скабиор, - Разм солиб қарасангиз, пешанасидаги чандиқни кўрасиз. Мана бу қизни кўряпсиз-ми? Бу Поттерга ҳамроҳлик қилиб юрган магловачча. Поттер эканлигига шубҳа қилмасангиз ҳам бўлаверади. Сеҳрли таёқчасини ҳам олиб келганмиз!

Марҳамат, хоним...

Юзига разм солаётган аёлни шишган қовоғи орасидан кўрган Гарри Нарцисса Малфойни таниди. Скабиор аёлга сеҳрли

таёқчани кўрсатди.

- Олиб кириш, - деди аёл.

Гарри ва қолган асирлар полига тош тўшалган, деворларига расмлар осилган даҳлизга туртиб киритилди.

- Ортимдан юриш, - буюрди Нарцисса, зал томон одимлаб, - Ўғлим Драко уйда, Пасха таътилида. Агар бу бола чиндан ҳам Гарри Поттер бўлса, танийди.

Ташқаридаги қоронғиликдан ичкарига кирган одамларнинг кўзи меҳмонхона чироғидан қамашди. Кўзи деярли юмуқ бўлса ҳам, Гарри хонанинг ниҳоятда кенг эканлигини фаҳмлади. Баланд шифтдан жуда катта биллур қандил осилиб тушган. Тўқ бинафша девор кўпдан кўп портретлар билан безалган. Асирларни чангаллаб олган овчилар хонага киришгач, камин олдида ўтирган икки кишидан бири ўрнидан турди.

- Бу нимаси?

Ҳар бир сўзни чўзиб гапирадиган овоз соҳиби – Люциус Малфойни Гарри дарҳол таниди, саросимага тушиб, вазиятдан чиқиш йўлини кўрмади ва шу боис, гарчи пешанасидаги чандиғи оғриётган бўлса-да, Вольдемортнинг фикрини тўсиш осон кечди.

- Мана бу кишиларнинг гапига қараганда, улар Поттерни тутиб олишган эмиш, - эшитилди Нарциссанинг совуқ овози, - Драко, яқинроқ кел.

Гарри Дракога тик қарагани журъат этмади, лекин кўз қири билан кўриб турибди. Бўйи Гаррига нисбатан новчароқ, оқиш сочи рангпар юзига тушган йигит креслодан турди.

Уолк асирларни боз туртиб, Гаррини қандил остига чиқарди.

- Хўш, йигитча? - ириллади Уолк.

Камин устидаги, ҳошиясига олтин суви юритилган кўзгу рўпарасига келиб қолган Гарри қия очилган кўзи билан ўз аксини Пинҳонийлик майдонидаги 12- уйни тарк этгандан буён илк бор кўрди. Германионнинг қарғиши сарғиш пушти юзини товоқдай катталаштириб, чиндан ҳам бадбашара қилиб қўйибди. Сочи ўсиб, елкасига тушибди, жағининг атрофи кўкарибди. Кўзгуда ҳақиқатан ҳам ўз аксини кўраётганига ишонмади. Қандайдир бегона кишининг аксига ўхшайди, боз устига, биров унинг кўзойнагини тақиб олгандай бўлибди. Овози сотиб қўймаслиги учун Гарри чурқ

этмасликка аҳд қилди. Яқин келган Драконинг кўзига тик қарамади.

- Хўш, Драко, нима дейсан? - сўради дадиллашган Люциус, - Ўша болами? Гарри Поттер-ми?

- Бир нима дейиш қийин... Ишончим комил эмас, - жавоб берди Драко.

Драко ўзини Уолкдан нари тутиб, афтидан, у ҳам, худди Гарри каби, асирнинг кўзига тик қарашга журъат этмаяпти.

- Диққат билан разм сол, ўғлим. Олдига яқинроқ бор!

Гарри ҳеч қачон Люциус Малфойнинг бу даражада ҳаяжонланганини кўрмаган.

- Драко, агар биз уни Ёвуз Лордга ўз қўлимиз-ла топширсак, кўплаб гуноҳларимизни ювган бўламиз...

- Аслида уни ким тутганини унутмайлик, мистер Малфой, - деди Уолк, таҳдид оҳангида.

- Албатта. Унутмаймиз, албатта! - тез жавоб қайтарди Люциус.

Гарри қафас катаклари орқали қарагандай, жуда яқин келган Люциуснинг шалвираб, қони қочган юзини, аниқ кўрди.

- Нима қилиб қўйдингиз уни? - сўради Люциус, Уолкка мурожаат қилиб, - Қандай қилиб солиб қўйдингиз уни, бундай аҳволга?

- Бизнинг ишимиз эмас бу.

- Фикримча, юзига Куйдирги қарғиши қўлланилган кўринади,

- ташхис қўйди Люциус, кул ранг кўзи билан Гаррининг пешанасини ўрганиб чиқар экан, - Нимадир бор, пешанасида,

- пичирлади у, - Чандиғи бўлса керак... Драко, кел бу ёққа, дурустроқ қара! Хўш, нима дейсан?

Гарри отасининг ёнида турган Драконинг юзига қаради.

Иккаласи бир-бирига жуда ўхшар экан. Отаси Гаррига ҳаяжон-ла қараётган бўлса, ўғли истар-истамас, қўрқа-писа қарамоқда.

- Билмадим, - деди Драко, камин олдида кузатиб турган онаси томон одимлаб.

- Ишончимиз комил бўлиши шарт, Люциус, - деди Нарцисса совуқ оҳангда, - Ёвуз Лордни чақиришдан олдин, бу бола чиндан ҳам Гарри Поттер эканлигига амин бўлишимиз лозим... Овчиларнинг сўзларига қараганда, мана бу сеҳрли таёқча Поттернинг таёқчаси эмиш. Бироқ Олливандернинг

сўзларига ишонадиган бўлсак, - тёрндан ясалган сеҳрли таёқчани кўзига яқинроқ келтирди аёл, - Поттернинг сеҳрли таёқчаси эмас бу... Агар хатога йўл қўйиб, Ёвуз Лордни чақирсак... У Роул билан Долоховни нима қилгани эсингдан чиқмагандир ҳали?

- Магловаччаларни нима қиламиз, унда? - ириллади Уолк, Гаррини четга улоқтирганча, Гермионани ёруғликка тортиб.

- Шошманг, - хитоб қилди Нарцисса, - Тўғри, миссис Малкиннинг ҳузурида Поттер билан бирга шу қиз бўлган!

Унинг фотосуратини «Башорат-у, каромат газетаси»да кўрганман! Қара-чи, Драко, Грэнжер деганлари шуми?

- Мен... эҳтимол... ҳа.

- Ундай бўлса, мана бу - Уэсли! - қичқирди Люциус, Роннинг ёнига келиб, - Бу ўшалар, Драко, Поттернинг дўстлари. Мана бу нусхага қара, Артур Уэслининг ўғли эмасми бу? Исми нима эди?...

- Ҳа, бўлиши мумкин, - жавоб берди асирларга тескари ўгирилиб турган Драко.

Гаррининг орқасида эшик очилиб, яна бир таниш аёлнинг овози эшитилди.

- Тинчликми, Цисси? Нима бўлди?

Беллатрикс Лестрангнинг овози Гаррининг вужудини баттар титратди. Аёл асирларни шошмай кўздан кечириб чиқиб, Гаррининг ўнг томонида тўхтаганча, Гермионага диққат билан қараб қолди.

- Ие, магловачча-ку, бу? - деди у, вазмин оҳангда, - Грэнжер!

- Ҳа, ҳа, бу ўша, Грэнжер! - хитоб қилди Люциус, - Унинг ёнида турган бола эса, фикримизча, Поттер! Поттер билан унинг дўстлари ниҳоят қўлга олинди!

- Поттер қўлга олинди? - овоз кўтарди Беллатрикс, Гаррини дурустроқ кўриш учун орқага қайтиб.

- Ишончинг комилми? Ундай бўлса, зудлик билан Ёвуз Лордга хабар бериш керак!

Беллатрикс чап қўлини кўтариб, енгини пастга тортди. Гарри Беллатрикснинг қўлидаги куйдириб босилган Ажал белгисини кўрди. Ўлимдан мириқувчи аёл ўз суюкли соҳибини чақириш учун ушбу белгига бармоқ теккизса, бас...

- Уни ўзим чақираман! - бақирди Люциус, аёлнинг биллагидан маҳкам ушлаб, - Мен чақираман уни. Поттер менинг уйимда,

демак у менинг ихтиёримда...

- Сенинг ихтиёрингда! - хандон отди Беллатрикс, қўлини бўшатишга уриниб, - Сеҳрли таёқчангни олдирган кунинг ихтиёрингни йўқотиб бўлгансан, Люциус! Қандай журъат этяпсан! Торт қўлингни мендан!

- Сенга бунинг аҳамияти йўқ, болага тегма...

- Маъзур сананг, мистер Малфой, - гап қистирди Уолк, - Поттерни қўлга олган биз бўламиз, демак олтинни ҳам биз талаб қиламиз...

- Олтинни! - хандон отишини қўймади Беллатрикс, поччасининг қўлидан халос бўлишга уринганча, бошқа қўли билан киссасидан сеҳрли таёқчасини чиқариб, - Тиқилиб ўлмайсанми олтинга, ифлос ахлатчи, олтинни нима қиламан?! Менга унинг иззат-икромни ке...

Аёл қўлини халос қилиш ҳаракатини тўхтатиб, Гаррига кўринмаётган аллақандай нуқтага бақрайиб қолди.

Қайнисинглисидан кучли чиқиб, эришган ғалабасидан севинган Люциус Беллатрикснинг қўлини қўйиб юбориб, ўзининг чап енгини шартта йиртди.

- ТЎХТА! - бақирди Беллатрикс, - Тегма белгига! Ёвуз Лордни ҳозир чақирадиган бўлсак, бошимиз кетади!

Люциус ҳаракатдан тўхтаб, кўрсаткич бармоғи Ажал белгиси устида муаллақ осилганча қолди. Беллатрикс жойидан қўзғалди, лекин қаёққа йўл олганини Гарри кўрмади.

- Нима бу? - сўради Беллатрикс.

- Қилич, - жавоб берди овчи, хирилдоқ овози билан.

- Бу ёққа узат уни.

- Сизники эмас, у, мисс. Мен топдим уни, демак меники у. Қаттиқ зарба эшитилиб, қизил яшин чақнади. Овчи донг қотди. Қолган овчилар эътироз-ла ўкиришди, Скабиор эса сеҳрли таёқчасини чиқарди.

- Нима билан ўйнашяпсан, ҳой жувон?

- Ступефай! - қичқирди Лестранг, - Ступефай!

Ушбу аёл учун тўрт нафар эркак чўт эмас. Беллатрикс Лестранг фавқулодда қобилиятга эга ўта шафқатсиз аёл эканлигини Гарри яхши билади. Қўлини олдинга узатиб, тиз чўккан ҳолатда қотган Уолкдан ташқари, овчиларнинг бари турган жойида қулади. Юзида қаҳр қиёфаси қотган Лестранг махлуқ тусига кирадиган одамнинг қўлидан қуролни тортиб

олди.

- Қилични қаердан олдинг? - шивирлаб сўради у, Уолкнинг сеҳрли таёқчасини қўлидан суғуриб олар экан.

- Кетини ўйлаб қил ишингни, ҳой жувон, - ириллади Уолк, оралари кенг тишини яланғочлаб, - Қўйиб юбор мени деяпман сенга.

- Сендан сўраяпман, қаердан олдинг бу қилични? - сўради Лестранг, қуролни Уолкнинг башараси олдида айлантириб, - Снегг уни Гринготтсдаги хонамга бекитиб қўйган эди!

- Анавиларнинг чодиридан топилди! - хириллади Уолк, - Қўйиб юбор мени, ҳой жувон!

Лестранг сеҳрли таёқчасини силтади. Махлуқ тусига кирадиган одам аёлнинг оёғи остига ташланди-ю, янада яқинроқ келишга журъат эта олмади.

У кресло атрофида айланиб, эгилган кир тирноқларини суянчиққа ботириб борди.

- Драко, мана бу чиқиндини уйдан чиқариб ташла! - буюрди Беллатрикс, хушига келаётган эркакларга имо қилиб, - Бир ёқли қилишга юрагинг бетламаса, мен учун орқа ҳовлида қолдир уларни.

- Ўғлим билан ундай оҳангда гаплашма! - дарғазаб бақирди Нарцисса.

- Жим! - ўқирди Беллатрикс, - Вазият биз ўйлагандан ҳам жиддий, Цисси! Бошимиз балога қолган кўринади, ниҳоятда жиддий балога!

Нафаси бўғилган Лестранг қилич сопини кўздан кечирди. Бироздан сўнг эса писиб қолган асирларга юзланди.

- Агар мана бу бола ҳақиқатан ҳам Поттер бўлса, унга зиён етказиб бўлмайди, - ғудуллади у, бошқаларга эмас, асосан ўзига ўзи эслатгандай бўлиб, - Ёвуз Лорд Поттердан шахсан ўзи халос бўлмоқчи... бироқ у, мана буни... мен билишим керак... тагига етишим керак...

У боз опасига мурожаат қилди:

- Бирон-бир қарорга келгунимча, асирларни ертўлага қаманглар!

- Бу менинг уйим, Беллатрикс, ўз уйимда кўрсатма берма менга...

- Айтганимни қил! Бизга қандай хавф таҳдид қилаётганини тасаввур ҳам қила олмайсан! - чинқириб юборди Лестранг.

Нигоҳи ҳали ҳеч ким кўрмаган даҳшатдан ярқираган Лестрангнинг сеҳрли таёқчасидан отилиб чиққан олов гиламни куйдириб тешди. Нарцисса бироз ўйлангач, Уолкка қараб, буюрди:

- Асирларни ертўлага қамаб чиқинг.
- Тўхта, - буюрди Беллатрикс, кескин оҳангда, - Анави магловаччадан ташқари... Уолк бир маза қилсин.
- Йўқ! - бақирди Рон, - Йўқ! Мана мени олинглар, нима қилсаларинг мени қилинглари! Фақат уни ўз холига қўйинглари!

Беллатрикс Роннинг юзига қаттиқ урди. Зарба товуши бутун хонада акс-садо бериб эшитилди.

- Агар сўроқ жараёнида унинг жони узулгудай бўлса, албатта сени чақиртираман, - ваъда берди Беллатрикс, - Тоза қонига хиёнат қилган сеҳргарлар менинг китобимда магловаччалардан кейин қайд этилган. Пастга олиб туш уларни, Уолк. Хавфсизликларига эътибор бер. Ҳар эҳтимолга қарши, ҳозирча уларга зиён етказма.

Беллатрикс Уолкнинг сеҳрли таёқчасини қайтариб бериб, кийимининг қатидан қисқагина кумуш пичоқ чиқарди. Сўнг Гермионанинг сочидан чангаллаб, хона ўртасига тортиб кетди. Уолк эса қолган асрларни хонадан ертўлага олиб тушадиган бошқа эшик томон етаклади.

- Сўроғи тугаганда қизалоқни менга топширади, деб ўйлайсиз-ми? - деди Уолк, асирларни йўлак бўйлаб олиб борар экан, - Бир-икки марта тишлаб олишга улгурсам ҳам, катта гап.

Гарри Роннинг вужуди титраётганини ҳис этмоқда. Улар бир-бирига боғланган ҳолда тик зинадан ертўлага тушишди. Уолк ўз сеҳрли таёқчаси билан пастдаги оғир эшикни очди. Асирларни моғорлаган зах хонага туртиб киритиб, зулматда қолдириб кетди.

Ёпилган эшикнинг қулоқни қоматга келтирган гумбурлаши сўнмай туриб, юқоридан кишининг юрагини эзиб юборадиган қичқириқ эшитилди.

- ГЕРМИОНА! - ўқирди Рон, арқондан халос бўлиш учун бефойда уриниб, - ГЕРМИОНА!
- Жим! - деди Гарри, - Жим бўл, Рон! Ўйлаб кўришимиз керак...

- ГЕРМИОНА! ГЕРМИОНА!

- Бирон нарса ўйлаб топишимиз керак, ахир. Бас қил ўқиришни... мана бу арқонларни...

- Гарри? - эшитилди пичирлаган овоз қоронғиликдан, - Рон? Сизми?

Рон қичқирди. Кимдир уларнинг ёнига келди.

- Гарри? Рон?

- Луна?

- Ҳа, мен! Сизларни тутиб олишларини ҳеч истамаган эдим!

- Луна, мана бу арқонни еча оласанми? - сўради Гарри.

- Ҳа, менимча, бу масалада ёрдам бера олсам керак. Агар бирон нимани синдириш керак бўлса, биз бу ерда эски михдан фойдаланамиз... Ҳозир, бир дақиқа...

Гермиона боз қичқирди. Беллатрикс Лестрангнинг ҳам сўзларини илғаб олса бўлади, лекин Рон яна ўқира кетди:

- ГЕРМИОНА! ГЕРМИОНА!

- Мистер Олливандер, мистер Олливандер, мих сизда эдими?

- сўради Луна, - Агар бироз сурилсангиз... менимча у, сув кўзасининг ёнида ётибди.

Бир неча сония ўтгач, Луна қайтиб келди.

- Бироз сабр қилишингизга тўғри келади, - деди қиз.

Гарри қизнинг тугун ечиш учун арқон ўгираётганини ҳис этиб ўтирди. Юқорида Лестрангнинг бақир-чақири янгради.

- Такрор сўраяпман, қилишни қаердан олдиларинг? Қаердан?

- Топиб олдик биз уни... топиб олдик... ИЛТИМОС! - боз чинқирди Гермиона.

Рон илгаригидан ҳам кучли силтангани боис, Лунанинг қўлидаги мих Гаррининг биллагига санчилди.

- Рон, илтимос, бир пас тинч ўтир, - пичирлади Луна, - Нима қилаётганимни кўрмайпман, ахир.

- Чўнтагимда, - деди Рон, - Чўнтагимда делюминатор бор, ичи тўла ёруғлик!

Яна бир неча сониядан сўнг шиқиллаган товуш эшитилди.

Делюминатор ичидан отилиб чиққан ёруғлик шарлари қуёшнинг митти нусхалари каби ертўла шифтига кўтарилиб, ўша ерда осилганча, атрофни ёритди. Гарри юзидан ранги қочган Лунанинг уқки кўзларини, бурчакда, полда ғужанак бўлиб олганча, ҳаракатсиз ётган мистер Олливандерни кўрди. Бўйинини кўтариб, асир ўртоқлари Дин Томасни ва

хушини йўқотиш арафасидаги гоблин Цапкрюкни кўрди.

- Ана, бўлар экан-у! Энди арқон ечиш осонроқ кечади, - деди Луна, - Раҳмат, Рон. Салом, Дин!

Яна Беллатрикснинг бақирлиги эшитилди.

- Ёлғон гапиряпсан, жирканч магловачча! Кўзингдан кўриб турибман. Гринготтсдаги хонамга киришгансан! Гапир, ростини гапир дедим сенга!

Яна юракни эзадиган қичқириқ...

- ГЕРМИОНА!

- Яна нимани ўғирлаб чиқдиларинг? Нимани олдиларинг? Тўғриси айт, ё онт ичаман, мана шу ханжарни сопиғача тикаман ҳозир!

Гарри арқон бўшаганини ҳис тиб, билакларини уқалади. Рон эса туйнук топиш мақсадида ертўла бўйлаб югура кетди.

Юзи қонаган Дин Лунага миннатдорлик билдириб, Гаррининг ёнига келди. Калтакланиш оқибатида аъзойи бадани жароҳатланган Цапкрюк эса ерда ҳолсиз ётганча қолди.

Рон сеҳрли таёқчасиз ҳавода даф бўлишга уриниб кўрди.

- Бу ердан чиқиб кетишнинг иложи йўқ, Рон, - деди Луна, Роннинг бефойда ҳаракатларини кузатиб ўтириб. Мен ҳам бошида кўп уриндим. Мистер Олливандер мендан анча олдин қамалган. У ҳам кўп уринган экан.

Гермиона яна бақирди. Унинг қичқириги Гаррининг жонини оғритмоқда. Чандиғи безовта бўла бошлаши ҳамано, у ҳам, гарчи фойдаси йўқлигини билиб турса-да, чиқиш йўлини қидирганча, ертўла бўйлаб югурди.

- Яна нима олиб чиқдинг у ердан? ГАПИР! КРУЦИО!

Гермионанинг деворлардан акс этаётган қичқириқларидан ўкириб йиғлаётган Рон ертўла деворини муштлай кетди.

Гарри эса бўйнидаги Хагрид берган эшак тери қопча ичидан Дамблдор васият қилган Тилла чаққонни чиқарди. Ҳеч нарса рўй бермади. Синган сеҳрли таёқчасини силтаб кўрди, фойдаси бўлмади. Қопчадан ерга тушган кўзгу бўлаги ялтиради. Унда Гарри Дамблдорнинг диққат билан қараб турган ёрқин мовий кўзини кўриб қолди.

- Ёрдам беринг! - бақирди Гарри, аянчли оҳангда, - Биз Малфойлар уйининг ертўласига қамалганмиз! Ёрдам беринг, илтимос!

Дамблдор кўзини пирпиратиб қўйди-ю, ғойиб бўлди. Гарри

чиндан ҳам кўзгуда бировнинг аксини кўрганига ўзи шубҳа қилди. Кўзгуни ҳар томон буриб, унда қамоқхона шифти-ю, деворларидан ўзга нарсалар аксини кўрмади. Гермiona янада қаттиқ бақирди. Гаррининг ёнида турган Рон ҳам қизга қўшилиб ўкирди.

- ГЕРМИОНА! ГЕРМИОНА!

- Қандай кира олдингиз ўша хонамга? - эшитилди Беллатрикснинг овози, - Анави ифлос пакана ёрдам берди-ми, сизларга?

- Йўқ, биз гоблинни бугун учратдик, оқшомда, - йиғлади Гермiona, - Гринготтсдаги хонангизга ҳеч қачон кирмаганмиз... Бу қилич ҳақиқий эмас, қалбаки. Қурол нусхаси.

- Нусхаси? - чинқирди Беллатрикс, - Шунақа де?

- Буни биз осонгина текшириб кўришимиз мумкин ҳозир! - гапга аралашди Люциуснинг овози, - Драко, гоблинни олиб кел. Қилич ҳақиқий ёки қалбаки эканлигини ўша айтади ҳозир!

Гарри ертўланинг Цапкрюк ётган қисми томон югурди.

- Цапкрюк, - пичирлади у, гоблиннинг қулоғига, - Қилични қалбаки деб айтишинг керак уларга. Қилич ҳақиқий эканлигини улар билмасликлари керак. Илтимос, Цапкрюк!...

Гарри қадам товушини, сўнг, Драконинг эшик ортидаги овозини эшитди:

- Орқа девор ёнига бориб, бир чизиққа тизилинг. Ҳунар кўрсатишни хаёлингизга ҳам келтирманг, ўлдираман! Ҳамма орқа девор томон ўтди. Рон делюминаторини ишга солиб, ёруғлик шарларини чўнтагига йиғди. Эшик очилиб, қоронғи ертўлага сеҳрли таёқчасини олдинга узатган Малфой кирди. Бироздан сўнг эшик қарсиллаб ёпилди. Рон делюминаторини яна ишга солди. Учта ёруғлик шари шифтга кўтарилиб, ертўла марказида ҳозиргина ҳавода пайдо бўлган уй эльфи Доббини ёритди.

- ДОБ!...

Гарри кераксиз қичқириқнинг олдини олиш мақсадида Роннинг қўлини ушлади. Рон ҳам буни ўз вақтида англаб, ўзини идора қилиб олди. Юқорида Цапкрюкни холаси Беллатрикснинг ҳузурига олиб кетган Драконинг қадам товуши эшитилди.

Уй эльфининг теннис коптогидай келадиган кўзи янада катта очилиб, тиззасидан қулоғининг учигача даф-даф титради.

Добби собиқ соҳибларининг уйига қайтган. Унинг ўлгудай қўрқиб, эсанкираганининг сабаби тушунарли, албатта.

- Гарри Поттер, - пичирлади у, ертўла жимжитлигида, - Добби сизни қутқаргани келди!

- Қандай қилиб?...

Гаррининг сўзларини даҳшатли қичқириқ босди. Гермиона яна қийноққа солинмоқда.

- Бу ердан ҳавода даф бўла оласан-ми, Добби? - сўради ҳаракатга киришган Гарри.

Эльф бошини ирғир экан, осилиб тушган катта қулоғи ҳам ғалати силкиди.

- Одамларни ҳам олиб кета оласанми, ўзинг билан?

Добби яна бош ирғиди.

- Яхши, Добби. Истар эдим-ки, сен Луна, Дин ва мистер Олливандерни олиб, уларни билансан-ми, қаерга... Ҳозир айтаман, хўш, уларни яхшиси...

- Билл ва Флёрнинг уйига, Тинворсдаги Шеллар коттежига элтасан! - деди Рон.

Эльф учинчи бор бош ирғиди.

- Уларни элтиб қўйгач, изингга қайт, хўпми? - илтимос қилди Гарри, - Иложи борми, бунинг?

- Албатта, Гарри Поттер! - жавоб берди митти эльф, пичирлаб.

Добби деярли ҳушсиз ётган мистер Олливандернинг ёнига бориб, қўлидан ушлади, иккинчи қўлини эса Луна билан Динга узатди. Бироқ Дин ҳам, Луна ҳам қилт этмади.

- Гарри, биз сен билан қоламиз. Сенга ёрдам бермоқчимиз! - деди Луна.

- Сени ташлаб кета олмаймиз, - қўшимча қилди Дин.

- Тез жўнанг, иккалангиз! Билл ва Флёрникида учрашамиз.

Гарри гапирар экан, пешанаси оғриқдан тарс ёрилиб кетаётгандай туюлди. У пастга қаради, бироқ мистер Олливандернинг ўрнига бошқа, худди шу кишидай кекса, кучсиз қарияни кўриб, қандайдир жирканч хандонни эшитди.

- Ўлдир мени, Вольдеморт, мен ўз ажалимни қутлайман!

Бироқ ўлимим сен қидирган нарсани бермайди... Сенинг ақлинг етмайдиган нарсалар жуда кўп...

Гарри Вольдемортнинг ғазабини ҳис этди. Айни фурсатда Гермиона яна чирқираб, Гаррининг хаёли ўзига қайтди.

- Кетинглар тезроқ! - ўтинди Гарри Луна билан Динга, - Кетинглар! Орқангиздан етиб оламиз! Кетинглар!

Иккаласи итоат қилиб, Доббининг узатилган қўлчасини ушлашди. Кучли қарс эшитилиб, Добби, Луна, Дин ва мистер Олливандер ҳавода даф бўлишди.

- Нима эди у? Эшитдингиз-ми? - эшитилди юқоридаги Люциус Малфойнинг овози, - Ертўлада нимадир қарсиллагандай бўлди-ми?

Гарри билан Рон бир-бирига қараб қўйишди.

- Драко, бориб кўр-чи. Йўқ, яхшиси Чувалчангдумни чақир, ертўлага ўша тушиб, текшириб қайтсин!

Қадам товуши тиниб, ҳаммаёқ жим бўлди. Гарри, меҳмонхонадаги одамларга ертўладаги шовқин эшитилишини тушунди.

- Уни қуролсизлантиришимиз керак, - пичирлади Гарри Ронга. Бундан бошқа иложи ҳам йўқ, иккаласининг: кимдир ертўлага тушиб, асирлардан учтаси ғойиб бўлганини кўрса, иккаласининг куни битгани шу бўлади.

- Ёруғликни йўқотма, қолсин, - қўшимча қилди Гарри.

- Орқа девор ёнига бориб, бир чизиққа саф тортинг, - эшитилди Чувалчангдумнинг овози, - Эшикдан нари туринг, дедим. Мен киряпман.

Эшик очилди. Чувалчангдум ҳавода сузиб юрган учта ёришувчи шар ёритган, деярили бўм-бўш ертўлага бир неча сония бақрайганча, остонада туриб қолди. Рон билан Гарри Чувалчангдумга ташланишди. Унинг сеҳрли таёқча ушлаган қўлини маҳкам ушлаган Рон юқорига кўтарди. Гарри эса, Чувалчангдумнинг овози чиқмаслиги учун қўли билан оғзини ёпди. Учовлон шовқин солмай курашмоқда.

Чувалчангдумнинг сеҳрли таёқчаси қизил учқун сачратмоқда, кумуш қўли эса Гаррининг бўғзидан тутди

- Тинчлик эканми, Чувалчангдум? - сўради Люциус Малфой.

- Тинчлик! - жавоб Рон, Чувалчангдумнинг хирилдоқ овозига тақлид қилиб, - Ҳаммаси жойида!

- Мени ўлдирмоқчимисан? - хириллади базўр нафас олаётган Гарри, кумуш панжанинг сиқувидан халос бўлишга уриниб, - Бир вақтлар ҳаётингни сақлаб қолган бўлсам ҳам-а? Менинг

олдимда қарздорсан, Чувалчангдум!

Кумуш панжа сиқувни бўшатиб, Гаррининг бўғзини қўйиб юборди. Чувалчангдумнинг оғзини кафти билан тўсганча, бир юмалаб олган Гарри рўй берган кейинги ишни ўзи кутмаган эди. У юзи каламушни эслатадиган, сувли кўзи ҳам қўрқув, ҳам ҳайрат нигоҳини касб этган, кумуш қўлининг кўрсатган кароматидан худди Гарри сингари ларзага келган пакана одамни кўрди.

- Бу энди бизники, пичирлади Рон, Чувалчангдумнинг сеҳрли таёқчасини тортиб олар экан.

Петтигрюнинг ҳайратга тўла кўзи даҳшатдан янада катта очилиб кетди. Нигоҳи Гаррининг кўзи ва яна нима биландир тўқнаш келган кўринади. Кумуш қўлининг бармоқлари ўз бўғзидан олиш учун ҳаракат қилмоқда.

- Йўқ...

Гарри ўйлаб-нетиб ўтирмай, кумуш қўлни орқага тортишга уринди-ю, удалай олмади. Лорд Вольдеморт томонидан ўзининг энг қўрқоқ хизматкорига берилган кумуш қўл қуролсизланиб, фойдасиз бўлиб қолган соҳибининг бўғзидан олмоқда. Петтигрю иккиланиш, оний раҳмдиллик натижасининг оқибатини кўриб, болаларнинг кўз ўнгида бўғилиб ўлмоқда.

- Йўқ!

Рон ҳам Гарри билан бирга кумуш бармоқларни Чувалчангдумнинг бўғизидан ажратиб, ортга тортишга ҳаракат қилди-ю, фойдаси бўлмади. Петтигрю бўғилиб, кўкариб қолди.

- Релашьо! - қичқирди Рон, сеҳрли таёқчани кумуш қўлга ўқтаб.

Ҳеч нарса рўй бермади. Юқорида Германионнинг қулоқни тешиб юборгудай қичқириви эшитилиши билан бир вақтда тиззасига йиқилган Петтигрюнинг кўзи орқага қайтиб, бинафша ранг касб этган юзида оқи кўринди. Сўнгги бор силтанган Чувалчангдум жонсиз ҳолатда ерга йиқилди. Бир-бирига қараб қўйган Гарри билан Рон Петтигрюни ерда ётганча қолдириб, зина бўйлаб юқорига, меҳмонхонага олиб борадиган қоронғи даҳлиз томон югуришди. Меҳмонхона остонасига етиб, иккаласи пастга, узун бармоқлари билан Гриффиндор қиличини ушлаган Цапкрюкка қараб турган

Беллатрикс Лестрангни кўрди. Гермиона полда,
Беллатрикснинг оёғи остида, деярли ҳушсиз ҳолатда ётибди.

- Хўш? - сўради Беллатрикс Цапкрюкдан, - Ҳақиқий
Гриффиндор қиличими, бу?

Чандиғининг оғриғига қарши курашаётган Гарри нафас
чиқармай, гоблиннинг жавобини кутди.

- Йўқ, қалбаки қилич бу, - жавоб берди Цапкрюк.

- Ишончинг комилми? - ҳансиради Беллатрикс, - Аниқ
билдинг-ми, сохталигини?

- Ҳа, - деди гоблин.

Енгил тортган Беллатрикснинг юзидан зўриқиш аломати
барҳам топди.

- Яхши, - деди жувон, сеҳрли таёқчани силтаганча

Цапкрюкнинг юзига жароҳат етказиб.

Юзи чуқур кесилган гоблин дод солганча Беллатрикснинг
оёғи остига йиқилди.

- Ана энди, Ёвуз Лордни чақиртирсак бўлади! - музаффарият
оҳангида маълум қилди жувон, гоблинни ўзидан нари тепиб.
Беллатрикс Лестранг енгини кўтариб, кўрсаткич бармоғини
чап қўлидаги Ажал белгисига босди.

Гаррининг боши оғриқдан икки бўлиниб кетгандай бўлди. У
яна Вольдемортнинг онгига кирди. Ҳозир анави озғин
сеҳргар унинг устидан кулмоқда. Биров уни чақиргани
ғазабини баттар қўзғатди: тўғри келган Ўлимдан мириқувчи
арзимас сабаб билан чақириб, ишдан чалғитмаслиги ҳақида
ҳаммани огоҳлантирган эди у. Поттер қўлга олинган
ҳолатдагина зудлик билан чақиришса бўлади. Агар янглиш
чақиришаётган бўлса, ўзларидан кўришсин...

- Ўлдир мени! - талаб қилди қария, - Сен ғолиб бўлмайсан!
Ҳеч қачон ғолиб чиқа олмайсан! Ўша сеҳрли таёқча ҳеч қачон
сеники бўлмайди...

Вольдемортнинг вужуди қаҳр-ғазабга тўлди: яшил яшиннинг
кўзни қамаштирган чақмоғи қамоқхонани тўлиқ ёритди,
кекса кишининг озғин танаси каравот устида бироз
кўтарилиб, яна йиқилди. Дераза олдида қайтган Вольдеморт
ғазабини базўр идора қилмоқда. Агар уни чақиртириш сабаби
жиддий бўлмаса, жазо жиддий бўлади...

- Ўйлашимча, мана бу магловаччани йўқотсак ҳам бўлаверади
бу ердан, - деди Беллатрикс, - Уолк, керак бўлса, ол уни,

Ўзинг билан олиб кет.

- Йўўўўўўўўўўўўўўўқ !

Рон меҳмонхонага отилиб кирди. Ҳайрон бўлиб, атрофга қараган Беллатрикс Ронни кўриб, сеҳрли таёқчасини кўтарган эди ҳам-ки...

- Экспеллиармус! - ўқирди Рон, Чувалчангдумдан мусодара қилинган сеҳрли таёқчани Лестрангга ўқтаб.

Аёлнинг қўлидан чиқиб, ҳавога кўтарилган сеҳрли таёқчани Гарри тутиб олди. Люциус, Драко ва Нарцисса Малфойлар ҳамда махлуқ тусига кирадиган Уолк Гаррига ташланишди.

- Ступефай! - қичқирди Гарри.

Люциус Малфой камин томон учди. Гарри ўзини ерга ташлаб, диван ортига ўтганча, Драко, Нарцисса ва Уолк йўллаган яшинлардан бекинди.

- ТЎХТА ЁКИ У, ҲОЗИРОҚ ЎЛАДИ!

Ҳансираётган Гарри диван четидан Беллатриксга қаради. Жувон Гермионани оёққа турғизиб, кумуш ханжарчани бўғзига тақаб олган.

- Сеҳрли таёқчаларни ташланг, - вишиллади Беллатрикс, - Акс ҳолда ҳозир ҳаммамиз унинг ифлос қонини кўрамиз!

Рон Чувалчангдумнинг сеҳрли таёқчасини маҳкам ушлаганча, қатъий қараб турибди. Гарри ҳам кўзини Беллатриксдан узмай, қаддини ростлади.

- Ташланг дедим сеҳрли таёқчаларни! - чириллади Беллатрикс, пичоқ тиғини Гермионанинг томоғига ботириб. Гарри Гермионанинг томоғида қон томчилаганини кўрди.

- Яхши, мана! - қичқирди у, Лестрангнинг сеҳрли таёқчасини оёқ остига ташлаб.

Рон ҳам таёқчани ерга ташлади. Икковлон қўлини елка баландлигида кўтарди.

- Жуда соз! - деди Беллатрикс кўз қири билан жиянига қараб, - Драко, сеҳрли таёқчаларни тер. Ёвуз Лорд келяпти.

Ажалинг яқин Гарри Поттер!

Гарри билади буни. Унинг чандиғи оғриб, Вольдемортнинг бу ерлардан олисда, қоронғи денгиз узра учиб келаётганини ҳис этмоқда.

Драко сеҳрли таёқчаларни териб олиб, холаси томон ошиқди.

- Цисси, - деди Беллатрикс мулойим овозда, - Ўйлашимча, энди мана бу ёш қаҳрамонларни боғлаб қўйишимиз керак.

Уолк эса мисс Грэнжер билан шуғулланса ҳам бўлаверади. Ишончим комилки, бугун оқшомда йўл қўйган қилмишинг учун Ёвуз Лорд сенга тухфа қилмаган бўлар эди бу қизалоқни.

Юқорида нимадир ғалати жаранглади. Ҳамма шифтга қараб, биллур қандил мудҳиш ғичирлаганча ерга тушаётганини кўрди. Қандил остида турган Беллатрикс Лестранг Гермнионани ташлаб, дод солганча, нари қочди. Қандил Гермниона билан ҳамон Гриффиндор қиличини маҳкам ушлаб ётган гоблиннинг устига тушди. Биллур парчалари ялтираганча ҳар томон сачраб учди. Драко қонаган юзини ушлади.

Рон Гермнионага ёрдамга ошиқар экан, Гарри таваккал қилиб, креслога сакради-да, Драконинг қўлидаги учта сеҳрли таёқчани тортиб олиб, ҳаммасини Уолкка ўқтаганча бақирди: - Ступефай!

Махлуқ тусига кирадиган одам қарғишнинг бараварига учта яшинини еб шифтгача ҳавога кўтарилиб, гурсиллаб полга тушди. Нарцисса биллур парчалари остида қолган Дракони тортиб чиқарди. Кумуш ханжарини силтаётган Беллатрикс ҳам опасининг ҳимояси остига сакраб ўтди. Бироқ Нарцисса қўлидаги сеҳрли таёқчасини эшик томон ўқтади.

- Добби! - қичқирди у, - Сен... сен қандилни йиқитиб, синдирдинг?!...

Ҳатто Беллатрикс ҳам буни эшитиб, турган жойида серрайиб қолди.

Митти эльф бармоқчасини ўзининг собиқ соҳибасига ўқтаганча, хонага югуриб кирди.

- Сиз Гарри Поттерга жароҳат етказмаслигингиз керак, - чийиллади у.

- Ўлдир уни, Цисси! - ўқирди Беллатрикс.

Учинчи қарс янграб, Нарциссанинг сеҳрли таёқчаси қўлидан учиб чиқиб, хонанинг нариги томонига бориб тушди.

- Ҳой сен, чиркин маймунча! - бақирди Беллатрикс, -

Афсунгар аёлга, унинг сеҳрли таёқчасига қўл теккизишга, ўз соҳибларингга таҳдид қилишга қандай журъат этдинг?!

- Доббининг соҳиби йўқ! - чийиллади эльф, - Добби эркин эльф, Добби бу ерга Гарри Поттерни ва унинг дўстларини халос этгани келган!

Пешанасининг оғриғидан Гаррининг кўзига ҳеч нима кўринмай қолди. Вольдемортнинг етиб келишига бир неча сония қолганини аранг англаб турибди.

- Рон, ушла! Энди ҚОЧ! - бақирди у, сеҳрли таёқчалардан бирини дўстига улоқтириб.

Гарри энгашиб, қўлидан қилични чиқармаган Цапкрюкни қандил остидан чиқарди-да, Доббининг қўлчасидан тутиб, ҳавода даф бўлишга ҳозирланди.

Қоронғиликда гум бўлар экан, ҳайратдан донг қотган Драко билан Нарциссанинг рангпар юзлари, Роннинг қизғиш малла ранг сочи ва Беллатрикснинг улоқтирган пичоғи сўнгги кўрган нарсаи бўлди.

Флёр ва Билл... Шеллар Коттежи... Флёр ва Билл...

Гарри мубҳамликда ҳавода даф бўлди. Ҳозир қўлидан келгани - жой номини такрорлаш бўлиб, ушбу иши ўша жойга етиб боришга ёрдам беришига умид қилди.

Пешанасининг оғриғи унга қаттиқ азоб бермоқда, гоблиннинг вазни эса пастга тортмоқда. Гриффиндор қиличининг тиғи белига тақалгани, Доббининг қўли титраётганини ҳис этмоқда. Эльф йўналишни тўғри танлаганига умид қилиб, ишлар жойида эканлигини билдириш учун бармоқларини сиқиб қўйди... Қаттиқ ерга қўнишгач, шўр ҳаво ҳидини ҳис этди. Гарри тиззасига чўккалаб, Доббининг қўлини қўйиб юборди-да, ерга юмшоқроқ тушиши учун Цапкрюкни тутиб олди.

- Аҳволингиз яхшими? - сўради Гарри гоблидан.

Цапкрюк ҳиқиллаб йиғлади.

- Добби, Шеллар коттежими, бу ер, ишқилиб? - пичирлаб сўради у, Малфойлардан тортиб олган иккита сеҳрли таёқчани маҳкам ушлаганча, жангга ҳозирланиб, - Кўзланган жойга тўғри етиб келганимизга ишончинг комилми?

Эшитяпсан-ми мени, Добби?

Гарри атрофга қаради. Митти эльф унинг оёғи олдида турибди.

- ДОББИ!

Эльф билинар-билинемас тебраниб, қалтирамоқда. Унинг йирик, ёрқин кўзида ситоралар акс этмоқда.

- Добби... йўқ, Добби... ЁРДАМ БЕРИНГ! - қичқирди Гарри, уй томон, атрофида ивирсиётган одамлар томон юзланиб, -

ЁРДАМ БЕРИНГ!

Сеҳргарларми анави югуриб келаётганлар, ё маглар-ми, дўстми улар, ё душманми, Гаррини қизиқтирмайди. Ҳозир уни ташвишга солган ягона нарса – Доббининг кўкрагида кўринган қоп-қора доғ-у, эльфнинг ёрдам сўраётган нигоҳи, узатилган кичкина қўли. Гарри йиқилаётган Доббини ушлаб қолиб, нам майсага ётқизди.

- Добби, ўлма, илтимос ўлма...

Нигоҳи Гаррини топган эльфнинг лаби титраб, нимадир дейишга уринаётгани кўринди.

- Гарри... Поттер...

Доббининг митти танаси бир силтанди-да, тек қотди. Унинг силлиқ шарга ўхшаш, энди ҳеч нарсани кўра олмайдиган йирик кўзи юлдузлар шуъласида милтилламоқда.

ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ БОБ. ТАЁҚЧА ТАЙЁРЛАШ УСТАСИ

Гарри, гарчи ҳозир майса устида Беллатрикс Лестрангнинг кумуш ҳанжари тешиб ўтган нимжонгина тана ғужанак бўлиб ётган бўлса-да, худди эски алоғ-чалоғ тушига чўмгандай, яъни Дамблдорнинг жасади олдида чўккалаб ўтиргандай бўлди. У ҳамон абадий дунёга йўл олган эльф дўстини чақириб ўтирибди: «Добби... Добби...»

Бир неча дақиқадан сўнг орқа томонида йиғилган Билл, Флёр, Луна ва Динни кўриб, кўзланган манзилга тўғри келишганига амин бўлди.

- Гермiona, қани? - сўради Гарри, хавотирланиб.

- Рон уйга олиб кетди, - жавоб берди Билл, - Ишлари жойида бўлади унинг.

Гарри Доббининг танасига санчилган ўткир ҳанжарни аста суғуриб олди-да, эгнидаги куртқасини ечиб, эльфнинг устини ёпти.

Қолганлар нарига бориб, мавжуд муаммоларни муҳокама қилганча, тегишли қарор қабул қилишар экан, Гарри ҳеч нарсага қизиқмай, шу ўртадаги қояларга урилаётган денгиз тўлқинларининг шовқинига қулоқ солиб ўтирди. Дин яраланган Цапкрукни Флёр ҳамроҳлигида уйга кўтариб кетди. Билл эса Доббини дафн этишга ҳозирланди.

Гарри эльфнинг миттигина, озғин танасига қараб ўтирар

экан, пешанаси лўқиллаб, чандиғи қизиди. Худди телескопга тескари қарагандай, узоқда Вольдеморт Малфойларни қийноққа солаётганини кўрди. Доббининг ўлими туфайли ҳис этилаётган жудолик оғриғи Гаррининг таъсирчанлигини шу қадар сустлаштирди-ки, энди Ёвуз Лорднинг даҳшатли қаҳри улкан уммоннинг нариги томонида кўтарилган довул садосидай туюлди.

- Бу ишни ўзим, сеҳр-жоду қўлламасдан қилмоқчиман, - деди Гарри, Биллга мурожаат қилиб, - Белкурак борми, уйингизда? Билл боғнинг нариги томонида, буталар орасида қабр учун майдон ажратди. Гарри кўрсатилган жойда гўр қазир экан, ишга шиддат билан, жисмоний меҳнатдан ҳузур қилганча, сеҳр-жоду қўлланилмаганидан мириқиб киришди, пешана терининг ҳар бир томчиси, қўлининг ҳар бир қадоғи ила ҳаётини сақлаб қолган уй эльфига ҳурмат бажо келтирди. Пешанадаги чандиқ ловуллаётганига қарамай, Гарри оғриқни идора қилиб, ўзидан узоқлаштирди. Мана ниҳоят у, Дамблдор истаган нарсани ўрганди, хусусан, Снегг берган дарсни, яъни ўз онгини назорат қилиб, миясини Вольдемортдан бекитишни ўзлаштирди. Бир вақтлар Сириуснинг ўлиmidан қаттиқ қайғурган Гаррининг онги Вольдеморт учун тўсилиб қолган эди. Ҳозир ҳам шундай: Вольдемортнинг онги Гаррининг онгига сингиб киришига Доббининг ўлими билан боғлиқ қайғу тўсқинлик қилмоқда. Жудолик оғриғи, гарчи ушбу оғриққа Дамблдор, агар тирик бўлганида, ҳеч шубҳасиз, меҳр-муҳаббат, дея ном берган бўлса-да, Вольдемортни нари қувгандай бўлди. Чандиғи оғриётганига қарамай, Гарри гўр тайёрлашни давом этди, қаттиқ, совуқ ерни ўйиб, чандиқ оғриғини пешана терига айлантирганча, ишлайверди. Гарри денгизнинг паст эшитилаётган шовқинида ҳансираб ишлар экан, Малфойлар уйида ўтган ҳодисани, эшитган гап-сўзларни такрор ва такрор эслаб, идроки тун қоронғилигида ёришиб борди... Фикр-мулоҳазалари қўл меҳнати ҳаракатларига жўр бўлиб борди.

Тухфалар... руҳдонлар... тухфалар... руҳдонлар... Буларнинг бари Гаррини сиқиб, вужудини ғайритабиий ёндирмоқда, жудолик ва қўрқув айрим нарсаларни англаб етишга мажбур қилмоқда, ғафлат уйқусидан уйғонгандай бўлмоқда. У жон-

жаҳд билан ер қазимоқда. Вольдеморт бугун қаерда бўлгани, Нурмернгард қамоқхонасининг энг баланд минорасида кимни, нима учун ўлдирганини Гарри билади... Бир лаҳзали шафқат учун ҳалок бўлган Чувалчангдумни эслади.

Дамблдор олдиндан кўра билган буни... Хўш, яна нима маълум бўлди? Гарри вақтга эътибор қилмабди.

Қоронғиликдан Рон билан Дин чиқиб келди.

- Гермионанинг аҳволи қалай? - сўради у.

- Анча яхши, - жавоб берди Рон, - Флёр парвариш қиляпти уни.

Сеҳрли таёқчани енгил силтаб тайёрлаш мумкин эди-ку, қабрни. Гарри нега гўрни қўлда қазийтганини изоҳлаб беришга тайёр эди-ю, ҳеч ким сўрамади. Дўстлари ўзи билан олиб келган белкураклар билан пастга сакраб, гўр айвони тегишли ўлчамга етгунга қадар индамай ер қазийди.

Гарри Доббининг жасадини курткасига яхшилаб ўради, Рон гўр оғзига ўтириб, пайпоғи билан ботинкасини ечди-да, эльфнинг оёғига кийдириб қўйди. Дин жундан тўқилган бош кийимни узатди. Гарри ушбу қалпоқчани Доббининг бошига, учли қулоқларига бостириб кийдирди.

- Кўзини юмиб қўйиш керак.

Қоронғиликда ўтаётган дафн маросимида қолганлар ҳам ҳозир бўлганини Гарри сезмабди. Билл сафар ридосида, Флёр эса ўзига катталик қилаётган оқ фартукда турибди. Унинг чўнтагидан чиқиб турган шиша «Суяк-ўстир» дориси эканлигини Гарри тушунди. Ранги бўздай оқарган Гермиона бировнинг ридосини кийиб олган бўлиб, оёғида зўрға тургани боис, қабрга яқин келиши ҳамона, Рон уни қўлтиқлаб олди. Флёрнинг плашида келган Луна ерга чўккалаб, бармоқ учлари билан маййитнинг кўзини юмди.

- Ана энди у, ухлаб ётгандай гўё, - деди қиз, майин овозда.

Гарри Доббини қабрга ётқизиб, оёқ-қўлини худди дам олиб ётгандай ҳолатга келтирди. Сўнг чуқурдан чиқиб, митти дўстига сўнгги бор қарар экан, хўнграб юборишдан ўзини базўр тийди. Дамблдорнинг дафн маросимини, батартиб терилган олтин курсилар қатори, биринчи қаторда ўтирган сеҳргарлик вазири, буюк сеҳргарнинг кўрсатган хизматлари санаб ўтилгани ва оқ мақбаранинг маҳобатини эслади. Добби ҳам дабдаба ила дафн этилишига муносиб, аммо ҳозир эльф

мана бу буталар орасида, эпсиз қазилган гўрда ётибди.

- Билишимча, ҳозир биз видолашув сўзларини изҳор этишимиз керак, - фикр билдирди Луна, - Ижозат берсангиз, ўзим бошлайман, майли-ми?

Қиз Доббига мурожаат қилганча гапирар экан, ҳамма унга юзланди.

- Мени қамоқдан халос этиб, муқаррар ўлимдан қутқарганинг учун раҳмат сенга, жасур Добби. Шундай ёқимли, мард эльф бўла туриб, вафот топганинг адолатдан эмас, албатта. Бизга қилган яхшилигингни ҳеч қачон унутмайман. Ишонаман, ҳозир сен жуда бахтиёрсан.

Қиз бурилиб, ниманидир кутгандай, Ронга қаради.

- Ҳа, Добби, раҳмат сенга, - деди томоғини қириб олган Рон, бўғиқ овозда.

- Раҳмат, - ғудуллай олди Дин.

- Алвидо, Добби, - видолашди Гарри, ютуниб.

Унинг айта олган гапи шу бўлди. Луна шундоқ ҳам ҳамманинг номидан бор гапни айтди. Билл сеҳрли таёқчасини чиқариб, энгил силтади. Гўр ёнида йиғилган тупроқ уюми ҳавога кўтарилиб, чуқурга аста тушгач, ўрнида қизғиш дўнглик ҳосил бўлди.

- Қарши бўлмасангиз, мен яна биров ушалиб қоламан, - деди Гарри.

Дўстлар нималар дейишганини Гарри эшитмади. Кимдир унинг елкасига энгил қоқиб ўтди. Ҳамма уни ўз ҳолига қўйиб, уй томон йўл олди.

Гулзор атрофига денгиз сайқал берган оқ тошлар териб чиқилган. Гарри улар орасидан энг йиригини танлаб, Доббининг бош томонига ўрнатди. Киссасидан иккита сеҳрли таёқча чиқарди. Уларнинг қайси бири кимга тегишли бўлгани ҳозир эсида йўқ, кимнидир қўлидан тортиб олганини билади холос. Гарри қўлига мос келган қисқароқ таёқчани танлаб, тошга ўқтади.

У пичирлаганча, қабр тошининг силлиқ сиртида чуқур кесик ҳосил қилиб, ҳарф кетидан ҳарф битди. Гермiona бу ишни тезроқ, батартиброқ бажарган бўлар эди, албатта. Лекин у қабрни ўз қўли билан қазишни истагандай, ёзувни ҳам шахсан ўзи битишни хоҳлади. «Бу ерда озод эльф – Добби ётибди» сўзларини битган Гарри ўрнидан турди. Қилган

ишига сўнги бор қараб, тескари ўгирилганча, нари кетди. Пешанасидаги чандиғи ҳамон лўқилламоқда, мияси қабр қазиётганда хаёлига келиб, қоронғи боғда шакланган, кишини эсанкиратиб, даҳшатга соладиган фикр ва ғояларга тўлиб-тошган.

Гарри уйга кириб келганда ҳамма яхши ёритилган, шинам меҳмонхонага йиғилиб, мўжазгина камин ёнида Биллнинг гапларига қулоқ тутиб ўтирган экан.

- Худога шукур-ки, Жинна таътил ўтказгани уйга келган эди. Агар «Хогварц»да бўлганда борми, олиб қочишга улгурмаган бўлар эдик. Ҳозир у хавфсиз жойда.

Билл атрофга қаради.

- Мен ҳаммани Бошпанадан олиб кетдим, - деди у, остонада турган Гаррини кўриб қолиб, - Рон сен билан юрганини Ўлимдан мириқувчилар энди билишади ва табиийки, бутун оилани қириб юбориш пайида бўлишади. Узр сўрама, - қўшимча қилди у, оғиз жуфтлаётган Гаррининг юз қиёфасини кўриб, - Кун ўтиб бир кун шундай бўлиши муқаррар эди. Отам буни сўнги вақтда кўп таъкидлаб келди. Биз ўзининг тоза қонига хиёнат қилган энг катта оила саналамиз.

- Қандай ҳимоя қилинган, улар? - сўради Гарри.

- Садоқат афсуни қўлланилган. Дадам Сир сақловчи. Мана бу уй ҳам Садоқат афсуни воситасида муҳофаза қилинган. Сир сақловчиси ўзим бўламан. Оила аъзоларимиздан ҳеч ким ишга бормади энди. Лекин бу муҳим эмас ҳозир. Мистер Олливандер билан Цапкрюк ўзини яхши ҳис эта бошлаши ҳамона, иккаласини қолганларга қўшиб, Мюриель холамникига элтамиз. Бу уйда хона оз, холамникида эса жуда кўп. Цапкрюкнинг оёғи бироздан сўнг тузалади. Флёр уни «Суяк-ўстир» дориси билан даволаяпти. Уларни биз бирон соатдан кейин кўчириб...

- Йўқ, уларнинг иккаласи ҳам керак менга, - деди Гарри, Биллни ҳайрон қолдириб, - Улар билан шу ерда, ҳозирок гаплашиб олишим керак. Бу жуда муҳим.

Ҳамма Гаррига ҳайрат-ла қаради. Унинг гапи буйруқ тусида, аниқ бир мақсад кўзланган имони комиллик оҳангида эшитилди. Ушбу мақсад эса гўр қазиш жараёнида шакланган. Гарри Доббининг қони ва лойга беланган

кафтига қараганча, Биллга мурожаат қилди:

- Қўлимни ювиб олай, кўришаман улар билан.

Гарри мўъжазгина ошхонага кириб, денгиз манзараси кўринадиган дераза остидаги ошхона чаноғи устида энгашди. Қоронғи боғда ер қазиган маҳалда хаёлига келган фикрларини бир тизимга солганча, қўл ювишга киришди. Ташқарида эса пушти тилла тус касб этаётган уфқ ортидан қуёш чиқиб келмоқда.

Ертўлага ким юборганини Добби энди ҳеч қачон айта олмайди, лекин Гарри кўзи билан кўрганини яхши идрок этмоқда. Ўшанда кўзгу парчасида кимнингдир мовий кўзи тешиб юборгудай қарагач, ёрдам етиб келган эди. Ким-ки «Хогварц» даргоҳида ёрдамга муҳтож бўлса, албатта ёрдам топажак, эслади у Дамблдорнинг сўзларини... Гарри қўлини артар экан, деразадан кўринган гўзал манзарага ҳам, меҳмонхонадан келаётган овозларга ҳам эътибор қилмади. Уммон томон юзланиб турар экан, жумбоқ ечимига илгаридан ҳам яқинлашиб қолганини ҳис этди.

Пешанасидаги чандиғи ҳамон лўқиллар экан, Вольдеморт ҳам ўша ечимга яқин борганини ҳис этди. Ҳозир Гарри ҳамма нарсани бир вақтнинг ўзида ҳам тушунмоқда, ҳам тушунмай, боши қотмоқда. Ҳиссиёти бир нарса деса, онги мутлақо бошқа нарса демоқда. Айти фурсатда Гаррининг кўзига ибодат учун қовуштирган бармоқлари узра кузатиб, кулиб боқаётга Дамблдор кўринмоқда.

Сиз Ронга делюминатор бердингиз... сиз уни тушундингиз... ва қайтишига имкон яратдингиз... Сиз Чувалчангдумни тушундингиз... у ўз ишидан пушаймон бўлиб юрганини билгансиз... Сиз Ронга делюминатор бердингиз... сиз уни тушундингиз... ва унга мени ўлимдан халос қилиш йўлини кўрсатдингиз... Сиз Чувалчангдумни тушундингиз... буларнинг бари қанчалик аянчли эканлигини билган эдингиз...

Сиз улардан нима кутишни билгансиз... мендан-чи, мен ҳақимда нима билгансиз, Дамблдор? Ҳодиса ва жараёнларни фаҳмлаш эмас, билишим керак эдими? Менга осон бўлмаслигини билар эдингизми? Сиз мураккаблаштирган экансиз-да ҳамма нарсани? Буларнинг барини тушуниб етишга вақтим бўладими?

Гарри уфқ ортидан кўзни қамаштираётган қуёшнинг тилла тусли нури кўтарилаётган томон нурсиз нигоҳ-ла қараганча, ҳаракатсиз турибди. Хаёлини йиғиб олгач, сочиқни маҳкам сиқиб олганини кўриб, ҳайрон бўлди. Пешанасидаги чандиғи худди юрак каби тепаётган Гарри сочиқни жойига илиб, даҳлизга чиқди. Жуда яхши таниш бўлган қаср биноси кўзига бир зум кўриниб ўтди.

- Мен Цапкрюк билан Олливандернинг суҳбатини олишим керак, - деди Гарри, зина бошида турган Билл билан Флёрни кўриб.

- Йўқ, Гағғи. Иккаласи ҳам жуда чағчаган, биғоз кутишингга тўғғи келади, - жавоб берди Флёр.

- Минг афсуски, бунинг иложи йўқ, кутишга вақт йўқ, - деди Гарри, вазмин оҳангда, - Иккаласи билан алоҳида-алоҳида, ҳозироқ, юзма-юз суҳбатлашиб олишим керак. Бу кейинга қолдириб бўлмайдиган, жуда шошилиш иш.

- Гарри, жин урсин, нималар бўляпти ўзи? - деди Билл, эътироз оҳангида, - Ўлдирилган уй эльфи, ақлдан озишига сал қолган гоблин, афтидан, қийноққа солинган Гермiona. Роннинг оғзидан эса бирон оғиз гап олиб бўлмайди.

- Қилаётган ишимизни айта олмаймиз, - жавоб берди Гарри қатъий оҳангда, - Сен Орден аъзосисан, Билл. Дамблдор бизга алоҳида вазифа қолдириб кетганидан хабаринг бор. Биз ҳеч кимга ҳеч нарса айтмаслигимизни тўғғи тушунишинг керак.

Флёрнинг зардаси қайнаб, пишқириб юборди. Ғажилган юзи ҳеч нимани ифода этмаган Билл эса хотинининг қилиғига эътибор бермай, Гаррига диққат билан разм солди.

- Яхши, - деди у, ниҳоят, - Қайси биридан бошламоқчисан? Гарри бироз иккиланди. Ҳозир қабул қиладиган қарорига нималар боғлиқлигини яхши билади у. Вақт оз, зудлик билан бир тўхташга келиш керак: руҳдонми, ё тухфа?

- Цапкрюкдан, - деди Гарри, - Дастлаб гоблин билан гаплашаман.

Унинг юраги, худди қисқа масофада катта тезликда югуриб, баланд тўсиқдан ошиб ўтгандай тепмоқда.

- Юқорига чиқамиз, бу ёққа, - йўл кўрсатди Билл.

Бир неча поғона кўтарилган Гарри орқага қаради.

- Иккалангиз ҳам кераксиз менга! - деди Гарри, меҳмонхона

эшиги ортидан мўралаб турган Рон билан Гермионага.

Дўстлар Гаррининг ортидан хотиржам эргашди.

- Аҳволинг яхшими? - сўради Гарри Гермионадан, - Қийноққа солиниб, жонинг оғриётган вақтда анави гапни тўқишинг - тасанно!

Енгил кулиб боққан Гермионанинг қўлини Рон аста сиқиб қўйди.

- Қандай иш тутамиз энди, Гарри? - сўради Рон.

- Ўзингиз кўрасиз ҳозир. Юринглар.

Гарри, Рон ва Гермиона Биллнинг ортидан эргашиб, юқорига, учта эшик олдидаги кичик майдонга чиқишди.

- Бу ёққа, - деди Билл, эшиклардан бирини очиб.

Ушбу хона Билл билан Флёрнинг деразаси тонг қуёшининг акси жилваланаётган денгиз томон қараган ҳобхонаси экан.

Пешанаси оғриётган Гарри дераза ёнига келиб, гўзал манзарага орқа ўгирди-да, қўл қовуштирди. Гермиона пардоз столи ёнидаги креслога жойлашди. Рон эса, ушбу креслонинг тирсакқўйгичига ўтириб олди.

Остонада митти гоблинни кўтарган Билл пайдо бўлди. У Цапкрюкни каравотга ўтқизиб, миннатдорлигини қабул қилгач, хонани тарк этди.

- Безовта қилганим учун маъзур сананг, - деди Гарри, Билл эшикни нариги томонидан ёпгач, - Оёғингиз қалай?

- Оғрияпти, - жавоб берди гоблин, - Лекин анча яхши.

У ҳалигача Гриффиндор қиличини қўлидан қўйгани йўқ.

Қиёфаси ҳам ғалати бўлиб, юзида дарғазаблик билан қувлик уйғунлашгандай гўё. Гарри гоблиннинг тери қопламаси сарғиш, бармоқлари узун, кўзи қора эканлигига эътибор қилди. Флёр гоблиннинг ботинкасини ечиб, кўпдан буён ювилмаган товонини ялангғочлаб қўйибди. Гоблин уй эльфига нисбатан сал жуссадор, гумбазсимон боши эса инсон бошидан анча йирик бўлади.

- Мени эслай олмасангиз керак... - гап бошлади Гарри.

- Гринготтс банкига илк бор ташриф буюрган кунингиз сизни сейфингизга ўзим элтиб қўйганимни-ми? - сўради Цапкрюк, - Жуда яхши эслайман. Сиз ҳатто гоблинлар орасида ҳам машҳурсиз, Гарри Поттер.

Улар бир-бирига узоқ қараб қолишди. Пешанадаги чандиқ тинимсиз лўқилламоқда. Гарри суҳбатни имкон қадар тезроқ

якунига етказмоқчи, лекин хатога йўл қўйишни ҳам хоҳламайди. Масалага қандай ёндашиш ҳақида бош қотирар экан, гоблин гап бошлади:

- Сен уй эльфини дафн этдинг, - деди гоблин, адоватга ўхшаш оҳангда, - Қилган ишингни қўшни хона деразасидан томоша қилиб ўтирдим.

- Ҳа, дафн этдим.

Цапкрюк Гаррига кўз қири билан қаради.

- Сен бошқаларга ўхшамаган сеҳргарсан, Гарри Поттер.

- Қайси маънода? - сўради Гарри, чандиғини фикри тарқоқлик-ла уқалаб.

- Сен ўз қўлинг билан гўр қазидинг.

- Хўш?...

Цапкрюк жавоб бермади. «Маглга ўхшаб иш тутганим учун мендан нафратланаётган бўлса керак», хаёлдан ўтказди Гарри. Бироқ маъқуллайдими қилган ишини гоблин, танқид қиладими, ҳозир унга фарқи йўқ. Гарри хаёлини мақсадга жамлади.

- Цапкрюк, сиздан бир нарсани сўраб билмоқчиман...

- Бундан ташқари, сен мендай бир гоблиннинг ҳаётини сақлаб қодинг...

- Нима?...

- Сен мени қутқариб, бу ерга олиб келдинг. Ҳаётимни сақлаб қолдинг.

- Эътирозинг йўққа ўхшайди-ю, шундай эмасми?

- Йўқ, Гарри Поттер, эътирозим йўқ, - деди Цапкрюк, ингичга соқолини бармоғига ўраб, - Жуда ғалати сеҳргарсан.

- Яхши. Менга ёрдаминг керак, Цапкрюк.

Гоблин ёрдамга тайёр эканлигини намоён қилмай, Гаррига, худди бундай ғалати кишини биринчи бор кўраётгандай қарашини қўймади.

- Мен Гринготтс остидаги хазиналарга киришим керак.

Гарри ўз мақсадини сал бошқачароқ ифода этмоқчи эди-ю, сўзлар оғриқ туфайли бўлса керак, ўзидан ўзи отилиб чиқди. Чандиғи қизиб, «Хогварц» қасрини аниқ кўрди. Гарри шу заҳоти онгини маҳкам ёпди. Биринчи навбатда Цапкрюк билан гаплашиб олиши керак у.

Рон билан Гермиона Гаррига худди ақлдан озган кишига қарагандай бақрайиб қолишган.

- Гарри, - деди Гермиона.
- Гринготтс остидаги хазиналарга? - гапни бўлди гоблин, оғриқдан афтини буриштириб, - Бунинг иложи йўқ!
- Иложи бор, - эътироз билдирди Рон, - Муқаддам кирган-ку, у.
- Тўғри, - маъқуллади Гарри, - Биринчи бор учрашганимизда. Етти йил муқаддам, туғилган кунимда.
- Назарда тутилаётган сейф ўша даврда бўш бўлган, - гапни кесди гоблин, - Муҳофаза остига деярли олинмаган эди. Гринготтсни тарк этганига қарамай, банк муҳофазасида раҳна очиш мумкинлиги ҳақидаги гапнинг ўзи Цапкрюкка қаттиқ таъсир қилди.
- Бизга керакли сейф ҳозир бўш эмас. Шубҳа йўқ-ки, муҳофазаси ҳам жуда кучли, - деди Гарри, - Лестранглар сейфини назарда тутяпман мен.
- Рон билан Гермиона бир-бирига қараб қўйгани Гаррининг эътиборидан четда қолмади. Бироқ изоҳ ва тушунтиришлар кейин берилди. Ҳозир эса Цапкрюкнинг жавоби муҳим.
- Қўлингдан ҳеч нарса келмайди, - деди Цапкрюк вазмин оҳангда, - Бой бўлмоқ илинжида ёмон ният бандани Жаҳаннам кутиб олар, қолар буткул ёнгани.
- Ер қаърида хазина, машаққат-ла тўпланган, Ўғрилар қисматига олий жазо ёзилган, эсимда, - деди Гарри, - Лекин менинг ниятим ёмон эмас. Бой бўлиш илинжим ҳам йўқ. Шу гапимга ишонасан-ми?
- Мабодо, бу ёруғ оламда ғаразли мақсад кўзламаган биргина сеҳргар бўлса, ўша киши фақат ва фақат сен бўлишинг мумкин холос, Гарри Поттер. Гоблинлар билан эльфлар бугун сен намоён этган ҳурмат-эҳтиромни ҳали кўрмаган. Ҳар қалай, wand-carriers томонидан эмас.
- Wand-carriers? - такрорлади Гарри.
- Ибора ғалати эшитилди, бироқ Вольдеморт фикрини шимолга қаратгани сабабли пешанасидаги чандиғи кучли оғригани боис, Гарри қўшни хонадаги Олливандер билан тезроқ гаплашиб олиши кераклиги ҳақида ўйлади.
- Сеҳрли таёқчага эга бўлиш ҳуқуқи сеҳргарлар билан гоблинлар орасида низо чиқишига сабаб бўлган, - деди гоблин паст овозда.
- Бироқ гоблинлар сеҳрли таёқчасиз ҳам сеҳр-жоду

қўллашлари мумкин-у, - эътироз билдирди Рон.

- Бунинг аҳамияти йўқ! Сеҳргарлар сеҳрли таёқча қўллаш санъатини бошқа сеҳрли мавжудодлар билан ўртоқлашишдан бош тортишади ва бу билан сеҳр қудратимизни янада ривожлантиришимиз имконидан маҳрум қилишади бизни.

- Гоблинлар ҳам ўз сеҳр-жодуларининг сир-асрорларини ҳеч ким билан ўртоқлашмайди, - бўш келмади Рон, - Қилич ва ҳанжарлар-у, бошқа қурол турларини тайёрлаш сирларини бизга айтишни истамайсиз. Гоблинлар металлга шундай ишлов беришади-ки, бирорта сеҳргар...

- Ҳозир бунинг мавриди эмас, - деди Гарри, Цапкрюкнинг юзига ранг кирганини кўриб, - Гап ҳозир сеҳргарлар жамияти билан гоблинлар ёки бошқа турдаги сеҳрли мавжудодлар ўртасидаги зиддиятлар ҳақида бораётгани йўқ...

Цапкрюк ёқимсиз ҳиринглади.

- Гап айнан шу ҳақда боряпти, Гарри Поттер! Агар Ёвуз Лорд илгаригидан ҳам қудратли кучга эга бўлиб қолса, шубҳа йўқ-ки, сизнинг ирқингиз менинг ирқим устидан батамом ҳукмрон бўлади. Гринготтс мажбуран сеҳргарлар қонунига итоат қилдирилади, уй эльфлари эса қириб тугатилади. Хўш, сеҳрли таёқча соҳибларидан қайси бири бунга эътироз билдиради?

- Мен ва менга ўхшаганлар! - деди Гермиона, ўтирган жойида қаддини рост тутиб, - Биз эътироз билдирамиз! Чунки эльф-у, гоблинлар қандай таъқиб қилинса, мен ва менга ўхшаганлар ҳам худди шундай таъқиб қилинади, Цапкрюк! Сабаби содда - биз магловаччалармиз!

- Ўзингни бунчалик ерга уриб, ҳақорат қилма, - ғудуллади Рон.

- Нега энди? Мен магловаччаман ва бу билан фахрланаман! Жорий этилган янги қонун-қоидаларга кўра, менга ўхшаганлар ҳуқуқи сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиздан заррача ортиқ эмас, Цапкрюк. Қийноққа солиш учун Малфойлар уйида айнан мени - магловаччани танлашди улар.

Гермиона ёқасини шартта тортиб, томоғини очди-да, Беллатрикс ҳанжар теккизиб қонатган жароҳатини кўрсатди.

- Доббига эркинликни айнан Гарри Поттер берганини, эльфларга озодлик берилишини айнан биз талаб

қилганимизни биласизми?

Рон кресло дастасини маҳкам сиқди.

- Сиз Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг мағлуб бўлишини биздан-да ортиқ истай олмасангиз керак, - фикрини яқунлади Гермиона.

Гоблин Гермионага худди Гаррига қарагандай қизиқсиниб қаради.

- Лестранглар сейфида нима топмоқчисиз? - сўради у, кескин оҳангда, - У ерда сақланаётган қилич сохта. Мана қуролнинг асл нусхаси, - деди у, болаларнинг ҳар бирига диққат билан назар солиб, - Сиз буни, афтидан, шундоқ ҳам биласиз. Шунинг учун мендан, анави жувон Лестрангга ёлғон гапиришни сўрагансиз.

- Сохта қилич, ўша сейфда сақланаётган ягона буюм бўлмаса керак, шундайми? - сўради Гарри.

Унинг юраги қаттиқ тепмоқда. Чандиғининг лўқиллашига эътибор қилмаслик учун янада кучли зўриқмоқда.

Гоблин қора соқолини бармоғига ўради.

- Гринготтс сирларини ошкор қилиш - биз гоблинларнинг азалий урф-одатига хилоф ишдир. Ихтиёримизда мисли кўрилмаган, ғаройиб хазиналар сақланади. Уларнинг аксариятини гоблинлар яратган, шу боис, биз аждодлар олдидаги бурчимизни ситқидилдан адо этамиз.

Гоблин Гриффиндор қиличини даст кўтариб, қора кўзининг қири билан Гарри, Рон ва Гермионага қараб чиқди.

- Сиз жуда ёшсиз ва шунга қарамай, жуда кўп курашмоқдасиз.

- Ёрдам берасизми, бизга? - сўради Гарри, - Ёрдам бермасангиз, ўзимиз кира олмаймиз у ерга.

- Ҳа... ўйлаб кўраман, - жавоб берди Цапкрюк, дарғазаб бўлиб.

- Аммо... - гап бошлади Рон, бироқ Гермиона тирсаги билан туртиб қўйгач, овозини ўчирди.

Гоблин бош ирғиб, миннатдорлик билдирди-да, калта оёғини букиди.

- Ўйлашимча, «Суюк-ўстир» дорисининг таъсири ўтди, - деди у, Билл билан Флёрнинг каравотига атайин чўзилиб, - Бироз ухлаб олсам бўлар экан энди. Маъзур сананг...

- Ҳа, албатта, - деди Гарри, аммо хонани тарк этишдан олдин

энгашиб, Гриффиндор қиличини қўлига олди.

Цапкрюк эътироз билдирмади, лекин Гаррининг назарида, хона эшигини ёпар экан, гоблиннинг нигоҳида қаҳр кўрингандай бўлди.

- Ярамас пакана, - пичирлади Рон, - Ишимиз тушиб, ёрдамига муҳтож бўлганимиздан мириқишини қаранг.

- Гарри, - шивирлади Гермиона, иккала болани эшикдан нарига, зина майдонининг қоронғи марказига туртиб, - Афтидан, сен ҳам мен каби, Лестранглар сейфида руҳдон бор, деб ўйлайсан шекилли?

- Албатта, - жавоб берди Гарри, - Сейфини очганимиз ҳақидаги хаёлнинг ўзи Беллатриксни даҳшатга солди. Сабаб? Нимани кўриб қолган ёки олиб кетган бўлишимиз мумкин эди биз у ердан? Ўқотилиши Ўзинг-Биласан-Кимнинг қаҳрини қайнатадиган буюмни-да, албатта.

- Мен Ўзингиз-Биласиз-Ким қачонлардир бўлган, бирон-бир жиддий иш қилган жойларни қидириб юрибмиз, деган хаёлда юрган эдим, - деди ҳеч нарсани тушунмаган Рон, - Наҳотки у, ўз нарсасини Лестранглар сейфига яшириб чиққан бўлса?

- Гринготтсга у, ҳаётида бирор марта бўлсин, кирган-кирмаганини билмадим-у, ёшлигида банкка қўядиган пули бўлмагани, биров унга мерос қолдириб кетмаганини аниқ биламан, - деди Гарри, - Дигар хиёбонда ишлаб юрганда банк ёнидан ўтиб, Гринготтс биносини кўрган бўлиши мумкин, албатта.

Гарри лўқиллаётган чандиғига эътибор қилмай, Олливандернинг олдида киргунга қадар банк ҳақидаги ғояни Рон билан Гермиона англаб олишларини истади.

- Менимча у, Гринготтсдаги сейф калитига эга ҳар қандай одамга ҳавас қилиб, буни у, сеҳргарлар оламига бевосита дахлдорлик рамзи сифатида кўрган. Шуни ҳам унутманг-ки, у ҳамиша Беллатрикс ва унинг эрига ишониб келган. Зеро, иккаласи Ўзингиз-Биласиз-Ким қулагунга қадар, унинг энг садоқатли хизматкорлари саналиб, ғойиб бўлиши ҳамано биринчилардан бўлиб қидиришга тушишган. Бу ҳақда Ўзингиз-Биласиз-Ким ҳаётга қайтган ўша кечада гапирган эди.

Гарри чандиғини уқалади.

- Сейфга бекитиш учун берган буюми аслида руҳдон эканлигини Беллатриксга айтганига шубҳа қиламан. Кундалигини Люциус Малфойга топширганда ҳам, бу ҳақда гапирмагани аниқ. Беллатриксга буюм ниҳоятда қимматбаҳо, жуда қадрли эканлигини, шу боис, сейфга бекитиш лозимлигини айтган бўлиши мумкин, албатта. Хагриднинг таъбири ила айтганда, борди-ю бирор нарсани яширмакчи бўлсанг, Ер куррасида энг ишончли жой Гринготтс саналади... Эҳтимол «Хогварц»ни ҳам ишончли деб айтиш мумкиндир.

- Сен буларни чиндан ҳам тушуняпсанми? - сўради Рон, бошини сарак-сарай чайқаб.

- Қисман, - деди Гарри, - Дамблдорнинг ғоясини ҳам шунчалик тушунишни истар эдим. Қани, кўрамиз. Хўш, энди Олливандер.

Эр-хотиннинг хобхонаси қаршисидаги эшик томон қадам босишар экан, Рон билан Гермiona жуда мутаассир бўлиб, шошиб қолишди. Эшик тақиллатилгач, «Киринг!» сўзи аранг эшитилди.

Сеҳрли таёқча тайёрлаш устаси эгизаклардан бирининг дераза яқинида ўрнатилган каравотида ётибди. У бир йилдан ортиқ қамоқда сақланиб, кўп марта қийноққа солинганини Гарри билади. Аҳволи ниҳоятда аянчли Олливандер озиб-тўзиб кетган бўлиб, сарғайган тери остидан юз суяклари яққол бўртиб чиққан, йирик кумуш кул ранг кўзи эса кўз чаноғига чуқур ботган. Унинг адёл устида ётган қўли скелетнинг қўлидан кўп фарқ қилмайди.

Гарри бўш каравотга ўтирди. Унинг ёнига Рон билан Гермiona жойлашди. Тонг қуёшининг нури бу хонага тушмас, деразадан эса тик жарлик ёқасидаги боғ ва Доббининг қабри кўринар экан.

- Мистер Олливандер, безовта қилганимиз учун маъзур сананг, - гап бошлади Гарри.

- Болагинам, қадрдоним, - деди Олливандер бемадор овозда,

- Сен бизни қутқардинг. Тақдиримга тан бериб, ўлимимни бўйнимга олиб қўйган эдим. Миннатдорлигимни қандай изҳор этсам экан халоскорим. Яхшилигингга муносиб яхшилик қайтара олмасам керак.

- Сизни қутқариш бизга чексиз қувонч бағишлади, - таскин

берди Гарри.

Гаррининг чандиғи кучли тепмоқда. Вольдемортни энди тўхтатиб бўлмаслигини у яхши билади. Бироз саросимага тушди-ю, энди кеч. Дастлаб Цапкрюк билан гаплашишга аҳд қилган фурсатда тегишли қарорни ҳам қабул қилиб бўлган эди.

Ўзини хотиржам тутишга уринаётган Гарри Хагрид совға қилган эшак тери қопчаси ичидан синган сеҳрли таёқчасини чиқарди.

- Мистер Олливандер, менга сизнинг ёрдамингиз керак.

- Қўлдан келган ёрдамим сизники, гапиринг.

- Мана бу сеҳрли таёқчани тузата оласизми? Иложи борми, бунинг?

Олливандер титроқ қўлини узатиб, сеҳрли таёқчанинг бир-биридан деяри ажраб кетган иккита бўлагини кафтига олди.

- Найзабарг билан қақнус пати, ўн бир дюйм, - хириллади Олливандер, - Жуда ёқимли, муомала қилиш ҳам қийин кечмайди.

- Ҳа, - деди Гарри, - Сиз уни...

- Йўқ, - пичирлади Олливандер, - Бу даражада шикаст етган сеҳрли таёқчани менга маълум усулларнинг бирортаси билан тузатиб бўлмайди, минг афсус.

Гарри ўхшаш хулосани эшитишга тайёр эди-ю, ушбу сўзлар унга қаттиқ зарба бўлди. Сеҳрли таёқча бўлакларини қайтариб олиб, бўйнига осилган қопчага солиб қўйди.

Олливандер нигоҳини ҳозиргина сеҳрли таёқча бўлган нуқтадан узмай ётибди. Гарри Малфойлар уйдан олиб келган иккита сеҳрли таёқчани киссадан чиқариб, Олливандерга кўрсатди.

- Мана бу сеҳрли таёқчалар кимники, айта оласизми? - сўради у.

Уста сеҳрли таёқчалардан бирини қўлига олди, кўзига яқин келтириб айлантирганча, диққат билан кўздан кечирди.

- Ёнғоқ билан аждар юраги, - деди у, ниҳоят, - Ўн икки бутун тўртдан уч дюйм. Қаттиқ. Бу таёқча Беллатрикс Лестрангга тегишли.

- Мана буниси-чи?

- Дўлана билан яккашоҳ нарвал туки, - деди Олливандер, ўша

ҳаракатларни боз такрорлаб, - Роппа-роса ўн дюйм. Анча эгилувчан. Бу таёқча Драко Малфойга тегишли бўлган.

- Тегишли бўлган? - сўради Гарри, - Ҳозир ҳам уники эмас-ми?

- Ўйлашимча, йўқ, агар уни куч-ла тортиб олган бўлсангиз...

- Тўғри, қўлини силтаб, тортиб олганман.

- ... энди у сизники бўлиши мумкин. Сеҳрли таёқчага эгалик қилиш вазияти жуда муҳим аҳамиятга эга. Кўп нарса сеҳрли таёқчанинг ўзига ҳам боғлиқ. Қисқа қилиб айтганда, агар сиз ёлиб келган бўлсангиз, сеҳрли таёқча ўз соҳибини алмаштириши мумкин.

Деразадан эшитилаётган денгиз шовқини эътиборга олинмаса, хонада жимжитлик қарор топди.

- Сеҳрли таёқчалар ҳақида сиз, худди уларнинг ҳис-туйғуси бордай, гўё улар мустақил қарор қабул қила оладигандай гапиряпсиз, - хулоса қилди Гарри.

- Сеҳрли таёқча ўз соҳибини ўзи танлайди, - эслатди Олливандер.

- Бироқ одам тўғри келган сеҳрли таёқчадан фойдаланиб кетиши мумкин-у, таёқча уни ўз соҳибининг сифатида танламаган бўлса ҳам, шундайми? - сўради Гарри.

- Албатта, агар киши сеҳргар бўлса. Шунга қарамай, сеҳргар билан таёқча ўртасида ўзаро боғлиқлик шаклланган бўлса, самарали натижага эришилади. Бу жуда мураккаб боғлиқлик бўлиб, ўз ичига сеҳрли таёқча сеҳргардан ўзлаштирадиган тажрибани, сеҳргар эса сеҳрли таёқчадан ўрганадиган тажрибани қамраб олади.

Қирғоққа урилаётган денгиз тўлқинларининг баъзан мунгли товуши эшитилмоқда.

- Ушбу сеҳрли таёқчани мен Драко Малфойдан зўрлик билан тортиб олганман, - деди Гарри, - Демак, мен ундан бемалол фойдаланаверсам бўлаверди, шундайми?

- Билишимча шундай. Сеҳрли таёқчалар амал қиладиган қонуният жуда мураккабдир. Ўйлашимча, куч-ла тортиб олинган сеҳрли таёқча ўзининг янги соҳибига хизмат қилади.

- Бундан чиқди, мен ҳам мана бу сеҳрли таёқчадан фойдалансам бўлаверар экан-да? - сўради Рон, чўнтагидан Чувалчангдумдан тортиб олган таёқчани чиқарганча, Олливандерга узатиб.

- Қорақайин билан аждар юраги. Тўққиз бутун тўртдан бир

дўйм, мўрт. Мен уни Питер Петтигрюга ясаб берган эдим, мени ўғирлаб кетишган илк кунлари. Ҳа, агар жангда қўлга киритган бўлсанг, ҳар қандай бошқа сеҳрли таёқчадан кўра яхши хизмат қилади у сенга.

- Бу қоида ҳамма сеҳрли таёқчаларга дахл қилади-ми? - сўради Гарри.

- Ўйлашимча, шундай, - жавоб берди Олливандер, Гаррига диққат-ла разм солиб, - Жиддий саволлар беряпсиз, мистер Поттер. Сеҳрли таёқчалар ҳақидаги фан сеҳр-жодунинг жуда мураккаб, чигаллашиб кетган соҳасидир.

- Яъни сеҳрли таёқчадан фойдаланиш учун, унинг олдинги соҳибини ўлдириш шарт эмас, шундайми? - сўради Гарри.

- Шарт эмас, дейсизми? - ютунди Олливандер, - Йўқ, ўлдириш шарт деб ўйламайман.

- Лекин қотиллик орқали қўлдан қўлга ўтиб келган сеҳрли таёқча ёки таёқчалар ҳақида ҳар хил ривоятлар юради, - деди, юраги янада тез тепиб, чандиғининг оғриғи кучайган Гарри.

Вольдеморт ўз режасини рўёбга чиқаришга қатъий аҳд қилган кўринади.

Олливандернинг ранги қочди. Ёстиқнинг оқ жилдига қиёсланадиган бўлса, унинг юзи кул ранг туси ила фарқ қилиб, кўзи даҳшатдан катта-катта очилиб кетди.

- Битта, фақат битта сеҳрли таёқча, - шивирлади у.

- Ва айнан ўша таёқча Ўзингиз-Биласиз-Кимга керак бўлиб қолди ҳозир, шундайми? - сўради Гарри.

- Мен... Сиз... қаердан?... - хириллади Олливандер, мадад сўрагандай Рон билан Гермionaга қараб, - Қаердан биласиз?

- Сеҳрли таёқчаларимиз ўртасидаги ўзаро боғлиқликни қандай қилиб енгил мумкинлигини билиш истагида юрган эди у, - жавоб берди Гарри.

Олливандернинг вужудини қўрқув қамради.

- У мени қийноққа солиб, Круцио қарғишини қўллаб борди! Сиз буни тўғри тушунишингиз керак, мен... бошқа чорам қолмаган эди... унга билганларимнинг ҳаммасини, фаҳмлаган нарсаларимнинг ҳаммасини айтиб беришга мажбур бўлдим.

- Тушунаман, - деди Гарри, - Сиз унга сеҳрли таёқчаларимизнинг ўзаклари бир хил эканлигини айтиб бердингиз. Бошқа кишининг сеҳрли таёқчасини олиб,

ишлатишни тавсия қилдингиз, шундайми?

Гаррининг воқиғлиги Олливандерни хайратга солди. У аста бош ирғиди.

- Бироқ бу кор бермади, - давом этди Гарри, - Менинг таёқчам бошқа бировнинг сеҳрли таёқчаси устидан ғолиб чиқди. Нима учун, биласизми?

Олливандер ҳозиргина бош ирғиган каби, аста бош чайқади.

- Мен... ҳеч эшитмаганман, ўхшаш ҳолат муқаддам рўй берганини. Сизнинг сеҳрли таёқчангиз ўша тунда қандайдир фавқулодда ғайритабиий каромат кўрсатди. Бир ҳил ўзаклар ўртасида боғлиқлик бўлган ҳолатлар ниҳоятда кам учрайди. Сеҳрли таёқчангиз нима учун бегона таёқча устидан ғолиб келганини билмайман.

- Биз бошқа таёқча, яъни ўз соҳибини қотиллик йўли билангина алмаштирадиган сеҳрли таёқча ҳақида фикр юритаётган эдик. Ўзингиз-Биласиз-Ким менинг сеҳрли таёқчам фавқулодда кароматга қодир эканлигини тушуниб етгач, сизнинг олдингизга кириб, бошқа сеҳрли таёқча ҳақида сўради, шундайми?

- Қаердан биласиз?

Гарри индамади.

- Ҳа, сўради, - пичирлади Олливандер, - Қирғин таёқчаси, Тақдир таёқчаси ёки Катта сеҳрли таёқча ҳақида нима билсам, ҳаммасини айтиб беришимни талаб қилди.

Гермионанинг оғзи ланг очилиб, хайратдан донг қотиб қолгани Гаррининг эътиборидан четда қолмади.

- Ёвуз Лордга тисс билан қақнус пати қўлланилган, ўн уч ярим дюймли мен ясаган сеҳрли таёқча, ўзакларнинг бир ҳиллигидан хабар топган кунга қадар, ҳамиша ёқиб келган эди. Энди у бошқа, анча қудратли сеҳрли таёқчани қидириб юрибди. Зеро, сизни енгишнинг ягона йўли, ўша таёқчага эга бўлишдир.

- Бироқ у, менинг таёқчам сингани ва энди тузатиб бўлмаслигини яқинда билиб олади, агар билиб бўлмаган бўлса, - деди Гарри паст овозда.

- Йўқ! - чўчиб кетди Гермиона, - Била олмайди! Қаердан билиши мумкин?

- Приори Инкантатем, - деди Гарри, - Биз Малфойлар уйига сенинг сеҳрли таёқчанг билан тёрндан ясалган анави

таёқчани ташлаб келдик, Гермиона. Агар улар ўша таёқчаларни, улардан қўлланилган сўнгги афсунларни ўрганиб чиқишса, сенинг сеҳрли таёқчанг менинг таёқчамни синдиргани, сўнг, уни таъмирлашга урингани-ю, уддалай олмаганини кўришади ва шундан сўнг, мен қоратиканакдан фойдаланиб юрганимни англаб етишади.

Гермионанинг қути ўчди.

- Келинлар, бу ҳақда ташвиш тортмай турамиз ҳозир, - деди Рон, Гаррига койигандай қараб.

- Ёвуз Лорд Катта сеҳрли таёқчани сизни йўқ қилиш учунгина қидириб юргани йўқ, - гапни бўлди мистер Олливандер, - Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг фикрича, ўша сеҳрли таёқча бундан буён уни енгилмас сеҳргарга айлантиради.

- Чиндан ҳам, енгилмас сеҳргарга айлантиради-ми, агар топса?

- Катта сеҳрли таёқча соҳиби ҳамиша ҳаётига кимдир суиқасд қилишидан огоҳ бўлиб юриши лозим, - деди Олливандер, - Бироқ Ёвуз Лорд Қирғин таёқча соҳибига айлангудай бўлса... бу... бу... ҳаммада хавф-хатар ҳиссини туғдиради.

Гарри илк бор учрашганларида сеҳрли таёқчаси тўғри танлаганига шубҳа қилганини эслади. Мана ҳозир, шунча қийноқ ва қамоқ азобидан сўнг ҳам, Ёвуз Лорд ўша таёқчага эга бўла олиши Олливандерни ҳам мафтун қиляпти, ҳам даҳшатга соляпти.

- Мистер Олливандер, ўша таёқча ҳаётда мавжудлигига чиндан ҳам ишончингиз комил-ми? - сўради Гермиона.

- Албатта, - жавоб берди Олливандер, - Катта сеҳрли таёқча изини тарих саҳифаларида аниқ кузатиш мумкин. У ҳақда ҳеч нарса маълум бўлмаган вақт оралиқлари ҳам бор, албатта.

Сеҳрли таёқча ҳақидаги фанни ўзлаштирган ҳар қандай киши ўша таёқчани ўзига хос аломатларига кўра осон таниб олади. Мен ва менга ўхшаган бошқа сеҳрли таёқча тайёрлаш усталари танишиб чиққан ёзма маълумотлар жуда кўп. Ўша ҳужжатларнинг бари асл нусхалардир.

- Яъни сиз, Катта сеҳрли таёқчага оид гаплар эртак ёки ривоят бўлиши мумкин, деган хаёлга бормайсиз, шундайми? - умид-ла сўради Гермиона.

- Йўқ, ундай хаёлга бормайман, - жавоб берди Олливандер, -

Уни қотиллик йўли билан қўлга киритиш шарт эканлигини билмайман-у, сеҳргарларнинг кучли ишқибозлигига сазовор бўлган ҳар қандай бошқа турдаги қимматбаҳо буюм каби, тарихда қонли из қолдириб келганидан хабарим бор. У жуда қудратли, ёвуз қўлга тушса, ниҳоятда хавфли бўлиб, сеҳрли таёқча кучини татқиқ қиладиганлар учун завқ ва тасанно объекти саналади.

- Мистер Олливандер, Катта сеҳрли таёқча Грегоровичда бўлганини Ўзингиз-Биласиз-Кимга айтдингиз-ми? - сўради Гарри.

Олливандернинг қути баттар ўчиб, арвоҳдан фарқ қилмай қолди.

- Қаердан, қаердан биласиз сиз? - базўр ютиниб сўради у.

- Аҳамияти йўқ, - деди Гарри, оғриқ азобидан кўзини юмиб. Унинг кўзига Хогсмёднинг шимолидаги, ҳамон қоронғи қолаётган асосий кўчасини кўринди.

- Сеҳрли таёқча Грегоровичда бўлганини Ўзингиз-Биласиз-Кимга айтдингиз-ми? - такрор сўради Гарри.

- Буларнинг бари миш-миш гап, - пичирлади Олливандер, - Сиз дунёга келишингиздан анча олдин тарқатилган гаплар. Фикримча, ўша миш-миш гапларни Грегоровичнинг ўзи атайин тарқатган. Шубҳа йўқ-ки, бу, унинг бизнес манфаатларига хизмат қилган, яъни одамларнинг назарида Грегорович Катта сеҳрли таёқчанинг хусусиятларини ўрганиб чиққан-у, ўзи ясаётган таёқчалар замирига кирита олган.

- Тушунарли, - деди Гарри, ўрнидан туриб, - Мистер Олливандер сўнгги савол ва биз сизни тинч қўямиз. Ажал тухфалари ҳақида нима дея оласиз?

- Нималар ҳақида? - гангиб сўради Олливандер.

- Ажал тухфалари ҳақида.

- Гап нима ҳақда бораётганини тушунмаяпман, мистер Поттер. Сеҳрли таёқчалар билан боғлиқ-ми, бу савол? Гарри Олливандернинг толиққан юзига қараб, алдамаётганини тушунди. Қария тарихий ёдгорликлар ҳақида ҳеч нарса билмайди.

- Раҳмат, - миннатдорлик билдирди Гарри, - Катта раҳмат сизга. Биз борайлик. Сиз эса дамнингизни олинг. Иродаси бардош бера олмай, батамом синган Олливандер бемажол ётибди.

- У мени қийноққа солди, мистер Поттер! - базўр тушунтириш берган бўлди қария, - Круцио қарғиши. Сиз уни тасаввур ҳам қила олмайсиз...

- Афсуски, тасаввур қила оламан, бошимдан ўтган, - жавоб берди Гарри, - Илтимос, дамнингизни олинг. Билганингизни айтиб берганингиз учун ташаккур сизга.

У Рон билан Гермионанинг ҳамроҳлигида зинадан пастга тушди. Билл, Флёр, Луна ва Дин чой ичиб ўтиришибди. Улар остонада кўринган Гаррига қарашди. Гарри уларга сезилар-сезилмас бош ирғиб қўйганча, Рон ва Гермиона билан бирга боққа чиқди. Боши лўқиллаб оғриётган Гарри Добби дафн этилган дўнглик яқинига борди. Кўзига кўринаётган манзараларни идора қилиш учун анча зўриқишига тўғри келди. Кўпи ўтиб, ози қолди. Буни у билади. Бироздан сўнг ҳақлиги, назарияси тўғри бўлганига ишонч ҳосил қилади. У яна бир марда уриниб кўрса бўлди, бор гапни Рон билан Гермионага тушунтириб беради.

- Бир замонлар Катта сеҳрли таёқча чиндан ҳам Грегоровичда бўлган. Ўзингиз-Биласиз-Ким унинг изидан бориб, топганида эса Катта сеҳрли таёқча Грегоровичда бўлмаган, уни Гриндельвальд ўмариб кетган. Катта сеҳрли таёқча Грегоровичда бўлганини Гриндельвальд қаердан хабар топганини мен билмайман. Агар Грегорович миш-миш гапларни чиндан ҳам ўзи тарқатган бўлса, Катта сеҳрли таёқчани топиш Гриндельвальдга қийин бўлмаган. Вольдеморт «Хогварц» дарвозасига етиб келди. Гарри уни ва тонг қоронғисида яқинлашиб келаётган фонусни кўрди.

- Шундан сўнг, Гриндельвальд қудратли бўлиш мақсадида Катта сеҳрли таёқчадан фойдаланган. Шон-шуҳратининг чўққисига етганида Дамблдор Гриндельвальдни енга биладиган ягона сеҳргар эканлигини тушуниб етган. Дуэль жангида Дамблдор Катта сеҳрли таёқчани қўлга киритган.

- Катта сеҳрли таёқчани Дамблдор ишлатиб юрган эди-ми? - сўради Рон, ҳайратланиб, - Ҳозир қаерда у?

- «Хогварц»да, - жавоб берди Гарри, кўзига кўринаётган манзарага бор кучи билан қарши туришга ҳаракат қилиб.

- Ундай бўлса, шошилайлик, - деди Рон бетоқат бўлиб, - Кетдик Гарри, Ўзингиз-Биласан-Ким эга чиқмасидан олдин, ўзимиз бориб олайлик.

- Кеч бўлди, - деди Гарри.

У ҳеч нарса қила олмаяпти. Кўринаётган манзарани оз бўлса ҳам идора қилиш учун бошини маҳкам сиқиб олди.

- Катта сеҳрли таёқча қаердалигини билади. Ҳозир ўша ерда у.

- Гарри! Қачондан буён билар эдинг буни? Нега биз вақтни бой беряпмиз? - бақирди Рон, - Нега сен олдин Олливандернинг суҳбатини олмай, Цапкрук билан гаплашдинг? Ўша ерга эртароқ йўл олишимиз мумкин эди-ку. Ҳали ҳам бўлса...

- Йўқ, - жавоб берди Гарри, майсага чўккалаб, - Гермиона ҳақ. Дамблдор истамаган Катта сеҳрли таёқча кетидан қувишимни. Унга эга бўлишимни хоҳламаган. Рухдонларни қидириб топишимни истаган у.

- Енгилмас таёқча, Гарри! - ингради Рон.

- Истамайман... Мен руҳдон қидираман.

Теварак-атроф салқин, қоронғи. Уфқ ортидаги қуёш ҳали кўринмайди. Ҳозирча у Снеггнинг ёнида, бевосита ер юзида сирпаниб, кўл томон бормоқда.

- Кўп ўтмай ўзим бораман қасрга, - деди у, совуқ эшитиладиган ингичка овози билан, - Мени ҳоли қолдир. Снегг таъзим бажо айлаб, қора ридосининг орқа томонини ҳилпиратганча изига қайтди. Гарри-Вольдеморт аста одимлаб, Снеггнинг қораси ўчишини кутди. Қай томон йўл олганини Снегг ёки бошқа биров кўриб қолишини истамади. Қаср деразалари ёришмаган. Демак, ниқобланиб олиши мумкин. У ўзига ўзи кучли Тиндириш афсунини қўллаб, ҳатто ўз кўзига ҳам кўринмас бўлиб қолди.

Туғилганидан буён биринчи қадрдон уйига айланган қасрни томоша қилганча, соҳил бўйлаб юришни давом этди. Ана у, кўлнинг нариги томонида, акси қора сув сиртида кўринмоқда. Оқ мрамрдан қўйилган дахма - табиат манзарасида ортиқчалик қилаётган доғдай кўринмоқда. Гарри-Вольдеморт кўзланган мақсад устидан қозонилган тантана кайфиятини боз ҳис этиб, ўн уч ярим дюймли, тисс билан қақнус патидан тайёрланган сеҳрли таёқчасини кўтарди. Ушбу таёқча учун охиргиси бўлишга арзигули афсун қўллади.

Қабр тоши тўлиқ очилди. Кафанга ўралган жасад ҳаётлик

даврида новча ва озғин бўлганча қолган. Гарри-Вольдеморт сеҳрли таёқчасини боз силтаб, матони четга сурди.

Жасаднинг юзи яримшаффоф, рангсиз, бироз ботган бўлса ҳам, яхши сақланган.

Кўзойнагини ҳам бурнига илиб қўйишибди, истар-истамас кулиб қўйди у. Дамблдорнинг қўли кўксиди қовуштирилган. Мана у, жасад билан бирга кўмиб қўйилганча ётибди.

Наҳотки қабр Катта сеҳрли таёқчани сақлаб қолади, деган хаёлга борган бўлса, кекса аҳмоқ? Наҳотки Ёвуз Лорд қабримни расво қилишга журъат эта олмайди, деб ўйлаган бўлса?

Ўргамчиксимон кафт Дамблдорнинг қўлидаги сеҳрли таёқчани куч-ла тортиб олди. Тортиб олиши ҳамона, сеҳрли таёқча учқун чиқариб, янги соҳибга хизмат қилишга ҳозирланганча, эски соҳибини ёритди.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ. ШЕЛЛАР КОТТЕЖИ

Билл билан Флёрнинг якка уйи уммон тубидан кўтарилган баланд қоя чўққисиди барпо этилган. Бу ер бошқа жойлардан ажралган сўлим маскан бўлиб, Гаррига, у қаерга ўтмасин: мўъжазгина уйда ёки боғда бўладими, денгиз сатҳининг мудраб ётган йирик махлуқ нафасига ўхшаш кўтарилиш ва қайтиш шовқини эшитилмоқда. Сўнгги кунларни Гарри асосан одам тўла уйдан чиқиб, қоянинг энг баланд чўққисиди ўтказди. У ерда Гарри чексиз осмон билан бепоён денгиз туташган гўзал манзарани томоша қилади, юзини силаб ўтадиган совуқ шамолнинг шўр таъмидан завқланади.

Гарри ўзининг аҳдидан, яъни Катта сеҳрли таёқчани қидириб топиш мақсадида Вольдеморт билан ким ўзарлик қилишга уринмаслик қароридан ўзи ҳайиқмоқда. Бирор марта бўлсин, ҳаракатсизликни афзал топган ҳолатни ҳеч эслай олмайди. Ҳозир эса қандайдир дудмоллик, Рон ҳар гал учрашганда овозли қилаётган гумон фикр-хаёлини қамраб олмоқда. - Агар Дамблдор Катта сеҳрли таёқчага эга бўлишимизни истаган бўлса-чи? - дейди Рон, - Жўяли ўйлаб кўриладиган бўлса, тухфаларни қўлга киритишга «муносиб»лигини англатаётган бўлса-чи, анави рамз? Гарри, жин урсин, агар

Ўша таёқча чиндан ҳам Катта сеҳрли таёқча бўлса, қандай қилиб енгамиз энди Ўзинг-Биласан-Кимни?

Ушбу саволларга нима деб жавоб беришни Гарри билмайди: Вольдемортга тўсқинлик қилмаслик, қабрни очишига йўл қўйиш ҳақида ўйлаган фурсатлар бўлган. Нима учун бундай иш тутганининг сабабини ҳам баҳарнав тушунтириб бера олмайди. Ҳатто ўзига ўзи исботлашга уринаётганда ҳам, далиллар ҳар гал суст бўлиб чиқаверади.

Унинг қарорини маъқул топган Гермiona ҳам, ўз шубҳалари билан тинч қўймаётган Рон каби, Гаррининг миясини гангитаётгани ғалати.

Катта сеҳрли таёқча чиндан ҳам ҳаётда мавжудлиги, у ёвуз жодунинг бир қисми эканлиги, ўша таёқчани қўлга киритиш борасидаги Вольдемортнинг жирканч режаси инobatга олинмаганлигини тан олиш зарур бўлмоқда энди.

- Сен ҳеч қачон журъат этмайсан бунга, Гарри, - такрор ва такрор таъкидлайди Гермiona, - Дамблдорнинг қабрига қўл теккизмайсан.

Бироқ ҳозир Гаррини Дамблдорнинг қабрини титкилаш ғояси чўчитаётгани ёўқ. Дамблдор тириклигида кўзлаган ният нотўғри талқин қилинган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр қийнаяпти уни.

Гарри тусмол билан иш тутаётганини ҳис этмоқда, ўз йўлини аниқ танлаган бўлса-да, баъзан аломатларни тўғри талқин қилганига шубҳа қилиб, бошқа йўлдан бориш борасида ўйланганча, баъзан ортга боқиб бормоқда. Дамблдор унинг айби билан ҳалок бўлганидан қайнаб келаётган ғазаб, денгиз тўлқинлари мана бу уй остидаги қояга бераётган зарба кучи каби кучли жаҳл вужудини қамраб бормоқда, Дамблдор бор гапни тириклигида тушунтириб кетмаганидан зардаси қайнамоқда.

- Дамблдор ўлган, тўғрими? - деди Рон, коттежга келишганига уч кун бўлган куни.

Гермiona билан Рон келган фурсатда, Гарри қоя билан боғ ўртасида кўтарилган девор ортига бекиниб, у ёқ, бу ёқ юрганча, ўй сураётган эди. Дўстлари топиб олганидан Гарри афсусда, чунки охири кўринмайдиган баҳсни давом этиш нияти йўқ, унинг.

- Рон, чиндан ҳам, қўй, бошлама ўша гапингни! - ўтинди

Гермиона.

- Далилларга назар солсанг-чи, Гермиона, - деди Рон, узоқ уфққа қараб қолган Гаррининг ёнидан ўтиб, - Фикрингни бошқа нарсалардан биров чалғит... Қиличнинг бизга керак бўлган фурсатда тасодифан топилиб қолгани, кўзгу парчасида Гарри кўрган кўрган анави кўз...

- Кўрган эмас, кўрингандай бўлиб туюлган! Тўғрими, Гарри? - сўради Гермиона.

- Туюлган бўлиши ҳам мумкин, - жавоб берди Гарри, кўзини уфқдан узмай.

- Туюлма, чиндан кўринган бўлиши ҳам мумкин-ку, ўша кўз, шундайми, Гарри? - сўради Рон.

- Бўлиши мумкин.

- Ҳа, балли! - фикрини давом этишга шошилди Рон, Гермионанинг оғиз жуфтлаётганини кўриб, - Агар кўзгуда кўринган кўз Дамблдорнинг кўзи бўлмаса, Гермиона, тушунтириб бер-чи менга, ертўлада қамалиб ўтирганимизни Добби қаердан билди?

- Билмайман, қаердан билганини. Ўзинг-чи, тушунтириб бера оласан-ми, қандай қилиб «Хогварц»даги қабрида ётган Дамблдор Доббини бизга ёрдамга жўнатиши мумкинлигини?

- Балким арвоҳи жўнатгандир! - тахмин қилди Рон.

- Дамблдор арвоҳ сифатида бу дунёга қайтмай, йўлни давом этган бўлар эди, - эътироз билдирди Гарри.

Унинг Дамблдор борасида ишончи комил бўлган масалалар кўп қолмаган, лекин бу нарсани у аниқ билади.

- Нимани назарда тутяпсан, «Йўлни давом этиш» тушунчаси остида?

Роннинг саволига жавоб беришга Гарри улгурмади. Орқада кумуш сочи шамолда ҳилпираётган Флёрнинг овози эшитилди:

- Гағғи! Гағғи, Цапкрюк дағдини сенга тўкиб сочмоқчи кўғинади. Кичик ётоқхонага ўтиб олди у. Гапини биғов эшитиб қолишини истамас эмиш.

Изига зардаси қайнаб қайтган Флёрнинг хабар билан юборган гоблинга бўлган зид муносабати аён кўриниб турибди.

Чиндан ҳам Цапкрюк, Флёр айтгандай, Гермиона билан Луна дам оладиган энг кичик ётоқхонага кўчиб, кутиб ўтирган

экан. У булутли осмон кўринадиган деразанинг қизил пардасини тушириб, хона ҳавосини димиқтирганча, бошқа баҳаво, ёруғ хоналардан кескин фарқ қилдириб қўйибди.

- Мен бир қарорга келдим, Гарри Поттер. Гринготтс гоблинлари ушбу қилмишимни хоинликка йўйишган бўлар эди-ю, шунга қарамай, сенга ёрдам беришга аҳд қилдим, - деди пастак курсида оёғини чатиштириб, қовуштирилган қўлини букилган бармоқлари билан ушлаб олган Цапкрюк.
- Жуда соз! - енгил тортди Гарри, - Раҳмат, Цапкрюк, биз чиндан ҳам...

- ... тўлов бадалига, албатта, - қатъий оҳангда тугаллади фикрини гоблин.

Гарри боши қотиб, иккиланди.

- Қанча олтин сўрамоқчисиз?

- Олтин эмас, - эътироз билдирди Цапкрюк, - Олтиним етарли. Гоблиннинг қоп-қора кўзи ярқираётган бўлса ҳам, унда ёрқинлик кўринмади.

- Ёрдам эвазига қилични, яъни сизлар Гриффиндор қиличи, деб атайдиган қуролни менга беришингизни истайман.

- Уни сизга бера олмайман, узр, - деди кайфияти тушган Гарри.

- Унда, ёрдам масаласи муаммога айланади, - хулоса чиқарди гоблин мулойим овозда.

- Сизга бирон-бир бошқа нарса беришимиз мумкин, - бетоқат бўлди Рон, - Гаров ўйнайман, Лестрангларнинг сейфида қимматбаҳо нарсалар жуда кўп. Бирга кирсак, кўнглингиз истаган нарсани танлаб олишингиз мумкин.

Рон қаттиқ янглишди.

- Мен ўғри эмасман, йигитча! - овоз кўтарди кутилмаганда гоблин, ғазаби қайнаб, - Эгалик ҳуқуқим бўлмаган хазинага қўл теккизмайман!

- Қилич бизники...

- Йўқ, сизники эмас, - эътироз билдирди гоблин.

- Биз гриффиндорчилармиз. Қилич эса Годрик Гриффиндорга тегишли бўлган.

- Гриффиндорнинг қўлига тегишидан олдин-чи, кимники бўлган ўша қурол? - талаб оҳангида сўраби гоблин, ўтирган жойида қаддини рост тутиб.

- Ҳеч кимники бўлмаган, - деди Рон, - Қилич атайин Годрик

Гриффиндор учун ясалган, ё нотўғрими?

- Нотўғри, албатта! - бақирди гоблин, тепа сочи тик бўлганча, узун бармоғини Роннинг кўксига қадаб, - Мана, кўриб қўйинг, сеҳргарнинг асл башараси-ю, такаббур табиатини! Қилич аслида Рангук Биринчини бўлган, Годрик Гриффиндор эса қуролни ундан тортиб олган! Бу қилич гоблин меҳнатининг дурдоналаридан бири саналади! У гоблинга ва фақат гоблинга тегишли. Сизга ёллансам ўша қилич эвазига ёлланаман холос, хоҳламасангиз, билганингизни қилинг! Гоблин учала болага кўзи билан егудай бўлиб қаттиқ тикилди.

- Диққат бўлманг, Цапкрюк, ҳаммаси жойида, - деди Гарри, - Биз ушбу масалани муҳокама қилиб олишимиз керак. Икки дақиқа бера оласиз-ми, бизга?

Цапкрюк истар-истамас бош ирғиди.

Гарри пастга, кимсасиз меҳмонхонага тушиб, камин олдида қошини чимириб олганча, бирон нима ўйлаб топишга уринди.

- Устимиздан куляпти у, - аччиқланди Гаррининг орқасида турган Рон, - Қилични унга топшириб қўймаймиз.

- Шу гап ростми? - сўради Гарри Гермионадан, - Гриффиндор ҳақиқатан ҳам ўғирлаган-ми, гоблиннинг қиличини?

- Билмадим, - деди Гермиона, умидсизланиб, - Сеҳргарлар ҳақида гап кетганда, уларнинг муайян мақсадга эришиш йўлида қилган айрим қилмишлари тарих саҳифаларига битилмай, ўтказиб юборилган ҳолатлар тез-тез учраб туради.

- Ўхшаш гапларнинг бари гоблинлар томонидан тўқиб чиқарилган, сеҳргарлар уларни бир умр хўрлаб келгани ҳақидаги уйдирмалардан бири, - ҳикмат қилган бўлди Рон, - Нима учун сеҳрли таёқчаларимизни ҳам қиличга қўшиб беришимизни талаб қилмади, ҳайронман.

- Сеҳргарлар элатини ёмон кўришга гоблинларнинг жиддий асослари бор, - эътироз билдирди Гермиона, - Ўтмишда уларга золимона муомала қилинган.

- Гоблинлар – жажжигина момиқ қуёнчалар эмас, Гермиона. Улар ҳам сеҳргарларнинг кўпини қириб ташлаган. Улар ҳам урушнинг жирканч, нопок усулларини қўллашган.

- Ҳозир биз буюк ва қудратли ирқ мавзусини Цапкрюк билан муҳокама қиладиган бўлсак, унинг бизга ёрдам бериш истагини янада кучайтириб юборишимизга шубҳа қиламан,

нима дединг? - шартта кесди Гермиона.

Орага сукунат чўкиб, учовлон юзага келган муаммо ечими ҳақида ўйга толди. Гарри деразадан ташқарига, Доббининг қабрига қаради. Луна денгиз лавандасининг гулини дахма ёнидаги қуюқ шиннидан бўшаган банкага солмоқда.

- Яхши, - деди Рон, - Мана бу фикрга нима дейсиз?

Гарри ортга бурилиб, Рон билан тўқнашиб кетишига сал қолди.

- Биз Цапкрюкка Лестранглар хазинасига кирмагунча қилич бизда қолишини айтамыз. У ерда эса сохта қилич бор, шундайми? Гоблинга сездирмай, ўша қилични қўлига ушлатиб қўямиз.

- Рон, қуролнинг сохта ва асл нусхалари ўртасидаги фарқни учовимиздан ҳам олдин фаҳмлайди у! - хитоб қилди Гермиона, - Ўшанда Гринготтсга қиличнинг сохта нусхаси келтирилганини фаҳмлаган ягона гоблин айнан Цапкрюк бўлади, унутма буни!

- Тўғри... лекин... токи у яна фаҳмлагунча, гум бўлишга улгурамыз...

Гермионанинг нигоҳи Ронни сескантириб юборди.

- Ўтиниб кўмак сўраш, ёрдамни олгач эса, алдаб кетиш! Бундан-да ортиқ қабиҳлик бўлмаса керак, - жирканди қиз, - Тағин, гоблинлар сеҳргарлар элатини ёмон кўришидан ҳайрон бўласан-а, Рон!

- Яхши, яхши! Йўқ бўлса, йўқ, - деди қулоғи бир жуфт помидордай қизарган Рон, - Ақлим етгани шу бўлди, ўзинг-чи, қандай фикрга келдинг?

- Биз унга бирон-бир бошқа, худди шундай қийматга эга нарсани таклиф қилишимиз керак.

- Жуда соз, мен югуриб бориб гоблинлар ясаган энг қадимий қуроллардан яна бирини топиб келай, сен эса унинг қадоғини кўтариб келасан, - кесатди Рон.

Яна жимжитлик қарор топди. Бошқа бирон-бир қимматбаҳо буюм таклиф қилинган тақдирда ҳам, гоблин фақат Гриффиндор қиличини талаб қилишига Гаррининг ишончи комил. Боз устига, бу қилич руҳдонларни йўқ қилиш учун ҳавадай зарур бўлган ягона қурол саналади.

Гарри кўзини бир неча сонияга чирт юмиб, денгиз шовқинига қулоқ тутди. Гриффиндор гоблинларнинг қиличини

Ўғирлагани ҳақидаги гап унга ёқмади. Гарри гриффиндорчи эканлигидан ҳамиша фахрланиб келган. Зеро Гриффиндор, маглар оиласида туғилган сеҳргарларнинг ҳимоячиси, Слизериннинг тоза қонга бўлган муҳаббатига қарши курашган сеҳргар бўлган.

- Цапкрюк бизни алдаган бўлиши ҳам мумкин, - деди Гарри, кўзини очиб, - Балким Гриффиндор ўғирламагандир ўша қилични. Гоблин рост гапираётганини биз қаердан билишимиз мумкин?

- Бирон-бир аҳамияти бор-ми, бунинг? - сўради Гермиона.

- Ориятим учун бор, аҳамияти, - жавоб берди Гарри, дўстларига қараганча, чуқур хўрсиниб, - Ҳазинага етишимизга ёрдам берса, қилич уники бўлишини ваъда қиламиз, лекин қурол унга қачон топширилишини айтмаймиз. Роннинг юзида пайдо бўлган кулги аста кенгая бошлади. Гермиона эса, аксинча, таажжубланди.

- Гарри, биз уни...

- Алдамаймиз. Гоблин қилични олади, - давом этди Гарри, - Руҳдонларнинг барини йўқ қилиб юборайлик, олади. Мен ўз ваъдамнинг устидан чиқаман.

- Лекин ваъданга вафо қилишинг учун кўп йиллар керак бўлиши мумкин! - хитоб қилди Гермиона.

- Орадан қанча ват ўтишини билмадим-у, лекин қуролни олади. Алдамайман... гапим рост.

Гарри қизнинг хўрланган дарғазаб нигоҳига рўбару келди. Негадир ҳозир у, Нурмернгард қамоқхонасига кириш эшиги устига ўйиб ёзилган «БУЮК ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА» сўзларини эсга олди ва шу заҳоти, ушбу фикрни миясидан чиқариб ташлади. Бошқа чораси борми, уларнинг?

- Менга ёқмади бу ғоя, - эътироз билдирди Гермиона.

- Тўғриси айтсам, ўзимга ҳам, - иқрор бўлди Гарри.

- Мен эса доҳиёна, деб топдим уни, - деди Рон, шартта ўрнидан туриб, - Юринглар, бориб айтайлик энди унга қароримизни.

Энг кичик ётоқхонага қайтган Гарри ўз фикрини Цапкрюкка айтар экан, қурол топшириш муддати масаласига эҳтиёткорона ёндашди. Гермиона эса суҳбат давомида қовоғини осиб олганча, ер чизиб ўтирди. Гарри бундан аччиқланиб, алдов фош бўлишидан кўрқди. Аммо Цапкрюк

Гарридан бошқа ҳеч кимга эътибор қилмади.

- Сизларга ёрдамим текканидан сўнг, қиличини менга беришга сўз берасан-ми, Гарри Поттер? - сўради Цапкрюк.

- Сўз бераман, - ваъда қилди Гарри.

- Ундай бўлса, бор барака, келишдик, - қўл узатди гоблин.

Гарри Цапкрюкнинг қўлини сиқди. Гоблин ўзининг қўмирдек қора кўзи билан Гаррининг кўзига қараб, нималарни уқиб олгани, Гарри учун жумбоқ бўлди. Цапкрюк Гаррининг қўлини қўйиб юборди-да, бир кафтини бошқасига уриб, хитоб қилди:

- Хўш! Бошладик-ми!

Кейинги қилган ишлари Сеҳргарлик вазирлигини забт этиш режасини тузишга ўхшаб борди. Улар Цапкрюкнинг хоҳишига кўра, ярим қоронғи бўлганча қолган кичик ётоқхонага астойдил жойлашиб олишди.

- Лестранглар хазинасида мен фақат бир марта бўлганман холос. Анави сохта қилични жойлаб қўйиш учун кирганман, - гап бошлади Цапкрюк, - У ер Гринготтснинг азалий мулк сақлаш хоналаридан бири саналади. Сеҳргарларнинг қадимий сулолалари ўз хазиналарини банкнинг энг қуйи қаватида сақлашади. Ўта йирик, ишончли муҳофаза қилинадиган сейфлар ўша ерда жойлашган...

Улар кўп вақтни кичик ётоқхонада ўтказишди. Кунлар ҳфталарни ташкил этди. Муаммо кетидан муаммолар чиқиб келди. Улардан бири Ҳамма қиёфа сиркасининг захираси деярли қолмагани бўлди.

- Бу ерда фақат бир кишига етадиган сирка қолди, - деди Гермiona, шиша идишни ёруққа кўтариб.

- Ўшанинг ўзи етади, - жавоб берди Гарри, Цапкрюк тутиб турган харитадаги энг чуқур йўлакларни ўрганиб ўтириб.

Шеллар уйида яшаётган бошқа одамлар Гарри, Рон ва Гермiona қандайдир ишга жазм қилишганини сезмай қолишмади, албатта. Гарчи Гарри овқатланаётган маҳалда Биллнинг қизиқсинган, хавотирли нигоҳини ҳис этаётган бўлса-да, ҳеч ким ортиқча савол бермади.

Улар гоблин билан бирга қанча кўп вақт ўтказишса, Гарри уни шунча кўп ёқтирмай бораётганини аста тушуниб бормоқда. Кутилмаганда, Цапкрюк табиатан ваҳший эканлиги, майда махлуқларнинг жонини оғритиши мумкин

бўлган нарсалар унинг кулгисини қисташи аниқланди, Лестранглар хазинаси йўлида дуч келиши мумкин бўлган бирон-бир сеҳргарга жароҳат етказиш имкониятидан завқланиши кузатилди. Гарри ўзи ҳис этаётган нафратга дўстлари ҳам шерик эканлигига амин бўлса ҳам, Цапкрюк уларга жуда керак бўлгани боис, ушбу масала муҳокама қилинмади.

Гоблин, ушбу уйда яшаётган бошқа одамлар билан бир дастурхонда истар-истамас ўтириб овқатланмоқда. Оёғидаги жароҳатлар битиб кетгандан кейин ҳам, гоблин егуликни, худди ҳамон тузалиб кетмаган мистер Олливандерга келтириб беришаётган каби, хонасига олиб келишларини талаб қилди. Тоқати тоқ бўлиб, ғазаби қайнаган Флёрнинг жанжалидан сўнг, Билл юқорига кўтарилиб, Цапкрюкка, овқатланиш учун пастга тушиши кераклигини маълум қилди. Гоблин ҳамма ўтирган дастурхонга келиб қўшилди-ю, эл қатори овқатланишдан бош тортиб, кўпроқ хом гўшт, илдизли ошкўклар, қўзиқориннинг ҳар хил турлари берилишини талаб қилди.

Бундай вазиятнинг юзага келишида Гарри ўзини айбдор, деб топмоқда. Чунки савол-жавоб ўтказилиши учун гоблин Шеллар коттежида қолишини Гарри талаб қилди, унинг айби билан Уэслилар оиласи бекинишга мажбур бўлди, Билл, Фред, Жорж ва мистер Уэсли эса ишга бора олишмаяпти. - Уйингизда бундай муаммолар бўлишини мен ҳеч истамаган эдим, узр, - деди кунлардан бир кун Гарри, тушлик тайёрлаётган Флёрга ёрдам берар экан, - Ҳаммасига ўзим айбдорман.

Флёр пичоқларга гўштни Цапкрюк учун ҳамда Уолк ғажиганидан кейин қонли гўштни хуш кўриб қолган Билл учун бифштексбоп қилиб тўғрашни буюрди. Пичоқлар ишга киришгач, Флёрнинг дарғазаб қиёфаси бироз юмшагандай бўлди.

- Гағғи, сен менинг синглимни ўлим чангалидан асғаб қолгансан, буни мен унутганим йўқ.

Умуман олганда, ҳа, тўғри. Лекин ўша ҳодиса аслида ўйин бўлиб, Габриэлланинг ҳаёти ҳеч қандай хавф остида бўлмаганини Гарри эслатмай қўя қолди.

- Мистеф Олливандеф бугун Мюфиель холанинг уйига кўчиб

ўтади, - давом этди Флёр, сеҳрли таёқчасини ичидаги қайла пуфак чиқараётган тувакка ўқтаб, - Гоблинни, - қошини чимириб тилга олди у, - Мистеф Олливандефнинг хонасига кўчиғиб ўтказсак, сен, Фон ва Дин унинг хонасига жойлашишлагинг мумкин.

- Биз меҳмонхонада ётишга қарши эмасмиз, - рад этди Гарри, Цапкрюкка диванда ётиш ёқмаслигини билиб.

Кўзланган режани рўёбга чиқариш учун гоблиннинг кўтаринки руҳини сақлаб бориш ҳозир жуда муҳим.

- Биздан ташвишланма, - деди Гарри ва Флёр эътироз билдирмоқчи бўлганини кўриб, фикрини тез тугаллади: - Биз ҳам яқинда кетамиз. Мен, Рон ва Гермиона. Оз қолди. Флёр сеҳрли таёқчасини ҳавода муаллақ осилганча қолган кастрюлкага ўқтади.

- Бу билан нима демоқчисан? - аччиқланди у, - Ҳеч қаяёга кетмайсиз. Энг хавфсиз жой шу еғ, сизлағ учун.

Шу пайтда Флёр миссис Уэслидан кўп фарқ қилмай қолди. Орқа эшик очилиб, ошхонага ёмғирдан шалаббо бўлган, бир қучоқдан ўтин кўтарган Луна билан Дин кириб келишди.

- ... ва миттигина қулоқчалари бўлади, - деди Луна, - Дадамнинг айтишича, танаси бегемотни эслатиб, бинафша ранги ва жуни билан ажраб туради. Олдинга чақирмоқчи бўлсанг ғувиллаган товуш чиқаришинг керак бўлади, мусиқадан фақат вальсни ёқтириб, ундан тез суръатли куйни хуш кўрмас экан...

Афтидан ўзини бироз ноқулай ҳис этди шекилли, Луна билан бирга ўтаётган Дин бировга билдирмай, Гаррига қараб, елка қисиб қўйди. Улар Рон билан Гермиона дастурхон тузаётган, ҳам умумий емакхона, ҳам меҳмонхона сифатида хизмат қилаётган марказий хонага киришди. Флёрнинг ноқулай саволига жавоб бермаслик имкони туғилганидан севинган Гарри икки кўза ошқовоқ шарбатини кўтарганча, Дин билан Лунанинг ортидан эргашди.

- ... мабодо бизникига бирор кун меҳмонга келсанг, унинг горнини кўрсатаман сенга. Дадам ёзган эди байрамга совға сифатида сотиб олганини. Лекин ўзим кўрганим йўқ ҳали уни, чунки Ўлимдан мириқувчилар мени «Хогварц-Экспресс»дан ўғирлаб кетишиб, Рождество байрамини уйда ўтказа олмадим, - ҳикоясини тугатди Луна, Дин билан

ўтаётган суҳбатини давом этиб.

- Луна айтдик-ку сенга, ўша горн портлаб кетди, деб, - эслатди Гермиона, - У Буришиқ шоҳли стеклопга эмас, Эрмпент шоҳи эди...

- Йўқ, у Буришиқ шоҳли стеклоп шоҳи бўлган, - қатъий ишонч-ла таъкидлади Луна, - Дадам шундай деб ёзган менга. Эҳтимол, бизнинг давримизга келиб ташқи кўриниши ўзгарган бўлиши мумкин. Улар ўзларини элари ўзгартириб туришади, билсанг агар.

Гермиона баҳслашмай, бош ирғиб қўйди-да, санчқи теришни давом этди. Зинадан мистер Олливандер ва уни қўлтиқлаб олган Билл тушиб келишди. Сеҳрли таёқча тайёрлаш устаси ҳамон бемажол бўлиб, чамадонини кўтариб тушаётган Биллнинг қўлини маҳкам ушлаб олган.

- Мен сизни соғиниб яшайман, мистер Олливандер, - хитоб қилди Луна, қариянинг олдига келиб.

- Мен ҳам, ёқимтойгинам, - деди Олливандер, Лунанинг елкасини силаб, - Анави даҳшатли жойда менинг таърифга сиғмас суянчим бўлдинг.

- Хайр бўлмаса, мистеф Олливандеф, - деди Флёр, мўйсафиднинг икки лунжидан ўпиб, - Сиздан илтимос, Биллнинг Мюғиель холасига омонатини қайтағиб беғсангиз. Унинг тиағасини ҳамон элтиб беғганим йўқ эди.

- Бу мен учун улкан шараф, - жавоб берди Олливандер, енгил таъзим қилиб, - Сизнинг сахий меҳмондўстлигингиз учун арзимас хизмат бўлади холос.

Флёр баҳмал қопланган сандиқчани қўлига олиб, ичидагини мистер Олливандерга кўрсатиш учун қопқоғини очди.

Сандиқчага жойланган келинчак тожи паст осилган қандил нуридан ялтираб, милтилади.

- Ойтош билан бриллиант экан-да, - таъкидлаб ўтди бировга сездирмай кириб келган Цапкрюк, - Гоблинлар меҳнати бўлса керак?

- Сеҳргарлар уларнинг меҳнат ҳақини тўлаган, - деди Билл. Цапкрюк Биллга ўқрайиб қўйди.

Мистер Олливандер билан Билл қоронғиликка чиқиб кетишлари ҳамано, деразага кучли шамол келиб урилди.

Уйда қолганлар дастурхон атрофига тирсак тирсакка тегиб жойлашди.

Каминда гулхан тирсиллаб ёниб, олов тили камин панжарасининг чивиқларини яламоқда. Флёр деярли ҳеч нарса емай, ҳар дақиқа деразадан ташқарига қараб ўтирибди.

Биринчи таом ҳали еб тугатилмай, Билл уйга қайтди.

- Ишлар жоида, - маълум қилди у, - Олливандер яхши жойлашди. Ойим билан дадам ҳаммага салом айтди. Жинна ҳаммани яхши кўришини айтиб қўйишимни илтимос қилди.

Фред билан Жорж Мюриель холанинг орқа хонасида Бойқушлар Орденига тегишли ишлар билан банд. Тиарани қайтариб берганимиздан холам жуда хурсанд бўлди. Уни ўзимизники қилиб олганимиздан жаҳли чиқиб юрган экан.

- Жуда дилбағ аёл-да, ўша холанг, - аччиқланди Флёр.

У сеҳрли таёқчасини қаттиқ силтаганча стейкни ҳавога кўтарар экан, ҳамманинг кийимини доғ қилди.

- Дадам ўзи тиара ясади, - деди Луна, стейкни тутиб олган Флёр хонани тарк этгач, - Келинчак тожидан анча катта чиқди, лекин.

Гаррининг нигоҳини кўрган Рон тиржайиб қўйди.

Ксенофилиуснинг уйига меҳмонга боришганда кулгили бош кийим кўришган эди.

- Дадам Ровена Равенклонинг йўқолган тиарасини аслидай тиклашга уриниб кўрмоқчи. Фикрича, асосий элементларнинг аксариятини топган, лекин қоринпитракнинг қанотини қўшгани, тасаввурни бироз ўзгартириб юборди...

Олд эшикка нимадир келиб, кучли урилди. Ҳамма баробарига ўша томон юзланди. Эшикдан кўзини узмаган Флёр ошхонадан чўчиганча отилиб чиқди. Билл ўтирган курсисида бир сапчиб тушиб, сеҳрли таёқчасини эшикка ўқтади. Гарри, Рон ва Гермiona ҳам шундай қилишди. Цапкрюк курсидан аста сирпаниб тушиб, стол остига кириб кетди.

- Ким у? - овоз кўтарди Билл.

- Бу мен, Ремус Жон Люпин! - янгради шамолдан баланд эшитилган овоз.

Гаррининг вужудини хавотир қамради.

- Мен махлуқ тусига кирадиган одамман, Нимфадора Бомсга уйланганман. Сен, Шеллар коттежининг сир сақловчиси сифатида ушбу манзилни фавқулодда ҳолатда келишим учун бергансан менга.

- Чиндан ҳам Люпин экан, - деди Билл, эшик очишга ошиқиб. Рангида қон қолмаган, сафар плашига ўраниб олган, сочини шамол тўзғитиб юборган Люпин остонадан ҳатлаб ўтибоқ, полга йиқилди. Ўрнидан туриб, қоматини ростлаб олгач, атрофга қаради. Бегона одам йўқлигига ишонч ҳосил қилди шекилли, овози борича бақирди:

- ЎҒИЛ КЎРДИК! Унга Доранинг отаси шарафига Тэд деб ИСМ ҚЎЙДИК!

- Нима?... Бомс... Бомс туғдимми? - чинқираб юборди Гермиона.

- Ҳа, ҳа, зўр чақалоқ туғиб берди! - бақирди Люпин.

Дастурхон атрофида ҳайрат қичқириқлари, оҳ-воҳлар эшитилди. Гермиона билан Флёр бараварига қичқиришди:

- Табриклаймиз!

- Қаранглар-а, бола туғилибди! - хитоб қилди Рон, бундай гапни илгари эшитмагандай ҳайрон бўлиб.

- Ҳа, бола туғилди! Ўғил туғилди! - боз бақирди Люпин, ўз бахтидан ўзи эсанкираб.

У стол олдига келиб, Пинҳонийлик майдонида қилмаган ишини қилди, кутилмаганда Гаррини маҳкам қучоқлаб олди.

- Ўғлимнинг чўқинтирган отаси бўласан-ми? - сўради Люпин, Гаррини қўйиб юбориб.

- Мен... Мен-ми? - довдиради Гарри.

- Ҳа, сен. Дора ҳам илтимос қилди. Унинг фикрича, сендан яхши чўқинтирган ота топилмас экан...

- Мен... ҳалиги.... ҳа... албатта...

Гаррининг вужудини бир зумда завқ ва ҳайрат қамраб олди. Билл вино олиб келишга шошилди, Флёр қўярга қўймай Люпинни дастурхонга тортди.

- Узоқ қола олмайман, қайтишим керак, - деди Люпин, ҳаммага назар солиб чиқиб, - Раҳмат, Билл, раҳмат.

Гарри Люпинни ҳали бунчалик яшнаб, яшариб кетганини кўрмаган.

Билл тўлдирган қадаҳларни ҳамма баланд кўтарди.

- Чақалоқ учун!

- Кимга ўхшабди? - сўради Флёр.

- Назаримда Дорага ўхшайди. Доранинг назарида эса, менга ўхшар экан. Сочи сийрак. Туғилганида қора сочли эди, бир соат ўтиб-ўтмай малла бўлиб қолди. Уйга қайтгунимча оқ сариқ сочли бўлиб қолса керак. Андромеданинг сўзларига

қараганда, Бомс ҳам туғилибоқ, соч рангини алмаштира бошлаган экан. Қуй, Билл, яна битта тўлдириб қуй, - деди у, бўшаган қадаҳини узатиб.

Шамол мўъжазгина уйнинг ҳар томонига урилмоқда.

Каминнинг сакраб ёнаётган олови тирсиллаган товуш чиқармоқда. Билл шишалардан яна биттасини очди.

Люпиннинг янгилиги ҳаммани қамал ҳолатидан халос этди гўё.

Янги ҳаёт ҳақидаги гап одамларнинг руҳини тетиклаштирди. Ёлғиз гоблингина кутилмаган байрам муҳитига лоқайд қолиб, юқорига кўтарилганча, энди ўзи эгалик қилаётган ётоқхонага кириб кетди. Гарри ўзидан ташқари Билл ҳам гоблинни кузатиб турганини сизди.

- Йўқ... йўқ, мен чиндан ҳам уйга қайтишим керак, - деди Люпин, яна бир қадаҳ вино ичиб.

У ўрnidан туриб, плашини қўлга олди.

- Хайр, хайр... бир неча кундан сўнг фотосуратларини олиб келишга ҳаракат қиламан... ҳолингиздан хабар олганимни эшитганларнинг бари ниҳоятда хурсан бўлади...

Люпин сафар плашининг тугмасини қадагач, аёлларни қучиб, эркакларга қўл бериб хайрлашди-да, яшнаганча, қоронғиликка кириб кетди.

Билл билан Гарри дастурхон йиғиштиришга ёрдамлашиб, ошхона томон одимлашди.

- Чўқинтирган Гарри ота! - хитоб қилди Билл, - Нақадар улуг шараф! Табриклайман!

Гарри бўш қадаҳларни ошхона столи устига қўяр экан, Билл эшикни ёпиб, Люпинсиз ҳам нишонлашни давом этаётган одамларнинг шовқинини пасайтирди.

- Сен билан холи қолиб гаплашмоқчиман, Гарри. Одам тўла уйда бундай имконият деярли бўлмайди.

Билл гап тополмай бироз тутилди.

- Гарри, Цапкрюк билан бирон ишни режалаштиряпсанми, дейман?

Бу жумла савол оҳангида эмас, аниқ гапдай эшитилди. Шу боис, Гарри рад этмай, Биллнинг кейинги сўзини кутди.

- Гоблинларни яхши биламан, - гап бошлади Билл, -

Гринготтсдаги меҳнат фаолиятимни «Хогварц»ни тамомлабоқ бошлаганман, буни билсанг керак. Гоблинлар орасидан дўст ортирганман, агар инсон билан гоблин

ўртасида дўстлик ришталари бўлиши мумкин, дея тахмин қилинадиган бўлса. Ҳар қалай, гоблинларни яхши биламан, улар менга ёқади.

Билл яна тутилиб қолди.

- Гарри, Цапкрюкдан нимадир керак-ми сенга, эвазига бирон нима ваъда қилдинг-ми?

- Узр, Билл. Буни сенга айта олмайман.

Ошхонанинг эшиги очилиб, ичкарига кирган Флёр бўш қадаҳлар билан боғлиқ қийинчиликларни енгишга ёрдам бериши мумкинлигини айтди.

- Шошма, - тўхтатди хотинини Билл, - Бир дақиқага холи қолдир бизни, илтимос, гаплашиб олайлик.

Флёр ошхонани тарк этиб, эшикни нариги томондан ёпди.

- Сенга бир нарсани айтиб, огоҳлантириб қўймоқчиман, - давом этди Билл, - Агар Цапкрюк билан бирон-бир битимга келган бўлсанг-у, бу битим мазмуни хазина билан боғиқ бўлса, ниҳоятда эҳтиёткор бўлишинг керак, Гарри.

Гоблинлар орасида эътироф этилган мулкдорлик, ҳақ тўлаш ва ҳақ олиш тушунчалари одамлар орасида қабул қилинган бундай тушунчалардан маъно ва мазмун жиҳатидан анча фарқ қилади.

Гарри худди ичида бекинган кичкина илон қўзғалиб қўйгандай, ўзини бироз ноқулай ҳис этди.

- Бу билан нима демоқчисан? - сўради у.

- Воқеалар давоми тус олиши мумкин бўлган ҳар хил вариантларни назарда тутмоқдаман, - жавоб берди Билл, - Сеҳргарлар ва гоблинлар ўртасида иш юзасидан йўлга қўйилган муносабатлар кўп асрлардан буён ёмон оқибатлар билан якун топиб келган. Буни яхши билсанг керак. Чунки «Сеҳргарлик тарихи» фанидан ўтгансизлар. Иккала томон ҳам янглиш хулосаларга боришган. Айримлардан фарқли ўлароқ, сеҳргарлар элатини бегуноҳ, демайман мен ҳеч қачон. Аммо олтин ва хазина масаласида сеҳргарларга ишониб бўлмаслиги, зеро улар, гоблинларнинг мулкдорлик ҳуқуқини назар-писанд қилмаслиги – гоблинлар орасида қадимдан шаклланиб келган хулоса бўлиб, Гринготтсда ўтирган гоблинлар ҳам шундай фикр-мулоҳазаларни илгари суришларини айтиб қўймоқчиман сенга.

- Мен ундай сеҳргарлар тоифасига кирмайман...

- Сен бир нарсани билмайсан, Гарри, - гапни бўлди Билл, - Улар орасида яшамаган одам билмайди буни. Гоблинлар тушунчасига кўра, ҳар қандай қимматбаҳо буюмнинг ҳақиқий, қонуний соҳиби – ўша буюмни сотиб олган харидор эмас, уни тайёрлаган уста саналади. Гоблин меҳнати билан тайёрланган ҳар қандай буюм, гоблинлар тушунчасига кўра, ўша гоблинга тегишли саналади.

- Агар буюмни сеҳргар сотиб олган...

- ... ундай ҳолатда, пул тўлаган харидор ўша буюмни ижарага олган саналади. Шундай бўлса-да, уларда сеҳргардан сеҳргарга ўтиб бораётган хазиналар масаласида муайян қийинчиликлар мавжуд. Тиарани кўрган Цапкрюкнинг кўзига эътибор қилдинг-ми? Бундай ўтишларни улар маъқул кўрмайди. Аксарият гоблинлар сингари Цапкрюк ҳам, ўз элати орасида шаклланган бир фикрни тўғри деб топади, у ҳам бўлса, бирламчи харидор ҳаётдан кўз юмгач, тиара ўзининг ҳақиқий эгаси, яъни уни ясаган гоблинга қайтариб берилиши керак. Гоблиннинг қўли билан ясалган қимматбаҳо буюмнинг сеҳргарлар орасида авлоддан авлодга, бир сеҳргардан бошқа сеҳргарга ўтиб бориш анъанасини улар ўғирлик, деб атайдилар.

Гаррининг кўнглига хунук бир гап келди: Билл бор гапдан хабардор бўлиб, ўзини беҳабардай кўрсатмоқда.

- Бу гапларни мен, гоблинга берган ваъданг масаласида эҳтиёт бўлишинг учун айтдим холос, Гарри, - деди Билл, эшик дастасига қўл узатиб, - Эсингда бўлсин, гоблин билан йўлга қўйилган муносабатларда ваъдага вафо қилмаслик – уларнинг Гринготтсига ўғирликка киришдан ҳам хавфли қилмишдир.

- Тўғри, - деди Гарри, эшик очган Биллга, - Раҳмат, мен буни эслаб қоламан.

Қолганларга қўшилиш учун Биллнинг ортидан борар экан, Гаррининг кўнглига, вино таъсиридан бўлса керак, яна бир хунук гап келди: бир замонлар шошқалоқ одамлар мулоҳаза юритмай, Сириус Блэрни унга чўқинтирган ота сифатида танлашган эди. Тэд Люпинга чўқинтирган ота танлашда ҳам бугун худди ўшандай шошқалоқлик билан иш кўрилди.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ. ГРИНГОТТС

Ишлар режалаштирилди, тайёргарлик жараёни ниҳоясига етди. Энг кичик ётоқхонадаги камин тоқчасида ичига узун жингалак соч солинган шиша идиш турибди. Ушбу соч толаси Гермионанинг Малфойлар уйига кийиб борган свитеридан топилган.

- Сеҳрли таёқчасини ҳам сен оласан, - деди Гарри, ёнғоқ шохидан ясалган таёқчага имо қилиб.

Куйдириши ёки ҳаракатини тўхтатиб қўйиши мумкин бўлгани учун Гермиона ушбу таёқчадан чўчимоқда.

- Ёмон кўраман уни, - деди қиз паст овозда, - Чиндан ҳам, жуда ёмон кўраман. Ҳаракат нотўғри кечаётганини ҳис этаман. Таёқча умуман итоат қилмаяпти менга. Ўзининг бир қисмига ўхшайди.

Гарри Гермионага ёрдам қўлини узата олмайди, лекин қиз оддий афсунлар ижросини машқ қилишга даъват этиб, ўз таёқчаси эканлигини тасаввур қилиш кераклигини айтиб, ёт сеҳрли таёқчага бўлган нафратидан халос қилганини яхши эслайди. Гринготтсга ўғирликка кириш арафасида Гермионага зид гапириш мавриди эмаслигини билиб, қизнинг тавсияларини ҳозир ўзига эслатишни лозим топмади.

- Унинг қиёфасига ростакамига кира олишингга ёрдам бериши мумкин-у, лоақал, - деди Рон, - Ушбу таёқча нима кароматлар кўрсатганини ўйлаб кўр!

- Ҳамма гап шунда-да! - эътироз билдирди Гермиона, - Бу таёқча билан Невиллнинг ота-онаси қийноққа солинган, Сириус ўлдирилган, ким билади, яна қандай жиноятлар содир этилганини.

Гарри бу ҳақда ўйлаб кўрмаган экан. У пастга, сеҳрли таёқчага қараб, шартта синдириб ташлаш ёки рўпарасидаги деворга суяб қўйилган Гриффиндор қиличини яланғочлаб, икки бўлиб юборишни хоҳлади.

- Мистер Олливандер йўқотиб қўйган сеҳрли таёқчам ўрнига менга ҳам янги таёқча ясаб беришини хоҳлайман, - ҳасрат қилди Гермиона.

Мистер Олливандер атайин Луна учун сеҳрли таёқча ясаб, душанба куни юборган экан. Ҳозир Луна майсазорда, янги сеҳрли таёқчасининг имкониятларини қуёш остида синаб кўрмоқда. Овчиларнинг касридан ўз таёқчасини йўқотиб

қўйган Дин эса қизнинг машқларини маъюс томоша қилиб ўтирибди.

Гарри Драко Малфойга тегишли бўлган дўланадан тайёрланган сеҳрли таёқчага қаради. Гермионанинг йўқолган таёқчаси каби итоат қилиб, яхши ишлаётганидан Гарри ҳайрон ва айна вақтда мамнун ҳам бўлди. Сеҳрли таёқчалар ишининг Олливандер айтган сир-асрорлари ҳақидаги гапларни эсга олган Гарри, Гермиона дуч келган муаммо мазмунан нимадан иборат эканлигини фаҳмлагандай бўлди. Гап шундаки, Гермиона сеҳрли таёқчани Беллатрикснинг қўлидан тортиб олмаган, яъни таёқчанинг эски соҳибига итоатини забт этмаган.

Ётоқхона эшиги очилиб, Цапкрюк кириб келди. Қўли қилич дастасига югурган Гарри қуролни ўзига тортди ва шу оннинг ўзида қилмишидан афсусланди. Гоблин ушбу ҳаракатни сезган бўлса, ноқулай бўлишини ҳис этган Гарри гоблинга, ушбу нохуш фурсат учун узр сўрагандай мурожаат қилди: - Биз ҳамма нарсани текширдик, Цапкрюк. Билл билан Флёрга эртага йўлга чиқишимизни айтиб, кузатишлари шарт эмаслигини тайинладик.

Улар ишга қатъий бел боғлашди. Гермиона сафарга Беллатрикснинг қиёфасига кириб чиқиши керак. Улар қўл урмоқчи бўлган иш ҳақида Билл билан Флёр қанча кам билишса, шунча яхши. Уйга қайтмасликларини эр-хотин билади. Овчилар ҳужум қилган тунда қария Пёркинснинг чодирини йўқотишгани боис, Билл уларга бошқа чодир топиб берди. Гермиона уни мунчоқ қадаб тикилган сумкачасига жойлар экан, Гарри ушбу сумкача оддий пайпоқ ўлчамига қадар кичрайтилиб, ўғрилардан ҳимоя қилинганига эътибор қилди.

Гарри ёш эр-хотин Уэслилар, Луна ва Динни соғинади, албатта. Сўнгги ҳафта давомида маза қилган уй шароитини қўмсайди, бироқ у Шеллар коттежидаги асирликдан халос бўладиган кунни сабрсизлик билан кутди. Ҳеч ким уларнинг гапини яширинча эшитмаётганига ишонч ҳосил қилиб бориш, тор, қоронғи ётоқхонага бекиниб ўтиришдан чарчади. Гарри биринчи навбатда Цапкрюкдан қутулишни истайди. Аммо Гриффиндор қиличини қўлдан қўлга топширмай туриб, гоблиндан қачон халос бўлиш мумкинлиги Гарри учун

жавобсиз савол бўлганча қолмоқда. Буни қандай қилиб амалга ошириш мумкинлигини муҳокама қилишнинг иложи бўлмаяпти. Чунки нимадандир шубҳаланган гоблин Гарри, Рон ва Гермионани беш дақиқадан ортиқ ёлғиз қолдирмаяпти.

- Бу масалада ойимга дарс берса бўлар экан у, - вайсади Рон, гоблиннинг узун бармоқлари эшик кесакисида кўриниш берганда.

Биллнинг тавсиясини унутмаган Гарри гоблин фитначи бўлиб чиқиши мумкинлигига шубҳа қилмаяпти. Гермиона алдаш режасини маъқулламади, Гарри эса масалани ҳал этишнинг яхшироқ йўлини таклиф қилишга оид саволлар билан қизнинг жонига текканча, эътирозига эътибор қилмади.

Цапкрюксиз ўтадиган бир неча дақиқалар давомида Рон:

- Ҳеч қандай тайёргарликсиз, апил-тапил иш кўраверамиз, - деган гапини қўймади.

Бу кеча Гарри яхши ухлай олмади. Тонг саҳарда шифтга қараб ётар экан, хаёлан Сеҳргарлик вазирлигига кириш арафасидаги тунга қайтиб, ўшанда ҳис этган туйғулари, интилиш ва ҳаёжонларини эслади. Ҳозир эса уни иккиланиш ва хавотир қийнамоқда, ҳаракатлари беҳуда бўлиб чиқишидан қўрқмоқда. У режа пухта ишлаб чиқилганига, нимага дучор бўлишлари мумкинлигини Цапкрюк яхши билишига, ҳар қандай мушкулликка тайёр эканликларига ўзини ўзи ишонтириб бораётган бўлса-да, бари-бир хавотирланмоқда. Рон қўзғалиб қўйганини бир-икки марта эшитди-ю, улар Дин билан бир хонада ётишгани боис, дўсти уйғоқлигига ишончи комил бўлса ҳам, гап бошламади.

Соат олтида қопкўрпа ичидан чиқиши мумкинлигидан хурсанд бўлди, Рон иккаласи нимқоронғиликда кийинишди-да, бировга сездирмай боққа чиқишди. Гермиона билан Цапкрюк ҳам шу ерга келишлари керак. Тонг ҳавоси салқин ва ҳозир май бўлгани боис, шамол йўқ. Гарри ғира-шира ёришган осмонда хира кўринаётган юлдузларга қараб, қояга урилиб қайтаётган денгиз шовқинига қулоқ тутди. Бу шовқинни қўмсабини у аниқ билади.

Доббининг қизил тупроқли қабридан майда ниҳоллар униб чиқибди. Яна бир йилдан сўнг қабр дўнглиги гулга бурканади. Эльфнинг исми битилган оқ тош эскирган тус

олишга улгирибди. Доббига бундан-да чиройли қабр насиб этиши амри маҳол эди, лекин айрилиқ оғриғи, уни ташлаб кетиш қайғуси Гаррига азоб берди. Пастга, қабрга қарар экан, Добби уларни қутқариш учун қаерга бориш кераклигини қаердан билгани яна қизиқтирди. Унинг қўли беихтиёр бўйнидаги қопчага югуриб, ҳеч шубҳасиз, Дамблдорнинг кўзи кўринган кўзгу бўлагини пайпаслаб топди. Эшик ғичирлаб очилганини эшитган Гарри хаёлини йиғиб олди.

Беллатрикс Лестранг майсазор бўйлаб Цапкрюк ҳамроҳлигида тез одимлаб келмоқда. Шошиб келар экан, Пинхонийлик майдонидаги уйдан олинган ридолар тўпланини мунчоқ қадаб тикилган сумкачага тиқиб жойлаштирмоқда. Ушбу жувон аслида ким эканлигини Гарри яхши билса-да, вужуди нафратдан титради. Аёлнинг бўйи Гарридан баланд бўлиб, тўлқинсимон узун сочи белига тушган, Гаррида тўхтаган қия очиқ кўзида эса нафрат барқ урмоқда. Гарри Беллатрикснинг паст овози орқали Гермионани эшитди.

- Унинг таъми Миллисент Бичешейдернинг таъмидан баттар бемаза экан! Бу ёққа кел, Рон, сени ўхшатай...

- Ҳа-я, албатта. Эсингда бўлсин, менга узун соқол ёқади.

- Худо ҳақи, ҳозир кўркам қиёфанинг ғамини ейиш вақти эмас.

- Вақти эмас, тўғри, лекин ўхшаяпти. Фақат бурним қисқароқ бўлгани маъқул. Ўтган сафар қилгандай, ҳа...

Гермиона чуқур уф тортиб, вайсақи аёлдай ишга киришди.

Рондан мутлақо сохта шахс қиёфасига кириш талаб этилмоқда. Гарри билан Цапкрюк кўринмас плаш остида боришади. Беллатриксдан таралаётган зулм муҳити уларни ҳимоя қилишига ҳамманинг ишончи комил.

- Ҳўш, Гарри, кўриниши қалай бўлди? - сўради Гермиона.

Касб этган қиёфасидан Ронни биров танимайди. Гарри бунга амин, чунки у Ронни жуда яхши билади. Роннинг сочи ўсиб, тўлқинсимон бўлиб қолибди, жигар ранг соқол-мўйлови қалин, сепкилдан асар қолмаган, бурни қисқариб, тўғриланиб қолган, қоши ҳам қалин.

- Мен ҳавас қиладиган қиёфа бўлмаса-да, унга ярашибди.

Учовлон ўгирилиб, сўниб бораётган юлдузлар остида қорайиб

кўринаётган сокин Шеллар коттежигга қараб қўйди-да, тўсиқ ортидаги нуқтани мўлжал олиб, ҳаракат бошлашди. Садоқат афсунининг кучи барҳам топадиган ўша жойда улар ҳавода даф бўлишади.

- Фикримча, шу ерда миниб олганим маъқул, Гарри Поттер, - деди Цапкрюк дарвозадан чиққач.

Гарри бироз энгашиб, Цапкрюкни белига миндирди. Гоблин жойлашиб ўтириб, Гаррининг томоғидан ушлади. Цапкрюк оғир эмас, лекин гоблинга эшак вазифасини ўтаб, маҳкам ушлаётган кучини ҳис этиш Гаррига ёқмади. Гермиона мунчоқ қадаб тикилган сумкачасидан кўринмас плашни чиқариб, иккаласининг устига ташлади.

- Жуда соз! - деди у, пастга энгашганча, Гаррининг оёғи кўринаётган-кўринмаётганини текшириб, - Кўзим ҳеч нимани илғамаяпти. Кетдик.

Орқасида Цапкрюк ўтирган Гарри диққат-эътиборини Диагон хиёбонининг кириш дарвозаси сифатида хизмат қиладиган «Тешик қозон» меҳмонхонасига жалб этиб, турган жойида гир айланди. Сиқадиган қоронғиликда ҳаракат қилишар экан, гоблин Гаррини янада маҳкам ушлади. Бир неча сония ўтиб, оёғи асфальтга теккан Гаррининг кўзи Чарингкросс-роудда очилди. Тонг саҳарда маглар кичик меҳмонхонадаги ҳаётга хос бўлмаган аблаҳона қиёфа касб этганча, физиллаб ўтиб боришмоқда.

«Тешик қозон» майхонаси деярли кимсасиз. Том ва оғзида тиши қолмаган уй соҳиби майхона пештахтаси ортида стакан тозалашмоқда. Нариги бурчакда Гермиона-Беллатриксга қараб-қараб қўяётган бир жуфт сеҳргар пичирлашганча, қоронғиликка кириб олишди.

- Лестранг хоним, - сўрашган бўлди Том, юришдан тўхтаган Гермиона-Беллатриксга итоаткорона бош эгиб.

- Хайрли тонг, - кўришди Гермиона-Беллатрикс.

Цапкрюкни миндириб келаётган Гарри май сотувчиси хайрат-ла қараб қолганига эътибор қилди.

Улар меҳмонхона орқали орқа ҳовлига ўтишди.

- Ҳаддан ортиқ мулойим чиқди, - пичирлади Гарри

Гермионанинг қулоғига, - Сен одамларга, нотавонлар билан гаплашгандай муносабат кўрсатишинг керак.

- Яхши, яхши, тушундим!

Гермиона Беллатрикснинг сеҳрли таёқчасини олиб, тавсифлаб бўлмас девор ғиштига урди. Девор титраб, тўлғанди. Унинг ўртасида кичик туйнук пайдо бўлиб, аста-секин кенгая бошлади. Бир неча сония ўтгач, одам ўтадиган даражада кенгайиб, Диагон хиёбонининг узун илон изи тош кўчаси кўринди.

Атроф жимжит. Дўконлар очиладиган вақт бўлганига қарамай, бирорта харидор кўринмайди. Тош ётқизилган ушбу илон изи кўча Гарри кўп йиллар муқаддам «Хогварц»даги биринчи ўқув йилини бошлашдан олдин илк бор келган гавжум жойдан кескин фарқ қилмоқда. Аксарият дўконларнинг эшик-деразаларига тахта қоқилган. Бироқ ёвуз кучларга бағишланган, илгари бўлмаган уйлар ҳам барпо этилибди. Кўплаб деразаларга плакатлар осилган бўлиб, Гаррининг улардаги тасвирлари ҳозир Гаррининг ўзига қараб турибди. Суратлар остига ҳаммани Гарри ҳақида огоҳлантираётган: «БИРИНЧИ СОНЛИ НОМАТЛУБ ШАХС» сўзлари битилган.

Бир неча киши бинога кириш эшиги олдида йиғилиб, ниманидир муҳокама қилишмоқда. Уларнинг айримлари сеҳргар эканлигини айтиб, нонга пул сўраб, ўтинмоқда. Бир эркак кишининг кўзига боғланган боғламаси қонга беланган. Гермиона-Беллатриксни таниган тиланчилар дарғазаб бўлишди. Одамларнинг кўпчилиги қайтарма ёқасини бошига ташлаганча, тумтарақай бўлмоқда. Гермиона-Беллатрикс уларга қизиқсиниб қарар экан, кўзидаги боғламаси қонга беланган анави киши тебранганча яқинлашиб, йўл тўсди.

- Фарзандларим, қани менинг фарзандларим? - ақлдан озгандай ўқирди у, - Нима қилди у, фарзандларимни? Сиз биласиз, сиз аниқ биласиз!

- Мен... Ростини айтсам, мен... - дудуқланди Гермиона-Беллатрикс.

Бақироқ киши кутилмаганда Гермиона-Беллатриксга ташланиб, бўғзига чангал солди. Кучли зарба ва қизил яшин чақнаб, тажовузкор ҳушсиз ҳолатда ерга қулади. Сеҳрли таёқчасини олдинга узатиб турган Роннинг юзидаги асабий ҳаяжон қиёфасини соқоли ҳам яшира олмади. Иккала томондаги деразалардан одамлар мўралади. Уларнинг Диагон хиёбонида пайдо бўлиши кўпчиликнинг

эътиборидан четда қолмади. Гарри қайтиб кетиб, бошқа режа тузиш хаёлига ҳам борди. Яна бирор қадам ташлаб, ўзаро гаплашиб олишга улгурмай, кимдир орқада бақирди.

- Нима учун, Лестранг хоним?

Гарри тез ўгирилди. Цапкрюк Гаррининг бели атрофига йиғилган плашни таранг тортди. Қалин сочига оқ оралаган, учли бурни узун, новча бўйли озғин сеҳргар шошиб келмоқда.

- Исми Трэверс, унинг, - пичирлади гоблин Гаррининг қулоғига.

Трэверс кимлигини Гарри эслай олмади. Гермиона қаддини рост тутиб, нафрат оҳангида сўради:

- Нима керак сенга?

Иззати-нафси олинган Трэверс таққа тўхтади.

- У Ўлимдан мириқувчилар сафига яқинда қабул қилинган! - деди Цапкрюк.

Гарри Гермионага аста яқинлашиб, тегишли маълумотни қулоғига пичирлади.

- Сен билан сўрашмоқчи бўлдим холос, - деди Трэверс совуқ оҳангда, - Агар мени кўришни истамасанг...

- Ҳаммаси жойида, Трэверс, - тез жавоб берди Гермиона, хатосини тузатишга уриниб, - Ишлар қалай?

Гарри Ксенофилиус Лавгуднинг уйига келган Ўлимдан мириқувчилардан бири - Трэверсни овозидан таниди. у.

- Тўғриси айтсам, кўчага чиқа олганингни кўриб, ҳайрон бўлдим оғир касалликдан тузалибсан-да, Беллатрикс.

- Оғир касалликдан? Ростданми? Қандай касаллик экан у? - сўради Гермиона-Беллатрикс.

- Эшитишимга қараганда, - томоқ қирди Трэверс, - Малфойлар уйида яшаганлар ўша уйнинг ўзига қамаб қўйилган эмиш... номатлуб шахсни қочириб юборишгани учун.

Гарри Гермионага, агар шу гап рост бўлиб, Беллатрикс кўчада кўринмаслиги тахмин қилинаётган бўлса, ўйлаб гапиришни тавсия этди.

- Ёвуз Лорд азалдан садоқат-ла хизмат қилганларни кечирди,

- деди, Беллатрикснинг улуғвор оҳанги-ю, жирканч сулукатига маҳорат-ла тақлид қилган Гермиона, - Сенинг садоқатинг менинг садоқатимдай аҳамиятли бўлмаса керак

унга, Трэверс?!

Ўлимдан мириқувчи хафа бўлгандай кўринса-да, шубҳа қилаётгани сезилмади. У ҳозиргина батанг қилиниб, ерда ётган эркакка қиё боқди.

- Қаттиқ тегмадими?

- Аҳамияти йўқ. Келаси сафар ўйлаб қилади ишини, - таъкидлади Гермiona-Беллатрикс совуқ оҳангда.

- Анави таёқчасизларнинг айримлари ташвишга солиши мумкин. Улар ҳозирча ўтинчдан нари ўтишгани йўқ, менинг ҳам бу борада эътирозим йўқ, - деди Трэверс, - Бироқ шуниси қизиқ-ки, улардан бири менга ёлвориб, ишини вазирликда ҳимоя қилишимни сўради. «Мен афсунгар аёлман, афсунгарман. Исбот қилишимга ижозат беринг!», - чийиллади у, афсунгар аёлнинг овозига тақлид қилиб, - Гўё мен исбот қилиб бериши учун ўз сеҳрли таёқчамни ушлатиб қўяман унга! Сеҳр қўллаяпсанми, Беллатрикс? Эшитишимга қараганда, таёқчангни...

- Таёқчам ёнимда, - беэҳтирос оҳангда жавоб берди Гермiona, чўнтагидан Беллатрикс Лестрангнинг сеҳрли таёқчасини чиқариб, - Сени қанақа миш-миш гаплар билан боқишганини билмадим-у, Трэверс, лекин жуда чуқур янглишган кўринасан.

Ўсал бўлган Трэверс Ронга қаради.

- Ҳамроҳинг ким? Негадир танитай турибман уни.

- Драгомир Деспад, хорижлик меҳмон, инглиз тилини яхши билмайди, лекин Ёвуз Лорд режаси учун фойдали киши саналади. Ҳокимиятимизнинг янги тизими билан танишиб чиқиш учун руминларнинг Трансильваниясидан ташриф буюрган.

- Ростданми? Ишлар қалай, Драгомир?

Трэверс қўли кир бўлишидан қўрққан кишидай, иккита бармоғини узатиб, Ронга қўл берган бўлди.

- О... сиз? - деди Рон, Трэверснинг қўлини чангаллаб.

- Хўш, қандай шамол учирди сени ва сенинг... э-э... мана бу барно дўстингни Диагон хиёбонига, тонг саҳарда? - сўради Трэверс.

- Гринготтсга кириб чиқишим керак.

- Мен ҳам банкка кетяпман. Олтин, лаънати олтин! Олтинсиз яшай олмаймиз, лекин тўғриси айтсам, анави узун оёқ

дўстларимиз билан мулоқот қилишдан жирканаман. Цапкрукнинг қўли беихтиёр Гаррининг елкасини сиқиб юборди.

- Кетдик-ми? - деди Трэверс, имо ила йўл бериб.

Улар тош ётқизилган эгри кўча бўйлаб одимлаганча, минораси билан бошқа дўконлардан баланд кўтарилган оппоқ бинога етишди. Рон хиёл энгашиб, пастга тушди. Цапкрукни миндириб олган Гарри унинг изидан бормоқда. Гермиона эса Трэверснинг ҳамроҳлигида юришга мажбур.

Хушёр Ўлимдан мириқувчининг тасодифан ҳамроҳ бўлиб қолиши, режанинг эҳтимолдан йироқ бандларидан бири бўлган. Трэверс Гаррининг назарида Беллатрикснинг муносиб тенги бўлиб, ҳозир на Рон, на Гермиона билан гаплашишнинг имкони бўляпти. Улар вазмин бронза эшикка олиб чиқадиган мрамор зина бошига тез етиб келишди. Кириш эшигини эгнига заррин уқали кийим кийган гоблинлар эмас, энди Цапкрук олдиндан айтгандай, узун тилла таёқча билан қуролланган икки нафар сеҳргар қўриқламоқда.

- Ие, алдаб бўлмас таёқчалар-у, - ясама ҳайронлик-ла имо қилди Трэверс.

У юқорига кўтарилиб, қўлидаги тилла таёқчани танасининг икки томонида кўтариб тушираётган сеҳргарларга бош ирғиб, сўрашган бўлди. Қўриқчиларнинг тилла таёқчалари ҳар қандай ниқобланиш афсуни ва бекитиб олиб кирилаётган сеҳрли буюмни фош этишини Гарри билади. Ихтиёрида бир неча сония бўлгани боис, Гарри Дракониинг сеҳрли таёқчасини чиқариб, иккала қўриқчига навбат билан ўқтаганча, икки бор пичирлади:

- Конфундус.

Бронза эшик орқали ичкариги залга қараб турган Трэверс юз берган ҳодисани, яъни афсун таъсир ўтказган қўриқчилар сесканиб кетишганини сезмади.

Зина бўйлаб кўтарилган Гермиона-Беллатрикснинг қоп-қора узун сочи шабодада ҳилпирамоқда.

- Бир дақиқа, хоним, - деди қўриқчи, қўлидаги тилла таёқчани ишга ҳозирлаб.

- Яна-ми? Ҳозиргина текширдинг-ку! - деди Гермиона-Беллатрикс, такаббуруна муомала қилиб.

Қоши кўтарилган Трэверс атрофга қаради. Қўриқчи ҳам

қўлидаги ингичка таёқчага бақрайганча, иккиланиб қолди. - Тўғри, сен уларни ҳозиргина текшириб чиқдинг, Мариус. Гермiona-Беллатрикс олға одимлади. Рон у билан ёнма-ён кирди. Цапкрюкни миндириб олган Гарри уларнинг изидан юрди. Остонадан ҳатлаб ўтган Гарри ортга қараб, иккала қўриқчи бош қашиб қолганини кўрди.

Бир жуфт гоблин кумушдан ясалган, тавақаларига эҳтимолий ўғрини огоҳлантирувчи ёзув битилган ички эшик ёнида турибди.

Ёзувни ўқиган Гарри маъюс бўлиб, болалигининг ширин хотираларини оғриқ-ла эсга олди. Ўн бир ёшга тўлиб, ғаройиб ўтган туғилган кунида шу ерга келиб тўхтаб экан, орқасида турган Хагриднинг айтган гапи эсига тушди: «Айтдим-ку, бу ерга фақат жонидан кечган савдойи ўғри киради, деб!»

Ўша куни Гринготтс кишини маҳлиё қиладиган жой бўлган, ўзига тегишли эканлигини илгари билмаган Гаррига олтин тангаларга тўла сейф катта завқ бағишлаган. Кун ўтиб бир кун бу ерга ўғрилиқка келиши мумкинлиги унинг хаёлига ҳам келмаган... Мана, банкнинг мрамор зали.

Узун пештахта ортидаги баланд курсиларда ўтирган гоблинлар куннинг илк мижозларига хизмат кўрсатишмоқда. Гермiona, Рон ва Трэверс окуляр воситасида қалин тилла тангани текшириб ўтирган кекса гоблин томон одимлашди. Гермiona-Беллатрикс Деспадга залнинг ўзига хос хусусиятларини ҳикоя қилиб бериш баҳонасида Трэверсни олдинга ўтказди.

Гоблин тангани четга қўйиб, ҳеч кимга мурожаат қилмаганча:

- Лепрекон, - деб қўйди-да, сўнг Трэверс билан сўрашди. Трэверс гоблинга тилла калитча узатди. Гоблин калитни текширгач, эгасига қайтариб берди.

Гермiona-Беллатрикс гоблин томон одимлади.

- Лестранг хоним! - деди гоблин, кутилмаганда сесканиб, - Азизам! Қандай... Нима хизмат?

- Сейфимга кириб чиқмоқчиман, - жавоб берди Гермiona-Беллатрикс.

Кекса гоблин аста тисланди. Атрофга назар солган Гарри нафақат пастга тушаётган Трэверс тўхтаб, қараётганини,

гоблинларнинг бир нечтаси ҳам ишини тўхтатиб, Гермиона-Беллатриксни диққат билан кузатишаётганини кўрди.

- Шахсингизни тасдиқловчи нарсангиз ёнингиздами? - сўради гоблин.

- Шахсимни тасдиқловчи нарса? Мен... мен ҳеч қачон бундай нарса бўлишини сўрамаганман! - эътироз билдирди Гермиона-Беллатрикс.

- Улар билишади! - пичирлади Цапкрюк Гаррининг қулоғига, - Қаллоб келиши мумкинлиги ҳақида уларни огоҳлантиришган.

- Сеҳрли таёқчангиз ҳам ўтаверади, хоним, - деди кекса гоблин.

Пишиллаб нафас олаётган гоблин титраётган қўлини аста узатди. Гринготтс гоблинлари Беллатрикснинг сеҳрли таёқчаси ўғриланиши ҳақида огоҳлантирилганини Гарри тушуниб етди.

- Ҳозир бошла, ҳаракатингни қил, - пичирлади Цапкрюк Гаррининг қулоғига, - Имперо қарғиши! Бўл!

Гарри дўланадан ясалган сеҳрли таёқчани плаш остида кўтариб, кекса гоблинга ўқтаганча, ҳаётида илк бор:

- Имперо! - дея пичирлади.

Ғалати ҳис: Гарри қўлида энгил санчиқ сезди, сўнг, онгида ҳосил бўлган илиқлик қон томирлари ва пайлар орқали пастга таралгани, қўли сеҳрли таёқча ва қарғиш билан бирлашганини идрок этди.

Кекса гоблин Гермиона-Беллатрикснинг сеҳрли таёқчасини олиб, кўздан кечириб чиққач, хулоса қилди:

- Янги сеҳрли таёқча ясаб беришибди-да, сизга, Лестранг хоним!

- Нима? - эътироз билдирди Гермиона-Беллатрикс, - Йўқ, йўқ, бу ўзимники...

- Янги сеҳрли таёқча? - сўради, пештахта ёнига қайтган Трэверс, - Қандай қилиб? Қайси уста?

Атрофдаги гоблинлар ҳамон уларни кузатишмоқда. Гарри кўп ўйланмасдан сеҳрли таёқчани Трэверсга йўллаб, боз пичирлади:

- Имперо!

- Ҳа-а, тушундим, - деди Трэверс, Беллатрикснинг сеҳрли таёқчасига қараб, - Дарҳақиқат, чиройли ишланган таёқча. Фикримча, яхши ишлаши учун сеҳрли таёқчага энгил шикаст

етган бўлиши керак, тўғрими?

Гермионанинг мияси гангиб қолгани аниқ. Хайриятки у, ҳодисалар давомини ортиқча изоҳларсиз қолдирди.

Пештахта ёнида турган кекса гоблин кафтини кафтига уриб, қарс чалди. Шу заҳоти унинг ёнига ёш гоблин югуриб келди.

- Темир-терсакларни келтир менга, - буюрди кекса гоблин.

Ёш гоблин кўздан ғойиб бўлиб, бир дақақа ўтгач, чарм сумкага тўлдириб жойланган металл келтириб, қарияга узатди.

- Яхши, жуда яхши, - деди курсидан сирпаниб тушиб, пештахта ортида кўринмай қолган гоблин, - Ортимдан юрсангиз, Лестранг хоним, сизни сейфингизгача шахсан ўзим кузатиб қўяман.

Пештахта ортидан пайдо бўлиб чиққан қари гоблин чарм сумкасини жаранглатганча, қувонч-ла яқинлашди. Трэверс оғзи ланг очилганча қолди. Унинг эсанкираши Ронга ёқмади.

- Тўхта, Богрод!

Яна бир гоблин пештахта ёнидан югурганча етиб келди.

- Бизда махсус йўриқнома бор, - деди у, Гермиона-Беллатриксга чуқур таъзим қилиб, - Маъзур сананг, хоним, бизга Лестранглар сейфига тааллуқли махсус йўриқнома берилган.

Гоблин Богроднинг қулоғига алланима пичирлади. Қарам қилиш қарғиши таъсиридаги кекса гоблин эса унинг кўксидан итарди.

- Хабарим бор. Лестранг хоним ўз сейфига кирмоқчи холос. Қадимий сулола... азалий мижозлар... Марҳамат, бу ёққа юрамиз.

Вайсабини қўймаган Богрод залнинг кўпдан-кўп эшикларидан бири томон ошиқди. Гарри ўгирилиб, руҳан тушкунликка юз тутганча, қоқилган қозикдай қолган Трэверсга қаради. Сехрли таёқчани кескин силтаган Гарри Трэверсни итоаткорона эргашишга мажбур қилди. Эшикка етиб, нотекис ўйилган, деворга маҳкамланган машъалалар ёритган тош йўлакка киришди.

- Биз хавф остидамиз. Улар шубҳаланишяпти, - деди Гарри, ортидаги эшик ёпилгач, устидаги кўринмас плашини ечиб. Цапкрюк Гаррининг елкасидан пастга тушди. Ораларида Гарри Поттер пайдо бўлганини кўриб на Трэверс, на Богрод

хайрон бўлди.

- Иккаласи Қарам қилиш қарғиши таъсирида, - тушунтирган бўлди Гарри, донг қотган дўстларининг саволли нигоҳини кўриб, - Қарғишни етарлича кучли қўллай олдим-ми, йўқ-ми, билмайман, лекин...

Яна бир нарсани эслади Гарри. Оқибати мудҳиш бундай қарғишлардан бирини қўлламоқчи бўлган фурсатда ҳақиқий Беллатрикс Лестранг қулоқни кар қилиб юборгандай қичқирган эди: «Бунинг учун ҳис-туйғу самимий кечиши, киши жонини оғритиш, унга азоб беришни юракдан ният қилиш... бундай амал ҳақидаги ўйдан завқ олиш керак!»

- Энди нима қиламиз? Имкони борида чиқиб кетишимиз керакдир? - сўради Рон.

- Имкони бўлса, - деди Гермиона, ёпиқ эшикка имо қилиб, - У ерда нималар бўлаётгани бизга номаълум.

- Бўлар иш бўлди, давом этамиз, - қарор қилди Гарри.

- Жуда соз! - хитоб қилди Цапкрюк, - Хўш, менинг ваколатим бекор қилинган, шунинг учун аравани Богрод бошқариши керак. Мана бу сеҳргарга эса аравачада жой етмайди.

Гарри сеҳрли таёқчасини Трэверсга ўқтади.

- Имперо!

Бақрайиб турган Трэверс ўнгга бурилиб, қоронғиликка кириб кетди.

- Нима дединг унга? - қизиқди Рон.

- Бекиниб олишни буюрдим, - деди Гарри, таёқчани Богродга ўқтаб.

Богрод ҳуштак чалди. Қоронғиликдан рельсда сирпанганча, кичкина арава чиқиб келди. Богрод Цапкрюкнинг олд томонига, Гарри, Рон ва Гермиона эса аравачанинг орқа бўлмасига ўтириб, жойлашишди. Айни шу фурсатда Гаррининг қулоғига катта залда кўтарилган шовқин эшитилди.

Қаттиқ силкинган аравача жойидан қўзғалиб, тезлик ола бошлади. Улар деворнинг дарз кетган жойига тиқилиб кирган Трэверснинг ёнидан ўтишди. Шундан сўнг, аравача чигал йўлларни айланиб ўтиб, пастга йўл олди. Аравача рельсга урилиб, гумбурлаётгани боис, сочи шамолда ҳилпираётган Гарри бошқа ҳеч нима эшитмади.

Сталактитлар орасида бурилиб, ер қаъри сари пастлашар

экан, баъзан орқага қараб боришди. Орқада бир дунё из қолдириб келишаётгани аниқ. Бу ҳақда Гарри қанча кўп ўйлар экан, Гермионанинг Беллатрикс қиёфасига кириб олиши, унинг сеҳрли таёқчасини ким ўғирлаб кетганидан Ўлимдан мириқувчилар бохабарликларини била туриб, айнан ўша таёқчани кўтариб келиш тентакликнинг ўзгинаси бўлганини тушуниб бораверди.

Улар Гринготтснинг энг тубига пастлаб боришмоқда. Катта тезликда ҳаракатланишар экан, кескин бурилиб, шиддат билан оқиб тушаётган шаршарага рўбару бўлишди.

Гаррининг қулоғига Цапкрюкнинг қичқириви эшитилди:

- Йўқ!

Кеч бўлди. Аравачанинг тормози ишламай, шаршарага кириб кетди. Кўзи-ю, бўғзи сувга тўлган Гарри ҳеч нимани кўрмапти. Аравача қандайдир тўсиққа даҳшатли зарба ила урилиб, ичидагилари учуриб чиқарганча, пастга қулади. Гарри ўртадаги деворга бориб урилган аравача чилпарчин бўлиб тўкилганини кўришга улгурди, Гермионанинг қаттиқ қичқирганини эшитиб, вазнсизликда пастлаётгандай аста сирпаниб, жони оғримамай, тош полга қўнди.

Рон ҳавода муаллақ осилиб қолган Гермионанинг оёғидан тортиб, ерга туширди.

- Ёстиқ афсуни, - тушунтириш берган бўлди Гермиона.

Бошдан-оёқ шалаббо, ҳалпиллаган ридода турган Гермионани кўрган Гарри ҳанг-манг бўлиб қолди. Қиз Беллатрикснинг қиёфасини йўқотиб, ўз қиёфасини касб этибди. Рон ҳам ўзининг малла рангига кириб, соқолини йўқотибди.

- Ўғрининг қулаши! - изоҳ берди Цапкрюк, ўрнидан аранг турганча, рельс устига ёғилаётган жалага қараб.

Шаршара оддий сув бўлмаганини Гарри тушунди.

- Бу сув ҳар қандай жодуни, сеҳр воситасида касб этилган қиёфаларни ювиб юборади. Улар Гринготтсга қаллоб кирганини фаҳмлашиб, бизга қарши ҳимоя чораларини қўллашибди.

Гермиона мунчоқ қадаб тикилган сумкачаси жойидалигини текшираётганини кўрган Гарри қўлини куртка остига солиб, кўринмас плашини пайпаслаб қўйди. Шундан сўнг, Богродга қараб, бошини силтаётган кекса гоблиннинг хаёли пароканда

бўлиб қолганини фаҳмлади. Ўғрининг қулаши афсуни афтидан, Империио қарғишининг таъсирини кучайтирган кўринади.

- У бизга керак, - деди Цапкрюк, - Сейфни Гринготтс гоблинисиз оча олмаймиз. Унинг темирлари ҳам керак бизга.

- Империио! - деди Гарри ва қарам қилишнинг киши онгидан сеҳрли таёқчаси томон тепиб ўтадиган маст қилувчи иқтидорини такрор ҳис этди.

Богрод Гаррининг иродасига итоат қилиб, юзидаги гангиганлик қиёфаси назокатли лоқайдликка алмашди. Рон темир-терсак солинган чарм сумкани кўтарди.

- Гарри, кимдир келяпти назаримда, - деди Гермииона Беллатрикснинг сеҳрли таёқчасини шаршарага ўқтаб, - Протегио!

Қиз қўллаган ҳимоя афсуни сеҳрланган сув деворини бузиб, йўлак бўйлаб оқизди

- Фикр юритишинг чакки эмас, Гермииона, - мақтаб қўйди Гарри, - Йўл бошла, Цапкрюк!

- Қандай чиқиб кетамиз бу ердан? - сўради Рон.

- Келинглари, бу масала борасида мавриди келган фурсатда бош қотирамиз, - таклиф қилди Гарри.

Улар қоронғи йўлакда итга ўхшаб нафас олаётган

Богроднинг изидан югуришди. Гарри атрофга қулоқ тутди.

Унга қандайдир шовқин, шу яқин атрофда рўй бераётган ҳаракат эшитилди.

- Узоқ-ми ҳали, Цапкрюк?

- Оз қолди, Гарри Поттер, оз қолди...

Улар муюлиш ортига ўтишгач, мудҳиш даҳшатга рўбару келиб, таққа тўхташди. Умуман айтганда Гарри уни кўришга тайёр эди.

Ниҳоятда йирик аждар полга занжирбанд қилинган бўлиб, орқасида қолган бир нечта эшикни тўсиб турибди. Ер остида узоқ вақт қамалиб ётган ҳайвоннинг тангалари оқариб, маккажўхори бодроғига ўхшаб қолибди, кўзи эса оқ-пушти тус олган. Бир учи тош полга чуқур қоқилган қозиққа уланган оғир занжир аждарнинг орқа оёқларига маҳкам ўралган. Танасига яқин йиғилган кенг қанотини ёзадиган бўлса, катта зални эгаллаган бўлар эди.

Аждар қўрқинчли бошини буриб, бурун катаклари орқали

девор силкитганча наъра тортиб, оғзидан олов пуркади. Унга рўбару бўлганлар муюлиш ортига ўтиб, яна йўлакка киришди.

- Кўзи яхши кўрмайди, сўқир, - хансиради Цапкрюк, - Бу уни баттар ваҳший қилиб қўйган. Аммо бизда, уни идора қилиш воситаси бор. Металл жарангидан кейин уни нима кутишини яхши билади. Қани, бер-чи менга, анави темир-терсакларни. Цапкрюк чарм сумкани Роннинг қўлидан олиб, ичидан металл асбоб чиқарди-да, силкита бошлади. Сандонга урилган митти болға товушига ўхшаш товуш узоқ янгради. Богрод рўй бераётган ушбу ҳодисаларни тавозе ила кузатиб турибди.

- Нима қилишни тушундингиз, - деди Цапкрюк, учала болага қараб, - Металл жарангини эшитган аждар жони оғришини кутиб, нари чекинади. Богрод эса, шу пайтда қўлини хўв анави сейф дастасига босиши керак бўлади.

Улар темир жаранглатганча, яна муюлиш ортига ўтишди. Шовқин деворлардан акс-садо бўлиб қайтиб, янада кучаяр экан, Гаррининг мияси зириллади. Яна бир наъра тортган аждар дағ-дағ тираганча, чекинишга мажбур бўлди. Яқинроқ борган Гарри ҳайвоннинг башарасида қаттиқ зарбалардан қолган даҳшатли чандиқларни кўрди. Демак, аждар металл жарангидан сўнг, қизиган қилич билан бериладиган зарбалардан қўрқишга ўргатилган.

- Эшик дастасини тортишга мажбур қил уни! - тезлатди Цапкрюк Гаррини.

Гарри сеҳрли таёқчасини Богродга ўқтади. Кекса гоблин итоат қилиб, қўлини сейф эшигининг дастасига босди. Эшик кутилмаганда гум бўлиб, катта ғор оғзини эслатадиган хона очилди.

Ичкарида олтин тангалар, қимматбаҳо қадахлар, кумушдан ясалган қурол-аслаҳалар, айримларининг узун умуртқалари сақланган, баъзиларининг қаноти осилганча қолган ғалати махлуқларнинг шилиб олинган терилари, қимматбаҳо идишларда сақланаётган дамламалар, одамнинг бош суягига кийдирилган тож кабилар кўринди.

- Тезроқ қидиринг! - деди Гарри, ичкарига кириб.

Гарри Хуффлпупфф жомчасини Рон билан Гермionaга илгари тавсифлаб берган, лекин ушбу сейфда сақланаётган руҳдон бошқа буюм бўлиши мумкин бўлиб, нимага ўхшашини Гарри

билмайди. У эндигина хонага назар солиб чиққан эди-ки, орқада шовқин эшитилиб, сейфни ёпиб қўйган эшик пайдо бўлди.

- Эътибор қилманг, Богрод чиқаради бизни, - тинчлантирди Цапкрюк, Роннинг бақирганини эшитиб, - Сеҳрли таёқчангизни ёқинг! Тезлашинг, вақтимиз оз!

- Люмос!

Гарри сеҳрли таёқчасини билан хонани тўлиқ ёритди. Таёқча нури ялтираётган жавоҳиротларга, токчадаги занжирлар уюми орасида ётган Гриффиндор қиличининг сохта нусхасига тушди. Рон билан Гермиона ҳам сеҳрли таёқчаларини ёқиб, атрофдаги буюм ғарамларини кўздан кечиришди.

- Мана бу эмасмикан, Гарри? Вой...

Гарри қимматбаҳо қадаҳни кўриш учун сеҳрли таёқчасини оғриқдан бақириб юборган Гермионага йўллади. Қизнинг қўлидан чиқиб, ерга гумбурлаганча тушган қадаҳ бир нечта нусха ҳосил қилганча кўпайиб кетди. Дақиқа ўтиб, полга бир хил қадаҳлар сочилиб кетди.

- Қўлимни куйдирди! - ингради Гермиона, пўрсилдоқ бўлган бармоғини лабига теккизиб.

- Улар ҳазинага Гермино ва Флагранте афсунларини қўллашибди! - маълум қилди Цапкрюк, - Қўлингиз теккан буюм қизийди ёки кўпаяди. Кўпайган нусхалар икки пулга қиммат матоҳ саналади. Жавоҳиротларга қўл теккизишни бас қилмас экансиз, охир-пировардида кўпайган олтин вазни остида эзилиб, ўлиб кетасиз.

- Тушунарли, ҳеч нарсага тегманг! - умидсиз оҳангда буюрди Гарри.

Бироқ бу гап унинг оғзидан чиқиб улгурмай, Роннинг оёғи ерга тушган қадаҳлардан бирига тегиб кетди. Турган жойида сакрар экан, яна йигирматача қадаҳ атрофга учди. Қизиган металлга теккан ботинкаси тутди.

- Тек тур, қимирлама! - деди Гермиона, Ронни маҳкам ушлаб.

- Қилт этмай, турган жойингизда атрофга қаранг! - буюрди Гарри, - Қадаҳ кичкина, икки дастали, тилладан ясалган, сиртига бўрсиқ тасвири ўйиб солинган бўлиши керак. Ёки Равенклонинг рамзи - бургут тасвирини қидиринг, агар фарқлай олсангиз.

Улар турган жойларида аста бурилганча, сеҳрли таёқчаларини бурчак ва токчаларга йўллашди. Лекин жавоҳирот шу қадар зич жойланганки, бирон нарсага тегиб кетмасликнинг иложи бўлмади. Гарри сохта голлеонлар тизмасини полда сочилиб ётган қадаҳлар уюмига тўкиб юборди. Энди полда оёқ қўйгани жой қолмади. Олтин қизиб, сейф печкага айлана борди. Гаррининг сеҳрли таёқчаси таратаётган нур асосан гоблинлар ясаган буюмлар терилган бўлиб, шифтгача кўтарилган токчаларни ёритганча, сирпаниб бормоқда.

Кутилмаганда Гаррининг юраги сапчиб, қўли титради.

- Ана у, ана, тепада!

Рон билан Гермиона ҳам сеҳрли таёқчаларини кўрсатилган нуқтага йўналтиришди. Миттигина қадаҳча учта шуъла кесишмасида ялтираб кўринди. Мана Хельга Хуффльпуффнинг авлоддан авлодга ўтиб, Хепзиба Смитга қадар етиб келган ва Том Реддль томонидан ўғирланган ўша қадаҳчаси.

- Хўш, жин урсин, мана бу лаънати буюмларга тегмай, қандай оламиз энди уни? - сўради Рон.

Умидсизликдан бўлса керак, йиғилишлар давомида Цапкрюк берган йўл-йўриқларни унутган Гермиона, мумкин бўлмаган афсунни қўллади:

- Ассио қадаҳ!

- Қўллама бу афсунни, қўллама! - қичқирди Цапкрюк.

- Қандай иш тутайлик унда? - сўради Гарри, гоблинга қараб, - Агар сенга қилич керак бўлса, Цапкрюк, шунчаки томошабин бўлиб турмай, ёрдам беришинг керак бизга! Буюмларга қилич теккизсам бўладими? Гермиона, узат-чи менга, қилични!

Гермиона ридолар орасидан мунчоқ қадаб тикилган сумкачасини пайпаслаб топди-да, ичини титкилаб, ялтираётган қилични чиқарди. Гарри қиличнинг ёқут дастасидан ушлаб, тиғини ёнидаги кумуш графинга теккизди. Графин кўпаймади, унга ҳеч нима қилмади.

- Қилич учини қадаҳ дастасидан ўтказишим мумкин. Юқорига қандай кўтарилсам экан?

Қадаҳ турган токчага ораларида энг новча бўлмиш Роннинг ҳам бўйи етмайди. Сеҳрланган жавоҳирот ҳарорати аста

кўтарилмоқда. Юқорига чиқиш ҳақида ўйлаётган Гарри жиққа терга ботди. Ташқарида аждарнинг наъраси, металл асбобларнинг жаранги эшитилди.

Уларни чиндан ҳам кузатишган. Сейфдан чиқишнинг бошқа йўли йўқ. Ташқарида эса гоблинлар тўдаси яқинлашиб келмоқда. Гарри дўстларига қараб, кўзларида даҳшат аксини кўрди.

- Гермиона, мен юқорига кўтарилишим шарт, - деди Гарри.

Қиз сеҳрли таёқчасини Гаррига ўқтаб, пичирлади:

- Левитана.

Гарри оёғи осмондан келиб, худди кўзга кўринмас илгак воситасида тўпиғидан осиб қўйилгандай, ҳавода муаллақ осилиб қолди. Ҳавога кўтарилаётганда эса қурол-яроқ тўпламига тегиб кетди. Қизиган қурол нусхалари шундоқ ҳам торайиб бораётган хонага тўкилди. Оғриқдан жони оғриб бақирган Рон, Гермиона, иккала гоблин бошқа буюмларни ҳам тушириб юборишди. Бир дунё буюм тинмай кўпая кетди. Гарри қилич учини Хуффльпуфф қадахининг дастасига бир амаллаб киритиб, тиғ бўйлаб ўтказди.

- Импервиус! - хириллаб бақирди Гермиона, ўзини ҳам, Рон билан гоблинларни ҳам муҳофаза қилишга уриниб.

Кейинги қичқириқ Гаррини пастга қарашга мажбур қилди.

Рон билан Гермиона жавоҳиротга белигача ботган бўлиб, олтин тагида қолиб кетмаслиги учун Богродни юқорида ушлаб қолишга уринишмоқда. Цапкрюк эса, айрим бармоқларини ҳисобга олмаганда, кўринмай қолган.

Гарри Цапкрюкнинг бармоғидан ушлаб, юқорига тортди.

Тилла буюмлар орасидан вайсақи, юқори ҳароратдан бадани пўрсилдоқ бўлиб кетган гоблин чиқди.

- Либератана! - қичқирди Гарри.

Цапкрюк иккаласи аста-секин кўтарилиб келаётган жавоҳирот устига гумбурлаб тушиб, Гаррининг қўлидаги қилич чиқиб кетди.

- Ушла қилични! - қичқирди Гарри, устига чиққан Цапкрюкка,

- Қилич қани, унга қадах кийдирилган!

Эшик ортидаги жаранг-журунг қулоқни кар қилмоқда. Кеч бўлди.

- Ана у! - қичқирди Цапкрюк.

Гаррининг назарида, учала бола ўз ваъдасига вафо

қилмаслигини гоблин олдиндан билган. Гаррини миниб олган Цапкрюк тилла буюмлар устига тушиб кетмаслиги учун бир қўли билан Гаррининг сочини маҳкам сиқди, иккинчи қўли билан эса қилич дастасидан ушлаб, Гаррининг қўли етмайдиган даражада баланд кўтарди. Қилич тиғига ўтказилган қадаҳчани Гаррига ушлатгач, Богрод томон сакради. Оғриқ билан курашаётган Гарри қадаҳчани бўйнидаги эшак тери қопчага бир амаллаб жойлади. Цапкрюк эса кекса гоблиннинг қўлини сейф дастасига боз теккизиб, эшикни гум қилди-да, ташқарига отилиб чиқиб, сейф атрофига йиғилган гоблинлар томон югурганча, қилич силтаб қичқирди:

- Ёрдам беринг! Ўғрилар! Ўғрилар! Ушланг уларни!

Пичоқ билан қуролланган гоблинлар Цапкрюкни тўдага монесиз қабул қилди.

Қизиган тилла буюмлар оқимида ташқарига сузиб чиққан Гарри сеҳрли таёқчасини гоблинлар тўдасига ўқтаб, қичқирди:

- Ступефай!

Рон билан Гермиона ҳам унинг ҳаракатини такрорлашди. Қизил яшинлар тўдага урилиб, гоблинларни йиқита бошлади. Шунга қарамай, гоблинлар ҳужум этишни давом этишди. Боз устига, муюлиш ортидан қўриқчи-сеҳргарлар ҳам югуриб чиқишди.

Занжирбанд аждар наъра тортиб, гоблинлар тўдасига олов пуркади. Буни кўрган сеҳргарлар икки букилганча, яна муюлиш ортига ўтиб, йўлакка бекинишди.

Шу пайтда Гаррининг ё илҳоми келди, ё томи жилди, ўзи билмайди. Сеҳрли таёқчасини ҳайвоннинг кишанига ўқтаб, овози борича қичқирди:

- Релашьо!

Занжир узилиб, парчалари ҳар томон учди.

- Ортимдан! - қичқирди Гарри, уриб йиқитиш афсуни ила гоблинлар тўдасига қарши курашаётган дўстларига.

- Нима қиляпсан, Гарри? Гарри! - қичқирди Гермиона.

Гарри ҳайвоннинг букилган орқа оёғига оёқ қўйиб, белига чиқди.

- Бу ёққа, бўлинг, имилламанг! Тармашинг!

Аждар озод бўлганидан ҳали беҳабар. Тилласи пўлатдан

мустаҳкам ҳайвон устига одам чиққанини сезгани ҳам йўқ. Гарри Гермионага қўл узатди. Рон қизнинг ортидан чиқди. Ниҳоят аждар занжирдан халос бўлганини англади. Кучли наъра тортган махлуқ қанот ёзиб, юқорига кўтарила бошлади. Гарри бор кучи билан аждарнинг белидан тутди. Махлуқнинг ёзилган қаноти гоблинларнинг айримларини ерга йиқитган бўлса, баъзиларини деворга қапиштириб қўйди.

Ҳайвон муюлиш ортига ўтиб, йўлак бўйлаб ҳаракат бошлар экан, белида чўзилиб олган болалар шифтга урилди. Омон қолган гоблинлар томонидан улоқтирилаётган пичоқлар аждарнинг биқинидан сапчиб кетмоқда.

- Ҳайвон жуда йирик, тор йўлакдан чиқиб кета олмаса керак!
- қичқирди Гермиона.

Аждар оғзини катта очиб, олов пуркади. Оловнинг қудратли оқими пол-у, шифтни портлатиб, туннелни кенгайтди. Панжасини ишга солган махлуқ мисли кўрилмаган куч-ла, ўзига йўл оча бошлади. Ҳар қандай фурсатда аждар белидан тушиб кетишга тайёр турган Гарри ҳарорат ва чангдан кўзини чирт юмди.

- Депримо! - қичқирди Гермиона.

Қиз шифтни Девор тешиш афсуни воситасида порлатиб, қулоқни қар қилгудай даражада бақираётган гоблинлардан тезроқ қутулиш, очиқ ҳавога чиқиш мақсадида аждарга ёрдам беришга киришди. Гарри билан Рон ҳам Гермионадан ибрат олиб, шифт портлата бошлашди.

Улар ер ости кўлига етишди. Улкан махлуқ олдинда кенг макон ва эркинлик борлигини тушунди. Орқада қолаётган йўлак аждарнинг ўткир тиканакли думи, йирик ҳарсанглар билан тўсилиб, гоблинларнинг қичқириқлари-ю, темир-терсак шовқини сўнди. Аждар пуркаётган олов эса олға илгарилашга омил бўлди.

Аждар кучи-ю, афсунлар воситасида очиб борилган йўл ниҳоят мрамор залга олиб келди. Қий-чув, дод-вой солган гоблинлар билан сеҳргарлар ўзларини ҳар томон уриб, бекинишга уринишди. Катта залга чиққан аждар қанотини кенг ёзди. Сўқир ҳайвон шохдор бошини буриб, чуқур нафас олганча, очиқ ҳавога чиқиш йўналишини тўғри аниқлади, вазмин эшикларни мажақлаб, ташқарига чиқди ва қанот

қоқиб, белидаги Гарри, Рон ва Гермиона билан бирга ҳавога кўтарилди.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ. СЎНГГИ МАХФИЙ ЖОЙ

Аждар парвозини бошқарадиган ҳеч қандай восита йўқ, сўқир ҳайвон қаёққа учаётганини ўзи билмайди, агар у кескин буриладиган бўлса, кенг белида ётган болалар сирпаниб, ерга қулашлари турган гап. Баландлик ошган сайин, пастда қолаётган Лондон кул ранг яшил харита каби, кенг ёзилмоқда. Гаррининг вужудини муқаррар ҳалокатдан қутқариб қолгани учун ушбу махлуқдан миннатдорлик ҳисси қамраб олган. Ҳозир у аждар бўйнига, терисининг металлдай мустаҳкам тангаларига тирмашганча, маҳкам қапишиб олган, қизиган олтин куйдириб қавартирган танасига осмоннинг салқин шамоли хуш ёқяпти. Учар ҳайвон қанотини шамол тегирмон парраги сингари вазмин қоқиб бормоқда.

Мамнуният туйғуси устун келиб, даҳшат ортда қолмоқда. Рон болохонали сўкинишини қўймаётган бўлса, Гермиона ҳўнграб-ҳўнграб йиғламоқда.

Махлуқ ўз зиндонидан имкон қадар узоқ-узоқларга учиб кетишга ҳафсала қилган экан, белидан ирғитиб ташлаши мумкинлигидан қўрқиш ҳисси аста барҳам топа бошлади, бироқ ерга қачон ва қандай қилиб тушиш масаласи ҳамон қўрқинчли бўлганча қолмоқда. Зеро, аждар қанча вақт дам олмай учиши мумкинлигини, қўниш учун, одатда, қандай жой танлашини Гарри тасаввур ҳам қила олмайди. Остидаги аждар танасининг ҳаракатини ҳис этганча, атрофга назар солиб бормоқда.

Улар Лестранглар сейфини бузиб, оила хазинасига киришгани Вольдемортга етиб боргунга қадар қанча вақт ўтади? Банкка ҳақиқий Беллатрикс келмаганини англаб етишлари учун Гринготтс гоблинларига неча соат керак бўлади? Ўғрилиқ содир этилгани, анави тилла қадаҳча йўқолгани қанчалик тез аниқланади ва қандай фош этилади? Болалар руҳдон қидириб юришганидан Вольдеморт ниҳоят хабар топадиган бўлди.

Аждар нисбатан совуқроқ, янада тозароқ ҳавога ташна шекилли, муздай булутлар орасида кириб олди. Лондон ортда қолиб, ҳаракатчан рангли нуқталардай кўринган

автомобилларни илғаш қийинлашди. Энди улар яшил кул ранг қишлоқлар ҳудуди, жилосиз шиша тилимлари ва узун ялтироқ қоғоз тасмаларини эслатадиган йўл ва дарёлар узра учиб, олис шимол томон боришмоқда.

- Нима деб ўйлайсан, қаёққа кетяпмиз? - қичқирди Рон

- Ким билади дейсан, - жавоб берди Гарри, елка узра бақириб.

Унинг қўли совуқдан қотиб қолган бўлса ҳам, кучи борича ҳайвоннинг танасига тирмашиб олган. Ҳозир у, агар аждар денгиз соҳилига етса ёки очиқ ҳавза узра учадиган бўлса нима қилиш, қандай иш тутиш кераклиги ҳақида ўйлаб бормоқда. Гаррининг қорни очиб, совуқдан танаси қотди, боз устига ташналик қийнамоқда. Ҳайвон очқаб, егулик қидириб қолиши мумкинлигини ўйласа, даҳшатдан юраги орқага тортиб кетяпти. Бирон ерда тўхтаб, белида ётган уч киши билан тамадди қилишни назарда тутиб бораётган бўлса-чи? Кун аста ботмоқда. Катта-кичик шаҳарлар узра учиб ўтаётган аждар эса тўхташни хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Унинг сояси қора булут кўланкаси каби ерда сирпаниб бормоқда. Тушиб кетмаслик учун зўр бериб тирмашиб ётган Гаррининг танаси зирилламоқда.

- Менга шундай туюляпти-ми, ё чиндан ҳам аста-секин пастлай бошладик-ми? - бақирди Рон, узоқ чўзилган жимжитликдан сўнг.

Гарри пастга, қизғиш мис тусини касб этиб, ботаётган қуёш акс этган кўллар ва майса қоплаган йирик тоғларга қаради. Манзара тобора равшанлашмоқда. Қуёш нури акс этиб қайтаётган сувнинг совуқ ҳарорати Гаррининг хаёлига келган биринчи фикр бўлди. Аждарнинг парвози бурама йўналиш бўйлаб кечиб, спираль шаклини касб эта бошлади. Ҳайвон афтидан, энг майда кўллардан бирини мўлжал олган кўринади.

- Белида ётганимизни англаб етмасидан олдин, кўл юзасига яқин қолганда сувга сакрашимиз керак, - қичқирди у дўстларига.

Гарчи Гермiona бироз чўчиётгандай бўлса-да, дўстлар Гаррининг таклифни қабул қилишди. Аждарнинг сариқ тусли кенг қорни сув сиртига етганда Гарри бақирди:

- САКРАНГ!

Ўзи шартта ёнбошлади-да, оёғи билан сувга сакради. Баландлик Гарри ўйлагандан анча катта экан. Сувга қаттиқ урилган Гарри қамиш ва сувўтдан иборат яшил ҳавзада тошдай чўка бошлади. Кўл тубида типирчилаб-типирчилаб, ниҳоят сув юзасига чиқишга муваффақ бўлди, Рон билан Гермиона тушган жойлардаги сув мавж ураётганини кўрди. Махлуқ ҳеч нарсани сезмаган кўринади, чандиқ босган тумшуғини сувга ботиришни кўзлаганча, эллик футча нарида кўл сиртида сирпаниб бормоқда. Бўғзи сувга тўлган Рон билан Гермиона ҳам пайдо бўлиб, сув шапиллатишди. Қанотини вазмин қоқиб қўйган аждар эса ниҳоят кўлнинг нариги қирғоғига бориб қўнди.

Учовлон зўр бериб қирғоқ томон сузди. Кўл саёз бўлиб, уларнинг ҳаракати сузиш эмас, кўпроқ қамиш ва балчиқ орасидан йўл очиб юришга ўхшади. Ҳаллослаб қолган болалар ниҳоят ўзларини тойғоқ майса устига ташлашди. Дағ-дағ титраб йўталаётган Гермиона ғужанак бўлиб олди. Гарри сеҳрли таёқчасини чиқариб, киши ҳолатини тиклаш афсунларини қўллади. Дўстларига яқинроқ бориб, кўздан кечириб чиқди. Иккаласининг танаси-ю, юз-қўли куйиб жароҳатланган, кийимлари ҳам куйиб тешилган. Яралари ловуллаб, оғриқдан ғужанак бўлиб боришса ҳам, тенисининг куйган жойларига оқ шумтол баргини босишди.

Сал ўзига келиб олган Гермиона сумкачасидан уч шиша ошқовоқ шарбати ва қуруқ кийим чиқариб, тарқатди.

Кийимини алмаштирган болалар шарбат ичиб, дам олишди.

- Чакки эмас, - деди Рон, қўлининг тери қопламаси янгиланаётганини томоша қилиб ўтириб.

- Рухдонни қўлга киритдик, бироқ энди қилич йўқ, - оғриқ азобидан вишиллаб гапирди Гарри, жинси шимидаги тешик орқали жароҳатига барг босиб.

- Ҳа, энди қилич йўқ, - токрорлади Рон.

- Жароҳат эмас, даҳшатнинг ўзгинаси-я...

Гарри бўйнидан ечиб, майса устига ташлаган эшак тери қопчасини очиб, ичидан бугун қўлга киритилган рухдонни чиқарди-да, алаф устига қўйди. Рухдондан акс этган қуёш нури болаларнинг кўзини қамаштирди.

- Бўй-бастимизга айланасига ёпиштирилган мана бу барглар билан ғалати кўринсак керак, - деди Рон, оғзини артиб.

- Унга нима қилади энди, нима деб ўйлайсиз? - сўради Гермиона, кўлнинг нариги қирғоғидаги аждарнинг сув ичишини томоша қилиб ўтириб, - Ишлари яхши бўлиб кетар, а?

- Хагриднинг ўзи бўласан, қоласан-а баъзан, Гермиона, - ҳайрон бўлди Рон, - Аждар бўлса у, бир кунини кўради-да. Ўзимиз-чи, ўзимиз? Биз нима қиламиз энди?

- Бу гапнинг билан нима демоқчисан?

- Қандай тушунтирсам экан, иккалангизга, - деди Рон, ўзини чуқур ўйга толган кўйга солиб, - Назаримда, биз Гринготтсда ўғирлик қилганимизга кимнингдир кўзи тушиб қолдиёв. Учовлон ётволиб, тўхтамай кулди. Қорни очиб, мадори қолмаган Гаррининг кулгидан қовурғаси оғриди. Қизарган осмонга қараб ётиб, томоғи қичишгунчамириқиб кулди.

- Чиндан ҳам, энди нима қиламиз? - сўради ниҳоят Гермиона, жиддийлашишга уриниб, - Ўзингиз-Биласиз-Ким руҳдонлар ҳақида хабардор эканлигимизни энди билади, шундайми?

- Малайлари унга хабар беришдан қўрқишса керак! - фикр билдирди Рон, овозида умид оҳанги эшитилиб, - Бекитишса керак ундан...

Осмон, кўл сувининг ҳиди, Роннинг овози - буларнинг бари бирданига ўчиб, атроф жимжит бўлиб қолди... Гаррининг бошига қаттиқ оғриқ кириб, худди биров қилич билан зарба бериб, икки бўлиб юборгандай бўлди.

Гарри-Вольдеморт хира ёритилган хона ўртасида турибди. Унинг атрофида сеҳргарлар йиғилган. Оёғи остида эса кимнингдир пакана танаси ётибди.

- Нима дедингиз? - дағал сўради Гарри-Вольдеморт, совуқ оҳангда.

Унинг овозида ғазаб ҳам, даҳшат ҳам баравар янгради. Даҳшатга ягона нарса солиши мумкин уни, лекин... бўлиши мумкин эмас... ҳеч ким билмайди...

Тепасидаги кишининг қип-қизил кўзга қарашга юраги дов бермаётган гоблин ётган жойида дағ-дағ қалтирамоқда.

- Қайтаринг! - аччиқланди Гарри-Вольдеморт, - Такрорланг дедим, айтган гапингизни.

- Л-лордим... м-менинг л-лордим, - дудуқланди башараси калтакдан қизариб, кўкарган гоблин, - Б-биз уларни т-тўхтатиб қо-о-лишга уриндик. Қал-ло-облар Лестранглар с-

сейфини б-бузиб киришди...

- Қаллоблар? Яна қанақанги қаллоблар? Гринготтс банки ҳар қандай қаллобни фош этишга қодир, деб ўйлар эдим мен. Хўш, ким экан ўша қаллоблар?

- У... у... анави бола... По-оттер ва у-унинг и-иккала шериги...

- Хўш, нима керак бўлган уларга? Нимани ўғирлаб кетишди сейфдан? - сўради Гарри-Вольдеморт, вужудини мудҳиш хавотир қамраб, - Гапир дедим сенга!!! Нимани ўғирлаб кетишди улар?

- Э-м-м... м-миттигина тилла қа-қадаҳни, л-лордим...

Қаҳр-ғазаб қичқириғи ҳаммаёқни портлатиб юборгудай бўлди. Кутилмаганда Гарри-Вольдеморт ақлдан озиб, қутуриб кетди. Бўлиши мумкин эмас! Бўлиши мумкин эмас! Ҳеч ким билмас эди! Қаердан билиши мумкин бола? Қандай фош этган бўлиши мумкин бола, унинг энг муҳим сирини?! Гарри-Вольдемортнинг сеҳрли таёқчаси яшил яшинни шунақанги кучли чақнатди-ки, хона буткул ёришиб кетди. Тиз чўкиб ўтирган гоблин полга жонсиз йиқилди. Сўроқ жараёнини кузатиб турган сеҳргарлар даҳшатдан ҳар томон тумтарақай бўлди.

Беллатрикс билан Люциус Малфой ҳаммани қўйиб, ўзларини чиқиш эшиги томон отишди. Гарри-Вольдемортнинг сеҳрли таёқчаси ҳар томон тинимсиз яшил яшин улоқтириб, шумхабар келтирган сеҳргарларни ўлдирди. Мурдалар орасида у ёқ, бу ёқ юрар экан, кўз олдида ўз хазиналари, қудратининг кафолатлари, боқий ҳаётининг лангарларини, хусусан: барбод этилган кундалиги ва ўғирланган тилла қадаҳчани келтирди.

Бошқа руҳдонлардан ҳам хабари борми боланинг? Бўлиши мумкин. Қаердан билади бола? Дамблдор айтган-ми, унга? Дамблдорнинг ўзи-чи, қаердан билган? Дамблдор ҳамиша шубҳаланиб юрган ундан. Дамблдор ҳақ бўлиб чиқди. Сеҳрли таёқчаси олиб қўйилган бўлса ҳам, бола орқали ўз ниятига эришган кўринади. Агар бола унинг, яъни Лорд Вольдеморт руҳдонларининг бирортасини барбод қилган бўлса, сезган бўлар эдими? Сеҳргарлар орасидаги энг буюк сеҳргар, энг қудратли, Дамблдордай сеҳргарни ўлдирган, ҳар хил катта-кичик, арзимас одамларнинг ёстиғини қуритган Лорд Вольдеморт бўла туриб, сезмаслиги мумкинми? Қаранг-а,

шундай нуфузли, ҳамма қадрлайдиган сеҳргарга суиқасд қилинса-я?!

Тўғри, кундалик йўқ қилинган фурсатда у ҳеч нимани ҳис этмаган. Эҳтимол ўшанда, унинг оғриқ сезадиган танасининг ўзи бўлмагани, арвоҳдан фарқ қилмагани учун ҳеч нарсани сезмагандир... Йўқ, қолган руҳдонлар хавфсиз жойда, албатта... Улар бутун турган бўлиши керак... Бироқ буни аниқ билиш, комил ишонч ҳосил қилиш керак...

Гарри-Вольдеморт гоблиннинг жасадини тепганча, шизига йўл очиб, хона бўйлаб юришни давом этди. Хотирасидан ўча бошлаган манзараларни кўз олдига келтирди: ғор, кулба ва «Хогварц». Бироз тинчланиб, қаҳри совиди.

Узукни Монстерлар кулбасига бекитганини бола қаердан билиши мумкин? Унинг Монстерларга дахли борлигини ҳеч ким, ҳеч қачон билмаган, мавжуд дахлдорликни у яширган, қотиллик калавасининг учи унга олибкелиши мумкин эмас. Шундай экан, узук хавфсиз жойда. Бола ёки бошқа биров ғорнинг мавжудлигини қаердан билиши, хўп, билган тақдирда ҳам, у ернинг муҳофазасини қандай енгиб ўта олиши мумкин? Йўқ, медальон ҳам жойида бўлиши керак... Мактаб масаласига келсак, руҳдонни «Хогварц»нинг қаерига бекитиб қўйганини ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди... Нагайна қолди. Энди илон доимо ёнида юриши, ҳимояси остида бўлиши керак. Ҳар хил топшириқлар берилмайди энди унга. Комил ишонч ҳосил қилиши учун руҳдонларнинг барини текшириб чиқиши керак. Киши билмас жойларга қайтиб, ҳар бир руҳдоннинг муҳофазасини икки карра кучайтириб келиши лозим. Бу ишни, худди Катта сеҳрли таёқчани бировнинг ёрдамисиз, ёлғиз ўзи қидириб топгандай, шахсан ўзи бажариши даркор.

Хўш, руҳдонларнинг қайси биридан бошлаш лозим? Кўпроқ хавф остида қолаётганидан. Унинг она томонга мансуб иккинчи исмини, яъни Монстерларга дахлдорлигини фақат Дамблдор билар эди... Кулбанинг хавфсизлиги эҳтимол, чиндан ҳам пастдир. Демак, дастлаб Монстерлар кулбасига бориб келади у...

Ғор... ҳеч ким билмайди унинг борлигини. Гарчи... кичик бир раҳна бўлган... Унинг ўтмишдаги айрим қилмишларини Дамблдор етимхона маъмуриятдан эшитган бўлиши мумкин.

Ундан кейин «Хогварц»... Йўқ, у ердаги руҳдон хавфсиз. Поттер Хогсмёдга қадам босиши ҳамона, қишлоққа келгани фош бўлади. «Хогварц» ҳақида-ю, гапирмаса бўлаверади. Шундай бўлса-да, бола мактабга кириб келиши мумкинлиги ҳақида Снеггни огоҳлантириб қўйган яхши... лекин унга боланинг мактабга кириб келшдан кўзлаган мақсадини айтиш, аҳмоқликнинг ўзгинаси бўлади, албатта. Беллатрикс билан Люциус Малфойга ишонгани – жиддий хато бўлди. Уларнинг намоён этган мана бу нотавонлиги, топширилган буюмга эътиборсизлиги, уларга илгари ҳам билдирилган ишонч – ўйламасдан қилинган иш бўлганининг исботидир. Демак, дастлаб Монстерлар кулбасига бориб келади. Нагайнани ҳам ўзи билан олиб боради. Энди илонни ўзидан узоқлаштирмайди.

Гарри-Вольдеморт хонадан залга ўтиб, у ердан фавворали боққа чиқди. Илон тилида Нагайнани чақирди. Судралувчи ҳайвон унинг узун сояси каби, қоронғи бурчакдан чиқиб келди...

Гарри кўзини очиб, ўзининг ҳақиқий жойига қайтди. У кўл соҳилида, қуёш нури остида ётибди. Рон билан Гермиона эса устига энгашиб олишган.

Иккаласининг хавотирли қиёфаси ва чандиғи кучли оғриётганига қараганда, Вольдемортнинг онгига кутилмаганда уюштирилган экскурсия бировнинг кўзига ташланмай ўтмаган кўринади.

Гарри бошдан-оёқ терга ботиб, қалтирамоқда. Тилла қадах ботаётган қуёш нури акс этаётган кўл билан ўзи ўртасида, майсада ётибди.

- Хабар топди. Қолган руҳдонлар муҳофазасини, муҳими, энг сўнгги руҳдон муҳофазасини кучайтиришга аҳд қилди у. Ўрнидан тураётган Гаррининг овози Вольдемортнинг даҳшатли қичқириғидан сўнг, қандайдир ғалати, ингичка эшитилди.

- Сўнгги руҳдон «Хогварц»да. Билар эдим. Мен буни билар эдим.

- Нимани билар эдинг? - сўради Рон, кўзини катта очиб. Гермиона хавотир олганча, тиззасига чўккалаб қолди.

- Нимани кўрдинг? Нимани билар эдинг? - боз сўради Рон.

- Мана бу тилла қадахчанинг ўғирланганини қандай

билганини кўрдим. Мен... мен унинг миясида эдим...

Гарри ҳозиргина содир этилган қотилликларни эслади.

- Ғазаби қайнади ва бир вақтнинг ўзида қаттиқ даҳшатга тушди. Биз руҳдонларнинг мавжудлигини қаердан билишимизни ҳеч тушуна олмади. Энди у, ўз руҳдонларининг хавфсизлигини текшириб чиқмоқчи. Биринчи навбатда узукдан бошлайди. Унинг фикрича, «Хогварц» энг хавфсиз жой. Чунки у ерда Снег бор. Мактаб ҳудудига бировга сездирмай киришнинг иложи йўқ экан. «Хогварц»даги руҳдонини у, ўйлашимча, энг охирида текширади. Лекин мактабга бир неча соат ичида кириб бориши мумкин.

- «Хогварц»нинг қаерига бекитилганини ҳам кўрдинг-ми? - сўради Рон, Гаррининг олдида яқинроқ бориб.

- Йўқ. Унинг диққат-эътибори Снегга оғоҳлантиришга жамланди, руҳдон текшириш учун мактабнинг қаерига кириши ҳақида ўйламади...

Рон майсада ётган руҳдонни олди, Гарри кўринмас плашини чиқарди.

- Шошманг! Тўхтанг! - қичқирди Гермиона, - Биз шунчаки кетавермай, бирон-бир режа тузиб олишимиз керак, ахир. Биз..

- Биз тезроқ етиб боришимиз керак, - деди Гарри, қатъий овозда.

Бирон-бир пана жойга кириб, тўйиб ухлашга умид қилган эди, афсус...

- Узук билан медальонни топа олмаганидан сўнг, нима қилишини тасаввур қила оласиз-ми? «Хогварц»нинг хавфсиз жой эканлигига шубҳа қилиб, руҳдонни у ердан олиб кетишга аҳд қилса-чи?

- Қандай кирамиз, мактабга?

- Ҳозир Хогсмёдга борамиз, - деди Гарри, - Мактаб қандай муҳофаза қилинаётганини аниқлагач, бирон нима ўйлаб топишга уриниб кўрамиз. Плаш ташлаб борамиз, Гермиона. Бу сафар мен ҳам плаш остига кирмоқчиман.

- Плаш батамом бекитмайди ҳаммамизни...

- Ҳозир қош қораяди, ҳеч ким кўрмайди оёғимизни.

Бир жуфт қанот қоқилиб, кўл суви мавжланди. Қониб сув ичган ҳайвон ҳавога кўтарилди. Учовлон аждарнинг ердан узилиб, аста-секин юқорига кўтарилишини, тез қорайиб

бораётган осмонда майда доғдай кўриниб, тоғ ортига ўтганча, кўздан ғойиб бўлишини томоша қилиб турди. Гермиона олдинга ўтиб, ўғил болалар орасидаги жойини эгаллади. Гарри кўринмас плашни, оёқлар имкон қадар кам кўринадиган қилиб ташлагач, учовлон зулмат қаърига кириб кетди.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ. ЙЎҚОЛГАН КЎЗГУ

Қишлоқ йўлида пайдо бўлган Гарри Хогсмеднинг жуда таниш Дароз кўчасини: дўконларнинг қорайиб турган олд томони, тоғ тизмасининг қишлоққа солган кўланкаси, «Хогварц»га олиб борадиган иланг-биланг сўқмоқ ва «Уч супурги» қаҳвахонасининг деразасидан тушган чироқ нуруни кўрди. Бир йилча олдин бемажол Дамблдорни қўлтиқлаганча, шу ерда пайдо бўлганини эслаб, манзарани кўз олдига аниқ келтирди. Гарри, Рон ва Гермиона қўлларини қўйиб юборишлари ҳамоно, нимадир рўй берди.

Кутилмаганда янграган қичқириқ Гаррининг асабига қаттиқ таъсир қилди. Тилла қадаҳча ўғирланганини эшитган Вольдеморт ҳам худди шундай қичқирган эди. Аслида бу овоз, уларнинг қишлоқ ҳудудида пайдо бўлганини англатди. Дўстлар кўринмас плаш остида теварак-атрофга назар солишар экан, «Уч супурги» қаҳвахонасининг эшиги ланг очилиб, ўн иккитача Ўлимдан мириқувчи отилиб чиқди. Қайтарма ёқали ридо кийган ушбу одамлар сеҳрли таёқчаларини баланд кўтариб олишган.

Сеҳрли таёқчасини жангга ҳозирлаган Роннинг биллагидан ушлаган Гарри дўстини кераксиз ҳаракатдан тўхтатди. Душман кўплик қилади.

Ўлимдан мириқувчилардан бири сеҳрли таёқчасини кучли силтади. Қичқириқ тўхтаб, қишлоқ ортидаги тоғ тизмасида акс-садо берганча, сўнди.

- Ассио плаш! - ўкирди Ўлимдан мириқувчилардан бири. Гарри кўринмас плашининг қатини маҳкам ушлади. Бироқ ҳеч нарса юз бермади. Буюм чақириш афсуни кўринмас плашга кор қилмади.

- Бугун паранжисиз келдинг-ми, дейман, Поттер? - бақирди афсун қўллаган Ўлимдан мириқувчи, - Тарқалинг! Шу ерда у,

қидиринг.

Ўлимдан мириқувчиларнинг олтитаси болалар томон югурди. Гарри, Рон ва Гермиона аста чекиниб, тор кўчалардан бирига киришгач, югуришди. Ўлимдан мириқувчилар изма-из қувиб келишмоқда. Учовлон плаш остида қоронғи бурчакка бекиниб олиб, рақибнинг қадам товуши ва ёришган сеҳрли таёқчаларини кузатиб турди.

- Кетдик бу ердан! - пичирлади Гермиона, - Ҳавода даф бўламиз.

- Яхши ғоя, - маъқуллади Рон.

Гарри оғиз жуфтлашга улгурмай, Ўлимдан мириқувчилардан бири бақирди:

- Биламиз шу ердасан, Поттер! Таслим бўл, бари-бир қўлга тушасан!

- Келишимизни билиб, кутиб ўтиришган, - пичирлади Гарри, - Биз келганда ишга тушадиган Қичқирик тилсими ҳам қўлланилган. Тузоққа илинтириш учун яна бирон-нима қилишган, улар...

- Дементорларни ишга солсак-чи? Тез топиб беришади қочоқларни. Бўшатинг уларни! - бақирди Ўлимдан мириқувчиларнинг яна бири.

- Ёвуз Лорд Поттерни ўз қўли билан ўлдирмоқчи...

- Дементорлар ўлдирмайди уни! Поттернинг руҳи эмас, ҳаёти керак Ёвуз Лордга. Дементор бўса олган болани эса ўлдириш осон кечади, унга. Бўшатинг дементорларни!

Қизғин баҳс бошланди. Дементорга қарши кураш учун Ҳимоячи чақириш афсунини қўллашга тўғри келади. Ундай афсун эса уччаласини фош этади, ўйланиб қолди Гарри.

- Ҳавода даф бўлишга уриниб кўрамиз! - пичирлади Гермиона.

Қиз ҳали гапини тугатмай, қишлоқ кўчасини мисли кўрилмаган совуқ қамради. Атрофда борки ёруғлик гўё юқорига, юлдузлар томон учиб кетгандай, кўздан ғойиб бўлди. Тим қоронғиликда Гермионанинг қўлини ҳис этган Гарри кўчанинг бошига қаради. Ҳаво қотиб қолгандай гўё. Даф бўлишнинг иложи йўқ. Совуқ вужудни қамраб бормоқда. Учовлон девор ушлаганча, овоз чиқармасликка ҳаракат қилиб, кўча ичкарасига чекинди. Муюлиш ортидан эгнига жубба кийган, бадани қандайдир шилимшиқ ялтироқ нарсага

беланган, қорақўтир, худди сувда ириган ўлаксага ўхшаган ўнтача дементор чиқиб келди. Улар қоронғи осмонга нисбатан сал ёруғроқ бўлгани учун кўзга илғамоқда. Қўрқаётган одамни бунчалик яқин масофада ҳис этиши мумкинми улар? Гаррининг бунга ишончи комил. Узоқ чўзиб ҳаво ютаётган жирканч махлуқлар одатдагидан тез яқинлашмоқда.

«Дементорнинг бўсасига ҳеч ким бардош бера олмайди, шу жумладан, Рон билан Гермиона ҳам», хаёлдан ўтказди Гарри, сеҳрли таёқчасини кўтариб.

- Экспекто патронум! - пичирлади у.

Гаррининг сеҳрли таёқчасидан отилиб чиққан кумуш тусли буғу тумтарақай бўлган дементорларни қувиб кетди. Сал нарида кимнингдир қувончли қичқириғи эшитилди:

- Бу ўша, ана, анави ерда! Ҳимоячисини кўрдим! Буғуни кўрдим!

Дементорлар йўқолиб, юлдузлар очилди. Яқинлашаётган Ўлимдан мириқувчиларнинг қадами тобора аниқ эшитилмоқда. Саросимага тушган Гарри бирон-бир қарорга келишга улгурмай, узоқда кимдир қичқирганини, тор кўчанинг чап томонида эса эшик очилиб, кимдир дағал овозда чақирганини эшитди:

- Поттер, бу ёққа, тез!

Учовлон тез югуриб, эшиги очиқ уйга отилиб кирди.

- Юқорига чиқ, плашингни ечмай, жим ўтир! - деди новча бир киши.

Уй эгаси кўчага чиқиб, эшикни нариги томондан ёпти. Ким эди у киши, Гарри танимади, бироқ ёлғиз шамнинг титраётган ёруғлигида «Ахта чўчқа калласи» карвонсаройининг чанг босган қовоқхонасига кириб қолишганини кўрди. Улар пештахта ортига ўтиб, иккинчи эшикка киришди. Омонаткина ёғоч зинадан югуриб, иккинчи қаватга, эски гилам тўшалган меҳмонхонага чиқишди. Хонанинг кичкина камини устида фикри тарқоқ, хонага хотиржам қараб турган қизнинг расми тасвирланган катта портрет осилган.

Кўчада югуриб юрган одамларнинг гупур-гупурини эшитди. Плаш остида қолган болалар дераза олдига келиб, кўчага қарашди. Уларнинг халоскори, мана бу «Ахта чўчқа калласи»

қовоқхонасининг май сотувчисидан ташқари, ҳамма бошига қайтарма ёқа ташлаб олган.

- Нима, яна нима демоқчисан? - бақирди май сотувчи юзи ёпиқ одамларнинг бирига, - Сенлар менинг кўчамга дементор жўнатдинг, мен эса уларга қарши Ҳимоячи йўлладим. Ёнимда ҳеч ким йўқ, эшитдингми, ҳеч ким йўқ!

- У сизнинг ҳимоячингиз эмас, Поттернинг буғу тусида пайдо бўладиган ҳимоячиси эди, - эътироз билдирди Ўлимдан мириқувчи.

- Буғу тусида? - ўкирди май сотувчи таёқчасини чиқариб, - Буғу эмиш! Ғирт аҳмоқ экансан-у, қара! Экспекто патронум! Сеҳрли таёқчадан аллақандай улкан шохли ҳайвон отилиб чиқиб, Дароз кўча бўйлаб югурганча, кўздан ғойиб бўлди.

- Мен кўрган ҳимоячи бошқача эди, - деди Ўлимдан мириқувчи, бироз иккиланиб.

- Комендант соати қоидаси бузилган эди, шовқинни ўзингиз ҳам эшитдингиз, - деди бошқа бир Ўлимдан мириқувчи, май сотувчисига, - Кимдир ман этилган вақтда кўчага чиқди...

- Агар ичи кетган мушугимни, уйни расво қилмаслиги учун кўчага чиқариш зарурати туғилса, тупураман мен ўша комендант соатингизга.

- Сиз экансиз-да, демак, Қичқириқ тилсимини ишга солиб юборган?

- Хўш, нима қилибди? Азкабанга қамайсизлар-ми энди мени, шу айб билан? Ё бурнимни эшикка қистириб, ўлдирасизми? Марҳамат, агар сизларга шу керак бўлса. Бироқ ўйлайманки, миянгизни ҳали тамомила еб битирганингиз йўқ, анави ажал белгингизни босиб, соҳибингизни чақиртиргани. Зеро, мени ва ўзимдай қари мушугимни деб муҳимроқ ишлардан чалғитишингиз ёқмаслиги аниқ, унга, ишонаверинг.

- Ғамимизни емай қўя қолинг, - деди Ўлимдан мириқувчилардан яна бири, - Ўзингизни ўйланг, қоидабузар!

- Мен бошқараётган мана бу паб ёпиладиган бўлса, гиёҳ-у, захарни қаердан оласиз? Ички оламингиз, асл табиатингиз ўртаб қолса нима қиласиз, мен йўқ?

- Пўписа қиляпсизми, бизга?

- Йўқ, айбингизни сир сақлаб, тилимни тийиб юрибман. Шу боис, бу ёққа бемалол кириб-чиқиб юрасиз, шундай эмасми?

- Буғу тусига кирган Ҳимоячини кўрганганимга аминман, -

бақирди биринчи Ўлимдан мириқувчи.

- Буғу эмас, така, аҳмоқ! - жавоб берди май сотувчи ўкириб.

- Яхши, биз янглишдик, - деди иккинчи Ўлимдан мириқувчи, тиши орасидан вишиллаб, - Лекин комендант соати қоидасини яна бузадиган бўлсангиз, сизга бўлган боадаб муносабатимиз барҳам топади.

Ўлимдан мириқувчилар изига қайтиб, Дароз кўча томон йўл олишди.

Енгил тортган Гермiona плаш остидан чиқиб, ўзини бир оёғи синиқ курсига ташлади. Гарри дераза пардасини яхшилаб тортгач, Рон иккаласининг устидаги кўринмас плашини ечиб, тахлади. Уй эгаси кўча эшигини ёпиб, зина бўйлаб кўтарилаётгани эшитилди.

Расм остидаги камин тоқчасида турган кўзгу бўлаги Гаррининг эътиборини ўзига тортди.

- Ғирт аҳмоқ экансизлар! - деди хонага кирган қария, болаларнинг ҳар бирига диққат билан разм солиб, -

Қаерингиз билан ўйладингиз, бу ерга келишдан олдин?

- Раҳмат сизга! - деди Гарри, - Ҳаётимизни сақлаб қолдингиз! Миннатдорлигимизни қандай изҳор этишни билмайман.

Май сотувчи бош ирғиди. Яқинроқ борган Гарри, қариянинг юзига разм солди. Унинг оқ оралаган соч-соқоли кул ранг тус олган бўлиб, бриллиантга ўхшаш мовий кўзи кўзойнак ортида ярқираб кўринди.

- Кўзгудаги кўз! Менга кўринган кўз сизнинг кўзингиз эди! Хонага жимжитлик чўкди. Гарри билан май сотувчи бири-бирига қараб қолди.

- Демак, Доббини жўнатган ҳам сиз, тўғрими?

Бош ирғиган май сотувчиси атрофга қаради.

- Қани у? Сизлар билан бирга қайтса керак, деб ўйлаган эдим.

- Ҳалок бўлди, - жавоб берди Гарри, - Беллатрикс Лестрангнинг қўлидан ўлим топди.

Май сотувчининг пинаги бузилмади. Бир неча сония ўтгач, сеҳрли таёқчаси билан фонус ёқди.

- Яхши иш бўлмабди, - деди у, - Ёқар эди менга ўша эльф.

- Исмингиз, адашмасам, Аберфорс, шундайми?

Каминга ўт қалаш учун бироз энгашган май сотувчи на рад жавобини берди, на тасдиқлади.

- Мана бу қаердан келиб қолган сизга? - сўради Гарри, кўзгу олдига келиб.

Гарри ўзига тегишли кўзгу бўлагини қарийб икки йил муқаддам синдириб қўйган. Мана бу эса ўша кўзгунинг Сириусга тегишли эгиз жуфти.

- Дарвеш ва наша дўконида сотиб олганман, хусусиятини эса Альбус айтиб берган, - жавоб берди Аберфорс, - Сени кузатиб боришга уринганман.

Роннинг оғзи ланг очилиб қолди.

- Урғочи буғу! - деди у, ҳаяжонланиб, - Демак уни ҳам сиз йўллаган экансиз-да?

- Нималар деяпсан? - сўради Аберфорс тушунмай.

- Кимдир бизга урғочи буғу тусидаги Ҳимоячи йўллаган эди.

- Бундай ақл-фаросатинг билан анави Ўлимдан мириқувчилар сафига бемалол аъзо бўлишинг мумкин, болам. Ҳозиргина исбот қилдим шекилли, Ҳимоячим така тусини касб этишини?

- Ҳа-я... - деди Рон, - Қорним очлигидан бўлса керак, - ўзини оқлаган бўлди у, ғулдираган қорнини силаб.

- Ҳозир бирон-бир егулик келтириман, - деди Аберфорс, хонани тарк этиб.

Бир-икки дақиқа ўтар-ўтмас қария каттагина нон, пишлоқ бўлаклари ва қалайдан қуйилган кўза тўла глинтасал кўтариб қайтди. Болалар егуликка ташланиб, хонада оловнинг тарсиллаб ёниши, идишнинг тақир-туқури ва овқат чапиллатиб чайналаётгани эшитилди.

- Бу ерларни шовқинсиз тарк этишингизни ўйлаб кўришимиз керак энди, - деди Аберфорс, болалар қорни тўйиб, курсиларга ўтиргач, - Тунги вақтда кўчага чиқиб бўлмайди. Оқибатини ўзингиз эшитдингиз. Қичқириқ тилсими ишга тушиб, Ўлимдан мириқувчилар ёғоч қуртига ёпирилган флорбер чувалчанглари каби ёпирилиб келишади. Буғу аслида така эканлигини яна бир бор исбот қилишим жуда қийин кечса керак. Шунинг учун комендант соати ўтишини кутамиз. Эрталаб эса кўринмас плашингизни киясиз-да, туёғингизни шиқиллатасиз. Дастлаб Хогсмёд ҳудудидан чиқиб, тоғ тизмаси томон йўл оасиз. Ўша ерга етгачгина ҳавада даф бўлишингиз мумкин. Эҳтимол ҳибсга олинишдан қочган Хагридни ҳам учратиб қоларсиз у ерда. Ўзининг уч каллали Момиқвойи билан форда яшяпти у.

- Қайтиб кетиш учун келганимиз йўқ биз бу ерга, - эътироз билдирди Гарри, - «Хогварц»га киришимиз керак.

- Аҳмоқлик қилма, болакай!

- Биз...

- Сиз, - давом этди Аберфорс, Гаррига гап бермай, - Бу ерлардан имкон қадар узоқ-узоқларга даф бўлишингиз керак.

- Тушунмадингиз. Вақтимиз жуда оз. Биз зудлик билан қасрга киришимиз керак. Дамблдорнинг, яъни акангизнинг истагига кўра, биз...

Олов лов этиб Аберфорснинг кир кўзойнагини буғ таъсиридан оқаргандай хиралаштирди. Гарри негадир улкан ўргимчак Арагогнинг сўқир кўзини эслади.

- Акам истамаган нарсанинг ўзи бўлмаган. Фақат у, ўзининг азим режаларини ўйлаб юрган бир пайтда, атрофидаги одамлар, одатда, кўнгилсизликка учраб борган, - деди Аберфорс, - Сен яхшиси анави мактабдан нари юр, Поттер. Иложи бўлса юртни тарк эт. Акамни ҳам, унинг оқилона режаларини ҳам унут. У ҳозир ҳеч ким озор етказмайдиган жойда, биласан. Ундан ҳеч қандай қарзинг йўқ.

- Сиз тушунмаяпсиз!

- Мен-ми? Мен тушунмаяпман-ми? - сўради Аберфорс вазмин оҳангда, - Унинг бир қориндан тушган укаси бўла туриб, тушунмабманми? Ё сен Альбусни мандан кўра яхшироқ билар эдинг-ми?

Гарри чарчоқ, овқат ва глинтасал таъсиридан бироз ланж бўлди.

- Ундай демоқчи эмасман, - деди Гарри, - У... у менга бир иш тайинлаб кетган.

- Йўғ-е? - кулиб боқди Аберфорс, - Яхши ишми? Кўнгилга хуш келадиган, ижроси қийин кечмайдиган ишмиди, ишқилиб? Ёш сеҳргар ҳеч зўриқмай бажара оладими, уни?

Рон хунук кулиб қўйди. Гермiona ҳаяжон-ла қулоқ солиб ўтирибди.

- Йўқ, - бош силтади Гарри, - Бироқ мен, ижроси осон бўлмаса ҳам, бажаришим керак бўлган...

- Керак? Нега энди «керак»? Ўлди-ку, у, тўғрими? - қўпол оҳангга ўтди Аберфорс, - Қўй, дедим сенга, унут уни. Ўзингни ўйла, жонингни сақла!

- Ундай қила олмайман.

- Сабаб?

- Мен...

Гарри эсанкиради. Сабабини тушунтира олмай, Аберфорсга дарғазаб қаради.

- Сиз ҳам курашдингиз-у, Қақнус ордени аъзоси эдингиз...

- Эдим... - деди Аберфорс, - Қақнус ордени энди йўқ. Ўзинг-Биласан-Ким ютди, ҳаммаси тамом бўлди. Бошқача фикрда юрганлар эса ўзини ўзи таҳқир қилаётган ҳисобланади. Сен бу юртда ҳеч қачон хавфсиз бўлмайсан, Поттер. Ўзинг-Биласан-Ким қонингга ташна, ўлдиришни астойдил ният қилган. Хорижга кет. Жонингни сақла. Мана бу иккаласини ҳам ўзинг билан олиб кетсанг, яхши иш қилган бўласан, - давом этди у, кўрсаткич бормоғини Рон билан Гермionaга ўқтаб, - Улар сен билан юрганини ҳамма билади. Шундай экан, булар ҳам омон қолишмайди.

- Йўқ, кета олмайман. Ишим бор.

- Бошқа бировга топшириб кет, ўша ишни!

- Топшира олмайман. Ўзим бажаришим керак. Дамблдор фақат ўзимга...

- Бор гапни айтиб кетди-ми, алдамади-ми, ишқилиб?

Гарри чин юракдан: «Ҳа» дейишни истади-ю, тили айланмади. У нима хаёлга борганини, афтидан, Аберфорс, фаҳмлаган кўринади.

- Акамни яхши билар эдим, Поттер. Дамдузлик унга она сути билан кириб, жони билан чиқди. Оилада биз сир сақлаш ва ёлғон гапириш муҳотида ўсганмиз. Бундай муҳитни асраб бориш масаласида Альбуснинг ҳам кам жойи бўлмаган...

Қария нигоҳини камин устидаги ёш қизнинг портретига олиб ўтди. Гарри атрофга назар солиб, хонада бошқа расм йўқлигига эътибор қилди. На Дамблдорнинг фотосурати бор бу ерда, на бошқа бировнинг расми.

- Мистер Аберфорс, бу сизнинг синглингиз Ариана-ми? - сўради Гермiona, биров тортиниб.

- Ҳа, ўша, - жавоб берди Аберфорс, - Рита Вритерни ўқиб борасизми дейман, яхши қиз?

Камин олови пушти ранг бериб ёнаётганига қарамай, Гермionанинг юзи қизариб кетгани кўзга яққол ташланди.

- Эльфиас Дож айтган бизга синглингиз ҳақида, - деди Гарри,

Гермионани тинчлантиришга уриниб.

- Миясини еган қари аҳмоқ, - хулоса қилди Аберфорс, гинтасалдан каттароқ хўплаб, - Унинг назарида акамдан қуёш нури таралиб турган. Қолаверса, кўпчилик шундай хаёлда юрган ва нигоҳларингга қараганда, сизлар ҳам ўшалар жкмласидансиз.

Гарри индамади. Дамблдорга нисбатан кўп ойлардан буён шаклланиб келган шубҳаларини ифода этишни истамади. Доббига қабр қазиётган пайтда у бир тўхтамакка келди. Альбус Дамблдор кўрсатиб кетган хавфли, эгри-бугри йўлдан боришга аҳд қилди. Унга бор гапнинг ҳаммаси айтилмаганини кечириб, Дамблдорга бўлган ишончни сақлаб қолди. Энди у, кўзланган мақсаддан чалғитадиган шубҳа ва гумонларга боришни истамайди.

У Аберфорснинг ёрқин мовий кўзига қараб, Дамблдорнинг кўзини, кишининг ич-ичини кўра биладиган нигоҳини эслади. Ҳозир Аберфорс ҳам унинг фикрларини ўқиб фаҳмлади, деган хаёлга бориб, аччиқланди.

- Профессор Дамблдор Гаррига кўп меҳрибонлик қилган... - деди Гермиона паст овозда.

- Шунақа денг? - заҳар қилди Аберфорс, - Шуниси қизиқ-ки, акамнинг меҳрига дучор бўлган кўплаб одамлар, унинг меҳридан бебаҳра қолганларга нисбатан анча аянчли аҳволга тушиб қолишган.

- Нимани назарда тутяпсиз? - бир нафасда сўради Гермиона.

- Айтарли ҳеч нарсани... - гапини тугатиб, жим бўлди Аберфорс.

- Лекин бу... - қизишди Гермиона, - Айнан айтилиши керак бўлган гап-ку! Ахир сиз... Сиз ўз синглингизни назарда тутдингиз-ку!

Лаби ичидан отилиб чиқаётган сўзларни тўхтатиб, чайнашга уринаётгандай ҳаракатланаётган Аберфорс қизга тикилди.

- Синглим эндигина олти ёшга тўлганда, унга уч нафар магл ўспирин ҳамла қилди. Улар боғнинг чакалак-девори орқали қизчанинг сеҳр-жоду билан шуғулланаётганини кўриб қолишган. Бундай ёшдаги ҳар қандай бола каби, синглим ҳам ўзини идора қила олмаган. Ўйлашимча, магл болалар ўз кўзи билан кўрган ҳодисадан кўрқиб кетишган. Учаласи девор ошиб тушишган. Қизча фокус сирини кўрсата олмагач,

болалар уни кўндиришга уриниб, ҳаддан ортиқ қизишиб кетишган.

Олов нурида Гермионанинг кўзи катта очилгандай, Рон эса бироз чарчагандай кўринди. Акаси Альбус каби новча бўйли Аберфорс ўрнидан турди.

- Учала боланинг қилган иши қизнинг руҳиятини барбод қилди. Унинг илгариги беозорлиги барҳам топди. Синглим сеҳр қўлламас, лекин ундан халос бўла олмас, яъни табиатидаги сеҳр ташқарига чиқишга уриниб, болани ақлдан оздирар, ичида портлар эди. Ариана баъзан ғалати ва хавфли бўлиб қолар эди. Аммо у асосан жуда чиройли, қўрқоқ, ювош бўлиб юрар эди. Дадам анави ваҳшийларнинг уччаласини топиб, адабини берди, - давом этди Аберфорс, - Ушбу қилмиши учун жазоланиб, Азкабанга қамалди. Нима учун магларга ҳамла қилганини у ҳеч кимга айтмади. Арианага нима қилганини вазир шундоқ ҳам билар эди. Улар гўё яхшилик тилаб, синглимни Муқаддас Резги касалхонасига ётқизишмоқчи ҳам бўлишди, салга ловуллаб кетадиган, ташқарига отилиб чиқаётган сеҳрини идора қила олмайдиган Ариананинг хулқида Сеҳргарлик фаолиятини сир тутиш тўғрисидаги халқаро битим талабларига нисбатан таҳдид кўришди. Шу боис, синглимни жимжитлик ва хавфсизликда сақлашга тўғри келди. Турар жойимизни ҳам алмаштирдик, синглим касалликка чалинганни ҳақида миш-миш гап тарқатдик. Ариана ҳамisha хотиржам, бахтли яшаши учун онам унинг ёнидан жилмади... Синглим мени жуда яхши кўрар эди.

Юзидаги ажини ва чигаллашиб кетган соқоли туфайли ҳозир Аберфорс жуда исқирт боладай кўринмоқда.

- Альбус эса, уйдалигида, ётоқхонасига кириб олиб, бошини китобдан узмас, ўз мукофотларини санаб ўтганча, «замонамизнинг энг машҳур сеҳргарлари» билан ёзишмалар олиб борар эди, - заҳар урғу бериб ўтди Аберфорс, - Синглиси уни безовта қилишини истамас эди. Ариана кўпроқ мени ёқтирар эди. Онам уддалай олмаган пайтда унга мен овқат едирар эдим, дарғазаб бўлса, ўзим тинчлантирганман, хотиржам юрган кезларида эса эчки боқишга ёрдам берар эди у менга. Ёши ўн тўртга тўлганда, - овози титраб гапирди Аберфорс, - Мен йўқ эдим ҳодиса жойида... Онам билан бирга

бўлганимда, тинчлантирган бўлар эдим... Навбатдаги тутқаноқ... онам ёш эмас, куч-қуввати илгаригидай эмас эди... Бахтсиз ҳодиса рўй берди... синглим ўз хатти-ҳаракатини идора қила олмади... онам ҳалок бўлди. Гаррининг вужудини ҳам шафқат, ҳам нафрат ҳисси қамради. У Аберфорсни эшитишни истамайди, лекин қария ҳикоясини давом этмоқда. Гарри ўйланиб қолди: Аберфорс бу гапларнинг барини сўнгги бор қачон гапирган? Бирор кишига айтиб берган-ми ўзи?

- Альбуснинг митти Дож билан бирга дунё бўйлаб саёҳат қилиш режаси барбод бўлди. Ойимнинг дафн маросимида иккаласи бирга иштирок этди. Шундан сўнг, Дож гумдон бўлди, Альбус эса уйда оила бошлиғи сифатида қолди. Ҳа! Аберфорс қўлини оловга тутди.

- Синглимга ўзим қарашга, мактабнинг баҳридан кечиб, рўзғор ишларини ўз зиммамга олишга аҳд қилдим. Буни акамга айтдим. У эса мактабни тамомлашимни талаб қилиб, Ариана иккаламизни айириб юборди. Деярли жинни, ҳар қандай фурсатда уйга ўт қўйиб юбориши мумкин бўлган сингилга қараб ўтиришни сизларнинг мистер Бриллиантингиз ўзи учун ҳақорат, мукофот берилмайдиган иш деб билган бўлса керак. Бироқ бу ишни у, токи анави Гриндельвальд деганлари пайдо бўлгунча, бир неча ҳафта давомида уддалай олди.

Қариянинг нигоҳида хавф ярқиради

- Акамнинг ҳаётида ўзига ўхшаган истеъдодли, ҳаётга ишонч билан қарайдиган суҳбатдош пайдо бўлди. Арианага қараш ишлари Янги тартиб сеҳр-жодуси, тарихий ёдгорликларни қидириб топиш ва шу каби, иккаласини қизиқтирган бошқа мавзуларга доир баҳс-мулоҳазалардан кейинги, иккинчи даражали ишга айланди. Жамики сеҳргарлар манфаатига хизмат қиладиган улкан ғоялар туғилди... қани, кўрайлик-чи, гўзаллик ва буюклик йўлида жажжигина қизча бепарво қолдирилса, нима бўлар экан? Синглим бир неча ҳафта деярли қаровсиз қолганини кўрдим... Ўшанда «Хогварц»га қайтадиган вақтим бўлган эди. Бас, дедим мен иккаласининг юзига, худди ҳозир сенинг юзингга қараб тургандай, қараб. Гарри кеккайиб турган Аберфорсга қараб, акасига қарши чиққан шафқатсиз, дарғазаб ўспиринни аниқ тасаввур қилди.

- Анави ғояларини миясидан чиқариб ташлашни талаб қилдим. Қандай ишларни режалаштирган бўлмасин, ўша ишлар ижроси борасида қандай чиройли гапирмасин, синглим унинг ортидан у ёқ, бу ёққа кўчиб юрадиган ҳолатда эмаслигини айтдим. Гапим акамга ёқмади.

Аберфорснинг кўзойнаги терлаб, хиралашгани боис, оқарган ойна ортида кўзи яна кўринмай қолди.

- Гриндельвальдга кўп нарса ёқмади, акам иккаласининг йўлида тўғаноқ бўлиб, аҳмоқлик қилаётганимни айтди... Улар дунёни ўзгартирадиган, сеҳргарлар фаолиятининг махфийлигига барҳам бериб, маглар учун тегишли жой белгилаб беришадиган бўлса, синглимни бировдан яшириб бўлмаслиги борасида баҳслашдим. Қизишиб кетдик...

Иккаламиз сеҳрли таёқчаларимизни чиқардик. Альбуснинг энг қадрдон дўсти мени Қийноққа солиш қарғиши ила қийнай бошлади. Акам уни тўхтатишга уринди. Учаламиз курашдик... Олов, яшин, портлаш товушлари синглимга қаттиқ таъсир қилди...

Аберфорснинг юзидан, худди оғир яралангандай, қон қочди.

- Ўйлашимча, у акаларига ёрдам бермоқчи бўлган...

Билмадим, қайси биримиз... Ариана жонсиз йиқилди.

Сўнгги гапини айтган қария курсига йиқилди. Гермионанинг юзи кўз ёшидан жикқа хўл бўлди. Роннинг ранги эса Аберфорснинг рангидан кўп фарқ қилмай қолди. Бу гапларни эшитишни истамаган, онгини улардан тозалаб ташлашни хоҳлаган Гарри жирканишдан бошқа ҳеч нарсани ҳис этмади.

- Мен... ҳамдардман, - пичирлади Гермиона.

- Кетинглар, - бақирди Аберфорс, - Бир умрга йўқолиб кетинглар!

Қария бурун қоқиб, томоқ қирди.

- Турган гап-ки, Гриндельвальд юртига қочди. У аллақачон жинойт йўлига кирган бўлиб, Ариананинг ўлимини ўз масъулиятига олишни истамади. Аммо Альбус энди озод, ортиқча юкдан халос бўлди, шундай эмасми? Сингилнинг ташвишларидан қутулди, замонамизнинг буюк сеҳргари бўлиб етишиш учун мутлақо озод шахсга айланди...

- У ҳеч қачон ўзини озод деб билмаган, - гапни бўлди Гарри.

- Тушунмадим? - пичирлади Аберфорс.

- Ҳеч қачон ўзини озод деб билмаган, - такрорлади Гарри, -

Ҳалок бўлишидан олдин, ўша кеча акангиз ақлни оздириб юборадиган захарли дамлама ичган эди. Ўзи аянчли ҳолатда бўла туриб, кимгадир мурожаат қилганча: «Қийнаманг уларни, илтимос, жонини оғритманг, ҳаммасига ўзим айбдорман! Яхшиси мана, мени қийнанг», дея ялиниб-ёлворди.

Рон билан Гермиона Гаррига бақрайиб қолишди. Кўлдаги ўша ғорда нима бўлганини у ҳеч кимга айтмаган. Ғордан «Хогварц»га қайтгандан кейинги ҳодисалар бу гапларнинг унут бўлишига сабаб бўлган.

- Ўшанда унинг кўз олдига, ишончим комил-ки, сиз билан Ариана келиб, Гриндельвальдга мурожаат қилган, - деди Гарри, Дамблдорнинг ғорда йиғлаб пичирлаганини эслаб, - Ўйлашимча, Гриндельвальд сизни ва синглингизни қийноққа солаётганини акангиз кўрган. Бу унга чидаб бўлмас азоб берган. Агар аҳволини кўрганингизда эди, у бирор кун ҳам ўзини озод деб билмаган инсон бўлганига амин бўлар эдингиз.

Аберфорс томирлари бўртиб чиққан қўлини худди энди кўриб, кўздан кечираётгандай, бироз сукут сақлаб ўтирди.

- Акам порлоқ келажакдан кўра, кўпроқ сендан манфаатдор бўлганига ишончинг қандай комил бўлиши мумкин, Поттер? Гаррининг юраги муздай бўлди.

- Ишонмайман бундай гапларга. Дамблдор Гаррини ҳамиша яхши кўриб келган! - жавобан эътироз билдирди Гермиона.

- Нега унда бекиниб олишни маслаҳат бермади? - вайсай кетди Аберфорс, - Нега у: «Ўз ғамингни ўзинг е, шундагина омон қоласан», демади?

- Чунки киши баъзан фақат ўз ғамини ейишни эмас, порлоқ келажак ҳақида ҳам ўйлаши керак, - деди Гарри, Гермионага баҳслашишга йўл бермай, - Буни уруш дейдилар!

- Ёшинг энди ўн еттига тўлди, йигитча!

- Кураш олиб бориш учун етади ёшим, модомики сиз таслим бўлган экансиз!

- Ким айтди сенга, мени таслим бўлди, деб?

- «Қақнус ордени энди йўқ», - аччиқ истехзо ила такрорлади Гарри, Аберфорснинг сўзларини, - «Ўзинг-Биласан-Ким ютди, ҳаммаси тамом бўлди. Бошқача фикрда юрганлар эса ўзини ўзи таҳқир қилаётган ҳисобланади».

- Бу гап менга ёқади, деганим йўқ, лекин бу чин ҳақиқатдир!
- Йўқ, ундай эмас! - қошини кўтарди Гарри, - Акангиз Ўзингиз-Биласиз-Кимни бир ёқли қилиш йўлини билган ва ўз билганларини менга ҳам ўргатиб кетган. Мен охиригача курашиб, ё ғалаба қозонаман, ё ўламан.

Гарри Аберфорсдан яна истехзо кутганча, жим бўлди.

- Биз «Хогварц»га киришимиз керак, - деди Гарри, - Бу масалада ёрдам бера олмасангиз, тонг отишини кутиб, сизни тинч қўйганча, ўзимиз йўл қидирамиз. Мабодо ёрдам бера олсангиз, марҳамат, ёрдам қўлини узатиш вақти етди.

Аберфорс худди курсига ёпишиб қолгандай, акасининг кўзини эслатадиган кўзи билан Гаррига биров бақрайиб ўтирди. Томоғини қириб олгач, кичик столни айланиб ўтди-да, Ариананинг портрети олдига келиб тўхтади.

- Нима қилиш кераклигини ўзинг биласан, - деди у, расмга қараб.

Ариана кулиб боқди, сўнг, тескари ўгирилиб, нари кетди.

Одатда, портретда тасвирланган одамлар портрет рамкаси ортига ўтиб, ғойиб бўлишади. Ариана эса ортида тасвирланган узун туннель бўйлаб кетди. Учовлон узоқлашиб бораётган қиз ортидан, токи кўздан ғойиб бўлгунча, кузатиб қолди.

- Хўш? - сўради Рон.

- Ҳозир «Хогварц»га яширинча олиб кирадиган биттагина йўл қолган холос, - гап бошлади Аберфорс, - Эсингизда бўлсин, эски ерости йўллари иккала томондан ёпиб ташланган.

Мактабнинг ташқи деворларини дементорлар айланасига қўриқлаб, патрулик қилади. Ҳар қалай, менинг манбаларим шундай дейишди. Бу жой ҳали ҳеч қачон қўриқланмаган.

Снегг ва унинг ёрдамчиларини қандай уддалайсиз? Режангиз борми? Ўлимга тайёрман, дегандай бўлдингиз.

- Нима бу? - сўради Гермiona, расмдан кўзини узмай.

Расмда тасвирланган туннелнинг нариги бошида оқ нуқта пайдо бўлди. Ариана изига қайтар экан, тобора катталлашиб бормоқда. Унинг ёнида эса яна кимдир каловланиб келмоқда. Сочи ўсган ҳамроҳ туннелдан ажраб, тасвири равшанлашиб бормоқда. Иккаласи катталлашиб, бошлари портретни бутунлай эгаллади.

Кутилмаганда портрет кичкига эшик каби очилиб, девордан

узоқлашди-да, ҳақиқий туннелнинг оғзини очди. Ичкаридан сочи кўпдан буён олинмаган, юзи жароҳатланган, кийими йиртилган ҳақиқий Невилль Лонгботтом чиқиб келди-да, чуқур нафас чиқарганча ерга сакраб, бақириб юборди:
- Келишингни билар эдим, Гарри! Билар эдим!

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ. ҒОЙИБ БЎЛГАН СОЧ ТОЖИ

- Сенга нима қилди, Невилль?

Рон билан Гермионанинг саволларига жавоб бермаган Невилль иккаласини қучоқлаб, завқ-ла қичқирди. Гарри синфдошига қараб, кўп хайратланди. Унинг бир кўзи шишган бўлиб, атрофи бинафша ва сариқ тус олган, юзини жон оғритадиган ҳар хил жароҳат қоплаган. Қиёфасидан кўриниб турибди-ки, Невиллнинг сўнгги вақтдаги ҳаёти осон кечмаган. Шунга қарамай, қувончдан яшнамоқда.

- Келишларингни билар эдим! - деди у, Гермионани бағридан чиқариб, - Симус айтди менга. Кун ўтиб бир кун келишларингни билар эдим!

- Сенга нима қилди, Невилль? Аҳволингга қараб бўлмайди.

- Нима? А, бу-ми... - бош силтади Невилль, - Бу ҳали ҳолва. Симуснинг аҳволига маймунлар йиғлаяпти. Ҳозир ўзингиз кўрасиз. Вой, кетар вақт бўлди шекилли? Аб, - мурожаат қили у, Аберфорсга қараб, - Ким келса ўтказавер.

- Ҳаммасини-я? - сўради Аберфорс дарғазаб оҳангда, - Нималар деяпсан, Лонгботтом? Қишлоқда комендант соати жорий этилган. Қичқириқ тилсими ҳам қўлланилган!

- Биламан. Шунинг учун ҳам улар майхонанинг ўзида ҳавода даф бўлишади, - деди Невилль, - Етиб келганларга йўл очиб бериб турсанг бўлди, хўпми? Катта раҳмат.

Туйнук оғзига ирғиб чиққан Невилль қўлини Гермионага узатиб, юқорига, камин тоқчасига чиқишга, у ердан туннелга киришга ёрдам берди. Рон уларнинг ортидан эргашди.

- Сизга ўз миннатдорлигимни қандай изҳор этишни билмайман, - деди Гарри, Аберфорсга қараб, - Ҳаётимизни иккинчи марта сақлаб қолишингиз.

- Уни энди ўзингиз эҳтиёт қилиб, асранг, - дағал жавоб берди Аберфорс, - Учинчи марта сақлаб қолишинг иложи бўлмай қолиши мумкин.

Гарри Ариананинг эски камин устида осифлик турган портрети ортидаги туйнукка кириб, оёғи силлик тошдан терилган зинага тегди. Афтидан, ушбу махфий йўлак кўп йиллар муқаддам қазилган кўринади. Йўлакнинг орқада қолган боши ёпилди. Мис фонуслар девор яқинида муаллақ осилганча, силлик, совуқ полни хира ёритммоқда. Болаларнинг девордаги кўланкалари орқаларидан титраб эргашмоқда.

- Кўпдан буён борми бу йўлак? - сўради Рон, - Кафандузд харитасида кўринмаган-у, а, Гарри? Фақат еттита яширин йўл борлигини биламан.

- Ўқув йили бошида эски йўлакларнинг бари Ўлимдан мириқувчилар томонидан назорат остига олинган, - деди Невилль, - Бирортасидан ўтиб бўлмайди. Уларга турли-туман тилсимлар қўлланилиб, муҳофаза қилинмоқда. Мактабдан чиқиш йўллари Ўлимдан мириқувчилар ва дементорлар томонидан қўриқланади.

Невилль юришни давом этганча, дўстлари томон юзланди.

- Буларнинг аҳамияти йўқ... Айтинг-чи, сизлар ҳақиқатан ҳам Гринготтсга кириб чиқдингиз-ми? Ростми шу? Сизлар, миш-миш гапларга қараганда, у ердан аждар эгарлаб чиққан экансиз? Ҳаммининг оғзида шу гап! Буни Тэрри Бут Катта Залдаги тушлик вақтида бақириб эълон қилган эди, Кэрроу уни уриб, ўлдириб қўйишига сал қолди.

- Ҳа, рост, - деди Гарри.

- Аждарни нима қилдингиз кейин? - кулди Невилль роса завқланиб.

- Озодликка қўйиб юбордик, - жавоб берди Рон, - Гермiona уни боқиб олмоқчи эди, кўнмадик.

- Муболаға қилма, Рон.

- Нимага кирган эдингиз ўзи, банкка? - сўради Невилль, - Кўпчилик ўша ерга бекиниб олмоқчи бўлганингиз ҳақида фикр билдирмоқда. Мен ишонмадим. Шунчаки кирганингиз йўқ у ерга. Сизларга нимадир керак бўлган...

- Тўғри, шунчаки кирганимиз йўқ, - деди Гарри, - Сен яхшиси «Хогварц» ҳақида гапир. Биз ҳам кўп нарсалардан беҳабармиз.

- Ана, ўйлаганим тўғри чиқди, шунчаки кирмагансиз...

«Хогварц» дейсанми? «Хогварц» ўзгарган, батамом ўзгариб

кетган, - деди Невилль, кулишни бас қилиб, - Анави Кэрроулар ҳақида эшитгандирсиз?

- Бу ерда иккита Ўлимдан мириқувчи дарс бераётганини эшитдик холос.

- Дарс беришдан ташқари, мактабдаги интизомни ҳам қатъий назорат қилиб боришади. Жазонинг ҳар хил турларини қўллаб боришни хуш кўришади.

- Амбрижга ўхшаб-ми?

- Ундан ҳам баттар улар. Гаврон, кишан... Айб иш қилиб қўйган ўқувчиларни бошқа ўқитувчилар Кэрроулар ҳузурига йўллашлари керак, гарчи улар ундай қилмасликка уринишса-да. Ишончим комилки, бошқа ўқитувчилар ҳам Кэрроулардан биз каби нафратланишади. Амикус деганлари жуда расво одам, - давом этди Невилль, - Илгари Ёвузлик кучидан ҳимоя деб, ҳозир эса Ёвузлик кучи, дея номланган фандан дарс беради у. Амалий машғулотларда энди Крусио қарғишининг ижросини ўзлаштирмақдамиз.

- Нима? - бараварига қичқирди Гарри, Рон ва Гермиона.

- Шунақа, - жавоб берди Невилль, - Шеригимда қўллашдан бош тортганим учун мана, марҳамат, жазоландим, - деди у, лунжидаги чуқур жароҳатни кўрсатиб, - Кўпчилик бош тортди. Лекин Крэб билан Гойлга ўша қарғиш анча хуш келди. Илк бор қўлидан бир иш келмоқда, уларнинг. Амикуснинг опаси Алекто эса маглшуносликдан дарс беради. Бу фанни ўзлаштириш ҳамма учун мажбурий бўлиб қолган ҳозир. Шундай экан, маглар ҳайвонларга табиатан қанчалик яқин эканлиги, улар билан йўлга қўйилган ҳар қандай муносабатлар зарарли ва мумкин эмаслиги ҳақида маърузалар эшитиб бормоқдамиз. Кунлардан бир кун мен ундан, томиридаги қонининг қанча фоизи маглардан эканлигини сўрадим. Жавоб тариқасида мана бунга эришдим, - кўрсатди у, юзидаги яна бир жиддий жароҳатни.

- Войбўй, Невилль, илма-тешик бўлиб кетибсан-ку! - хайратланди Рон, - Шартми, тил дастидан шунча жафо кўриш.

- Сиз у аёлни кўрмагансиз, - деди Невилль, - Кўрсангиз, сиз ҳам чидай олмайсиз. Кимдир уларга қаршилиқ кўрсатиши керак. Мен сизлардан ўрناق оляпман.

- Тўғри, лекин биров биздан, ўз пичоғи учун қайроқ сифатида

фойдалангани йўқ, - деди Рон.

У Невиллнинг жароҳатларидан қаттиқ таъсирланган кўринади, девор ёнида сузаётган фонуслардан бирини уриб, нари учирди.

- Ҳеч қиси йўқ, - елка қисди Невилль, - Тоза қон вакилларини кўп йўқотмоқчи эмас, улар. Қаттиқ қийноққа солишаётгани ҳам йўқ бизни, гарчи янада баттар қийнашни хоҳлашса-да. Тилга ортиқча эрк бериб юбораётганимиз учун жазолашади, асосан. Ўлдиришга ўлдиришмайди.

Невилль гапираётган нарсалар ёмонроқ-ми, ё унинг қуруқ оҳангда гапираётгани даҳшатлироқ-ми, Гарри тушуна олмади.

- Ҳақиқий хавф солинаётган одамлар - мактаб ташқарисидаги дўст-биродарлари аनावиларнинг қўлига тушган болалардир. Яъни Ўлимдан мириқувчиларнинг қўлида гаровга олинган киши бўлади. Қария Ксенофилиус Лавгуд Квиблерга етиб бора олмади. Рождество таътилига йўл олган Лунани улар тўғри поезддан ўғирлаб кетишга аҳд қилишди.

- Невилль, Лунанинг ишлари жойида. Биз уни кўрдик.

- Ҳа, биламан. Менга хабар йўллади у.

Невилль чўнтагидан тилла танга чиқариб кўрсатди.

Дамблдор Армияси бир-бирига хабар бериш учун ишлатган сохта галеон.

- Жуда қўл келди-да, булар бизга, - деди Невилль Гермionaга кулиб боқиб, - Биз қандай қилиб ўзаро боғланаётганимизни тушунмаётган Кэрроуларнинг эси оғиб қолди. Тунда йўлакка чиқиб, ювилмайдиган сиёҳ билан деворга: «Дамблдор армиясига янги жангчилар қабул қилинади» каби ёзувлар битар эдик. Ҳазаби қайнаган Снегг эса ақлдан озишига сал қолди...

Невилль бу гапни ўтган замонда айтгани Гаррининг эътиборини тортди.

- Энди қилмай қўйдиларинг-ми, ундай ишларни?

- Осон бўлмай қолди, - жавоб берди Невилль, - Рождество байрамида Лунани йўқотдик, Пасха таътилига кетган Жинна қайтиб келмади, етакчилардан фақат уч киши қолдик. Бу ишларнинг ортида мен турганимни Кэрроулар фаҳмлашган, албатта. Шу боис, улар мени кеча-кундуз пойлаб юришди. Навбатдаги қилмишимиз вақтида Майкл Корнер қўлга тушди.

Уни кишанбанд қилиб, роса қийнашди. Бу эса, табиийки, одамларни чўчитди.

- Фойдасиз енгилтаклик... - ғудуллади Рон, юқорига кўтарилган бошлаган йўлакдан бориб.

- Ҳа. Қисқаси, болалардан Майклнинг жасоратини қайтаришни сўрамадим. Ўхшаш шўхликларни бас қилишга тўғри келди. Нима бўлганда ҳам, биз курашдик, ерости йўли билан шуғулланиб, ишни икки ҳафтача олдин ниҳоясига етказдик. Мени уддалай олишмагач, улар менга бувим орқали таъсир ўтказишга аҳд қилишди.

- Нима қилишди? - бараварига қичқирди Гарри, Рон ва Гермиона.

- Шунақа, - хансиради Невилль, тик кўтарилган йўлак бўйлаб юришар экан, - Ўлимдан мириқувчилар қандай фикр юритишларини тушунишга уриниб кўринг. Қариндошларни итоат қилишга мажбур қилиш учун фарзандларнинг ўғирланиши самарали кор беради. Фикримча, ушбу тенгламада ўрин алмаштириш кераклигига уларнинг ақли ниҳоят етди.

Невилль бундай гапни кулиб айтганидан Гарри бироз хайратланди.

- Бувимга келсак, юта олмайдиган нарсага оғиз тўлдиришди, улар. Ёши бир ерга борган кичкинагина афсунгар аёл ёлғиз ўзи яшайди... Кекса заифанинг уйига кучли сеҳрлар юбориш шарт эмас, деб ўйлашган шекилли, улар. Нима қилган тақдирда ҳам, Давлиш Муқаддас Резги шифохонасидан ҳали чиққани йўқ, - мириқиб кулди Невилль, - Бувим ҳали кўп нарсани кўрсатиб қўйишга қодир уларга! Ҳа, айтгандай, ўша воқеадан кейин бувим менга хат йўллади, - деди у, коржомасининг кўкрак киссасига уриб қўйиб, - Хатда ёзишча, бувим мен билан жуда фахрланар эмиш, ўз ота-онаминг муносиб фарзанди эканман, мен. Қилган қилмишларимнинг барини маъқул топибди.

- Яшавор, шоввоз, - мақтади Рон.

- Мени тийиб қўядиган восита топилмагач, «Хогварц»нинг куни менсиз ҳам ўтиши мумкин, деган хулосага боришди улар, - давом этди Невилль бахтиёр қиёфа ила, - Аниқ билмайман-у, улар мени ё ўлдириш, ё Азкабанга қамашни режалаштиришди. Қисқаси, мен ўз вақтида гум бўлишга аҳд

қилдим.

- Тушунмадим, - талмовсиради Рон, - Модомики гум бўлишга аҳд қилган экансан, ҳозир биз қаёққа кетяпмиз, «Хогварц»гами, ишқилиб?

- Ҳа, деярили етиб ҳам қолдик, - жавоб берди Невилль, - Ҳозир ўзингиз кўрасиз. Бу ёққа юрамиз.

Улар муюлиш ортига ўтгач, сал нарида йўлакнинг охири кўринди. Сўнги зина уларни Арианнинг портрети яширган эшикка ўхшаш тавақага олиб чиқди. Невилль олдинга ўтиб, яширин эшикни очди

- Ким келганини кўриб қўйинг, - эълон қилди у, ичкаридаги одамларга мурожаат қилиб, - Айтган эдим-ми, келади, деб? Улар остонадан ҳатлаб ўтишар экан, одамларнинг қувончли қичқириғи эшитилди:

«ГАРРИ!», «Ие, Поттер-ку, бу!», «Қаранглар, Рон билан Гермiona ҳам ШУ ЕРДА!»

Гарри бу ерда тўпланган одамларни, таниш чеҳралар узатган қўлларни кўриб, эсанкираб қолди. Кам деганда йигирма киши учаласини қуршаб олиб, қизғин қутлади, маҳкам қучди, қўл бериб кўришди. Гарри беихтиёр Квидиш бўйича мактаб чемпионатининг финал ўйинида эришган ғалабаси нишонланган кунни эслади.

- Яхши, яхши, бўлди, тинчланинг! - овоз кўтарди Невилль. Бироздан сўнг, қувончдан завқланаётган халойиқ сиқуви сал бўшаб, Гарри нафас ростлаш имконига эга бўлди. Қайси хонада турибди улар, ҳеч англай олмади. Деворига қизил ёғоч қопланган жуда катта, яхши ёритилган муҳташам зал бўлиб, нимаси биландир темир йўл вокзалининг чиройли жиҳозланган перронига ўхшайди.

Деразаси йўқ зални айланасига ўраб олган балконлар ва баланд шифтдан ранг-баранг тўр-беланчаклар осилиб тушган. Балконлардан бирига улкан гобелен осилган бўлиб, алвон тусда зарҳал рангли Гриффиндор арслони, сариқ тусда тўқ жигар рангли Хуффльпуфф бўрсиғи ва кўк тусда бронза рангли Равенкло бургути тасвирланган. Слизерин факультетига тегишли кумуш илон тасвири гобелендан жой олмаган. Гилам ёнида бир қатор китоб жавонлари турибди, деворга бир нечта супурги суяб қўйилган, бурчакка қутиси ёғочдан ясалган радио ўрнатилган.

- Қаердамиз? - сўради Гарри.

- Даркор хона-ку, бу ер! - деди Невилль, - Буюк нарсалар содда бўлади, шундай эмасми? Кэрроулар тақиб қила бошлагач, бекиниб олишга тўғри келди. Шундай бир имкон борлигини билар эдим. Шу ерда яширинишга аҳд қилдим! Озчилик бўлганимиз учун хона дастлаб кичкинагина эди. Дамблдор армияси аъзоларининг сони кўпайиб борган сари, хона ҳам тегишинча кенгайиб бораверди.

- Кэрроулар-чи? - сўради Гарри, эшикка имо қилиб.

- Йўқ, улар кира олишмайди, - жавоб берди юзи кўкариб, шишган Симус Финниган, - Бекиниб олиш учун жуда ишончли жой бу ер. Шерикларимиздан бирортаси шу ерда қолар экан, улар ичкарига кира олишмайди, эшик очилмайди.

Невиллнинг ғояси бу. Бу ерга биринчи бўлиб у кирган. Шу боис, бу ерга кириш учун Невилль айтган сўзларни такрорлаш, яъни Кэрроулар ва уларнинг тарафдорлари бу ерга киришини истамайман, дейиш керак. Шундагина хона очилади! Шундай экан, рақиб паролни билган тақдирда ҳам, бу ерга кира олмайди. Зўр йигит-да, бу, Невилль деганлари!

- Хаёлга келгани шу бўлди-да... - деди Невилль, бироз камтаринлик қилиб, - Бир ярим кун бекиниб ўтиргач, қорним роса оч қолди. Шунда мен Даркор хонадан бирон-бир егулик беришини ёки бирон ерга чиқиб, овқатланиб олиш имконим бўлишини сўрадим. Шунда «Ахта чўчқа калласи» қовоқхонасига олиб борадиган мана бу йўлак очилди. Нариги томонида Аберфорсни учратдим. У бизни егулик ва ичимлик билан мунтазам таъминлаб боряпти. Чунки Даркор хона овқат етказиб бера олмайди.

- Чунки егулик Ҳавода пайдо қилишнинг асосий элементлари тўғрисидаги Гамп қонунининг бешта муҳим истисноларидан бири саналади, - таъкидлади Рон, ҳаммани хайратда қолдириб.

- Қарийб икки ҳафта шу ерда жон сақладик, - давом этди Симус, - Вақт ўтган сари тўр-беланчаклар сони ҳам ошиб борди. Даркор хона биз нимага эҳтиёж сезсак, шуни муҳайё этиб берди. Кунлардан бир кун у, қизларнинг хоҳиш-истагига кўра, ҳақиқий ваннахонани тақдим этди.

- Тўғри-да, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиб бориш керак. Табиий нарса-ку, бу, тўғрими? - гап қистирди Лаванда

Браун.

Гарри атрофга хотиржам қараб, эгизак опа-сингил Парваттилар, Тэрри Бут, Эрни Макмиллан, Энтони Голдштейн, Майкл Корнер каби кўплаб танишларини кўрди.

- Яхшиси, шунча вақтдан буён нималар билан шуғулланганингиз ҳақида айтиб беринг, - деди Эрни, - Сизлар ҳақингизда олам-олам миш-миш гаплар тарқаган. Поттер-хабар радиоэшиттириш каналининг янгиликларини ўтказиб юбормасликка ҳаракат қилиб бордик, - радиога имо қилди у, - Гринготтсга бостириб кирганингиз ростми? - Рост экан! - тасдиқлади Невилль, - Аждар ҳақидаги гап ҳам рост!

Кимдир хайрат-ла қарсак чалди. Рон орасталик-ла таъзим бажо айлади.

- Кейин-чи, кейин нима бўлди? - бетоқат бўлди Симус. Саволга жавоб беришга улгурмай, Гаррининг чандиғига кучли оғриқ кирди. Одамларнинг бари, шу жумладан, Даркор хона ҳам кўздан ғойиб бўлди. Ҳозир у ярми вайрон бўлган тош кулба ичида, чириб уқаланаётган полда турибди. Девордаги тешик остида қопқоғи очилган бўш тилла қутича ётибди. Қулоғига Вольдемортнинг даҳшатли қичқириғи эшитилди...

Иродасига зўр берган Гарри Вольдемортнинг онгидан чиқиб, Даркор хонага қайтди. Юзи терга ботган, кўз олдидаги манзара сузиб кўринаётган Гаррини хавотирга тушган Рон ушлаб олди.

- Аҳволинг яхшими, Гарри? - сўради Невилль, - Яхшиси мана бу ерга ўтириб ол. Учалангиз роса чарчаган бўлсангиз керак? - Йўқ, - деди Гарри.

У Рон билан Гермионага қараб, сўз ишлатмай, Вольдеморт ўз руҳдонларининг яна бири йўқолганидан воқиф бўлганини айтишга уринди. Вақт зиқ. Агар Вольдеморт «Хогварц»га келиб, руҳдонини текширишга аҳд қилса, уни биринчи бўлиб топиш имкони бўлмаслиги мумкин уларда.

- Ишни тезлатиш керак, - деди у, Рон билан Гермионага қараб.

Гарри нима демоқчи бўлганини иккаласи тушунди.

- Нима иш қиламиз, Гарри? - сўради Симус, - Режа борми? - Режа? - ҳайрон бўлди Гарри.

У Вольдемортнинг кайфияти туфайли ўзгарган ҳолати ҳақида ўйламаслик учун ўзига зўр бермоқда.

- Хўп, яхши. Менинг бу ерда Рон ва Гермиона билан бирга қиладиган ишим бор. Қиламиз-у, изимизга қайтамиз.

Кулги ва чақчақлашлар тўхтади. Ҳамма жиддийлашди..

- Изимизга қайтамиз, деганинг нимаси? - бироз аччиқлангандай бўлди Невилль.

- Биз мактабда қолиш учун келганимиз йўқ, - деди Гарри, оғриқни босиш учун чандиғини уқалаб, - Бажаришимиз шарт бўлган муҳим бир иш бор.

- Қанақанги иш экан у?

- Уни... уни сизларга айта олмайман.

Невиллнинг қоши кўтарилиб кетди. Ҳар томонда одамларнинг домангиз овозлари эшитилди.

- Нега энди айтмас экансиз? Ўша иш Ўзинг-Биласан-Кимни энгиш учун керакми?

- Ҳа, шунинг учун керак.

- Ундай бўлса биз сизларга ёрдам берамиз!

Бу гапни Дамблдор армиясининг барча аъзолари маъқул топди. Баъзилар бошини завқ билан ирғиган бўлса, айримлар улуғвор ирғиб қўйди. Ўтирганлар эса ўз қатъиятини намоён этиш учун оёққа туришди.

- Тушунмадингиз. Биз сизларга ҳеч нарса айта олмаймиз. Бу ўта махфий гап. У ишни фақат ўзимиз қилишимиз керак. Гаррининг назарида бир олам вақт ўтгандай бўлди.

- Сабаб? - бўш келмади Невилль.

- Чунки...

Гарри фақат Рон ва Гермиона билан муҳокома қилиб келган нарсалар ҳақида гапириш қийин кечмоқда. Анави аҳмоқона руҳдонни қидириб топиш учун ишни нимадан бошлашни билмайди. Чандиғи лўқиллаётган Гарри хаёлини йиғиб олишга уринди.

- Биз уччаламизга Дамблдор муайян бир вазифа топшириб кетган, - гап бошлади у, сўз танлашда эҳтиёт бўлиб, - Уни бошқа бировга айтишга ҳақимиз йўқ, яъни айтмоқчиман-ки, Дамблдор ўша ишни фақат биз уччаламиз бажаришимизни хоҳлаган.

- Биз унинг армиясимиз! Дамблдор армияси! - деди Невилль, - У шу ерга йиғилган! Сизлар бошқа ишлар билан шуғулланиб

юрганингизда биз ҳаммамиз бирга бўлдик, бир ёқадан бош чиқариб, унинг номи ила курашдик.

- Дала сайрида ҳордиқ чиқариб юрганимиз йўқ биз, биродар, - деди Рон.

- Ундай демоқчи эмасман, нега сизлар бизга ишонмаяпсиз, шунга ҳайронман. Бу ерда турганларнинг ҳар бири ўзини ҳақиқий жангчи эканлигини намоён этган, опа-ука Кэрроулар таъқиб қилишаётгани учун шу ерга йиғилишган. Уларнинг ҳар бири ўзини Дамблдорга ва сизларга содиқ инсон эканлигини кўп мартаба исбот қилган.

- Қулоқ солинг, - гап бошлади Гарри, нима дейишни ўзи билмай.

Бироқ гапини давом этишга тўғри келмади. Унинг ортидаги туннель эшиги аста очилди.

- Невилль, сендан хабар келиши ҳамоно, йўлга чиқдик! Салом... О, уччалангиз ҳам шу ерда экансиз-да! Кўнглимга келган эди-я!...

Даркор хонага Луна билан Дин кириб келишди. Хайратдан ўкириб юборган Симус югуриб келиб, қадрдон дўстини маҳкам қучоқлаб олди.

- Ҳаммага салом! - деди бахтиёр Луна, - «Хогварц»га қайтиш! Бахтнинг ўзгинаси!

- Сен нима қияпсан бу ерда, Луна? - сўради Гарри, - Ахир!... Кетини ўйламай иш қилиб...

- Мен чақирдим уни, - деди Невилль сохта галеонни кўрсатиб,

- Сиз уччалангиз бу ерга келишингиз билан, уларга хабар беришни ваъда қилган эдим. Мактабга қайтсангиз ҳақиқий инқилоб бўлади, деб юрган эдик, ҳаммамиз. Биз Снег ва Ўлимдан мириқувчи Кэрроуларга қарши исён кўтариб, уларнинг зулмидан халос бўлмоқчимиз.

- Бу ҳақиқий инқилоб-ку, шундай эмасми, Гарри? - деди Луна, даъват оҳангида, - «Хогварц»ни озод қилиш учун ротакамига жанг қиламиз-ми?

- Қулоқ солинг, - деди Гарри, саросимага тушиб, - Минг афсус, лекин қайтишимизнинг боиси бу эмас. Қиладиган ишимизни қилиб, қайтиб кетишимиз керак. Биз...

- Ҳа, сиз. Шундай мураккаб вазиятда ташлаб кетмоқчимисиз бизни? - тушунмади Майкл Корнер.

- Биз қилаётган иш умумий фойда келтириб, Ўзингиз-

Биласиз-Кимни енгишга зўр омил бўлади, - тушунтирган бўлди Рон.

- Ундай бўлса, имкон беринг, ёрдамлашайлик! - аччиқланди Невилль, - Биз ҳам умумий ғалабага ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

Гарри орқада эшитилган шовқин томон ўгирилиб қаради. Қаради-ю, ичида нимадир узилиб тушгандай бўлди.

Туннелдан Фред ва Жорж ҳамроҳлигида Жинна, ортидан Ли Жордан чиқиб келди. Гаррини кўрган Жинна яшнаб, чиройли кулиб боқди. Кулги нималигини, жавобан табассум қилиш қандай бўлишини Гарри унутиб бўлган. Унга нима етишмаганлиги, киши ўзини бахтиёр ҳис этиши учун аслида кўп нарса керак эмаслигини тушуниб етди.

- Аберфорснинг чинакамига жаҳли чиққан кўринади, - деди Фред, Гаррининг қўлини сиқиш баробарида ҳаммани қутлаб, - Уни тинч қўйишимизни сўраяпти. Қовоқхонасини темир ўл вокзалига айлантириб юборибмиз.

Даркор хонага Ли Жорданнинг изидан табассум-ла кириб келган Чу Чэнгни кўрган Гаррининг оғзи хайратдан ланг очилди.

- Менга хабар келди, - деди қиз, сохта галеонини кўрсатганча, Майкл Корнернинг ёнига бориб.

- Хўш, режадан гапир, Гарри, - деди Жорж.

- Шошманг! Тўхтанг! - деди чандиғи тинчлик бермаётган Гарри.

Кутилмаган одамларнинг дафъатан пайдо бўлиб, гапига қулоқ солишни истамаётгани, уни эсанкиратиб қўймоқда.

- Бизни йўлдан қайтаришни хаёлингга ҳам келтирма, - огоҳлантирди Фред, - Биз, кўриб турганингдек, энди шу ердамиз.

- Бас қилишинг керак сен, бу ҳолатни! - деди Гарри, Невиллга қараб, - Нега ҳаммани чақирдинг? Бунга ҳожат йўқ эди.

- Курашиш учун чақирган, - деди Дин, киссасидан сохта галеонини чиқариб, - Бизга Гарри Поттернинг қайтгани ҳақида хабар берилди. Биз курашишни ният қилганмиз.

Менга сеҳрли таёқча топилса, яхши бўлар эди, ўзимники...

- Сеҳрли таёқчанг йўқ-ми? - сўради ундан Симус.

Гаррига юзланган Рон кутилмаганда сўраб қолди:

- Ёрдам беришса бўлади-ку, улар?

- Нима?

- Бизга ёрдам беришлари мумкин, - пичирлади Рон, фақат Гарри билан Гермионага эшиттириб, - Руҳдон қаердалигини билмаймиз. Лекин уни имкон қадар тезроқ топишимиз керак. Қидираётганимиз руҳдон эканлигини эса, уларга айтиш шарт эмас.

Гарри Гермионага қаради.

- Фикримча, Рон ҳақ. Биз ҳатто руҳдонни қаерда излашни ҳам билмаймиз. Уларнинг ёрдами ҳалал бермайди, - Гаррини кўндира олмаганини кўрган қиз қўшимча қилди: - Ҳамма ишни ўзимиз қилишимиз шарт эмас, Гарри.

Чандиғи лўқиллаётган Гарри тез ўйлай кетди. Руҳдонлар ҳақида Рон билан Гермионадан ташқари ҳеч ким билмаслик кераклиги ҳақида Дамблдор огоҳлантирган.

Сир ва ёлғон - киши катта бўлган сари эътироф этиб борадиган нарсалар. Альбус ҳам... очик ва рост гапириш... Унинг сирларини сақлаб, ўзи ҳам аста Дамблдорга айланиб бормоқда... Қайси қарор тўғри бўлади? Дамблдор Снегга ишонган эди. Оқибати нима бўлди? Энг баланд минорада унинг қўлидан ўлим топди...

- Яхши, - пичирлади Гарри, иккала дўстига, - Яхши, - деди у, залда йиғилган одамларга мурожаат қилиб.

Фовур-ғувур тинди, одамлар орасида чақчақлашаётган эгизаклар Фред билан Жорж жим бўлишди. Ҳамма Гаррига юзланди. Даркор хонада жарангдор жимжитлик қарор топди.

- Биз қидириб топишимиз шарт бўлган бир буюм бор, - гап бошлади Гарри, - Ўша буюм Ўзингиз-Биласиз-Кимни енгишга катта ёрдам беради. У буюм шу ерда, «Хогварц»да эканлиги аниқ. Лекин у қаёққа бекитилгани, ўзи қандай буюм эканлигини ўзимиз билмаймиз. Ўша буюм бир замонлар Равенклога тегишли бўлган. Эшитганлар борми, Равенклонинг буюми ҳақида? Айтайлик, анави гобеленда тасвирланган бургут-ми?

Гарри Равенкло факультетида таҳсил кўраётган ўқувчиларнинг Падма, Майкл, Тэрри ва Чудан иборат кичик гуруҳи томон умид-ла боқди. Бироқ саволга Жинна ўтирган курси ёнида турган Луна жавоб берди.

- Равенклонинг тиараси бўлган. Бироқ уни йўқотиб қўйган. Эсингда бўлса, бу ҳақда айтганман сизларга, Гарри.

Равенклонинг йўқолган соч тожи-чи? Дадам унинг нусхасини яшашга уриниб кўрган.

- Тўғри, лекин йўқолган тиара йўқолган, - деди Майкл Корнер кўзини юқорига кўтариб, - Луна, буни ҳамма билади.

- Қачон йўқолган? - сўради Гарри.

- Бир неча аср муқаддам, - жавоб берди Чу, Гаррининг эътиборини ўзига тортиб, - Профессор Флитвикнинг айтишича, Равенкло ўз тиарасини ҳаётлигида йўқотиб қўйган. Одамлар роса қидиришган экан-у, топиб бера олишмаган экан, - деди қиз, ўз гуруҳига қараб.

Равенклочилар бош ирғиб, тасдиқлашди.

- Афсус. Кўриниши қанақа эди, ўша тиаранинг? - сўради Рон.

- Ўзига хос тож шаклида, - деди Тэрри Бут, - Тахмин қилишларича, ўз соҳибининг оқиллик даражасини ошириш хусусиятига эга бўлган.

- Тўғри. Дадамнинг сўзларига қараганда, ҳатто ясалган нусхасида ҳам бўлган экан ундай хусусит.

- Бирортангиз кўрганмисиз, ўша тожга ўхшаш буюмни? - сўради Гарри, Лунанинг гапига эътибор қилмай.

Ҳамма бош чайқади. Гарри дўстлари Рон билан Гермионага қараб, уларда ҳам ўз умидсизлигининг аксини кўрди. Кўп асрлар муқаддам ва афтидан, изсиз йўқолган, боз устига «Хогварц»да қолган буюм руҳдон бўлиши мумкин эмас. Гарри кейинги саволини ифодалашга улгурмай, Чу яна гап бошлади.

- Тиарага ўхшаш нарсани кўришни истасангиз, меҳмонхонамизга кузатиб боришим мумкин. Равенклонинг меҳмонхонамизга ўрнатилган ҳайкалида тожга ўхшаш тиара бор.

Гаррининг чандиғи қаттиқ оғриди. Даркор хона йўқолиб, оёғи остидаги ер ўпирилди. Елкасига улкан илон ўралиб олган. Вольдеморт ё ғорга кириб боряпти, ё ғордан чиқиб, «Хогварц» томон учяпти. Нима қилган тақдирда ҳам, вақт жуда оз қолган.

- У йўлда, - деди Гарри, Рон билан Гермионага қараб, сўнг Чуга қараб қўйди-да, яна ўгирилиб, дўстларига мурожаат қилди: - Қулоқ солинг. Бу биз кутган нарса эмас, лекин мен меҳмонхонага бориб, ўша ҳайкални ўзим кўриб чиқмоқчиман. Ҳар қалай, тиара нимага ўхшашини билиб оламиз-у. Мени шу

ерда кутинг. Ёдингизда бўлсин, биттаси сейфда.

Чу сакраб туриб, Гаррига ҳамроҳлик қилишга ҳозирланди.

- Йўқ, Чу эмас, Луна ҳамроҳлик қилади, - эътироз билдирди
Жинна, - Майлими, Луна?

- Гап бўлиши мумкин эмас, - яшнаб кетди Луна.

Ҳафсаласи пир бўлган Чу жойига ўтирди.

- Қандай чиқамиз бу ердан? - сўради Гарри Невиллга қараб.

- Бу ёққа юринг, - деди Невилль, Гарри билан Лунани кичкина
буфет орқасида очилган зина томон эргаштириб, - Чиқиш
эшиги ҳар куни ўзгаради, - тушунтириш берди у, - Шу боис
улар билмайди, бизни қаерда қидириб топиш мумкинлигини.
Лекин ўзимиз учун ҳам бир муаммо бор: қаердан чиқиб
қолишимиз мумкинлигини билмаймиз. Эътиборли бўл, Гарри.
Тунги вақтда йўлакларда патрулик қилишади улар.

- Биз учун муаммо эмас бу. Тез қайтамиз, - ишонтирди Гарри.
Луна иккаласи айланма зина бўйлаб тез тушиб, яхлит
деворга етганда тўхташди.

- Бу ёққа кир, - деди Гарри, кўринмас плашини устига
ташлаб.

Иккаласи кўринмас бўлиб қолишганига ишонч ҳосил қилгач,
хонани шовқин солмай тарк этишди-да, йўлни давом этишди.
Гарри ортга қараб, хона эшиги девор билан батамом
уйғунлашиб кетганини кўрди.

Улар тим қоронғи йўлакка чиқди. Гарри бўйнидаги эшак тери
қопчадан чиқарган Кафандузд харитасини кўзига яқин
келтириб, Луна иккаласи турган жойни аниқлади.

- Ҳозир биз бешинчи қаватда эканмиз, - пичирлади у.

Харитага диққат билан қараб, икки йўлак нарида ҳеч ким
йўқлигига ишонч ҳосил қилди.

- Мана бу йўлдан юрамиз, - деди у.

Илгари Гарри тунгги вақтда қаср йўлакларида кўп санғиган,
лекин ўша сайрлар ҳеч қачон бугунгидай хавфли бўлмаган.

Ой нурунинг полга тушган квадратларида кимдир сочиб
ташлаган қурол-аслаҳалар ётибди. Ўша кимдир бирон-бир
қоронғи бурчакка биқиниб олган бўлиши ҳам мумкин. Гарри
билан Луна ҳар бир муюлиш ортига ўтишдан олдин тўхтаб,
Кафандузд харитасига қараб боришди. Эътиборини жалб
этмасик учун иккита арвоҳни ўтказиб юборишга ҳам тўғри
келди. Гарри энг мураккаб тўсиққа, у ҳам бўлса, полтергейст

Дрюзгга рўбару келишдан қўрқиб, вужуди қулоқ бўлиб борди.

- Бу ёққа юрамиз, - пичирлади Луна, Гаррининг енгини чимчилаб тортганча, айлана зина томон одимлаб.

Иккаласи киши боши айланиб кетадиган даражада тик зина бўйлаб юқорига кўтарилди. Илгари Гарри бу ерда бўлмаган. Ниҳоят улар кириш эшигига етиб келишди. Унинг на дастаси бор, очиш учун, на калит солинадиган тешиги. Эмандан тайёрланган ясси юзаси-ю, бургут шаклидаги эшик болғаси бор холос

Луна қўлини болғага узатди. Ғира-шира қоронғиликда танасиз қўл ҳавода мустақил ўзи ҳаракатланишини кўриш ғалати бўлар экан. Қиз болғани эшикка бир марта урди. Ушбу тақиллатиш ўлик жимжитликда замбаракдан ўт очилгандай янграб эшитилди. Болға-бургутнинг тумшуғи очилиб, Гарри кутгандай қуш қичқириғи эмас, аёл кишининг мулойиб овози эшитилди:

- Дастлаб олов бўлган-ми, ё қақнус қуши?

- Ҳм... Сен нима деб ўйлайсан, Гарри? - сўради Луна, чуқур ўйга толиб.

- Нима бу, паролга ўхшаган нарсами?

- Ичкарига кириш учун саволга жавоб бериш керак.

- Ҳўш... қаердан биламиз, саволга жавобни?

- Жавоб биладиган бирор кишини кутишимиз мумкин, - деди Луна, - Мана шу эшикдан киришимиз керак, кўряпсан-ми, уни?

- Лекин биз биров келиб, эшик очиб беришини кута олмаймиз, Луна. Вақт тиғиз.

- Менимча, қақнуслар муаммосини тушунгандай бўлдим, - деди қиз жиддий оҳангда, - Қисқаси, жавоби қийин бўлмаслиги керак. Дейлик, узукнинг боши ҳам, охири ҳам бўлмагани каби!

- Фикр юргизишинг ёмон эмас, қизалоқ, - эшитилди овоз, эшик очилиб.

Равенкло факультетининг умумий меҳмонхонаси овал шаклига эга, «Хогварц»да мавжуд ҳар қандай бошқа меҳмонхонадан катта хона экан. Бутун деворни эгаллаган бежирим деразага шойидан тикилган кўк парда тутилган. Кундузи равенкочилар олис тоғларнинг гўзал манзарасидан

баҳраманд бўлишлари мумкин. Шифт гумбазсимон бўлиб, унда тасвирланган ситоралар тунги осмон каби кўк гиламда ярқирамоқда. Атрофга столлар, курсилар ўрнатилган. Айрим столлар устида ўқувчилар унутиб қолдирган пергамент варақлари ётибди. Уларнинг айримларида жуда мураккаб жадваллар акс эттирилган.

Ровена Равенклонинг афтидан, факультет ётоқхонасига олиб кирадиган эшик ёнида турган ҳайкалини Гарри меҳмонхонага кирибоқ кўрди. Ушбу ҳайкал нусхасини Лунанинг уйида кўрган.

Гарри ўнгга, кўрқинчли табассум-ла кулиб боқаётган чиройли мрамор аёл томон одимлади. Ҳайкалга яқинроқ борган Гарри унинг бошидаги ингичка оқ тўгаракка разм солди.

Равенклонинг тиараси тўй куни Флёр таққан соч тожидан кўп фарқ қилмаяпти. Диққат билан кўздан кечирар экан, Гарри соч беагига битилган сатрни кўрди. Уни ўқишга аҳд қилиб, кўринмас плашни тарк этганча, юқорига, ҳайкал супасига чиқди.

- «Ақлининг доимо ўткир бўлиши – ўқувчининг улкан хазинаси», - овоз чиқариб ўқиди у.

- Фирт бемаъни гап. Хазина ҳамёнда жаранглаши керак, - янгради кимнингдир қақағлаган овози.

Оёғи сирпаниб кетган Гарри полга қулади. Боланинг олдида афти буришган, қомати букилган Алекто Кэрроу турибди. Сеҳрли таёқчасини кўтарган Гарри, ушбу аёл ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғини чап қўлининг билагига куйдириб тамғаланган, оғзидан илон чиқаётган бош суяк тасвирига босаётганини кўрди.

ЎТТИЗИНЧИ БОБ. СЕВЕРУС СНЕГГНИНГ ИШДАН БЎШАШИ

Аёлнинг бармоғи Ажал белгисининг тасвирига тегиши ҳамона, Гаррининг чандиғига қаттиқ оғриқ кириб, умумий меҳмонхона кўздан ғойиб бўлди. У ўзини тик қоя ёнида, сувдан бўртиб чиққан тоғ жинслари қатламида кўрди. Атрофида денгиз тўлқинлари ўйнаётган бўлса, юрак тубидан ғалаба нашидаси янграб чиқмоқда – малайлар болани қўлга олишди.

Қаттиқ зарба Гаррининг хаёлини жойига қайтарди. У бироз

гангиб таёқчасини кўтарди-ю, Алектонинг ҳушидан кетиб, йиқилаётганини кўрди. Полга гурсиллаб тушган аёл китоб жавонларининг ойнасини қаттиқ жаранглатиб юборди.

- Биргаликда ўтказилган Ёвуз кучдан ҳимоя машғулотларини ҳисобга олмаганда, ҳали ҳеч қачон бировни уриб, гангитганим йўқ эди, - деди Луна бироз қизиқиб, - Ўйлаганимдан сал шовқинлироқ кечар экан, лекин. Шошиб келаётган одамлар қадами шифт ва деворларни титратиб, ётоқхона эшиги ортидан акс-садодай янграб эшитилмоқда. Лунанинг афсуни бир қават юқорида ухлаётган равенклочиларни оёққа тургизди.

- Қанисан, Луна? Мен ҳам плаш остига бекинишим керак! Қиз плаш этагини кўтариб, товонини кўрсатди. Гарри яқинроқ бориши ҳамона, Луна унинг устига плаш ташлади. Айнан шу фурсатда эшик очилиб, хонага тунги кийим кийган равенклочилар оқими отилиб кирди. Ҳушсиз ётган Алекто Кэрроуни кўрган болалар хайратдан оҳ-воҳ қилди, ҳар қандай фурсатда ўзига келиб, ташланиб қолиши мумкин бўлган йиртқич ҳайвон атрофида йиғилган каби, аста яқин боришди. Жуссаси кичкина биринчи синф боласи нисбатан жасурроқ шекилли, оёғининг катта бармоғи билан аёлнинг белига туртиб кўрди.

- Ўлибди шекилли! - қувонч-ла эълон қилди у.

- Қара, ҳамма мамнун! - пичирлади Луна.

- Ҳа... яхши бўлди...

Гарри чандиғининг лўқиллаши қолмай туриб, кўзини юмди-да, яна бир бор Вольдемортнинг миясига кириб чиқишга аҳд қилди... Биринчи ғорда туннель бўйлаб бормоқда... Бу ерни тарк этишдан олдин, ғор оғзи ёпиқ эканлигига ишонч ҳосил қилмоқчи... Бунга кўп вақт кетмайди.

Умумий меҳмонхонанинг эшиги қаттиқ тарақлади, равенклочилар турган жойида сесканиб, қотиб қолишди. Эшикнинг нариги томонида аёл кишининг бургут шаклидаги эшик болғасидан чиққан мулойим овози эшитилди:

- Йўқолган нарсалар қаёққа тушади?

- Билмайман, ўчир овозингни!

Гарри Алекто Кэрроунинг укаси Амикус Кэрроуни ириллаган овозидан таниди.

- Алекто! Эшикни оч, ичкаридамисан? Алекто! Қўлга олдинг-

ми, уни?

Равенклочилар қўрқиб, ўзаро пичирлай бошлашди. Биров милтиқдан ўт очган каби, эшик ортида бир неча бор қаттиқ гумбурлаган товуш эшитилди.

- АЛЕКТО! У келганида қўлимизда Поттер бўлмаса – бошингга Малфойларнинг кунини солади! Нега жимсан, ЖАВОБ БЕР! - ўкирди Амикус, эшикни бор кучи билан тақиллатиб.

Эшик очилмади. Равенклочилар ортга тисарилиб, қўрқиб кетганлари ўз ётоқхоналарига қочиб кетишди. Тўполон кўтарган Ўлимдан мириқувчи бирон-бир ёмонлик қилишдан олдин, уни батанг қилишга аҳд қилган Гарри эшикни ичкаридан портлатиб очишни хаёлдан ўтказаетган эди-ки, ташқарида яна бир яхши таниш овоз эшитилди.

- Нима қилаётганингизни билсам бўладими, профессор Кэрроу?

- Мана бу лаънати эшикни очмоқчиман! - ўкирди Амикус, - Боринг, Флитвикни чақиринг! Келиб, мана бу эшикни очиб берсин! Тез топиб келинг, бўлинг, дедим сизга!

- Опангиз Алекто қани? Ичкарида эмасми? - сўради профессор Макгоннагалл, - Ахир сизнинг зуд-зарур илтимосингизга биноан бугун кечқурун профессор Флитвик уни киритиб юборган эди-ку, ётоқхонага. Бироз сабр қилсангиз, эҳтимол опангизнинг ўзи очар эшикни? Шунда бутун бошли қасрни уйғотишга тўғри келмас эди-ми, сизга?

- Тушунмаяпсан-ми, сен, ҳой, эски супурги? Опам жавоб бермаяпти менга! Оча оласан-ми, сен, мана бу эшикни? Оч!

- Албатта очаман, агар сизга шу керак бўлса, - ниҳоятда совуқ оҳангда жавоб берди профессор Макгоннагалл.

Эшик аста тақиллагач, аёл кишининг мулойим овози эшитилди:

- Йўқолган нарсалар қаёққа тушади?

- Ҳеч қаёққа. Моҳият эътибори билан айганда, бор гап шу, - жавоб берди профессор Макгоннагалл.

- Яхши гап бўлди, - таъкидлаб қўйди бургут, эшикни очиб. Амикус сеҳрли таёқчасини силтаганча, ичкарига отилиб кирди. Умумий меҳмонхонада қолган бир неча равенклочи ҳам, уни кўриб, зинадан кўтарилганча, ётоқхонасига қочди. Опаси сингари букри, хомсемиз юзи бўздай оқарган Амикуснинг митти кўзи мурдадай чўзилиб ётган Алектога

тушди. Опасининг аҳволини кўриб, ғазаб ва даҳшатдан овози борича ўкирди.

- Нима қилишди сени, майда ифлослар! - қичқирди у, - Ким қилганини айтишларидан олдин уларнинг кўпини қийноққа соламан! Ёвуз Лорд нима дейди энди? - чириллади у, опаси устида чўккалаб ўтирганча, пешонасини муштлаб, - Уни тута олмадик! Анавилар ўлдиришди сени!

Профессор Макгоннагалл энгашиб, Алектони кўздан кечирди.

- Ўлгани йўқ, батанг қилинган холос, - деди у, аччиқланиб, - Ҳаммаси яхши бўлади.

- Йўқ, яхши бўлмайди. Ҳозир Ёвуз Лорд келса, опамни соғ қўймайди! Тамғам қизиди. Опам уни чақирган. Ёвуз Лорднинг фикрича, ҳозир биз Поттерни қўлга олиб, ушлаб ўтирибмиз. Шу хаёлда келяпти бу ерга у.

- Поттерни қўлга олиб? - сўради профессор Макгоннагалл, ҳеч нарсани тушунмай, - Тушунтириброқ гапирсангиз-чи, «Поттерни қўлга олиб, ушлаб ўтирибмиз», деганингиз нимаси?

- Поттер Равенкло факультети минорасига келиши мумкинлиги, шу ерда кириб, уни пойлаб ўтириш, қўлга олсак, Ёвуз Лордни чақириб тайинлаган бизга!

- Равенкло факультети минорасида пишириб қўйибди-ми, Поттерга? Менинг тасарруфимдаги факультет ўқувчиси-ку, у?! - эътироз билдирди профессор Макгоннагалл, бирон нарсани тушунмай.

Профессор Макгоннагаллнинг бовар қилмаган, дарғазаб овозида Гарри қандайдир фахр оҳангини эшитди.

- Билмадим нега, лекин айнан шу ерга келиши мумкинлигини айтишди бизга, - деди Кэрроу.

Ўрнидан турган профессор Макгоннагалл атрофга диққат билан назар солиб чиқди. Унинг нигоҳи Гарри билан Луна турган жойда икки марта тўхтаб ўтди.

Амикуснинг чўққасимон башараси қув қиёфа касб этиб, юлдузли шифтга, равенкочиларнинг ётоқхоналари жойлашган томонга қаради.

- Ҳамма айбни болаларнинг гарданига юклаймиз, - деди у, - Ҳа, айнан шундай қиламиз. Тепадаги анави болалар Алектони пойлаб, тамғасига бармоқ босишга мажбур қилишди, деймиз. Сохта хабар олганининг сабабини айнан шундай

кўрсатамиз... Яхшигина жазолайди уларни, албатта. Ҳа, нима, ўлса, бир-иккита бола ўлади. Фарқи нима, осмон узилиб, ерга тушармиди?

- Ҳақиқат билан ёлғон, мардлик билан номардлик ўртасида қандай тафовут бўлса, шундай фарқ бор, - деди профессор Макгоннагалл, бироз ранги оқариб, - Бундай тушунчалар ўртасидаги мазмуний тафовутни на сиз тушунишга қодирсиз, на опангиз. Бироқ ижозатингиз билан сизга бир нарсани уқтириб ўтишни лозим топдим. Сиз ўзингизнинг кўплаб хатоларингизни «Хогварц» ўқувчиларининг гарданига юклай олмайсиз. Чунки мен бунга йўл қўймайман.

- Тушунмадим?

Амикус олға одимлаб, башараси профессор Макгоннагаллнинг юзига тақалиб қолгудай масофага яқинлашди. Профессор Макгоннагалл эса, юзи жирканч бир қабоҳатга рўбару келгандай буришиб, бир қадам бўлсин, ортга тисарилмай, тек турди.

- Сиздан ижозат олинадиган ҳолат эмас бу, Минерва Макгоннагалл. Бўлди, сизнинг даврингиз ўтди. Энди биз бошқарамиз бу ерни. Сиз эса менга итоат қиласиз, акс ҳолда...

Амикус профессор Макгоннагаллнинг юзига тупурди.

- Бекор қилдинг шу ишни, - деди кўринмас плаш остидан чиқиб, сеҳрли таёқчасини баланд кўтарган Гарри.

Амикус хаёлини йиғиб, овоз чиққан томон ўгирилди.

- Круцио! - қичқирди Гарри.

Ўлимдан мириқувчининг танаси ердан узилиб, ҳавода ғужанак бўлди. Оғриқдан ўкираётган Кэрроу фарқ бўлаётган одамдай, оёқ-қўлини тинимсиз силтади, сўнг, китоб жавонига қаттиқ урилиб, ойнани чилпарчин қилганча, полга ҳушсиз қулади.

- Анави Беллатрикс нима демоқчи бўлганини энди тушундим, - деди Гарри, қулоғи шанғиллаб.

- Поттер! - хайрат-ла пичирлади қўлини кўксига босган профессор Макгоннагалл, - Поттер, сиз чиндан ҳам шу ерда эдингиз-ми? Нега?... Қандай?... Нимага?

Бироздан сўнг, ўзини қўлга олган профессор, ўз одатидек, қаттиқ танбеҳ берди.

- Аҳмоқона иш тутдингиз, Поттер!

- Ахтр у... юзингизга тупурди-ку, - эътироз билдирди Гарри.
- Поттер, мен... Катта илтифот кўрсатдингиз, албатта... лекин... тушунасиз-ми?
- Ҳа, тушунаман, - ишонтирди Гарри.
- Устознинг саросимаси Гаррига қандайдир ишонч ва дадиллик бахш этди.
- Профессор Макгоннагалл, Вольдеморт келяпти бу ерга.
- О, исмини талаффуз этсак бўлаверадими, энди? - қизиқиб сўради Луна, кўринмас плаш остидан чиқиб.
- Иккинчи бузғинчининг пайдо бўлиши профессор Макгоннагаллни қаттиқ ҳаяжонлантирган кўринади, катак гулли эски кўйлагининг ёқасини ушлаганча тебраниб, яқин ўртадаги креслога ўтириб қолди.
- Менимча энди, уни нима деб аташнинг фарқи йўқ, - деди Гарри Лунага, - Мен шу ерда эканимни билади-ку, энди у. Гарри ўз онгининг кичик бир қисми билан Ёвуз Лорд яшил қайиқчада қоронғи кўл ўртасидаги тош жом турган орол томон сузиб бораётганини кўрди...
- Бу ердан кетишингиз керак, мистер Поттер, - пичирлади профессор Макгоннагалл, - Ҳозироқ! Имкон қадар тезроқ!
- Йўқ, профессор, кета олмайман, - деди Гарри, - Қасрда қиладиган ишим бор. Равенклонинг соч тожи қаердалигини биласиз-ку, сиз, а?
- Равенклонинг соч тожи? Билмайман, албатта. Йўқолганига кўп асрлар бўлмаган-ми?
- Профессор Макгоннагалл хаёлини охиригача йиғиб олган кўринади, ўтирган ерида қоматини ростлади.
- Поттер, қасрга кириб келишингиз тентакликнинг ўзгинаси, ғирт жиннилик бўлибди.
- Шундай қилишга мажбур бўлдим, - деди Гарри, - Профессор, бу ерда мен топишим шарт бўлган бир буюм бекитилган. Ўша буюм тиара, яъни соч тожи бўлиши мумкин.... Агар профессор Флитвикнинг суҳбатини олиш имкони бўлганда...
- Шиша жиринглаб, ётганлардан бири қимирлагани эшитилди. Амикус ўзига келмоқда.
- Гарри билан Луна бир нарса қилишга улгурмай, профессор Макгоннагалл ўрнидан туриб, сеҳрли таёқчасини оёққа туришга уринаётган Ўлимдан мириқувчига ўқтади.

- Империи.

Амикус ўрнидан туриб, Алехтонинг ерда ётган сеҳрли таёқчасини олди. Опасининг таёқчасига ўзининг сеҳрли таёқчасини қўшиб, профессор Макгоннагаллга келтириб топширди. Шундан сўнг, ортга қайтиб, Алехтонинг ёнига ётди.

Профессор Макгоннагалл сеҳрли таёқчасини яна бир бор силтади. Ҳавода кумуш тусли арқон пайдо бўлиб, опа-ука Кэрроуларни бир-бирига маҳкам боғлади. Профессор уларга совуқ қараб қўйганча, Гаррига юзланди.

- Поттер, агар Исми-Тилга-Олинмайдиган-Киши ҳақиқатан ҳам сиз шу ерда эканлигингизни билса...

Кутилмаганда, жисмоний оғриқдай қайнаган нафрат Гаррининг вужудини жумбишга келтириб, пешанасидаги чандиқни қаттиқ оғритди. У медальонсиз, шаффоф дамламага тўла тош жомни кўрди.

- Поттер, соғлигингиз яхшими? - эшитилди ҳаяжонли овоз. Гарри ерга қуламаслик учун Лунанинг елкасини маҳкам ушлаб олган экан.

- Вақт зиқ, ҳозир Вольдеморт келади, профессор. Мен кўпдан буён Дамблдор тайинлаб кетган ишлар билан машғулман. Топиш керак бўлган буюмларни излаб топаяман! Бугун қасрда қидираман. Ўқувчиларни мактаб ҳудудидан чиқариш керак.... Вольдемортга шахсан мен керакман. Лекин у бошқаларни аяб ўтирмайди... Оз ўлдиради-ми, кўп ўлдиради-ми, унга фарқи йўқ... Руҳдонларини йўқ қилаётганимни билади у....

Гарри сўнгги сўзларини ўзига ўзи айтгандай, секин пичирлади.

- Дамблдор тайинлаб кетган ишлар билан машғулсан? Ушбу ҳаяжонли овоз Гаррининг хаёлини йиғди.

- Сиз ўша буюмни... ўша объектни изланг, Поттер. Биз эса, - қаддини рост тутди профессор Макгоннагалл, - Мактабни Исми-Тилга-Олинмайдиган-Кишидан ҳимоя қиламиз.

- Ҳимоя қила оласиз-ми?

- Албатта, - деди профессор Макгоннагалл қуруқ оҳангда, - Биз ўқитувчилар сеҳр-жодуни жуда яхши қўллаймиз, биласан. Агар жамики саъй-ҳаракатимизни бир ерда, бир мақсадга жамласак, қасрни маълум вақт қўлда сақлаб

турамиз. Табиийки, бунинг учун профессор Снеггни бир нима қилиш керак...

- Ижозат беринг, шу ишни ўзим қилсам...

- ... модомики, дарвоза йўли тўсилиб, «Хогварц» Ёвуз Лорд раҳбарлигида қамал қилинар экан, айбсиз одамларнинг имкон қадар кўпроқ сонини чиқариб юбориш мақсадга мувофиқдир. Саёҳат тармоғи назорат остида, мактаб ҳудудида ҳавода даф бўлиш имкони йўқ...

- Чиқиш йўли бор, - деди Гарри ва профессорга Аберфорснинг қовоқхонасига олиб чиқадиган йўлни қисқача тушунтирди.

- Поттер, мен юзлаб ўқувчилар ҳақида гапиряпман...

- Тушуниб турибман, профессор. Модомики, Вольдеморт билан унинг Ўлимдан мириқувчилари асосий диққат-эътиборларини мактаб атрофига қаратар экан, Хогсмёддаги «Ахта чўчқа калласи»дан ким даф бўлаётгани уларни қизиқтирмаслиги керак.

- Гапингда жон бор, - маъқул топди профессор Макгоннагалл. Профессор сеҳрли таёқчасини Кэрроуларга ўқтади. Ҳавода пайдо бўлган кумуш тусли тўр опа-укани ўраб, бир жуфт хунук денгиз махлуқини сувдан чиқаргандай, зарҳал мовий рангли шифтгача кўтарди.

- Кетдик, биз бошқа факультет мудирларини ҳам огоҳлантиришимиз керак. Сен устингга кўринмас плашингни ташлаб ол.

Профессор чиқиш эшиги томон одимлар экан, сеҳрли таёқчасидан кўзи атрофида кўзойнакка ўхшаш белгиси бор учта кумуш тусли мушук чиқарди. Ҳимоячилар зинани кумуш тусда ёритиб, милтилаганча, югуриб кетишди. Профессор Макгоннагалл, Гарри ва Луна мушуклар кетидан боришди. Қаср йўлагига чиқишгач, ҳимоячилар ҳар томон тарқалди. Профессор Макгоннагаллнинг катак гулли кўйлаги полга тегиб, шитирламоқда. Гарри билан Луна эса ортидан эргашиб боришмоқда.

Яна икки қават пастга тушишгач, Гарри, кимдир қоронғи йўлакда аста одимлаб келаётганини эшитди. У дарҳол эшак тери қопчасидан Кафандуз д харитасини чиқарди. Лекин харитани ёзиб, йўлакда ким юрганини аниқлашга улгурмади. Биров келаётганини эшитган профессор Макгоннагалл таққа тўхтаб, сеҳрли таёқчасини жангга ҳозирлаганча сўради:

- Ким у?

- Мен, - эшитилди паст овоз.

Рицарь аслаҳаси ортидан Северус Снегг чиқиб келди.

Гаррининг ичида нафрат қайнади. Снеггнинг қиёфасини, ёғли сочи рангпар юзини қора парда каби тўсиб туришини, қоп-қора мурдор кўзи совуқ нигоҳ-ла қарашини, содир этган жиноятлари туфайли бўлса керак, унутибди. Снегг эгнига тунги пижама эмас, ҳар куни кийиб юрадиган қора ридосини кийган, сеҳрли таёқчасини жангга шай ҳолатда тутиб олган.

- Кэрроулар қани? - аста сўради у.

- Ўйлашимча, сен тайинлаган жойда, - жавоб берди профессор Макгоннагалл.

Снегг яқинроқ келиб, Гарри шу ердалигини сезаётгандай, атрофга назар солди. Гарри ҳам сеҳрли таёқчасини шай ҳолатда тутиб олган.

- Назаримда, Алекто бузғунчини тутиб олди, - фикр билдирди Снегг.

- Ростдан-а? - чўзиб сўради Макгоннагалл, - Бундай тасаввур туғилишига нима сабаб бўлди?

Снегг чап қўлини яланғочлаб, куйдириб босилган Ажал белгисини кўрсатди.

- Ҳа-я, албатта. Сиз Ўлимдан мириқувчиларнинг ўзига хос мулоқот усулларинг борлигини унутибман, - аччиқ қилди Макгоннагалл.

Снегг пичингни эшитмаган бўлди, атрофга диққат билан назар солиб, ўзи билмаган ҳолатда профессор Макгоннагаллга яқинлашиб қолди.

- Тунги патрулик навбати бугун сенга текканини билмаган эканман, Минерва.

- Эътирозинг борми?

- Бемаҳалда кўрпангдан туриб чиқишга сени нима мажбур қилганини билмоқчиман.

- Хаёлимда, қаердадир тартибсизлик содир этилгандай бўлди.

- Йўғ-е, ҳаммаёқ тинчга ўхшайди-ю? - деди Снегг, Макгоннагаллнинг кўзига диққат билан қараб, - Поттерни кўрмадингиз-ми, Минерва? Мабодо кўрган бўлсангиз, мен... Профессор Макгоннагалл ўз ҳаракатини шунақанги тез бажарди-ки, нима қилганини Гарри илғаб, англашга ҳам

улгурмади. Профессор Макгоннагалл сеҳрли таёқчасини жуда тез силтади. Гаррининг назарида Снегг ҳозир ҳушсиз йиқилиши керак, лекин унинг жодудан ҳимояси янада тез ҳосил бўлиб, Макгоннагалл ўз мувозанатини йўқотди. Афсунгар аёл сеҳрли таёқчасини девордаги машъалага ўқтаб силтаганча, жойидан чиқарди. Рақибга қарши афсун қўллашга деярли тайёр турган Гарри Лунани оловдан нари тортишга мажбур бўлди. Машъала олов ҳалқасига айланиб, йўлакни ёритганча, қамчи каби Снегг томон учди... Олов ўчиб, ўрнида баҳайбат қоп-қора илон пайдо бўлди. Профессор Макгоннагалл уни дастлаб тутунга, тутунни эса учар ҳанжарлар галасига айлантирди. Снегг рицарь аслаҳаси ортига ўтиб бекинишга базўр улгурди. Ҳанжарларнинг бари рицарнинг кўкрагига бориб санчилди...

- Минерва! - эшитилди чийилдоқ овоз.

Лунани қарғиш яшинларидан ҳимоя қилаётган Гарри ўгирилиб, тунги кийими билан югуриб келаётган профессорлар Флитвик ва Сарсабил хонимни, уларнинг ортида ҳансираганча судралаётган улкан профессор Дивангардни кўрди.

- Йўқ! - чийиллади профессор Флитвик, сеҳрли таёқчасини баланд кўтариб, - Энди «Хогварц»да қотиллик бўлмайди! Флитвик йўллаган яшин Снегг бекиниб олган рицарь ҳайкалига бориб урилиб, аслаҳасини чилпарчин қилди. Снегг ушбу парчаларни ҳужум қилаётганлар томон учирди. Гарри билан Луна жароҳатланмаслик учун четга қочишга мажбур бўлишди. Парчалар учиб келиб, ҳозиргина иккаласи турган жойдаги деворга зарб билан урилганча, ҳар томон сочилди. Гарри атрофга қараб, йўлакнинг нариги бошида қочиб кетаётган Снеггни, профессорлар Макгоннагалл, Флитвик ва Сарсабил хоним уни қувиб кетишганини кўрди. Снегг қандайдир синф хонасига отилиб кирди. Бироздан сўнг, у ердан профессор Макгоннагаллнинг бақириғи эшитилди:

- Қўрқоқ! ҚЎРҚОҚ!

- Нима бўлди? Нима бўлди? - сўради Луна.

Гарри унга оёққа туриб олишга ёрдам бергач, иккаласи кўринмас плашни орқада ҳилпиратганча югуриб, профессорлар Макгоннагалл, Флитвик ва Сарсабил хоним ойнаси синган дераза олдида турган бўш синфга киришди.

- Сакради, - деди профессор Макгоннагалл, Гарри билан Лунани кўриб.

- Пачағи чиқиб, ўлди демоқчимисиз? - сўради Гарри.

У хайратдан қотиб, оғзи ланг очилганча қараб турган профессор Флитвик билан Сарсабил хонимга эътибор қилмай, дераза олдига югурди.

- Йўқ, ўлмади, - жавоб берди профессор Макгоннагалл, афсус оҳангида, - Дамблдордан фарқли ўлароқ, унинг сеҳрли таёқчаси бор эди ва афтидан, ўз соҳибидан бир-икки қилиқ ўрганиб олган кўринади.

Гарри узоқда мактаб ҳудудини тўсиб турган девор томон учиб кетаётган йирик кўршапалакни кўрди. Орқада кимдир пишиллаганча, оғир одимлаб келаётганини эшитди.

- Гарри! - деди энди етиб келган Дивангард, шойидан тикилган яшил пижамаси остидаги йирик кўкрагини уқалаб, - Қадрдоним, болагинам!... Минерва, нима бўляпти ўзи, тушунтириброқ гапирсанг-чи... Северус... Нималар қилиб қўйди?...

- Директоримиз ишдан бўшади, - тушунтирган бўлди профессор Макгоннагалл, ойнадаги Снеггнинг қоматини эслатадиган рахнани кўрсатиб.

- Профессор! - бақирди Гарри, пешанасини ушлаб.

У ортида сирпаниб келаётган инфернияларга тўла кўлни, яшил қайиқча қирғоққа урилиб, ундан ғазаби қайнаган Вольдеморт сакраб тушганини кўрди.

- Профессор, мактабни муҳофаза қилиш керак. У тўғри шу ерга келяпти!

- Жуда соз! Исми-Тилга-Олинмайдиган-Киши мактабимизга ташриф буюрмоқчи, - эълон қилди профессор қолганлар ўқитувчиларга.

Сарсабил хоним билан Флитвикнинг оғзи яна ланг очилди, Дивангард эса инграб юборди.

- Поттернинг қасрда қиладиган иши бор, - давом этди п Макгоннагалл, - У Дамблдор тайинлаб кетган иш билан банд. Поттер ўз ишини қилар экан, сиз билан биз қўлимиздан келган муҳофаза чораларини кўришимиз керак.

- Кўриладиган ўша чоралар Исми-Тилга-Олинмайдиган-Кишини тўхтата олмаслигини тушунасан-ми? - чийиллади Флитвик.

- Бироқ биз унинг йўлини вақтинча тўсиб туришимиз мумкин,
- деди профессор Сарсабил хоним.

- Раҳмат, Помона, - миннатдорлик билдирди профессор
Макгоннагалл.

Аёллар бир-бирига маънодор қараб қўйишди.

- Асосий муҳофаза чораларини мактаб ҳудуди атрофига
қўллашни тавсия этаман. Шундан сўнг, ўқувчиларни Катта
Залга йиғамиз. Уларнинг аксарияти эвакуация қилиниши
лозим. Агар балоғат ёшига етган ўқувчилар ёнимизда қолиб,
жанг қилиш истагини билдиришса, ўйлайманки, бундай
имкондан уларни маҳрум қилмаслик керак.

- Тўппа-тўғри, - деди Сарсабил хоним, чиқиш эшиги томон
ошиқиб, - Сиз билан йигирма дақиқадан сўнг, ўз факультетим
таркиби билан Катта Залда учрашаман.

Сарсабил хоним узоқлашар экан, хонадагилар унинг юрган
йўлида ғудуллаб кетаётганини эшитишди:

- Пайпаслагичлар, Иблис тўри, Снарвалафф қўзоқлари... Қани,
бир кўрайлик-чи, Ўлимдан мириқувчиларнинг қўлидан нима
келар экан.

- Мен ўз ишимни шу ерда ҳам қилишим мумкин, - деди
профессор Флитвик, сеҳрли таёқчасини деразининг синган
ойнасига ўқтаганча, мураккаб тилсимларни талаффуз этишга
киришиб.

Гаррининг қулоғига ғалати вишиллаган товуш эшитилди.

Профессор Флитвик кўпдан буён боғлаб боқилган дарғазаб
шамолни қўйиб юбораётгандай, гўё.

- Маъзур сананг профессор, - деди Гарри, пакана сеҳргарнинг
олдига келиб, - Профессор, сиздан муҳим бир нарсани сўраб
билмоқчиман. Равенклонинг тиараси қаерда бўлиши
мумкинлиги борасида бирон-бир фикрингиз йўқ-ми?

- ...Протего Хоррибиллис... Равенклонинг тиараси? - ҳайрон
бўлди Флитвик, - Бироз қўшимча оқиллик ҳалал бермайди,
албатта, Поттер. Лекин ушбу вазиятда соч тожи катта ёрдам
бера олмади!

- У қаерда бўлиши мумкинлигини сўраяпман холос. Сиз ҳеч
кўрганмисиз, ўша соч тожини, профессор Флитвик?

- «Кўрганмисиз»? Унинг йўқолганнига бир неча юз йил
бўлган, болакай. Тириклардан ҳеч ким кўрмаган уни.

Гаррининг вужудини умидсизлик ва ваҳима қамрай бошлади.

Рухдон сифатида бошқа нимани танлаган бўлиши мумкин у?
- Сиз ва сизнинг равенклочиларингиз билан Катта Залда учрашамиз, Филиус! - деди профессор Макгоннагалл, Гарри билан Лунага бош ирғиганча, ортидан юришни имо қилиб. Улар чиқиш эшиги олдига етишган эди ҳам-ки, морж мўйлови ҳурпайган, терга ботиб, рангида қон қолмаган Дивангард тўхтатди.

- Нима тўполон ўзи, Минерва? Оқилона иш тутаётганимизга шубҳа қиламан, - хириллади қария, - У ичкарига кириш йўлини топиши керак. Уни тўхтатишга уринган ҳар қандай кишининг ҳолига маймунлар йиғлайди, буни яхши биласан...

- Сиз ва сизнинг слизеринчиларингиз билан ҳам йигирма дақиқадан сўнг, Катта Залда учрашамиз, - деди профессор Макгоннагалл, - Ўқувчиларингиз билан бирга кетмоқчи бўлсангиз, йўлингизни ҳеч ким тўсмайди. Лекин слизеринчилардан бирортаси қаршилик ҳаракатига зарар етказишга уринса, қаср ичида бўла туриб, бизга қарши қўл кўтарадиган бўлса, Гораций, уришамиз. Жонингизни суғуриб оламиз.

- Нималар деяпсиз, Минерва?!

- Слизерин ўз йўлини аниқ танлайдиган вақт етди, - гапни бўлди профессор Макгоннагалл, - Боринг Гораций, ўқувчиларингизни уйғотинг.

Гарри Дивангарднинг гувранишини эшитишни истамай, Луна билан бирга хонани тарк этди.

Профессор Макгоннагалл сеҳрли таёқчасини баланд кўтарганча, йўлак ўртасида тўхтади.

- Пьертотум... Худо ҳақи Филч, ҳозир эмас.

- Ўқувчилар уйқуга ётмабди! - қичқирди каловланиб келаётган кекса назоратчи, - Улар йўлакларда юришибди!

- Тўғри, ҳозир улар йўлакларда юриши керак, жирканч аҳмоқ!

- сўкиб берди профессор Макгоннагалл, - Бор энди, бирон-бир фойдали иш қил. Дрюзгни топ, олдимга келсин!

- Д-Дрюзгни топай? - дудуқланди Филч, худди ушбу исмни ҳеч қачон эшитмагандай.

- Ҳа, Дрюзгни, тентак! Чорак асрдан буён ўшанинг устидан арз қилиб келганмисан, ахир, нотавон? Бор, ҳозироқ топиб кел уни менга!

Филч профессор Макгоннагаллнинг томи кетган бўлса керак,

деган хаёлга борган кўринади, бир нималар ғудуллаганча, букчайиб нари кетди.

- Хўш, энди... Пьертотум Локоматор! - қичқирди профессор Макгоннагалл.

Йўлак деворининг шифтгача етган токча, супа ва меҳробларига ўрнатилган рицарь ҳайкаллари, уларнинг совутлари, қурол-аслаҳа ва анжомлари дўп-дўп этганча, бирма бир ерга туша бошлади. Қаср гумбурлаб кетганига қараганда, қадимий бинонинг бошқа қаватларидаги йўлакларида ҳам шу ҳодиса рўй берди.

- «Хогварц» хавф остида! Сарҳадларини қўриқланг! Мактаб олдидаги бурчингизни муносиб адо этинг! - буюрди профессор Макгоннагалл.

Гаррининг кўз ўнгида катта-кичик ҳайкалларнинг бутун бошли қўшини гурсиллаб, қичқирганча ҳаракат бошлади, турли-туман махлуқ ва ҳайвонларнинг ҳайкаллари ўкириб, қурол-аслаҳа, йирик золдир ва занжирлар қарс-қурс тўполон кўтариб, қаср мудофаасига отланди.

- Ана энди, мистер Поттер, сиз ва мисс Лавгуд яхшиси дўстларингиз олдига бориб, уларни Катта Залга чақиринг, - деди профессор Макгоннагалл, - Мен эса бориб, қолган гриффиндорчиларни уйғотай.

Кейинги зина майдонида улар ҳар томон тарқалишди. Гарри билан Луна ортга, Даркор хонанинг яширин эшиги томон йўл олди. Йўлакларда уларга ўқитувчилар ва синфбошилар бошчилигида Катта Залга кетаётган ўқувчилар тўдалари учраб борди.

- Сен ҳам кўрдинг-ми? Поттермиди у?

- Салом, Гарри!

- Ие, Гарри Поттер-ку?!

- Қўйсанг-чи!

- Онт ичаман, Поттер эди у!

Гарри ҳеч кимга қарамади. Ниҳоят, икковлон Даркор хонага етиб келди. Гарри йўл бериб очилган сеҳрли деворга таъзим қилди. Луна иккаласи тик зина бўйлаб пастга югуришди.

Ичкарига кирган Гарри хайратдан қотиб қолди. Хона одамга тўлибди, Кинсли, Люпин, Билл билан Флёр, мистер ва миссис Уэслилар, унинг қадрдон жамоаси Оливер Древер, Кэтти Белл, Ангелина Жонсон ва Алисия Спинетт ҳам шу ерда. Ҳамма шу

ерда.

- Нима гап, Гарри? - сўради Люпин, биринчи бўлиб кўришиб.

- Вольдеморт биз томон келяпти. Ўқитувчилар мактаб ҳудудини муҳофаза қилиш чорасини кўряпти... Снегг қочди... Сизлар нима қияпсизлар бу ерда? Қандай хабар топдингиз?

- Биз Дамблдор армиясининг қолган аъзоларига ҳам хабар бердик, - тушунтириш берди Фред, - Бундай сершовқин ўйинкулгини биров ўтказиб юборади, деб ўйламассан ахир, Гарри? Дамблдор армияси эса Қақнус орденига айрим нарсаларни билишга ижозат берди. Шу билан томоша бошланиб, ҳамма нарса бир-бирига уланиб кетди.

- Нимадан бошлаймиз, Гарри? Яна нима гап қасрда? - сўради Жорж.

- Дастлаб ҳамма Катта Залда йиғилади. Сўнг, ёш болалар эвакуация қилинади. Биз жанг қиламиз!

Хонада йиғилган одамлар баланд ўкириб, зинага отилди. Қақнус ордени ва Дамблдор армияси аъзолари, квидиш бўйича эски жамоаси бошқа кўпдан-кўп таниш ва нотаниш одамлар сеҳрли таёқчаларини баланд кўтариб, Гаррини деворга қапиштириб қўйишганча, Катта Зал томон йўл олишди.

- Кетдик, Луна, - деди Дин, қизнинг қўлини ушлаб.

Луна Дин билан қўл ушлашганча, халойиқ орасига кириб кетди.

Хонадаги одам сони аста-секин камайиб борди. Даркор хонада бир нечтагина одам қолган. Гарри бориб, уларнинг даврасига қўшилди. Миссис Уэсли Жинна билан баҳслашмоқда. Уларни Люпин, Фред, Жорж, Билл ва Флёр ўраб олишган.

- Қизим, сен ҳали балоғат ёшига етмагансан! - бақирди миссис Уэсли, - Рухсат бермайман! Акаларинг шу ерда қолади, сен эса зудлик билан уйга жўнайсан!

- Ҳеч қаёққа кетмайман! - қўлини тортиб олди сочи ҳилпираб кетган Жинна, - Мен Дамблдор армияси аъзосиман.

- Армия эмас, ўспиринлар тўдаси!

- Ҳеч ким журъат этмай юрган кезларда унга қарши бош кўтарган ўспиринлар тўдаси! - таъкидлаб қўйди Фред.

- У ўн олтига энди тўлди! - бақирди миссис Уэсли, - Ёш бола ҳали! Қаерингиз билан ўйладингиз, уни бу ерга олиб

келаётганингизда?!

Фред билан Жорж бир-бирини уялтираётгандай, кўз уриштириб қўйишди.

- Ойим тўғри гапиряпти, Жинна, - мулойим овозда гапга аралашди Билл, - Жангда иштирок эта олмайсан сен. Балоғат ёшига етмаганлар мактаб ҳудудини тарк этишлари керак. Бу ягона ва энг тўғри қарор.

- Кета олмайман, мен! - йиғлади Жинна, - Бутун оилам шу ерда қолса-ю, қандай қилиб хотиржам ўтира оламан уйда? Унинг нигоҳи Гаррининг нигоҳи билан илк бор учрашди. Қиз Гаррига ўтинч-ла қаради. Гарри бош чайқагач, умидсиз тескари ўгирилди.

- Яхши, - деди у, қовоқхонага чиқиш йўлагига юзланиб, - Ундай бўлса...

Муштлашув ва қаттиқ зарба товуши эшитилди. Туннелдан яна кимдир чиқиб, тебранганча, ерга йиқилди. Бироздан сўнг, ўрнидан туриб, курсилардан бирига ўтирди-да, бир томонга оғиб қолган мугуз гардишли кўзойнаги орқали атрофга назар солди.

- Кечикмадим-ми? Бошланди-ми? Ҳозиргина хабар топдим. Мен...

Хонага сукунат чўкиб, Перси жимжитликда гувранмоқда. Афтидан, у, оиланинг деярли тўлиқ таркиби билан тўқнаш келишини кутмаган кўринади.

Сукунат узоқ чўзилди. Кескин вазиятни бироз юмшатмоқчи бўлди шекилли, Флёр Люпиндан сўраб қолди:

- Жажжи Тэдди қалай ҳис этяпти ўзини?

Сесканиб кетган Люпиннинг кўзи пирпиради. Уэслилар орасидаги сукунат муз каби қотган кўринади.

- Мен... а, ҳа... яхши, жуда яхши ҳис этяпти ўзини! - жавоб берди Люпин, баланд овозда, - Бомс ойисиникида... бола билан қолди...

Перси билан оиланинг қолган аъзолари ҳамон кўз уриштиришмоқда.

- Мана, унинг фотосурати! - янада баландроқ гапирди Люпин, ички киссасидан расм чиқариб.

Гарри билан Флёр семиз муштчасини камера олдида силтаётган, мовий сочли жажжи чақалоқнинг расмини томоша қилишди.

- Ҳа, ғирт аҳмоқ бўлган эканман! - баланд овозда ўкирди Перси.

Сесканиб кетган Люпин фотосуратни қўлидан чиқариб юборишга сал қолди.

- Мен аҳмоқ, тентак, мутаккаббир жинни бўлган эканман... Мен...

- Вазирликни сидқидилдан яхши кўрадиган, оиладан воз кечиб, ҳокимиятга интилган галварс бўлгансан, - якунлади Фред.

- Ҳа, ўшанақа бўлган эканман, - ютинди Перси.

- Айбингни бундан-да тўғри айта олмас эдинг, - деди Фред, Персига қўл узатиб.

Миссис Уэсли хўнграб юборди. Олдинга югуриб, Фредни нари туртди-да, Персини маҳкам қучиб олди. Бўғилиб қолишига бир баҳя етмаётган Перси онасининг белига уриб-уриб қўяр экан, икки кўзини отасидан узмади.

- Мени кечиринг, дада, - деди у ниҳоят.

Кўзини бироз пирпиратиб турган мистер Уэсли ҳам ўғлини бағрига босди.

- Ҳушингни йиғиб олишга нима мажбур қилди, Перс? - қизиқди Жорж.

- Бунга маълум бир вақт керак бўлди, - жавоб берди Перси, сафар ридосининг бурчаги билан кўзини артиб, - Дастлаб вазирликдан бир амаллаб ажраб чиқишим керак эди. Бу осон эмас. Сотқинларни аямай қамоққа тиқишади улар. Аберфорс билан алоқа боғлашга муваффақ бўлдим. Ўн дақиқа муқаддам ўша киши хабар берди менга, «Хогварц»да жанг бошланаётгани ҳақида. Мана, марҳамат, энди мен сизнинг ихтиёрингиздан.

- Хўш, ундай бўлса, оила синфбошиларидан бундай оғир дамларда етакчилик вазифасини ўз зиммаларига олишларини сўраймиз, - деди Жорж, Персининг дабдабали нутқ ўқишига тақлид қилиб, - Энди бориб, жанг қилайлик. Акс ҳолда одамлар бизсиз энг яхши Ўлимдан мириқувчиларни бир ёқли қилиб юборишади.

Фред ва Жорж билан бирга зина томон йўл олар экан, Перси Флёрга қўл узатиб, сўрашди.

- Демак, энди сен менга келинойи бўлибсан-да?

Оиладаги дўстона муносабатлар ниҳоят тикланган муҳитда

пайтдан фойдаланган Жинна зина томон аста одимлади.

- Жинна! - боз бақирди миссис Уэсли.

- Молли, кел яхшиси бундай қиламиз, - таклиф киритишга уринди Люпин, - Жинна яхшиси Даркор хонада қолсин.

Шунда у жангда ҳам иштирок этмайди, ҳодисалардан ҳам бохабар бўлиб туради.

- Мен...

- Яхши ғоя, маъқуллайман, - деди мистер Уэсли қатъий оҳангда, - Шу шу ерда қоласан Жинна, эшитдинг-ми гапимни?

Жиннага бу гап унчалик ёқмаган бўлса ҳам, отасининг қатъий ногоҳига рўбару бўлгач, раъйини қайтармай, иложсиз рози бўлди.

- Рон билан Гермiona қани? - сўради Гарри.

- Катта Залда бўлса керак-да, - тахмин қилди мистер Уэсли, зина томон равона бўлиб.

- Ёнимдан ўтишганини кўрмадим.

- Сен Луна билан чиқиб кетганингдан кейин, иккаласи қандайдир ҳожатхона ҳақида баҳшлашишди, - деди Жинна.

- Ҳожатхона ҳақида?

Гарри хонанинг нариги бурчагидаги ҳожатхонага кирди. Ҳеч ким йўқ.

- Ишончинг комилми, улар аниқ ҳожат?...

Гаррининг чандиғига қаттиқ оғриқ кириб, Даркор хона кўздан ғойиб бўлди. У «Хогварц»га олиб кирадиган данғиллама чўян дарвозанинг икки ёнида қад кўтарган тош устунларнинг тепа қисмини безаб турадиган қанотли тўнғиз ҳайкаллари узра олов ёритаётган қасрга қараб турибди.

Нагайна унинг танасига ўралиб олган. Жонини олишни ният қилган ўлжани аёвсиз таъқиб қилиш ҳисси вужудини қамраб олган.

ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ. «ХОГВАРЦ» УЧУН ЖАНГ

Катта Залнинг сеҳрланган шифтида ситоралар бугун бисёр. Тўртта факультетга қарашли узун столлар атрофида ҳурпайган ўқувчилар тўпланган. Уларнинг айримлари сафар плашида бўлса, баъзилари ридо кийган. У ёқ, бу ёқда мактабнинг садаф тусли шаффоф арвоҳлари милтиллаб

кўринмоқда. Тириклар ҳам, арвоҳлар ҳам ҳозир Катта Зал минбарида гапираётган профессор Макгоннагаллга қараб ўтирибди. Нотиқнинг ортида мактаб ўқитувчилари, шу жумладан, оқ ёлли кентавр Фиренц, жанг қилгани ҳозир бўлган Қақнус ордени аъзолари йиғилган.

- ... эвакуация тадбирлари мистер Филч билан Помфри хоним раҳбарлигида амалга оширилади. Факультет мудирлари менинг буруғимга биноан, ўз тасарруфидаги ўқувчиларни навбат билан эвакуация пунктига бошлаб боришади.

Аксарият болалар ҳайкалдай қотиб қолган. Рон билан Гермионани қидираётган Гарри гриффиндорчилар столи ёнидан девор бўйлаб ўтиб борар экан, Хуффльпуфф вакили Эрни Макмиллан ўрнидан бақирди:

- Шу ерда қолиб, жанг қилишни хоҳласак-чи?

У ёқ, бу ёқдан қарсак эшитилди.

- Балоғат ёшига тўлганлар марҳамат, қолиши мумкин, - жавоб берди профессор Макгоннагалл.

- Нарсаларимиз-чи? - сўради равенклочи ўқувчи қиз, - Чамадон-у, бойқушларимиз нима бўлади?

- Нарса йиғиштиргани вақт йўқ, - деди профессор Макгоннагалл, - Ҳозир энг муҳим масала, мактаб ҳудудини соғ-саломат тарк этишга улгуриш.

- Профессор Снегг қани? - талаб оҳангида сўради слизеринчи ўқувчи қиз.

- У киши, содда қилиб айтганда, қуённинг расмини чизиб қочди, - жавоб берди профессор Макгоннагалл.

Гриффиндор, Хуффльпуфф ва Равенкло факультети ўқувчилари хандон отиб, гулдурос қарсак чалишди.

Рон билан Гермионани қидираётган Гарри Катта Зал бўйлаб юришни давом этар экан, одамлар унга юзланиб, баланд овозда ўзаро пичирлашмоқда.

- Қаср ҳудудини муҳофаза қилишнинг дастлабки чоралари кўрилди, албатта, - давом этди профессор Макгоннагалл, - Лекин мактаб муҳофазаси кучайтирилмас экан, сизлар бу ерда узоқ қола олмайсиз. Шу боис, илтимос, факультет мудирлари ортидан тез, ваҳимага берилмай, хотиржам...

Аммо профессорнинг сўнгги сўзларини бошқа кишининг бутун залга акс-садодай янграган овози босиб юборди. У совуқ оҳангда аниқ гапирди. Овоз қаердан чиқаётгани

номаълум, девор тилга киргандай, асрлар оша мудраб, энди уйфонган махлуқ амр этаётгандай гўё.

- Жангга ҳозирлик кўряпсиз, биламан.

Айрим ўқувчилар чинқираб, бир-бирининг пинжигга кириб олди, овоз манбасини қидириб, атрофга аланглади.

- Саъй-ҳаракатларингизнинг бари беҳуда. Менга қарши уруш олиб боришга қодир эмассиз. Лекин мен ҳам сизларни ўлдирмоқчи эмасман. «Хогварц» ўқитувчиларига эса ҳурматим баланд. Сеҳргарлар қони тўкилишини мутлақо истамайман.

Катта Залда қарор топган жимжитлик қулоқни кар қилиб юборгудай, ёпиқ хонага сиғмайдиган даражада каттадай гўё.

- Гарри Поттерни қўлга олиб, чиқариб берсангиз, ҳеч ким сизни безовта қилмайди, - давом этди Вольдемортнинг совуқ овози, - Гарри Поттерни тутиб берсангиз, мен бу ердан кетаман, ҳеч ким сизга тегмайди. Гарри Поттерни менга берсангиз, эвазига рағбатлайман. Тун ярмига етгунча вақт бераман сизга.

Ҳаммани жимжитлик ютиб юборган гўё. Катта Залдаги ҳар бир бурилган бош, ҳар бир нигоҳ Гаррини қидирмоқда. Бироздан сўнг, слизеринчи ўқувчи қиз Панси Паркинсон ўрнидан туриб, титраётган қўлини Гаррига ўқтаганча, бақирди:

- Ана Поттер, шу ерда, орамизда экан-у! Ушланг уни! Гарри оғиз жуфтлашга улгурмай, Катта Залда оммавий ҳаракат бошланди. Дастлаб унинг ортидаги гриффиндорчилар, сўнг, хуффльпупфчилар, улардан кейин эса равенклочилар оёққа қалқиб туриб, Гаррига эмас, Пансига, жамики слизеринчиларга қарашди. Киссалар-у, энглар ичидан чиқарилаётган юзлаб сеҳрли таёқчаларни кўрган Гаррининг вужудини ҳаяжон, мактабдошларга бўлган ҳурмат-эҳтиром қамради.

- Раҳмат сизга, мисс Паркинсон, - деди профессор Макгоннагалл, хириллаб қолган овози билан, - Мактабни биринчи бўлиб сиз тарк этасиз. Мистер Филч шахсан сизга ҳамроҳ бўлади. Факультетингизнинг қолган қисми изингиздан боради.

Курсилар ғичирлаб, слизеринчилар Катта Залнинг нариги

бошига ўтишди.

- Равенкло ўқувчилари, кейинги навбат сизники! - овоз кўтарди профессор Макгоннагалл.

Катта Зал аста-секин бўшаб борди. Слизерин столида ҳеч ким қолмади. Равенкло факультетининг юқори синф ўқувчиларидан айримлари жойида қолибди. Хуффльпуфф столи атрофида одам нисбатан кўпроқ,

гриффиндорчиларнинг ярми қилт этмай ўтирибди. Буни кўрган профессор Макгоннагалл ўқитувчилар даврасини қўйиб, ўз гриффиндорчиларининг олдига югуриб келди:

- Хаёлингга ҳам келтирма, Криви! Сен ҳам, Пикс, тур ўрнингдан! Ёшсизлар ҳали!

Гарри Уэслилар оиласи томон ошиқди.

- Рон билан Гермiona қани?

- Ҳали топмадинг-ми, уларни? - хавотир-ла сўради мистер Уэсли.

Минбарга чиққан Кинсли сўз олиб, Катта Залда қолганларга мурожаат қилди.

- Тун ярмига етишига ярим соатнинг ярми қолди, - гап бошлади у, - Шу боис, кейинги ҳаракатларимиз имкон қадар тез кечиши керак. Ҳудудий мудофаа режаси «Хогварц» ўқитувчилари ва Қақнус ордени билан мувофиқлаштирилди. Профессорлар Флитвик, Сарсабил хоним ва Макгоннагалл ўз бўйсунувидаги жанговар гуруҳларни ўт очиш нуқталари бўйича Равенкло, Астрономия ва Гриффиндор минораларида тизишади. Манзара у ерда яхши кўринади, атроф кафтдек очиқ бўлиб, ўт очиш нуқталарини қулай жиҳозлаш, қарғиш яшинларини бемалол улоқтириш мумкин. Ремус, - деди у, Люпинни кўрсатиб, - Артур, - мурожаат қилди у, Гриффиндор столида ўтирган мистер Уэслига ва мен пастда қолган жанговар гуруҳларни бошқарамиз. Бизга энди қаср эшиклари ва йўлакларининг мудофаасини бошқарадиганлар керак бўлади.

- Бизбоп ишга ўхшайди, - деди Фред, эгиз укаси Жоржга имо қилиб.

Кинсли маъқуллаб, бош ирғиди.

- Ҳўш, энди, ҳурматли командирлар, мана бу ерга саф тортинг. Одамларни жанговар гуруҳларга тақсимлаб чиқамиз.

Катта Залда қолган ўқувчилар жанговар гуруҳлар таркибига кириб, йўл-йўриқ олиш учун туртиниб-суртиниб, минбар атрофида тўплана бошлашди.

- Поттер, - деди шоша-пиша келган профессор Макгоннагалл,
- Сиз нимадир қидиришингиз керак эди, шекилли?

- Нима? А, ҳа, албатта. Ҳозироқ киришаман!

Гарри руҳдонни, «Хогварц» учун жанг бошланаётгани, ўзи қидирув ишларини бошлаши мумкинлигини деярли унутиб қўйибди. Рон билан Гермионанинг йўқолиб қолгани унинг миясидаги барча хаёлларни чиқариб юборган.

- Боринг Поттер, ишингизни бошланг!

- Ҳа, тўғри. Мен борай... Кетдим...

Гарри Катта Зални тарк этиб, эвакуация қилинаётган ўқувчиларга тўла вестибюлдаги мрамор зинадан кўтарилар экан, ортидан кузатиб қўяётган кўплаб нигоҳларни ҳис этди. Иккинчи қаватдаги бўш йўлак бўйлаб югурди. Қўрқув ва саросима унинг фикр юритиш жараёнини қийинлаштирмоқда. Тинчланиб, фикрини руҳдон қидиришга жамлашга уринди-ю, хаёллари дераза ойнасига рўбару келган арилар сингари беҳуда ғўнғилламоқда. Рон ва Гермионанинг ёрдамисиз ўз ғояларини идора қила олмаяпти. Тезликни пасайтирган Гарри йўлакнинг ўртасига етганда тўхтади ва ҳайкали жангга кетган супага чиқиб ўтириб, бўйнидаги эшак тери қопчадан Кафандуз ҳаритасини чиқарди. Рон билан Гермиона ҳеч қаерда кўринмайди. «Эҳтимол Даркор хона томон йўл олган нуқталарнинг зич оқими иккаласининг исмини тўсиб қўйгандир», хаёлдан ўтказди у. Гарри харитани қўйиб, кўзини чирт юмганча, икки кафтини юзига босиб, хаёлини йиғиб олишга ҳаракат қилди. Вольдемортнинг фикрича, Гарри Равенкло минорасига бориши керак. Демак қидирув ўша ердан бошланиши лозим. Вольдеморт Алекто Кэрроуни Равенклонинг умумий меҳмонхонасига киритиб юборган. Бу эса, руҳдон ўша факультет билан бевосита боғлиқ эканини Гарри билиши мумкинлиги, Вольдеморт айнан шундан қўрқаётганини англатади.

Ровена Равенкло билан фикр боғлайдиган ягона нарса, унинг йўқолган соч тожи бўлмоқда. Аммо қанақасига ўша тиара руҳдонга айланган бўлиши мумкин? Қандай қилиб

Вольдеморт, Слизерин ўқувчиси бўла туриб, Равенкло битирувчиларининг кўплаб авлоди топа олмай, йўқолгани шубҳасиз эътироф этилган тиарани топиб олиши мумкин? Ким айтган бўлиши мумкин унга, тиарани қаерда қидиришни, агар тириклардан ҳеч ким кўрмаган бўлса?

Гарри кўзини очиб, супадан сакраб тушди-да, сўнгги умидини излаб топиш учун изига қайтди. Мармар зинага яқинлашар экан, Даркор хона томон йўл олган юзлаб одамларнинг шовқини баландлашиб борди. Синфбошилар бақирганча, ўз бўйсунувидаги ўқувчиларга кўрсатмалар беришмоқда.

Ўқувчилар бир-бирини туртиб-суриб, қичқирашмоқда. Хуффльпуффчи Заккерраес Смит тирсакларини астойил ишга солиб, биринчи синф ўқувчилари орасидан ўзига йўл очганча, навбат бошига ўтиб олишга ошиқмоқда. У ёқ, бу ёқда ёш болачалар йиғлашмоқда. Сал каттароқ ёшдаги болалар ўз сингиллари ва укаларини чақириб, бақирашмоқда.

Гарри пастда, вестибюль эшиги орқали ўтиб, шошмай сузиб бораётган ярим шаффоф арвоҳни кўриб, овози етганча бақириб чақирди.

- Ник! Ник! Тўхта, Ник! Сен билан гаплашиб олмоқчиман! Халойиқ орасидан бир амаллаб ўтган Гарри мармар зинанинг қуйи поғонасига тушгач, Гриффиндор минорасининг арвоҳи Сэр Николас де Мимси-Порпиньон, яъни Деярли Бошсиз Ник билан саломлашди.

- Гарри! Салом қадрдоним!

Ник боланинг қўлини сиқди. Гарри қўлини муздай сув тўлдирилган бочкага қўлтиғигача тиқиб олгандай бўлди.

- Ник ёрдаминг керак. Қани айт-чи менга, Равенкло минорасининг арвоҳи ким?

Деярли Бошсиз Никнинг юзи касб этган қиёфага қараганда, арвоҳ хайратланиб, бироз хафа бўлди.

- Кул ранг Хоним, албатта. Бироқ у, сўралган хизмат маънавий мазмунга эга бўлсагина, ёрдам қўлини узатиши мумкин.

- Ёрдам беришига ишончим комил. Ҳозир қаерда у, билиб бер, илтимос.

- Қани, қарайлик-чи...

Никнинг чўзилиб, халойиқ орасидан торайиб ўтган боши бироз чайқалди.

- Шу ерда экан у, Гарри. Хўв ана, узун сочли ёш қиз. Гарри Ник кўрсатган томон юзланиб, новча бўйли қиз арвоҳини кўрди. Гаррининг қараб турганини сезган арвоҳ ҳайрон бўлиб, қоши кўтарилганча, тош девор ортига учиб ўтди.

Арвоҳ кетидан югурган Гарри эшик орқали йўлакка ўтди. У ерда шошилмай, равон сузиб кетаётган арвоҳни кўрди.

- Ҳой, тўхтанг! Қайтинг!

Қизнинг арвоҳи полдан бир неча дюйм юқорида аста тебранганча, ҳавода муаллақ осилиб тўхтади. Унинг хушбичим хипча бели, шаршара каби узун сочини кўрган Гарри, ридосининг этаги полга тегаётган бу қиз тириклигида ниҳоятда гўзал бўлганини тасаввур этди. Диққат билан разм солиб, ўзини ҳаддан ортиқ димоғдор, такаббуруна тутаетган ушбу арвоҳни қаср йўлакларида бир неча бор учратгани, лекин ҳеч қачон гапга тутмаганини эслади.

- Сиз Кул ранг Хоним бўласиз, тўғрими?

Арвоҳ бош ирғиб, тасдиқлади-ю, индамади.

- Равенкло минорасининг арвоҳи?

- Тўғри, - далда бергандек бош ирғиди арвоҳ.

- Илтимос, менга ёрдамнингиз керак. Йўқолган тиара ҳақида айрим нарсаларни сўраб билишим керак.

Арвоҳнинг лабида совуқ табассум кўринди.

- Бу масалада ёрдамим тегиши қийин, - деди учиб кетиш учун тескари ўгирилган арвоҳ.

- ТЎХТАНГ!

Гарри қичқирмоқчи эмас эди-ю, вужудини қамраб олган норозилик билан саросима шунга мажбур қилди. Арвоҳ унинг боши устида тўхтади. Гарри соатга қаради. Ўн бирдан ўн беш дақиқа ўтибди.

- Бу жуда шошилиш, - чорасиз ҳайқирди у, - Агар ўша соч тожи «Хогварц»да бўлса, мен уни зудлик билан топишим керак.

- Тиарани талаб қилган биринчи ўқувчи сен эмассан, - деди арвоҳ, нафрат билан қараб, - Сенга ўхшаган ўқувчиларнинг кўпдан-кўп авлоди жиғимга тегиб келган...

- Яхши баҳоларга ўқиш мақсадида сўраётганим йўқ.

Вольдемортни деб... - бақирди Гарри, - Вольдемортни йўқ қилиш учун... ё умуман қизиқтирмайдими бу сизни?

Овози зўриқиб чиққан қизнинг арвоҳи қизара олмайди-ю, лекин юзи аниқроқ кўрингандай бўлди.

- Қизиқтиради, албатта... Ўзи сен мен билан бундай оҳангда гаплашишга қандай журъат?...

- Ундай бўлса, менга ёрдам беринг!

- Бу... бу... муаммо эмас, - тугилди арвоҳ, дадиллиги барҳам топиб, - Тиара менинг онамга тегишли эди...

- Онангизга?

Арвоҳ ўзидан ўзи аччиқлангандай кўринди.

- Ҳаётлигимда исмим Хелена Равенкло бўлган, - чўзиб гапирди арвоҳ.

- Сиз унинг қизимисиз? Ундай бўлса, тиарага нима қилганини сиз билишингиз керак.

- Тиара киши ақлига ақл қўшади, албатта, - деди қизнинг арвоҳи, фикр-хаёлини бир ерга жамлаш учун зўриқаётгани сезилиб, - Бироқ ўзини Лорд Вольдеморт деб атаган сеҳргарни йўқ қилиш имконини оширишига шубҳа қиламан.

- Мен уни тақиб олмоқчи эмасман! - овоз кўтарди, ноилож қолаётган Гарри, - Тушунтиришлар беришга эса вақт йўқ.

Агар сиз «Хогварц» тақдирига лоқайд бўлмасангиз, Вольдеморт мағлуб бўлишини чин дилдан истасангиз, тиара ҳақида гапириб беришингиз керак!

Арвоҳнинг узоқлашаётганини кўрган Гаррининг вужудини умидсизлик қамради. Агар қизнинг арвоҳи тиара ҳақида бирон нима билганда, шубҳа йўқ-ки, у, ушбу масалага қизиқиш билдирган Флитвик ёки Дамблдорга айтиб берган бўлар эди. Гарри бошини силтаб, эндигина тескари ўгирилиб кетаётган эди-ки, арвоҳ паст овозда гап бошлади:

- Онамнинг соч тожини ўзим ўғирлаган эдим.

- Сиз... нима қилган эдингиз?

- Уни мен ўғирлаганман, - такрорлади Хелена Равенкло пичирлаб, - Онамдан ақллироқ, машҳурроқ бўлишни орзу қилиб, тиарани олдим-да, уйдан қочиб кетдим.

Нима учун қизнинг арвоҳи Гаррига ишонч билдирганини Гаррининг ўзи билмайди, ортиқча савол бермай, арвоҳнинг сўзларига қулоқ тутди.

- Айтишларича, онам тиаранинг йўқолганини тан олмай, ҳамон ўзида сақланаётган кўйга солиб юрган экан, ўзини. Қимматбаҳо буюмини йўқотгани, менинг хиёнатимни

«Хогварц»нинг қолган асосчиларидан ҳам бекитган. Кўп ўтмай ойим оғир касал бўлиб, ўлим тўшагига ётиб қолган. Вафосизлигимга қарамай, ойим мени умид-ла излаган. Мени узоқ йиллар севган, лекин муҳаббати рад этилган кишини изимдан жўнатиб, топиб келишни илтимос қилган. У киши мени қидириб топмагунча, тиним билмаслигини ойим билган. Қизнинг арвоҳи оғир хўрсиниб, бошини сарак-сарак чайқади. Гарри ҳикоянинг давомини кутди.

- Ниҳоят, у мени ўрмонда топди. Бекинган жойимни ташлаб, уйга қайтишни истамадим. Забти ҳамиша тор барон куч қўллади, рад жавобимдан қутуриб кетиб, ўз эркимга рашк этганча, менга қўл кўтарди.

- Барон дейсиз-ми? Айтмоқчисиз-ки?...

- Ҳа, ўша Қонхўр Барон, - деди Кул ранг Хоним, эгнидаги плашни очганча, оппоқ кўкрагидаги чуқур жароҳатни яланғочлаб, - Қилган қилмишидан пушаймон бўлди.

Ҳаётимдан маҳрум қилган қуроли билан ўз жонига қасд қилди. Орадан юзлаб йиллар ўтганига қарамай, тавба қилиш сифатида, ўзини ўзи занжирбанд қилиб юрибди, - хўрсинди арвоҳ.

- Тиара-чи?

- Барон келаётганини эшитиб, уни ҳавол дарахт ичига яшириб қўйганман. Ўша ерда қолиб кетган.

- Ҳавол дарахт ичига? Қаерда у? Қанақа дарахт эди?

- Албания ўрмонларида. Алоҳида ажраб қолган жой бўлиб, онамнинг қўли етмайди, деб ўйлаган эдим.

- Албанияда...

Саросимага тушган Гарри, ушбу қизнинг арвоҳи нима сабабдан Флитвик билан Дамблдорга рад жавобини берганини энди англади.

- Сиз бу ҳикояни бошқа кишига, бошқа ўқувчига ҳам айтиб бергансиз, тўғрими?

- Хаёлимга ҳам келтирмаган эдим... Иззат-ҳурматни жойига қўядиган шундай боадаб бола... У мени жуда яхши кўриб қолган эди... Дардимга шерик бўлиб, мени тўғри тушунган эди...

Том Реддль Хелена Равенклонинг, оз бўлса ҳам ҳақи бўлган мисли кўрилмаган хазина соҳиби бўлиш истагини тўғри тушунган, албатта.

- Реддль ғаразли мақсадда ўзига мафтун қилган киши ёлғиз сиз бўлмагансиз, - фикр билдирди Гарри, - Ўзига керак бўлса, боадабликни дўндириб юборадиган одам бўлган...

Хушомадгўйлик устаси бўлмиш Том Реддль тиаранинг жойини Кул ранг Хонимдан ўсмоқчилаб билиб олган.

«Хогварц»ни тамомлаши ҳамоно, «Боржин ва Д'Авило» дўконига ишга кирмай туриб, Албания ўрмонига йўл олган, соч тожини тегишли дарахт ковагидан топган.

Кейинчалик ўша ўрмон Вольдемортга, узоқ ўн йил тинчкина бекиниб юриши учун жуда яхши панагоҳ бўлган.

Лекин руҳдонга айлантирилган тиара ўша дарахт ковагида қолмаган... Соч тожи ўзининг ҳақиқий жойига келтирилган. Афтидан, Вольдеморт уни шу ерга...

- ... иш сўраб келган ўша кечада! - деди Гарри, хаёлига келган ўйни талаффуз этиб.

- Тушунмадим?

- Дамблдорнинг ҳузурига иш сўраб келган тунда тиарани қасрга яшириб кетган! - хитоб қилди Гарри.

Ушбу фикрини айтар экан, Гарри ҳамма нарсани тушунди.

- Тиарани у, Дамблдорнинг хонасига киришдан олдин ёки у ердан чиққач йўл-йўлакай яшириб кетган! Иш сўраб келгани тўғри бўлган. Агар шу ерда ишли бўлиб қолганда, Гриффиндор қиличини ҳам қўлга киритган бўлар эди... Сиздан миннатдорман.

Гарри қизнинг ҳавода муаллақ осилган арвоҳини хайратдан донг қотган ҳолатда қолдириб, нари кетди. Вестибюль томон югурар экан, соатга қаради. Беш дақиқа кам ўн икки. Охирги руҳдон нима эканлигини билиб олган бўлса-да, ҳозирча унга яқин бормади... Ўқувчиларнинг кўплаб авлоди тиарани қидириб топишга қодир бўлмаган. Демак, соч тожи Равенкло минорасида эмас. Қаерда? Қайси жойни Том Реддль махфий деб билган, умрбод ҳеч ким топа олмайди, деган хаёлга борган?

Умидсиз тахминлар ила довдираб одимлаган Гарри йўлак бўйлаб бир неча қадам босган эди ҳам-ки, чап томонидаги дераза қулоқни қоматга келтирадиган даражада қарсиллаб синиб, баҳайбат бир тана дераза орқали ўқмолича отилиб кирди. Дераза рўпарасидаги деворга урилган ушбу танадан қандайдир тивитли нарса ажраб чиқиб, Гарри томон югурди.

- Хагрид! - ўқирди Гарри, улкан тананинг эмаклай бошлаганини кўриб, - Нима бўлди?...
- Гарри, э шу ердамисан! Хайрият, шу ерда экансан! Оёққа турган Хагрид энгашиб, Гаррини маҳкам қучди.
- Ҳозир, бир сония! - деди у, сўнг, деразанинг синиб кўчган роми орқали кўчага қараб бақирди: - Яхши бола, Гурп! Гарри йироқда, Хагрид пайдо бўлиб келган қоронғиликда ярқираган шуълаларни кўрди, қулоғига кимнингдир гапириб йиғлаётган мудҳиш овози эшитилди. Гарри соатга қаради. Тунги ўн икки. «Хогварц» учун жанг бошланди.
- Ер ютсин мени, Гарри, - ҳарсиллади Хагрид, - Вақти етдими? Жанг бошландими?
- Қаердан пайдо бўлдинг, Хагрид?
- Ҳоримда ётган жойимда Ўзинг-Биласан-Ким ҳақида эшитиб қолдим. Дунё миш-миш гаплар билан дунё, Гарри. Тун ярмигача сенинг ёнингга етиб келишга ҳаракат қилдим, Поттер. Мана мен, келдим. Сен шу ерда бўлишинг кераклигини, «Хогварц» учун жанг бўлишини билар эдим. Сўйлоқтиш, бу ёққа чиқ!... Биз, яъни мен, Гурп ва Сўйлоқтиш сенга қўшилгани келдик, Гарри. Ўрмон четидан юриб келдик. Гурп мен билан Сўйлоқтишни кўтариб келди. Қасрга элиб қўйишни тайинлаган эдим, мана, кўриб турганингдек, деразадан киритиб қўйди. Мен ўйлаганча бўлмади, албатта. Лекин ҳар қалай, айтганимни қилди. Рон билан Гермiona қани?
- Яхши савол, Хагрид. Қани, кетдик. Икковлон йўлак бўйлаб одимлади. Сўйлоқтиш уларнинг кетидан ҳақкалаб чопди. Гарри яқин-атрофдаги йўлакларда қадам товушлари, қичқириқларни эшитиб бормоқда, деразалар орқали эса қоронғиликда сони кўпайиб бораётган шуълаларни кўрди.
- Қаёққа кетяпмиз? - сўради, пол тахтасини ғарчиллатаётган Хагрид Гаррининг орқасидан изма-из бориб.
- Тўғриси айтсам, ўзим ҳам билмайман, - иқроп бўлди Гарри, навбатдаги муюлиш ортига ўтгач, - Рон билан Гермiona ҳам қаердадир шу ерда бўлишлари керак. Ўқитувчилар хонасини қўриқлайдиган бир жуфт аждар тусли тош илон муҳорабанинг илк қурбони бўлиб, ерда сочилиб ётибди. Деразани синдирганча учиб кирган қарғиш яшини

иккаласини мажақлаб ташлабди. Тош илон парчалари полда сезилар-сезилмас қимирламоқда. Гарри синиб тушган бошга яқинроқ борди.

- Ўтинаман, тегманг менга... - тилга кирди илон боши, - Уқаланиб кетгунимча шу ерда ётавераман.

Аждар тусли тош илоннинг мажруҳ башараси Гаррининг эсига Ровена Равенклонинг Лавгудлар хонадонидаги беўхшов бош кийим кийдирилган мрамор бюстини, шунингдек, Равенкло факультети минорасидаги оппоқ фатиласига тош тиара тақилган ҳайкалини туширди.

Йўлак охирига етган эди ҳам-ки, Гарри учинчи тош ҳайкални эслади. Чала зот Шаҳзоданинг сеҳрли дамламалар тайёрлаш бўйича дарслигини Даркор хонада турган буфет ичидаги қафас ортига жойлаб, эшигини ёпгач, устига бадбашара азайимхон бюстини ўрнатган, кўринарлироқ бўлиши учун эса, ўша ҳайкал бошига улама соч кийдириб, хиралашиб кетган соч тожини тақиб қўйган эди. Гарри куйдирадиган виски сингари қаттиқ таъсир қилган асабий зарбадан қоқилиб йиқилишига сал қолди.

Руҳдон қаердалигини энди у аниқ билади.

Ҳеч кимга ишонмай, ёлғиз ўзи ишлаган Том Реддль «Хогварц» қасрининг киши билмас сир-асрорларидан ёлғиз ўзи воқиф эканлигини тахмин қилиб, афтидан, ҳаддан ортиқ манманликка берилиб кетган кўринади. Дамблдор билан Флитвик ибратли ўқувчи бўлганлари боис, бу жойга бош суқмаган, албатта. Лекин Гарри ўқувчилик йилларида мактаб қоидаларини тез-тез бузиб борган. Ҳар қалай у, Дамблдор ҳеч қачон топа олмайдиган, Вольдеморт эса яхши билган махфий жойларни билади.

Сарсабил хоним билан Невиллнинг бошчилигида, ҳар бири қўлига гул тувак ушлаб, қулоғига қулоқчин таққанча келаётган ўн икки нафарча ўқувчининг шовқини Гаррининг фикрини бузди.

- Мандрагора! - югуриб кетаётган йўлида тушунтириш берган бўлди Невилль, - Деворга териб чиқамиз. Душманга ёқмаслиги аниқ.

Энди қаёққа боришни билган Гарри қадамини тезлатди. Хагрид билан Сўйлоқтиш унинг ортидан елиб боришмоқда. Портретлар ёнидан тез ўтишар экан, эгнига шим, бурма

кўйлак, ридо кийган, айримлари анжом-аслаҳа таққан одамларнинг тасвирлари бир портретдан бошқасига ўтганча, Гарри билан ёнма-ён бориб, қасрнинг бошқа қисмида юз берган янгиликлар ҳақида қичқирганча, бир-бирини хабардор қилишмоқда. Йўлак охирига етишган эди ҳам-ки, қаср деворлари титраб кетди. Портлаш кучи баҳайбат вазани супасидан учуриб юборганини кўрган Гарри, қўлланилган ушбу қарғиш мактаб ўқитувчилари ва Қақнус ордени аъзолари қўллай оладиган қарғишдан анча қудратли эканлигини тушунди.

- Ҳаммаси яхши, Сўйлоқтиш... ишлар жойида! - қичқирди Хагрид, итини тинчлантиришга уриниб.

Бироқ баҳайбат Сўйлоқтиш замбарак ўқи сингари боши оққан томон қочди. Гаррини ёлғиз қолдирган Хагрид ит кетидан югурди.

Гарри сеҳрли таёқчасини шай тутган ҳолда девори титраётган йўлаклар бўйлаб йўлини давом этди.

Миттигина пони оти ортидан эргашиб бораётган пакана бўйли рицарь сэр Кэдоганнинг тасвири анжом-аслаҳасини жаранглатганча, расмдан расмга сакраб ўтиб, завқ-шавқ ила қичқирмоқда:

- Чиранчоқ ярамаслар, итвачча-ю, маразлар, тез таслим бўлинг, Гарри Поттер келмоқда!

Гарри муюлиш олдига етиб бориб Фредни, устида турган ҳайкали кетиб қолмасидан олдин яширин йўлакнинг кириш қисмини тўсган супа олдида йиғилган Ли Жордан, Ханна Аббот ва бир гуруҳ бошқа ўқувчиларни кўрди. Улар сеҳрли таёқчаларини кўтариб, очилган йўлакдан чиқаётган товушга қулоқ тутишмоқда.

- Бировнинг гапини пинҳона эшитиб ўтириш учун зўр кеча! - бақирди Фред.

Қаср боз титради. Ҳам қувониб, ҳам қути ўчган Гарри йўлини давом этганча, югурди.

Кейинги йўлакка бойқушлар кириб олган бўлиб, миссис Норрис уларни жойига қувиб чиқариш учун вишиллаб, айримларини тирнашга уринмоқда.

- Поттер!

Аберфорс Дамблдор сеҳрли таёқчасини шай тутиб, йўлакни тўсиб турибди.

- Пабимдаги йўлакдан юзлаб болалар ўтиб кетишди, Поттер!
- Биламан. Ўша йўлак орқали эвакуация қилинди улар, - деди Гарри, - Вольдеморт...

- Сени қўлга олиш учун ҳужум қиляпти, ҳа... - Гаррининг фикрини яқунлади Аберфорс, - Кар эмасман, жамики Хогсмёд эшитди уни. Слизеринчиларнинг беш-олтитасини гаровга олиб қолишга ақллари етмадими? Хавфсиз жойга эвакуация қилинган ўша болалар орасида Ўлимдан мириқувчиларнинг ҳам фарзандлари бор. Улар шу ерда қолдирилса, оқил иш бўлар эди-ку?!

- Биринчидан, бу иш Вольдемортни тўхтатмайди, - жавоб берди Гарри, - Иккинчидан, акангиз ҳеч қачон бундай иш тутмаган бўлар эди.

Аберфорс истехзо ила кулиб қўйиб, тескари қараб кетди. «Акангиз ҳеч қачон бундай иш тутмаган бўлар эди»...

Дарҳақиқат, ундай қилмаган бўлар эди, хаёлдан ўткази Гарри, югуриб борар экан. Снеггни узоқ ҳимоя қилиб келган Дамблдор, ўқувчиларнинг ҳаётини хавф остига қўймаган бўлар эди.

Йўлак бурчагига етган Гарри Рон билан Гермионани кўриб, ҳам аччиқланган, ҳам енгил тортган ҳолда тўхтади.

Иккаласининг қўли сариқ рангли эгри нарсалар билан банд. Бундан ташқари, Роннинг қўлтиғидан супурги сопи чиқиб турибди.

- Қаерда юрибсиз? - сўради Гарри, бақириб.

- Махфий хонада, - жавоб берди Рон.

- Махфий... нима? - ҳайрон бўлди Гарри, иккаласига бақрайиб.

- Роннинг ғояси бўлди бу! - нафаси тиқилиб гапирди Гермиона, - Ажойиб, қойил-мақом ғоя, тўғрими? Сен кетганингдан кейин, биз бироз баҳслашиб қолдик. Айтайлик, топтик руҳдонларнинг яна бирини, уни қандай қилиб йўқ қиламиз? Биз ҳали анави қадаҳчани бир ёқли қилганимиз йўқ, дедим мен унга. Шундан сўнг, Роннинг хаёлига шу фикр келиб қолди! Василиск!

- Нималар деясан, Гермиона?...

- Руҳдонларни йўқ қилиш воситаси ҳақида гапиряпти у, - деди Рон.

Гарри Рон билан Гермионанинг қўлидаги йирик, кир

нарсаларга разм солиб, ўлик василискнинг баҳайбат бош суягидан суғуриб олинган улкан эгри дандонлар эканлигини тушунди.

- Қандай қилиб? - сўради у, нигоҳини сариқ дандонлардан Ронга олиб ўтиб, - Махфий хонага кириш учун кам деганда илон тилида гапира билиш керак-ку?!

- Гапирди! - хайрат-ла пичирлади Гермиона, - Кўрсат унга, Рон.

Рон мудҳиш овоз чиқарганча вишиллади.

- Медальонни очиш фурсатида шунақа овоз чиқарганингни эшитган эдим, - деди у, бироз хижолат тортиб, - Талаффузим тўғри бўлиши учун бир неча бор уринишга тўғри келди. Нима қилганда ҳам, мақсадга эришдик-ку, - камтарона елка қисди у.

- Рон бугун мени роса хайратда қолдирди, - деди Гермиона қувончи ичига сиғмай, - Ажойиб йигит!

- Хўш?... Кейин-чи, кейин нима бўлди? - сўради Гарри, ўзини тийиб туришга уриниб.

- Нима бўлар эди, кўтариб юрмаслик учун мана бу руҳдонни йўқ қилдик, - жавоб берди Рон, ички киссасидан дабдаласи чиққан Хуффльпуфф қадаҳчасини олиб, - Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, бировнинг ёрдамисиз, ўз қўли билан йўқ қилишга аҳд қилган Гермиона мажақлади уни. Мазкур яхши қиз руҳдон йўқ қилишдай ҳузурдан ҳанузгача маҳрум бўлиб келган эди.

- Ажойиб! - хитоб қилди Гарри.

- Қўйсанг-чи, - деди Рон, гарчи ўзидан ўзи мамнун эканлиги кўриниб турган бўлса-да, камтаринлик қилган бўлиб, - Сенда-чи? Сенда нима янгилик бор?

Юқори қаватда нимадир портлаб, тепадан улар турган жойга чанг тушди, кимдир қаттиқ қичқирди.

- Тиара қандай кўринишга эга эканлиги, ўша соч тожи ҳозир қаердалигини биламан, - тез айтишдай маълум қилди Гарри,

- «Хогварц» ўқувчилари асрлар оша ўз нарсасини яшириб келган хонада, сеҳрли дамламалар тайёрлаш бўйича эски дарслигим бекитилган жойда ётибди. Назаримда, тентак Вольдеморт, ўша жойни ёлғиз ўзим биламан, деган хаёлга борган кўринади. Юринглар.

Қаср девори яна зириллади. Гарри Рон билан Гермионани

пастдаги яширин йўлак орқали Даркор хонага олиб чиқадиган зина томон бошлади. Жинна, Бомс ва бошидаги эски шляпасини куя еб битирган кекса афсунгар аёлни ҳисобга олмаганда, Бор-йўқ хона деярли бўшаган кўринади. Гарри Невиллнинг бувисини таниди.

- А-а, Поттер! Нималар бўляпти қасрда? - қатъий оҳангда сўради кампир.

- Ишлар жойида-ми? - баралла сўрашди Жинна билан Бомс.

- Билишимизча, жойида, - жавоб берди Гарри, - «Ахта чўчқа калласи» қовоқхонасига ўтиш йўлагига одам бор-ми? - сўради у.

Ичкарида одам бўлса Даркор хона ўзгармаслигини Гарри билади.

- У ердан охирги бўлиб ўтган одам мен бўлдим, - деди миссис Лонгботтом, - Йўлакни ҳар балога қарши ёпиб қўя қолдим. Аберфорснинг ўзи йўқ, у ерда. Менимча, соҳиби тарк этган паб йўлагини очиқ қолдирсам, яхши иш қилмаган бўлар эдим. Набирамни кўрмадингми?

- У қаҳрамонларча жанг қиляпти, - жавоб берди Гарри.

- Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас! - деди кўзи ёшга тўлган кекса аёл, кўксини ғурур-ла кўтариб, - Маъзур сананг, ёнига бориб, ёрдам берай.

Кампир зинадан ақл бовар қилмайдиган тезлик билан тушиб кетди.

- Ойинг билан бирга жажжи Тэддига қараб ўтирган бўлсанг керак, деб ўйлаган эдим сени, - деди Гарри, Бомсга қараб.

- Ғафлатда ўтиришга чидай олмадим, - деди Бомс, ғамнок оҳангда, - Ойим уддалайди уни... Ремусни кўрмадинг-ми?

- Режага мувофиқ, у бошқарадиган жангчилар гуруҳи мактаб ҳудудига чиқиши керак эди.

Бомс бошқа сўз айтмай, югуриб кетди.

- Жинна, узр, - деди Гарри.

Руҳи кўтарилиб кетган Жиннани панагоҳда ўтиришга кўндириб бўлмаслиги яққол кўриниб турибди. Қиз индамай, Бомснинг изидан қувиб кетди.

- Кейин қайтиб келишинг мумкин бу ерга, - бақирди Гарри Жиннанинг ортидан, - Қайтиб келишингга тўғри келади!

- Бир дақиқа! - овоз кўтарди Рон, - Биз бир нарсани унутиб қўйдик!

- Нимани? - сўради Гермиона.

- Уй эльфларини. Ахир уларнинг бари пастда, ошхонада қолган-у, тўғрими?

- Уларни «Хогварц» учун жанг қилишга мажбур қилиш керак, демоқчимисан? - сўради Гарри.

- Йўқ, - жавоб берди Рон, жиддий оҳангда, - Аксинча, «Хогварц»ни тарк этишлари мумкинлигини айтишимиз керак уларга. Доббининг қисмати такрорланишини истамаймиз-ку, тўғрими? Биз учун жон бериб, жон олишни буюра олмаймиз уларга, ахир...

Гермиона қўлидаги василиск дандонларини ерга тарақ-туруқ тўкиб, Роннинг бўйнидан маҳкам тутди-да, лабидан қайноқ ўпди. Рон ҳам қўлидаги дандонлар-у, супуткини ташлаб, Гермионани маҳкам қучганча, оёғини ердан узди.

- Ҳозир бунинг мавриди эмас! - эътироз билдирди Гарри.

Унинг гапига парво қилмаган Рон билан Гермиона бир-бирини янада маҳкам қучиб олишди.

- Ҳой, иккаланг! - бақирди Гарри, - Уруш кетяпти бу ерда!

Рон билан Гермиона бир-биридан нари чекиниб, қўлларини маҳкам ушлаб олишди.

- Биламан, биродар, - деди Рон, энсасига това егандай, тебраниб, - Шунинг учун ҳам бу ишни ё ҳозир қилиш керак эди, ё ҳеч қачон...

- Тушунарли. Хўш, руҳдон қидирамизми энди? Равенклонинг тиараси топилмагунча Вольдемортни жанг-ла тўхтатиб бўлмайди, тўғрими? - овоз кўтарди Гарри.

- Тўғри, тўхтатиб бўлмайди... узр, - ғудуллади Рон.

Гермиона иккаласи қизарганча, тўкилган дандонларни теришга киришди.

Учовлон зинадан кўтарилиб, юқоридаги йўлакка чиқди.

Қасрдаги вазият анча мураккаблашди: девор ва шифт илгаридан ҳам кучли зирилламода, йўлақлар чангга тўлган, ташқаридаги яшил ва қизил яшинлар янада яқин масофада чақнаётгани, Ўлимдан мириқувчилар қасрга яқин келаётгани деразалардан кўринмоқда. Пастга қараган Гарри

Момиқвойни кўрди. Хагриннинг уч каллали ушбу баҳайбат ити томдан қулаган аждар тусли тош илонни айланиб ўтиб, ириллаганча, ўзининг домангирлигини намоён этмоқда.

- Бир-иккитасини ғажиб ташлаганига умид қиламиз, - деди

Рон, махлуқ яқинида кимдир ўкирганини эшитиб.

- Ана энди жанг қиламиз! - эшитилди таниш овоз.

Гарри овоз эшитилган томон ўгирилиб, ойнаси синган деразада сеҳрли таёқчаларини шай тутган Жинна билан Бомсни кўрди. Пастда жанг қилаётган халойиқни астойдил нишонга олган Жинна қарғиш яшинини йўлади.

- Яшавор, қизалоқ! - деди чанг орасидан чиқиб келган Аберфорс.

Қария оқ сочини ҳилпиратганча югуриб, ўқувчилар гуруҳини четлаб ўтар экан, бақирди:

- Шимолий деворни бузиб ўтишлари мумкин. Гигантлар ёрдам беришяпти уларга.

- Ремусни кўрмадинг-ми? - сўради Бомс, Аберфорснинг орқасидан қичқириб.

- Долохов билан уришаётган эди, - бақирди Аберфорс, - Шундан кейин кўрганим йўқ!

- Бомс, - деди Жинна, - Бомс, ишончим комил, унга ҳеч нима қилмаган.

Бироқ Нимфадора ҳеч кимга қулоқ солмай, Аберфорснинг изидан югурганча, чангга кириб кетди. Жинна нима қилишни билмай, Гарри, Рон ва Гермiona томон юзланди.

- Уларга ҳеч нима қилмайди, - ишонтирди Гарри, гарчи бу сўзлар қуруқ гап эканлигини ўзи хши билса-да, - Жинна, биз ҳозир қайтамиз, сен улардан узоқроғ бўл, ўзингни эҳтиёт қил. Кетдик! - деди у, Рон билан Гермionaга қараб.

Учовлон девор бўйлаб, югуриб, тролларга балет рақсига тушишни ўргатишга уриниши беҳуда кетган Томсиз Барнабас тасвирланган гобелен ёнига келди. Гарри бўш қисмининг бир боши дераза, иккинчи боши эса одам бўйидай келадиган катта ваза билан якун топган девор ёнида у ёқ, бу ёқ юра бошлади. «Буюм яшириш мумкин бўлган жой керак, илтимос», ич-ичидан ўтинди у. Девор ёнидан учинчи бор ўтар экан, эшик пайдо бўлди.

Улар остона ҳатлаб ўтишлари ҳамоно, эшик ортда қолиб, жанг шовқини тинди. Учовлон ўлик жимжитлик ҳукм сураётган, катталиги черков ибодатхонасидек келадиган Даркор хонага, аниқроғи, «Хогварц» ўқувчиларининг кўпдан кўп авлоди томонидан асрлар оша яшириб келинган турли-туман буюмлар шаҳрига кириб қолган.

- Наҳотки бу ерга эринмаган ҳар қандай одам кириши мумкинлигини тушунмаган бўлса? - сўради Рон, овози акс-садодай янграб.

- У ўзини ягона воқиф одам, деб билган, - деди Гарри, - Ўзига ёмон. Ҳар қандай вақтда, истаган нарсамни бекитиб қўйишим мумкин бу ерга. Бу томонга юришимиз керак, шекилли. Кетдик.

Учаласи қўшни йўлаклар бўйлаб одамлай кетишди. Эски туски нарсалар, шиша идиш, шляпа, сават, курси, китоб, қурол-яроғ, супурги, кўршапалак тулуми каби буюмлар ёнидан ўтаётган Гарри бошқаларнинг акс-садо бўлиб янграётган қадам товушини эшитиб бормоқда.

- Қаердадир шу ерда, - ғудуллади Гарри, - Қаердадир шу ерда бўлиши керак...

Ўтган сафар кирганда кўрган нарсаларини қидираётган Гарри юраги қалтираётгандай тепиб, оғир нафас олганча, лабиринт қаърига чуқурлашиб бормоқда.

Рўпарада титиғи чиққан қадимий буфет кўринди. Сеҳрли дамламалар тайёрлаш дарслигини Гарри мана шу буфет ичига яширган. Буфет устида бадбашара азайимхон бюсти турибди. Ҳайкал бошига улама соч кийдирилган, сочга эса хиралашиб кетган тиара тақилган. Гарри қўлини узатиб, буфетга энди яқинлашган эди ҳам-ки, орқада таниш овоз эшитилди:

- Ол уни, Поттер.

Гарри ўгирилиб, сеҳрли таёқчаларини ўқтаганча, елкама-елка турган Краббе билан Гойлни, уларнинг орқасида эса тишининг оқини кўрсатаётган Драко Малфойни кўрди.

- Қўлингдаги сеҳрли таёқча меники, - деди Малфой, Краббе билан Гойлнинг орасидан яна бир сеҳрли таёқча учини чиқариб.

- Эди, - жавоб берди ҳансираётган Гарри, дўлана шохидан ясалган сеҳрли таёқчани маҳкам ушлаб, - От кимники - минганники, Малфой. Қўлингдаги таёқчани ким берди сенга?

- Ойим.

Гарри кулиб юборди, гарчи кулгили гап бўлмаган бўлса-да. Рон билан Гермилоннинг қадами эшитилмаяпти. Афтидан, тиара қидириб, узоқ кетиб қолишган кўринади.

- Нега Вольдемортсиз келдиларинг бу ерга? - сўради Гарри.

- Мукофот олмоқчимиз, - жавоб берди Краббе.

Танаси йирик одамга бу қадар ингичка овоз ярашмас экан. Қизиқ, Гарри илгари эшитмаган экан Краббенинг гапирганини. Ҳозир у, худди бир қоп қанд ваъда қилинган боладай гапирмоқда.

- Биз ўз хоҳишимиз билан қайтдик мактабга, Поттер. Сени ушлаб, унга топширмагунча, ҳеч қаёққа кетмасликка аҳд қилдик.

- Ниятингиз ёмон эмас, - деди Гарри, сохта хайратланиб. Гарри ҳеч бовар қила олмаяпти, наҳотки ёнига келиб олган мана бу Малфой, Краббе ва Гойл халал қилишга уринишса?! У аста орқага тисарилиб, руҳдон турган жойга яқинлаша бошлади. Жанг бошланмай туриб, қўлига олса эди...

- Бу ерга қандай кириб қолдиларинг? - рақибни чалғитишга уринди Гарри.

- Ўтган йили шу ерда яшадим, десам ҳам бўлаверади, - жавоб берди Малфой, овози титраб, - Қандай киришни яхши биламан.

- Биз эса ташқи йўлакда яширинар эдик, - хурхурлади Гойл, - Ҳозир биз қуролсизлантириш афсунини қўллаймиз! Шундан сўнг сен, биз томон юзланиб, нима қидириб юрганингни айтасан, - хунук кулди у.

- Гарри? Ким билан гаплашяпсан? - эшитилди деворнинг нариги томонидаги Роннинг овози.

Краббе қўлидаги сеҳрли таёқчасини қамчи ургандай силтаб, қадимий мебель, синган чамадон, эскирган китоб, кийим-кечак ва шу каби нарсалар уюмидан ҳосил бўлган деворга ўқтади-да, ўкирди:

- Редукто!

Девор тебраниб, тепасидаги нарсалар Рон турган жойга тўкила бошлади.

- Рон! - бақирди Гарри, Германионнинг қичқириғини эшитиб. Деворнинг нариги томонида буюмларнинг гумбурлаб қулаётгани эшитилди.

- Фините! - қичқирди Гарри, сеҳрли таёқчасини уюмга ўқтаб. Девор ўз ҳолатига қайтиб, тикланди.

- Бўлди, бас! - бақирди Малфой, афсун ижросини такрорламоқчи бўлган Краббенинг қўлидан тутиб, - Хонани вайрон қилсанг, тиара билан хайрлашишга тўғри келади.

- Фарқи нима? - қўлини тортди Краббе, - Ёвуз Лордга Поттер керак, тиаранинг аҳамияти йўқ.

- Поттер бу ерга тиара қидириб келган, - тушунтиришга уринди Малфой, тоқати тоқ бўлаётгани билиниб, - Бу эса...

- Хўш, нима? - таҳдид оҳангида сўради Краббе, - Кимни қизиқтиради сенинг фикринг? Сенга ортиқ бўйсунмайман энди, Драко! Сен билан отангинг куни битган.

- Нима бўляпти ўзи, Гарри? - боз бақирди Рон.

- Нима бўляпти ўзи, Гарри? - масхараомуз тақлид қилди Краббе, башарасини буриштириб, - Йўқ Поттер! Круцио! Краббе йўллаган қарғиш яшини соч тожигга қўл узатган Гаррининг ёнидан учиб ўтиб, бадбашара азайимхон бюстига бориб урилди. Тиара ҳайкал билан бирга ҳавога кўтарилиб, эски нарсалар уюмига, бюст қулаган жойга тушди.

- ТЎХТА! - қичқирди Малфой, овози акс-садо бўлиб янграб, - Ёвуз Лордга тириклайин керак у....

- Бақирма менга! Ўлдирмайман уни, - ўкирди Краббе, Малфойнинг узатилган қўлини четга туртиб, - Аммо уддаласам, нақ ўлдираман. Ёвуз Лорд ҳам ўлдирмоқчи-ку, уни. Фарқи нима...

Алвон рангли нур Гаррининг ёнидан ўқдай учиб ўтди. Гермiona бурчакка югуриб ўтиб, Краббенинг бошига Тўлиқ Тана-бинт яшинини йўллади. Малфой Краббени туртиб юборгани учун яшин нишонга тегмади.

- Ие... маглвачча-ку! Авада Кедавра!

Гермионанинг орқага ташланиб, базўр омон қолганини кўрган Гаррининг ичида қайнаётган ғазаби ташига чиқди, Краббега қарата уриб йиқитиш яшинини улоқтирди. Краббе тебраниб, Малфойнинг қўлига урилганча, унинг сеҳрли таёқчасини учуриб юборди. Малфойнинг ерга тушган таёқчаси мажақланган мебел-у, суяклар уюми остига юмалаб кетди.

- Ўлдирманг уни! - бақирди Малфой, Гаррига ҳамла қилаётган Краббе билан Гойлга, - ЎЛДИРМАНГ!

Иккаласи Малфойнинг қичқириғига эътибор қилган кўринади, бироз сусткашликка йўл қўйди. Гарри эса пайтдан фойдаланди.

- Экспеллиармус!

Сеҳрли таёқчаси қўлидан учиб чиқиб, чиқинди уюмига

тушган Гойл турган жойида тентакнамо сакраб, таёқча қидиришга киришди. Малфой Гермионанинг яшинига чап беришга улгурди. Рон йўллаган яшиндан ўзини базўр четга ола билган Краббе эса турган жойида айланиб, яна ўкирди:
- Авада Кедавра!

Рон яшил яшиндан сақланиш учун кўздан ғойиб бўлди. Гермиона Гойлни уриб йиқитиш афсуни билан ерга улоқтириб, уч оёқли кийим жавони ортига кириб олган Малфойнинг олдига югуриб келди.

- Тиара қаергадир шу ерга тушди! - қичқирди Гарри, эски-туски нарсалар уюмига имо қилиб, - Қидириб тур, мен Ронни...

- ГАРРИ! - чинқирди Гермиона.

Орқада янграган наърани эшитган Гарри хаёлини йиғиб олди. Ортга ўгирилиб, Краббе Ронни кучи борича қувиб келаётганини кўрди.

- Ҳа, қизиб кетяпсан-ми? - ўкирди Краббе.

Афтидан Краббе нима қилаётганини ўзи билмайдиган кўринади. Оловдан ҳосил бўлган баланд девор иккаласини таъқиб қилганча, йўлида учраган чиқинди уюмини ёндириб, бир-икки сонияда қора қурумга айлантириб юбормоқда.

- Агуаменти!

Гаррининг сеҳрли таёқчасидан отилиб чиққан қудратли сув оқими ҳавода буғланиб кетди.

- ҚОЧИНГЛАР!

Малфой донг қотиб ётган Гойлни қўлидан ушлаб, тортди. Ўларча қўрқиб кетган Краббе ҳаммадан ўзиб кетди. Олов қуваётган Гарри, Рон ва Гермиона ҳам Краббенинг изидан югуришди. Бу олов оддий олов эмас. Краббе қандай қарғиш қўллаганини Гарри тасаввур ҳам қила олмайди. Болалар муюлиш ортига ўтган бўлишига қарамай, олов тили худди жонли, онгли нарсадай, гўё уларни ўлдиришни ният қилгандай, таъқиб қилиб келмоқда. Энди олов муайян қиёфа касб эта бошлаб, иблис махлуқларининг галасига, хусусан, олов илон, уч бошли ўтсочар химера ва аждарга айланиб, дам қорига кўтарилиб, дам кескин пастга тушмоқда, йўлда учраган буюмни юқорига улоқтириб, сўйлоқ тишга тўла оғзини катта очганча, ютиб келмоқда.

Малфой, Краббе ва Гойл кўздан ғойиб бўлишди. Гарри, Рон ва

Гермиона эса қоқилган қоziқдай тек қолишди. Уларни олов махлуқлар қуршаб олиб, тиш, шох ва думларини ўйнатганча, яқинлашиб келмоқда. Ҳаво қизиб, ҳароратига чидаб бўлмаяпти.

- Нима қиламиз? - сўради Гермиона, олов наърасидан ҳам баландроқ бақирришга уриниб, - Нима қиламиз?

- Мана нима қиламиз!

Гарри чиқинди уюми ёнидаги, кўринишидан вазмин супургилардан бир жуфтани олиб, биттасини Ронга узатди. Рон Гермионани тортиб, орқасига мингаштирди. Гарри супургини эгарлаб, ерга зарб билан тепинганча, олов илоннинг оғзига кириб кетишига бир баҳя қолиб, ҳавога кўтарилди. Олов билан тутун таъсирига чидаб бўлмаяпти. Пастда қолган ёвуз сеҳр олови мактабга бекитикча олиб кирилган нарсалар, муваффақиятсиз кечган тажриба натижалари, Даркор хонага пана қидириб келган сон-саноксиз қалбларнинг сир-асрорларини ямлаб бормоқда. Малфой, Краббе ва Гойл қаёққа қочганини Гарри кўрмади. Имкон қадар паст учаётган бўлса ҳам, оловдан бошқа нарсани кўрмаяпти... мана шу тарзда ўлиб кетиш... бундай бўлишини ҳеч истамаган эди у.

- Гарри, тезроқ чиқиб кетайлик бу ердан, тезроқ! - қичқирди Рон.

Қоп-қора тутун чиқиш эшигини тўсиб қўйган. Кутилмаганда Гаррининг қулоғига олов наъраси орасида бировнинг ингичка овоз билан бақираётгани чалинди.

- Хавли... жуда хавфли! - қичқирди Рон, Гаррининг ниятини фаҳмлаб.

Гарри баланд кўтарилиб, пастга қаради. Унинг кўзойнаги кўзини тутун таъсиридан сақламоқда. Нигоҳи ила ёғочдай куйиб қорайиб кетмаган ҳаёт аломатини қидирмоқда... Ана у: Малфой ҳушсиз ётган Гойлни маҳкам ушлаб олган. Иккаласи парталар уюми устига чиқиб олган. Гарри кескин пастлади. Уни кўрган Малфой қўлини кўтарди. Гарри Малфойнинг қўлини ушлади-ю, уддалай олмади. Гойл ҳаддан ортиқ вазмин. Малфойнинг терлаган қўли эса Гаррининг қўлидан сирғаниб чиқиб кетди.

- ШУЛАРНИ ДЕБ ЎЛИБ КЕТАДИГАН БЎЛСАК, ГАРРИ, ШАХСАН ЎЗИМ ЎЛДИРАМАН СЕНИ! - бақирди Рон, олов пуркаётган

химера уларга ҳамла қилаётганини кўриб.

Гермиона билан Рон Гойлни супургига мингаштириб, мувозанатни базўр сақлаганча, ҳавога кўтарилишди. Малфой Гаррининг супургисига мингашди.

- Эшикка, чиқиш эшигига, тезроқ! - бақирди Малфой Гаррининг қулоғига.

Рон, Гермиона ва Гойлнинг изидан қоп-қора тутун оралаб учган Гарри базўр нафас олганча, парвоз тезлигини оширди. Атрофдаги ёниб улгурмаган буюмларнинг бари ўт олмоқда, олов махлуқлар дуч келган нарсани ямлаб бормоқда. Ҳамма нарса ёнмоқда: қадаҳлар, қалқонлар, ялтироқ маржонлар, хиралашиб кетган эски тиара...

- Нима қияпсан?! Эшик бу томонда! - қичқирди Малфой, Гаррининг кескин бурилганча, пастга шўнғиганини кўриб. Тиара аста бурилиб, ялтираганча, олов илоннинг оғзига тушиб бормоқда. Улгурмади. Панжаси билан илиб кўтарган Гаррининг билагида осилиб қолди...

Гарри яна юқорига кўтарилиб, олов илоннинг даҳшатли комидан базўр қутулиб қолди. Баланд кўтарилгач, эшик бўлишига умид қилган томон ўқдай учди. Рон, Гермиона ва Гойл кўздан ғойиб бўлишган. Ўларча бақираётган Малфой Гаррининг елкасидан жонини оғритганча, маҳкам чангаллаб олган. Тутун ортида эшикнинг девордаги тўғри бурчакли ўрни кўринди. Гарри супургисини ўша томон бурди. Яна бир неча сония ўтиб, унинг ўпкаси тоза ҳавога тўлди. Малфой иккаласи йўлак деворига урилиб, полга қулади.

Ерга юзи билан йиқилган Малфой нафаси бўғилиб, йўталиб, кўнгли беҳузур бўлди. Гарри ўгирилиб, йиқилган ўрнига ўтирди. Даркор хонанинг эшиги ёпилиб, кўздан ғойиб бўлди. Рон билан Гермиона оғир нафас олганча, ҳамон ҳушсиз ётган Гойлнинг ёнида ўтиришибди.

- Краббе? - нафаси бўғилиб сўради Малфой, - Краббе?

- Ўлди, - қисқа қилди Рон.

Орага оғир сукунат чўкди. Йўтал ва оғир нафасдан бошқа товуш эшитилмади. Бирданига қаср гумбурлаб, қўлтиқлаб олинган бошлари айюҳаннос солаётган бошсиз чавандозларнинг шаффоф галаси елдай учиб ўтди. Деярли Бошсиз Никни аъзоликка қабуд қилмаган Бошсизлар аҳли сакраб ўтгач, Гарри ўрнидан туриб, атрофга назар солди.

Жанг давом этмоқда. Бошсиз арвоҳларнинг қичқириғидан ташқари, бошқа қичқириқлар ҳам эшитилмоқда. Дафъатан унинг вужудини ваҳима қамради.

- Жинна? У шу ерда қолган эди, қани у? - кескин сўради Гарри, - Даркор хонага қайтиши керак эди.

- О, Худойим! Даркор хона шундай ёнғиндан кейин ҳам ишлайди, деб ўйлайсанми? - сўради Рон, оёққа турганча, атрофга қараб, - Бўлиниб қидирайлик-ми, уни? - таклиф киритди у, кўкрагини уқалаб.

- Йўқ, - деди ўрnidан тураётган Гермiona, - Бирга бўлишимиз керак.

Малфой билан Гойл йўлак полида чўзилганча қолишди. Иккаласи ҳам сеҳрли таёқчасини йўқотган.

- Юринглар, - деди Гермiona, - Гарри, қўлингдаги нима?

- Қайси? Ҳа-я...

Гарри билагига илашиб қолган тиарани олиб, кўрсатди. Буюм ҳали ҳам иссиқ, қурумдан қорайиб кетган. Гарри уни кўзига яқинроқ келтириб, сиртига битилган сўзларни ўқиди:

«Муаззам ақл – инсон хазинасидир!»

Соч тожидан қонга ўхшаш, лекин ранги жуда тўқ, елим сингари қуюқ суюқлик томди. Тиара кутилмаганда титраб, парчалана бошлади, сўнг қасрдан эмас, айнан тиарадан юракни эзиб юборгудай дод-фарёд эшитилди.

- Шайтон олови! - деди Гермiona, соч тожининг синиб тушган парчаларига қараганча, йиғламсираб.

- Тушунмадим, нима дединг? - сўради Гарри.

- Лаънат алангаси Шайтон олови дейилади. Ундан руҳдонларни йўқ қилиш учун фойдаланишади. Лекин мен ҳаётда қўлламаган бўлар эдим уни... Қизиқ, Краббе қаердан билган бўлиши мумкин?

- Ўзига муносиб устози Кэрроу ўргатгандир-да, - тахмин қилди Гарри.

- Ўша олов қандай ўчирилишини ўргатишаётганда хаёлини жамлаб эшитмаган. Мана марҳамат, эътиборсизлиги ўзининг бошини еди, - деди Рон, - Ачинган бўлар эдим унга, агар бизни ўлдиришга ҳаракат қилмаганда.

Роннинг сочи Гермionанинг сочи каби бироз куйиб, юзи қорайиб кетибди.

- Бундан чиқди, - пичирлади Гермiona, - Энди бизга илонни

топиб, ўлдириш қолди холос, тушуняпсизлар-ми?
Қиз таққа тўхтади. Қаердандир қичқириқ ва яккама-якка олишув товуши эшитилди. Гарри ўгирилиб қараб, юраги товонига тушиб кетди. Ўлимдан мириқувчилар «Хогварц» ҳудудига киришга муваффақ бўлишибди. Юзига ниқоб тақиб, бошига қайтарма ёқа ташлаган бир жуфт Ўлимдан мириқувчига қарши Фред билан Перси жанг қилмоқда. Гарри, Рон ва Гермiona ёрдамга ошиқди. Қарғиш яшинлари ҳар томондан учиб келмоқда. Персига қарши жанг қилаётган Ўлимдан мириқувчи тез чекина бошлади. Кутилмаганда, унинг бошидаги қайтарма ёқа ечилиб, баланд пешанаси билан ёғли сочи кўриниб қолди.

- Ие, салом бердик, вазир жаноблари! - қичқирди Тикнесснинг юзига яшин улоқтирган Перси.

Қўлидаги сеҳрли таёқчаси учиб тушган Тикнесс ўзини ноқулай сизди шекилли, ридосининг этагини кўтариб, юзини тўсди.

- Ишдан бўшаганимни айтмай келибман-ми, сизга? - сўради Перси.

- Перси, ҳазил қилдинг-ми, ҳозир сен?! - завқ-ла қичқирди Фред, Ўлимдан мириқувчи учта қарғиш яшини билан улоқтириб юборилганидан сўнг.

Ерга гумбурлаб тушган Тикнесснинг танасидан игналар ўсиб, афтидан, аллақандай денгиз кирписига айланмоқда.

Фред Персига қувонч-ла юзланди.

- Сен чиндан ҳам ҳазиллашдинг ҳозир, Перси... Сўнгги бор ҳазиллашганингда ёшинг...

Нимадир портлади. Гарри, Рон, Гермiona, Фред ва Перси ёнма-ён туришган бўлиб, оёқлари остида, бири донг қотирилган, иккинчиси бошқа нарсага айлантилган иккита Ўлимдан мириқувчи ётган эди.

Дунё кўпдан-кўп бўлакларга парчаланиб кетди. Гарри ҳавода учаётгандай бўлди. У ягона қуроли – сеҳрли таёқчасини маҳкам ушлаб олган бўлиб, қўли билан бошини тўсишга уринмоқда. Қулоғига дўстларининг қичқириғи эшитилмоқда. Уларга нима қилганини билишга энди у, умид қилмаяпти. Бироздан сўнг, дунё яна бир бутун бўлиб йиғилиб, зулмат ва оғриққа тўлди. Гарри парчаланиб кетган йўлак вайронаси остида, юзидан иссиқ, елимшак қон оқиб ётибди. Ўпкаси

муздай ҳавога тўлганидан қаср деворларидан бири портлаб ўпирилганини тушунди. Даҳшатли қичқириқни эшитиб эти жимирлаб кетди. Ушбу фарёдда жон талвасаси эшитилди. Гарри тебранганча оёққа турди. Қўрқяпти, бугунги қўрқувлардан ҳам, умри давомида ҳис этган қўрқувлардан ҳам баттар қўрқяпти...

Гермиона ҳам вайроналар орасидан базўр оёққа турмоқда. Уч нафар малла сочли одам девор портлаган жойда ўтирибди. Гарри Гермионанинг қўлидан ушлади. Икковлон қоқилиб, тебранганча, тош ва ёғоч парчалари орасидан аста одимлади.

- Йўқ... йўқ... йўқ! - қичқирди кимдир, - Йўқ, Фред, йўқ! Перси укасини қучоқлаб, силтамоқда. Рон унинг ёнида тиз чўкиб ўтирибди. Фреднинг кўзи бўшлиққа қараб, гарчи энди хотирага айланган бўлса-да, юзида табассум сақланиб қолган.

ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ. ҚАДИМИЙ ТАЁҚЧА

Дунё қулади. Бироқ нега дунё қулаганига қарамай, жанг тўхтамади, қаср аҳли даҳшатдан ҳаракатсиз қотмади, жангчилар қуролини қўймади? Гаррининг онги назоратдан чиқиб, бўлиши мумкин бўлмаган нарсага бавар қилмай, қаёққадир эркин учмоқда. Фред Уэсли ўлган бўлиши мумкин эмас, ҳиссиётлар алдаяпти уни.

Портлаш натижасида мактаб деворида ҳосил бўлган туйнукдан аллақандай махлуқ танаси киришга уринди. Туйнук рўпарасидаги деворга эса ташқаридан улоқтирилаётган қарғиш яшинлари келиб урилмоқда.

- Эгилинг! - қичқирди Гарри.

Қоронғиликдан улоқтирилаётган яшинлар сони тобора кўпаймоқда. Гарри билан Рон Гермионани маҳкам ушлаб, ерга ётқизишди. Перси Фреднинг устига ётиб, танаси билан яшинлардан ҳимоя қилмоқда.

- Перси, бу ердан тезроқ кетиш керак! - бақирди Гарри.

Кир юзидан ёш оқаётган Рон акасининг елкасига қўлини қўйиб, тортди. Бироқ Перси ўрнидан туришни истамади.

- Перси, унга ҳеч қандай ёрдам бера олмаймиз энди, юр, кетайлик...

Гермиона қаттиқ чинқираб юборди. Ўгирилиб қараган Гаррига қичқириқ сабабини сўрашга ҳожат бўлмади. Ўлчами автомобилдай келадиган мудҳиш ўргимчак деворда ҳосил бўлган рахна орқали ичкарига киришга уринмоқда. Арагог авлодлари жангга қўшилган кўринади. Рон билан Гермиона баралла бақириб, йўллаган яшинлари бирлашганча, махлуқни орқага улоқтириб ташлади. Оёқ силтаган улкан ҳайвон қоронғиликда гум бўлди.

- Вольдеморт дўстларини ҳашарга чақирибди! - деди Рон. Гарри қаср деворидаги туйнукдан ташқарига қаради. Ман этилган ўрмондан чиққан йирик ўргимчаклар мактаб томон югуришмоқда. Афтидан, уларни Ўлимдан мириқувчилар қувиб чиқаришган кўринади. Гарри йўл бошлаб келаётган ўргимчакни нишонга олиб, яшин улоқтирди. Махлуқнинг ўлими қабиладошларини чекиниб, кўздан ғойиб бўлишга мажбур қилди. Қарғиш яшинлари Гаррининг боши узра чийиллаб учиб, ҳавони тебратди.

- Кетдик бу ердан, тезроқ!

Гермиона билан Роннинг орасига суқилиб кирган Гарри энгашиб, Фреднинг жасадини маҳкам ушлади. Перси Гаррининг ниятини фаҳмлаб, ёрдамлаша бошлади. Иккаласи душман яшинлари тегмаслиги учун ўтирган ҳолатда Фреднинг жасадини йўлакдан нари тортиб кетишди.

- Ана, анави ерга! - кўрсатди Гарри.

Улар жасадни анжом-аслаҳадан бўшаган меҳробга ётқизишди. Гарри Фреднинг юзига бир-икки сониядан ортиқ қарай олмаяпти. Гарри жасадни ишончли бекитгач, Рон билан Гермионанинг ортидан одимлади.

Малфой билан Гойл жойида йўқ. Йўлакнинг нариги бошида, шағал тўкилиб кўтарилган қалин чанг ортида одамлар танда қўйгандек у ёқ, бу ёқ юришибди. Уларнинг қай бири дўст-у, қай бири душман – билиб бўлмайди.

Муюлиш ортига ўтишгач, бир нечта ўқувчига ташланиб, таъқиб қилаётган новча бўйли Ўлимдан мириқувчи кўринди.

- Руквуд! - наъра тортди Перси, душман ортидан қувиб.

- Гарри, бу ёққа! - бақирди Гермиона.

Қиз Ронни гобелен ортига тортди. Гаррининг назарида, улар гилам ортига ўтиб, қучоқлашаётгандай бўлди. Аслида эса Гермиона, Персига эргашиб югуриб кетмаслиги учун, Ронни

ушлаб қолишга уринмоқда.

- Қулоқ сол, Рон! МЕНГА ҚАРА РОН!

- Акамга ёрдам бераман! Ўлимдан мириқувчиларни битта қўймай қириб чиқаман!

Роннинг чанг ва қурумга беланган юзи дар-алам ва нафратдан буришиб кетган.

- Рон, ушбу ҳодисаларнинг барига барҳам берадиган одамлар фақат бизмиз! - йиғлади Гермiona, - Илтимос, тинчлан Рон, дастлаб илонни ўлдиришимиз керак.

Ҳозир Рон нималарни ҳис қилаётганини Гарри яхши билади.

Рухдоннинг йўқ қилиниши, унинг хун олишга бўлган ташналигини қондира олмайди, албатта. У курашмоқчи,

Фреднинг қотилларини қаттиқ жазоламоқчи! Қолган

Уэслиларни топиб, уларнинг бари соғ-саломат эканлигига

ишонч ҳосил қилмоқчи. Айниқса, Жиннанинг, қани ўзи у?

- Биз шу кунгача матонат-ла курашдик! - деди Гермiona, куйган енги билан кўз ёшини артиб, - Энди илонга етишимиз керак. Буларнинг барига барҳам берадиган одамлар фақат биз бўламиз холос!

Ронни маҳкам ушлаган қиз чуқур нафас олди-да, Гаррига юзланди.

- Вольдеморт қаерда юрибди, бил-чи, қани. Чунки илонни у ҳамиша ёнида олиб юради, тўғрими? Кириб чиқ, Вольдемортнинг онгига!

Нега бу иш осон кечди? Чунки Гаррининг чандиғи кўп соатдан буён, худди Вольдемортнинг ўйларидан бохабар қилиб бормоқчи бўлгандай, қизиган ҳолатда юрибди.

Гарри Гермionанинг талабига биноан кўзини чирт юмди.

Бақир-чақир, зарба каби, жанг товушлари шу заҳоти пасайиб, жангоҳдан узоқда янграмоқда. У хилват, лекин жуда таниш, девордаги гулқоғози йиртилган, битта деразаси очиқ қолиб, қолганига тахта қоқиб ёпилган хона ўртасида турибди.

Мактаб биносига уюштирилган ҳужум узоқдан бўғиқ

эшитилмоқда. Қаср яқинида ярқираётган яшинлар очиқ

қолган деразадан узоқда кўринмоқда. Хона қоронғи бўлиб,

биттагина керосин фонус ёниб турибди. Сехрли таёқчасини

бармоқлар орасида юмалатаётган Вольдеморт қасрдаги

фақат ўзи биладиган яширин хона ҳақида ўйламоқда. Даркор хонани фақат ақлли, айёр, ҳар нарсага қизиқувчан кишигина

топиши мумкин... Ишончи комил-ки, бола тиарани топа олмайди. Гарчи Дамблдорнинг ушбу қўғирчоғи кутилгандан ҳам анча олдинга... ҳа, анча олдинга илгарилаган бўлса-да...

- Менинг Лордим, - эшитилди умидсиз, синиқ овоз.

У ўгирилиб, қоронғи бурчакка биқиниб олган, болани қочириб юборгани учун олган жазосидан қолган жароҳатлари ҳали битмаган, бир кўзи шишиб, очилмай қолган Люциус Малфойга қаради.

- Менинг Лордим... илтимос... ўғлим...

- Мабодо ўғлингиз ўлса, Люциус, бу мен йўл қўйган хато бўлмайди... Ўғлингиз қолган слизеринчилар каби, ҳузуримга келиб, тарафдорларим сафига қўшилмади. Афтидан у, Гарри Поттерга ёрдам қўлини узатишга аҳд қилган кўринади.

- Йўқ, у ҳеч қачон... - пичирлади Малфой.

- Ҳа, сиз шунга умид қилишингиз керак.

- Поттер бировнинг қўлидан ўлим топиши мумкинлигидан қўрқмайсиз-ми, менинг Лордим? - сўради Малфой, бироз иккиланиб, - Бу жангни... маъзур санайсиз-у, тўхтатиб... қасрга ўзингиз кирсангиз, болани қидириб топсангиз... мулоҳазакорлик билан тутилган иш бўлмас эдими?

- Жинниликка солма ўзингни, Люциус. Ўғлингга нима қилганини билиш учун жанг тўхтатилишини истайсан-да, тўғрими? Поттерни қидириш шарт эмас менга. Қоронғи тушгунча ўзи келади, мени қидириб.

Вольдеморт қўлида ўйнатаётган сеҳрли таёқчага диққат билан қаради. Таёқча уни ташвишга солмоқда... Лорд Вольдемортни ташвишга соладиган ҳар қандай муаммо ўз ечимини топиши шарт...

- Тур, Снеггни чақириб кел, ҳузуримга.

- Снеггни дедингизми, Лордим?

- Ҳа, Снеггни! Менга керак, у... Ҳозироқ! Бор.

Қути ўчиб, юрагини олдирган Люциус қоронғиликка кириб кетганча, хонани тарк этди. Вольдеморт бармоқлари орасида ўйнатаётган сеҳрли таёқчасига қараганча, турган жойида қолди.

- Ягона йўли шу, Нагайна, - пичирлади у, орқасига ўгирилиб. Хонада чекланган макон бўлиб, унда узун йўғон илон ётибди. Ушбу макон қандайдир шаффоф, қафас билан идишни эслатадиган юлдузли қубба воситасида муҳофаза қилинган.

Нафаси бўғилган Гарри ортга чекиниб, кўзини очди.

Қулоғига яна қичқириқлар ва жанг шовқини эшитилди.

- Илон унинг ёнида, ўзи Фигон кулбасида. Илоннинг атрофи қандайдир сеҳр врситасида ҳимоя қилинган. У ҳозиргина Снеггни топиб келиши учун Люциус Малфойни чиқариб юборди.

- Вольдеморт Фигон кулбасида?! - ҳайрон бўлди Гермиона, - У... у... ЖАНГ ҚИЛМАЯПТИМИ?

- Тарафдорлари билан бир сафда туриб жанг қилиши кераклигини хаёлига ҳам келтиргани йўқ, - деди Гарри, - Унинг фикрича, мен ўзим борар эканман, ҳузурига.

- Сабаб?

- Илон аслида руҳдон эканлигини билишимдан хабардор. Шу боис ҳам, илони Нагайнани ёнида сақлаяпти. Дарҳақиқат, илонга етиш учун унинг ҳузурига боришим керак бўлади, шекилли.

- Тўғри! - деди Рон, қаддини ростлаб, - Фақат сен у ерга бормайсан. Чунки Вольдеморт сени кутади, мени эса - йўқ. Сен шу ерда қолиб, Гермионага қараб турасан. Мен эса бориб, илонини тинчитиб келаман.

Гарри Ронга яқинроқ борди.

- Иккалангиз ҳам шу ерда қоласиз. Мен плашимни кияман-да, ўзим бораман,. Илонни ўлдиришим билан изимга қайтаман...

- Йўқ, - эътироз билдирди Гермиона, - Мен боришим керак. Кўринмас плашни...

- Хаёлингга ҳам келтирма! - бақирди Рон Гермионага.

- Рон, мен... - гап бошлади Гермиона, бироқ фикрини охиригача айта олмади.

- ПОТТЕР!

Юзига ниқоб таққан иккита Ўлимдан мириқувчи зина бошига етди-ю, сеҳрли таёқчаларини кўтаришга улгуришмади.

- Глиццео! - қичқирди Гермиона.

Зина оғиб, тарновга айланди, Гарри, Рон ва Гермиона шиддат-ла пастга сирпаниб, зина рўпарасидаги гобелен ортига ўтганча, ички деворга бориб урилишди. Ўлимдан мириқувчилар улоқтирган яшинлар учаласининг боши узра баланд учиб ўтди.

- Дуро! - хитоб қилди Гермиона, сеҳрли таёқчасини гобеленга ўқтаб.

Тарнов-зинадан сирпаниб тушган иккала Ўлимдан мириқувчи тошга айланган гобеленга қатиқ урилиб, жони оғриганидан қаттиқ ўкиришди.

- Орқага! - бақирди Рон.

Гарри билан Гермиона эшик ортига бекинишди. Йўлакдан профессор Макгоннагаллнинг олдига чиқиб олган бир гуруҳ ўқувчи югуриб ўтди. Сочи тўзиб, лунжи кир бўлган профессор учаласини кўрмади. Муюлиш ортига ўтгач, жанговар гуруҳга буйруқ берди:

- Ўқла!

- Гарри, кўринмас плашингни устингга ташла, бизни ўйлама, - деди Гермиона.

Гарри плашни учаласининг устига ташлади. Тўс-тўполон ва чангда уларнинг оёқларини биров кўрмайди. Кейинги йўлакка ўтиб, дуэль отишаётган рақиблар орасига, навбатдаги зинадан пастга тушиб, жанг қилаётган бошқа гуруҳ ичига кириб қолишди. Йўлакнинг иккала томонида осифлиқ портретлар эса маслаҳатчилар ва далда берувчиларнинг тасвирига тўлган. Ниқоб таққан ва ниқобсиз Ўлимдан мириқувчилар ўқувчи ва ўқитувчиларга қарши жанг қилишмоқда. Ўзига сеҳрли таёқча топиб олган Дин Томас Долохов билан, Пэтил Парватти эса Треверс билан олишмоқда. Гарри, Рон ва Гермиона сеҳрли таёқчаларини шай тутиб олишган, лекин жангчилар шу қадар тез ҳаракатланишмоқда-ки, рақибга қарата қўлланилган қарғиш дўстлардан бирортасига зарар етказиб қўйиши мумкин. Учовлон душманга ҳамла қилиш учун пайт пойлар экан, қаердандир «ВИИИИ!» деган қичқириқ эшитилди. Бошини кўтариб, юқорига қараган болалар ҳавода муаллақ осилиб олганча, Ўлимдан мириқувчилар устига Снарвалафф қўзоқларини улоқтираётган полтергейст Дрюзгни кўришди. Қўзоқ Ўлимдан мириқувчининг бошида типирлаганча ерга кираётган қурт сингари илдиз отиб, тез кўкара бошлади.

- Мана сенга! Мана сенга!

Қўзоқлардан бири Роннинг плаш остидаги бошига тушди. Сўлғин яшил илдиз шу заҳоти жонга кириб, Роннинг қоқиб ташлашга уринишига қарамай, тебранганча, тез илдиз отишга киришди.

- Анави ерда кўринмас одам бор экан! - қичқирди ниқоб

таққан Ўлимдан мириқувчилардан бири.

Дин, ушбу Ўлимдан мириқувчининг чалғиганидан фойдаланиб, уни донг қотириб ташлади. Долохов жавоб қайтармоқчи бўлди-ю, Парвати уни боғлаш афсуни билан зарарсизлантирди.

- КЕТДИК! - қичқирди Гарри.

Учовлон жангчилар орасидан ўсимлик шарбатида сирпанганча, мрамр зина бўйлаб аста юриб, Дурслларнинг уйи бус-бутунлигича сиғадиган катта вестибюль томон одимлади.

- Мен Драко Малфойман, Дракоман мен, танимаяпсиз-ми? Мен сиз томонда курашяпман! - ўтинди Малфой, ниқоб таққан Ўлимдан мириқувчига.

Унинг ёнидан ўтиб борар экан Гарри Ўлимдан мириқувчига қарата донг қотириш афсунини қўлади. Яшнаб кетган Малфой атрофга аланглаб, кўринмас халоскорини қидирди. Рон эса плаш остидан Малфойнинг башарасига кучи борича мушт қўйиб, қичқирди:

- Шу бугуннинг ўзида ҳаётингни иккинчи бор сақлаб қолишимиз, мунофиқ ҳаромзода!

Тиши синиб, оғзи қонга тўлган Малфой, уни ҳозиргина ўлдирмоқчи бўлган Ўлимдан мириқувчининг устига чалқанчасига йиқилди.

Зина ва вестибюль дуэлчиларга тўлган. Ўлимдан мириқувчилар ҳамма жойда бор. Яксли олд эшик олдида Флитвик билан жанг қилаётган бўлса, Кинсли ниқоб таққан Ўлимдан мириқувчи билан олишмоқда.

Ўқувчилар атрофда зир югуриб юришибди. Уларнинг айримлари яраланган дўстларига ёрдам беришмоқда. Гарри Ўлимдан мириқувчилардан бирига қарата яшин улоқтириб, кутилмаганда пайдо бўлиб, душманга заҳарли тентакул ўсимлигини улоқтираётган Невиллни яралаб қўйишига сал қолди. Улоқтирилган ушбу ўсимликнинг бир боғи Ўлимдан мириқувчининг башарасига маҳкам ёпишиб, қонини сўра бошлади.

Мрамр зинадан аста тушаётган Гарри, Рон ва Гермионанинг оёғи остида Слизерин факультетига тегишли, зумрад шарлар воситасида балл ҳисобини юритган қум соатнинг чилпарчин бўлган шиша бўлаклари ғарчиллади. Соат шарлари эса

югуриб юрган одамларнинг оёғи остида сочилиб ётибди. Болохонадан икки киши тушиб кетди. Гаррининг кўзига ҳайвондай кўринган аллақандай махлуқ тўрт оёқлаб югурганча келиб, улардан бирини қаттиқ тишлади.

- ЙЎҚ!

Қаттиқ қичқирган Гермионанинг сеҳрли таёқчасидан отилиб чиққан яшин Фенрир Уолкни базўр қимирлаётган Лаванда Брауннинг танасидан нари улоқтирди. Уолк мрамор панжарани вайрон қилиб бўлса ҳам, Лаванданинг оёғига етиб, чангаллашга интилди. Бошига тушиб, оппоқ олов чиқарганча портлаган биллур шар уни ерга ёпиштириб, тинчитди.

- Янада каттароғи бор менда! - бақирди профессор Трелани, - Ким талабгор? Мана!...

Профессор сумкасида чиқарган каттароқ шарни, теннис коптогига зарб беришдан олдин юқорига ирғитилгандай ирғитиб, сеҳрли таёқчаси билан тезлик берди. Вестибюль бўйлаб ўқдай учган шар дераза ойнасини синдирганча, ташқарига учиб кетди.

Олд эшик портлаб, ичкарига йирик ўргимчаклар галаси ёпирилиб кирди. Ҳавони мудҳиш террор наъраси титратиб юборди. «Хогварц» ҳимоячилари ҳам, Ўлимдан мириқувчилар ҳам тумтарақай бўлди. Даҳшатли маҳлуқлар галасининг ўртасига қарата қизил ва яшил яшинлар улоқтирилди. Зарба кучидан жони оғриган ўргимчаклар орқа оёқларига тик туриб, янада қўрқинчли тус олди.

- Энди нима қиламиз? - бақирди Рон, - Кўчага қандай чиқамиз?

Гарри билан Гермиона нима дейишни билишмади.

Кутилмаганда пушти рангли гулли соябонини ҳар томон силтаганча пайдо бўлган Хагрид зинадан гумбурлаб тушар экан, овози борича қичқирди:

- Яралаб қўйманг уларни! Яралаб қўйманг!

- Хагрид, тўхта! ЙЎҚ!

Гарри ҳамма нарсани унутиб, бутун бошли вестибюлни ёритаётган яшинларга чап берганча, плаш остидан югуриб чиқди.

- Тўхта Хагрид, қайт дедим сенга!

Бироқ Гарри дўстининг яқинига ҳам боришга улгурмади.

Хагрид улкан ўргимчаклар орасида ғойиб бўлди. Сон-саноқсиз қарғиш яшинларига бардош бера олмаган махлуқлар қўлга киритилган йирик ўлжани маҳкам чангаллаганча, шиддат-ла ортга чекинишди.

- Хагрид!

Гарри ҳеч нарсага эътибор бермай, пастга югурди. Ўргимчаклар анча узоқлашган бўлиб, Хагрид кўзга кўринмади.

- Хагрид!

Йирик ҳашаротлар кўчи орасидан қўл чиқиб, силтагандай бўлди.

Зулмат ичидан ерни зириллатганча пайдо бўлган улкан оёқ Хагриднинг ортидан югуриб чиққан Гаррининг йўлини тўсди. Бошини юқорига кўтарган Гарри олдида бўйи йигирма футча келадиган давангир турганини базўр идрок этди. Махлуқнинг қоронғи осмонга кириб кетган боши умуман кўринмайди, фақат ўлчами йирик дарахт танасидай келадиган, қаср эшигидан чиқаётган нур ёритган жунли оёғи кўринмоқда холос. Давангир кескин ҳаракат бажариб, юқоридаги деразалардан бирига мушт солди. Тепадан тўкилган парчалар Гаррини ичкарига чекинишга мажбур қилди.

- Вой, Худойим! - бақирди Гермиона.

Гаррини қувиб етган Рон билан Гермиона юқорига, давангирнинг ҳаракатига қарашмоқда.

- Уриб йиқитинг уни! - қичқирди Рон, Гермионанинг қўлидан маҳкам ушлаб, - Қасрнинг ярмини уриб мажақлайди-ю, у!

- ХАДИД?

Бино бурчаги ортидан Гурп чиқиб келди. У чиндан ҳам катта эмаслигига Гарри энди ишонди. Одам ушлашга ҳаракат қилаётган мудҳиш махлуқ бошини кўтариб, қаттиқ ириллади. Тош зинани титратганча пакана бўйли қабиладоши томон одимлади. Гурп ҳам, ҳар бири ғиштдай келадиган сариқ тишини яланғочлаб, даҳшатли овоз чиқарди. Иккала давангир шердай важоҳат-ла бир-бирига ташланди.

- Қочдик! - ўкирди Гарри.

Давангирлар муштлишиб, тунги ҳовли қўрқинчли наъралар-у, зарбаларга тўлди. Гарри Гермионанинг қўлидан маҳкам ушлаб, тош зинадан туширганча, ҳовлига тортди. Рон уларнинг орқасидан югурди. Гарри Хагридни топиб,

қутқариш умидини ҳали йўқотмаган. У шу қадар тез югурмоқда-ки, яна тўхташга мажбур бўлгунча, ўрмонгача бўлган йўлнинг ярмини босиб ўтди.

Ҳаво кескин совиб, муздай бўлиб қолганидан Гаррининг нафаси ичига тушиб кетди. Тим қоронғиликда бошига қайтарма ёқа ташлаб, кенг саф тортган, қуюқ зулматдан тўқилган шарпалар хириллаб нафас олганча қаср томон ҳаракат бошлади.

Рон билан Гермиона Гаррини қувиб етди. Орқада қолган жанг шовқини бирданига пасайди. Бундай жимжитликка фақат дементорлар сабабчи бўлиши мумкин холос.

Фред ҳалок бўлди, Хагрид ҳам ҳалокат ёқасида, агар ҳалок бўлишга улгурмаган бўлса...

- Ҳимоячингни чақир, Гарри! - бақирди Гермиона, - Ҳимоячингни, Гарри, тез бўл!

Сеҳрли таёқчасини кўтарган Гаррининг вужудини умидсизлик қамради. Фред билан Хагриддан ташқари, яна қанчадан қанча одам ҳалок бўлди экан?... Руҳи танасини тарк этаётганини ҳис этмоқда...

- Гарри! Тезроқ, ГАРРИ! - ўқирди Гермиона.

Юзлаб дементорлар чуқур хириллаганча яқинлашиб келмоқда.

Роннинг кумуш тусли овчи ити ҳавога чиқиб, хира милтиллаганча, кўздан ғойиб бўлаётганини, Гермионанинг қундузи ҳавода уюрмаланиб, гум бўлганини кўрди. Ўзининг қўлидаги сеҳрли таёқча титраётганини ҳис этиб, яқинлашиб келаётган беҳушликни деярли қутлади...

Кутилмаганда, Гарри билан Роннинг ёнидан, Гермионанинг боши устидан кумуш қуён, ахта чўчқа, тулки учиб ўтди. Дементорлар ушбу жониворларнинг ҳамласидан нари чекинди.

Луна, Эрни ва Симус қоронғиликдан чиқиб келиб, ҳар бири ўз ҳимоячисини қўллаб турибди.

- Жуда соз! - деди Луна.

Қизнинг кучли далда берган овози худди Дамблдор армияси ўз машғулотларини давом этиш учун яна Даркор хонага йиғилгандай эшитилди.

- Ишлар жойида, Гарри, - деди Рон синиқ овозда, - Бирон-бир бахтли ҳодисани эсла энди.

- Биз ҳали шу ердамиз, - пичирлади Гермиона, - Биз курашни давом этмоқдамиз! Бардам бўл, Гарри!

Гаррининг сеҳрли таёқчаси дастлаб кумуш учқун сачратди, сўнг бироз титраган нур кўринди, кейин эса таёқча учидан портлаб чиққан Ҳимоячи теварак-атрофни кучли ёритиб юборди. Яқин орада бирорта ҳам дементор қолмади. Тун ўз ҳолатига қайтиб, жанг шовқини боз янгради.

- Қандай миннатдорлик билдиришни ҳам билмайман, - деди Рон, уччала халоскор томон юзланиб, - Сиз бизни қутқардингиз.

Ўрмон устидаги қоронғиликдан кучли наъра тортганча, бўйи янада баланд давангир чиқиб келди. Унинг ҳар бир босган қадами ерни титратмоқда.

- Қочдик! - бақирди Гарри.

Бундай буйруққа эҳтиёж сезмаган болалар аллақачон ҳаракат бошлашган. Бир-икки сония ўтиб, юқоридан улар турган жойга улкан оёқ келиб тушди. Гарри атрофга қаради. Рон билан Гермиона унинг изидан югуришмоқда, қолганлар эса ортда қолиб, кўздан ғойиб бўлишди.

Давангир яна қулочкашлаб, ўз наъраси ила қизил ва яшил тусли яшинлар ёритаётган осмонни зириллатди.

- Юринглар, узоқроқ кетайлик бу ердан! - овоз кўтарди Рон.

- Уришқоқ тол, - деди Гарри, - Кетдик ўша ерга.

Атрофи кўринмас девор билан ўралган бўлиб, ушбу ҳодисаларнинг бари лик тўлган ва энди ўзи ҳам чўма олмаётган онгида кечяпти, деб ўйлаган эди. Яқин кишиларининг азият чекаётгани ҳақидаги, Фред билан Хагридга оид ўйлар энди бироз кутиб туриши керак. Чунки улар югуриши, илон билан Вольдемортга етишлари лозим. Гермионанинг таъбири ила айтганда, буларнинг барига ўзлари барҳам беришлари даркор.

У ўлимдан ўзиб ўтиши мумкинлигига ишонган ҳолда, қоронғиликда ён-веридан учиб ўтаётган яшинларни писанд қилмай, кўлнинг денгиз сингари шовуллаши, шамол йўқлигига қарамай, Ман этилган ўрмоннинг ғичирлашига эътибор бермай югурмоқда. Ҳаётида ҳали бунчалик тез югурмаган. Уришқоқ тол, деб ном олган, илдизи остида сир сақлаётган улкан дарахт ўз шох-у новдаларини қамчидай силтамоқда.

Ҳаллослаб югурган Гарри секинлади. Толнинг ҳаво савалаётган шохларини назардан четга чиқармаган ҳолда, эски дарахтнинг қоронғиликда қолган танасини диққат билан кўздан кечириб, ҳаракатини тўхтатадиган ягона тугмасини қидирди.

Рон билан Гермиона шу қадар ҳаллосламоқда-ки, сўз айтишга ярамай қолишган.

- Қандай кирамиз? - сўради ниҳоят Рон, ҳансираб, - Ана у, кўриб турибман тугмасини... Илгак-ўзак бўлганда...

- Илгак-ўзак? - хириллади икки букилиб, базўр нафас олаётган Гермиона, - Сеҳргармисан ўзи сен, ё масхарабоз?

- Ҳа-я, тўғри айтасан...

Рон атрофга қараб, сеҳрли таёқчасини ерда ётган хомага ўқтади.

- Вингардиум Левиоза!

Хома ҳавога кўтарилиб, худди шамол учиргандай, Уришқоқ толнинг беаёв савалаётган шохлари орасидан учиб, илдиз олдидаги тугмага бориб урилди. Дарахт шу заҳоти донг қотди.

- Жуда соз! - мақтади, нафасини ҳамон ростлай олмаётган Гермиона.

- Шошманг, - тўхтатди Гарри.

У бироз иккиланиб қолди. Вольдеморт Гаррини кутяпти, ҳузурига келишини хоҳлаяпти... Гарри эса Рон билан Гермионани ҳам ўзига қўшиб, тузоққа олиб келди. Воқелик аслида ўта шафқатсиз ва айни вақтда жуда содда: ушбу курашда олға илгарилашнинг ягона йўли илонни ўлдиришдир. Илон Вольдемортнинг ёнида. Вольдеморт эса мана бу туннелнинг нариги бошида...

- Гарри, кетдик, йўл бошла! - деди Рон, орқасидан туртиб. Гарри дарахт илдизи яширган ерости йўлаги бўйлаб эгилиб-букилиб бормоқда. Охирги марта ўтганида бунчалик қийналмаган эди. Туннель шифти паст бўлиб, тўрт йил муқаддам улар бу ердан бошларини бироз эгиб ўтишган эди. Энди эса сал кам тўрт оёқлаб юришмоқда.

Гарри олдинда бормоқда. Унинг йўл ёритаётган сеҳрли таёқчаси ҳар қандай фурсатда тўсиққа рўбару бўлиши керак. Ҳозирча эса тўсиқ учрамаяпти. Улар шовқин солмай, секин одимлашмоқда. Гарри диққат-эътиборини қўлида маҳкам

ушлаган сеҳрли таёқчасининг титраётган нурига қаратган. Ниҳоят тунель кенгая бошлади. Олдинда нур таралаётган кичик тирқиш кўринди.

- Плаш! - пичирлади Гермiona, Гаррининг оёғидан тортиб, - Плашни устингга ташлаб ол.

Қиз Гаррининг орқага узатилган қўлига кўринмас плашни ушлатди. Гарри уни бир амаллаб тортиб, устига ташлади.

- Нокс, - деди у, сеҳрли таёқчаси таратаётган шуълани ўчириб.

Ҳозир Гаррининг жамики ҳис-туйғуси зўриққан: ҳар қандай фурсатда фош этилиши, аниқ, совуқ овозни эшитиши, яшил яшинни кўриши мумкин.

Рўпарасидаги хонадан одам овози эшитилди. Туннель тирқишини эски сават тўсиб, одам овозини бўғмоқда.

Нафас олишга ҳам базўр журъат этаётган Гарри олдинга бироз сурилиб, сават билан девор ўртасидаги тор туйнук орқали ичкарига қаради. Хира ёритилган хонада ҳавода муаллақ осилган шаффоф қубба, унинг ичида, худди сувда сузатган каби, ҳалқа бўйлаб айланаётган Нагайна, шунингдек, стол чети, стол устида эса узун бармоқлари сеҳрли таёқча ўйнаётган оппоқ қўлнинг бир қисми кўринди. Снегнинг бир неча дюйм нарида янграган овозини эшитиб, Гаррининг юраги сапчиб тушди.

- ... менинг Лордим, рақибнинг қаршилиги заифлашиб бормоқда...

- Ва бу сизнинг ёрдамингизсиз кечмоқда, - деди Вольдеморт, ўзининг баланд, аниқ овози билан, - Сен юқори малакали сеҳргарсан, Северус, лекин кўп нарсани ўзгартириб юборишга қодирсан, деб ўйламайман... Биз деярли забт этдик... деярли.

- Ижозат беринг, болани топиб келай. Уни топа олишимни аниқ биламан, Лордим. Рухсат беринг, Поттерни ҳузурингизга судраб келай. Илтимос, ижозат беринг. Снег тирқиш яқинида у ёқ, бу ёқ юрибди. Гарри кўзини Нагайнадан узмай, бироз сурилди. Илоннинг муҳофазасини бузиб ўтадиган қандай афсун борлиги ҳақида ўйланди-ю, хаёлига ҳеч нарса келмади... Муваффақиятсиз кечадиган битта уриниш билан ўзини фош этади.

Вольдеморт ўрнидан турди. Энди Гарри унинг қип-қизил

кўзи, рангпарлигидан ним қоронғиликда деярили милтиллаётган силлиқ илон башарасини кўрмоқда.

- Мен бир муаммога рўбару бўлдим, Северус, - деди Вольдемоорт, мулойим овозда.

- Қанақанги муаммо экан у, Лордим?

Вольдемоорт Қадимий сеҳрли таёқчани назокат-ла кўтарди.

- Нега ишламаяпти бу, Северус?

Жимжитликда Гаррининг қулоғига дам ўралиб, дам ёзилаётган илоннинг вишиллагани чалингандай бўлди. Ёки Вольдемоорт шундай нафас оляптими, тушунмади.

- Менинг Лордим, ушбу сеҳрли таёқча воситасида сиз фавқулодда зўр сеҳр-жоду амалларини бажардингиз, - деди Снегг, бепарволик оҳангида, - Қанақа муаммо бўлиши мумкин?

- Йўқ, - эътироз билдирди Вольдемоорт, - Мен ўзим фавқулодда зўр сеҳргарман ва ўзимнинг одатий сеҳр-жоду амалларимни бажаряпман, бироқ мана таёқча... Қисқаси, у, ваъда қилинган сеҳрни намоён этмади. Ушбу таёқча билан Олливандер ясаган ва мен бир умр фойдаланган сеҳрли таёқча ўртасида бирон-бир фарқ борлигини сезмадим... Вольдемоорт хотиржам мулоҳаза юритаётганига қарамай, Гаррининг чандиғи аста лўқиллай бошлади, пешанаси оғриб, ушбу оғриққа Вольдемоортнинг вужудини қамраб бораётган ғазаб сабаб бўлаётганини ҳис этди.

- Бирон-бир фарқ йўқ, - такрорлади Вольдемоорт.

Снегг индамади. Унинг юзи кўринмаяпти. Снегг хавотирланаётгани, ўз соҳибини ишонтириш учун бирон-бир тўғри сўз топишга уринаётгани Гаррига қизиқ туюлди. Вольдемоорт хона бўйлаб аста юрмоқда. Бир жойда турмагани боис, Гаррининг кўзига узоқ кўринмай қоляпти. Вазмин оҳангда гапирётганига қарамай, Гаррининг вужудидаги ғазаб ва оғриқ кучайиб бормоқда.

- Узоқ ва жиддий мулоҳаза юритдим, Северус... Жанг майдонидан сени нима мақсадда чақиртирганимни биласанми?

Гарри Снеггни ён томондан кўриб қолди. У сеҳрли қафасга қамалган илонга қараб турибди.

- Йўқ, Лордим, билмайман. Ижозат беринг, жангга қайтай. Бориб, Поттерни топиб келай.

- Люциусга ўхшаб қолибсан. Бирортангиз Поттерни мендай тушуна олмайсиз. Поттернинг ўзи келади ҳузуримга. Унинг заиф жойини, катта хатоларини фақат мен биламан.

Айбдорлигига қарамай, атрофида кўплаб одамлар қурбон бўлаётганини кўриб, идрок этишни истамайди. Нима қилиб бўлса ҳам, ушбу ҳодисаларга барҳам беришни хоҳлайди. У келади.

- Аммо Лордим, уни бошқа биров бехос ўлдириб қўйиши мумкин...

- Ўлимдан мириқувчиларга берган йўл-йўриқларим ўта аниқ мазмунга эга: Поттерни тириклайин қўлга олиш, дўстларининг имкон қадар кўпчилигини ўлдириш. Қанча кўп дўсти ўлса, шунча яхши, лекин ўзини ўлдирмаслик. Бироқ сени чақиртиришдан мақсад, Гарри Поттер мавзусини муҳокама қилиш эмас, сен ҳақда фикр юритишдир. Сен катта наф келтирган одам бўлдинг. Мен учун жуда фойдали...

- Лордим, биласиз, мен сизга ҳамиша садоқат-ла хизмат қилиб келганман. Ижозат берсангиз, бориб болани топиб келсам. Уни шу ерга судраб келишга рухсат беринг. Бу ишни уддалай олишимни яхши биламан.

- Йўқ, дедим-ми, бас! - жеркиб берди Вольдеморт.

Гарри Вольдемортнинг қип-қизил кўзини кўрди. Плашини ҳилпиратиб юриши илоннинг судралишига ўхшади. Чандиғи ловуллаб қизий бошлаганидан Вольдеморт бетоқат бўлаётганини ҳис этди.

- Бола билан юзма-юз келганимда қандай ҳодиса рўй бериши мумкинлиги ташвишга соляпти мени, Северус.

- Лордим, ҳеч шубҳа йўқ-ки...

- Бор шубҳа, Северус, шубҳа бор.

Вольдеморт юришдан тўхтади. Гарри қўлида Қадимий сеҳрли таёқчани ўйнатиб, Снегг томон қараб турган Вольдемортни кўрмоқда.

- Нима учун Поттерга йўналтирилган сеҳрли таёқчаларнинг иккаласи ҳам кор бермади, Северус?

- Бу саволга жавоб бера олмайман, Лордим.

- Жавоб бера олмайсан?!

Ғазаб тўлқини миясига тиканакдай санчилаётган Гарри оғриқдан додлаб юбормаслик учун қўлини тишлаб олди, кўзини чирт юмиб, Снеггнинг рангпар юзига қараб турган

Вольдемортга айланди.

- Тисс билан қақнус патидан тайёрланган сеҳрли таёқчам, Северус, мен сўраган ҳар қандай сеҳрни бажарди. Фақат Гарри Поттерни ўлдирмади холос. Ва бу ҳолат икки марта юз берди. Қийноққа солинган Олливандер бошқа бировнинг сеҳрли таёқчасини қўллашим кераклигини айтди.

Айтганидай қилдим. Бироқ Люциуснинг таёқчаси Поттерга рўбару келиб, ёрилди.

- Бундай ҳолат сабабини изоҳлаб бера олмайман, Лордим... Ҳимоя куббаси ичидаги илон ҳалқаларидан кўзини узмаган Снегг Вольдемортнинг кўзига қарамаяпти.

- Учинчи таёқчани, яъни Қадимий таёқча, Тақдир таёқчаси, Қирғин таёқчаси деб аталадиган мана бу сеҳрли таёқчани қидиришга киришдим. Охири топиб, олдинги соҳибидан олиб қўйдим. Уни мен Альбус Дамблдорнинг қабридан мусодара қилдим, Северус.

Снегг Вольдемортга қаради. Оқ мрамардан ясалгандай ғайритабиий қотган юзи мурданинг юзидан фарқ қилмай қолган.

- Лордим, ижозат беринг, болани топиб келай.

- Ғалабага оз қолган бир вақтда туни билан шу ерда ўтирдим, - деди Вольдеморт, пичирлагандан сал баландроқ гапириб, - Нима учун мана бу Қадимий сеҳрли таёқча ўз қудратини намоён этмагани, қонуний соҳибининг қўлида кўрсатиши керак бўлган кароматини кўрсатмагани ҳақида узоқ ўйландим... ва фикримча, саволимга жавоб топа билдим. Снегг индамади.

- Эҳтимол биларсан, саволим жавобини, Северус? Сен ақлли, садоқатли, яхши одамсан. Қилишим керак бўлган ишимдан жуда афсусдаман.

- Лордим...

- Ушбу Қадимий таёқча талаб даражасида хизмат қилмайди менга, Северус, чунки унинг ҳақиқий соҳиби мен эмасман. Бу таёқча, унинг олдинги соҳибини ўлдирган одамга тегишли. Альбус Дамблдорни эса сен ўлдирдинг, Северус. Токи сен тирик экансан, Қадимий таёқча меники бўла олмайди.

- Лордим, - эътироз билдирди Снегг, сеҳрли таёқчасини кўтариб.

- Ягона йўли шу, Северус, - деди Вольдеморт, - Сеҳрли

таёқчани ўзимга бўйсундиришим керак. У чиндан ҳам меники бўлсагина, Поттерни ўлдиролман.

Вольдемоорт қўлидаги Қадимий сеҳрли таёқчани кучли силтади. Бироқ унинг ҳаракати Снегг учун хавфли бўлмади. Гаррининг назарида Вольдемоорт фикридан қайтгандай бўлди.

Снегг бирон-бир ҳаракат бажаришга улгурмади. Вишиллаган Вольдемоорт, қафаси ҳавога кўтарилган илонга буюрди:

- Ўлдир!

Мудҳиш қичқириқ. Снеггнинг юзи баттар оқариб, илоннинг дандони бўғзига санчилгани боис, кучли зарбадан жароҳатланган кўзи катта-катта очилди. Тиззаси букилиб, ерга йиқилган Снегг сеҳрли қуббани ўзидан нари итара олмади.

- Минг афсус, - деди Вольдемоорт совуқ оҳангда.

Юзида на андуҳ, на ачиниш қиёфаси кўринган Вольдемоорт тескари ўгирилиб, нари кетди. Кулбани тарк этиб, энди ҳар қандай хоҳиш-истагини бажарадиган Қадимий таёқчадан фойдаланиш вақти етди. У таёқчани юлдузли қуббага ўқтаб, илонни ортидан тортди.

Ёнбошлаб қолган Снеггнинг жароҳатланган томоғидан қон отилиб чиқмоқда. Вольдемоорт орқага ўгирилмай, шиддат-ла юриб, кулбадан чиқиб кетди. Ҳимоя қуббасидаги улкан илон унинг кетидан сузмоқда.

Туннелда ётган Гарри кўзини очди. Ичкаридан сизиб чиққан қонни кўриб, қичқириб юборишдан ўзини базўр тийди. Сават билан девор ўртасидаги тирқишдан ичкарига қараб, қора ботинка кийган оёқ дағ-дағ титраётганини кўрди.

- Гарри! - эшитилди орқада турган Германионнинг овози.

Гарри сеҳрли таёқча воситасида манзарани тўсиб турган саватни ҳавога бироз кўтарганча, ён томон олиб, аста-секин ичкарига кирди.

Нима учун ичкарига кириб, жон бераётган одамга яқин борганини ўзи билмайди. Бармоғи билан бўйнидаги жароҳатини босишга уринаётган Снеггнинг рангпар юзига қараб, нимани ҳис этишни ҳам билмайди.

Кўринмас плашини ечган Гарри пастга, бир умр нафратланиб келган, энди оёғи остида жон талвасасида ётган одамга қаради. Жароҳатланган кўзи катта очилган Снегг Гаррига

тикилиб, нимадир демоқчи.

Снегг устига энгашган Гаррининг кийимидан ушлаб, ўзига яқинроқ тортди, томоғидан мудҳиш хириллаш, қулқуллаш товуши эшитилди, бошидан эса, қондан ташқари, яна нимадир чиқяпти.

- Йиғиб ол... буларни... йиғиб ол... ол...

Суюқлик ҳам, газ ҳам бўлмаган кумуш-мовий тусли модда Снеггнинг оғзи, қулоғи ва кўзидан ажраб чиқмоқда. Бу нима эканлигини Гарри билади, лекин нима қилишни билмайди. Гермiona ҳавода шиша идиш пайдо қилиб, Гаррининг қўлига тутқазди. Сеҳрли таёқчасини ишга солган Гарри идишни кумуш субстанцияга тўдирди.

Идиш тўлгач, Снеггнинг юзи тушкунлик қиёфасини касб этди, қонини батамом йўқотиб, Гаррининг кийимини ушлаган қўли бўшашди.

- Менга... қара... кўзинг... - пичирлади у.

Гаррининг яшил кўзи билан Снеггнинг қоп-қора кўзи бири-бирига қараб қолди. Бироздан сўнг Снеггнинг кўзи карахтлашиб, нигоҳи сўнди. Гаррини ушлаб турган қўли эса полга тушди.

Снегг қилт этмади.

ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ. ШАҲЗОДАНИНГ КЕЧИНМАЛАРИ

Гарри Снеггнинг жасади олдида тиззада турар экан, кутилмаганда баланд, совуқ овоз эшитилди. Шиша идишни маҳкам ушлаган Гарри ўрнидан ирғиб туриб, кулбага қайтган Вольдеморт билан жанг қилишга ҳозирланди.

Аммо Вольдеморт кулбага қайтмаган. Унинг овози хона девори-ю, полидан эшитилмоқда. Вольдеморт бутун «Хогварц» қасри ва Хогсмёд аҳолисига мурожаат қилмоқда. Одамлар уни худди ёнида тургандай, ажал нафасини ҳис этаётгандай эшитмоқда.

- Барчангиз қаҳрамонларча жанг қилдингиз, - деди унинг дағал овози, - Лорд Вольдеморт мардликни қадрлайди. Катта талафот кўрдингиз. Қаршилиқ кўрсатишни бас қилмас экансиз, ҳаммангиз бирин-кетин ҳалок бўласиз. Буни мен мутлақо истамайман. Сеҳргарлар элати тўккан ҳар бир томчи қонни - катта йўқотиш, беҳуда сарф, деб биламан. Лорд

Вольдеморт илтифотли инсон. Қўшинимга қаср ҳудудини зудлик билан тарк этишни буюриб, ихтиёрингизга бир соат вақт ажратаман, ярадорларга ёрдам кўрсатинг. Энди эса, Гарри Поттер, сенга мурожаат қиламан. Бу ёққа чиқиб, мен билан яккама-якка жанг қилиш ўрнига, касринг дўстларингга тегиб, ҳалок бўлишларига йўл қўйдинг. Сени Ман этилган ўрмонда кутаман. Шу бир соат ичида келмасанг, муҳораба давом этади ва бу сафар жангда шахсан ўзим иштирок этиб, сени топмай қўймайман. Сени мендан яширишга уринган ҳар қандай эркак, аёл ёки болани шафқатсиз жазолайман.

Марҳамат, мана сенга ва қолганларга ўша бир соат.

Рон билан Гермиона Гаррига қараб, бош силташди.

- Қулоқ солма унга, Гарри, - деди Рон.

- Ҳаммаси жойида бўлади, - гангиди Гермиона, - Юринглар, қасрга қайтайлик. Агар у ростдан ҳам ўрмонга кириб кетган бўлса, янги режа ҳақида ўйлаб кўришимиз керак.

Қиз Снеггнинг жасадига қараб, қадамини тезлаштирди. Рон унинг ортидан эргашди. Кўринмас плашини ердан олган Гарри Снеггнинг жасадига яна бир бор қараб, унинг қандай ўлим топгани-ю, ўлдирилишининг сабабидан таъсирланишдан ташқари, яна нимани ҳис этишни билмади. Учовлон қаср томон сукут сақлаб кетди.

Ҳозир Гаррининг қулоғига эшитилаётган овозни Рон билан Гермиона эшитмаётган кўринади. Вольдеморт унинг миёсида яна ўша гапини такрорламоқда:

- Бу ёққа чиқиб, мен билан яккама-якка жанг қилиш ўрнига, касринг дўстларингга тегиб, ҳалок бўлишларига йўл қўйдинг. Бир соат ичида сени Ман этилган ўрмонда кутаман...

Тонг отганига бир соат бўлганига қарамай, атроф ҳали қоронғи. Учовлон тош зинадан юқорига кўтарилди. Сал нарида катталиги балиқ овлаш қайиғидай келадиган улкан ит қаровсиз ётибди. Гурп ҳам, у билан муштлашган қабиладошлари ҳам кўринмайди.

Қасрда ғайриодатий сукунат қарор топган. Ҳеч ким жанг қилмаяпти, шовқин солмаяпти, қичқирмаяпти. Вестибюлнинг тош тўшалган поли қонга беланган, ҳамма жойда синган мрамар бўлаклари, зина панжарасининг парчаланган қисмлари сочилиб ётибди.

- Одамлар қани? - пичирлади Гермиона.

Гарри кириш эшиги олдида бироз ушланиб қолди. Рон Катта Зал томон одимлади.

Факультетларга тегишли узун столлар қаёққадир олиб чиқилган. Катта Зал одамга тўла. Омон қолганлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб йиғилиб, бир-бирини қучоқлашмоқда. Одатда, Мўътабар стол турадиган супага ярадорлар жойланган. Уларга Помфри хоним билан яна бир неча киши тиббий ёрдам кўрсатишмоқда. Ярадорлар орасида кентавр Фиренц ҳам бор. Унинг биқини чуқур жароҳатланган бўлиб, кўп қон йўқотаётганидан ўрнидан тура олмай, бутун бадани худди безгаг тутгандай, дағ-дағ титраб ётибди.

Ҳалок бўлганлар Катта Зал ўртасига қатор-қатор ётқизилган. Фреднинг жасади оила аъзолари ўраб олгани боис, кўринмаяпти. Жорж унинг бош томонида тиз чўкиб ўтирибди. Миссис Уэсли йиғидан зир титраб, жонсиз боласининг кўкрагига бемажол ётиб олган. Юзидан шашқатор ёш оқаётган мистер Уэсли хотинининг бошини силаб ўтирибди. Рон билан Гермиона сўз айтмай, Гарридан нари кетишди. Гермиона йиғлаб, юзи қизариб кетган Жиннани бағрига босди. Оиласининг даврасига қўшилган Ронни акаси Билл, Флёр ва Перси елкасидан олиб, қучишди.

Сал нарида эса бўздек оқарган юзларида мамнунлик ифодаси қотиб қолган, худди сеҳрли шифт остида хотиржам ухлаётгандай Ремус билан Бомсинг жасадлари ётибди.

Катта Зал поли Гаррининг оёғи остидан чиқиб кетаётгандай, Залнинг ўзи кичрайиб, вужудини сиқиб қўйгандай гўё. Кўзи тиниб, боши айланган Гарри гандираклаганча Катта Залдан чиқиб кетди. У нафас олишга қийналяпти, касри тегиб, ҳалок бўлган одамларнинг жасадларига қараш ниҳоятда оғир кечяпти, хўнграб йиғлаётган Уэслилар даврасига қўшила олмаяпти, оиланинг кўзига қарашга юраги бетламаяпти. Агар бошида чиқиб, таслим бўлганда, Фред тирик қолар эди... Гарри мрамор зинадан юқорига кўтарилди. Люпин, Бомс... уларнинг йўқлигини ҳис этишни хоҳламаяпти... ўзининг чидаб бўлмас оғриқдан тилка-пора бўлаётган юрагини суғуриб чиқаришни истаяпти...

Қаср бўм-бўш. Ҳатто арвоҳлар ҳам Катта Залда мотам тутаётганлар даврасига бориб қўшилган. Гарри Снегнинг

хотирасига тўла идишни маҳкам ушлаб, директор хонасини қўриқлаётган аждар тусли тош илонга етгунча, тўхтамай югурди.

- Пароль? - талаб қилди тош илон.

- Дамблдор! - ўйлаб-нетиб ўтирмай бақирди Гарри.

Аждар тусли тош илон Гаррини хайратга солганча, нари сакраб, айлана зинага ўтиш йўлини очди. Юмалоқ хонага кирган Гарри ажойиб ўзгаришни кўрди: девордаги портретлар бўм-бўш, собиқ мактаб директорларининг бирортаси ҳам уни қарши олмади. Улар қаср деворларига осилган расмларга ўтиб, мактабда кечаётган ҳодисаларни кузатишаётган кўринади.

Директорнинг курсиси яқинидаги Дамблдорнинг портрети ҳам бўш. Хотира чиғаноғи ўз ўрнида. Гарри тош чиғаноқни стол устига олиб ўтиб, ичига Снеггнинг хотирасини тўкди. Бировнинг хотирасига бекиниб олиш роса ҳузур-ҳаловатли енгиллик бўлса керак ҳозир... Снеггнинг бирор бир хотираси ҳозир Гарри бошдан кечираётган дард-аламдан баттар бўлиши мумкин эмас. Хотиралар кумуш тусда мавжланмоқда. Гарри узоқ ўйланиб ўтирмай, Снеггнинг хотирасига кириб кетди.

Қуёш нури ёритган бўшлиқда узоқ пастлаган Гаррининг оёғи ниҳоят илиқ ерга тегди. Атрофга қараб, деярли бўм-бўш болалар майдонида турганини англади. Узоқ уфқда улкан тутун қувури бўй кўтариб турибди. Майдонда икки нафар қизалоқ арғимчоқ учмоқда. Буталар ортида эса озғингина болакай иккала қизчани кузатиб ўтирибди. Болакайнинг сочи ҳаддан ортиқ узун бўлиб, эгнидаги бесўнақай кийими, хусусан, калта шими, беўхшов комбинезони ва ёши катта одам кийиб юрадиган бўлса керак, ҳалпиллаган курткази мутлақо ярашмабди.

Гарри болага яқинроқ борди. Тўлган бўлса, энди тўққиз - ўн ёшга тўлган Снегг қандайдир дардчил, жуссаси кичкина, озғин кўринди. Ҳозир у қизчаларнинг ёшроғига зўр иштиёқ билан қараб турибди. Ўзининг арғимчоғини опасининг арғимчоғидан тез тебратаётган ушбу қизалоқ баланд-баланд кўтарилмоқда.

- Бас қил, Лили! - бақирди ёши каттароқ қиз.

Лекин сингил опанинг гапига қулоқ солмай, арғимчоқни

кучли тебратишни давом этди. Арғимчоғи энг баланд нуқтага кўтарилганда шартта сакради. Арғимчоқдан замбаракнинг ўқидай учиб чиққан қиз, асфаль ётқизилган майдонга қулаб, кулчадай пачақ бўлиш ўрнига, ҳавода хандон отганча бироз учиб, ерга аста қўнди.

Шиппагининг товони билан арғимчоқ тўхтатган Петуния ерга сакраб, иккала қўлини биқинига тиради.

- Ойим сенга ундай қилмасликни тайинлаган эди!
- Менга ҳеч нима қилмади-ку! - ҳиринглашини қўймади Лили.
- Ойим сенга ман этган, тушуняпсан-ми?!
- Туни, қара, нима қила оламан!

Петуния атрофга қаради. Болалар майдонида иккаласидан бошқа ҳеч ким йўқ. Бута ортида ўтирган Снеггни, табиийки, кўрмади. Лили тўгарак гулзорнинг узилиб ётган гулларидадан бирини олди. Петуния бироз ҳаяжонланаётган бўлса-да, қизиқсиниб, яқинроқ борди. Опаси янада яқинроқ келишини кутган Лили гул ушлаган қўлини олдинга узатди. Гулбарглар худди ғайриоддий малюсканинг пайпаслагичлари сингари ўзидан ўзи очилиб, ёпилди.

- Бас қил! - чийиллади Петуния.
- Мунча қўрқасан, еб қўймайди-ку, сени! - эътироз билдирди Лили, гулни ерга ташлаб.
- Ундай бўлмаслиги керак, - деди Петуния, ерда ётган гулга қараб, - Қандай қиласан буни? - сўради у, чинакамига қизиқиб.

- Табиий-ку, бу, тўғрими?

Бекиниб ўтиришга ортиқ тоқат қила олмаган Снегг, бута ортидан сакраб чиқди. Чўчиб кетган Петуния қичқириб, арғимчоқ томон югурди. Лили эса, қўрққан бўлса ҳам, турган жойида қолди. Эгнидаги беўхшов кийимидан уялган Снегг бироз қизарди.

- Нимаси табиий, бунинг? - сўради Лили.

Снегг жуда ҳаяжонланмоқда. Арғимчоқ ортига ўтиб олган Петунияга қараб қўйган Снегг овозини пасайтирди.

- Кимлигингни биламан.

- Қайси маънода?

- Сен... сен афсунгар қизсан.

- Нотаниш одамга бундай дейиш яхши эмас! - хафа бўлди Лили ва тескари ўгирилганча, бурнини баланд кўтариб,

опасининг олдига равона бўлди.

- Йўқ! - деди юзи қизарган Снегг.

Нега анави куртказини ечиб ташламагани Гаррини ажаблантирди. Эҳтимол комбинезонини кўрсатишни истамас. Қизчаларнинг олдига югурган Снеггнинг катта курткази ҳилпираб, кўршапалакка, катта ёшидаги қиёфасининг кичик нусхасига ўхшади.

Опа-сингил худди энг хавфсиз жой топгандай, арғимчоқ ортига ўтиб, болага ғижиниб қарашмоқда.

- Сен ростдан ҳам афсунгарсан, - деди Снегг, - Сени кўпдан кузатиб келаман. Афсунгарликнинг ёмон жойи йўқ. Менинг ойим афсунгар, ўзим ҳам сеҳргарман.

Петуния кулиб юборди-ю, кулгиси қувноқ чиқмади.

Кутилмаганда ҳеч қаердан сакраб чиққан боладан энди у қўрқмаяпти.

- Сеҳргар! - хитоб қилди Петуния, - Биламан қанақанги сеҳргар эканлигини. Сен анави Снеггларнинг ўғлисан! Улар дарё соҳилидаги боши берк Тўқувчилар кўчасида яшашади, - деди у, Лилига қараб.

Петуниянинг оҳангига қараганда, у кўча номаъқул жойга ўхшади.

- Нега оптимиздан жосуслик қилиб юрибсан? - сўради Петуния.

- Жосуслик қилганим йўқ, - эътироз билдирди сочи тўзғиган Снегг, ҳаяжонланганидан юзи қизариб, - Сенинг ортингдан жосуслик қилишга ҳожат ҳам йўқ. Чунки сен оддий маглансан, - қўшимча қилди у.

Бу қанақанги сўз эканлигини Петуния билмаса-да, боланинг оҳангига кўра, маъносини тушунди.

- Юр, Лили, кетамиз бу ердан.

Лили Снегг томон қараб қўйди-да, опасига итоат қилиб, ортидан эргашди. Снегг болалар майдонини тарк этаётган опа-сингил ортидан узоқ қараб қолди. Унинг ёнида қолган Гарри эса боланинг ҳафсаласи пир бўлганини сизди.

Афтидан, у, ушбу суҳбат қандай ўтиши кераклиги ҳақида кўп ўйлаган-у, режадагидай чиқмаган...

Манзара ўзгарди...

Болалар майдони ғойиб бўлиб, қаерга келиб қолганини дарҳол тушунмаган Гарри атрофда дарахт кўплигига

эътибор берди, ёрқин қуёш нури ёритган дарё иккала соҳилда ўсган улкан дарахтлар орасидан оқиб ўтаётганини кўрди. Дарахтларнинг яшил соясида чордана қурган икки нафар болача бир-бирига юзланганча, суҳбат қуриб ўтирибди. Снегнинг эғнида анави беўхшов куртка энди йўқ. Бугун кийиб чиққан кенг, узун кўйлаги дарахт соясида у қадар хунук кўринмаяпти.

- ... мактабдан ташқарида сеҳр қўллайдиган бўлсанг, вазирлик жазога тортади. Бойқуш бу ҳақда тегишли хабарнома олиб келади.

- Мана, қўллаяпман-ку, сеҳрни, мактаб ташқарисида!

- Бизга мумкин. Сеҳрли таёқчамиз йўқ. Жазолашмайди. Чунки биз ёш болалармиз, ўз сеҳримизни идора қила олмаймиз.

Ёшинг ўн бирга тўлса, мактабга борасан, - урғу берди Снег ушбу сўзларга, - Ана ўшанда эҳтиёт бўлишинг керак бўлади.

Орага сукунат чўкди. Лили синиб тушган новдани олиб, ҳавода айлантирди. Қизалоқ сеҳрли таёқчасидан учқун сачрашини тасаввур қилаётганини Гарри билиб турибди.

Новдани ташлаган қизча Снег томон эгилиб, сўради:

- Буларнинг бари рост-ку, а? Ҳазиллашаётганинг йўқ, тўғрими? Петуниянинг гапига қараганда, сен мени алдаётган эмишсан, аслида ҳеч қанақанги «Хогварц» йўқ экан. Бор-ку, а, ўша мактаб?

- Биз учун бор, опанг учун - йўқ, - жавоб берди Снег, - Бизга хат келади: шахсан сенга ва менга.

- Ростданми?

- Ҳа, ростдан.

Ташқи қиёфаси тўзиган бўлса ҳам, Снег Лилига кучли таъсир ўтказаяётгани, кўп нарсаларни тушунтириб берадиган ягона инсон эканлиги кўриниб турибди.

- Хатни бизга бойқуш келтирадими? - сўради Лили, пичирлаб.

- Одатда, ҳа, бойқуш келтиради, - жавоб берди Снег, - Лекин сен маглар оиласида туғилган афсунгар бўлганинг учун мактабдан бирорта вакил келиб, ота-онангга бор гапни тушунтириб беради.

- Сеҳргар киши маглар оиласида туғилган-ми, йўқ-ми, нима фарқи бор?

Снег бироз ўйланиб қолди. Унинг ярқираётган нигоҳи қизалоқнинг юзи ва тўқ малла сочидан дарахтлар орасидаги

қоронғиликка ўтди.

- Йўқ, - деди у, ниҳоят, - Ҳеч қандай фарқи йўқ.

- Ҳа, яхши, - деди ҳаяжонланиб ўтирган Лили, бироз енгил тортиб.

- Сенинг табиатингда сеҳр кўп, - фикр билдирди Снегг, - Сени кузатиб юрганимда сездим буни...

Унинг овози пасайди. Қизалоқ нигоҳини барг қоплаган ердан юқоридаги яшил пардага олиб ўтди. Бола эса қизчага кучли қизиқсиниш билан қарамоқда.

- Уйда аҳвол қалай? - сўради Лили.

- Яхши.

- Жанжаллашмай қўйишдими?

- Тинмай жанжаллашишади.

Снегг ердан бир ховуч барг олиб, нима қилаётганини идрок этмаган ҳолатда йирта бошлади.

- Оз қолди, кетаман.

- Отангга сеҳр ёқмайдими?

- Сеҳр билан боғлиқ ҳар қандай нарса ёқмайди унга.

- Северус?

Исмани эшитган Снегг бироз тинчланиб, сал кулиб қўйди.

- Эшитаман.

- Дементорлар ҳақида яна бирон нарса айтиб бер.

- Нега қизиқтириб қолди улар сени?

- Агар мактабдан ташқарида бехос сеҳр ишлатиб қўйсам...

- Бундай айб учун дементор юборилмайди! Дементор мудҳиш жиноят содир этган сеҳргарнинг изидан қўйилади. Аслида дементорлар Азкабан деб номланиб, сеҳргар-жиноятчилар сақланадиган қамоқхонани қўриқлайди. Сени Азкабанга қамашмайди, чунки сен жуда...

Бола яна қизариб, ердан бир нечта барг олди. Хазон шитирлаб, Гарри орқага ўгирилди. Дарахт ортида бекиниб турган Петуния ўзини фош этиб қўйди.

- Туни! - ҳайрон бўлди Лили, дўстона хитоб қилиб.

- Хўш, ким жосуслик қилар экан?! - бақирди ўрнидан ирғиб турган Снегг, - Нима керак сенга?

Айби очилган Петуния лом-мим дея олмади. Снеггни имкон қадар қаттиқроқ чақиб, ичини оғритиш учун сўз қидираётганини Гарри фаҳмлаб турибди.

- Қанақа кийим у, эгнингдаги? - деди Петуния, бармоқчасини

Ўқтаб, - Онангнинг эски кўйлагими?

Нимадир қарсиллади. Петуниянинг боши устидаги шох синиб, елкасига тушди. Қўрқиб кетган Лили чинқираб юборди. Жони оғриган Петуния эса орқага тисарилиб, йиғлаганча, югуриб кетди.

- Туни!

Лили Северусга қаради.

- Атайин қилдингми?

- Йўқ, - қўрс жавоб берди Снегг, гарчи ўзи ҳам чўчиб кетгани кўриниб турган бўлса-да.

- Сенинг ишинг бу! - орқага тисарилди Лили, - Атайин қилгансан! Билиб туриб, жонини оғритдинг!

- Йўқ! Йўқ, мен қилганим йўқ!

Бироқ Лили ёлғон гапга ишонмади. Болага сўнгги бор ўқрайиб қаради-да, чакалакзор оралаб опасининг изидан югурди. Толеи паст Снегг эса хижолат тортганча, турган жойида қолди...

Манзара ўзгарди...

Энди Гарри бошқа жойда, тўққиз бутун тўртдан учинчи платформада турибди. Снегг сал нарида, озғин, бадқовоқ, дардчил, ўзига икки томчи сувдай ўхшаш аёл олдида бироз букчайиб турибди. У тўрт кишидан иборат оилага қараб қолган. Опа-сингил ота-онасидан сал нари бориб суҳбатлашмоқда. Лили опасига ўтинаётгани кўриниб турибди. Гап нима ҳақда бораётганини билиш учун Гарри қизчаларга яқинроқ борди.

- Кечир мени, Туни! Қулоқ сол! - деди Лили, опасининг қўлини маҳкам ушлаб, - Етиб боришим билан...

Петуния қўлини силтаб, тортиб олишга уринди.

- Шошма, Туни, қулоқ сол. Мактабга етиб боришим билан профессор Дамблдорнинг ҳузурига кириб, фикридан қайтишини илтимос қиламан.

- Иста-май-ман - у ерга - боришни! - деди Петуния, ниҳоят қўлини тортиб олишга муваффақ бўлиб, - Аллақандай аҳмоқона қасрга боришни орзу қилади, деб ўйлайсанми мени...

Петуния платформага тез назар солиб чиқди. Миёвлаётган мушуклар, гувиллаётган бойқушлар, айримлари узун қора ридосини кийиб олишга улгурган ўқувчилар. Кимдир

сандиғини поездга чиқараётган бўлса, кимдир ёзги таътилдан сўнг энди кўришган дўсти билан сўрашмоқда.
- ... ўйлайсан-ки, мен ҳам мана булар каби, ғирт жиннилар мактабида ўқишни истайман, а?

Лили кўзига ёш олди.

- Мен жинни эмасман, ундай дема.

- Жинни бўлмасанг, қаёққа кетаётганингни билиб қўй!

Атайин жиннилар учун очилган махсус мактаб. Сен ва анави Снегг... ғалати одамсизлар! Соғлом одамлар жамиятидан яккалатиб тўғри қилишади сизларни! Бизга ўхшаган соғломлар хавфсизроқ яшайди.

Лили ота-онасига қаради. Эр-хотин платформани томоша қилиб, манзарадан завқ олишмоқда.

- Мактаб директорининг номига хат йўллаб, сени қабул қилишларини ўтиниб ёзганигда, жиннилар учун очилган махсус мактаб, деб ўйламагансан, «Хогварц»ни, - деди у, паст ва дағал овозда.

- Ўтиниб ёзганигда? Ўтинмаганман унга ҳеч қачон!

- Жавоб хатини кўрган эдим. Жуда мулойим, одоб-ла ёзилган.

- Сен... менинг хатларимни?... - шивирлади Петуния, - У менинг шахсий... қандай журъат этдинг?...

Лили кўз қири билан Северусга қаради. Петуниянинг оғзи хайратдан ланг очилди.

- Анави бола топди-ми? Икки кишилашиб менинг хонамни тимирскилаб чиқдингиз-ми?

- Йўқ... ганеч ҳам тимирскилаганимиз йўқ, - ўзини оқлашга мажбур бўлди Лили, - Северус таниш конвертни кўриб қолди. «Хогварц» ходими маглар билан ёзишаётганидан ҳайрон бўлди, бор гап шу! Почтада ўзини магга солиб олган сеҳргарлар ишласа керак, деб ўйлади...

- Демак, сеҳргарлар ўз тумшуқларини тўғри келган жойга суқиб юришар экан! - хулоса қилди Петуния, тез қизаргандай, тез оқариб, - Башаранг қурсин!

Синглисини ҳақорат қилган опа ота-онасининг олдига югурди.

Манзара ўзгарди...

Снегг юрт босиб ўтаётган «Хогварц-Экспресс» ичида югурмоқда. Магларнинг кийимидан тезроқ қутулиш учун мактаб кийимини кийиб олишга улгурибди. Снегг Лили

Ўтирган купе олдида тўхтади. Ичкарида Лилидан ташқари, яна иккита бола гаплашиб ўтирибди.

Снегг эшикни очиб, дераза ёнига, Лилининг қаршисига кириб ўтирди. Йиғлаб ўтирган қиз қиё боқиб қўйди-да, яна деразага қараб олди.

- Сен билан гаплашишни истамайман.

- Сабаб?

- Сенинг касрингга Туни мени ёмон кўриб қолди.

Дамблдордан келган анави хатни ўқиганимиз учун.

- Нима қилибди шунга?

Қизча нафрат тўла кўзи билан Северусга ўқрайиб қўйди.

- У менинг опам, шунга!

- У атиги бир...

Снегг ўзини тийди. Кўз ёшини артаётган Лили унинг гапига эътибор қилмади.

- Йўлга чиқдик-ку, бўлди-да! - деди Снегг, қувончини яширмай, - Биз «Хогварц»га йўл олдик.

Лили кўз ёшини артиб, кулиб боқди.

- Сен Слизеринда ўқийсан, - деди Снегг, Лилининг кайфияти бироз кўтарилганидан руҳланиб.

- Слизеринда?

Шу пайтгача Лили билан Северусга эътибор қилмай ўтирган болалардан бири ўгирилиб қаради. Бутун диққат-эътибори дераза олдида суҳбатлашаётган жуфтликда бўлган Гарри, ушбу болага қараб, ўзининг Снегг сингари озғин, сочи қора, бироқ ундан фарқли ўлароқ, анча парвариш кўргани, танти ўсгани кўзга ташланиб турган отасини таниди.

- Кимга керак экан, Слизеринда ўқиш? Ундан кўра ўқимай, кетворган бўлар эдим, сен-чи? - сўради Жеймс, қаршисида ўтирган ўртоғидан.

Гарри Сириусни таниб, хайратланди. Сириус кулмади.

- Жамики оилам Слизеринни тамомлаган, - деди у.

- Оббо, Худо! Сени туппа-тузук бола бўлса керак, деб ўйлаган эдим, - деди Жеймс.

Сириус қув кулиб қўйди.

- Балким мен сулола анъанасини бузарман, ким билади.

Ўзинг-чи, қайси факультетни танладинг?

Жеймс ёнига тақилган кўринмас қилични яланғочлаган бўлди.

- «Гриффиндор»нинг йўлидан фақат мардлар борарлар, асрлар оша улар шон-шуҳрат қозонганлар. Отам сингари «Гриффиндор»ни-да.

Снегг менсимаслик оҳангида овоз чиқариб қўйди. Жеймс унга юзланди.

- Бирор гапинг бор-ми?

- Йўқ, - жавоб берди Снегг, гарчи оҳангидан кўп нарсалар айтишга тайёр эканлиги кўриниб турган бўлса-да, - Агар мия ўрнида мушак бўлса.

- Сен ўзинг қайси факультетда ўқимоқчисан, на миянг, на мушагинг бўлмай туриб? - гапга аралашди Сириус.

Жеймс хандон отиб, мириқиб кулди. Йиғлаганидан юзи қизариб кетган Лили қаддини ростлаб, Жеймс билан Сириусга жирканч-ла қаради.

- Кетдик, Северус, бошқа купе топамиз!

- О-о-о-о...

Жеймс билан Сириус қизнинг димоғдор овозига тақлид қилишди. Жеймс Снеггнинг оёғидан чалишга ҳаракат ҳам қилиб кўрди.

- Кўришгунча, Мишириқ! - эшитилди овоз, купенинг эшиги ёпилишидан олди.

Манзара ўзгарди...

Гарри Снеггнинг орқасида, минглаб шамлар ёритган факультет столларига юзланиб турибди.

- Эванс, Лили! - чиқирди профессор Макгоннагалл.

Ойиси оёғи титраганчаб келиб, омонаткина курсига ўтирганини Гарри кўриб турибди. Профессор Макгоннагалл унинг бошига Сараловчи шляпани кийдирди. Тўқ малла сочига тегиб-тегмаган Шляпа шу заҳоти қичқирди: «Гриффиндор!» Домангир Снегг инграб юборди. Лили Шляпани ечиб, Макгоннагаллга қайтарди-да, қувонч-ла тантана қилаётган гриффиндорчилар томон ошиқди.

Северусга қараган Лилининг юзида маъюс табассум кўринди. Сириус унга ёнидан жой берди. Лили болани таниб, қўлини қовуштири-да, тескари қараб олди.

Исмларни рўйхат бўйича чақириш давом этилди. Лили билан Сириуснинг ёнига Люпин, Петтигрю ва Жеймс келиб қўшилди. Сафда ўн икки нафар бола қолди. Ниҳоят профессор Макгоннагалл Снеггни чақирди.

Снегг курси ёнига боргани, бошига кийдирилган Шляпа «Слизерин!» дея бақирганини Гарри кўриб турибди. Шундан сўнг, Северус Снегг Катта Залнинг нариги томонига, Лилидан нарига кетиб, уни қутлаган слизеринчиларнинг даврасига бориб қўшилди, кўкрагида синфбоши нишони ялтираётган Люциус Малфой ёнига келиб ўтирган Снеггнинг белига уриб-уриб қўйди...

Манзара яна ўзгарди...

Лили билан Снегг қаср ҳовлисида бирга юриб, афтидан алланима ҳақда қизғин баҳслашмоқда. Гаррига гап нима ҳақда бораётганини билиш учун қадамни тезлатишга тўғри келди. Уларнинг яқинига бориб, саралаш таомилидан сўнг, орадан анча йил ўтгани, иккаласи сезиларли улғайиб қолганини кўрди.

- ... қадрдон дўстмиз, деб ўйлаган эдинг? - сўради Снегг, - Ўйлаган эдинг?

- Ҳа, Сев, иккаламиз дўстмиз, лекин сен илашиб қолган Авери билан Мультчибер каби айрим каслар менга мутлақо ёқмайди! Нимаси яхши ўша Мультчибернинг, Сев! У ўта ёвуз одам! Тунов куни Мэри Макдональдни қай кўйга солмоқчи бўлганини биласанми?

Лили устун олдига келиб, Снеггнинг дардчил, озғин юзига қараганча, суянди.

- Ваҳима қилма, - деди Снегг, - Ҳазилдан ўзга нарса эмас эди у.

- Ҳазил эмас, ёвуз сеҳр эди. Агар сен буни кулгули, деб топаётган бўлсанг...

- Поттернинг ўз ҳамтовоқлари билан қилаётган қилмишларини-чи, нима деб атайсан? - сўради Снегг, юзида қизариш аломати кўриниб.

- Поттернинг нима дахли бор бу гапларга?

- Улар кечалари санқиб юришади. Анави Люпинга бир нима қилган кўринади. Нега у баъзан кўринмай қолади?

- Чунки у касал, - деди Лили, - Айтишларича, унинг дарди...

- Ҳар гал ой тўлган вақтда хуруж қилади, - Лилининг фикрини яқунлади Снегг.

- Нима демоқчи бўлганингни фаҳмлаб турибман, - деди Лили совуқ оҳангда, - Нега улар сени ташвишга соляпти? Кечалари нима билан шуғулланиб юришганлари билан нима ишинг

бор?

- Ҳамма ўйлагандай ажойиб йигитлар эмас улар, шуни кўрсатиб ўтмоқчиман сенга.

Снеггнинг тикилиб қарагани Лилини ҳижолатга солди.

- Нима қилганда ҳам, улар ёвуз сеҳр қўллашмайди. Сен эса кўрнамаклик қиляпсан, - овозини пасайтирди Лили, - Фифон кулбасига олиб борадиган туннелга кириб борганинда нима бўлганини эшитдим. Ўша тунда Жеймс Поттер ҳаётингни сақлаб қолган экан.

- Ҳаётимни сақлаб қолган? - хитоб қилди Снегг, ғазабдан юзи буришиб, - Шунақа зўр қаҳрамон, деб биласанми сен уни? У мени эмас, ўз боши-ю, ҳамтовоқларини қутқарган! Сен... йўл қўймайман...

Лили кўзини қисиб, диққат билан қаради.

- Йўл қўймайсан?... Тушунмадим, нимага йўл қўймайсан? Снегг шу заҳоти хаёлини йиғиб олди.

- Ундай демоқчи эмас эдим... Сени таҳқир этишларини истамайман... Сен унга ёқасан, сен Жеймс Поттерга ёқасан! - деди Снегг, ўзи истамаган ҳолда, - Аслида эса, у ҳамма ўйлагандай, яхши одам эмас... квидиш қаҳрамони...

Снеггнинг алами тушунарсиз қоляпти, гапи қандайдир пойма-пой чиқяпти, Лилининг қоши эса тобора баланд кўтарилиб боряпти.

- Жеймс Поттер ўзига бино қўйган оддий чўчқа эканлигини яхши биламан, - деди Лили, Снеггнинг гапини бўлиб, - Буни менга уқтириш шарт эмас. Бироқ Авери билан Мультчибернинг ҳазили ҳаром. Қилиқлари жуда ёвуз, Сев. Қандай қилиб улар билан дўстлашиб юрасан, тушунмайман.

Снегг Лилининг Авери билан Мультчибер ҳақидаги гапига қулоқ тутаётганига Гарри шубҳа қилмоқда. Лили Жеймс Поттерни ҳақоратли сўзлар билан тилга олгани Снеггни тинчлантирди. Иккаласи йўлини давом этди...

Манзара ўзгарди...

Снегг МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун Ёвузлик кучидан ҳимоя фанидан имтиҳон топширгач, Катта Залдан чиқиб, соясида Жеймс, Сириус, Люпин ва Петтигрю ўтирган дарахт томон йўл олганини Гарри кўрди. Жеймс Северусни оёғини осмондан келтириб осиб қўйганидан кейин нима бўлганини билгани учун, ортидан бормади. Нима иш бўлгани-

ю, ким кимга нималар деганини Гарри билади. Шу боис, ноҳуш ҳодисани такрор томоша қилишни истамади. Лили йиғилган халойиқ олдига келиб, Снеггни ҳимоя қилгани, ғазаби қайнаган Снегг эса аччиқ устида Лилини маглвачча, дея ҳақорат қилганини Гарри кўрган.

Манзара ўгарди...

- Кечир мени.

- Менга фарқи йўқ.

- Кечир.

- Батта гапни чайнама.

Тун. Эгнида тунги кўйлаги билан чиққан Лили Семиз Холанинг расмига суянганча, қўлини қовуштириб турибди.

- Бу ерда эрталабгача кутиб ўтиришингни Мэридан айтиб юборганинг учунгина чиқдим холос.

- Чиндан ҳам шундай қилган бўлар эдим. Эрталабгача кутар эдим. Сени ҳеч қачон маглвачча демас эдим. Бу сўз, шунчаки...

- Оғзингдан чиқиб кетди, шундайми? - бироз дарғазаб оҳангда сўради Лили, - Айтилган сўз, отилган ўқ. Кеч бўлди. Кўп йиллардан буён кечириб келаман сени. Дўстларимдан бирортаси тушунмайди, нима учун мен сен билан ҳамон гаплашиб юрганимни. Сен ва сенинг ҳамтовоқларинг - Ўлимдан мириқувчилар. Кўрдинг-ми ана, сен ҳатто инкор ҳам этмаяпсан буни! Келажакда ким бўлмоқчи эканлигингни ҳам рад этишни истамайсан! Ўзинг-Биласан-Кимга қўшиладиган кунни сабрсизлик-ла кутяпсан, шундайми?

Снегг оғзини очди-ю, ҳеч нима демай, яна ёпти.

- Бўлди энди, бас! Сен ўз йўлингни танладинг, мен - ўз йўлимни.

- Йўқ, шошма... мен бошқа нарсани назарда тутган эдим...

- Мени маглвачча, деганда-ми? Ахир сен менга ўхшаганларнинг ҳаммасини маглвачча, деб атайсан-ку, Северус. Улардан нима фарқим бор менинг?

Снегг нимадир демоқчи бўлди-ю, индамай қўя қолди. Лили унга жирканиб қараб, Семиз Холанинг ортига ўтганча, кўздан ғойиб бўлди.

Манзара ғойиб бўлди...

Кейинги манзара пайдо бўлишига бироз вақт керак бўлди.

Гарри турли-туман буюмлар-у, ранглар гирдобада учди.

Ниҳоят, буларнинг бари боз бирлашиб, тим қоронғи тунда аллақандай тепалик чўққисида турган Снегнинг ёнида пайдо бўлди. Кучли эсаётган совуқ шамол бирорта барги қолмаган дарахтнинг яланғоч шохларини тебратмоқда. Оғир нафас олаётган ёши катта Снег қўлидаги сеҳрли таёқчасини маҳкам ушлаганча, турган жойида айланиб, кимнидир ёки ниманидир кутмоқда. У ҳис этаётган қўрқувни, гарчи ҳаётига ҳеч нарса таҳдид солмаса-да, Гарри ҳам ҳис этиб, елкаси орқали ортга қараганча, Снег кутаётган ҳодиса ҳақида ўйлади. Ҳавода кўзни қамаштирадиган оппоқ оқим учиб ўтиб, Гарри уни чақмоқ, деб билди. Снег тиззасига йиқилиб, сеҳрли таёқчасини қўлидан чиқариб юборди.

- Ўтинаман, ўлдирманг!

- Сени ўлдириш ниятим йўқ.

Дамблдорнинг ҳавода пайдо бўлиш товуши шамол шовқинидан баланд янгради. Ридоси шамолда ҳилпираётган, юзини сеҳрли таёқча ёритаётган Дамблдор Снегнинг олдига келди.

- Хўш, Северус, қандай хабар йўллади менга Лорд Вольдеморт?

- Ҳеч қандай хабар йўқ. Мен ўз ихтиёрим билан келдим! Ақл-ҳушини йўқотгандай кўринаётган, қора сочи шамолда ҳилпираётган Снег қўлини орқасига қайирди.

- Мен... мен огоҳлантириб қўйгани... йўқ, бир нарсани сўраб, илтимос қилгани келдим...

Дамблдор сеҳрли таёқчасини силтади. Шамол эсиб, теваарак-атрофдаги дарахт шохлари шовқин солаётган бўлса-да, иккаласи турган жой жимжит бўлиб қолди.

- Ўлимдан мириқувчи мендан нимани илтимос қилиши мумкин?

- Башорат... Треланининг каромати...

- Хўш, Лорд Вольдемортга нималарни айтиб бердинг?

- Эшитган гапларимнинг ҳаммасини... оқизмай-томизмай, бор гапни айтдим, - жавоб берди Снег, - Шунинг учун... шу боис... фикримча... гап Лили Эванс ҳақида бормоқда!

- Башоратдаги гап аёл киши ҳақида эмас, июль ойининг охирги санасида туғилган ўғил бола чақалоқ ҳақида борган, - деди Дамблдор.

- Мен нима демоқчи бўлаётганимни яхши биласиз! Унинг

фикрича, гап Лилининг ўғли ҳақида борган... Лилини таъқиб қилиб, ҳаммасини ўлдиради...

- Модомики Лили сенга шунчалик азиз экан, турган гапки, Лорд Вольдемоорт уни авф этади, - деди Дамблдор, - Боласини ўлдириб, онасини қолдиришни илтимос қилишинг мумкин-ку, ундан.

-... илтимос қилиб кўрдим...

- Кўришга тоқатим йўқ сени, ифлос!

Гарри Дамблдорнинг бу қадар ҳазар қилиб гапирганини ҳали кўрмаган экан. Снегг кўрққанидан ғужанак бўлиб олгандай туюлди.

- Демак, эри-ю, боласининг ажали сени қизиқтирмас экан-да? Улар ўлади, сен эса ниятингга эришасан, шундайми?

Снегг Дамблдорга қаради.

- Ундай бўлса, уни оиласи билан бирга яширинг, доимо хавфсиз жойда бўлсин, - хириллади Снегг, - Илтимос.

- Сен-чи, эвазига нима берасан менга?

- Эвазига?

Снегг Дамблдорга қаради. Гарри ундан эътироз кутди, бироқ...

- Истаган нарсангизни, - жавоб берди Снегг, бир неча сония ўтгач.

Манзара ўзгарди...

Гарри Дамблдорнинг хизмат хонасида пайдо бўлиб, яраланган ҳайвоннинг ўкиришини эслатадиган аллақандай товушни эшитди. Креслода ўтирган Снегг бошини кўтариб, ёнида турган Дамблдорга қаради. Тепаликда ўтган учрашувдан кейин Снегг юз йил давомида фақат азоб-уқубатда яшагандай кўринди.

- Мен уни... сиз уни... қутқариб қолишингиз керак эди...

- Жеймс билан Лили ўз хавфсизлигини, худди сен каби, нотўғри инсонга ишониб топширишган экан, - деди Дамблдор, - Лорд Вольдемоорт Лилига шафқат қилишига умид қилган эдинг-ми, Северус?

Снегг узуқ-юлуқ нафас олмоқда.

- Лилининг ўғли омон қолди, - деди Дамблдор, - Кўзи қуйиб қўйгандай, онасининг кўзига ўхшар экан. Лили Эванснинг кўзи эсингда-ку, шундайми?

- БАС ҚИЛИНГ! - бақирди Снегг, - Ўлди... кетди...

- Пушаймон, деб тушуниш керакми, буни, Северус?
- Истардим-ки... ўзим ўлганим яхши эди...
- Нимаси яхши, қандай наф бўлар эди бундан? - деди Дамблдор, совуқ оҳангда, - Агар сен Лили Эвансни севган бўлсанг, агар сен уни чин юракдан севган бўлсанг, албатта... келгуси йўлинг мен учун равшан.
- Снегг Дамблдорнинг ушбу сўзлари нима маънони англатишини тушунишга уринмоқда.
- Қайси йўлим... нимани назарда тутяпсиз?
- Лили қандай ўлим топгани ва нимани деб ҳалок бўлганини яхши биласан. Энди сен шундай йўл топгин-ки, унинг ўлими зое кетмасин. Бунинг учун Лилининг ўғлини ҳимоя қилиш масаласида ёрдам бер менга.
- Уни ҳимоя қилиш шарт эмас. Ёвуз Лорд гумдон бўлди.
- У топилиб келади. Ана ўшанда Гарри Поттер катта хавф остида қолади.
- Орага сукунат чўкди. Снегг аста-секин ўзига келиб, бир маромда нафас ола бошлади.
- Яхши, - деди у, ниҳоят, - Яхши. Фақат ҳеч қачон... бу ҳақда ҳеч қачон ҳеч кимга айтмайсиз, Дамблдор! Буни фақат иккаламиз билишимиз керак! Онт ичинг! Тоқат қила олмайман... айниқса, анави Поттернинг ўғлини... сўз беринг, Дамблдор!
- Табиатингдаги ижобий фазилатларни ҳеч кимга кўрсатмасликка сўз беришим керакми, Северус? - сўради, чуқур хўрсинган Дамблдор Снеггнинг аламдийда ва айни вақтда, шафқатсиз қиёфасига қараб, - Модомики, талаб қилиб туриб олар экансан...
- Манзара ўзгарди...
- Дамблдорнинг хизмат хонаси ғойиб бўлиб, яна пайдо бўлди. Снегг Дамблдорнинг олдида у ёқ, бу ёқ зинғилламоқда.
- ... ақли ўрта-миёна, отаси каби калондимоғ, тузалмас қоидабузар, ўз шуҳратидан ҳузур қиладиган, ҳамиша диққат-эътиборга ташна бўлиб юрадиган, табиатан тўрс тирранча...
- Кўзинг кўрмоқчи бўлган нарсаларнигина кўряпди холос, Северус, - хулоса қилди Дамблдор, «Қиёфа алмаштиришнинг бугунги ютуқлари» газетасининг янги сонидан бош кўтармай,
- Бошқа ўқитувчилар боланинг камтаринлиги, иссиқ истараси ва истеъдодини кўришмоқда. Шахсан менга ёқимли

болакайдай кўриняпти у.

Газета варақлаган Дамблдор кўшимча қилди:

- Квирреллга кўз-қулоқ бўлиб тур.

Манзара ўзгарди...

Ранглар гирдоби Гаррини тортиб кетиб, атроф боз қоронғилашди.

Дамблдор билан Снегг қаср йўлагиди, Рождество балидан ҳовлига сайр қилгани чиққан ўқувчилар кўрпасига кириб ётиши учун қасрга кириб кетишини кутиб, алоҳида-алоҳида туришибди.

- Хўш? - сўради Дамблдор.

- Каркаровнинг белгиси ҳам тўқ тус олди. Саросимага тушиб қолган, жазодан кўрқяпти, - маълум қилди Снегг, - Ёвуз Лорд қулаганидан сўнг, Игорь вазирликка кўп ёрдам берган, биласиз, - деди Снегг, Дамблдорга қараб, - Белги қизийдиган бўлса, қочишни ният қилган.

- Йўғ-е? - деди Дамблдор, қасрга кириб келишаётган Флёр билан Рожер Дэйвисни нигоҳи ила кузатиб, - Унга қўшилиб, жуфтак ростлашни истар эдингми?

- Йўқ, - жавоб берди Снегг, - Мен унга ўхшаган кўрқоқ эмасман.

- Дарҳақиқат, - маъқуллади Дамблдор, - Сен Игорь Каркаровдан анча мард одамсан. Биласанми, баъзан назаримда, болани факультетга белгилаш масаласида шошқалоқликка йўл қўйгандай бўламиз...

Дамблдор дардчил Снеггни холи қолдириб, нари кетди.

Манзара ўзгарди...

Гарри яна мактаб директорининг хонасида пайдо бўлди. Тунги вақт. Дамблдор креслосида суяниб ётибди. Куйиб, қорайган ўнг қўли бўшашиб, осилиб қолган. Сеҳрли таёқчасини Дамблдорнинг билагига ўқтаган Снегг пичирлаб, афсун ўқиш билан бир вақтда, бошқа қўли билан тилла тусли дамлама ичирмоқда. Бироз вақт ўтиб, қовоғи титраган Дамблдор ҳушига келиб, кўзини очди.

- Нега? Нега мана бу узукни тақдингиз? - сўради Снегг, салом-алик қилиб ўтирмай, - Унга кучли қарғиш қўлланилган. Буни сиз яхши билгансиз. Нега керак бўлди, унга қўл теккизиш?

Дамблдорнинг қаршисидаги ёзув столи устида Мерволон

Монстернинг узуги, ёнида эса Гриффиндор қиличи ётибди.
- Мен... - юзини буриштирди Дамблдор, - Хатога йўл қўйдим.
Жуда қизиқ кўринди менга...

- Нима қизиқ кўринди?

Дамблдор саволга жавоб бермади.

- Ҳаётга қайтганингизнинг ўзи мўъжиза бўлди, - деди Снегг, қутуриб кетгандай, аччиқланиб, - Ушбу узукка мисли кўрилмаган қудратли қарғиш қўлланилган. Унинг таъсирини тўхтатишга умид қилишдан бошқа чора йўқ. Қарғиш таъсирини маълум вақтга тўхтатиб қолишга муваффақ бўлдим холос.

Дамблдор қорайган қўлини кўтариб, ноёб топилмани томоша қилаётгандай, кўздан кечириб чиқди.

- Жуда зўр уддалабсан, Северус. Нима деб ўйлайсан, қанча умрим қолди?

Дамблдорнинг овози хотиржам бўлиб, саволи эртанги об-ҳаво билан қизиққандай эшитилди.

- Аниқ бир нима дейиш қийин, - деди Снегг бироз ўйлангач, - Эҳтимол бирон йил қолгандир. Бундай қарғиш таъсирини мангу тўхтатиб бўлмайди. Кун ўтиб бир кун сиқувдан халос бўлади. Бундай қарғишлар йилдан йилга кучайиб бораверади.

Дамблдор кулиб боқди. Атиги бир йил умри қолгани ҳақидаги янгилик уни ташвишга солмади.

- Омадим бор экан, Северус. Ёнимда бўлганинг - омадим чопгани!

- Агар сал эртароқ чақирганингизда, нафим кўпроқ тегар эди. Умрингиз сал узоқроқ бўлар эди! - дарғазаб оҳангда бақирди Снегг, синган узук билан Гриффиндор қиличига қараб, - Узук синиб, қарғиш кучи ҳам барҳам бўлганига ишончингиз комилми?

- Шунга ўхшайди... ўзимни идора қила олмадим, - деди Дамблдор, ўтирган жойида қаддини базўр ростлаб, - Аслида, бу ҳамма нарсани соддалаштиради холос.

Снегг таҳайюр қараб қолди. Дамблдор эса унга кулиб боқди.

- Лорд Вольдемортнинг мен иштирок этадиган режасини назарда тутмоқдаман. Унинг режасига биноан, бечора Драко мени ўлдириши керак.

Снегг Дамблдорнинг қаршисидаги, Гарри директор билан

ўтган машғулотлар давомида тез-тез банд қилиб борган курсига ўтирди. Жароҳатланган қўл ҳақида яна нимадир демоқчи бўлган кўринади, Дамблдор имо ила мавзуга чек қўйди.

- Драко масъулиятига юкланган ўша ишни уддалай олмаслигига Ёвуз Лорд умид боғлаган, - деди қовоғидан қор ёғилаётган Снегг, - Бу Люциуснинг яқинда йўл қўйган хатоси учун ўзига хос жазодан ўзга нарса эмас. Ота-онани аста-секин қийноққа солиш, яъни дастлаб фарзанднинг муваффақиятсизликка учрашини, кейин эса ижросизлиги учун ўлим топишини ўз кўзи билан кузатиб боришга мажбур қилиш усули.

- Қисқа қилиб айтганда, - хулоса қилди Дамблдор, - Бола, худди мен каби, ўлимга ҳукм қилинган. Демак, тахминимга кўра, агар Драко олдида турган вазифа ижросини уддалай олмаса, мени сен ўлдиришинг керак.

Орага қисқа сукунат чўкди.

- Ёвуз Лорднинг режаси мазмунан айнан шундан иборат, - деди Снегг.

- Демак, маълум вақт ўтгач, Лорд Вольдеморт мактабда фаоият юритадиган жосусга эҳтиёж сезмай қўяди.

- Шундай. У «Хогварц»ни забт этади.

- Ва бунинг уддасидан чиқадиган бўлса, - деди Дамблдор, - Илгари ваъда қилганингдай, ўқувчиларни ҳимоя қилиш учун қўлингдан келганча ҳаракат қиласан, шундайми?

Снегг бош ирғиди.

- Маъқул. Ундай бўлса, биринчи навбатда, Драко қандай ишга жазм қилмоқчи бўлганини билишинг керак. Қаттиқ кўрққан ўспирин атрофдагилар учун ҳам, шахсан ўзи учун ҳам хавф сола бошлайди. Унга ёрдамнинг ва ўз ҳимоянгни таклиф қил. Сен унга ёқасан, ёрдам беришга имкон беради.

- Отаси кўрсатган ёрдам каби. Драко мени айбляпти.

Фикрича, мен Люциуснинг ўрнини эгалламоқчиман.

- Шунга қарамай, ёрдам беришга уриниб кўр. Ўз қисматимдан эмас, тасодифий қурбонлар бўлишидан хавотирдаман. Охир-пировардида болани Лорд Вольдемортнинг ғазабидан асраб қолиш учун фақат бир иш қила оламиз холос.

Снегг ҳайрон бўлганча қош кўтариб, истехзо ила сўради.

- Сизни ўлдиришига имкон бермоқчимисиз, унга?

- Йўқ, албатта. Мени сен ўлдирасан.

Дамблдорнинг Янгус лақабли қақнуси қандайдир мазали нарса еб, тумшуғини шақиллатаётганини ҳисобга олмаганда, орага чуқур сукунат чўкди.

- Ҳозир ўлдирайми сизни, ё қазо қилишингиз муносабати билан марсия ёзиб қолдирмоқчимисиз олдин?

- Жа унчалик эмас. Ўйлашимча, вақт ўтиб, мавриди келади. Бугун юз берган мана бу ишга қараганда, - мажруҳ қўлини кўрсатди Дамблдор, - Ўша фурсат йил давомида келиб қолади.

- Модомики, ўлимингиз муқаррар экан, Драко суғуриб олгани яхши эмасми, жонингизни? - тахмин қилди Снегг, дағал оҳангда

- Боланинг қалби ҳали бутун, - жавоб берди Дамблдор, - Унга шикаст етишига сабабчи бўлишни истамайман.

- Менинг қалбим-чи, Дамблдор? Менинг қалбим нима бўлади?

- Мендай бир кекса кишини жон оғриғи-ю, тахқирланишдан халос қилсанг, қалбингга қай даража шикаст етишини ўзинг биласан, - деди Дамблдор, - Шу яхшилигингни дариғ тутма мендан, Северус. Зеро, куним битадиган фурсат, Чадли Кэннонс лиганинг энг яхши ўйинчиси номига муяссар бўладиган кун яқинлашаётгани каби, шиддат-ла яқин келмоқда. Очиғини айтаман, омонатимни жоним оғримай, имкон қадар тез топширишни истайман. Узоқ ва хунук вафот топишни хоҳламаган бўлар эдим, масалан, жонимни суғуриб олиш ишида мистер Уолк иштирок этадиган бўлса.

Эшитишимча, Вольдеморт уни ўз сафдошлари қаторига қўшган эмиш. Шу гап тўғрими? Ёки масалан, жозибали Беллатрикс иштирок этадиган бўлса. Бу аёл ўз қурбонининг жонини суғуриб олишдан олдин, у билан мушук сичқонни ўйнагандай, анча вақт ўйнашни хуш кўрар экан.

Дамблдор беташвиш гапираётган бўлса ҳам, нигоҳи ила Снеггни тешиб, қалбини кўриб ўтирибди.

Охири Снегг бош ирғиб қўйди.

- Миннатдорман, Северус.

Манзара ўзгарди...

Снегг билан Дамблдор қош қорайган маҳалда қасрнинг кимсасиз ҳовлисида сайр қилиб юришибди.

- Кечки машғулотларингиз давомида нималар билан машғул

бўляпсиз, Поттер иккалангиз? - кескин оҳангда сўради Снегг. Дамблдор бироз толиққан кўринади.

- Нималар билан дейсанми? Дарсдан кейин яна ўз хонангда қолдирмоқчимисан, уни? Бола шундоқ ҳам очик ҳавода эмас, кўпроқ жазо ўтаб ўтказяпти асосий вақтини.

- У яна отасидай тутмоқда, ўзини.

- Ташқи қиёфаси отасига ўхшаса-да, қалби ила Лилининг ўзгинаси у. Машғулотларимиз давомида эса Гарри иккаламиз айрим масалаларни муҳокама қиляпмиз. Унга баъзи бир маълумотларни ҳозирдан етказиб қўйишим керак.

- Баъзи маълумотларни? - такрорлади Снегг, - Унга ишонасиз-у... менга келганда - йўқ.

- Бунга ишончинг дахли йўқ, Северус. Куним битаётганини иккаламиз яхши биамиз. Мен унга келгусида бажариши керак бўлган ишга тааллуқли маълумотларни беряпман холос.

- Нега менга айтиб бўлмайди, ўша маълумотларни?

- Ўз сир-асрорларимни битта бошда сақлашни маъқул кўрмайман. Айниқса, соҳиби ўзининг асосий вақтини Лорд Вольдемортнинг ёнида ўтказадиган бошда.

- Мен сизнинг буйруғингизни бажаряпман.

- Ва жуда яхши бажаряпсан, сен уни. Ҳамиша хавф остида юришингни яхши биламан, Северус. Вольдемортга қимматли маълумот бериб, унинг асосий мазмунини сир сақлаб қолишни сендан бошқа ҳеч кимга ишониб топширмаган бўлар эдим.

- Шунга қарамай, Окклуменциянинг моҳиятини тушуна олмаган, сеҳргарлик қобилияти ўрта-миёна, Ёвуз Лорднинг онгига бевосита кириб юрадиган болага кўпроқ ишонасиз!

- Қўрқиб қолди Вольдеморт ўша боғлиқликдан, - деди Дамблдор, - Гаррининг онгига қисқа вақтга бўлса ҳам кириб чиқиш нимага олиб келишини жуда яхши тушуниб олди у. Вольдеморт муқаддам ҳис этмаган оғриқни бошдан кечирди. Ишончим комилки, Гаррининг онгига эгалик қилишга энди у ҳеч қачон қўл урмайди. Бундай усулда эмас, ҳар қалай.

- Тушунмадим.

- Гаррининг қалбидай соф қалб билан юзага келган чамбарчас алоқага Лорд Вольдемортнинг мажруҳ қалби ҳеч қачон бардош бера олмайди. Буни музлаган пўлатга ёпишган

тил ёки оловда ёнаётган танага қиёслаш мумкин.

- Қалб билан дейсизми? Биз онг билан алоқа ҳақида гапираётган эдик.

- Гарри билан Лорд Вольдемоорт ўртасидаги ўзаро алоқа ҳолатида онг ҳақида мулоҳаза юритилаётганда қалб ҳам назарда тутилади.

Дамблдор атрофга алаглаб ёлғиз эканликларига ишонч ҳосил қилди. Иккаласи Ман этилган ўрмонга яқинлашиб қолган. Яқин атрофда биров борлигини англатадиган бирон-бир аломат йўқ.

- Мени ўлдирганингдан сўнг, Северус...

- Режангиз тафсилотлари билан мени таништиришни истамайсиз-у, мендан бундай хизмат кўрсатишни талаб қиласиз! - гапни бўлди Снегг, озғин юзи ғазабдан қизариб, - Ҳаддан ортиқ хотиржамсиз, Дамблдор! Ниятимдан қайтиб қолишим ҳам мумкин!

- Сўз бергансан, менга, Северус! Модомики кўрсатиладиган хизмат тўғрисида гап очилган экан, ёш слизеринчимизга ҳам кўз-қулоқ бўлиб юришга розилик берган эдинг.

Снегг ғазаб отидан тушмади.

- Яхши, - деди Дамблдор оғир хўрсиниб, - Бугун соат ўн бирда хонамга кел. Сенга ишонмаётганим ҳақида бошқа арз қилмайдиган бўлиб чиқасан.

Манзара ўзгарди...

Гарри яна Дамблдорнинг хонасида пайдо бўлди. Кўча тим қоронғи. Янгус шовқин солмай ўтирибди. Снегг ҳам жим. Дамблдор хонада у ёқ, бу ёқ юриб, гапирмоқда.

- Гарри билмаслиги керак буни. Сўнгги фурсатгача ҳам, бу унга керак бўлган фурсатда ҳам билмаслиги керак. Акс ҳолда, қилиши керак бўлган ишни охиригача етказишга кучи етмай қолади.

- Нима иш қилиши керак ўзи, у?

- Буни Гарри иккаламиз биламиз холос. Ана энди диққат билан қулоқ сол, Северус. Вақт ўтиб, шундай бир фурсат келади-ки, менинг ўлимимдан кейин, албатта... Шошма, гапимни бўлмай, қулоқ сол! Шундай бир фурсат келади-ки, Лорд Вольдемоорт ўз илонининг ҳаётидан хавотир ола бошлайди.

- Илонининг ҳаётидан хавотир ола бошлайди? Анави

Нагайнанинг ҳаётидан-а? - ҳайрон бўлди Снегг.

- Ҳа, Нагайнанинг ҳаётидан. Агар Лорд Вольдеморт ўша илонига ҳар хил топшириқлар беришни бас қилиб, ҳамиша ёнида сақлайдиган, сақлаганда ҳам, сеҳрли муҳофаза остига олган ҳолатда сақлайдиган фурсат етса, демак, ўйлашимча, бу гапни Гаррига айтса бўлаверадиган вақт етган саналади.

- Қайси гапни айтиш керак бўлади, Гаррига?

Дамблдор чуқур нафас олиб, кўзини чирт юмди.

- Лорд Вольдеморт чақалоқ Гаррини ўлдириш учун келган ўша тунда Лили ўзини қурбон қилиб, ҳаётини иккаласининг ўртасига қалқон сифатида қўйган. Ўлдириш қарғишининг яшини ушбу қалқондан, бошқача қилиб айтганда, Гаррининг пешанасидан сапчиб, Лорд Вольдемортга теккан. Натижада Вольдемортнинг руҳи парчаланиб, унинг бир қисми ўша фурсатда хонада бўлган ягона тирик жонзот – чақалоқ Гаррининг танасига кириб, жойлашиб олган. Қисқаси, Лорд Вольдемортга тегишли руҳнинг бир қисми Гаррининг ичида яшамоқда. Шу боис ҳам Гарри илон тилида гапириб, Лорд Вольдемортнинг онги билан боғлана олади. Шунинг учун ҳам, ушбу алоқа сабабини ҳеч ким изоҳлаб бера олмади. Вольдемортдан ажраб чиққан ўша руҳ ўлдирилмас экан, Ёвуз Лорд ҳеч қачон ўлмайди.

Гарри уларни худди туннелнинг нариги бошидан қараётгандай кўрмоқда. Иккаласи шунчалик узоқ-ки, овозлари Гаррининг қулоғига акс-садо бўлиб эшитилмоқда.

- Бола... ўлиши керакми? - сўради Снегг, вазмин оҳангда.

- Муҳими, Вольдемортнинг ўзи ўз қўли билан ўлдириши керак уни, Северус. Энг асосий шarti шу.

- Мен... Биз болани... - тилга кирди ниҳоят Снегг, узоқ танаффусдан кейин, - Болани биз шунча йилдан буён онасининг... Лилининг хотираси ҳурмати, ҳимоя қилиб келяпмиз, деб ўйлаб келган эканман.

- Биз уни мактабда ўқиб, билим олиши, тарбия топиши, ўз кучини ҳис эта билиши жуда муҳим бўлгани учун ҳимоя қияпмиз, - деди кўзи юмуқ Дамблдор, - Шу вақт ичида иккаласининг ўртасидаги алоқа кучайиб бораверди.

Назаримда, баъзан бунини ўзи ҳам фаҳмлаётгандай бўлди. Дамблдор кўзини очиб, Снегг унга даҳшат-ла қараб ўтирганини кўрди.

- Керакли фурсатда ўлиши учун сақлаб келдингизми, унинг ҳаётини?
- Қўйсанг-чи, Северус, қанча эркак-аёллар ўлиб кетди кўз ўнгингда?
- Сўнгги йилларда ҳаётини сақлаб қолиш қўлимдан келмаган одамларгина ҳалок бўлишган, - деди Снегг, ўрnidан туриб, - Сиз мендан фойдаландингиз.
- Тушунмадим?
- Сизнинг манфаатингизда жосуслик қилдим, сиз учун ёлғон гапириб келдим, ҳаётимни хавф остига қўйдим, Лили Поттернинг ўғлини ҳимоя қилиш учун қўлдан келганча ҳаракат қилдим. Энди эса сиз, сўйиш учун чўчқадай боқиб семиртирганман Гаррини, деб турибсиз менга...
- Жуда таъсирли гап бўлди, Северус, офарин! - деди Дамблдор, жиддий оҳангда, - Болага меҳр қўйдингми, дейман?
- Болага? - бақирди Снегг, - Экспекто патронум! Снеггнинг сеҳрли таёқчасидан кумуш тусли урғочи буғу отилиб чиқиб, хона полига сакраб тушди. Аста югуриб, деразадан сакраганча, хонани тарк этди. Урғочи буғуга қараб қолган Дамблдор кумуш шуъла гум бўлгач, Северусга юзланди.
- Орадан шунча йил, шунча ҳодиса ўтган бўлишига қарамай-я?
- Ҳамиша, - жавоб берди кўзи ёшга тўлган Снегг. Манзара ўзгарди...
- Энди Снегг Дамблдорнинг директор креслоси ортидаги портрети билан гаплашмоқда.
- Гарри холаси билан поччасининг уйини тарк этадиган аниқ санани Вольдемортга айтишинг керак бўлади, - деди Дамблдор, - Воқифлигинг шубҳа туғдирмаслиги керак. Хўраklar ҳақидаги ғояни сингдир уларга. Бу билан Гаррининг хавфсизлиги таъминланади. Бунинг учун Мундугнус Флетчерга нисбатан Конфундус афсунини қўлла. Агар таъқиб қилиш гуруҳи таркибига киритилсанг, демак, ўз ролингни ишончли ўйнаган бўласан... Лорд Вольдеморт таянган издошлар орасида узоқ вақт қолишингга умид боғлайман. Акс ҳолда «Хогварц» ҳимоясиз қолиб, Ўлимдан мириқувчилар ихтиёрига батамом ўтиб кетади...

Манзара ўзгарди...

Снегг нотаниш қовоқхонада, ранги ғайриоддий ўзгарган Мундугнус Флетчер билан юзма-юз ўтирибди. Қовоғини солиб олган Снегг Мундугнуснинг хаёлини бир ерга жамлаяпти.

- Қақнус орденига Ҳамма қиёфа сиркаси воситасида тузоқдаги хўрақлар, яъни сохта Поттерлар ғоясини таклиф қиласиз. Кор берадиган ягона йўли шу эканлигини тушунтирасиз. Бу гапни сизга мен айтганимни унутинг. Уни ўз ғоянгиздай тақдим эдинг. Тушундингиз-ми?

- Тушундим, - ғудуллади Мундугнус, икки кўзи ҳар томон қараб.

Манзара ўзгарди...

Энди Гарри супурги эгарлаган Снеггнинг ёнида, булутсиз тим қора осмонда, Ўлимдан мириқувчилар гуруҳи таркибида учмоқда. Олдинда Люпин билан сохта Гаррилардан бири, аслида Жорж учмоқда. Ўлимдан мириқувчи Снеггни қувиб ўтиб, Люпиннинг белини нишонга олди.

- Сектумсемпра! - қичқирди Снегг.

Бироқ Ўлимдан мириқувчига қарата улоқтирилган қарғиш яшини хато кетиб, Жоржнинг қулоғини узиб кетди...

Манзара ўзгарди...

Снегг Сириуснинг эски ётоқхонасида чўккалаб олганча, Лилининг хатини ўқиб ўтирибди. Бурнининг учидан кўз ёши томмоқда. Хатнинг иккинчи саҳифаси атиги бир неча сўздан иборат экан:

... қачонлардир Геллерт Гриндельвальд билан дўст тутингани. Кампир шўрлик, қариб, эси оғиб қолган кўринади. Улкан муҳаббат ила, Лили.

Снегг Лилининг имзоси ва муҳаббат изҳори битилган иккинчи саҳифани ридосининг киссасига жойлади. Шундан сўнг, қўлидаги фотосуратни йиртди. Суратнинг Жеймс билан Гарри тасвирланган қисмини каравот ёнидаги жавонча остида ташлаб, Лили кулиб боқаётган қисмини ўзи билан олиб кетди...

Манзара ўзгарди...

Снегг хизмат хонасида, ҳозиргина ўз портретига қайтиб келган Пиний Нигеллийнинг суратига қараб турибди.

t.me/pottermanlar

- Директор, улар Жарлик ўрмонида қўним топишди!
Магловачча...
- Бу сўзни ишлатма!
- Демак, қизалоқ Грэнжер. Сумкасидан чодир устунини чиқараётган пайтда жой номини талаффуз этди, мен эшитиб қолдим!
- Яхши. Жуда яхши, - овоз кўтарди Дамблдорнинг портрети, - Энди, Северус, қилич! Бироқ ёдингда бўлсин, қурол мардлик намоён этиш шарти ила қўлга киритилиши керак. Сизлар ёрдам берганингизни умуман билмаслиги керак, у. Агар Вольдеморт Гаррининг фикрини ўқиб, ёрдам берганингизни кўриб қолса...
- Биладан, - қисқа қилди Снегг.
У Дамблдорнинг портретига қўл теккизди. Портрет олд томон чиқиб, орқасидаги туйнук оғзи очилди. Снегг у ердан Гриффиндор қиличини чиқарди.
- Нима учун Поттерга ушбу қилични беришмас кераклигини ҳали ҳам айтмоқчи эмасмисиз? - сўради Снегг, ридоси устидан сафар плашини кияр экан.
- Йўқ, айтиш керак, деб ўйламайман, - жавоб берди Дамблдор, - У ўзи билади қилич нимага кераклигини. Северус, илтимос, ўзингизни эҳтиёт қилинг. Жорж Уэслини қулоқсиз қолдирганингиздан сўнг, улар сиз билан ади-бади айтишиб ўтиришмайди.
- Ташвиш тортманг, Дамблдор, - деди Снегг, совуқ оҳангда, - Нима қилишни яхши биладан.
Снегг хонани тарк этди.
Гарри хотира чиғаноғини тарк этиб, ўзини Снегг ҳозиргина эшик ёпиб чиқиб кетган хонанинг гилам тўшалган полида чўзилиб ётганини кўрди.

ЎТТИЗ ТўРТИНЧИ БОБ. ЯНА ЎРМОНДА

Ниҳоят Гарри бор гапдан воқиф бўлиб, ҳақиқатнинг тагига етди. У бир вақтлар фикр юритиб, ғалаба сирларини ўзлаштирган хона гиламига юзини маҳкам босганча, ётибди. Омон қолиши мумкин эмаслигини Гарри тушунди. У ўзини Ажалнинг кенг бағрига индамай ташлаши, йўл йўлакай эса Вольдемортнинг ҳаёт ришталарини узиб бориши, йўлига

Admin: [@Sarvarbek9777](https://t.me/Sarvarbek9777)

тўғаноқ бўлган фурсатда ўзини ҳимоя қилиш учун сеҳрли таёқчасини кўтармаслиги керак бўлган экан. Годрик жарлигида ниҳоясига етмаган иш мана энди тоза бажарилиб, яқун топади. Биров омон қолиши мумкин эмас, ҳеч ким тирик чиқмайди.

Кўкрак қафасига қамалган юрак ёлвориб дукиллаяпти. Ўлим арафасида ушбу юрак янада кучли қон ҳайдаганча, Гаррининг ҳаётини қўллаб-қувватлаётганинг ўзи ғалати бир ҳолатдай туюлмоқда. Бироқ минг чиранмасин, дукиллаш сони саноқли бўлиб, кўп ўтмай батамом тўхтайтиди, шунга ҳукм қилинган экан у. Ўрнидан туриб, қасрдан чиқишга, мактаб ҳовлисини кесиб ўтиб, Ман этилган ўрмонга етиб боришига қанча вақт керак бўлади?

Кўкрагида мотам зарби урилганча, хона полида ётар экан, Гаррининг вужудини қўрқув ҳисси тарк этди. Ўлими осон кечармикан, ишқилиб? Ҳар сафар ўлим топиши мумкинлигини билиб, ажалга чап берганда, жон бериш қандай кечиши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаган экан. Зеро, унинг яшаш истаги ўлим олдидаги қўрқувдан ҳамиша кучли келган. Энди эса Вольдемортдан қочиб қутилишга уринмаслик, ажалга чап бермаслик талаб этилмоқда. Ўйин ниҳоясига етаётганини билади, жон бериш қолди холос. Одамовилар хиёбонидаги 4- уйни сўнгги бор тарк этган ёз тунида, ўзаги улўфсифат қақнус патидан тайёрланган сеҳрли таёқчаси қутқариб қолгани яхши бўлмади. Нима бўлаётганини тушунмай ҳалок бўлган Хедвиг сингари тез жон берган бўла бўлар эди! Қанийди кимнингдир ҳаётини сақлаб қолиш учун ўзини қалқон қилиб, рақибнинг сеҳрли таёқчаси отган ўлим яшини қаршисига чиқса... Вафот топиш масаласида Гарри ҳозир ўз ота-онасига ҳавас қилди. Жаллоднинг кундаси томон хотиржам боришнинг ўзи кишидан алоҳида мардлик талаб этади. Гарри, гарчи девордаги портретларнинг бари бўш бўлиб, ҳеч ким кўрмаётган бўлса-да, бироз титраётган бармоқларини идора қилишга уринди.

Ўрнидан шошмай туриб, ётган жойига аста ўтирди. Ўтирар экан, Гарри ўзини янада тирик, жонли танаси ҳақида илгаригидан ҳам кўпроқ нарсалар билишини ҳис этди. Яшаш, тирик бўлиш мўъжизанинг ўзи эканлиги ҳақида, мияси, сезги органлари, дукуллаётган юраги ҳақида нима учун ҳеч ўйлаб

кўрмаган экан? Буларнинг бари энди йўқ бўлади... ёки ўзи тарк этади уларни. Шошилмай, чуқур нафас олаётган Гарри оғзи, бўғзи ҳатто кўзи ҳам қуриб қолаётганини ҳис этди. Дамблдорнинг хиёнаткорлиги Гаррига аҳамиятсиз кўринди. Албатта буларнинг бари катта режанинг бир қисми бўлган: буни идрок этиш учун у анча ғўрлик қилган, бор гапни эса энди англаб етди. Унинг бахтли ҳаёт кечириши, узоқ умр кўришини Дамблдор жуда истагани борасида шубҳага боришни Гарри хаёлига ҳам келтирмаган экан. Энди эса, кўриб турганидек, умрининг давомийлиги Дамблдор томонидан белгилаб қўйилган бўлиб, барча руҳдонларни топиб, йўқ қилиш учун талаб этиладиган вақт билан ўлчанган экан. Дамблдор Гаррига руҳдонларни топиб, йўқ қилиш вазифасини топшириб кетган. Уларни йўқ қилар экан, Гарри, нафақат Вольдемортнинг ҳаёт ришталарини узиб борган, балки ўз ўлимининг ҳам вақт-соатини яқинлаштирган! Нақадар соф, нақадар нафис қарор! Бошқаларнинг ҳаётини беҳуда сарф этмаслик, ўлими Вольдемортга қарата берилган навбатдаги зарба бўлиб, фожиа саналмайдиган, шундоқ ҳам қурбонлик сифатида танланган болага ўта хавфли топшириқ бериб кетиш!

Муаммо ечимини ўз зиммасига олган Гарри кўрқоқлик қилмай, ўлими муқаррар эканлигини кўра-била туриб, охиригача боришига Дамблдор зиғирдай бўлсин, шубҳа қилмаган. Мазкур фожиаларни тўхтатиш ўз изму ихтиёрида эканлигини англаган Гарри, унинг ўрнига бошқа биров ҳалок бўлишига йўл қўймаслигини Вольдеморт сингари Дамблдор ҳам яхши билган. Жасадлари Катта Залда ётган Фред, Люпин ва Бомснинг сиймолари Гаррининг кўз олдига келиб, нафас олиши қийинлашди. Ажал тоқатсизлик қилмоқда...

Бироқ Дамблдор, афтидан, унга ҳаддан ортиқ баҳо берган кўринади. Гарри муваффақиятсизликка учради: илон ҳамон тирик. Руҳдонлардан бири, Гарри ўлганидан кейин ҳам, Вольдемортни ҳаёт билан боғлаб туради. Ҳар қалай бу иш бошқа биров учун анча осон кечади. Ким қилади бу ишни?... Нима иш қилиш кераклигини Рон билан Гермиона билади, албатта. Мана, нима учун Дамблдор ўз сир-асрорларини яна икки кишига ишониб, топширган... Гарри ўзининг асл вазифасини сал эртароқ бажариб қўядиган бўлса, Рон билан

Гермиона қолган ишни охирига етказди...

Ушбу мулоҳазалар деразанинг совуқ ойнасига урилаётган ёмғир қатралари каби, шубҳасиз ҳақиқат сиртига қаттиқ урилмоқда. Ҳақиқат эса мазмунан Гаррининг ҳалок бўлиши кераклигидан иборатдир. «Мен ўлишим ва буларнинг бари тугаши керак», хулоса қилди Гарри. Унинг назарида Рон билан Гермиона узоқда, олис юртга кетиб қолишган бўлиб, хайр-маъзур қилишганига анча бўлган. Ҳеч қанақанги видолашув, тушунтиришлар бўлмайди, буни Гарри аниқ билади. Бу галги сафарга дўстлари ҳамроҳ бўла олишмайди, ўжарликлар эса қимматли вақтнинг беҳуда сарф этилишига олиб келади. У пастга, ўн етти ёшга тўлиши муносабати билан совға қилинган синган соатга қаради. Гаррини топшириш учун Вольдеморт томонидан ажратилган бир соатнинг деярли ярми ўтибди.

У ўрnidан турди. Юраги ҳуркиган қуш каби, кўкрак қафаси ичида ўзини ҳар томон урмоқда. Эҳтимол юраги вақт-соати етганини сезгандир ва эҳтимол тўхташ олдидан бутун умрли зарбаларни ҳозироқ дукиллашиб олишга аҳд қилгандир. Эшикни ёпиб, хонани тарк этар экан, ортга қарамади. Қаср бўм-бўш. Гарри гўё аллақачон ўлиб, улгурган-у, энди арвоҳ сингари деворлардан ўтиб бормоқда. Йўлаклардаги портретлар ҳам бўш. Қаср кимсасиз бўлиб, ундаги ҳаётий куч жасадлар ва мотам тутганларга тўлган Катта Залга жамлангандай гўё.

Гарри кўринмас плашини устига ташлаб, қаватдан қаватга тушганча, вестибюлдаги чиқиш эшигига олиб борадиган мрамор зина томон йўл олди. Эҳтимол Гаррининг заррадай қисми уни кимдир сезиб қолиши, йўлдан қайтаришига умид боғлагандир, лекин плаш ҳар доимгидай беназир бўлиб, ҳеч кимга кўринмай, чиқиш эшигига қадар монесиз етиб борди. Эшик олдида Невилль билан тўқнашиб кетишига сал қолди. Невилль ҳовлидан навбатдаги жасадни топиб, Катта Залга кўтариб келаётган икки кишидан бири бўлди. Гарри пастга, жасадга қараб, қорин соҳаси худди қаттиқ зарба егандай оғриди. Колин Криви. Балоғатга етмаган бола афтидан, худди Малфой, Краббе ва Гойл каби, қаср ҳудудига ўғринча, ҳеч кимга сездирмай кириб келган кўринади. Жуссаси миттигина боланинг жасадидай кўринмоқда.

- Невилль, энди бу ёғини ўзимга қўйиб беравер, - деди Оливер Древл, болакайнинг жасадини елкасига ташлаб, - Ўзим олиб кираман.

Невилль улкан эман эшикнинг кесакисига суюниб, кафтининг орқа томони билан пешана терисини артганча, бироз дам олди. Йигит бир куннинг ўзида кескин кексайиб қолгандай кўринмоқда. Нафас ростлаган Невилль жасад қидириб, яна қоронғи ҳовлига чиқиб кетди.

Гарри Катта Зал эшиги орқали ичкарига қаради. Одамлар зал бўйлаб айланиб, бир-бирига далда беришмоқда, жасадлар олдида тиз чўкиб, видолашишмоқда. Гермиона, Рон, Жинна, Уэслиларнинг бошқа бирортаси ёки Луна кўринмади. Уларни сўнгги бор кўриш учун бор нарсасини беришга тайёр, лекин кўргач, қараб туришни бас қилишга кучи етадими? Яхшиси кўрмагани маъқул.

Кўча қоронғи. Соат эрталабки тўртга яқинлашган. Мактаб ҳовлисида ҳукм сураётган ўлик жимжитлик нафас олмай, секин юришга мажбур қилмоқда.

Гарри яна бир жасадни топган Невиллнинг устига эргашди.

- Невилль!

- Секинроқ, Гарри! Юрагимни ёриб ўлдиришингга сал қолди! Гарри кўринмас плашини ечди. Мутлақ ишонч билан кетиш учун унинг миясига бир фикр келди.

- Ёлғиз ўзинг қаёққа кетяпсан? - сўради Невилль, шубҳа ила қараб.

- Катта режанинг кичик бир қисми бу, - деди Гарри, - Ёлғиз ўзим қилишим керак бўлган муҳим бир иш бор. Қулоқ сол, Невилль...

- Гарри! - гапни бўлди Невилль, дўстига чўчиб қараб, - Мабодо асир тушгани кетаётганинг йўқми, ишқилиб?

- Йўқ, - осонгина алдади Гарри, - Албатта йўқ... бошқа иш бор. Маълум вақт мен жуда банд бўламан. Вольдемортнинг илони борлигини биласанми, Невилль? Жуда улкан илони бор унинг... лақаби Нагайна.

- Эшитгандай бўляпман, ҳа... Тинчликми, ўзи?

- Ўша илонни ўлдириш шарт, Невилль. Рон билан Гермиона билади буни. Мабодо улар уддалай олишмаса...

Гаррининг бўғзига, ушбу гап мазмунининг даҳшатидан нимадир тикилиб қолиб, сўз айта олмай қолди. Бироз туриб,

Ўзини қўлга олди. Узил-кесил ҳал қиладиган фурсат етди. Ҳозир у Дамблдорга ўхшаши, яъни совуқ мия ила вазмин мулоҳаза юритиб, ўйин давом этиши учун захира ўйинчи борлигига амин бўлиши лозим.

Дамблдор руҳдонлар ҳақида уч кишини воқиф қилгачгина, ўлган эди. Энди Гаррининг ўрнини Невилль эгаллаб, сирдан илгаригидай, уч киши воқиф бўлганча, қолади.

- Ҳар эҳтимолга қарши, агар улар жуда банд бўлишса, сен ҳам билишинг керак...

- Илонни ўлдириш кераклигини-ми?

- Илонни ўлдириш шарт эканлигини, - токрорлади Гарри.

- Тушундим, Гарри. Ўзинг яхшимисан?

- Ҳаммаси жойида. Раҳмат сенга, Невилль.

Гарри йўлини давом этиш учун энди одимлаган эди ҳам-ки, Невилль унинг биллагидан ушлаб, тўхтатди.

- Биз ҳаммамиз курашни давом этишга қатъий аҳд қилганмиз, Гарри. Тушуняпсанми, нима демоқчи бўлганимни?

- Ҳа, мен...

Гаррининг ўпкаси тўлиб, фикрини охирига етказа олмади. Невилль, унинг ушбу ҳолатини ғалати деб топмаган кўринади, елкасига уриб қўйганча, жасад қидиргани кетди. Гарри ҳам кўринмас плашини устига ташлаб, йўлини давом этди. Сал нарида яна кимдир ерда ётган одам устида энгашиб турибди. Бир қадам қолганда, энгашиб турган қиз Жинна эканлигини тушунди.

Жинна ерда ётганча, ойисини чақираётган қизалоқ ёнига ўтирди. Гарри яна тўхтади.

- Қўрқма қизалоқ, - овутди Жинна, - Энди ҳаммаси жойида бўлади. Ҳозир сени қасрга олиб кетамиз.

- Қасрга эмас, уйга кетгим келяпти, - пичирлаб йиғлади қизча, - Бўлди, жанг қилишни истамайман энди!

- Биламан, - деди Жинна, овози титраб, - Сен мардларча жанг қилдинг. Энди ҳаммаси яхши бўлади.

Эти жимирлашган Гарри овози борича қичқиришни, у шу ердалигини Жинна сезишини, қай томон йўл олганини билиб қўйишини, уни ҳам кимдир тўхтатиб, уйига жўнатиб юборишини хоҳлади.

Лекин у шундоқ ҳам ўз уйида-ку. «Хогварц» унинг биринчи ва энг қадрдон уйи бўлиб қолган. Гарри ҳам, Вольдеморт ҳам,

Снегг ҳам, етим қолган бошқа болалар ҳам «Хогварц»ни ўзининг уйи деб билишган...

Жинна ярадор қизалоқнинг қўлини ушлаганча, тиззасида турибди. Гарри ўзини қўлга олди. Йўлини давом этар экан, назарида Жинна, ёнидан биров ўтганини сезган бўлса керак, ўгирилиб қарагандай бўлди. Орқасига ўгирилмаган Гарри Жиннадан узоқлашди.

Сал нарида Хагриднинг кулбаси қорайиб турибди. Чироқ ўчиқ, эшик тимдалаб, болаларни қутлаб ингиллайдиган Сўйлоқтишнинг акиллаши эшитилмайди. Мазкур кулбага ташрифлар, ўчоғда қайнаётган мис чойнакнинг ялтираши, тошдай қотган кулчалар, катта-катта қуртлар, Хагриднинг паҳмоқ соч-соқоли, Роннинг қайт қилиб, ичидан шиллиқурт чиқариши, Гермияоннинг Норбертни қутқаришга ёрдам бериши...

Кулбани ёнлаб ўтган Гарри ўрмон бошига етиб, тўхтади. Дарахтлар орасида дементорлар галаси сузиб юрибди. Гарри уларнинг совуқ таъсирини енгиб ўтишига кўзи етмади. Ҳимоячисини чақиришга қурби етмаслиги аниқ. Танасининг титроғини ҳам идора қила олмаяпти. Ўлиш осон иш эмас, ҳар қалай. Гарри майсанинг ҳидидан ҳузур-ла нафас олиб, юзини силаб ўтаётган салқин ҳаво ҳозир унга жуда қадрли туюлмоқда. Одамлар узоқ яшаши, ҳаётининг кўп йилларини беҳуда ўтказишлари ҳақида мулоҳаза юритиш, ҳозир эса ўзининг сўнгги сониялари ўтаётганини ўйлаш оғриқли кечмоқда. Шу билан бирга, вақтни ортиқ чўза олмаслигини, ундан нима талаб этилаётганини тушуниб турибди. Узоқ кечган ўйин ниҳоясига етди, Тилла чаққон тутиб олиниб, ерга қўниш вақти етди...

Ҳа, айтгандай, Тилла чаққон. Гаррининг бемажол бармоқлари бўйнидаги эшак тери қопчасини базўр очиб, Тилла чаққонни чиқарди.

«Ёпилишим керак бўлган жойдагина очиламан»

Хижолат тортаётган Гарри тез ва оғир нафас олмоқда. Имкон қадар чўзилишини истаган вақт аксинча, тезлашиб, Гарри вазиятни янада аниқроқ идрок этмоқда. Ҳамма нарса ёпилиши керак бўлган жой шу ер. Ҳақиқат тантана қиладиган фурсат етди.

Олтинни лабига теккизган Гарри пичирлади:

- Мен жон бермоқчиман.

Металл коптокча очилди. Гарри титраётган қўлини идора қилиб, плаш остида Драконинг таёқчасини ситаб, пичирлади:

- Люмос.

Ўртасидан дарз кетган қора тош Тилла чаққоннинг икки ярмини эгаллаб ётибди. Ҳаётга қайтариш тоши Катта сеҳрли таёқчани ифода этган вертикал чизиқ бўйлаб синган.

Кўринмас плаш ва Ҳаётга қайтариш тошини англаган учбурчак билан доира тасвирини ҳам кўз илғамоқда.

Ортиқ мулоҳаза юритмаган Гарри яна бир нарсани тушуниб етди. Модомики, Гаррининг ўзи ўлганлар сафига қўшилишни ният қилган экан, гап муқаддам ўлганларни ҳаётга қайтариш тўғрисида бормайди. Гарри уларни эмас, улар Гаррини чақиришади. Кўзини юмган Гарри қўлидаги тошни уч марта айлантирди.

Ўрмон ҳудуди бошланганини англатадиган лой ерда вазни енгил одамларнинг қадам товушига ўхшаш ҳаракатни эшитган Гарри, тегишли ҳодиса рўй берганини тушунди.

Кўзини очиб, атрофга қаради.

Улар арвоҳ ҳам эмас, тана-ю қондан иборат тирик одам ҳам эмас, лекин аниқ кўринишмоқда. Кундалиқдан чиққан Том Реддль ҳам шундай кўринган эди – моддий тус олган хотира. Уларнинг ранги тирик одамдан хира, арвоҳдан тўқ бўлиб, ҳар бирининг юзида меҳр табассуми барқ урмоқда.

Жеймснинг бўйи Гаррининг бўйи билан баробар. Эгнида жон берган куни кийган кийими. Сочи Гаррининг сочидай бетартиб, ҳурпайган, кўзойнаги мистер Уэслининг кўзойнагидай қийшиқ.

Новча бўйли, истараси иссиқ Сириус ҳаётлигидаги ёшидан анча ёш кўринмоқда. Ялангликда қўлини чўнтагига солганча, хиром айлаб, кулиб юрибди.

Люпин ҳам анча ёш, ташқи қифаси батартиб, қалин сочининг ранги ҳаётлигидаги рангидан тўқроқ. Ўспиринлигида роса шўхлик қилган жойга келиб қолганидан хурсанд кўринади. Ҳаммининг табассумидан Лилининг табассуми кенг. Узун сочини орқага ташлаган аёл яшил кўзини фарзандига қадаб, худди қайта кўрмайдигандай, тўйиб томоша қилишга уринмоқда.

- Сен мард йигит бўлиб ўсдинг.

Гарри лом-мим дея олмаяпти. Онасини томоша қилиб, юракдан завқланяпти. Бошқа ҳеч нима керак эмас, ҳамиша шундай туриб, ҳузур қилишни истаган бўлар эди.

- Мақсадга деярли эришдинг, - деди Жеймс.

- Ҳа, оз қолди. Биз... сен билан фахрланамиз.

Ўзини қўлга олиши қийин кечаётган Гарри бехосдан ёш боланинг саволини бериб юборди:

- Оғриқли кечадимми?

- Жон беришми? Мутлақо, - жавоб берди Сириус, - Уйқуга кетиш билан қиёслайдиган бўлсанг, янада тез ва осон кечади.

- У ҳам шуни, ҳодиса тез ўтишини хоҳлайди. Ҳаммаси тезроқ тугашини хоҳлаяпти у, - деди Люпин.

- Сизлар ўлишингизни истамаган эдим, - деди Гарри, беихтиёр, - Ҳеч қайси бирингиз... афсусдаман...

У қолганларга нисбатан кўпроқ Люпинга қараб, ўтинч оҳангида мурожаат қилди.

- Эндигина ўғил кўрган эдингиз... афсусдаман, Римус.

- Мен ҳам афсусдаман, - деди Люпин.

- Уни бирон марта бўлсин, кўрмай ўтганим чатоқ бўлди. Нима учун ҳалок бўлганимни ўзи билиб олади ва умид қиламанки, тўғри тушунади. У бахтли ҳаёт кечириши мумкин бўлган дунё тузишга уриниб кўрдим.

Ўрмон қаъридан эсаётган совуқ шамол Гаррининг пешанасидаги сочини ўйнатди. Улар «вақт бўлди» дея олишмаслигини Гарри билади. Бу ўзининг хоҳиш-иродаси, қарори бўлиши керак.

- Сизлар мен билан қоласизлар-ми?

- Охиригача ёнингда бўламиз, - деди Жеймс.

- Кўриб қолишмайди-ми, сизларни улар?

- Биз сенинг, бошқа ҳеч кимнинг кўзига кўринмайдиган қисмингиз.

Гарри ойисига қаради.

- Менга яқинроқ юринг, - илтимос қилди у, вазмин оҳангда.

Гарри йўлини давом этди. Унинг ҳамроҳлари Ҳимоячи вазифасини ўтагани боис, дементорларнинг таъсирини ҳис этмади. Гарри бир-бирига яқин ўсган, шохлари ўзаро чирмашиб, серкўз илдизлари оёққа илашаётган эски дарахтлар орасидан ўтди. Вольдеморт қаерда кутаётганини

аниқ билмаган, лекин топиб боришига амин бўлган Гарри Ман этилган ўрмон қаърига кириб бормоқда. Ёнида Жеймс, Сириус, Люпин ва Лили овоз чиқармай келишмоқда.

Ҳамроҳлари Гаррига дадиллик бахш этиб, дадил илдамлаб боришга асос бўлмоқда.

Унинг танаси билан онги бир-биридан айри ҳолда, оёқ-қўли миядан келадиган сигналсиз, мухтор ишламоқда. Гўё ўз танасини бошқарадиган ҳайдовчи эмас, уни тарк этиб чиқиши керак бўлган йўловчидай ҳис этмоқда ўзини. Ўрмон ичра елкама-елка келаётган марҳумлар қасрда қолган одамларга нисбатан тирикроқдай туюлмоқда, Рон, Гермиона, Жиннани ва бошқа барча тириклар кўз олдида арвоҳлардай гавдаланмоқда. Зеро, ҳозир у оёғи тойиб, ҳаётининг хотимасига, Вольдемортнинг ҳузурига сирғаниб бормоқда. Нимадир бўғиқ тарақлаб, пичирлаган овоз эшитилгандай бўлди. Яқин атрофда кимдир юргандай бд. Устига кўринмас плаш ташлаган Гарри тўхтади. Унинг ёнида келаётган ота-онаси, Люпин ва Сириус ҳам тўхташди.

- Кимдир бор шу яқин атрофда, - эшитилди бир қадам нарида дағал пичирлаган овоз.

- Унинг кўринмас плаши бор эди. Балким ўшадир?

Катта дарахт ортидан икки кишининг шарпаси чиқиб, сеҳрли таёқчасини ёритди. Гарри қоронғиликка тикилаётган Яксли билан Долоховни таниди. Шубҳа йўқ-ки, уларнинг кўзига ҳеч ким кўринмади.

- Қанайдир ҳаракат эшитилгани аниқ, - деди Яксли.

- Бирорта жонивор ўтгандир?

- Анави Хагрид деганлари бу ерларда ҳар хил экспонатларнинг бутун бошли коллекциясини боққан, - деди Долохов, елка узра ўгирилиб.

- Вақт бўлди, - соатга қаради Яксли, - Поттерга бир соат берилган эди, келмади.

- Келишига ишончи комил эди, унинг. Умиди пучга чиққан кўринади.

- Яхшиси қайтайлик, - таклиф киритди Яксли, - Янги режасини билайлик.

Долохов билан Яксли бурилиб, ўрмон ичкарасига одимлади. Керакли жойга олиб боришларини тушунган Гарри иккаласининг ортидан эргашди. Атрофга қараб, онаси кулиб

боқаётгани, отаси далда бериб, бош ирғиганини кўрди. Яна бир неча дақиқа юрган Гарри олов шуъласини кўрди. Яксли билан Долохов дарахтлар орасидан Гаррига таниш ялангликка чиқишди. Бу ерда бир вақтлар мудҳиш Арагог яшаган. У тўқиган уянинг кенг тўри ҳалигача осилиб турибди. Ўлимдан мириқувчилар улкан ўргимчакнинг сон-саноксиз авлодини қувиб юборган кўринади.

Яланглик ўртасида ёнаётган гулханнинг милтираётган шуъласи атрофга безовта қараганча, жим бўлиб қолган Ўлимдан мириқувчиларни ёритмоқда. Гуруҳ четида узун соя ташлаган иккита давангир ўтирибди. Қояга ўхшаш дағал башараларидан иккаласи ниҳоятда шафқатсиз эканлиги яққол кўриниб турибди. Узун тирноғини дам чиқариб тақиллатаётган, дам ичкарига киритаётган Фенрир Уолк ҳам шу ерда. Жуссаси йирик, оқ сариқ сочли Роул қонаётган лаби билан овора. Кўринишидан мағлуб бўлиб, қаттиқ қўрқаётган Люциус Малфой йиғлайвериб, кўзи қизарган хотини Нарцисса билан бир четда ўтирибди.

Ҳамманинг нигоҳи оппоқ бармоқлари билан Катта сеҳрли таёқчани маҳкам сиқиб олган, гулхан олдида бош эгиб турган Вольдемортга қадалган. У ё ибодат қилмоқда, ё хаёлида ниманидир ҳисоблаб чиқармоқда. Яланглик ченарасига етган Гарри Вольдемортни бекинмачоқ ўйнаб, ўнгача санаётган болага ўхшатди. Бошининг орқа томонида сеҳрли ялтироқ қубба ичига қамалган улкан илон Нагайна билангламоқда.

Вольдеморт даврага келиб қўшилган Долохов билан Яксли томон қаради.

- Бирон-бир аломати кўринмади, Лордим, - билдирув берди Долохов.

Катта сеҳрли таёқчани бармоқлари орасида секин ўйната бошлаган Вольдемортнинг қиёфаси ўзгармади. Қип-қизил кўзи олов шуъласида ярқирамоқда.

- Менинг Лордим, - гап бошлади Беллатрикс.

Сочи пахмайган, юзи бироз қонаган аёл ўз соҳибига яқинроқ ўтирибди. Вольдеморт қўлини кўтариб, гапиришга ижозат бермади. Чурқ этмаган аёл Ёвуз Лордга сажда қилаётгандай топиниб қаради.

- Келишига ишончим комил эди, - деди, тили тик кўтарилган

оловга қараган Вольдеморт, баланд овозда, - Келишини кутган эдим.

Қўрқиб қараётган Ўлимдан мириқувчиларнинг бари жим. Гаррининг юраги қовурғалар орасидан чиқиб кетишга аҳд қилган кўринади, жуда қаттиқ урмоқда. Қўли югуриб кетмаслиги учун сеҳрли таёқчасини кўринмас плаши билан бирга кийим орасига жойлаган.

- Афтидан, қаттиқ янглишган кўринаман, - деди Вольдеморт.
- Йўқ, Том, янглишганинг йўқ.

Бу гапни баланд, дадил талаффуз этиш учун Гаррига бор кучини йиғишга тўғри келди, овозида қўрқув оҳанги эшитилишини хоҳламади. Ҳаётга қайтариш тоши унинг увушган бармоқлари орасидан чиқиб кетиб, гулхан томон одимлар экан, кўзининг қири билан ота-онаси, Сириус ва Люпин ғойиб бўлаётганини кўрди. Ҳозир Вольдемортдан ташқари, ҳамма аҳамиятсиз кўринмоқда, унга. Иккаласи танҳо қолиб, юзма-юз турибди.

Сохта тасаввур қандай пайдо бўлган бўлса, шундай гум бўлди. Давангирлар наъра тортишди, Ўлимдан мириқувчиларнинг бари оёққа қалқиб туришди, бақир-чақир, ҳатто кулги ҳам эшитилди. Вольдеморт турган жойида тек қотиб, қип-қизил кўзи билан гулхандан бошқа нарса тўсмаган Гаррига қараб қолди.

- Гарри! ЙЎҚ! - бақирди кимдир.

Дарахтга боғлаб қўйилган Хагрид йирик танаси билан дарахтни зир титратиб, халос бўлишга уринмоқда.

- Нима қилмоқчисан, Гарри?! ЙЎҚ! ЙЎҚ!

- ЎЧИР ОВОЗИНГНИ! - қичқирди Роул, сеҳрли таёқчасини силтаб.

Хагрид жим бўлиб қолди.

Кўкси баланд кўтарилиб-тушиб нафас олаётган Беллатрикс сакраб турганча, дам Вольдемортга, дам Гаррига тикилиб қарамоқда.

Ялангликда қимирлаётган ягона нарса олов тили билан Вольдемортнинг боши ортидаги ялтироқ қуббага қамалган илон бўлди.

Гарри кўкрагига қадалган сеҳрли таёқчасини сезиб турибди, бироқ уни қўлига олиш учун ҳеч қандай ҳаракат бажармади. Биринчидан, илон ниҳоятда пухта муҳофаза қилинган. Гарри

буни яхши билади. Иккинчидан, Гарри сеҳрли таёқчасини Нагайнага ўқташга улгурган тақдирда ҳам, бирон нима қила олишидан олдин эллиқдан ортиқ қарғиш яшини унга қарата улоқтирилиши муқаррар. Вольдеморт билан Гарри бир-бирига тик қараб турибди. Лабсиз оғзини ғамгин табассум қийшайтирган Вольдеморт рўпарасидаги йигитчага назар солиб қарар экан, бошини бироз ён томон оғдирди.

- Гарри Поттер, - деди у мулойим оҳангда, овози учқун сачратаётган оловнинг бир қисмидай эшитилиб, - Омон қолган бола.

Ўлимдан мириқувчиларнинг бирортаси ҳам қилт этмади. Ҳаммаси кутяпти. Ҳамма нарса кутяпти. Хагрид дарахтдан халос бўлишга уриняпти, Беллатрикс нафаси тиқилиб ҳаво ютяпти. Гарри Жинна ҳақида, унинг оловли нигоҳи, қайноқ лаби ҳақида ўйлаяпти...

Вольдеморт сеҳрли таёқчани баланд кўтарди. Унинг боши худди ҳозир нима бўлишига қизиқиб қараётган боланинг боши каби, ҳамон ён томон оғган. Гарри унинг қизил кўзига тик қараб, токи оёқда турар, ўзини идора қилар экан, қўрқувга берилмасидан олдин бўлар иш тезроқ бўлишини хоҳлаяпти.

Оғиз ҳаракати-ю, яшил нурнинг чақнаши - Гарри кўрган сўнгги нарса бўлди. Дунё ғойиб бўлди.

ЎТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ. КИНГС-КРОСС

Гарри юзини пастга қаратиб ётганча, сукунатга қулоқ тутди. У танҳо ўзи ётибди. Ҳеч ким кузатаётгани йўқ. Бу ерда ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ. Ўзи ҳам шу ердалигига амин эмас.

Орадан жуда кўп вақт ўтди, эҳтимол вақтнинг ўзи йўқдир. Ҳозирча тушунган янона нарса - ўзи мавжуд бўлиши кераклигидир. Мавжуд бўлган-да ҳам, танасиз, оддий бир қобиқ кўринишида эмас, ундан ортиқ бўлиши керак. Чунки у ётибди, ҳа, ҳа, аллақандай юзада ётибди. Бинобарин, ушбу юзага тегиб ётганини ҳам ҳис этди. Ён-атрофидаги жисмлар ҳам ҳаққоний.

Ушбу хулосага келган Гарри қип-яланғоч ётганини англади. Модомики, бу ерда ёлғиз экан, ялонғочлигидан уялмади-ю,

ҳолатнинг ўзи қизиқтирди уни. Юзада ётганини ҳис эта олар экан, қизиқ, кўриш қобилияти ҳам борми? Кўзини очиб, бундай қобилияти борлигига амин бўлди. Гарри ёрқин туманда ётибди, лекин бу туман ўзи билган табиий туманга ўхшамайди. Туман пардаси атроф муҳитни бекитмаган. Тўғриси, ушбу парданинг ўзи охиригача шаклланмаган кўринади. Гарри ётган полнинг ранги оқдай кўринди, илиқ ҳам, совуқ ҳам эмас, шунчаки, бўш, ясси пол. Гарри туриб, ётган ўрнига ўтирди. Танаси соғ, жароҳат йўқ. Қўлини юзига теккизди. Кўзойнаги йўқ. Уни қуршаган шаклсиз бўшлиқдан қандайдир овоз эшитилди: нимадир урилиб, бўғиқ товуш чиқармоқда, тарсилламоқда, чирмашмоқда, курашмоқда. Нимадир жуда паст, аянчли, бироз ношоён овоз чиқармоқда. Гарри худди биров билиши керак бўлмаган, беҳаё ҳолатни яширинча эшитиб ўтиргандай, ўзини жуда хунук ҳис этди. Биринчи истаги – кийиниб олиш бўлди.

Гаррининг ушбу истаги миясида эндигина ифодаланган эди ҳам-ки, ёнида ридо пайдо бўлди. Ўрнидан шартта туриб, кийинди. Юмшоққина, илиққина тоза ридо. Ақл бовар қилмайди – кийинишни истаган пайтда ридо пайдо бўлиши... Атрофга кўз югуртирди. Нисбатан каттароқ бошқа бир Даркор хонага тушиб қолди-ми? Қанча узоқ қараса, шунча кўп нарса кўринмоқда. Тепада гамбазсимон баланд шиша шифт қуёш нурида товланмоқда. Кошона бўлса керак бу ер. Туман орасида онда-сонда тарсиллаб, ҳиқиллаётган анави овозни ҳисобга олмаганда, бу ер жуда тинч, сокин жой экан. Гарри турган жойида аста айлани. Атроф муҳит ўзини ўзи аста намоён қилаётгандай гўё. Жуда кенг, ёрқин, тоза, ўлчами Катта Залдан анча катта, гумбазсимон шиша шифтга эга макон. Бу ерда мавжуд ягона инсон ўзи, бошқа ҳеч ким йўқ, агар...

Овоз чиқараётган нарсани кўрган Гарри кескин тисланди. Буралиб ётган, бўйи янги туғилган чақалоқдай келадиган, қип-ялонғоч тана. Нам, дағал тери қопламаси шилиб олингандай кўринмоқда. Бошқаларнинг назаридан четда бўлиши учун курси остида қолдириб кетилган ушбу кўнгилсиз тана зўр бериб нафас олганча, сесканмоқда. Бироз ҳайиққан Гарри, ушбу нимжон, ярадор танадан узоқроқ бўлишни истаса-да, ҳар қандай фурсатда орқага ташланишга

шай ҳолатда аста яқинлашди. Аммо қўл теккизишга ҳазар қилиб, ўзини қўрқоқдай ҳис этди. Тинчлантириш кераклигини билади-ю, лекин тана кишини ўзидан қочирадиган даражада жирканч кўринди.

- Унга ҳеч қандай ёрдам кўрсата олмайсан.

Руҳи кўтарилган, қадди тик, эгнига тўқ кўк ридо кийган Альбус Дамблдор тикка Гаррига қараб келмоқда.

- Гарри.

Иккала кафти соғлом, жароҳат изи кўринмаётган Дамблдор қулочини кенг очди.

- Ажойиб йигитсан, Гарри. Муҳими жуда довюрак, жасур кишисан. Юр, ундан сал нарироқ кетайлик.

Эсанкираган Гарри териси шилиниб, ҳиқиллаб ётган танадан сал наридаги, олдин кўзга ташланмаган бир жуфт курси томон кенг қадам ташлаб кетаётган Дамблдорнинг ортидан эргашди. Қариянинг узун соч-соқоли оппоқ, ярим ой шаклидаги кўзойнак таққан кўзи мовий, бурни илмоқсимон, қисқаси, ҳаммаси илгаригидай, лекин у...

- Сиз ўлган эдингиз-ку, - деди Гарри.

- Ҳа, албатта, - оддийгина оҳангда жавоб берди Дамблдор.

- Бундан чиқди... Мен ҳам ўлган эканман-да?

- Савол-да, бу, тўғрими? - табассуми янада кенгайиб боқди Дамблдор, - Умуман айтганда, қадрдоним, ўйлашимча, йўқ. Иккаласи бир-бирига қаради. Қария ҳамон яшнаб боқмоқда.

- Йўқ?

- Йўқ, - такрорлади Дамблдор.

- Аммо... ўлишим керак эди-ю? - деди Гарри чандиқ қидирганча, пешанасини уқалаб, - Ўзимни ҳимоя қилмадим, мени ўлдириши учун тек қўйиб бердим!

- Ва мана шу қилган ишинг, ўйлашича, ҳамма нарсани тубдан ўзгартириб юборди, - фикр билдирди Дамблдор.

Қария ўзидан мисоли ёруғликдай, гулхандай бахт таратмоқда. Бу қадар очикдан очик, сезиларли даражада мамнун инсонни Гарри энди кўриб турибди.

- Тушунтириб берсангиз-чи, - илтимос қилди Гарри.

- Шундоқ ҳам биласан-у, - деди Дамблдор, кафтларини бир-бирига эринчоқлик-ла ишқалаб.

- Мени ўлдириши учун тек қўйиб бердим, - гап бошлади Гарри, - Шундай-ми?

- Шундай, - бош ирғиди Дамблдор, - Давом эт.

- Демак, ичимда яшаб келган руҳи...

Бошини завқ-ла ирғиган Дамблдор, кенг табассуми ила далда берган бўлиб, давом этишга мажбур қилди.

- ... унинг руҳи шу тариқа ўлди, шундайми?

- Шундай! - деди Дамблдор, - Ўз руҳини ўз қўли билан ўлдирди, у. Энди сенинг руҳинг батамом ўзингники бўлди.

- Ундай бўлса...

Гарри курси остида дағ-дағ титраб ётган мажруҳ танага елкаси узра қаради

- Анави нима, профессор?

- Ёрдам кўрсатиш қўлимиздан келмайдиган нарса, - деди Дамблдор.

- Модомики, Вольдеморт ўлдириш қарғишини қўллаган бўлиб, бу сафар менинг ўрнимга ҳеч ким ўлмаган экан, - мулоҳаза юритишни давом этди Гарри, - Қанақасига мен яна омон қолишим мумкин?

- Ўйлайман-ки, бу саволнинг ҳам жавобини биласан, - деди Дамблдор, - Ортга қайт. Вольдемортнинг нодон, зикна, шафқатсиз бўла туриб, қилган ишини эсла.

Гарри ўйланиб қолди. Келиб қолган маконига яна бир бор назар солди. Кошона бўлган тақдирда ҳам, курсиларнинг қисқа қатори, у ёқ, бу ёққа ўрнатилган рельсларга эга, Дамблдордан ва анави мажмағил танадан ташқари, ҳамон кимсасиз қолаётган ғалати сарой экан.

Жавоб осон топилди.

- Менинг қонимни олган, у.

- Тўппа-тўғри, - деди Дамблдор, - Танасини қайта тиклаган куни сенинг қонингни олди! Томирларида сенинг қонинг оқмоқда, бошқача қилиб айтганда, иккалангизнинг танангизда Лили қўллаган муҳофаза мавжуд! Бу билан у, токи ўзи тирик экан, сени ҳам яшашга маҳкум қилди!

- Токи у тирик экан... мен ҳам яшайман? Лекин ўйлашимча...

Бунинг тескариси бўлади, иккаламиз ўлишимиз керак, деб ўйлаган эдим. Ё бу тушунчалар бир хил мазмунга эгами?

Гарри хаёлини чалғитиб, жон талашганча, ҳиқиллаб ётган танага қаради.

- Унга ёрдам кўрсата олмаслигимизга аминмисиз?

- Қўлимиздан ҳеч нарса келмайди.

- Сал кенгроқ тушунтириб беринг, - илтимос қилди Гарри. Дамблдор кулиб боқди.

- Сен еттинчи руҳдон бўлгансан, Гарри. Вольдеморт ўзи истамаган тарзда сени руҳдонга айлантириб қўйган. У ўзининг руҳига ўз қўли билан шу қадар қаттиқ шикаст етказганки-ки, ота-онангни ўлдиргач, ақлга сиғмайдиган ёвуз жиноятга - мурғаккина чақалоқнинг жонини олишга қўл урган ва шу фурсатда руҳи парчаланиб кетган. Қотиллик содир этган хонадан қочаётганида руҳининг миқдори ўзи ўйлагандан ҳам кам қолган. У нафақат танасини йўқотди, балки ўзининг бир қисмини сенинг ичингга, яъни омон қолган қурбонининг танасига қамаб қўйди. Унинг билими ўз бошини ейдиган даражада чала-ярим қолиб кетган, Гарри! Қадрли деб топмаган тушунчаларни Вольдеморт идрок этиб кўришга ҳаракат ҳам қилмади. Уй эльфлари, болалар эртаклари, севги-муҳаббат, садоқат, поклик каби тушунчалар унга ёт бўлиб, мазмун-моҳиятини англаб етмади. Буларнинг бари ҳар қандай сеҳр-жодудан мўл ва қудратли эканлиги соф ҳақиқат бўлиб, ундан кучли бўлганини Вольдеморт мутлақо англай олмади. У сенинг қонингни олди ва бу билан янада кучли бўлишга умид қилди. Онанг ҳалок бўлаётган фурсатда, сенга тааллуқли тилсим қўллади. Вольдеморт эса ушбу тилсимнинг заррадай қисмини, ўзи билмаган ҳолда, сенинг қонинг билан бирга ўз танасига киритиб олди. Мухтасар қилиб атганда, онангнинг ўз фарзандига қилган фидоси Вольдемортнинг танасида сақланмоқда ва ўша тилсим кучи ҳаёт экан, сен ҳам яшайсан. Вольдемортнинг ўзига ўзи умид қилишдан бошқа йўли қолмаган.

Дамблдор Гаррига кулиб боқди. Гарри эса Вольдемортга бақрайди.

- Буни билар эдингизми? Яъни доим билиб келган эдингизми?

- Фаҳмлаб юрар эдим. Фаҳмлаган нарсаларим эса, одатда, тўғри чиқади, - деди Дамблдор кулиб.

Икковлон сукут сақлаб, анча узоқ ўтирди. Сал нарида ётган тана эса ҳиқиллаб, силтанмоқда.

- Яна бир гап, - деди Гарри, - Нега менинг сеҳрли таёқчам Вольдемортнинг қўлидаги бошқа бировнинг сеҳрли таёқчасини синдириб ташлади?

- Бу масалада бир нарса дейишим қийин.

- Фаҳмлашга уриниб кўринг-чи, - деди Гарри.

Дамблдор кулиб юборди.

- Бир нарсани яхши тушунишнинг керак, сен, Гарри. Сен билан Лорд Вольдемоортнинг ўртасида сеҳр-жодунинг бугунги кунга қадар номаълум қолиб, биров текширмаган соҳаларига оид умумийлик бор. Рўй берган ўша ҳолат, назаримда мисли кўрилмаган ҳодиса бўлиб, ишончим комилки, сеҳрли таёқча усталарининг ҳеч қайси бири бундай бўлишини олдиндан кўра билмайди ёки ўша ҳодисани Вольдемоортга изоҳлаб бера олмайди. Инсон қиёфасини қайтадан касб этишга уринар экан, Лорд Вольдемоорт, ўзинг билгандай, ораларингдаги ўзаро боғлиқликни икки ҳисса ошириб юборди. Руҳининг бир қисми сенинг руҳингга боғланган бўла туриб, қудратли бўлиш илинжида онангинг ўз фарзандига қилган фидосини, ўзи билмаган ҳолда, қисман қабул қилиб олди. Ушбу фидоликнинг аниқлиги ва даҳшатини идрок этишга қобилияти етганда, Вольдемоорт сенинг қонингни олишни хаёлига ҳам келтирмаган бўлар эди... Ваҳоланки, ундай қобилиятга эга бўлганда, Том Реддль Лорд Вольдемоорт бўла олмас, бошқа бировни ўлдиришга журъат қилмас эди. Ўзаро боғлиқликни икки ҳисса оширган, қисматларингни сеҳргарлик тарихида муқаддам юз бермагандай, бир бутун қилиб қўйган Вольдемоорт, ўзаги сенинг сеҳрли таёқчангинг ўзаги билан бир хил бўлган сеҳрли таёқчаси воситасида сенга қарши тажовуз қилишни давом этди. Ана ўшанда, хабаримиз бор, ғалати ҳодиса рўй берди. Сеҳрли таёқчалар кўрсатган кароматни Лорд Вольдемоорт кутмаган. Қолаверса, сеҳрли таёқчаларнинг ўзаклари эгизак эканлигидан у беҳабар бўлган. Ўша кеча Вольдемоорт сендан баттар қўрқиб кетган. Сен ўлимингни бўйнингга олиб, жангга киришдинг, Лорд Вольдемоорт эса ҳеч қачон бундай мардлик намоён этишга қодир бўлмаган. Сенинг жасурлигинг ёлиб келгани учун сеҳрли таёқчанг ҳам кучлилик қилган. Иккала сеҳрли таёқча ўртасида соҳиблар орасидаги муносабатларнинг ўзига хос акс-садосига ўхшаш ҳолат юзага келган. Фикримча, сенинг сеҳрли таёқчанг ўша тунда Вольдемоортнинг таёқчасида мавжуд қудратнинг маълум қисмини ўзига тортиб олган. Унинг таёқчасида эса Вольдемоортнинг муайян қисми сақланган. Шундай қилиб, сенинг сеҳрли таёқчанг

тунги осмонда таъқиб қилиб келаётган, бир вақтнинг ўзида ҳам қариндош, ҳам ашаддий душман саналадиган одамни таниган ва унинг қудратли сеҳр-жодусини ўзига қайтариб юборган. Люциуснинг сеҳрли таёқчаси бундай қудратни ҳаётда кўрмаган. Демакки, сенинг сеҳрли таёқчанг замирида улкан жасоратинг ва Вольдемортнинг қотиллик кўникмаларри мавжуд. Шундай экан, Люциус Малфойнинг заиф новдаси нима ҳам қила олар эди?

- Модомики, менинг сеҳрли таёқчам шу қадар қудратли экан, қандай қилиб Гермиона уни синдириб қўйди?

- Қадрдоним, мулоҳаза юритилган ҳолат сеҳр-жодунинг теран қонунларига енгилтаклик ила аралашган Вольдемортгагина қарши йўналган. Сенинг сеҳрли таёқчанг фақат ва фақат Вольдемортга қарши қўлланилгандагида мисли йўқ қудратга эга бўлади. Қолган барча ҳолатларда у оддий таёқча бўлганча қолади.... яхши таёқча, билишимча. Бунга ишончим комил, - фикрини яқунлади Дамблдор.

Гарри узоқ, эҳтимол бир неча сония ўйга толди. Мазкур кошонада вақт масаласида бир нарса дейиш қийин экан.

- У мени сизнинг сеҳрли таёқчангиз билан ўлдирди.

- У сени менинг сеҳрли таёқчам билан ўлдира олмади, - тузатиш киритди Дамблдор, Гаррининг жумласига, -

Ўйлашимча, сен ўлмагансан. Ҳар қалай, шундай хулоса чиқаришимиз мумкин. Гарчи, - қўшимча қилди Дамблдор, ҳурматсизликка йўл қўймаслик учун, - Бошдан кечирган кўпдан-кўп азоб-уқубатларингни зиғирдай бўлсин, камситмасам-да.

- Ҳозир ўзимни жуда яхши ҳис этмоқдаман, - фикр билдирди Гарри, гард тегмаган кафтига қараб, - Биз қаерда ўтирибмиз, ўзи?

- Буни мен сендан сўрамоқчи эдим, - деди Дамблдор, атрофга синчиклаб қараб, - Ўзинг нима деб ўйлайсан, қаердамиз?

Дамблдор сўрагунча, Гарри оз бўлса ҳам тасаввурга эга эмас эди. Ҳозир эса жавоби тайёр.

- Бу ер Кингс-Кросс станциясига ўхшар экан, - деди у паст овозда, - Ягона фарқи - кимсасизлиги-ю, покизалиги. Ва бу ерга поезд келмайдиган кўринади.

- Кингс-Кросс! - қарсак чалди Дамблдор, - Ажойиб ўхшатиш бўлди.

- Сиз-чи, ўзингиз нима деб ўйлайсиз, қаердамиз?

- Қадрдоним, тасаввур ҳам қила олмайман. Бу сенинг саволинг.

Дамблдор нима демоқчи бўлганини Гарри тушунмади. Сўнг, макон масаласини четга суриб, муҳимроқ масалаларни эсга олди.

- Ажал тухфалари, - деди у.

Дамблдорнинг юзидаги табассум ғойиб бўлди.

- Ҳа, албатта.

- Хўш?

Гарри Дамблдорни учратгандан буён, уни илк бор кекса кишига ўхшата олмади, аксинча, ҳозир Дамблдорнинг қиёфаси ман этилган иш устида қўлга тушган ёш болани эслатди.

- Мени кечира оласан-ми? - сўради у, - Бу масалада сенга ишонч билдирмаганим, билганимни сенга айтиб бермаганим учун мени кечира оласан-ми? Сен ҳам менга ўхшаб муваффақиятсизликка дучор бўласан, деб қўрққан эдим. Мен йўл қўйган хатоларни такрорлайсан, деган хаёлга бордим. Мени кечир, Гарри. Сен мендан анча яхши одам эканлигингни яқинда англаб етдим.

- Нималар деяпсиз? - чўчиб кетди, Дамблдорнинг оҳанги ўзгариб, кўзи ёшга тўлганини кўрган Гарри.

- Тухфалар, тухфалар... - вайсади Дамблдор, - Ноумиднинг ушалмас орзуси.

- Бироқ улар ҳаққоний буюмлар-у!

- Ҳаққоний, хавли ва аҳмоқларнинг кўнглини сушт кеткизадиган буюмлар, - хулоса қилди Дамблдор, - Мен ҳам аҳмоқ бўлганман. Энди ўзинг биласан, бор гапни, тўғрими? Ўзинг биласан, сендан яширадиган бошқа гапим қолмади.

- Нимани биламан?

Дамблдор танасини буриб, Гаррига юзланди. Қариянинг мовий кўзидан ҳамон ёш оқмоқда.

- Ажал соҳиби, Гарри, Ажал соҳиби! Ўша Вольдемортдан яхшироқ одам бўлдим-ми, мен?

- Бу нима деганингиз? Албатта яхшисиз, - деди Гарри, - Бировни имкон қадар ўлдирмасликка ҳаракат қилгансиз!

- Тўғри, тўғри, - деди Дамблдор, худди ҳозир алдашларини сезаётган боладай қараб, - Лекин мен ҳам Ажални

жиловлашга уринганман, Гарри.

- Ҳар қалай, Вольдеморт тутган йўлдан бормагансиз.

Гарри анчадан буён Дамблдордан аччиқланиб келган бўлсаю, энди мана бу шиша гумбаз остида ўтириб, Дамблдорни Дамблдорнинг ўзидан ҳимоя қилиши сал ғалатироқ туюлди.

- Ҳар қалай, Ажал тухфалари руҳдон эмас.

- Тўғри, Ажал тухфалари руҳдон эмас, - вайсади Дамблдор.

Орага сукунат чўкди. Анави ерда ётган тана ҳамон ҳиқилламоқда. Гарри унга эътибор бермай қўйди.

- Гриндельвальд ҳам қидирган эди-ми, Ажал тухфаларини? Дамблдор кўзини юмиб, бош ирғиди.

- Бу бизни, қолган гаплардан ташқари, бирлаштирган мавзу бўлди, - гап бошлади Дамблдор, паст овозда, - Умумий ғояга муккасидан кетган, ақлли, ўзига ортиқ даражада бино қўйган икки йигит. Фаҳмлаган бўлсанг керак, у Годрик жарлигига Игнотус Певереллнинг қабри туфайли келган. Кенжа уканинг вафот топган жойини татқиқ қилишни ният қилган экан. Мен бунга аминман.

- Бундан чиқди, анави гапларнинг бари рост экан-да? Яъни ака-ука Певереллар...

- ... эртак қаҳрамонлари бўлган, - деди Дамблдор, бош ирғиб,

- Ҳа, менга шундай туюлади. Чиндан ҳам учаласи кўприк ўртасида Ажалга рўбару келганини аниқ билмайман-у...

Фикримча, ака-ука Певереллар қудратли буюм тайёрлаш масаласида катта муваффақият қозонган, ўта истеъдодли хавфли сеҳргарлар бўлишган. Ўша тухфаларнинг асл соҳиби Ажал бўлганига доир гаплар, фикримча, ака-укалар меҳнатининг маҳсули атрофида тўқилган навбатдаги ривоятдан ўзга нарса бўлмаган. Кўринмас плаш, ўзинг биласан, отадан ўғилга, онадан қизга ўтиб, асрлар оша ишлаб келганча, Игнотуснинг ўзи каби Годрик жарлигида туғилган тирик авлодигача етиб келган.

Дамблдор Гаррига кулиб боқди.

- Мени назарда тутяпсиз-ми?

- Сени, албатта. Ота-онанг ҳалок бўлган ўша тунда плаш нима учун менда бўлганини фаҳмлаган бўлсанг керак. Жеймс менга уни ўлимидан бир неча кун илгари кўрсатган эди. Мактабдаги шўхликлари устида ҳеч ким уни қўлга тушира олмаганининг сабаби менга ўша куни аён бўлди! Кўзимга

ишонмадим. Ўрганиб чиқиш учун плашни бир неча кунга бериб туришини илтимос қилдим. Ажал тухфаларини йиғиш орзусидан воз кечганимга кўп бўлганига қарамай, қадимий буюмни яқиндан ўрганиб чиқиш истагидан ўзимни тия олмадим... Умрим бино бўлиб, ўхшашини учратмаганман: ўта қадимий, ҳар жиҳатдан беназир кўринмас плаш... Отанг ҳалок бўлди. Ажал тухфаларининг иккинчиси ҳам менинг қўлимда қолди!

Дамблдорнинг оҳанги ўта аламли эшитилди.

- Нима қилган тақдирда ҳам кўринмас плаш омон қолишга ёрдам бермас эди, - овутган бўлди Гарри, қарияни, - Вольдеморт ота-онам қаердалигини аниқ билган. Шундай экан, плаш уларни ҳимоя қилмас эди.

- Тўғри, - чуқур хўрсинди Дамблдор, - Тўғри айтасан.

Дамблдор бошқа ҳеч нарса демай, жим бўлиб қолди.

- Шундай қилиб, дадамнинг кўринмас плашини кўрган кунингиз, Ажал тухфаларини йиғиш орзусидан аллақачон воз кечиб бўлган эдингиз, - гапни давом этишга ундади Гарри.

- А, ҳа, ҳа, - паст овозда жавоб берди Дамблдор, Гаррининг кўзига қараш учун бор кучини йиғиб, - Кейин нима бўлганини биласан. Мен ўзимдан ўзим нафратланаман. Сен эса мендан ўзимдан ортиқ жиркана олмасанг керак.

- Мен сиздан жирканмайман...

- Жирканишинг керак, - деди Дамблдор, чуқур хўрсиниб, - Синглим бошдан кечирган дардни, маглар нима иш қилиб қўйгани-ю, синглимга нима бўлгани билсанг керак. Бечора отам улардан хун олгани ва ушбу гуноҳи учун Азкабанга қамалиб, ўша ерда жон берганини, онам эса умрининг қолган қисмини Арианага бағишлаганини ҳам биласан. Мен эса улардан хафа бўлган эдим.

Дамблдор буни очикдан очик, совуқ оҳангда маълум қилди.

Ҳозир у Гаррининг боши узра узоққа қараб ўтирибди.

- Ёш, итеъдодли, қойил-мақом сеҳргар эдим! Бошим оққан томонга кетмоқчи эдим... Мени нотўғри тушунмагин-у, оламга доврўф бўлиш, шуҳрат қозонишга ташна эдим, - деди Дамблдор.

Изтироб Дамблдорнинг юзини шу қадар буриштириб юборди-ки, жуда кекса кишига ўхшаб қолди.

- Уларни яхши кўрганман, ота-онамни, укам ва синглимни

яхши кўрганман, Гарри. Аммо мен, сендан фарқли ўлароқ, худбин бўлганман. Сен эса бошқаларга ўхшамайдиган, жуда фидокор сеҳргарсан. Шундай қилиб, онамнинг вафотидан кейин, бемор сингил ва ўжар ука учун масъулият менинг зиммамга юклангач, уйга алам ва ғазаб-ла қайтишга тўғри келди. Назаримда, тузоққа тушиб қолиб, вақтим беҳуда ўтаётгандай бўлди. Кейин у пайдо бўлди...

Дамблдор Гаррининг кўзига қаради.

- Гриндельвальдни айтаман. Унинг ғоялари мени қанчалик жалб қилгани, хаёлотимни жўштирганини тасаввур ҳам қила олмайсан, Гарри. Магларни ҳамкорлик қилишга мажбур қилиш. Сеҳргарлар жамиятининг тантанаси! Гриндельвальд билан мен – инқилобнинг ёш, ёрқин етакчилари! Бир қатор шубҳалар ҳам бўлган менда, албатта. Бироқ мен қуруқ гап билан виждонимни тинчлантирган бўлдим. Буларнинг бари буюк эзгулик йўлида амалга оширилиб, етказилган дард ва зулм ўрни сеҳргарлар жамиятига юз ҳисса ошиқ неъмат сифатида тўла-тўқис тўлдирилади. Ўшанда мен Геллерт Гриндельвальднинг асл башарасини кўра билганманми? Унинг кимлигини ич-ичимдан фаҳмлаганман-у, шунчаки, кўз юмиб ўтганман. Агар иккаламиз қурган режалар рўёбга чиқса бор-ми, орзу-хавасларимнинг бари воқеликка айланган бўлар эди! Режаларимизнинг марказий ўрнини Ажал тухфалари эгаллаган! Ўша тухфалар иккаламизнинг эс-ҳушимизни олиб қўйган. Енгилмас сеҳрли таёқча – ҳокимиятни қўлга олишга омил бўладиган қурол! Ҳаётга қайтариш тоши – гарчи мен билишни ҳам хоҳламасам-да, Геллерт учун инферниялар қўшинини англатар эди. Мен учун эса ўша тош – ота-онамни ҳаётга қайтариб, оилавий масъулият юкларидан халос бўлишни англатган. Кўринмас плашга келсак, биз унинг аҳамиятига кўп урғу бермаганмиз, плашни камдан-кам ҳолатларда эсга олганмиз, Гарри. Иккаламиз плашсиз ҳам кўринмас бўла олишимиз мумкин. Ажал ҳадя этган учинчи тухфанинг сеҳри, ўз соҳибининг ҳимояси, кўринмас бўлишини қандай таъминласа, бошқаларни ҳам шундай таъминлашидан иборатдир. Вақти келиб, ўша плаш топилса, Арианани бекитиб юришга қўл келади, деган хаёлда юрганман. Плашга бўлган қизиқишимиз асосан Ажал тухфаларининг тўплами тўлиқ бўлиши билан чекланган.

Зеро, ривоятда айтилишича, учала тухфани йиға билган кишигина Ажалга соҳиблик қилиши мумкин. Ажал соҳиби бўлиш эса биз учун енгилмаслик маъносини англаган. Ажалнинг енгилмас соҳиблари Гриндельвальд ва Дамблдор! Шу тариқа икки ой ақлдан озиш, шафқатсиз хоҳиш-истакларни шакллантириш, масъулиятимдаги икки нафар оила аъзосини мутлақо эътиборсиз қолдириш... Кейин нима бўлганини ўзинг биласан. Воқелик менга дағал муомалали, чаласавод, муносибликда тенги йўқ ука қиёфасида қайтди. Унинг оғзидан чиқаётган ҳақиқатни эшитишни истамас эдим. Бемор, заиф синглим бўла туриб, ҳаёт йўлида олға бора олмаслигим, Ажал тухфаларини қидириш ишларига кириша олмаслигимни эшитишни ҳам истамас эдим. Баҳс ҳақиқий жангга айланиб кетди. Гриндельвальд ўзини идора қила олмади. Табиатидаги, мен кўз юмиб келган мудҳиш жиҳати, ўша фурсатда бор даҳшати ила очиқ-ойдин намоён бўлди. Онам умрини бағишлаган, бир умр парвариш қилиб келган Ариана... ерда чўзилганча, ўлиб ётибди.

Чуқур уф тортган Дамблдор ҳўнграб юборди. Гарри Дамблдорга қўл теккиза оганидан завқланиб, қариянинг қўлини сиққанча, унга таскин берган бўлди. Бироздан кейин Дамблдор ўзини қўлга олди.

- Гриндельвальд қочди, - давом этди Дамблдор, - Ҳокимиятни қўлга олиш, магларни қийноққа солиш, Ажал тухфаларини қўлга киритиш режалари, яъни ўзим қўллаб-қувватлаган, тузиб чиқилишига анчагина ҳиссам қўшилган лойиҳалар билан қочиб қолди. Синглимнинг дафн маросими билан овора бўлган, оғир жудолик, уят, айбдорлик ҳисси билан яшашни ўргана бошлаётганимда Гриндельвальд ёнимда турмай, қочиб кетди. Бошқалардан фарқли ўлароқ, унинг келгуси қилмишларини кўра билишим керак эди. Орадан йиллар ўтди. Гриндельвальд ҳақида ҳар хил миш-миш гаплар етиб келди. Мисли кўрилмаган қудратга эга сеҳрли таёқчани қўлга киритгани ҳақида гапиришди. Бу вақтда менга Сеҳргарлик вазири лавозимини бир неча бор таклиф қилишди. Табиийки, кўнмадим. Менга ҳокимият бериб бўлмаслигини тушундим.

- Лекин сиз Фуж ёки Скримждан бир бош баланд бўлар эдингиз! - овоз кўтарди Гарри.

- Бир бош баланд бўлар эдим? - сўради Дамблдор вазмин оҳангда, - Билмадим, кўзим етмайди бунга. Ҳокимият – менинг ўчлигим, кўнглим суст кетадиган нарса эканини ёшлигимда ўзимга ўзим исботлашга улгурган эдим. Ғалатиноқ бўлса ҳам, бир гап айтаман, Гарри: ҳокимиятни беназир бошқара биладиган шахслар, ҳеч қачон ҳокимиятга талпинмайдилар. Ундай кишилар етакчиликини масъулият-ла қабул қилишади, етакчиликини ридосини кийиш керак бўлгани учунгина, шаънига доғ теккизмай, муносиб кийиб юришади ва бундан ўзлари ҳам ҳайрон бўлишади. Мен «Хогварц» қўриқчиси ва назаримда, яхшигина ўқитувчи бўлганман.

- Сиз энг зўр устоз бўлгансиз!

- Менга бўлган ҳурматинг баланд, Гарри, биламан. Ёш сеҳргарларни ўқитиш билан овора бўлдим, Гриндельвальд эса бу вақтда қўшин тўплаш билан шуғуланибди. Айтишларича, у мендан ҳайиққан эмиш. Лекин менчалик ҳайиқмаган бўлса керак. Йўқ, ўлимимдан, сеҳр-жоду воситасида мени қай аҳволга солиб қўйиши мумкинлигидан эмас, - деди Дамблдор, савол назари билан қараган Гаррига, - Кучимиз тенг бўлган, эҳтимол, қайсидир жиҳатдан мен ундан қудратлиноқ бўлгандирман. Мен ҳақиқатни билишдан қўрққанман. Сўнгги тўқнашувимиз давомида синглимни ўлдирган қарғиш қайси биримизнинг оғзимиздан чиққанини ҳанузгача билмас эдим. Мени қўрқоққа чиқариб, тўғри қиласан, Гарри. Биринчи навбатда, нафақат ўз аҳмоқлиги ва ўзига ҳаддан ортиқ бино қўйгани оқибатида синглисининг ўлимига сабабчи бўлган ака, балки синглисини ер тишлатган қотил эканлигимни билиб қолишдан қўрққанман. Гриндельвальд биледи, деб ўйлаган эдим, мен аслида нимадан қўрқишимни ҳам биледи, деб юрган эдим. У билан тўқнаш келишдан бўйин товлаб юриш мен учун шармандали ҳолатдан ўзга нарса эмаслигини тушуниб етгунимга қадар, учрашувимизни кейинга қолдириб юравердим. Охири, бегуноҳ одамлар нобуд бўлиб, уни тўхтатиб қолишнинг иложи йўқдай кўринди ва шу боис, қўлимдан келганини қилишим керак эди. Тўқнашувимиз нима билан якун топганини биласан. Яккама-якка жангда ғолиб чиқдим, Катта сеҳрли таёқча ҳам менга ўтди. Орага сукунат чўкди. Гарри синглиси Арианани ким

Ўлдирганини билган-билмаганини Дамблдордан сўрамади. Буни Дамблдорнинг ўзи айтиб беришни истаган тақдирда ҳам, эшитишдан бош тортган бўлар эди. Дамблдор Кўнгилдаги орзулар кўзгусида нимани кўргани, ўша кўзгунинг фусункорлиги нима учун Гарридан устун келганини тўғри тушуниб, тегишлича муносабат билдирганини Гарри ниҳоят англаб етди. Иковлон жимжитликда узоқ ўтирди. Ҳақиқатлаб ётган тана билан Гаррининг иши бўлмай қолди.

- Гриндельвальд Вольдемортни тўхтатиб қолишга уринди, - маълум қилди Гарри ниҳоят, - Катта сеҳрли таёқчани қўлга киритишига қўлдан келганча тўсқинлик қилди. Ҳеч қачон Катта сеҳрли таёқча соҳиби бўлмаганини айтиб, Вольдемортни алдашга уринди.

Илмоқсимон бурнидан тинмай ёш оқаётган Дамблдор бош ирғиди.

- Айтишларига қараганда, ҳаётининг сўнгги йилларини ўзи барпо этган Нурмернгард қамоқхонасига кириб, тавба қилганча ўтказган эмиш. Бу гап ростлигига умид қиламан, - деди Дамблдор, - Содир этган ёвузликлари нақадар даҳшатли бўлганини бутун вужуди ила ҳис этиб, уялганига ишонгим келади. Вольдемортга гапирган ёлғони ўтмишдаги хатоларини тузатишга уриниш... Ажал тухфасига эгалик қилишига тўсқинлик қилишга ҳаракат бўлгандир, эҳтимол...

- ... ёки қабрингизни вайрон қилишини истамай, тўсқинлик қилишга урингандир, эҳтимол? - тахмин қилди Гарри. Дамблдор кўзини олиб қочди.

- Ҳаётга қайтариш тошидан ҳам фойдаланишга уриниб кўрган эдингизми? - сўради Гарри.

Дамблдор бош ирғиди.

- Кўп йиллар ўтиб, Монстерларнинг ташландиқ уйига яширилган жойидан топиб олгач, уриниб кўрдим. Ажалнинг ушбу тухфасига эгалик қилишни ҳар хил сабабларга кўра, ўспиринлик йилларимдан орзу қилиб келганман... Ўша фурсатда эс-ҳушимни йўқотиб қўйган эканман, Гарри. Қўлимдаги буюм авваламбор руҳдон эканлигини, узукни қудратли қарғиш муҳофаза қилаётган бўлиши мумкинлигини мутлақо унутиб қўйибман. Яширилган жойидан олдим-у, бармоққа тақдим. Назаримда, ўша заҳоти синглим Арианани,

ота-онамни кўрадигандай... уларга айбдорлигим, афсусда эканлигимни айтадигандай бўлдим... Нақадар аҳмоқ, шунча ёшга кириб ҳам, ақл топмаган нодон бўлган эканман, Гарри. Мен Ажал тухфаларини йиғишга муносиб одам бўлмаганман. Буни менга вақтнинг ўзи исботлаб берди. Бу унинг сўнгги исботи бўлди.

- Нега энди? Табиий-ку, бу! - эътироз билдирди Гарри, - Сиз ўз оилангизни яна бир бор кўришни хоҳладингиз. Бунинг нимаси ёмон?

- Миллионлаб одамлар орасида бир кишигина Ажал тухфаларини йиғишга муносиб бўлиши мумкин. Мен Ажал тухфаларининг энг муҳими, ҳар қалай, энг қудратлисига эгалик қилишга қодир бўлдим холос. Мен фақат Катта сеҳрли таёқчага соҳиблик қилдим. Бунда мен, ўша таёқча билан мақтаниш, одам ўлдириш мақсадида эгалик қилганим йўқ. Ғарзли мақсадда эмас, бошқаларни ҳимоя қилиш мақсадида қўлга киритганим боис, уни ўзимга тобе қилишга изн берилди. Кўринмас плашни эса шуҳратпарастликка асосланган қизиқувчанлик билан сўраб олган эдим. Шунинг учун у менга ўзининг асл соҳибига, яъни сенга хизмат қилгандай хизмат қилмаган бўлар эди. Ҳаётга қайтариш тошидан мен, ўз қабрида тинч ётган одамларни бу дунёга қайтариш мақсадида фойдаландим, сен эса ўзингни фидо қилиш мақсадида қўлладинг. Шундай экан, Ажал тухфаларининг энг муносиб соҳибни сен ўзинг бўласан. Дамблдор Гаррининг қўлини сиқди. Гарри қарияга кулиб боқди. Шунча гапдан кейин Дамблдордан хафа бўлиб бўладими?

- Нега ҳамма нарсани мураккаблаштириб юборгансиз? Дамблдор журъатсизлик-ла кулиб боқди.

- Мисс Грэнжерга бежиз ишонч билдирмаганман. У сени тийиб борган. Қизиққон табиатинг юмшоқ кўнглингдан устун бўлиб қолишидан ҳайиққанман. Киши кўнглини суст кеткизадиган манбаларга доир далилларнинг бари сенга бирданига келтириладиган бўлса, Ажал тухфаларидан худди мен каби, янглиш мақсадларга эришиш йўлида бемаврид фойдаланиб қолишинг мумкин эди. Мен шундан кўрққанман. Бинобарин, Ажал тухфаларини қўлга киритганингдан сўнг, улар сенга хавф туғдирмаслигини истадим. Сен ҳақиқий

Ажал соҳибсан. Зеро, Ажалнинг ҳақиқий соҳиби Ажалдан бекиниш йўлини қидирмайди. У ўз ўлимини қабул қилади, тириклар дунёсида Ажалдан-да даҳшатли нарсалар борлигини тушунади...

- Вольдеморт Ажал тухфаларидан беҳабар бўлганми?

- Хабардор бўлганига шубҳа қиламан. Ҳаётга қайтариш тошини танимай, руҳдонга айлантириб қўйди-ку, ахир. Хабардор бўлган тақдирда ҳам, Катта сеҳрли таёқчадан бошқа тухфаларга қизиқиш билдиришига бовар қилмаган бўлар эдим. Кўринмас плашга эҳтиёж сезмаган. Ҳаётга қайтариш тошига келсак, ўзинг ўйлаб кўр, ўликлар дунёсидан кимни қайтаришни истаган бўлар эди у? У ўлимдан кўрқади. Севги-муҳаббат деган тушунчалар унга ёт.

- Унда Катта сеҳрли таёқчани қўлга киритиш истаги туғилишини кутгансиз, тўғрими?

- Кичик Висельтондаги қишлоқ қабристонидан сенинг сеҳрли таёқчанг Вольдемортни мағлуб қилганидан сўнг, шундай истаги туғилишига амин бўлганман. Дастлаб у, қаттиқ кўрқиб, сеҳр-жоду борасида ундан ўзиб кетган бўлсанг керак, деган хаёлга борди. Олливандерни ўғирлаб келганидан сўнг, сеҳрли таёқчаларнинг эгизак ўзакларидан хабар топди. Буни у, мағлубиятининг асосий сабаби, деб билди. Кейинчалик, Люциусдан тортиб олинган сеҳрли таёқча ҳам сенинг таёқчангни уддалай олмади. Шундан сўнг, Вольдеморт, қайси сифатларинг сеҳрли таёқчангни кучли қилиб юборганини, ундан фарқли ўлароқ, қандай қобилиятга эга эканлигингни фикр тарозисидан ўтказиб кўриш ўрнига, дунёдаги энг қудратли Катта сеҳрли таёқчани қидириб топишга киришиб кетди. Катта сеҳрли таёқча унинг миясига ўргашиб қолган ягона фикрга айланиб қолди. Ўша таёқча уни ҳар қандай заифликдан халос қилиб, енгилмас сеҳргарга айлантириб қўйишига лаққа тушди. Бечора Северус...

- Ўз ўлимингизни Снегг билан режалаштирар экансиз, у Катта сеҳрли таёқчани йўқ қилишини назарда тутгансиз, тўғрими?

- Тан олишим керакки, бу менинг ниятим бўлган, - деди Дамблдор, - Аммо иш мен ўйлагандай кечмади.

- Тўғри, режангизнинг ушбу қисми панд берди.

Курси остида ётган тана инграб, силтанди. Гарри билан Дамблдор узоқ сукут сақлаб ўтиришди. Энди нима бўлиши

кераклигини Гарри узоқ дақиқалар давомида, аста-секин идрок эта бошлади.

- Ортга қайтишим керак, шундайми?

- Буни ўзинг ҳал қилишинг керак.

- Танлаш ҳуқуқим борми?

- Албатта, - кулиб боқди Дамблдор, - Кингс-Кросс вокзали, дедингми, бу ерни? Менимча, қайтишни истамасанг...

поездга чиқишинг мумкин.

- Қаёққа олиб кетади у, мени?

- Тўғрига.

Орага яна жимлик чўкди.

- Вольдеморт Катта сеҳрли таёқчани қўлга киритди.

- Тўғри, Катта сеҳрли таёқча ҳозир Вольдемортда.

- Қайтишимни истайсизми?

- Ўйлашимча, агар қайтишга аҳд қилсанг, ҳодисалар яхшилик билан якун топиши мумкин, тағин билмадим. Лекин бир нарсани аниқ биламанки, Гарри, Вольдемортдан фарқли ўлароқ, бу ерга қайтиб келишдан сен қўрқмайсан.

Гарри тери қопламаси шилинган, нафаси қайтиб, титраётган танага боз қаради.

- Ўлганларга эмас, тирикларга, айниқса, меҳр-муҳаббатсиз яшаётганларга раҳминг келсин, Гарри. Ортга қайтар экансан, мажруҳ бўладиган қалблар, айрилиққа мубтало бўладиган оилалар сони камайишига ишончинг комил бўлсин. Агар буни ўзинг учун муносиб мақсад, деб топсанг, ушбу макон билан хайрлашишинг мумкин.

Гарри бош ирғиб, аянч-ла хўрсинди. Бу ердан кетиш ўрмон оралаб юришдан қийин кечмайди, албатта. Лекин бу ер ёруғ, илиқ ва тинч жой экан. Ортга қайтиш эса, оғриқни ҳис этиш, янада кўпроқ айрилиқларга дучор бўлиш мумкинлигини англатади. Гарри тўхтади. Дамблдор ҳам ҳаракатдан тўхтаб, икковлон бир-бирининг кўзига узоқ тикилиб турди.

- Яна бир саволимга жавоб берсангиз, - деди Гарри, - Буларнинг бари чинми, ё миямда рўй беряптими?

Юзидан нур таралаётган Дамблдор кулиб боқди. Бироз қалинлашган ёрқин туманда кўздан ғойиб бўлаётганига қарамай, устозининг овози Гаррининг қулоғида баланд янгради:

- Миянга рўй беряпти, албатта, Гарри. Бироқ, нега энди чин бўлмаслиги керак?

ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ. РЕЖАДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН ХАТО

У яна юзини ерга қаратиб ётибди. Бурун бўшлиғи ўрмон ҳидига тўлиб, лунжи қаттиқ, совуқ ерга босилганини, йиқилганида оғиб кетган кўзойнагининг илмоғи чаккасига қадалатганини сезмоқда. Танасининг ҳар бир дюйми оғримоқда, ўлдириш қарғишининг яшини теккан жой эса кувалда билан зарб берилган каби лўқилламоқда. Шунга қарамай, Гарри йиқилган жойида қилт этмай, қўли ғайритабиий эшилган, лаби йиртилиб, қонаган ҳолатда ётибди. У Ўлимдан мириқувчилар орасида ғалаба қувончини, унинг ўлими муносабати билан шодиёна қичқириқлар эшитилишини кутди, аммо бақир-чақир ўрнига Гаррининг қулоғига тез босилаётган қадам товуши, шивир-шивир ва нолишлар чалинмоқда.

- Милорд... Милорд...

Беллатрикснинг овози-ю. Худди ўйнашига мурожаат қилаётгандай гапирмоқда. Гарри кўз очиб қарашга журъат этмади, лекин бошқа ҳиссиётлари билан ўзининг мураккаб ҳолатини татқиқ этди. Сеҳрли таёқчаси ҳамон қўйнида. Чунки у, ерга босилган таёқча кўкрагига қадалаётганини ҳис этмоқда. Қорин соҳаси ҳам кўринмас плаши жойида эканлиги, биров уни кўрмаётгани ҳақида далолат бермоқда.

- Милорд... Милорд...

- Бўлди, бас! - жеркиб берди Вольдеморт.

Одамларнинг қадам товуши эшитилиб, бир неча киши соҳибидан нари қочгани билинди.

Нима бўлаётгани ва бунинг сабабини кўришга қизиққан Гарри кўзини сал очиб қаради. Вольдеморт, оёққа туряпти шекилли. Бир нечта Ўлимдан мириқувчи ундан узоқлашиб, халойиқ орасига кириб кетди. Фақат Беллатрикс Вольдемортнинг орқасида тиз чўкканча қолган. Гарри кўзини юмиб, кўрган нарсасини таҳлил қилди. Ўлимдан мириқувчилар афтидан, ерга йиқилган Вольдемортнинг атрофида тўпланишган. Гаррига қарата ўлдириш қарғишини қўллаганда шубҳа йўқ-ки, бир гап бўлган. Вольдеморт ҳам

ҳушидан кетган, шекилли. Ҳа, шунга ўхшайди. Иккаласи ҳушсиз ётган, иккаласи ҳам ҳозиргина ўзига келган...

- Милорд, ижозат берсангиз.

- Ёрдам керак эмас менга, - эшитилди Вольдемортнинг совуқ овози.

Гарчи Гарри кўрмаган бўлса ҳам, Беллатрикс ўзининг Вольдеморт томон узатилган қўлини шартта тортиб олганини тасаввур қилди.

- Бола... Ўлдими?

Ялангликда сув қўйгандек, жимжитлик қарор топди. Ҳеч ким яқин келмади, лекин Гарри кўпчилик диққат-ла қараб турганини, уларнинг нигоҳлари ерга баттар эзаётганини ҳис этиб, бирорта бармоғи қимирлаб, киприги пирпираб кетишидан қўрқди.

- Ҳой, сизлар.

Вольдеморт кимгадир мурожаат қилиб, зарб бергани ва кимдир оғриқдан инграб юборгани эшитилди.

- Туринг, боланинг танасини кўздан кечириб, ўлик-тиригини айтинг менга, - буюрди Вольдеморт.

Ким юборилганини Гарри билмайди. Қилт этмай ётиб, танаси текширилишини кутди. Юраги сотқинларча дукиллаб урмоқда. Бошқа ҳеч нарса рўй бермаяпти. Вольдемортнинг ўзи келиб текширишга журъат этмагани Гаррини бироз тинчлантирди. Демак, Вольдеморт ишлар кўзда тутилгандек кечаётганига шубҳа қилмоқда... Кутилгандан анча мулойим қўл Гаррининг юзини, кўкрак соҳасини пайпаслади. Гарри аёл кишининг тез-тез олаётган нафасини эшитди, қовурғасига босилган кўкси орқали юраги тез ураётганини ҳис этди.

- Драко тирикми? Ўғлим қасрдами?

Лабини Гаррининг қулоғига деярли теккизиб гапирган аёлнинг сочи ерга тушиб, боланинг юзини кузатувчилардан тўсди.

- Ҳа, - пичирлади Гарри.

Аёлнинг кафти Гаррининг юзига тегиб, тирноқлари лунжига ботди.

- Ўлибди! - қичқирди ўрnidан турган Нарцисса Малфой, диққат билан қараб турган кузатувчиларга.

Ана шундан кейингина улар ўкиришди, музаффарона

қичқириқлар кўтарилиб, ер тепаланди. Кўзини қия очган Гарри байрам муносабати билан осмонга қизил ва кумуш тусли яшинлар улоқтирилаётганини кўрди. Ўз ўлими ҳақида чуқур мулоҳаза қилиб ётган Гарри Нарциссанинг қилган ишини тушуниб етгандай бўлди. Дракониинг ота-онаси учун бола қидириб «Хогварц» ҳудудига киришнинг ягона йўли – зобит армия таркибида боришдир. Ғалаба қозонади-ми, Вольдеморт, ютқзади-ми, энди Нарциссани қизиқтирмайди. - Кўрдингизми? - қичқирди Вольдеморт, тўполон орасида, - Гарри Поттер менинг қўлимдан ўлим топди. Энди бирорта ҳам тирик одам ҳаётимга хавф сола олмайди. Мана қаранг! Крусио!

Бундай бўлишини Гарри кутган, албатта. Ўрмон яланглигида ётган танаси тек қолдирилиши мумкин эмас, Вольдемортнинг ғалабасини исбот қилиш учун таҳқирланиши шарт. Танаси ҳавога кўтарилган Гаррига хотиржамлигини сақлаб қолиш учун жамики жасоратини бир ерга жамлашга тўғри келди, бироқ у, ўзи кутган оғриқ азобини ҳис этмади. Гаррининг танаси ҳавога бир, икки, уч марта отилди. Кўзойнаги қаёққадир учиб тушди, қўйнидаги сеҳрли таёқчаси бироз пастга сирпанганини сизди, лекин у бирорта ҳам ҳаракат бажармай, ўзини жонсиз кўйга солди. Ерга сўнгги бор улоқтирилганида ялангликда масхараомуз қичқириқлар кўтарилди.

- Ҳозир биз қасрга борамиз, - деди Вольдеморт, - Уларнинг қаҳрамонларига нима бўлганини кўрсатиб қўямиз. Ким кўтаради унинг ўлигини? Йўқ, шошманг.

Яна кулги кўтарилди. Бир неча сониядан сўнг, Гарри, ер титраётганини ҳис этди.

- Сен кўтарасан уни, - буюрди Вольдеморт, - Сенинг қўлингда шубҳасиз таниладиган бўлади, шундай эмасми? Кўтар митти дўстингни, Хагрид. Кўзойнагини ҳам тақиб қўйинглар, кўзойнагини. Ҳеч ким шубҳа қилмаслиги керак.

Кимдир атайин куч ишлатиб, Гаррининг кўзонагини тақиб қўйди. Лекин уни кўтарган улкан қўл жуда юмшоқ туюлди. Гарри унсиз йиғлаётган Хагриднинг қўли титраётганини, йўрик кўз ёшлари устига тўкилаётганини ҳис этди. Шундай бўлса-да, Гарри ҳаракатланиб ёки сўз айтиб, тирик эканлигини Хагридга билдира олмайди.

- Қимирла! - ўшқирди Вольдеморт.

Хагрид дарахтлар орасидан ўзига йўл очганча, қаср томон каловланди. Новдалар оғзини очиб, кўзини юмиб ётган Гаррининг юзи-ю, кийимига урилмоқда. Ўрмон қоронғилигида на бир Ўлимдан мириқувчи, на йиғлаб кетаётган Хагрид Гарри Поттернинг очилиб қолган бўйнида томири тепаётганига эътибор қилмади. Анави иккита давангир ҳам Ўлимдан мириқувчилар галасига гумбурлаганча, эргашди. Уларнинг бундай юришидан ҳуркиган ўрмон қушлари осмонга кўтарилиб, шундай шовқин солишди-ки, Ўлимдан мириқувчиларнинг қичқириқлари-ю, масхараомуз кулишлари эшитилмай қолди. Уларнинг музаффар галаси яланглик томон йўл олди. Кўп ўтмай, ўрмон сийраклашиб, атроф бироз ёриша бошлиди.

- Лаънатилар! - кутилмаганда бақирди Хагрид, - Мана, кўриб қўйинглар! Энди мамнун бўлдингизми, курашга қўшилмаганингиздан? Аҳмоқларнинг қўрқоқ туркуми! Хурсандмисиз энди, Гарри Поттер ўлганидан?

Ҳўнграб юборган Хагрид фикрини давом эта олмади. Нечта кентавр томоша қилаётгани Гаррига қизиқ бўлди-ю, кўзини очмади. Ўлимдан мириқувчиларнинг айримлари ортда қолган кентаврларни масхара қилиб кетишди. Маълум вақт ўтгач, ўпкаси тоза ҳавога тўлган Гарри Ман этилган ўрмон четига етиб келишганини тушунди.

- Тўхта!

Вольдемортнинг буйруғига итоат қилишга мажбур қилинган Хагрид бироз қалқиб, тўхтади. Ҳаво совиди. Гарри дарахтлар узра сузиб юрган дементорларнинг нафасини эшитди. Энди улар Гаррига таъсир ўтказа олмайди. Омон қолгани Гаррининг ичидаги дементорларга қарши тумори куйган, унинг юрагини отасининг буғуси ҳимоя қилмоқда. Кимдир Хагриднинг ёнидан ўтди. Бу Вольдеморт бўлиб, бироздан сўнг, сеҳр воситасида кучайтирилган овози қулоқ пардасига қаттиқ таъсир қилганча, баланд эшитилди.

- Гарри Поттер ўлди, - эълон қилди Вольдеморт, - У ўзининг жонини сақлаб қолиш мақсадида, сизларни ташлаб қочиб кетаётганида қўлга олиниб, ўлдирилди. Сиз ишонган, ҳаётингизни қурбон қилган қаҳрамон ўлганига ишонч ҳосил қилишингиз учун унинг мурдасини кўтариб келишга мажбур

бўлдик. Жангда биз ғолиб чиқдик. Жангчиларингизнинг тенг ярми ҳалок бўлди. Менинг Ўлимдан мириқувчиларим сон жиҳатдан сизлардан устун келмоқда. Сиз таниган Омон қолган бола эса, мана, ўлиб ётибди. Энди урушга барҳам берилиши керак. Қаршилиқ кўрсатган ҳар қандай эркак, аёл ёки бола беаёв ўлдирилади. Унинг оила аъзолари ҳам қириб ташланади. Қасрдан чиқиб, менинг қаршимда тиз чўкинг. Шундагина сизларни авф этаман. Ота-онангиз, фарзандларингиз, ака-ука, опа-сингилларингиз яшаш ҳуқуқига эга бўлиб, улар ҳам авф этилади. Ҳаммангиз биргаликда бунёд этиладиган янги дунёмизга қўшиласиз. Қасрда ва унга туташ ҳудудда жимлик ҳукм сурмоқда. Вольдеморт яқин тургани учун Гарри кўзини очиб қарашга журъат эта олмаяпти.

- Яқинроқ кел, - буюрди Вольдеморт.

Гарри Хагриднинг саф олдига чиқарилганини тушунди. У кўзини бироз очиб, энди сеҳрли қуббасидан чиқарилган илонини елкасига кўтариб олганча олдинда бораётган Вольдемортни кўрди. Бироқ Гарри қўйнидаги сеҳрли таёқчасини икки томонда йўл ёритиб бораётган Ўлимдан мириқувчиларга сездирмай чиқара олмайди.

- Гарри, - ҳиқилламоқда Хагрид, - Гарри... Гарри...

Гарри кўзини яна юмди. Қасрга яқинлашаётганини билиб, Ўлимдан мириқувчиларнинг қичқириқлари орасида қаср ҳимоячиларининг овозини фарқлаб олиш учун қулоғига зўр берди.

- Тўхта! - боз буюрди Вольдеморт.

Ўлимдан мириқувчилар тўхтади. Улар қасрга кириш эшиги томон юзланганча шеренгаларга тақсимланиб, тизилишаётганини Гарри эшитиб ётибди. Кўзи юмиқ бўлса ҳам, қаср эшигидан таралган ёруғлик шуъласини ҳис этди. Гарри кутмоқда. Одамлар Хагриднинг қўлида шак-шубҳасиз ўлиб ётган Гаррини кўришлари керак. Зеро, Гарри шу одамлар ҳақи жон фидо қилишга уринди.

- ЙЎҚ!

Даҳшат тўла ушбу қичқириқ профессор Макгоннагаллнинг овози бўлгани боис, янада ваҳимали эшитилди. Факультет мудири бундай қичқира олишини Гарри тасаввур ҳам қилмаган экан. Бошқа бир аёл эса, профессор

Макгоннагаллнинг изтиробини кўриб, завқ-ла хандон отди. Гарри Беллатрикснинг овозини таниди. Кўзини бироз очиб қараган Гарри жангда омон қолган қаср ҳимоялари босқинчилар билан юзма-юз келиб, Гарри чиндан ҳам ўлганига ишонч ҳосил қилиш учун ташқарига чиқишгани, одамлар ҳамон чиқиб келаётганини кўрди. Вольдеморт ундан сал нарида, рангпар бармоқлари билан Нагайнанинг бошини силаб турибди. Гарри кўзини боз юмди.

- Йўқ!

- Гарри! ГАРРИ!

Рон, Гермиона ва Жиннанинг овозлари юракни баттар эзди. Гарри уларнинг чақириқларига жавоб қайтаришни истади-ю, ҳозирча ўзини жим ётишга мажбур қилди. Уларнинг қичқириқлари омон қолганларга туртки берди, қаср ҳимоячилари Ўлимдан мириқувчиларга ҳақорат-у, лаънатлар ёғдирилди.

- Жим! - қичқирди Вольдеморт, ҳаммани жим бўлишга мажбур қилганча, яшин улоқтириб, - Ҳаммаси тугади! Ерга, оёғим остига ташла уни! Жойи ўша ерда, унинг!

Гарри майсага ётқизилганини сизди.

- Кўряпсизми? - сўради Вольдеморт, у ё, бу ёқ юриб, - Гарри Поттер ўлди! Алданганингизни энди тушундингиз-ми? Аслида бу бола бирон-бир аҳамиятга эга бўлмаган. Одамлар уни деб, ўзларини қурбон қилишини хоҳлаган бола бўлган холос!

- У сени енгди! - қичқирди Рон.

Жоду кучи барҳам топиб, «Хогварц» ҳимоячилари яна бақир-чақир қилишди. Кейинги зарба уларнинг овозини боз ўчирди.

- У қаср ҳудудидан ўғринча қочиб кетаётган маҳалда қўлга олиниб, жон сақлаб қолишга уринаётганда ўлдирилди, - деди Вольдеморт, ўз ёлғонидан ҳузр қилиб.

Унинг гапи тўхтаб, жанг, қичқириқ, зарба, яшин чақнагач, кимдир оғриқдан инграгани эшитилди. Афтидан, кимдир халойиқ орасидан чиқиб, Вольдемортга ташланган кўринади. Гарри қуролсизлантирилган жангчининг танаси ерга урилганини кўрди. Вольдеморт енгилган рақибнинг сеҳрли таёқчасини четга улоқтириб, кулди.

- Ким бу? - сўради Вольдеморт, паст овозда пичирлаб, - Жанг ютқазилган бўлса ҳам, қаршилик кўрсатишга уринганларни

нима кутаётганини кўрсатиб қўймоқчи бўлган бу шоввоз ким ўзи?

- Опа-ука Кэрроуларнинг бошини оғритган Невилль Лонгботтом деганлари шу бўлади! - завқ-ла кулди Беллатрикс, - Эсингизда бўлса, анави эр-хотин аврорларнинг ўғли.

- Ҳа, эсимда, албатта, - деди Вольдеморт, ерда ётган Невиллга қараб.

Невилль қуролсиз, ҳимоясиз бўлса ҳам, омон қолган ҳимоячилар билан Ўлимдан мириқувчилар ўртасидаги бетараф ерда оёққа қалқиб турди.

- Асилзода сеҳргарлар оиласидан экансан-у, жасур йигитча? - деди Вольдеморт, қўлини мушт қилиб тугиб олганча, душманнинг кўзига тик қараб турган Невиллга.

- Асилзода бўлсам нима қилибди? - балад овозда сўради Невилль.

- Кучли ирода ва мардлик қандай бўлиши кераклигини ҳаммамизга намоён этдинг. Боз устига нуфузли сулоладан келиб чиққан экансан. Сендан жуда зўр Ўлимдан мириқувчи чиқади. Бизга сенга ўхшаганлар керак, Невилль Лонгботтом.

- Дўзах совиб, музлаб қолган куни, майли, сенга қўшилганим бўлсин! Унгача мен Дамблдор армиясида қоламан! Халойиқ маъқуллаб қичқирди.

- Жуда яхши, - деди Вольдеморт, таҳдидли оҳангда, - Модомики, бу танловинг экан, Лонгботтом, ўз режамизга, яъни бошингни ейдиган режага қайтамиз.

Вольдеморт сеҳрли таёқчасини қаттиқ силтади. Бир неча сония ўтиб, очиқ деразаларнинг биридан хунук қушга ўхшаш буюм учиб чиқиб, Вольдемортнинг қўлига илинди.

- «Хогварц» мактабида саралаш таомили энди ҳеч қачон ўтказилмайди, - эълон қилди Вольдеморт, - Мактаб факультетларга бўлинмайди. Нажиб бобом Салазар Слизериннинг рамзи ҳамма учун умумий бўлади. Шундай-ми, Невилль Лонгботтом?

Вольдеморт сеҳрли таёқчасини қақдини рост тутиб турган Невиллга ўқтаб, сараловчи шляпани кўзини тўсиб қўйган даражада бошига босиб кийдирди. Қаср қаршисидаги халойиқ қўзғалиши ҳамано, Ўлимдан мириқувчилар ўз сеҳрли таёқчаларини бирдай кўтарди.

- Ҳозир Невилль аҳмоқлик қилиб, менга қаршилиқ кўрсатишни давом этадиганлар не кўйга тушишини бизга намоён этади, - деди Вольдеморт, сеҳрли таёқчасини силтаб. Сараловчи шляпа ўт олди. Жойидан қилт эта олмаётган Невиллнинг боши ёняпти. Қий-чув кўтарилди. Гарри ортиқ бардош бера олмади. Ҳаракат бошлаш керак. Шу фурсатда бирданига бир нечта ҳодиса рўй берди. Мактабнинг узоқ сарҳадларида шовқин эшитилди. Юзлаб одамлар кўзга кўринмас девордан ошиб, қаср томон югуриб келишмоқда. Қаср тўсиқлари олдига келган Гурп овоз кўтарди:

- Хадид!

Унга қарши Вольдемортнинг давангирлари наъра тортди. Иккаласи Гурп томон кўтос-фил сингари югуриб, ерни ларзага келтирди. Мутлақо кутилмаган туёқ товушлари, камон ипларининг ғирчиллаб тортилиши-ю, Ўлимдан мириқувчилар сафига қарата отилган ўқлар ҳуштаги, яраланган Ўлимдан мириқувчиларнинг дод-фарёди эшитилди. Гарри қўйнидаги кўринмас плашини чиқариб, шартта устига ташлади-да, оёққа турди. Невилль ҳам жойидан кўзғалди. Кескин ҳаракат бажариб, боғлаш тилсими таъсиридан халос бўлди-да, бошидаги шляпани ечиб, ичидан кумуш тусда ярқираган, дастаси лаъл билан безатилган буюмни суғуриб чиқарди.

Яқинлашаётган халойиқнинг қичқириқлари, муштлашаётган давангирларнинг наъралари, кентаврларнинг оммавий ҳаракати ичида кумуш тиғнинг кескин зарби эшитилмади. Шунга қарамай, ҳамма Невиллнинг ҳаракатини кўрди. Невилль бир бор зарб бериб, илоннинг бошини чўрт чопиб ташлади. Нагайнанинг боши қасрга кириш эшигидан таралаётган ёруғлик шуъласида милтилаганча айланиб, ҳавога баланд кўтарилди. Вольдемортнинг оғзи важоҳатдан ланг очилди-ю, овозини ҳеч ким эшитмади. Илонининг танаси соҳибининг оёғи остига гуп этиб, жонсиз йиқилди.

Кўринмас плаш остига бекинган Гарри сеҳрли таёқчасини кўтарган Вольдеморт билан Невиллнинг ўртасига Тўсиш тилсимини қўллаб, девор ҳосил қилди.

Хагриднинг қичқириғи умумий шовқиндан ҳам баланд эшитилди.

- ГАРРИ! ГАРРИ! ГАРРИНИ КИМ КЎРДИ?! ГАРРИ ҚАНИ?

Ҳаммаёқ алғов-далғов бўлиб кетди. Кентаврлар Ўлимдан мириқувчиларни қийратишмоқда. Туёқларнинг гупур-гупурини бутун борлиғи ила ҳис этмаган одам қолмади. Қаерлардан яқинлашаётгани номаълум мадад кучларининг қичқириқлари тобора баланд эшитилмоқда.

Гарри Вольдемортнинг давангирлари устида қанот қоқаётган тестралларни, гиппогриф Отбургут эса ушбу давангирларнинг кўзини тимдалаб, ўйиб олишга ҳаракат қилаётганини, Гурп ҳам уларни бор кучи билан муштлаётганини, «Хогварц» ҳимоячилари билан Ўлимдан мириқувчилар қаср томон чекинишганини кўрди. У йўлида дуч келган Ўлимдан мириқувчига қарата яшин улоқтириб борди. Яраланган Ўлимдан мириқувчилар эса ким, қаердан зарба бераётганини тушунмай ерга йиқилиб, кўпчиликнинг оёғи-ю, туёғи остида қолиб кетди.

Кўринмас плаш остида бекинган Гарри Вольдемортни қидирганча, кириш эшиги томон одимлади. Ниҳоят у, юрган йўлида яшин улоқтириб, ўз малайларига кўрсатмалар берганча, Катта Зал томон ҳаракатланаётган Вольдемортни кўрди. Гарри унинг ортидан, бўлажак қурбонларини ҳимоя қилиб, Тўсиш тилсимини қўллаганча, девор ҳосил қилиб борди.

Симус Финниган билан Ханна Аббот Гаррининг ёнидан ўтиб, Катта Залда жанг қилаётганлар орасига қўшилишди. Катта Зал жанг қилаётган одамларга тўлиб бормоқда. Чарли Уэсли зумрад рангли пижама кийган Горацій Дивангардни қувиб етди. «Хогварц» ўқувчиларининг ота-оналари, ёр-биродарлари, Хогсмёд аҳолиси, дўкон сотувчилари ва бошқалар бугун умумий душманга қарши бирлашиб, бир ёқадан бош чиқарганча, жанг қилишмоқда. Кентаврлар Ронан, Бейн ва Магориан туёқларини тош полда тақиллатганча, вестибюлга отилиб киришди. Гаррининг ортида қолган ошхона эшиги ошиқ-мошиғидан узилиб тушди. «Хогварц»да ишлайдиган уй эльфлари ошхона пичоқларини силтаганча, вестибюлга югуриб чиқишди. Уларга бўйнига Регулюс Блэкнинг медальонини осиб олган Тараққос етакчилик қилмоқда. Ушбу эльфнинг даъвати ҳамманинг қулоғини қоматга келтирди:

- Жанг қилинг! Менинг соҳибим, уй эльфларининг йўлчи

юлдузи, энг биринчи химоячиси Гарри Поттер учун жанг қилинг! Жанг қилинг! Ёвуз Лордга қарши чиққан мард инсон Регулюс Блэк ҳақи жанг қилинг! Жанг қилинг! Ҳазабдан руҳи кўтарилган уй эльфлари Ўлимдан мириқувчиларнинг тўпиғи-ю, сонига пичоқ санчишга киришди. Сон жиҳатдан камайиб бораётган Ўлимдан мириқувчилар қаср химоячиларининг тазъйиқи остида чекиниб, ташқарига чиқишга мажбур бўлишмоқда. Улар улоқтирилаётган яшинлардан қочиб, баданларидан камон ўқларини суғуриб, уй эльфларининг пичоқларидан оёқлари яраланиб ёки шунчаки, жон сақлаб, қочишмоқда. Ташқарида эса уларни қаср химоясига етиб келган оламон қарши олмоқда. Бироқ «Хогварц» учун жанг ҳали тугагани йўқ. Гарри жанг қилаётганлар орасидан ўтиб, Катта Залга киришга ошиқди. Вольдеморт жанг марказида бўлиб, тўғри келган томонга яшин улоқтирмоқда. Гарри аниқ зарба бериш имкони бўлмагани учун кўринмас бўлганча, яқин бормоқда. Катта Зал эса одамга тўлиб бормоқда. Ҳамма шу ерга киришга ошиқяпти. Жорж билан Ли Жордан Якслини, профессор Флитвик эса Долоховни йиқитишди, Катта Залнинг нариги бурчагидан Хагрид улоқтирган Волгден Макнейр эса Гаррининг боши устидан учиб ўтиб, деворга урилди, бироз ёпишиб тургач, сирпаниб, полга жонсиз йиқилди.

Рон билан Невилль Фенрир Уолк устидан ғалаба қозонди. Аберфорс Руквудни батанг қилди, мистер Уэсли ўғли Перси билан ёнма-ён туриб жанг қилмоқда. Курашишни хаёлига ҳам келтирмаган Люциус билан Нарцисса Малфойлар халойиқ орасида юриб, ўғли Дракони қидиришмоқда. Юзида совуқ нафрат қиёфаси қотган Вольдеморт бирданига уч киши: Макгоннагалл, Дивангард ва Кинслига қарши жанг қилмоқда. Учаласи уни ер тишлатишга имкон топа олмай, атрофида югуриб юришибди. Беллатрикс ўз соҳибидан эллик ярд нарида уч кишига, хусусан, Гермiona, Жинна ва Лунага қарши жанг қилмоқда. Учала жангчи қиз бор имконини ишга солишмоқда. Бироқ Беллатрикс уларга бемалол бас келмоқда. Ушбу жувон қўллаган ўлдириш қарғишининг яшини Жиннанинг қулоғи остидан ўтиб кетгани Гаррининг ғазабини қайнатиб, йўналишини ўзгартиришга мажбур

қилди. Бироқ Беллатрикс томон бир неча қадам босишга улгурмай, кимдир уни четга суриб юборди.

- ТЕГМА ҚИЗИМГА, ҚАНЖИҚ!

Миссис Уэсли ридосини тез ечиб, қўлини бўшатди.

Беллатрикс жойида айланиб, янги рақиб устидан хандон отиб кулди.

- Қани чурвақалар, қочинглар, ОЁҚ ОСТИДА ЎРАЛАШМАНГЛАР!
- қичқирди миссис Уэсли, сеҳрли таёқчасини силтаганча, жангга киришиб.

Гарри ҳам даҳшат, ҳам катта завқ-ла миссис Молли Уэслининг сеҳрли таёқчасини қамчидай силтаётганини, Беллатрикснинг юзидаги кулги эса аста барҳам топиб, инграшга айланаётганини томоша қилди. Қарғиш яшинлари иккала сеҳрли таёқчадан баравар отилиб чиқмоқда.

Афсунгар аёлларнинг оёғи остидаги пол дарз кетмоқда, иккала аёл ҳаёт-мамот учун жанг қилмоқда.

- Йўқ, - қичқирди миссис Уэсли ёрдамга етиб келган ўқувчиларга, - Қочинглар, халал берманглар, ўзим уни бир ёқли қиламан!

Юзлаб одамлар иккита жангни: Вольдеморт билан унинг учта рақибни ҳамда Беллатрикс Лестранг билан Молли Уэсли ўртасида кечаётган жангни томоша қилиб, Катта Зал деворлари бўйлаб саф тизишган. Гарри эса ҳамла қилиш ва айна вақтда ҳимоя қилиш пайида ҳамон кўринмас бўлиб турибди.

- Жонингни суғуриб олсам, етимчаларингни ким боқади? - масхара ила сўради Беллатрикс, яшинларга чап берганча, миссис Уэсли атрофида гир айланиб, - Фредди равона бўлган жойга онаси ҳам жўнаб қолса, нима қишади бечораларинг?
- Энди сен ҳеч қачон болалартига қўл теккиза олмайсан! - қичқирди миссис Уэсли.

Холаваччаси Сириус аркага қулашдан олдин кулган каби, Беллатрикс ҳам қувноқ хандон отди. Бунинг оқибати нима билан тугагини Гарри фаҳмлади. Фаҳмлаши ҳамоно, кутилган ҳодиса рўй берди. Миссис Уэсли улоқтирган қарғиш яшини Беллатрикснинг эгилган қўли остидан ўтиб кўксига, нақ юрагига бориб тегди. Унинг қувноқ табассуми сўниб, кўзи косасидан чиқиб кетишига сал қолди. Қиёфасидан куни битганини англагани аён бўлди. Сония ўтиб, полга жонсиз

йиқилди. Катта Залда тўпланган халойиқнинг ҳайқириғидан нима юз берганини Вольдеморт тушуниб, кучли наъра тортди. Энди нима бўлишини Гарри олдиндан кўра билди. Вольдеморт рақиблари Макгоннагалл, Дивангард ва Кинслини қўйиб, ўз сеҳрли таёқчасини миссис Уэслига ўқтади.

- Протего! - қичқирди Гарри.

Катта Зал ўртасида зоҳиран кўринмайдиган девор ҳосил бўлиб, Вольдемортнинг яшини миссис Уэслига етиб бормади. Вольдеморт атрофга аланглаб, тилсим қўллаган кишини қидирди. Ниҳоят Гарри устидаги кўринмас плашини ечиб ташлади. Катта Зал қичқириқлардан портлаб кетгудай бўлди.

- ГАРРИ!

- ГАРРИ ЎЛМАБДИ!

- ГАРРИ ПОТТЕР ТИРИК ЭКАН!

Шовқин шу заҳоти тинди. Бир-бирига қараб турган Гарри билан Вольдеморт айлана бўйлаб аста юра бошлашди. Катта Залда йиғилган халойиқ қаттиқ чўчиб, сукунат қарор топди.

- Биров менга ёрдам беришини истамайман, - огоҳлантирди Гарри баланд овозда.

Ўлик жимжитликда унинг овози карнайдан эшитилгандай янгради.

- Уни ўзим ўлдиришим керак.

- Поттер ундай демоқчи эмас эди, - вишиллади Вольдеморт, қизил кўзи кенг очилиб, - Хўш, Поттер, бугун кимдан қалқон сифатида фойдаланасан?

- Ҳеч кимдан, - хотиржам оҳангда жавоб берди Гарри, - Бирорта ҳам руҳдонинг қолмади. Яккама-якка жанг қиламиз. Эсингдами: улардан бири, иккинчисининг қўлидан ажал топади, иккаласидан фақат бири жангдан омон чиқади?

- Иккаламиздан фақат биттамыз, - нафрат-ла кулимсиради бутун борлиғи зўриққан, қип-қизил кўзи Гаррига тикилиб қараётган Вольдеморт, илондай ҳамла қилишга ҳозирланиб, - Ўша биттамыз сен бўласан-да, а, Дамблдорнинг қўғирчоғи бўлиб, тасодифан омон қолган бола?

- Ойим менинг ҳаётимни сақлаб, ўзи ҳалок бўлгани, сенингча тасодиф-ми? - сўради Гарри.

Иккаласи айлана бўйлаб аста юриб, масофа сақлашмоқда.

Ҳозир Гаррининг кўзига Вольдемогртдан бошқа ҳеч ким кўринмаяпти.

- Қишлоқ қабристонида сен билан жанг қилганим ҳам тасодифми? Бугун эса қаршилик кўрсатмай, тек қўйиб берганим, менга қўллаган ўлдириш қарғишингдан сўнг яна омон қолиб, қаршингда турганим ҳам тасодифми?

- ТАСОДИФЛАР, - қичқирди Вольдемогрт.

У ҳамла қилишга шошилмаяпти. Иккаласини кузатиб турган халойиқ чурқ этмаяпти.

- Ҳам тасодиф, ҳам сенга берилган имконият. Энг сара эркаклар-у, аёллар ортида бекиндинг. Мен эса уларни сенинг касрингга ўлдириб боравердим.

- Бошқа ҳеч кимни ўлдира олмайсан энди. Сени тўхтатиш ва мана бу одамларни ҳимоя қилиш учун бугун ўлимга тайёр эдим, тушуняпсан-ми?

Яшил ва қизил кўзли икки рақиб бир-бирига тик қараб турибди.

- Лекин ўлмадинг!

- Ўзим хоҳлагандай иш тутдим. Онам қилган ишни қилдим. Одамлар сендан муҳофаза қилинган. Бирорта қарғишинг кор бермаётганини наҳотки сезмаётган бўлсанг? Энди сен одамларга зиён етказа олмайсан. Бирортасига қўл теккиза олмайсан. Ўз хатоларингдан сабоқ олишга қодир эмассан, сен, Реддль. Шундай эмасми?

- Қандай журъат этяпсан?!

- Журъат этаман, Том Реддль, журъат этаман. Сен кўп нарсаларни билмайсан. Мен эса сенинг хаёлингга ҳам келмаган кўплаб ўта муҳим нарсаларни билман, - жавоб берди Гарри, - Навбатдаги хатога қўл уришингдан олдин, улардан бирортасини эшитишни истайсан-ми?

Вольдемогрт индамади, лекин орадаги масофани қисқартирди. Гаррига нималар маълум эканлиги билиш истаги уни ҳамладан тийиб турибди.

- Яна ўша муҳаббат-ми? Яна ўша эски гап-ми? - масхараомуз оҳангда сўради Вольдемогрт, илон башарасини буриштириб, - Эски ҳаммом, эски тоз. Ҳаром ўлган Дамблдорнинг севимли ашуласи. Унинг фикрича, муҳаббат ўлимни жиловлар эмиш. Лекин негадир ўша меҳр-муҳаббат уни минорадан қулаб, мумдан ясалган эски буюмдай пачоқ бўлишдан асраб

қолмади! Онангни суваракдай эзиб ўлдирган қўлимни меҳр-муҳаббат тўхтата олмади, Поттер. Бу гал сени жондан ортиқ яхши кўрадиган, менинг ўлдириш қарғишимдан сақлаш учун ўзини сенга қалқон қиладиган одам топилмайдиган кўринади. Хўш, ҳозир ҳамла қилсам, ажалдан нима сақлаб қолади энди сени?

- Ягона бир нарса, - жавоб берди Гарри.

Иккаласи бир-бирига ўқрайганча, айлана бўйлаб юришибди.

- Модомики, ҳозир сени меҳр-муҳаббат асраб қолмас экан, демак, сен мен билмаган сеҳр-жоду қўллай оласан ёки менинг қуролимдан қудратли қурол соҳибсан, шундайми?

- Фикримча, униси ҳам, буниси ҳам бор менда.

Илон башарада кўринган ларза қиёфаси бир зумда ғойиб бўлди. Вольдеморт хандон отди. Ушбу овози унинг қичқириғидан ҳам хунук эшитилди. Ақлдан озган кишининг қаҳқаҳаси жимжитлик ҳукм сурган Катта Залда акс-садо бўлиб янгради.

- Сеҳр-жоду қўллаш борасида ўзингни мендан-да кучли деб биласанми? - деди Вольдеморт, - Дамблдорнинг ўзи уддалай олмай, орзу қилганча ўлиб кетган сеҳр-жодуни қўллай биладиган мен - Лорд Вольдемортдан-а?

- У кўп нарсаларни орзу қилган, - деди Гарри, - Лекин у сендан фарқли ўлароқ, жуда кўп нарсаларни билган, сен содир этган жиноятларга қўл уриш мумкин эмаслигини ҳам сендан яхши билган.

- Яъни заиф бўлган, демоқчисан, - овоз кўтарди Вольдеморт, - Журъат этгани иродаси заифлик қилган, ўзиники қилиб олиши мумкин бўлган нарсани олишга қўрқоқлик қилган.

- Йўқ, у сендан анча ақллироқ бўлган. Сеҳргар сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам сендан анча кучли бўлган.

- Ўша кучли сеҳргар Альбус Дамблдорнинг ўлимига мен сабабчи бўлганман!

- Сен шундай деб ўйлагансан, лекин чуқур янглишгансан. Халойиқ илк бор қўзғалиб, юзлаб одамлар бирдай нафас олгани эшитилди.

- Дамблдор ўлган! Қаср ҳудудидаги мрамор гўрда ётибди. Ўзим очиб кўрдим, Поттер. У қайтмайди!

- Тўғри, Дамблдор ўлган, - хотиржам жавоб берди Гарри, - Бироқ унинг вафот топишига сен сабабчи бўлмагансан, Том. У

Ўлимидан анча олдин ўзининг вафот топиш усулини, ўладиган ойини ўзи танлаб, гўё сенинг садоқатли хизматкоринг саналган одам билан бирга моҳирона ташкиллаштирган.

- Кеча кўрган тушингни айтиб беряпсан-ми, дейман, - деди Вольдеморт.

- Северус Снегг ҳеч қачон сенинг хизматкоринг бўлмаган, Том. Онамни таъқиб қила бошлаган кунингдан эътиборан у фақат Дамблдорга бўйсуниб келган. Сабаби эса яна ўша, сенинг ақлинг етмайдиган меҳр-муҳаббат. Снеггнинг Ҳимоячисини ҳеч кўрганмисан, Реддль?

Вольдеморт индамади. Иккаласи бир-бирини ғажиб, йиртиб ташлашга тайёр бўрилардай ҳамон айланиб, суҳбатлашмоқда.

- Снеггнинг Ҳимоячиси онамнинг Ҳимоячиси каби урғочи буғи шаклини касб этган. Чунки иккаласи қўшни бўлиб, Снегг ойимни болалигидан севиб келган. Буни сен, агар тушуниш қобилиятинг бўлганда албатта, фаҳмлашинг керак эди, - деди Гарри, Вольдемортнинг бурун катаклари кенгайиб кетганини кўриб, - Лили Поттернинг ҳаётини сақлаб қолишни сендан илтимос қилган эди у, эсингдами, Реддль?

- Нияти бузуқ бўлгани учун сўраган, - жирканч тишини кўрсатганча кулди Вольдеморт, - Онанг ўлганидан кейин, муносиб асилзода аёллар борлигини тан олган...

- Сенга шундай деган, тўғри. Аслида эса ойимнинг ҳаётига таҳдид қилишни ният қилган кунингдан эътиборан Дамблдор манфаатида жосуслик қилиб борган. Ўша кундан бошлаб Снегг сенга қарши ишлаган! Снегг шундоқ ҳам ўлаётган, вақти-соати етган Дамблдорнинг жонини олган холос!

- Энди бунинг аҳамияти йўқ, - қулоқни қоматга келтирганча бақирди, Гаррининг сўзларини диққат билан тинглаб, энди ваҳшиёна хохолаган Вольдеморт, - Снегг менинг хизматкорим бўлганми, Дамблдорга малайлик қилганми, иккаласи ўтириб, менга қарши бир нарсалар ўйлаб топишганми, аҳамияти йўқ энди! Снеггнинг жавобсиз муҳаббати, дея тахмин қилинган онангнинг боши сингари, Снегг билан Дамблдорнинг ҳам бошларини янчиб ташланганман. Лекин бунда, сенинг ақлинг етмайдиган бир маъно бор, Поттер. Дамблдор Катта сеҳрли таёқчани мендан

узоқроқ сақлашга уринган. Унинг режасига кўра, Снегг Катта сеҳрли таёқчага эга чиқиши керак бўлган, кўринади. Бироқ таёқчага мен сендан олдин етиб бордим, болакай. Ҳақиқатни сендан олдин англаб етдим. Северус Снеггни мен уч соат муқаддам ўлдирдим. Демак мен, Катта сеҳрли таёқча, Қирғин таёқчаси, Тақдир таёқчасининг ҳақиқий соҳибига айландим. Дамблдорнинг сўнгги режаси ўнгмади!

- Гапинг тўғри, - деди Гарри, - Бироқ мени ўлдиришингдан олдин, қилган қилмишларинг ҳақида ўйлаб кўришни маслаҳат бераман... Яхшилаб ўйлаб, тавба қилишга уриниб кўр, Реддль...

- Тушунмадим?

Гарри айтган гаплар, кутилмаган янгиликлар тарозининг бир палласини босгандай бўлса, бу гап иккинчи палласини босди. Вольдеморт ларзага келди, кўз қорачиғи кенгайиб, юзи баттар оқарди.

- Бу сенга бериладиган сўнгги имкон, - деди Гарри, - Бошқа ҳеч нарсанг қолмаган... Бошқа ҳолатда қай аҳволга бўлишингни кўрдим... Эркакмисан, эркаклигингча қол... уриниб кўр... Тавба қил...

- Қандай журъат этяпсан?!

- Ҳа, мен бемалол журъат эта оламан. Чунки Вольдемортнинг сўнгги режаси менга эмас, ўзингга зарба берди, Том Реддль. Вольдемортнинг Катта сеҳрли таёқча ушлаган қўли қалтирай бошлади, Гарри эса Драконинг собиқ сеҳрли таёқчасини маҳкам ушлаб турибди.

- Қўлингдаги Катта сеҳрли таёқча ўз кароматини талаб даражасида кўрсатмайди. Чунки сен аҳмоқ, бошқа одамнинг бошини егансан. Северус Снегг ҳеч қачон Катта сеҳрли таёқчанинг соҳибни бўлмаган. У ҳеч қачон Дамблдор устидан ғалаба қозонмаган.

- Снегг Дамблдорни...

- Қаеринг билан эшитяпсан ўзи сен, гапларимни? Такрор айтаман, Снегг ҳеч қачон Дамблдор устидан ғалаба қозонмаган. Дамблдорнинг вафот топиши иккаласи режалаштирган иш бўлган! Катта сеҳрли таёқчанинг сўнгги соҳибни бўлмиш Дамблдор бировдан енгилмай ўлишга тайёр бўлган эди! Агар иш режалаштирилгандай кечганда, Катта сеҳрли таёқчанинг кучи Дамблдор билан бирга сўнар эди,

чунки таёқча ундан куч-ла тортиб олинмаганча қолган бўлар эди!

Вольдемортнинг овози ёвуз мамнунлик-ла титраб эшитилди.

- Мен эса сеҳрли таёқчани сўнгги соҳибининг гўридан ўғирлаб чиқдим! Соҳибининг сўнгги хоҳиш-истагига қарамай, ўзим билан олиб кетдим! Демак, унинг қудрати менинг измимда!

- Сен ҳеч нарсани тушунмабсан, Реддль. Ё ақлинг етмаяптими? Катта сеҳрли таёқчага эга бўлишнинг ўзи камлик қилади! Уни қўлига олган, қўллаган киши Катта сеҳрли таёқчанинг ҳақиқий соҳибига айланиб қолганини англатмайди. Олливандер айтган гап маъзини уқиб кўришга ҳеч уриниб кўрганмисан? Таёқча ўз соҳибини ўзи танлайди... Катта сеҳрли таёқча ўзининг янги соҳибини Дамблдор ўлмасидан олдин тан олган. Бироқ янги соҳиби таёқчани бирор марта бўлсин, қўлига олмаган! Дамблдорни куч қўллаб қуролсизлантирган янги соҳиб нима иш қилиб қўйганини, хусусан, Катта сеҳрли таёқчани ўзига бўйсундириб қўйганини мутлақо билмаган...

Вольдемортнинг кўкраги баланд кўтарилиб-тушмоқда. Унинг ичида ўлдириш қарғиши шаклланиб, Гаррининг юзига ўқталадиган сеҳрли таёқчага катта куч-ла яқинлашаётганини Гаррининг ўзи ҳам деярли ҳис этмоқда.

- Катта сеҳрли таёқчанинг ҳақиқий соҳиби Драко Малфой бўлган.

Вольдемортнинг башарасида ларза қиёфаси кўринди-ю, бир зумда ғойиб бўлди.

- Хўш, нима қилибдишунга? - деди Вольдеморт мулойим овозда, - Дейлик, сен ҳақ бўлиб чиқдинг. Фарқи нима? Қақнус патидан ясалган таёқчанг йўқ. Жанг натижаси иккаламизнинг маҳоратимизга боғлиқ бўлади холос... жонингни суғуриб олганимдан кейин, Драко Малфойга бироз вақт ажратаман...

- Кеч қолдинг, нодон, - деди Гарри, - Бундай имкониятни аллақачон қўлдан бой бериб бўлгансан. Драconi мен бир ҳафта муқаддам енгганман. Унинг сеҳрли таёқчасини жангда тортиб олганман.

Катта Залдаги ҳалойиқ Гаррининг қўлидаги дўлана таёқчага қаради.

- Шундай экан, масала аён, - пичирлади Гарри, - Соҳиби қуролсизлантирилганини қўлингдаги сеҳрли таёқча биладими? Агар биладиган бўлса... Катта сеҳрли таёқчанинг ҳақиқий соҳиби мен эканлигимни ҳам биледи.

Сеҳрланган шифтдан кутилмаганда қизил ёруғлик шуъласи тушди. Айти вақтда, яқин ўртадаги дераза тоқчаси узра қуёш чети кўринди. Ёруғлик нури иккала рақибнинг юзига тушиб, Ёвуз Лорднинг танаси олов тилидай кўринди.

Вольдемортнинг баланд овозини эшитган Гарри ҳам Драконинг сеҳрли таёқчасини рақибга ўқтаб, овоз кўтарди.

- Авада Кедавра!

- Экспеллиармус!

Зарба замбаракдан ўт очилгандай янгради. Вольдемортнинг яшил яшини Гарри улоқтирган яшинга рўбару келди. Айлана бўйлаб ҳаракат доирасининг марказида тўқнаш келган олов тиллари тилла тусда портлаб ёнди. Ўзининг ҳақиқий соҳибини ўлдирмайдиган Катта сеҳрли таёқча Нагайнанинг боши каби, ҳавога баланд кўтарилиб, сеҳрланган шифт остида айланганча, Сайёдлик маҳоратини намоён этган соҳибининг қўлига илинди.

Вольдеморт орқага учиб, қўли қайрилган ҳолатда ерга гумбурлаб тушди. Катта Залнинг полига чўзилган Том Реддлнинг танаси бўшашиб, мушаклари қисқарди, қизил кўзининг қорачиғи орқага тортилди, илон башарасида бирон бир қиёфа кўринмай, жони узилди. Вольдемортни ўзининг сапчиб қайтган яшини ўлдирди. Қўлида бир жуфт сеҳрли таёқча ушлаган Гарри эса душманнинг жон беришини кузатиб турди.

Сукунатнинг титроқ сониялари аста ўтиб борар экан, фурсатнинг ларзага келиши бироз чўзилди. Ўлик жимжитлик ҳукм сураётган Катта Зал ҳайқириқ, наъра ва гулдурос қарсақлардан портлаб кетгандай бўлди. Янги чиққан қуёш дераза ойналаридан акс этиб, кўзни қамаштирди. Гаррига яқинлашиб келаётган халойиқ орасидан отилиб чиққан Рон билан Гермiona уни маҳкам қучоқлаб, нималар деб бақирганини тушуниб бўлмади. Жинна, Невилль, Луна югуриб келишди, Уэслиларнинг ҳаммаси қуршаб олишди, Хагрид, Кинсли, Макгоннагалл, Флитвик ва Сарсабил хоним келиб қутлашди. Ким нима деяётганини Гарри англай

олмаяпти, кимлардир уни қучяпти, кимдир қўлини сиқяпти, ҳамма, ҳамма Омон қолган болага қўл теккизишга интиляпти. Ниҳоят ҳаммаси тугаганидан ҳамма беҳад қувоняпти.

Қуёш уфқ ортидан тўлиқ чиқиб, «Хогварц»ни ёритди. Катта Залда ёруғлик ва ҳаёт қайнаяпти. Гарри шод-хуррамлик ва ғам-ғусса ифодаси, қайғу ва байрам тантанасининг дахлсиз қисмига айланди. У сеҳргарлар жамиятининг етакчиси, рамзи, халоскори, йўлчи юлдузига айланиб, одамлар уни ҳамма жойда бирга бўлишини хоҳлашяпти, бироз ётиб ухлаб олишни орзу қилаётгани, айримлар билан гаплашиб олиши кераклиги ҳеч кимни қизиқтирмаяпти. Ундан оғир жудоликка учраганларга бир оғиз сўз айтиб, қўлларини сиққанча, ҳамдардлик билдириб ўтиш, одамларнинг чексиз миннатдорлигини қабул қилиш, ҳар хил янгиликлардан, хусусан, мамлакат ҳудудидаги қарам қилиш қарғиши таъсирида бўлганлар ўзларига келаётгани, Ўлимдан мириқувчилар юртни ташлаб, хорижга қочаётганлари, аксарияти қўлга олинаётгани, айбсиз қамалганлар Азкабандан озод қилинаётгани, Кинсли Кандальер Сеҳргарлик вазири лавозимини вақтинча бажараётгани каби хабарлардан воқиф бўлиш талаб этиляпти.

Одамлар Вольдемортнинг мурдасини бошқа хонага, Фред, Бомс, Люпин, Колин Криви ва яна эллик нафар «Хогварц» химоячиларининг жасадларидан узоқроққа чиқариб ташлашди. Профессор Макгоннагалл факультетларнинг узун столларини жойига, Катта Залга қайтарди. Бироқ метиндек сафлари жангда жипслашган одамлар бугун факультетларга бўлинмай, аралашиб ўтиришди. Ҳамма ва ҳамма нарса аралашиб кетди. Ўқитувчи ва ўқувчилар, арвоҳлар ва ота-оналар, кентаврлар ва уй эльфлари аралашиб ўтиришди. Соғлиги тикланаётган Фиренцга бурчакка жой тўшаб берилди. Синган деразадан ичкарига қараётган Гурпнинг кулиб очган оғзига одамлар егулик ташлашмоқда. Анча вақт ўтиб Гаррининг ёнига Луна келиб ўтирди.

- Сенинг ўрнингда бўлганимда бироз жимлик ва тинчликни истаган бўлар эдим, - деди қиз.

- Жуда истайман.

- Ундай бўлса, ҳозир мен ҳаммани чалғитаман, сен плашингдан фойдалан.

Гарри сўз айтишга улгурмай, Луна нариги томондаги деразалардан бирини кўрсатганча, баланд қичқирди:

- О-о-о! Анави йигитнинг барнолигини қаранг!

Ҳамма кўрсатилган томон юзланди. Гарри кўринмас плашини устига ташлаб оёққа турди. Энди у Катта Залдан ҳеч нарсага чалғимай чиқиб кетиши мумкин. Иккита стол нарида бошини онасининг елкасига қўйиб ўтирган Жиннани кўрди. У билан ҳали улгуради соатлаб гаплашишга. Эҳтимол кунлаб, балки йиллаб гаплашар.

Невилль Гриффиндор қиличини ликопининг ёнига қўйиб, мухлислар даврасида овқатланиб ўтирибди. Бир четда Малфойлар оиласи афтидан, иккиланиб турибди: ушбу даврада бўлиши керакми, улар, ёки йўқ? Лекин ҳеч ким ушбу эр-хотин ва ўғил фарзандга эътибор ҳам қилгани йўқ. Қаёққа қарамасин, ҳамма жойда оилалар бирлашмоқда. Ниҳоя Гарри, қидириб юрган жуфтликни топди.

- Бу мен, - пичирлади Гарри, - Ортимдан юринг.

Учовлон Катта Зални тарк этди. Мармар зина поғоналарининг йирик бўлаклари, нақшинкор панжаранинг деярили ярми йўқ. Ҳар қадамда катта-кичик тош бўлаклари, қон доғлари учрамоқда. Аллақайси йўлакда Дрюзг ўзи тўқиган ғалаба қўшиғини ҳиргойи қилиб юрибди:

Волди ўлди, Поттер ютди

Ғолиб чиқдик душман устидан.

Қувна арвоҳ, қилма оҳ-воҳ,

Қайғу кетсин сеҳр юртидан.

- Дарҳақиқат, бўлиб ўтган ишлар кўлами ва фожиавийлигини ифода эта билибди, - фикр билдирди Рон, Гарри билан Германионани олдинга ўтказар экан.

«Бахтиёрлик ҳисси кейинроқ келади», хаёлдан ўтказди Гарри. Ҳозир унинг қалби Фред, Люпин ва Бомснинг ўлими туфайли азоб тортиб, жисмонан оғримоқда. Шу билан бирга, у, ўзини қандайдир енгил ҳис этиб, тўйиб ухлашни орзу қилмоқда. Лекин олдин, ҳаммаша бирга бўлган дўстлари Рон билан Германионага бор гапни айтиб, тушунтириб бериши керак. Улар ҳақиқатни билишга ҳақлидирлар.

Гарри дўстларига хотира чиғаноғида кўрганларини, ўрмонда

нима бўлганини қунт билан сўзлаб берди. Учовлон ниҳоят, гарчи қай томон йўл олинганини ҳеч ким айтмаган бўлса-да, кўзланган жойга етиб келди. Мактаб директорининг хизмат хонасига олиб чиқадиган айланма зинани тўсиб қўриқлайлиган аждар тусли тош илоннинг кайфи ошиб, сал нарига сурилиб олибди. Тош илоннинг пароль сўраши-ю, жавобини билишига Гарри шубҳа қилди.

- Хонага кирмоқчимиз, майлими? - сўради у, тош илондан.

- Бемалол, - жавобан минғирлади ҳайкал.

Учовлон эскалатор каби секин ҳаракатланадиган айланма зина бўйлаб юқорига чиқди. Эшикни туртиб очган Гарри аста ичкарига кирди. Хотира чиғаноғи қаерда қолдириб кетган бўлса, ўша ерда турибди. Кутилмаганда хонада қулоқни қоматга келтирадиган шовқин-сурон кўтарилди. Биринчи бўлиб хаёлга келган фикр Вольдемортнинг тирилиб тургани-ю, Ўлимдан мириқувчиларнинг ёпирилиб киргани бўлди... Йўқ, ушбу шовқин собиқ директорларнинг олқишлари, гулдурос қарсаклари экан. Портретларда тасвирланган эркак ва аёллар бош кийимлари, улама сочлари, ҳассаларини силтаб, Гаррини қарши олишмоқда, қўл сиқишиб, бир-бирини табриклашмоқда, Эверард, Дилис каби айрим директорлар ўз курсиси ёки столига чиқиб, рақсга тушишмоқда. Армандо Диппет хўнграб йиғламоқда, бурни қизил семиз директор Декстер Фортескью қулоққа тутадиган эшитиш карнайини портрет рамкасига уриб, ҳайқирмоқда. Пиний Нигеллий эса баланд овозда бақирди:

- Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Слизерин факультети ҳам умумий ғалабага муносиб ҳисса қўшди! Ёрдамимиз унутилмас?!

Бироқ Гарри директор курсисининг орқасида осифлиқ турган энг катта портретга қарамоқда холос. Қариянинг кўз ёши ярим ой шаклидаги кўзойнаги ортидан кумуш тусли узун соқоли томон тинмай оқмоқда. Донинг юзидаги фахр ва миннатдорлик қиёфаси Гаррининг вужудига қақнус нолишининг малҳамдай таъсири каби таъсир ўтказмоқда. Гарри қўлини кўтаргач, портретлар иззат-икром кўрсатиб, жим бўлишди, юзлари яшнаб, Гаррининг сўз айтишини кутишди. Гарри ҳар бир сўзини диққат-ла танлаб, Дамблдорга мурожаат қилди. Ниҳоятда толиққан бўлишига қарамай, сўнгги маслаҳат олиш учун бор кучини жамлади.

- Тилла чаққон ичига бекитилган буюмни ўрмонда тушириб қўйдим, - гап бошлади Гарри, - Қаерда йўқотиб қўйганимни аниқ билмайман-у, лекин уни қидириб топишга уринмайман ҳам. Тўғри қиламан-ми?

- Ҳа, болагинам, тўғри қиласан, - жавоб берди Дамблдор, - Оқил ва мард кишининг қарори. Бундан ортиқ бўлиши мумкин ганам эмас. Бошқа ҳеч ким бимайдими, қаерда тушириб қўйганингни?

- Ҳеч ким билмайди.

Дамблдор мамнуният-ла бош ирғиди.

- Лекин Игнотуснинг тухфасини ўзимга олиб қоламан.

- Албатта, - яшнади Дамблдор, - Кейинги авлодга топширгунигга қадар умрбод сеники бўлганча қолади, у.

- Мана бу нарса ҳам бор, - деди Гарри, Катта сеҳрли таёқчани узатиб.

Рон билан Гермиона сеҳрли таёқчагагангитадиган туш кўргандай, эҳтиром-ла қарашди.

- Лекин мен унга соҳиблик қилишни истамайман, - деди Гарри.

- Нима? - овоз кўтарди Рон, - Чарчаб, томинг кетиб қолмаганми, ишқилиб?

- Унинг қудратли эканлигини биламан, - деди Гарри толиққан оҳангда, - Бироқ мен ўз таёқчам билан бахтиёр биламан ўзимни. Шундай экан...

Гарри бўйига осилган эшак тери қопчаси ичидан ўн бир дюймли, найзабарг билан қақнус патидан ясалган сеҳрли таёқчасининг синган бўлақларини чиқариб, директорнинг ёзув столига қўйди. Гермионанинг фикрича, ушбу сеҳрли таёқчани таъмирлаб бўлмайди. Агар Катта сеҳрли таёқча ҳам ҳеч нарса қила олмаса, демак чиндан ҳам таёқча билан хайрлашиш керак бўлади. Гарри Катта сеҳрли таёқчани ўз таёқчасига ўқтади.

- Репаро.

Синган сеҳрли таёқча бўлақлари бир-бирига уланиб, учидан қизил учқун сачратди. Мақсадга эришилди. Қақнус патидан ясалган сеҳрли таёқчасини қўлига олган Гарри ёқимли илиқлик ҳис этди. Сеҳрли таёқчаси билан қўли яна учрашганидан хурсанд бўлишгандай, гўё.

- Катта сеҳрли таёқча қаердан олинган бўлса, ўша ерга

жойлаб қўяман, - деди Гарри, катта қизиқиш-ла қараб турган Дамблдорга, - Агар мен Игнотус каби ўз ажалим билан ўлсам, Катта сеҳрли таёқчанинг қудрати барҳам топади, тўғрими? Чунки олдинги соҳиби ҳеч қачон мағлуб бўлмаган. Дамблдор бош ирғиди. Иккаласи бир-бирига кулиб боқди.

- Қароринг тўғри эканлигига ишончинг комилми? - сўради Рон, Катта сеҳрли таёқчага зўр қизиқиш-ла қараб.
- Фикримча, Гаррининг қарори тўғри, - деди Гермиона.
- Фойдасидан кўра зиёни кўп, бу таёқчанинг, - деди Гриффиндор минорасидаги каравоти ва Тараққос у ерга егулик келтириб бериши ҳақида ўйлаган Гарри, портретларга тескари ўгирилиб, - Тўғриси айтсам, бошдан ўтган муаммолар умримнинг охиригача етади!

ХОТИМА

Куз бу йил кутилмаганда кириб келгандай, гўё. Биринчи сентябрь тонги салқин бўлиб, теварак-атроф олма сингари тилла тус касб этган.

Кичик бир оила шовқинли кўчани кесиб ўтиб, дуд босган вокзал томон йўл олган. Эр-хотин биттадан аравача суриб боришмоқда. Аравачалар устидаги қафаслар тинмай титраётгани боис, ичига қамалган домангир бойқушлар дод солиб, чириллашмоқда.

Акаларидан олдинга чиққан малла сочли қизалоқ йиғлаб, отасининг енгидан тортди.

- Сабр қил қизим, оз қолди. Сен ҳам борасан, - овулган бўлди уни Гарри.

- Оз қолди, дейсиз. Яна икки йил бор-у! - ҳиқиллади Лили, - Мен бугун кетгим келяпти.

Ўткинчи одамлар тўққизинчи ва ўнинчи платформалар орасидаги тўсиқ томон бораётган ушбу оилага таажжуб-ла қараб ўтишмоқда.

Альбуснинг овозини эшитган Гарри хаёлини йиғиб олди.

Унинг ўғиллари машинада бошланган баҳсни ҳамон давом этишмоқда.

- Хоҳламайман Слизеринда ўқишни, хоҳламайман, вассалом!

- Бас қил, Жеймс! - койиб берди Жинна.

- Ёмон гап айтмадим-у! Ўша факультетга тушиб қолишинг мумкин, дедим холос, - эътироз билдирди Жеймс, - Тўғрими,

ахир?! Уни Слизеринга...

Онасининг нигоҳини кўрган Жеймс жим бўлди.

Беш кишидан иборат Поттерлар оиласи тўсиқ қаршисига етиб, тўхтади. Укасига истеҳзоли кулиб боққан Жеймс аравачасини онасининг қўлидан олди-да, тўсиқ томон югуриб, фурсат ўтмай, кўздан ғойиб бўлди.

- Хат ёзиб турасизми, менга? - сўради Альбус, акаси кўринмай қолгач.

- Истасанг, ҳар кун ёзамиз, - жавоб берди Жинна.

- Йўқ, шарт эмас ҳар кун ёзиш, - деди Альбус, - Акам айтишича, аксарият ўқувчиларга бир ойда бир марта хат келар экан уйдан.

- Ўтган йили Жеймсга ҳар ҳафтада учтадан хат йўллаб борганмиз.

- Акангнинг «Хогварц» ҳақидаги ҳар қандай гапига ишонаверма, - қўшимча қилди Гарри, - Биласан сен билан ҳазиллашишни яхши кўради у.

Ота-ўғил аравачани бирга суриб, аста тезлик олишди. Тўсиқ орқали ўтишар экан, Альбус бироз сесканди. Тўқнашув рўй бермагач, бола тинчланди.

Поттерлар оиласи «Хогварц-Экспресс» поездидан бурқсиб чиқаётган қалин буғ қамраган тўққиз бутун тўртдан учинчи платформага чиқди. Оппоқ буғ орасида у ёқ, бу ёқ ўтаётган одамлар шарпаси кўринмоқда. Жеймс қаёққадир ғойиб бўлган.

- Акам қани? - сўради Альбус, туман ичра атрофга аланглаб.

- Ҳозир топамиз, - ишонтирди Жинна.

Буғ ҳосил қилган туман шу қадар қалин-ки, одамларни таниш қийин кечмоқда. Уларнинг овозлари ғайритабиий баланд эшитилмоқда.

- Ана улар, Ал, - деди Жинна.

Туман пардаси ортида базўр кўринаётган тўрт киши энг охирги вагон ёнида турибди. Уларнинг юзлари Гарри, Жинна, Лили ва Альбус яқин боришгандагина кўринди.

- Салом, - паст овозда саломлашди Альбус қариндошлар билан.

Яп-янги «Хогварц» ридосини кийган Роз Альбусга юзланди.

- Уддалай олдингми, машинани тўхташ жойига ўрнатишни? - сўради Рон Гарридан, - Мен уддаладим. Магларнинг

хайдовчилик гувоҳнамасини олиш учун имтиҳон топшира олишимга Гермионанинг кўзи етмади. Тўғрими? Имтиҳон оладиган йўриқчига Конфундус қўллашимдан қўрқди.

- Ёлғон. Имтиҳонни мустақил топшира олишингга ишонганман, - эътироз билдирди Гермиона.

- Тўғриси айтсам, - пичирлади Рон, Гарри иккаласи Альбуснинг чамадони билан бойқушини вагонга ортар экан, - Мен ростдан Конфундус қўлладим. Ён томон кўзгусига қараб қўйишни унутган эмишман. Ҳис этиш тилсимидан фойдаланаётганимни қаердан билсин, у.

Иккаласи платформага тушиб, Лили билан Рознинг укаси Хьюго вақти келиб, «Хогварц»га ўқишга боришса, қайси факультетда ўқишлари борасида баҳслашаётганини кўришди.

- Агар Гриффиндорда ўқимайдиган бўлсанг, сени меросдан маҳрум қиламан, - деди Рон, хотиржам оҳангда.

- РОН!

Лили билан Хьюго кулиб юборишди, Альбус билан Роз эса сўз айтмай, Ронга қараб қўйишди.

- Даданг ҳазиллашяпти, - деди Гермиона.

Туман бироз сийраклашиб, вагон ёнида уч киши кўринди.

- Қаранг, ким келганини.

Қора ридосининг тугмасини томоғигача бўғиб таққан Драко Малфой хотини ва ўғли билан келибди. Альбус ўзининг отаси Гаррига қандай ўхшаса, Дракониинг ўғли ҳам отасига шундай ўхшабди. Драко Гарри билан саломлашди. Ўқрайиб турган Рон, Гермиона ва Жинна ҳам бош ирғиб қўйишди.

- Унинг чаёнчаси ҳам мактабга борар экан-да, бу йил, - деди Рон, чуқур уф тортиб, - Ишончим комилки, ҳар қандай синовда ундан устун келасан, Роз. Худога шукурлар бўлсинким, онангнинг миясини мерос олгансан.

- Худо ҳақи, Рон! Болалар ҳали мактабга етиб боришмасдан, бир-бирига адоват руҳида қарашга ундама! - деди Гермиона, ярми ҳазил, ярми чин оҳангда.

- Тўғри айтасан, узр, - деди Рон ва ўзини тия олмаган кўринади, қўшимча қилди: - Шундай бўлишига қарамай, улардан нари юр, Роз. Агар асилзода сеҳргарга турмушга чиқадиган бўлсанг, Уэсли бобонг сендан жуда хафа бўлади. - Шу ердамисизлар! - топилиб келди Жеймс.

У ўзининг чамадони билан бойқушини жойлаб, энди кўрган-билган янгиликлари билан тезроқ ўртоқлашмоқчи.

- Ҳўв анави ерда Тэдди турибди! - деди у, қўлини туманга узатиб, - Ҳозиргина кўриб қолдим! Биласизми, нима қиляпти у? Виктория билан ўпишяпти!

Жеймс диққат билан қараб, катталар янгиликдан таъсирланмаганини кўрди.

- Тушундингизми, ўзи, нима деганимни? Бизнинг Тэддимизни, Тэдди Люпинни айтяпман! Бизнинг Викториямиз билан ўпишяпти!... Тэддидан нима қилаётганини... сўрадим.

- Халал бердингми? Тоғанг Ронга торгансан-да! - аччиқланди Жинна.

- ... Викторияни кузатгани келганини айтиб, мени қувиб юборди... - деди Жеймс, ҳаяжонини яшириб, - Иккаласи бир-бирини...

- Яхши бўлади-ку, опамга уйланса, - фикр билдирди янгиликдан ҳаяжонланиб кетган Лили, - Шунда Тэдди чиндан ҳам, оиламизнинг ҳақиқий аъзосига айланади!

- Шундоқ ҳам, ҳафтада тўрт марта кечки овқатга келяпти, - деди Гарри, - Биз билан яшашни таклиф қилиб кўриш керак унга.

- Тўғри! - завқланиб кетди Жеймс, - Ал билан бир хонада яшашга қарши эмасман. Тэдди эса менинг хонамга кўчиб киради.

- Уйимизни бузиб ташлашга қарор қилган куним, Ал иккалангга бир хонада яшашга рухсат бераман, - деди Гарри, - Ўша кунгача ҳар бирингиз ўз хонангизда яшаб туринг. Соат ўн бир бўлиб қолди, вагонга чиқинглар.

- Яхши кўришимизни Невиллга айтиб қўй, - деди Жинна, Жеймсни қучиб.

- Ойи, қандай қилиб профессорга, уни биров яхши кўришини айтаман?!

- Невилль бегона эмас бизга, яхши танийсан-ку, уни!

- Мактабдан ташқари жойда, ҳа, - кўзини кўтарди Жеймс, - Мактаб ҳудудида эса, биз учун у профессор Лонгботтом! Томдан тараша тушгандай, олдига бориб, биров уни яхши кўришини айтмайман-ми, гербология дарсида?!

Онасининг гап уқмаслигидан аччиқланган Жеймс аламини укасидан олишга қарор қилди.

- Кўришгунча, Ал. Тестраллардан огоҳ бўл.

- Улар кўзга кўринмайди, деб ўйлаган эдим. Ўзинг айтган эдинг-ку, кўринмас бўлади улар, деб?

Кулаётган Жеймс ўзини онасига ўптириб, отаси билан қўл бериб хайрлашгач, вагонга чиқди-да, синфдошларини кўриб, вагон йўлаги бўйлаб югурди.

- Тестраль кўриш ҳақида ўйламасанг ҳам бўлаверади, гарчи улар жуда беозор бўлса-да, - деди Гарри, - Нима қилган тақдирда ҳам, бугун сизлар мактаб ҳудудига аравада эмас, қайиқда сузиб кирасизлар.

- Рождествода учрашгунча, Ал, - ўпиб хайрлашди Жинна боласи билан.

- Кўришгунча, - ўғлини бағрига босди Гарри, - Ёдингдан кўтарилмасин, Хагрид сени кейинги жумага чойга таклиф қилган. Дрюзг билан олишма. Амалий кўникманг яхши шаклланмагунча, дуэлда олишма. Жеймснинг ҳазилларига ҳам кўп эътибор бераверма.

- Слизеринга... тушиб қолсам, нима бўлади?

Аёнки, паст овозда талаффуз этилган ушбу савол фақат ота берилган. Гарри Альбус билан юзма-юз бўлиб чўккалаб ўтирди. Уч нафар фарзандидан фақат Альбусгина Лилининг кўзини мерос олган.

- Альбус Северус, - деди Гарри, фақат Жинна эшитиши мумкин бўлган паст овозда.

Жинна ўзини эшитмаган кўйга солиб, вагонга чиққан Розига қўл силтамоқда.

- Сенга «Хогварц»нинг икки буюк директорлари шарафига исм берилган. Улардан бири Слизеринни тамомлаган бўлиб, мен таниган одамлар орасида энг жасури бўлган.

- Лекин...

- У ҳолда Слизеринга зўр бир ўқувчи келган бўлади, шундай эмасми? Биз учун бу нарсалар муҳим эмас, Ал. Лекин сен учун муҳим экан, Гриффиндор факультетини танлашинг мумкин. Сараловчи шляпа сенга шундай имкон беради.

- Ростданми?

- Менга берган, - ишонтирди Гарри.

Гарри бу гапни илгари ҳеч қайси фарзандига айтмаган эди, ҳозир эса Альбуснинг юзида таажжуб кўринди.

Эшиклар ёпилиб, ота-оналар сўнгги бор фарзандларини

t.me/pottermanlar

ўпаётган пайтда Альбус ҳам вагонга сакраб кирди. Жинна эшикни ёпди.

Вагондан бош чиқарган ўқувчилар, ҳаммаси бирдай Гаррига бақрайиб қолишди.

- Нега ҳамма бизга қараяпти? - сўради Альбус, Роза билан бирга бўйин чўзиб.

- Эътибор қилма, - жавоб берди Рон, - Менга қарашаяпти одамлар. Чунки мен ниҳоятда машҳур одамман.

Альбус, Роза, Хьюго ва Лили кулию юборишди. Поезд ҳаракат бошлади. Гарри ўғлининг ҳаяжондан қизариб бораётган юзига қараганча, вагон билан ёнма-ён борди.

Куз ҳавоси буғ пағаларини тарқатди. Поезд муюлиш ортига ўтиб, кўринмай қолди. Хаёли ўғли билан бирга кетган Гарри эса ҳамон қўл силтамоқда.

- Ҳаммаси яхши бўлади, - деди Жинна.

Гарри хотинига қараб, қўлини туширганча, пешонасидаги яшин зигзаги шаклидаги чандиғини уқалаб қўйди.

- Биламан, Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади.

Мана ўн тўққиз йилдир-ки, чандиқ Гаррини безовта қилмаяпти.

Ҳаммаси яхши.

Таржимон Шокир Зокирович Долимов

21 октябрь 2017 йил.

Соат 11.11

«ГАРРИ ПОТТЕР» АСАРИНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ ҲАҚИДА

Сеҳргар бола Гарри Поттер ҳақидаги етти қисмли асар асосида суратга олинган 8 серияли янги фильм оиламизга, айниқса, ўша йили эндигина 3- синфда ўқиётган кенжа ўғлим Шоҳжаҳонга жуда манзур бўлган эди. Ўзига чиройлигина сеҳрли таёқча ясаб олган Шоҳжаҳон акаси Бобуржондан фильм ёзилган дискни қаердан бўлмасин, топиб келишни қатъий «илтимос» қилиб юрди. Ниҳоят топилди ўша диск. «Гарри Поттер»нинг 1- сериясини кўриб ўтирар эканмиз, катта ўғлим Бобуржон асарнинг рус тилидаги матнини

Admin: @Sarvarbek9777

Ўқигани, мазкур фильм чала, айрим жойлари эса мутлақо нотўғри суратга олинганини маълум қилди.

Фильмнинг ашаддий мухлиси, «поттероман» бўлиб қолган Шоҳжаҳон акасидан ўша китобни унинг олдида қайтадан ўқиб, бобма-боб таржима қилиб беришни сўради. Сўрашга сўради-ю... менга, яъни мудофаа ва хавфсизлик соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар матнини давлат тилига ўгирадиган, фаолияти халқаро, миллий ва ҳарбий хавфсизлик, замонавий уруш ва ҳарбий ҳаракатлар, қуролли кураш воситалари ва шу каби бошқа бир қатор масалаларга доир матнларни таҳрир қилиш билан боғлиқ бўлган отасига ўтинч ва илтимосга тўлган нигоҳ-ла қаради.

Устасига фарқи йўқ. Шанба ва якшанба кунларини фарзандлар илтимосининг ижросига сарф этдим. Дастлабки боблар таржимасини эшитган бола жуда завқланди. Табиийки, бошқа «поттероман»ларга, яъни ўз синфдошларига асар борасидаги батафсил билими билан мақтанди. Синфдошлари эса ундан таржима матнини қоғозга босиб келишни илтимос қилишди. Боланинг ушбу илтимосини бажарар эканман, юртимиз ёшлари хорижлик замондошларидан ортда қолишига йўл қўйиб бўлмаслигини ўйлаб, бир хулосага, у ҳам бўлса, модомики асар шунчалик оммалашган, қизиқарли китоб экан, уни ўзбек ёшларига таржима қилиб бериш керак, деган хулосага келдим.

Шундай қилиб, 2009 йилдан буён ҳарбий хизмат мажбуриятлари ижросидан бўш вақтимда фарзандларимиз, юртимиз ёшлари учун фойдадан холи бўлмаган иш билан шуғулланишга аҳд қилдим ва Буюк Британиялик болалар ёзувчиси Жоанна Кетлин Роулинг қаламига мансуб бўлиб, россиялик таржимон Мария Викторовна Спивак томонидан рус тилига ўгирилган «Гарри Поттер» асарини таржима қилишга киришдим.

Таржима жараёнида жонажон она тилимизнинг чексиз бойлигидан самарали фойдаланиш, ёш китобхоннинг гўзал

тилимизга бўлган эътибори, ҳурмати ва муҳаббатини қўллаб-қувватлашга қўлдан келганча ҳаракат қилдим. Иш давомида ёшларимиз учун нотаниш бўлган терминлар, ўлчов бирликлари, Европа халқлари таомларининг номлари ва шу кабиларга қисқа маълумотнома мазмунидаги изоҳ ва тушунтиришлар бериб бордим.

Мазкур асарни ўқиган китобхон ишончим комилки, мураккаб ҳаётнинг жуда кўп жиҳатлари, яхши-ёмонлиги, оқ қораси, ёвузлик ва бағри тошлик билан эзгулик ва меҳр-шафқат ўртасидаги мангу курашдан оз бўлса-да хабардор бўлади, кўплаб қизиқарли маълумотлардан бохабар бўлиб, билими янада ошади.

Таъкидлаб ўтишим жоизки, блогимга муқаддам киритилган таржима матнларини вақти-вақти билан оз-оздан таҳрир қилиб борганман. Бинобарин, асарнинг блогдаги матни билан қўлимдаги файллар матни ўртасида бироз фарқ бор.

Худо хоҳласа, таржима матни китоб шаклида чоп этиладиган бўлса, матн яна бироз таҳрир қилиниши табиий.

Ўғлим Шоҳжаҳоннинг фикрича, асар қаҳрамонларининг исмлари фильмдаги исмларидан кўп фарқ қилмаслиги шарт экан. Мисол учун, М. Спивак таржимасида асар қаҳрамонлардан бирининг исми Огрид бўлса, фильмда Хагрид, одамларнинг тегишли тоифаси китобда «муғл» дейилган бўлса, фильмда «мағл» дейилган ва ҳ. Илож қанча, итоат қилишга тўғри келди. Зеро, меҳнатим маҳсули айни шу бола ва унинг тенгқур юртдошлари, бошқа давлатларда яшаётган ўзбекзабон замондошларига бағишланган.

Савол туғилди: хўп, асарни таржима қилдим дейлик, таржима матнини китобхонга қандай етказаман? Ўша йиллари «Орзу армонга айланмасин» деб номланган сайт бўлар эди. Асарни таржима қилаётганимдан хабар топган сайт маъмури мен билан боғланиб, таржима матнини китобхонларга бобма-боб кўрсатиб бориш таклифини киритди.

2010 йилнинг июль ойида «Гарри Поттер» асарининг I қисми, яъни «**Гарри Поттер ва Фалсафий тош**» таржимасини ниҳоясига етказдим (Arial -14 шрифтида 240 саҳифа) ва бу ҳақда қўшимча равишда «uForum.uz»да 18 июль куни эълон бердим. Форумдошлардан таржима матни борасида фикр-мулоҳазалар билдириб боришларини илтимос қилдим.

Китобхонлар ўз кўзига ишонмай, «Орзу армонга айланмасин» сайтида навбатдаги боблар, боблар кетидан кейинги қисмларни яна ва яна сўрайверишди, электрон почтам мухлислардан келган илтимослар, баъзан талабларга тўлиб кетди. Уларнинг аксарияти, модомики, ушбу ишга қўл урибман, охиригача етказишимни илтимос қилишди.

2011 йилнинг январь ойида «Гарри Поттер» асарининг II қисми, яъни «**Гарри Поттер ва Махфий хона**» таржимасини ниҳоясига етказиб (Arial -14 шрифтида 234 саҳифа), китобхонлар эътиборига «Орзу армонга айланмасин» сайтида ҳавола этдим ва бу ҳақда яна «uForum.uz»да эълон бердим.

2011 йилнинг май ойида «Гарри Поттер» асарининг III қисми, яъни «**Гарри Поттер ва Азкабан маҳбуси**»ни таржима қилиш ишларини ниҳоясига етказиб (Arial -14 шрифтида 299 саҳифа), китобхонлар эътиборига ҳавола этдим.

2011 йилнинг август ойида «Гарри Поттер» асарининг IV қисми, яъни «**Гарри Поттер ва Оташли жом**» таржимасини ниҳоясига етказдим (Arial -14 шрифтида 498 саҳифа).

Бироқ таржималарим китобхонлар эътиборига ҳавола этиб борилган «Орзу армонга айланмасин» сайтнинг юритилиши, унга янги боблар киритилиши ўша йилнинг август ойидан буён негадир тўхтатилган эди. Тегишли саволлар билан мурожаат қилган хатларим ҳам жавобсиз қолди.

t.me/pottermanlar

Шу боис, оддийгина блог яратдим-да, унга асар таржимасининг китобхонлар эътиборига муқаддам ҳавола этилган учта қисми, хусусан «Гарри Поттер ва Фалсафий тош», «Гарри Поттер ва Махфий хона», «Гарри Поттер ва Азкабан маҳбуси» ва тўртинчи қисми: «Гарри Поттер ва Оташли жом»ни жойладим ва бу ҳақда «uForum.uz» ҳамда фейсбукдаги саҳифамда эълон бердим.

2012 йил декабрь ойида «Гарри Поттер» асарининг V қисми, яъни «**Гарри Поттер ва Қақнус ордени**»ни таржима қилиш ишларини ниҳоясига етказиб (Arial -14 шрифтида 661 саҳифа), китобхонлар эътиборига ҳавола этдим ва одатдагидек, бу ҳақда яна «uForum.uz» ва фейсбукдаги саҳифамда эълон бердим.

2013 йили асарнинг таржима қилинган барча қисмлари ўша вақтда мавжуд бўлган электрон кутубхонага кирилл ва лотин имлоларида киритилди. Лекин ўша электрон кутубхона менга номаълум сабаблар туфайли ишламай қўйди.

2015 йил август ойида «Гарри Поттер» асарининг VI қисми, яъни «**Гарри Поттер ва чала зот Шаҳзода**»ни таржима қилиш ишларини ниҳоясига етказиб (Arial -14 шрифтида 413 саҳифа), блог саҳифалари орқали китобхонлар эътиборига ҳавола этдим ва бу ҳақда яна «uForum.uz» ва фейсбукдаги саҳифамда эълон бердим.

Мана ниҳоят, 2017 йил октябрь ойининг 21 санасида, яъни юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 28 йиллигига тухфа сифатида «Гарри Поттер» асарининг сўнгги VII қисми, яъни «**Гарри Поттер ва Ажал тухфалари**»ни таржима қилиш ишларини ниҳоясига етказиб (Arial -14 шрифтида 478 саҳифа), блог саҳифалари орқали эътиборингизга ҳавола этмоқдаман.
Марҳамат, қадрли китобхон, ўқинг ва завқланинг!

Таржимон **Шокир Зокирович Долимов**

2017 йил 21 октябрь

Admin: @Sarvarbek9777